– آدَمِيَّةٌ 1) одам (инсон) табиати; 2) одам қадр-қиймати, одамлик қадри (шаъни); 3) инсоният, башарият; 4) инсонийлик, одамийлик, мурувватли, маданиятли

– أُدْمٌ, إِدَامٌ *кўп* أُدُمٌ нонхўрак, (нонга) қўшиб ейиладиган нарса; ~ أَكَلَ الْعَيْشَ بِلَا ноннинг ўзини емоқ

– أَدَّامٌ 1) кўнчи; 2) тери билан савдо қилувчи киши, терифуруш

– أُدْمٌ аҳиллик, иттифоқлик

– أَدَمَةٌ, أَدَمٌ тери, терининг устки қатлами

– أُدْمَةٌ терининг қора рангли бўлиши, қорачадан келганлик,

буғдой ранглилик

– أُدُمٌ *кўп* أَدْمٌ 1) кунжутли ёки седанали нон; 2) тери, ◊ ~ الْعَبْرَاء ёки ~ الْأَرْضِ ер пўстлоғи, қобиғи, устки қатлами, тупроқ; ~ السَّمَاء осмон, само; ~ الصُّورَة сувратнинг туб ранги (фон)

– إِدَاوَةٌ *кўп.* أَدَاوَى теридан ишланган сув идиши (*таҳорат қилиш учун*)

أَدٍ *қар* أَدَاةٌ

أُدُونٌ хўжайин

I (أَدَى) أَدَّى 1) ҳақ (пул) тўламоқ, ҳисоб-китоб қилмоқ; ~ الدَّيْنَ қарзни узмоқ, қарзни тўламоқ; 2) бажармоқ, амалга оширмоқ, қилмоқ; ~ الْامْتِحَان имтиҳон топширмоқ; ... ~ حِسَابًا عَنْ ... ҳақида ҳисоб бермоқ; ~ رِسَالَتَهُ ўз ваколатини бермоқ; ~ الْخِدْمَةَ хизмат кўрсатмоқ; ~ الْخِدْمَةَ الْعَسْكَرِيَّة армия хизматини (аскарий хизматни) ўтамоқ; ~ الدَّوْر роль бажармоқ (ижро этмоқ); ~ السَّلَام ёки التَّحِيَّةَ салом бермоқ, *ҳарб.* честь бермоқ; ~ الشَّهَادَةَ гувоҳлик бермоқ; ~ فَرِيضَةَ الصُّبْحِ эрталабки фарз намозини ўқимоқ; ~ فَرِيضَةَ الْحَجِّ ҳаж фарзини адо этмоқ; ~ وَاجِبَهُ ўз бурчини бажармоқ; ~ الْيَمِينَ онт (қасам) ичмоқ, қасамёд қилмоқ; 3) (маъно-мазмунни) баён қилмоқ, билдирмоқ, 4) (*қаергадир, н.нингдир*) олдига бошлаб бормоқ (إِلَى); ~ عَوَاقِبَ وَخِيمَةً إِلَى таҳликали (хавфли) оқибатларга олиб келмоқ; V تَأَدَّى (*н.гадир*) етиб бормоқ (إِلَى), ~ إِلَى الْفَنَاء у ўлим ёқасига бориб қолди; ~ إِلَى السَّمْعِ қулоққа етиб келмоқ (*товуш ва ҳ.к.лар ҳақида*); X اسْتَأْدَى талаб қилмоқ

– أَدَاءٌ тўлов, тўланадиган сумма; ~ الضَّرَائِبِ солиқ тўлаш; 2) бажариш, амалга ошириш; ~ حُسْنُ الْـ яхши бажариш; ~ الْأَصْلِ матн (текст) мазмунини айтиб бериш; ~ الْقَسَمِ қасамёд қилиш

– تَأْدِيَةٌ амалга ошириш, бажариш; ~ الْخِدْمَةِ الْعَسْكَرِيَّة ҳарбий хизматни ўтаганлиги ҳақида шаҳодатнома

– مُؤَدًّى маъно, мазмун, моҳият, ... وَصَلَنَا خَبَرٌ مُؤَدَّاهُ أَنَّ ... биз шундай ахборот олдикки, унинг асосий маъноси ... дир

إِذْ шундай экан; ундай бўлганда; тўсатдан; إِذْ ذَاكَ ўшанда, ўша вақтда; إِذْ أَنَّ чунки

إِذَا ... ганда, ... ми, ... са; (*шунингдек:* ~ ما), ~ كَانَ هُنَالِكَ سَأَلَنِي у мендан бу ишда бирор хатар йўқми эканлигини сўради; ~ لَا ... шу холосми; ~ مَا қачонки, ... ~ وَ ... ـــ هُوَ бирдан у ... олдида, тўсатдан у

إِذًا *ёки* إِذَنْ хуллас, демак, хулоса қилиб айтганда, ундай пайтда, ундай вақтда, у ҳолда; ~ وَ мана ...

آذَارُ март

أُذْرَةٌ = أُدْرَةٌ

I (أَذَنَ) أَذِنَ[1] (а) أَذَنٌ (*н нидир*) эшитмоқ (لِـ); أَذِنَ[2] (а) إِذْنٌ (*к гадир*) изн бермоқ, рухсат бермоқ (لِـ); أَذُنَ[3] (а) أُذْنٌ (*бирор н.ни*) билмоқ (بِـ); II أَذَّنَ азон айтмоқ (чақирмоқ), намозга таклиф этмоқ; ~ أَذَانَ الْفَجْرِ (الصُّبْحِ) эрталабки (бомдод) намозига чақирмоқ; (*н. биландир*) сигнал (хабар) бермоқ (بِـ); ~ بِالرَّحِيلِ жўнаш ҳақида сигнал (ишора) бермоқ; ◊ ~ فِي مَالْطَةَ фойдасиз, бефойда иш қилмоқ; IV آذَنَ 1) (*н.ҳақдадир*) маълумот бермоқ, хабар қилмоқ; дарак бермоқ, (*н нидир*) эълон қилмоқ (بِـ); 2) азон айтиб намозга чақирмоқ; V تَأَذَّنَ (*н.ҳақдадир*) ҳаммани хабардор қилмоқ (بِـ); X اسْتَأْذَنَ (*н нидир*) қилмоққа розилик, рухсат сўрамоқ (فِي), (*к дандир*) киришга рухсат сўрамоқ (عَلَى), (*к дандир*) кетишга рухсат сўрамоқ (مِنْ)

– آذَانٌ 1) сигнал; 2) семафор

– أَذَانٌ азон, намоз ўқишга чақириш

– إِذْنٌ *кўп* أُذُونٌ 1) изн, рухсат, розилик, اللهُ ~ ـــ Оллоҳ изн берса, Оллоҳ рози бўлса, Оллоҳ хоҳласа; 2) ордер, бона (*вақтинча пул вазифасини бажарувчи қоғоз*); лицензия (*товар олиш ёки сотиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома*); بَرِيدٍ ~ почта орқали жўнатилган пул

– أُذُنٌ[1] *мн. кўп* آذَانٌ 1) қулоқ, الْـ~ الْوُسْطَى ўрта қулоқ; 2) қулоқ, даста (*мас., кўзанинг*); банд; ◊ آذَانُ الْفَأْرِ бўтакўз; آذَانُ الدُّبِّ *бот* айиқ қулоқ, إِنَّهُمْ آذَانٌ مُصْغِيَةٌ улар диққат билан қулоқ солишга тайёрдирлар, أَغَارَ ~ صَاغِيَةً سَدَّ سَدَّ ~ *қар* سَدَّ أُذُنَيْهِ عَنْ أَنْ يَسْمَعَ ... (*н.гадир*) қулоқ солмоқ, диққат қилмоқ, (*н нидир*) эшитмоқ, لَمْ يَجِدْ ~ وَاعِيَةً унга ҳеч ким қулоқ солмади, فَتَحَ ~ أُذُنَيْهِ бировнинг гапига қулоқ солмоқ, маслаҳатига кирмоқ; أُذُنَيْهِ عَلَى ~ ухламоқ, ҳеч нарса билан шуғулланмаслик; أُذُنَيْهِ إِلَى اسْتَغْرَقَ فِي النَّوْمِ донг қотиб ухламоқ

– أُذُنٌ[2] *кўп* أُذُنُونَ ҳаммага қулоқ солаверадиган, ~ رَجُلٌ ҳаммага қулоқ солаверадиган одам

– أُذُنِيٌّ, أُذْنِيٌّ қулоққа оид, қулоққа тегишли

– أُذُونٌ катта қулоқли, шалпангқулоқ

– أُذُونَاتٌ *кўп* أُذُونٌ *дан, қар.* إِذْنٌ 1) банк буйруқлари, 2) ордерлар, боналар, лицензиялар, (الْاسْتِيرَاد) أُذُونَاتُ التَّصْدِيرِ экспорт (импорт) лицензиялари

– أُذَيْنٌ *анат.* юрак бўлмаси

– أُذَيْنَةٌ кичик қулоқ, қулоқча

– إِيذَانٌ хабар (хабардор) қилиш, билдириш, эълон қилиш, ~ (*н.ҳақдадир*) эълон қилиб (بِـ)

– مَأْذَنَةٌ *кўп* مَآذِنُ мезана, азон айтиш жойи

– مَأْذُونٌ 1) қози вакили; никоҳлаш ва уни бекор қилиш ваколатини олган шахс; 2) лицензиат

– مَأْذُونِيَّةٌ 1) рухсат, ижозат, изн; 2) йўл қўймоқлик, ижозат берилмоқлик; 3) қози фаолияти доираси, ҳудуди, чегараси; 4) мустақиллик; 5) таътил

– مُؤَذِّنٌ 1) намозга чақирувчи, ундовчи, таклиф қилувчи, даъват қилувчи; 2) муаззин

– مِئْذَنَةٌ *кўп.* مَآذِنُ = مَأْذَنَةٌ

– مُسْتَأْذِنٌ рухсат (изн) сўровчи; ◊ ؟~ кетишга рухсат (изн) берасизми? (*хайрлашув пайтида айтилади*)

I أَذِيَ (*а*) أَذًى 1) алам, азоб чекмоқ; 2) зарар кўрмоқ; IV آذَى азобламоқ, азоб бермоқ, қийнатмоқ, азият чектирмоқ, хафа қилмоқ; V تَأَذَّى алам, азоб чекмоқ; 2) зарар кўрмоқ; 3) (*н.дандир*) хафа бўлмоқ, норози бўлмоқ (بِـ)

– أَذًى, أَذِيَّةٌ 1) оғриқ, дард, алам, азоб, уқубат, кулфат, заҳмат, жафо, азият; хафагарчилик, дилсиёҳлик; 2) нохушлик; 3) зарар, зиён

– إِيذَاءٌ азоб (жафо, уқубат, озор) бериш, жабр-жафо қилиш

– مُؤْذٍ *мн.* مُؤْذِيَةٌ зарарли, зиён келтирувчи, غَيْرُ الْـ~ـى зиёнсиз, заҳматсиз

قَرَه كُوزٌ = أَرَاجُوزٌ

آرَامِيٌّ аромийларга оид; اللُّغَةُ الْـ~ـةُ *ёки* الْـ~ـةُ аромий тили

أَرَاوِلَةٌ хризантема (*декоратив маданий ўсимлик ва унинг гули*)

أَرَاوِلَةٌ = أَرَاوِيَةٌ

I (أرب) أَرِبَ (*а*) أَرَبٌ 1) фаҳмли бўлмоқ, идрокли бўлмоқ, зийрак бўлмоқ; 2) уста, чаққон бўлмоқ; أَرَبَ (*и*) أَرْبٌ тугун боғламоқ; III آرَبَ ўзаро эпчил бўлмоқ, ўзаро чаққон бўлмоқ; V تَأَرَّبَ 1) тугулмоқ, боғланмоқ; 2) мураккаблашмоқ; تَ~ عُقْدَةُ الْحَبْلِ *маж.* масала (иш) мураккаблашди, чигаллашди; 3) овруполашмоқ, овруполаштирилмоқ

– أَرَبٌ *кўп.* آرَابٌ 1) мақсад, хоҳиш; 2) эҳтиёж, истак

– إِرْبٌ[1] эпчиллик, малака, уқув, маҳорат

– إِرْبٌ[2] *кўп.* آرَابٌ бадан аъзоси, қисми; اً~ اً~ قَطَّعَهُ бирор нарсани майда-майда бўлакларга ажратиб ташламоқ; اً~ اً~ مَزَّقَهُ бирор нарсани майдалаб ташламоқ

– أَرَبٌ[3] = أَرَبٌ

– أُرْبَةٌ *кўп.* أُرَبٌ 1) тугун; 2) бўйинбоғ, галстук

– أُرْبِيَّةٌ чот, чов, бут

– أَرِيبٌ 1) қобилиятли, истеъдодли, зеҳни баланд, фаросатли, фаҳмли, идрокли, зийрак; 2) эпчил, чаққон; 3) ақлли, оқил

– مَأْرَبٌ *кўп.* مَآرِبُ мақсад, хоҳиш, истак, майл, интилиш, иштиёқ, ният

– مَأْرُبَةٌ, مَأْرَبَةٌ, مَأْرِبَةٌ мақсад, орзу, истак

– أُرْبُونٌ *кўп.* أَرَابِينُ = عُرْبُونٌ

أُرْبِيَانٌ, إِرْبِيَانٌ креветка (*денгизда яшайдиган майда қисқичбақанинг бир тури*)

أَرْتُوَازِيٌّ: بِئْرٌ ~ـةٌ артезиан қудуғи

أَرْتِيسْتٌ артист

(أرث) II أَرَّثَ ёқмоқ (*мас*, *ўтни, душманлик оловини*), V تَأَرَّثَ аланғаланмоқ, оловланмоқ, ёниб кетмоқ

– وِرْثٌ *қар.* ورث

– إِرْثِيٌّ *қар.* ورث

أُرْثُوذُكْسِيٌّ 1. 1) православиега оид; الْـ~ـةُ православие; 2) ортодоксал (*мустаҳкам эътиқодга оид*); 2. 1) ортодокс (*мустаҳкам эътиқод*); 2) ортодоксия (*мустаҳкам эътиқодлилик*)

I أَرِجَ (*а*) أَرَجٌ أَرِيجٌ муаттар бўй таратмоқ, ёқимли бўй таратмоқ; V تَأَرَّجَ = I

– أَرِجٌ хушбўй, муаттар

– أَرِيجٌ *кўп.* أَرَائِجُ ёқимли бўй, муаттар ҳид

أَرْجَحَ тебратмоқ; تَأَرْجَحَ 1) тебранмоқ, омонат ҳолда турмоқ; ~ عَلَى حَافَّةِ الْحَرْبِ уруш ҳолатига яқинлашиб турмоқ; 2) жасоратли бўлолмаслик; 3) ўзгармоқ (*фикр ҳақида*)

أُرْجُوَانٌ 1) тўқ қизил ранг, тўқ қизил рангли бўёқ; 2) *бот.* арғувон

– أُرْجُوَانِيٌّ тўқ қизил рангга оид, арғувоний; ~ صَخْرٌ *мин.* порфир (*қурилиш материали сифатида ишлатиладиган тоғ жинси*)

(أرخ) II أَرَّخَ 1) число (ой, кун) қўймоқ; 2) тарих ёзмоқ; ~ لِحَيَاتِهِ (*к нингдир*) таржимаи ҳолини ёзмоқ

– تَأْرِيخٌ, تَارِيخٌ *кўп.* تَوَارِيخُ 1) число, ой-кун; ~ بِلَا числосиз; ~ حَسَبَ حُدُوثِهَا хронологик тартибда; 2) вақт, давр, эра; 3) тарих; ~ الْحَدِيثُ янги тарих; ~ الْقَدِيمُ қадимий тарих; ~ الْأَدَبِ адабиёт тарихи; ~ مَا قَبْلَ الـ тарихгача бўлган давр; жуда қадимий; ~ نَفْسُهُ يُعِيدُ الـ тарих такрорланади; ~ يَبْقَى هَذَا مَعَ الـ бу тарихда қолади, бу тарихга кириб қолади; 4) хроника, солнома; ҳикоя; ~ الْحَيَاةِ биография, таржимаи ҳол

– تَأْرِيخِيٌّ тарихий

– تَأْرِيخِيَّةٌ тарихийлик

– مُؤَرَّخٌ числоланган, ой-куни кўрсатилган; فِي الْبُرُوتُوكُولِ الْـ~ ... ... куни ёзилган протокол

– مُؤَرِّخٌ тарихчи, солномачи

أَرْخَبِيلٌ архипелаг (*бир-бирига яқин турган ороллар тизими*)

أَرْدَبٌّ, إِرْدَبٌّ *кўп.* أَرَادِبُّ, أَرَادِبُّ ардибб (6 وَيْبَةٌ *ёки 197,75 литрга тенг бўлган Миср ўлчов бирлиги*)

أُرْدُنِّيٌّ 1. Иорданияга оид; *тар.* Трансиорданияга оид; 2. Иордания кишиси, иорданиялик; *тар.* трансиорданиялик

أُرْدُوَازٌ шифер; аспидли сланец (*қатлам-қатлам қора рангли минерал тоғ жинси*); ~ لَوْحٌ тошатахта, тошлавҳа; ~ قَلَمٌ грифель, тошқалам (*тошатахтага ёзадиган қалам*)

أُرْدِيٌّ урду; اللُّغَةُ الـــ~ـــةُ ёки урду тили

I أَرَزَ (*у, и*) أَرْزٌ, أُرُوزٌ қайтмоқ, аслига қайтмоқ; إِنَّ الْإِسْلَامَ لَيَأْرِزُ إِلَى الْمَدِينَةِ كَمَا تَأْرِزُ الْحَيَّةُ إِلَى جُحْرِهَا *ҳад.* ислом дини ҳам Мадинаи мунавварага қайтади

– أَرْزٌ *жам.* кедр (*нина барглиdарахт*); الـــ~ السَّرْمَدُ доим кўкариб турувчи кедр; ~ لُبْنَانَ Ливан кедри; ~ الـــ اخْضِرَارُ гуллаш, яшнаш

– أَرْزَةٌ кедр (*дарахт*)

– أَرْزِيَّةٌ тилоғоч (*нина барглилар туркумига мансуб дарахт*)

– أُرُزٌّ гуруч; مُفَلْفَلٌ بِالشَّعِيرِيَّةِ ~ қалампир (гармдори), мурч солинган гуруч ва вермишелдан тайёрланган овқат; الـــ~ الْأَبْيَضُ оқланган гуруч; الـــ~ الشَّعِيرُ шоли, янчилмаган шоли

– أُرُزَّةٌ *кўп.* ـــاتٌ оқушоқ (*гуруччинг майдалари, ушоқлари*)

أَرَسَ (*и*) أَرْسٌ ғаллакорлик билан шуғулланмоқ

– أَرِيسٌ *эск.*, ғаллакор (деҳқон)

أَرِسْطَالِسُ Арасту

أَرِسْطُقْرَاطِيٌّ 1) аристократияга, оқсуякларга, аслзодаларга, зодагонларга оид, 2) аристократ, оқсуяк, аслзода, зодагон

– أَرِسْطُقْرَاطِيَّةٌ 1) аристократияга оид; 2) аристократлар

(أرش) II أَرَّشَ 1) (*ўт*) ёқмоқ, ёндирмоқ; 2) (*к.ларнидир орасига*) нифоқ солмоқ (بَيْنَ)

– أَرْشٌ хун, ўлдирилган одам учун тўланган товон, бадал

أَرْشَمَنْدْرِيتٌ *кўп.* أَرْشَمَنْدْرِيتِيَّةٌ архимандрит (*монастир руҳонийларининг олий унвони*)

أَرْشِيفٌ архив, кўҳна ҳужжатлар сақланадиган махсус муассаса, бирор идора бўлими

I أَرِضَ (*а*) أَرَضٌ (*бирор н.ни*) қурт емоқ; أُرِضَتِ الْخَشَبَةُ ёғочни қурт еди, ёғочга қурт тушди; II أَرَّضَ *эл.* ерга уламоқ, ерга туташтирмоқ

– أَرْضٌ *мн. кўп.* أَرَاضٍ, أَرْضُونَ 1) ер, қуруқлик; ~ تَحْتَ الـــ а) ер остида; б) ер остига оид; ~ بِكْرٌ ёки عَذْرَاءُ қўриқ; ҳеч ким яшамайдиган ер сатҳи, бўш жой, бўшлиқ; الـــ~ الْمُقَدَّسَةُ Фаластин; ~ الْمِيعَادِ жаннатосо (бориб кўриш орзу қилинадиган) жой; الـــ~ الْخَضْرَاءُ 1) эқиладиган ер майдони; 2) ер курраси; 3) майдон, территория; 4) мамлакат; 5) тупроқ; ~ الْوَطَنِ ватан; 6) тупроқ (*шуниндек:* кўч.м.); ~ ... لِـــ хосият учун яхши шароит; 7) пол (*мас, хонадаги*); 8) *спорт.* майдон, майдонча; ~ مَلْعَبٍ цирк майдони

– أَرَضَةٌ *кўп.* أَرَضٌ *зоол.* 1) термит, кир чумоли, оқ чумоли (*иссиқ мамлакатларда яшовчи зарарли ҳашарот*); 2) қурт, чувалчанг

– أَرْضِيٌّ 1) ерга оид; الْكُرَةُ الـــ~ـــةُ ер курраси; الْمَاءُ الـــ~ـــ тупроқости, ерости суви, сизот сувлар; 2) дунёвий (одам); 3) ерда битадиган; ~ شَوْكِيٌّ *бот.* овқат учун ишлатиладиган резавор ўсимлик; 4) ер устидаги; ~ دَوْرٌ пастки қават

– أَرْضِيَّاتٌ *кўп.* 1) дунё неъматлари; 2) дунёвий фикр, ўй, хаёл

– أَرْضِيَّةٌ 1) ер, пол; 2) сақлов учун тўланган ҳақ; 3) (*расм, суврат*) фони; 4) ўриш (*матодаги*)

– أَرِيضٌ 1) кенг; 2) ўсимликка бой

– مَأْرُوضٌ қурт еган, қурт тушган; ~ حَشَبَةٌ қурт еган ёғоч, қурт тушган ёғоч

أُورْطَةٌ = أُرْطَةٌ

أُرْغُنٌ *кўп* أَرَاغِنُ *муз.* арғунун, орган

أُرْغُونٌ *ким.* орган (*газ ҳолидаги мазасиз ва ҳидсиз кимёвий элемент*)

أَرِقَ (*а*) أَرَقٌ 1) бедор бўлмоқ, ухламаслик; бедорликдан, уйқусизликдан қийналмоқ; 2) сариқ касали билан оғримоқ, касалланмоқ; II أَرَّقَ бедорликка, уйқусизликка олиб келмоқ, сабаб бўлмоқ; ухлатмаслик, ухлашга қўймаслик, уйқу бермаслик; IV آرَقَ = II

– أَرَقٌ бедорлик, уйқусизлик; دَفَعَ الـــ~ـــ уйқусизликни даф қилмоқ

– أَرِقٌّ 1) бедорликдан, уйқусизликдан қийналувчи (азоб чекувчи); 2) уйқусиз

– أَرَقَانٌ 1) *мед.* сариқ касаллиги; 2) (*ўсимликка тушадиган*) шира

– أَرْقَةٌ *жам.* أَرَقٌ шира, ўсимлик бити

– يَرَقَةٌ = أَرَقَةٌ

– مَأْرُوقٌ сариқ касали билан оғрувчи

أَرَاكٌ арок (*туялар ейдиган яхтоққа ўхшаш бута*)

أَرْكِيلَةٌ *кўп.* نَرْجِيلَةٌ = أَرَاكِيلُ

أَرِيكَةٌ *кўп.* أَرَائِكُ 1) тахт; 2) диван; супа; кат; ~ الْخَلْفِ орқа ўриндиқ (*автомашинада*); 3) чимилдиқ

إِرْلَنْدِيٌّ 1. Ирландияга оид; 2. ирландиялик

I أَرَمَ (*и*) أَرْمٌ тишламоқ, емоқ, еб қўймоқ, еб олмоқ

– إِرَمٌ *кўп.* آرَامٌ йўл ва кўча ёқасидаги тош

– أَرْمٌ *кўп.* أُرُومٌ озиқ тиш; ◊ ... حَرَّقَ الْأُرَمَ عَلَى ...га тиш қайрамоқ; حَرَّقَ الْأُرَمَ مِنْ شِدَّةِ الْغَيْظِ ғазабдан тиш ғижирлатмоқ, ғирчиллатмоқ

– أَرْمَةٌ *кўп.* أَرَمَاتٌ лавҳа, вивеска (*идора, корхона ёки дўконнинг номи ёзилиб, осиб қўйиладиган ёзув*)

– أُرُومَةٌ, أَرُومَةٌ, أَرُومٌ 1) илдиз, тўнка; 2) келиб чиқиш, насаб, насл-насаб; ~ الـــ بِلَا فَرْقٍ فِي келиб чиқишидан қатъий назар

أَرْمَنُ *жам.* арман

– أَرْمَنِيٌّ 1. Арманистонга оид, арманга оид; الـــ~ـــةُ арман тили; 2. арман

أَرِنَ (*а*) أَرَنٌ, إِرَانٌ қизғин, жўшқин, хушчақчақ бўлмоқ

– إِرَانٌ[1] қизғинлик, жўшқинлик, хушчақчақлик

– إِرَانٌ[2] *кўп* أُرُنٌ замбил, катафалк(а) *(дафн маросимида тобут қўйиладиган замбарак аравaси. б) черковда тобут ўрнатиладиган супа)*

– أُرْنَةٌ сузма, творог

أُرْنَاوُوطٌ, أُرْنَاوُوطٌ *жам* албанлар, албанияликлар

– أُرْنَاوُوطِيٌّ 1) Албанияга оид, албанларга оид; 2) *кўп* أَرَانِطَةٌ албанлар

أُرْنَبٌ *кўп.* أَرَانِبُ: أَهْلِيٌّ ~ қуён; بَرِّيٌّ ~ қуён; رُومِيٌّ ~ *ёки* هِنْدِيٌّ ~ денгиз чўчқаси; أَحْبَنُ مِنْ ~ қуёндан ҳам қўрқоқроқ, қуёнюрак, أُذُنُ الْـ~ *бот* қуёнқулоқ, б) сомизок, қуён карами

– أُرَنْبَةٌ урғочи қуён, ◊ الْأَنْفِ ~ бурун учи, أَنْفُهُ ~ لَا يَرَى أَبْعَدَ مِنْ у бурнидан нарини кўролмайди

أُورَنْبِيكٌ = أُرَنْبِيكٌ

أُورُبِّيٌّ 1) Овруполга оид, 2) овруполик

أُرْيٌ асал, бол

أَرِيٌّ[1] 1) орийларга оид; ҳинд-овруполи тиллари гуруҳига оид; اللُّغَاتُ الْـ~ ҳинд-овруполи тиллари; 2) орийлар, ҳинд-овруполига оид

– أَرِيٌّ[2] *кўп* آرٍ от ва шунга ўхшаш ҳайвонларни қамайдиган жой

أَرِيَالٌ антенна, تِلْفِيزْيُونِ ~ телевизион антенна, телевизор антеннаси

أَرِيحِيَّةٌ *қар* رَوْح

أَرِسْتُقْرَاطِيٌّ 1) аристократияга, аристократларга, оқсуякларга оид, 2) аристократ, оқсуяк, аслзода, зодагон

أَرِسْتُقْرَاطِيَّةٌ 1) аристократия, аслзодалар, зодагонлар; 2) аристократлик, оқсуяклик, аслзодалик, зодагонлик

أَزَّ (*а/а, и*) أَزِيزٌ вишилламоқ, вашилламоқ, ҳуштак чалмоқ; шовқинламоқ

– أَزَّ ҳаяжонга солиш, ҳаяжонлантириш, ҳавасни келтириш, қизиқтириш

– أَزِيزٌ виш-виш қилиш, вашиллаш, вишиллаш; ҳуштак, шовқин (*мас., мотор шовқини*); момоқалдироқ овози; қозондаги сувнинг қайнагандаги овози

إِزَاءَ 1) қаршисида, рўпарасида, олдида, олдин; بِإِزَائِهِ а) унинг қаршисида (рўпарасида, олдида), б) унга нисбатан

إِزَّايٌ, إِزِّيٌ *халк* қандай? қандай қилиб?, қанақа?

أَزَبَ (*и*) أَزْبٌ оқмоқ, оқиб (сизиб) чиқмоқ (тушмоқ)

– إِزْبٌ йўғон, миқти, бақалоқ, калтабақай

– مِزْبَابٌ *кўп.* مَزَابِيبُ *ёки* مِيزَابٌ *кўп* مَيَازِيبُ сувнинг пастга қараб оқиши, нов, тарнов

أَزْبَسْتُوسٌ асбест, тоштахта (*оқ қалин қоғозга ўхшаш иссиқлик ўтказмайдиган ва ўзи куймайдиган минерал*); тоғ зиғири

أُزْبَكٌ *жам* ўзбеклар

– أُزْبَكِيٌّ 1) ўзбекка оид, ~ اللُّغَةُ ўзбек тили; 2) ўзбек

أَزَّحَ II (أَزْح) гумбазли, тоқли, равоқли (уй) қурмоқ

– أَزَجٌّ *кўп* آزَاجٌ гумбаз, равоқ, қубба

أَزْدَلَخْتٌ форс сирени (*гул*)

I أَزَرَ (*и*) أَزْرٌ 1) (*н.нидир*) ўраб олмоқ (بِـ); 2) қўлламоқ, қўллаб-қувватламоқ, ёрдамлашмоқ; II آزَرَ кучайтирмоқ, қувватлантирмоқ; 2) (*ёпинчиқ билан*) епмоқ. III آزَرَ ёрдамлашиб турмоқ, ёрдамлашмоқ, қўллаб-қувватламоқ. V تَأَزَّرَ = VIII. VI تَآزَرَ бир-бирига ёрдамлашмоқ; VIII ائْتَزَرَ, اتَّزَرَ эни (тахи) бузилмаган матога ўралиб олмоқ; (*бирор н билан*) ёпиниб олмоқ (بِـ); إِزَارًا ~ изор киймоқ (*қар.* إِزَارٌ[2])

– إِزَارٌ, إِزْرٌ (*кўпинча мз*) *кўп* أُزُرٌ 1) (тахи бузилмаган) мато, чойшаб; 2) изор (*турсикка ўхшаш кийим*)

– أَزْرٌ 1) куч, қувват; ذُو ~ شَدَّ кимгадир ёрдам қилмоқ; 2) орқа, елка

– تَآزُرٌ ўзаро ёрдам, бир-бирига ёрдам этиш

– مُؤَازَرَةٌ ёрдам, кўмак, ёрдамлашиш, кўмаклашиш; ёрдам (мадад, кўмак) бериш, ёрдам (мадад) кўрсатиш, ёқлаш, қўллаш, қувватлаш

– مِئْزَرٌ *кўп* مَآزِرُ фартук, олдга тутиб олинадиган этак, лешбанд, 2) чойшаб, أَبْيَضُ ~ касалхона кийими, оқ халат

I أَزِفَ (*а*) أُزُوفٌ яқинлашмоқ, яқин келмоқ, етиб кела бошламоқ, кирмоқ, бошланмоқ (*вақт ҳақида*)

– آزِفٌ кириб келаётган, яқинлашаётган (*вақт ҳақида*), الْـ~ а) *дин.* маҳшар, қиёмат, қиёмат-қойим, ялпи (ҳаммага тааллуқли) фалокат

I أَزَقَ (*и*) أَزْقٌ тор бўлмоқ, тангу тор бўлмоқ

– مَأْزِقٌ *кўп* مَآزِقُ 1) оғир аҳвол, қийин ҳолат; ~ وَقَعَ فِي оғир (қийин) аҳволга дучор бўлмоқ, оғир аҳволда қолмоқ, боши берк кўчага кириб қолмоқ; 2) берк кўча, тупик; أَخْرَجَ الْبِلَادَ مِنْ ~هَا мамлакатни оғир аҳволдан (берк кўчадан) чиқармоқ, وَضَعَهُ فِي ~ (*к нидир*) қийин (чорасиз) аҳволга солиб қўймоқ

أَزَلٌ *кўп* آزَالٌ абадийлик, поёнсизлик, азалийлик; مُنْذُ الْـ~ азалдан, бурундан, مِنَ الْـ~ азалдан

– أَزَلِيٌّ азалий, қадимул-айёмдан

– أَزَلِيَّةٌ азалийлик

I أَزَمَ (*и*) أَزْمٌ (*бирор н.дан*) ўзни тийиб қолмоқ (عَنْ). (*бирор н дан*) воз кечмоқ, бош тортмоқ (عَنْ). II أَزَّمَ танглик туғдирмоқ, танглик келтириб чиқармоқ; V تَأَزَّمَ 1) кескинлашмоқ, тангликка тушиб қолмоқ; الْمَوْقِفُ ~ вазият кескинлашиб қолди; 2) кескинлик (танглик) ни бошдан кечирмоқ

– أَزْمٌ 1) ўзини тийиш, воз кечиш, бош тортиш, 2) парҳез

– أَزْمَةٌ[1] *кўп* إِزَمٌ, أَزَمَاتٌ 1) кескин, танг аҳвол; 2) танглик,

кескинлик. اِقْتِصَادِيَّة ~ иқтисодий танглик, кескинлик; سِيَاسِيَّة ~ сиёсий танглик (кескинлик); وِزَارِيَّة ~ ҳукумат танглиги; 3) хуруж, тутқаноқ; قَلْبِيَّة ~ юрак касали хуружи (тутиб қолиши)

– أَزْمَة2 = فَزْمَة

– مَأْزِم 1) икки тоғ ўртасидаги тор йўл; 2) уруш майдони

– مَأْزُوم тангликка, кескинликка учраган, тангликка тушиб қолган

إِزْمِيل *кўп* أَزَامِيل кесувчи, қирқувчи (*асбоб*)

أَزُوت *кимё* азот; ~ ثَانِي أُكْسِيد азот оксиди; ~ ثَانِي أُكْسِيد азот двуоксиди

– أَزُوتَات *кўп кимё* нитратлар, азот кислотаси тузлари

– أَزُوتِيّ азотга оид, азотли; ~ة أَسْمِدَة азотли ўғитлар

– أَزُوتِيك азотга оид, азотли; ~ حَامِض азот кислотаси

أَزُون азон

(أَزَى) III آزَى 1) ўзаро рўпарама-рўпара турмоқ, бир-бирига тенг турмоқ

(أَسَّ) II أَسَّسَ 1) асос солмоқ; 2) ўрнатмоқ, асосламоқ; V تَأَسَّسَ 1) асосланган бўлмоқ, ўрнатилган бўлмоқ; 2) (*н.гадир*) асосланмоқ, таянмоқ (عَلَى)

– أَسّ *кўп* أُسُس, إِسَاس 1) пойдевор, асос; 2) негиз, асос, база; 3) *кўч.м.* манбаъ; 4) *мат* даража, даража кўрсаткичи

– أَسَاس *кўп* أَسَاسَات, أُسُس 1) асос; 2) негиз, база, таянч; ~ُهُ عَلَى أَنَّ ... асосан, асосида; ~ُ الْأُسُس бу асослар асосидир; عَلَى ~ شو асосдаги; ... لَهُ ~ لَا асоссиз, асосланмаган; عَلَى ~ التَّكَافُؤ тенглик асосида, тенг ҳуқуқлилик асосида; عَلَى ~ مِنَ الْمُسَاوَاة وَ الاحْتِرَام الْمُتَبَادِل тенглик ва ўзаро ҳурмат асосида; عَلَى ~ مَبْدَئِيّ принципиал асосда (равишда); عَلَى ~ مُقَابَلَة الْمِثْل بِالْمِثْل ўзаро келишилганлик асосида, ўзаро келишиб; عَمَل عَلَى ~ الْقِطْعَة ишбай ҳақ олишга келишилган иш; ~ُ الْـ... مِنَ ... أَعَادَ النَّظَرَ فِي бирор нарсани асос эътибори билан қайта кўриб чиқмоқ; ~ًا أَخَذَ бирор нарсани асос қилиб олмоқ; ~ًا خَلَقَ لِلْبَحْث ... مَتِينًا لِـ... муҳокама учун мустаҳкам асос яратмоқ; 3) манбаъ; 4) асосий қоида; ~ُ الْـ... مِنْ حَيْثُ асосан; асос эътибори билан; *муз* асосий овоз (тон)

– أَسَاسِيّ асосий, бош, муҳим; ~ قَانُون асосий қонун, конституция; ~ُ الْـ... وَضَعَ الْحَجَرَ пойдеворга тош қўймоқ (*қурилишда*); 5) (*бирор н.ни*) бошлаб бермоқ

– أَسِيسَة инфраструктура (*саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи тармоқлар тизими*)

– تَأْسِيس 1) тузиш, яратиш, барпо қилиш; яратилиш, ташкил этилиш; 2) қофиядаги чўзиқлик алифи

– تَأْسِيسَة *кўп* ات ـــ муассаса, корхона

– تَأْسِيسِيّ таъсисий, таъсисга оид

– مُؤَسَّس таъсис этилган, тузилган, яратилган, барпо этилган, ташкил этилган

– مُؤَسِّس таъсис этувчи, тузувчи, яратувчи, барпо этувчи, ташкил этувчи

– مُؤَسَّسَة *кўп* ات ـــ муассаса, ташкилот, корхона, идора, институт

أَسّ1 *алиф б қ*

آسّ2 *алиф б қ*

أَسَانْسِير лифт

إِسْبَاتِيّ *карт* чиллик

إِسْبَارْتِيّ 1) Спартага оид; 2) Спарта фуқароси

إِسْبَاسْتَاخ, إِسْبَاسْتَاخ = سَبَاسْتَاخ

تَأَسْبَنَ (أَسْبَن) испанияликка ўхшаб қолмоқ, испанияликларнинг урф-одатини қабул қилмоқ

إِسْبَان *жам* испанлар, испанияликлар

– إِسْبَانِيّ 1) Испания ва испанларга оид; ~ةُ الْـ... испан тили; 2) испаниялик, испан

إِسْبَاهِيّ *кўп* إِسْبَاهِيَّة *мз.* сипоҳий, жангчи, солдат (*Ҳиндистонда*)

إِسْتِالِيَّة *кўп* ات ـــ госпитал (*ҳарбий касалхона*)

إِسْبِرْتُو спирт; ~ مَخْلُوط тозаланмаган спирт

إِسْبِيدَاخ белила (оқ бўёқ); ~ الرَّصَاص қўрғошинли белила (қўрғошинли оқ бўёқ)

إِسْتَة = سِتَّة *мн кўп* إِسْتَات

إِسْتَاتِيكَا *физ* статика (*механиканинг жисмлар мувозанати ҳақидаги бўлими*); ~ الْمَائِيَّة гидростатика (*мувозанатдаги суюқликнинг идиш деворига ёки суюқликка туширилган жисмларга таъсирини ўрганувчи фан*)

– إِسْتَاتِيكِيّ статикага оид; ~ةُ الْـ... الْكَهْرُبَاء статик электр

إِسْتَاد *кўп* ات ـــ стадион, спорт майдони; ~ مُدَرَّج الْـ... стадион (*спорт ўйинлари ва намойишлар бўладиган пайтларда тамошабинлар ўтирадиган жой*)

أُسْتَاذ *кўп* أَسَاتِذَة 1) ўқитувчи, муаллим; мураббий, тарбиячи; устоз, устод; 2) профессор; ~ مُسَاعِد профессор ассистенти, кичик илмий ходим; ~ُ الْـ... الْأَكْبَر Қоҳирадаги Ал-Азҳар университетининг ректори; 3) мастер, уста; ~ الرِّيَاضَة спорт мастери (устаси); ~ُ الْـ... الْكَبِير шахмат устаси; гроссмейстер; 4) устод (*ҳар қандай кишига мурожаат вақтида айтилади*); ◊ ~ُ الْـ... دَفْتَر *қар.* دَفْتَر

– أُسْتَاذِيَّة 1) профессорлик унвони; 2) профессорлик фаолияти; 3) маҳорат

إِسْتَبْرَق кимхоб, кундал, зарбоф, парча

إِسْتُدْيُو *кўп* إِسْتُدْيُوهَات *мн* студия, ателье (*мас.: фотоателье*)

إِسْتَرَاتِيجِيٌّ 1) *стратегияга оид*; 2) *стратег*

– إِسْتَرَاتِيجِيَّةٌ стратегия

أُسْتُرَالِيٌّ 1) Австралияга оид; 2) австралиялик

إِسْتِرْلِينِيٌّ стерлинг (*Англияда пул бирлиги*). ~ جُنَيْهٌ қар. جُنَيْهٌ; ~ مِنْطَقَةُ الـ стерлинг минтақаси, доираси, зонаси

إِسْتُقْرَاطِيَّةٌ аристократия, зодагонлар, оқсуяклар

إِسْتِمَارَةٌ *кўп.* اتٌ бланк, форма (*расмий иш қоғози варақаси*); ~ الْمَصْرُوفَاتِ счёт, ҳисоб-китоб варақаси

إِسْتِنْجَةٌ токоприёмник (*электровоз, трамвай, троллейбус кабиларнинг двигателига осилган электр симларидан ток олиб берувчи асбоб*); бугель (*темир чамбар, кема мачталарининг тепасига, кўприк қозиқлари бошига ва ш.к.ларга қиздириб кийдириладиган темир чамбар*)

إِسْتُودِيُو *кўп.* إِسْتُودِيُوهَاتٌ = إِسْتُدِيُو

أَسْتِيقٌ резина; каучук

أَسْتِيكٌ резина, каучук, резинка; ~ الـمَبْرُومُ эшилган, бураган резина; ~ الـمُبَطَّطُ лентали резина

أَسْتِيكَةٌ кий (*бильярд таёғи*)

أَسْتِيلِينٌ ацетилен (*рангсиз, ҳидсиз ёнувчи газ, автоген сваркасида ишлатилади*)

I أَسِدَ (*а*) أَسَدٌ 1) йўлбарсни кўриб, қўрқинчдан даҳшатга тушмоқ; 2) йўлбарс хулқли бўлмоқ, хулқан йўлбарсга ўхшамоқ; X اسْتَأْسَدَ 1) йўлбарсдай кучли, қувватли бўлмоқ; 2) *маж* ўзини йўлбарс деб ўйламоқ; ботирлик қилмоқ

– أَسَدٌ *кўп.* آسَادٌ, أُسُودٌ, أُسْدٌ арслон; ~ الْهِنْدِيُّ йўлбарс; ~ الْكُهُوفِ ғор арслони; ~ بُرْجُ الـ *астр.* Асад юлдузлар туркуми (буржи); ~ الْبَحْرِ *зоол.* денгиз арслони, катта қулоқли тюлень, шалпангқулоқ тюлень; ◊ ~ دَاءُ الـ *мед.* мохов

– أَسَدِيٌّ арслонга, йўлбарсга оид

أَسِيدٌ *кимё* кислота

I أَسَرَ[1] (*и*) أَسْرٌ 1) асир қилиб олмоқ, асир туширмоқ; асир қилмоқ, жазб этмоқ; юракдан урмоқ; 2) арқон билан боғламоқ, арқонга боғлаб қўймоқ; أَسَرَ[2] (*и*) أَسْرٌ яратмоқ, йўқдан бор қилмоқ, вужудга келтирмоқ; ~ اللّٰهُ Оллоҳ уни йўқдан бор қилди, яратди; X اسْتَأْسَرَ 1) асирга тушмоқ, (*бирор к.нинг*) асири бўлиб қолмоқ

– آسِرٌ 1) боғлаб қўювчи, кишанлаб олувчи; 2) асир қилувчи; *кўч.м.* дилбар, дилрабо, гўзал, кишини мафтун (шайдо, асир) қиладиган, жазб этадиган, юракдан урадиган

– إِسَارٌ[1] 1) асир қилиб олиш, асир тушириш; 2) асир тушиш, асир

– إِسَارٌ[2] *кўп.* камар, тасма, қайиш; арқон

– أَسْرٌ[1] = إِسَارٌ[1]

– أَسْرٌ[2] *кўп.* آسَارٌ камар, тасма, қайиш; арқон; ~ بَاعَ الْجَمَلَ بِـ ه туяни нўхтаси билан сотди; ◊ ~ بِـ ه тамоман, буткул, бутунлай, ~ الْعَالَمُ بِـ ه бутун дунё

– أَسْرٌ[3] уремия (*буйракнинг касалланиши орқасида организмда тўпланиб қолган моддалар таъсири билан заҳарланиш*)

– أُسْرٌ *мед* пешобнинг тутилиши

– أُسْرَةٌ *кўп.* أُسَرٌ, أُسُرَاتٌ 1) оила, фамилия, сулола; الْـ ~ الْعَلَوِيَّةُ *тар.* Алавийлар (*Муҳаммад Алининг сулоласи, авлодлари*); 2) қариндошлар, қариндош-уруғлар; ~ التِّلْفِيزْيُونِ телевидение ходимлари

– أُسْرِيٌّ оила билан боғланган, оилали, бола-чақали, уй-жойли; ~ حَيَاةٌ оилавий турмуш, оилавий ҳаёт

– أَسِيرٌ *кўп.* أَسْرَى, أُسَرَاءُ 1) асирга олинган, асирга тушган, асир қилиб олинган; 2) асир, тутқин; 3) арқон билан боғланган, арқонга боғлаб қўйилган; 4) шайдойи, мафтун; مُبَادَلَةُ الْأَسْرَى асир алмаштириш, асир айрибошлаш; ~ الْحَرْبِ ҳарбий асирлик; وَقَعَ ~ا لَهُ (*к.гадир, н.гадир*) асир бўлиб қолмоқ

– مَأْسُورٌ асир, тутқин; шайдойи, мафтун бўлиб қолган одам

– مَأْسُورَةٌ *кўп.* مَوَاسِيرُ 1) труба, най, найча; (*ўқ отувчи қурол*) стволи

إِسْرَائِيلُ ат.от., *мз.* Исроил; ~ بَنُو *кўп.* яҳудийлар, яҳудий халқи

– إِسْرَائِيلِيٌّ 1) Исроилга, яҳудийларга оид; 2) исроиллик, яҳудий

– إِسْرَائِيلِيَّاتٌ *кўп.* яҳудий тилидан кирган сўзлар

إِسْرَافِيلُ Исрофил (*даҳшатли овоз билан сур чалиб, қиёмат-қойим бўлгани ҳақида хабар берувчи фаришта*)

أُسْرُبٌ, أُسْرُبٌّ *кўп.* графит; *эск.* қўрғошин

إِسْرِنْجٌ қўрғошинли қизғиш зарғалдоқ ёки қизғиш-жигарранг бўёқ (қўрғошинли сурик)

أُسْطُبَّةٌ *мн кўп. йўқ.* каноп лоси, зиғирпоянинг дағал толаси; ~ الْقُطْنِ пахта толаси

إِسْطَبْلٌ *кўп.* اتٌ отхона

أَسْطُرْلَابٌ *кўп.* اتٌ устурлоб, астролябия (*юлдузларнинг вазиятини белгилаш учун қўлланиб келинган бурчак ўлчаш асбоби, кейинчалик ер ўлчаш ишларида ҳам қўлланган*)

أُسْطُوَانَةٌ *кўп.* أَسَاطِينُ, أُسْطُوَانَاتٌ 1) *архит.* устун, колонна; 2) валик; ролик, цилиндр (*двигателники ҳам*); ~ الْأُكْسِيجِينِ кислородли баллон; ◊ أَسَاطِينُ الْأَدَبِ буюк адиблар, ёзувчилар; أَسَاطِينُ الْعِلْمِ илм устунлари, яъни жуда катта олимлар (уламолар); أَسَاطِينُ الْاحْتِكَارِ монополия корчалонлари, хўжайинлари

– أُسْطُوَانَاتٌ *кўп.* овоз ёзувчи аппарат – фонограф валиги; патефон пластинкаси (товоғи)

– أُسْطُوَانِيٌّ цилиндрга оид; цилиндрик, цилиндрсимон, цилиндр шаклидаги

أُسْطُورَةٌ *қар.* سطر

– أُسْطُورِيٌّ қар. سطر

أُسْطُولٌ кўп. أَسَاطِيلُ флот; الْـــ~ الْبَحْرِيُّ денгиз флоти; الْـــ~ النَّهْرِيُّ дарё флоти; الْـــ~ الْجَوِّيُّ ҳаво флоти; الْـــ~ التِّجَارِيُّ савдо флоти; الصَّيْد ~ балиқ овлаш флоти

أُسْطَى кўп. أَسَاطِيُّ 1) уста; бошлиқ; الْوَابُور ~ паровоз ҳайдовчиси; 2) ошпаз, пазанда

I أَسِفَ[1] (а) أَسَفٌ қайғурмоқ, ғам емоқ, хафа бўлмоқ, ачинмоқ, (н.дандир) афсусланмоқ (عَلَى), ... أَنَّ وَ مِمَّا يُؤْسَفُ لَهُ шуниси ачинарлики, ...; IV آسَفَ ачинтирмоқ, хафа қилмоқ, қайғуга солмоқ, қайғуртирмоқ; ... يُؤْسِفُنِي أَنَّ мен учун жуда ачинарли нарса шуки, ...; أَسِفَ[2] (а) أَسَفٌ (бирор к.дан) жаҳлланмоқ, ғазабланмоқ (عَلَى); IV آسَفَ жаҳлини келтирмоқ, ғазабга қўймоқ, ғазаблантирмоқ; V تَأَسَّفَ қайғурмоқ, ҳасрат чекмоқ, (н.дандир) афсусланмоқ (عَلَى)

– أَسِفٌ, أَسِيفٌ қайғирувчи, афсус чекувчи; ғам чекувчи, қайғули, ҳасратли

– أَسَفٌ ғам-ғусса, андуҳ; таассуф, ачиниш, афсус чекиш; بِـــ~ ачиниш билан; афсус билан, афсусланган ҳолда; لِلْـــ~ ёки بِالْـــ~ ёки مَعَ الْـــ~ афсуски, ...; ~ بِكُلِّ ёки مَعَ شَدِيدِ الْـــ~ минг афсуски, ...; ~ه عَبَّرَ عَنْ ўз афсусини (таассуфини) билдирмоқ; ◊ يَا ~اهُ ёки وَا ~اهُ афсус!, эсизгина!

– أَسِيفٌ 1) ачинувчи, қайғирувчи, ҳасрат чекувчи; 2) ғамли, қайғули; 3) ачинарли, афсусланишга (таассуфга) лойиқ

– أَسَفٌ = تَأَسُّفٌ

– مَأْسُوفٌ عَلَيْهِ ~ ачинарли; афсусланишга (таассуфга) лойиқ

– مُؤْسِفٌ хафа (дилни сиёҳ) қилувчи, ранжитувчи, дилни оғритадиган; ... أَنَّ الْـــ~ مِنَ وَ шуниси хафа қиладики, ...; шуниси ранжитадики, ...

إِسْفَنَاخٌ, إِسْفَانَاخٌ исмалоқ (ўсимлик)

أَسْفِكْسِيَا мед. асфикция, бўғилиш, нафас тиқилиб қолиш, нафас қисиш

أَسْفَلْتٌ мз. асфальт; بِالْـــ~ بَسَطَ асфальтламоқ, асфальт ётқизмоқ

إِسْفَنْجٌ жам. зоол. булут (сув жонивори)

– إِسْفَنْجَةٌ кўп. اتٌ — зоол. булут

– إِسْفَنْجِيٌّ булутсимон, тешик-тешик, ғовак

إِسْفَنْدَانٌ заранг (дарахт)

إِسْفِيدَاجٌ = إِسْبِيدَاجٌ

إِسْفِينٌ қар. سفن

أَسْقَرْبُوطٌ, إِسْقُرْبُوطٌ мед. искарбут, зангла, зангла касали

أُسْقُفٌ кўп. أَسَاقِفَةٌ черк. епископ (насроний черковларида юқори лавозимли руҳоний); رَئِيسُ الْأَسَاقِفَةِ архиепископ - епископлар бошлиғи

– أُسْقُفِيَّةٌ 1) епископлик мансаби, епископлик даражаси; епископлик мансабида ишлаш даври; 2) епархия (насронийларда - архиерей тасарруфидаги маъмурий черков округи)

إِسْقُمْرِيٌّ скумбрия, макрель (денгиз балиғи)

إِسْقَنْقُورٌ калтакесак

إِسْكَانٌ қар. إِسْكَةٌ

– إِسْكَانٌ, إِسْكَةٌ дан, ик.с. анат. аёллар аврати лаблари

إِسْكِتْشٌ кўп. اتٌ — мз. скетч (эстрадада кўрсатиладиган ҳажвий ёки кулгили пьеса)

إِسْكُتْلَنْدِيٌّ 1. Шотландияга оид; 2.шотландиялик

إِسْكَلَةٌ кўп. أَسَاكِلُ кема келиб тўхтайдиган ва боғлаб қўйиладиган жой; денгиз бўйидаги шаҳар

إِسْكَمْلَةٌ кўп. اتٌ — кўча, боғ каби жойларга қўйилган ўтирғич, эшак, скамейка

إِسْكَنْدَرُ ам.от., мз. Искандар

– إِسْكَنْدَرَانِيٌّ 1.Искандарияга оид; 2.искандариялик

إِسْكَنْدِيُومٌ кими. скандий (элемент)

إِسْكُوَاشٌ теннисга ўхшаш тўп ўйини

إِسْكِي чанғи

إِسْكِيفٌ мз. ялик (икки ёки тўрт эшкакли қайиқ), спорт. скиф (пойга қайиқларининг бир тури)

إِسْكِيمُو жам. эскимослар (халқ)

– إِسْكِيمُوِيٌّ 1. эскимосга оид; 2.эскимос кишиси

I أَسُلَ (у) أَسَالَةٌ мулойим бўлмоқ; силлиқ бўлмоқ; чўзиқ бўлмоқ; II أَسَّلَ чархламоқ, қайрамоқ, юпқалаштирмоқ, юпқа қилмоқ

– أَسَلٌ 1) қамиш; 2) найза

– أَسَلَةٌ 1) тикан, тиканак; 2) найза, ўткир уч, уч; тил учи

– أَسْلِيٌّ фон. апикалга оид, апикал (тил усти билан юқори тиш ўртасида ҳосил бўладиган нутқ товушлари); الْحُرُوفُ الْـــ~ апикал ундошлар (ص, س, ز)

– أَسِيلٌ 1) текис, силлиқ; 2) чўзиқ, узун

– تَأَسُّلٌ атавизм (ҳайвон ёки кишиларнинг аждодларида бўлган, сўнг йўқолиб кетиб, кейинчалик яна пайдо бўлган жиҳатлар)

– مُؤَسَّلٌ ўткир қилинган, ўткирлашган, ўткирлаштирилган; учи ўткир

أُسْلُوبٌ кўп. أَسَالِيبُ 1) услуб, усул, йўсин, йўл, равиш, тариқа, тарз; ~ الْحُكْمِ бошқариш усули; 2) услуб (адабий); 3) усул, шакл

– أُسْلُوبِيٌّ 1) услубий, услубга оид; 2) стилистик; 3) стилист (услуби жуда яхши муаллиф)

أُسَامَةٌ йўлбарс

اسْمٌ қар. سمو

إِسْمَاعِيلُ *ат.от. мз.* Исмоил

– إِسْمَاعِيلِيٌّ *дин.* 1) исмоилий; 2) исмоилийликка мансуб киши

أَسْمَانْجُونِيٌّ ҳаворанг

إِسْمَنْتٌ, أَسْمَنْتٌ цемент; арматурали бетон; الْـ~ الْمُسَلَّحُ темир-бетон

I أَسَنَ (*у,и*) أُسُونٌ бузилмоқ, ишдан чиқмоқ, чиримоқ; туриб бузилиб қолмоқ (*сув ҳақида*); V تَأَسَّنَ бир ерда узоқ туриб қолмоқ (*сув ҳақида*)

– آسِنٌ туриб (оқмай) қолган; ~ مَاءٌ кўлмак сув

أَسْنَوِيٌّ Асна шаҳрида яшовчи киши, асналик

I (أسو) أَسَا (*у*) أَسْوٌ 1) юпатмоқ, овутмоқ, овутиб қўймоқ, тинчитмоқ, тасалли (таскин, далда) бермоқ; 2) даволамоқ; 3) (*ярани, жароҳатни*) боғламоқ, II أَسَّى = I; III آسَى 1) ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ, мадад бермоқ; 2) овутмоқ, юпатмоқ; ҳамдардлик билдирмоқ; V تَأَسَّى 1) (*н.биландир*) юпатилмоқ; 2) (*н.гадир*) тақлид қилмоқ; (*н.нидир*) ўрнак деб билмоқ (—ب), овунмоқ; 3) (*н.нидир*) сабот билан ўтказмоқ; VI تَآسَى ўзаро бир-бирини юпатмоқ, овутмоқ, бир-бирига таскин бермоқ

– آسٍ[1] *мн.* آسِيَةٌ юпатувчи, овутувчи, тасалли (таскин) берувчи; овутадиган, юпатадиган, тасалли (таскин) берадиган; *шуниндек: қар.* أسى

– آسٍ[2] 1) даволовчи шифокор, 2) *кўп.* أُسَاةٌ доктор, врач

– إِسَاءٌ даво, илож

– مَأْسُوٌّ = أَسِيٌّ

– أَسًى 1) ғам, ташвиш; 2) даволаниш, муолажа

– آسِيَةٌ *мн. кўп.* أَوَاسٍ 1) даволовчи аёл; 2) аёл врач, аёл доктор, аёл табиб

– أَسْوَانٌ ғамгин, ғамли, қайғули, хафа

– أُسْوَةٌ мисол, намуна; ... ~ بِـ... нинг ўхшаши

– تَأْسِيَةٌ 1) юпатиш, таскин бериш; 2) даволаш

– مَأْسُوٌّ даволанган, даволанувчи

– مُوَاسَاةٌ 1) ёрдам; хайр-саховат, хайрия, саховатлилик; 2) таъзия, ҳамдардлик билдириш; юпатиш, таскин бериш

– مُؤَسِّسٌ *мн.* مُؤَسِّسَةٌ тузатувчи, шифоли, даво бўладиган

أُسْوَارٌ, إِسْوَارٌ *кўп.* أَسَاوِرَةٌ, أَسَاوِرُ (*сол.* سُوَارٌ *қар.* سور) 1) билакузук; 2) қадама енг, қайтарма енг

أَسْوَانُ: ~ حَجَرُ *мин.* сиенит (*магматик тоғ жинсларининг бинокорлик материали сифатида ишлатиладиган бир тури*)

– أَسْوَانِيٌّ 1) Асвонга оид; 2) Асвонда яшовчи, асвонлик; ◊ حَجَرٌ ~ *мин.* сиенит

أُسُوجِيٌّ 1. Швецияга оид; шведларга оид; الْـ~ ذ шведлар тили; 2) швед, швециялик

I أَسِيَ (*а*) أَسًى қайғурмоқ, ҳасрат чекмоқ, ғам емоқ, куймоқ, бўзламоқ; VIII ائْتَسَى 1) сабр-тоқат қилмоқ, чидамоқ; 2) (*бирор к.нинг*) орқасидан эргашмоқ (—ب); (*бирор к.га*) иқтидо қилмоқ (—ب); (*бирор к.нинг*) орқасида турмоқ (—ب)

– آسٍ *мн.* آسِيَةٌ ғамга (қайғуга) соладиган, жуда қайғули; قِصَّةٌ آسِيَةٌ ғамгин, аламли қисса; *шуниндек: қар.* أسو

– أَسًى ғам, алам; доғ; يَحُزُّ الْـ~ فِي نُفُوسِنَا алам жонимизни ўртамоқда

– أُسًى сабр, сабр-тоқат, таҳаммул

– مَأْسَاةٌ *кўп.* 1) ғам, алам, изтироб; 2) драма; трагедия (фожиа)

– مَأْسَوِيٌّ фожиали, фожиона

أَسِيَوِيٌّ, أَسِيَاوِيٌّ 1. Осиёга оид; 2. осиёлик

أَسَايِطَةٌ *кўп.* أَسْيُوطِيٌّ Асютда яшовчи киши

أَشَائِرُ *кўп.* байроқлар (*қар.* شور)

أَشَاشٌ 1) фаоллик; 2) ҳордиғи чиққанлик

(أشب) II أَشَّبَ 1) ўрмоқ, тўқимоқ (*мас., сават*); аралаш-қуралаш қилиб юбормоқ; 2) (*бирор н.ни*) тушуниб бўлмайдиган қилмоқ; 3) (*металларни*) эритмоқ; V تَأَشَّبَ 1) ўрилмоқ, тўқилмоқ, аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ; 2) ҳар тарафдан келиб йиғилмоқ (тўпланмоқ); 3) эримоқ (*металл ҳақида*)

– أُشَابَةٌ *кўп.* أُشَابَاتٌ, أَشَائِبُ 1) турли-туман оломон, қаланғи-қасанғилар; 2) қотишма; أُشَابَاتٌ فِلِزِّيَّةٌ металл қотишмалари

– أَشَبٌّ ўрмоннинг қалин жойи, чакалакзор, чангалзор

– أَشَبٌ қалин, дарахтлар билан қопланган (*жой*)

– مُؤَشَّبٌ эгаллаб бўлмайдиган, мустаҳкамланган, мустаҳкам

– إِشْبِينٌ *кўп.* أَشَابِينُ 1) чўқинтирган ота; 2) куёвжўра (*бутхонада никоҳлаш пайтида куёв ёки келин боши устида гулчамбар тутиб турадиган киши*)

I أَشَرَ (*а*) أَشْرٌ такаббурлик қилмоқ, кибрланмоқ, кеккаймоқ, гердаймоқ; أَشَرَ (*и*) أَشْرٌ арраламоқ; II أَشَّرَ (*н.гадир*) имзо чекмоқ, виза қўймоқ (عَلَى الطِّلْبَةِ); عَلَى ~ аризага рухсат этиб қўл қўймоқ; ~ الْأَسْنَانَ тишларнинг атрофини қириб ўткирламоқ; V تَأَشَّرَ 1) қайд қилдирмоқ; 2) виза қўйилмоқ

– أَشِرٌ гердайган, кибрланган, такаббур

– أَشْرَانُ *кўп.* = أَشَارَى

– تَأْشِيرٌ 1) ҳужжат устига виза қўйиш; 2) виза

– تَأْشِيرَةٌ *кўп.* اتٌ — рухсатнома, виза; ~ اجْتِيَازٍ (مُرُورٍ) транзит визаси; ~ دُخُولٍ бирор мамлакатга келишга рухсат бёрувчи виза, ҳужжат; ~ الْعَوْدَةِ қайтиб кетиш ҳақида виза, ҳужжат

– مُؤَشِّرٌ контролёр; индикатор; (*счётчик ва ҳ.к.*) кўрсаткичи

إِشْعَاءٌ *ат от , мз.* Ишъаё

إِشْفَى *кўп.* أَشَافٍ бигиз

أَشْكِينٌ йўрға

أَشْمُونِيٌّ ашмуний (*пахта нави*)

أُشْنَانٌ ишқор

أُشْنَةٌ мох, йўсин (*зах ерларда, тош, дарахт устида ўсадиган илдизсиз ўсимлик*)

أَشُورِيٌّ 1. ассурийларга оид; الـ~ـَةُ ассурий тили; 2. ассуриялик

أَصٌّ *кўп.* أُصُوصٌ асос, илдиз, негиз, замин

– أَصِيصٌ *кўп.* أُصُصٌ гулдон, гултувак

I أَصَدَ (*у*) أَصْدٌ (*эшикни*) ёпмоқ; IV آصَدَ = I

I أَصَرَ (*и*) أَصْرٌ ҳибсга олмоқ, қамамоқ

– آصِرَةٌ *кўп.* أَوَاصِرُ алоқа, муносабат; أَوَاصِرُ الْأُلْفَةِ وَ الْمَحَبَّةِ дўстлик ва севги муносабатлари (алоқалари)

– إِصْرٌ *кўп* آصَارٌ 1) оғир юк, вазифа; ташвиш, ғам; 2) мажбурият, берилган ваъда

– مَأْصِرٌ *кўп.* مَآصِرُ 1) ғов, тўсиқ; 2) шлагбаум; застава

إِسْطَبْلٌ = إِصْطَبْلٌ

أُسْطُبَّةٌ = أُصْطُبَّةٌ

أَسْطُرْلَابٌ = أَصْطُرْلَابٌ

I أَصُلَ (*у*) أَصَالَةٌ 1) ўрнашиб олмоқ, томир (илдиз) ёймоқ; 2) наслнасабли аслзодалардан бўлмоқ; 3) зотли (зоти яхши) бўлмоқ; 4) оригинал, асл бўлмоқ; II أَصَّلَ 1) асл зотини (келиб чиқишини, наслнасабини) аниқламоқ; аждодларини кўрсатмоқ; 2): ... ~ أُصُولاً لِـ (*н.гадир*) пойдевор, асос солмоқ; IV آصَلَ аср намозидан шомгача бўлган пайтда кирмоқ *ёки* келмоқ; V تَأَصَّلَ 1) илдиз отмоқ, томир ёймоқ, ўрнашиб олмоқ; 2) (*к.нигадир*) насабидан келиб чиққан бўлмоқ (مِنْ); X اسْتَأْصَلَ 1) илдизи билан суғуриб олмоқ, олиб (юлиб) ташламоқ, кўчириб ташламоқ; 2) бутунлай йўқ қилмоқ; ~ شَأْفَةَ *қар* شَأْفَةٌ

– اسْتِئْصَالٌ 1) таг-томири билан йўқ қилиш; илдизини (тухумини) қуритиш, битириш, барҳам бериш; 2) олиб ташлаш; ~ جِرَاحَةُ الزَّائِدَةِ الدُّودِيَّةِ аппендэктомия; жарроҳлик йўли билан кўр ичакни (аппендиксни) кесиб олиб ташлаш

– أَصَالَةٌ 1) келиб чиқиш; 2) аслзодалик; 3) ўзига хослик; асллик, оригиналлик; ~ أَهْلُ الـ~ асл одамлар, бетакрор (ўзига хос) одамлар; 4) мустақиллик; 5) қатъийлик, мустаҳкам иродалилик, собитлик; ~ الرَّأْيِ тафаккурнинг соғломлиги; 6) *грам.* ўзакка алоқадорлилик (*ундош товуш ҳақида*); تَوَهُّمُ ~ التَّاءِ فِي الْفِعْلِ اتَّقَى – "اتَّقَى" феълидаги ت ўзакка алоқадор деб ўйлаш қўпол хатодир; ~ وَ بِوَكَالَةٍ مِنْ ... ◊ шахсан ва ...нинг топшириғига биноан; ... بِالنِّيَابَةِ عَنْهُ أَرْجُو ~ عَنْ نَفْسِي وَ بِالْـ~ шахсан ўзим ва унинг номидан сўрайманки, ...

– أَصْلٌ *кўп.* أُصُولٌ 1) илдиз; ~ وَ فَصْلٌ илдиз ва решалар; لاَ ~ لَهُ *маж.* у аслзодалардан эмас; 2) асос, замин, моҳият; وَ لاَ فَصْلَ لَيْسَ أُصُولٌ; هَذَا مِنْ ~ الْمَوْضُوعِ бунинг масала моҳиятига алоқаси йўқ!; الـ~ُ وَ فُرُوعٌ асосий ва иккинчи даражали қисмлар (бўлаклар); الْفَوَائِدُ асосий капитал ва фойда (процент) лар; 3) бошланиш; فِي الـ~ а) дастлаб; б) асосан; аслини олганда; سَيَعُودُ (سَيَرْجِعُ) كُلُّ ~ِهِ شَيْءٍ إِلَى ҳамма нарса ўз аслига қайтади; 4) принцип; 5) келиб чиқиш; هُوَ جَزَائِرِيُّ الـ~ у асли жазоирликдир; نَبَتِيُّ الـ~ ўсимликдан олинган, келиб чиққан, пайдо қилинган; حَيَوَانِيُّ الـ~ ҳайвондан олинган, келиб чиққан, пайдо қилинган; ~اً а) асли (*қаердандир*); عَرَبِيٌّ ~اً асли араблардан; б) мутлақо, бутунлай (*бўлишсиз маънодаги феъл билан келганда*); مَا فَعَلَهُ ~اً у буни мутлақо (бутунлай) қилмаган; لَنْ يَفْعَلَهُ ~اً у буни мутлақо қилмайди; 6) жинс; 7) сабаб; 8) асл нусха, оригинал; 9) умумий миқдор, жамъ, сумма; 13 مِنْ ~ 40 умумий миқдор бўлган 40 дан 13; 10) *кимё.* асос

– أَصَلَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ бўғма илон, питон

– أَصْلِيٌّ 1) туб жойли; ерли; ~ سَاكِنٌ абориген, туб жой аҳолиси; 2) асосий; الـ~ـَةُ الْجِهَاتُ دунё мамлакатлари, ~ عَدَدٌ саноқ сон; ~ عُضْوٌ (*қандайдир жамиятнинг*) ҳақиқий аъзоси; 3) дастлабки; 4) асосий; الـ~ـَةُ اللُّغَةُ она тили; الـ~ـَةُ الْبِلاَدُ она ватан; 5) оригинал, асл (нусха); ~ حَرِيرٌ табиий ипак. асл ҳарир

– أَصْلِيَّةٌ аслига тўғрилик, аслига мослик, асл нусхага мувофиқлик

– أُصُولٌ *кўп* усуллар, асосий қоидалар, тартиблар; қонун-қоидалар, жорий тартиб; دَعَا إِلَى اتِّبَاعِ الـ~ тартиб-қоидага риоя қилишга чақирмоқ; ~ طِبْقًا لِلـ~ *ёки* ~ حَسَبَ الـ~ қоидага мувофиқ; тартибга кўра; عَلَى الـ~ ҳамма қоида бўйича; أُصُولُ التَّعْلِيمِ таълим методикаси, услубияти; عِلْمُ أُصُولِ الدِّينِ дин асослари ҳақидаги фан; ислом теологияси; الْفِقْهِ ~ мусулмон қонуншунослиги; фиқҳ илми; ... هُنَا أَنَّ الـ~ а) гап (масала) шундаки, ...; б) бу ерда одат (қоида) шундайки, ...; 2) *ҳис.* актив (*баланснинг кирим, даромад ва моддий бойликлар ёзиладиган қисми*); وَ ~ خُصُومٌ актив ва пассив (*корхонанинг қарз ёки мажбуриятлари мажмуи*)

– أُصُولِيٌّ 1) қонун-қоида билан келишилган, рози бўлган; қонуний; لَمْ يُحَلْ بَعْدُ إِلَى الْمُحَاكَمَةِ الـ~ـَةِ у ҳали судга берилмаган; 2) *мол.* моддий актив билан боғлиқ (алоқадор);

مُسْتَنَدَاتٌ ~ـَةٌ мол-мулкка, активга доир ҳужжатлар

– أَصِيلٌ[1] *кўп* أُصَلَاءُ, أَصَائِلُ 1) аслзода, насл-насаблик; оқсуяк, зодагон, 2) зотдор, зотли; 3) асл, ҳақиқий, 4) табиий, туғма; ~ عَيْبٌ туғма айб (нуқсон); النَّزْعَةُ ~ـَة асл нусха, кўчирилган эмас; 5) шу жойда туғилган; аслида шу ерлик; 6) ҳимоячига ўз ваколатини топширган даъвогар; الرَّأْيُ ~ фикри қатъий, қатъий фикрли

– أَصِيلٌ[2] *кўп* أَصَالٌ, أَصَائِلُ, أُصُلٌ оқшом, ғира-шира пайт, аср намозидан шомгача бўлган пайт

– أَصِيلَةٌ мол-мулк, актив

– تَأْصِيلٌ (*мас., сўзнинг*) келиб чиқишини аниқлаш; عِلْمُ الـ~ этимология (*линг. 1) тилшуносликнинг сўзларнинг келиб чиқишини текширадиган бўлими; 2) сўзнинг келиб чиқиши*)

– تَأْصِيلَةٌ келиб чиқиш; насаб, насл-насаб, шажара

– مُؤَصَّلٌ наслдор, зотдор, зотли

– مُتَأَصِّلٌ 1) илдиз отиб (сингиб) кетган; 2) суякка (қонга) сингиб кетган; عَدَاوَةٌ ~ـَة суякка сингиб кетган адоват (душманлик, ёвлик)

I أَطَّ (*a/u*) أَطِيطٌ 1) мунгли (ҳазин) овоз чиқармоқ (*туя ҳақида*); 2) ғижирлатмоқ; 3) қулдирамоқ, қулдур-қулдур қилмоқ (*қорин ҳақида*)

I أَطَرَ (*y, u*) أَطْرٌ эгмоқ, букмоқ; қайирмоқ; II أَطَّرَ 1) эгмоқ; 2) рамка ичига солмоқ (олмоқ) (*Сурияда*)

– إِطَارٌ *кўп* إِطَارَاتٌ, أُطُرٌ 1) ром, гардиш; 2) тўғин; чамбарак, ҳалқа; الْبِرْمِيلِ ~ чамбарак; الْعَجَلَةِ ~ тўғин, ғилдирак тўғини; ~ مَطَّاطٌ каучук (резина) шина; 3) бош кийим гардиши, жияги, кизаги; ◊ التَّعَاوُنِ الْاقْتِصَادِيِّ فِي ~ иқтисодий ҳамкорлик доирасида

– إِطَارَاتٌ *кўп* кадрлар (*Шим. Африкада*)

أُطْرُغْلَةٌ *кўп* ـَاتٌ ـــ ғуррак, қумри, мусича

طرو *қар.* إِطْرِيَّةٌ

أَطْلَسٌ[1] атлас (*мато*)

أَطْلَسٌ[2] *кўп* أَطَالِسُ атлас (*карта, суврат, расм, жадваллар тўплами*)

– أَطْلَسِيٌّ атлантик, Атлантикага оид; الْحِلْفُ الْـ~ الشَّمَالِيُّ Шимолий Атлантика блоки

أَطَامٌ *мед.* сийдик тутилиши

– أُطْمٌ *кўп* آطَامٌ минора; қаср, сарой; истеҳком

– أَطُومٌ *зоол.* дюгон (*сувда яшашга мослашган сут эмизувчи ҳайвон*)

أَغَا *кўп* أَغَوَاتٌ 1) оға (*феодал, ер эгасига бериладиган унвон*); жаноб; 2) ҳарам оғаси, ҳарам ходими (*бичилган қул*)

إِغْرِيقِيٌّ 1. Грецияга, грекларга оид; الـ~ـَةُ грек тили; 2. грек

أُغُسْطُسُ август

أَغُورٌ оғур (*қадимги яҳудийлар тангасининг номи*)

(أف) V تَأَفَّفَ 1) афсусланмоқ, пушаймонлик ҳис қилмоқ; 2) нафрат, жирканиш ҳис этмоқ; (*н.дандир*) ҳазар қилмоқ (ب)

– الْأُذُنِ ~ـُ أُفٌّ қулоқ кири (*қулоқ ичидаги олтингугурт*)

– أُفٌّ *ундов сўз.* туф-туф-э! (*жирканиш*); لَكَ ~ туф сенга!

– تَأَفُّفٌ нафратланиш; жирканиш; норозилик туйғуси, ҳисси

أَفَاوِيهُ *қар.* فوه

إِفْرَنْجٌ *жам.* овруполиклар; بِلَادُ الـ~ Оврупо

– إِفْرَنْجِيَّةٌ *кўп* إِفْرَنْجِيٌّ 1.Оврупога оид; 2.овруполик; ◊ مَرَضٌ ~ сифилис, захм (*сўзма-сўз.* Оврупо касали)

إِفْرَنْسِيٌّ 1.Францияга, французларга оид; الـ~ـَةُ француз тили; 2. француз

إِفْرَنْجِيٌّ = إِفْرَنْكِيٌّ

أَفْرُو أَسِيَوِيٌّ Афро-Осиёга оид

أَفْرُو أَمِيرِكِيٌّ Афро-Америкага оид

أَفَارِيزُ, إِفْرِيزٌ, أَفْرِيزٌ *кўп.* 1) фриз (*бино пештоқидаги, гилам, паркет четларидаги нақшли ҳошия*); карниз; 2) чет, қирғоқ; ~ الطَّرِيقِ йўл чети, қирғоғи; الْمَحَطَّةِ ~ перрон (*темир йўлларда*)

إِفْرِيقِيٌّ 1. Африкага, африкаликларга оид; 2. *кўп* أَفَارِقَةٌ, إِفْرِيقِيُّونَ африкалик

أُفْسَتٌ *полигр.* офсет; طَبَاعَةُ الـ~ офсет босмаси (*қолипдаги расмни олдин резинага кўчириб. сўнгра қоғозга босиш усули*)

أَفْسَنْتِينٌ, إِفْسَنْتِينٌ 1) шувоқ, явшон; 2) эрмон (*ўсимлик ва ундан тайёрланадиган ичимлик*)

إِفْشِينٌ *кўп* أَفَاشِينُ 1) (*ибодат ва муборакбод қилиш*) шакли, йўли, 2. *дин.* лития (*христианларда – бутхонада қилинадиган ибодат*)

أَفْغَانُ *жам.* Афғонлар

– أَفْغَانِيٌّ 1. Афғонистонга, афғонларга оид; 2. афғонистонлик

I أَفَقَ (*u*) أَفْقٌ дунёни кезиб юрмоқ, турли жойларда тентираб, изғиб юрмоқ

– أَفَّاقٌ 1) саёҳатчи; турист; 2) саргузаштлар орзуманди, саргузашт изловчи, авантюрист

– أُفْقٌ *кўп* آفَاقٌ 1) уфқ, уфқ чизиғи; الـ~ الْحَقِيقِيُّ ҳақиқий уфқ; الـ~ الظَّاهِرِيُّ кўриниб турган уфқ; 2) савия, билим даражаси; سَعَةُ الـ~ кенг қамровли билим доираси; وَاسِعُ الـ~ кенг билимли; ضَيِّقُ الـ~ билим доираси тор, саёз; ~ ضَيِّقٌ тор, саёз билим, дунёқараш; 3) *кўп.* а) *кўч м.* (*келгусидаги*) уфқлар; (جَدِيدَةً) فَتَحَ آفَاقًا (*к.гадир н. дадир*) кенг уфқлар очиб бермоқ (فِي) б) الْآفَاقُ дунё, олам

– أُفُقٌ = أُفْقٌ

– أُفُقِيٌّ горизонтал; ~ إِحْدَاثِيٌّ *мат.* абсцисса

– أُفُقِيَّةٌ 1) горизонталлик; 2) *мат.* абсцисса

– مِنْفَاقٌ перископ (*бекик жойдан туриб кузатиладиган оптик асбоб*)

I أَفَكَ (*и*) أَفْكٌ 1) ёлғон гапирмоқ; туҳмат қилмоқ, бўҳтон қилмоқ; 2) йўлдан урмоқ, чалғитмоқ (عَنْ); أُفِكَ ақли паст бўлмоқ, паст ақлли бўлмоқ, фикри ожиз бўлмоқ, ожиз фикрли бўлмоқ; VIII اِئْتَفَكَ тўнтарилмоқ, ағдарилмоқ

– أَفَّاكٌ ёлғончи, туҳматчи, бўҳтончи

– إِفْكٌ ёлғон, туҳмат, бўҳтон

– مَأْفُوكٌ 1) ақли паст, паст ақлли; 2) фикри ожиз, ожиз фикрли

– مُؤْتَفِكَاتٌ *кўп.* 1) *тар.* Оллоҳ таоло Лут аҳли устига ағдариб ташлаган шаҳарлар; 2) йўналиши ўзгариб турадиган шамоллар

I أَفَلَ (*у*) أُفُولٌ ботмоқ (*қуёш, ой, юлдузлар ҳақида*)

– أُفُولٌ *мз.* ботиш (*қуёш, ой, юлдузлар ҳақида*)

إِفْلَاطُونُ *ам.от. мз.* Афлотун

– إِفْلَاطُونِيٌّ 1) Афлотунга оид; 2) руҳий, маънавий; عَطْفٌ (حُبٌّ) ~ руҳий ишқ; маънавий муҳаббат

– إِفْلَاطُونِيَّةٌ الْحَدِيثَةُ (الْجَدِيدَةُ): ~ неоплатонизм, янги платонизм (*антик фалсафа: унга кўра, яшашдан мақсад руҳни танадан, гуноҳлардан озод этиб, илоҳий моҳиятга яқинлашишдир*)

I أَفِنَ (*а*) أَفَنٌ, أَفْنٌ аҳмоқ бўлмоқ, нодон бўлмоқ

– أَفِينٌ аҳмоқ, эси паст, калтафаҳм, фаросатсиз, ақлсиз

– مَأْفُونٌ аҳмоқ; أَحْمَقُ ~ қипқизил аҳмоқ

أَفَنْدِيٌّ *кўп.* أَفَنْدِيَّةٌ афанди, жаноб

أَفُوكَاتُو ҳимоячи, адвокат; ~ الْعُمُومِيُّ прокурор, давлат қораловчиси

أَفْيُونٌ афюн, кўкнори; ~ الْـ صِبْغَةُ кўкноридан тайёрланган суюқлик (ичимлик)

– أَفْيُونْجِيٌّ *кўп.* أَفْيُونْجِيَّةٌ афюн кашандаси

أُقَّةٌ *кўп.* أُقَقٌ, أُقَاتٌ уққа (*400 дирҳамга (қар.* دِرْهَمٌ*) ёки 1,248 кг.га тенг оғирлик ўлчови*)

أَقَاقِيَا Миср акаси, акацияси (*оқ ёки сариқ гулли дуккакли дарахт, бута*)

قُحْوَانٌ *кўп.* أَقَاحٍ = أُقْحُوَانٌ

أَقْرَابَاذِينٌ, أَقْرَبَاذِينٌ *кўп.* اتٌ ـــ фармакология (*доривор моддаларнинг организмга таъсир этишини ўрганувчи фан*); фармацевтика (*дори-дармон тайёрлаш, сақлаш ва беморларга бериш ҳақидаги амалий фан*)

– أَقْرَابَاذِينِيٌّ фармацевтика ва фармацевтга оид

أَقْطٌ, إِقْطٌ *кўп.* أَقْطَانٌ пишлоқ, сузма

أَقْلَمَ иқлимлаштирмоқ; تَأَقْلَمَ иқлимлашмоқ

– أَقْلَمَةٌ иқлимлашиш, иқлимлаштириш

– إِقْلِيمٌ *кўп.* أَقَالِيمُ 1) иқлим, пояс, область; район, ўлка; ~ الْـ الْمِصْرِيُّ (الْجَنُوبِيُّ) *тар.* Миср райони (БАР); ~ الْـ السُّورِيُّ (الشَّمَالِيُّ) *тар.*Сурия райони (БАР); الْأَقَالِيمُ провинция (*марказдан йироқдаги жойлар*); 2) иқлим

– إِقْلِيمِيٌّ 1) регионал (*бирор мустақил ўлкага, мамлакатга ёки бир неча чегарадош мамлакатларга тааллуқли*); ~ الْمِيثَاقُ الْـ регионал пакт (*бир неча чегарадош давлатлар ўртасида тузилган халқаро шартнома*); ~ الْمِيَاهُ الْـ территориал сувлар (*денгиз бўйидаги давлатларнинг ўз тупроғи бўйлаб ўтган денгиз, океан сувлари*); 2) провинцияга оид; 3) иқлимга оид

– إِقْلِيمِيَّةٌ регионал (маҳаллий) хусусият

إِقْنُومٌ эконом (*мас., монастирларда: хўжалик мудири*)

أُوقِيَانُوسٌ = أُقْيَانُسٌ

أَكَادِيمِيَّةٌ, أَكَادِيمِيَّةٌ академия; ~ الْعُلُومِ لِأُزْبَكِسْتَانَ Ўзбекистон Фанлар Академияси; ~ الْعُلُومِ الزِّرَاعِيَّةِ Қишлоқ хўжалик Академияси; ~ رَئِيسُ الْـ Академия президенти; عُضْوُ مُشَارِكٌ فِي الْعُلُومِ ~ Академиянинг мухбир аъзоси

– أَكَادِيمِيٌّ академияга оид

أُكْتُوبَرُ, أُكْتُوبَرُ октябрь

أَكْتِينِيُومٌ *кимё.* актиний (*уран рудасида бўладиган радиоактив элемент*)

(أكد) II أَكَّدَ 1) асосламоқ, қўллаб-қувватламоқ, тасдиқламоқ, тасдиқ этмоқ, тасдиқлаб бермоқ, исбот қилмоқ; 2) ишонтирмоқ; 3) *грам.* кучайтирмоқ; V تَأَكَّدَ 1) асосланмоқ, тасдиқланмоқ, исбот бўлмоқ, тўғри бўлиб чиқмоқ, иқрор қилинмоқ, қўллаб-қувватланмоқ; 2) ишонмоқ, (*н.гадир*) ишонч ҳосил қилмоқ (مِنْ); 3) (*к.гадир*) аниқ, ойдин бўлиб қолмоқ (لِـ)

– أَكِيدٌ ишончли; тўғри, таянса бўладиган; қатъий, мустаҳкам

– تَأْكِيدٌ 1) ишонтириш, иноптириш; тасдиқланиш; ~ بِـ албатта, шубҳасиз, муқаррар; ~ الْـ عَلَى (وَجْهِ) дадиллик билан, ишонч билан

– مُؤَكَّدٌ тасдиқланган, ишончли; ... ~ مِنَ الْـ أَنَّ ... эканлиги шубҳасиздир

– مُؤَكِّدٌ ишонтирувчи, исботловчи, тасдиқловчи; ~ بِصِفَةٍ комил ишонч билан, дадиллик билан

– مُتَأَكِّدٌ дадил, қатъий, ишончли, ишончи комил

أَكَدِيٌّ аккадга оид; ~ اللُّغَةُ الْـ ёки الْـ аккад (*Ассирия-Бобил*) тили

I أَكَرَ (*у*) أَكْرٌ ер ҳайдамоқ; (*ерга*) ишлов бермоқ; III آكَرَ чоракорлик, корандалик қилмоқ

– أَكَّارٌ *кўп.* أَكَرَةٌ қўшчи, деҳқон

– أُكْرَةٌ *кўп.* أُكَرٌ 1) шар, тўп; 2) даста, тутқич (*эшик, деразада*); ~ الْمِلْءِ соатни бурайдиган қулоқ; 3) чуқур, ўра

– مُؤَاكَرَةٌ чоракорлик, корандалик (*ҳосилнинг маълум қисмини бериш шарти билан ерни ижарага олиш*)

أَكْرَتَ ўрмоқ, жингалак қилмоқ (*соч ҳақида*)

– أَكْرَتَةٌ гажак, фатила, жингалак (*соч*)

أُكْزِيْمَا *мед.* экзема, чилла яра (*тери касалликларидан бири*)

أُكْسِيجِيْنٌ = أُكْسِجِيْنٌ

أَكْسَدَ занглатмоқ, занглашга сабаб бўлмоқ; *киме* оксидламоқ; *тех* оксидламоқ, оксидланмоқ. تَأَكْسَدَ 1) зангламоқ; *киме* оксидланмоқ; *кўч.м.* ланж (лоҳас) бўлмоқ

– أَكْسَدَةٌ *киме* оксидлаш; *тех* оксидланиш

вазирлар кенгаши; ~ الاقْتِصَادِيّ التَّعَاضُد Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (*ЎИЁК*); ~ الأُمَّة Миллий Кенгаш (*Миср Араб Республикасида*); ~ الـ النِّيَابِيُّ парламент (*айрим мамлакатларда қонун чиқарувчи олий давлат органи*); ~ الـ التَّأْسِيسِيُّ таъсис мажлиси; ~ الـ الشُّورِيُّ ~ الـ التَّشْرِيعِيُّ қонун чиқарувчи мажлис; ~ الشُّيُوخ маслаҳат мажлиси (кенгаши); ~ اللُّوَّاب депутатлар палатаси, вакиллар палатаси; ~ الأَعْيَان ёки ~ اللُّوْرْدَات Лордлар палатаси (*Англияда: парламентнинг юқори палатаси*); ~ الْعُمُوم парламентнинг қуйи палатаси (*Англияда*); ~ الدِّفَاع мудофаа кенгаши; ~ الْجَامِعَة университет кенгаши; ~ الرِّقَابَة назорат кенгаши; ~ الْإِدَارَة бошқарма, маъмурият, дирекция (*директор раҳбарлигидаги маъмурият*); ~ الْمُدِيرِيَّة провинциал кенгаш; ~ الـ الْبَلَدِيُّ шаҳар кенгаши; ~ حَسْبِيٌّ васийлик кенгаши; 5) суд, трибунал (*фавқулодда суд органи*); ~ عَسْكَرِيٌّ ҳарбий трибунал; 6) *мед.* ич келиши, ич; ганда. нажас, ахлат

جَلاَشٌ ёғли хамир, қатлама

– جُلاَشٌ (*кўкнори уруғи, ёнғоқ, бодом мағзи қўшиб пиширилган*) сомса

جَالُوصٌ *кўп.* جَوَالِيصُ кесак, қуриган лой; дўнг ер; ўнқир-чўнқир

I **جَلَطَ** (*и*) جَلْطٌ 1) (*бошни*) тарашламоқ, қирмоқ; 2) суртиб ишқаламоқ; тирнаб юбормоқ, (*терини*) чақа қилмоқ, шилмоқ; V تَجَلَّطَ қуюлмоқ (*қон ҳақида*)

– تَجَلُّطٌ коагуляция; қуюлиб қолиш (*қон ҳақида*)

– جَلْطٌ суртиб ишқалаш; тирнаб чақа қилиш; (*терини*) шилиш

– جُلْطَةٌ қуюлиб қолган қон, тромб (*томирда ивиб қолган қон*); ~ الـ الدَّمَوِيَّةُ ёки ~ الدَّمِ *мед.* эмболия (*қон томирлари касаллиги*), томирларнинг тўсилиб (бекилиб) қолиши

I **جَلِعَ** (*а*) جَلَعٌ аҳмоқона тарбияланган бўлмоқ, ёмон тарбияланган бўлмоқ; уятсиз бўлмоқ; IV أَجْلَعَ = I

I **جَلِفَ** (*а*) جَلاَفَةٌ қўпол, қўрс, дағал бўлмоқ, тарбия кўрмаган, маданиятсиз бўлмоқ

– جِلْفٌ *кўп.* أَجْلاَفٌ 1. қўпол, қўрс, тарбия кўрмаган, маданиятсиз; 2. қўрс (қўпол муомалали) одам, тарбиясиз одам

جَلْفَطَ қатронламоқ, қатрон (смола) суртмоқ, бирор нарса тиқиб (*кеманинг*) тешик-тирқишларини беркитмоқ

– جَلْفَطَةٌ қатронлаш, қатрон (смола) суртиш, (*кеманинг*) тешик-тирқишларини бирор нарса тиқиб беркитиш

جَلْفَنَ гальванизация қилмоқ, гальванизацияламоқ

– جَلْفَنَةٌ гальванизация, гальванизациялаш (*мед. гальваник ток билан даволаш; тех. гальваник ток ёрдамида бирор металлнинг сиртини бошқа металл билан қоплаш*)

جَلَّقٌ Дамашқ шаҳрининг яна бир номи

I **جَلَمَ** (*и*) جَلْمٌ қирқмоқ, кесмоқ; (*юнгни*) олмоқ; VIII اجْتَلَمَ = I

– جَلاَّمٌ юнг олувчи, жун қирқувчи ишчи; гўсфантарош

– جُلاَمَةٌ, جَلاَمَةٌ олинган юнг (жун)

– جَلَمٌ *ёки ик.с.* جَلَمَانِ юнг (жун) оладиган қайчи

أَبُ جَلَمْبُو *қар.*

جَلْمَدٌ *кўп.* جَلاَمِدُ 1) қоя; 2) валун (*тоғ жинсларининг бўлаклари, юмалоқ катта тош*)

– جَلْمُودٌ *кўп.* جَلاَمِيدُ = جَلْمَدٌ

جُلَّنَارٌ анор гуллари

جَلَنْبَقٌ шовқин, тақиллаш (*эшик ҳақида*)

جَلَنْبَلَقٌ *дарвоза қаноти очилиб-ёпилганда чиқадиган овозни ифодаловчи тақлидий сўз*

جَلْنَزَ, جَنْلَزَ, تَجَلْنَزَ ёки تَجَنْلَزَ инглизлаштирмоқ, инглизларга тақлид қилмоқ

– جَلْنَزَةٌ, جَنْلَزَةٌ инглизлаштириш

جُلاَهِقٌ ўқ, отиладиган ўқ; ~ الـ قَوْسُ камон, ёй

I (جلو) **جَلاَ** (*у*) جَلْوٌ, جَلاَءٌ 1) аниқ, равшан бўлмоқ; аниқланмоқ, топилмоқ, кўринмоқ; 2) кетмоқ, узоқлашмоқ, (*қаердандир*) эвакуация қилинмоқ, хавфли жойдан кўчирилмоқ (عَنْ, مِنْ); 3) тозаламоқ, кеткизмоқ; ойнадай силлиқламоқ, сайқалламоқ, сайқал (жило) бермоқ, ялтиратмоқ; 4) узоқлаштирмоқ, (*қаердандир*) ҳайдамоқ (عَنْ); ~ الصَّدَأَ (н. *нингдир*) зангини кетказмоқ, зангини қириб ташламоқ (عَنْ); 5) аниқламоқ, топмоқ, (н. *нидир*) кўрсатмоқ (*туш.к.* عَنْ); ~ بَصَرَهُ بِالْكُحْلِ кўзни равшан қилмоқ. равшанлаштирмоқ; II جَلَّى аниқ қилмоқ, аниқламоқ; кўрсатмоқ; III جَالَى (н. *ҳақдадир*) хабардор қилмоқ, (н. *нидир*) маълум қилмоқ (*туш.к.* ب); ~ هَذَا الْكِتَابَ عَلَى النَّاسِ у бу китобни нашр қилдирди; IV أَجْلَى 1) кетмоқ, транспортда кетмоқ, (*қаердандир*) узоқлашмоқ (مِنْ); 2) узоқлатмоқ, ҳайдамоқ; эвакуация қилмоқ, хавфли жойдан кўчирмоқ; эвакуацияга мажбур қилмоқ, хавфли жойдан кетишга мажбур қилмоқ; V تَجَلَّى 1) аниқ бўлмоқ, аниқланмоқ, топилмоқ, очилмоқ; 2) (к. *нингдир олдида*) ўзини тўла намоён қилмоқ (عَلَى); VII انْجَلَى 1) аниқ бўлмоқ, равшан бўлмоқ, очиқ бўлмоқ; аниқланган бўлмоқ, топилган бўлмоқ; ойдинлашмоқ, равшан бўлиб қолмоқ, топилмоқ; 2) кетмоқ, узоқлашмоқ, ўтмоқ, босиб ўтмоқ, ўтиб кетмоқ, ортда қолдирмоқ; (*қаердандир*) эвакуация бўлмоқ, хавфли жойдан кўчиб кетмоқ; 3) сайқалланган (силлиқланган) бўлмоқ, ялтироқ бўлмоқ; 4) ниҳоясига етмоқ, (н. *биландир*) тугамоқ (عَنْ); (н. *нингдир*) натижасида ҳосил бўлмоқ (عَنْ); VIII اجْتَلَى 1) аниқламоқ, равшан қилмоқ, очмоқ, топмоқ; 2) кўрмоқ, пайқамоқ; кўриб чиқмоқ, қарамоқ; кузатмоқ; X اسْتَجْلَى аниқликка (равшанликка) эришмоқ, кўришга, билишга уринмоқ; аниқламоқ; топмоқ, кўрмоқ

– إِجْلاَءٌ кетиш; эвакуация бўлиш, хавфли жойдан кўчиб кетиш

– اِسْتِجْلاَءٌ аниқлаш, сўраб-суриштириб билиш, дараклаб билиш

– تَجَلٍّ 1) топиш, кўриш, 2) (*бирор к. олдида*) тўлалигича намоён бўлиш

– تَجَلِّيَةٌ 1) аниқлаш; 2) *дин.* тажаллият (*худонинг ўзи яратган н. ларда намоён бўлиши*)

– جَوَّالٌ, ـــ اتٌ *кўп.* (*бегона шаҳарда, бегона юртда яшайдиган*) ҳамшаҳарлар, ҳамюртлар уюшмаси, ватандошлик, юртдошлик, колония (*ўзга мамлакат ёки ўлкаларга кўчиб келиб ўрнашган кишиларнинг маҳалласи, қишлоғи*)

– جَلاَءٌ 1) равшанлик, аниқлик; ~ الْبَصَرِيُّ олдиндан кўра билиш; ~ وَوُضُوحٍ ғоят аниқ равишда, жуда аниқ; 2) кетиш; жўнаш; транспортда жўнаб кетиш; эвакуация

– جَلاَّءٌ маълум қилиш, хабардор қилиш, маълум қилиш

– جَلْوٌ жило бериш, силлиқлаш

– جَلْوَةٌ 1) жилва, ялтираш, чиннидай тоза бўлиш; 2) юз очиш, ёпинчиқни очиш (*янги турмуш қурган келин куёв уйида*)

– جَلِيٌّ тушунарли, аниқ, равшан, ойдин, шак-шубҳасиз, ошкора; ~ً яққол, баралла, шубҳасиз; ... أَنَّ (تَمَامًا) مِنَ الْـ~ ҳаммага маълумки, ... жуда равшанки, ...; ~ كَالشَّمْسِ кундек (қуёшдек) равшан

– جَلِيَّةٌ *кўп.* جَلاَيَا 1) тушунарли бўлган аниқ нарса; ~ُ الأَمْرِ ишнинг моҳияти (мазмуни); 2) ишончли маълумот

– مُتَجَلٍّ *мн.* مُتَجَلِّيَةٌ очиқ-ойдин кўриниб турган, аниқ, равшан

– مَجْلًى *кўп.* مَجَالٍ намойиш қилиш (қилиниш); اسْتُقْبِلَ بِمَجَالِي التَّكْرِيمِ у юксак ҳурмат билан қабул қилинди (кутиб олинди)

جَلْوَازٌ *кўп.* جَلاَوِزَةٌ миршаб, полициячи

– جَلْوَزٌ *жам.* ёнғоқлар; ~ خَازِنُ الْـ эт бола (*қуш*)

– جَلْوَزَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ёнғоқ

جَلُوكُوزٌ глюкоза (*узум шакари*)

جَلُّونٌ *кўп.* اتٌ ـــ галлон (*Англияда, АҚШда: 4, 54 литрга тенг ўлчов бирлиги*)

جَلْوَنَ = جَلْفَنَ

– جَلْوَنَةٌ = جَلْفَنَةٌ

جَلَوَيْنٌ полиз бўзтикони (*Sonchus oleraceus*)

I **جَلَى** (*u*) جَلْيٌ силлиқламоқ, пардозламоқ, ишлов бермоқ; II جَلَّى марра чизиғига биринчи бўлиб келмоқ (*от ҳақида*)

– جَلْيٌ силлиқлаш, пардозлаш, ишлов бериш

– جِلْيٌ 1) люк, қопқоқли туйнук, тешик; 2) туйнук (*ҳавони янгилаш ва ёруғлик тушиши учун чердак, минора кабиларга қурилган туйнук*)

– مُجَلٍّ марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келган от

جَالُوتٌ = جُلْيَاتٌ

جَلَيَطَ ёғламоқ, ёғ билан мойламоқ, суртмоқ

– جَلْيَطَةٌ ёғ билан мойлаш, суртиш

I **جَمَّ** (*a/u*) جَمٌّ 1) тўла бўлмоқ, сероб, мўл-кўл бўлмоқ; кўп сонли бўлмоқ; 2) тўлдирмоқ; جَمَّ (*a/u*) جَمَامٌ дам олмоқ, ҳордиқ чиқармоқ (*от ҳақида*); جُمَّ الْفَرَسُ минмасдан дам берилмоқ (*отга*); II جَمَّمَ 1; қирғоғигача тўлдирмоқ; 2) қалин бўлиб ўсмоқ (*ўт-ўлан ҳақида*); IV أَجَمَّ дам бермоқ, дам олдирмоқ; V تَجَمَّمَ 1) қалин бўлиб ўсмоқ (*ўт-ўлан ҳақида*); 2) тўпланмоқ, йиғилмоқ; X اسْتَجَمَّ 1) дам олмоқ; куч-қувват йиғмоқ, нафасни ростлаб олмоқ; 2) тўкин-сочинликда бўлмоқ; 3) ўсимлик билан қопланмоқ (*ер ҳақида*)

– أَجَمُّ *мн.* جُمٌّ *кўп.* جَمَّاءُ шохсиз, шохи йўқ, бешох, мугузсиз, тўқол

– اسْتِجْمَامٌ дам, дам олиш; ~ دَارُ الْـ дам олиш уйи

– جَمٌّ 1. 1) мўл-кўл, сероб; кўп сонли; ~ًا أَحَبَّ حُبًّا жуда қаттиқ севмоқ; 2) тўла; جَمُّ النَّشَاطِ тўла ғайрат; 2. мўл-кўлчилик, серобчилик, кўплик; ~ غَفِيرٍ *ёки* وَفِيرٍ а) кўп сонли; б) кўп сонли оломон

– جَمَامٌ мутлақ тинчлик, хотиржамлик, сукунат, дам олиб ўтириш

– جَمَّاءُ кўп сонли, кўп

– جُمَّةٌ *кўп.* جُمَمٌ тараб, муайян тартибга келтирилган аёллар сочи; ~ الشَّعْرِ қалин соч

– جَمِيمٌ ўсимлик, ўт, ўт-ўлан

– مَجَمٌّ *кўп.* مَجَامُّ кўкрак, сийна

جَمْبَرِيٌّ *жам.* майда қисқичбақалар, креветкалар

– جَمْبَرِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ майда қисқичбақа, креветка

جُمْبَازٌ (*сол.* جُنْبَازٌ) гимнастика; ~ُ الْـ عَلَى الأَجْهِزَةِ спорт жиҳозлари устида гимнастика машқларини бажариш; ~ُ الْفَنِّيُّ бадиий гинмастика; ~ الْقِوَى атлетик гимнастика

– جُمْبَازِيٌّ 1. гимнастикага оид, гимнастик; 2. гимнастикачи

– جُمْبَازِيَّةٌ = جُمْبَازٌ

جَمْبُوزِيَا: ~ سَمَكُ гамбузия (*балиқ*)

جَمْجَمَ ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган қилиб гапирмоқ, ғулдурамоқ; تَجَمْجَمَ = جَمْجَمَ

– جَمْجَمَةٌ тушуниб бўлмайдиган нутқ, ғулдураш; ~ وَمُوَارَبَةٍ жуда аниқ, тўппа-тўғри

– جُمْجُمَةٌ[1] *кўп.* جَمَاجِمُ бош суяги, бош суяк косаси, чаноқ; краниология (*одам ҳақидаги фан - антропологиянинг бош суягини ўрганадиган бўлими*)

– جُمْجُمَةٌ[2] ёғочдан ишланган пиёла

– جُمْجُمِيٌّ бош суягига оид

I **جَمَحَ** (*a*) جُمُوحٌ, جِمَاحٌ 1) ҳаддан ошмоқ, олиб қочмоқ (*от ҳақида*); ~ مِنَ الْحَرْبِ *мажз.* жанг майдонидан қочмоқ; 2) ўжарлик (қайсарлик) қилмоқ (*от ҳақида*); 3) ўз истакларига амал қилмоқ; 4)

эрини ташлаб кетмоқ; جَمَحَ (а) جُمُوحٌ шошилмоқ

– جَامِحٌ *кўп.* جُمَّاحٌ 1) ўжар, қайсар, бўйсунмас; тутган жойини кесадиган, терс; асов, бўй бермайдиган (*от ҳақида*); 2) тийиб бўлмайдиган, ғоят кучли, шиддатли; бўйсунмайдиган; رَغْبَةٌ ~ босиб (қайтариб) бўлмайдиган хоҳиш

– جِمَاحٌ 1) асов, қайсар (*от ҳақида*); 2) инжиқлик, хархаша; ◊ كَبَحَ ~ тиймоқ, тўхтатмоқ, жиловламоқ

– جُمَّاحٌ *бот.* чангловчи, оталиқ (*ўсимлик гулида*)

– جَمُوحٌ = جَامِحٌ

جِمْخَانَةٌ жимхона (*от ва туя миниб иштирок этиладиган спорт мусобақалари*)

I **جَمَدَ** (*у*) جُمُودٌ, جَمْدٌ 1) музламоқ, совқотмоқ; қаттиқлашмоқ; қотмоқ; қуюқлашмоқ; қуюлиб, ивиб қолмоқ (*қон ва сут ҳақида*); 2) (*ҳаяжон ва қўрқувдан*) ўрнида таррадек қотиб қолмоқ, серрайиб туриб қолмоқ; فِي مَكَانِهِ مِنَ الْخَوْفِ ~ қўрқувдан ўз ўрнида қотиб қолмоқ; ◊ يَدُهُ (كَفُّهُ) تْ ~ хасис, зиқна, қурумсоқ; فَهْمُهُ لِهَذَا الْكِتَابِ ~ бу китобни у тушуна олмади; ... نَفْسُهُ عَلَى تْ ~ (*бирор н. га*) бепарво қолмоқ; II جَمَّدَ 1) қаттиқ қилмоқ; музлатмоқ; 2) *иқт.* ўсишни тўхтатмоқ, ишлатмасдан (тўхтатиб) қўймоқ; الأَمْوَالَ ~ капитални (сармояни) ишга солмаслик; 3) (*қоннинг, сутнинг*) ивиб, қотиб қолишига сабаб бўлмоқ; V تَجَمَّدَ 1) музламоқ, муз билан қопланмоқ; қаттиқлашмоқ, қотмоқ; 2) қуюқлашмоқ; ивиб қолмоқ, қуюлиб қолмоқ (*қон, сут ҳақида*); 3) *иқт.* ўсишдан тўхтаган бўлмоқ, ўсишдан тўхтаб қолмоқ; VII انْجَمَدَ тўла музлаб қолмоқ, муз билан қопланмоқ (*дарё ҳақида*); 2) музга айланмоқ, музламоқ

– تَجْمِيدٌ музлатиш; الأَمْوَالِ ~ *иқт.* капитални (сармояни) ишлатмаслик, тўхтатиб қўйиш

– جَامِدٌ *кўп.* جَوَامِدُ 1) қуруқ; 2) музлаган; қаттиқ; қотган; 3) пишиқ, мустаҳкам, кучли; ضَرْبَةٌ ~ кучли зарба; 4) ҳаракатсиз, қўзғалмас; 5) жонсиз, ўлик; *кимё.* анорганик; جَوَامِدُ минераллар (*ноорганик қазилма моддалар*); 6) *грам.* ўзгармас; فِعْلٌ ~ шахс ва сонда тусланмайдиган феъл (мас., نِعْمَ, عَسَى, بِئْسَ); اسْمٌ ~ бошланғич (дастлабки) исм; ◊ الْيَدِ (الْكَفِّ) ~ хасис, зиқна

– جَمَادٌ *кўп.* اتٌ ـــ минерал, ноорганик модда; عَالَمُ الْجَمَادَاتِ ноорганик моддалар олами

– جَمَادِيٌّ минералга оид; ноорганикликка оид; анорганик

– جُمَادَى الأُولَى ~ жумодул-аввал (*қамарий тақвимнинг бешинчи ойи - 30 кун*); الآخِرَةِ ~ жумодул-охир (*қамарий тақвимнинг олтинчи ойи - 29 кун*)

– جَمْدٌ музлаш, яхлаш, совуқ уриш; қотиш; қуюқлашиш; دَرَجَةُ الْـــ музлаш даражаси, нуқтаси

– جَمَدٌ *кўп.* أَجْمَادٌ муз, ях; катта муз парчаси

– جُمُودٌ 1) қўзғалмаслик, ҳаракатсизлик; қотиб қолганлик, тўмтоқлик, жаҳолат; турғунлик; 2) ҳаётсизлик; ўликлик, жонсизлик (*табиат, бирор жой ҳақида*); 3) қаттиқлик, пишиқлик, мустаҳкамлик

– مُتَجَمِّدٌ музлаган, яхлаган; қотиб қолган, қаттиқ; муз қоплаган; الْمِنْطَقَةُ الْـــةُ الْجَنُوبِيَّةُ الشَّمَّالِيَّةُ Арктика; الْمِنْطَقَةُ الْـــةُ Антарктика

– مُجَمَّدٌ музлатилган; музлаб қолган; لَحْمٌ ~ музлатилган гўшт; أَمْوَالٌ ~ةٌ *иқт.* ишлатилмаган, тўхтатиб қўйилган маблағ (капитал)

– مَجَامِدُ *кўп.* مَجْمَدَةٌ (*тоғлардаги*) музлик

I **جَمَزَ** (*и*) جَمْزٌ бирикмоқ, қўшилмоқ, йиғилмоқ, йиғилишмоқ, учрашмоқ; II جَمَّزَ 1) ёнаётган, чўғ бўлган кўмирда пиширмоқ; 2) йиғмоқ, термоқ, бирлаштирмоқ; ◊ النَّخْلَ ~ хурмо тепасидаги шох-шаббани кесмоқ; الشَّعْرَ ~ сочни йиғиб орқага турмакламоқ; IV أَجْمَزَ тўпламоқ; النَّارَ ~ оловни қаламоқ; V تَجَمَّزَ бирикмоқ, қўшилмоқ; йиғилмоқ, тўпланмоқ; VIII اجْتَمَزَ (*христианларда: ибодат вақтида*) ладан тутатмоқ (بِالْمَجْمَرَةِ); X اسْتَجْمَزَ орқани тошга артмоқ, тош билан тозаламоқ

– جُمَّارٌ *жам.* 1) ўзак (*ўсимликдаги*) 2) (*хурмонинг*) учи, тепа қисми, дарахтнинг энг тепасидаги шох

– جُمَّارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ (*хурмонинг*) учи, тепа қисми, дарахтнинг энг тепасидаги шох

– جَمْرٌ *жам.* чўғ бўлиб турган кўмир; *маж.* қаттиқ, кучли қаҳр-ғазаб; هَرِقْ عَلَى مَاءً ~كَ ўзингни бос! (*сўзма-сўз:* ёнаётган оловингга сув сеп) هُوَ عَلَى مِثْلِ الْـــ مِنَ الْقَلَقِ хавотирликдан у ўзини худди чўғ устида ўтиргандай ҳис қиляпти; عَلَى أَحَرَّ مِنَ الْـــ *қар.* أَحَرُّ

– جُمَّرٌ = جُمَّارٌ

– جَمْرَةٌ *кўп.* جَمَرَاتٌ 1) ёнаётган бир парча кўмир; қоракуя; يُمَيِّزُ بَيْنَ التَّمْرَةِ وَالْـــ *мтл.* у кўмир билан хурмонинг фарқига бормайди; لَوْ قُلْتُ تَمْرَةٌ لَقَالَ ~ *мтл.* мен боғдан гапирсам, у тоғдан гапиради; мен Али десам, у Вали дейди (*сўзма-сўз:* мен хурмо десам, у кўмир дейди); 2) кичкина тош, майда тош; 3) *мед.* карбункул, хўппоз, кўк яра, чипқоннинг бийи; خَبِيثَةٌ ~ а) йиринг, яра; карбункул; б) куйдирги

– مِجْمَرَةٌ *кўп.* مَجَامِرُ 1) манқал; манқалдон; кабоб қўраси; 2) тутатқи солинадиган идиш, исириқдон; ладандон (*христианларда: ибодат вақтида ладан тутатадиган идиш*)

جُمْرُكٌ *кўп.* جَمَارِكُ божхона; رَسْمُ الْـــ божхона, пошлина

– جُمْرُكِيٌّ божхонага оид; التَّعْرِفَةُ الْـــةُ божхона тарифи (*олинадиган хизмат ҳақи*); الإِجْرَاءَاتُ الْـــةُ божхона расмиятчилиги, божхонада қилинадиган ишлар

I **جَمَزَ** (*и*) جَمْزٌ қадамини тезлатмоқ (*туя ҳақида*)

– جُمْزٌ туянинг юриш усулларидан бири

– جَمَّازٌ *ёки* جَمَّازَةٌ шошилинганда миниладиган туя

– جَمَزَى тезов, тезюрар (*туя ёки от ҳақида*); ~ جِمَارٌ тезюрар эшак

– جُمَّيْزٌ *жам.* тутлар оиласига кирувчи мевали дарахт; анжир

– جُمَّيْزَةٌ *кўп.* اتٌ — тутлар оиласига кирувчи дарахт ва унинг меваси; анжир (*дарахти ва меваси*)

جَامُوسٌ *жам.* جَوَامِيسُ буйволлар (*буқалар кенжа оиласига мансуб ҳайвонлар*); (اَلْبَحْرِ) اَلنَّهْرِ ~ бегемот, сув оти; ~ أَبُو (*тўқ сариқ*) қўтон, қарқара

– جَامُوسَةٌ *кўп.* اتٌ — буйвол, урғочи буйвол

– جَمَّاسٌ буйвол боқувчи одам, буйволчи

جَمَشْتٌ *мин.* аметист (*сафсар ёки кўкиш сафсар рангли минерал, қимматбаҳо тош*)

I **جَمَشَ** (*у*) جَمْشٌ сочни олиб ташламоқ, тукни йўқотмоқ; сочни қирмоқ; II جَمَّشَ қитиқламоқ, қитиғини келтирмоқ; эркалаб қитиқламоқ; эркаламоқ

– جَمُوشٌ депиляторий (*сочни олиб ташлашда, тукни йўқотишда ишлатиладиган модда*)

– جَمِيشٌ[1] = جَمُوشٌ

– جَمِيشٌ[2] ўсимлик битмайдиган ер

جَمَسْتٌ = جَمَشْتٌ

I **جَمَعَ** (*а*) جَمْعٌ 1) йиғмоқ, тўпламоқ; 2) (*ҳосилни*) ўрмоқ, термоқ; 3) ўрамоқ, қуршаб олмоқ, бирлаштирмоқ; شَمْلَهُمْ ~ бир жойга йиғмоқ, кимларнидир бирлаштирмоқ; 4) *мат.* қўшмоқ; 5) тузмоқ; яратмоқ, ижод этмоқ; اَلْحُرُوفَ ~ *полигр.* (*ҳарфни*) термоқ; 6) (*бирор н. га*) қўшилмоқ, бирлашмоқ (إِلَى); 7) солиштирмоқ, таққосламоқ, қиёсламоқ; 8) қўшмоқ, бирлаштирмоқ, (к. *биландир*) таништирмоқ (ب); 9) (*бирор ишни бошқа иш билан*) бирга қўшиб олиб бормоқ (بَيْنَ); (*кимнидир к. биландир*) бирлаштирмоқ (بَيْنَ); 10) *грам.*(*маълум бир вазнда*) кўплик сонни ҳосил қилмоқ (عَلَى); ◊ ~ عُدَّتَهُ кимгадир қарши қуролланмоқ; бирор кимга қарши пичоқ қайрамоқ; II جَمَّعَ 1) кўп миқдорда йиғмоқ; тўпламоқ, жамламоқ; 2) бир жойга йиғмоқ, тўпламоқ; қисмларни йиғиб, тайёр ҳолга келтирмоқ (*мас. бирор жиҳозни*), *монтаж* қилмоқ, йиғмоқ; 3) коллективлаштирмоқ, жамоалаштирмоқ; 4) коллекциялаштирмоқ, коллекция тузмоқ; III جَامَعَ 1) бирлашмоқ; 2) жинсий алоқа қилмоқ; IV أَجْمَعَ ҳал қилмоқ; (н. *биландир*) келишмоқ, (н. *ҳақдадир*) келишиб олмоқ (عَلَى): أَجْمَعُوا عَلَى الْقَوْلِ ҳамма бир овоздан розилигини билдирди; أَجْمَعُوا أَمْرَهُمْ عَلَى ... ҳаммалари бир овоздан қарор қилишдики, ...; V تَجَمَّعَ 1) йиғилмоқ, тўпланмоқ; 2) битта жамоага (гуруҳга) бирлашмоқ; 3) қўшилган бўлмоқ, жамланган бўлмоқ (*сонлар ҳақида*); 4) тўпланган бўлмоқ, бир жойга тўпланмоқ; VIII اجْتَمَعَ 1) йиғилмоқ, йиғилишмоқ, тўпланишмоқ; 2) бирлашмоқ; 3) бирга қўшилмоқ, бирга бўлмоқ; 4) (к. *биландир*) учрашмоқ (ب); X اسْتَجْمَعَ 1) йиғмоқ, термоқ; 2) тайёрланмоқ, ҳозирланмоқ; ~ قُوَاهُ куч-қувватини тўпламоқ, йиғмоқ

– اجْتِمَاعٌ *кўп.* اتٌ 1) мажлис, йиғилиш; йиғин, митинг; ~ اِنْتِخَابِيٌّ сайловолди йиғилиши; ~ جَمَاهِيرِيٌّ митинг; ~ اَلْكَامِلُ اَلـ пленум; 2) учрашиш; 3) бирлашиш, қўшилиш; ~ شَمْلِ الشَّعْبِ халқнинг бирлашиши; ~ اَلنَّهْرِ дарёларнинг қўшилиши (*бир-бирига қуйилиши*); ~ اَلطُّرُقِ йўлларнинг (*бир-бири*) билан туташиши, чорраҳа; ~ عِلْمُ اَلـ жамиятшунослик

– اجْتِمَاعِيٌّ 1. ижтимоий, жамиятга оид; اَلْحَالَةُ اَلـ ижтимоий вазият; اَلْمُسَاوَاةُ اَلـ ижтимоий тенглик; اَلنِّظَامُ اَلْهَيْئَةُ اَلـ ижтимоий тузум; اَلـ кишилик жамияти; وَزِيرُ الشُّؤُونِ اَلـ жамоат ишлари вазири; 2. жамиятшунослик мутахассиси, жамиятшунос, социолог

– اجْتِمَاعِيَّاتٌ *кўп.* ижтимоий масалалар; ижтимоий ҳаёт воқеалари

– اجْتِمَاعِيَّةٌ жамоатчилик; жамият

– إِجْمَاعٌ бир овоздан қабул қилинган қарор; якдиллик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик; ~ اَلـ *тар.* диний масалалар бўйича имомлар фикрининг якдиллиги; ~ بِاَلـ бир овоздан, якдиллик билан

– إِجْمَاعِيٌّ 1) коллективга оид, биргаликдаги, умумий; اَلسَّلَامَةُ اَلـ коллектив (жамоат) хавфсизлиги; 2) якдиллик, бирдамлик билан; مُوَافَقَةٌ ~ якдиллик билан маъқуллаш

– أَجْمَعُ *мн.* جَمْعَاءُ *кўп.* أَجْمَعُونَ бутун; ~ اَلْعَالَمُ اَلـ *ёки* اَلْعَالَمُ بِأَجْمَعِهِ бутун олам (дунё); اَلْمَدِينَةُ جَمْعَاءُ бутун шаҳар; ~ هِمْ ҳамма биргаликда

– تَجْمِيعٌ (*бирга*) тўпланиш, йиғилиш, бирлашиш, уюшиш; 2) йиғиш; монтаж қилиш (*мас. кинони*)

– تَجْمِيعِيٌّ йиғиш учун белгиланган, йиғиладиган; монтаж қилиш билан боғлиқ бўлган; اَلْأَعْمَالُ اَلـ монтаж ишлари

– جَامِعٌ[1] 1) тўпловчи, йиғувчи, тузувчи; 2) тўла, кўп нарсани ўз ичига қамраб олган, сермазмун (*нутқ ҳақида*); 3) бирлаштирувчи, боғловчи; ~ لَا يَجْمَعُهُمْ أَيُّ уларнинг ...га ҳеч қандай алоқаси йўқ; 4) жомеъ (*масжид ҳақида*); 2. 1) йиғувчи, монтажчи; 2) *шунингдек:* ~ اَلْحُرُوفِ ҳарф терувчи; компилятор (*ундан-бундан йиғиб асар ёзувчи*), қурамачи

– جَامِعٌ[2] *кўп.* جَوَامِعُ жомеъ; ~ اَلْأَزْهَرِ *ёки* اَلـ (*Қоҳирадаги*) Ал-Азҳар жомеъ масжиди; اَلـ اَلْأُمَوِيُّ (*Дамашқдаги*) Ал-Умавий жомеъ масжиди

– جَامِعَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) умумийлик, бирлик; اَلْمَصْلَحَةِ ~ манфаатлар умумийлиги; 2; мустаҳкам бирлик, жипслашганлик; бутунлик, яхлитлик; 3) алоқа; 4) иттифоқ, бирлашма, лига; ~ اَلْأُمَمِ *тар.* Миллатлар Иттифоқи (*давлатларнинг биринчи ва иккинчи*

*жаҳон урушлари орасида мавжуд бўлган халқаро иттифоқи*); ~ الدُّوَل الْعَرَبِيَّة Араб давлатлари Лигаси; ~ الشُّعُوب الْبريطَانِيَّة *тар.* Британия халқлари ҳамдўстлиги; 5) университет; مُدِيرُ الـ~ университет ректори

– جَامِعِيٌّ 1. университетга оид; 2. университет ходими

– جَمَاعٌ 1) бир бўлиш, бирлашиш; ҳаммаси, барчаси, жами; وَ ... الْقَوْلِ إنَّ ~ қисқа қилиб айтганда, ...; 2) жинсий алоқа қилиш; 3) етарлилик, тўлалик

– جَمَّاعٌ йиғувчи, коллекционер; ~ الْكُتُب китоб йиғувчи; ~ـَـةٌ كَهْرَبَائِيَّة *эл.* аккумулятор

– جَمَاعَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ жамоат, бирлашма, корпорация, уюшма; 2) жамият; ~ الـ~ لِلْفَرْدِ وَالْفَرْدُ لِلـ~ бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун; 3) жамоа, гуруҳ, оломон, 4) *ҳарб.* бўлим (*взводнинг бир қисми*), отделение; 5) ёмон ниятли тўда, гала, гуруҳ, нияти бузуқ кишилар; ◊ ~ الرَّجُل а) оила; б) хотин (эрнинг хотини)

– جَمَاعِيٌّ оммавий, коллективга оид, биргаликдаги; تَدَابِيرُ ~ـَـةٌ биргаликдаги тадбирлар; ~ـَـةُ الْمَزْرَعَةِ الـ~ жамоа хўжалиги; ~ قَتْلٌ оммавий қатл этиш, қатли ом

– جَمَاعِيَّةٌ умумийлик, муштараклик; ~ الْقِيَادَة биргаликда раҳбарлик қилиш, коллектив раҳбарлик; إشَاعَةُ الـ~ فِي الزِّرَاعَة қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, умумлаштириш

– جَمْعٌ[1] *кўп.* جُمُوعٌ 1) йиғиш, тўплаш, бирлашиш, бирлаштириш; ~ كَلِمَتِهِمْ ~ ёки شَمْلِهِمْ *маж.* мустаҳкам бирлашиш; 2) йиғилиш, тўпланиш; 3) *мат.* қўшиш; 4) мажлис, йиғилиш; 5) оломон, йиғин, тўда; 6) *грам.* кўплик сон; ~ الْكَثْرَة (н. *ларнинг*) кўплигини билдириш учун кўплик сон; ~ الْقِلَّة (н. *лар*) сонининг озроқлигини билдириш учун кўплик сон; ~ الـ~ кўплик соннинг кўплиги; ◊ ~ الْيَد мушт

– جَمْعٌ[2] 1) елканли кеманинг кўндаланг ўрнатилган елкани; 2) Маккаи мукаррамадаги Муздалифа тоғининг иккинчи номи

– جُمْعٌ *кўп.* أَجْمَاعٌ жамлик, биргалик; бутунлик, бир бутунлик; ~ قَرَأَ الْكِتَابَ у китобнинг ҳаммасини ўқиб чиқди; ◊ ~ الْيَد (الْكَفِّ) мушт

– جُمْعَةٌ *кўп.* جُمَعٌ 1) ҳафта; *дин.* пасха арафасидаги ҳафта; 2) *шунингдек:* ~ يَوْمُ الـ~ жума (*кун*); ~ الْحَرِينَة يَوْمُ الـ~ ёки الـ~ الْعَظِيمَة *дин.* пасха арафасидаги жума

– جَمْعِيٌّ жамлайдиган, тўплайдиган, умумлаштирувчи; اسْمُ الْجِنْسِ الـ~ *грам.* турдош от

– جَمْعِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) мажлис, йиғилиш; ~ الـ~ التَّشْرِيعِيَّة қонун чиқарувчи мажлис; ~ عُمُومِيَّةٌ умумий мажлис; ~ عَامَّةٌ пленум; 2) жамият; ~ الـ~ الْجُغْرَافِيَّة география (жуғрофий) жамияти; ~ خَيْرِيَّةٌ хайрия жамияти; *3*) Иттифоқ, ассоциация, уюшма; الـ~ الْعُمُومِيَّة لِمُنَظَّمَةِ الأُمَمِ الْمُتَّحِدَة Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси; ~ الأُمَم *тар.* Миллатлар иттифоқи (*давлатларнинг биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари ўртасида мавжуд бўлган халқаро иттифоқи*); 4) кўп миқдордаги, кўплик

– جَمِيعٌ 1. жами, бутунича, бир бутун; ~ا ҳаммаси бўлиб, жамулжам, бутунлигича; 2. барча, бутун, ҳамма, бари, жами; ~ النَّاس ҳамма одамлар; ~ هُمْ уларнинг ҳаммаси

– مُجَامَعَةٌ бирлашиш, қўшилиш

– مُجْتَمَعٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) мажлис бўладиган жой, учрашув жойи; 2) мажлис, йиғилиш; 3) жамият; коллектив, жамоа; ~ الـ~ الإنْسَانِيُّ (الْبَشَرِيُّ) кишилик жамияти; ~ الـ~ الاشْتِرَاكِيُّ социалистик жамият; ~ الـ~ الشُّيُوعِيُّ коммунистик жамият; ~ الـ~ اللاَّطَبَقِيُّ синфсиз жамият

– مُجْتَمِعٌ мажлис қатнашчиси

– مَجْمَعٌ *кўп.* مَجَامِعُ 1) мажлис бўладиган жой, 2) мажлис; съезд, йиғин; кенгаш; ~ الـ~ الْعِلْمِيُّ фанлар академияси; ~ اللُّغَة الْعَرَبِيَّة Араб тили академияси; 3) комплекс (*бир бутунлик ҳосил этган, воқеа-ҳодисалар, ҳаракатлар, белгилар ва б. лар мажмуи*); 4) блок, иттифоқ; ◊ أَخَذَ بِمَجَامِعِ الْقُلُوب ўзига тортмоқ, мафтун қилмоқ, маҳлиё қилиб қўймоқ, асир этиб олмоқ, шайдо қилмоқ

– مُجَمَّعٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) бирлашма; ~ الـ~ الاسْتِهْلاَكِيُّ матлубот жамияти (бирлашмаси); 2) комбинат (*бир-бирига боғлиқ бир неча корхонани ўз ичига олган йирик бирлашма*); ~ الْحَدِيد وَالصُّلْب металлургия комбинати

– مُجَمِّعٌ йиғувчи, тўпловчи, жамловчи; ~ الْكَهْرَبَاء *эл.* аккумулятор

– مَجْمَعِيٌّ 1. академияга оид, академик; 2. академик; академия ходими

– مَجْمُوعٌ 1. жамланган, йиғилган, тўпланган; ~ا أَوْ مَفْرُوقًا биргаликда ёки алоҳида-алоҳида; ~ـَـةُ الْحُرُوفِ الـ~ *полигр.* терилган ҳарфлар; 2. *кўп.* مَجَامِيعُ 1) ҳаммаси, барчаси, жами; умумий сумма, умумий миқдор, жами, ҳаммаси; *мат.* йиғинди; ~ مَصَانِعِ التَّعْدِينِ металлургия комбинати; 2; коллектив, жамоа

– مَجْمُوعَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) мажмуа, тўплам; комплекс; ~ النِّظَامِ الشَّمْسِيَّةِ ёки الـ~ الشَّمْسِيَّةُ қуёш системаси (тизими) даги сайёралар; 2) коллекция (*бир турдаги н. ларнинг тизимланган* (*системалаштирилган*) *тўплами*); الـ~ الْحَشَرِيَّةُ ҳашоротлар коллекцияси; الـ~ النَّبَاتِيَّةُ гербарий (*қуритилган ўсимликларнинг коллекцияси*); 3) гуруҳ, тўда, группа; серия; ~ الدَّمِ қон группаси

– مَجْمُوعِيٌّ глобал, бутун дунёни қамраб олган, дунёга тарқалган; дунё миқёсидаги; умумий

جَامَكِيَّةٌ = جَوَامِكُ, *кўп.* اتٌ ـَـ جَمَكِيَّةٌ

I (جمل) **جَمُلَ** (у) جَمَالٌ чиройли (гўзал) бўлмоқ; وَيَجْمُلُ بِنَا أَنْ

هَلْ ~ ... ...га эътиборни қаратсак, яхши бўлади; نُلْقِيَ نَظْرَةً إِلَى ... шу иш бизга ярашадими?; يَجْمُلُ بِنَا ... جَمَلَ (у) جَمْلٌ жамламоқ; йиғмоқ; бирлаштирмоқ, боғламоқ; қўшмоқ, йиғиндисини чиқармоқ; II جَمَّلَ зеб бермоқ, безатмоқ, ясатмоқ, чиройли қилмоқ, (*овқатни зирвак билан*) чиройли қилмоқ (ب); III جَامَلَ 1) ёқмоқ, кўнглини топмоқ; 2) (*бирор к. билан*) яхши (ёқимли, одобли) муносабатда бўлмоқ; IV أَجْمَلَ 1) боғламоқ, бирлаштирмоқ; тахламоқ, тўпламоқ, жамламоқ; 2) қисқа қилиб тушунтирмоқ; маълумот тайёрламоқ; 3) (*бирор н. ни*) яхши қилмоқ; 4) الْقَوْمُ ~ одамларнинг туяси кўпаймоқ; V تَجَمَّلَ 1) безанмоқ, ясанмоқ; чиройли бўлмоқ, пардоз-андоз қилмоқ; 2) одоб сақламоқ; فِي الْكَلَامِ ~ ёқимли (одоб билан, яхши) гапирмоқ; 3) сабр қилмоқ, бардош (чидам) билан ўтказмоқ; 4) эриган ёғ емоқ; VI تَجَامَلَ бир-бири билан яхши муносабатда бўлмоқ; X اسْتَجْمَلَ чиройли деб билмоқ (топмоқ)

– إِجْمَالٌ 1) бирикиш; қўшилиш, жамланиш; 2) қисқа баён қилиш; қисқача маълумот, маълумот; بِالْـــ ~ ёки ~ اً умуман, умуман олганда; хулоса қилиб, лўнда қилиб, қисқача; عَلَى وَجْهِ الْـــ ~ *ёки* وَجْهِ الْـــ умуман, умуман олганда

– إِجْمَالِيٌّ 1) жамланган, якуний; ялпи, жами, ҳаммаси; умумий, умумлаштирувчи; биргаликдаги, бирга қилинган; الضَّرَبَاتُ الْـــ ~ةُ *ҳарб.* бир ерга тўплаб берилган зарбалар; 2) қисқартирилган, лўнда

– تَجَمُّلٌ 1) (*сохта, хўжакўрсинга қилинган*) одоб, боодоблик; 2) чидам, бардош, сабр-тоқат

– تَجْمِيلٌ чиройли қилиш, безаш; зеб бериш, зийнатлаш; جِرَاحَةُ الْـــ ~ *қар.* جِرَاحَةٌ[2]; مُسْتَحْضَرَاتُ الْـــ ~ пардоз-андоз ашёлари,косметика буюмлари

– تَجْمِيلِيٌّ безашга оид; الْجِرَاحَةُ الْـــ ~ةُ косметик жарроҳлик

– جَمَالٌ жамол, гўзаллик, ёқимлилик, чиройлилик; صَاحِبَةُ الْـــ ~ чиройли, ёқимли, гўзал (аёл ҳақида); رَبَّةُ (الْإِلَهَةُ) الْـــ ~ гўзаллик илоҳаси, Венера (*қадимги Рим мифларида*); عِلْمُ الْـــ ~ эстетика (*санъат ва бадиий ижодиётдаги нафосат, табиат ва ҳаётдаги гўзалликлар ҳақидаги фан ва таълимот*)

– جَمَّالٌ *кўп.* جَمَّالَةٌ туя боқувчи, туякаш

– جَمَلُونَ *кўп.* اتٌ ـــ *қар.* جَمَلُونَ

– جَمَالِيٌّ эстетикага оид, эстетик; الْمُتْعَةُ الْـــ ~ةُ эстетик завқ; الذَّوْقُ الْـــ ~ةُ эстетик дид; الْقِيَمُ الْـــ ~ةُ маънавий бойликлар

– جَمَالِيَّةٌ бадиият, гўзаллик, нафосат

– جَمَلٌ *кўп.* جِمَالٌ туя; بِسَنَامٍ ~ бир ўркачли туя; ذُو سَنَامَيْنِ ~ *ёки* بِسَنَامَيْنِ ~ икки ўркачли туя; ◊ الْيَهُودِ ~ *зоол.* хамелеон, буқаламун; الْمَاءِ ~ сақоқуш, бирқозон (*тумшуғи остида мешкоб халтаси бўлган йирик сув қуши*); وَلَا نَاقَةٌ ~ لَيْسَ لَهُمْ فِي الْأَمْرِ уларнинг бу ишга ҳеч қандай алоқаси (дахли) йўқ

– جُمَّلٌ[1] тўхташ жойига кемани боғланадиган йўғон арқон (*қар.* قَلْسٌ)

– جُمَّلٌ[2] حِسَابُ الْـــ ~ ҳарфлар ҳисоби (*қар.* أَبْجَدَ)

– جُمْلَةٌ *кўп.* جُمَلٌ 1) жами, ҳаммаси, барчаси; натижа, сумма; маълум миқдор; бир қатор, қатор, бир неча; أَعْطَاهُمْ مِنَ النَّصَائِحِ ~ у уларга бир неча (қатор) маслаҳатлар берди; وَ ~ الْقَوْلِ бир сўз билан (қисқа қилиб) айтганда; بِالْـــ ~ а) бир сўз билан, қисқа қилиб; б) кўтарасига, улгуржи; в) оммавий миқёсда; اعْتِقَالَاتٌ بِالْـــ ~ одамларни оммавий қамоққа олишлар; وَالْمُفَرَّقِ *ёки* بِالْـــ ~ وَالْقَطَّاعِيِّ кўтарасига (улгуржисига) ва чаканасига (чаканалаб); تُجَّارُ الْـــ ~ улгуржи савдогарлар; ~ً бутунича; ҳаммаси бўлиб; فِي ~ـــهِ وَتَفْصِيلِهِ *ёки* وَتَفْصِيلاً ~ً тўла ва батафсил, умуман ва жумлатан; مِنْ ~ـــهِمْ улар орасида; وَحَدَّثَنَا مَا حَدَّثَ أَنَّ ~ فِي ... у гап орасида айтдики, ...; 2) *шунингдек:* ~ *грам.* жумла; اسْمِيَّةٌ ~ от кесимлиги; فِعْلِيَّةٌ ~ феъл кесимли гап; مُعْتَرِضَةٌ ~ кириш гап

– جَمَلُونٌ *кўп.* اتٌ ـــ иморатнинг гумбаз шаклидаги юқори қисми; икки ёққа нишаб томнинг қирраси; гумбаз, қубба; икки нишабли том; سَطْحُ الْـــ ~ икки ёққа нишаб томнинг тепа қирраси ва унинг устига жойлаштирилган ёғоч

– جَمَلُونِيٌّ гумбазсимон, қуббасимон

– جَمِيلٌ[1] 1. жамил, чиройли, ёқимли; истараси иссиқ, жозибали; 2. раҳм-шафқат; хайрли иш; илтифот, марҳамат; مَعْرِفَةُ الْـــ ~ *ёки* عُرْفَانُ الْـــ ~ миннатдорлик, ташаккур; نُكْرَانُ الْـــ ~ ношукурлик, нонтепкилик; ~اً жуда соз!, жуда яхши!

– جَمِيلٌ[2] эриган ёғ, жир

– مُجَامَلَةٌ жонкуярлик, сермулозаматлик; хушмуомалалик, илтифот, ҳурмат билан муомалада бўлиш, мулойимлик; زِيَارَةُ ~ ҳурмат билдириш мақсадидаги ташриф (визит); عَلَى سَبِيلِ الْـــ ~ мулозамат юзасидан; لَهُ ~ бирор шахсга хушомад қилиб, унга ёқишни кўзлаб

– مُجْمَلٌ 1. 1) якуний, умумий; 2) қисқа; 2. қисқа баён; очерк (*умумий тарзда ёзилган тасвирий-тавсифий ёки илмий асар*); схема; маълумот; (тарихий) қисқа курс; ◊ ... يَظْهَرُ مِنْ ~ حَالِهِ أَنَّ аниқ (очиқ) кўриниб турибдики, ...; فِي ~ـــهِ (بِـــ ~ـــهِ) وَتَفْصِيلِهِ тўлалигича ва майда тафсилотлари билан

– مُجَمِّلٌ безатувчи

– مُجَمِّلَاتٌ *кўп.*(*кумушдан, қимматбаҳо тошлардан ясалган*) безаклар, зеб-зийнатлар

جُمَانٌ *жам.* марваридлар, дурлар, инжулар

– جُمَانَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ марварид донаси, дурдона

جَمْهَرَ йиғмоқ, тўпламоқ; تَجَمْهَرَ йиғилишмоқ, тўпланишмоқ

– تَجَمْهُرٌ йиғин, тўда; *халқ.* йиғилиш, тўпланиш

– جَمَاهِيرِيٌّ оммавий

– جَمَاهِيرِيَّةٌ оммавийлик, оммавий ҳол (ҳолат)

– جَمْهَرَةٌ йиғилиш, тўпланиш; омма

– جُمْهُورٌ *кўп.* جَمَاهِيرُ тўда, гуруҳ, омма; бир жойга йиғилган кишилар; халқ; الْجَمَاهِيرُ الْغَفِيرَةُ ишчилар оммаси; الْجَمَاهِيرُ الْعَامِلَةُ кўп сонли омма (халқ); кенг халқ оммаси

– جُمْهُورِيٌّ 1. 1) умумий, оммавий; халққа оид; 2) республикага оид; 2. республикачи, республика тарафдори

– جُمْهُورِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ жумҳурият, республика; ~ أُوزْبَكِسْتَانَ Ўзбекистон жумҳурияти (республикаси)

– مُجَمْهَرٌ 1. тўпланган, йиғилган; 2. *кўп.* اتٌ ـــ тўплам; مُجَمْهَرَاتُ الْمُجَمْهَرَاتُ ёки مُعَلَّقَاتٌ *араб шеъриятида* (*дан сўнг ўз аҳамиятига кўра иккинчи ўринда турадиган*) исломгача бўлган етти қасида тўпламаси

I جَنَّ (*a/y*) جَنٌّ 1) бекитмоқ, яширмоқ; пинҳон тутмоқ; ~ اللَّيْلُ тун чўкди, тун кирди; 2) *мажх.* ақлдан озмоқ, жинни бўлмоқ; II جَنَّنَ 1) ақлдан оздирмоқ, жинни қилмоқ, жинниликкача олиб бормоқ; 2) қаҳр-ғазабини келтирмоқ; IV أَجَنَّ 1) ақлдан оздирмоқ, жинни бўлишгача олиб бормоқ; 2) бекитмоқ, яширмоқ, пинҳон қилмоқ; ~ تِ الْمَرْأَةُ وَلَدَهَا ҳомиладор бўлмоқ; V تَجَنَّنَ ақлдан озмоқ, ақл-ҳушини йўқотмоқ; VI تَجَانَّ ёки تَجَانَنَ ўзини жинниликка солмоқ; VIII اجْتَنَّ беркинмоқ, яширинмоқ; X اسْتَجَنَّ 1) (н. *биландир*) ёпинмоқ (ب); 2) яширинмоқ, бекинмоқ; 3) ақлдан озган деб ҳисобламоқ

– جَانٌّ 1) иблислар, шайтонлар; жинлар, девлар (*насронийларда*); 2) оқ илон

– جَنَّانٌ *кўп.* جَنَائِنِيٌّ = جَنَائِنِيَّةٌ

– جَنَانٌ *кўп.* أَجْنَانٌ юрак; жон; ~ ثَابِتُ الْـ мустаҳкам иродали; қўрқмас, довюрак

– جُنَانٌ, جُنَانَةٌ қалқон

– جَنَانٌ жиннилик, ақлдан озиш

– جَنَّانٌ боғбон

– جِنٌّ *шунингдек:* جِنَّةٌ *жам.* жинлар, руҳлар; шайтонлар, иблислар; ~ عَالَمُ الْـ *миф.* руҳлар олами

– جِنِّيٌّ *д.с.* جِنٌّ *дан.* жин, руҳ, иблис, шайтон

– جَنِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ (*аёл қиёфасидаги*) жин, соҳира, сеҳрлаб (мафтун қилиб) қўядиган гўзал аёл; пари; ~ الْبَحْرِ сув париси

– جَنَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ, جِنَانٌ 1) боғ; ~ الْـ жаннат; ◊ أَهْلُ الْـ *дин.* аҳли жаннат, тақводорлар; أَسْكَنَهُ اللهُ فَسِيحَ جَنَّاتِهِ Оллоҳ унинг жойини жаннатда қилсин!; سَاكِنُ الْجِنَانِ مарҳум; ~ عُصْفُورُ الْـ қалдирғоч; 2) хурмо дарахтлари

– جُنَّةٌ *кўп.* جُنَنٌ 1) (*бирор н. дан ҳимояланиш учун*) тўсиқ, пана; 2) қалқон

– جِنَانٌ = جَنَّةٌ

– جُنُونٌ 1) жунун, жиннилик, ақлсизлик, ақлдан озганлик; مِنَ ... أَنَّ ~ الْـ агар ...са, ақлсизлик бўлади; جُنَّ ~ ـــهُ у ақлдан озди; جُنَّ ~ هَذَا الرَّجُلِ бу одам эсини йўқотди (ақлдан озди); ~ فُنُونٌ الْـ *мтл.* ҳар ким ўз ҳолича ақлдан озади, 2) қаҳр, ғазаб; 3) васваса; ~ التَّعَاظُمِ улуғлик васвасаси; ~ الْحَرِيقِ пиромания (*ўт қўйишга мойилликдан иборат руҳий касаллик*); ~ السَّرِقَةِ клептомания, (*ўғирликка мойилликдан иборат руҳий касаллик*)

– جُنُونِيٌّ жинниликка, ақлсизликка оид; шайтонга, иблисга оид, шайтоний; даҳшатли, қўрқинчли

– جَنِينٌ *кўп.* أَجِنَّةٌ эмбрион, пушт, ҳомила; عِلْمُ الأَجِنَّةِ эмбриология (*биологиянинг эмбрионлар ривожланишини ўрганадиган бўлими*)

– جُنَيْنَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ, جَنَائِنُ боғча, кичкина боғ

– جُنَيْنَتِيٌّ *кўп.* جُنَيْنَتِيَّةٌ боғбон

– جَنِينِيٌّ эмбрионга оид; эмбрион ҳолидаги

– أَرْضٌ ~ ـــةٌ مَجَنٌّ жинлар макон қурган ер

– مَجَنٌّ, مَجَنَّةٌ *кўп.* مَجَانُّ қалқон; ~ قَلَبَ ظَهْرَ الْـ (*бирор к. га қарши*) қуролни қаратмоқ (тўғриламоқ); ўзгартирмоқ, бурмоқ

– مَجْنُونٌ *кўп.* مَجَانِينُ мажнун, жинни, ақлдан озган; қутурган; ~ السِّبَاقُ الْـ ўта тез чопиш, пойга

I جَنَبَ (*y*) جَنْبٌ 1) бир тарафга қўйиб турмоқ; 2; ...дан четда ушлаб турмоқ; четлаштирмоқ, йўқотмоқ; II جَنَّبَ = I; III جَانَبَ ёнида бўлмоқ; 2) ўзини четга олмоқ, ўзини олиб қочмоқ; هَذَا الرَّأْيُ ~ مِنْ قَوَاعِدِ لاَ يُجَانِبُ الصَّوَابَ النَّحْوِ وَالصَّرْفِ бу нуқтаи назар ҳақиқатга яқин; грамматика қоидаларига амал (риоя) қилмаслик; V تَجَنَّبَ ўзини олиб қочмоқ, ўзини четга олмоқ, ўзини четга тортмоқ; VI تَجَانَبَ 1) ўзини четга олмоқ (тортмоқ); 2) бир-бирига боғлиқ бўлмоқ; VIII اجْتَنَبَ = V,: يُجْتَنَبُ четлаб ўтиш мумкин бўлган нарса

– اجْتِنَابٌ бош тортиш, сақланиш, ўзини тийиш

– أَجْنَبِيٌّ = أَجْنَبُ

– أَجْنَبُ *кўп.* أَجَانِبُ 1. 1) ажнабий, бегона, чет киши; 2) четга оид; اللُّغَاتُ الْـ ـــةُ чет тиллар; 2. бегона юртлик киши, чет эллик киши

– تَجَنُّبٌ бош тортиш, бўйин товлаш; оғиш, четга чиқиш

– جَانِبٌ *кўп.* جَوَانِبُ 1) ён, ёнбош; биқин; борт, ён девор; фланг, ён томон, қанот; (*шуниндек: дип.*) томон; ~ الْمَرْكَبِ الأَيْسَرِ

кеманинг чап борти; ~ الْـ الْفَرَنْسِيُّ (*мас. музокараларда*) Франция томони; ... أَنَّ عَلَى أَتَّفِقَ الْـ~ان ҳар иккала томон келишиб олишдики, ...; مُتَعَدِّدُ الْجَوَانِب а) кўп томонли, кўп қиррали; б) кўп қирралилик; ~ الْـ وَحِيدُ бир ёқлама, ا~ четга; четда; ا~ تَرَكَهُ бирор нимадан бош тортмоқ; ~ـــه كَانَ بِـ бирор ким тарафида бўлмоқ; ا~ وَضَعَهُ бирор нарсани ёнга қўйиб турмоқ; ~ـــه بِـ у билан ёнма-ён; ~ـــه وَقَفَ بِـ бирор ким тарафида турмоқ; ~ إِلَى ~ـــه وَقَفَ إِلَى هَذَا шу билан бирликда; ~ـــه إِلَى у билан бир қаторда; ~ـــه бирор ким тарафига ўтмоқ; ... وَمِنْ ~ آخَرَ бир томондан ..., бошқа томондан ...; ~ـــه مِنْ унинг тарафидан; ~ الْتَزَمَ бетарафликни сақламоқ, бетараф бўлиб турмоқ; ~ الْتَزَمَ الصَّمْتَ сукут сақламоқ; ~ـــه أَهْمَلَ أَنَّ لاَحَظَ у сездики, уларга эътибор беришмаяпти; ~ـــه لاَ يُؤْمِنُ у хатардан холи эмас; у омонатдир, у ишончли эмас; ~ـــه خَافَ қўрқмоқ, бирор кимдан ҳайиқмоқ, чўчимоқ, ~ أَعْطَى صَوْتَهُ فِي у ... учун овоз берди; فَكَانَتِ النَّتِيجَةُ 61 صَوْتًا إِلَى ~ الْمَشْرُوعِ لِصَوْتٍ وَاحِدٍ ضِدَّهُ натижада лойиҳа учун 61 овоз тарафдор ва бир овоз қарши бўлди; عَلَيْنَا أَنْ ~ قُوَّاتِ السَّلاَمِ وَالْحُرِّيَّةِ فِي نُنَاضِلَ биз тинчликни мустаҳкамлаш ва озодлик учун курашишимиз керак; 2) бўлак, қисм, миқдор; ~ عَظِيمٌ ... مِنْ (*бирор н. нинг*) катта қисми; ~ كَبِيرٍ (عَظِيمٌ) هَذَا الْخَبَرُ عَلَى бу ўз аҳамиятига кўра жуда муҳим хабар; ◊ ~ـــه مَا ... بِـ шу билан биргаликда, айни замонда; ~ سَهْلُ الْـ гапга кўнадиган, райиш, қобил; ~ مَرْهُوبُ الْـ қўрқинч (ҳисси) уйғотувчи

– جَانِبِيٌّ 1) ён томондаги, ёнбошдаги; ~ـــة عَرَبَةٌ коляска, кажава (*мотоциклда*); *фото.* ~ـــة صُورَةٌ *ёки* ~ مَنْظَرٌ профил, ён томондан кўриниш; 2) қўшимча, ёрдамчи, иккинчи даражали; ~ نَاتِجٌ қўшимча маҳсулот; 3) *фон.* латерал ундошлар (*тилнинг икки ёнидан чиқадиган ҳаво оқими ёрдамида ҳосил бўлувчи ундошлар*)

– جَانِبِيَّةٌ *фото.* профил, ён томондан кўриниш

– جَنَابٌ 1) тараф, ён; 2) жаноб, жаноблари (*асосан чет эллик расмий кишиларга мурожаат*); ~ قُنْصُلِ إِنْكْلْتِرَا الْعَامُّ инглиз бош консули жаноблари; ~ كُمْ жаноб олийлари

– جُنَابٌ плеврит, зотилжам

– جَنَابَةٌ 1) лой; 2) *дин.* ҳаром бўлиш, мурдор бўлиш, булғаниш

– جَنَائِبِيَّةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) темир йўл ёқасидаги ариқ, зовур; 2) тупроқ, шағал *ва б.* тўкиб ясалган баландлик, тепалик, дўнглик

– جَنْبٌ *кўп.* جُنُوبٌ ,أَجْنَابٌ ён; ёнбош; борт, ён девор; тараф; ҳарб. қанот; ~ (ـــلِ) إِلَى ا~ ёнма-ён, ~ـــه بِـ унинг ёнида; ~ عَلَى тарафга; ~ـــه бирор нарсанинг ёнида; бирор нарсада; ~ قَعَدَ التِّلِيفُونِ телефон ёнида ўтирмоқ; ~ـــه ذَاتُ الْـ плеврит, зотилжам; ~ بَيْنَ ~ـــه а) ичида; б) бирор нарсанинг ичида; ~ـــه الصَّاحِبُ بِالْـ ҳамроҳ, йўлдош, сафардаги шерик

– جُنُبٌ 1) *дин.* ҳаром қилинган, мурдор қилинган, булғанган; 2) бегона, ёт; ~ قَرِيبٌ узоқ қариндош; ~ـــه الْجَارُ الْـ ўзга юртлик, ўзга юртдан келиб қолган қўшни

– جَنْبَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) хуржун; 2) ён, ёнбош, тараф; فِي بِجَنْبَاتِهِ *ёки* جَنْبَاتِهِ бирор нарсанинг ичида; بَيْنَ بِجَنْبَاتِ الْحُجْرَةِ ҳужралар ичида; فِي جَنْبَاتِ الْمَسْجِدِ масжид деворлари орасида (ичида); هَذِهِ الْمَصَانِعِ يَعْمَلُ عَشَرَةُ آلاَفِ عَامِلٍ бу заводда ўн минг ишчи ишлайди, 3) тармоқ, бирлашма

– جَنْبِيٌّ ён томондаги, ёнбошдаги

– جَنُوبٌ 1) жануб; ا~ жанубга; жанубда, 2) жанубий шамол; ~ شَرْقِيٌّ жануби-шарқий, ~غَرْبِيٌّ жануби-ғарбий

– جَنُوبِيٌّ жанубий; ~ الْـ قُطْبُ Жанубий қутб

– جَنِيبٌ 1. (*ёнбошда*) етаклаб кетилаётган; 2. 1) кўнгилчан, итоаткор; 2) бегона, ёт

– مُتَجَانِبٌ чегарадош, қўшни, ёнма-ён; ~ـــة زَاوِيَةٌ *мат.* қўшни бурчак

– مُجَانِبٌ ёнда борувчи

– مُجَانَبَةٌ ўзини олиб қочиш, қочиш; ~ لِلصَّوَابِ ҳақиқатдан четга чиқиш (қочиш)

– مُجَنَّبَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) флигель (*асосий уй ёнига қурилган бино*); қанот, томон (*бинода*); 2) *ҳарб.* фланг, ён томон, қанот

جَنْبَازِيَّةٌ *кўп.* гимнастикачилар, акробатлар (*мураккаб машқларни бажарувчи гимнастикачилар ёки цирк артистлари*)

– جَنْبَازٌ *кўп.* جَنَابِزَةٌ гимнастикачи, акробат

– جُنْبَازٌ гимнастика (*сол.* جُمْبَازٌ)

– جُنْبَازِيٌّ гимнастикага оид

– جُنْبَازِيَّةٌ = جُنْبَازٌ

جَنْتِلْمَنٌ жентльмен (*Англияда: аристократик табақаларга хос назокатли одам*); ~ الْـ اتِّفَاقُ ўзаро жентльменларча келишув; тантилик билан тузилган ўзаро оғзаки битим

جُنْجُلٌ = جُنْجُلٌ

I **جَنَحَ** (*а*) جُنُوحٌ ,جَنْحٌ 1) қанотни, қўлни жароҳатламоқ; 2) бошланмоқ (*тун, қоронғулик ҳақида*); 3) саёз жойга ўтириб қолмоқ (*кема ҳақида*); 4) (н. *гадир*) интилмоқ (إِلَى); (н. *нингдир*) тарафига оғмоқ (إِلَى); (н. *гадир*) майл, ҳавас, қизиқиш кўрсатмоқ (إِلَى), (н. *гадир*) кўнмоқ, унамоқ, юрмоқ; рози бўлмоқ; қабул этмоқ (إِلَى); II **جَنَّحَ** 1) қанот билан таъминламоқ; ~ يَدَيْهِ қўлларни силкита бошламоқ; 2) *кўч.м.* руҳлантирмоқ, руҳини кўтармоқ; 3) бирор

кимсани қонунбузарликда айбламоқ; IV أَجْنَحَ 1) (н. *гадир*) унатмоқ, кўндирмоқ, рози қилмоқ; 2) саёз жойга ўтириб қолмоқ (*кема ҳақида*)

– جَانِحٌ 1. 1) (н. *гадир*) уновчи, рози бўлувчи (إِلَى); мойил, тарафдор; 2) ақлдан озган, тўғри йўлдан адашган; 2. 1) ён, ёнбош, ён, тараф; қирра; 2) қонунбузар

– جَانِحَةٌ *кўп.* جَوَانِحُ *анат.* қовурға; بَيْنَ جَوَانِحِهِ унинг кўнглида, унинг юрагида (қалбида)

– جَنَاحٌ *кўп.* أَجْنِحَةٌ, جَنَاحَاتٌ 1) қанот; 2) сузгич (*сув ҳайвонларининг сузиш аъзоси*); 3) қанот, томон; флигель; корпус; (*кўргазма залидаги*) бўлим, павильон; 4) ён, ёнбош, тараф; *ҳарб.* фланг, қанот; 5) паррак (*мас. вентилятордаги*); 6) ҳимоя, ҳомийлик; ~ـــهِ تَحْتَ هِيَ у унинг ҳимоясида; 7) этак, бар; مُنْخَفِضُ ~ الـــ камтар, ҳоксор; مَقْصُوصُ الـــ заиф, кучсиз; عَلَى ~ الطَّائِرِ *ёки* عَلَى ~ السُّرْعَةِ худди қаноти бордай (қанот чиқаргандай) тез, шошилинч; عَلَى ~ السُّرْعَةِ الْحَرْبُ яшин тезлигидаги уруш

– جُنَاحٌ гуноҳ; айб, ножўя қилинган иш; жиноят; لاَ ~ عَلَيْهِ إِنْ... агар у ...са, ҳеч бало бўлмайди

– جُنْحٌ бир бўлак, бир қисм (*тун ҳақида*); ◊ تَحْتَ ~ الظَّلاَمِ тун пардаси остида, тун қоронғилигида

– جِنْحٌ тараф, қирғоқ, чет; ёқа, қирра, чет, чекка, лаб; ~ مِنَ اللَّيْلِ туннинг бир қисми

– جُنْحَةٌ *кўп.* جُنَحٌ айб, ноўрин иш; қонунбузарлик

– جَنُوحٌ (н. *гадир*) мойил, тарафдор (إِلَى)

– جُنُوحٌ 1) мойиллик; 2) саёз жойга ўтқизиб қўйиш (*кема ҳақида*)

– جُنَيْحٌ, جُنَيْحَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ кичкина қанот, қанотча; *ав.* элерон (*самолёт қанотларидаги бошқариш учун хизмат қиладиган қисмлар*)

– جُنَيِّحٌ = جُنَيْحٌ

– مُجَنَّحٌ 1) қанотли, қаноти бор; 2) руҳланган

(جند) II جَنَّدَ қўшинга, армияга одам олмоқ; ҳарбий хизматга чақирмоқ; сафарбар қилмоқ; نَفْسَهُ ~ (н. *гадир*) ўзини сафарбар қилмоқ (لـــ); (н. *нидир*) қилишга, бажаришга чоғланмоқ (لـــ); تَجَنَّدَ 1) ҳарбий хизматга кирмоқ; 2) жалб қилинган бўлмоқ, сафарбар қилинган бўлмоқ

– تَجَنُّدٌ ҳарбий хизматни ўташ

– تَجْنِيدٌ жалб қилиш, олиш; ҳарбий хизматга чақириш; сафарбар қилиш; الـــ الإِجْبَارِيُّ мажбурий ҳарбий хизмат

– جُنْدٌ *кўп.* جُنُودٌ, أَجْنَادٌ 1) аскар, лашкар, қўшин; ҳарбий қисм; جُنُودُ الْمِظَلاَّتِ мунтазам армия қўшинлари; جُنُودُ نِظَامِيُّونَ парашютчилар; الْجُنُودُ الْمُجَنَّدَةُ битмас-туганмас қўшин, сон-саноқсиз қўшин (аскар); 2) ёрдамчи, ёрдам берувчи

– جُنْدِيٌّ *кўп.* جُنُودٌ 1) жангчи, оддий аскар, солдат, ҳарбий хизматчи; ~ مُسْتَجِدٌّ хизматга янги келган аскар, ~ـــ قَبْرُ الْـ الْمَجْهُولِ номаълум жангчи қабри; 2) *шахм.* пиёда; ~ الْمَقْثَأَةِ полизга қўрқитиш учун қўйилган «қўриқчи"

– جُنْدِيَّةٌ 1) ҳарбий хизмат, аскарликдаги хизмат; 2) агрессив ҳарбийлар, тажовузкор ҳарбий доиралар; 3) милитаризм (*қуролланиш ва янги уруш оловини ёқишга қаратилган реакцион агрессив сиёсат*)

– مُجَنَّدٌ ҳарбий хизматга янги келган аскар

جَنْدَارْمَةٌ жандармерия (*чет давлатларда: сиёсий полиция*)

جُنْدُبٌ *кўп.* جَنَادِبُ чигиртка

جَنْدَرَ 1) (*ювилган кирни*) ўқловлаб текисламоқ, силлиқламоқ, ғижимини ёзмоқ; 2) الْكِتَابَ ~ китобнинг ўқилган қисмига қалам юргизмоқ; الثَّوْبَ ~ ранги ўчган кийимни қайтадан бўямоқ

– جِنْدَرَةٌ ўқлов (*ювилган кирни текислаш учун*)

– جَنْدَرَةٌ 1) (*ювилган кирни*) ўқловлаб текислаш, ғижимини ёзиш; 2) ўқлов

جَنْدَارْمَةٌ = جَنْدَرْمَةٌ

– جَنْدَرْمِيٌّ 1. жандармерияга ва жандармга оид; 2. жандарм (*жандармерияда хизмат қилувчи полициячи*)

جَنْدُفْلِيٌّ *жам.* устрицалар (*еса бўладиган денгиз моллюскалари*)

جَنْدَلَ йиқитмоқ, қулатмоқ; ағдариб ташламоқ, юқоридан ташламоқ

– جَنْدَلٌ *кўп.* جَنَادِلُ тош; қоя; (*дарёдаги*) остонатош (*дарё тагидан кўтарилиб турган тош дўнглик*)

– جَنْدَلَةٌ юқоридан қулаш

– جُنْدُولاَ, جُنْدُولَةٌ *кўп.* جُنْدُولاَتٌ 1) гондола (*1. венеция қайиғи; 2. ҳаво шари, дирижабль ва ш.к. ларнинг одам ўтирадиган ёки мотор ўрнатиладиган кажавеси*)

جِنْرَالٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ, جِنْرَالِيَّةٌ ـــ генерал; كُولُونِيلٌ ~ генерал-полковник; لِيفْتِينَانْتٌ ~ генерал-лейтенант; مَاجُورٌ ~ генерал-майор

– جِنْرَالٌ[2] бош, асосий; قُنْصُلٌ ~ бош консул

– جِنْرَالِيسِيمٌ генералиссимус

(جنز) II جَنَّزَ жаноза ўқимоқ; дафн этмоқ

– جَنَّازٌ, جُنَّازٌ *кўп.* جَنَائِزُ жаноза, жаноза маросими; дафн маросими; дафн этиш

– جَنَازَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ, جَنَائِزُ 1) жаноза, дафн қилиш маросими; ~ـــ صَلاَةُ الْـ жаноза намози; 2) тобут; катафалк (*дафн маросимида тобут қўйиладиган арава ёки машина; черковда тобут қўйиладиган супача*); 3) тобутда ётган ўлик

– جَنَائِزِيٌّ дафнга оид; ~ اجْتِمَاعٌ мотам йиғилиши, йиғини

جَنْزَبِيلٌ занжабил (*1. ўсимлик; 2. шу ўсимлик илдизидан тайёрланган зиравор, сол.* زَنْجَبِيلٌ); ~ـــ شَرَابُ الْـ занжабил ичимлиги; ~ـــ كَعْكُ الْـ занжабил қўшилган ширин кулча

جَنْزَرَ мис оксиди билан қопланмоқ, яшил бўёқ билан қопланмоқ

– جَنْزَارٌ, جَنْزَارَةٌ, جِنْزَارَةٌ мис оксиди, яшил бўёқ

– جِنْزِيرٌ (*сол.* زَنْجِيرٌ) *кўп.* جَنَازِيرُ 1) занжир; ~ـــ طَارَةُ الْـ шестерня,

тишли ғилдирак; جَنَازِيرُ لِتَوْصِيلِ الْحَرَكَةِ трансмиссия (*двигателнинг ҳаракатини ёки айланишини ғилдирак ва тасмалар орқали бошқа механизмларга узатувчи махсус қурилма*); 2) гусеница (*танк, трактор ва ш.к. ларда ғилдирак вазифасини ўтовчи кенг занжир тасма*); جَنَازِيرُ الْجَرَّارَةِ трактор гусеницаси (занжири)

– مُجَنْزَرٌ 1) мис оксиди билан қопланувчи; 2) гусеницали, занжирли

(جنس) II جَنَّسَ 1) бир жинсли қилмоқ; ўхшатмоқ; 2) натурализация қилмоқ (*бошқа давлат граждanлигига ўтказмоқ*), гражданлик ҳуқуқини бермоқ; 3) бошқа ҳолга келтирмоқ (айлантирмоқ), бошқача қилиб қўймоқ; 4) янгроқ қилмоқ, бир хил янграйдиган қилмоқ; ~ الْكُسُورَ *мат.* умумий махражга келтирмоқ;

III جَانَسَ 1) ўхшаш бўлмоқ, бир хил бўлмоқ, бир хил жинсли бўлмоқ; 2) янгроқ бўлмоқ, ҳамоҳанг (оҳангдош) бўлмоқ; 3) икки хил маъноли сўзларни ишлатмоқ; 4) кўнгил очмоқ; вақтичоғлик қилмоқ; шерик бўлмоқ; V تَجَنَّسَ 1) ўхшамоқ, ўхшаб кетмоқ; *грам.* ассимиляция бўлмоқ, аралашиб (бир бўлиб ёки ўхшаб) кетмоқ; 2) натурализация бўлмоқ (*бошқа давлат граждanлигига ўтмоқ*); ~ بِالْجِنْسِيَّةِ танламоқ; гражданликка қабул қилмоқ; VI تَجَانَسَ ўхшамоқ, ўхшаб кетмоқ; бир хил бўлмоқ, бир хил жинсли бўлмоқ

– تَجَانُسٌ 1) ўхшашлик, бир хиллик; бир жинслилик, бир хилда тузилганлик; *мат.* изоформизм (*ўхшашлик*); ~ عَدَمُ الـــ бир хил бўлмаслик, бир жинсли бўлмаслик; 2) тўла мувофиқлик, тўла розилик

– تَجَنُّسٌ натурализация (*бошқа давлат граждanлигига ўтиш*), гражданликни қабул қилиш

– تَجْنِيسٌ натурализация, гражданлик ҳуқуқини бериш

– جِنَاسٌ 1) ўхшашлик; ҳамоҳанглик, қофиядошлик; 2) сўз ўйини; услуб. парономазия (*ўхшаш сўзлар ишлатиш*)

– جِنْسٌ *кўп.* أَجْنَاسٌ 1) *биол.* авлод; الْـــ ~ الْبَشَرِيُّ одамзод, башарият, инсоният; 2) нав, сорт; синф, туркум; тур. хил; 3) жинс; الْـــ ~ الْخَاشِنُ эркаклар жинси; الْـــ ~ اللَّطِيفُ аёллар жинси; 4) зот, насл; қабила; ирқ; миллат; элат; هُوَ مِصْرِيُّ الْـــ ~ у Миср элатига мансуб; أَبْنَاءُ ـــه ~ а) унинг (*мз.*) ватандошлари; б) эркаклар; بَنَاتُ ~ هَا а) унинг (*мн.*) ватандошлари; б) аёллар; أَوْلَادُ الْـــ ~ қабила, миллат ва *ш.к.* лар вакиллари; عِلْمُ الأَجْنَاسِ *ёки* عِلْمُ أُصُولِ أَجْنَاسٍ الْبَشَرِيَّةِ антропология (*одамнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, жисмоний тузилиши ва ирқларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фан*); نَظَرِيَّةُ الأَجْنَاسِ ирқий назария; 5) *грам.* жинс, род; اسْمُ الْجِنْسِ *кўп.* أَسْمَاءُ الأَجْنَاسِ *грам.* турдош от

– جِنْسِيٌّ 1) ирқий; насабий, жинсий; миллий; 2) жинсий, сексуал; ~ اتِّصَالٌ жинсий алоқа; ~ لاَ эркак ёки урғочилик аломати йўқ, жинссиз; б) апатрид (*отасиз урчийдиган жонивор ёки ўсимлик*)

– جِنْسِيَّةٌ 1) (*бирор миллатга тааллуқли*) элат; 2) фуқаролик, табаалик; гражданлик; ~ عَدِيمُ الـــ апатрид; اخْتَارَ الـــ ~ гражданликни қабул қилмоқ; أَسْقَطَ (سَحَبَ, سَلَبَ) الـــ ~ عَنْهُ бирор кимни гражданликдан маҳрум қилмоқ; ~ اللاَّ а) апатридизм; б) жинссизлик; 3) жинс

– مُتَجَانِسٌ бир хил, бир хил жинсли, гомоген (*таркиби жиҳатидан бир хил, мас. суюқлик*)

– مُجَانِسٌ бир хил, ўхшаш, худди, ...дек

– مُجَانَسَةٌ 1) (*бирор н. га*) ўхшайдиган (н. *ҳақида*); ўхшашлик, бир хиллик; бир жинслилик, бир хилда тузилганлик; 2) кўнгил очиш, вақтичоғлик

– مُجَنَّسٌ 1. тоза зотли эмас, айниган; 2. дурагай, чатишма

I **جَنَفَ** (*а*) جَنَفٌ 1) тўғри йўлдан адашмоқ (عَنْ); 2) эркин ҳаракат қилмоқ; (*ўз васиятларида*) адолатсизлик қилмоқ; III جَانَفَ ўзини олиб қочмоқ, ўзини четлаштирмоқ; VI تَجَانَفَ (н. *дандир*) ўзини четга олмоқ (عَنْ);(н. *дандир*) ўзини четга тортмоқ, бўйин товламоқ (عَنْ); (н. *гадир*) мойиллик сезмоқ (إِلَى ,ـــ)

– جَنَفٌ ўзбошимчалик; адолатсизлик

– جُنْفَاصٌ ,جُنْفَيْصَةٌ дағал каноп мато; қоп-қанор тикиладиган мато

جَنْلَزَ *қар.* جَلْنَزَ

جُنَّلَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ юбка (*хотин-қизлар кийими*)

I (جنى) **جَنَى**[1] (*и*) جَنْيٌ термоқ, узмоқ (*мева ҳақида*); ҳосилни йиғмоқ; *кўч.м.* самарасини, натижасини кўрмоқ; ~ الْفَائِدَةَ фойда (манфаат) кўрмоқ, наф топмоқ; جَنَى[2] (*и*) جِنَايَةٌ (к. *гадир қарши*) жиноят содир этмоқ (عَلَى); عَلَى نَفْسِهَا جَنَتْ بَرَاقِشُ *мтл.* ўз қилмишига ўзи айбдор; IV أَجْنَى термоқ, узмоқ, йиғмоқ; V تَجَنَّى (к. *нидир*) жиноятда айбламоқ (عَلَى); (*бирор к. га нисбатан*) қабиҳлик, пасткашлик қилмоқ (عَلَى); (к. *гадир*) бўҳтон, туҳмат қилмоқ (عَلَى); (к. *ҳақидадир*) ғийбат қилмоқ (عَلَى); ~ عَلَى الْحَقِيقَةِ ҳақиқатга хиёнат қилмоқ; VIII اجْتَنَى (*мевани*) йиғмоқ, термоқ, узмоқ

– تَجَنٍّ (к. *нидир*) жиноятда айблаш (عَلَى); (*бирор к. га*) қабиҳлик, пасткашлик қилиш (عَلَى); (к. *гадир*) бўҳтон, туҳмат қилиш (عَلَى); (к. *ҳақидадир*) ғийбат қилиш (عَلَى); ... مِنَ التَّجَنِّي أَنْ ...са, ноҳақлик бўларди

– جَانٍ *мн.* جَانِيَةٌ-*кўп.* جُنَاةٌ 1. 1) (*мевани*) терувчи, узувчи, йиғиштирувчи; 2) жиноий, жинояткорона; айбдор; 2. 1) (*ҳосил*) терувчи; 2) жиноятчи

– جِنَائِيٌّ 1) жиноий; ~ اتِّفَاقٌ жиноий тил бириктириш; 2) жинояткорона; ~ ـــةٌ جَرِيمَةٌ қаттиқ жиноят; قَانُونُ الـــ ~ *қар.* قَانُونُ الْقَانُونِ الْـــ

– جِنَايَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ жиноят; қаттиқ жиноят; مَحْكَمَةُ الْجِنَايَاتِ *қар.* مَحْكَمَةٌ كُبْرَى; ~ ўлим билан жазоланадиган жиноят

– جَنًى эндигина узилган мевалар (*узум, хурмо ва ш.к. лар ҳақида*)

– جَنْيٌ *кўп.* جَنَايَاتٌ йиғим-терим; ўрим-йиғим вақти, ўроқ пайти

– جَنِيٌّ янги узилган, янги терилган; ~ رُطَبٌ эндигина узилган хурмо

– مَجْنًى *кўп.* مَجَانٍ 1) мева йиғиладиган (териладиган) жой; боғ; 2) *кўч.м.* манба

– مَجْنِيٌّ йиғиладиган, териладиган; йиғилган, терилган; ~ عَلَيْهِ а) жабрланувчи; б) жиноят қурбони

– جُنَيْهٌ, جُنَيْهٌ *кўп.* اتٌ ـــ гиней, фунт (*пул бирлиги*); ~ إِنْجِلِيْزِيٌّ инглиз фунти; ~ مِصْرِيٌّ Миср фунти; ~ إِسْتِرْلِينِيٌّ фунтстерлинг (*Англияда*)

– جَهْبَذٌ, جِهْبِذٌ *кўп.* جَهَابِذَةٌ 1) буюк билимдон одам, яхши биладиган, билағон; 2) уддабурро одам, юлдузни бенарвон урадиган одам

I **جَهَدَ**[1] (*а*) جَهْدٌ 1) ҳаракат қилмоқ, интилмоқ; меҳнат қилмоқ; зўр бермоқ; куч сарфламоқ; (*қийинчиликлар билан*) курашмоқ; ~ لِـــ... جُهْدَهُ الْأَقْصَى ... учун бор кучи билан ҳаракат қилмоқ; 2) толиқтирмоқ, чарчатмоқ (*касаллик ва б. ҳақида*); جَهَدَ[2] (*у*) جَهْدٌ: ~ دَابَّتَهُ от-уловга меъёрдан ортиқ юк қўймоқ; III جَاهَدَ 1) зўр бермоқ, бор кучини бермоқ; 2) (н. *учундир*) курашмоқ, жанг қилмоқ ( فِي ...سَبِيلِ); ~ فِي سَبِيلِ الدِّينِ дин йўлида муқаддас уруш олиб бормоқ; IV أَجْهَدَ 1) уринтирмоқ, қийнаб қўймоқ; зўр бериб кучайтирмоқ; ~ الذَّاكِرَةَ хотирага зўр бермоқ; ~ نَفْسَهُ (н. *биландир*) ўзини қийнамоқ (ب); 2) толиқтирмоқ, чарчатмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; VI تَجَاهَدَ тиришмоқ, (бирор *н. да*) жонбозлик кўрсатмоқ, ғайрат қилмоқ (فِي); VIII اجْتَهَدَ 1) (н. *нидир*) тиришқоқлик (қунт) билан қилмоқ, ғайрат (ҳафсала) билан қилмоқ (فِي); 2) *шар.* мустақил (эркин) қарор чиқармоқ (қар. اِجْتِهَادٌ)

– اِجْتِهَادٌ 1) ҳаракат қилиш, интилиш, ҳафсала, қунт, иштиёқ; 2) *шар.* олий даражада билимга эга бўлиш ва шариат соҳасидаги баъзи масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқини олиш; ~ فِي الْـــ шариат қонунларини ишончли шарҳлаш; ~ فِي الْـــ الْمَسَائِلِ الشَّرْعِ ёки ~ الْـــ الْقَضَائِيُّ الْقَضَائِيَّة юридик масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқи; 3) мустақил ижод, (*манбаларни*) эркин тадқиқ этиш

– اِجْتِهَادِيٌّ эркин тадқиқотга асосланган (*илмий ишда*)

– إِجْهَادٌ озиб-тўзиш; чарчаш, ҳолдан тойиш, қаттиқ чарчаш

– جِهَادٌ жиҳод, уруш, кураш; ~ فِي سَبِيلِ الدِّينِ (اللّٰه) дин (Оллоҳ) йўлидаги жиҳод, уруш

– جِهَادِيٌّ 1) жиҳодга, урушга оид; 2; жанговар; 3) ҳарбий

– جِهَادِيَّةٌ ҳарбий хизмат

– جَهْدٌ *кўп.* جُهُودٌ 1) уриниш, ҳаракат қилиш, тиришиш, меҳнат; ~ لِـــ بَذَلَ الْجَهِيدَ فِي ...учун бор куч-ғайратни сарфламоқ; 2) машаққат, қийинчилик; 3) *эл.* кучланиш; ~ الْـــ (الْمُتَوَسِّطُ, الْمُنْخَفِضُ) الْعَالِي юқори (ўрта, паст) кучланиш; ◊ أَقْسَمَ جَهْدَ أَيْمَانِهِ ... аънў иймонини ўртага қўйиб қасам ичдики, ...

– جُهْدٌ куч, қувват, қобилият; зўр ғайрат, диққат-эътибор; меҳнат; الطَّاقَةِ ~ кучига қараб; кучининг борича; ~ الْمُسْتَطَاعِ ёки ~ الاسْتِطَاعَةِ имконияти борича, кучига қараб, кучи етганича

– جَهِيدٌ жуда қийин, ғоятда вазмин

– مُجَاهِدٌ мужоҳид, (*ҳақ иш учун*) курашчи; жангчи, аскар, сипоҳ

– مُجَاهَدَةٌ ҳаракат қилиш, уриниш, бор кучини сарфлаш; 2) кураш

– مُجْتَهِدٌ 1) тиришқоқ, ғайратчан, ҳаракатчан, интилувчан; 2) (*шариат илмида*) юксак чўққига эришган киши; الأَئِمَّةُ الْمُجْتَهِدُونَ мусулмон ҳуқуқи масалалари бўйича мустақил қарор қабул қилувчи имомлар; 3) манбаларни эркин тадқиқ қилиш асосида қарор чиқарувчи

– مَجْهُودٌ ҳолдан тойган, чарчаган, бемажол

– مَجْهُودٌ *кўп.* اتٌ ـــ ҳаракат қилиш, тиришиш; меҳнат; энергия, тоқат; ~ بَذَلَ ҳамма кучни сарфламоқ; فَذَهَبَتْ مَجْهُودَاتُهُمْ عَبَثًا уларнинг меҳнатлари зое кетди

I (جهر) **جَهَرَ** (*а*) جَهْرٌ, جَهَارٌ 1) ҳаммага эшиттириб баланд овозда гапирмоқ; 2) очмоқ, эълон қилмоқ; иқрор бўлмоқ, тан олмоқ; (н. *нидир*) очиқ-ойдин, ҳамманинг кўз ўнгида қилмоқ (*туш.к ёки* ب); جَهُرَ (*у*) جَهَارَةٌ жарангдор бўлмоқ, баланд бўлмоқ (*товуш ҳақида*); II جَهَّرَ *фон.* жарангли қилмоқ; III جَاهَرَ очиқ, ошкора равишда гапирмоқ, билдирмоқ, изҳор қилмоқ, айтмоқ; ~ بِرَأْيِهِ у қизга фикрини айтди; IV أَجْهَرَ эълон қилмоқ, овоза қилмоқ; VI تَجَاهَرَ ошкора равишда, халқ олдида нутқ сўзламоқ

– أَجْهَرُ *мн.* جُهْرَاءُ *кўп.* جُهْرٌ 1) кундуз куни кўрмаслик касалига дучор бўлган одам; 2) узоқни кўролмайдиган, яқинни кўрувчи

– جَاهِرَةٌ микроскоп

– جَهَارٌ аниқлик, ошкоралик; ~ً аниқ, очиқ; ошкора равишда; ~ًا وَنَهَارًا мутлақо ошкора; куппа-кундуз куни

– جَهْرٌ 1. аниқ, очиқ; рўйи-рост, ошкора; ~ًا яширмасдан, рўйи-рост, овоз чиқариб, эшиттириб; 2. аниқлик, ошкоралик, оммавийлик

– جُهْرٌ (*ташқи*) кўриниш, сирт, тахлит, қиёфа

– جَهَرَةٌ оммавийлик, ошкоралик; ~ً аниқ, ошкора, овоз чиқариб, эшиттириб

– جَهْرِيٌّ аниқ, рўйи-рост; ошкора равишда

– جَهْوَرِيٌّ янгроқ, жарангдор (*овоз ҳақида*); ~ًا баланд, қаттиқ овоз билан, ҳаммага эшиттириб

– جَهِيرٌ йўғон, паст овоз; бас (*1. энг паст эркак овози ва шундай овозли ашулачи; 2. паст йўғон овозли мусиқий асбоблар номи*); ~ الْـــ الأَوَّلُ баритон (*1. тенор билан бас оралиғидаги эркаклар овози; 2. пуфлаб чалинадиган мусиқий асбоб*)

– مِجْهَارٌ *кўп.* مَجَاهِيرُ 1) баланд, қаттиқ овозли; 2) радиокарнай, репродуктор, овоз кучайтиргич

– مُجْهَرٌ баланд, йўғон, қаттиқ

– مُجَهَّرٌ *фон.* жарангли

– مِجْهَارٌ[1] = مِجْهَرٌ

– مِجْهَرٌ[2] *кўп.* مَجَاهِرُ микроскоп; ~ الْـ الْكَهْرَبَائِيُّ электр микроскоп

– مِجْهَرِيٌّ 1) микроскопга оид; микроскопик; 2) микроскоп ёрдамида қилинадиган, микроскопик

– مِجْهَرِيَّةٌ микроскопия (*микроскопдан фойдаланиш ва унинг ёрдамида микроскопик препаратлар тайёрлаш усули*)

– مَجْهُورٌ *фон.* жарангли

I جَهَزَ (*а*) جَهْزٌ (к. *нидир*) ўлдирмоқ, йўқ қилмоқ (عَلَى); II جَهَّزَ 1) тайёрламоқ, ҳозирламоқ, жиҳозламоқ, ускуналамоқ, асбоб-ускуна билан таъминламоқ; (н. *биландир*) таъминламоқ (ب); (*келинчак учун*) сеп-сидирға тайёрламоқ; IV أَجْهَزَ = I; V تَجَهَّزَ тайёр бўлмоқ, жиҳозланган бўлмоқ, таъминланган бўлмоқ; тайёрланмоқ, отланмоқ, шайланмоқ, керакли яроғ билан таъминланиб олмоқ

– تَجْهِيزٌ тайёрланиш, тайёрлаш; жиҳозлаш, таъминлаш

– تَجْهِيزَاتٌ *кўп.* асбоб-ускуналар, жиҳозлар, аслаҳа-анжомлар

– تَجْهِيزِيٌّ тайёрлашга оид; тайёрлайдиган, тайёрловга оид

– تَجْهِيزِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ тайёрлов синфи

– جَاهِزٌ тайёр; ~ـَةٌ مَلَابِسُ тайёр кийимлар

– جِهَازٌ *кўп.* أَجْهِزَةٌ 1) ҳамма керакли нарсалар; жиҳозлар; асбоб-анжомлар; 2) (*келин учун*) сеп-сидирға; 3) аппарат; ~ الدَّوْلَةِ давлат аппарати; 4) асбоб, прибор; машина; механизм, қурилма; ~ الإِرْسَالِ (اللاَّسِلْكِيُّ) *радио.* передатчик (*тўлқинлар юборадиган қурилма*); ~ الاسْتِقْبَالِ (اللاَّسِلْكِيُّ) *радио.* приёмник (*тўлқин қабул қиладиган қурилма*); ~ـُ الْـ الْحَاسِبُ телевизор; ~ـُ الْـ التِّلِيفِزْيُونِ الإِلِكْتُرُونِيُّ электрон ҳисоблаш машинаси, ЭҲМ; ~ الرَّادَارِ радар (*радиотўлқинлар ёрдамида объектларнинг турган жойини аниқловчи қурилма*); ~ـُ الْـ الرَّحَوِيُّ циклотрон (*ядро тадқиқотида зарядланган оғир микрозаррачаларни тезлатадиган қурилма*); ~ لِتَكْيِيفِ الْهَوَاءِ ҳаво намлигини бир хилда сақлаш жиҳози; 5) *анат.* аъзо, муча, система, орган, аппарат; ~ دَمَوِيٌّ қон системаси; ~ عَصَبِيٌّ асаб (нерв) системаси; ~ هَضْمِيٌّ овқат ҳазм қилиш аъзолари; ~ عُضْوِيٌّ حَيٌّ тирик организм

– مُجَهَّزٌ 1) (н. *биландир*) жиҳозланган (ب); 2) тайёр; ~ـَةٌ مَلَابِسُ тайёр кийимлар

I جَهَشَ (*а*) جَهْشٌ йиғламсираб мурожаат қилмоқ, йиғлай-йиғлай деб талпинмоқ (إِلَى); IV أَجْهَشَ : بِالْبُكَاءِ ~ йиғлаб юборишга тайёр бўлмоқ

– جَهْشَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ йиғи-сиғи, йиғлаш

(جهض) IV أَجْهَضَ бола ташлашга сабаб бўлмоқ; бола олдириш муолажасини қилмоқ (бажармоқ); ~ـــ الْمَرْأَةُ ـــتِ чала туғмоқ, бола ташлаб қўймоқ, муддатидан олдин туғмоқ; ◊ ~ مَطَالِبَهُ кимнингдир талабини қондиришни рад этмоқ

– إِجْهَاضٌ аборт қилдириш, аборт

– جَهَّاضٌ хирург-гинеколог

– جَهْضٌ = إِجْهَاضٌ

– جَهِيضٌ, جَهْضٌ ўлик ҳомила, чала туғилган бола

– جَهْضٌ = مُجْهَضٌ

– مُجْهَضٌ абортив, ўсмай қолган, мажмағил, чала

I جَهِلَ (*а*) جَهْلٌ, جَهَالَةٌ 1) жоҳил бўлмоқ; 2) нодон бўлмоқ; 3) бемулоҳаза, мулоҳазасиз бўлмоқ, ўйламай иш қиладиган бўлмоқ; 4) билмаслик; لاَ يَجْهَلُ هَذَا أَحَدٌ *ёки* لاَ يَجْهَلُ هَذَا إِنْسَانٌ бу ҳаммага маълум; II جَهَّلَ 1) нодонликда айбламоқ; жоҳилликни, жаҳолатни ёймоқ, жоҳилликда тутиб турмоқ; VI تَجَاهَلَ 1) ўзини билмасликка, жоҳилликка солмоқ; 2) (*бирор н. б илан*) ҳисоблашмаслик; назар-писанд қилмаслик, менсимаслик; X اسْتَجْهَلَ нодон, жоҳил деб ҳисобламоқ

– أَجْهَلُ *мн.* جَهْلاَءُ *кўп.* جُهْلٌ ўта кетган нодон, жоҳил

– تَجَاهُلٌ назар-писанд қилмаслик, менсимаслик; عَنْ جَهْلٍ أَوْ ~ عَنْ ё нодонликдан, ёки атайлаб

– جَاهِلٌ *кўп.* جُهَلاَءُ, جَهَلَةٌ, جُهَّالٌ 1. жоҳил, нодон; 2. 1) аҳмоқ; 2) ўқимаган (омий) одам, билимсиз одам

– جَاهِلِيٌّ 1. жоҳилий, исломгача бўлган даврда яшаган; الْعَصْرُ ~ـُ الْـ исломгача бўлган давр, жоҳилия даври; 2. мажусий, бутпараст

– جَاهِلِيَّةٌ 1) жоҳиллик, нодонлик; 2) мажусийлик, бутпарастлик; кўп худолилик; ~ـُ الْـ الْجَهْلاَءُ *ёки* الْـ исломгача бўлган давр, жоҳилия даври

– جَهَالَةٌ 1) жаҳолат, нодонлик; аҳмоқона иш; 2) жоҳиллик

– جَهْلٌ 1) нодонлик; 2) бехабарлик, жаҳолат, зулмат; ~ عَنْ аҳмоқлик туфайли, нодонлик оқибатида; لَسْنَا مِنَ الْـ ~ بِحَيْثُ نُفَكِّرُ فِي ذَلِكَ биз бу ҳақда ўйлагани унчалик аҳмоқ эмасмиз; 3) бемулоҳазалик; ўйламай қилинган иш; 4) тажрибасизлик

– جَهُولٌ 1. ўта нодон, жоҳил, билимсиз; 2. зеҳни йўқ, бефаросат, бефаҳм, эси паст

– مَجْهَلٌ *кўп.* مَجَاهِلُ 1) ҳали ўзлаштирилмаган, ўрганилмаган ер; مَجَاهِلُ الصَّحْرَاءِ Саҳрои Кабирнинг ўзлаштирилмаган ерлари; 2) саҳро

– مَجْهَلَةٌ жаҳолатга олиб борадиган иш

– مَجْهُولٌ *кўп.* مَجْهُولاَتٌ, مَجَاهِيلُ 1. 1) номаълум, нотаниш; ~ الاسْمِ номи яширинган, аноним; كَانَ ~ الْعَيْنِ وَالأَثَرِ ўта номаълум бўлмоқ; عُدَّ

~ فِي حُكْمِ الْـ худди нотанишдек, номаълумдек ҳисобланмоқ; 2. 1) *грам.* мажҳул даража; ~ صِيْغَةُ لِلْـ мажҳул даража шакли; فِعْلٌ ~ مَبْنِيٌّ لِلْـ мажҳул даража феъли; 2) *мат.* номаълум сон; مُعَادَلَةٌ ذَاتُ عِدَّةِ مَجْهُولَاتٍ кўп номаълумли тенглама

– مَجْهُولِيَّةٌ номаълумлик, мажҳуллик. нотайинлик

I (جهم) جَهُمَ (*а*) جَهْمٌ 1) маюс қарамоқ, хафа қарамоқ; 2) (*бирор к. ни*) маюс (нохуш) қабул қилмоқ; جَهُمَ (*у*) جَهَامَةٌ, جُهُومَةٌ қовоғини солмоқ, юзда маюслик (нохушлик, ғамгин қиёфа) ни акс эттирмоқ; V تَجَهَّمَ қовоғи солинмоқ, хўмраймоқ, пешонаси тиришмоқ; ғамгин бўлмоқ, кайфияти бузилмоқ; الْجَوُّ ~ а) қоронғи бўлди; б) *кўч.м.* вазият кескинлашди; 2) (*бирор к. га*) ғамгин, қовоқ солиб, хўмрайиб қарамоқ (*туш.к. ёки* لِـ)

– جَاهِمٌ хўмрайган, қайғули, ғамгин, маюс, хафа, нохуш

– جَهَامٌ *жам.*(*ёмғир ёғдирмайдиган*) қора булутлар

– جَهَامَةٌ, جُهُومَةٌ бадқовоқлик, қовоғи солиқлик, ғамгинлик, маюслик, хафалик, нохушлик; юзнинг жиддийлиги

– جَهْمٌ қовоғи солиқ, хўмрайган, хафа, ғамгин, нохуш; ~ الْمُحَيَّا ғамгин, маюс қиёфали

– جَهْمٌ = مُتَجَهِّمٌ

جُهَيْنَةُ жуҳайна (*қабила номи*); عِنْدَ ~ الْخَبَرُ الْيَقِينُ *мтл.* ишончли хабар жуҳайна қабиласидадир

جَهَنَّمُ (جهنم) *мн.* жаҳаннам, дўзах

– جَهَنَّمِيٌّ жаҳаннам (дўзах) га оид; жаҳаннамий, дўзахий; ◊ آلَةٌ ~ـةٌ белгиланган пайтда портлайдиган бомба

– جَهَنَّمِيَّةٌ *бот.* бугенвиллея, жаҳаннам ўсимлиги

جَهَةٌ *қар.* وجه

جهر II جَهَّى (*ярани*) катта (кенг) очмоқ, кенгайтирмоқ

– أَجْهَى *мн.* جَهْوَاءُ ялонғоч, ёпилмаган, бекитилмаган; ~ بَيْتٌ томсиз уй; ~ رَأْسٌ кал бош

جَهْوَرَ баланд овоз билан гапирмоқ, овозни баландлатмоқ

– جَهْوَرِيٌّ баланд, юқори (*овоз ҳақида*); ~ الصَّوْتِ баланд овозли, овози баланд

جَهْوِيٌّ қар. وجه

جَوٌّ *кўп.* أَجْوَاءٌ, جِوَاءٌ 1) ҳаво. атмосфера; أَجْوَاءُ الْبِلَادِ мамлакатнинг ҳаво ҳудудлари, чегаралари; ~ سِلَاحُ الْـ ҳарбий ҳаво кучлари (қўшинлари); ~ ҳаво йўли билан (орқали), самолёт билан (самолётда) 2) *кўч.м.* муҳит, вазият; шароит, аҳвол; ~ فِي التَّفَاهُمِ مِنَ الْوُدِّ وَالصَّدَاقَةِ дўстлик ва қардошлик вазиятида; وَجَرَتِ الْمُنَاقَشَةُ فِي الْمُتَبَادِلِ ўзаро бир-бирини тушуниш вазиятида; ~ مِنَ الْمَبْدَئِيَّةِ الْعَالِيَةِ музокаралар олий даражадаги жиддий вазиятда ўтди; 3) осмон; 4) кенг водий; 5) об-ҳаво; иқлим; 6) *кўч.м.* қулай замин, асос, таянч; 7) *физ. тех.* (*бир*) атмосфера (*босимни ўлчашда*); ◊ ~ الْـ النَّفْسِيُّ кайфият; أَتْحَفَ الْـ бошпанаси бўлмаслик (*йўқ*); أَخْلَى الْـ (к. *гадир*) эркин ишлашга (ҳаракатга) имкон яратиб бермоқ (لِـ)

– أَجْوَائِيٌّ метеоролог (*об-ҳавони ўрганувчи мутахассис*)

– جَوًّا, جُوًّا ичида, ичкарида, ўртасида, орасида

– جَوَّانِيٌّ, جُوَّانِيٌّ ички

– جَوِّيٌّ ҳавога оид; ҳаволи; 2) ~ أُسْطُولٌ ҳаво флоти; ~ بَرِيدٌ авиапочта, ҳаво почтаси; ~ ـةٌ غَارَةٌ ҳаво ҳужуми; 2) атмосферага оид; ~ ـةٌ ظَوَاهِرُ атмосфера ҳодисалари; ~ ـةٌ الْأَحْوَالُ الْـ метеорологик шароит, об-ҳаво шароити; ~ ـةٌ سُوءُ الْأَحْوَالِ الْـ ёмон об-ҳаво (шароити); ~ ـةٌ عِلْمُ الْأَرْصَادِ الْـ метеорология; ~ الْـ الضَّغْطُ атмосфера (ҳаво) босими; 3) осмонга оид, самовий; ~ حَجَرٌ метеорит (*фазодан ерга тушадиган жисм*); 4) *радио.* антенна

– جَوِّيَّاتٌ *кўп.* об-ҳаво шароитлари

جَوْشَنٌ 1) кўкрак, қалб; 2) совут

جَوْفَةٌ қоринга қадар етган тиғ

– جُوَافَةٌ *бот.* жувофа (*меваси ва дарахти*)

جُوَالٌ қар. جول

جُوَالٌ *кўп.* جُوَالِقُ, جَوَالِيقُ = جُوَالٌ

جُوَانٌ *кўп.* اتٌ — *тех.* қистирма (*икки н. орасига қистириб қўйилган қистирма, прокладка*)

جُوَانْتِيٌّ *кўп.* جُوَانْتِيَّاتٌ қўлқоп; қўлқоплар; ~ جِلْدٍ чарм қўлқоплар; ~ صُوفٍ жунли, жундан ясалган қўлқоплар

I (جوب) جَابَ (*у*) جَوْبٌ 1) саёҳат қилмоқ; оламни кезмоқ, айланиб юрмоқ, кезмоқ, тентирамоқ, изғимоқ; айланиб ўтмоқ; айланиб чиқмоқ; текширмоқ, ўрганмоқ; тадқиқ қилмоқ; 2) кесмоқ, қирқмоқ, бичмоқ; 5) جَابٌ *халқ.* олиб келмоқ; III جَاوَبَ (бирор к. га) жавоб бермоқ; IV أَجَابَ 1) жавоб бермоқ; ~ ـه (عَلَى) عَنِ السُّؤَالِ бирор кимнинг саволига жавоб бермоқ; эътироз билдирмоқ, қаршилик қилмоқ; 2) (н. *гадир*) мос бўлмоқ, тўғри келмоқ, жавоб бермоқ (لِـ); қониқтирмоқ; 3) (н. *гадир*) рози бўлмоқ, кўнмоқ (إِلَى); VI تَجَاوَبَ 1) бир-бирига жавоб бермоқ; 2) мос (мувофиқ, муносиб, лойиқ) бўлмоқ; 3) бир-бирига овоз (товуш) бериб туришмоқ, бир-бирини чақиришмоқ; 4) акссадо бермоқ; VII انْجَابَ ўтмоқ, тарқаб кетмоқ (*қўрқиш, хавотирланиш ҳақида*); VIII اجْتَابَ текширмоқ, ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ; ~ الْأَرْضَ дунёни айланиб (кезиб) чиқмоқ; X[1] اسْتَجَابَ (*илтижони, ёлворишни*) эшитмоқ, тингламоқ; (*чақириққа*) жавоб бермоқ; (к. *нингдир*) сўзини қулоққа олмоқ, сўзига кирмоқ (لِـ);(н. *нидир*) сезмоқ, (н. *дандир*) таъсирланмоқ, (н. *нингдир*) таъсирига жавоб бермоқ (لِـ); X[2] اسْتَجْوَبَ 1) сўроқ

қилмоқ; 2) расмий талаб, сўроқ қилмоқ (*мас. парламентда*)

– إِجَابَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) жавоб; ... عَلَى ~ жавоб бера туриб ...нинг жавоби тариқасида; 2) ижро этиш, бажариш; ... لِطَلَبِكُمْ ~ сизнинг талабингизни бажара туриб ...; 3) розилик; 4) бўйсуниш

– اسْتِجَابَةٌ 1) ижро этиш, бажариш, (*илтимосни*) қониқтириш; ... لِطَلَبِكُمْ ~ сизнинг талабингизга биноан ...; 2) (н. *гадир*) мослик, мувофиқлик (لِـ); 3) таъсир, реакция

– اسْتِجْوَابٌ *кўп.* اتٌ — 1) сўроқ қилиш; 2) расмий талаб; интерпелляция (*парламентда депутатнинг ҳукуматга берган ёзма сўрови*); 3) сўраш, бирма-бир сўраб чиқиш

– انْجِيَابٌ тарқалиб кетиш, тарқаб кетиш (*туман, булут ва б.н. лар ҳақида*)

– جَائِبَةٌ *кўп.* جَوَائِبُ янгилик, янги хабар

– جَوَابٌ *кўп.* أَجْوِبَةٌ, اتٌ — 1) жавоб; 2) луқма; 3) *халқ.* хат; 4) *муз.* октава (*мусиқий гамманинг саккизинчи пардаси ва биринчи парда билан саккизинчи парда оралиғи*)

– جَوَّابٌ 1. кезиб юрувчи, сайёр; кўп (узоқ) сузиб юрувчи (*кема ҳақида*); 2. дарбадар (юртма-юрт) кезувчи; саёҳатчи; турист

– جَوَّابَةٌ буюк саёҳатчи

– جَوَابِيٌّ жавобга оид; رِسَالَةٌ ~ жавоб хати

– جَوْبٌ 1) юриш, кезиш, дайдиш; 2) ўрганиш; 3) ичига кириб бориш

– جُوبٌ *мн.* жубба, юбка (*хотин-қизлар кийими*); قَصِيرَةٌ ~ калта юбка

– جَوْبَةٌ *кўп.* جُوَبٌ 1) тешик, ёриқ, туйнук, тирқиш; 2) кесиб қўйилган жой (*аёллар кийимида*)

– مِجْوَبٌ *кўп.* مَجَاوِبُ парма; пармадаста, дрель

– مُجِيبٌ жавоб берувчи; وَلَكِنْ لاَ مِنْ ~ وَلاَ سَمِيعٍ ҳеч ким жавоб ҳам бермайди, ҳеч ким эшитмайди ҳам (*мос к.*: беҳуда уриниш (ҳаракат), ҳеч ким қулоқ солмайдиган гап)

جُوبِلاَنٌ гобелен (*1. деворга осиб қўйиладиган сувратли гилам; 2. декоратив газлама*)

– جُوتٌ жут, ҳинд канопи (*тола берадиган ўсимлик*)

جُوتَرٌ *мед.* буқоқ, қалқонсимон без

I (جوح) جَاحَ (*у*) جَوْحٌ йўқ қилмоқ, ҳалок қилмоқ, нобуд қилмоқ; яксон қилмоқ, супуриб ташламоқ, маҳв этмоқ; IV أَجَاحَ ҳалок қилмоқ, нобуд қилмоқ; VIII اجْتَاحَ 1) йўқ қилмоқ, ҳалок этмоқ, хароб (вайрон) қилмоқ (*мас., мамлакатни*); 2) яксон қилмоқ, супуриб ташламоқ; учириб кетмоқ, олиб кетмоқ (*мас., бўрон, оқим ҳақида*); ўтмоқ, ўтиб кетмоқ (*бўрон ҳақида*); 3) гулдирамоқ, гулдираб эшитилмоқ (*тўлқин, иш ташлашлар ҳақида*)

– جَائِحَةٌ *кўп.* جَوَائِحُ 1) офат, фалокат, мусибат, мушкул аҳвол, бахтсизлик; 2) бўрон; 3) вабо, ўлат, тоун

جُوخٌ *кўп.* أَجْوَاخٌ мовут; مِفْرَشٌ مِنَ الـ~ الأَخْضَرِ зангор мовутдан қилинган дастурхон; ◊ مَسَحَ ~ـهُ бирор ким олдида ўта лаганбардорлик қилмоқ, жилпангламоқ

I (جود) جَادَ[1] (*у*) جُودَةً, جَوْدَةً 1) ортиқ (афзал) бўлмоқ, ошиб кетмоқ, устун (бўлиб) чиқмоқ; 2) яхши сифатли бўлмоқ; جَادَ[2] (*у*) جُودٌ сахий бўлмоқ; (н. *нидир*) инъом қилмоқ, бағишламоқ (ب); (н. *нидир*) қурбон бермоқ, фидо қилмоқ; (н. *дандир*) воз кечмоқ, (н. *нидир*) тикмоқ (ب); (الزَّمَانُ) لاَ يَجُودُ بِهِ الدَّهْرُ бу жуда камдан-кам бўлади; ~ـتِ الْعَيْنُ жуда кўп кўз ёши тўкмоқ; ~ـتِ السَّمَاءُ жуда кўп ёғмоқ (*ёмғир ҳақида*); بِنَفْسِهِ ~ ўзини қурбон қилмоқ; بِالنَّفْسِ ~ الأَخِيرِ сўнгги нафасни чиқармоқ, ўлмоқ; II جَوَّدَ 1) сифатини оширмоқ; яхшиламоқ; 2) (*Қуръони каримни*) қироат билан ўқимоқ; IV أَجَادَ 1) (*бирор н. ни*) яхши, аъло даражада қилмоқ; الْمَصْنَعُ ~ яхшилаб (обдан) чайнамоқ; 2) яхши, аъло даражада гапирмоқ; ~ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ араб тилида яхши гапирмоқ, араб тилини яхши билмоқ; 3) яхшиламоқ; V تَجَوَّدَ энг яхшисини танламоқ; VI تَجَاوَدَ (н. *дадир*) ким зўр (яхши) деб мусобақалашмоқ (فِي); X اسْتَجَادَ (*бирор н. ни*) яхши, аъло деб ҳисобламоқ

– إِجَادَةٌ аъло даражадаги ижро, бажариш; (н. *дадир*) комиллик, камолот, баркамоллик, мукаммаллик, бекам-кўстлик, бенуқсонлик (فِي)

– تَجْوِيدٌ тажвид (*Қуръони каримни тўғри ўқиш қоидалари*)

– جَوَادٌ[1] *кўп.* جِيَادٌ от; зотдор (зотли) от; пойгачи от, чопқир (учқур) от, арғумоқ, йўртоқи от, йўртиб чопадиган от

– جَوَادٌ[2] *кўп.* أَجْوَادٌ, أَجَاوِدُ сахий, олий ҳиммат, қўли очиқ киши

– جَوْدٌ кучли (шаррос) ёмғир

– جُودٌ сахийлик, очиқ қўллилик, олижаноблик, феъли кенглик

– جَوْدَةٌ устунлик, афзаллик, ортиқлик; юксак сифат, фазилат, яхши хислат

– الـ~ـيُّ: جُودِيُّ пайғамбар Нуҳ алайҳиссаломнинг кемалари тўхтаган тоғнинг номи

– جَيِّدٌ *кўп.* جِيَادٌ 1) яхши, аъло, жуда яхши, жуда соз, аъло даражадаги, ажойиб; عَلَمَ ~ الْعِلْمِ аъло даражада билмоқ; ~ яхши, аъло; جِدًّا ~ аъло, жуда яхши (*баҳо ҳақида*); 2) сахий, қўли очиқ

– مِجْوَادٌ 1) жуда сахий; 2) моҳир, ўз ишининг устаси; ~ شَاعِرٌ маҳоратли шоир

– مُجِيدٌ моҳир, уста, билағон

جَوْدَارٌ жавдар, жавдари буғдой; خُبْزُ الـ~ жавдари нон, қора нон

I (جور) جَارَ (*у*) جَوْرٌ 1) (н. *дандир*) ўзини олиб қочмоқ, узоқлашмоқ (عَنْ); عَنِ السَّبِيلِ ~ йўлдан адашмоқ; 2) (*бирор к. га нисбатан*) ноҳақ бўлмоқ (عَلَى); 3) (н. *нидир*) эзмоқ, сиқмоқ; жабрламоқ, зулм қилмоқ; (к. *гадир*) зулм ўтказмоқ (عَلَى); عَلَى ~ الأَرْضِ ўзбошимчалик билан ердан фойдаланишга киришмоқ, ерни эгаллаб олмоқ; II جَوَّرَ бирор кимни ноҳақликда айбламоқ; III جَاوَرَ 1) қўшни бўлиб яшамоқ; қўшни бўлмоқ; чегарадош бўлмоқ, ёндош бўлмоқ, туташган бўлмоқ; 2) *дин.* зоҳид бўлмоқ; فِي الأَزْهَرِ ~ Ал-

Азҳар толиби (студенти) бўлмоқ; ◊ رَبَّهُ ~ ўлмоқ; IV أَجَارَ ҳомийлик қилмоқ, ҳимояга олмоқ; ёрдам кўрсатмоқ; ҳимоя қилмоқ; VI تَجَاوَرَ қўшни бўлиб яшамоқ; қўшничилик қилмоқ, VIII اجْتَوَرَ ёнма-ён яшамоқ, қўшни бўлиб яшамоқ; X اسْتَجَارَ ёрдам, ҳимоя сўрамоқ (مِنْ, ب)

– جَائِرٌ *кўп.* جَوَرَةٌ, جَارَةٌ 1. 1) эзувчи, сиқувчи, жабрловчи, золим; қаттиққўл, шафқатсиз, раҳмсиз; 2) ноҳақ, ўзбошимча, зўравон; мустабид; ~ حَرْبٌ адолатсиз уруш; 2. золим ҳукмдор, мустабид ҳоким, зулмкор одам

– جَارٌ *кўп.* أَجْوَارٌ, جِيْرَانٌ қўшни; яқин киши, яқин таниш, қадрдон; ~ الْأَجْوَارُ الْغَرْبِيُّونَ وَإِنْ جَارَ ғарбий қўшнилар; *мқл. сўзма-сўз:* қўшни ноҳақ бўлса ҳам, барибир у қўшни бўлиб қолаверади

– جَارَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ қўшни қиз (аёл); (*бирор к. нинг*) хотини, кундош

– جَائِرٌ қолип, шон (*этикники*)

– جِوَارٌ 1) қўшничилик; яқинлик; ~ـِ бирор ким ёки нима билан қўшниликда; ~ حُسْنُ الْـ яхши қўшничилик алоқалари; 2) ҳимоя; ◊ دَعَاهُ اللهُ إِلَى ~ِهِ *ёки* انْتَقَلَ إِلَى رَبِّهِ ўлмоқ

– جَوْرٌ жабр, зулм:, зўравонлик; шафқатсизлик, раҳмсизлик, бераҳмлик; ноҳақлик, ўзбошимчалик

– جُورٌ қишлоқ номи

– جُورَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ, جُوَرٌ 1) (*полдаги*) тешик; 2 (*сабзавотлар сақлайдиган*) ўра, чуқурча

– جُورِيٌّ *шунингдек:* ~ وَرْدٌ Дамашқ атиргули

– جِيرَةٌ қўшничилик

– مُتَجَاوِرٌ ёнма-ён жойлашган, бир-бирига туташган

– مُجَاوِرٌ 1.(*н. биландир*) чегарадош бўлган, туташган, пайваста, ёнма-ён, қўшни; الزَّاوِيَتَانِ الْـ*ـَانِ *мат.* қўшни бурчаклар; 2. диний мактаб толиби (ўқувчиси); ~ فِي الْأَزْهَرِ Ал-Азҳар толиби (студенти)

– مُجَاوَرَةٌ 1) қўшничилик; ~ حُسْنُ الْـ яхши қўшничилик алоқалари; 2) *дин.* зоҳидлик, дин йўлида риёзат чекиш билан шуғулланиш

– مُجِيرٌ 1. ҳомийлик қилувчи; ҳимояга олувчи, ҳимоя қилувчи; 2. ҳомий; ҳимоячи

– جَوْرَبَ пайпоқ кийгизмоқ; تَجَوْرَبَ пайпоқ киймоқ

– جَوْرَبٌ *кўп.* جَوَارِبُ пайпоқ, чулки; ~ قَصِيرٌ калта пайпоқ; ~ـِ حَمَّالَةُ الْـ боғ, боғич (*пайпоқни тутиб турадиган резина боғич*)

– جُورْنَالٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ, جَرَانِيلُ журнал, ойнома

– جُورْنَالْجِيٌّ *кўп.* جُورْنَالْجِيَّةٌ журналист

I (جوز) جَازَ (*у*) جَوَازٌ 1) ўтмоқ; 2) (*имтиҳонлардан муваффақиятли*) ўтмоқ; 3) рухсат этилган, киритилган, қўйилган бўлмоқ; لَا يَجُوزُ мумкин эмас; 4) ўнгидан келмоқ, муваффақиятли чиқмоқ, ўтмоқ; муваффақият билан тугамоқ; لَمْ تَجُزْ هَذِهِ الْحِيلَةُ бу айёрлик унга тўғри келмади; II جَوَّزَ 1) рухсат этмоқ, йўл қўймоқ, ижозат бермоқ, имкон бермоқ; 2) вакил қилмоқ, ваколат бермоқ; 3) *халқ.* уйламоқ; эрга бермоқ (*сол.* زَوَّجَ); III جَاوَزَ 1) ошириб юбормоқ; هَذَا يُجَاوِزُ طَاقَتَهُ бунга унинг кучи (тоқати, қудрати) етмайди; 2) ҳаддан ошмоқ, бузмоқ (*мас., қонунни*); 3) (*бирор н. дан бирор н. га*) ўтмоқ (إِلَى); ◊ عَنْ ذَنْبِهِ ~ бирор кимни кечирмоқ; IV أَجَازَ 1) ижозат бермоқ, рухсат этмоқ, йўл қўймоқ, имкон бермоқ; 2) бермоқ; 3) (*н. биландир*) мукофотланмоқ, тақдирланмоқ (ب); 4) бажармоқ, ўтказмоқ; ~ قَرَارًا қарорни бажармоқ; 5) (*бирор к. га*) диплом бермоқ (ب, فِي); 6) (*нариги томонга бирор н. орқали* عَبْرَ) ўтказмоқ, олиб ўтмоқ, V تَجَوَّزَ (*бирор н. ни*) керагидан оз қилишга ўзида эрк топмоқ; 2) (*н. дадир*) ғайратсизлик қилмоқ (فِي); 3) киноялы (образли) иборалар ишлатмоқ; 4) *халқ.* уйланмоқ; турмушга (эрга) чиқмоқ; уйланган бўлмоқ, турмушга чиққан бўлмоқ (*сол.* تَزَوَّجَ); VI تَجَاوَزَ 1) ҳаддан ошмоқ; ошириб юбормоқ, ошмоқ; السَّبْعِينَ ~ у етмишдан ошди; 2) айланиб ўтмоқ, ёнидан ўтмоқ; кезиб чиқмоқ, айланиб чиқмоқ; 3) у томонга ўтмоқ; кесиб ўтмоқ, кесишмоқ; ~ كُلَّ الْمَشَاكِلِ ҳамма қийинчиликларни енгмоқ; 4) ўзини тиймоқ, сабр-қаноат қилмоқ, (н. *дандир*) бўйин товламоқ, бош тортмоқ (عَنْ), 5) (*н. нидир*) кечирмоқ, афв этмоқ (عَنْ); ~ اللهُ عَنْهُ! уни Оллоҳ кечирсин!; VIII اجْتَازَ 1) ўтмоқ; у томонга ўтмоқ, (кўндаланг) кесиб ўтмоқ, оралаб (орасидан) ўтмоқ; امْتِحَانًا ~ имтиҳондан ўтмоқ; 2) бошдан кечирмоқ, тотмоқ; ташвиш тортмоқ, қайғурмоқ; ~ ضَائِقَةً кризисни бошдан кечирмоқ (ўтказмоқ); 3) (*тўсиқларни*) енгиб ўтмоқ; X اسْتَجَازَ 1) рухсат (ижозат, изн) сўрамоқ; 2) (*олимлик*) дипломи берилишини сўрамоқ

– إِجَازَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) ижозат, рухсат, изн сўраш; إِجَازَاتُ (الاسْتِيرَادِ) التَّصْدِيرِ импорт ёки экспортга олинган рухсатнома; 2) аттестат; (*олимлик даражаси берилгани ҳақидаги*) диплом; ~ الْـ الْقُنْصُلِيَّةُ *ёки* الْقُنْصُلِ экзекватура (*чет эл давлати томонидан консуллик ваколати берилгани ҳақида ҳужжат*); 3) таътил; ~ مَدْفُوعَةٌ ҳақ тўланадиган таътил (отпуска); ~ مَرَضِيَّةٌ касаллик туфайли олинган таътил; ~ الْوِلَادَةِ *ёки* ~ الْوَضْعِ *ёки* ~ الْحَمْلِ ҳомиладорлик таътили (декрет таътили); ~ غَائِبٌ بِالْـ таътилдаги (*киши*); ~ بِالْـ ... حَضَرَ إِلَى бирор ерга таътилга бормоқ

– اجْتِيَازٌ (*бирор н. ни*) кесиб ўтиш, ўтиш жойи; ◊ ~ الامْتِحَانِ имтиҳон топшириш; ~ الْعَقَبَاتِ қийинчиликларни, тўсиқларни енгиб ўтиш

– أَجْوَزُ энг кўп мумкин бўлган

– تَجَاوُزٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) (*бирор н. ни*) кесиб ўтиш; 2) ортиқ, ошиқ ҳаддан ортиқ ҳолат, сўнгги чегара; 3) қонунчиликнинг бузилиши

– تَجَوُّزٌ киноялиги (метафорик, образли) ибора; أُسَمِّيهِ هَكَذَا مِنْ بَابِ الـــ~ (عَلَى سَبِيلِ الـــ~) мен буни шунчаки киноя қилиб айтаяпман

– جَائِزٌ ўтувчи, ўтаётган; 2) рухсат этилган, мумкин бўлган; غَيْرُ ~ ножўя, чакки, йўл қўйиб бўлмайдиган, мумкин (жоиз) бўлмаган, ножоиз; ... مِنَ الْجَائِزِ أَنْ бўлиши мумкин бўлган, эҳтимолдан узоқ бўлмаган (узоқ эмас)

– جَائِزَةٌ *кўп.* جَوَائِزُ мукофот; ютуқ; қўшимча ҳақ; ~ بِيرُونِيٌّ Беруний мукофоти

– جَوَازٌ[1] 1) ўтиш, ўтиб кетиш, йўл юриш; ўтиладиган жой; 2) йўл қўйилиши мумкин бўлиш, эҳтимоллик, бўлиши мумкинлилик, имконият, мумкин бўлишлик; қонунийлик, қонунчилик; рухсат; عَدَمُ ~ йўл қўйиб бўлмаслик; ~ الامْتِحَانِ имтиҳон топшириш; 3) *халқ.* никоҳ, уйланиш

– جَوَازٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ 1) *шунингдек:* ~ السَّفَرِ паспорт; مَصْلَحَةُ الْجَوَازَاتِ паспорт бўлими; 2) паспортдаги виза (*ҳукуматнинг бошқа мамлакат граждани паспортига унинг келиб-кетиши ёки ўтиши учун рухсат бериб қўядиган махсус белгиси*)

– جَوْزٌ[1] *халқ.* 1) қўш, жуфт; 2) эр-хотин (*сол.* زَوْجٌ)

– جَوْزٌ[2] *кўп.* أَجْوَازٌ 1) бўшлиқ; أَجْوَازُ الْفَضَاءِ фазо бўшлиғи; 2) асосий қисм, асос, моҳият, негиз

– جَوْزٌ[3] *жам.* ёнғоқлар; ~ الْبَلُّوطِ дуб дарахти ёнғоқлари; ~ الطِّيبِ мускат ёнғоғи, мускат (*Осиёнинг иссиқ мамлакатларида ўсадиган доим яшил дарахт ва унинг хушбўй мағизли ёнғоғи*); ~ الْقَزِّ пиллалар; ~ الْكَشْتُبُو ҳинд ёнғоғи; ~ الـــ~ الْمُقَيِّءُ равоч; ~ الْهِنْدِ *ёки* ~ الـــ~ الْهِنْدِيُّ кокос ёнғоғи (*кокос хурмосининг ёнғоғи*); ~ خَشَبٍ ёнғоқ ёғочи (*қурилиш материали сифатида*)

– جَوْزَاءُ: بُرْجُ الـــ~ *астр.* Жавзо буржи; بَيْتُ الـــ~ *астр.* Байтулжавзо (*Жавзо уйи*); ◊ النَّجَاحُ عَلَيْهِ أَبْعَدُ مَنَالاً مِنَ الـــ~ унинг муваффақият қозонишига ҳали анча бор

– جَوْزَةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ ـــ ёнғоқ; ~ الْحُلْقُومِ *ёки* ~ الرَّقَبَةِ *анат.* кекирдак

– جَوْزَةٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ ـــ чилим; ~ الـــ~ شَرِبَ чилим чекмоқ; ~ شَرِبَ الْحَشِيشِ наша чекмоқ

– جَوْزِيٌّ 1) ёнғоқли; 2; жигарранг, ёнғоқ ранг

– جِيزَةٌ *халқ.* никоҳ, уйланиш

– مُتَجَاوِزٌ ўтувчи, чегарадан ўтувчи

– مُتَجَوِّزٌ уйланган, оилали

– مَجَازٌ[1] 1) йўл, ўтиш жойи, ўтиб бўладиган жой, йўлак, коридор; 2) бўғоз (*денгизда*); 3) киноялиги, кесатиқли, шамали (*гап*); образли ибора; истиора, киноя, мажоз, метафора; ~ الـــ~ فِي سَبِيلِ *ёки* истиора (метафора) ларга бой, мажозий, метафорик

– مَجَازٌ[2]: أَرْضٌ ~ـَةٌ ёнғоқзор ер, ёнғоқ дарахти кўп бўлган жой

– مُجَازٌ 1) рухсат (нома) си бор киши; 2) лицензиат, дипломи (аттестати) бор киши; الْـــ~ فِي الْعُلُومِ الْجُغْرَافِيَّةِ география (жўғрофия) фанлари номзоди

– مَجَازِيٌّ мажозий, метафорали

– مُجَاوَزَةٌ 1) ўтиш; 2) ошириб юбориш, ортиқ, ошиқ

جَوْزَلٌ *кўп.* جَوَازِلُ кабутар (каптар) боласи

I (جوس) جَاسَ (*у*) جَوْسٌ излаб топмоқ; қидириб топмоқ; изғимоқ, дайдимоқ, тентираб юрмоқ; VIII اجْتَاسَ = I

جَوْسَقٌ *кўп.* جَوَاسِقُ 1) дўконча; будка; киоск; 2) шийпонча; 3) қаср, қалъа, сарой, арк, қўрғон

I (جوع) جَاعَ (*u*) جَوْعٌ оч бўлмоқ, очиқмоқ; II جَوَّعَ оч қолдириб силласини қуритмоқ, очликдан тириштирмоқ; IV أَجَاعَ = II; ~ نَفْسَهُ очиқмоқ, оч қолмоқ; V تَجَوَّعَ атайлаб оч қолмоқ, ўзини қантармоқ; X اسْتَجَاعَ ўзини ҳамиша оч ҳис қилмоқ, қорни тўймаслик

– تَجْوِيعٌ овқатдан маҳрум бўлиш

– جَائِعٌ *кўп.* جِيَاعٌ ёки جُوَّعٌ очиққан, зориққан; оч

– جَائِعٌ *кўп.* جَعَانِينُ = جَعَانٌ

– جُوعٌ 1) очлик, қорин очган ҳолат; тўйиб овқат емаслик; الـــ~ كَافِرٌ *мтл.* очлик ҳар нарсага мажбур қилади (*сўзма-сўз:* очлик – кофирдир) 2) норозилик билдириб овқатдан воз кечиш, очлик эълон қилиш; ◊ هَذَا لاَ يُسْمِنُ وَلاَ يُغْنِي مِنْ ~ бу ишга унинг ҳеч қандай ёрдами (нафи) тегмайди

– جَوْعَانُ *мн.* جَوْعَى *кўп.* جَائِعٌ = جِيَاعٌ

– جُوعٌ = مَجَاعَةٌ

– مَجَاعَةٌ = مَجْوَعَةٌ

I جَوِفَ (*a*) جَوْفٌ бўш бўлмоқ, ичи кавак бўлмоқ; II جَوَّفَ ичини кавак (бўш) қилмоқ; тешмоқ, ўймоқ; V تَجَوَّفَ = I

– أَجْوَفُ *мн.* جَوْفَاءُ *кўп.* جُوْفٌ бўш, кавак; ~ الْخَدَّيْنِ ботиқ юзли, юзи ичига кирган (*одам*); ~ فِعْلٌ *гр.ам.* бўш феъл; كَلِمَاتٌ جَوْفَاءُ *ёки* عِبَارَاتٌ جَوْفَاءُ бўш, маъносиз сўзлар; қуруқ маҳмадоналик, сергаплик, эзмалик; ◊ الأَجْوَفَانِ الشَّاعَاتُ الْجَوْفَاءُ жимжит тун; *ик.с.* *анат.* қорин ва жинсий олат (*аёллардаги*)

– تَجْوِيفٌ *кўп.* ـَاتٌ, ـــ 1) тешиш, ўйиш; чуқурлаш; 2) чуқур, ўйилган жой, камчак, ичига ботган жой (ботиқ); бўшлиқ; تَجْوِيفَاتُ الْقَلْبِ юрак бўшлиқлари; ~ الـــ~ الصَّدْرِيُّ кўкрак бўшлиғи; ~ الـــ~ الْبِرِيتُونِيُّ қорин бўшлиғи; حُقَّيٌّ ~ *анат.* бўғим чуқурчаси; 3) жар, жарлик

– جُوَافَةٌ *алиф.б.қ.*

– أَجْوَافٌ *кўп.* جَوْفٌ 1) бўшлиқ, кавак; ички томон, ич, ичкари; ~ السَّفِينَةِ трюм (*кеманинг механизмлар ўрнатиладиган ва юк ортиладиган остки қисми*); 2) қорин; ~ الإِنْسَانِ қорин; 3) ора, ўрта, туб, замин, қаър; ~ الأَرْضِ ер қаъри (ости); ~ الْخِضَمِ

океаннинг чуқур жойлари; ◊ ~ فِي اللَّيْلِ қоп-қоронғи тунда, зимистонда

– جَوْفِيٌّ ичкаридаги, (*ер*) остидаги (қаърдаги); أَلْأَنْهَارُ الْـ~ـَةُ ер ости дарёлари; الْمِيَاهُ الْـ~ـَةُ ер ости сувлари; التُّرْوَاتُ الْـ~ـَةُ ер қаърида яшириниб ётган бойликлар

– مُجَوَّفٌ бўш, ғовак, кавак

أَجْوَاقُ *мн* جَوْقَاءُ *кўп.* جُوْقٌ буришган, бужмайган, тиришган (*юз ҳақида*)

– جَوْقٌ *кўп.* أَجْوَاقٌ 1) йиғин, жамоат; 2) труппа (*театр ёки цирк ижодий жамоаси*); 3) оркестр; 4) хор (*ашулачилар гуруҳи*)

– جَوْقَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ гуруҳ, жамоа; ансамбль, مُوسِيقِيَّةٌ ~ оркестр; مُدِيرُ الْـ~ـَةِ дирижёр; الشَّرَفِ ~ фахрий легион

جُوكِيٌّ *кўп.* جُوكِيَّةٌ жокей (*пойгачи-чавандоз*)

I (جول) جَالَ (*у*) جَوَلَانٌ, جَوْلٌ 1) атрофида айланмоқ, айланиб чиқмоқ; кезиб, айланиб чиқмоқ (*машинада, отда ва ҳ.к.*); 2) оламни кезмоқ, сафар қилмоқ; 3) айланиб юрмоқ, тентирамоқ, изғимоқ; у ёқ-бу ёққа юриб турмоқ, секин-аста юриб турмоқ; 4) от ўйнатиб юрмоқ, отни гижинглатмоқ, чопқир отда ўйнамоқ; ~ وَصَالَ *қар.* صَالَ; ~ فِي خَاطِرِهِ бирор нима ҳақида ўйламоқ; II جَوَّلَ = I; IV أَجَالَ 1) айланиб келишга қўйиб юбормоқ; ~ الْكَنَّاسُونَ مَكَانَسَهُمْ супурувчилар тўшама йўлда яхши ишладилар; 2) атрофни айлантириб чиқмоқ, айлантирмоқ; ~ بَصَرَهُ атрофни кўздан кечирмоқ; ~ فِيهِ الْفِكْرَ طَوِيلاً бирор нима ҳақида узоқ ўйламоқ; ~ ... فِي الرَّأْيَ (*бирор н. ни*) муҳокама қилмоқ; V تَجَوَّلَ 1) оламни кезмоқ, сафар қилмоқ; 2) айланиб юрмоқ, тентирамоқ, изғиб юрмоқ, сайр қилиб юрмоқ; VI تَجَاوَلَ ўзаро от солишмоқ (*урушда*)

– إِجَالَةٌ айланиш; ◊ ~ الْفِكْرِ фикр юритиш

– تَجْوَالٌ 1) оламни кезиш, саёҳат қилиш; 2) дайдиб (изғиб, тентираб) юриш; кезиб чиқиш; 3) айланиб чиқиш; айланиб ўтиш

– تَجَوُّلٌ дайдиш, изғиш, тентираш, кезиш; сайр қилиш

– جَائِلٌ = مُتَجَوِّلٌ

– جُوَالٌ *кўп.* اتٌ ـــ, أَجْوِلَةٌ қоп (*сол.* شُوَالٌ *қар.* شوال)

– جَوَّالٌ 1. 1) оламни кезувчи, саёҳат қилувчи; 2) саёқ, дайди, беқарор, кўчманчи; ~ بَائِعٌ кўчманчи савдогар; 2. саёҳатчи, сайёҳ; турист

– جَوَّالَةٌ 1) буюк саёҳатчи, сайёҳ; 2) *кўп.* اتٌ ـــ мотоцикл

– جَوْلٌ 1) оламни кезиш, саёҳат қилиш; 2) дайдиб (изғиб, тентираб) юриш, айланиб юриш; 3) айланиб чиқиш; айланиб ўтиш

– جَوْلَانُ: الْـ~ Шом ўлкасидаги тоғ номи

– جَوَلَانٌ = جَوْلٌ

– جَوْلَةٌ 1) саёҳат; турне (*доирасимон маршрут бўйлаб саёҳат қилиш, доиравий саёҳат*); туристик сафар; 2) тур, давра; айланиб ўтиш; айланиб чиқиш, рейс. қатнов (*самолёт, пароход ва ҳ. к. лар ҳақида*); 3) кезиб чиқиш, зиёрат қилиш; ҳаракат (*мас., поршенники*); 4) *спорт.* раунд (*боксда: уч минутлик бир кур олишув вақти*): رَبِحَ الْـ~ الأُولَى биринчи раундни ютмоқ

– مُتَجَوِّلٌ 1) оламни кезувчи; саёҳат қилувчи; ~ بَيَّاعٌ кезиб юрувчи савдогар; ташувчи, етказиб берувчи, тарқатувчи; 2) саёқ, дайди, беқарор, кўчманчи; 3) кўчма, сайёр; походда (сафарда) ишлатиладиган; ~ وَكِيلٌ кўчиб юрувчи, сайёр вакил; ~ مُرَاسِلٌ кўчиб юрувчи, сайёр мухбир

– مَجَالٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ўрин, жой; ~ لَيْسَ هُنَا لِلشَّكِّ бу ерда ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин йўқ; ~ لَيْسَ هُنَا لِلْكَلاَمِ عَلَى ... бу ерда ... ҳақда гапиришга ўрин йўқ; ~ لَيْسَ هُنَا لِمُنَاقَشَةِ هَذِهِ الْمَسْأَلَةِ бу ер шу масала бўйича баҳслашиш жойи эмас; 2; бўшлиқ, фазо, макон; кенглик, сайҳон ер, яланглик; الْـ~ وَاسِعِ الْـ~ кенг, белоён; الْـ~ الْحَيَوِيُّ тирик жонлар яшай оладиган ҳудуд; الْـ~ الْحَوِيُّ ҳаво бўшлиғи: 3) соҳа, майдон, арена; ~ الْعَمَلِ фаолият майдони (соҳаси); ~ الْقُوَّةِ *физ.* куч майдони; ~ الْكَهْرَبَائِيُّ الْـ~ электр (токи) майдони; ~ الْمَغْنَاطِيسِيُّ الْـ~ *физ.* магнит майдони; شِدَّةُ الْـ~ الْمَغْنَاطِيسِيِّ *физ.* магнит майдонининг кучланганлиги; 4) шароит, муҳит; 5) имконият; ~ لَمْ يَكُنْ عِنْدَهُ لِلإِخْتِيَارِ унда танлашга имконият йўқ эди (бўлмади); ~ لاَ لِنُكْرَانِ هَذِهِ الْحَقِيقَةِ бу ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди

– مِجْوَلٌ *кўп.* مَجَاوِلُ 1) ҳалқа, чамбар, гардиш; осилган безак, шокила, кулон (*бўйинга тақиладиган занжирли асл тош, зийнат буюми*); 2) тумор ёки тумор ўрнида тақиб юриладиган нарса

جُولْفٌ гольф (*тўп ўйинларидан бири*)

جُوَالَقٌ *алиф.б.қ.*

جَوْلَقٌ *кўп.* جَوَالِقُ гупчак; букса (*вагон, локомотив ғилдирагининг гупчаги*); втулька

جَامٌ *алиф.б.қ.*

جَوْنٌ *кўп.* جُونٌ 1. 1) қора (*от*); 2) оқ (*от*); 2. кун, кундуз куни

– جُونٌ *кўп.* أَجْوَانٌ қўлтиқ, кўрфаз

– جُونَةٌ *кўп.* جُوَنٌ (*хушбўй моддалар, муаттар н. лар сақлаш учун*) чарм қопланган саватча

جُنَّةٌ = جُونَّةٌ

جَادٌ *алиф.б.қ.*

جَوْهَرٌ *кўп.* جَوَاهِرُ 1) (*ишдаги*) моҳият, туб (асосий) маъно, мазмун, мағиз; ~ الصُّورَةُ وَالْـ~ шакл ва мазмун; 2) модда, материя; ~ فَرْدٌ а) атом; б) *фалс.* монада (*1. Пифагор фалсафасига кўра: ягоналик – яшаш принципларидан бири; 2. Лейбницга кўра: жонли атомлардан иборат маънавий ягоналик бўлиб, олам ундан тузилгандир*); 3) қимматбаҳо тошлар; жавоҳиротлар

– جَوْهَرِجِيٌّ *кўп.* جَوَاهِرْجِيَّةٌ ёки جَوْهَرْجِيٌّ *кўп.* جَوَاهِرْجِيَّةٌ заргар

– جَوْهَرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) гавҳар, қимматбаҳо тош; 2) қимматбаҳо зийнат буюми, жавоҳирот, қимматбаҳо нарса; *кўч.м.* хазина

– جَوْهَرِيٌّ 1) жиддий, муҳим, аҳамиятли; 2) моддий

– جَوْهَرِيَّةٌ моддийлик, моддият

– مُجَوْهَرَاتٌ *кўп.* жавоҳиротлар, қимматбаҳо нарсалар

I جَوِيَ (*а*) جَوًى 1) эҳтиросли бўлмоқ; 2) ғам-андуҳли бўлмоқ; VIII اجْتَوَى нафратланмоқ, жирканмоқ

– جَوًى оташин (қизғин) муҳаббат; эҳтирос, ҳирс, нафс

جُوَيْدَارٌ жавдар, жавдари буғдой

I (جيأ) جَاءَ (*u*) مَجِيءٌ 1) келмоқ, етиб келмоқ, ҳозир бўлмоқ; ~ إِلَى الدُّنْيَا туғилмоқ, дунёга келмоқ; ... نَا الْبَيَانُ الآتِي ~ бизга шундай баёнот келиб тушдики,...; ... مِنَ الْقَاهِرَةِ أَنَّ ~ Қоҳирадан шундай маълумот олиндики, ...; 2) (к. *нингдир олдига*) келмоқ, яқинлашмоқ (عَلَى); 3) содир бўлмоқ, ҳосил бўлмоқ, маълум бўлмоқ; هَذَا طِبْقَ مَرَامِه ~ бу унинг хоҳишига биноан содир бўлди; 4) қилмоқ, бажармоқ, амалга оширмоқ; 5) (н. *нидир*) олиб келмоқ (ب); (к. *нидир*) келтирмоқ, олиб келмоқ (ب); 6) тутилмоқ, сақланмоқ, турмоқ, бўлмоқ, ҳисобланмоқ, ҳисобда бўлмоқ, (н. *дир орқали*) хабар қилинмоқ, хабар бермоқ (فِي). وَقَدْ ~ فِي الأَمْثَالِ أَنَّ ... мақолда айтилишича, ...; IV أَجَاءَ (*бирор к. ни*) олиб келмоқ, келтирмоқ

– جَاءٍ *мн.* جَائِيَةٌ келувчи

– جَيْئَةٌ келиш; وَ~ (ذُهُوبًا) تَمَشَّى ذَهَابًا олдинга ва орқага юрмоқ

– مَجِيءٌ келиш, етиб келиш

جِيبٌ *кўп.* ـَاتٌ юбка (*хотин-қизлар кийими*)

I (جيب) جَابَ (*u*) جَيْبٌ 1) (*кўйлакда*) қирқим қилмоқ; 2) *халқ.* олиб келмоқ

– جَيْبٌ *кўп.* جُيُوبٌ 1) чўнтак, кисса; ~ سَاعَةُ الْـ чўнтак соати, ён соат; ~ سِكِّينُ الْـ чўнтак пичоғи, ёнда олиб юриладиган пичоқ; пакки; ~ قَامُوسُ الْـ чўнтак луғати; ~ مَصْرُوفُ الْـ чойчақа; кундалик майда харажатлар; ~ وَضَعَ فِي الْـ а) киссага (ҳамёнга) солмоқ; б) чўнтакка урмоқ, ўзиники қилиб олмоқ; أَبُو ~ مَحْرُوق исрофгар, (*пул ва молни беҳуда сарф қиладиган* (*совурадиган*) одам; 2) кесма (*кўйлакдаги*); 3) *маж.* юрак, кўнгил, қалб, дил; نَاصِحُ ~ الْـ дили пок, қалби тоза; 4) *мат.* синус; ~ تَمَامِ الزَّاوِيَةِ *мат.* косинус; 5) (*қаршилик*) уяси, ўчоғи

– جَيْبِيٌّ чўнтакка оид, жайбий

– جَيْبِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ чўнтакда олиб юриладиган ибодат (намоз, дуолар) китоби, тўплами

جِيدٌ *кўп.* أَجْيَادٌ бўйин, гардан

جَيْرٍ ҳа, албатта

جِيرٌ оҳак; *кимё.* кальций; جَيْرِيٌّ ~ сўндирилмаган оҳак; مُطْفَأُ ~ сўндирилган оҳак; ~ نِتْرَاتُ الْـ кальций нитрати (тузи), оҳакли селитра; ~ كَرْبُونَاتُ الْـ кальций карбонати

– جَيَّارٌ 1) сўндирилган оҳак; 2) оҳак сотувчи, оҳакфуруш

– جَيَّارَةٌ *кўп.* ـَاتٌ оҳак пиширилиадиган (тайёрланадиган) хумдон

– جِيرِيٌّ оҳакли; бўрли

جِيرُوسْكُوبٌ гироскоп (*ўз ўқи ҳолатини ўзгартмай айланиб турадиган диск, урчуқ*)

جَيْرُونٌ *Дамашқ дарвозаларидан бирининг номи*

جِيزَاوِيٌّ жизавий, Жизадан, Жиза шаҳрининг кишиси

I (جيش) جَاشَ (*u*) جَيْشٌ 1) қўзғалмоқ, уйғонмоқ; кўтарилмоқ; ҳаяжонланмоқ; 2) қайнамоқ, бурқирамоқ, жўш урмоқ; ◊ ~ تْ ـــ نَفْسُهُ унинг кўнгли айниди; II جَيَّشَ сафарбар қилмоқ; қўшин (армия) йиғмоқ; جَيَّشَ الْجُيُوشَ *маж.* (... *учун*) қўшин йиғилди (لِـ); X اسْتَجَاشَ (*сезги, ҳис-туйғу*) уйғотмоқ, қўзғатмоқ

– جَائِشٌ 1) ҳаяжонланган; қўзғолган, уйғонган; 2) қайнаётган, бурқираётган, жўш ураётган; ◊ ~ النَّفْسِ кўнгли айниган

– جَيَّاشٌ қайнаб тошган, пишқирган, жўшқин, қайноқ

– جَيْشٌ *кўп.* جُيُوشٌ қўшин, лашкар, армия; ~ مَجْلِسُ الْـ ҳарбий совет (йиғин); ~ وَحْدَاتُ الْـ ҳарбий (аскарий) қисмлар

– جَيَشَانٌ 1) ҳаяжонланиш, уйғониш, қўзғалиш; 2) қайнаш, бурқираш, жўш уриш; ◊ ~ النَّفْسِ кўнгил айниш

(جيص) II جَيَّصَ *халқ.* ичак газларини чиқармоқ

I (جيف) جَافَ (*u*) جَيْفٌ 1) чиримоқ, бузилмоқ, сасимоқ; 2) ёмон ҳидли бўлмоқ; II جَيَّفَ = I; V تَجَيَّفَ 1) чиримоқ, иримоқ, бузилмоқ, сасимоқ, айнимоқ; 2) мурда (ўлик) ҳиди келмоқ

– جِيفَةٌ *кўп.* جِيَفٌ, أَجْيَافٌ ўлимтик, ўлакса, ўлик, мурда

– جِيفِيٌّ ўликка (мурдага) оид; ◊ ~ زَاغٌ *ёки* ~ غُرَابٌ қарға

جِيلٌ *кўп.* أَجْيَالٌ 1) авлод, насл, зурриёт; сулола; ~ بَعْدَ ~اً авлоддан-авлодга; ~ إِلَى ~ مِنْ наслдан-наслга; 2) аср; عَلَى مَرِّ الأَجْيَالِ асрлар ўтиши билан; أَجْيَالاً авлодлар оша, асрлар оша, асрлар давомида

جِيلاَتَةٌ, جِيلاَتِي муз қаймоқ, роҳати жон (*мороженое*)

جِيلاَتِينٌ елимшак, желатин

جِيلُوتِينٌ гильотина, бош оладиган жоди (*дастлаб 1792 йилда Францияда буржуа революцияси кунларида ишга солинган*)

جِيلِي желе (*мева суви, шакар ва желатиндан тайёрланадиган ширин дирилдоқ овқат*)

جِيمٌ 1) (ج *ҳарфининг номи*) жим; 2) гамма (*юнон алифбосининг учинчи ҳарфи*); ◊ ~ سِينٌ, وَ ~ جَوَابٌ (*қисқ.* سُؤَالٌ وَ جَوَابٌ *дан*) сўроқ, сўроқ қилиш

– جِيمِيٌّ ج ҳарфи билан боғлиқ; ◊ الأَشِعَّةُ الْـ ـِـَـةُ гамма нури

جِمْخَانَةٌ = جِيمْخَانَةٌ

جِيُوكِيمَائِيٌّ геокимёга оид, геокимёвий

جِيُولُوجِيَا геология

– جِيُولُوجِيٌّ 1. геологияга оид, геологик; 2. геолог

جِيلُوتِينٌ = جِيُوتِينٌ

جِيُوفِيزِيَا геофизика

– جِيُوفِيزِيقِيٌّ, جِيُوفِيزِيَائِيٌّ 1. геофизикага оид; 2. геофизик

# ح

ح (حَاءٌ) ҳо (*араб алифбосининг олтинчи ҳарфи, абжадда - 8*)

حَا, حَ *халқ.* رَايِحْ *сўзининг қисқартмаси*; 1) (*иш-ҳаракатнинг яқин келаси замонда амалга ошишини билдирувчи сўз*); أَنَا حَاكْتُبْ ҳозир ёзаман; حَنِعْمِلْ إِيه؟ нима қиламиз?, нима қилсак бўларкин?; 2) хиҳ (*эшакни юрғизиш учун ишлатиладиган ундов сўз*)

حَاحَه *халқ* вағиллаш (*мас., ғозлар*), маъраш, баъраш (*мас., эчкилар*); ~ كَانَتْ مُرْتَاحَه جَابَتْ لَهَا *мқл.* оғримаган бошга ортиқча ташвиш

حَاخَامٌ *кўп.* ـَاتٌ — *дин.* раввин (*яҳудийлар руҳонийси*); ~ بَاشِيٌّ бош раввин; كَبِيرُ حَاخَامَاتِ إِسْرَائِيلَ Исроилнинг бош раввини (руҳонийси)

حَامٌ *дин.* Ҳом (*Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғиллари*)

حَامُولٌ *қар.* ҳамл

حَامِيٌّ 1. ҳомий; Ҳомга оид; اللُّغَاتُ الْـ~ـَةُ ҳомий тиллар; 2. ҳом (*Шимолий Африка халқларидан бири*)

حَانٌ май, шароб сотиладиган дўкон, қовоқхона, майхона; ◊ بِنْتُ الْـ~ май, шароб

حَانَا *ат.от, мн.* Ҳоно; ~ كَانَ بَيْنَ *маж.* икки ўт орасида бўлмоқ (*сўзма-сўз:* Ҳоно билан Моно ўртасида бўлмоқ)

حَانَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — май, шароб сотиладиган дўкон; қовоқхона, майхона

حَانُوتٌ *кўп.* حَوَانِيتُ дўкон; май, шароб сотиладиган дўкон; қовоқхона, майхона

– حَانُوتِيٌّ *кўп.* حَانُوتِيَّةٌ 1) дўкондор, баққол, аттор; 2) тобутсоз

I **حَبَّ** (*а/и*) حُبٌّ 1) севмоқ, яхши кўрмоқ; қаттиқ муҳаббат боғламоқ, арзанда қилмоқ; 2) хоҳламоқ, тиламоқ, орзу қилмоқ; II حَبَّبَ 1)муҳаббат уйғотмоқ; севги пайдо қилмоқ; (*бирор к. кўнглига*) муҳаббат солмоқ (إِلَى); (*бирор н. га*) қизиқтирмоқ (إِلَى); ~ تَلَامِيذُهُ إِلَى اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ у ўқувчиларини араб тилига қизиқтирди; 2) дон бермоқ, ҳосил бермоқ (*бошоқли ўсимликлар ҳақида*); 3) гранулламоқ (*ойна, шиша, ўғит ва б. ларни дона-дона шаклда тайёрламоқ*); IV أَحَبَّ 1) севмоқ, яхши кўрмоқ (*бирор к. га*) мойиллик ҳис этмоқ; 2) дон бермоқ, ҳосил бермоқ (*бошоқли ўсимликлар ҳақида*); V تَحَبَّبَ 1) (*бирор к. га*) муҳаббат изҳор қилмоқ (إِلَى); 2) (*бирор к. нинг*) муҳаббатига эришмоқ; кўнглини олишга интилмоқ, кўнгил овламоқ; VI تَحَابَّ *ёки* تَحَابَبَ бир-бирини севмоқ, севишмоқ, яхши кўрмоқ; дўстона муносабатда бўлмоқ; X اسْتَحَبَّ 1)севмоқ, яхши кўрмоқ; бирор нарсадан лаззатланмоқ, роҳат топмоқ; маъқул, матлуб ҳисобламоқ; 2) афзал кўрмоқ (عَلَى); 3) *мажз.* мақтовга сазовор бўлмоқ, мақташга арзимоқ; 4) ҳаммага маъқул бўлмоқ, расм-одат бўлиб қолмоқ

– أَحَبُّ энг севимли, энг севикли; ... مِنْ ... إِلَى ...га ...дан кўра маъқулроқ, афзалроқ

– تَحَابُبٌ, تَحَابُبٌ ўзаро муҳаббат; дўстлик, дўстона муносабатлар

حَبٌّ *жам. кўп.* حُبُوبٌ 1) дон; уруғ; ~ الْهَالِ кардамон (*занжабилгуллилар оиласига кирадиган ўсимлик*) уруғи; ~ الرُّمَّانِ анор донаси; ~ الْبَرَكَةِ *бот* чернушка (*ўсимлик*); ~ الرَّأْسِ *бот.* гнидник (*ўсимлик*); ~ الرَّشَادِ кресс салат (*барги ейиладиган бир йиллик ўсимлик*); ~ الشُّومِ *бот.* қизил мевали бутанинг меваси; ~ الْعَزِيزِ الزَّلَمِ *ёки* ~ *бот.* ер бодом (*ўсимлик*); ~ الْمُلُوكِ *бот.* а) ҳаббулмалик (*ўсимлик*); б) олча (гилос); ~ أَلْقَى الْـ (*тузоққа илинтириш мақсадида*) дон ташламоқ; 2) қулупнай, малина каби юмшоқ мевалар; 3) ҳапдори; 4) *кўп.* дон; ◊ ~ الصَّبَا *ёки* ~ الشَّبَابِ ғудда, ҳуснбузар; ~ الْغَمَامِ дўл

– حَبَّةُ الْقُلُوبِ: ~ кўнгил хилватгоҳи

– حُبٌّ[1] муҳаббат, севиш; ҳавас, тилак, рағбат; ~ الاسْتِطْلَاعِ билишни ҳавас қилишлик, билимга қизиқишлик, илмга берилганлик; ~ الذَّاتِ (النَّفْسِ) худбинлик, эгоизм; ~ السِّلْمِ пацифизм, урушга қарши чиқиш, тинчликсеварлик; ~ الظُّهُورِ шуҳратпарастлик, манманлик, мағрурлик; ~ الْغَيْرِ альтруизм, кишиларга яхшилик (*эзгулик*) қилиш; ~ الْوَطَنِ ватанпарварлик; ~ ا... بِـ *ёки* ~ ا... لِـ (*бирор н. ни*) севганидан, меҳр қўйганидан; وَقَعَ فِي الْـ~ яхши кўриб қолмоқ, ошиқ бўлиб қолмоқ

– حُبٌّ[2] *кўп.* حِبَابٌ кўза, қумғон

– حُبَّةٌ = حُبٌّ[1]

– حِبٌّ *кўп.* أَحْبَابٌ 1. севгили, ошиқ, маҳбуб, ёр; 2. дўст

– حَبَّةٌ саҳродаги еб бўлмайдиган дон *ёки* уруғ

– حَبَابٌ 1) жимирлаш, мавж уриш, мавж; сувнинг жимирлаши; (*сув юзидаги*) ҳаво пуфакчалари; 2) денгиз қаъри

– حُبَابٌ[1] = حُبٌّ[1]

– حُبَابٌ[2] илон; ~ أُمُّ бу дунё, ўткинчи дунё

– حُبَابَةٌ *кўп.* حُبَابٌ ампула (*дори қуйиб, оғзи кавшарланган шиша идиш*)

– حَبَّابٌ кўзафуруш

– حَبَبٌ[1] жимирлаш, мавж уриш, мавж; сувнинг жимирлаши; (*сув юзидаги*) ҳаво пуфакчалари

– حَبَبٌ[2] тишлар қатори, бир қатор тизилган тишлар

– حَبَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ 1) уруғ донаси; حَبَّاتُ السُّبْحَةِ тасбиҳ доналари; ~ الْبَرَكَةِ ёки السَّوْدَاءُ ~ الـ *бот.* қора зира, чернушка (*ўсимлиги ва уруғи*); ~ الـ الْحُلْوَةُ *бот.* анис, арпабодиён (*уруғидан хушбўй мой олинадиган ўсимлик*); 2) қулупнай, малина каби юмшоқ меванинг донаси; 3) ҳапдори донаси; 4) ғудда (ҳуснбузар) донаси, бир дона ҳуснбузар; 5) *халқ.* озгина, арзимас; 6) ...та, дона (*нумератив*); 7) ҳабба (*1/72* قَدَّانٌ *ёки 58,345 м2 га тенг бўлган юза бирлиги*); ~ الشَّعِيرِ *1/144* ذِرَاعٌ مِعْمَارِيٌّ *ёки 0,52l см.-га тенг бўлган узунлик бирлиги*); ◊ ~ الْعَيْنِ кўз қорачиғи; يَا ~ عَيْنِي азизим!, жоним!; ~ الْقَلْبِ юрак; حَبَّةُ كُلِّ جَعَلَ пашшадан фил ясамоқ (*сўзма-сўз:* кичкина уруғдан катта гумбаз ясамоқ)

– حُبِّيٌّ ишқий, ошиқона; меҳрли, самимий, илтифотли; дўстона, дўстларча; тотув; ~ً меҳр билан, самимият билан, севиб

– حَبِيبٌ *кўп.* أَحِبَّاءُ, أَحْبَابٌ 1. ҳабиб (*эск.*), севгили; ошиқ, маҳбуб, хуштор, ёр; 2. 1) жонажон, азиз, манзур; ~ الشَّعْبِ халққа манзур бўлган; 2) дўст, жўра, ўртоқ, ошна; ◊ ~ أَبُو секретарь (*Оврупо ва Россияда яшайдиган қуш*)

– حَبِيبَةٌ *кўп.* حَبَائِبُ маҳбуба, маъшуқа

– حُبَيْبَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ уруғ доначаси

– حُبَيْبِيٌّ донадор, дона-дона; ~ خَشَبٌ пресланган қиринди (*қурилиш материали*)

– مُتَحَابٌّ кўнгил яқинлик қилувчи ва кўнгил яқинликни хуш кўрувчи; дўстона муносабатда бўлган; الدُّوَلُ الْـ ـَـةُ дўст давлатлар

– مُحِبٌّ 1. муҳиб, севувчи, яхши кўрувчи, меҳрибон; ~ لِلسِّلْمِ тинчлик севар; ~ لِلْحُرِّيَّةِ эрксевар, ҳурриятпарвар; ~ لِذَاتِهِ худбин; ~ لِلْعَمَلِ меҳнатсевар; 2. ошиқ одам; ошиқ, маъшуқ, маҳбуб; مُحِبُّو الْفَنِّ санъат мухлислари

– مُحَبَّبٌ[1] севимли, севикли; кўнгилга ёққан, афзал кўрилган; кўнгилдаги, хоҳишдаги

– مُحَبَّبٌ[2] дона-дона, донадор, дона-дона шаклда тайёрланган, гранулаланган

– مَحَبَّةٌ муҳаббат, севги; садоқат; меҳр, кўнгил қўйишлик

– مَحْبُوبٌ 1. севимли, севикли; кўнгилга ёққан, афзал кўрилган; кўнгилдаги, хоҳишдаги; 2. *кўп.* مَحَابِيبُ севикли, жонажон, азиз; эрка, арзанда; маҳбуб, хуштор, ёр

– مُسْتَحَبٌّ 1)севимли, севикли; 2) афзал кўрилган, яхшироқ деб билинган; 3) маъқулланган; матлуб, тилакдаги, исталган, орзу қилинган; мақташга сазовор, мақтаса арзийдиган; 4) қизиқарли, қизиқ

– حَبْحَبَ тизиллаб (жимирлаб) оқмоқ, оҳиста оқмоқ (*сув ҳақида*)

– حُبَاحِبٌ *кўп.* حَبَاحِبُ ялтироқ қурт (*кечаси ялтириб турадиган қурт*)

– حَبْحَبَةٌ *кўп.* حَبْحَبٌ тарвуз (*Ҳижозда*)

(حبذ) II **حَبَّذَ** маъқуллamoқ, маъқул кўрмоқ; тақдирламоқ; жуда мақтамоқ, мадҳ қилмоқ; мадҳия ўқимоқ

– تَحْبِيذٌ маъқуллаш, маъқул кўриш; тақдирлаш; розилик, ризолик

– حَبَّذَا қандай яхши!, қандай ажойиб!; ~ الرَّجُلُ бу одам қандай ажойиб!; ~ الْمَرْأَةُ бу аёл қандай яхши!; ... لَوْ ~ агар ...са, қандай яхши бўларди!

I (حبر) **حَبَرَ** (*у*) حَبْرٌ, حَبْرَةٌ 1) безамоқ, безатмоқ, ясатмоқ, зеб бермоқ, зийнатламоқ; оро бермоқ; 2) хурсанд (мамнун) қилмоқ, севинтирмоқ, қувонтирмоқ, овутмоқ; حَبِرَ (*а*) حُبُورٌ хурсанд бўлмоқ, шод-хуррам бўлмоқ, шодланмоқ, қувонмоқ, зав қланмоқ; II حَبَّرَ 1) безамоқ, безатмоқ, ясатмоқ; ясатиб юбормоқ, бежамаламоқ; пардоз бермоқ; гул солиб безатмоқ, нақшламоқ; 2) ёзмоқ; ~ الْمُسَوَّدَةَ қораламани (қора нусхани) ёзиб тугатмоқ; 3) сиёҳ, туш билан чизмоқ; қорайтирмоқ, қорага бўямоқ; IV أَحْبَرَ хурсанд қилмоқ, мамнун қилмоқ; V تَحَبَّرَ сиёҳ *ёки* тушга бўялмоқ (ботирилмоқ)

– حِبَارٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ, حُبُرٌ из, белги, асар; ~ الضَّرْبِ калтак изи, кўк доғ, баданнинг кўкарган жойи; яра ўрни, ямоқ, чандиқ

– حُبَارَى *кўп.* حُبَارَيَاتٌ *зоол.* тувдоғ, тўхтатувалоқ (*турна туркумидан бўлган улкан қанотли чўл қуши*)

– حَبْرٌ[1], حِبْرٌ *кўп.* حُبُورٌ, أَحْبَارٌ 1) олим киши; سِفْرُ الأَحْبَارِ *библ.* Левит; 2) попларнинг бошлиғи; юқори даражали руҳоний шахс; епископ; папа (*Римдаги*); الْـ ـَـ الأَعْظَمُ а) олий коҳин; б) папа (*Римдаги*)

– حُبُورٌ[2] = حَبْرٌ[2]

– حِبْرٌ *кўп.* حُبُورٌ, أَحْبَارٌ 1)сиёҳ, бўёқ; سِرِّيٌّ ~ сирли (симпатик) сиёҳ (*қиздиргандан ёки махсус модда билан ҳўллангандан кейингина кўзга кўринадиган рангсиз сиёҳ*); ~ قَلَمُ авторучка; ~ طِبَاعَةِ الصُّحُفِ *ёки* الشِّينِ ~ Хитой туши; ~ مَطْبَعِيٌّ *ёки* صِينِيٌّ босмахона бўёғи; 2) ранг, тус; ~ فَوْقَ الْوَرَقِ *маж.* бир парча қоғоз (*мас., шартнома ҳақида*); لَمْ يَكُنِ الْـ ـَـ قَدْ جَفَّ بَعْدُ ... حَتَّى ҳали сиёҳи қуримасданоқ ...; ~ الـ أُمُّ *зоол.* уммул-ҳибр (*денгиз молюскаларининг бир тури*)

– حَبْرٌ йўл-йўл газлама

– حَبَرَةٌ *кўп.* اتٌ — чойшаб, ёпинчиқ, мантиля (*испан аёллари ёпинадиган катта тўр рўмол*)

– حِبَرَةٌ *кўп.* حِبَرٌ, حِبَرَاتٌ йўл-йўл устки кийим

– حِبْرِيٌّ = حَبْرَوِيٌّ

– حَبْرِيٌّ, حِبْرِيٌّ 1) папага оид; 2) епископга оид

– حَبْرِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — риза (*христианларда: руҳонийларнинг ибодат вақтида киядиган либоси*)

– حُبُورٌ хурсандлик, шодлик, қувонч, завқ

– مِحْبَرَةٌ *кўп.* مَحَابِرُ сиёҳдон

– يَحْبُورٌ хурсанд, шод, қувноқ, дилхуш, хушчақчақ; мамнун

I **حَبَسَ** (*и*) حَبْسٌ 1) ҳибсга олмоқ, қамамоқ, қамоққа олмоқ; 2) бекитмоқ, танбаламоқ, маҳкамлаб бекитмоқ; 3) сақламоқ, асрамоқ, қўриқламоқ; 4) тўхтатиб (тутиб) қолмоқ, тўсиб қўймоқ, халал бермоқ, نِي الْمَرَضُ الْمُفَاجِئُ عَنْ أَنْ أَزُورَكُمْ ~ тўсатдан келган касаллик сизни зиёрат қилишимга монеълик қилди; أَنْفَاسَهُ ~ нафасини ичига ютиб турмоқ; 5) (*ҳиссиётни*) босиб турмоқ, ўзини тиймоқ; 6) (*бирор к. ёки н. олдига*) киришни тўхтатмоқ (عَنْ); 7) (*бирор н. борасида*) васият қилмоқ (عَلَى); бағишламоқ; II حَبَّسَ 1) қамоқларга солмоқ, қамоқларга тиқиб ташламоқ; 2) (*бирор н. ни*) вақф сифатида васият қилмоқ (عَلَى); IV أَحْبَسَ бахшида қилмоқ, бағишламоқ; فَرَسًا فِي سَبِيلِ اللهِ ~ Оллоҳ таоло йўлида от атамоқ; вақф қилмоқ; V تَحَبَّسَ бирор нарсага ўзини бағишламоқ, бахшида қилмоқ (عَلَى); VII انْحَبَسَ 1) маҳбус бўлмоқ, қамалмоқ, банди бўлмоқ; 2) тўхтатиб (тутиб) қолинмоқ, ушланиб қолмоқ; нафас олиши қийинлашмоқ; صَرَخْتُ وَلَكِنَّ الصَّرْخَةَ ~تْ فِي حَلْقِي арзу додимни ҳеч ким эшитмайди (*сўзма-сўз*: мен дод солдим, лекин додим оғзимда қолди); VIII احْتَبَسَ 1) ҳибсга олинмоқ, қамоққа ташланмоқ; 2) ёпилмоқ, танбаланмоқ, маҳкам беркитилмоқ; 3) тўхтатиб (тутиб) қолинмоқ, ушланиб қолмоқ; нафас олиши қийинлашмоқ; أَنْفَاسُهُ ~تْ унинг нафаси қисилди; الصَّوْتُ فِي حَلْقِهِ овози бўғзида қолди

– احْتِبَاسٌ тўхталиш, тўхтаб қолиш; الْبَوْلِ ~ *мед.* бавл (сийдик)нинг тутилиши

– انْحِبَاسٌ тўхтаб қолиш, ушланиб қолиш; فِي الْهَوَاءِ ~ ҳавонинг димлиги, дамлиги; (الأَمْطَارِ) الْمَطَرِ ~ қурғоқчилик

– حَبْسٌ[1] ҳибсга олиш, қамаш; احْتِيَاطِيٌّ ~ эҳтиёт чораси сифатида (*суддан олдин*) ҳибсга олиш; انْفِرَادِيٌّ ~ танҳо кишини алоҳида камерага қамаш

– حَبْسٌ[2] *кўп.* حُبُوسٌ қамоқ, турма, қамоқхона; зиндон

– حُبْسٌ *кўп.* أَحْبَاسٌ хайрия мақсадларида васият қилиб қолдирилган мулк; вақф қилинган (*диний муассасаларга иона қилинган*)мулк; ... كَانَ عَلَى ~ (*бирор н. га ёки к. га*) тўлалигича тегишли бўлмоқ

– حِبْسٌ *кўп.* أَحْبَاسٌ 1) тўғон; дамба (*дарё четига ва умуман сув ҳавзалари атрофига тупроқ, шағал ва ҳ.к. лардан қурилган кўтарма*); 2) чойшаб

– حَبَسْخَانَةٌ *кўп.* اتٌ — ҳибсхона, қамоқ, турма

– حَبْسَةٌ пул тўлаб ажратиб олиш, қутқариб олиш; гаровга қўйилган нарсани пул тўлаб қайтариб олиш; тўлов, ҳақ, бадал

– حُبْسَةٌ *мед.* сўзлаш, гапириш қобилиятини йўқотиш касаллиги

– حَرَارَةٌ 1)ҳарорат, иссиқ; 2; температура; مُسَجِّلُ الـــ~ термограф; مِيزَانُ الـــ~ термометр; دَرَجَةً 43 كَانَتِ الـــ~ فِي الظِّلِّ ҳарорат соя да 43 даража эди; 3) қизғинлик, жўшқинлик, ҳовур, тиришиш; ~ـــ بِـــ~ـــهِ бирор кишини қизғин табрикламоқ; ~ـــ يَدَهُ بِـــ~ـــهِ бирор кишини қизғин қўллаб-қувватламоқ; 4) иссиқлик, тошма, майда ҳуснбузар; 5) (*теринининг*)ловуллаши, ачишиши; (*овқатнинг*) ўткир таъмлиги

– حَرَارِيٌّ иссиқликка оид; مَحَطَّةُ الْكَهْرَبَاءِ الـــ~ـــةُ иссиқлик электростанцияси; نَوَوِيٌّ ~ термоядровий; وَحْدَةٌ ~ـــةٌ калория

– حَرَّانُ *мн.* حَرَّى *кўп.* حَرَارَى 1) қизишиб кетган; бадани қизиб кетган; 2) қайноқ; 3) чанқоқ, сувсаган, чўллаган, ташна

– حَرَّةٌ *кўп.* ـــ اتٌ, حِرَارٌ вулқон ўчгандан кейин ҳосил бўлган тошлоқ жой

– حُرَّةٌ *кўп.* حَرَائِرُ *тар.* озод (чўри эмас) аёл

– حَرُورٌ гармсел

– حَرِيرٌ *кўп.* حَرَائِرُ 1) ипак; مُشَافَةُ ~ ипак (*хомашё*); 2) ипак газлама, ҳарир; (صِنَاعِيٌّ) اصْطِنَاعِيٌّ ~ сунъий ипак; طَبِيعِيٌّ ~ табиий ипак; 3) ипакдан ишланган маҳсулот; 4) сут қўшиб пиширадиган ун овқат; ◊ صَخْرِيٌّ ~ асбест

– حُرَيْرَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ *физ.* калория

– حَرِيرِيٌّ 1. ипакли, ипакка оид, ипакдан ясалган; 2) ипакфуруш, ипак билан савдо қилувчи

– حُرِّيَّةٌ ҳуррият, эрк, озодлик, эркинлик; ~ الاجْتِمَاعِ йиғин ўтказиш эркинлиги; ~ الاخْتِيَارِ танлаш эркинлиги; ~ الأَدْيَانِ *ёки* ~ الْعِبَادَةِ эътиқод эркинлиги, виждон эркинлиги; ~ التِّجَارَةِ савдо эркинлиги; ~ التَّعْلِيمِ ўқитиш (таълим) эркинлиги; ~ تَنْظِيمِ الإِضْرَابِ иш ташлашни ташкил этиш эркинлиги; ~ الشَّخْصِيَّةِ шахс эркинлиги; ~ الْكِتَابَةِ *ёки* ~ النَّشْرِ *ёки* ~ الصَّحَافَةِ матбуот

эркинлиги; الْعَمَلِ ~ ҳаракат эркинлиги; الْفِكْرِ ~ фикр (тафаккур) эркинлиги; الْكَلَامِ ~ *ёки* الْقَوْلِ ~ *ёки* إِبْدَاءِ الرَّأْيِ ~ сўз эркинлиги; النَّقْدِ ~ танқид қилиш эркинлиги

– مِحْرَارٌ термометр, ҳарорат ўлчайдиган асбоб

– مُحَرِّرٌ 1. озод қилувчи; 2. 1) халоскор; 2) ёзувчи; журналист; мухбир; سِيَاسِيٌّ ~ сиёсий шарҳловчи; 3) муҳаррир, редактор

– مُحَرَّرَاتٌ *кўп.* расмий ёзишмалар, алоқа қоғозлари; ёзма ҳужжатлар, хабарлар, маълумотлар

– مَحْرُورٌ 1) қизишиб кетган; бадани қизиб кетган; 2) юқори ҳароратли; 3) аччиқланган, жаҳли чиққан, ғазабланган, тутоққан

I (حرب) **حَرَبَ** (*а*) حَرَبٌ ғазабга тўлмоқ, жаҳли чиқмоқ; حَرَبَ (*у*) حَرْبٌ, حَرْبٌ талон-торож қилмоқ, тортиб олмоқ; III حَارَبَ урушмоқ, уруш қилмоқ, урушга қатнашмоқ, олишмоқ; жанг қилмоқ, курашмоқ; VI تَحَارَبَ 1)ўзаро (бир-бири билан) урушишмоқ; 2) биргаликда уруш қилмоқ, биргалашиб курашмоқ; VIII = VI

– حَرْبٌ *мн. кўп.* حُرُوبٌ уруш; ҳарбий юриш, кампания; кураш, жанг; الْـ~ الْكُبْرَى الأُولَى биринчи жаҳон уруши; الْـ~ الأَهْلِيَّةُ гражданлар (фуқаролар) уруши; الْـ~ الْعَالَمِيَّةُ الثَّانِيَةُ иккинчи жаҳон уруши; الْـ~ الْوَطَنِيَّةُ الْكُبْرَى Улуғ Ватан уруши; عَادِلَةٌ ~ адолатли уруш; جَائِرَةٌ ~ адолатсиз уруш; قَذِرَةٌ ~ ифлос уруш; بَارِدَةٌ ~ совуқ уруш; حَامِيَةٌ ~ уруш; عُدْوَانِيَّةٌ ~ агрессив уруш; نَوَوِيَّةٌ ~ термоядро уруши; كُلِّيَّةٌ ~ ялпи уруш; إِبَادَةٍ ~ қирғин уруш; حُرُوبُ الاغْتِصَابِ босқинчилик урушлари, жанглари; غَيْرُ مُعْلَنَةٍ ~ эълон қилинмаган уруш; مُشْعِلُو نِيرَانِ الْـ~ уруш оловини ёқувчилар; مَا بَعْدَ الْـ~ урушдан кейинги; أَرْكَانُ الْـ~ бош штаб (*мамлакат қуролли кучларининг марказий штаби*); فِي حَالَةِ الْـ~ уруш ҳолатида; أَعْلَنَ الْـ~ أَشْهَرَ الْـ~ *ёки* уруш эълон қилмоқ, уруш очмоқ; ◊ دَارُ الْـ~ *қар* دَارٌ

– حَرَبٌ қайғу, ҳасрат, ғам, доғ, фалокат; وَا~ اهُ оҳ-воҳ, вовайло, воҳасрато

– حِرْبَاءٌ *кўп.* حِرْبَاوَاتٌ, حَرَابِيُّ *зоол.* буқаламун, хамелеон

– حَرْبَجِيٌّ *кўп.* حَرْبَجِيَّةٌ милитарист, урушқоқ, уруш тарафдори

– حَرْبَةٌ *кўп.* حِرَابٌ найза. учи ўткирланган темирдан ясалган уруш қуроли; пахол, пичан тушириш учун ишлатиладиган паншаҳага ўхшаш асбоб

– حَرْبِيٌّ 1) ҳарбий; ~ مَجْلِسٌ ҳарбий кенгаш; مَدْرَسَةٌ ~ ҳарбий мактаб; وِزَارَةُ الْـ~ ҳарбий вазирлик; 2) жанговар, урушқоқ; 3) *шар.* мусулмон бўлмаган мамлакатнинг фуқароси *ёки* ўша мамлакатда яшовчи

– حَرِيبٌ таланган, талон-торож қилинган, талаб кетилган

– مُتَحَارِبٌ бошқалар билан бирга урушувчи, урушда иштирок этувчи

– مُحَارِبٌ жанг қилувчи, урушувчи. 2. 1; урушувчи томон; حُقُوقُ الْـ~ урушувчи томоннинг ҳақ-ҳуқуқлари; 2) жангчи; قَدِيمٌ ~ уруш ветерани (фахрийси)

– مُحَارَبَةٌ уруш; жанг, кураш

– مَحْرَابٌ *кўп.* مَحَارِيبُ ибодатхона; الْمَسْجِدِ ~ масжид меҳроби, масжиднинг қибла томонида имом учун ажратилган қисм; йиғиннинг олдинги қатори; الْكَنِيسَةِ ~ бутхонанинг асосий қисми, саждагоҳи

حَرْتَقَ жарангламоқ, жаранглатмоқ, шалдиратмоқ

– حَرْتَقَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) жаранг-журунг, шарақ-шуруқ, жаранглаш; الْقُيُودِ ~ кишанларнинг шарақ-шуруғи; 2) *маж.* маҳмадоналик, сергаплик, эзмалик

I **حَرَثَ** (*у*) حَرْثٌ 1) чопмоқ, ҳайдамоқ (*ер*); чопиқ қилмоқ; 2) касб-кор қилмоқ, касб-кор билан тирикчилик қилмоқ; 3) ўрганмоқ, ўрганиб чиқмоқ; الْقُرْآنَ أَحْرُثِ Қуръонни ўрган; VII انْحَرَثَ чопиқ бўлмоқ, ҳайдалмоқ, шудгор қилинмоқ; VIII احْتَرَثَ ер ҳайдамоқ, шудгор қилмоқ

– حَارِثٌ *кўп.* حُرَّاثٌ қўшчи, ер ҳайдовчи, қўш ҳайдовчи, деҳқон; ◊ أَبُو الْـ~ арслон, шер

– حَرَّاثٌ 1. ер ҳайдовчи, қўш ҳайдовчи; 2) ғаллакор (деҳқон), деҳқон

– حَرَّاثَةٌ *зоол.* бузоқбоши

– حِرَاثَةٌ 1) ер ҳайдаш, шудгор қилиш; 2) ғаллакорлик, деҳқончилик

– حَرْثٌ 1) ҳайдаш (*ерни*); الْـ~ آلَةُ омоч, плуг; 2) ишланадиган, чопиқ қилинадиган ер; шудгор; 3) деҳқончилик маҳсулотлари

– حَرْثَةٌ *кўп.* حَرَثَاتٌ ер ҳайдаш, шудгор қилиш, чопиш

– مِحْرَاثٌ *кўп.* مَحَارِيثُ омоч; плуг; سِلَاحُ الْـ~ тиш, омоч тиши

I **حَرِجَ** (*а*) حَرَجٌ сиқилмоқ, қисилмоқ, тор бўлмоқ; оғир аҳволда қолмоқ; صَدْرُهُ ~ хавотирланмоқ, нохуш бўлмоқ; ташвишланмоқ, тинчсизланмоқ; 2) (*бирор к. га*) ман этилмоқ, таъқиқланмоқ (عَلَى); 3) гуноҳ қилмоқ, ёмон иш қилмоқ, ножўя иш қилмоқ; II حَرَّجَ 1) сиқмоқ, қисмоқ, қийин ҳолатга солмоқ; (*бирор н. га*) мажбур қилмоқ, мажбурламоқ (فِي); 2) (*бирор к. ни*) ман қилмоқ, таъқиқламоқ (عَلَى); 3) (*вазиятни*) мураккаблаштирмоқ; 4) дарахт ўтқазмоқ, дарахтзор барпо этмоқ, IV أَحْرَجَ сиқмоқ, қисмоқ, қийин ҳолатга солмоқ, оғир аҳволга солиб қўймоқ; боши берк кўчага олиб кириб қўймоқ; 3) (*бирор к. га*) ман қилмоқ, таъқиқламоқ (عَلَى); V تَحَرَّجَ 1) қисилиб-қимтинмоқ; ўзини ноқулай сезмоқ; 2) оғирлашмоқ, қийинлашмоқ, мураккаблашмоқ (*вазият*); 3) гуноҳ қилишдан, хато қилишдан, адашишдан ўзини тиймоқ (олиб қочмоқ)

– أَحْرَجُ энг қийин, энг хатарли, энг мураккаб

– تَحَرُّجٌ 1) уялиш, тортиниш, хижолат бўлиш, хижолат тортиш; 2) жиддий мураккаблашув (*мас., вазият*)

– تَحْرِيجٌ 1) сиқиш, қийин ҳолатга солиш, қийнаш, қийинлаштириш; 2) (*вазиятни*) мураккаблаштириш, чалкаштириш;

3) дарахт ўтқазиш, дарахтзор барпо этиш; ~ الْأَرْضِ кўчат ўтқазиш

– حَرَاجٌ очиқ савдо, кимошди савдоси, аукцион

– حَرَاجَةٌ қийинчилик, мушкуллик, танглик, оғир вазият

– حَرَاجِيٌّ ўрмонга оид; ~ـةٌ تَرْوَةٌ ўрмон бойлиги

– حَرَجٌ[1] 1) сиқилганлик, сиқиқлик, танглик, қийинчилик, мушкуллик; оғир вазият; ~ فِي أَوْقَعَهُ бирор кимни қийин ҳолатга солмоқ; 2) таъқиқлаш, таъқиқ, ман, қатағон; 3) нотўғри иш, ножўя иш, гуноҳ; ◊ ... عَلَيْنَا فَهَلْ مِنْ ~ наҳотки ... бизга ноқулай бўлса; لَا ~ عَلَيْكَ! ... أَنَّ فِي وَلَمْ نَجِدْ ~اً биз ... ни уят деб билмаймиз; сенга ҳеч нарса қилмайди!; ~ فَحَدِّثْ عَنْهُ وَلَا *мтл.* хоҳлаганингни гапир, *ишонавераман! (сўзма-сўз: у тўғрида гапиравер, ҳеч бир ноқулай жойи йўқ; (тўла ишонч ифодаси)*

– حَرَجٌ[2] *кўп* أَحْرَاجٌ, حِرَاجٌ ўрмон, чакалакзор, чангалзор, дарахтзор

– حَرَجٌ[3] замбил, замбар

– حَرِجٌ 1) сиқиқ, тор; 2) қийин, машаққатли, мушкул; دَرَجَةُ الْحَرَارَةِ الْـ~ـةُ ўта хавфли температура; الضَّغْطُ الْـ~ـةُ ўта хавфли босим; النُّقْطَةُ الْـ~ـةُ энг кескин (қийин) нуқта; السِّنُّ الْـ~ـةُ балоғатга ета бошлаган давр

– حَرَجَةٌ *кўп.* ~اتٌ = حَرَجٌ[2]

– حَرَجِيٌّ ўрмонга оид; الثَّرْوَةُ الْـ~ـةُ ўрмон бойлиги

– مُحَرِّجٌ 1) сиқувчи, қисувчи, 2) кескинлаштирувчи; 3) ман этувчи, таъқиқловчи

– *шунингдек:* مُحَرِّجَاتٌ ~ *кўп* қасамхўрнинг ҳолини танг қиладиган қасамлар

حَرْجَلَ у ёқ-бу ёққа югурмоқ

حَرْجَمَ 1) (*бирор н. ни қидириб*) кезмоқ, юрмоқ (عَلَى); 2) (*подани*) ҳовлига (*қўрага*) ҳайдамоқ

– حَرْجَمَةٌ (*бирор н. ни қидириб*) кезиш, юриш

حِرْجٌ *кўп* أَحْرَاجٌ *анат.* мойлиқ (*аёллар жинсий аъзосининг ичи*)

I **حَرَدَ** (*у*) حُرُودٌ узоқлашмоқ, четлашмоқ, ўзини четга тортмоқ, четга чиқмоқ; حَرِدَ (*а*) حَرَدٌ (*бирор к. дан*) ғазабланмоқ, жаҳли чиқмоқ, аччиғи келмоқ (عَلَى), II حَرَّدَ гумбаз қурмоқ; гумбазли қилиб қурмоқ (*иморатни*)

– حَارِدٌ, حَرِدٌ аччиғи чиққан, аччиқланган, жаҳлдор

– حَرَدٌ ғазаб, жаҳл

– حَرْدَانُ = حَارِدٌ

– حِرْذَوْنٌ *кўп* حَرَاذِينُ калтакесак; калтакесакнинг эркаги

I **حَرَزَ** (*у*) حَرْزٌ сақламоқ, асрамоқ, эҳтиётламоқ, эҳтиёт қилмоқ; حَرُزَ (*у*) حَرَازَةٌ мустаҳкам бўлмоқ, мустаҳкамланмоқ, етиб бўлмайдиган бўлмоқ; IV أَحْرَزَ эгалламоқ, қўлга киритмоқ, олмоқ, етмоқ, етишмоқ; ... الْأَوْلَوِيَّةَ فِي ~ *спорт.* ... бўйича биринчиликни қўлга киритмоқ; الْهَدَفَ ~ гол урмоқ, гол (тўп) киритмоқ; فَوْزًا ~ ғалаба қилмоқ, енгмоқ; نَجَاحًا ~ ютуққа эришмоқ; قَصَبَ السَّبْقَ ~ ютиб чиқмоқ, биринчи бўлмоқ; V تَحَرَّزَ (*бирор н. дан*) эҳтиёт бўлмоқ, (*бирор н. дан*) ўзини асрамоқ, сақланмоқ, ўзини эҳтиёт қилмоқ (مِنْ); VIII احْتَرَزَ = V

– احْتِرَازٌ эҳтиеткорлик, ўзини эҳтиёт қилиш

– احْتِرَازِيٌّ сақлайдиган, эҳтиёт қиладиган; تَدَابِيرُ ~ـةٌ эҳтиёт чоралари

– حَارِزَةٌ *эл.* сақлагич (предохранитель)

– حِرْزٌ *кўп* أَحْرَازٌ, حُرُوزٌ ҳимоя, ҳимоя қилиш, қўриқлаш, сақлаш, мудофаа; 2) қалъа, қўрғон, истеҳком; حَرِيزٌ ~ ёв ололмайдиган қалъа; 3) *юр.* ашёвий далил; 4) тумор; حَرِيزٌ ~ كَانَ فِي а) ҳушёр бўлиб турмоқ; б) қўл етолмайдиган, муяссар бўлолмайдиган бўлмоқ

– حَرَزَةٌ (*бирор н. нинг*) энг яхши қисми; асл нарса, қимматбаҳо нарса

– حَرِيزٌ кучли, бақувват; олиб бўлмайдиган (*мас., қалъа*); 2) эришиб бўлмайдиган, муяссар бўлмайдиган

I **حَرَسَ** (*у*) حَرْسٌ, حِرَاسَةٌ қўриқламоқ, қўримоқ, эҳтиёт қилмоқ, сақламоқ; ҳимоя қилмоқ; V تَحَرَّسَ (*бирор к. дан ёки н. дан*) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ, ўзини эҳтиёт қилмоқ (مِنْ); VIII احْتَرَسَ (*бирор к. дан ёки н. дан*) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ (مِنْ)

– احْتِرَاسٌ эҳтиёткорлик, эҳтиёт чораси, эҳтиёт; ~ بِـ эҳтиёткорлик билан, эҳтиёткорона

– حَارِسٌ 1. 1) пойлоқчи, қўриқловчи; الْمَلَكُ الْـ~ *дин* қўриқловчи фаришта (*малоика*); 2) ҳушёр; 2. *кўп.* حُرَّاسٌ, حَرَسَةٌ 1) ходим; васий, ҳомий; қоравул, соқчи; қўриқчи; الْحُدُودِ ~ чегарачи; 2) *шунингдек:* الْمَرْمَى ~ *спорт.* дарвозабон

– حَرَّاسٌ ходим; қоравул, соқчи

– حِرَاسَةٌ сақлаш, қўриқлаш, мудофаа қилиш; назорат, назорат қилиш; қоравуллик хизмати; الْحُدُودِ ~ чегарани қўриқлаш, чегара ҳимояси; *юр.* давлат фойдасига бирор мулкни хатлаш, мулкдан фойдаланишни таъқиқлаш, секвестр; وَضَعَ تَحْتَ الْـ~ а) ҳимояга олмоқ, васийликка олмоқ, васийлик белгиламоқ; б) бирор мулкни давлат фойдасига хатламоқ, мулкдан фойдаланишни таъқиқламоқ, секвестр қўймоқ

– حَرَسٌ соқчилар, посбонлар, қоравул; қўриқлаб борувчи соқчилар гуруҳи, конвой; гвардия; الشَّرَفِ ~ фахрий қоравул; الْوَطَنِيُّ الْـ~ миллий гвардия

– حَرَسِيٌّ *кўп.* حُرَّاسٌ подшоҳ ёки давлат бошлиғининг шахсий қўриқчиси, гвардия

– مُحْتَرِسٌ эҳтиёткор; ҳушёр

– مَحْرُوسٌ 1. қўриқланадиган, пойланадиган; الْـمَـحْـرُوسَـةُ қўриқланган, қўриқланиб турган (*Қоҳира шаҳри унвонларидан бири*); 2. ўғил; бола, фарзанд; الْمَحْرُوسُونَ оила аъзолари.

I **حَرَشَ** (*и*) حَرْشٌ 1) тирнамоқ, тимдаламоқ, таталамоқ; 2) (калтакесак) овламоқ; II حَرَّشَ 1) (*бирор к. га қарши*) гижгижламоқ, қўймоқ (إِلَى); (*бирор к. орасига*) низо солмоқ, нифоқ солмоқ (بَيْنَ); 2) дарахтзор барпо қилмоқ; дарахт ўтқазмоқ; ◊ الأَرْضَ ~ (*бирор н. билан*) тупроқ ҳосилдорлигини оширмоқ (ب); III حَارَشَ тегишмоқ, сўз отмоқ, тегажоғлик қилмоқ; V تَحَرَّشَ жиғига тегмоқ, аччиғини келтирмоқ, иғвогарона иш тутмоқ; (*бирор к. га*) тегишмоқ, тегажоғлик қилмоқ (ب); (*бирор к. билан*) тўқнашмоқ (ب); (*бирор к. га*) ташланмоқ, ҳужум қилмоқ (ب, عَلَى); بِهِ لِلْخِصَامِ ~ бирор ким билан жанжал ахтармоқ.

– أَحْرَشُ *мн* حُرْشَانٌ *кўп.* حُرْشٌ дағал, ғадир-будур, дағаллашган, ғудурлашган.

– تَحَرُّشٌ 1) жиғига тегиш, иғвогарлик ҳатти-ҳаракати; 2) тегишиш, тегажоғлик қилиш.

– تَحْرِيشٌ 1) гижгижлаш, ғусғуслаш, низо чиқариш; 2) дарахтзор қилиш;

الأَرْضِ ~ дарахт ўтқазиш.

– حَرَّاشٌ *жам.* пишмаган, хом қовун, хамаклар.

– حَرَّاشَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ пишмаган, хом қовун, хамак.

– حَرَاشَةٌ қаттиқлик; ғадир-будурлик, дағаллик.

– حَرِشٌ қаттиқ, дағал; ғадир-будур, ғудурлашган.

– حُرْشٌ *кўп.* أَحْرَاشٌ ўрмон.

– حُرْشٌ = حِرْشٌ.

– حُرْشَةٌ = حَرَاشَةٌ.

– حَرِيشٌ *кўп* حُرُشٌ 1) қирқоёқ, мингоёқ; 2) каркидон.

حَرْشَفٌ *кўп* حَرَاشِفُ тангача (балиқдаги).

حَرْشَفَةٌтанга-танга бўлиб қолишлик (*мас.* тери); الْجِلْدِ ~ *мед* баданнинг териси қуриб, шўрлашиш натижасида балиқ терисига ўхшаб танга-танга бўлиб қолиши, ихтиоз.

– حَرْشَفِيٌّ танга-танга, тангачали; тангачасимон.

I **حَرَصَ** (*и*) حِرْصٌ 1) (*бирор н. ни*) ҳаддан зиёд хоҳламоқ, (*бирор н. га*) интилмоқ;(*бирор н. ни*) олишга зўр бериб интилмоқ, зўр бериб талаб қилмоқ (عَلَى); 2) (*бирор н. ни*) сақламоқ, авайламоқ, эҳтиёт қилмоқ (عَلَى); عَلَى شَيْءٍ حِرْصَ الْمَرْءِ عَلَى حَدَقَةِ عَيْنِهِ ~ бирор нимани кўз қорачиғидай асрамоқ; 3) эҳтиёт бўлмоқ, ҳушёр турмоқ, ҳушёр бўлмоқ, диққат-эътибор билан қарамоқ. II حَرَّصَ қўзғатмоқ, уйғотмоқ, безовта қилмоқ.

– حَارِصَةٌ яра, чақа.

– حَرْصٌ ериш, ёриб чиқиш.

– حَارِصَةٌ = حَرْصَةٌ.

– حِرْصٌ кучли орзу, катта иштиёқ, зўр ҳавас, кучли интилиш; الْـــ عَلَى الثَّأْرِ қасос олиш ҳирси, қасос иштиёқи; 2) очкўзлик, таъмагирлик; ҳирс, ишқибозлик; 3) сақлаш, асраш, авайлаш; 4) эҳтиётлик, эҳтиёт бўлиш.

– حَرِيصٌ 1) орзуманд, иштиёқманд, ҳаддан зиёда хоҳловчи; 2) (*бирор н. нинг*) қадрига етувчи, (*бирор н. ни*) ардоқловчи (عَلَى); 3) очкўз, тамаъгир, ишқибоз, ҳарис; 4) исроф қилмайдиган, пишиқ, тежамкор; 5) эҳтиёткор.

I **حَرَضَ** (*а*) حَرَضٌ туролмай ётиб қолмоқ; II حَرَّضَ 1) иғво қилмоқ, фитна солмоқ, ғаламислик қилмоқ; қизиқтирмоқ, қўзғамоқ, ҳавасини келтирмоқ; (*бирор к. га қарши*) ишга етакламоқ, йўлга солмоқ, қўндирмоқ (عَلَى); 2) *эл.* магнит майдони таъсирида электр энергияси ҳосил қилмоқ; IV أَحْرَضَ йиқитмоқ, ётқизмоқ; هُ ـــ الْحُبُّ муҳаббат уни хароб қилди, V تَحَرَّضَ 1) иғвога учрамоқ, фитнага йўлиқмоқ; 2) *эл.* магнит майдони таъсирида электр энергияси ҳосил бўлмоқ.

– تَحْرِيضٌ 1) иғвогарлик, ғаламислик, фитна солиш; 2. магнит майдони таъсирида ток ҳосил бўлиш, индукция. الـــ الذَّاتِيُّ ўз-ўзидан индукцияланиш.

– تَحْرِيضِيٌّ 1) иғвогарона, ғаламисона; 2) *эл.* индукцияга оид.

– حَرَضٌ[1] *кўп.* أَحْرَاضٌ 1) ўзгариш, ёмонлашиш, оғирлашиш; 2) оғир касаллик; الأَحْرَاضُ الْفَيْرُوسِيَّةُ вирус билан боғлиқ бўлган касалликлар; 3) таназзул, ёмонлаша бориш, наслнинг айниши, наслнинг бузилиши.

– حَرَضٌ[2] касал, бемор; юқумли касалга гирифтор.

– حُرْضٌ ишқор, овқатдан сўнг қўл ювишда ишлатиладиган модда.

– حُرْضٌ = حُرُضٌ.

– مُحَرِّضٌ 1)иғвогар, ғаламис, фитначи; 2) *эл.* индуктор. магнит майдони таъсирида ток ҳосил қилувчи.

I **حَرَفَ** (*у*) حَرْفٌ1) ўзгартирмоқ; 2) (*бирор н. дан*) қайтармоқ, рад қилмоқ, тойдирмоқ, оғиштирмоқ (عَنْ); (الاتِّجَاهِ) عَنِ الْخَطِّ الصَّحِيحِ ~ тўғри йўлдан чиқармоқ, тўғри йўлдан оздирмоқ; 3) бурмоқ, бурамоқ, қайирмоқ (*мас.*, *отни*); II حَرَّفَ 1) бузиб кўрсатмоқ, нотўғри талқин қилмоқ, нотўғри изоҳ бермоқ, сохталаштирмоқ; 2) (ҳарфларнинг) ўрнини алмаштирмоқ; III حَارَفَ яхши ёки ёмон қилмишига яраша тақдирламоқ; كَسْبُهُ ~ унинг яшаши қийинлашди; V تَحَرَّفَ 1) бузиб кўрсатилмоқ, нотўғри талқин бўлмоқ, нотўғри изоҳланмоқ; 2) (*бирор н. дан*) оғишмоқ, тоймоқ, четга чиқмоқ (عَنْ); VII انْحَرَفَ 1) (*бирор н. дан*) оғишмоқ, тоймоқ, четга чиқмоқ (عَنْ); бурилмоқ, қайрилмоқ; عَنِ الاتِّجَاهِ الصَّحِيحِ ~ тўғри йўлдан чиқмоқ, тўғри йўлдан озмоқ; تْ ـــ صِحَّتُهُ бўшашиб турмоқ, лоҳас бўлмоқ, бетоб бўлмоқ; 2. ғилай бўлмоқ (*кўз*); VIII احْتَرَفَ бирор касб-ҳунар қилмоқ, бирор касб-ҳунар билан шуғулланмоқ, (*бирор н. ни*) ҳунар

(*касб*) қилмоқ; амалда қўлламоқ; اَلْمُحَامَاةَ ~ адвокатлик билан шуғулланмоқ; XII احْرَوْرَفَ = VII

– اِحْتِرَافٌ бирор касб-ҳунарни танлаш; ҳунар билан шуғулланиш; касбҳунарни амалиётда қўллаш

– اِنْحِرَافٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) оғишиш, тойилиш, четга чиқиш; *физ* бурилиш, оғиш; *астр.* оғиш; *сиёс.* оғмачилик; 2) бир томонга қийшайиш, бир томонга оғиш; اَلْمِزَاجِ ~ *ёки* ~ اَلصِّحَّةِ лоҳас бўлиш, бетоб бўлиш, лоҳаслик, бетоблик; زَاوِيَةُ ~ اَلْـــ *мат.* оғиш бурчаги

– تَحْرِيفٌ 1) бузиб кўрсатиш, нотўғри талқин қилиш; 2) (*сўзни*) бузиш, бузиб талаффуз этиш; *сўздаги ҳарфларнинг*) ўрнини алмаштириш

– تَحْرِيفِيٌّ 1. ревизионизмга асосланган; 2. ревизионист

– تَحْرِيفِيَّةٌ ревизионизм

– حَرَافَةٌ (овқат мазасининг) аччиқлиги, ўткирлиги

– حَرْفٌ[1] *кўп* حُرُوفٌ, أَحْرُفٌ 1) ҳарф, ундош товуш; سَاكِنٌ ~ *ёки* صَامِتٌ ~ ундош товуш; صَوْتِيٌّ ~ *ёки* مُصَوِّتٌ ~ *ёки* مُتَحَرِّكٌ ~ унли товуш; اَلْحُرُوفُ الْعِلَّةِ *грам.* ҳарфи иллатлар (ا, و, ى); اَلْحُرُوفُ الْمَبَانِي *ёки* حُرُوفُ الأَبْجَدِيَّةُ *ёки* حُرُوفُ الْهِجَائِيَّةُ *ёки* حُرُوفُ الْهِجَاءِ алифбо, алфавит; ~ بِالْـــ اَلْوَاحِدِ *ёки* сўзма-сўз, ҳарфма-ҳарф, айнан; لَمْ يَنْطِقْ بِـــ نَشَرَ بِـــهِ у ҳеч нарса демади, у лом-мим демади; كَتَبَ الأَرْقَامَ بِالْحُرُوفِ рақамларни ҳарфлар билан ёзмоқ; وَقَّعَ بِالْـــ الأَوَّلِ مِنَ الاِسْمِ исмнинг биринчи ҳарфи билан қўл қўймоқ; инициалини қўймоқ; (шартномани)тасдиқлаш учун исм ва фамилиянинг биринчи ҳарфини қўйиб, ўз розилигини билдирмоқ; 2) *грам* юклама; ~ اَلتَّعْرِيفِ *грам.* аниқлик артикли; ~ اَلْجَرِّ предлог, олд қўшимчаси; ~ اَلْعَطْفِ *грам.* боғловчи; ~ الاِسْتِفْهَامِ сўроқ юкламаси; ~ اَلنِّدَاءِ ундалмада ишлатиладиган ундов сўз; حُرُوفُ الْقَسَمِ қасамни ифодаловчи юкламалар; 3) сўз; وَضَعَ النُّقَطَ عَلَى الْحُرُوفِ ҳеч бир ноаниқ ерини қолдирмай изоҳламоқ; яна масалага қайтмайдиган қилиб охирига етказмоқ (*сўзма-сўз: ҳарфларнинг устига нуқталарни қўймоқ*)

– حُرْفٌ[1] *бот.* бўлтириқ, чачирак; чиртилқоқ (ўсимлик)

– حُرْفٌ[2] давлати кўпаймаслик, бойимаслик

– حِرْفَةٌ[1] *кўп* حِرَفٌ машғулот: касб, касб-ҳунар; ~ صَاحِبُ ҳунарманд, косиб; ~ اَلْـــ (أَصْحَابُ) أَرْبَابُ ҳунармандлар, косиблар; ~ يَدَوِيَّةٌ қўлда бажариладиган ҳунар, қўлҳунар

– حِرْفَةٌ[2] = حُرْفٌ[2]

– حِرَفِيٌّ 1. касб-ҳунарга оид; 2. косиб, ҳунарманд

– حَرْفِيٌّ 1) ҳарфий, ҳарф билан; 2) сўзма-сўз, айнан, ҳарфма-ҳарф

– حَرْفِيَّةٌ 1) сўзма-сўз маъно; *сўзма-сўзлилик*; 2) *грам.* сўзнинг юклама сифатидаги маъноси

– حَرِيفٌ *кўп.* حُرَفَاءُ 1) ўртоқ, дўст; 2) бирга ўйновчи (*мас., шахматда*), шерик, жўра, улфат; 3) мижоз, клиент

– حَرِيفٌ 1) аччиқ *ёки* ўткир (*таом ҳақида*); 2) билағон, моҳир, уста

– مُحَارَفٌ беризқ, бенасиб, насибаси кам

– مُحْتَرَفٌ *кўп.* اتٌ ـــ устахона, ижодхона (*рассомники*)

– مُحْتَرِفٌ 1. муайян бир касб билан, иш билан шуғулланувчи; 2. бирор ҳунарни ўзига касб қилиб олган ва шу касб билан шуғулланувчи, профессионал;

~ طَبِيبٌ профессионал врач (*табиб*)

– مِحْرَافٌ *кўп.* مَحَارِيفُ *ёки* مِحْرَفٌ *кўп.* مَحَارِفُ *мед.* ичга юбориладиган резинка ичак

– مُحَرَّفٌ бузиб кўрсатилган, нотўғри талқин қилинган

– مُنْحَرِفٌ 1) оғувчи, тоювчи, четга бурилувчи; ~ اَلْمِزَاجِ бемор, хаста; 2) ғилай, эгри, қийшиқ; ~ خَطٌّ эгри чизиқ; ~ (مُعَيَّنٌ) مُرَبَّعٌ *мат.* трапеция; ~ شِبْهُ *мат.* трапецоид

حَرْفَشٌ *кўп.* حَرَافِشُ резавор ўсимлик

I **حَرَقَ** (*у*) حَرْقٌ 1) ёқмоқ, ёндирмоқ, куйдирмоқ, ёқиб (*куйдириб*) юбормоқ; ловуллатмоқ, ачиштирмоқ (*аччиқ таом ва ҳ.к.*); 2) (ғиштни) пиширмоқ; 3) (олов билан) зарар келтирмоқ, шикаст етказмоқ, ишдан чиқармоқ; بِالْمَاءِ اَلْحَرَّ ~ қайноқ сув билан куйдириб олмоқ, 4) қийнамоқ, азоб бермоқ (*очлик ҳақида*); 5) эговламоқ, ишқаламоқ; أَمَامَهُ بَحُورَ اَلْمَدِيحِ ~ *қар.* بَحُورٌ ~ اَلأَسْنَانَ؛ тишларни ғижирлатмоқ; II حَرَّقَ 1) қаттиқ куйдирмоқ; (*урушда*) ҳаммани куйдириб йўқ қилмоқ; 2) пасаймоқ, паст бўлмоқ (*сув сатҳи ҳақида*); оз бўлмоқ, кичик бўлмоқ (*тошқин ҳақида*); ◊ ~ اَلأَسْنَانَ тишларни ғижирлатмоқ; IV أَحْرَقَ куйдирмоқ, ёндирмоқ; йўқ қилмоқ (*ёнғин ҳақида*) قَلْبُهُ ~ *маж.* бирор кишининг ичини (*юрагини*) ёндирмоқ, бирор кишини катта ғамга қўймоқ, V تَحَرَّقَ ёнмоқ, куймоқ, куйиб кетмоқ, ёниб тамом бўлмоқ; ... شَوْقًا إِلَى ~ ...нинг ишқи билан (*ишқида*) ёнмоқ; VII اِنْحَرَقَ 1) куйдирилмоқ, ёндирилмоқ; 2) сув миқдори оз бўлмоқ (*Нил ҳақида*); VIII احْتَرَقَ алангаланмоқ, ўт илашиб кетмоқ; ёнмоқ, куймоқ

– اِحْتِرَاقٌ ёниш, куйиш; ~ قَابِلُ اَلْـــ ёнадиган, ёнувчан; ~ مُحَرِّكٌ بِالْـــ اَلدَّاخِلِيِّ ичдан ёнар двигатель; ~ تَلْقَائِيٌّ ўз-ўзидан ёниш;

– إِحْرَاقٌ ёндириш, куйдириш

– اِنْحِرَاقٌ сув миқдорининг оз бўлиши (*Нилда тошқин пайтида*)

– تَحَارِيقُ *кўп.* 1) сувнинг энг паст сатҳи (*Нил дарёсида*); 2) (*Нилда сувнинг озойиши билан боғлиқ бўлган*) қурғоқчилик

– تَحَرُّقٌ 1) ёниш, куйиш; 2) кучли хоҳиш, истак

– حَارِقٌ 1. ўт ёқувчи, ўт қўйиб юборувчи; 2. олов ёқувчи

– حُرَاقٌ чақмоқ учқунидан ўт илаштирадиган пилик

– حَرَّاقٌ 1) ёқиб юборувчи, куйдирувчи; 2; ёндирувчи; قُنْبُلَةٌ ~ـــةٌ ёндирувчи бомба; 3) ўткир, аччиқ; زَيٌّ الْفِلْفِلْ ~ *халқ.* қалампир каби аччиқ

– حُرَاقٌ = حُرَاقٌ

– حَرَّاقَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ миноносец, ўзиюрар миналар – торпедолар билан қуролланган ҳарбий кема; душман кемаларини ёндириш учун ёнувчи моддалар билан тўлғазилган махсус кема

– حُرَّاقَةٌ *кўп.* حَرَارِيقُ ғурра, пўрсилдоқ, қаварик

– حَرْقٌ[1] 1) ёниш, куйиш; عَمْدِيٌّ ~ ўт қўйиш, ёндириш, қасддан ўт қўйиш; أَحْسَادِ الْمَوْتَى ~ кремация, жасадларни куйдириш; 2) куйдириб юбориш

– حَرْقٌ[2], حُرُوقٌ (*шунингдек*: اللَّهَبِ ~) куйиш, куюк

– حَرَقٌ 1) ёниш, куйиш; 2) чўғ, лахча чўғ

– حَرَقَانٌ *шунингдек*: الْقَلْبِ ~ зарда, жиғилдон қайнаш

– حُرْقَةٌ, حَرْقَةٌ 1) ёниш, куйиш; ёндириш, куйдириш; қизиқиш, ҳавас; шиддат, қизғинлик; الْقَلْبِ ~ зарда, жиғилдон қайнаш; 2) ғазаб, қаҳр, жаҳл, зарда; بِـــهِ ~ شَتَمَهُ оғзига боди кириб, шоди чиқмоқ, оғзига келганни қайтармай сўкмоқ; بِـــهِ ~ بَكَى аччиқ-аччиқ йиғламоқ

– حَرِيقٌ 1. ёнувчи, ёнувчан; 2. 1) ёқилғи, ёнилғи; 2) ёнғин; ўт қўйиш, ёндириш, қасддан ўт қўйиш; ~ـــ الْبَابُ ёнғин бўлганда *ёки* бошқа заруратда очиладиган эшик

– حَرِيقَةٌ *кўп.* حَرَائِقُ 1) гулхан; 2) ёнғин

– مُحْتَرَقٌ *физ.* фокус, нурларнинг тўпланиш нуқтаси

– مُحْرَقٌ куйдирадиган, ёқадиган жой: أَحْسَادِ الْمَوْتَى ~ *ёки* ~ الْجُثَثِ крематорий

– مُحْرِقٌ 1) ёндирувчи, куйдирувчи; 2) ловуллатадиган, ачиштирадиган; 3) ўт қўювчи, олов ёқувчи; ёндирувчи; قُنْبُلَةٌ ~ـــةٌ ёндирувчи бомба; قَارُورَةٌ ~ـــةٌ ёндирувчи аралашма солинган бутилка (шиша идиш) (*танкларга қарши*)

– مُحَرَّقٌ пули йўқ, пулсиз, чўнтаги қуп-қуруқ

– مَحْرَقَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ гулхан, аланга

– مُحْرَقَةٌ = مُحْرَقٌ[1]

– مُحْرَقَةٌ[2] *кўп.* اتٌ ـــ *дин.* батамом куйдирилган қурбонлик; ◊ كَبْشُ (تَيْسُ) الْـــ ~ ҳамма балога сабабчи қилиб кўрсатиладиган ва жазоланадиган одам (*сўзма-сўз*: қурбонлик қўйи (эчкиси)

– مَحْرُوقٌ 1) куйдириладиган, куйдириб йўқ қилинган; ◊ خَطُّ الأَرْضِ الْـــ ~ـــةُ куйдирилган ер зонаси (*майдони*); 2) қийноқда қолган, азият чеккан; الْقَلْبِ ~ юрагида дарди бор, қалби қийноқда қолган, дили сиёҳ бўлган; ◊ يَا ~ـــةً يَا лаънати!; مِنْهُمْ ~ قَلْبُهُ уларда ўчи (*кеки*) бор (*сўзма-сўз*: улардан дили куйган)

– مَحْرُوقَاتٌ *кўп.* ёқилғи, ёнилғи; جَامِدَةٌ ~ қаттиқ ёқилғи; سَائِلَةٌ ~ суюқ ёнилғи; صِنَاعَةُ الْـــ ~ ёқилғи, ёнилғи ишлаб чиқариш

حَرْقَدَةٌ *кўп.* حَرَاقِدُ *анат.* кекирдак олмаси, қуштомоқ

حَرْقَفَةٌ *кўп.* حَرَاقِفُ қовурға, қовурға суяги

I **حَرُكَ** (*у*) حَرْكٌ, حَرَكَةٌ ҳаракатланмоқ, ҳаракат қилмоқ, ҳаракатга келмоқ, қимирламоқ, жойидан жилмоқ; II حَرَّكَ 1) ҳаракатга келтирмоқ, ҳаракатлантирмоқ, жойидан жилитмоқ, жойидан силжитмоқ, жилдирмоқ, суриб қўймоқ; 2) силкитмоқ, чайқамоқ, қимирлатмоқ; 3) аралаштирмоқ, кавламоқ (*овқат пиширганда*); 4) қўзғамоқ, қўзғатмоқ, уйғотмоқ; الْعَوَاطِفَ ~ таъсир қилмоқ, ҳаяжонлантирмоқ, ҳиссиётни қўзғатмоқ; الشَّهِيَّةَ ~ иштаҳани очмоқ; 5) (*бирор н. га*) қизиқтирмоқ, қўзғатмоқ, ҳавасини келтирмоқ (إِلَى); 6) *грам.* (*ҳарфларнинг*) ҳаракатини қўймоқ; ◊ لاَ يُحَرِّكُ سَاكِنًا у ҳеч бир иш қилмайди; унинг парвойи палак; у эътибор бермай ўтираверади; V تَحَرَّكَ 1) ҳаракатга келмоқ, жилмоқ, силжимоқ; ҳаракат қилмоқ; қимирламоқ; фаоллик кўрсатмоқ; 2) *грам.* (*ҳарфларнинг*) ҳаракати қўйилмоқ, ҳаракатли бўлмоқ (*ҳарфлар ҳақида*)

– تَحَرُّكٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ҳаракат, қатнов, кўчиш, силжиш; жўнаш, жўнаб кетиш; إِدَارَةُ الْـــ ~ات кемалар қатнови хизмати (*Суэвайш каналида*); رَئِيسُ الْـــ ~ات қатнов бошлиғи; 2) фаоллик, бирор мақсад йўлида қилинган ҳаракат; الْيَمِينِيُّ الْـــ ~ *сиёс.* ўнг унсурларнинг фаоллиги, активлиги

– تَحْرِيكٌ 1) ҳаракатга келтириш: 2) қўзғаш. қўзғатиш, уйғотиш; 3) *грам.* (*ҳарфларнинг*) ҳаракатини қўйиш

– حَارِكٌ ёл (*отларда*)

– حَرَاكٌ ҳаракат; لاَ يُبْدِي ~ا у қимирламаяпти, у ўрнидан силжимаяпти

– حَرِكٌ ҳаракатчан, серҳаракат, чаққон, эпчил, тетик

– حُرُكٌ 1. серҳаракат, серғайрат; қўзғаладиган, ҳаракатланадиган, юрувчи; 2) тектурмас одам, бесаранжом, жонсарак одам; ◊ وَصَلَ عَلَى الْـــ ~ у ўз вақтида (*роса пайтида*) етиб келди

– حَرَكَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ҳаракат; تَحْرِيرِيَّةٌ ~ *ёки* تَحَرُّرِيَّةٌ ~ озодлик ҳаракати; الْعُمَّالِيَّةُ الْـــ ~ *ёки* الْعُمَّالِ ~ ишчилар ҳаракати; النِّسَائِيَّةُ الْـــ ~ хотин-қизлар ҳаракати; الْمُرُورِ ~ шаҳар транспорти ҳаракати; السُّفُنِ ~ кемалар қатнови; اتٌ ~ اخْتِيَارِيَّةٌ *ёки* دَائِمَرْكِيَّةٌ اتٌ ~ *спорт.* асбобсиз бажариладиган эркин гимнастика машқлари; عِلْمُ الْـــ ~ *ёки* عِلْمُ الْمُحَرَّكَةِ *физ.* динамика; 2) иш, ҳаракат, динамика, амал; 3)

фаолият, хизмат, машғулот; кампания, маърака; ~ اِنْتِخَابِيَّةٌ сайлов кампанияси; ~ عِلْمِيَّةٌ илмий фаолият; 4) ўсиш, бориш, оқим; 5) гапирганда қўл ва бошқа аъзоларнинг ҳаракати; ~ ثَقِيلُ الْـ секинак, сусткаш, ланж, ивирсиган; ~ خَفِيفُ الْـ ҳаракатчан, серҳаракат, чаққон, тезов; 6) қилиқ, иш, ҳаракат; ~ وَسَكَنَاتُهُ унинг барча ишлари, унинг қилаётган барча ишлари; 7) *грам.* (*ҳарфларнинг*) ҳаракати, қисқа унли

– حَرَكِيٌّ ҳаракатга оид; ҳаракатга келтирувчи; динамик; ~ قِصَّةٌ сўзсиз, имо-ишоралар билан кўрсатиладиган тамоша, пантомима

– مُتَحَرِّكٌ 1. 1) ҳаракатланувчи, ҳаракатга келувчи; ўзи юрар; 2) серҳаракат, серғайрат; қўзғаладиган, ҳаракатланадиган, юрувчи; 2. *грам.* унли товуш

– مِحْرَاكٌ 1. ҳаракатга келтирувчи, ҳаракатлантирувчи; 2. 1) темир косов; 2), фитначи, ғаламис, иғвогар

– مَحْرَكٌ ҳаракат йўли, чизиғи; траектория

– مُحَرِّكٌ 1. 1) ҳаракатга келтирувчи, ҳаракатлантирувчи; ~ الْقُوَّاتُ الْـ ҳаракатга келтирувчи кучлар; 2) қўзғатувчи, уйғотувчи; 2. 1) *кўп.* ~ اتٌ двигатель, мотор; ~ كَهْرَبَائِيٌّ электромотор; 2) қўзғовчи, қўзғатадиган; 3) бирор ишни кўнгилга (*эсга*) солган нарса

حَرْكَتَ 1) ҳаракатга келтирмоқ, ҳаракатлантирмоқ; 2) силкимоқ, силкитмоқ, қоқмоқ; 3) титиб (титкилаб) чиқмоқ, кавлаб (кавлаштириб) ташламоқ (*бирор н. ни қидиришда*); 4) қўзғамоқ, уйғотмоқ, ҳаяжонга солмоқ; تَحَرْكَتَ *кўч.м.* (*бирор к. билан*) ёқалашмоқ, (*бирор к. га*) ёпишмоқ, муштлашишмоқ (ب)

– حَرْكَتَةٌ 1)ҳаракатга келтириш, силжитиш; 2) силкиш, силкитиш, қоқиш; 3) қўзғаш, қўзғотиш, ҳаяжонга солиш

حَرْكَشَ 1) ҳаракатга келтирмоқ, ҳаракатлантирмоқ; 2) титиб (титкилаб) чиқмоқ, кавлаб-кавлаштириб ташламоқ (*бирор н. ни қидиришда*); 3)қўзғатмоқ, уйғотмоқ, ҳаяжонга солмоқ

– حَرْكَشَةٌ 1) ҳаракатга келтириш, силжитиш; 2) қўзғаш, қўзғотиш, ҳаяжонга солиш

I **حَرُمَ** (*у*) حُرْمٌ, حُرْمَةٌ (*бирор к. учун*) таъқиқланмоқ, ман этилмоқ, (*бирор к. учун*) муқаддас бўлмоқ (عَلَى); حَرَمَ (*и*) حِرْمَانٌ 1)маҳрум қилмоқ; ~ مِنَ الإِرْثِ меросдан маҳрум қилмоқ; 2) ман этмоқ, таъқиқламоқ; 3) (*бирор н. дан*) чиқармоқ, бурмоқ, четлаштирмоқ (مِنْ); II حَرَّمَ муқаддас деб эълон қилмоқ; 2) таъқиқламоқ, ман этмоқ; 3) ташламоқ, тарк этмоқ, тўхтатмоқ; ~ عَلَى نَفْسِهِ التَّدْخِينَ чекишни ташламоқ; IV أَحْرَمَ 1) чиқармоқ, бурмоқ, четлатмоқ; 2) (*ҳаж маросими пайтида ҳарамга киришдан олдин*) эҳром боғламоқ; V تَحَرَّمَ 1) таъқиқланмоқ, ман этилмоқ, ҳаром бўлмоқ; 2) муқаддаслашмоқ; VIII اِحْتَرَمَ ҳурматламоқ, ҳурмат қилмоқ; ~ قَوَاعِدَ الْمُرُورِ ҳаракат қоидасига риоя қилмоқ; X اِسْتَحْرَمَ 1) ман этилган деб ҳисобламоқ, ноқонуний деб ҳисобламоқ; ҳаром деб ҳисобламоқ; 2) овқатланаётган бўлмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); тутмоқ, боқмоқ, кўпайтирмоқ (*ҳайвонларни*)

– اِحْتِرَامٌ 1) ҳурмат, эҳтиром, иззат; ~ عَلَى مَبْدَأِ الْمُتَبَادِلِ لِلسِّيَادَةِ وَالْمُسَاوَاةِ فِي الْحُقُوقِ وَ عَدَمِ التَّدَخُّلِ فِي الشُّؤُونِ الدَّاخِلِيَّةِ ўзаро ҳурмат, тенгҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик принципи асосида; 2) дахлсизлик; ~ الْمُلْكِيَّةِ мулк дахлсизлиги, ~ الْمَسْكَنِ турар жой дахлсизлиги

– اِحْتِرَامَاتٌ *кўп* ҳурмат белгилари, ҳурмат рамзлари; иззат-икром

– إِحْرَامٌ *дин* ҳаж маросимида ҳарам ҳудудига қадам босиш ва эҳром боғлаш; ~ مَلَابِسُ الْـ эҳром (*ҳарамга қадам босишда кийиладиган икки қисмдан иборат игна тегмаган оқ мато; унинг бири елкага ва бўйинга ташланади, иккинчиси белга ўралади*)

– تَحْرِيمٌ таъқиқлаш, ман этиш; ~ التَّجَارِبِ النَّوَوِيَّةِ ядро синовларини таъқиқлаш

– حَرَامٌ *кўп.* حُرُمٌ 1. 1) таъқиқланган, ман этилган; 2) ҳаром; ~ مِنْطَقَةٌ *ёки* ~ شِقَّةٌ *ёки* нейтрал минтақа; 3) муқаддас; ~ بَيْتُ اللهِ الْـ Каъба; ~ الشَّهْرُ الْـ муҳаррам (*ойи*) (*қамарий тақвимнинг биринчи ойи, 30 кун*); 4) ноқонуний, ҳаром; ~ بِالْـ ноқонуний йўл билан, ҳаром йўл билан; ~ اِبْنٌ никоҳсиз туғилган ўғил, ҳароми; ~ بِنْتُ никоҳсиз туғилган ҳароми қиз; 2. гуноҳ; ~ عَلَيْكَ! уялинг!

– حَرَامٌ *кўп.* أَحْرِمَةٌ, حَرَامَاتٌ адёл, катта ва қалин жун рўмол

– حَرَامِيٌّ *кўп.* حَرَامِيَّةٌ ўғри; қароқчи

– حَرَمٌ *кўп.* أَحْرَامٌ 1) таъқиқланган, ман этилган жой, дахлсиз жой; 2) муқаддас жой, қадамжо, зиёратгоҳ; 3) муқаддас ҳудуд; ~ الْـ *ик.с.* Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара; ثَالِثُ الْحَرَمَيْنِ Қуддуси шариф; *4*) муқаддаслик; қадамжо, зиёратгоҳ, энг муқаддас; 5) табу (таъқиқланган *бирор н.*); 6) рафиқа, хотин

– حُرْمٌ = إِحْرَامٌ

– حِرْمٌ *кўп.* حُرُومٌ рад қилиш, ҳайдаш; ~ كَنَائِسِيٌّ *дин.* черковдан ҳайдаш, черковдан четлатиш, лаънатлаб насроний диндан ихрож қилиш; ~ بَابَوِيٌّ папа томонидан диний маросимлардан четлатиш

– حِرْمَانٌ 1) маҳрум қилиш; ~ مِنَ الإِرْثِ меросдан маҳрум қилиш; 2) (*бирор н. дан*) чиқариш, четлаштириш

– حَرَمْلِكٌ ичкари, ҳовлининг аёллар учун ажратилган қисми

– حُرْمَةٌ *кўп.* حُرُمَاتٌ, حُرَمٌ 1) таъқиқланганлик, ман этилганлик, таъқиқланган, ман этилган нарса; 2) муқаддас нарса; 3) муқаддаслик, дахлсизлик; ~ الشَّخْصِيَّةِ шахс дахлсизлиги; 4) ҳурмат, иззат, эҳтиром; 5) рафиқа, хотин; аёл

– حَرْمَةٌ шаҳват, шаҳвоний нафс

– حَرِيمٌ *кўп.* حُرُمٌ, حَرِيمَاتٌ 1) рафиқа, хотин; (*бир кишининг*) хотинлари; 2; *шунингдек*: ~ بَيْتُ الْـ ҳарам; 3) ичкари, ҳовлининг аёллар учун ажратилган қисми; ~ الْبِئْرِ қудуқ атрофидаги унга тегишли бўлган ҳудуд (*территория*)

– حَرِيمِيٌّ аёлларга тегишли; الأَزْيَاءُ الْـــ ـــةُ аёлларнинг кийим-кечаги, аёллар модаси; الأَفْمِشَةُ الصُّوفِيَّةُ الْـــ ـــةُ аёлларнинг кийим-кечагига боп бўлган жун матолар

– مُحْتَرَمٌ муҳтарам, ҳурматли, эътиборли; кўп ҳурматли (*мактуб ёзишда*)

– مَحْرَمٌ *кўп.* مَحَارِمُ 1. 1) таъқиқланган, ман этилган; 2) ҳарамга киришга ҳуқуқи бор, маҳрам; 2. 1) ман этилган нарса, таъқиқланган нарса; 2) қариндош

– حُرْمَةٌ *ёки* مَحْرُمَةٌ = مَحْرُمَةٌ

– مُحْرِمٌ эҳром боғлаган ҳожи

– مُحَرَّمٌ 1. 1) ман этилган, таъқиқланган; 2) ҳаром; 2. муҳаррам (қамарий тақвимнинг биринчи ойи, 30 кун)

– مُحَرَّمَاتٌ *кўп.* 1) никоҳланиш таъқиқланган қариндошчилик; 2) ман этилган нарса, таъқиқ, ман, қатағон; حَلَّلَ جَمِيعَ الْـــ ـــ *ёки* ارْتَكَبَ الْـــ ـــ барча таъқиқларни бузмоқ

– مَحْرَمَةٌ *кўп.* مَحَارِمُ рўмолча, дастрўмол

– مَحْرُومٌ 1. 1) (*бирор н. дан*) маҳрум бўлган, маҳрум (مِنْ); 2) рад этилган, четлатилган; 3) бахтсиз, бадбахт; бечора; 2. омадсиз, омади йўқ одам, иши ўнгидан келмаган одам

حَرْمَلٌ *бот.* жанубда ўсадиган ўсимликлардан бири (*уруғи бўёқчиликда ишлатилади*)

– حَرْمَلِكٌ *қар.* حرم

– حَرْمَلَةٌ *кўп.* حَرَامِلُ, حَرْمَلَاتٌ калта чопон, елкага ташлаб юриладиган енгсиз кийим

I حَرُنَ[1] (*у*) حُرُونٌ 1) ўжарлик қилмоқ, қайсарлик қилмоқ (*от ҳақида*); 2) тўхтаб қолмоқ, бузилмоқ, юрмай қолмоқ (*машина ҳақида*); حَرَنَ[2] (*у*) حُرُونٌ = حَرُنَ

– حَرُونٌ *кўп.* حُرُنٌ қайсар, ўжар, асов, терс; ён бермайдиган, гапга кўнмайдиган

حَرْوَةٌ 1) зарда, жиғилдон қайнаш; 2) сассиқ ҳид, бадбўй ҳид

(حرى) V تَحَرَّى 1) ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ; 2) ҳар томонлама текширмоқ, текшириб кўрмоқ, қидирмоқ, қидирув ишлари олиб бормоқ, дастлабки тергов ишларини олиб бормоқ; 3) риоя қилмоқ, амал қилмоқ; أَوَامِرَ الدِّينِ ~ дин кўрсатмаларига амал қилмоқ

– أَحْرَى энг муносиб, энг мос, энг боп; ... بِهِ أَنْ ~ унинг учун энг яхшиси ...; بِالْـــ ~ энг яхшиси, энг тўғриси; айниқса, хусусан, ... فَمَا أَحْرَانَا أَنْ ... энг яхшиси биз ...имиз керак эди; فَقَدْ كَانَ ~ بِهِ ... إِنْ لَمْ تَفْهَمْ هَذَا أَنْ يَقُولَ ... энг яхшиси у ... дейиши керак эди; أَنْتَ لَهُ ~ أَنْ لَا نَفْهَمَهُ نَحْنُ агар бу нарсани сен тушунмаган бўлсанг, бизнинг тушунишимиз анча мушкул

– تَحَرٍّ *кўп.* تَحَرِّيَاتٌ 1) қидириш, қидириб топиш, тадқиқот, тадқиқ қилиш; التَّحَرِّيَاتُ التَّارِيخِيَّةُ тарих соҳасидаги тадқиқотлар; 2) текширув, ҳар томонлама текшириб кўриш; қидирув иши, дастлабки тергов; رِجَالُ التَّحَرِّي махфий полиция агентлари; شُرْطَةُ التَّحَرِّي қидирув полицияси

– حِرَاءٌ Ҳиро (*Маккаи мукаррамадаги тоғ номи*)

– حَرِيٌّ (*бирор н. га*) муносиб, арзигулик (ب); أَوْ بِالْـــ ~ ундан яхшиси эса

I حَزَّ (*а/у*) حَزٌّ 1) кертиб белги қилмоқ, тилмоқ, чақмоқламоқ; 2) ярадор қилмоқ; ажратмоқ, кесмоқ, қирқмоқ; ◊ أَلَمٌ فُؤَادَهُ ~ оғриқ жонини қийнаб юборди; هَذَا الْمَنْظَرُ فِي نَفْسِهِ (قَلْبِهِ) ~ бу нарсага қараб туриш унинг учун жуда оғир (*сўзма-сўз:* бу манзара унинг дилини ўртаб юборди; عَجَزْتُ عَنْ ... فِي نَفْسِهِ ~ فَكَمْ ... қила олмаганлигидан у қанчалик азобланди (сўзма-сўз: ...дан ожизлиги уни қанчалик азобга қўйди); II حَزَّزَ кертик қилиб қўймоқ, кемтик қилмоқ; VIII احْتَزَّ ажратмоқ, кесмоқ, чопмоқ

– حَزٌّ[1] сал (бир оз) кесиш, андак кесиш, чақмоқлаш; 2) ярадор қилиш, яралаш

– حَزٌّ[2] *кўп.* حُزُوزٌ 1) кертиш, кесиш; кертик, белги, кесик; 2) яра; 3) керакли, зарур он (момент)

– حَزَازٌ *жам.* 1) бош кепаги, қазғоқ; 2) темиратки; 3) *бот.* Исландия йўсини

– حَزَازَةٌ[1] 1) бош кепаги, қазғоқ; 2) темиратки

– حَزَازَةٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) душманлик, адоват; ғазаб, қаҳр, аччиқ; нафрат; 2) эски (қадимий) хусумат; кўп низо, ниф оқ, тортишув; ـَاتٌ ـــ قَبَلِيَّةٌ қабилавий (*қабилалараро*) низолар

– حَزَازَةٌ[3] юракдаги оғриқ

– حَزَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) кертиш, кесиш. кертик, белги, кесик; 2) керакли он (момент); 3) зарда, жиғилдон қайнаши; حَسِرَةٌ ~ оғриқ (юракдаги)

– حُزَّةُ: السَّرَاوِيلِ ~ лозим *ёки* бошқа ички кийимнинг бел қисми; أَخَذَ بِـــ ـــهِ *маж.* бўйнидан олмоқ (*сўзма-сўз:* белидан олмоқ)

– مَحَزٌّ 1) кертик, белги, кесик; 2) энг нозик, энг қалтис жой, ◊ أَصَابَ الْـــ ~ мўлжалдаги жойга тегмоқ; нақ ўзига тегмоқ; وَصَلَتِ السِّكِّينُ عَلَى الْـــ ~ бугун пичоқ бориб, суякка тақалди (сўзма-сўз: бугун пичоқ энг нозик жойга етди)

I حَزَبَ (*у*) حَزْبٌ (*бирор к. га*) таъсир қилмоқ, (*бирор к. ни*) қаттиқ ранжитмоқ, ташвишга солмоқ (فِي); II حَزَّبَ (ўз атрофига одамларни) тўпламоқ, йиғмоқ (إِلَى); 2) партия ташкил этмоқ; ~ الأَحْزَابَ ضِدَّهُ (*бирор к. га қарши*) тиш қайрамоқ, ҳужум қилмоқ, жангга отланмоқ; III حَازَبَ 1) (*бирор к. билан*) бир партияга мансуб бўлмоқ; 2) (*бирор к. ни*) қўллаб-қувватламоқ; V تَحَزَّبَ 1)партия сафига кирмоқ, партия аъзоси бўлмоқ; 2) партия ташкил қилмоқ; 3) (*бирор к. нинг*) тарафида бўлмоқ (ـِل); 4) (*бирор к. га қарши*) отланиб чиқмоқ, ҳужум қилмоқ (ضِدَّ)

– حَازِبٌ *кўп.* حَوَازِبُ ташвишга соладиган нарса, фалокат; حَزَبَهُ ~ унга нимадир қаттиқ азоб бермоқда

– تَحَزُّبٌ 1)партиявийлик; 2) партиявийлик руҳи; 3) ғаразгўйлик билан қараш, тарафкашлик, ғараз; ~ اللا عَدَمُ бетарафлик, холислик, беғаразлик

– تَحَزُّبِيٌّ ғаразгўй, тарафкаш

– حِزْبٌ, أَحْزَابٌ 1)партия (*сиёсий*); الأَحْزَابُ الْعُمَّالِيَّةُ ишчи партиялари; ~ الْعُمَّال лейбористлар партияси; الأَحْزَابُ *кўп. Қур.* Мадинаи мунаввара учун бўлган жангда Муҳаммад алайҳиссаломга қарши турган иттифоқдош қабилалар; 2) Қуръони каримнинг олтмишдан бир қисми; ~ النُّزُول қимматли қоғозлар баҳоси тушганда савдо қилувчилар (*биржада*)

– حِزْبِيٌّ 1. партияга оид; ~ لا *ёки* ~ غَيْرُ партиясиз; 2. партия аъзоси

– حِزْبِيَّةٌ партияга мансублилик, партиявийлик; ~ اللا партиясизлик

– مُتَحَزِّبٌ 1) партия ҳисобидаги, 2) ўз қарашларида сабот билан турувчи

I **حَزَرَ** (*u, y*) حَزْرٌ 1) пайқаб билиб олмоқ, тахминан аниқламоқ, тахмин қилмоқ, белгиламоқ, аниқламоқ; 2) ўйлаб топмоқ, гумон қилмоқ

– حَزْرَةٌ *кўп.* اتٌ ~ الْمَال мол-мулкнинг энг яхшиси

– حَزُورَةٌ *кўп.* حَزَازِيرُ топишмоқ; жумбоқ, чистон, муаммо

– مَحْزَرَةٌ 1) аниқлаш, белгилаш; 2) пайқаш, идрок, сезгирлик; фараз, гумон

I **حَزَقَ** (*u*) حَزْقٌ 1) босмоқ, сиқмоқ, эзмоқ, қисмоқ; қисиб (*сиқиб*) қўймоқ, тор келмоқ (*кўйлак, оёқ кийими ва ҳ.к. ҳақида*); 2) қидирмоқ, ахтармоқ; 3) *халқ.* кучаниб қақағламоқ (*тухум қилаётган товуқ ҳақида*); زَيَّ الْفِرَاخْ تَبِيضْ وَتِحْزَقْ бошқалар учун ишламоқ (*сўзма-сўз:* товуқ каби сотувчи учун тухум қиласан ва кучаниб қақағлайсан); II حَزَّقَ торайтирмоқ, тор қилмоқ, тиғиз қилмоқ, зич қилмоқ; торайтмоқ (*мас., шимни*); VII انْحَزَقَ торайтмоқ

– حَازِقٌ туфлиси қисган, тор келган одам

– حَزُوقَةٌ, حَازُوقَةٌ ҳиқичоқ

– حَزْقٌ 1) босиш, сиқиш, эзиш, қисиш, қисиб қўйиш; 2) ҳиқичоқ тутиш; 3) *халқ.* кучаниб қақағлаш (*тухум қўяётган товуқ ҳақида*)

– حِزْقٌ гала, тўда, тўп

– حِزْقَةٌ = حِزْقٌ

– حَزِيقَةٌ *кўп.* حَزَائِقُ парча, лахтак, узуқ, бўлак

– مُحَزَّقٌ тор, сиқиқ (*кийим ҳақида*)

– مَحْزُوقٌ қийин вазиятга қўйилган, қийин вазиятда қолган; оғиз очолмайдиган бўлиб қолган, чурқ этолмайдиган

I (ҳазм) **حَزَمَ** (*u*) حَزْمٌ боғламоқ, тугмоқ, тугун тугмоқ; жойлаб саранжом қилмоқ, ўраб қўймоқ; 2) тасма тақмоқ; белбоғ боғламоқ, камар боғламоқ, белга ўрамоқ; حَزْمٌ (*y*) حَزْمٌ, حَزَامَةٌ, حُزُومَةٌ 1) қатъиятли бўлмоқ, собитқадам бўлмоқ; 2) мулоҳазали бўлмоқ, доно бўлмоқ, тадбирли бўлмоқ; II حَزَّمَ 1) камар боғламоқ, белга ўрамоқ, белига белбоғ боғлаб қўймоқ; 2) боғ боғламоқ, бойламоқ, тугмоқ; V تَحَزَّمَ (*бирор н. билан*) белни боғламоқ, бойламоқ (ب); 2) эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмоқ; (*бирор н. да*) қатъият кўрсатмоқ (في); VII انْحَزَمَ боғланмоқ, тугилмоқ, жойланиб саранжом қилинмоқ; VIII احْتَزَمَ белни боғламоқ, бойламоқ; (*бирор н. ни*) белга бойламоқ (ب)

– أَحْزَمُ энг доно, энг тадбиркор, энг фаросатли; ~ أَنَّ الـ... энг маъқули шуки, ...

– حَازِمٌ *кўп.* حَزَمَةٌ 1) қатъий, саботли, узил-кесил, 2) доно, тадбиркор, фаросатли, маъқул; эҳтиёткор

– حِزَامٌ *кўп.* حِزَامَاتٌ, أَحْزِمَةٌ белбоғ, камар; ҳарбийлар камарининг елка тасмаси; (*шунингдек:* لِلْفَتْقِ ~ бандаж (*таннинг касал жойини танғиб қўядиган камар, белбоғ*), қуллоб; ~ السَّرْجِ қоринбоғ, айил (*от абзали*); ~ الأَمْنِ *ёки* ~ الأَمَانِ *ёки* ~ النَّجَاةِ эҳтиёт камари, сувга чўкиб кетмаслик учун белга боғланадиган камар; ~ الـ الإِشْعَاعِيُّ مِنَ الأَرْضِ *физ.* Ернинг радиоактив минтақаси; ~ـهُ شَدَّ а) камарни қисиб бойламоқ, кам овқатланмоқ, ўзини қантармоқ; б) (*бирор н. га*) тайёрланмоқ, ҳозирлик кўрмоқ (لـ); وَثَّقَ اللهُ ~ـهُ у тўқ, бадавлат яшайди

– حِزَامِيٌّ белга (камарга) оид; айланма, ҳалқасимон; خَطُّ الْمِتْرُو الـ~ метронинг айланма йўли

– حَزْمٌ[1] 1 1) боғлаш, бойлаш, тугиш (*тугун қилиш*); жойлаб, саранжомлаб қўйиш, ўраб қўйиш; 2) қатъият, матонат, сабот; فِي ~ *ёки* بِـ~ қатъият билан; 3) мулоҳазалилик, тадбиркорлик, ақллилик; эҳтиёткорлик

– حَزْمٌ[2] *кўп.* حُزُومٌ кўтаринкилик, юксаклик, олижаноблик, юксалиш, мартабаси ошиш

– حُزْمَةٌ тугун, боғлам, даста, шода; той (*мас., пахта тойи*); маҳсулот жойланадиган, ўраладиган нарса; пакет, қоғоз халта; боғ, бойлам (*мас., ошқўк, редиска*); боғ (бойлам); ~ تَأَلَّبُوا عَلَيْهِ улар ҳаммалари бир бўлиб унга қарши ҳужумга ўтдилар وَاحِدَةً

– حَزِيمٌ *кўп.* حُزَمَاءُ қатъиятли, матонатли, собитқадам

– حَيْزُومٌ *кўп.* حَيَازِيمُ 1) кўкрак; ~ الصَّدْرِ *анат.* умуртқа билан кўкрак қафаси оралиғи; 2) *кема тагёғочининг кема тумшуғига ўтган* томони; кеманинг олд қисми, тумшуғи; 3) фаришталар минадиган отлардан бирининг номи

– مِحْزَمٌ, مِحْزَمَةٌ, مَحْزَمٌ *кўп.* مَحَازِمُ 1)фартуқ; камар; 3) ўров, ўрам; ўраш; бандероль

I **حَزَنَ** (*y*) حَزْنٌ хафа қилмоқ, қайғуга солмоқ, ғамга солмоқ; حَزِنَ (*a*) حَزَنٌ (*бирор н. дан*) хафа бўлмоқ, ғам чекмоқ, қайғуда қолмоқ (عَلَى, لِـ); 2) (*бирор к. га*) аза очмоқ, мотам тутмоқ (عَلَى); II حَزَّنَ қайғуга солмоқ, ғамга қўймоқ, кулфат келтирмоқ; IV أَحْزَنَ хафа қилмоқ, қайғуга солмоқ; V تَحَزَّنَ ғамгин бўлмоқ, хафа бўлмоқ; VI تَحَازَنَ ўзини ғамгин қилиб кўрсатмоқ; VIII احْتَزَنَ = V

– تَحْزِينٌ: ~ قَرَأَ بِالـ майин овоз билан ўқимоқ

– حَزَائِنِيٌّ, حَزَايِنِيٌّ 1) ғамгин, қайғули, ҳасратли, аянч; 2) матонатга оид; ~ قُمَاشٌ мотам матоси, азада кийиладиган мато

– حَزْنٌ *кўп.* حُزُونٌ нотекис қаттиқ тупроқ

– حَزَنٌ ғам, кулфат, хафалик

– حَزِنٌ ғамгин, қайғули, аянчли

– حُزْنٌ *кўп.* أَحْزَانٌ ғам, қайғу, ҳасрат; мотам, аза; زَادَهُ هَذَا ~اً عَلَى бу уни яна баттар қайғуга солди

– حَزْنَانُ *кўп.* حَزَانَى 1) ғамгин, қайғули, аянчли; 2) мотамдор, азадор

– حُزُونَةٌ нотекислик (*тупроқдаги*)

– حَزِينٌ *кўп.* حَزَانٌ, حُزَنَاءُ 1) ғамдан гангиб қолган, ғамгин, хафа, қайғули; ~ الْقَلْبِ ўксик қалбли, дили ўксик; الْجُمْعَةُ الْـ~ـةُ *қар.* جُمْعَةٌ 2) ачинарли, кишининг раҳмини келтирадиган; مَالِكُ الْـ~ *қар.* مَالِكٌ

– مُحْزِنٌ ғам-ғуссали, дард-аламли, юракни эзадиган, вазмин, фожиавий, фожиали, даҳшатли, ваҳимали; رِوَايَةٌ ~ـةٌ *ад.* фожиа, трагедия

– مَحْزَنَةٌ ғам, дард, алам, қайғу; мотам, аза

– مَحْزُونٌ ғамгин, қайғули, хафа, дардли

حَزَنْبَلٌ *бот.* дастарбош, бўймодарон (*ўсимлик*)

حُزْوَى Даҳно чўлидаги қумлоқ ер қисми

حَزِيرَانُ июнь

I **حَسَّ**[1] (*u/a*) حَسٌّ, حِسٌّ ҳис қилмоқ, сезмоқ, билмоқ; حَسَّ[2] (*u/u*) حَسٌّ (*бирор к. га нисбатан*) шафқат (меҳрибонлик) ҳис қилмоқ; (*бирор к. га*) ҳамдард бўлмоқ, раҳми келмоқ (لِـ); حَسَّ[3] (*a/y*) حُسٌّ 1) йўқ қилмоқ, йўқотмоқ; 2) тозаламоқ; الْحِصَانَ بِالْمِحَسَّةِ ~ қашлағич билан отни қашламоқ; عَنْهُ الْغُبَارَ ~ бирор нарсадаги чангни (ғуборни) артмоқ (кетказмоқ); II حَسَّسَ 1) пайпаслаб юрмоқ; 2) (*бирор н. ни*) пайпаслаб ушлаб кўрмоқ, тимирскиламоқ (عَلَى); اللَّهُ عَلَى رَأْسِهِ بَطْحَةً يُحَسِّسُ عَلَيْهَا *халқ. мқл.* азага борган аёл ўз дардини айтиб йиғлайди (*сўзма-сўз*: бошида яраси бор одам доим ўшани пайпаслайди); IV أَحَسَّ ҳис қилмоқ, сезмоқ, туймоқ, эшитмоқ, эътибор бермоқ (ب); V تَحَسَّسَ 1) дараклаб билмоқ, суриштириб билмоқ, сирдан бохабар бўлмоқ, разведка қилмоқ; 2) (*муҳаббат, хайрихоҳлик ва ҳ.к. лар ни*) чуқур ҳис қилмоқ (ب); 3) пайпаслаб ушлаб кўрмоқ, тимирскиламоқ, ушлаб кўриб билмоқ

– إِحْسَاسٌ *кўп.* ـَـاتٌ, أَحَاسِيسُ ҳис қилиш, сезиш, туйиш, ҳис; ~ شَدِيدُ الْـ ўта сезгир, ўта сезувчан; عَدِيمُ (فَاقِدُ) الْـ~ ҳиссиз, туйғусиз; 2) кечинма, бошдан кечириш; 3) олдиндан сезиш, кўнгилга келиш

– حَاسَّةٌ *кўп.* حَوَاسُّ сезги; الْحَوَاسُّ الْخَمْسُ сезгининг беш тури; ~ الْبَصَرِ وَالسَّمْعِ وَالشَّمِّ وَالذَّوْقِ وَاللَّمْسِ кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш ва ушлаб билиш сезгиси

– حِسٌّ 1) ҳис, туйғу, идрок этиш; 2) шитирлаш; товуш; овоз; وَلَا ~ وَلَا خَبَرَ مِنْهُ ундан на хат, на хабар бор

– حُسَاسٌ *жам. майда балиқларнинг бир тури*

– حُسَاسَةٌ *майда балиқча*

– حَسَّاسٌ ҳассос, сезгир, бир нарсани ўзига тез оладиган; نُقْطَةٌ ~ـةٌ *кўч м.* нозик, қалтис жой; مَسْأَلَةٌ ~ـةٌ нозик, қалтис масала

– حَسَّاسَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ 1) сезги аъзоси; 2) кармович, қисқич, мўйлаб (*айрим жониворларнинг сезиш, қисиш, овқатни қамраб олиш учун хизмат қиладиган аъзолари*)

– حَسَّاسِيَّةٌ сезгирлик, таъсирчанлик; ~ الْـ شَدِيدُ ўта сезгир (*мас, асбоб*); ~ مَرَضُ الْـ *мед.* аллергия

– حِسِّيٌّ 1) сезгига оид, сезиладиган, билинадиган, сезиб бўладиган; ~ الْمَذْهَبُ الْـ *фалс.* сенсуализм (*билишнинг ягона манбаи ҳис деб ҳисобловчи таълимот*); 2) сезиларли, кўзга кўринарли; 3) моддий

– حَسِيسٌ 1. сезувчан, сезгир; 2. чирсиллаш, чарсиллаш; шитирлаш, шитирлаган овоз; ғовур-ғувур, енгилгина шовқин

– حَسِيَّةٌ сезгирлик, таъсирчанлик

– مِحَسَّةٌ *кўп.* ـَـاتٌ қашлағич

– مَحْسُوسٌ 1. 1) сезги ёрдамида билинадиган; сезиларли, кўзга кўринарли, ~ لَا билиб бўлмайдиган; 2) сезувчан, сезгир, сезиларли; очиқ-ойдин, аниқ, равшан; ~ غَيْرُ ҳис қилиб бўлмайдиган, яширин; صَادِرَاتٌ غَيْرُ ~ـةٌ *савдо.* яширин экспорт; 2. *кўп.* ـَـاتٌ сезиладиган, ҳис қилинадиган нарсалар

I **حَسَبَ** (*y*) حُسْبَانٌ, حِسَابٌ 1) санамоқ; أَلْفَ حِسَابٍ ~ минг хил тахмин қилмоқ, бирор ниманинг асл моҳиятини пайқамай тараддудда қолмоқ (لِـ); حِسَابًا لِـ... ~ (*бирор к. билан*) ҳисоблашмоқ; لَا تَحْسُبْ حِسَابًا لِغَيْرِي! ҳисоб-китобни фақат мен билан қил!; حِسَابَهُ ~ (*бирор к. билан*) ҳисоблашмоқ; لِلْعَاقِبَةِ ~ حِسَابَهَا оқибатни ҳисобга олмоқ; (*бирор н. ни*) тушуниб олмоқ, (*бирор н. нинг*) фаҳмига етмоқ; 2) дебетга, кирим томонига ёзиб қўймоқ (عَلَى); кредитга, чиқим томонига қайд этмоқ (لِـ); 3) (*бирор к. билан*) ҳисоб-китоб қилмоқ, حَسِبَ (*a, u*) حُسْبَانٌ гумон қилмоқ, фараз қилмоқ, бирор фикрга келмоқ, ўйлаб кўрмоқ; حَسُبَ (*u*) حَسَبٌ аслзодалардан (оқсуяклардан) бўлмоқ; III حَاسَبَ 1) (*бирор к. билан*) ҳисоблашмоқ, ҳисоб-китоб қилишмоқ, орани очиқ қилмоқ; 2) ҳисоб бермоқ, ҳисобот бермоқ; 3) (*бирор к. дан бирор н. ҳақида*) ҳисобот талаб қилмоқ; 4) (*бирор масалада*) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ (عَلَى); حَاسِبْ عَلَى نَفْسِكَ эҳтиёт бўл, ўзингни эҳтиёт қил!; حَاسِبْ! етарли!, бўлади!; V تَحَسَّبَ 1) сўраб билмоқ, суриштириб билмоқ, сиридан бохабар бўлмоқ; 2)

огоҳлантирилмоқ, эҳтиёт бўлмоқ; VI تَحَاسَبَ бир-бирига ўзаро ҳисобот бермоқ; VII انْحَسَبَ саналмоқ, ҳисобланмоқ; VIII احْتَسَبَ 1) ҳисобланмоқ, саналмоқ, аниқланмоқ; 2) санамоқ, ҳисобламоқ; 3) (*қарзни, гоҳни ва ҳ.к. ларни*) ҳисобга олмоқ, ҳисобламоқ, эътиборга олмоқ; ҳисобга ўтказмоқ; 4) (*бирор н. га. бирор н.* билан) қаноатланмоқ, чекланмоқ (ب); 5) яқин кишининг вафотига (*ёки йўқотилганлигига*) сабр-тоқат билан чидамоқ; ~ عِنْدَ اللهِ أَجْرًا (*бирор н. ни*) Оллоҳ йўлида қилмоқ (*бажармоқ*) (ب)

– احْتِسَابٌ 1) санаш, саналиш, ҳисоблаш, ҳисобланиш; 2) қаноат; 3) сабр-тоқат қилиш

– أَحْسَبُ *мн.* حَسْبَاءُ *кўп.* حُسْبٌ альбинизмга мубтало бўлган, тук ёки терининг рангсизланиши (оқариб кетиши) касалига учраган

– حَاسِبٌ *кўп.* حَسَبَةٌ 1. ҳисобловчи; 2. ҳисобчи, счётчик; ~ الأَصْوَاتِ овозларни ҳисобловчи, саноқ комиссияси аъзоси (*сайлов ёки овоз беришда*)

– حَاسِبَةٌ 1. ҳисобловчи (*мн.*); ~ آلَةٌ ҳисоблаш машинаси; арифмометр 2. *кўп.* ـَاتٌ ـِـ ҳисоблаш машинаси; الـ~ الإِلِكْتُرُونِيَّةُ электрон-ҳисоблаш машинаси

– حِسَابٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ ـِـ 1) ҳисоблаш; ~ التَّفَاضُلِ *мат.* дифференциал ҳисоблаш; ~ التَّمَامِ وَالتَّكَامُلِ *мат.* интеграл ҳисоблаш; ~ الْمُثَلَّثَاتِ тригонометрия; ~ عِلْمُ الـ~ арифметика; ~ الْجُمَّلِ абжад ҳисоби; ~ شَرْقِيٌّ йилни ҳисоблашнинг эски усули; ~ غَرْبِيٌّ йилни ҳисоблашнинг янги усули; 2) ҳисоб, тўлов; ~ الأَرْبَاحِ وَالْخَسَائِرِ фойда ва зарарларнинг ҳисоби; جَارٍ ~ жорий ҳисоб; فَتَحَ ~ا جَارِيًا жорий ҳисоб (счёт) очмоқ; عَلَى ~ِـه عَلَى الـ~ қарзга; لِـ~ِـه унинг ҳисобига, унинг мол-мулки ҳисобига; ~ (بِلاَ) بِغَيْرِ беҳисоб, кўп; سَدَّدَ (دَفَعَ) الـ~ тўламоқ, ҳақ тўламоқ; سَوَّى الـ~ ҳисобни тартибга солмоқ, тўғриламоқ; أَسْقَطَهُ مِنَ الـ~ бирор нарсани эътибордан соқит қилмоқ; بِالـ~ бирор нарсани эътиборга олмоқ, бирор нарса билан ҳисоблашмоқ; ~ عَمِلَ أَلْفَ (*бирор масалада*); жуда кўп ҳисоб-китоб қилмоқ (ـِـ); 3) якун, якун ясаш, ҳисобот; رَئِيسُ الـ~ِـات ҳисоботлар бошлиғи; ~ نِهَائِيٌّ сўнгги, охирги ҳисоб-китоб; ~ خِتَامِيٌّ йиллик ҳисобот; ~ا عَنْ أَدَّى бирор масала бўйича ҳисоб бермоқ; ~ يَوْمُ الـ~ *ёки дин.* қиёмат, қиёмат куни; 4) мол олиш *ёки* жўнатиш ҳужжати

– حِسَابٌ[2] етарли, етарли миқдорда; ~ عَطَاءٌ етарли миқдорда берилган нарса

– حِسَابِيٌّ ҳисобга оид; арифметик, арифметикага оид; عَمَلِيَّةٌ ~ـَـةٌ арифметик амал

– حَسَابَةٌ аслзодалик, оқсуяклик

– حَسْبٌ 1) ҳисоб санаш, санаб чиқиш, санаб кўриш, саноқ; 2) фикр, муҳокама, текшириш; 3) мўллик, кифоя қиларлик, етарлилик; فَحَسْبُ! шу холос!; ~ ... فَـ~ بَلْ ... لَيْسَ *ёки* ... لَا ... فَحَسْبُ ...гина эмас, балки ...; ~ لَيْسَ مُهَنْدِسًا بَارِعًا فَـ~ ... وَلَكِنَّهُ خَطِيبٌ أَيْضًا у қобилиятли муҳандисгина эмас, балки аъло даражадаги нотиқ ҳамдир; ~ ... كَ~ (بِـ~كَ) مَثَلاً أَنَّ сенга мисол сифатида етарлидир; ... وَ ~نَا أَنْ نَقُولَ إِنَّ шуни айтишимиз кифоя қиладики, ...; ~مَا = حَسَبَمَا (*қар.* حَسَبَ)

– حَسَبٌ *кўп.* أَحْسَابٌ 1) аслзодалик, оқсуяклик; الـ~ وَالنَّسَبُ аслзодалик, оқсуяклик, ذَوُو الأَحْسَابِ аслзодалар, оқсуяклар; 2) тақдирлашга арзийдиган иш, хизмат; ... ~ *ёки* ... ~ِـ ...га биноан, ...га мувофиқ; بِـ~ هَذَا шунга мувофиқ, шунга биноан, шунинг учун; ~ عَلَى ўшанга мувофиқ, ўша нарсага биноан; مِنْ كُلِّ ~ قُدْرَتِهِ (كَفَاءَتِهِ) ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша, وَلِكُلِّ ~ حَاجَتِهِ ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга مِنْ كُلِّ ~ قُدْرَتِهِ وَلِكُلٍّ ~ مَا يُؤَدِّى مِنْ عَمَلٍ ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша; ~مَا ...га кўра, ...га мувофиқ; ~مَا اتَّفَقَ палапартиш, чалакам-чатти, дуч келганича

– حُسْبَانٌ, حِسْبَانٌ 1) ҳисоб, мўлжал; ~ هَذَا لَمْ يَكُنْ فِى الـ~ (بِالـ~) бу ҳисобга олинмаган эди, бу мўлжалда йўқ эди; لَمْ يَدْخُلْ فِى الـ~ бу унинг мўлжалида йўқ эди; ~ِـه هَذَا فِى ~ كَانَ فِى الـ~ أَنَّ ҳисобда шу нарса бор эдики, ..., шу нарса мўлжалланмоқда эдики, ...; ~ أَخَذَهُ فِى الـ~ бирор киши билан ҳисоблашмоқ; 2) гумон, фараз, тахмин

– حُسْبَةٌ *кўп.* حِسَبٌ 1) ҳисоб, саноқ; ҳисоб-китоб; 2) арифметик масала; 3) мукофот, илтифот, инъом; لِلَّهِ ~ Оллоҳ йўлида; 4) *тар.* тош-тарози назоратчиси мансаби

– حُسْبَةٌ *мед.* терида ранг берувчи модданинг етишмаслиги, альбинизм, оқариб кетиш

– حَسَبِيٌّ васийликка оид; ~ قَانُونٌ васийлик ҳақидаги қонун; الـ~ الْمَجْلِسُ васийлик (ҳомийлик) кенгаши

– حُسَبَاءُ *кўп.* 1. оқсуяклар наслига мансуб; оқсуяк, аслзода 2. 1) ҳисобловчи, ҳисобчи; 2) ҳисобот қабул қилувчи; لَا ~ رَقِيبَ عَلَيْهِ وَلاَ у ўз ихтиёрича иш тутади (*сўзма-сўз: унинг устида на назоратчи бор ва на ҳисобот кутувчи бор*)

– مُحَاسِبٌ, مُحَاسِبْجِيٌّ *кўп.* مُحَاسِبْجِيَّةٌ бухгалтер, ҳисоб-китоб юритувчи; ~ قَانُونِيٌّ ревизор, тафтишчи

– مُحَاسَبَةٌ 1) ҳисобот; текширув, тафтиш, назорат; 2) ҳисобчилик, бухгалтерия; ~ مُزْدَوِجَةُ الْقَيْدِ қаллоблик, ҳисобда қалбакилик; ~ قِسْمُ الـ~ бухгалтерия бўлими; ~ تِجَارِيَّةٌ савдо-сотиқ ҳисобчилиги, тижорат ҳисобчилиги; 3) (*бирор к. га нисбатан*) эътибор, аҳамият (عَلَى); (*бирор н. ҳақида*) ғамхўрлик, ғамхўрлик

қилиш (عَلَى)

– مُحْتَسِبٌ *тар.* тош-тарози назоратчиси; инспектор

– مَحْسُوبٌ 1. саноқли, саналган, ҳисобланган; 2. *кўп.* مُحَاسِيبُ ҳимоя остидаги одам, эркатой, арзанда; مَحَاسِيبُكَ каминаи камтарин (*хат ёзишда*)

– مَحْسُوبِيَّةٌ ҳомийлик, ҳимоя қилиш; юқори мансабдаги кишининг севгилиси сўзи билан иш кўриши натижасида шаклланган тартиб-қоида, ошна оғайнигарчилик

تَحَسْحَسَ (حسحس) қўзғалмоқ, силжимоқ, қимирламоқ, жилмоқ

I حَسَدَ (*у*) حَسَدٌ 1) (*бирор н. га*) ҳасад қилмоқ, ҳасад кўзи билан қарамоқ (عَلَى); 2) суқи кирмоқ, кўзи тегмоқ, кўзиктирмоқ; VI تَحَاسَدَ ўзаро бир бирларини ҳасад қилишмоқ

– حَاسِدٌ *кўп.* حُسَّادٌ, حَسَدَةٌ ҳасадгўй, ҳасадчи, суқ

– حَسَّادٌ ҳасадчи, ҳасадгўй, суқ

– حَسَدٌ ҳасад

– حَسُودٌ ҳасадчи, ҳасадгўй

– مَحْسَدَةٌ ҳасад қилинган нарса; مَفْسَدَةٌ ~ الـــ *мқл.* бировнинг молига кўз тиккан ўз молидан айрилар (*сўзма-сўз:* ҳасад қилинган нарса фасоддир)

– مَحْسُودٌ ҳасад қилинган киши *ёки* нарса

I حَسَرَ (*у*) حَسْرٌ 1) (*бирор н. ни*) очмоқ, яланғочланмоқ (عَنْ); عَنْ ~ رُؤُوسِهِمْ бошларини яланғочламоқ; 2) туширмоқ, ечмоқ, ечиб ташламоқ; اللِّثَامَ ~ ниқобни олиб ташламоқ; ... الْقِنَاعَ عَنْ ~ *кўч.м.* юзидаги ниқобни олиб ташламоқ, фош қилмоқ; حَسَرَ (*у*) حُسُورٌ 1) усти очиқ бўлмоқ; 2) чарчамоқ, толиқиб қолмоқ, ҳорғинлик сезмоқ (*мас., кўз*); حَسِرَ (*а*) حَسْرَةٌ (*бирор н. ҳақида*) қайғурмоқ, ғам емоқ, ич-этини емоқ (عَلَى); II حَسَّرَ 1) хафа қилмоқ, ҳасратга қўймоқ, ранжитмоқ, дилини сиёҳ қилмоқ; 2) туламоқ, пати тўкилмоқ (*қуш ҳақида*), V تَحَسَّرَ 1) (*бирор н. ҳақида*) қайғурмоқ, ғам емоқ, ич-этини емоқ (عَلَى); 2) тўкилмоқ (*соч ҳақида*); патлари тўкилмоқ (*қуш ҳақида*); VII انْحَسَرَ 1) очилмоқ, яланғочланмоқ, яланғоч бўлмоқ; 2) (*бирор н. дан*) четлатилмоқ, узоқлаштирилмоқ (عَنْ); لَقَدْ ~ الْقِنَاعُ عَنْ ... юздаги ниқоб олиб ташланмоқ, фош бўлмоқ; 3) пасаймоқ, камаймоқ, тортилиб қолмоқ (*сув ҳақида*); X اسْتَحْسَرَ чарчамоқ, ҳолдан тоймоқ

– أَحْسَرُ *мн.* حَسْرَاءُ *кўп.* حُسْرٌ кўзи хира, хира кўзли; яқинни кўриб, узоқни кўролмайдиган, кўзи ўтмас; (*шунингдек:* الْبَصَرِ ~)

– انْحِسَارٌ (*сувнинг*) камайиши, қайтиши; الْمَدِّ ~ сувнинг қайтиш пайтидаги озайиши

– تَحَسُّرٌ ғам, қайғу, қаттиқ ғам-ғусса

– حَاسِرٌ очиқ, яланғоч; الرَّأْسِ ~ очиқ бошли, бошига ҳеч нарса киймаган, бош яланг; الْبَصَرِ ~ кўзи хира, хира кўзли, яқинни кўриб, узоқни кўролмайдиган

– حَسَّارٌ яқинни кўриб, узоқни кўролмаслик касали

– حَسِرٌ чарчоқ, ҳорғин

– حَسْرَانُ *мн.* حَسْرَى ғамгин, хафа, қайғудаги, маъюс

– حَسْرَةٌ *кўп.* حَسَرَاتٌ бало, кулфат, ҳасрат; зориқиш, зерикиш; يَا ~ حَسْرَتَاهُ *ёки* وَاحَسْرَتَاهُ воҳасрато!, э-воҳ, ҳайҳот!

– حُسُورٌ *мед.* узоқни яхши кўролмаслик касали, миопия

– حَسِيرٌ *кўп.* حَسْرَى 1) чарчоқ, ҳорғин; الطَّرْفِ ~ қарашлари ҳорғин; 2) кучсиз, заиф, бўш, нимжон; 3) *шунингдек:* الْبَصَرِ ~ кўзи хира, хира кўзли, яқинни кўриб, узоқни кўролмайдиган

– مَحْسَرٌ, مَحْسِرٌ *кўп.* مَحَاسِرُ 1) моҳият, асл маъно, мағиз; 2) яширин гўзаллик (*жозибадорлик*), латофат

حَسَكٌ *жам.* тикон, тиканак; السُّنْبُلَةِ ~ ғалла қилтириғи السَّمَكِ ~ балиқ қилтириғи

– حَسَكَةٌ *кўп.* ـــاتٌ *д.с.* тикон, тиканак; игна

– حَسَكِيٌّ тиконли

حَسْكَنِيتٌ тикон, тиканак

حِسْلٌ *кўп.* حُسُولٌ калтакесак боласи

I حَسَمَ (*и*) حَسْمٌ 1) кесмоқ, қирқмоқ, ажратмоқ, кесиб ажратмоқ; الْعِرْقَ ~ томирни қирқмоқ ва қон оқмаслиги учун уни куйдирмоқ; 2) тўғриламоқ, йўлга қўймоқ (*жанжални*) бартараф қилмоқ; 3) чиқармоқ, чегирмоқ, айирмоқ; VII انْحَسَمَ 1) тўғриланмоқ, бартараф бўлмоқ; 2) ажратилмоқ, кесилмоқ, қирқилмоқ

– حَاسِمٌ ҳал қилувчи, қатъий, узил-кесил, кескин

– حُسَامٌ қилич

– حَسْمٌ 1) кесиш, қирқиш, ажратиш; 2) бартараф этиш, тўғрилаш; 3) *кўп.* حُسُومَاتٌ чегирилган нарсалар, чиқарилган нарсалар; 4) қатъият, кескинлик; بِـــ қатъият билан, узил-кесил

– حَسْمَى саҳродаги жой номи

– حُسُومٌ[1] баҳорги кеча-кундуз баравварлиги олдидан бўладиган бир неча кунлик совуқ, ҳаво, (*қибтий тақвимдаги барамҳот ойининг биринчи етти куни*)

– حُسُومٌ[2] шумлик, бахти қаролик, машъумлик

I حَسُنَ (*у*) حُسْنٌ 1) яхшиланмоқ, яхши бўлмоқ; гўзаллашмоқ, гўзал бўлмоқ; عَيْنَيْهِ فِي ~ هَذَا إِذَا агар бу унга ёқса (*сўзма-сўз:* агар бу унинг кўзларида чиройли (яхши) бўлса); 2) ўринли бўлмоқ, жўяли бўлмоқ, ўрнида бўлмоқ; ... يَحْسُنُ بِي أَنْ менинг ...им ўринли бўлади; мен ...им керак; II حَسَّنَ 1) безамоқ; 2) яхшиламоқ, такомиллаштирмоқ; لَهُ ~ (*бирор н. га*) ҳавасини келтирмоқ, қизиқтирмоқ, (*бирор к. ни*) танлаб олмоқ; III حَاسَنَ яхшилик билан муомалада бўлмоқ, яхши муомала қилмоқ; IV أَحْسَنَ аъло қилиб бажармоқ, аъло даражада амалга оширмоқ; хайр-саховат қилмоқ;

(*бирор к. га*) яхшилик қилмоқ (إِلَى); اسْتَقْبَالِي ~ мени яхши кутиб олди; اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ ~ араб тилини яхши билмоқ; ... الظَّنَّ بِـ ~ ... ҳақида яхши фикрда бўлмоқ; أَحْسَنْتَ! офарин!, балли!; V تَحَسَّنَ 1) яхшиланмоқ; тузалмоқ, соғаймоқ; 2) дурустланмоқ, яхши бўлиб қолмоқ, д уруст бўлиб қолмоқ; X اسْتَحْسَنَ 1) ажойиб деб билмоқ, маъқулламоқ; 2) керакли, жўяли деб ҳисобламоқ; мақтамоқ

– إِحْسَانٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) эҳсон, хайр-саховат; хайр-эҳсон, мурувват; ~ـــ جَمْعِيَّةُ الْـ хайрия жамияти; صَاحِبُ الْـ~ мурувват кўрсатувчи, валийнеъмат, олийҳиммат, соҳиби эҳсон

– أَحْسَنُ *мн.* حُسْنَى *кўп.* أَحَاسِنُ энг яхши, энг гўзал, энг чиройли; بِالْقُوَّةِ أَوْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ; حُسْنَى *қар.* мажбуран ёки ихтиёрий; لَنْ يَنْتَهِيَ الأَمْرُ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ! бу иш яхшилик билан тугамайди!

– اسْتِحْسَانٌ 1) маъқуллаш, мақтов; 2) *шар.* шариатга зид эмас деб эътироф этиш

– تَحَسُّنٌ яхшиланиш; الطَّقْسِ ~ об-ҳавонинг яхши бўлиши

– تَحْسِينٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) яхшилаш, такомиллаштириш; 2) тўғрилаш; التَّحْسِينَاتُ الْفَنِّيَّةُ техникавий такомиллаштиришлар

– حَسَّانٌ жуда чиройли, жуда гўзал

– حَسَنٌ *кўп.* حِسَانٌ 1. 1) чиройли, гўзал; ажойиб; 2) яхши, эзгу, пок; النِّيَّةُ الْـ~ـَـةُ эзгу ният; ~اً яхши (*равиш*); سَارَ مِنْ ~ إِلَى أَحْسَنَ аста-секин яхши бўлиб бормоқ; 2. *ат.от.* Ҳасан

– حُسْنٌ *кўп.* مَحَاسِنُ 1) ҳусн, чирой, кўрк, зийнат; 2) яхши сифат, яхши хусусият; الأَدَبِ ~ одоблилик, ахлоқлилик; хушхулқлик; فِي ~ أَدَبٍ وَ حَفَاوَةٍ ғоят хушхулқ билан, хушхулқлик билан; مِنْ ~ الْحَظِّ ёки الْحَظِّ ~ لِـ *қар.* حَظٌّ; حَظًّى ~ مِنْ бахтимга (*кириш сўз*); الْخُلُقِ ~ одоб, ахлоқ, яхши характер; الظَّنِّ ~ а) хайрихоҳлик, илтифот; б) яхши фикр; ... الْبَلاَءِ فِي ~ ... борасидаги матонат; ~ النِّيَّةِ *қар.* نِيَّةٌ; بِـ~ النِّيَّةِ эзгу, пок ниятлар билан; عَنْ ~ النِّيَّةِ эзгу, пок ниятлардан келиб чиқиб; نِيَّتِهِ ~ تَعَاوَنَ مَعَهُ عَنْ эзгу ниятлардан келиб чиқиб, у билан ҳамкорлик қилмоқ; جَمِيلٌ ~ ютуқ; السَّيْرِ ~ одоб, ахлоқ, яхши характер; الظَّنِّ ~ а) хайрихоҳлик, илтифот; б) яхши фикр; ... الْبَلاَءِ فِي ~ ... борасидаги матонат; ~ النِّيَّةِ *қар.* نِيَّةٌ; بِـ~ النِّيَّةِ эзгу, пок ниятлар билан; عَنْ ~ النِّيَّةِ эзгу, пок ниятлардан келиб чиқиб; نِيَّتِهِ ~ تَعَاوَنَ مَعَهُ عَنْ эзгу ниятлардан келиб чиқиб, у билан ҳамкорлик қилмоқ; جَمِيلٌ ~ ютуқ; السَّيْرِ ~ одоб, ахлоқ, яхши характер; الظَّنِّ ~ а) хайрихоҳлик, илтифот; б) яхши фикр; ... الْبَلاَءِ فِي ~ ... борасидаги матонат; وَالسُّلُوكِ яхши ахлоқ; الْقَبُولِ ~ яхши қабул; الْمُعَامَلَةِ ~ яхши муомала, муносабат

– حَسْنَاءُ *кўп.* حِسَانٌ гўзал аёл, барно аёл, нозанин

– حَسَنَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) яхши иш, хайрли иш; 2) хайр-садақа; 3) (*бирор н. нинг*) яхши томони; 4) хол

– حُسْنَى 1) хайрли иш, яхшилик, эзгулик; بِالشَّرِّ ~ـــ قَابَلَ الْـ яхшиликка ёмонлик қилмоқ; ~ـــ بِالْـ яхшиликча, аҳиллик билан; ~ـــ تَسْوِيَةُ الْخِلاَفَاتِ بِالْـ ихтилофларни яхшиликча бартараф этиш; ~ـــ الأَسْمَاءُ الْـ исми сифот (*Оллоҳ таолонинг* الْقَدِيرُ, الرَّحِيمُ, الْكَرِيمُ *каби 99 та исми сифоти*); 2) муваффақиятли оқибат, натижа

– حَسُونٌ *кўп.* حَسَاسِينُ олифта

– حُسَيْنٌ *ат.от.* Ҳусайн

– حُسَيْنِيٌّ *халқ.* тулки

– مَحَاسِنُ *кўп.* 1) яхши сифатлар, қадр-қиймат; 2) гўзалликлар, латофат

– مُحَاسَنَةٌ яхши муомала

– مُحْسِنٌ 1. фойдали, шарофатли, нажотбахш; 2. мурувват кўрсатувчи, олийҳиммат; хайр-эҳсон қилувчи, сахий

– مُحَسِّنٌ зийнат берувчи; яхшиловчи, такомилга етказувчи

– مُحَسَّنَاتٌ *кўп.* безаклар

– مُسْتَحْسَنٌ маъқулланган; исталган, орзу этилган; ёқимли

حسو I حَسَا (*у*) حَسْوٌ майдалаб, қултумлаб ичмоқ; V تَحَسَّى қултумлаб ичмоқ, ҳўплаб ичмоқ; VIII احْتَسَى қултумлаб ичмоқ, ҳўплаб-ҳўплаб ичмоқ

– احْتِسَاءٌ қултумлаб ичиш, ҳўплаб-ҳўплаб ичиш

– حَسَاءٌ *кўп.* أَحْسِيَةٌ, أَحْسَاءٌ шўрва; ёвғон шўрва

– حَسَاءٌ = حَسْوٌ

– حُسْوَةٌ *кўп.* حُسْوَاتٌ, حُسًى, أَحْسِيَةٌ қултум, ҳўплам

– حِسْيٌ *кўп.* أَحْسَاءٌ, حِسَاءٌ қум қоплаган тошлоқ текислик жой

I **حَشَّ** (*а/у*) حَشٌّ 1) ўрмоқ, ўриб олмоқ; 2) ўт емоқ; II حَشَّشَ ўрмоқ, ўриб олмоқ; 2) ўт емоқ; 3) наша чекмоқ; IV[1] أَحَشَّ: الْمَرْأَةُ ~ـــ аёл қорнидаги ҳомиласи қуриб қолмоқ; IV[2] أَحَشَّ ўрмоқ, ўриб олмоқ; VIII احْتَشَّ ўтларни йиғиб-теришга уринмоқ

– إِحْشَاشٌ ўрим пайти, мавсуми; пичан ўриш пайти

– حَشٌّ[1] ўрим, ўриш, пичан ўрими

– حَشٌّ[2] *кўп.* حُشُوشٌ 1. боғ, бўстон; 2. *анат.* орқа тешик

– حُشَاشٌ, حُشَاشَةٌ сўнгги нафас, ўлим олди, ◊ حُشَاشَةُ قَلْبِهِ унинг энг азиз, энг қадрлиги

– حَشَّاشٌ 1) пичанфуруш, пичан сотувчи; 2) наша чекувчи, нашаванд

– حَشَّاشُونَ: ~ـــ الْـ *кўп. тар.* ҳашшошлар (*халқ*)

– حَشَّةٌ ўриш, ўрим

– حَشِيشٌ *жам. кўп.* حَشَائِشُ 1) ўт, ўлан, гиёҳ; ёввойи ўт; пичан, хашак; 2) наша; ~ـــ تَعَاطَى الْـ наша чекмоқ; صِينِيٌّ ~ *бот.* Хитой нашаси; 3) ўлим туғилган чақалоқ; 4) ҳашиш (*ун, ғўшт ва хурмодан тайёрланадиган овқат*)

– حَشِيشَةٌ *кўп.* حَشَائِشُ *1)* бир туп ўт, гиёҳ; 2)чўп, хас, майса; الْبَحْرِ ~ *бот.* Исландия йўсини; الْبَرَاغِيثِ ~ бурган; الْجَبَلِ ~ *бот.* тоғ бургани; الدِّينَارِ ~ *бот.* хмель, етимак; الْقِطَّةِ ~ *ёки* الْهِرِّ ~ *бот.* валериан ўсимлиги; الْمَحْمُودِيَّةِ ~ *бот.* лолагуллиларга мансуб манзарали ўсимлик; الْهِرَّةِ ~ *бот.* ялпизнинг бир тури

– حَشِيشِيٌّ оч яшил, оч зангор

– مَحَشٌّ ўтлоқ, ўтлоқзор

– مَحَشَّةٌ, مَحَشٌّ *кўп.* اتٌ ـــ ўроқ; чалғи, чалғи ўроқ, белўроқ

– مَحْشَشَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ, مَحَاشِشُ наша чекадиган жой, афюн чекадиган жой

I **حَشَدَ** (*u, y*) حَشْدٌ 1) тўпламоқ, жамламоқ, йиғмоқ; бир жойга тўпламоқ; الْجَيْشَ ~ қўшин йиғмоқ, қўшин тўпламоқ; 2) тўпланмоқ, жамланмоқ, бир жойга йиғилмоқ; II حَشَّدَ жуда кўп сонли қилиб йиғмоқ, тўпламоқ; (*қўшин*) йиғмоқ, тўпламоқ; V تَحَشَّدَ тўпланмоқ, жамланмоқ; бирлашмоқ; VIII اِحْتَشَدَ тўпланмоқ, жамланмоқ, бир жойга йиғилишмоқ, тўпланишмоқ

– اِحْتِشَادٌ тўпланиш, йиғилиш, жамланиш, (*қўшинларнинг*) тўпланиши

– حَاشِدٌ тўпланувчи, жамланувчи, йиғилувчи; кўп сонли, кўп кишилик, (*бирор н. га*) тўла (ب); ~ جُمْهُورٌ оломон

– حَشْدٌ 1) йиғиш, жамлаш, тўплаш; 2) қабул қилиш; ~ الْجَيْشِ сафарбар қилиш, мобилизация

– حَشَدٌ жамлаш, тўплаш; 2) *кўп.* حُشُودٌ оломон

– مُحْتَشَدٌ *кўп.* اتٌ ـــ (*қўшин ёки бирор н. нинг*) тўпланиш жойи

I **حَشَرَ** (*u, y*) حَشْرٌ 1) бир жойга йиғмоқ, тўпламоқ; 2) лиқ тўлдирмоқ, лиммолим тўлдирмоқ; киргизмоқ, ниқталаб тиқмоқ, суқмоқ; ~ نَفْسَهُ а)орага тиқилмоқ, суқилиб кирмоқ (فِي ,بَيْنَ); б) (*бирор н. га*) аралашмоқ, илашмоқ (فِي ,بَيْنَ); ~ أَنْفَهُ فِي (بَيْنَ) ...га бурнини тиқмоқ; ~ مُحَدِّثَهُ فِي الزَّاوِيَةِ *кўч.м.* суҳбатдошини оғиз очолмайдиган қилиб қўймоқ (*сўзма-сўз:* суҳбатдошини бурчакка тиқиб қўймоқ); II حَشَّرَ қўшиб қўймоқ, устига қўшмоқ; V تَحَشَّرَ (*бирор н. га*) аралашмоқ, илашмоқ (فِي); VII اِنْحَشَرَ 1) қўшилмоқ, устига қўшиб қўйилмоқ, суқиб қўйилмоқ; 2) аралашмоқ, илашмоқ

– حَاشِرٌ[1] *кўп.* حُشَّارٌ 1) ўлпон (солиқ); йиғувчи; 2) гўрков

– حَاشِرٌ[2]: الْـ~ (Муҳаммад алайҳиссалом исмларидан бири (*у зотнинг бешта исмлари бор: Муҳаммад, Аҳмад, Ал-Моҳий, Ал-Ҳошир, Ал-Оқиб*)

– حَشْرٌ 1) йиғиш, тўплаш, йиғин, يَوْمُ الْـ~ *дин.* қиёмат; 2) киргизиш, ниқталаб тиқиш, суқиш

– حَشَرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ҳашорат; عِلْمُ الْحَشَرَاتِ энтомология; *кўп.* одамгарчиликдан чиққан кишилар, палидлар

– حَشَرِيٌّ ҳашоратларга оид, الْمُبِيدَاتُ الْـ~ـةُ зарарли ҳашаротларга қарши қўлланадиган кимёвий моддалар

– حِشْرِيٌّ, حِشْرِيٌّ 1. аралашқоқ, ... илашқоқ; шилқим, пашшахўрда; қизиқувчан; 2. олғир, лочин, суллоҳ

– مُتَحَشِّرٌ аралашқоқ, илашқоқ, ҳамма нарсага бурнини суқувчи; шилқим, пашшахўрда

– مَحْشَرٌ *кўп.* مَحَاشِرُ 1) тўпланиш жойи; 2) тўпланиш, йиғилиш; оломон

– مَحْشَرَةٌ *кўп.* مَحَاشِرُ ўриб олинган ўт ўрнига ўсиб чиққан янги ўт

حَشْرَجَ хирилламоқ, хиррак келмоқ (*ўлим олдидан*)

– حَشْرَجَةٌ ўлимолди хирраги

(حشف) V تَحَشَّفَ эскирган, тўзиган кийим киймоқ; пала-партиш кийинмоқ

– حَشَفٌ *жам.* паст навли хурмо; ◊ ~ الْـ كَالَ لَهُ شَيْئًا كَيْلَ бирор нимани аямай, сахийлик билан бермоқ

– حَشَفَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ паст навли хурмо; ◊ ~ الْقَضِيبِ *анат.* жинсий олатнинг боши

– حَشِيفٌ эскирган, тўзиган кийим

– مُتَحَشِّفٌ пала-партиш кийинган одам, пала-партиш одам

I **حَشَكَ** (*u*) حَشْكٌ кўп сонда йиғилмоқ, тўпланмоқ; وَقَدْ ~ الْقَوْمُ فِي الْمَسْرَحِ театрда кўп одам тўпланди

– حَشْكَلَةٌ *халқ.* тил ёғламалик, хушомад; !~ بَلَاشْ тил ёғламалик қилманг!

I **حَشَمَ** (*u*) حَشْمٌ уялтирмоқ, ўсал қилмоқ, изо бермоқ; II حَشَّمَ = I; IV أَحْشَمَ 1) = I; 2) озор бермоқ, қийнамоқ; 3) аччиғини чиқармоқ, жаҳлини келтирмоқ, ғазаблантирмоқ; V تَحَشَّمَ (*бирор к. дан*) уялмоқ, изо бўлмоқ, номус қилмоқ; ийманмоқ (عَنْ ,مِنْ); уятчан бўлмоқ, тортинчоқ бўлмоқ; VIII اِحْتَشَمَ 1) уятчан бўлмоқ, тортинчоқ бўлмоқ; 2) одобли бўлмоқ, хушхулқ бўлмоқ; 3) ҳурмат қилмоқ, иззат қилмоқ, ҳурматламоқ

– اِحْتِشَامٌ 1) камтаринлик; уятчанлик, тортинчоқлик; ~ فِي غَيْرِ ҳеч бир уялмасдан; 2) одоблилик, хушахлоқлик; 3) ҳурмат, ҳурмат қилиш, ҳурмат кўрсатиш

– تَحَشُّمٌ камтаринлик; уятчанлик, тортинчоқлик

– حَشَمٌ мулозимлар, шотирлар, хизматкорлар

– حِشْمَةٌ 1) камтаринлик; уятчанлик, тортинчоқлик; 2) одоблилик, хушахлоқлик; 3) ҳурмат, ҳурмат қилиш, ҳурмат кўрсатиш

– حَشِيمٌ *кўп.* حُشَمَاءُ ҳурматли, ҳурматга сазовор, эътиборли

– مُحْتَشِمٌ = حَشِيمٌ

– مُحْتَشِمٌ камтарин; уятчан, тортинчоқ

– مَحْشَمٌ *кўп.* مَحَاشِمُ *анат.* мояк, тухум; *кўп.* уят жойлар (*аъзолар*)

I (حشو) **حَشَا** (*y*) حَشْوٌ 1) (*бирор н. билан*) тўлғазмоқ (ب), (*бирор н. ни*) тиқиб солмоқ (ب); 2) қийма солиб пиширмоқ; 3) (*милтиқни*) ўқламоқ, ўқ солмоқ; 4) пломба қўймоқ; II حَشَّى 1) роса тўлғазмоқ, тиқиб-тиқиб тўлғазмоқ; 2) (*матнга*) илова киритмоқ; (*қўлёзма ҳошиясида*) изоҳ бермоқ; ~ الْكِتَابَ китоб ҳошиясига мулоҳаза ёзиб қўймоқ; VII اِنْحَشَى тўлмоқ, тиқиб солинмоқ; VIII اِحْتَشَى (*бирор н. билан*) тўлғазилмоқ, тиқиб солинмоқ (ب); ~ الْحَائِضُ بِالْكُرْسُفِ ҳайз кўрган аёл қон кетмаслиги учун пахта қўймоқ

– اِحْتِشَاءٌ тўлиш, лим-лим тўлиш; *мед.* (*қон томирларининг*) тиқилиб қолиши, инфаркт

– تَحْشِيَةٌ 1) илова; илова киритиш; 2) (*қўлёзма ҳошиясидаги*)

изоҳлар

– حَاشِيَةٌ *кўп.* حَوَاشٍ *шунингдек. қар.* حشى 1) (*китобнинг*) ҳошияси; 2) (*қўлёзма ҳошиясидаги*) луғат, эслатма ва изоҳлар; китоб четига ёзиб қўйилган нарса; хат охирига ёзиладиган қўшимча олдидан қўйиладиган шартли ишора; عَيْشٌ رَقِيقُ الْحَوَاشِي роҳат-фароғатдаги ҳаёт

– حَشًا *кўп.* أَحْشَاءُ ич, қорин, ичак-чавоқ; ичак; ◊ أَحْشَاءُ الأَرْضِ ер ости, замин; يَأْكُلُ الْجُوعُ فِي أَحْشَائِهِ бирор нарсанинг ичида; أَحْشَائَهُمْ уларни очлик қийнамоқда, улар оч қолмоқдалар (*сўзма-сўз:* очлик уларнинг ичакларини еяпти); حَشَاهُ فِي أَنَا у мен ҳақимда қайғурмоқда (*сўзма-сўз:* мен унинг ичидаман)

– حَشْوٌ 1) сомса *ёки* шунга ўхшашнинг ичига солинадиган нарса, қийма; 2) бирор нарсанинг ичига тиқилган нарса; 3) (*тишдаги*) пломба; 4) қўлёзмага киритилган илова; 5) ортиқча сўз; 6) (*милтиқни*) ўқлаш

– حَشْوَةٌ *кўп.* حَشَوَاتٌ 1) сомса *ёки* шунга ўхшашнинг ичига солинадиган нарса, қийма; 2) бирор нарсанинг ичига тиқилган нарса, 3) ўқ, заряд; 4) қаланғи-қасанғилар

– حُشْوَةٌ *ёки* حِشْوَةُ الْبَطْنِ ~ ичак-чавоқлар

– حَشَى ичак-чавоқ; ◊ مِنْ بَيْنِ الْـ~ қалбнинг тўр-тўридаги, қалб қаъридаги

– حَشِيَّةٌ *кўп.* حَشَايَا 1) тўшак, кўрпа, матрас; 2) ич, ички томон, ичкари

– مَحْشُوٌّ 1) уриб тиқилган, тиқиб солинган; 2) қиймаланган; ичига бирор нарса солинган (ب); 3) ўқланган (*мас., милтиқ*)

– مَحْشِيٌّ *кўп.* ـَـ اتٌ, مَحَاشِيُّ маҳший (*майда қилиб тўғралган сабзавотдан тайёрланган овқат*)

I **حَشِيَ** (*а*) حَشًى 1) ҳансирамоқ, қийналиб нафас олмоқ; бўғилмоқ, бўғилиб қолмоқ, димиқмоқ, нафаси қисилмоқ; нафас бўғилиш касали билан оғримоқ; II حَشَّى 1) ҳошияламоқ, ҳошия солмоқ; жияк тутмоқ; 2) (*матонинг*) четини қайириб тикмоқ, босмоқ; III حَاشَى (*бирор н. нинг таркибидан*) чиқармоқ (مِنْ), V تَحَشَّى узоқлашмоқ, четлашмоқ, қочмоқ; 2) (*бирор н. дан*) сақланмоқ, эҳтиёт бўлмоқ (مِنْ); VI تَحَاشَى (*бирор н. дан*) ўзини четга тортмоқ, ўзини эҳтиёт қилмоқ (عَنْ); (*бирор н. дан*) ўзини тиймоқ, нафсини тиймоқ, сақланмоқ (عَنْ); (*бирор н. дан*) ўзини эҳтиёт қилмоқ (عَنْ)

– تَحْشِيَةٌ *қар.* حشو

– حَاشَ, حَاشَى, حَاشَ ...дан ташқари, ...дан бўлак; ◊ ~ لَكَ أَنْ буни қилишдан ўзингни тий!; ~ لِلّٰهِ *ёки* حَاشَ لِلّٰهِ худо сақласин!

– حَاشِيَةٌ *кўп.* حَوَاشٍ (*шунингдек: қар.* حشو) 1) чекка, қирғоқ; 2) ҳошия; ён, қирра; мағиз, (*кийимнинг ёки ўрмоннинг*) чети, ёқаси, этаги; 3) мулозимлар, аъёнлар; ~ الْـ رِقَّةُ назокат; хушмуомалалик, эҳтиром; رَقِيقُ الْحَوَاشِي *ёки* رَقِيقُ الْـ~ назокатли, хушмуомала, хушфеъл لَيِّنُ الْـ~ юмшоқ табиатли, табиати юмшоқ; فِي حَوَاشِي الْجَمْعِ тўпланганлар орасида

– حَشًى қийналиб олинган нафас; تَأَمَّلْتُ فِي ~ ذَلِكَ اللَّهِيبِ الْعَظِيمِ бу улкан алангага нафасимни ичимга ютиб қараб турдим

– مُحَشٍّ *мн.* مُحَشُّونَ шарҳловчи (*китобнинг, қўлёзманинг ҳошиясига изоҳ ёзувчи*)

I **حَصَّ** (*а/у*) حَصٌّ чекига тушмоқ; II حَصَّصَ аниқ бўлмоқ, очиқ-ойдин бўлмоқ; кўринмоқ, пайдо болмоқ; III حَاصَّ (*бирор к. билан*) бўлишиб олмоқ, тақсим қилмоқ, (*бирор к. га*) улуш бермоқ; IV أَحَصَّ қисмга ажратмоқ, улуш тақсимламоқ VI تَحَاصَّ улушларни бўлишиб олмоқ

– حُصَاصٌ кучли адоват; ~ إِنَّ الشَّيْطَانَ إِذَا سَمِعَ الآذَانَ مَرَّ وَلَهُ ҳад. Шайтон азон товушини эшитгач, кучли адоватни сақлаган ҳолда ўтиб кетади

– حِصَّةٌ 1) ҳисса, қисм, улуш; норма, квота; ~ الأَسَدِ энг катта улуш (*сўзма-сўз:* йўлбарснинг улуши); 2) ўқув соати; 3) (*шунингдек:* ~ الرِّبْحِ) акционерлик (*ҳиссадорлик*) жамиятида умумий фойдадан пайчиларга бўлиб бериш учун ажратилган улуш; фойданинг қисми

– مُحَاصٌّ = مُحَاصِصٌ

– مُحَاصِصٌ чоракор, коранда, ҳосилнинг бир қисмини бериш шарти билан ерни ижарага олувчи; ~ فَلَّاحٌ чоракор деҳқон

– مُحَاصَصَةٌ, مُحَاصَّةٌ 1) тақсим қилиш, бўлиб бериш, бўлиш; 2) ҳамкорлик; *шунингдек:* ~ نِظَامُ الْـ чоракорлик, корандалик; اشْتَغَلَ ~ الْـ (فِي) *ёки* اشْتَغَلَ عَلَى أَسَاسِ الْـ~ чоракорлик, корандалик асосида ишламоқ

حَصَالْبَانُ *бот.* баргидан ва гулидан хушбўй мой олинадиган бута ўсимлиги, розмарин

I **حَصَبَ** (*и, у*) حَصْبٌ (*бирор н. ни*) ташламоқ, ирғитмоқ ~ (ب) الأَرْضَ بِالْحِجَارَةِ тош ирғитмоқ; ~ тош ётқизмоқ, тош термоқ; حَصَبَ (*а*) حَصَبٌ بِاللَّعَنَاتِ وَالشَّتَائِمِ ~ лаънатламоқ ва сўкмоқ; *шунингдек:* حُصْبَ қизамиқ чиқмоқ, қизамиқ тошмоқ; II حَصَّبَ 1) *шунингдек:* حُصِّبَ қизамиқ чиқмоқ, қизамиқ тошмоқ; 2) тош ётқизмоқ, тош термоқ

– حَاصِبٌ қаттиқ бўрон, шиддатли шамол

– حَصَبٌ *жам.* майда тош; шағал

– حَصْبَاءُ майда тош; шағал

– حَصَبَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ майда тош, тошча

– حَصْبَةٌ *мед.* қизамиқ; ~ الْمَانِيَّةِ *мед.* қизилча, сувчечак (*болалар касаллиги*)

– حُصَيْبَةٌ *мед.* қизилча (*болалар касаллиги*)

– مَحْصُوبٌ қизамиқ тошган, қизамиқ билан оғриган

حَصْحَصَ 1) аниқ бўлмоқ, равшан бўлмоқ; очиқ-ойдин бўлмоқ; 2) пайдо бўлмоқ, кўринмоқ

– حَصْحَصَةٌ 1) аниқ бўлиш, равшан бўлиш, очиқ-ойдин бўлиш; 2) аниқлик, равшанлик, очиқ-ойдинлик

I **حَصَدَ** (*у*) حَصَادٌ ўрмоқ, ўриб йиғиштирмоқ, ҳосилни йиғиштириб

олмоқ; IV أَحْصَدَ (*йиғиштириб олиш учун*) пишиб етилмоқ; X اسْتَحْصَدَ = VI

– حَاصِدٌ *кўп.* حُصَّادٌ ўроқчи, ўроқ ўрувчи

– حَاصِدَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ ўрим машинаси

– حَصَادٌ ўроқ (*ўрим*) маҳали, ўрим-йиғим пайти, йиғим-терим

– حَصَّادٌ ўроқчи, ўроқ ўрувчи

– حَصَّادَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ (*шунингдек:* ~ آلَةٌ) ўрим машинаси; (آلَةٌ) دَرَّاسَةٌ ~ комбайн

– حَصْدٌ йиғим-терим, ҳосилни йиғиб олиш

– حَصِيدٌ, حَصِيدَةٌ *кўп.* حَصَائِدُ ҳосил, ўриб олинган буғдой; экини ўриб олинган ер; حَصَائِدُ الأَلْسِنَة ғийбат-бўҳтон гаплар

– مِحْصَدٌ *кўп.* مَحَاصِدُ ўроқ; чалғи, чалғи ўроқ, белўроқ

– مِحْصَدَةٌ *кўп.* مَحَاصِدُ терим машинаси, ўрим машинаси

– مُحْصَدٌ (*йиғиб-териш учун*) етилган, пишган; رَجُلٌ ~ الرَّأْيِ соғлом фикрли одам

– مَحْصُودٌ йиғиб-териб, ўриб олинган (*буғдой*)

I **حَصَرَ** (*у*) حَصْرٌ 1) ўраб сиқмоқ, ўраб сиқиб олмоқ; қамрамоқ, қамраб олмоқ, ўраб олмоқ; 2) чекламоқ, чек қўймоқ; тўхтатмоқ, тўхтатиб (*ушлаб*) қолмоқ; ... (فِي) الْبَحْثَ عَلَى ~ баҳсда (*бирор н. билан*) чекламоқ; كَلِمَةً ~ сўзни қавс ичига олмоқ; ... اهْتِمَامَهُ ~ диққат-эътиборни ...га қаратмоқ ... جُودَهُ فِي ~ фақат ...га зўр бермоқ; ... التُّهْمَةَ فِي ~ фақат ...нинггина айби эканлигини билдирмоқ; 3) қисмоқ, қисиб қўймоқ, қамал қилмоқ, ўраб олмоқ; 4) (*озиқ-овқатда*) қонуний меъёр белгиламоқ, нормаламоқ, норма қўймоқ; حُصُر ичи қотиб қолмоқ, қабзият бўлмоқ; 5) аниқламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ, эътиборга олмоқ; حَصَرَ (*а*) حَصَرٌ дудуқланмоқ, тили тутилмоқ, тили бирдан тутилиб қолмоқ; боши берк кўчага кириб қолмоқ, довдираб қолмоқ; нима дейишни билмай қолмоқ; ~ الصَّدْرُ юрак сиқилмоқ; III حَاصَرَ қамал қилмоқ, блокада қилмоқ; IV أَحْصَرَ: ~ الْمَرَضُ касаллик бирор ишни амалга оширишга имкон бермади; VII انْحَصَرَ 1) чекланмоқ, чекланган бўлмоқ, тор бўлмоқ, энсиз бўлмоқ, камбар бўлмоқ; 2) қаратилмоқ, тўпланмоқ, бир жойга тўпланмоқ; 3) оқибатда (*бирор н. га*) айланмоқ (فِي)

– انْحِصَارٌ 1) чекланиш; чекланганлик; 2) монополия (*Сурияда*)

– حَاصِرَةٌ *кўп.* حَوَاصِرُ қавс; هِلَالِيَّةٌ ~ кичик қавс (*эгма қавс*); ~ عَضَادَةٌ квадрат қавс (*ўрта қавс*);

– حِصَارٌ қамал; ~ حَالَةُ الْـ қамал ҳолати (вазияти); بَحْرِيٌّ ~ денгиз томондан қуршов; اقْتِصَادِيٌّ ~ иқтисодий қамал, эмбарго; ضَرَبَ (فَرَضَ) اقْتِصَادِيًّا ~ (*бирор н. ни*) иқтисодий жиҳатдан қамал қилмоқ (عَلَى); رَفَعَ (فَكَّ) الْـ ~ (*бирор н. ни*) қуршовдан бўшатмоқ (عَنْ)

– حَصْرٌ ўраш, ўраб олиш, қамраб олиш, қамров; 2) норма белгилаш, чеклаш, чеклов; ~ عَلَامَةُ الْـ а) қавс; б) қўштирноқ; ~ بِالْـ ёки الْمَعْنَى аниғини айтганда ...; 3) тутилиш, тўхтаб қолиш; ~ الْبَوْلِ *мед.* пешоб (сийдик) тўхталиши; 4) қуршов, қамал, ўраб олиш; ~ بَحْرِيٌّ денгиз томондан қилинган қамал; 5) ҳисоблаш, ҳисоб-китоб; рўйхат; ~ لَا يَأْخُذُهُمْ уларнинг саноғини билиб бўлмайди; ~ الْـ يَفُوقُ меъёрдан ошиқ; 6) монополия (*Сурияда*); ~ التِّبْغِ وَالتُّنْبَاكِ тамаки монополияси

– حَصَرٌ 1) дудуқлик. тили тутилиш, қийналиб гапириш; 2) юрак сиқилиши

– حُصْرٌ *мед.* ич қотиш, қабзият

– حُصُرِيَّةٌ *кўп.* حُصُرِيٌّ бўйрачи

– حَصِيرٌ[1] *кўп.* حُصُرٌ, حَصَائِرُ тўшама, тўшак, бўйра, бордон

– حَصِيرٌ[2] юраги тор, бахил

– حَصِيرٌ[3] қамоқ, қамоқхона

– حَصِيرَةٌ *кўп.* حَصَائِرُ бўйра, бордон; ~ جَرَّارَةٌ ذَاتُ занжирли трактор; ~ الشَّبَّاكِ бино ичига ёруғлик ва ҳаво ўтказиб турадиган панжарали дарпарда; ~ الصَّيْفِ وَاسِعَةٌ *мтл.* қиш ўчоғи тор, тур уйингга бор (*сўзма-сўз:* ёзнинг пардалари кенгдир)

– مُحَاصَرَةٌ қуршов, ўраб олиш, қамал

– مَحْصُورٌ 1) чекланган, чегараланган; аниқ, тор; 2) ич қотиш касалига мубтало; қабзиятли

– حِصْرِمٌ *жам.* хом, пишмаган узум, ангур; ~ الآبَاءُ يَأْكُلُونَ الْـ وَالأَبْنَاءُ يَضْرَسُونَ *мтл.* ҳолвани ҳоким, калтакни етим ейди (*сўзма-сўз:* пишмаган узумни оталар ейдилару, ўғилларнинг тиши қамашади); ~ نَحْنُ الْـ نَأْكُلُ *маж.* биз панд еймиз; биз аҳмоқ бўлиб қоламиз

I **حَصُفَ** (*у*) حَصَافَةٌ соғлом фикрли бўлмоқ, соғлом фикрга эга бўлмоқ; тадбирли, мулоҳазали бўлмоқ; 2) эҳтиёткор бўлмоқ, эҳтиёт бўлмоқ; X اسْتَحْصَفَ (*ақлий қобилият соҳасида*) энг юқори чўққига чиқмоқ (етмоқ); етук бўлмоқ, етуклик даражасига чиқмоқ

– حَصَافَةٌ 1) соғ фикрлилик. тадбиркорлик, мулоҳаза билан иш тутиш; 2) эҳтиёткорлик

– حَصَفٌ *мед.* иссиқ (тропик) мамлакатларда бўладиган темиратки

– حَصِفٌ 1)соғ ақлли, тадбирли, мулоҳазали; зеҳни ўткир, зийрак; 2) эҳтиёткор

– حَصِيفٌ соғлом фикрли; тадбирли, мулоҳазали; зеҳни ўткир, зийрак

I **حَصَلَ** (*у*) حُصُولٌ 1) содир бўлмоқ, амалга ошмоқ; бўлиб ўтмоқ, содир бўлиб ўтмоқ; юз бермоқ, рўй бермоқ; (*бирор к. нинг*) бошидан ўтмоқ (ـِلِ); 2) (*бирор н. га*) эришмоқ, етишмоқ (عَلَى); (*бирор н. ни*)

олмоқ, (*бирор н. га*) эришмоқ, эга бўлмоқ (عَلَى); 3) натижада ... бўлиб қолмоқ; (*бирор н. дан*) келиб чиқмоқ مِنْ; II حَصَّلَ 1) етишмоқ, эга бўлмоқ; 2; қидириб топмоқ, қўлга киритмоқ, олмоқ; 3) йиғмоқ, тўпламоқ; ундирмоқ, тўлатмоқ (*солиқни*); 4) ўрганмоқ, ўқимоқ, таҳсил кўрмоқ, таҳсил олмоқ; ~ الْكَلَامَ айтилганларга якун ясамоқ, хулоса қилмоқ; V تَحَصَّلَ 1) топилмоқ, ҳосил этилмоқ, ҳосил бўлмоқ, олинмоқ; (*бирор н. дан*) келиб чиқмоқ (مِنْ); 2) (*бирор н. ни*) қидириб топмоқ, ҳосил этмоқ, олмоқ (عَلَى); 3) тўланмоқ, тушмоқ (*солиқ*); X اسْتَحْصَلَ олмоқ; (*бирор н. га*) эришмоқ, етишмоқ

– تَحْصِيلٌ 1) етишиш; эга бўлиш; ҳосил этиш, қўлга киритиш; 2) йиғиш, тўплаш; олиш; 3) *шунингдек:* ~ عِلْمِيٌّ ёки ~ الْعِلْمِ ўқиш, ўрганиш, таҳсил олиш; ~ سَنَوَاتُ الـ ўқиш (таҳсил) йиллари

– تَحْصِيلِجِيٌّ *кўп.* تَحْصِيلْجِيَّةٌ солиқ йиғувчи, ўлпон йиғувчи

– حَاصِلٌ[1] *кўп.* حَوَاصِلُ, حَاصِلَاتٌ 1) натижа, оқибат; ~ الضَّرْبِ *мат.* кўпайтма; ~ الْجَمْعِ *мат.* йиғинди; ~ تَحْصِيلُ الـ жами, ҳаммаси бўлиб; ~ الْـ ёки ~ وَالْقَوْلُ бир сўз билан айтганда, хулоса қилиб айтганда; 2) моҳият, асл маъно; ~ الْأَمْرِ ишнинг моҳияти, гапнинг пўст калласи; 3) ҳосил; 4) маҳсул, маҳсулот, натижа, самара; 5) тушум, савдодан тушган пул; 6) омбор, сарой, омборхона; камера (*мас., омонат юкни қўйиш учун*)

– حَاصِلٌ[2] (*бирор н. ни*) олувчи, қабул қилувчи (عَلَى)

– حَصَّالَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ ақчадон (*чақа-танга йиғадиган қутича*)

– حُصَالَةٌ 1) қолдиқ, қолган-қутган, бирор нарсанинг қолдиғи; 2) тўпон, қипиқ

– حُصُولٌ 1) келиб чиқиш; 2) (*бирор н. га*) эришиш, етишиш (عَلَى)

– حَصِيلٌ олинган натижа

– حَصِيلَةٌ 1) даромад, кирим; келим; йиғим; савдодан тушган пул; 2) якун; ~ النَّشَاطِ фаолият якуни

– حَوْصَلٌ *алиф.б.қ*

– حُوَيْصِلَةٌ *алиф.б.қ.*

– مَحْصَلٌ натижа, якун

– مُحَصَّلٌ 1. олинган, етиштирилган, қўлга киритилган; 2. 1) натижа, якун; 2) маъно, мағиз, мазмун; ... ~ أَنَّ نَبَأٌ хабарнинг мазмуни шундан иборатки, ...

– مُحَصِّلٌ 1. 1) етиштирувчи, қўлга киритувчи, олувчи; 2) йиғувчи, йиғиштирувчи; 3) *тех.* тенг таъсир этувчи; ~ الْقُوَّةُ الـــةُ тенг таъсир этувчи куч; 2. 1) ўлпон йиғиштирувчи; 2) кондуктор (*трамвай ёки автобусда*)

– مُحَصِّلَةٌ 1) *тех.* натижаловчи, якунловчи куч; натижалантирувчи, якунлантирувчи куч; ~ السُّرْعَةِ натижалантирувчи, якунлантирувчи тезлик; 2) *мат.* ҳосила

– مَحْصُولٌ *кўп.* مَحَاصِيلُ, ـــ اتٌ 1) ҳосил, йиғим, тушум, йиғилган нарса; 2) маҳсулот; الْمَحْصُولَاتُ الزِّرَاعِيَّةُ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари; 3)натижа, якун, иш натижаси (ҳосили), ишлаб чиқарилган *ёки* тайёрланган маҳсулот; фойдали иш коэффициенти; ~ الْكَلَامِ гапнинг хулосаси, индаллоси, гапнинг пўсткалласи

I حَصُنَ (*у*) حَصَانَةٌ 1) мустаҳкам бўлмоқ, пишиқ бўлмоқ, маҳкам бўлмоқ, ёнига бориб бўлмайдиган бўлмоқ, эгаллаб бўлмайдиган бўлмоқ; 2) иффатли бўлмоқ, покиза бўлмоқ (*аёл ҳақида*); II حَصَّنَ 1) мустаҳкамламоқ, пишиқ қилмоқ, пишитмоқ; ёнига бориб бўлмайдиган қилмоқ, эгаллаб бўлмайдиган қилмоқ; 2) сунъий иммунитет ҳосил қилмоқ, организмни касал юқмайдиган, заҳар таъсир қилмайдиган қилмоқ; ~ ضِدَّ الْحَصْبَةِ وَالْجَدَرِيِّ қизамиқ ва чечакка қарши иммунитет ҳосил қилмоқ; IV أَحْصَنَ мустаҳкамламоқ, маҳкамламоқ; ҳимоя қилмоқ; эҳтиёт қилмоқ; 2) иффатли бўлмоқ, ўзига доғ туширмаслик, булғанмаслик (*аёл ҳақида*); уйланмоқ; ~ الرَّجُلُ одам уйланди; V تَحَصَّنَ маҳкамланмоқ мустаҳкамланмоқ; қалъа сифатида фойдаланмоқ; (*бирор н. ёрдамида*) ҳимояланмоқ (ب)

– إِحْصَانٌ бокиралик, иффатлилик, беғуборлик, беайблик

– تَحْصِينٌ 1) мустаҳкамлаш, истеҳком барпо этиш; ~ خَطُّ الـــ *ҳарб.* мустаҳкамланган линия, истеҳкомли линия; 2) сунъий иммунитет ҳосил қилиш; ~ ضِدَّ الْفَيْرُوسَاتِ вирусларга қарши иммунитет ҳосил қилиш; ~ ضِدَّ الطَّاعُونِ الْبَقَرِيِّ ўлатга қарши иммунитет ҳосил қилиш; ~ بِالْمَصْلِ махсус дориворлар билан эмлаш воситасида иммунитет ҳосил қилиш

– تَحْصِينَاتٌ *кўп. ҳарб.* истеҳкомлар

– حَصَانٌ *кўп.* حُصُنٌ, ـــ اتٌ иффатли аёл, бокира аёл, ўзига доғ туширмаган аёл, шарм-ҳаёли аёл

– حِصَانٌ *кўп.* أَحْصِنَةٌ, حُصُنٌ 1) айғир, от; ~ الْجَرِّ аравага қўшиладиган от; ~ الْحَمْلِ юк ташувчи от; ~ الْأَصِيلِ зотдор (*зотли*) от; ~ الرُّكُوبِ миниладиган от; ~ السِّبَاقِ йўртиб чопадиган от; учқур от, чопқир от, арғумоқ; ~ طَلُوقَةٌ айғир; ~ مَخْصِيٌّ ахта (бичилган) от; ~ الْبَحْرِ *зоол.* отбалиқ (*боши отнинг бошига ўхшаш балиқ*); ~ طَرْوَادَةَ *маж.* Троя оти (*миф. қадимги юнон афсоналарида айтилишича, Троя шаҳрини олиш учун ёғочдан ясалган от, одатда ҳийла қилиш маъносида қўлланади*); ~ الـــ الطَّائِرُ а) *фолк.* учар от; б) (*чолғу асбобларидаги*) харак, эшак; 2) *тех.* от кучи; 3) *шунингдек:* ~ الْوَثْبِ *спорт.* от (*жиҳоз*) 4) *шахм.* от, асп

– حَصَانَةٌ 1) мустаҳкамлик; матонатлилик, дахлсизлилик; ~ الـــ الْبَرْلَمَانِيَّةُ 1) парламент дахлсизлиги; ~ الـــ الدِّبْلُومَاسِيَّةُ дипломатларнинг дахлсизлиги; 2) иффатлилик, бокиралик, поклик; 3) касалга чалинмаслик, иммунитет

– حِصْنٌ *кўп.* حُصُونٌ қалъа, қўрғон, истеҳком; ~ السِّلْمِ тинчлик таянчи; ~ الـــ الْحَصِينُ эгаллаб бўлмайдиган қалъа, енгиб (олиб) бўлмайдиган қўрғон

– حَصِينٌ 1) мустаҳкамланган; мустаҳкам; ўтиб бўлмайдиган, қўлга киритиб бўлмайдиган; 2) касалга чалинмайдиган, касалга

йўлиқавермайдиган (ضدّ)

– حُصَيْنٌ *кўп.* اتٌ ـــ қўрғонча, қалъача; ◊ ~ أَبُو الْـ урғочи тулки

– مُحْصَنَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ иффатли аёл, ўзига доғ туширмаган аёл, шарм-ҳаёли аёл

حَصْوَةٌ *кўп.* حَصَوَاتٌ, حَصَاوَى 1) тош, майда тош; силлиқ думалоқ тош; 2) *мед.* ички аъзоларда ҳосил бўладиган тош

I **حَصَى** (*и*) حَصْيٌ тошлар ёғдирмоқ, тош ирғитмоқ; حُصِيَ ички бирор аъзодаги тошдан касал бўлмоқ; IV أَحْصَى 1) санамоқ, ҳисобламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ, ҳисоблаб чиқармоқ; (*номма-ном*) айтиб (санаб) чиқмоқ, йўқлама қилмоқ; لَا يُحْصِيهِ الْعَدُّ *ёки* لَا يُحْصَى сон-саноқсиз, сон-саноғи йўқ, беҳисоб, битмас-туганмас, يُحْصَى عَدَدُهُمْ عَلَى أَصَابِعِ الْيَدِ улар бармоқ билан санарли даражада, уларни бармоқ билан санаш мумкин; 2) рўйхатдан ўтказмоқ; X اسْتَحْصَى ҳисоб-китоб қилмоқ

– إِحْصَاءٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ҳисоблаш, санаш; бирор ниманинг баҳосини ҳисоблаб чиқариш; ҳисоб; 2) статистика; *кўп.* статистик маълумотлар; 3) (*аҳолини*) рўйхатдан ўтказиш

– إِحْصَائِيٌّ 1. 1) ҳисоб-китобга тегишли, ҳисоб-китобга оид; 2) статистикага оид; 2. статист, статистика бўйича мутахассис

– إِحْصَائِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ статистик ҳисоб-китоб; *кўп.* статистик маълумотлар, рақамлардан иборат бўлган маълумотлар

– حَصَاةٌ *кўп.* حَصَيَاتٌ 1) майда тошлар; шағал, майда тош; 2) *мед.* тошлар; ички бирор аъзодаги тош; ~ بَوْلِيَّةٌ қовуқдаги тош; ~ صَفْرَاوِيَّةٌ ўт пуфагидаги тош, ~ كِبْدِيَّةٌ жигардаги тош; ~ كُلْوِيَّةٌ буйракдаги тош

– حَصَوِيٌّ тошлоқ, тошга бой, тоши кўп (*мас., оқим, сой*)

– حَصًى *жам.* майда тош; силлиқ думалоқ тош, шағал, йирик қум; ضَرَبَ بِالْـ~ тошга қараб фол очмоқ

– مَحْصًى тошлоқ; أَرْضٌ مَحْصَاةٌ тошлоқ ер

I **حَضَّ** (*а/у*) حَضٌّ (*бирор н. га*) ундамоқ, қизиқтирмоқ, (*қизиқиш*) қўзғатмоқ, ҳавасини келтирмоқ.(*бирор н. қилишга*) аврамоқ (عَلَى); II حَضَّضَ қаттиқ туриб ундамоқ, роса аврамоқ; III حَاضَّ = I

– حَضٌّ ундаш, қизиқтириш, ҳавасини келтириш, авраш

– حَضِيضٌ 1) чекка, ниҳоя, қирғоқ, чет; чегара; ~ الْفَاقَةِ وَالْفَقْرِ муҳтожлик ва қашшоқлик чегараси; 2) (*денгизнинг*) туби, қаъри; 3) (*тоғнинг*) этаги, таги, 4) жар, чуқур жар, тик жар; 5) *шунингдек:* ~ الْـ الْقَمَرِيُّ *астр.* ой йўлининг Ерга энг яқин нуқтаси; ~ الْـ الشَّمْسِيُّ *астр.* планета ва кометаларнинг қуёшга энг яқин нуқталари

I **حَضَأَ** (*а*) حَضْءٌ 1) ёқмоқ (*мас., олов*); келтириб чиқармоқ (*мас., уруш*); 2) аралаштирмоқ, титмоқ (*мас., ёниб турган кўмирни*)

I **حَضَرَ** (*у*) حُضُورٌ 1) келмоқ, етиб келмоқ, мавжуд бўлмоқ, ҳозир бўлмоқ; 2) тайёр бўлмоқ, ҳозир бўлмоқ; 3) ўтроқ бўлмоқ, шаҳарда яшамоқ; II حَضَّرَ 1) тайёрламоқ, ҳозирламоқ, ясамоқ; 2) ҳозир қилмоқ; етказиб олиб келмоқ; олиб келмоқ; V تَحَضَّرَ 1) тайёр бўлмоқ, тайёрланган бўлмоқ; тайёрламоқ; 2) ўтроқ бўлиб яшамоқ; шаҳарда яшамоқ, шаҳарликка айланмоқ; 3) маданийлашмоқ, маданиятли бўлмоқ; маданиятга эришмоқ; VIII احْتَضَرَ ўлим олдида турмоқ, ўлимолди онларини бошдан кечирмоқ, ўлмоқ, вафот этмоқ; X اسْتَحْضَرَ 1) (*бирор н. ни*) чақиртирмоқ; ~ الْأَرْوَاحَ руҳларни чорламоқ; ўлганларнинг руҳлари билан сўзлашмоқ; 2) (*бирор жойдан*) олиб келмоқ, етказиб келмоқ (مِنْ); 3) тайёрланмоқ, тайёр бўлмоқ, ҳозирланмоқ; 4)хаёлан тасаввур қилмоқ, эсга олиб такрорламоқ, эсламоқ, эсга келтирмоқ; ~ مَاضِيَةً فِي مَشَقَّةٍ ўтмишни қийинчилик билан хотирламоқ

– احْتِضَارٌ ўлиш, жон бериш, вафот қилиш, сўниш, آلَامُ الْـ ўлимолди талвасаси

– إِحْضَارٌ (*судга*) чақирув; ~ مُذَكِّرَةُ судга чақирув қоғози

– اسْتِحْضَارٌ чақириқ, чорлов; чақириш, чақиртириш; ~ الْأَرْوَاحِ руҳларни чақириш; ўлганларнинг руҳи билан сўзлашиш

– تَحَضُّرٌ шаҳар ҳаёти, шаҳарда яшаш; маданиятлилик, маданийлик

– تَحْضِيرٌ 1) тайёрлаш, ҳозирлаш, тайёрлаб қўйиш; ҳозирлаш; 2) тайёргарлик

– تَحْضِيرِيٌّ тайёрлашга оид

– حَاضِرٌ[1] *кўп.* حُضَّارٌ 1. ўтроқ; 2. шаҳарлик, шаҳарда яшовчи; ◊ صَارَ حَدِيثًا لِلْـ~ وَ بَادٍ ҳамма ёқда дув-дув гап бўлмоқ (*сўзма-сўз:* шаҳарликнинг ҳам, саҳройининг ҳам оғзига тушмоқ)

– حَاضِرٌ[2] *кўп.* حُضُورٌ 1) ҳозир бўлувчи, ҳозир бўлган, ҳозир; 2) ҳозирги (*замон*); ҳозирги вақтдаги, жорий; ~ الْـ ҳозирги вақт; فِي ~ الْـ *ёки* فِي الْوَقْتِ الْـ~ ҳозир; 3) тайёр, тахт, нақд; !~ хўп, хўп бўлади!

– حَاضِرَةٌ *кўп.* حَوَاضِرُ 1) асосий шаҳар, пойтахт, марказ; الْبَادِيَةُ وَالْـ~ ўтроқлар ва кўчманчилар; 2) ўйингоҳ, стадион

– حَضَارَةٌ 1) ўтроқ ҳаёт, шаҳар ҳаёти; 2) маданиятлилик, маданият; 3) (моддий) маданият, цивилизация; بَائِدَةٌ ~ йўқ бўлиб кетган маданият, цивилизация

– حَضَارِيٌّ маданиятга оид, цивилизацияга оид; маданий; الْمُؤَرِّخُ الْـ~ маданиятлар тарихи бўйича мутахассис; الْقَيِّمُ الْـ~ маданият бойликлари, маданий бойликлар; ~ تَطَوُّرٌ маданият тараққиёти; الْمُسْتَوَى الْـ~ маданият савияси, маданий савия

– حَضَرٌ 1) ўтроқ ҳаёт, шаҳар ҳаёти; 2) ўтроқ аҳоли, шаҳар аҳолиси; 3) маданият

– حَضْرَةٌ[1] 1) ҳозирлик, ҳузур; فِي ~ـِهِ унинг ҳузурида; шаҳар (*Шимолий Африкада*); марказ; пойтахт; 3) *дин.* жума намозида иштирок этиш (*исломда*); ибодат йиғини (*христианларда*)

– حَضْرَةٌ[2] *кўп.* حَضَرَاتٌ жаноб, хоним; ~ُ صَاحِبِ الْفَخَامَةِ رَئِيسُ الْجُمْهُورِيَّةِ республика президенти жаноби олийлари; ~ُ صَاحِبِ الْفَضِيلَةِ مُفْتِي الدِّيَارِ الْمِصْرِيَّةِ Миср ўлкасининг муфтийси жаноби олийлари, ~ُ صَاحِبَةِ الْعِصْمَةِ هُدَى هَانِمِ الشَّعْرَاوِيُّ Ҳудо ҳоним жаноби олиялари

– حَضَرَةٌ *эск.* қурилиш материали; ~ُ الْمَسْجِدِ масжид қурилишига кетган материал

– حَضَرِيٌّ 1. маданиятга оид; маданиятли; ~ةٌ مَطَالِبُ امْرَأَةٍ ~ةٌ маданий талаблар; замонавий (маданий, илғор) аёл; 2. ўтроқ, шаҳарлик, шаҳар одами

– حُضُورٌ 1) ҳузур; ~ُه فِي унинг ҳузурида; ~ عَدَمُ йўқлик, мавжуд бўлмаслик, ҳозир бўлмаслик, ~ الذِّهْنِ ўзини йўқотмаслик, ўзини дадил тутиш; 2) келиш; ҳозир бўлиш, ҳозирлик

– حُضُورِيٌّ томонларнинг ҳозирлигида амалга ошган; ~اً юзма-юз, рўпарама-рўпара

– حَضِيرَةٌ *кўп.* حَضَائِرُ гуруҳ, группа; *ҳарб.* отряд

– مُتَحَضِّرٌ 1) ўтроқ ҳолатда яшовчи, шаҳарлик; 2) маданиятли, маданий

– مُحَاضِرٌ маърузачи, маъруза қилувчи; лектор

– مُحَاضَرَةٌ *кўп.* ~ـَاتٌ (*оммабоп*) маъруза; ~ً أَلْقَى маъруза қилмоқ, лекция ўқимоқ

– مُحْتَضَرٌ 1) жин йўлиққан, жинларга дучор бўлган; 2) ўлим талвасасида турган, ўлим олдидаги

– مَحْضَرٌ *кўп.* مَحَاضِرُ 1) ҳозирлик, мавжудлик; 2) йиғилиш, мажлис; 3) жамият, жамоат; 4) акт, протокол, қайд

– مُحْضِرٌ 1) ҳозир қилувчи, етказувчи, тайёрловчи; 2) чорловчи, чақирувчи; ~ُ الْمَحْكَمَةِ суд ижрочиси

– مُحَضِّرٌ лаборант, ўқитувчи ёрдамчиси

– مَحْضُورٌ жин йўлиққан, жинларга дучор бўлган; жин урган

– مُسْتَحْضَرٌ *кўп.* ~ـَاتٌ маҳсул, маҳсулот; *хим. фарм.* дори, препарат

– حَضَرْمِيٌّ *кўп.* حَضَارِمَةٌ ҳазрамавтлик, Ҳазрамавтда яшовчи

I **حَضَنَ** (*у*) حَضْنٌ, حِضَانَةٌ 1 кўкракка босмоқ, қучоқламоқ, оғушга олмоқ; 2) боқмоқ, ўстирмоқ, вояга етказмоқ, тарбияламоқ; 3) тухум босиб, бола очмоқ; VIII احْتَضَنَ 1) бағрига босмоқ, қучоқламоқ, кўкракка босмоқ, оғушига олмоқ; ўз ичига олмоқ; 2) боқмоқ, қарамоқ, парваришламоқ, парвариш қилмоқ, вояга етказмоқ, тарбияламоқ; 3) олмоқ; نَصِيبَهُ مِنْ هَذِهِ الْحَيَاةِ ~ ҳаётдан ўз насибасини териб емоқ, олмоқ

– حَاضِنٌ[1] *кўп.* حَضَنَةٌ, حُضَّانٌ тарбиячи, мураббий

– حَاضِنٌ[2] *кўп.* حَوَاضِنُ тўп ўрнатиладиган супача, лафет; ҳаракатчан, ўзи ҳаракат қиладиган таглик (*машиналар учун*)

– حَاضِنَةٌ *кўп.* حَوَاضِنُ энага

– حَضَّانٌ 1) қамраб олувчи; 2) мароқли, жозибали, қизиқарли, қизиқтирадиган

– حِضَانَةٌ 1) ўстириш, вояга етказиш, парваришлаш; тарбия; دَارُ ~ الْـ ясли; الْأَوْلَادِ ~ نَفَقَاتُ болаларни тарбиялаш учун тўланадиган нафақа (алимент); 2) ғамхўрлик, назорат қилиш, қараб туриш, васийлик; 3) тухум босиб, бола очиб чиқиш; 4) *мед.* касалнинг пайдо бўлганидан биринчи аломатлари кўрингунча ўтган давр

– حَضْنٌ 1) қучоқлаш, бағрига босиш; 2) тухум босиб, бола очиш

– حِضْنٌ 1) кўкрак; 2) қучоқ, оғуш; ... ارْتَمَى فِي أَحْضَانِ ...нинг қучоғига ўзини отмоқ; ~ِ الْـ بِ أَخَذَهُ (قَبْلَهُ) (*бирор к. ни*) қучоқ очиб кутиб олмоқ; ... فَتَحَ أَحْضَانَهُ لِـ (*бирор н. га*) кўксини очмоқ

– حَضْنَةٌ она товуқ босадиган тухум

– مَحْضَنَةٌ *кўп.* مَحَاضِنُ ясли

I **حَطَّ** (*а/у*) حَطٌّ 1) қўймоқ, ўрнаштирмоқ, жойлаштирмоқ, солмоқ; 2) олмоқ, олиб қўймоқ, олиб ташламоқ; عَنْهُ الْأَعْلَالَ ~ (*бирор к. ни*) кишандан бўшатмоқ; 3) тўхтамоқ; 4) қўнмоқ, тушмоқ; пастламоқ; ерга қўнмоқ (*самолёт ҳақида*); الرِّحَالَ ~ лагерь қурмоқ, лагерь бўлиб жойлашмоқ; (*бирор жойга*) кўчиб бориб жойлашмоқ (فِي); ~ ... (فِي) رَحْلَهُ عِنْدَ *қар.* رَحْلٌ 5) (*бирор н. ни*) камайтирмоқ, камайтириб кўрсатмоқ (مِنْ); مِنْ سُمْعَتِهِ ~ бирор кимни обрўсизлантирмоқ, эътиборини кетказмоқ; مِنْ قَدْرِهِ ~ бирор кимнинг қадр-қимматини ерга урмоқ; مِنْ قِوَاهُ ~ бирор кимни кучсизлантирмоқ; مِنْ قِيمَتِهِ ~ бирор нарсанинг баҳосини пасайтирмоқ; مِنْ كَرَامَتِهِ ~ бирор кимни ҳақорат қилмоқ, таҳқир этмоқ; 6) (*нархи*) тушмоқ, пасаймоқ; ◊ عَلَيْهِ ~ бирор кимга қарши туҳмат ёғдирмоқ; II حَطْطَ ўзидан соқит қилмоқ (*юкни, оғирликни*); V تَحَطَّطَ (*бирор к. га*) қарши оёқлантирмоқ, гижгижламоқ; (*бирор к. дан*) жаҳли чиқмоқ (عَلَى); VII انْحَطَّ 1) пастламоқ, пастга қараб шўнғимоқ; 2) тушмоқ, пасаймоқ, (*мас., нарх-навo*); 3) таназзулга юз тутмоқ; 4) жойлаштирилмоқ; تَحْتَ الْمُلَاحَظَةِ ~ назорат остига олинди, у назорат остида турибди; 5) бошга тушмоқ (عَلَى - *мас., мусибат*); VIII احْتَطَّ бўшатмоқ, чиқармоқ, туширмоқ; қуймоқ, ўрнаштирмоқ, жойлаштирмоқ; X اسْتَحَطَّ арзонлаштиришни сўрамоқ

– أَحَطُّ энг паст, энг тубан, ... مِنْ ~ ...дан ҳам тубан

– انْحِطَاطٌ 1) пастлаш, пастга қараб шўнғиш; 2) таназзул; ёмонлашиш (*мас., соғлиқ*); 3) паст даража, номукаммаллик, нотекислик

– حَطَّةٌ 1) камайтириш, камайтириб кўрсатиш, пастлатиш; ~ مَكَانَةٍ бирор нарсанинг паст мавқеи; 2) ерга уриш; менсимаслик, назарга илмаслик, писанд қилмаслик; ҳақоратлаш

– حَطِيطَةٌ 1) (*қарз ҳужжатларининг*) ҳисоб-китоби; 2) скидка (*нархдан ёки оғирликдан ўтиб бериш*)

– مَحَطٌّ 1) тўхтаб туриш жойи; (*юкни ёки бирор н. ни*) қўйиш жойи; тўхташ (қўниш) жойи; станция, қўналға; ~ُ الْبَضَائِعِ юк (товар)

станцияси; ~ لِرِحَالِ الْقَوَافِلِ карвонларнинг қўниш жойи; 2) *муз.* каденция, хотима; ◊ آمَالِهِ ~ кимларнингдир умид қилган нарсаси; ~ الأَنْظَارِ ҳамманинг эътибори қаратилган нарса

– مَحَطَّةٌ *кўп.* ـَـ اتٌ مَحَاطُّ, тўхтаб ўтиш жойи; станция; бекат, қўналға; ~ الْوُصُولِ бориб етиладиган станция; نَاظِرُ ~ الْـ станция бошлиғи; ~ الإِذَاعَةِ радио эшиттириш станцияси; ~ الإِرْسَالِ узатиш (тарқатиш) станцияси; ~ الاسْتِقْبَالِ қабул қилувчи радиостанция; ~ لاَ سِلْكِيَّةٌ радиостанция; ~ تَحَكُّمٍ رَئِيسِيَّةٌ (*энергия тизимининг*) бош диспетчерлик пункти, ~ كَهْرَبَائِيَّةٌ электростанция; ~ كَهْرَذَرِّيَّةٌ атом электростанцияси; ~ الْـ الْكَوْنِيَّةُ космик станция; ~ لِلأَرْصَادِ الْجَوِّيَّةِ метеорологик станция; ~ مُحَوِّلاَتِ трансформатор кичик станцияси; ~ أَوْقَفَ التِّرَامَ بِلاَ трамвайни бекатдан ташқарида тўхтатмоқ

– مُنْحَطٌّ 1) паст, қадр-қиммати паст, эътибори йўқ, номукаммал; пасткаш, тубан; 2) таназзулга юз тутган

I **حَطَأَ** (*а*) حَطْءٌ бирор кимнинг орқасига шапатилаб урмоқ

I **حَطَبَ** (*и*) حَطْبٌ ўтин термоқ, ўтин ёрмоқ; ~ فِي حَبْلِهِ бирор кимга ёрдам бермоқ; II حَطَّبَ = I; VIII احْتَطَبَ кесмоқ (*ёғочни*); ўтин ёрмоқ

– تَحْطِيبٌ 1) ўтин ёриш; 2) таёқлар билан олишиш (*Юқори Мисрдаги спорт ўйини*); ~ رَقْصُ الْـ таёқ ўйини (*Юқори Мисрда таёқ ушлаб тушиладиган рақс*)

– حَطَّابٌ ўтин қилувчи, ўтинчи; дарахт кесувчи, ёғоч кесувчи, ёғоч тайёрловчи

– حَطَبٌ *кўп.* أَحْطَابٌ ўтин; ёқилғи; ◊ لِلْحَرْبِ ~ тўп еми (*қирғинга юбориладиган солдатлар*)

I **حَطَمَ** синдирмоқ, парчаламоқ; II حَطَّمَ бузмоқ, майдалаб синдирмоқ, синдириб майдаламоқ; майда қисмларга бўлмоқ; ~ إِرَادَةَ الشَّعْبِ халқ иродасини букмоқ; V تَحَطَّمَ майда-майда бўлиб кетмоқ, чил-чил бўлмоқ; синмоқ, синдирилмоқ; VII انْحَطَمَ вайрон бўлмоқ, бузилмоқ, синмоқ, синдирилмоқ; мажақланмоқ

– تَحْطِيمٌ бузиш, вайрон қилиш, тор-мор қилиш; ~ الذَّرَّةِ *физ.* атомнинг парчаланиши

– حُطَامٌ синиқ, бўлак, парча, қолдиқ; ~ السَّفِينَةِ кема парчалари; ~ الدُّنْيَا а) дунёнинг ўткинчи ноз-неъматлари; б) обрў-эътибор, мол-мулк, бисот

– حُطَمَةٌ: ~ الْـ дўзах номларидан бири; ~ رَجُلٌ еб тўймас одам, серовқат одам

– حُطْمَةٌ *кўп.* حُطَمٌ синиқ, бўлак, парча, қолдиқ

– ~ الْـ[1] ал-Ҳатим (*Каъбатуллоҳ деворларидан бир қисмининг номи*)

– حَطِيمٌ[2] вайрон бўлган, тор-мор қилинган

– مُحَطِّمٌ бузувчи, синдирувчи; ~ الْبَاخِرَةُ الْـ الْجَلِيدِ музёрар кема

حُطِّيٌّ бўш, заиф, нимжон; камбағал, қашшоқ, бечора

I **حَظَّ** (*и/а*) حَظٌّ 1)бахтли бўлмоқ, бахтиёр бўлмоқ, саодатга эришмоқ; 2) ризқи баланд бўлмоқ; IV أَحْظَّ = I

– حَظٌّ *кўп.* حُظُوظٌ улуш, насиба, тақдир, қисмат; бахт, саодат, омад; муваффақият, катта ютуқ; тўқлик, бадавлатлилик, мўллик; хурсандлик, мамнунлик, шодлик; роҳат, ҳузур-ҳаловат; ~ سُوءُ الْـ муваффақиятсизлик, бахтсизлик, омадсизлик; مِنْ لِسُوءِ الْـ *ёки* ~ سُوءِ الْـ бахтга қарши; ~ لِحُسْنِ الْـ *ёки* ~ حُسْنِ الْـ хайрият, яхшики, яхшиямки; ~ الْـ خَانَهُ унинг бахтига; ~ مِنْ الْحَسَنِ ـه ундан омад кетди; ... ~ الْـ أَنْ أَتَاحَ لَهُ унга ...иш муяссар бўлди; ~ الْـ أَنَّ ... لَعَنَ تақдирга лаънат ўқимоқ, ... لَقَدْ أَسْعَدَنِي الْـ мен шундан бахтлиманки, ...

– حَظِيظٌ бахтли, омадли, толеи ёр

– مَحْظُوظٌ 1. бахтиёр қилинган; бахтли, бахтиёр; шод, хуррам; 2. севикли, жонажон, азиз, манзур

– مَحْظُوظِيَّةٌ ҳузур-ҳаловат; шодлик, хуррамлик

I **حَظَرَ** (*у*) حَظْرٌ 1) қўрғон қилиб ўрамоқ, девор билан ўраб олмоқ; 2) (*бирор к. га*) ман этмоқ, таъқиқламоқ (عَلَى); 3) молхонага (*қўрага*) жойламоқ (*ҳайвонларни*); II حَظَّرَ тамоман ман этмоқ, мутлақо таъқиқламоқ, VIII احْتَظَرَ атрофини қўра қилиб ўраб олмоқ

– حِظَارٌ қўра, ғов, тўсиқ, девор

– حَظْرٌ таъқиқ, таъқиқлаш, ман этиш; ~ عَلَى وَارِدَاتِ эмбарго, молни мамлакатга келтиришни таъқиқлаш; ~ التَّجَارِبِ النَّوَوِيَّةِ ядро синовларини таъқиқлаш

– حَظِيرَةٌ *кўп.* حَظَائِرُ қўра, ғов, тўсиқ; молхона, қўйхона; ~ الْبَهَائِمِ оғилхона; ~ الْغَنَمِ қўйхона, қўтон; ~ لِتَرْبِيَةِ الْبَدَارِيِّ паррандалар асрайдиган хона, товуқ катаги; ~ الْمُنْطَادِ аэростатлар турадиган, қўнадиган жой; ◊ الْقُدْسِ ~; жаннат; ... ~ دَخَلَ فِي ...нинг таркибига кирмоқ

– مَحْظُورٌ 1. ман этилган, таъқиқланган; 2. *кўп.* ـَـ اتٌ таъқиқланган нарсалар: ـَـ اتٌ таъқиқлар; الضَّرُورَاتُ تُبِيحُ ضَرُورَةٌ *қар.* الْـ ات

I **حَظِيَ** (*а*) حَظْوَةٌ, حِظْوَةٌ 1) роҳатланмоқ, масза қилмоқ, завқланмоқ; фойдаланмоқ; (*бирор н. қилиб*) ҳузур олмоқ, лаззатланмоқ (ب); ~ بِتَأْيِيدِهِ қўллаб-қувватлашидан фойдаланмоқ; ~ بِثِقَتِهِ ишончидан фойдаланмоқ, баҳраманд бўлмоқ; ~ بِشَرَفِ التَّعَرُّفِ بِهِ у билан танишиш шарафига муяссар бўлмоқ; ~ بِمُقَابَلَتِهِ у билан бўлган учрашувдан баҳраманд бўлмоқ, у билан учрашиш

насиб бўлмоқ; 2) (*бирор н. ни*) олмоқ (ب) ; 3) ҳурматли бўлмоқ, эътибор эгаси бўлмоқ; VIII احْتَظَى = I

– حُظْوَةٌ 1) юқори даража, имтиёзли даража; мурувват, лутф, эътибор; қулайлик туғдириш; маъқуллаш; ҳурмат қилиш; نَالَ ~ عِنْدَهُ унинг мурувватига сазовор бўлмоқ; 2) бахт, толе

– حَظِيٌّ обрў-эътиборли, юқори мартабали

– حَظِيَّةٌ *кўп.* حَظَايَا никоҳсиз хотин, ўйнаш

– حَظِيَّةٌ *кўп.* ـَـاتٌ = حَظِيَّةٌ

I **حَفَّ** (*a/y*) حَفٌّ 1) (*бирор н. билан*) ўраб олмоқ (ب); بِالْمَخَاطِرِ ~ хавф-хатарлар таҳдид қилмоқ; 2) (*бадандаги*) жунни қирмоқ; олдирмоқ (*мас., соқолни*); 3) қириб олмоқ, қиртишлаб ташламоқ; 4) бир нарсанинг ўзини жуда кўп емоқ; حَفَّ[1] (*u/u*) حُفُوفٌ қуримоқ; ~ـــتِ الأَرْضُ ердаги ҳамма нарса қуриди; حَفَّ[1] (*u/y*) حَفِيفٌ 1) шовқин солмоқ; шитирламоқ, шалдирамоқ, шилдирамоқ, шитир-шитир қилмоқ; 2) шир-шир қилмоқ (*арраниг овози ҳақида*); II حَفَّفَ *1) ўраб олмоқ; 2) (бадандаги) жунни қирмоқ, олмоқ;* VIII اِحْتَفَّ (*бирор к. ни, бирор н. ни*) ўраб олмоқ; (*бирор н. атрофида*) жипслашмоқ

– حَافٌّ 1) ўраб олган, ўраб олувчи; 2) қўшиб ейдиган нарсаси йўқ (*мас., нон*)

– حَافَّةٌ *кўп* حَوَافُّ 1) чет, қирғоқ, тўсиқ; عَلَى ~ الْحَرْبِ уруш арафасида; 2) қирғоқ, соҳил; ~ الْقَارَّةِ океан, денгизнинг қитъага туташган қисми

– حَفَافٌ *кўп.* أَحِفَّةٌ чет, қирғоқ, ён, биқин

– حُفُوفٌ тукларни юлиш, олиш (*мас., юздаги*)

– حَفِيفٌ 1) шитирлаш, шалдираш, шилдираш; 2) ширилдаш (*арра овози ҳақида*)

– مِحَفَّةٌ *кўп.* ـَـاتٌ ـِـ замбил; тахтиравон, моафа; касаллар аравачаси, коляска; касаллар замбили (носилкаси)

I **حَفَدَ** (*y*) حَفْدٌ, حَفَدَانٌ (*бирор н. ни*) тез бажармоқ; IV أَحْفَدَ тезлик билан кўтармоқ, тезда кўтармоқ

– حَافِدٌ *кўп.* حَفَدَةٌ хизматкор

– حَفْدٌ тезлик, суръат

– حَفِيدٌ *мн.* حَفَدَةٌ *кўп.* أَحْفَادٌ, набира, невара

– مَحْفِدٌ *кўп.* مَحَافِدُ насл, зурриёт, авлод

I **حَفَرَ** (*y*) حَفْرٌ I) кавламоқ; кавлаб олмоқ, кавлаб чиқармоқ, кавлаб ташламоқ, кавлаб топмоқ; حُفْرَةٌ ~ чуқур кавламоқ; *кўч.м* зимдан чоҳ қазмоқ; 2) маъдан, ёғоч *ёки* тошга ўйиб нақш солмоқ, ўйиб ишламоқ; عَلَى الْخَشَبِ ~ ёғочни ўйиб нақш солмоқ; عَلَى ~ الْعِظَامِ суякка нақш ишламоқ; عَلَى الْمَعْدَنِ ~ маъданни ўйиб нақш чизмоқ; 3) пармалаб кавламоқ; VIII اِحْتَفَرَ кавламоқ, қазмоқ, қазимоқ

– أُحْفُورٌ *кўп.* أَحَافِيرُ 1) кавлаб топилган нарса; археологик топилма; 2) қазилма

– أُحْفُورَةٌ = أُحْفُورٌ

– حَافِرٌ *кўп.* حَوَافِرُ туёқ; ~ وَ خَفٌّ туялар ва отлар; وَقَعَ الْـ~ عَلَى الْـ~ бир жуфт олмадек ўхшаш бўлмоқ; жуда тўғри, ҳеч нариберисида йўқ

– حَافِرَةٌ[1] *кўп.* ـَـاتٌ ـِـ экскаватор; عُرْفَةُ الْـ~ экскаватор кабинаси

– حَافِرَةٌ[2] бидоя, ибтидо, бошланиш; رَجَعَ إِلَى ~ـِـهِ бошланғич ҳолатга қайтмоқ, аслига қайтмоқ; عِنْدَ الْـ~ـِـهِ бошланишида, дарҳол, ўша пайтнинг ўзида

– حَافِرِيٌّ 1) туёққа оид, туёқли; 2) туёқ шаклидаги

– حَفَّارٌ 1. қазувчи; ~ الْقُبُورِ гўрков; 2. 1) ер қазувчи; 2) ўймакорлик билан шуғулланувчи; 3) *зоол.* бузоқбоши

– حَفَّارَةٌ ер кавлайдиган машина; экскаватор

– حَفْرٌ 1) кавлаш, қазиш; وَرَدْمٌ ~ қазиш ишлари; 2) ўймакорлик; 3) *мед.* тиш касалланиши; тишда ҳосил бўладиган тош, дурда

– حَفَرٌ *мед.* тиш касалланиши

– حُفْرَةٌ *кўп.* حُفَرٌ чуқур, чоҳ

– حَفْرِيَّاتٌ *кўп.* 1) қазиб олиш, қазиб (кавлаб) чиқариш; عِلْمُ الْـ~ археология; қазиш пайтида топилган ашёлар

– حَفِيرٌ кавлаб олинган, қазиб чиқарилган

– حَفِيرَةٌ *кўп.* حَفَائِرُ 1) чуқур, чоҳ; хандақ, зовур; 2) қазиладиган жой; عُلَمَاءُ الْحَفَائِرِ археологлар

– مَحْفُورٌ 1) кавланган, кавлаб ташланган, қазилган; 2) ўйиб нақш ишланган; ~َةٌ صُورَةٌ ўйиб ишланган расм, гравюра

I **حَفَزَ** (*u*) حَفْزٌ 1) (*бирор н. қилишга*) ундамоқ, жалб қилмоқ, қизиқтирмоқ (عَلَى, إِلَى); 2) санчиб олмоқ, санчиб тешмоқ; V تَحَفَّزَ (*бирор н. га*) тайёр турмоқ, ҳозир турмоқ, бўлмоқ (لِـ); VIII اِحْتَفَزَ 1)= V; 2) тиззалаб *ёки* чўкка тушиб ўтирмоқ; ялпалмай, қисиниб ўтирмоқ

– حَوَافِزُ *кўп.* рағбатлантирувчи нарса, туртки, бирор ишни орзулашга бўлган сабаб

– حَفَّازٌ *кўп.* ـَـاتٌ ـِـ *кимё.* катализатор (*реакцияларни юзага келтирувчи ёки тезлатувчи модда*)

حَفْشٌ *зоол* осётрлар оиласига мансуб балиқ тури; ~ كَبِيرٌ ~ *ёки* أَبْيَضُ катта оқ балиқ; ~ صَغِيرٌ осётрлар оиласига мансуб балиқ тури

– حِفْشٌ кичик уй, уйча

– حُفَيْشٌ осётр, бикри (*балиқнинг бир тури*)

I **حَفِظَ** (*a*) حِفْظٌ 1) асрамоқ, сақламоқ, авайламоқ, эҳтиёт қилмоқ; риоя қилмоқ; ғамхўрлик қилмоқ, жон куйдирмоқ; ҳимоя қилмоқ; ~ـُـهُ حِفْظَ حَدَقَةِ (بِالْبَرِيدِ) (بِالْبُوسْتَةِ) йўқлаб олинадиган хат; الْعَيْنِ бирор нарсани кўз қорачиғидек сақламоқ; 2) ёддан билмоқ, ёдламоқ, ёд олмоқ, ёдлаб олмоқ, хотирда сақламоқ; 3) ғамлаб қўймоқ, ғамламоқ; консерва қилмоқ; ◊ عَلَى ظَهْرِ قَلْبٍ ~ ёдламоқ,

ёдлаб олмоқ, ёддан билмоқ; II حَفَّظَ 1) (*Қуръони каримни*) ёдлаб олмоқ, ёдламоқ, хотирда сақламоқ; 2) ёдлатмоқ, ёд олишга ўргатмоқ; уқтирмоқ, тушунтирмоқ; 3) аччиғини келтирмоқ, жаҳлини чиқармоқ, ғазабини келтирмоқ, ғазаблантирмоқ; III حَافَظَ асрашга (сақлашга, эҳтиёт қилишга) уринмоқ (ҳаракат қилмоқ); риоя қилмоқ; (*бирор н. га*) ғамхўрлик қилмоқ, жон куйдирмоқ (عَلَى); ҳимоя қилмоқ, қўриқламоқ, мудофаа қилмоқ (عَلَى); IV أَحْفَظَ ғазабини қўзғамоқ, ғашига тегмоқ, аччиқлантирмоқ, жаҳлини чиқармоқ (*бирор к-ни бошқа бирор к. га қарши*) нафратини қўзғамоқ, қаҳрлантирмоқ (عَلَى); V تَحَفَّظَ 1) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ; ҳушёр бўлмоқ, ҳушёр бўлиб турмоқ; 2) ўзини тута билмоқ, вазмин бўлмоқ, сипо бўлмоқ; 3) (*бирор н ҳақида*) ғам емоқ, қайғурмоқ (ب); 4) бирин-кетин ёд олмоқ; VIII اِحْتَفَظَ 1) ўзи учун асрамоқ (сақламоқ), тўхтатиб қолмоқ, тутиб қолмоқ (ب); ўзида сақлаб қолмоқ; حَقَّ الرَّدِّ فِيمَا بَعْدُ ~ ўзида жавоб қайтариш ҳуқуқини сақлаб қолмоқ; لِنَفْسِهِ بِحَقِّهِ ~ (*бирор н. қилиш*) ҳуқуқини ўзида сақлаб қолмоқ (فِي, عَلَى) بِرَأْيِهِ ~ ўз фикрида қолмоқ; 2) сақланмоқ, асралмоқ; 3) (*бирор н. га*) риоя қилмоқ (ب); X اِسْتَحْفَظَ (*бирор к. дан*) сақлашни (асрашни) илтимос қилмоқ (сўрамоқ)

– تَحَفُّظٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) эҳтиёткорлик, ҳушёр туришлик; вазминлик, сиполик; ~ ضَحِكَ فِي غَيْرِ ـــ ўзини тўхтатолмай кулмоқ; ~ـــ вазминлик билан, ўзини босиб олган ҳолда; 2) консерватизм; 3) *кўп.* изоҳ, шарҳ; шарт, баҳона; ~ـــ اتٌ دُونَ сўзсиз, ҳеч бир шарт қўймасдан

– تَحَفُّظِيٌّ эҳтиёт шарт деб қилиб қўйилган, эҳтиёткорлик сифатидаги, олдини олиш сифатида амалга оширилган, олдиндан амалга оширилган; ~ـــةٌ إِجْرَاءَاتٌ олдини олиш учун бажариладиган чоралар

– تَحْفِيظٌ ёд олиш, ёдлаш

– حَافِظٌ *кўп* حُفَّاظٌ, حَفَظَةٌ 1. 1) авайлаб сақловчи, эҳтиёт қилувчи; 2) ёддан билувчи; 2. 1) сақловчи, қўриқловчи; 2) *кўп.* حَوَافِظُ сақлагич; 3) Қуръони каримни ёддан билувчи қори, ҳофиз

– حَافِظَةٌ[1] хотира, ҳофиза

– حَافِظَةٌ[2] *кўп* حَوَافِظُ 1) рўйхат, хотира ёзуви; 2) ҳамён, кармон; сумка; ~ الْكُتُبِ жилд, сумка; ~ الْأَوْرَاقِ *ёки* ~ النُّقُودِ ҳамён, кармон

– حِفَاظٌ[1] сақлаш, асраш, авайлаш; қўриқлаш, ҳимоя; ~ عَلَى السِّلْمِ тинчликни ҳимоя қилиш

– حِفَاظٌ[2] *кўп* اتٌ ـــ қуллоб (*тананинг касал жойини танғиб қўядиган камар, белбоғ*); бинт

– حِفْظٌ 1) асраш, сақлаш, қўриқлаш, ҳимоя; 2) ёдлаш, ёдда сақлаш, ёд олиш; 3) консервалаш, консерва қилиш; 4) риоя қилиш, амал қилиш

– حَفَظَةٌ *кўп.* одамларнинг номаи аъмолини битувчи фаришталар

– حِفْظَةٌ ғазаб, қаҳр, жаҳл, кек, адоват

– حَفِيظٌ 1. қўриқловчи, пойловчи, сақловчи; 2. пойлоқчи

– حَفِيظَةٌ *кўп.* حَفَائِظُ = حِفْظَةٌ: ~ـــهُ أَثَارَ бирор кимнинг ғазабини қўзғатмоқ, жаҳлини чиқармоқ

– مُتَحَفِّظٌ оғир табиатли, вазмин, саботли, чидамли

– مُحَافِظٌ 1. 1) қўриқловчи, пойловчи; риоя қилувчи; ~ عَلَى الْمَوَاعِيدِ жуда аниқ, ўз вақтида бажарувчи; 2) консерватив, эскиликни сақлаб қолишга интилувчи; 2. 1) сақловчи, назоратчи; пойлоқчи; 2) консерватор; ~ـــينَ حِزْبُ الْـ консерваторлар партияси; 3) муҳофиз (*муҳофаза бошлиғи*), губернатор

– مُحَافَظَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) риоя қилиш, сақлаш, асраш, авайлаш; ~ عَلَيْهِ بِالْـ اتَّعَهَّدُ уни ўз ҳаётимдек асраш кафиллигини оламан; 2) муҳофаза (*муҳофиз бошқарадиган маъмурий-ҳудудий бирлик*)

– مِحْفَظَةٌ, مَحْفَظَةٌ *кўп.* مَحَافِظُ портфель, папка, ~ نَقْدِيَّةٌ *ёки* ~ الْجَيْبِ ҳамён, кармон; 2) ғилоф, жилд

– مَحْفُوظٌ сақланаётган, асралаётган, қўриқланаётган; ~ بِالْبَرِيدِ (بِالْبُوسْتَةِ) йўқлаб олинадиган хат; 2) ёдланган, эсда қолган; 2)консерваланган

– مَحْفُوظَاتٌ *кўп.* 1)архивдаги делолар, архив ҳужжатлари, архив; ~ـــ دَارُ الْـ архив (*идора, ташкилот*); 2) (*мактабларда*) ёд олинадиган материаллар

– مُسْتَحْفَظٌ *ҳарб.* захира, запас, резерв

I **حَفَلَ** (*u*) حَفْلٌ, حُفُولٌ 1) тўпланмоқ, жамланмоқ, йиғинмоқ; келиб тўпланмоқ, йиғилмоқ; 2) тўла бўлмоқ, тўлмоқ, (*бирор н. га ёки бирор н. билан*) тўлғазилмоқ (ب); 3) (*бирор н. га*) эътибор бермоқ, диққатни қаратмоқ (ب),(*бирор н. га*) аҳамият бермоқ (ب), يُحْفَلُ بِهِ муҳим; II حَفَّلَ 1) (*бирор н билан*) безамоқ, зийнат бермоқ (ب); 2) йиғмоқ, тўпламоқ; ~ النَّاقَةَ сути елинда тўпланиши учун туяни соғмай турмоқ; VIII اِحْتَفَلَ 1) тўпланмоқ, йиғилишмоқ; тантана ташкил қилмоқ, байрам қилиб ўтказмоқ; (*бирор н. ни*) нишонламоқ (ب); ~ بِالذِّكْرَى الْخَمْسِينَ عَلَى مَوْلِدِهِ бирор кимнинг эллик ёшини нишонламоқ; 2) (*бирор к. ни*) тантанали қабул қилмоқ, шарафламоқ (ب); 3) (*бирор н. га*) эътиборни қаратмоқ; (*бирор н. ҳақида*) қайғурмоқ

– احْتِفَالٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) лиқ тўлганлик; 2) тантана, байрам; тантана маросими, расмий тантана тартиби, ~ خِطَابِيٌّ тантанали митинг; ~ تَذْكَارِيٌّ юбилей тантаналари; ~ـــ بِـــ ...ни байрам қила туриб, ...ни тантанали нишонлаган ҳолда

– حَافِلٌ 1) (*бирор н. га*) тўла, лиқ; кўп сонли, кўп одамли; ~ جَمْعٌ кўп сонли оломон; 2) тантанали

– حَافِلَةٌ *кўп.* حَوَافِلُ, اتٌ ـــ 1) вагон; 2) автобус; киракаш извош

– حُفَالَةٌ нишхўрт, бирор ниманинг яроқсиз қисми

– حَفْلٌ 1) оломон; йиғин, халойиқ; компания; 2)тантана, нишонлаш; ~ اِفْتِتَاحِ الْمُؤْتَمَرِ конференциянинг, конгресснинг

очилиш тантанаси

– ~ حَفْلَةٌ, حَفَلَاتٌ тантана, байрам қилиш, байрам; тантанали йиғилиш; тантана маросими; тамоша, меҳмонлар билан ўтказиладиган кеча; ~ الاسْتِقْبَال қабул маросими (*мас. элчихонада*) ~ افْتِتَاحِ الْمُؤْتَمَرِ конференция, конгресснинг очилиши тантанаси; ~ التَّأْبِين мотам йиғилиши; ~ خِطَابِيَّةٌ митинг; ~ الْعُرْسِ ёки ~ الزَّوَاجِ ёки ~ الزِّفَافِ никоҳ маросими, тўй, никоҳ тўйи; ~ رَاقِصَةٌ рақс кечаси; ~ الشَّايِ банкет, зиёфат, чойхўрлик; ~ تَمْثِيلِيَّةٌ спектакль; ~ سِينَمَائِيَّةٌ киносеанс; ~ سَاهِرَةٌ кеча базм, гап; ~ مُوسِيقِيَّةٌ концерт; ~ لِمَوْلِد туғилган кун тантаналари; ~ الدَّفْنِ дафн маросими; ~ التَّبَرُّكِ фотиҳа олиш маросими (*сафар олдидан*)

– مُحْتَفَلٌ 1. ب ~ қутланувчи, нишонланувчи; 2. тўпланиш жойи

– مَحْفِلٌ *кўп.* مَحَافِلُ 1) тўпланиш жойи; 2) ячейка (*масонлар ташкилотиники*); 3) йиғин, мажлис; 4) *кўп.* доиралар; الْمَحَافِلُ الرَّسْمِيَّةُ расмий доиралар; الْمَحَافِلُ السِّيَاسِيَّةُ сиёсий доиралар; الْمَحَافِلُ الْمُطَّلِعَةُ огоҳлантирилганлар; хабардор бўлганлар доираси

– مِحْفَلَةٌ *кўп.* ـاتٌ замбил, носилка

حَفْلَطَ безамоқ, зийнатламоқ, ясатмоқ

– حَفْلَطَةٌ зийнат, безак

I (حَفَنَ) **حَفْنٌ** 1) (*бирор н. ни*) ҳовучлаб олмоқ; 2) оз миқдорда бермоқ

– حَفْنَةٌ, حُفْنَةٌ, حَفَنَاتٌ, حُفَنٌ *кўп.* ҳовуч, сиқим, кафт, чимдим; ~ مِنْ كِبَارِ الْمَالِيِّينَ бир ҳовуч йирик банкирлар

حفى *қар.* حفي

I **حَفِيَ**[1] (*а*) حَفَاوَةٌ хурсандлик билан, қизғин кутиб олмоқ, (*бирор к. ни*) ҳурматини ўрнига қўйиб қабул қилмоқ (ب), حَفِيَ[2] (*а*) حَفًى 1) ялангоёқ юрмоқ; 2) юраверib оёғи оғримоқ; IV أَحْفَى 1) (*мўйловни*) яхшилаб қиртишламоқ; 2) суриштириб билмоқ, билишга уринмоқ; 3) ўрганмоқ; V تَحَفَّى (*бирор к. га*) иззат-икром кўрсатмоқ (ب); VIII احْتَفَى 1) (*бирор к. ни*) тантанали равишда кутиб олмоқ; хурсандлик билан қабул қилмоқ (ب); тантанали равишда кузатиб қўймоқ (ب); шарафламоқ; (*бирор к. ни*) зиёфат қилмоқ, сийламоқ, бавлимоқ; 2) (*бирор н. га нисбатан*) эътибор бермоқ, диққатини қаратмоқ (ب)

– احْتِفَاءٌ 1) тантанали кутиб олиш, шодиёна учрашув; илтифот; ҳурмат, эҳтиром

– حَافٍ *мн.* حَافِيَةٌ *кўп.* حُفَاةٌ ялангоёқ, оёқ яланг

– حَافِيَةٌ *қар.* حَافٍ

– حَفَاوَةٌ 1) тантанали кутиб олиш, шодиёна учрашув; 2) самимият, илтифот; сермулозаматлик, сертакаллуфлик; ـــ بِ самимият билан, лутфан; 3) шодлик, хурсандлик

– حَفِيٌّ *кўп.* حُفَوَاءُ, أَحْفِيَاءُ 1. 1) яхши билувчи, хабардор; 2. илтифотли (*бирор к. га*) ҳурмат, эътибор билан қаровчи (ب); لَقِيَ بِهِ ~ا бирор кимни ҳурмат-эҳтиром билан қабул қилмоқ (*карши олмоқ*); 2. 1) билимдон, олим; 2) аъзо (*мас., араб тили академиясига*)

– مُحْتَفًى بِهِ ~ шарафланувчи, қутланувчи

– مُحْفًى яхшилаб, қиртишлаб олинган (*мас., мўйлов*)

I (حَقَّ) **حَقٌّ** унинг ...и керак бўлмоқ (لَهُ, عَلَيْهِ), сенинг ...инг керак бўлмоқ (لَكَ, عَلَيْكَ), менинг ...им зарур бўлмоқ (لِي, عَلَيَّ); حُقَّ لَهُ унинг ...ишга ҳаққи бор, унинг ...иши керак; 2) ҳақиқий бўлмоқ, реал бўлмоқ, II حَقَّقَ амалга оширмоқ, ҳаётга татбиқ қилмоқ, татбиқ қилмоқ; бажармоқ; (*фаразни*) исбот қилмоқ; 2) тергамоқ, тергов қилмоқ (*жиноий иш*); (*бирор к. устидан*) тергов олиб бормоқ (مَعَ) 3) ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ 4) текширмоқ, текшириб чиқмоқ; тасдиқламоқ; ~ الذَّاتِيَّةَ шахсни тасдиқламоқ; 5) (*товушларни*) тўғри талаффуз қилмоқ; ~ حُرُوفَ اللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ араб тили товушларини тўғри талаффуз қилмоқ, III حَاقَّ ўзаро ҳақиқатни даъво қилмоқ; IV أَحَقَّ (*бирор н. да*) ҳақ бўлмоқ (فِي); ◊ ~ الْحَقَّ وَ أَبْطَلَ الْبَاطِلَ ҳақиқатни аниқлаб, қаллобликни фош қилмоқ; V تَحَقَّقَ 1) амалга ошмоқ, бажарилмоқ, рўёбга чиқмоқ, тўғри бўлиб чиқмоқ (*олдиндан айтилган башорат*) 2) тасдиқланмоқ, (*бирор н. га*) ишонмоқ, ишонч ҳосил қилмоқ, (*бирор н. ни*) албатта билиб, ўрганиб олмоқ (*тушум келишигида ёки* مِنْ); 3) тергов қилинмоқ; VI تَحَاقَّ ўзаро жанжаллашмоқ; VIII احْتَقَّ хусумат қилмоқ, урушмоқ, жанжал бошламоқ, X اسْتَحَقَّ 1) бирор нимага ҳақи бор бўлмоқ, бирор нимага ҳақдор бўлмоқ; қозонмоқ, лойиқ бўлмоқ, сазовор бўлмоқ, арзимоқ; يَسْتَحِقُّ الذِّكْرَ у хотирлашга арзийди; 2) (*бирор к. га*) тегишли бўлмоқ, тегиши лозим бўлмоқ (ـــ لِ), келмоқ, яқинлашмоқ (*тўлов муддати ҳақида*); تَسْتَحِقُّ كَافَّةُ الدُّيُونِ барча қарзларнинг тўлов муддати яқинлашмоқда

– أَحَقُّ энг катта ҳуқуққа эга, энг ҳақдор; энг арзийдиган, энг сазовор

– أَحَقِّيَّةٌ 1) ҳақ, ҳақ-ҳуқуқ, ҳуқуқлилик; қонунийлик, (*талабнинг*) адолатлилиги; 2) имтиёзли ҳуқуқ

– اسْتِحْقَاقٌ 1) сазоворлик; (*бирор н. га*) ҳақи борлик; ~ مِدَالِيَّةُ الـــ алоҳида муваффақият медали; ~ بِغَيْرِ (بِدُونِ) ўринсиз ҳолда, нолойиқ равишда, асоссиз равишда; ~ عَنْ ўринли равишда, хизматига яраша; 2) тўлов муддатининг яқинлашиши; тўловнинг зарурлиги; ~ يَوْمُ الـــ тўлов муддати (*куни*) (*мас., векселларнинг*)

– اسْتِحْقَاقَاتٌ *кўп.* мукофот, ажр, ҳақ, бадал

– تَحْقِيقٌ 1) амалга ошириш, бажариш, татбиқ қилиш; ~ الذَّاتِ *фалс.* ўзига борлиқнинг (*дунёнинг*) объективлигини рад этувчи субъект деб қараш; 2) текшириш; 3) ўрганиш, тадқиқ қилиш; 4) аниқлаш (*мас., ҳақиқатни*); тергов қилиш (*шунингдек*: قَضَائِيٌّ ~); дастлабки тергов, тергов олиб бориш; ~ أَجْرَى тергов олиб

бормоқ; ~ مَعَ الْحَانِي الـــ жиноятчи устидан олиб борилган тергов; ~ الذَّاتِيَّة ёки الشَّخْصِيَّة шахсни аниқлаш; ~ عَلَى وَجْهٍ ёки عَلَى الـــ аниқ, рост, тўғри; ~ان иқ, рост

– حَاقَّة фалокат, офат, мусибат; ~ الْـــ қиёмат

– حَقٌّ[1] ҳақиқий, чинакам; тўғри, адолатли (*мас*, *талаб, даъво*)

– حَقٌّ[2] *кўп* حُقُوقٌ ҳақ, ҳуқуқ; ~ صَاحِبُ الْـــ ҳуқуқ эгаси, ҳуқуқи бор киши; ~ فِي (عَلَى) الْعَمَلِ (الرَّاحَة) меҳнат қилиш (дам олиш) ҳуқуқи; ~ الْمُلْكِيَّة мулкка эгалик ҳуқуқи; ~ الانْتِفَاعِ фойдаланиш ҳуқуқи; ~ الامْتِيَازِ патент; ~ الْمُؤَلِّفِ муаллифлик (авторлик) ҳуқуқи; ~ النَّقْضِ وَالإِبْرَامِ вето ҳуқуқи; ~ الاتِّفَاقِ *юр.* бировнинг мулкидан маълум даражада фойдаланиш ҳуқуқи; ~ الْـــ الشُّعُوبِ فِي تَقْرِيرِ مَصِيرِهَا халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи; حُقُوقُ الإِنْسَانِ инсон ҳуқуқлари; حُقُوقٌ مَدَنِيَّة гражданлик ҳуқуқлари; حُقُوقٌ عَيْنِيَّة кўчмас мулкка эга бўлиш ҳақ-ҳуқуқлари; عِلْمُ الْحُقُوقِ ҳуқуқшунослик, юриспруденция; مَجْلِسُ الْحُقُوقِ трибунал; كُلِّيَّةُ الْحُقُوقِ ҳуқуқ факультети, юридик факультет; ~ عَنْ ёки ~ بِـــ ҳақли равишда, асосли равишда; بِغَيْرِ ~ ҳақсиз равишда, асоссиз равишда; وَ مِن ~هِمْ أَنْ يَفْتَخِرُوا улар фахрланишга ҳақлидирлар; ... مَلَكَ الْـــ فِي أَنْ ...га ҳақи бор бўлмоқ; ... أَعْطَى الْـــ لَهُ فِي أَنْ ...иш ҳуқуқини бермоқ; مِنْ ~نَا أَنْ نَقُولَ ... бизнинг ... дейишга ҳаққимиз бор; 2) адолат, одиллик, тўғрилик, ҳақиқат; ~ الْـــ مَعَكَ! сен ҳақсан!; ~ الْـــ عَلَى هُوَ у ҳақ!; وَالْـــ ~ يُقَالُ إِنَّ ростини айтганда ...; عَلَيْكَ сен ноҳақсан!; ... اسْتَخْلَصَ مِنْهُ بِالْـــ ~ وَبِالْبَاطِلِ алдаб-сулдаб, авраб бировдан пул олмоқ; تَعَرَّفَ زَيْدًا ~ الْمَعْرِفَة Зайдни у яхши танийди; عَلِمَ زَيْدًا ~ الْعِلْمِ Зайдни етарли даражада билмоқ; ~ا بِالْـــ ёки ~ ростдан, чиндан, ҳақиқатда, аслида; 3) ҳақ, тегиш, бажарилиши лозим нарса, мажбурият; عَلَيْكُمْ لِلْعِلْمِ ~ илм-фан йўлида сиз ...ишга мажбурсиз; ◊ ~ الْـــ Оллоҳ; ~ بِـــهِ унга нисбатан, унга, унинг адресига, у ҳақда; ~ مَحْضَرٌ بِـــهِ у ҳақда протокол тузилган; قَدَّمْتُ بِـــهِ (عَنْ ~هِ) تَقْرِيرًا мен у ҳақда баённома (доклад) тақдим этганман; ~ الشَّعْبِ جَرِيمَةٌ بِـــ халққа қарши қилинган жиноят

– حُقٌّ *кўп.* أَحْقَاقٌ 1) қути, қутича; яшик, яшикча; ~ الإِبْرَةِ *ёки* ~ الْمَلَّاحِينَ компас; 2) банкача; 3) чуқурча, чўнқир, ботиқ ер, ўпирилиб кетган ер, камар, ўра, уя; *анат* тизза кўзи, тизза қопқоғи; *анат* кўз косаси

– حِقٌّ *мн.* حِقَّة уч ёшдаги туя

– حَقَّانِيٌّ 1) ҳуқуқшуносликка, юриспруденцияга оид; الْـــ ёки وِزَارَةُ الْـــ адлия вазирлиги; 2) адолатга оид; адолатли, одил

– حُقَّة *кўп.* حُقَق яшик, қути, ҳуққа; (*сол шунингдек:* حَقٌّ)

– حُقُوقِيٌّ 1. ҳуқуқий, ҳақ-ҳуқуққа тегишли; 2. юрист

– حَقِيقٌ *кўп.* أَحِقَّاءُ (*бирор н. га*) арзигулик, сазовор, лойиқ (ب); (*бирор н. га*) ҳақи бор (ب)

– حَقِيقَةٌ *кўп.* حَقَائِقُ 1) ҳақиқат, ҳақ, ҳаққоният; реаллик, ҳақиқийлик; ~ مَوْضُوعِيَّة объектив ҳақиқат; ~ مُجَرَّدَةٌ мавҳум (*абстракт*) ҳақиқат; ~ سَاطِعَةٌ чин ҳақиқат; ~ وَاقِعَةٌ шубҳасиз (мутлақ) ҳақиқат; ~ ёки ~ بِـــ ҳақиқатда ҳам, аслини олганда, аслида; ~ الْحَالِ масаланинг асл моҳияти; قَلَبَ الْـــ ~ رَأْسًا عَلَى عَقِبٍ ҳақиқатни бузиб кўрсатмоқ; 2) моҳият, туб (асл) маъно, мағиз; ~ الْـــ فِي ҳақиқатда, аслида; ~ الأَمْرِ масаланинг моҳияти; 3) асл қадрият

– حَقِيقِيٌّ ҳақиқий, чин, чинакам, реал; ~ أَمْرٌ амалга ошган факт, содир бўлган иш, ҳақиқий воқелик

– مُحِقٌّ ҳақ, ҳақли, тўғри, рост; 2. ҳақиқий одам, адолатли одам

– مُحَقَّقٌ 1) амалга ошган, бўлиб ўтган; 2) шак-шубҳасиз, муҳаққақ, аниқ, тўғри, ~ فَوْزُهُ унинг ғолиб келиши шак-шубҳасиз; ~ أَنْقَذَهُ مِنَ الْمَوْتِ الْـــ бирор кимни нақд ўлимдан сақлаб қолмоқ

– مُحَقِّقٌ 1. 1) амалга оширувчи; 2) текширувчи, назорат қилувчи; 3) ўрганувчи, тадқиқ қилувчи, тадқиқот ишлари олиб борувчи; 2. 1)тадқиқотчи; ~ بَاحِثٌ фаҳм-фаросатли тадқиқотчи; 2) терговчи

– مَحْقُوقٌ 1) ноҳақ, ҳақсиз, адолатсиз; 2) (*бирор н. га*) арзигулик, лойиқ (ب, الـــ); ◊ ~ أَنْ يَفْعَلَ هَذَا هُوَ у буни бажариши керак

– مُسْتَحَقٌّ *кўп* ـاتٌ тўланиши (олиниши, берилиши) лозим бўлган маблағ

– مُسْتَحِقٌّ 1) арзийдиган, лойиқ, муносиб; тўланиши (олиниши, берилиши) лозим бўлган; пули тўланадиган; الْمَبْلَغُ الْـــ لَكُمْ сиз тўлашингиз (олишингиз, беришингиз) керак бўлган маблағ

(حقب) VIII احْتَقَبَ 1) чемоданга, сумкага жойламоқ; 2) йиғмоқ, захира қилмоқ, асраб қўймоқ, ғамлаб қўймоқ

– حِقَابٌ *кўп* حُقُبٌ аёллар белига боғлайдиган камар

– حَقَبٌ *кўп* أَحْقَابٌ арқон, камар; қоринбоғ, айил (*от абзали*)

– حُقْبٌ *кўп* أَحْقَابٌ, حِقَابٌ 70 билан 80 ёш ўртасидаги давр; аср; ◊ سَالِفُ الأَحْقَابِ فِي ўтмиш замонларда

– حُقْبٌ = حُقُبٌ

– حِقْبَةٌ *кўп.* حِقَبٌ талайгина вақт, талай вақт; *геог.* эра; ~ الْـــ الأَوْلَوِيَّة палеозой эраси; ~ الْـــ الثَّانَوِيَّة мезозой эраси

– حَقِيبَةٌ *кўп.* حَقَائِبُ халта, қоп, сумка; чемодан, жомадон; ~ يَدٍ сумкача, қўл жомадони, чемоданча; ~ سَفَرٍ сафар жомадони,

саквояж; حَقَائِبُ دِبْلُومَاسِيَّةٌ бойлик, давлат, капитал, حَقَائِبُ الْمَالِ дипломатик режа-ниятлар; حَقَائِبُ وِزَارِيَّةٌ вазирлик лавозимлари (*портфеллари*)

حَقْحَقَةٌ белни қаттиқ қисиб турадиган камар, тасма

I **حَقَدَ** (*u*) حَقْدٌ (*бирор к. га нисбатан*) кек сақламоқ; (*бирор к.* ни) ёмон кўрмоқ (عَلَى); IV أَحْقَدَ нафрат қўзғатмоқ, нафратлантирмоқ; V تَحَقَّدَ (*бирор к. дан*) нафратланмоқ, кек сақламоқ (عَلَى); VI تَحَاقَدَ бир-биридан ўзаро нафратланмоқ, бир-бирини ёмон кўрмоқ

– حَاقِدٌ *кўп* حَقَدَةٌ 1. ёмон кўрувчи, нафратланувчи; дарғазаб; ёмон, ёвуз; 2. душман, нафрат билан қаровчи

– حِقْدٌ *кўп* أَحْقَادٌ, حُقُودٌ нафрат, ғазаб, кек; ~ حَمَلَ (*бирор к. га қарши*) ичида кеки бўлмоқ (لِـــ); ~ كَنَّ لَهُ الْأَسْوَدَ бирор кимга қарши қаттиқ кек сақламоқ, ~ لِـــ أَعْمَادُ ...га бўлган нафрати унинг ақлини хира қилиб қўйган

– حَقُودٌ кекчи; адоватчи, ғинахон; ичиқора, бахил

– حَقِيدَةٌ *кўп.* حَقَائِدُ кек; нафрат

I **حَقَرَ** (*u*) حَقْرٌ жирканмоқ, ҳазар қилмоқ, ҳақорат назари билан қарамоқ; менсимай қарамоқ; эътиборсиз қарамоқ, бепарво қарамоқ, аҳамият бермай қўймоқ; حَقَارَةٌ (*y*) манфур бўлмоқ, жирканч бўлмоқ, разил бўлмоқ; II حَقَّرَ қаттиқ ҳазар қилмоқ, қаттиқ жирканмоқ, ерга урмоқ; (*бирор к. га*) менсимай қарамоқ, назарга илмай қарамоқ, илтифотсизлик қилмоқ; VIII اِحْتَقَرَ жиркимоқ, ҳазар қилмоқ, ҳақорат назари билан қарамоқ; (*бирор к. га*) ҳурматсизлик билан муносабатда бўлмоқ; X اِسْتَحْقَرَ (*бирор к. ни*) манфур (жирканч, разил) деб билмоқ; жирканмоқ, ҳазар қилмоқ

– اِحْتِقَارٌ нафрат, жирканиш, ҳазар қилиш; ҳурматсизлик; менсимай қараш; ~ ـــِ *ёки* ~ فِي нафрат билан, менсимай; نَظَرَ عَيْنٌ إِلَيْهِ بِعَيْنِ الْـــ ~ *қар.*

– تَحْقِيرٌ ҳазар қилиш, жирканиш; менсимаслик

– حَقَارَةٌ пасткашлик, қабиҳлик, палидлик, ифлослик, ҳеч нарсага арзимаслик

– حَقِيرٌ пасткаш, қабиҳ, палид, ифлос, тубан, бечора, ҳеч нарсага арзимайдиган

– مُحْتَقَرٌ пасткаш, қабиҳ, тубан, палид

I **حَقَفَ** (*y*) حُقُوفٌ оёқ-қўлларини икки буклаб ётмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*)

– حِقْفٌ *кўп* أَحْقَافٌ қум барханлари, қумдан иборат тепаликлар; Ал-Аҳқоф (*Ҳазрамавтнинг шимолидаги Ар-Рубъулхолий саҳросининг бир қисми*)

II حَقَّلَ (حقل) ерни қисмларга ажратмоқ; III حَاقَلَ ғаллани ўриб олинмаган ҳолда, кўклигича сотмоқ; IV أَحْقَلَ: الزَّرْعُ ~ экиннинг барги ёзилмоқ (*танаси қотмасдан илгари*); ~ تِ الْأَرْضُ далага айланмоқ (*ер ҳақида*)

– حَقْلٌ[1] *кўп* حُقُولٌ 1) дала, шудгор, ҳайдалган ер; ~ اشْتِرَاكِيٌّ жамоа хўжалиги даласи; ~ التَّجَارِبِ тажриба майдони; حُقُولُ ~ الْبُتْرُولِ *ёки* ~ الزَّيْتِ *ёки* النَّفْطِ нефть чиқадиган ер, нефтга бой ер; ~ الْأَلْغَامِ *ҳарб.* мина қўйилган ер; إِلَاهُ الْحُقُولِ *миф.* дала ва ўрмонлар илоҳи; 2) соҳа; ~ فِي عَمَلَ الْعُلُومِ وَالْفُنُونِ وَالْآدَابِ фан, санъат ва адабиёт соҳасидадаги фаолият; 3) стун (*газетадаги*)

– حَقْلٌ[2] барг ёзган, лекин танаси қотмаган экин

– حَقْلَةٌ *кўп* أَحْقَالٌ шудгор, ҳайдалган ер; شَرْطٌ بِالْـــ ~ وَلَا خِنَاقٌ بِالْبَيْدَرِ *мкл.* хирмонда бўғишгандан шудгор вақтида келишиб олган афзал

– حُقَيْلَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ даланинг бир қисми

– مُحَاقَلَةٌ ғаллани ўриб олмай даланинг ўзида сотиш

I **حَقَنَ** (*y*) حَقْنٌ (*бирор н. билан*) эмламоқ (в); ~ ـــهُ إِبْرَةً *мед.* бирор кимга укол қилмоқ; 2) клизма қилмоқ; 3) ушлаб қолмоқ, сақлаб қолмоқ; ~ الدَّمَ دَمَهُ *маж.* бирор кимни ўлимдан сақлаб қолмоқ; ~ الدَّمَ қон тўкилишига мойиллик қилмоқ; VIII اِحْتَقَنَ 1) эмланмоқ; 2) клизма қилмоқ; 3; қони кўпаймоқ, қони кўпайиб кетмоқ; ~ وَجْهُهُ унинг юзи қизариб кетди

– اِحْتِقَانٌ қон қуйилиши, қоннинг тўхтаб қолиши; *мед.* қон қуйилиши; ~ دِمَاغِيٌّ мияга қон қуйилиши; ~ رِئَوِيٌّ *мед.* пневмония, ўпка яллиғланиши, зотилжам; ~ مَعَوِيٌّ *мед* ичак яллиғланиши

– حَاقِنٌ 1. 1) эмловчи; 2) (*сийдик*) тутадиган; 2. инжектор (*буғ қозонига сув чиқариб турадиган, конларни шамоллатадиган, кема трюмидан сувни чиқариб ташлайдиган асбоб*)

– حَقْنٌ 1) эмлаш; тери остига дори юбориш, инъекция; آلَةُ ~ الْـــ шприц; 2) ичакларни ювиш, клизма; 3) ушлаб қолиш, тўхтатиб қолиш, ~ الدِّمَاءِ қон тўкишни тўхтатиб қолиш; ~ لِلدِّمَاءِ қон тўкмаслик мақсадида

– حُقْنَةٌ *кўп* حُقَنٌ 1) эмлаш воситаси; 2) тери остига дори юбориш, инъекция; ~ تَحْتَ الْجِلْدِ *ёки* ~ جِلْدِيَّةٌ тери остига эмлаш; ~ عَضَلِيَّةٌ мушак ичига дори юбориш; ~ وَرِيدِيَّةٌ *ёки* ~ فِي الْوَرِيدِ вена (қон томири) га дори юбориш; 3) *шунингдек:* ~ شَرَجِيَّةٌ клизма; 4) шприц, шприц игнаси

– حَقَاءٌ *кўп.* حَقْوٌ 1) бел; ~ يَبْلُغُ الْمَاءُ سُوْءَيْهِ сув унинг белидан келади; 2) белдан пастга кийиладиган ички кийим

I **حَكَّ** (*a/y*) حَكٌّ 1) суртмоқ, ишқамоқ, ишқаб едирмоқ, ишқаламоқ, уқаламоқ; 2) қирмоқ, қиртишламоқ, тарашламоқ, қириб тозаламоқ; 3) қашимоқ, қашламоқ, тирнамоқ, тимдаламоқ, таталамоқ; 4) пробани аниқламоқ, тажриба ўтказмоқ, ◊ فِي ~ صَدْرِهِ бирор кимга таъсир қилмоқ, бирор кимнинг кўнглини юмшатмоқ; бирор кимнинг ҳиссиётига таъсир этмоқ; II حَكَّكَ 1)суртмоқ, ишқамоқ, ишқаб едирмоқ, ишқаламоқ; 2) (*қимматбаҳо тошга*) сайқал бермоқ, силлиқламоқ; IV أَحَكَّ 1)қичима (қўтир) касали билан оғримоқ; 2) қичимоқ, қичишмоқ (*тери*); V تَحَكَّكَ

(*бирор н. га*) ишқаланмоқ; (*бирор к. билан*) жанжални бошламоқ; VI تَحَاكَّ (*бирор к. билан*) тўқнашмоқ, тўқнашиб кетмоқ, бир-бирига тегмоқ, бир-бирига тегиб турмоқ (ب); VIII احْتَكَّ 1) (*бирор н. га*) суртанмоқ, ишқаланмоқ (ب); (*бирор к. билан*) тўқнашмоқ, тўқнашиб кетмоқ; бир-бирига тегмоқ, бир-бирига тегиб турмоқ (ب); X اسْتَحَكَّ 1) қичима бўлмоқ, қўтир бўлмоқ; 2) қичимоқ, қичишмоқ

– اِحْتِكَاكٌ 1) *физ.* ишқалиш, иш қаланиш; ~ُ قَوَانِينُ الْـ ишқалиш қонуни; 2) бир-бирига тегиш, тегиб туриш; 3) тўқнашув, учрашув

– اِحْتِكَاكِيٌّ ишқалишга, ишқаланишга оид; *фон.* сирғалувчи (*товуш*)

– حَكٌّ 1) ишқалаш, ишқаланиш; тирнаш, тимдалаш; 2; қириш, қиртишлаш, тарашлаш

– حُكٌّ компас

– حَكَّاكٌ 1) қирралаб силлиқловчи ишчи, сангтарош; 2) пробачи, проба олувчи (қўювчи); 3) қашлағич билан отларни қашловчи

– حَكَكٌ бўр, оқ бўр

– حَكَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ суртиш, ишқалаш, уқалаш; ~ُ عُودِ ثِقَابٍ гугурт чақиш

– حِكَّةٌ *мед.* қичима, қўтир; қичиш

– مِحَكٌّ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) олтин *ёки* кумушнинг софлик даражаси (*пробаси*) ни аниқлашда ишлатиладиган махсус тош; 2) мезон, критерий

– مِحَكَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ қашлагич

حَكْحَكَ қаттиқ ишқамоқ, қаттиқ ишқаламоқ, роса ишқаб едирмоқ

– حَكْحَكَةٌ қаттиқ ишқаш, қаттиқ ишқалаш

I **حَكَرَ** (*а*) حَكْرٌ 1) ҳаммасини сотиб олмоқ, сотиб олиб йиғмоқ; 2) монополия қилиб олмоқ, у *ёки* бу нарсадан ёлғиз бир шахс *ёки* ҳукуматнинг ўзигина фойдаланмоқ; VIII احْتَكَرَ 1) ҳаммасини сотиб олмоқ, сотиб олиб йиғмоқ; 2) монополияга айлантирмоқ, монополия қилиб олмоқ; 3) чайқовчилик қилмоқ, чайқовчилик билан шуғулланмоқ; ~ الطَّعَامَ овқатнинг қайнашини кутиб турмоқ

– اِحْتِكَارٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) сотиб олиш, сотиб олиб йиғиш; 2) монополия; ~ُ أَرْبَابُ الْـ монополистлар; ~ُ التِّجَارَةِ الْخَارِجِيَّةِ ташқи савдо монополияси; اِحْتِكَارَاتُ الْبِتْرُولِ нефть монополиялари; ~َ جَعَلَهُ бирор нимани монополия қилмоқ, бирор нимани монополияга айлантирмоқ; 2) чайқовчилик билан шуғулланиш, чайқовчилик

– اِحْتِكَارِيٌّ 1. 1) монополияга оид; 2) монополистик; 2. монополист; الشَّكْلُ الْـ ~ُ لِلرَّأْسْمَالِيَّةِ капитализмнинг монополистик шакли

– اِحْتِكَارِيَّةٌ монополизм

– حَاكُورَةٌ *кўп.* حَوَاكِيرُ томорқа

– حِكْرٌ *кўп.* أَحْكَارٌ 1) ижарага бериладиган иморатлар, бинолар; 2) иморатлардан, бинолардан олинадиган ижара ҳақи

– حُكْرٌ, حَكْرٌ монополияга айлантирилган, монополия қилинган (*нарса*)

– حُكْرَةٌ монополия

– مُحْتَكِرٌ 1) монополист; 2; олибсотар, чайқовчи

حُكْلٌ майда ҳашарот; майда организм

I **حَكَمَ** (*у*) حُكُومَةٌ, حُكْمٌ 1) идора қилмоқ, бошқармоқ; 2) ҳукмронлик қилмоқ, ҳокимлик қилмоқ, ҳукмрон бўлмоқ, ҳукм сурмоқ; 3) суд қилмоқ, ишини судда кўрмоқ.(*бирор н. ҳақида*) ҳукм қилмоқ, ҳукм чиқармоқ (ب); (*бирор к. нинг*) фойдасига ҳукм қилмоқ (لِـ); (*бирор к. ни бирор н. га*) ҳукм қилмоқ (ب عَلَى); ~ عَلَيْهِ بِالْإِعْدَامِ бирор кимни ўлимга ҳукм қилмоқ; ~ بِإِدَانَتِهِ бирор кимни айбдор деб топмоқ; ~ بِبَرَاءَتِهِ бирор кимни айбсиз деб топмоқ, оқламоқ; 4) ўзини тиймоқ, босмоқ, ўзини тутмоқ, тиймоқ; حَكُمَ (*у*) حِكْمَةٌ доно бўлмоқ, ҳаким бўлмоқ, донишманд бўлмоқ; II حَكَّمَ 1) 1) ҳакамлар судяси этиб сайламоқ; ҳоким қилиб тайинламоқ; 2) (*бирор н. ни*) ишлатишда чекланмаган ҳуқуқ бермоқ (فِي); 3) мустаҳкамламоқ, маҳкамламоқ, маҳкам қилмоқ; 4) даволамоқ, муолажа қилмоқ (*врач, табиб ҳақида*); ◊ عَقْلُهُ ~ мияни ишлатмоқ, ўйлаб кўрмоқ, ақл юритмоқ; III حَاكَمَ судлашмоқ, суд жараёнини бошқармоқ; 2) судга бермоқ, судга оширмоқ; IV أَحْكَمَ 1) мустаҳкамламоқ, маҳкамламоқ; 2) пишиқ иш қилмоқ, пухта иш қилмоқ, аниқ қилиб бажармоқ, яхшилаб бажармоқ; ~ فَتْلَ الشَّارِبِ мўйловни яхшилаб бурамоқ إِغْلَاقَ الْخِزَانَةِ ~ шкафни маҳкам беркитмоқ; 3) мукаммал даражада билмоқ; V. تَحَكَّمَ ҳукмронлик қилмоқ, ҳокимлик қилмоқ, ҳукмрон бўлмоқ; хоҳлаганча иш тутмоқ, буйруқ бермоқ, буйруқ қилмоқ, хўжайинлик қилмоқ; ўзиники қилиб олмоқ; диктатор бўлмоқ, диктаторлик қилмоқ; VI تَحَاكَمَ судлашмоқ; (*бирор к. устидан*) судга мурожаат қилмоқ; VIII احْتَكَمَ 1) судлашмоқ; (*бирор к. га*) судяга қилгандек мурожаат қилмоқ (إِلَى); (*бирор к. га*) масалани ҳал этиш учун мурожаат қилмоқ (إِلَى)! 2) (*бирор к. ни*) ҳакамлар судьяси ўрнида қабул қилмоқ; 3) ҳукмронлик қилмоқ, ҳокимлик қилмоқ, ҳукмрон бўлмоқ; (*бирор н. ни*) бошқармоқ, ташкил қилмоқ, уюштирмоқ, бош бўлмоқ (فِي); (*бирор н. га*) эгалик қилмоқ, эга бўлмоқ (عَلَى); 4) (*бирор к. нинг*) устига юкламоқ.(*бирор к. га*) вазифа топширмоқ, буюрмоқ (إِلَى); 5) кўнглига келганини сўрамоқ; X اسْتَحْكَمَ 1) мустаҳкам бўлмоқ, пишиқ (пухта) бўлмоқ, истеҳкомли бўлмоқ; 2) маҳкамланмоқ, мустаҳкамланмоқ

– إِحْكَامٌ 1) мустаҳкамлаш, маҳкамлаш; 2) пишиқлик, пухталик, матонат; ~ بِـ мустаҳкам ҳолатда, қаттиқ туриб, зич ёпилган вазиятда; 3) аниқлик, мукаммаллик, бекаму кўстлик; ~ بِالدِّقَّةِ وَ الْـ аниқлик ва мукаммаллик билан; 4) (*бирор н. ни*) аниқ қилиб бажариш; ~ تَطْبِيقِ الْقَانُونِ қонунни аниқ татбиқ этиш

– اِسْتِحْكَامٌ *кўп.* اتٌ ـَـ *ҳарб.* истеҳком

– تَحَكُّمٌ 1) ҳукмронлик, ҳокимлик қилиш; хоҳлаганича иш тутиш, кескин буйруқ қилиш, қатъий амр бериш; ~ رَئِيسِيَّةٌ *қар.* مَحَطَّةٌ

саквояж, ...

дипломат ...

(*портф* ...

...атура аппарати

...ган, ўзбошимчалик билан

...акамлар ҳайъати, суд

...ар

...ка оид; اللُّجْنَةُ الْـــ~ـــةُ ҳакамлар ҳайъати

– 1. ҳоким, ҳукмрон, ҳукумат одами; ҳукуматга оид; الطَّبَقَةُ الْـــ~ـــةُ السُّلُطَاتُ ҳукумат органлари, ҳокимият; ҳукмрон табақа; 2. *кўп.* حُكَّامٌ 1) ҳоким; губернатор; бошлиқ; الْـــ~ُ الْأَعْلَى олий ҳукмрон; بِأَمْرِ الْـــ~ тўла ҳуқуқли ҳукмрон, диктатор; عَامٌّ ~ генерал-губернатор; وَ مَحْكُومٌ ~ ҳоким ва маҳкум; бошлиқ ва тобе; 2) судя, ҳакам; الصُّلْحِ ~ чакана (*майда*) ишлар судьяси

– حَكَمٌ ҳакамлар судьяси, арбитр

– حُكْمٌ *кўп.* أَحْكَامٌ 1) ҳукмронлик; 2) ҳокимият, бошқарув, бошқариш; الْـــ~ُ الذَّاتِيُّ ўзини-ўзи бошқариш, автономия; الْـــ~ُ الثُّنَائِيُّ икки давлатнинг бирор ҳудуддан ўртада фойдаланиши; طَرِيقَةُ الْـــ~ бошқарув усули (услуби); كَرَاسِيُّ الْـــ~ ҳукумат мансаблари; قَدِمَ إِلَى الْـــ~ ҳокимият тепасига келмоқ; 3) тузум, режим; الْـــ~ُ الْجُمْهُورِيُّ республика тузуми; الْـــ~ُ الْقَائِمُ амалдаги тузум; الْـــ~ُ الْمَلَكِيُّ подшолик (монархия) тузуми; الْـــ~ُ النِّيَابِيُّ парламентар тузум; 4) қарор; ҳукм; буйруқ, амр, фармон; топшириқ, бурч; *юр.* норма; نَائِبُ الْأَحْكَامِ прокурор; ~ الْقَانُونِ қонун ҳукми; ... ~ـــهُ عَلَى إِنَّ هَذَا الْعَهْدَ لَا يَنْسَحِبُ бу аҳдлашув (келишув) нинг ...га алоқаси (тааллуқи) йўқ; الْأَحْكَامُ الْعُرْفِيَّةُ уруш ҳолати қонунчилиги; уруш ҳолати; أَعْلَنَ الْأَحْكَامَ الْعُرْفِيَّةَ уруш ҳолати эълон қилмоқ; ~ـــ بِـــ الْحَاجَةِ *ёки* ~ـــ بِـــ الضَّرُورَةِ зарурат юзасидан; ~ـــ بِـــ الْقَانُونِ қонунга кўра; ~ـــ بِـــ الْحَوَادِثِ вазиятга қараб; ~ـــ بِالْإِعْدَامِ الْـــ~ُ ўлимга қилинган ҳукм, ўлим жазоси; ~ـــ بِالسِّجْنِ الْـــ~ُ қамоқ жазоси, بِالْبَرَاءَةِ ~ оқлов ҳукми, оқлаш ҳукми (عَلَى); أَصْدَرَ الْـــ~ بِحَقِّهِ бирор кимга нисбатан ҳукм чиқармоқ; ~ غِيَابِيٌّ *юр.* сиртдан чиқарилган ҳукм; ~ حُضُورِيٌّ *юр.* томонларнинг ҳозирлигида чиқарилган ҳукм; ~ قَرَاقُوشِ адолатсиз ҳукм; 5) фикр, муҳокама, мулоҳаза; тушунча; таъриф; ◊ هُوَ فِي الْمَفْقُودِ ~ у бедарак йўқолган билан бир хилдир, у бедарак йўқолган ҳукмидадир; الدَّرَاوِيشُ وَ مَنْ فِي ~هِمْ дарвишлар ва уларга ўхшаш кишилар; كَانَ فِي الْمُسْتَحِيلِ ~ мумкин бўлмай қолмоқ, иложсиз даражага бориб қолмоқ

– حُكْمْدَارٌ *кўп.* حُكْمْدَارُونَ 1)полиция бошлиғи, миршаблар бошлиғи, полицеймейстер; 2) командир

– حُكْمْدَارِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ полиция бошқармаси, миршабхона

– حَكَمَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ сувлиш (*югандаги*), сувлиқ

– حِكْمَةٌ *кўп.* حِكَمٌ 1) донолик, донишмандлик; фалсафа; الْـــ~ُ أَلَيْسَ مِنَ الْـــ~ أَنَّ ... оқилона эмасми?; 2) ҳикматли сўз, чуқур маъноли гап; мақол, матал; 3) оқилона исботлаш, донишмандона асослаш; мазмун, мағиз; 4) табобатдан хабардорлик, табобат билан шуғулланиш

– حُكْمِيٌّ ҳуқуққа оид, юридик; شَخْصِيَّةٌ ~ـــ *юр.* юридик шахс

– حُكُومَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) бошқарма; 2) ҳукумат; маҳкама, кабинет; الْعُمَّالِ وَ الْفَلَّاحِينَ ~ ишчи-деҳқонлар ҳукумати; 3) давлат

– حُكُومِيٌّ 1) ҳукуматга оид; 2) давлатга оид; الْمَسْرَحُ الْـــ~ُ давлат театри

– حُكُومِيَّةٌ давлатчилик

– حَكِيمٌ *кўп.* حُكَمَاءُ 1. доно, оқил, ақлли, фаросатли; 2. 1) донишманд;

2) файласуф; 3) табиб, ҳаким, врач, доктор; الْأَسْنَانِ ~ тиш доктори, дантист; الْعُيُونِ ~ кўз доктори, окулист, بَاشِيٌّ ~ бош табиб, бош врач

– مُحَاكَمَةٌ *юр.* судлашиш, даъволашиш; судда ишни кўриш; суд жараёни, процесс

– مُحْكَمٌ 1) яхшилаб бажарилган; мукаммал; маҳкам, пухта, пишиқ, мустаҳкам; 2) аниқ, тўғри, чин, ҳақиқий, чинакам; 3) дадил, қатъий, ишонарли (*ҳаракат*); 4) очиқ-ойдин, равшан, бешубҳа (*Қуръони карим оятлари ҳақида*)

– مُحَكَّمٌ ҳакамлар судьяси, ҳакам; هَيْأَةُ الْـــ~ِينَ жюри, ҳайъат

– مَحْكَمَةٌ *кўп.* مَحَاكِمُ суд, трибунал; ابْتِدَائِيَّةٌ ~ биринчи босқич суди; الْاسْتِئْنَافِ ~ шикоят (апелляцион) суди, қайта кўриб чиқувчи суд; الْـــ~ُ الْعُلْيَا *ёки* أَمْنِ الدَّوْلَةِ ~ Олий суд; أَهْلِيَّةٌ ~ халқ суди; ~ جُزْئِيَّةٌ *қар.* جُزْئِيٌّ; الْجِنَايَاتِ ~ жиноятлар суди; شَرْعِيَّةٌ ~ шариат асосидаги суд, шаръий суд; الْعَدْلِ الدُّوَلِيِّ ~ *ёки* الْـــ~ُ الدُّوَلِيَّةُ халқаро суд; عَسْكَرِيَّةٌ ~ ҳарбий трибунал; قُنْصُلِيَّةٌ ~ консуллик суди; مُخْتَلِطَةٌ ~ аралаш суд; مَدَنِيَّةٌ ~ гражданлик суди; وَ النَّقْضِ ~ الْإِبْرَامِ кассацион суд, қуйи суд органларининг нотўғри ҳукмини бекор қилишга ҳақли бўлган юқори суд; مَحْكَمَةٌ! суд келяпти

– مَحْكُومٌ 1) عَلَيْهِ (*кўп.* عَلَيْهِمْ ~) а) кесилган, судланган; (*бирор н га*) ҳукм этилган (ъ); الْـــ~ُ عَلَيْهِ بِالْأَشْغَالِ الشَّاقَّةِ каторга ишларига ҳукм қилинган; б) ҳалокатга маҳкум. ҳалокатга дучор бўлиши аниқ; 2) لَهُ الْـــ~ُ судда ғолиб чиққан, 3) بِهِ الْـــ~ُ судда кўриладиган иш

– مَحْكُومِيَّةٌ судланганлик, суд қилинганлик, судга тушганлик; عَدَمُ الْـــ~ судланмаганлик, судга тушмаганлик

مُسْتَحْكَمٌ мустаҳкам, кучли, мустаҳкамланган, маҳкамланган; ~ عَدَاءٌ ашаддий адоват, ашаддий душманлик

– مُسْتَحْكَمَاتٌ *кўп.* = اسْتِحْكَامَاتٌ *қар.* اسْتِحْكَامٌ

I **حَكَى** (*u*) حِكَايَةٌ 1) ҳикоя қилмоқ, ҳикоя айтмоқ; тасвирламоқ, айтиб бермоқ, баён қилмоқ; гаплашмоқ; 2) ўхшамоқ, ўхшаш бўлмоқ; III حَاكَى 1) ўхшамоқ, ўхшаб кетмоқ; 2) тақлид қилмоқ; худди ўзига ўхшатмоқ, худди ўзи бўлмоқ; бирор нарсанинг аниқ нусхасини яратмоқ

– حَاكٍ *мн.* حَاكِيَةٌ *кўп.* حُكَاةٌ ҳикоя қилувчи, ҳикоя айтувчи; 2)граммофон; фонограф; إِبْرَةُ الْحَاكِي граммофон игнаси

– حَكَّاءٌ ҳикоячи, ҳикоя қилувчи

– حِكَايَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـِ 1) ҳикоя, қисса, воқеа; 2) *грам.* кўчирма гап; ◊ اللهُ عَلَى الْـ~ ўнима бўлишини Оллоҳнинг ўзи билади!

– مُحَاكٍ *мн.* مُحَاكِيَةٌ 1) тақлид қилувчи, тақлидчи, 2) тақлидий, тақлиддан иборат бўлган

– مُحَاكَاةٌ тақлид қилиш, тақлидчилик; худди ўзига ўхшатиш, худди ўзи бўлиш, имитация

– مَحْكِيٌّ ҳикоя қилинган, баён этилган; اللُّغَةُ الْـ~ـَةُ жонли сўзлашув тили

I **حَلَّ**[1] (*a/y*) حَلٌّ 1) ечмоқ, ёзмоқ, бўшатмоқ; الْعُقْدَةَ ~ тугунни ечмоқ, тугунни ёзмоқ; الظَّرْفَ ~ конвертни очмоқ; الْفَدَّانَ ~ ҳўкизларни омочдан бўшатмоқ; الْبَرْدَعَةَ ~ эгарини олиб қўймоқ; 2) бураб чиқармоқ, бураб чиқариб олмоқ; الْأَلْغَامَ ~ миналарни зарарсизлантирмоқ; 3) (*бирор н. дан*) озод қилмоқ, бўшатмоқ (مِنْ); ~ مِنْ ذَنْبِهِ *дин.* гуноҳини кечмоқ, гуноҳидан ўтмоқ; 4) эритмоқ, аралаштирмоқ (*мас., сувда*); териб қўймоқ, ёйиб қўймоқ 5) тарқатмоқ, тарқатиб юбормоқ (*партияни, парламентни*); *ҳарб.* тугатмоқ, тарқатиб юбормоқ; نَفْسَهُ بِنَفْسِهِ ~ ўзидан-ўзи тарқалиб кетмоқ; 6) ечмоқ, ҳал қилмоқ (*масалани, мисолни*); шартли белгилар (шифрлар) билан ёзилган хатни ўқиб чиқармоқ; бўшатмоқ, бўшаштирмоқ; حَلَّ[2] (*a/y*) حُلُولٌ 1) (*муддатнинг, йил, фаслнинг*) вақти кирмоқ, пайти келмоқ; الدَّيْنُ ~ қарзни тўлаш пайти келди; لَقَدْ مَضَى دَوْرُ الْكَلَامِ وَ ~ دَوْرُ الْعَمَلِ сафсатабозликнинг вақти ўтиб, ишлаш навбати келди; 2) банд қилмоқ, эгалламоқ (*ўринни*); ўрнашмоқ, жойлашмоқ, кўчиб келиб ўрнашмоқ, тўхтаб ўтмоқ (ب, فِـ); مَحَلَّهُ ~ вазифани вақтинча бажармоқ; ўрнини эгалламоқ; ... ضَيْفًا عَلَى ~ *қар.* ضَيْفٌ 3) (*бирор к. бошига*) тушмоқ (*мас. фалокат*); юз бермоқ, рўй бермоқ (بِـ); ~تْ بِهِ نَكْبَةٌ у бахтсизликка учраб қолди; بِهِ الْفَزَعُ ~ уни ваҳимали қўрқинч чулғаб олди; 4) *дин* (*бирор н. да*) намоён бўлмоқ, гавдаланмоқ, мужассам бўлмоқ (فِـي), ◊ اللَّوْنُ ~ ранги ўчмоқ, хира тортмоқ, туси кетмоқ, ранги айнимоқ, حَلٌّ (*u/u*) حِلٌّ, حَلَالٌ ҳалол бўлмоқ, рухсат берилмоқ, ижозат берилмоқ, йўл қўйилмоқ; қонуний бўлмоқ, қонунга мос бўлмоқ; II حَلَّلَ эритмоқ; الْوَرَمَ ~ шишни қайтармоқ; الذَّرَّةَ ~ атомни парчаламоқ; 2) ҳал қилмоқ; таҳлил қилмоқ, анализ қилмоқ; 3) рухсат бермоқ, рухсат қилмоқ, йўл қўймоқ; 4) оқламоқ, ҳалол деб ҳисобламоқ; 5) ўзини озод қилмоқ (*мас.*, қасамдан); IV أَحَلَّ 1) жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ, кўчириб олиб жойламоқ; ўрнатмоқ, яратмоқ, амалга оширмоқ; барпо қилмоқ; киритмоқ; بَدَلَهُ ~ бирор кимни алмаштирмоқ, ~ مَحَلَّهُ бирор кимнинг ўрнига қўймоқ; 2) ҳалол деб ҳисобламоқ, ижозат бермоқ, йўл қўймоқ.(*бирор к. га*) рухсат бермоқ (لِـ); 3) *дин.* ҳаж маросими тугагандан сўнг одатдаги ҳаёт тарзига қайтмоқ; V تَحَلَّلَ 1) эримоқ; ёзилмоқ, очилмоқ, ечилмоқ, ёйиб қўйилмоқ; рухсат берилмоқ, йўл қўйилмоқ; 3) (*бирор н. дан*) озод бўлмоқ (مِنْ); مِنَ الْقُيُودِ ~ кишанлардан халос бўлмоқ; مِنْ يَمِينِهِ ~ қасамдан озод бўлмоқ; 4) бўшашмоқ, кучсизланмоқ, дармонсизланмоқ, сусаймоқ; VII انْحَلَّ 1) ечилмоқ, ёзилмоқ; (*бирор н. дан*) қутилмоқ, халос бўлмоқ (مِنْ); ~تْ عُقْدَةُ لِسَانِهِ унинг жағи очилди, у гапга тушиб кетди; 2) эримоқ; тарқамоқ, тарқалмоқ; териб қўйилмоқ, ёйиб қўйилмоқ, яхши пишмоқ, ҳил-ҳил бўлиб пишмоқ (*овқат*); 3) тарқатилмоқ, тарқалиб кетмоқ; 4) вориссиз бўлмоқ, меросхўрсиз бўлмоқ; эгасиз қолмоқ (*мас., вафот этган одамнинг нафақаси*); 5) ечилмоқ, ҳал бўлмоқ (*мас., мисол ёки масала*); 6) бебош бўлмоқ, ахлоқсиз бўлмоқ, бузилмоқ; VIII احْتَلَّ эгалламоқ, эгаллаб олмоқ, босиб олмоқ, оккупация қилмоқ; الْمَرْتَبَةَ الثَّانِيَةَ ~ *спорт* иккинчи ўринни эгалламоқ; X اسْتَحَلَّ ўзига эп кўрмоқ, ўзига раво кўрмоқ, ҳалол деб ҳисобламоқ, қонуний деб билмоқ; эгаллаб олмоқ, ўзиники қилиб олмоқ

– احْتِلَالٌ босиб олиш, оккупация; الْـ~ (جُنُودُ) جَيْشُ оккупацион қўшин

– احْتِلَالِيٌّ 1. оккупацияга оид; 2. оккупация қилувчи

– إِحْلِيلٌ *кўп.* أَحَالِيلُ *анат.* 1) пешоб йўлининг тешиги; 2) пешоб йўли; 3) кўкрак ёки елиннинг сут чиқадиган жойи

– انْحِلَالٌ 1) бўлиниш, парчаланиш, йиқилиш, ағдарилиш, қулаш, бузилиш, тарқалиш; таназзул; الْـ~ الْخُلُقِيُّ маънавий бузилиш; ~ الثُّورِ еруғликнинг тарқалиши; 2) қувватнинг пасайиши (кетиши); бўшашиш; الظَّهْرِ ~ жинсий заифлик; 3) тарқалиш

– انْحِلَالِيٌّ тушкунликка юз тутган, тушкунликдаги

– انْحِلَالِيَّةٌ тушкунлик, таназзул, тушкунликдаги ҳолат

– تَحِلَّةٌ 1) қасамдан ўзини озод этиш, назрни ўзидан соқит қилиш; 2) рухсат бериш, рухсат; *дин.* гуноҳларни кечиш

– تَحْلِيلٌ *кўп.* تَحَالِيلُ 1) тарқатиб юбориш; الْوَرَمِ ~ шишни қайтариш; 2) таҳлил, анализ; (الدَّمِ) الْبَوْلِ ~ пешоб (қон) анализи; طَيْفِيٌّ ~ спектрал анализ; كَمِّيٌّ ~ миқдорий таҳлил (анализ); كَيْفِيٌّ ~ сифат таҳлили (анализи); ~ (نَفْسَانِيٌّ) نَفْسِيٌّ психологик таҳлил (анализ); 3) ижозат бериш; йўл бериш; حَرَامٍ ~ ҳаром нарсага ижозат бериш; لَهُ حَقُّ الْـ~ وَ التَّحْرِيمِ унда ижозат беришга ҳам, ман этишга ҳам ҳуқуқ бор

– تَحْلِيلِيٌّ таҳлилий, аналитик; таҳлилга оид, анализга оид; هَنْدَسَةٌ ~ـَةٌ таҳлилий (аналитик) геометрия

– حَلَّ[1] *кўп* حُلُولٌ ечиш, ёзиш, бўшатиш; 2) озод қилиш; *дин.* гуноҳларни кечириш; 3) ҳал қилиш, ечиш (*мас., мисолни,*

*масалани*); шифрларни очиш, расшифровка қилиш; وَسَطِيٌّ ~ *ёки* أَصْحَابُ (أَهْلُ) الْحَلِّ وَ الْوَسَطِ ~ муросага келиш, компромисс; الْعُقَدِ ишни ҳал қилувчилар, эътиборли шахслар; 4) жойлаштириш, ўрнаштириш; 5) эриш; ~ـــلِلْـ قَابِلٌ эрувчан, эрийдиган; 6) тарқатиш, тарқатиб юбориш; *ҳарб.* тарқатиб юбориш; نَفْسِهِ بِنَفْسِهِ ~ ўзини-ўзи тарқатиш; 7) *ад.* ечим; ◊ وَ الْـــ~ الرَّبْطُ тўла ҳокимият, тўла ҳукмронлик; صَحَبَهُ فِي ~ـــهِ وَ تِرْحَالِهِ ҳеч бир ажрамай ҳамроҳлик қилмоқ; جَعَلَهُ بَيْنَ ~ وَ تِرْحَالٍ ҳар кўйга солмоқ (*ҳаёт ҳақида*)

– حَلٌّ[2] кунжутдан олинган мой

– حِلٌّ 1. ижозат берилган, йўл берилган; أَنْتَ ~ لَهُ وَ هُوَ ~ لَكَ сен (*мн.*) ва у бир-бирингизга ҳалолсизлар, никоҳланишингиз мумкин; 2. 1) имкониятнинг мавжудлиги; إِنَّنَا فِي ~ مِنْ أَنْ نَتَحَدَّثَ бизнинг гапиришга ҳуқуқимиз бор; هُوَ فِي ~ مِنْ هَذَا унинг бунга алоқаси йўқ; ... أَصْبَحَ فِي ~ مِنْ ...га алоқаси йўқ бўлмоқ, ...дан озод бўлмоқ; 2) қонуний амал, қонун йўли билан бажарилган амал; 3) *қур.* яшовчи, истиқомат қилувчи

– حَلَالٌ 1. 1) ҳалол, рухсат берилган, ижозат қилинган, қонуний; ~ـــالْـ ابْنُ а) никоҳдан туғилган бола; б) инсофли одам, андишали одам; в) дурустгина кийинган одам; ~ الدَّمِ وَ الْمَالِ жазоланмасдан ўлдирилиши ва мол-мулкидан маҳрум қилиниши мумкин бўлган одам; 2) тўла, тўлиқлик; ажратиб бўлмайдиган, ажралмас, узвий; 2. қонуний ҳаракат; فَالطَّلاَقُ أَبْغَضُ الْحَلاَلِ عِنْدَ اللهِ Оллоҳнинг наздида қонун йўли билан (қонуний) қилинган энг ёмон иш талоқдир

– حِلاَلٌ 1) уй анжомлари; 2) аёллар араваси

– حَلاَّلٌ ечувчи, ёзувчи, бўшатувчи; ~ كُلُّ عُقْدَةٍ وَ لَهَا *мн.* ҳар бир қулфнинг ўз калити бор (*сўзма-сўз:* ҳар бир тугуннинг ечувчиси бор); ~ الْخَمْرُ خَيْرُ لِعَقْدِ اللِّسَانِ *мтл.* тил тугунининг энг яхши ечувчиси шаробдир

– حُلاَلٌ Ямандаги салқин ҳаво

– حَلَّةٌ *кўп.* حِلاَلٌ қозон, кастрюлка

– حُلَّةٌ *кўп.* حُلَلٌ 1) кийиниш; кийим; кийим-бош; ~ـــهُ بَدَّلَ кийимини алмаштирмоқ; ~ الْعِيدِ ارْتَدَتِ الْمَدِينَةُ шаҳар байрам либосини кийган; 2) безак; ~ الْمَجَلَّةِ журнални безак

– حِلَّةٌ *кўп.* حِلاَلٌ, حِلاَلاَتٌ 1) манзил, манзилгоҳ; яшаш жойи, аҳоли яшайдиган пункт; 2) *дин.* назрдан ўзини озод этиш; гуноҳларни кечириш

– حُلُولٌ 1) манзил, манзилгоҳ, яшаш жойи; 2) (*бирор мавсумнинг*) кириб келиши; 3) *фалс.* зуҳур бўлиш, зоҳир бўлиш, тажассумлик; ~ـــالْـ مَذْهَبُ *фалс.* табиат худонинг тажассумидир деб ҳисобловчи фалсафий таълимот, пантеизм

– حُلُولِيٌّ *фалс.* 1. пантеизмга оид, пантеистик; 2. пантеизм тарафдори, пантеист

– حَلِيلٌ *кўп.* أَحِلاَّءُ эр, қаллиқ

– حَلِيلَةٌ *кўп.* حَلاَئِلُ хотин, қаллиқ

– مُحْتَلٌّ 1. 1) банд қилинган, босиб олинган, оккупация қилинган; ~ـــةٌ أَرَاضٍ босиб олинган ерлар; 2) банд қилувчи, босиб олувчи; 2. оккупант

– مَحَلٌّ *кўп.* ـــاتٌ, مَحَالُّ 1) жой, ўрин; ~ حُدُودِ الْجَرِيمَةِ жиноят содир бўлган жой; ~ـــهِ فِي а) ўз ўрнида, керак бўлган жойда; б) унинг ўрнига; ~ـــهِ فِي غَيْرِ ўз ўрнида эмас; ~ـــهِ كَانَ فِي а) ўринли бўлмоқ, жўяли бўлмоқ; б) асосли бўлмоқ, асосланилмоқ; ~ بَحْثٍ كَانَ ўрганилиш босқичида бўлмоқ; مَحَالُّ الْحَلْوَى وَ الأَلْبَانِ қандолат ва сут маҳсулотлари сотиладиган жой; кафе; مَحَالُّ الْبَقَّالَةِ баққоллик дўконлари, озиқ-овқат сотиладиган жойлар, резаворлар сотиладиган дўконлар; 2) ширкат, муассаса; ~ تِجَارِيٌّ тижорат фирмаси; 3) *грам.*(*сўзнинг*) синтактик вазифаси; ◊ ~ الْجَدَلِ هَذَا هُوَ мунозара мавзуи мана шу; ~ الأَدَبِ ҳожатхона

– مَحِلٌّ муддат (*қарз тўлаш ёки мажбуриятни бажаришники*); ~ الدَّيْنِ ажал вақти

– مُحَلِّلٌ 1. 1) имкон берувчи, рухсат берувчи, ижозат берувчи; қонуний, қонунга мос қилиб берувчи; 2) эритувчи; 2. 1) эритувчи модда; анализатор; 2) *шар.* ҳалоллаб берувчи (*талоқ қилинган аёлнинг яна талоқ қилган эрга никоҳланиши учун вақтинчалик теккан иккинчи эри*)

– مَحَلَّةٌ *кўп.* ـــاتٌ 1) лагерь; 2) маҳалла, квартал

– مَحْلُولٌ 1. 1) эритилган; 2) заиф, ожиз; ~ الظَّهْرِ жинсий алоқага ожиз; 3) винтларини бўшатиб, қисмларга ажратилган; 2, *кўп.* مَحَالِيلُ эритма; настойка

– مَحَلِّيٌّ маҳаллий; ~ـــةٌ أَخْبَارٌ маҳаллий янгиликлар, хроника бўлими (*газетада*)

– مَحَلِّيَاتٌ *кўп.* маҳаллий хроника бўлими (*газетада*)

– مُنْحَلٌّ ахлоқсиз, одобсиз, бузуқ, бузилган; 2) заиф

(حلأ) II حَلَّأَ бермоқ, тақдим қилмоқ

I حَلَبَ (ي) حَلْبٌ соғмоқ; IV أَحْلَبَ соғишга ёрдам бермоқ; V تَحَلَّبَ 1) оқиб, томчилаб турмоқ, томиб турмоқ, сизиб ўтмоқ; оқмоқ; ~ اللُّعَابُ فِي فَمِي لِلَوْنِ الطَّعَامِ الشَّهِيِّ бу мазали таомдан оғзимдан сўлагим оқиб кетди; ~ عَرَقًا терга ботмоқ (чўмилмоқ); ~ بِقَطَرَاتٍ томизмоқ; чиқармоқ (*мас., тер*); ~ الدَّهْرُ أَشْطُرَهُ *қар.* شَطْرٌ; VII انْحَلَبَ соғилмоқ, сут бермоқ; VIII احْتَلَبَ соғмоқ, сут соғмоқ; соғ бўлмоқ; X اسْتَحْلَبَ 1) соғиб олмоқ, соғиб сутини олмоқ; 2) сиқмоқ, сиқиб сувини олмоқ; 3) эмульсия ҳосил қилмоқ

– حَالِبٌ *кўп.* حَلَبَةٌ 1. соғувчи, сут соғувчи; 2. *анат.* буйракдан қовуққа пешоб келадиган йўл

– حَلَّابٌ сут соғувчи

– حَلَّابَةٌ сут соғувчи аёл; ~ بَقَرَةٌ соғин сигир

– حِلَابَةٌ сутчилик (*касби*)

– حَلْبٌ соғиш, соғиб бўлиш; ~ النُّجُوم *фольк.* эрни хотинга иситадиган афсун

– حَلَبٌ сут

– حَلْبَةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـَـ бир марта соғиш

– حَلْبَةٌ[2] *кўп.* حَلَبَاتٌ, حَلَائِبُ 1) пойга, от пойгаси; отчопар, ипподром; 2) майдон, соҳа

– حُلْبَةٌ *кўп.* حُلَبٌ *бот.* янтоқ (*ўсимлик*)

– حَلَبِيٌّ 1. Ҳалабга оид; ~ قَرْحَةٌ *мед.* тери касилликларидан бир тури, лейшманиоз; ~ حَبَّةٌ чипқон, йиринг бойлаган яра; 2. ҳалаблик киши

– حَلُوبٌ *кўп.* حُلُبٌ соғиладиган, соғин, сутли; ~ بَقَرَةٌ соғин сигир

– حَلُوبَةٌ *кўп.* حَلَائِبُ соғиб олинадиган

– حَلِيبٌ сут; ~ مُجَفَّفٌ қуруқ (қуритилган) сут; ~ مَسْحُوبٌ қаймоғи олинган сут; ~ مُعَلَّبٌ консерва қилинган (*банкадаги*) сут; ~ مُكَثَّفٌ қуюқлаштирилган сут; ~ بَائِعُ сут сотувчи, сутфуруш; ◊ أُمِّهِ عَلَى قَمِهِ ~ онасининг сути оғзидан кетмаган

– مَحْلَابٌ *кўп.* مَحَالِيبُ сигир соғадиган идиш

– مَحْلَبٌ 1)соғиш жойи (*Ироқда*); 2) сут сотиладиган жой; 3) *бот.* шумурт (*ўсимлик*)

– مِحْلَابٌ *кўп.* مَحَالِبُ = مَحْلَابٌ

– مُسْتَحْلَبٌ эмульсия; اللَّوْزِ ~ бодом сути

حُلْبُوبٌ қора ранг, қора тус

حَلْبَلَابٌ *бот.* қуёнкарам

– حِلْبِلَابٌ *бот.* печак ва чирмовиққа ўхшаб ўсадиган ўсимлик

– حِلْتِيتٌ *бот.* сассиқ елим тайёрланадиган ўсимлик, ҳилтит

I **حَلَجَ** (*u/y*) حَلْجٌ тозаламоқ, титмоқ, савамоқ (*пахтани*); VII اِنْحَلَجَ тозаланмоқ

– حَلَّاجٌ тозаловчи (*пахтани*)

– حِلَاجَةٌ, حَلْجٌ, حَلِيجٌ тозалаш

– مِحْلَاجٌ *кўп.* مَحَالِيجُ пахта тозалаш машинаси, жун машина

– مِحْلَجٌ *кўп.* مَحَالِجُ = مِحْلَاجٌ

– مَحْلَجَةٌ *кўп.* مَحَالِجُ пахта тозалаш заводи

حَلْحَلَ 1) силжитмоқ, қўзғатмоқ, сурмоқ, бошқа жойга кўчирмоқ; 2) узоқлаштирмоқ, йироқлатмоқ, йироқлаштирмоқ; تَحَلْحَلَ силжимоқ, қўзғалмоқ, сурилмоқ; силжитилмоқ, қўзғатилмоқ

– حُلَاحِلٌ *кўп.* حَلَاحِلُ ҳукмдор, подшоҳ, султон, ҳоким

– حَلْحَلَةٌ жилдириш, силжитиш, қўзғатиш, суриш, бошқа жойга кўчириш

– حُلَاحِلٌ = مُحَلْحِلٌ

حَلَزُونٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1)*зоол.* шиллиқ қурт, чиғаноқ; 2)бурама сим, спираль

– حَلَزُونَةٌ бурама сим, спираль; *тех.* қўчқароқ, шестерня

– حَلَزُونِيٌّ спиралсимон; спиралга оид; винтсимон, винтга оид; *тех.* қўчқароққа (*шестерняга*) оид; ~ سُلَّمٌ айланма зина

I **حَلَسَ** (а) حَلَسٌ (*бирор жойда*) қолмоқ (بِ ,فِي), 2) (*бирор н. га*) ёпишмоқ (بِ)

– أَحْلَسُ *мн.* حَلْسَاءُ *кўп.* حُلْسٌ 1) тўриқ; 2) сочи йўқ, сочсиз, кал

– حِلْسٌ *кўп.* أَحْلَاسٌ 1) ёпиқ (*от ёпиғи*), терлик (*тўқим тагига солинадиган намат*); тўшама, таглик, тагга солинадиган нарса; хонага тўшаладиган палос; 2) астойдил (берилиб) ишловчи

I **حَلَفَ** (*u*) حَلْفٌ, حِلْفٌ сўз бермоқ, қасам ичмоқ, (*бирор н. номи билан*) онт ичмоқ (بِ), (*бирор н. борасида*) қасам ичмоқ (عَلَى); қасамёд қилмоқ; ~ عَلَى الْمُصْحَفِ Қуръони карим билан қасам ичмоқ; ~ الْيَمِينَ қасам ичмоқ; ~ كَذِبًا ёлғон қасам ичмоқ, ёлғондан қасам ичмоқ; II حَلَّفَ қасам ичирмоқ, қасам ичишга мажбур қилмоқ; ... ~نِي بِالْحُسَيْنِ أَنَّ у мендан Ҳусайн номи билан қасам ичиб, илтимос қилдики, ...; III حَالَفَ иттифоқ тузмоқ, битим тузмоқ; иттифоқчи бўлмоқ, иттифоқ аъзоси бўлмоқ; ~ نِي فِي الْقِرَاءَةِ мен каби у ҳам ўқиб чиқди (*сўзма-сўз:* ўқишда мен билан иттифоқ тузди); IV أَحْلَفَ қасамёд қилдирмоқ, қасам ичирмоқ; VI تَحَالَفَ ўзаро битим тузишмоқ, ўзаро иттифоққа аъзо бўлишмоқ; X اسْتَحْلَفَ қасамёд қилишни, авраб афсунгарлик қилишни сўрамоқ; қасамёдга олиб келмоқ; عَلَى الْقُرْآنِ ~ Қуръони карим номи билан қасамёд қилишни сўрамоқ

– أُحْلُوفَةٌ (*даҳшатли*) қасам

– تَحَالُفٌ иттифоқ, битим, бирлашма, уюшма; ~ سَبَبُ الْـ casus foederis (*халқаро ҳуқуқда*)

– تَحْلِيفٌ қасам ичдириш, қасамёд қилишга олиб келиш; ~ أَعْضَاءُ لَجْنَةِ الْـ *юр.* суд маслаҳатчилари

– حَلْفٌ қасам, онт, қасамёд; ~ كَاذِبٌ ёлғон қасам, қасамни бузиш, онтдан қайтиш, қасамига хилоф иш қилиш

– حِلْفٌ *кўп.* أَحْلَافٌ 1) иттифоқ; федерация; аҳдлашув, шартнома, пакт ~ وَارْسُو *тар.* Варшава шартномаси; ~ عَسْكَرِيٌّ ҳарбий иттифоқ; ~ الْأَطْلَنْطِيُّ Шимолий Атлантика пакти, НАТО; 2) иттифоқчи; дўст; ишторкчи; ◊ أَحْلَافُ بُؤْسٍ وَ مَتْرَبَةٍ камбағал-қашшоқлар; ~ نِسْوَةٍ хотинларнинг кўнглини олувчи, хотинбоз, шилқим

– حَلْفَاءُ *жам. бот.* (ҳ)алфа ўсимлиги

– حِلْفَانٌ қасам, онт

حِلْفَايَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ қамишнинг танаси

– حَلْفَةٌ = حِلْفَاءُ

– حَلُوفٌ *кўп.* حَلَائِفُ ёввойи тўнғиз, қабон, чўчқа; مَخْصِيُّ ~ ахта қилинган эркак чўчқа

– حَلِيفٌ *кўп.* حُلَفَاءُ 1. иттифоққа оид; 2. иттифоқдош, шерик, иттифоқчи; وَ كَانَ النَّجَاحُ ~ى *маж.* омад менинг ҳамроҳим эди

– مُتَحَالِفٌ шартнома иштирокчиси, аҳдлашувчи

– مُحَالَفٌ 1) иттифоққа оид; 2) иттифоқдош, шерик, иттифоқчи

– مُحَالَفَةٌ 1) иттифоқ тузиш, битим тузиш; 2) *кўп.* اتٌ ـــ иттифоқ, битим, шартнома

– مُحَلَّفٌ 1. қасамёд қилишга олиб келинган; 2. суд маслаҳатчиси; هَيْأَةُ الْـ~ِينَ суд маслаҳатчилари ҳайъати; маслаҳатчилар

I **حَلَقَ** (*u*) حَلْقٌ қирмоқ, тарашламоқ, олдирмоқ, қирдирмоқ, олдириб ташламоқ (*соч-соқолни*); الْمَعْزَةَ ~ эчкининг жунини олмоқ; لَهُ عَلَى النَّاشِفِ ~ *кўч.м.* тескари гапирмоқ, тескарисини қилмоқ (*сўзма-сўз:* қуруқ ҳолида, сув тегизмай соқолини олмоқ), II حَلَّقَ 1) парвоз қилмоқ, қанотларини кериб учмоқ, учмоқ, 2) ҳалқа қилиб ўрамоқ; 3) ўраб олмоқ, атрофни ўраб турмоқ;(*бирор к. нинг*) йўлини тўсмоқ, йўлини беркитмоқ (عَلَى); V تَحَلَّقَ (*бирор н. атрофига*) қўнмоқ; ҳалқа ҳосил қилмоқ; ҳалқа қилиб атрофини ўраб олмоқ; VIII احْتَلَقَ соч-соқолини олдирмоқ

– تَحْلِيقٌ 1) парвоз, парвоз қилиш, учиш; 2) *кўп.* اتٌ ـــ (*мас., самолётнинг*) учиши; التَّحْلِيقَاتُ الْكَوْنِيَّةُ космик фазога парвозлар

– حَالِقٌ[1] баланд тоғ; баланд жой, тепалик, ~ أَلْقَى شَيْئًا مِنْ бирор нимани юқоридан ташламоқ, ташлаб юбормоқ

– حَالِقٌ[2] *кўп.* حَلَقَةٌ соч-соқолини олиб юрувчи

– حَلَّاقٌ сартарош; ~ سَيِّدَاتِ аёллар сартароши; ~ الصِّحَّةِ *ёки* ~ صِحِّيٌّ сартарош

– حِلَاقَةٌ олиш, тарашлаш (*соч-соқолни*); آلَةُ الْـ~ соқол олиш асбоби; فُرْشَةُ الْـ~ *қар.* فُرْشَةٌ; قَاعَةُ الْـ~ *ёки* صَالُونُ الْـ~ сартарошхона, сартарошлик; أَجْرُ الْـ~ сартарош ҳақи

– حِلْقٌ[1] = حِلَاقَةٌ

– حَلْقٌ[2] *кўп.* حُلُوقٌ 1) ҳалқум, томоқ, бўғиз, жиғилдон; طَبِيبُ الْـ~ ларинголог (*врач*); قَالَ هَذَا وَ الْعُصَّةُ فِي ~ـِه томоғига бир нарса тиқилган ҳолда деди: كَشَوْكَةٍ فِي ~ـِه *маж.* жонига тегиб, безор қилиб, жонидан тўйдириб (*сўзма-сўз:* томоққа санчилган қилтанокдек) (*шунингдек: қар.* شَوْكَةٌ); 2) *шунингдек:* سَقْفُ الْـ~ танглай; ◊ الْبَابِ ~ эшик тепадори

– حَلَقٌ *жам.* балдоқ, исирға; узук, ҳалқа

– حَلَقَةٌ, حَلْقَةٌ *кўп.* ـَ اتٌ حَلَقٌ, ـْ ҳалқа; ҳалқа шаклидаги узук; حَلَقُ *ёки* جِهَازُ الْحَلَقِ гимнастика ҳалқаси; ~ ضَرَبُوا حَوْلَهُ атрофини ҳалқа қилиб ўраб олдилар; 2) *спорт.* ринг; ~ لِلْمُلَاكَمَةِ бокс ринги (майдони); 3) звено, ҳалқа (*занжирдаги*); ~ الِاتِّصَالِ *ёки* مُوَصِّلَةٌ ~ (*икки нарса ўртасидаги*) ўзаро бириктирувчи, боғловчи ҳалқа (بَيْنَ); الْـ~ الْمَفْقُودَةُ етишмайдиган, етишмаётган қисм; ~ فِي سِلْسِلَةٍ занжир ҳалқаси; حَلَقَاتُ دَوَرَانٍ роликли подшипниклар; 4) тўғарак, давра, гуруҳ, Ал-азҳарда устоз атрофида давра қуриб ўтирган талабалар гуруҳи; ~ الذِّكْرِ *қар.* ذِكْرٌ; ~ التَّعْبِيرِ ўтиш қисми; 5) бозор, раста; ~ السَّمَكِ балиқ бозори; ~ الْقُطْنِ пахта бозори; 6) ўн ёш; هُوَ فِي الْـ~ الْخَامِسَةِ مِنَ الْعُمْرِ унинг ёши қирқдан ошди; 7) облигация (*давлат заёми серияси*); ◊ مُفْرَغَةٌ ~ *мушкул аҳвол, ноиложлик* (сўзма-сўз: ичи бўш ҳалқа)

– حَلْقِيٌّ *лингв.* бўғизга оид; الْأَصْوَاتُ الْـ~ـَةُ бўғиз товушлари

– حَلَقِيٌّ ҳалқасимон, доирасимон, ҳалқасифат

– حَلَقِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ доира, давра, айлана

– حَلِيقٌ *кўп.* حِلَاقٌ, حَلْقَى (*соч-соқоли*) олинган, (*соч-соқоли*) қирдириб ташланган; ~ الشَّارِبِ وَ اللِّحْيَةِ соқол-мўйлови олинган

– مِحْلَاقٌ *кўп.* مَحَالِيقُ, مَحَالِقُ *бот.* жингалак, гажак (*ўсимликларда*)

– مِحْلَقَةٌ, مِحْلَقٌ *кўп.* مَحَالِقُ устара

– مُحَلِّقَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ планёр, моторсиз учадиган аппарат

– مَحْلُوقٌ = حَلِيقٌ

حُلْقُومٌ *кўп.* حَلَاقِيمُ томоқ, бўғиз; ◊ ~ الْـ~ رَاحَةُ роҳат-лукум

I **حَلَكَ** (*a*) حَلَكٌ, حُلُوكَةٌ 1) қоронғи бўлмоқ, қоронғилашмоқ, ғира-шира бўлмоқ; 2) сақичдек (*зулукдек*) қоп-қора бўлмоқ; XII احْلَوْلَكَ қоронғилашмоқ; تِ~ الدُّنْيَا қоронғи тушди

– حَالِكٌ *шунингдек:* ~ السَّوَادِ сақичдек (зулукдек) қоп-қора

– حَلَكٌ 1) қоронғулик, ғира-ширалик; 2) қоралик

– حَلَكٌ 1) қоронғу, ғира-шира; 2) қора, қоп-қора

– حُلْكَةٌ 1) зимистон, тим қоронғулик; 2) қоп-қоралик

– حَلَكُوكٌ тим қора, тим қоронғу

– حُلُوكَةٌ қоронғулик, ғира-ширалик

I **حَلَمَ** (*u*) حُلْمٌ 1) туш кўрмоқ, тушида кўрмоқ; (*бирор н. ни*) орзу қилмоқ, хаёл қилмоқ, ният қилмоқ (ـْ ,عَنْ ب); 2) балоғат ёшига етмоқ, балоғатга етмоқ, бўйи етмоқ; حَلُمَ (*u*) حِلْمٌ беозор бўлмоқ, юмшоқ бўлмоқ, ювош бўлмоқ, ҳалим бўлмоқ; V تَحَلَّمَ ювош

тортмоқ, беозор бўлиб қолмоқ, юмшамоқ; VI تَحَالَمَ ўзини туш кўраётганга солмоқ; VIII احْتَلَمَ балоғат ёшига етмоқ, бўйи етмоқ; *мед.* эҳтилом бўлмоқ, булғаниб қолмоқ, уйқуда эҳтиломланиб қолмоқ

– احْتِلاَمٌ етуклик, балоғат; *мед.* булғаниб қолиш, уйқуда эҳтиломланиб қолиш, эҳтилом

– حَالُومٌ ҳалум (*пишлоқ навларидан бири*)

I **خَصَّ** (*а/у*) خَصٌّ, خُصُوصٌ 1) (*н. си биландир*) алоҳида, махсус белгиламоқ (ب); بِالذِّكْرِ ~ـهُ махсус, алоҳида ажратмоқ, кимнидир махсус, алоҳида эсламоқ; بِعِنَايَتِهِ ~ـهَا у унинг учун махсус (алоҳида) ғамхўрлик қилди; لِنَفْسِهِ ~ـهُ ниманидир ўзи учун махсус (алоҳида) ажратмоқ; (*н. нидир*) эгаллаб (*ўзиники қилиб*) олмоқ; 2) улушга тўғри келмоқ; 3) (*н. биландир*) махсус боғлиқ бўлмоқ; (*н. гадир*) тааллуқли, алоқадор бўлмоқ (ب); لَا يَخُصُّكَ هٰذَا бу сенга тааллуқли (алоқадор) эмас; II خَصَّصَ (*н. нидир*) таъйинламоқ, алоҳида атаб (тайинлаб, белгилаб) қўймоқ; (*н. учундир пулни*) ажратмоқ (لِـ); V تَخَصَّصَ бирор соҳа бўйича мутахассис бўлиб етишмоқ, ихтисос (мутахассислик) олмоқ; қайсидир соҳада мутахассис бўлмоқ (ب, فِي); VIII اخْتَصَّ 1) (*н. биландир*) фарқланмоқ, бирор хусусияти билан ажралиб турмоқ (ب); 2) (*н. биландир*) алоқадор бўлмоқ, (*н. гадир*) тааллуқли бўлмоқ (ب); 3) (*н. гадир*) тегишли, хос бўлмоқ (ب); (*к. нидир*) қарамоғига (*ихтиёрига*) кирмоқ (ب); 4) (*н. нидир*) ўз мутахассислиги бўйича танланмоқ (ب); (*н. биландир*) махсус шуғулланмоқ (ب); қайсидир соҳа бўйича мутахассис бўлмоқ (ب)

– اخْتِصَاصٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) вазифалар доираси; компетенция (*бирор к. яхши хабардор бўлган соҳа ёки масала*); юрисдикция (*суд қилиш ҳуқуқи*) عَدَمُ الْ~ асоссизлик; ذُو ~ асосли, ваколатли; 2) ўзига хос хусусият; 3) вазифа; 4) ихтисослаштириш, махсус мақсад учун берилган, мослаш; соҳа, ихтисос, касб, ҳунар

– اخْتِصَاصِيٌّ мутахассис

– أَخَصُّ ўзига хос, алоҳида, бошқача; بِالْ~ ёки عَلَى الْ~ ёки عَلَى وَجْهِ ~ хусусан, энг аввал, алоҳида ҳолда, айниқса

– تَخَصُّصٌ ихтисосни (касб-ҳунарни) эгаллаш, ихтисослашиш

– تَخْصِيصٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) таъйинлаш, ажратиш; عَلَامَةُ الْ~ қўштирноқ белгиси; 2) ажратилган, чиқарилган пул; 3) махсус мақсадлар учун ажратилган маблағ; 4) ихтисослашиш; بِالْ~ махсус, алоҳида; ... وَ عَلَى الْ~ ... عَلَى التَّعْمِيمِ қисман ... ва умуман ...

– خَاصٌّ 1) алоҳида, махсус; 2) айрим ҳолларда бўладиган; 2) шахсий, хусусий; الْحَيَاةُ الْ~ـةُ шахсий ҳаёт; السِّكْرِتِيرُ الْ~ـةُ шахсий секретарь; الْمُلْكِيَّةُ الْ~ـةُ шахсий (хусусий) мулк; 3) (*н. гадир*) тааллуқли (ب); عَرَفَ هٰذَا الْ~ُ وَ الْعَامُّ бу ҳақда хосу ом (ҳамма) билди; ~ عَيْشٌ оқ нон

– خَاصَّةٌ *кўп.* خَوَاصُّ 1) ўзига хос фазилат, хусусият; хосса; وَ ~ ... عَامَّةً وَ ~ ... умуман ... ва хусусан ...; ~ ёки بِـ~ айниқса, хусусан, аввало; فِي ~ نَفْسِهِ дилида, ўзича; 2) шифобахш таъсир, шифобахш куч (*мас., доридаги*); 3) шахсий (хусусий) мулк; 4) хослар, оқсуяклар, аслзодалар, зодагонлар

– خَاصِّيَّةٌ *кўп.* خَصَائِصُ, خَاصِّيَّاتٌ ўзига хос фазилат, хусусият

– خَصٌّ ўтсимон ўсимликдан тайёрланган коҳу (салат)

– خُصٌّ *кўп.* خِصَاصٌ, أَخْصَاصٌ кулба, хароба уй

– خَصَاصَةٌ[1] *кўп.* خَصَاصٌ тоғнинг ёрилган жойи, тор дара, жарлик; кавак, тирқиш, ёриқ

– خَصَاصَةٌ[2] муҳтожлик, камбағаллик

– خُصَاصَةٌ *кўп.* خُصَاصٌ кўп бўлмаган (оз) миқдор

– خُصُوصٌ 1) ўзига хос хусусият, фазилат; жузъий бир ҳол; فِي ~ ёки عَلَى وَجْهِ الْ~ ёки عَلَى الْ~ хусусан, айниқса; 2) алоқа; مِنْ هٰذَا الْ~ бу борада, бу хусусда

– خُصُوصِيٌّ 1) ўзига хос, ўзича, махсус; 2) хусусий, шахсий

– خُصُوصِيَّاتٌ *кўп.* 1) ўзига хос хусусиятлар, фазилатлар; عِلْمُ ~ الشُّعُوب этнография; 2) жузъий (алоҳида) бир ҳолатлар (ҳодисалар)

– خَصِيصٌ[1] (*н. гадир*) хос бўлган, одат бўлган (ب); ~ًا атайлаб, жўрттага, махсус

– خَصِيصٌ[2] *кўп.* أَخِصَّاءُ 1) (*қандайдир соҳада*) мутахассис (فِي); 2) яқин дўст, ўртоқ

– خَصِيصَةٌ *кўп.* خَصَائِصُ хусусият, хосса

– مُتَخَصِّصٌ мутахассис, (*қайсидир соҳада*) ихтисос олган (فِي)

– مُخْتَصٌّ мос, мувофиқ, тўғри келадиган, алоқадор, тегишли; الْهَيْئَاتُ الْ~ـةُ тегишли, алоқадор идоралар

– مُخَصَّصَاتٌ *кўп.* бирор мақсад учун ажратилган маблағлар; ~ الْمَلِكِ парламент томонидан подшо учун ажратилган маблағ

– مَخْصُوصٌ махсус, алоҳида; ~ قِطَارٌ махсус поезд

I **خَصِبَ** (*а*) خِصْبٌ серҳосил, унумдор бўлмоқ; сернатижа, сермаҳсул бўлмоқ; II خَصَّبَ 1) ҳосилдорликни оширишга ёрдам бермоқ; ҳосилдорликни оширмоқ; 2) ўғитламоқ, ўғит (гўнг) солмоқ; IV أَخْصَبَ 1) ҳосилдор, серунум бўлмоқ; 2) серҳосил қилмоқ; ўғитламоқ; 3) ижодий куч, ғайрат бағишламоқ, самарадор, унумли қилмоқ

– إِخْصَابٌ 1) самарадорлик, унумлилик, серҳосиллик; 2) маҳсулдор, самарали қилиш

– خَصِبٌ серҳосил, унумдор, самарали

– خِصْبٌ серҳосиллик, унумдорлик, мўл-кўллик; قَرْنُ الْ~ сероблик, мўл-кўллик; آلِهَةُ الْ~ мўл-кўллик илоҳаси

– خُصُوبَةٌ серҳосиллик, унумдорлик

– خَصِيبٌ = خَصِبٌ; الْهِلَالُ الْ~ *тар.* Маҳсулдор ярим ой (*Ироқ, Сурия, Лубнонда*)

– مَخْصَابٌ серҳосил

– مُخْصِبٌ 1. 1) унумдор, серҳосил; 2) унумдорликка, ҳосилдорликка ёрдам қиладиган; 2. *кўп.* اتٌ ـــ ўғит; مُخْصِبَاتٌ كِيمْيَاوِيَّةٌ кимёвий ўғитлар

I **خَصَرَ** (*а*) خَصَرٌ совқотмоқ, жунжимоқ, совуқ урмоқ; II خَصَّرَ чиппа ёпишиб турмоқ (*кийим ҳақида*); III خَاصَرَ 1) белидан олмоқ (*мас., рақс тушаётган пайтда*); VI تَخَاصَرَ бир-бирини белидан ушламоқ; бир-бирини қучоқламоқ; VIII اخْتَصَرَ 1) қисқартирмоқ; калта қилмоқ; озайтирмоқ; 2) мазмунини қисқача (конспект тарзида) ёзиб олмоқ

– اخْتِصَارٌ 1) қисқартириш, қисқариш; 2) қисқалик, озлик, калталик, мухтасарлик; ~ـــٍ بِالْـ *ёки* ~ـــٍ بِـ а) қисқа қилиб, қисқача; б) қисқасини айтганда

– خَاصِرَةٌ *кўп.* خَوَاصِرُ бел; ён, биқин

– خَصْرٌ *кўп.* خُصُورٌ = خَاصِرَةٌ; ~ الْـ دَقِيقُ хипча белли; ~ الْعَقْد *архит.* ярим қисми девор ичига жойлашган, ярми ташқарида бўлган устун, колонна, пилястра

– خَصَرٌ совуқ ҳаво

– مُخْتَصَرٌ 1. 1) қисқартирилган, калта, қисқа; 2) қисқа баён этилган (ёзилган), мухтасар; 2. *кўп.* اتٌ ـــ конспект

– مُخَصَّرٌ ингичка, нозик

– خَصِرٌ совуқ (*сифат*)

– مِخْصَرَةٌ *кўп.* مَخَاصِرُ таёқча, дирижёрлик таёқчаси; асо, ҳасса; подшо салтанатининг ҳассаси (*скипетр*); ◊ مَخَاصِرُ الطَّرِيقِ энг қисқа йўл

I **خَصَفَ** (*и*) خَصْفٌ тузатмоқ, (*пойабзални*) таъмир қилмоқ (тикмоқ, ямамоқ)

– خَصَفَةٌ *кўп.* خِصَافٌ, خَصَفٌ (*хурмо солиш учун*) хурмо (пальма) толаларидан тўқилган сават

– مِخْصَفٌ *кўп.* مَخَاصِفُ бигиз

(خصل) VI تَخَاصَلَ ўқ узиб гаров ўйнамоқ

– خَصْلٌ келиши мумкин бўлган хавф (*урушда*)

– خَصْلَةٌ *кўп.* خِصَالٌ 1) хислат, хусусият, ўзига хос фазилат; 2) оқилона қоида

– خُصْلَةٌ *кўп.* خُصُلَاتٌ, خُصَلٌ 1) бир тутам соч; зулф, гажак; 2) бош (*узумники*)

I **خَصَمَ** (*и*) خَصْمٌ 1) ғолиб бўлмоқ, (*баҳсда*) баланд келмоқ, ютиб чиқмоқ; 2) (*н. дандир*) айирмоқ, айриб (чиқариб) ташламоқ, (*н. гадир*) енгиллик бермоқ (عَلَى); 3) векселлар (қарз ҳужжатлари) ни ҳисобга олмоқ; III خَاصَمَ 1) баҳслашмоқ, тортишмоқ, айтишмоқ, гап талашмоқ; 2) жанжаллашмоқ, урушмоқ; адоват сақламоқ, душман бўлмоқ; судлашмоқ, даъволашишмоқ; VI تَخَاصَمَ 1) бир-бири билан тортишмоқ; 2) адоват сақламоқ; (*к. биландир*) судлашмоқ (مَعَ); бир-бири билан даъволашмоқ; VII انْخَصَمَ айирилган, олиб ташланган бўлмоқ; VIII اخْتَصَمَ 1) тортишишни, айтишишни бошламоқ; 2) жанжалашмоқ, адоват сақламоқ

– خِصَامٌ 1) баҳс, тортишув, мунозара; беҳуда тортишув; 2) уруш, жанжал, низо, араз; адоват, хусумат; айтишиш, довлашиш, даъволашиш

– خَصْمٌ[1] 1) айириш; енгиллик; 2) *мол.* (*векселларни*) ҳисобга олиш; ~ بَنْكُ الْـ ҳисоб-китоб банки; ~ سِعْرُ الْـ ҳисоб фоизи (проценти); ◊ أُصُولٌ وَ خُصُومٌ актив ва пассив

– خَصْمٌ[2] *кўп.* خُصُومٌ, أَخْصَامٌ хасм, душман, ёв; рақиб; ёвлашаётган томон; ثَالِثٌ ~ *юр.* учинчи шахс

– خَصِمٌ қаттиқ хусуматли

– خُصُومَةٌ 1) тортишув, баҳс; 2) хусумат, адоват

– خَصِيمٌ *кўп.* خُصَمَاءُ, خُصْمَانٌ душман, ёв; рақиб

– مُخَاصِمٌ 1. даъволашувчи, довлашувчи, тортишувчи; 2) қарши томон (*судда*)

– مُخَاصَمَةٌ тортишув, мунозара; даъволашув, сўзлашув; судда иш кўрилиши, суд

I **خَصَى** (*и*) خِصَاءٌ, خَصْيٌ бичмоқ, ахта қилмоқ, бепушт қилмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); IV أَخْصَى (*илмнинг қайсидир соҳасини*) махсус ўрганмоқ; (*қайсидир соҳага*) ихтисослашмоқ (فِي); VII انْخَصَى бичилган, ахта қилинган бўлмоқ

– إِخْصَائِيٌّ мутахассис; ишнинг кўзини биладиган; ~ فِي أَمْرَاضِ الْعَيْنِ кўз касалликлари бўйича мутахассис

– إِخْصَائِيَّةٌ ихтисос; мутахассислик

– خِصَاءٌ ахта қилиш, бичиш (*ҳайвонлар ҳақида*)

– خَصِيٌّ *кўп.* خِصْيَانٌ 1. бичилган; 2) бепушт; ҳарам оғаси (бичилган қул)

– خُصْيَةٌ *и к. с.* خُصْيَتَانِ *кўп.* خُصًى *анат.* мояк, тухум; ◊ خُصَى الثَّعْلَبِ *ёки* خُصَى الْكَلْبِ *бот.* солиб, орхис (*илдизидан дори тайёрланадиган кўпйиллик ўт-алаф*)

– مَخْصِيٌّ ахта қилинган, бичилган; ~ حِصَانٌ ахта от

I **خَضَّ** (*а/у*) خَضٌّ 1) силкимоқ, қоқмоқ, силкитмоқ, қимирлатмоқ, силтамоқ; ирғитмоқ, отмоқ, ташламоқ; чайқатмоқ, чайқалтирмоқ, лойқалатмоқ; اللَّبَنَ ~ сутни кувлаб мой олмоқ; الزُّجَاجَةَ ~ шишадаги суюқликни чайқалтирмоқ; 2) қаттиқ койимоқ, қаттиқ танбиҳ бермоқ; қаттиқ қўрқитмоқ (чўчитмоқ); II خَضَّضَ сочмоқ, кўмиб юбормоқ, безамоқ, ясатмоқ (*ялпироқ тангачалар, зар иплар ҳақида*); VII انْخَضَّ 1) силкинган, қимирлатилган, қоқилган силтанган бўлмоқ; 2) чўчиган, қўрққан, ҳаяжонланган бўлмоқ

– خَضٌّ силкиш, қоқиш, қимирлатиш; ~ اللَّبَنِ кувлаш, сутдан мой олиш

– خَضَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) қаттиқ ҳаяжон, изтироб; ларза, тебраниш, титраш, ларзага келиш; 2) руҳий ларза, путур; қўрқув, ваҳима

– خَضِيضٌ кувланган, ёғи олинган сут (*Ироқда*)

I (خضب) **خَضَبَ** (*u*) خَضْبٌ бўямоқ; خَضِبَ (*a*) خَضَابٌ зангори бўлмоқ, яшил бўлмоқ; II خَضَّبَ = I; VIII اخْتَضَبَ бўялмоқ; XII اخْضَوْضَبَ кўкармоқ, кўм-кўк (ям-яшил) бўлмоқ

– خِضَابٌ ранг, бўёқ модда

– خَضْبٌ 1) бўяш; 2) пигмент, ранг

– خَضِيبٌ бўялган, бўяб қўйилган

– مَخْضَبٌ тоғора, тос

خَضْخَضَ 1) силкимоқ, қоқмоқ, силкитмоқ, қимирлатмоқ; ирғитмоқ, отмоқ, ташламоқ; 2) шилдирамоқ, жилдирамоқ; 3) чайқамоқ, чайқаб ташламоқ, чаймоқ; تَخَضْخَضَ чайқалмоқ, тўлқинланмоқ

– خَضْخَضَةٌ 1) силкиш, қоқиш, силкитиш, қимирлатиш; ирғитиш, отиш, ташлаш; 2) шилдираш, жилдираш; 3) чайқаш, чайиш

I **خَضَدَ** (*u*) خَضْدٌ 1) синдирмоқ, парчаламоқ, бузмоқ; ~ شَوْكَتَهُ кимнингдир қудратини (*кучини*) синдирмоқ; 2) бутамоқ, кесмоқ; ~ الشَّجَرَ дарахтнинг шохларини кесмоқ

– خَضِيدٌ буталган, кесилган

– مَخْضُودٌ خَضِيدٌ

I **خَضِرَ** (*a*) خَضَرٌ кўм-кўк, ям-яшил бўлмоқ, кўкараётган бўлмоқ; II خَضَّرَ ям-яшил қилмоқ; الْأَرْضَ ~ ерни экиб (сепиб) банд қилмоқ; IX اخْضَرَّ 1) ям-яшил бўлмоқ, кўкармоқ; 2) кўкат (майса) билан қопланмоқ, кўм-кўк барг чиқармоқ; XII اخْضَوْضَرَ яшил бўлмоқ

– أَخْضَرُ *мн.* خُضْرٌ *кўп.* خَضْرَاءُ 1) яшил, зангори, кўк; 2) хом, ғўр, думбул, етилиб пишмаган; 3) тиниқ, шаффоф, соф; янги, тоза; الْمَاءُ الْعَذْبُ الْـ~ тоза чучук сув; ◊ الْخَضْرَاءُ الدِّمَنِ осмон; خَضْرَاءُ гўнгқўнғиз; الْأَخْضَرَانِ ик. *с.* Ўтлар ва дарахтлар; اكْتَسَحَ الْـ~ وَ الْيَابِسَ ҳамма нарсани йўқ (яксон) қилмоқ (*довул, бўрон ҳақида*); أَتَى عَلَى الْـ~ وَ الْيَابِسِ ҳамма нарсани бутунлай йўқ қилмоқ (*ёнғин ҳақида*)

– اخْضِرَارٌ кўкариш, майса билан қопланиш; кўкат, майса

– خَضَارٌ 1) зангори, яшил, кўк ранг; кўкат; 2) полиз экинлари

– خُضَارٌ *кўп.* اتٌ ـــ майса, ўт, ўсимликлар; барглар, полиз экинлари

– خَضَّارٌ кўкатфуруш; кўкат, полиз экинлари сотувчи

– خُضَارِيٌّ *кўп.* خَضَارِيُّ ёввойи ўрдак

– خَضِرٌ зангори, яшил ранг, кўкат

– خَضِرٌ кўкараётган, сабза ураётган; яшил ранг, кўк

– خُضُرٌ, خُضْرٌ кўк резавор, сабзавот

– خِضْرٌ[1]: الْـ~ Хизр алайҳиссалом

– خِضْرٌ[2]: مِضْرًا ~ ذَهَبَ دَمُهُ унинг қони бекордан-бекор тўкилди

– خُضْرَةٌ 1) яшил ранг; 2) майса, ўт-ўлан; 3) кулранг (*ҳайвонларга нисбатан*); буғдой ранг (*одамларга нисбатан*)

– خُضْرَوَاتٌ, خَضْرَوَاتٌ *кўп.* кўкатлар, сабзавотлар

– خُضَرِيٌّ *кўп.* خُضَرِيَّةٌ = خَضَّارٌ

– خَضِيرٌ = خَضِرٌ

– خُضَيْرِيٌّ *зоол.* зангори чумчуқ; ~ بَطٍّ ёввойи ўрдак

– مُخَاضَرَةٌ мева пишиб етилмай туриб, хомлигича савдо қилиш

– مَخْضَرَةٌ 1) кўкат; чимзор; 2) ўтлоқ, яйлов

– مُخْضَوْضِرٌ яшил, кўм-кўк; الْأَوْدِيَةُ الْـ~ةُ кўм-кўк водийлар

– يَخْضُورٌ хлорофил (*ўсимликка яшил ранг бериб турувчи модда*)

– يَخْضُورِيٌّ: ~ لَا ـ~ةُ النَّبَاتَاتُ اللَّا хлорофилсиз; хлорофилсиз ўсимликлар

(خضرم) تَخَضْرَمَ икки давр оралиғида яшамоқ; *фольк.* кўп даврларда яшамоқ

– خِضْرِمٌ *кўп.* خَضَارِمُ бой, сероб, мўл-кўл, саховатли

– مُخَضْرَمٌ 1) (*исломгача бўлган даврнинг охири ва исломнинг бошларида яшаган*) шоир; 2) синфида иккинчи йилга қолган ўқувчи

I **خَضَعَ** (*a*) خُضُوعٌ 1) (*к. гадир*) бўйсунмоқ, итоат этмоқ (ـِـلِـ); 2) қарам бўлмоқ, измида бўлмоқ, боғлиқ бўлмоқ; II خَضَّعَ қарам қилмоқ, бўйсундирмоқ; IV أَخْضَعَ қарам қилмоқ; бўйсундирмоқ, тинчитмоқ, тийиб қўймоқ; VI تَخَاضَعَ итоаткорлик қилмоқ; VII انْخَضَعَ бўйсунмоқ, итоат этмоқ

– إِخْضَاعٌ итоат эттириш, бўйсундириш

– خَاضِعٌ *кўп.* خُضَّعٌ 1) итоаткор, гапга кирадиган; خَادِمُكُمْ الْـ~ Сизнинг итоаткор қулингиз (*ёзишмаларда*); 2) (*к. нингдир*) қўл остидаги, қарамоғидаги (ـِـلِـ); 3) қарам, боғлиқ бўлган; الْأَقْطَارُ الْـ~ةُ қарам мамлакатлар

– خُضَعَةٌ сертакаллуф, сермулозамат

– خَضُوعٌ *кўп.* خُضُعٌ итоаткор, гапга кирадиган

– خُضُوعٌ 1) итоаткорлик; бўйсуниш, итоат этиш; 2) боғлиқлик

(خضل) خَضَّلَ II ҳўлламоқ, намламоқ; ивитмоқ; IV أَخْضَلَ = II; IX اخْضَلَّ ҳўлланмоқ, ҳўл (*нам*) бўлмоқ; XII اخْضَوْضَلَ = IX

– خَضِلٌ 1) нам, ҳўл; ивиган; 2) янги, тоза, сўлмаган, бокир, бикр

I **خَضَمَ** (*u*) خَضْمٌ иштаҳа билан емоқ

– خِضَمٌّ океан; денгиз; ~ الْكِفَاحِ *маж.* кураш тўлқини; ~ عَرِقَ فِي مِنَ التَّفَاؤُلِ *маж.* ўта некбин (*оптимистик кайфиятда*) бўлмоқ

– خَضِمٌّ қўли очиқ, сахий

I **خَطَّ** (*a/y*) خَطٌّ 1) чизиқ чизмоқ; (*н. нингдир устига*) чизмоқ (عَلَى); خَطَّا (السَّطْرَ) تَحْتَ الْعِبَارَةِ ~ иборанинг (*сатрнинг*) остига чизмоқ; 2) ёзиб, чизиб қўймоқ; (*режани*) белгилаб олмоқ; 3) ўсиб чиқмоқ (*мўйлов ҳақида*); ◊ ~ُهُ الشَّيْبُ унинг соч-соқоли оқарди; II خَطَّطَ 1) чизмоқ, чизиқ чизмоқ; 2) чегараламоқ, марза олиб ажратмоқ; белги билан (қозиқ билан) белгиламоқ; 3) режалаштирмоқ, лойиҳалаштирмоқ; 4) эгат (жўяк, ариқ) очмоқ; 5) ола-була, йўл-йўл қилмоқ (*мас., газмолни*); 6) бўямоқ; ~ الْحَوَاجِبَ қошни бўямоқ; ~ الْوَجْهَ юзни бўямоқ; V تَخَطَّطَ бўямоқ (*қошни, юзни*); VII اِنْخَطَّ чизилган, ёзилган бўлмоқ; VIII اِخْتَطَّ 1) (*н. нидир*) ўзи учун чизмоқ, белгиламоқ; 2) марза қилиб, чегаралаб ажратиб олмоқ; 3) ўзининг режасини (*ҳатти-ҳаракатини*) белгилаб олмоқ, لِنَفْسِهِ قَاعِدَةً ~ ўзи учун қоида белгилаб олмоқ; 4) режалаштирмоқ, режа тузмоқ; қурмоқ, асос солмоқ (*мас., шаҳарга*); 5) (*қайсидир*) чизиқда, қаторда жойлашган бўлмоқ (فِي); 6) соқол-мўйлови сабза урган бўлмоқ

– تَخْطِيطٌ 1) планга (режага) олиш, ўлчаш; марза тортиш; ~ الْبُلْدَانِ жўғрофия (география); ~ الْحُدُودِ чегарани аниқлаш, белгилаш, фарқлаш, ажратиш; 2) режалаштириш; лойиҳалаштириш; ~ الْاِقْتِصَادِيُّ *ёки* الْاِقْتِصَادِ ~ иқтисодни режалаштириш; ~ الْمُدُنِ шаҳарни лойиҳалаштириш; 3) эгат (жўяк) олиш; ариқ очиш; 4) *кўп* اتٌ ـــ план, режа, лойиҳа; чизма; ◊ ~ الْحَوَاجِبِ қошни бўяш

– تَخْطِيطِيٌّ планга, лойиҳага тааллуқли; планли, лойиҳали

– خَطٌّ *кўп.* خُطُوطٌ 1) хат, чизиқ; ~ الْعَامُّ бош йўналиш (режа); ~ الْمُنَقَّطُ الْـ узуқ-узуқ чизиқ (*пунктир*); ~ الْمُنَقَّطُ الْـ нуқтали чизиқ; ~ الْحُدُودِ чегара чизиғи; ~ تِلِغْرَافِيٌّ телеграф линияси; لِنَقْلِ خُطُوطُ ~ وَ تَوْزِيعِ الْكَهْرَبَاءِ الْـ электр узатиш линияси; ~ الْكَهْرَبَائِيُّ الْـ الْكَهْرَبَاءِ ذَاتُ الْجُهْدِ الْعَالِي юқори кучланишли токни узатиш линиялари; ~ الْقُوَى (*магнит майдонининг*) куч чизиқлари; ~ التَّجْمِيعِ йиғиш линияси (*заводлардаги потокда*); ~ الْهَوَائِيُّ (الْخَارِجُ) ташқи антенна; ~ الْأَرْضِيُّ الْـ ерга уланган сим; ~ الْجَوِّيُّ الْـ (الْمُبَاشِرُ) إِلَى ... *ав.* ...га (тўғри) ҳаво йўли; ~ السَّيْرِ *ёки* سِكَّةُ السَّفَرِ маршрут, босиб ўтиладиган йўналиш, йўналиш; ~ رَئِيسِيٌّ магистраль (*катта асосий қатнов йўли*); ~ أَنَابِيبِ النَّفْطِ нефть қувури; ~ الْاِسْتِوَاءِ экватор, хатти устуво; ~ الْاِعْتِدَالِ тенгкунлик чизиғи; ~ نِصْفِ النَّهَارِ *ёки* الزَّوَالِ ~ *ёки* ~ الطُّولِيُّ (الطُّولِ) ~ *ёки* ~ الْهَاجِرَةِ меридиан; узунлик; ~ الْأَرْضِ параллел; кенглик; ~ الْمُسْتَقِيمُ الْـ тўғри чизиқ; ~ عَلَى طُولِ الْـ бутунлай, тўлалигича, мукаммал; ~ الْهُجُومِ *спорт.* ҳужум чизиғи; ~ الاِبْتِدَاءِ *спорт.* старт (*мусобақанинг бошланиш нуқтаси, пайти, чизиғи*); ~ النِّهَايَةِ *спорт.* финиш (*мусобақанинг тугаш нуқтаси, пайти, чизиғи*); ~ تَقْسِيمِ الْمِيَاهِ сув айиргич, элиш; ~ الْمَاءِ *ёки* ~ الْعَوْمِ ватерлиния (*кеманинг сувга ботиш чизиғи*); خُطُوطُ الْكَفِّ кафт чизиқлари; خُطُوطُ الْمُوَاصَلَاتِ алоқа (коммуникация) йўллари; الْخُطُوطُ الْبَرِّيَّةُ وَ الْبَحْرِيَّةُ وَ الْجَوِّيَّةُ қуруқлик, сув ва ҳаво йўллари; الْخُطُوطُ الْأَمَامِيَّةُ *ҳарб.* олдинги (жанг бораётган) чизиқлар; 2) йўл-йўл чизиқлар; из, йўл; эгат, жўяк; йўл, катта текис йўл; رَايَةُ الْخُطُوطِ ва АҚШ давлат байроғи; 3) қатор; саф; 4) хат, ёзув, дастхат, *шунингдек:* ~ عِلْمُ الْـ хаттотлик; ~ دَقِيقٌ майда ёзув; ~ الْـ الْكُوفِيُّ куфий ёзуви, хати; ~ الْـ الْمِسْمَارِيُّ *ёки* الْإِسْفِينِيُّ миххат; ~ الْمُؤَلِّفِ автограф, муаллифнинг ўз хати; زَادَ عَلَى هَذَا الْمَكْتُوبِ بِخَطِّ يَدِهِ مَا يَأْتِي ... бу мактубга у ўз қўли билан қўйидагиларни илова қилди; 5) хусусият, равиш; بِخُطُوطٍ قَصِيرَةٍ қисқа равишда баён қилганда, қисқа қилиб айтганда, қисқача баён қилганда ...

– خُطٌّ *кўп.* أَخْطَاطٌ квартал; район, ноҳия, шаҳарнинг бир қисми; маҳалла

– خَطَّاطٌ 1) хаттот; 2) хаттотлик (каллиграфия) ўқитувчиси

– خُطَّةٌ *кўп.* خُطَطٌ 1) ахлоқ доираси, ҳаракат тарзи, тактика; الْخُطَطُ الْحَرْبِيَّةُ *ҳарб.* тактика (*тайёргарлак кўриш ва жанг олиб бориш тарзи*); 2) режа, план; ~ الْعَمَلِ иш режаси; الْـ ~ الْخُمَاسِيَّةُ (الْخَمْسِيَّةُ) беш йиллик режа خُطَطُ الدِّرَاسَةِ *ёки* خُطَطُ التَّعْلِيمِ ўқув режалари; 3) йўналиш; 4) усул, услуб

– خُطَّةٌ *кўп.* خِطَطٌ жой; ернинг бир қисми

– خَطَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ чизиқча, чизиқ

– خَطِّيٌّ 1) чизиқли; 2) хаттий, ёзма, қўлёзма; ~ بَيَانٌ ёзма баён, тушунтириш хати; ~ًا ёзма равишда

– مِخْطَاطٌ = مِخَاطٌ *кўп.*

– مِخْطَاطٌ *кўп.* مَخَاطِيطُ чизғич, жазбар

– مُخَطَّطٌ 1. 1) режали, планли; ~ الْـ الْاِقْتِصَادُ режали (режалаштирилган) иқтисод; 2) расм солиб безатилган, безалган; ~ رَسْمٌ чизма, тарх, схема; 3) бўялган; 4) йўл-йўл, ола-була; 2. *кўп* اتٌ ـــ чизма, тарх, схема, эскиз, хомаки нусха; хомқолип; хомаки режа, лойиҳа

– مُخَطِّطٌ режалаштирувчи

– مَخْطُوطَةٌ, مَخْطُوطٌ *кўп.* اتٌ ـــ қўлёзма

I **خَطِئَ** (*a*) خَطَأٌ, خِطْءٌ, خَطْءٌ 1) хато қилмоқ, адашмоқ, хатога йўл қўймоқ, янглишмоқ; 2) гуноҳ (айб) иш қилмоқ; II خَطَّأَ хато (нотўғри) деб билмоқ; нотўғри деб айбламоқ; айбдор (гуноҳкор) деб билмоқ; IV أَخْطَأَ адашмоқ, хато қилмоқ, хатога (гуноҳга) йўл

қўймоқ; (*н. нидир*) нотўғри қилмоқ; اَلْاِسْتِعْمَالُ ~ (*сўз ва б. ларни*) нотўғри ишлатмоқ; اَلْغَرَضُ ~ нишонга уролмаслик; اَلْفَهْمُ ~ нотўғри тушунмоқ; بَيْنَ الشَّيْأَيْنِ ~ бир нарсани бошқа нарса деб қабул қилмоқ; فِي الاِسْتِنْتَاجِ ~ нотўғри хулоса қилмоқ; فِي (اَلنَّقْلِ) اَلتَّرْجَمَةِ нотўғри таржима қилмоқ; فِي اَلْحِسَابِ ~ нотўғри ҳисобламоқ; V تَخَطَّأَ = IV

– خَاطِئٌ 1. 1) гуноҳ қилаётган, адашаётган; 2) хато; هَذَا مِنْ ~ اَلْأَسَاسِ бу асос эътибори билан нотўғри; 2. *кўп.* خَطَأَةٌ 1) гуноҳкор; 2) бузувчи, бузғунчи

– خَاطِئَةٌ 1. гуноҳ қилаётган (*аёл*); адашаётган (*аёл*); 2. *кўп.* خَوَاطِئُ гуноҳкор (*аёл*)

– خَطْءٌ гуноҳ

– خَطَاءٌ *кўп.* أَخْطِئَةٌ *ёки* خَطَأٌ *кўп.* أَخْطَاءٌ хато, гуноҳ, янглиш; ثَافِهٌ ~ арзимас хато; جَسِيمٌ ~ қўпол хато; يَسِيرٌ ~ кичик хато; غَيْرُ مَقْصُودٍ тасодифий хато; لَفْظِيٌّ ~ талаффуздаги хато; وَ صَوَابٌ ~ матбаа хатолари рўйхати; اَلطَّبْعِ ~ теришда, босишда йўл қўйилган хато; فِي اَلْحِسَابِ ~ ҳисобда янглишиш; ~ *ёки* ~ بِالْـ янглишиб, хато қилган ҳолда

– خَطِيئَةٌ, خَطِيَّةٌ *кўп.* خَطَايَا айб; гуноҳ; مُمِيتَةٌ ~ кечирилмас гуноҳ; 2) жиноят; катта хато

– مُخْطِئٌ 1) янглишаётган, адашаётган; 2) хато, янглиш, нотўғри

I (خطب) **خَطَبَ**[1] (*у*) خَطَابَةٌ خُطْبَةٌ 1) нутқ сўзламоқ; 2) хутба ўқимоқ; خَطُبَ (*у*) خَطَابَةٌ хатиблик қилмоқ, хатиб бўлмоқ; خَطَبَ[2] (*у*) خِطْبَةٌ, خَطْبٌ совчи юбормоқ, қизни келинликка сўрамоқ; унашмоқ, нон ушатмоқ, фотиҳа қилмоқ, оқлиқ бермоқ (олмоқ); ◊ وُدَّهُ ~ кимнингдир дўстлигига (хайрхоҳлигига) эришмоқ; II خَطَّبَ 1) совчи юбормоқ; 2) эрга бермоқ; III خَاطَبَ 1) (*к. биландир*) гаплашмоқ; музокара олиб бормоқ; 2) (*к. гадир*) юзланмоқ, мурожаат қилмоқ; (*к. гадир*) ёзмоқ; VI تَخَاطَبَ 1) ўзаро гаплашмоқ, суҳбатлашмоқ; музокара олиб бормоқ; 2) бир-бири билан хат ёзишмоқ; VII اِنْخَطَبَ турмушга берилган (эрга берилган) бўлмоқ (*қиз ҳақида*); VIII اِخْتَطَبَ = I

– تَخَاطُبٌ суҳбат; музокаралар, ~ اَلْـ لُغَةُ жонли тил

– خَاطِبٌ *кўп.* خُطَّابٌ 1. 1) гапирувчи, нутқ сўзловчи, сўзга чиққан; 2) (*аёлнинг*) кўнглини олувчи, хушторлик қилувчи; 2. 1) нотиқ, сўзамол; 2) куёв; 3) совчи, қуда

– خَاطِبَةٌ-*кўп.* اتٌ ـَـ 1) келин; 2) совчи, қуда

– خِطَابٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) нутқ; اَلْعَرْشِ ~ подшолик сўзи; 2) хат; ёзма хабар (ахборот); اِعْتِمَادٍ ~ аккредитив; تِجَارِيٌّ ~ тижорий хат; تَوْصِيَةٍ ~ тавсиянома; دَوْرِيٌّ ~ циркуляр (*юқори ташкилотлардан қуйи ташкилотларга юборилган фармойиш, кўрсатма*); اَلضَّمَانِ ~ кафолатнома; مَفْتُوحٌ ~ очиқ хат; مُوصًى ~ عَلَيْهِ буюртма хат; ◊ اَلْـ ~ فَصْلُ сўнгги қарор

– خَطَابَةٌ 1) нутқ сўзлаш; 2) хутба ўқиш

– خِطَابَةٌ 1) имом-хатиблик; 2) *шунингдек:* اَلْـ ~ فَنُّ нотиқлик санъати; нутқ; عِلْمِيَّةٌ ~ лекция, маъруза; دِينِيَّةٌ ~ хутба

– خَطَابِيٌّ нотиқликка оид; риторик; عِبَارَاتٌ ~ـَـةٌ риторик иборалар; حَفْلَةٌ ~ـَـةٌ митинг

– خِطَابِيَّةٌ хитобийлар (*шиа мазҳабидаги оқимлардан бири*)

– خَطْبٌ *кўп.* خُطُوبٌ ғам, кулфат, бахтсизлик; ◊ مَا ~ـُكَ؟ а) сенга нима қилди?; сен нима хоҳлайсан?; مَا ~ هَذَا التَّمْزِيقِ нимага бу узуқ-юлуқ?; бу узилиш қаердан пайдо бўлди?

– خِطْبٌ[1] *кўп.* أَخْطَابٌ куёв

– خِطْبٌ[2] нарса; جَلِيلٌ ~ هَذَا бу шарафли нарса

– خُطْبَةٌ *кўп.* خُطَبٌ 1) нутқ, сўз; عِلْمِيَّةٌ ~ лекция, маъруза; ~ دِينِيَّةٌ сўнгги (охирги) сўз; *шунингдек:* ~ хутба

– خِطْبَةٌ[1] келин

– خِطْبَةٌ[2] *кўп.* خِطَبٌ совчи қўйиш (*ёки*) совчи бўлиш; унаштириш; фотиҳа

– خُطُوبَةٌ = خِطْبَةٌ[2]

– خَطِيبٌ *кўп.* خُطَبَاءُ 1. унаштирилган; 2. 1) нотиқ; 2) имом-хатиб; 3) куёв

– خَطِيبَةٌ, *кўп.* اتٌ ـَـ келин

– مُخَاطَبٌ 1) мурожаат қилинаётган киши; 2) *грам.* иккинчи шахс

– مُخَاطَبَةٌ *кўп* اتٌ ـَـ суҳбат; музокаралар; بِالْكَافِ ~ (*к. гадир*) "сен" деб мурожаат қилиш

– مَخْطُوبٌ 1. унаштирилган, фотиҳа қилинган; 2. куёв

– مَخْطُوبَةٌ 1. унаштирилган, фотиҳа қилинган (*қиз*); 2. *кўп.* اتٌ ـَـ келин

I (خطر) **خَطَرَ**[1] (*у, и*) خَطَرَانٌ 1) (*н. биландир*) силкитмоқ, қоқмоқ, силтамоқ (ب); 2) силкинмоқ, тебранмоқ, чайқалмоқ, қимирламоқ; тебраниб кетмоқ; намойишкорона юрмоқ; у ёқ-бу ёққа юриб турмоқ; فِي اَلْغُرْفَةِ ~ хонада юрмоқ; 3) ўзини катта тутмоқ, гердаймоқ; خَطَرَ[2] (*у*) خُطُورٌ (*к. дир*) эсга, каллага келмоқ (لِـ); ~ عَلَى ذِهْنِهِ هَذِهِ الْمُخَاطَرَةُ *ёки* بِبَالِهِ ~ эсламоқ; ~ تْ *ёки* بِبَالِهِ فِي لَمْ يَخْطُرْ بِالْبَالِ لَهُ بِبَالِ هَذِهِ الْفِكْرَةُ бу фикр унинг миясига келди; ақлга келмаган, кутилмаган, тасодифий; خَطَرَ, خُطُورَةٌ (*у*) خَطِرَ, 1) жиддий (муҳим, диққатга сазовор) бўлмоқ; 2) хатарли бўлмоқ; III خَاطَرَ 1) гаров ўйнамоқ, гаров боғлашмоқ, бас боғламоқ; 2) таваккал қилмоқ, (*н. нидир*) хавф остида қолдирмоқ, (*н. нидир*) қартага тикмоқ (ب); VI أَخْطَرَ хабар қилмоқ, билдирмоқ; огоҳ (воқиф) қилмоқ; огоҳлантирмоқ; V تَخَطَّرَ 1) виқор билан юрмоқ; 2)

кеккаймоқ, гердаймоқ; фахрланмоқ; 3) отни гижинглатиб юрмоқ; 4) қимирламоқ, силкинмоқ, тебранмоқ, титрамоқ. VI تَخَاطَرَ бир-бири билан гаров ўйнамоқ

– إِخْطَارٌ *кўп.* ـَاتٌ хабар қилиш, огоҳлантириш

– تَخَطُّرٌ 1) виқор билан юриш; 2) кеккайиш; манманлик; 3) отни гижинглатиб юриш; 4) силкиниш, тебраниш

– خَاطِرٌ *кўп.* خَوَاطِرُ 1) фикр, ғоя; тушунча; تَوَارُدُ الْخَوَاطِرِ фикрларнинг мос келиши; ~ سُرْعَةُ الْـ зеҳни ўткирлик, зийраклик, топқирлик; ~ سَرِيعُ الْـ тез тушунадиган, зукко, идрокли; خَطَرَ لَهُ ~ الْـ унинг миясига фикр келди; 2) ақл; *кўп.* ақлий қобилиятлар; لَمْ يَدُرْ بِـ~ـي менинг ақлимга келмабди!, бу миямга ҳам келмабди!; 3) кўнгил, юрак; أَخَذَ بِـ~ـهِ кимнидир юпатмоқ, овутмоқ, кўнглига тасалли бермоқ; أَخَذَ عَلَى ~ـهِ хафа бўлмоқ, кўнглига олмоқ; كَدَّرَ ~ـهُ кимнидир хижолатга солмоқ, кўнглига ғулғула солмоқ; كَسَرَ ~ـهُ кимнингдир дилини оғритмоқ; ~ طَيِّبٌ *қар.* عَنْ طِيبِ; 4) хоҳиш, истак: عَلَى ~ـكَ сенинг хоҳишингга кўра; ~ عَلَى غَيْرِ хоҳламасдан, истамай; لِأَجْلِ ~ـي мен учун; إِكْرَامًا لِـ~ـكَ ёки. إِرْضَاءً لِـ~ـكَ сен учун, сенинг ҳурматинг учун, сени деб; 5) *халқ.* меҳмон; ◊ ~ـكَ! кўришгунча!

– خَاطِرَةٌ *кўп.* خَوَاطِرُ хотира, фикр, хаёл, ақл

– خَطَّارٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ 1) палахмон; сопқон; минжаниқ (*қадимий тош отиш қуроли*); 2) тебрангич, капгир, маятник (*соатдаги*)

– خَطَّارٌ[2] силкиниб турувчи; ~ رُمْحُ чиқиб-тушиб турган найза; رَجُلٌ ~ بِالرُّمْحِ найза тиқувчи

– خَطَرٌ *кўп.* أَخْطَارٌ 1) хатар, хавф, қалтис иш; хавотирлик, ваҳима; ~ الْحَرْبِ уруш хавфи; ~ الذَّرِّيُّ атом хавфи; مُحْدِقٌ ~ хавфли хатар; ~ إِشَارَةُ الْـ хавф-хатар аломати; ~ جَرَسُ الْـ бонг, жом, қўнғироқ; ~ أَوْقَعَهُ فِي кимнидир хатарга гирифтор қилмоқ; ~ عَرَّضَهُ لِلْـ ... شَكَّلَ أَكْبَرَ الْـ кимнидир хатарга дучор қилмоқ, ... учун катта хавф туғдирмоқ; 2) дов, (*қиморда*) тикилган пул; 3) муҳимлик, аҳамиятга моликлик, нуфуз; шараф, обрў, эътибор; ~ ذُو муҳим, эътиборга молик, нуфузли

– خَطِرٌ хавфли, хатарли; ~ صِنَاعَةٌ зарарли ишлаб чиқариш

– خَطَرَانُ силкиниш, тебраниш

– خَطْرَةٌ *кўп.* خَطَرَاتٌ 1) лаҳза, он, пайт; гал, сафар, навбат, вақт; هَذِهِ لَيْسَتْ أَوَّلَ ~ تَسْأَلُنِي فِيهَا هَذَا السُّؤَالَ сен мендан бу саволни биринчи марта сўраётганинг йўқ; 2) фикрнинг ўзгариши; خَطَرَاتُ نَفْسِهِ кимнингдир ички ҳаяжони, изтироби; ◊ خَطَرَاتُ الرِّيحِ енгил шамол эсиши, шабада

– خُطَرِيٌّ *кўп.* خُطَرِيَّةٌ 1. (*н. нидир*) талабгор бўлиб, отилиб чиқиб қилувчи; 2. кўнгилли, ўз ихтиёри билан отилиб чиққан киши

– خُطُورَةٌ 1) муҳимлик, эътиборга моликлик; 2) хатарлилик

– خَطِيرٌ 1) муҳим, эътиборга лойиқ; ~ الشَّأْنِ муҳим; 2) юқори, шарафли, нуфузли

– مَخَاطِرُ *кўп.* хавф-хатар

– مُخَاطِرٌ 1) таваккал қилувчи, хатарга йўлиқувчи, таваккалчи; 2) таҳликали, қалтис

– مُخَاطَرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ хавф-хатар, қалтис иш; مُخَاطَرَاتٌ فِي الصَّيْدِ овдаги хавфли саргузаштлар

– مُخْطِرٌ = خَطِرٌ

خَطْرَفَ алаҳламоқ, босинқирамоқ

– خَطْرَفَةٌ алаҳлаш, босинқираш

I **خَطَفَ** (*а*) خَطْفٌ 1) ушлаб (тутиб, илиб, чангаллаб) олмоқ; 2) тортиб олмоқ, (*қўлидан*) юлиб олмоқ; 3) олиб кетмоқ; ўғирлаб кетмоқ, олиб қочмоқ; зўрлаб олиб кетиб қолмоқ; ~ وَلَدًا болани ўғирлаб олиб кетмоқ; 4) (*н. нидир*) тез қилмоқ ◊ ~ الْبَصَرَ (*ёркин нур, шуъла билан*) кўзни олмоқ, қамаштирмоқ. V تَخَطَّفَ ушлаб олмоқ. VI تَخَاطَفَ кўтариб (*ушлаб*) олмоқ, ерга туширмай илиб олмоқ; талашиб сотиб олмоқ (*мас. сотилаётган газетани*); 2) бир-бирининг қўлидан юлиб олмоқ. VII اِنْخَطَفَ 1) тутилган (ушланган) бўлмоқ; 2) ўғирланган бўлмоқ; 3) завқланган, мафтун бўлган бўлмоқ, жазавага тушмоқ (*қаландарлар ҳақида*). VIII اِخْتَطَفَ 1) ушлаб (тутиб) олмоқ; (*н. дандир*) тортиб (юлиб) олмоқ (مِنْ); 2) тортиб олмоқ, олиб қўймоқ; олиб қочмоқ; олиб кетмоқ; يَخْتَطِفُ هَذَا الْمَرَضُ الْأُلُوفَ مِنَ الْأَرْوَاحِ бу касаллик минглаб жонларни олиб кетади; ~ وَلَدًا = خَطَفَ وَلَدًا ; ◊ ~ الْبَصَرَ = خَطَفَ الْبَصَرَ

– اِخْتِطَافٌ 1) олиб қочиш; тортиб олиш; 2) юлиб олиш

– اِنْخِطَافٌ завқланиш, жазава (*қаландарларда*)

– خَاطِفٌ 1. 1) ушлаб (илиб) олувчи; 2) юлиб (тортиб) олувчи; 3) олиб (ўғирлаб) кетувчи; 4) қисқа, тез; шиддатли; الْحَرْبُ الْـ~ـةُ шиддатли уруш; زِيَارَةٌ ~ـةٌ оз муддатли (қисқа) сафар; نَظْرَةٌ ~ـةٌ бир лаҳзада олиб бўлинадиган суврат; назар ташлаш, бир қараб қўйиш; 2. ўғри, олибқочар

– خَطَّافٌ ўғри, босқинчи

– خُطَّافٌ *кўп.* خَطَاطِيفُ 1) илгак, чангак, чангал; ~ السَّمَكِ (*балиқ овлаш учун ишлатиладиган*) чангак, илмоқ; 2) лангарнинг оёқ кафтига ўхшаш қисми; лангар; كَانَتِ السَّفِينَةُ عَلَى الْـ~ кема лангарда турган эди; 3) тирноқ, чангал, чанг; 4) қалдирғоч; ~ الْبَحْرِ денгиз қалдирғочи; جَبَلِيٌّ ~ жарқалдирғоч, узунқанот; 5) шайтон

– خَطْفٌ 1) ўғирлаб кетиш, зўрлик билан олиб кетиш; 2) ушлаб олиш; كِيلُوغْرَامًا 90 ~ رَفَعَ بِيَدَيْهِ *спорт.* у бир силташда 90 кг. ни кўтарди; ~ тез

– خَطْفَةٌ *кўп.* خَطَفَاتٌ 1) ушлаб олиш, тез ушлаш, илиш; 2) шиддат, шижоат, тез ҳаракат الْبَرْقِ ~ في шиддат билан

– خَطِيفَةٌ *кўп.* خَطَائِفُ 1) тортиб олинган; ўғирланган; ~ أَخَذَ الْفَتَاةَ келинни ўғирламоқ

– مِخْطَافٌ *кўп.* مَخَاطِيفُ лангар

– مَخْطُوفٌ 1) тутиб олинган, ушлаб олинган; 2) тез, қисқа муддатли

I **خَطِلَ** (*а*) خَطَلٌ 1) беҳуда гаплари вайсамоқ; 2) мақтанмоқ, катта гапирмоқ; гердаймоқ, кеккаймоқ; IV أَخْطَلَ беҳуда гапларни вайсамоқ; V تَخَطَّلَ катта кетмоқ, кеккаймоқ, ғоз юриш қилмоқ

– خَطَلٌ беҳуда гап, сафсата; ... مِنَ الْـــ~ أَنَّ ... деб ўйлаш аҳмоқликдир

– خَطِلٌ аҳмоқона, беҳуда, бемаъни

I **خَطَمَ** (*у*) خَطْمٌ нўхта *ёки* бурундуқ тақмоқ; ◊ ~ بِالْكَلَامِ жим бўлишга мажбур қилмоқ

– خِطَامٌ *кўп* خُطُمٌ, أَخْطِمَةٌ нўхта, жилов, тизгин

– خَطْمٌ *кўп* خُطُومٌ, أَخْطَامٌ тумшуқ (*мас., итники*)

– خِطْمِيٌّ, خِطْمِيَّةٌ *бот.* тугмачагул

– مَخْطَمٌ *кўп.* مَخَاطِمُ = خَطْمٌ

I (خطو) **خَطَا** (*у*) خَطْوٌ қадам ташламоқ, юрмоқ, қадам босмоқ, олдинга юрмоқ; ... خَطَوَاتٍ وَاسِعَةٍ فِي ~ ...да жадал қадамлар билан олға силжимоқ; ...да катта муваффақиятларга эришмоқ; V تَخَطَّى 1) у томонга ўтмоқ, қадам қўймоқ, қадам ташламоқ, ҳатлаб ўтмоқ; عَتَبَةَ الدَّارِ ~ уй остонасидан ҳатлаб ўтмоқ; الْغُرْفَةِ فِي ~ хонада юрмоқ; 2) (*қонундан*) четга чиқмоқ; 3) (*хизмат поғоналарида к. дандир*) ўтиб кетмоқ; VIII اخْتَطَى юрмоқ, олға қадам ташламоқ

– خَطْوَةٌ *кўп.* خَطَوَاتٌ 1) қадам, одим; إِلَى الْأَمَامِ ~ олдинга бир қадам; إِلَى الْوَرَاءِ ~ орқага бир қадам; ... جَاسِمَةً فِي قَامَ بِـــ~ ...да ҳал қилувчи қадамни қўйди; 2) *шахм.* юриш

– خَطْوَةٌ *кўп* خُطُوَاتٌ, خُطًى = خَطْوَةٌ; اتَّخَذَ الْخُطُوَاتِ الْأُولَى سَارَ بِخُطًى وَاسِعَةٍ (وَاثِقَةٍ, ...да биринчи қадамни қўйди; ...فِي ...да биринчи қадамни қўйди; ...га дадил (ишончли, мустаҳкам) одимлар билан бормоқ; ... سَارَ بِخُطًى وَئِيدَةٍ إِلَى хотиржамлик билан олдинга силжимоқ

– خَطِيئَةٌ = خَطِيئَةٌ *қар.* خطأ

I **خَفَّ** (*а/и*) خَفٌّ, خِفَّةٌ 1) енгил, енгил вазнли бўлмоқ; اشْتَرَى مَا ~ حَمْلُهُ وَ غَلَا ثَمَنُهُ *мтл.* вазни енгилу, нархи баланд нарса сотиб олди; 2) озаймоқ, камаймоқ; сусаймоқ (*мас., эпидемия ҳақида*); сийраклашмоқ (*тўда ҳақида*); 3) тез, чаққон, шаҳдам бўлмоқ; (*қаергадир*) шошилмоқ (إِلَى); II خَفَّفَ (*к. нингдир*) юкини енгиллатмоқ, озайтирмоқ (عَنْ); هَذَا عَنَّا بَلْوَانَا ~ бу бизнинг ташвишимизни озайтирди; 2) кор қилмоқ, фойдаси (нафи, ёрдами) тегмоқ (*дори ҳақида*); عَنْ أَعْصَابِهِ ~ ўз асабларини тинчлантирмоқ; 3) юмшатмоқ; مِنْ صَرَامَتِهِ ~ қаттиққўллиги сусайган бўлмоқ; 4),(*н. нидир*) пасайтирмоқ, озайтирмоқ, камайтирмоқ (*туш. к. ёки* مِنْ); 5) (*к. гадир жазони*) ўзгартирмоқ, алмаштирмоқ (عَنْ); 6) суюлтирмоқ, сув қўшмоқ; الْحَلِيبَ بِالْمَاءِ ~ сутга сув қўшмоқ; 7) қ. -х. яганаламоқ; ўтоқ қилмоқ; 8) *грам.* ундошни ташдидсиз талаффуз қилмоқ; ◊ ~ عَنْهُ кимнидир руҳлантирмоқ, кўнглини кўтармоқ; V تَخَفَّفَ 1) ботинка киймоқ; 2) (*бир қисмини бошқаларга берган ҳолда*) ўз ташвишини енгиллаштирмоқ; 3) енгил бўлмоқ, енгил тортмоқ (*мас., касал*); 4) камайтирмоқ, сийраклаштирмоқ; مِنْ ثَوْبِهِ ~ кийимини бир оз (қия, жиндак) очмоқ (*мас., иссиқда*); X اسْتَخَفَّ 1) енгил, енгил вазнли, арзимас деб ҳисобламоқ; 2) қадрламаслик, эъзозламаслик; 3) эътиборсизлик билан қарамоқ, (*к. гадир*) назарга илмасдан, илтифотсизлик билан муомала қилмоқ, (*н. гадир*) беписанд, енгил қарамоқ (بِ); 4) тўлқинлантирмоқ, қўзғамоқ, ҳаяжонлантирмоқ; الطَّرَبُ ~ـــهُ мусиқа уни ҳаяжонлантириб юборди

– أَخَفُّ1 ўта енгил, оз

– أَخَفُّ2 *мн.* خِفَافٌ *кўп.* خُفٌّ енгилтак, тентак

– اسْتِخْفَافٌ 1) енгилтакларча муносабат; 2) илтифотсизлик, бепарволик; ҳурматсизлик; ~ في менсимай (камситиб)

– تَخْفِيفٌ 1) енгиллатиш; 2) юмшатиш; ... مِنْ حِدَّةِ التَّوَتُّرِ بَيْنَ ~ ... ва ... лар ўртасида кескинликни юмшатиш; 3) кичрайтириш, пасайтириш; 4) алмаштириш, ўзгартириш (*мас., жазони*); суюлтириш, чапиштириш, сув қўшиш

– تَخْفِيفَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ енгил уй кўйлаги

– خُفٌّ *кўп.* أَخْفَافٌ, خِفَافٌ 1) оёқ, панжа (*ҳайвонларда ва қушларда*); товон; ботинка; туфли; ◊ رَجَعَ (عَادَ) بِخُفَّيْ حُنَيْنٍ *қар.* حُنَيْنٌ

– خُفَّانٌ, خَفَافٌ йўнғиртош

– خِفَّةٌ 1) енгиллик, енгилвазнлик; 2) *шунингдек:* ~ الْعَقْلِ калтафаҳмлик; 3) тезлик, илдамлик, уддабурронлик; ~ الْيَدِ қўлнинг чаққонлиги; ~ الْيَدِ أَلْعَابُ фокуслар, кўзбойлағичлар; ~ الدَّمِ илтифот, марҳамат; ~ الْحَرَكَةِ ҳаракатчанлик, қўзғалувчанлик; ~ الرُّوحِ қувноқлик, ҳаётдан мамнунлик

– خُفُوفٌ 1) тезлик; шошилинчлик; 2) шошилинч кетиш, жўнаш

– خَفِيفٌ *кўп.* خِفَافٌ, أَخِفَّاءُ 1) енгил, енгил вазнли; ~ وَرَقٌ папирос қоғози; ноёб, сийрак, суюқ; ~ الشَّعْرِ сочи сийрак, оз; لِحْيَةٌ ~ـــةٌ сийрак соқол, 3) кучсиз (*чой ва тамаки ҳақида*); 4) беҳуда,

бефойда; 5) *шунингдек:* الْعَقْلِ ~ енгилтак; 6) чаққон, шаҳдам. илдам; қувноқ; الْحَرَكَةِ ~ ҳаракатчан, қўзғалувчан; الرِّجْلِ ~ илдам, тез, оёқ-қўли чаққон; الرُّوحِ وَ الظِّلِّ ~ шод, ҳаётидан мамнун; ёқимли, хушбўй; 7) хафиф (*шеърий вазннинг номи*); ◊ يَدُهُ ~ـةٌ унинг қўли енгил; ذَاتِ الْيَدِ ~ қўли қисқа, камбағал

– خَفِيفَةٌ *кўп.* خَفَائِفُ юпқа баргсимон тиллолардан ясалган тақинчоқ

– مُخَفِّفٌ енгиллашган; озайган; кичрайган; суюлтирилган

– مُخَفِّفٌ 1. 1) юмшатувчи; لِلْجَرِيمَةِ ~ ظَرْفٌ айбни енгиллаштирувчи ҳолат; 2) пасайтирувчи; 2) *кўп.* ـَـاتٌ ~ амортизатор

– مُسْتَخِفٌّ 1) жирканч, манфур, илтифотсиз, назар-писанд қилмайдиган; 2) енгилтак

I (خفت) **خَفَتَ**[1] (*у*) خُفُوتٌ тинч, сокин, осуда бўлмоқ, жим бўлмоқ, тиниб (ўчиб) қолмоқ (*овоз ҳақида*), خَفَتَ[2] (*у*) خَفْتٌ секин гапирмоқ III خَافَتَ (*овозни*) пасайтирмоқ (ب) IV أَخْفَتَ қулоқни кар қилмоқ, овозни босмоқ; (*к. нидир*) жим бўлишга мажбур қилмоқ; VI تَخَافَتَ аста-секин ўчмоқ, тинмоқ; пасаймоқ; VII اِنْخَفَتَ тинч, жим, ўчган бўлмоқ (*товуш ҳақида*); VIII اِخْتَفَتَ жимиб, тўхтаб, тинчиб қолмоқ

– خَافِتٌ 1) тинчиган, ўчган (*товуш ҳақида*); الصَّوْتِ ~ паст овозли; 2) майин, тинч, текис, доим бир хил

– خُفُوتٌ *радио.* феднинг (*радио тўлқинларни қабул қилиш пайтида келаётган сигналларнинг вақти-вақти билан ёки бетартиб равишда ўзгариб туриши*)

I (خفر) **خَفَرَ** (*и*) خَفْرٌ 1) қоравуллик (соқчилик, қўриқчилик) қилмоқ; қўриқламоқ; ҳимоя қилмоқ; 2) соқчилик қилиб (қўриқлаб, кузатиб) бормоқ; خَفَرَ (*а*) خَفَرٌ уятчан (тортинчоқ) бўлмоқ; II خَفَّرَ қўриқчилик қилмоқ, қўриқламоқ; IV أَخْفَرَ 1) ваъдани бузмоқ, ваъдага хилоф иш тутмоқ; 2) пойлоқчи қилиб тайинламоқ; V تَخَفَّرَ 1) уялмоқ, тортинмоқ; 2) (*бирор к. дан*) пойлоқчи бўлиб туришни илтимос қилмоқ (ب)

– خَافِرَةٌ *кўп.* خَوَافِرُ қўриқчи кема

– خُفَارَةٌ қоравуллик учун тўлов (*ҳақ*)

– خِفَارَةٌ 1) қўриқлаш, соқчилик қилиш; ҳимоя қилиш; 2) қоравуллик касби

– خَفَرٌ[1] уятчанлик, тортинчоқлик

– خَفَرٌ[2] қўриқчилар, соқчилар; қоравуллар; қўриқлаб (кузатиб) борувчи соқчилар; бирор кимларни *ёки* нималарнидир кузатиб борувчи ҳарбий соқчилар

– خَفِرٌ уятчан, тортинчоқ

– خَفِيرٌ *кўп.* خُفَرَاءُ соқчи қоравул

– خَفِرٌ = مُتَخَفِّرٌ

– مَخْفَرٌ *кўп.* مَخَافِرُ 1) пост, кузатиш *ёки* назорат қилиш жойи; 2) қоравулхона

I **خَفَسَ** (*и*) خَفْسٌ 1) масхара қилмоқ, мазах (майна) қилмоқ; калака қилмоқ, устидан кулмоқ; 2) бузмоқ (*мас., қурилишни*); VII اِنْخَفَسَ бузилган бўлмоқ; йўқ қилинган (вайрон қилинган) бўлмоқ; ◊ اِنْخَفِسْ! йўқол кўзимдан!

خُفْشٌ *мн.* أَخْفَاشُ خَفْشَاءُ *кўп.* خُفَّاشٌ шабкўр

– خُفَّاشٌ *кўп.* خَفَافِيشُ кўршапалак

– خَفَشٌ шапкўрлик (*касаллик*)

I (خفض) **خَفَضَ** (*и*) خَفْضٌ 1) камайтирмоқ, пасайтирмоқ; ~ الْأَثْمَانَ нархларни пасайтирмоқ; 2) хўрламоқ, камситмоқ; 3) ерга урмоқ; 4) туширмоқ; الْبَصَرَ ~ кўзини ерга қаратмоқ; عَيْنَيْهِ ~ кўзларини пастга қаратмоқ; 5) *грам* сўзни қаратқич келишигига қўймоқ; خَفُضَ (*у*) خَفْضٌ 1) тинч (хотиржам) бўлмоқ (*яшаш тарзи тўғрисида*); 2) секин (аста, зўрға) эшитиладиган бўлмоқ (*мас., овоз*); II خَفَّضَ пасайтирмоқ, озайтирмоқ; ◊ خَفِّضْ عَلَيْكَ! тинчлан!, ўзингни бос!; V تَخَفَّضَ озайтирилган, туширилган бўлмоқ; VII اِنْخَفَضَ пасаймоқ (*сувнинг сатҳи ҳақида*); 2) паст (арзон) бўлмоқ, тушмоқ (*нарх ҳақида*)

– اِنْخِفَاضٌ 1) паст кўрсаткич, қуйи даража; النِّيلِ ~ Нил сувининг қуйи даражаси; 2) пасайиш, тушиш; الْحَرَارَةِ ~ ҳароратнинг пасайиши (тушиши); الْقُدْرَةِ الشِّرَائِيَّةِ ~ сотиб олиш имкониятининг камайиши; الْـ~ الْجَوِّيُّ метео. Атмосфера босими паст бўлган минтақа, барометрик дипрессия (зиқлик); циклон

– تَخْفِيضٌ пасайиш, озайиш, тушиш; السِّلَاحِ ~ қуролларни қисқартириш; قِيمَةِ الْفَرَنْكِ ~ франк қийматининг пасайиши (девальвацияси)

– خَافِضٌ 1) пасаювчи; тушувчи; الْبَصَرِ ~ ерга қараган ҳолда; ~ الْجَنَاحِ камтар, сипо, хушхулқ

– خَفْضٌ пасайиш; 2) тушиш; 3) *грам* сўзни қаратқич келишигида ишлатиш; حَرْفُ الْـ~ *грам.* кўмакчи; ◊ هُوَ فِي ~ مِنَ الْعَيْشِ у фаровон ҳаёт кечирмоқда

– خَفِيضٌ 1) қуйи, паст, тушган (*мас., нарх*); 2) майин, аста, секин (*мас., овоз ҳақида*); ~ بِصَوْتٍ паст овоз билан

– مُخَفَّضٌ пасайтирилган, туширилган; بِأَثْمَانٍ ~ـةٍ арзон нархда

– مُخَفِّضٌ 1. пасаювчи; 2, *тех.* редуктор (*босимни пасайтирувчи асбоб*)

– مَخْفُوضٌ 1) қуйи, паст, пасайтирилган; 2) *грам.* қаратқич келишигига қўйилган (*сўз ҳақида*)

– مُنْخَفَضٌ *кўп.* ـَاتٌ ~ паст жой; пасттекислик; чуқур, ўпирилган жой; الْـ~ الْجَوِّيُّ *метео.* атмосфера босими паст бўлган минтақа

[illegible] *ист.* қўйи. ~ مُسْتَوًى ثَقَافِيٌّ маданий даражаси [illegible] пастгеликдаги

[illegible] خُفُوقٌ, خَفْقٌ, خَفَقَانٌ 1) тепмоқ, урмоқ (*юрак, [illegible]*); 2) ~ ўз ёқ-бу ёққа секин ҳаракат қилмоқ; 3) [illegible] тебранмоқ, қимирламоқ, дукулламоқ; 4) [illegible] қоқмоқ (*қушлар ҳақида*); 5) чақнамоқ (*чақмоқ ҳақида*); خَفَقَ[2] (*и*) خَفْقٌ 1) (*н. биландир*) урмоқ (ъ); 2) кўпиртириб ёки кувлаб олмоқ (*мас., қаймоқни*); эзиб қориштирмоқ; 3) тақиллатмоқ (*юрган пайтда этик билан*); خَفَقَ[3] (*и*) خُفُوقٌ ботмоқ (*ёриткичлар ҳақида*); ◊ بِرَأْسِهِ ~ бошини осилтириб мудрамоқ, пинакка кетмоқ; II خَفَّقَ сувамоқ, суюқ қилмоқ; IV أَخْفَقَ 1) қанотини қоқмоқ (*қуш ҳақида*); 2) ҳилпилламоқ (*байроқ ҳақида*); 3) (*н. дадир*) муваффақиятсизликка учрамоқ (فِي); чиппакка чиқмоқ, барбод бўлмоқ (*иш ҳақида*); ◊ بِرَأْسِهِ ~ бошини осилтириб мудрамоқ, пинакка кетмоқ

– إِخْفَاقٌ муваффақиятсизлик, барбод бўлиш

– خَافِقٌ 1. ураётган, дукуллаётган; 2. *кўп.* ~َاتٌ — байроқлар; ◊ الْخَافِقَانِ *ик. с.* ғарб ва шарқ; الْخَوَافِقُ السَّمَاءِ ёки خَوَافِقُ дунё томонлари, дунёнинг тўрт томони

– خَافِقِيٌّ ювоқ қилиш

– خَفَّاقٌ қаттиқ ураётган, дукуллаётган (*юрак ҳақида*); ~ الْقَلْبِ қаттиқ ураётган юракли

– خَفَّاقَةٌ *кўп* ~َاتٌ — кув

– خَفْقٌ 1) уриш, дукуллаш (*юрак*); тақиллаш (*этик*), та қиллаш (*оёқ*); 2) кув қилиш

– خَفْقَةٌ *кўп* خَفَقَاتٌ бир марта уриш, дукиллиш, тақиллаш

– مِخْفَقَةٌ *кўп.* ~َاتٌ — чилчўп, куракча, пишкак

– مَخْفُوقٌ кув қилинган, кўпиртирилган; الْكَرِيمَةُ الْـ~ـةُ кув қилиб олинган қаймоқ

(خفى) خَفَى (*и*) خَفْيٌ яширмоқ, беркитмоқ, билдирмаслик, сездирмаслик; خَفِيَ[1] (а) خَفَاءٌ (*к. учундир*) (*сирли, номаълум*) бўлмоқ (عَلَى); لاَ يَخْفَى عَلَى أَحَدٍ أَنَّ ... сир эмаски, ...; لاَ يَخْفَى عَلَى الْعَيْنِ الْمُبْصِرَةِ أَنَّ ... кўздан шуни яшириб бўлмайдики, ...; خَفِيَ[2] (а) خَفِيَّةٌ яширинмоқ, беркинмоқ; II خَفَّى яширмоқ, беркитмоқ, сир тутмоқ, билдирмаслик; IV أَخْفَى яширмоқ, беркитмоқ; (*к. дандир*) сир сақламоқ (عَنْ); *юр.* яширмоқ, беркитмоқ, яшириб сақламоқ; V تَخَفَّى 1) беркинмоқ, яширинмоқ; 2) (*ўз қиёфасини ўзгартириш мақсадида*) бошқача кийинмоқ; VIII اخْتَفَى 1) яширинмоқ, бекинмоқ; йўқолмоқ, ғойиб бўлмоқ; مِنَ الْوُجُودِ ~ йўқ бўлмоқ; ўлмоқ; عَنِ الْأَنْظَارِ ~ кўздан ғойиб бўлмоқ; 2) йўқ бўлмоқ, ҳозир бўлмаслик, кўринмаслик; X اسْتَخْفَى яширинмоқ, беркинмоқ

– اخْتِفَاءٌ йўқолиш, ғойиб бўлиш

– إِخْفَاءٌ яшириш, беркитиш; сездирмаслик, билдирмаслик; сир сақлаш; *юр.* яшириб сақлаш; ~ الْمُجْرِمِينَ жиноятчиларни яшириш; *астр.* Ой ортидаги юлдузларнинг яшириниши (кўзга кўринмаслиги), юлдузларнинг Ой панасига ўтиши

– اسْتِخْفَاءٌ яшириш, (ўзини) пинҳон тутиш; لَعِبَ لُعْبَةَ الْـ~ـ беркинмачоқ ўйнамоқ

– تَخَفٍّ (*ўз қиёфасини ўзгартириш мақсадида*) бошқача кийиниш

– تَخْفِيَةٌ яшириш, беркитиш

– خَافٍ *мн.* خَافِيَةٌ 1) яшираётган; 2) сирли, пинҳон; кўзга кўринмас; ~ غَيْرُ وَ أَنَّ ... эмаски, ...; ... لَمْ يَعُدْ هَذَا سِرًّا خَافِيًا бу энди катта сир эмас; ... لَمْ يَعُدْ خَافِيًا عَلَى أَحَدٍ أَنَّ ... сир энди ҳеч кимга сир эмаски, ...

– خَافِيَةٌ *кўп.* خَوَافٍ сир; الْخَوَافِي *кўп.* қуш қанотлари остидаги патлар; لَيْسَتْ بِـ~ عَلَى أَحَدٍ أَنَّ ... ҳеч кимга сир эмаски, ...; لاَ ~ تَخْفَى عَلَيْهِ ундан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди

– خَفَاءٌ 1) сирини ҳеч кимга айтмаслик, яширинлик; 2) сирлилик; 3) сир; فِي الْـ~ сирли равишда, яширинча; تَحْتَ الْـ~ яширинча; ... بِأَنَّ لاَ ~ сир эмаски, ...

– خَفِيٌّ ширин, махфий, ҳали аниқланмаган, сирли; ажаб, ғалати; кўзга кўринмаган, кўз илғамаган; ~ اسْتِيرَادٌ яширин импорт; ... أَنَّ ~ وَ غَيْرُ сир эмаски, ...

– خَفِيَّةٌ *кўп.* خَفَايَا 1) сир; عَرَفَ خَفَايَا الْأُمُورِ ҳамма сирини билиб олмоқ; 2) махфий полиция айғоқчиси

– خُفْيَةٌ, خِفْيَةٌ 1) сирини ҳеч кимга айтмаслик, яширинлик; 2) сирлилик; ~ مَلْبَسُ маскарад кийими (костюми); ~ сирли равишда, яширинча, билдирмасдан; ~ وَ حَذَرٍ فِي билдирмасдан ва эҳтиёт бўлиб

– مُتَخَفٍّ *мн* مُتَخَفِّيَةٌ кийинган (*ниқобланиш учун*)

– مُخْتَفٍ *мн.* مُخْتَفِيَةٌ 1) яширинаётган, беркинаётган; مُخْتَفِيًا تَحْتَ رُبْرُعِ امْتِيَازِ صُحُفِيٌّ ... журналистлик имтиёзидан фойдаланган ҳолда; 2) талон-торож қилиш ниятида қабрни очувчи

– مُخْتَفَيَاتٌ *кўп.* яширин (пинҳоний) бошпана

– مَخْفِيٌّ махфий; яширин

– أَخْفُوقٌ ёки إِخْفِيقٌ *кўп.* أَخَافِيقُ ердаги дарз, ёриқ

خَلَّ (*а/у*) خَلٌّ *к-х.* яганаламоқ, сийраклаштирмоқ; II خَلَّلَ 1) нордон (ачитилган) бўлмоқ; 2) сиркага айлантирмоқ; 3) тузламоқ, ачитмоқ; 4) (*тишларни*) тозаламоқ; ◊ لِحْيَتَهُ بِأَصَابِعِهِ ~ бармоқлари билан соқолини таҳлил қилмоқ; III خَالَلَ дўстлашмоқ; маъшуқа сифатида олмоқ; IV أَخَلَّ 1) (*н. нидир*) бузмоқ, барбод қилмоқ (ъ); بِالْآدَابِ ~ тартиб-интизомни бузмоқ, одобсизлик

қилмоқ; بِالْأَمْنِ ~ омманинг тинчлигини бузмоқ; بِالْقَانُونِ ~ қонунга риоя қилмаслик; بِوَعْدِهِ ~ ўз ваъдасини бузмоқ; 2) (*н. нидир*) ишдан чиқармоқ, шикастламоқ, зарарлантирмоқ (ب); V تَحَلَّلَ 1) ичига кирмоқ, ичига ўтмоқ; (*н. нидир*) ичидан ўтмоқ, ич-ичига кириб кетмоқ; 2) (*кўндаланг*) кесиб ўтмоқ; 3) (*н. нидир*) (*қандайдир вақт оралиғида*) қилмоқ; галма-гал (*навбати билан*) қилмоқ, (*нутқни ҳазил-мутойиба, қочиримлар билан*) безаб (бежаб) гапирмоқ (ب); لِقَاءٌ تَخَلَّلَتْهُ أَحَادِيثُ وَ مُنَاقَشَاتٌ учрашув пайтида суҳбатлар баҳс ва мунозаралар билан алмашиниб турди; 4) (*н. нигадир*) оралиғида (ўртасида) бўлмоқ; بَعْدَ الْأَكْلِ بِالْخِلَالِ ~ овқатдан сўнг чўтка билан тиш тозаламоқ; VIII اِخْتَلَّ 1) бузилган, риоя этилмаган бўлмоқ, бузилмоқ; 2) бузилган бўлмоқ, ишламайдиган, ишдан чиққан бўлмоқ, ишдан чиқмоқ; 3) нормадан ташқари (одатдагидан ташқари, одатдагига тўғри келмайдиган) бўлмоқ; тартибсиз (пароканда) бўлмоқ; عَقْلُهُ ~ у ақлдан озди, 4) (*бирор н* га) муҳтож бўлмоқ, эҳтиёж сезмоқ (إِلَى); ◊ جِسْمُهُ ~ у озиб қолди, у ориқлади; 4) соқолни панжалар орасига киритиб ҳўлламоқ (*таҳоратда*)

– اِخْتِلَالٌ 1) бузуқлик, ишламаслик; 2) пароқандалик, тўс-тўполон; нормадан (одатдагидан) ташқарилик; тартибсизлик; ~ الْعَقْلِ *ёки* ~ الْعَقْلِيُّ ақлдан озганлик

– إِخْلَالٌ 1) бузиш, риоя қилмаслик; бажармаслик; بِالْآدَابِ ~ тартиб-интизомни бузиш, одобсизлик қилиш; 2) ишдан чиқариш, зарар етказиш

– خَلٌّ сирка

– خِلٌّ, خُلٌّ *мн. мз. кўп.* أَخْلَالٌ дўст, ўртоқ; дугона; الْوَفِيُّ ~ هُوَ الْكِتَابُ китоб-содиқ дўст

– خِلَالٌ[1] дўстлик

– خِلَالٌ[2] *кўп.* أَخِلَّةٌ 1) тиш тозалагич, 2) тўғноғич (*сочники*); 3) сих; 4) оралиқ, 5) ўрта, марказ, فِي ~ِهِ *ёки* ~ِهِ ниманингдир пайтида, ниманингдир оралиғида; مِنْ ~ِهِ орқали, орасида; مِنْ ~ الْبَابِ эшик орқали; مِنْ ~ الزُّجَاجِ ойна орасидан; ~ الْكُتُبِ китоблар орасида; ~ الصَّحْرَاءِ саҳро орқали; فِي ~ ذَالِكَ бу орада; فِي ~ الْيَوْمِ кун бўйи; فِي ~ الزِّيَارَةِ зиёрат пайтида

– خِلَالَةٌ *кўп.* أَخِلَّةٌ тиш тозалагич

– خُلَالَةٌ тишлар орасидаги овқат қолдиғи

– خَلَلٌ *кўп.* خِلَالٌ 1) бузиш, ишдан чиқариш, шикаст (зарар) етказиш; бузуқлик, ишламаслик; пароқандалик (*мас., руҳий ҳолатдаги*); ғайритабиийлик; فِي الْعَقْلِ ~ ақлнинг хиралашуви; 3) нуқсон, иллат, камчилик; 4) хато; 5) ора, оралиқ; раҳна, тешик; ёриқ, дарз; 6) тартибсизлик; ◊ مِنْ ~ِهِ ниманингдир пайтида, ичида; كَرَّرَ مِنْ ~ الدُّمُوعِ кўз ёши қилиб такрорлайвермоқ

– خَلَّةٌ[1] *кўп.* خِلَالٌ, خِلَالَاتٌ ўзига хослик, сифат, хусусият; туғма (жибиллий) хусусият

– خَلَّةٌ[2] эҳтиёж, зарурат, етишмовчилик; سَدَّ ~َةً камчиликни тўлдирмоқ

– خُلَّةٌ, خِلَّةٌ *кўп.* خُلَلٌ, خِلَلٌ *бот.* 1) *шунингдек*: شَيْطَانِيَّةٌ ~ ammi majus (*туяларнинг севимли емиши бўлган ўсимлик*); 2) ammi visnaga (*тиш тозалагич қилинадиган ўсимлик*)

– خُلُولٌ: ~ أُمُّ الْـ *зоол.* еса бўладиган чиғаноқча, мидия

– خَلِيلٌ *кўп.* خُلَّانٌ 1) ошиқ, маъшуқ, маҳбуб, севикли; хуштор; 2) дўст; اللهِ ~ *Қур.* Халиллуллоҳ (*Иброҳим алайҳиссалом*)

— خَلِيلَةٌ *кўп* اتٌ ـــ, خَلَائِلُ маъшуқа; маҳбуба

– مُخَالَّةٌ дўстлик

– مُخَلٌّ 1) бузилган, бузуқ; 2) нормадан ташқари; الْعَقْلِ ~ *ёки* ~ الشُّعُورِ мияси айниган, ақлдан озган

– مُخِلٌّ бузувчи, риоя этмовчи; بِالْأَمْنِ الْعَامِّ ~ умумий хавфсизликни бузувчи

– مُخَلَّلٌ тузланган, шўрланган

– مُخَلَّلَاتٌ *кўп.* тузланган нарсалар (*озиқ-овқатлар*)

– مُخَلَّلَاتِيٌّ *кўп.* مُخَلَّلَاتِيَّةٌ тузланган нарсаларни сотувчи;

– مَخْلُولٌ *кўп.* مَخَالِيلُ 1) шикастланган, бузуқ; 2) ақлсиз, эси паст

I **خَلَبَ** (*у, и*) خَلْبٌ 1) чангалламоқ, чанг солмоқ; 2) (*н. биландир*) асир, мафтун қилмоқ

(ب) 3) ўзига мойил қилмоқ, йўлдан оздирмоқ; алдамоқ; аҳмоқ қилмоқ; III خَالَبَ алдамоқ; VIII اِخْتَلَبَ 1) кимгадир мойил бўлмоқ; алданиб йўлдан озмоқ; 2) йўлдан оздирмоқ; асир қилмоқ, мафтун қилмоқ; X اِسْتَخْلَبَ узмоқ, синдирмоқ

– خَالِبٌ йўлдан оздирувчи, асир этувчи; мафтункор

– خَلَّابٌ 1) алдоқчи; 2) мафтун (асир) этувчи; мафтункор, ажойиб, мақтовга лойиқ

– خَلَّابَةٌ гўзаллик, мафтункорлик

– خِلْبٌ *кўп.* أَخْلَابٌ 1) чангал, тирноқ; 2) ток (узум) барги; 3) жигар пардаси, қорин пардаси; ~ الْـ مَرَضُ *мед.* перитонит (*қорин пардасининг яллиғланиши*); ◊ النِّسَاءِ ~ хотинларни шайдо қилувчи (офатижон) йигит

– خُلْبٌ ёлғондакам, хаёлий ◊ ~ بَرْقٌ ёмғирсиз чақмоқ (*ваъда қилиб, уни бажармайдиганлар тўғрисида айтилади*); ~ سَحَابٌ ёмғирсиз булут

– خَلَبُوتٌ ёлғончи, фирибгар

– خَلَبِيٌّ ёлғондакам; ~ـةٌ طَلَقَةٌ пахтавон (*бўш*) ўқ (патрон)

– مِخْلَبٌ *кўп.* مَخَالِبُ, مَخَالِيبُ (тирноқли) оёқ (*қушлардаги*); тирноқ, панжа, чангал; فِي مَخَالِبِ الْمَوْتِ ўлим чангалида

خَلْبَصَ 1) қочиб кетмоқ, 2) шўхлик (тўполон) қилмоқ; 3) алдамоқ

– خَلَبُوصٌ *кўп.* خَلَابِيصُ шўх бола, тўполончи, зумраша

I (خلج) **خَلَجَ** (*и*) خَلْجٌ 1) қизиқтирмоқ, фикру хаёлини олмоқ, ҳаяжонлантирмоқ, ташвишга солмоқ; 2) ҳаракатга келтирмоқ, тараддудга солмоқ, қўзғатмоқ; خَلَجَ (*а*) خَلَجٌ чарчоқлик ҳис этмоқ;

III خَالَجَ 1) ташвишга (хавотирга) солмоқ, диққатни ўзига тортмоқ; 2) тушмоқ, пайдо бўлмоқ, туғилмоқ (*шубҳа ҳақида*); لاَ يُخَالِجُهُ أَيُّ شَكٍّ بِأَنَّ ... у ... борасида ҳеч шубҳаланмаяпти; لاَ يُخَالِجُهُ الضَّحِكُ унинг кулгиси қистади; 3) хос бўлмоқ (*н. нингдир хусусияти ҳақида*); V تَخَلَّجَ титрамоқ, титраб-қақшамоқ, қалтирамоқ; ҳайратда қолган, ҳаяжонланган бўлмоқ; VI تَخَالَجَ қамраб олмоқ (*шубҳа ҳақида*); ~ فِي صَدْرِي مِنْهُ شَيْءٌ менда шубҳа остида қолдим; VIII اخْتَلَجَ титраб-қақшаб (бесарамжон равишда) сиқилмоқ, дард чекмоқ; тарадудланмоқ, қўзғалмоқ, титрамоқ, (бирор жойи) учмоқ; кичраймоқ (*кўз қорачиғи ҳақида*); ◊ ~ الأَمْرُ فِي صَدْرِهِ ташвишга солмоқ, безовта қилмоқ

– إِخْتِلاَجٌ қалтираш, титраш; *мед.* атаксия

– إِخْتِلاَجَةٌ беихтиёр ҳаракат қилиш, (*бирор жойи учиш*)

– خَالِجَةٌ *кўп* خَوَالِجُ ташвишли, ҳаяжонлантирувчи ҳиссиёт; ҳадик, ички изтироб; خَوَالِجُ نَفْسِهِ унинг руҳий (ички) изтироблари

– خَلْجَةٌ *кўп* خَلَجَاتٌ ҳаяжон; خَلَجَاتُ نَفْسِهِ унинг руҳий ҳаяжони

– خَلِيجٌ *кўп* خُلْجٌ, خُلْجَانٌ кўрфаз, қўлтиқ; канал

خَلْخَلَ 1) тебратмоқ, тебрантирмоқ; қимирлатмоқ, чайқалтирмоқ; титратмоқ, қалтиратмоқ; ~ ثِقَةَ الْجُمْهُورِ омма ишончига дарз кетказмоқ; 2) озайтирмоқ, (*газни*) сийраклаштирмоқ; تَخَلْخَلَ 1) тебранмоқ, қимирламоқ, чайқалмоқ; бўшашмоқ; сусаймоқ, пасаймоқ; сийрак экилган бўлмоқ; сийраклашган бўлмоқ (*газ ҳақида*)

– تَخَلْخُلٌ сийраклик

– خَلْخَالٌ *кўп* خَلاَخِيلُ 1) халхол (*аёллар оёқларига тақадиган безак ҳалқа*); 2) тўпиқ, тўпиқ суяги

– خَلْخَلٌ *кўп* خَلاَخِلُ = خَلْخَالٌ

– خَلْخَلَةٌ 1) тебратиш, қимирлатиш; лиқиллатиш, шалоқ қилиш; 2) сийраклаштириш (*газ ҳақида*)

– مُتَخَلْخِلٌ сийраклашган; ~ غَازٌ сийраклашган газ

– مُخَلْخَلٌ 1) сийраклашган (*газ ҳақида*); 2) путур етган, сусайган; лақиллаб қолган, бўшашган, шалоғи чиққан; ~ مِشْيَةٌ лўкиллаб (лақиллаб) юриш

I **خَلَدَ** (*у*) خُلُودٌ 1) абадий бўлмоқ, абадий чўзилмоқ; 2) (*қаердадир*) бўлмоқ, турмоқ (*ф*); ◊ لِلنَّوْمِ ~ ухлашга ётмоқ; II خَلَّدَ 1) абадийлаштирмоқ; ~ ذِكْرَاهُ кимнингдир номини абадийлаштирмоқ; 2) (*қаердадир*) бўлмоқ, турмоқ (*ф*); 3) узоқ (узун) ёшга бормоқ; IV أَخْلَدَ 1) (*қаердадир*) қолмоқ, бўлмоқ, турмоқ (*ф*); 2) (*н. гадир*) таянмоқ, суянмоқ, эгилмоқ, (*н. гадир*) батамом берилиб (ишониб) кетмоқ (إِلَى); إِلَى الْبَطَالَةِ ~ ишёқмас (дангаса) бўла бошламоқ; إِلَى السُّكُونِ ~ тинчланмоқ; إِلَى الصَّمْتِ ~ жим бўлмоқ; إِلَيْهِ بِثِقَتِهِ ~ кимгадир тўла ишонмоқ; 3) абадийлаштирмоқ; V تَخَلَّدَ абадийлашмоқ; абадий, узоқ чўзилмоқ

– تَخْلِيدٌ абадийлаштириш; ~ ... لِـ ...нинг шарафига, ...ни нишонлаш муносабати билан; ~ لِذِكْرَاهُ унинг хотирасини улуғлаш мақсадида

– خَالِدٌ абадий, ўлмас

– خَلَدٌ *кўп* أَخْلاَدٌ кўнгил; ақл; لاَ يَدُورُ فِي ~ أَحَدٍ أَنَّ ... ҳеч кимнинг ақлига келмайдики, ...

– خُلْدٌ[1] абадийлик, ўлмаслик; ◊ ~ جَنَّةُ الْـ ёки ~ دَارُ الْـ жаннат

– خُلْدٌ[2] *кўп.* مَنَاجِدُ (шунингдек: ~ أُورُوبِيٌّ) *зоол.* крот (*ер остида яшайдиган бир турли сут эмизувчи жонивор ва унинг мўйнаси*), ~ الْمَاءِ ўрдакбурун

– خُلُودٌ тугамаслик, абадийлик, ўлмаслик; ◊ ~ دَارُ الْـ жаннат

– خَوَالِدُ *кўп.* абадий яшовчилар, ўлмаслар; ~ الْـ тоғлар

I **خَلَسَ** (*и*) خَلْسٌ ўғирламоқ, ўғирлик қилмоқ; III خَالَسَ ниманидир яширинча (билдирмасдан) қилмоқ; ~ نَظَرَاتٍ ـَها у унга кўз қири билан (яширинча) қаради; V تَخَلَّسَ = VIII; VIII اخْتَلَسَ ўғирлаб кетмоқ; ёлғон йўл билан ўзлаштирмоқ; моҳирлик билан ўғирламоқ; (*мансабни*) суиистеъмол қилмоқ; камомад келтирмоқ; ~ النَّظَرَ إِلَى ...га ўғринча қарамоқ

– اخْتِلاَسٌ *кўп.* ـَاتٌ ўғирлаб кетиш, ўзлаштириш, ўзиники қилиб олиш, ўғирлик қилиш; суиистеъмол қилиш; камомад келтириш, хазинани ўмариш

– خِلاَسِيٌّ дурагай, мулат (*оқ ва қора танли эр-хотиндан туғилган бола*)

– خُلْسَةٌ *кўп* خُلَسٌ қулай пайт (*он*); ~ яширинча; кўз қири билан

– مُخْتَلِسٌ камомадчи

I (خلص) **خَلَصَ**[1] (*у*) خُلُوصٌ 1) қалбаки эмас, ҳақиқий, тоза бўлмоқ; ҳаққоний, холис бўлмоқ, софдил бўлмоқ; 2) озод бўлмоқ, 3) маълум, ошкор бўлмоқ; 4) натижаси чиқмоқ; 5) (*к. гадир*) насиб бўлмоқ, тегмоқ (*ф*).(*к. гадир*) бутунлай тегишли бўлмоқ (لِـ); 8) (*н. гадир*) эришмоқ, (*н. гадир*) келмоқ (إِلَى); ~ إِلَى حُكْمٍ آخَرَ бошқача қарорга келмоқ; خَلَصَ[2] (*у*) خَلاَصٌ 1) тамом бўлмоқ, тугамоқ (*пул ҳақида*); 2) (*н. дандир*) халос бўлмоқ, қутулмоқ, озод бўлмоқ (مِنْ); II خَلَّصَ 1) халос қилмоқ, қутқармоқ, озод қилмоқ; ~ حَقَّهُ بِيَدِهِ ўз кучи билан ўз ҳақ-ҳуқуқини амалга оширишга эришмоқ; 2) (*н. дандир*) тозаламоқ, ажратмоқ (مِنْ); пул таъминотидан ажратиб қўймоқ; 3) тугатмоқ; 4) (*товарни бож тўлагач, божхонадан*) олмоқ; (*товарни*) пул тўлаб қайтиб олмоқ (عَلَى); 5 (*н. нингдир*) ҳақини (*н. биландир*) тўламоқ (ب, عَلَى); ~ لَهُ кимдандир ўч олмоқ, қасос олмоқ, аламдан чиқмоқ; III خَالَصَ 1) (*к. гадир нисбатан*) ҳаққоний, чин юракдан иш қилмоқ; (*к. биландир*) орани очиқ қилмоқ, узилишмоқ, қарзлардан қутилмоқ; IV أَخْلَصَ (*к. гадир н. дадир*)

самимийлигини намоён қилмоқ (بِـــ ,لِـــ); (*к. гадир*) содиқ, садоқатли бўлмоқ (لِـــ),(*к. нингдир*) эркига дахл қилмаслик, уни эркин қўймоқ (لِـــ); الْحُبُّ (لَهُ) ~ـــهُ кимнидир самимий севмоқ; ~ السَّمْنَ ёғни қиздирмоқ, доғ қилмоқ; V تَخَلَّصَ (*к. ёки н. дандир*) ўзини олиб қочмоқ, бўйин товламоқ (مِنْ); (*н. дандир*) қутулмоқ, халос бўлмоқ, озод бўлмоқ (مِنْ); VI تَخَالَصَ бир-бири билан ҳисоб-китоб қилмоқ; X اسْتَخْلَصَ 1) халос бўлишга, қутулишга эришмоқ (муваффақ бўлмоқ); қутқармоқ, халос этмоқ; 2) тортиб олмоқ; ажратиб олмоқ; танлаб олмоқ; топиб (кавлаб) олмоқ; الْمَاءَ ~ الْعَذْبَ مِنْ مِيَاهِ الْبَحْرِ денгиз сувини чучуклаштирмоқ; فَائِدَةً مِنْ ~ ... нимадандир фойда олмоқ; 3) (*хулоса*) чиқармоқ; 4) таниб билмоқ; 5) (*бож тўлангандан сўнг товарни божхонадан*) олиб чиқиб кетишга рухсат олмоқ (عَلَى); 6) беғараз, ҳақиқий, софдил деб ҳисобламоқ

- إِخْلَاصٌ ихлос, ҳаққонийлик, очиққўнгиллик; вафодорлик, содиқлик; بِـــ ~ ихлос билан

– اسْتِخْلَاصٌ 1) қутулиш; 2) чиқариш; ажратиш; الطَّاقَةِ الذَّرِّيَّةِ ~ атом энергиясини ажратиб олиш

– تَخَلُّصٌ (*ўзини*) қутқариш; مِنَ الْعِقَابِ ~ жазодан қочиш

– تَخْلِيصٌ 1) қутқариш; озод қилиш; 2) тозалаш; 3) тугатиш; 4) пул тўплаб қайтиб олиш; عَلَى الْبَضَائِعِ ~ (*божхонадан*) товарларни пул тўлаб қайтиб олиш; ~ الـــيَوْمُ (*товарларни божхонадан*) пул тўлаб қайтиб оладиган кун; 5) тўлаш, тўлов; الرُّسُومِ ~ бож тўлаш; عَلَى الْخِطَابِ (الْجَوَابِ) ~ мактуб ҳақини (*маркалар билан*) тўлаш

– خَالِصٌ *кўп.* خُلَّصٌ 1) холис, тоза, қалбаки эмас, ҳақиқий, соф; ~ـــةً حِلْيَةٌ ҳақиқий (қалбаки бўлмаган) қимматбаҳо нарса; 2) (*н. дандир*) озод (مِنْ); الْأُجْرَةِ ~ пул олинмайдиган; пули тўланган; ~ الْمَصَارِفِ الضَّرِيبَةِ солиқ солинмайдиган а) текин; б) чиқим-харажатлари тўланмайдиган; 3) тугатилган

– خَالِصٌ *халқ.* жуда, ғоят

– خَلَاصٌ 1) (*н. дандир*) озод қилиш, халос қилиш, қутқариш (مِنْ); الْجُنَيْنِ ~ *анат.* йўлдош; 2) тўлов

– خَلَاصْ *халқ* бўлди!, етарли!; албатта!, тамом!, тамом бўлди!; !~ وَ ишлар битди (тугади)!

– خُلَاصَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ 1) сараланган, энг яхши; хулоса; 2) натижа, мазмун; квинтэссенция (*асосий моҳият, мазмун*); қисқача мазмун; ... ~ الْـــ وَ бир сўз билан айтганда, хулоса қилиб айтганда ...; 4) тилхат; квитанция

– خُلَّصٌ *кўп.* خُلَصَاءُ чин дўст

– خُلُوصٌ 1) тозалик, қалбаки эмаслик; 2) софдиллик

– مُخَالَصَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ 1) ўзаро ҳисоб; ҳисоб-китобларни тартибга солиш; 2) тилхат; квитанция

– مَخْلَصٌ 1) қутқариш, чиқариш; 2) бошпана, қутқариш жойи

– مُخْلِصٌ мухлис, ҳақиқий софдил; ҳаққоний; вафодор, содиқ

– مُخَلَّصٌ 1. 1) қутқарилган, озод этилган; 2) тозаланган; 3) *шунингдек:* عَلَيْهِ ~ тўланган; 2. *кўп.* ـــَ اتٌ кўчирма, парча, иқтибос, цитата

– مُخَلِّصٌ қутқарувчи, халоскор; الْبَضَائِعِ ~ (*божхонадан*) товарларни пул тўлаб олувчи

– مُسْتَخْلِصٌ 1) қутқаришга (озод этишга) эришаётган, уринаётган; 2) чиқариб олинаётган; الْبَضَائِعِ ~ = مُخَلِّصُ الْبَضَائِعِ *қар.* مُخَلِّصٌ

– مُسْتَخْلَصٌ 1. чиқариб олинган; 2. 1) хулоса; 2) *кўп.* اتٌ ـــَ кўчирма, парча, иқтибос, цитата

I **خَلَطَ** (*u*) خَلْطٌ 1) қориштирмоқ, аралаштирмоқ; қўшмоқ, омухта қилмоқ; الْمَعَادِنَ ~ маъданларни (металларни) қориштириб эритмоқ; 2) чалкаштирмоқ, адаштирмоқ, чигаллаштирмоқ, янглиштирмоқ; لَا يَخْلِطُ بَيْنَهُمَا у уларнинг иккисини адаштириб юбормайди; فِي الْكَلَامِ ~ чалкаштириб гапирмоқ; 3) (*карталарни*) чийламоқ, аралаштирмоқ; II خَلَّطَ 1) аралаштирмоқ, қориштирмоқ; (*карталарни*) чийламоқ, аралаштирмоқ; 2) чигаллик (тартибсизлик) пайдо қилмоқ; 3) алаҳламоқ, босинқирамоқ (*касал ҳақида*); III خَالَطَ 1) аралашмоқ, қоришмоқ, қўшилмоқ, аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ, чалкашмоқ; خُولِطَ فِي عَقْلِهِ *мажх.* у ақлдан озди; 2) йўлиқмоқ, дучор бўлмоқ; الدَّاءُ ~ـــهُ у касал бўлди; 3) الْمَرْأَةَ ~ аёл киши билан қовушмоқ, қўшилмоқ; VI تَخَالَطَ бир-бири билан алоқада бўлмоқ; VIII اخْتَلَطَ 1) аралашмоқ, қоришиб кетмоқ; 2) чалкашиб кетмоқ, чигаллашиб кетмоқ; يَخْتَلِطُ عِنْدَهُمْ أَحَدُهُمْ بِالْآخَرِ улар бировни бошқасига чалкаштирадилар; عَقْلُهُ ~ унинг мияси ачиган; ◊ النَّابِلُ بِالْحَابِلِ ~ ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетди

– اخْتِلَاطٌ 1) аралашиш, қоришиш; 2) чалкашлик, тартибсизлик; 3) муомала, алоқа; қовушиш; муносабат; ◊ الْعَقْلِ ~ ақлдан озиш

– تَخْلِيطٌ1) аралаштириш, қориштириш,; 2) алаҳсираш, босинқираш; الْحُمَّى ~ иситмалаб алаҳсираш

– خَلَّاطَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ аралаштирувчи, қовуштирувчи асбоб (*жиҳоз*), қорғич, чилчўп; миксер; خَرَسَانِيَّةٌ ~ бетон қорадиган машина

– خَلْطٌ қориш, қўшиш; خَلْطْ بَلْطْ *халқ.* аралаш-қуралаш

– خَلْطٌ[1] қориш; қорилма

– خَلِطٌ[2] олғир (муттаҳам) одам

– خِلْطٌ *кўп.* أَخْلَاطٌ 1) чигаллик, чалкашлик, ноаниқлик; 2) аралашма, қоришма; 3) таркибий қисм; ◊ مِلْطٌ ~ аралаш-қуралаш; أَخْلَاطُ الْإِنْسَانِ (الصَّفْرَاءُ وَ الْبَلْغَمُ وَ الدَّمُ وَ السَّوْدَاءُ) инсоннинг темпераментлари (*мижозлари-холерик-сафро, флегматик-балғам, сангвиник-қон, меланхолик-қора ўт*); أَخْلَاطُ النَّاسِ *ёки* أَخْلَاطٌ مِنَ النَّاسِ а) авом, оддий халқ; б) ҳар хил қаланғи-қасанғи кишилар

– خَلْطَةٌ 1) қоришма; 2) чалкашлик, чигаллик; ◊ بَلْطَةٌ ~ тартибсиз, аралаш-қуралаш

– خُلْطَةٌ ,خِلْطَةٌ муомала қилиш, қўшилиш; ўртоқлик, дўстлик

– خَلِيطٌ[1] 1. аралаштирилган; 2. қоришма, مَعْدَنِيٌّ ~ қотишма (металл)

– خَلِيطٌ[2] *кўп.* خُلَطَاءُ ўртоқ, дўст, улфат

– خَلِيطَةٌ *кўп.* خَلَائِطُ қотишма (металл)

– مُخَالَطَةٌ 1) муомала қилиш, алоқа; қўшилиш; 2) аралашиш, омухта бўлиш

– مُخْتَلَطٌ аралашган, қўшма; الْمَحْكَمَةُ الْـ~ـةُ қўшма суд

– مُخَلِّطٌ 1) аралаштириб (чалкаштириб) юборилган; 2) тартибсиз, чигал

– مَخْلُوطٌ 1. 1) қўшма, аралаш-қуралаш бўлиб кетган; 2. *кўп.* مَخَالِيطُ 1) қоришма; 2) қотишма (металл); حَدِيدِيٌّ ~ темир қотишмаси

I (خلع) **خَلَعَ** (*а*) خَلْعٌ 1) ечмоқ (*мас. оёқ кийимни, либосларни*); ~ حِذَاءَهُ оёқ кийимни ечмоқ; مَلَابِسَهُ ~ ечинмоқ; الْحِدَادَ ~ мотам кийимини ечмоқ; 2) (*к. гадир*) инъом (тортиқ) қилмоқ, ҳадя қилмоқ, (*к. нидир*) мукофотламоқ, сийламоқ (عَلَى); 3) сурмоқ, қўзғатмоқ; йиқитмоқ, ағдармоқ, қўпориб ташламоқ (туширмоқ); عَنِ الْعَرْشِ ~ тахтдан туширмоқ; 4) (*тишни*) олиб ташламоқ, суғурмоқ; 5) чиқармоқ, ўрнидан қўзғатмоқ; خُلِعَ: الْوَالِي ~ ҳукмдор ҳокимиятдан четлатилди; ◊ الْعِذَارَ ~ ўзини тия олмаслик, меъёрини билмаслик; امْرَأَتَهُ ~ـهُ أَبُودُ унинг отаси ундан юз ўгирди, воз кечди; امْرَأَتَهُ ~ (*ажралиш учун қалин пули қайтарилгандан сўнг*) хотинини талоқ қилмоқ; قَلْبَهُ ~ кимнидир чўчитмоқ; يَدَهُ مِنْ طَاعَتِهِ ~ кимгадир итоат этмай қўймоқ; خَلُعَ (*у*) خَلَاعَةٌ 1) оғир (қийин, иложсиз, ноилож) бўлмоқ; 2) мазаси қочган (ишдан чиққан) бўлмоқ; бузилган бўлмоқ; II خَلَّعَ 1) чиқармоқ, қўзғатмоқ; 2) ишдан чиқармоқ, бузмоқ, шалоқ қилмоқ; 3) ағдармоқ, суғурмоқ; III خَالَعَ: امْرَأَتَهُ ~ = خَلَعَ امْرَأَتَهُ *қар.* خَلَعَ; V تَخَلَّعَ 1) чиқарилган, ўрнидан қўзғатилган бўлмоқ; 2) ишдан чиққан (бузилган) бўлмоқ; فِي الْمَشْيِ ~ қинғир-қийшиқ қадам ташлаб (*гандираклаб*) кетмоқ; 3) (*н. гадир*) берилиб кетмоқ (فِي); فِي الشَّرَابِ ~ ичкиликхўрликка (шаробхўрликка) берилиб кетмоқ; VI تَخَالَعَ ўзаро ажрашмоқ (*эр-хотин*); VII انْخَلَعَ 1) чиқарилган, қўзғалган бўлмоқ; 2) (*мансабидан*) туширилган, олинган бўлмоқ; йиқитилган (ағдарилган) бўлмоқ; 3) (*н. дандир*) узоқлашмоқ, йироқлашмоқ, ажрашиб кетмоқ (عَنْ); عَنْ هَذِهِ ~ ~ الْجَمَاعَةِ у жамоадан ажралиб кетди; ◊ قَلْبُهُ مِنَ الْهَوْلِ ~ унинг жони чиқиб кетди, у қўрқиб кетди; VIII اخْتَلَعَ 1) (*кийимни, оёқ кийимини*) ечмоқ; مَلَابِسَهُ ~ ечинмоқ; 2) تَ~ эрига маблағ бериб ўзини талоқ қилдирмоқ

– خَلَاعَةٌ ахлоқсизлик, бузуқлик, нуқсонлилик, бебошлик, саёқлик, суюқоёқлик

– خَلْعٌ 1) ечиш, тушириш, пасайтириш, йиқитиш, ағдариш; 2) ўрнидан қўзғатиш; 3) (*тишни*) суғуриш (чиқариш)

– خُلْعٌ талоқ, ажралиш

– خِلْعَةٌ *кўп.* خِلَعٌ тортиқ (инъом, ҳадя) этилган кийим; ҳадя, мукофот; ~ـهُ خَلَعَ عَلَيْهِ кимгадир кийим инъом этмоқ

– خَلِيعٌ 1. 1) ишдан олинган, бўшатилган, туширилган; ағдарилган; 2) хўрланган, таҳқирланган, жамиятдан ҳайдалган (*одам*); 3) кийилган (*кийим ҳақида*); 4) ахлоқсиз, бузуқ; الْعِذَارِ ~ иложсиз; ~ـةٌ صُوَرٌ порнографик (ахлоқсиз) сувратлар; 2. *кўп.* خُلَعَاءُ бузуқ, суюқоёқ

– مُخَلَّعٌ 1) чиқиб кетган, ўрнидан қўзғалиб қолган; 2) шол (фалаж) бўлган

– مَخْلُوعٌ 1) чиқиб қолган (*мас., қўл, оёқ*); 2) ишдан олинган, амалдан туширилган; ағдарилган, йиқитилган; ◊ الْخَاطِرِ ~ кўнгли ғаш, дили хира; الْفُؤَادِ ~ қўрқоқ, ҳуркак; ҳадиксировчи

I **خَلَفَ** (*у*) خِلَافَةٌ 1) (*к. нингдир*) изидан бормоқ, орқасидан эргашмоқ; 2) ўрнини олмоқ, ўрнини босмоқ, вақтинча ўрнида ишламоқ; ўринбосар бўлмоқ; 3) ташвиш тортмоқ, қайғирмоқ; (*к. дандир*) кейин қолмоқ; 4) (*к. дандир*) орқада қолмоқ, (*к. нингдир*) орқасида қолмоқ (عَنْ); خَلَفَ (*у*) خُلُوفٌ айнимоқ, сасимоқ (*сут, овқат ҳақида*); فَمُ الصَّائِمِ ~ рўзадор кишининг оғиз ҳиди ўзгармоқ; ◊ اللهُ عَلَيْكَ! ~Оллоҳ са бру қаноат берсин! (*ота-онани йўқотилганда айтилади*); II خَلَّفَ 1) ўзининг вориси, ўринбосари этиб таъйинламоқ; (*н. нидир*) ўзидан кейин қолдирмоқ; أَثَرًا ~ جَمِيلًا яхши таассурот қолдирмоқ; 3) мерос қолдирмоқ; ўзига меросхўр қилмоқ; ~ـهَا عَلَى دَارِهِ у уни ўз ҳовлисининг меросхўри этиб қолдирди; 4) қолдирмоқ, ўзи билан олмаслик; 5) туғмоқ; III خَالَفَ 1) (*н. гадир*) хилоф равишда, аксига олиб қилмоқ; гапга кирмаслик, бўйсунмаслик; қаршилик қилмоқ; (*к. гадир*) қарши сўзламоқ; خَالِفْ تُعْرَفْ! *мтл.* хилоф равишда иш тутсанг, сени билишади!; 2) фарқланмоқ, ўхшамаслик; 3) бажармаслик; وَعْدَهُ ~ ўз ваъдасини бажармаслик; IV أَخْلَفَ 1) бажармаслик; (*кутилган н. ни*) оқламаслик; وَعْدَهُ ~ ваъдасида турмаслик, ваъдани бузмоқ; الْمَطَرُ ~ ёмғир алдади, ёмғирдан кутилган нарса бўлмади; 2) (*н. нидир к. гадир*) бирор нарса ўрнига бермоқ (عَلَى); النَّبَاتُ ~

дарахтнинг ҳосили тугагандан кейин яна мева тугмоқ; ◊ اللهُ ~ عَلَيْكَ! Оллоҳ сенга яна қайтиб берсин! (*мол-мулк, фарзанд ва ҳ. к. лар йўқотилганда айтилади*); V تَخَلَّفَ 1) келмаслик, (*қаердадир*) ҳозир бўлмаслик; (*келмасдан дарсни*) қолдирмоқ (عَنْ); عَنِ ~ الْعَوْدَةِ (*базага*) қайтмаслик (*самолёт*); عَنْ مَوَاعِيدِ الْعَمَلِ ~ ишга кеч қолмоқ; 2) (*к. нингдир*) орқасидан қолмоқ (مِنْ, عَنْ); 3) қолоқ бўлмоқ, (*н. дадир*) орқада қолмоқ (فِي); VI تَخَالَفَ 1) келиша олмаслик, турли хил фикрда бўлмоқ, қарашлари турли хил бўлмоқ; (*н. биландир*) мос келмаслик, ўхшамаслик, (*н. гадир*) мос, муносиб, тўғри бўлмаслик; VIII اخْتَلَفَ 1) турли хил, турли шаклда бўлмоқ; 2) (*н. биландир*) ихтилофда бўлмоқ, (*н. ҳақидадир*) ўзгача фикрда бўлмоқ (عَلَى); қарама-қарши бўлмоқ; ўхшамаслик, мос келмаслик (*фикрлар ҳақида*); مَعَهُمْ ~ ёки وَإِيَّاهُمْ ~ у улар билан уришиб қолди. لَا يَخْتَلِفُ فِي هٰذَا اثْنَانِ бу мутлақо шаксиз; 3) кўтарилиб-пасайиб турмоқ (*нарх-наво ҳақида*); 4) (*н. дандир*) фарқланмоқ, фарқли бўлмоқ (عَنْ); 5) (*бирор ерга*) тез-тез бориб турмоқ (إِلَى); X اسْتَخْلَفَ ўзидан кейин қолдирмоқ; ўзининг ўринбосари сифатида қолдирмоқ

– اخْتِلَافٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) турли-туманлик, хилма-хиллик, ранг-баранглик; أَنْوَاعِهِمْ ~ عَلَى улар хилма-хил бўлса-да; 2) ихтилоф; фарқ; الْآرَاءِ ~ фикрларнинг турли хиллиги; الْمَنْظَرِ ~ параллакс (*кузатувчи кўзининг силжиши туфайли кузатилаётган объектнинг силжигандай бўлиб кўриниши*); 3) ўзгарувчанлик; 4) алмашинув, алмашиш; 5) келишмовчилик, нифоқ; қарама-қаршилик; норозилик; жанжал, низо; اخْتِلَافَاتٌ دَاخِلِيَّةٌ ички келишмовчиликлар

– تَخَلُّفٌ 1) қолоқлик; الْاجْتِمَاعِيُّ ~ الـــ ижтимоий қолоқлик; الْعَقْلِيُّ ~ الـــ ақлий қолоқлик; 2) келмаслик, ҳозир бўлмаслик

– خَالِفٌ 1) орқада қолган; 2) (*к. нингдир н. нингдир*) орқасидан борувчи; эргашувчи; 3) ўрнини босувчи

– خَالِفَةٌ *кўп.* خَوَالِفُ чодирнинг орқа қозиғи

– خِلَافٌ[1] *кўп* اتٌ ـــ хилофлик, қарама-қаршилик, нифоқ; тўқнашув, жанжал, низо; (*қарашларнинг*) турли хиллиги; فِيهِ ~ لَا шак-шубҳасиз, рад этиб бўлмайдиган; ... مَا عَلَى ~ ёки ... لِمَا ~ ...га қарама-қарши равишда; ... لِـــ ~ ...дан фарқли равишда, ...дан фарқли ўлароқ; ذَالِكَ ~ بِـــ ...ни ҳисобга олмаганда, ...дан ташқари; هُمْ ~ الـــ وَ улар иккисини ҳисобга олмаганда, бошқалар; هُ ~ الـــ وَ ва бошқалар

– خِلَافٌ[2] *бот. жам.* тол

– خِلَافَةٌ 1) ўрнини олиш, ворислик қилиш; ўринбосарлик; 2) халифалик унвони; 4) халифалар ҳукмронлик қилган давр

– خِلَافِيٌّ баҳсли, мунозарали

– خَلْفٌ[1] *кўп.* أَخْلَافٌ, خُلُوفٌ 1) орқа; 2) орқа томон; نَظَرْتُ ~ى орқамга қарадим; ~ـــهُ унинг орқасидан; ~ الْـــ إِلَى орқага; ~ الْـــ فِي орқада; ~ الْـــ مِنَ орқадан; ضَرَبَهُ مِنَ الْـــ ~ кимгадир орқадан зарба бермоқ; أَرْسَلَ ~ـــهُ кимнингдир орқасидан юбормоқ; 3) кейинги авлод

– خَلْفٌ[2] ёмон сўз, хато сўз; سَكَتَ أَلْفًا وَ نَطَقَ ~ًا минг сўздан ўзини тийди-ю, охири оғзидан гуллади (*сўзма-сўз:* ёмон сўз сўзлади)

– خَلَفٌ *кўп.* أَخْلَافٌ 1) ўринбосар; 2) ворис; 3) (*йўқолган н. нинг*) ўрнини қоплаш

– خُلْفٌ[1] 1) қарама-қаршилик; хилма-хиллик; 2) фарқ

– خُلْفٌ[2] *кўп.* أَخْلَافٌ 1) ёлғон орзу; 2) ёлғон ваъда, ваъдани бажармаслик; 3) бемаънилик

– خِلْفٌ 1. турли хил; қарама-қарши; 2. *кўп.* أَخْلَافٌ эмчак учи; وَ دَرَّتْ عَلَيْهِ أَخْلَافُ النِّعَمِ *маж.* қар دَرَّ

– خَلْفَانِيٌّ орқа, орқа томондаги

– خَلَفَةٌ *кўп.* خَلَفٌ ҳомиладор (*бўғоз*) туя

– خِلْفَةٌ[1] ,خُلْفَةٌ 1) турли хиллик, фарқ; 2) бирин-кетин бўлиш; 2) тун ва куннинг орқама-орқа келиши

– خِلْفَةٌ[2] 1) новда, шох; 2) қолдиқ; 3) тўлов; ~ الشَّجَرِ дарахтнинг ҳосили тугагандан кейинги туккан меваси

– خَلْفِيٌّ орқа томон; ~ (نُورٌ) مِصْبَاحٌ орқадаги чироқ (нур)

– خَلْفِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) уй орқасидаги унча катта бўлмаган боғча; 2) орқа кўриниш; 3) парда орқасидаги, яширин, пинҳоний томон

– خَلِيفَةٌ *кўп.* خُلَفَاءُ 1) халифа; ўринбосар; 2) ворис; اتَّخَبَ فُلَانًا ~ لَهُ фалонийни кимгадир ворис этиб сайламоқ

– خَلِيفَى = خِلِّيفَى

– خَوَالِفُ *кўп.* 1) туққандан сўнг бўладиган оғриқлар; 2) аёллар; رَضُوا بِأَنْ يَكُونُوا مَعَ الْـــ ~ *Қур.* улар аёллар билан бирга бўлишга рози бўлдилар

– مُتَخَلِّفٌ орқада қолган; қолоқ صِنَاعِيًّا) الْبُلْدَانُ) الْـــ ~ةُ саноати орқада қолган мамлакатлар

– مُتَخَلِّفَاتٌ *кўп.* 1) қолдиқлар, ташландиқлар; الْمَاضِي ~ эскилик сарқитлари; 2) *ҳарб.* душмандан қолган барча нарсалар

– مُخَالِفٌ 1. 1) мухолиф, (*н. гадир*) қарши (لِـــ); (*н. гадир*) мос келмовчи (لِـــ); қонунга хилоф, ноқонуний; ~ صَيْدٌ ноқонуний ов; لِلْوَاقِعِ (لِلْحَقِيقَةِ) ~ ҳақиқатга тўғри келмайдиган; 2) қулоқсиз, итоат этмайдиган; 2) душман

– مُخَالَفَةٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) мухолафат, қарама-қаршилик, зиддият; 2) (қонунни) бузиш; хато, ножўя иш; қоидани бузиш; айбдорлик, гуноҳкорлик; 3) гапга кирмаслик

– مُخْتَلَفٌ عَلَيْهِ ~ баҳсли, мунозарали

– مُخْتَلِفٌ турли хил, ранг-баранг, (*н. дандир*) фарқ қиладиган (عَنْ)

– مَخْلاَفٌ *кўп.* مَخَالِيفُ *тар.* ҳудудий мулклар, вилоят (*Яманда*)

– مُخَلَّفَاتٌ *кўп.* мерос; қолдиқлар

– مَخْلَفَةٌ мажнунтолзор

– مَخْلُوفَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ (*туядаги*) эгар

I (خلق) **خَلَقَ** (*у*) خَلْقٌ 1) халқ этмоқ, яратмоқ; 2) ўйлаб чиқармоқ, ихтиро қилмоқ; خَلَقَ (*а*) خَلَقٌ *ёки* خَلَقَ (*у*) خُلُوقٌ 1) кийилавериб эскирмоқ, тўзимоқ; خَلُقَ (*у*) خَلاَقَةٌ 1) (*н. гадир*) яроқли (мос, мувофиқ) бўлмоқ (لِـ); 2) (*н. гадир*) хос бўлмоқ (لِـ); 3) (*к. гадир*) керак (лозим) бўлмоқ (ب); 4) арзийдиган (муносиб, сазовор) бўлмоқ (ب); II خَلَّقَ 1) атир сепмоқ; ~َتِ الْمَرْأَةُ بِالْخُلُوقِ аёл хушбўй нарсаларни ўзига сепди; 2) хушбўй нарсаларни ажратиб чиқармоқ; 3) синтез қилмоқ (*мас., доривор моддаларни*); IV أَخْلَقَ (*кўйлакни*) кияверіб эскитмоқ; جَدِيدَهُ ~ янгисини кияверіб тўздирмоқ; V تَخَلَّقَ 1) (*бировнинг*) қилиғини тақлид қилиб ўрганиб олмоқ; (*н. гадир мувофиқ тарзда*) ўз феълини (характерини) ўзгартирмоқ (ب); بِأَخْلاَقِ الْأَطْفَالِ ~ ўзини болаларча тутмоқ; بِأَخْلاَقِ أَهْلِ الْبَلَدِ ~ маҳаллий аҳоли одатларини ўзлаштирмоқ; 2) (*хушбўй н. парни*) ўзига сепмоқ, بِالْخُلُوقِ ~ хушбўй нарсаларни ўзига сепмоқ; 3) (*к. гадир*) жаҳл қилмоқ (عَلَى); 4) туҳмат қилмоқ, бўҳтон қилмоқ; VIII اخْتَلَقَ 1) тайёрламоқ, ишлаб чиқармоқ, ўхшатиб (сохта н.) ясамоқ; 2) (*к. гадир*) бўлмаган айбни тўнкамоқ (عَلَى); XII اخْلَوْلَقَ 1) кийилавериб эскирмоқ; тўзиган бўлмоқ; 2) *маж.* таниш, сийқаси чиққан, кўп ишлатилган бўлмоқ; (*н. нингдир*) арафасида бўлмоқ

– اخْتِلاَقٌ 1) қалбаки, сохта; 2) уйдирма, ёлғон

– أَخْلاَقِيٌّ ахлоқий; الْفَلْسَفَةُ الْـ~َـةُ этика; الْجَرَائِمُ الْـ~َـةُ ахлоқий жиноятлар; ~ لاَ ахлоқсиз

– أَخْلاَقِيَّةٌ 1) ахлоқийлик; ~ لاَ ахлоқсизлик; 2) ахлоққа (этикага) мувофиқлик; деонтология (*этиканинг бурч проблемаси (соҳаси) билан шуғулланадиган бўлими*)

– أَخْلاَقِيَّاتٌ *кўп.* ахлоқ, этика масалалари

– تَخْلِيقٌ 1) атир сепиш; 2) хушбўй нарсаларни ажратиш; جِهَازُ الـ~ (*ўсимликлардан*) хушбўй ҳидларни ажратиб оладиган асбоб (қурилма); яратиш, синтез қилиш; الـ~ُ الضَّوْئِيُّ фотосинтез қилиш

– تَخْلِيقِيٌّ атторликка (парфюмерияга) оид; صِنَاعَةٌ ~َـةٌ парфюмерия саноати

– خَالِقٌ, خَلاَّقٌ холиқ, халлоқ, яратган, яратувчи

– خَلاَّقٌ улуш, қисм

– خَلاَّقٌ яратувчи, ижодкор

– خَلْقٌ 1) яратиш, ижод қилиш; 2) халқ, одамлар; 3) махлуқ, жонивор; 4) бўй-баст, қадди-қомат, жусса

– خَلَقٌ 1. тўзиган, эскиган, эскирган; 2. *кўп* أَخْلاَقٌ, خُلْقَانٌ эски туски, латта-путта; эски кийим

– خَلْقٌ, خُلُقٌ *кўп.* أَخْلاَقٌ 1) хулқ, мижоз, характер, табиат, феъл-атвор; ~ُ الْـ سُوءُ характер қуввати, ~ُ الْـ سُوءُ аҳмоқона феъл (характер); ~ُ الْـ سَيِّئُ жинни (ёмон) характерли; ~ُ الْـ سَهْلُ хушмуомала; عِلْمُ الْأَخْلاَقِ этика; 2) кайфият; 3) ғазаб; طَلَعَ ~ُـهُ ғазабланмоқ; طَلَّعَ ~َـهُ ғазабини (*к. гадир*) тўкиб солмоқ (فِي); 4) *кўп.* ахлоқий сифатлар; одоб, ахлоқ; الْأَخْلاَقُ الصِّحِّيَّةُ хушфеъллик

– خُلْقَانِيٌّ *кўп.* خُلْقَانِيَّةٌ эскифуруш

– خَلَقَةٌ *кўп.* خُلْقَانٌ, خَلَقٌ эски-туски, жулдур

– خِلْقَةٌ *кўп.* خِلَقٌ 1) табиат; 2) ташқи кўриниш, гавда тузилиши, жусса, шаклу шамойил

– خُلُقِيٌّ хулқий, ахлоқий; الْـ~َـةُ الْعَالِيَةُ رَجُلٌ ذُو الصِّفَاتِ юксак хулқий (ахлоқий) сифатларга эга бўлган киши

– خُلُقِيٌّ қизиққон, жиззаки

– خِلْقِيٌّ табиий; туғма; ~ عَيْبٌ туғма камчилик

– خُلُقِيَّةٌ одоблилик, ахлоқлилик

– خُلُوقٌ[1] хушахлоқ, хушхулқ

– خُلُوقٌ[2] хушбўй моддалар

– خَلِيقٌ *кўп.* خُلَفَاءُ (*н. гадир*) яроқли, яровчи, мос келувчи (ب); (*н. гадир*) муносиб (ب); ... أَنْ بِهِ ~ унга ... керак

– خَلِيقَةٌ *кўп.* خَلاَئِقُ 1) махлуқ, яратилган; 2) *кўп.* табиат

– مُخْتَلِقٌ уйдирмачи, ёлғончи

– مُخْتَلَقٌ ўйлаб чиқарилган, тўқилган, уйдирма

– مُخْتَلَقَاتٌ *кўп.* уйдирмалар, ёлғонлар, чўпчаклар

– مُخَلَّقٌ тўла-тўкис яратилган

– مَخْلُوقٌ *кўп.* مَخَالِيقُ, ـَاتٌ ـــ махлуқ, яратилган

خَلاَقِينُ *кўп.* خَلْقَانٌ мис қозон

خِلْمٌ *кўп.* أَخْلاَمٌ дўст

خَلَنْجٌ 1) арчагул, супургигул; 2) халанж (*ёғочи қаттиқ, ёғоч идишлар тайёрлашда ишлатиладиган дарахт*); 3) *халқ.* илгари ҳеч ким ишлатмаган янги нарса (*Сурияда*)

خُلَنْجَانٌ, خَلَنْجَانٌ *бот.* халанжон, хуланжон (*ўзидан ва илдизидан дори тайёрланадиган ўтсимон ўсимлик*)

I (خلو) **خَلاَ**[1] (*у*) خُلُوٌّ 1) бўш (тўлдирилмаган) бўлмоқ; 2) ҳеч ким банд қилмаган бўлмоқ, вакант бўлмоқ; бўшамоқ; 3) маҳрум бўлган бўлмоқ, (*н. сидир*) йўқ бўлмоқ (مِنْ); جَيْبُهُ مِنَ الدَّرَاهِمِ وَ الدَّانَقِ ~ чўнтагида бир тийин пули йўқ бўлмоқ; هَذَا لاَ يَخْلُو مِنْ صِحَّةٍ бу ҳақиқатдан йироқ эмас; 4) ўтмоқ, ўтиб кетмоқ (*вақт ҳақида*); خَلاَ[2] (*у*) خَلْوَةٌ 1) ёлғиз бўлмоқ; 2) якка қолмоқ, бошқалардан ажралиб, ўзини хилватга олмоқ; بِنَفْسِهِ ~ ўзи билан ўзи бўлмоқ; 3) чиқиб кетмоқ (*судда -маслаҳат хонасига*); 4) (*к. нидир*) ўз ҳолига ташлаб қўймоқ (ب); II خَلَّى 1) бўшатмоқ, холи қилмоқ; 2) озод қилмоқ; ~

سَبِيلَهُ кимнидир озод (холи) қилмоқ; عَنْكَ! خَلِّ ўзингни қийнама!; خَلِّيكَ تَخَافُ! халқ. қўрқишни бас қил!, қўрқма!; 3) биттасини қолдирмоқ; ... بَيْنَهُ و بَيْنَ ~ (*н. нидир*) бошқаришга кимгадир ижозат этмоқ; 4) тозаламоқ; эвакуация қилмоқ, хавфли жойдан кўчирмоқ; III خَالَى тинч қўймоқ, ўз ҳолига қўймоқ; IV أَخْلَى бўшатмоқ, холи қилмоқ, озод қилмоқ; سَبِيلَهُ ~ кимнидир қўйиб юбормоқ; طَرَفَهُ ~ *қар*: طَرَفٌ; مَكَانًا ~ (*к. гадир*) жой бўшатмоқ (ـِـ); 3) қолдирмоқ; 4) тозаламоқ (*мас., атрофни*); эвакуация қилмоқ, хавфсиз жойга кўчирмоқ; *юр.* кўчишга мажбур қилмоқ, мажбуран кўчирмоқ; V تَخَلَّى 1) бўшамоқ, озод бўлмоқ; (*к. нидир. н. нидир*) қолдирмоқ, тарк этмоқ, ташламоқ (عَنْ); (*қаердадир*) ҳозир бўлмаслик, йўқ бўлмоқ (عَنْ); 4) (*н. дандир*) бош тортмоқ, бўйин товламоқ, воз кечмоқ, баҳридан ўтмоқ, инкор қилмоқ, тонмоқ (عَنْ); (*н. нидир*) бермоқ; сийламоқ; ён бермоқ (عَنْ); لَمْ يَتَخَلَّ عَنْ فِكْرَةِ دُخُولِ الْجَامِعَةِ у дорилфунунга кириш фикридан қайтмади; VIII اخْتَلَى 1) бошқалардан ажралиб якка қолмоқ; (*к. билан дир*) учрашмоқ (ب); 2) чиқиб кетмоқ (*судда -маслаҳатлашгани*)

– اخْتِلَاءٌ хилватда бўлиш; ёлғиз қолиш

– إِخْلَاءٌ тозалаш (*мас., атроф-муҳитни*); эвакуция қилиш; *юр.* мажбурий кўчириш

– تَخَلٍّ (*н. дандир*) воз кечиш (عَنْ)

– تَخْلِيَةٌ тозалаш (*мас., атрофни*); эвакуация қилиш

– خَالٍ *мн* خَالِيَةٌ *кўп* خُلُوٌّ 1) холи, бўш; الْخَالِي مِنَ الضَّرَرِ зарарсиз; خَالِي الْبَالِ ~ مِنَ الْغَرَضِ қизиқмайдиган, манфаатдор эмас, беташвиш, беғам; 2) озод, ишсиз; бўш (вакант); ~ مِنَ الْعَمَلِ ишдан холи (бўш), ишламайдиган; 3) *кўп* خَوَالٍ ўтган; عُصُورٌ (قُرُونٌ) خَالِيَةٌ ўтган асрлар, الذِّكْرَيَاتِ الْخَوَالِي ўтмиш ҳақидаги хотиралар; فِي الْأَيَّامِ الْخَوَالِي ўтган вақтлар; ◊ خَالِي الْوِفَاضِ бир мирисиз

– خَلَا (*туш. к. билан*) ташқари, истисно равишда; ~ مَا ...ни истисно этганда

– خَلَاءٌ 1) бўшлик; 2) очиқ (бўш) кенглик; 3) хилват жой; 4) дача (*шаҳар ташқарисидаги бог-ҳовли*); қишлоқ; ◊ ... ~ مِنْ كَانَ (*н. сидир*) йўқ бўлишлик; ~ مِنْ تِلْكَ الْمَعَارِفِ ҳُوَ унинг бундай билими йўқ; ~ هُوَ عَلَى الْـ у оч, унинг қорни оч; ~ فِي الْـ *ёки* ~ تَحْتَ الْـ кенг осмон остида; ~ بَيْتُ الْـ хало жой, ҳожатхона, туалет; ◊ أَنَا ~ مِنْكَ сенга менинг алоқам йўқ

– خُلُوٌّ 1) бўшлик; ~ الْبَالِ беташвишлик; 2) бўш (вакант) лик

– خِلْوٌ (*н. дандир*) озод, (*н. дандир*) маҳрум (مِنْ); هُوَ (هِيَ, هُمْ) ... مِنْ ~ у (*у қиз, улар*) ...дан озод

– خَلْوَةٌ *кўп.* خَلَوَاتٌ 1) хилватда, ёлғиз бўлиш; янги турмуш қурганларнинг хилватда бўлиши; غَرَامِيَّةٌ ~ севишганларнинг учрашуви; ~ عَلَى хилватда, ажралган ҳолда; 2) хилватгоҳ; бошпана; الْمُتَعَبِّدِ ~ зоҳиднинг хилватгоҳ (бошпанаси); 3) (*ҳаммомдаги*) ечинадиган хона; пляждаги ечиниш хоначалари (будкачалари); 4) (*театрдаги*) ложа

خَلَوِيٌّ қишлоққа оид; ~ بَيْتٌ қишлоқдаги дала ҳовли, дача; مَنْظَرُ ~ қишлоқ кўриниши, манзараси

– خُلُوِّيٌّ ички кавак (*мас., ғишт*)

I **خَلَى** (*и*) خَلْيٌ узмоқ, юлмоқ, термоқ (*мас., ўтни*); IV أَخْلَى: أَخْلَتِ الْأَرْضُ ердан кўпгина ўт чиқмоқ, ерни ўт босмоқ; VIII اخْتَلَى = I

– خَلًى ҳўл (қуримаган) ўт

– خَلِيٌّ 1) холи, бўш; 2) ишсиз, банд эмас; ... مِنْ ~ (*н. дандир*) маҳрум бўлган; مِنَ الثَّقَافَةِ ~ маданиятсиз; ◊ ~ الْقَلْبِ *ёки* ~ الْبَالِ ташвишдан холи

– خَلِيَّةٌ[1] *кўп.* خَلَايَا 1) асалари уяси; 2) (*ташкилотдаги*) бўлим, қисм, тармоқ; 3) *биол* ҳужайра; حَيَّةٌ ~ тирик ҳужайра; مُعَقَّدَةٌ ~ мураккаб ҳужайра; ~ وَحِيدُ الْـ бир ҳужайрали

– خَلِيَّةٌ[2] 1) арқони ечиб юборилган ёки қўйиб юборилган туя; ◊ أَنْتَ ~! *маж.* сен талоқсан!; 2) катта кема; 3) асаларининг уяси (қутиси)

– مِخْلَاةٌ *кўп.* مَخَالٍ тўрвахалта

I (خمّ) **خَمَّ**[1] (*а/у*) خَمٌّ супурмоқ; خَمَّ[2] (*и/у*) خُمُومٌ ёқимсиз ҳидли бўлмоқ, сасимоқ; нам тортмоқ, рутубатли бўлмоқ

– خَامٌّ ёқимсиз ҳидли; сасиган; намиқиб (ҳидланиб) қолган, айниган

– خُمٌّ *кўп.* أَخْمَامٌ сават, корзинка; ~ الدُّجَاجِ товуқ катаги

– خَمَّةٌ ёқимсиз ҳид, бадбўй ҳид; нам. зах, рутубат

– مُخِمٌّ = خَامٌّ

– مَخَمَّةٌ *кўп.* مَخَامُّ супурги

– مَخْمُومٌ: ~ قَلْبٌ ҳасад қилмайдиган юрак, ҳасадгўй бўлмаган юрак

خَمِجَ (*а*) خَمَجٌ айнимоқ, бузилмоқ, ҳидланмоқ, палағда бўлмоқ

I **خَمَدَ** (*у*) خُمُودٌ 1) тинчланмоқ, юпанмоқ, ўчмоқ, тинмоқ, босилмоқ; 2) сўнмоқ, тўхтамоқ; 3) кўнгил қолмоқ, умиди пучга чиқмоқ; II خَمَّدَ ўчирмоқ, тугатмоқ, тўхтамоқ, бостирмоқ, тинчлантирмоқ; (*зарбанинг*) урилишини юмшатмоқ, IV أَخْمَدَ тинчлантирмоқ, юпатмоқ; 2) ўчирмоқ; 3) (*чанқоқни*) бостирмоқ, қондирмоқ; 4) босмоқ, эзмоқ, бўғмоқ; الْهِمَّةَ ~ эсанкиратмоқ, гангитмоқ; 5) кўнглини қолдирмоқ, умидини пучга чиқармоқ; تَخَامَدَ аста-секин ўчмоқ

– إِخْمَادٌ 1) тинчлантириш; 2) ўчириш; бостириш

– خَامِدٌ 1) осойишта, тинч; секин; ҳаракатсиз; 2) ўчган, сўнган

– خُمُودٌ 1) ўчиш, тўхташ, тиниш, тинчиш; 2) осойишталик, ҳаракатсизлик

– مُخَمِّدٌ *кўп.* اتٌ ـــ ўчирувчи, пасайтирувчи, юмшатувчи, амортизатор

I **خَمَرَ** (*у*) خَمْرٌ 1) ёпмоқ, бекитмоқ, яширмоқ; 2) ачимоқ, бижғимоқ; кўпчитмоқ, оширмоқ (*хамир ҳақида*); *кимё.* ферментламоқ, ачитмоқ, бижғитмоқ; II خَمَّرَ = I; III خَامَرَ 1) пайдо бўлмоқ, туғилмоқ (*шубҳа ҳақида*); тутмоқ, тутиб қолмоқ (*мас., жиннилик*); (*н. нидир*) ташлаб кетмаслик, (*қаердадир*) қолмоқ; ~ الْبَيْتَ уйдан чиқмаслик, уйда ўтирмоқ; IV أَخْمَرَ (*к. гадир қарши*) яширин кек сақламоқ (ـــ, عَلَى); V تَخَمَّرَ 1) ачимоқ, бижғимоқ (*вино ҳақида*); кўтарилмоқ, кўпчимоқ (*хамир ҳақида*); 2) ёпинчиқ ёпинмоқ (*аёллар ҳақида*); VI تَخَامَرَ биргаликда мўлжал (ният) қилмоқ, яширин режа тузмоқ; VIII اخْتَمَرَ 1) ачимоқ, бижғимоқ (*вино ҳақида*); кўпчимоқ, тошмоқ (*хамир ҳақида*); 2) ёпинчиқ (паранжи) ёпинмоқ (*аёллар ҳақида*); ~ تْ بِخِمَارِهَا у ўз ёпинчиғини ёпиб олди; ◊ ~ تِ الْفِكْرَةُ бир фикр пайдо бўлди; X اسْتَخْمَرَ қул қилмоқ, қулга айлантирмоқ

– اخْتِمَارٌ ачиш, кўпчиш (*вино, хамир ҳақида*)

– تَخَمُّرٌ (*хамир, винонинг*) ачиши, кўпчиши

– تَخْمِيرٌ (*хамирни*) кўптириш; *кимё.* ферментация

– تَخْمِيرِيٌّ кўпчитадиган, ачитадиган, ферментлайдиган; الصِّنَاعَةُ الْـ~ـــةُ фермент ишлаб чиқарадиган саноат

– خَمَّارٌ вино сотувчи, майфуруш

– خُمَارٌ хумор бўлиш

– خِمَارٌ *кўп.* أَخْمِرَةٌ, خُمُرٌ, خُمُرَاتٌ, паранжи, ёпинчиқ

– خَمَّارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ вино (май) дўкони

– خَمْرٌ *мн.* баъзида *мз. кўп.* خُمُورٌ вино; عَنْبَرِيٌّ ~ ликёр; ~ السَّلَامِ *маж.* қаҳва

– خَمِرٌ кайфи, кайфли, маст

– خَمْرِجِيٌّ *кўп.* خَمْرِجِيَّةٌ вино сотувчи, майфуруш, вино дўкони эгаси

– خَمْرَةٌ спиртли (*ичимлик*); вино

– خُمْرَةٌ паранжи ёпиниш услуби

– خَمْرِيٌّ 1) винога оид, майга оид; 2) вино рангидаги

– خَمْرِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ хамрийят, хамрийя (*майга бағишланган шеърий жанр*)

– خَمُورْجِيٌّ *кўп* خَمُورْجِيَّةٌ = خَمْرِجِيٌّ

– خَمَّارٌ 1. спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилган; 2) ароқхўр, пиёниста

– خَمِيرٌ хамир

– خَمِيرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) хамиртуруш; ачитқи; фермент; ~ الْجِعَةِ *ёки* الْبِيرَا ~ пиво ачитқиси; ~ اللَّبَنِ а) сутга қўшиладиган оқлиқ; б) *бот.* гладиолус (*гул*); ~ الـــ مَرَضُ қоракуя (*ўсимликлардаги касаллик*); 2) *маж.* асосий капитал, дастмоя; пул маблағи; 3) (*н. нингдир*) асосий ядроси, мояси

– خُمَيْرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ фермент

– مُخْتَمِرٌ бижғиётган, кўпаётган

– مُخَمِّرٌ *кўп.* اتٌ ـــ фермент

– مَخْمُورٌ хумор бўлган, маст бўлган, махмур

I **خَمَسَ** (*у*) خَمْسٌ 1) (*н. нингдир*) бешинчи қисмини (бешдан бирини) олмоқ; 2) ўзи билан бешта бўлмоқ (*одамларни санашда*); II خَمَّسَ беш бўлакка бўлмоқ; бешлик, беш бурчакли қилмоқ; (*сонни*) бешга кўпайтирмоқ; IV أَخْمَسَ бештадан иборат бўлмоқ, бешта бўлмоқ; ~ الْقَوْمُ одамлар бештадан иборат бўлдилар, одамлар бешта бўлдилар

– خَامِسٌ бешинчи; الْخَامِسَ عَشَرَ ўн бешинчи

– خُمَاسَ бештадан

– خَمَّاسٌ *кўп.* خَمَامِسَةٌ бешдан бирига ишловчи деҳқон

– خُمَاسِيٌّ 1. беш (бўлак) дан иборат, бешлик; *грам.* беш ундошли; الْـ~ الْأَوَّلُ (الْبَرْنَامَجُ) الْمِنْهَاجُ биринчи беш йиллик режа; ~ الْأَصَابِعِ беш бармоқли; ~ الزَّوَايَا беш бурчакли; ~ السُّطُوحِ беш қиррали; 2. 1) *муз.* Квинтет (*бешта музика асбобидан иборат оркестр*); 2) *радио.* пентод; 3) беш киши

– خُمَاسِيَّةٌ *кўп. муз.* квинтлар (*чолғу асбобининг энг ингичка тори*)

– خَمْسٌ, خَمْسٌ беш; خَمْسَ عَشَرَةَ *ёки* خَمْسَةَ عَشَرَ ўн беш; الْـ~ـــةُ кундалик беш вақт намоз

– خُمْسٌ *кўп.* أَخْمَاسٌ (*н. нингдир*) бешдан бири, бешдан бир бўлаги; ◊ ضَرَبَ أَخْمَاسًا لِأَسْدَاسٍ а) гумон (фараз) қилмоқ; б) айёрлик қилмоқ; رَجَّعَ أَخْمَاسَهُ وَ أَسْدَاسَهُ ўз тахминларини текшириб кўрмоқ

– خُمْسٌ беш кунлик давр; خُمَّى الـــ~ 1) кун мобайнида орасира такрорланиб турадиган безгак; 2) туя чанқоққа бардош бера оладиган вақт муддати

– خَمْسُونَ эллик; أَحَدُ الْخَمْسِينَ *ёки* عِيدُ الْخَمْسِينَ *дин.* пасхадан кейин эллик кун ўтказиладиган христианларнинг диний байрами, ҳайити

– خَمْسِيٌّ бешлик; الْحِطَّةُ الْـ~ـــةُ беш йиллик режа

– خَمْسِينٌ хамсин (*шамол*); أَيَّامُ الـــ~ хамсин эсадиган кунлар

– خَمْسِينِيٌّ элликка оид; элликдан иборат; الْـ~ الْعِيدُ эллик ёшга бағишланган юбилей (қутлов)

– خَمِيسٌ[1] *шунингдек:* ~ الـــ يَوْمُ пайшанба; ~ الْعَهْدِ *ёки* ~ الْفِصْحِ *дин. христианларда:* улуғ (мусаффо) пайшанба; ~ الْجَسَدِ *дин. хиристианларда:* Хиристос жасади байрами; ~ الصُّعُودِ *дин. христианларда:* Вознесение байрами (*Исо алайҳиссаломнинг осмонга, кўтарилганлари байрами*)

– خَمِيسٌ[2] қўшин, армия

– خَمِيسٌ[3] узунлиги беш газ бўлган кийим

– خَمِيسِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — пайшанба куни бериладиган ҳафталик маош

– خَمْسِينَاتٌ эллигинчи йиллар

– مَخْمَسَ бешталаб; ~ جَاؤُوا улар бешта-бешта бўлиб (бешталаб) келишди

– مُخَمَّسٌ 1. беш бурчакли; 2. 1) *шунингдек:* ~ الزَّوَايَا бешбурчак, пентаграмма; ~ـــةُ الـنَّـجْـمَـةُ الـ беш қиррали юлдуз: *ад.* пентаметр (*шеърий вазн*)

I **خَمَشَ** (*u*) خَمْشٌ тирнамоқ, таталамоқ; тимдаламоқ, юмдаламоқ

– خُمَاشَةٌ *кўп.* اتٌ — тирналган жой, тирноқ изи; енгил яра (чақа)

– خَمْشٌ *кўп.* خُمُوشٌ тирналган (тимдалган) жой

I **خَمَصَ** (*y*) خُمْصٌ *ёки* خَمَصَ (*a*) خَمَصٌ оч бўлмоқ (*қорин ҳақида*)

– أَخْمَصُ *кўп.* أَخَامِصُ 1) пошна (товон) нинг ерга тегмайдиган қисми; 2) қўндоқ (*милтиқдаги*); ◊ نَظَرَ مِنْ قِمَّةِ رَأْسِهِ إِلَى ~ قَدَمَيْهِ هَبَطَ قَلْبُهُ إِلَى أَخْمَصَيْنِ кимнингдир бошидан-оёғигача қарамоқ; унинг жон-пони чиқиб кетди, у жуда қўрқиб кетди

– خُمْصَانٌ *кўп.* خِمَاصٌ бўш. оч; ~ الْبَطْنِ оч қорин

– مَخْمَصَةٌ = خَمْصَةٌ

– خَمِيصٌ: الْحَشَا ~ *ёки* الْبَطْنِ ~ оч, қорни оч

– مَخْمَصَةٌ *кўп.* مَخَامِصُ очлик

خَمْطٌ туя ейдиган ўт турларидан бири (*унинг ейиладиган меваси ҳам бўлади*)

I **خَمَعَ** (*a*) خُمُوعٌ бир оз, сал оқсоқланмоқ, бироз чўлоқланмоқ

– خُمَاعٌ оқсоқланиш, чўлоқланиш

I **خَمَلَ** (*y*) خُمُولٌ хабарсиз (номаълум) бўлмоқ; ҳеч нарса билан кўзга кўриниб турмаслик, кўриниб турмаслик, ذِكْرُهُ ~ эсдан чиқармоқ, унутиб юбормоқ

– خَامِلٌ *кўп.* خَمَلَةٌ 1) бўшашган, ланж; лоқайд, беҳафсала, ҳафсаласи йўқ; ҳаракатсиз, суст, инерт; ~ غَازٌ инерт газ; 2) фаолиятсиз, ишламайдиган, бекорчи, дангаса, беғайрат, ишёқмас; 3) шунингдек: ~ الذِّكْرِ номаълум-изсиз йўқ бўлиб кетган; 4) донги чиқмаган, шуҳрат тутмаган

– خَمْلَةٌ, خَمْلٌ пат, тук; гилам; ~ـــلُ ذُو الـ тукли гилам

– خَمَلٌ (*товуқлардаги*) бит, бурга каби паразитлар

– خَمِلٌ дангаса, ишёқмас, бекорчи

– خُمُولٌ 1) ланжлик, сустлик; ҳафсаласизлик; бефарқлик, (*ҳеч нарсага*) қизиқмаслик; инертлик; 2) фаолиятсизлик, бекорчилик; бепарволик, ишёқмаслик, дангасалик; мақсадсиз (бемаъни) ҳаёт кечириш; 3) қотиб қолганлик, мутаассиблик; турғунлик; 4) *шунингдек:* ~ الذِّكْرِ хабарсиз, дараксиз бўлиб кетиш, номаълумлик

– خَمِيلَةٌ *кўп.* خَمَائِلُ чакалакзор, бутазор, чангалзор; дарахт ўсадиган қумлоқ ер

– مُخْمَلٌ мухмал, бархит, бахмал, духоба

– مُخْمَلِيٌّ мухмалга (духобага) оид

(خمن) II خَمَّنَ 1) тахмин (фараз) қилмоқ; 2) баҳо қўймоқ, баҳоламоқ

– تَخْمِينٌ 1) тахмин, тахмин қилиш; ~ عَلَى الـ тахминан; 2) баҳолаш, нархни белгилаш

– خَمَّانٌ: ~ رُمْحٌ нимжон (кучсиз) найза; ~ النَّاسِ одамларнинг пасткаши

– مُخَمِّنٌ калькулятор (*ҳисоблаш машинаси*); баҳо (нарх) қўювчи (белгиловчи)

I **خَنَّ** (*a/u*) خَنِينٌ пўнғилламоқ, пинғилламоқ, димоғда гапирмоқ

– أَخَنُّ *мн.* خُنَّاءُ *кўп.* خُنٌّ пўнғиллаб (пинғиллаб, манқаланиб) гапирувчи

– خُنٌّ *кўп.* أَخْنَانٌ сават, корзинка; ~ الدَّجَاجِ товуқ катаги, товуққхона; ◊ الْوَرْكِ ~ чов (*қориннинг остки қисми*)

– خَنِينٌ, خُنَّةٌ димоғда гапириш, пўнғиллаш, пинғиллаш, минғиллаш

I **خَنَثَ** (*a*) خُنُوثٌ, خَنَثٌ 1) хотинларга хос нозик, латиф, мулойим, нозикойим бўлмоқ; ўзини аёллардек тутмоқ; II خَنَّثَ нозик (эрка, мулойим) қилиб юбормоқ, пуҳпуҳлаб ўстирмоқ; V تَخَنَّثَ 1) нозик, эрка, ипакойим бўлмоқ; 2) ўзини аёллардек тутмоқ

– خَنِثٌ нозик, латиф, мулойим, юмшоқ

– خُنْثَى *кўп.* خَنَاثَى, خَنَاثٌ хунаса, гермофродит

– خُنْثِيَّةٌ хунасалик, гермофродитизм

خَنْجَرٌ *кўп* خَنَاجِرُ ханжар; ~ فِي الظَّهْرِ ضَرْبَةُ орқага ханжар (билан) уриш; ◊ ~ أَبُو *бот.* а) настурция, лотин чечаги; б) гулли крес (*салат*)

خَنَّ = خَنْخَنَ

– خُنَّةٌ = خَنْخَنَةٌ

خَنْدَرِيسٌ шароб, май, вино

خَنْدَقَ хандақ қазимоқ (кавламоқ); تَخَنْدَقَ хандақ қазилмоқ

– خَنْدَقٌ *кўп.* خَنَادِقُ хандақ; чуқур, ўра

– خَنْدَقَةٌ қазиш, кавлаш

– مُخَنْدَقٌ хандаққа кўмилган

خَنْدِيذٌ *кўп.* خَنَادِيذُ ажойиб нотиқ

I **خَنَزَ** (*a*) خَنْزٌ сасимоқ, айнимоқ; койимоқ, اللَّحْمُ ~ гўшт айниди

خَنْزَابٌ *кўп.* خَنَازِيبُ *ёки* خَنَزَبٌ *кўп.* خَنَازِبُ шайтон

خُنْزُوَانَةٌ *кўп.* خُنْزُوَانَاتٌ ғурур, ифтихор, иззат нафс

خِنْزِيرٌ *кўп.* خَنَازِيرُ чўчқа; ~ الْأَرْضِ чумолихўр (*ҳайвон*); ~ الْبَحْرِ дельфин; ~ بَرِّيٌّ тўнғиз, ёввойи чўчқа; ~ـــمُ الـ لَحْمُ чўчқа гўшти; نَحْمٌ

الْـ~ الْمُقَدَّدُ бекон (*тузланган ёки дудланган ёш чўчқа ниматаси*); فَخْذُ الْـ~ الْمُمَلَّحُ чўчқанинг дудланган сон гўшти; دَاءُ الْخَنَازِيرِ *мед.* ширинча (*болалар касаллиги*)

– خِنْزِيرَةٌ *кўп.* اتٌ — (*ургочи*) чўчқа

– خَنَازِيرِيٌّ *мед.* ширинча (*болалар касаллиги*)

– خَنْزَرَةٌ *кўп.* اتٌ — тош майдалайдиган болға

I **خَنَسَ** (*u*) خُنُوسٌ воз кечмоқ, қайтмоқ, юз ўгирмоқ, муртадлик қилмоқ, узоқлашмоқ, четлашмоқ, ўзини четга олмоқ; IV أَخْنَسَ орқада қолдирмоқ, узоқлаштирмоқ

– أَخْنَسُ *мн.* خُنْسَاءُ *кўп.* خُنْسٌ пучуқ; бурни қанқайган

– خَنَّاسٌ (*Оллоҳни зикр этганда*) муртадлик қилувчи; الْـ~ шайтон

– خُنَّسٌ сайёралар

خِنْشَارٌ *бот.* қирққулоқ

خِنَّوْصٌ *кўп.* خَنَانِيصُ чўчқа боласи, чўчқача

خِنْصَرٌ, خِنْصِرٌ *кўп.* خَنَاصِرُ жимжилоқ; ◊ الْعُرُوسِ ~ *бот.* хашаки нўхот; عَقَدَ الْخَنَاصِرَ عَلَى ... учун кучларни бирлаштирмоқ

I **خَنَعَ** (*a*) خُنُوعٌ бўйсунмоқ, (*к. гадир*) итоат этмоқ (ب); (*к. нингдир олдида*) ўзини ерга урмоқ, ҳақоратланмоқ (لِـ)

– خَانِعٌ бўйсунадиган; итоаткор; ўзини ерга урувчи; مَوْجَاتٌ الْـ~ةٌ кучсиз тўлқин (мавж) лар

– خُنُوعٌ бўйсуниш, итоаткорлик; камситилганлик, хўрланганлик, таҳқирланганлик

I **خَنَفَ** (*y*) خَنَفٌ = خَنَّ

– أَخْنَفُ *мн.* خُنْفَاءُ *кўп.* خُنْفٌ = أَخَنُّ *қар.* خَنَّ

– خَنِيفٌ *кўп.* خُنُفٌ дағал каноп мато

خَنْفَرَ пишилламоқ, пиш-пиш қилмоқ

– خَنْفَرَةٌ пишиллаш

خُنْفُسٌ, خُنْفُسَاءُ *жам.* гўнғқўнғизлар

– خُنْفُسَةٌ *кўп.* خَنَافِسُ гўнғқўнғиз

I **خَنَقَ** (*y*) خَنْقٌ бўғмоқ, эзмоқ, сиқмоқ, босмоқ; пасайтирмоқ, бўшаштирмоқ; خَنَقَتْهَا الْعَبَرَاتُ унинг кўзларига ёш келди; ◊ الرَّايَةَ ~ байроқни бир оз тушириб (энгаштириб) қўймоқ; II خَنَّقَ бирин-кетин бўғмоқ; пиширмоқ (*мас., ипак пиллаларини*); III خَانَقَ жанжаллашмоқ; гина қилмоқ, ўпкаламоқ, таъна қилмоқ; VI تَخَانَقَ сўкишмоқ, бир-бири билан уришмоқ, жанжаллашмоқ; VII انْخَنَقَ 1) димиққан (нафаси қайтган, бўғилган) бўлмоқ; 2) сиқилмоқ, эзилмоқ, диққати ошмоқ; VIII اخْتَنَقَ 1) бўғилган (сиқилган) бўлмоқ; бўғилиб ўлмоқ, ўзини ўзи осиб ўлдирмоқ; 2) димиқмоқ, нафаси қайтмоқ (*мас. тутундан*); مُبْتَلِعًا لُقْمَةً ~ томоққа (бўғизга) бирор нарса тиқилиб бўғилиб қолмоқ; حَلْقِهِ فِي الْكَلِمَاتُ ~تِ сўзлари унинг бўғзида қолди; 3) (*бирор н. билан*) лиқ тўлган бўлмоқ (ب)

– اخْتِنَاقٌ 1) бўғиш, бўғиб ўлдириш; 2) *мед.* асфиксия (*кислород етишмаслиги сабабли бўғилиш*), нафас етишмаслик

– خَانِقٌ 1. 1) бўғувчи, бўғадиган; нафасни қисувчи; бўғувчи; الْغَازُ الْـ~ бўғувчи газ; 2) ҳавоси бузуқ (дим, оғир); ~ هَوَاءٌ дим ҳаво; 2. *кўп.* خَوَانِقُ 1) дара; 2) *эл.* дроссель (*ток кучини тартибга солиб турувчи ғалтак*); ◊ الذِّئْبِ ~ *бот.* парпи (*бир турли доривор ўсимлик*); الْكَلْبِ ~ *бот.* савринжон; الْنِّمْرِ ~ *бот.* тоғ арникаси (*бир турли доривор ўсимлик*)

– خَانُوقٌ бўғма, дифтерия (*асосан болалар касаллиги*)

– خُنَاقٌ 1) дифтерия; *шунингдек:* الْـ~ الْعِشَائِيُّ ангина (*томоқ шамоллаши*); 2) сепсис (*қонга кирган зарарли микроблар туфайли бутун организмнинг заҳарланиши*); الْخَيْلِ ~ сақов (*от ва эшакларда учрайдиган юқумли касаллик*); الطُّيُورِ ~ чипқон (*қушларнинг тили учига чиқадиган яра*)

– خِنَاقٌ 1) жанжал; 2) арқон, (бўйиндаги) сиртмоқ; أَخَذَ بِـ~ـهِ (بِالْـ~) бўғмоқ; бўғзидан олмоқ; 3) ёқа; ~ الْـ ضَيِّقُ сиқилаётган, диққати ошган; ~ عَلَيْهِ الْـ ضَيَّقَ *маж.* а) ёқасидан олмоқ, (*к. нидир*) сиқмоқ, қисмоқ, қисиб қўймоқ; б) (*к. гадир*) тазйиқ ўтказмоқ; 4) бўйинбоғ

– خَنَّاقٌ 1. бўғувчи, бўғадиган; бўғиб ўлдирадиган; الْغَازَاتُ الْـ~ـةُ бўғувчи газлар; 2. бўғувчи (*одам*), душман

– خَنَاقَةٌ *кўп.* اتٌ — жанжал

– خَنْقٌ бўғиш; الْأَنْوَارِ ~ қоронғулашиш, қоронғулатиш, тўсиш

– خُنَّاقَةٌ *кўп.* خُنَقٌ: الْيَدِ ~ билакузук

– خَنِيقٌ бўғилган, жабру ситам кўрган; нафаси қайтган, бўғиб ўлдирилган

– مَخْنَقٌ *кўп.* مَخَانِقُ 1) пилла қайнатиб пириладиган жой; 2 томоқ, бўғиз

– مَخْنَقَةٌ *кўп.* اتٌ — маржон, шода

– مَخْنُوقٌ 1) бўғилган, бўғиб ўлдирилган; 2) бўғиқ, босиқ, паст, пасайтирилган; ~ بِصَوْتٍ خَافِتٍ паст (секин) овоз билан (овозда)

I (خنو) **خَنَا** (*y*) خَنًا خَنْوٌ = خَنِيَ

خِنَّوْصٌ *кўп.* خَنَانِيصُ чўчқа боласи

I **خَنِيَ** (*a*) خَنًى уят гаплар гапирмоқ; IV أَخْنَى 1) уят гаплар гапирмоқ; уят ишлар қилмоқ; 2) (*к. нидир*) бебахт қилмоқ, умрини хазон илмоқ, бахтига зомин бўлмоқ (عَلَى); (*к. гадир*) шафқатсизларча муомала қилмоқ (عَلَى *-тақдир ҳақида*); أَخْنَتْ عَلَيْهِ الدَّهْرُ ~ вақт уни қаритди; عَلَيْهِ السِّنُّونَ ~ *ёки* عَلَيْهِ الدَّهْرُ тақдир унга шафқатсизлик қилди بِكَلْكَلِهِ

– خَنًا 1) уятсиз гаплар, ишлар; 2) жинсий ёки шаҳвоний бузуқлик; фоҳишабозлик; دَارُ الْخَنَا фоҳишахона

– خَنَّى = خَنَّى

خَوَاجَا, خَوَاجَةٌ *кўп* اتٌ ـــَـــ хожа, жаноб (*овруполикларга мурожаат қилинганда ишлатилади*)

– خُوجَةٌ *кўп* اتٌ ـــَـــ ўқитувчи, муаллим, хожа, хўжа

(خوخ) II خَوَّخَ айнимоқ, бузулмоқ, ҳидланмоқ, ҳиди келмоқ, ачимоқ

– خَوْخٌ *жам.* шафтолилар (*Мисрда*); олчалар (*Сурияда*)

– خَوْخَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَـــ 1) шафтоли; олча; 2) тешик; йўлак; дераза; эшикча (*мас. darvoza, katta eshik ichidagi*); ~ السَّقْف шифтдаги тешик; туйнук; ~ الْقَنْطَرَة шлюз, дарвоза (*тўғонлардаги сув дарвозаси*)

خَوْدٌ *кўп.* خَوْدَاتٌ, خُوَّدٌ ёш қиз

خُوذَةٌ *кўп.* خُوَذٌ, خُوْذَاتٌ темир қалпоқ, бошни зарбадан сақловчи махсус бош кийими, дубулға, шлем

(خور) خَارَ[1] (*у*) خُوَارٌ ўкирмоқ, гувилламоқ, гумбурламоқ; маърамоқ, ғўлдирамоқ; خَارَ[2] (*у*) خُوْرٌ *ёки* خَوِرَ (*а*) خَوَرٌ заифлашмоқ, ҳолсизланмоқ; тинкаси қуримоқ, лоҳас бўлмоқ; ~ تْ عَزِيمَتُهُ у руҳан тушиб кетди; ~ تْ فُؤَادُهُ у қувватдан кетди, унинг мадори қуриди

– خَائِرٌ кучсиз, заиф; ~ الْقُوَى кучсиз, кучи кам, нимжон

– خُوَارٌ маъраш, бўкириш, гумбурлаш, ғўлдираш

– خَوَّارٌ 1) ҳолсиз, тинкаси қуриган, лоҳас бўлган; 2) характери бўш

– خَوْرٌ *кўп* أَخْوَارٌ 1) қуриган ўзан; водий; 2) қўлтиқ; кўрфаз, дарёнинг қуйилиш жойи, мансаби, этаги

– خَوَرٌ 1) лоҳаслик, бўшашиш; (*руҳий*) беқарорлик; руҳий тушкунлик

خُورُسٌ хор (*ашулачилар тўрлами*)

~ الْـــ خَوَرْنَقٌ: Ал-Хаварнақ (*ўрта асрларда Ироқда қурилган қасрнинг номи*)

خُورِيٌّ *кўп* خَوَارِنَةٌ кашиш, поп, руҳоний

خُوزٌ одамларнинг авлоди, авлод

خَوْزَقَ қозиққа ўтқизмоқ

– خَوْزَقَةٌ қозиққа ўтқизиш

– مُخَوْزَقٌ қозиққа ўтқизилган; ~ الْـــ يَشْتِمُ السُّلْطَانَ *мтл.* у энди ҳеч нарсадан қўрқмайди (*сўзма-сўз:* қозиққа ўтқазилган одам султонни сўкаверади)

خَوْشَقٌ ўров қоғози, ўраш учун ишлатиладиган қоғоз

I **خَوِصَ** (*а*) خَوَصٌ чуқур, ичига ботган кўзлари бор бўлмоқ; II خَوَّصَ металл билан ёпмоқ, қопламоқ; III خَاوَصَ қўзларини қисиб қарамоқ

– أَخْوَصُ *мн* خَوْصَاءُ *кўп.* خُوْصٌ кичик (ичига ботган) кўзли

– خَوَّاصٌ 1) хурмо (пальма) япроқларини сотувчи; 2) (*хурмо япроқларидан сават ва шу к. ларни*) ясовчи, тўқувчи

– خُوْصٌ *жам.* хурмо (пальма) япроқлари; ~ بَرْدِيٌّ *бот.* папирус (*ўсимлик*); ~ بُرْنُيْطَةٌ похол шляпа

– خُوصَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَـــ 1) хурмо (пальма) япроғи; 2) *архит.* (*бино ёки устуннинг*) белбоғчаси

I (خوض) **خَاضَ** (*у*) خَوْضٌ, خِيَاضٌ 1) (*сув*) кечиб ўтмоқ; 2) (*н. гадир*) киришмоқ, (*н. гадир*) ғайрат билан киришмоқ (*туш. к. ёки* فِي); ~ فِي الْبَحْثِ баҳсга киришиб кетмоқ, кўп гапирмоқ, жаврайвермоқ, кўп муҳокама қилавермоқ; ~ بَائِسًا (نَضَالاً) кўп ғаҳоғлаб (ғалаба) ~ الْمَعْرَكَةَ (غِمَارَ الْحَرْبِ) жон-жаҳди билан кураш олиб бормоқ; жангга (хавфли урушга) киркоқ; жанг (хавфли уриш) олиб бормоқ; ~ غِمَارَ السِّيَاسَةِ сиёсатга боши билан шўнғиб кетмоқ; II خَوَّضَ кечиб ўтмоқ; IV أَخَاضَ кечиб ўтказмоқ, иккинчи томонга ўтказиб қўймоқ; ~ فِي الْمَاءِ الدَّابَّةَ ҳайвонни сувнинг нариги томонига ўтказмоқ; VI تَخَاوَضَ берилиб кетмоқ, шўнғиб кетмоқ, ичига кириб кетмоқ

– خَوْضٌ 1) кечиб ўтиш; 2) (*н. гадир*) киришиш (فِي); олиб бориш (*мас. суҳбат, жанг*)

– مَخَاضَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَـــ кечув, кечик

– مِخْوَضٌ чилчўп, куракча

خُوطٌ *жам.* бир йиллик қотмаган шох, новда

I (خوف) **خَافَ** (*а*) خَوْفٌ хавфсирамоқ, қўрқмоқ, ваҳимага тушмоқ, (*н. дандир*) чўчимоқ (مِنْ); (*к. учундир*) хавотирланмоқ, ташвишланмоқ (عَلَى); يَخَافُ اللهَ Оллоҳдан қўрқадиган; II خَوَّفَ ваҳима қилмоқ, қўрқитмоқ, чўчитмоқ; IV أَخَافَ чўчитмоқ, қўрқитмоқ,; V تَخَوَّفَ қўрқмоқ, хавфсирамоқ

– إِخَافَةٌ қўрқитиш, чўчитиш, даҳшат солиш

– تَخْوِيفٌ чўчитиш, қўрқитиш

– خَائِفٌ қўрқувчи; хавфсировчи (*к. учундир* -عَلَى); ҳадикчи, қўрқоқ, ҳурковуч

– خَوَّافٌ қўрқоқ, юраксиз, юраги йўқ

– خَوْفٌ хавф, хатар, ҳадик; ~ الْـــ مَعَ الْجَزْعِ وَ الْـــ қўрқинч ва ҳаяжон билан; ... مِنْ ~ ...дан қўрқиб

– خَوِّيفٌ қўрқоқ, ҳуркак, ҳадикли, хавфсировчи

– خِيفَةٌ қўрқиш, қўрқоқлик; ~ ҳавотирланган ҳолда

– مَخَافَةٌ *кўп.* مَخَاوِفُ қўрқиш, хавотирланиш; ... أَنْ ~ ...дан ташвишланиб (хавотирланиб, қўрқиб); ... أَظْهَرَ مَخَاوِفَهُ مِنْ ... ҳақдаги ўз ташвишларини изҳор қилди

– مَخُوفٌ қўрқинчли, ваҳимали, хавфли (*йўл ҳақида*)

– مُخِيفٌ хавф солувчи, ваҳимали, қўрқинчли

(خول) I خَالَ (*у*) خَيَالٌ, خَوْلٌ (*пода*) боқмоқ, подаси бўлмоқ; II خَوَّلَ ҳуқуқ бермоқ; топширмоқ, тақдим қилмоқ, ҳавола қилмоқ; ижозат бермоқ

– خَالٌ *кўп.* أَخْوَالٌ, خُؤُولٌ, خُؤُولَةٌ тоға (*шунингдек: алиф. б. қар*)

– خَالَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ хола

– خَائِلٌ *кўп.* خَوَلٌ 1) мулозим, (*бирор к. нинг*) ёнида юрувчи; 2) чўпон, подачи

– خُؤُولَةٌ қариндошлик (*тоға ва хола томондан*)

– خَوَلٌ[1] 1) қуллар; 2) мол, ҳайвон, чорва

– خَوَلٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ ـــ (*аёллар кийимини кийган*) раққос

– خَوْلِيٌّ *кўп.* خَوَلٌ 1) даладаги қоравул; боғбон; 2) (*ишчиларнинг*) каттаси, ўнбоши

خَامَةٌ юмшоқ, ҳўл гиёҳ

I (خون) **خَانَ** (*у*) خَوْنٌ, خِيَانَةٌ 1) (*к. нидир*) сотмоқ, (*к. гадир*) хиёнат қилмоқ; خَانَتْهُ الذَّاكِرَةُ хотираси унга хиёнат қилди; خَانَتْهُ رِجْلاَهُ унинг оёқларининг юргиси келмаяпти, унинг оёқлари хиёнат қилаётир; 2) алдамоқ, фириб бермоқ; 3) бажармаслик; لاَ يَخُونُ عَهْدًا у аҳдини бажармайдиганлардан эмас, у аҳдига содиқ; II خَوَّنَ 1) мунофиқликда (ўз ваъдасида турмасликда, хоинликда) айбламоқ; 2) шубҳаланмоқ, ишонмаслик; V تَخَوَّنَ 1) сотқинларча иш тутмоқ; 2) путур етказмоқ, кучсизлантирмоқ, (*соғлиғига*) зарар етказмоқ لاَ تَتَخَوَّنُهُ عِلَّةٌ у касал эмас, VIII اخْتَانَ алдамоқ, сотқинларча иш тутмоқ; X اسْتَخْوَنَ (*к. гадир*) ишонмаслик, (*к. нингдир*) содиқлигига шубҳаланмоқ

– خَائِنٌ *кўп.* خَوَنَةٌ 1. хоин, сотқин; خَائِفٌ الـــ *мкл.* қўрққанга қўша кўринади (*сўзма-сўз*: сотқин ҳар доим хавфдадир)

– خَوَّانٌ, خَؤُونٌ 1. хоинликка оид; 2. хоин, сотқин

– خَوَانٌ, خُوَانٌ *кўп.* أَخْوِنَةٌ пешхон, стол (*овқатланиш учун*)

– خَوْنٌ хиёнат, сотқинлик

– خِيَانَةٌ хиёнат, сотқинлик; خِيَانَةُ الـــ الْعُظْمَى *ёки* خِيَانَةُ الـــ الْوَطَنِيَّةُ ёки خِيَانَةُ الـــ الدَّوْلَةِ ватан (давлат) хоинлари; خِيَانَةُ الـــ الْأَمَانَةِ омонатга (ишончга) хиёнат қилиш

– خِيَانِيٌّ хиёнат, хоинликка оид, хиёнаткорликка оид

خُوَّةٌ *қар.* أخو

I **خَوَى** (*и*) خَوَاءٌ *ёки* خَوِيَ (*а*) خَوًى 1) бўш (хилват, одам яшамайдиган, чўлга ўхшаган) бўлмоқ; 2) оч бўлмоқ II خَوَّى қоринни сондан узоқлаштирмоқ, қоринни сондан узоқда тутмоқ (*саждада*)

– تَخْوِيَةٌ *геол.* дефляция (*тоғ жинсларини минерал зарраларидан кучли ҳаво оқими ёрдамида тозалаш ва жилвирлаш*)

– خَاوٍ *мн.* خَاوِيَةٌ 1) бўм-бўш, чўл (саҳро) га ўхшаш; 2) оч, оч қолган; ◊ خَاوِي الْحِيلَةِ бирор нарса ўйлаб топишга қодир эмас, иложсиз; خَاوِي الْوِفَاضِ чўнтакда бир пул йўқлик

– خُوِيٌّ, خَوًى, خَوَاءٌ 1) бўшлик; 2) очлик

– خَوِيَّةٌ кўзи ёриган аёллар ичадиган овқат

خَيَّةٌ *алиф. б. қар*

I (خيب) **خَابَ** (*и*) خَيْبَةٌ рўёбга чиқмаслик (*кутган н. лар ҳақида*), амалга ошмаслик (*орзу ҳақида*),(*н. дадир*) алданмоқ, муваффақиятсизликка учрамоқ (فِي); (*н. дадир*) хатоликка йўл қўймоқ (فِي); II خَيَّبَ 1) кўнгилни қолдирмоқ, ихлосни қайтармоқ, умидни пучга чиқармоқ; 2) (*илтимосни*) рад қилмоқ

– خَائِبٌ муваффақиятсиз; ихлосни қайтарадиган, кўнгилни совутадиган

– خَيْبَةٌ 1) *шунингдек*: خَيْبَةُ الْأَمَلِ ~ ихлосни қайтариш, кўнгилни совутиш; أَنَارَ أَمَلَهُ ~ кимнингдир умидини пучга чиқармоқ; أُصِيبَ بِـــ ~ الْأَمَلِ (*н.: дадир*) умиди пучга чиқмоқ (فِي); 2) муваффақиятсизлик; хато; بَاءَ بِـــ ~ муваффақиятсизликка учрамоқ

خَيْبَرُ Хайбар (*Ҳижоздаги жой номи*)

I (خير) **خَارَ** (*и*) خَيَارٌ танламоқ; афзал (яхши) деб билмоқ; II خَيَّرَ 1) танлатмоқ, танлаш имконини бермоқ; 2) (*н. нидир*) яхши (афзал) деб билмоқ, (*н. нидир*) танламоқ (عَلَى); III خَايَرَ танлатмоқ; V تَخَيَّرَ танламоқ, сайламоқ; (*н. нидир*) яхши (афзал) деб билмоқ (عَلَى); VIII اخْتَارَ = V; ◊ اللهُ ~ُهُ إِلَى جِوَارِهِ (لِجِوَارِهِ) у ўлди; X اسْتَخَارَ 1) (*Оллоҳдан*) марҳамат сўрамоқ; 2) (*муқаддас китобга қараб*) фол очмоқ; بِالْمُصْحَفِ ~ Қуръони каримга қараб фол очмоқ; ~ بِالسُّبْحَةِ тасбеҳ бўйича фол очмоқ

– اخْتِيَارٌ 1) ихтиёр, танлаш; *фалс.* ирода, хоҳиш; حُرِّيَّةُ الـــ ~ танлаш эркинлиги; حَقُّ الـــ ~ фуқароликни танлаш ҳуқуқи; وَضَعَهُ فِي مَوْضِعِ الـــ ~ بَيْنَ وَ بَيْنَ ... кимнидир ... ва ...дан бирини танлашга мажбул қилмоқ; طَبِيعِيٌّ ~ *биол.* табиий танланиш; 2) ихтиёрийлик, яхши (эзгу) ният, بِـ ~ ўз хоҳиши билан; ◊ رَجُلُ ~ кекса одам

– اخْتِيَارِيٌّ 1) ихтиёрий, بِـ ~ ихтиёрий равишда; 2) факультатив (*тинглаш учун талабалар томонидан ихтиёрий танланган фан-предмет*)

– اسْتِخَارَةٌ фол очиш, ром кўриш (*Қуръони каримга қараб ёки тасбеҳ воситасида*)

– تَخَيُّرٌ танлаш, сайлаш; دَقِيقُ الـــ ~ *радио* (*тўлқинларни*) яхши танлаб қабул қиладиган; دِقَّةُ الـــ ~ танлаш (*ажратиш*) хусусияти; 2) селекция

– خِيَارٌ[1] 1) сайлаш, танлаш; لَيْسَ لَدَيْنَا مَجَالٌ لِلـــ ~ бизнинг танлаш имкониятимиз йўқ; لَمْ يَكُنْ أَمَامَنَا ~ бизлар танлай

олмадик. бизнинг бошқа имкониятимиз йўқ эди; ... وَ إِمَّا أَنْ إِمَّا أَنْ ... إِنَّهُ أَمَامَ خِيَارَيْنِ لاَ ثَلاَثَ لَهُمَا у иккисидан фақат бирини танлаши керак: ё ...ни, ёки ...ни; 2) танланган, энг зўри (яхшиси)

– خِيَارٌ[2] *жам* бодринглар; ~ فُشَّةٌ тузлаш учун узилган сапча бодринглар; ~ شَنْبَرٌ *бот* а) хитой долчини; б) қўзоқли кассия (*дори ва барглари сурги дори сифатида ишлатиладиган ўсимлик*)

– خِيَارَةٌ *кўп* اتٌ — бодринг

– خَيِّرٌ *кўп* أَخْيَارٌ, خِيَارٌ 1. 1) яхши, ажойиб, жуда яхши (соз), аъло даражадаги (*одам*); ~ بِـ كَانَ муваффақиятли, кўнгилдагидек, бахайр, хайрли бўлмоқ; ~ عَلَى انْتَهَى яхши (хайрли) тугамоқ; 2) яхшироқ, афзалроқ; энг яхши, энг зўр, энг соз, энг афзал; ~ هُوَ مِنْهَا у ундан афзалроқ; ~ وَجْهٍ عَلَى энг яхши шаклда; ~ الـ وَ مِنَ ... إِنْ агар ... бўлганда, жуда яхши бўлади; ... خَيْرٌ لَنَا أَلاَّ ... бўлмаса, биз учун яхши бўлади; ~ النَّاسِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ одамларнинг яхшиси одамларга манфаатлироғидир; ~ الـ وَ كُلٌّ ... فِي أَنْ الـ ~ رَحَّبَ بِهِمْ ~ تَرْحِيبٍ у уларни жуда хурсанд бўлиб олқишлади (табриклади); 2. яхшилик, эзгулик, бахт-саодат; манфаат; ~ الـ الْعَامُّ умумий (оммавий) манфаат; ~ الـ أَهْلُ яхши, солиҳ кишилар; ~ الـ صَبَاحَ тонгингиз хайрли бўлсин!; ~ اللهُ كَثَّرَ خَيْرَكْ (*халқ*: كَتَّرْ خَيْرَكْ) раҳмат!, ташаккур!

– خَيِّرٌ яхши, хайрли; бошқаларга яхшилик истовчи, хайрихоҳ

– خَيْرَةٌ яхшилик, эзгулик, бахт-саодат, мурувват, ҳиммат, хайру саховат

– خَيْرَاتٌ *кўп* 1) бойлик, нозу неъмат; табиий бойликлар; ~ الْبِلاَدِ الطَّبِيعِيَّةُ мамлакатнинг табиий бойликлари; 2) мулк, мол, бисот, дунё; 3) мурувват, ҳиммат, хайру саховат

– خِيَرَةٌ, خِيَرَةٌ 1) танлов, танлаш; 2) энг яхшиси, афзали, танлангани

– خَيِّرُونَ *кўп* яхши (солиҳ) кишилар, мурувват ва ҳимматли кишилар

– خِيرِيٌّ *бот* шаббўй (*ўсимлик*); ~ أَصْفَرُ сариқ шаббўй

I رَدَّ (*а/и*) رَدٌّ 1) қайтармоқ, орқага юргизмоқ; (*нур ёки овозни*) қайтармоқ; الدَّيْنَ ~ қарзни қайтармоқ; الْاِعْتِبَارَ ~ оқламоқ, пок номини қайтармоқ; الْعَدْلَ إِلَى نِصَابِهِ ~ адолатни қайта тикламоқ, ҳақиқатни тикламоқ; مَا يَرُدُّ هَذَا عَلَيْكَ شَيْئًا бу сенга ёрдам бермайди, бунинг сенга фойдаси йўқ; الْبَابَ ~ эшикни ёпмоқ; ~ النُّوْرَ нурни қайтармоқ; 2) итариб юбормоқ, итармоқ; рад қилмоқ, қайтармоқ; عَنِ الْحُكْمِ فِي قَضِيَّةٍ ~ُهُ кимнидир суддан қайтариб олмоқ; يَدَهُ ~ кимнингдир қўлини қайтармоқ; عَنِ الْعَزْمِ ~ (*бирор ишдан*) қайтмоқ, чалғитмоқ; 3) уриб қайтармоқ, даф қилмоқ, қайтармоқ; (أَعْقَابِهِ) عَلَى عَقِبِهِ ~ُهُ кимнидир қувиб ҳайдамоқ, қувмоқ; الْعَدُوَّ إِلَى أَعْقَابِهِ ~ душманни қувиб ҳайдамоқ; 4) эътироз билдирмоқ; 5) (*кимгадир*) жавоб қайтармоқ (عَلَى); بِالْمِثْلِ ~ ўша нарсанинг ўзи билан қайтармоқ, жавоб бермоқ; السَّلَامَ ~ саломга алик олмоқ; 6) (*н. нидир бошқа бир н. га*) нисбат бермоқ, мансуб деб ҳисобламоқ (إِلَى); 7) (*н. нидир*) рад қилмоқ, инкор қилмоқ (عَلَى); لَا يُرَدُّ рад этиб бўлмайдиган, инкор қилинмайдиган; II رَدَّدَ қайтармоқ, такрорламоқ; жўр бўлиб ашула айтмоқ, ашулага қўшилмоқ; فِي سِرِّهِ ~ ўзича такрорламоқ, ичида қайтармоқ; V تَرَدَّدَ 1) иккиланмоқ, тараддудга тушмоқ; 2) (*н. гадир*) шубҳа қилмоқ, шубҳа билан қарамоқ (فِي); 3) қайтмоқ (*аксадо ҳақида*), 4) галма-галдан бўлмоқ, навбатлашмоқ; 5) (*к. нимадир олдига*) қатнамоқ, бормоқ, зиёрат қилмоқ (إِلَى ,عَلَى); 6) ўзгарувчан бўлмоқ, беқарор бўлмоқ (*тақдир ҳақида*); VIII اِرْتَدَّ 1) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; 2) *шунингдек:* أَعْقَابِهِ (إِلَى) عَلَى ~ орқага қайтмоқ, чекинмоқ; 3) (*н. дандир*) қайтмоқ, чекинмоқ (عَنْ); (*н. нидир*) тарк этмоқ, ташламоқ, ташлаб юбормоқ (عَنْ); 4) муртад бўлмоқ, қайтганлардан бўлмоқ, хоин бўлмоқ; 5) қайтарилмоқ, даф этилмоқ; 6) (*бирор жойдан*) келиб ирғиб қайтмоқ, сачраб қайтмоқ (*ўқ ҳақида*); X اِسْتَرَدَّ 1) қайтиб олмоқ, қайтариб олмоқ; 2) уриб қайтармоқ, даф этмоқ; 3) қайтиб беришни сўрамоқ (талаб қилмоқ); ◊ أَنْفَاسَهُ ~ нафасни ростлаб олмоқ

– اِرْتِدَادٌ 1) чекиниш; 2) бекорга чиқиш, пучга чиқиш, ҳабада бўлиш; 3) муртадлик, хоинлик, қайтганлик; عَنِ الدِّيْنِ ~ диндан қайтиш; 4) орқага қайтиш, регресс

– اِسْتِرْدَادٌ 1) қайтиб олиш, тортиб олиш, қайтариб олиш; رُسُومُ الْـ~ қайтиб бериладиган божлар; 2) қайтаришни сўраш, қайтиб беришни талаб қилиш; الْحِيَازَةِ ~ دَعْوَى эгалик қилиш ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги даъво

– تَرْدَادٌ 1) қайтариш, такрорлаш; 2) тез-тез зиёрат қилиш

– تَرَدُّدٌ 1) тараддуд, иккиланиш, қатъиятсизлик; беқарорлик, субутсизлик; ~ فِي غَيْرِ иккиланмасдан, қатъият билан; 2) такрорланиш; *тех.* частота; ~ الْـ عَالِي *эл.* юқори частотали (*ток ҳақида*)

– تَرْدِيدٌ 1) қайтариш, такрорлаш; 2) ашулага жўр бўлиш

– رَادٌّ даф этувчи, қайтарувчи; لَهُ ~ لَا олдини олиб бўлмайдиган, рад этиб бўлмайдиган, даф этиб бўлмайдиган

– رَادَّةٌ фойда, наф

– رَدٌّ[1] *кўп.* رُدُودٌ қайтиш, қайтиб келиш; الْاِعْتِبَارِ ~ олдинги обрўсини тиклаш, реабилитация; الْفِعْلِ ~ *кўп.* رُدُودُ الْفِعْلِ бир руҳий ҳолатдан қарама-қарши руҳий ҳолатга ўтиш, реакция; 2) акс этиш; الصَّوْتِ ~ акссадо; 3) жавоб; صَاعِقٌ مَاحِقٌ ~ яшин тезлигидаги ва ҳал қилувчи (қақшатқич) жавоб; ~ وَ بَعْدَ أَخْذٍ узоқ тортишувлардан кейин; عَلَى كِتَابِهِ ~ُا унинг хатига жавобан; الْـ~ بِالْمِثْلِ *юр. дип.* реторция (*халқаро ҳуқуқда бир давлат қўллаган тадбирга қарши иккинчи давлатнинг жавоб тадбири*)

– رَدٌّ[2] ёмон

– رَدَّةٌ 1) қайтариш; الْفِعْلِ ~ бир руҳий ҳолатдан қарама-қарши руҳий ҳолатга ўтиш, реакция; 2) нақарот; 3) кепак; 4) организмда илгари мавжуд бўлган белгиларнинг кейинчалик яна пайдо бўлиши, атавизм

– رِدَّةٌ 1) бекорга чиқиш, пучга чиқиш, ҳабада бўлиш; 2) диндан қайтиш, куфр, муртадлик; حُرُوبُ الْـ~ *тар.* Муҳаммад алайҳиссалом вафотларидан кейинги диндан қайтганларга қарши олиб борилган урушлар; 3) акссадо; 4) орқага қайтиш, реакция; قُوَى الْـ~ қайтиш кучлари

– رِدِّيدَى қайтариш, рад этиш

– مُتَرَدِّدٌ тебранувчи, титровчи; الْفِكْرِ ~ қатъиятсиз, ланж, дадил эмас

– مُرْتَدٌّ 1) диндан қайтган, кофир, муртад; 2) хоин

– مَرَدٌّ 1) қайтиш жойи; 2) даф этиш, қайтариш; لَهُ ~ لَا қочиб қутулиб бўлмайдиган, қайтариб бўлмайдиган; ◊ ... إِلَى ~ُهُ бу ... деб изоҳланади

– مُرَدِّدٌ қайтарувчи, такрорловчи, ака-садо берувчи

– مَرْدُودٌ 1) қайтариладиган, даф этилган; 2) қайтиб келган, қайтувчи; 3) ёпиқ, берк; بَابٌ ~ شَرٌّ *мтл.* ёпиқ эшик-ҳайдалган ёвузликдир; 4) фойда, ютуқ, даромад; 5) ҳосилдорлик; 6) фойдали иш коэффициенти; (*маҳсулотнинг*) чиқарилиши, ишлаб чиқарилиши; الْعَمَلِ ~ меҳнат самарадорлиги; الْمَاكِنَةِ ~ машинанинг унумдорлиги; رَفِيعُ الْـ~ унумдорлиги юксак

I (ردأ) رَدَأَ (*а*) رَدْءٌ 1) тиргак қўймоқ, тираб қўймоқ (*мас., деворга*); 2) қўлламоқ, қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ; رَدَاءَةٌ (*у*) رَدُؤَ ёмонлашмоқ, ёмон бўлмоқ; IV أَرْدَأَ 1) ёмонлаштирмоқ, баттар

қилмоқ; 2) ёрдам бермоқ, ёрдам кўрсатмоқ; V تَرَدَّأَ ёмонлашмоқ, баттар бўлмоқ

– رَدَاءَة 1) ёмон ҳолат, ёмон вазият, ёмон сифат; ~ الطَّقْسِ ёмон ҳаво, ёмон об-ҳаво; 2) ёмонлик, нияти бузуқлик

– رِدْء *кўп.* أَرْدَاء 1) тиргак, тутқа, ёрдам; 2) ёрдамчи

– رَدِيء *кўп.* أَرْدِيَاء 1) ёмон, ярамас, хунук, расво; бемаъни; ~ التَّرْبِيَة тарбиясиз, тарбияси бузуқ; ~ الطَّبْع феъли бузуқ, табиати ярамас, нияти бузуқ

رَدْب *кўп.* رُدُوب берк кўча, тупик

I رَدَحَ (*а*) رَدْح сўкмоқ, койимоқ, ҳақорат қилмоқ; таъна қилмоқ, ўпка қилмоқ, айбситмоқ; III رَادَحَ гап қайтармоқ, гап билан тузламоқ; курашмоқ, қаршилик қилмоқ

– رَدَّاح оғзи бесар. кўп сўкадиган (сўкинадиган)

– رَدْح нохушлик, лоҳаслик, дармонсизлик

– رَدَح маълум вақт давом этган муддат; ~ًا طَوِيلاً *ёки* ~ًا مِنَ الدَّهْرِ анча вақт, анча маҳал

– رُدْحَة чодирда ухлаш хонасини ажратиб турувчи парда (тўсиқ)

I رَدَسَ (*у, и*) رَدْس тепкилаб зичламоқ, шиббаламоқ

– مِرْدَاس *кўп.* مَرَادِيس *ёки* مِرْدَس *кўп.* مَرَادِس шибба, шиббалайдиган асбоб

I رَدَعَ (*а*) رَدْع 1) тўхтатиб (ушлаб) қолмоқ; (*н. дандир*) тутиб (сақлаб) қолмоқ, тиймоқ (عَنْ); жиловламоқ; 2) (*н. дандир*) итариб ташламоқ, итариб юбормоқ (عَنْ); VIII اِرْتَدَعَ 1) (*н. дандир*) ўзини иҳота қилмоқ, ўраб олмоқ (عَنْ); 2) ўзини тиймоқ; тўхтамоқ, босилмоқ; (*н. дандир*) тўхтатиб (ушлаб) қолинмоқ (عَنْ); 3) (*н. дандир*) қайтмоқ, (*н. нидир*) рад этмоқ, қайтармоқ (عَنْ)

– رَادِع тўхтатиб турувчи бош сабаб; لاَ ~ لَهُمْ وَلاَ زَاجِرَ уларни тўхтата оладиган ҳеч нарса йўқ; ~ بِغَيْر ўзини ҳеч тўхтата олмай; ҳеч бир виждони қийналмай

– رَدْع ушлаб (тутиб) туриш, тийиш; ~ِ السِّيَاسَة тутиб туриш сиёсати

رَدْعَة, رَدَعَة *кўп.* رِدَاع лой

I رَدَفَ (*у*) رَدْف (*к. нингдир*) орқасидан (изидан) бормоқ; III رَادَفَ орқага мингашмоқ; синоним бўлиб келмоқ, маъноси бир хил бўлмоқ; IV أَرْدَفَ 1) (*к. нидир*) ўзининг орқасига мингаштирмоқ; 2) (*н. нидир*) илова қилмоқ, қўшимча қилмоқ (ب), (*н. нидир*) қўшимча қилмоқ, қўшмоқ (ب), VI تَرَادَفَ 1) бир-бирининг орқасидан бормоқ, бир-бирига эргашмоқ; 2) синоним бўлмоқ, маъноси бир бўлмоқ

– تَرَادُف маънодошлик, синонимлик

– رَادِف (*к. нингдир. н. нингдир*) орқасидан (изидан) борувчи; ◊ الـ~ـةُ сурнинг иккинчи чалиниши (*қиёматда*)

– رِدَاف сағри, отнинг сағриси

– رِدْف *кўп.* أَرْدَاف 1) орқага оид, орқа томондаги; 2) бирор ҳайвонга орқа томондан мингашган киши; 2) орқа томон, орқа, сағри, от сағриси; 3) бирор ниманинг кетидан келган нарса; ◊ الـ~ـَانِ кун ва тун

– رَدِيف *кўп.* رُدَافَى 1) (*н. нингдир*) орқасидан юрувчи (لِـ); ~ًا (*н. нингдир*) орқасидан (لِـ), 2) бирор ҳайвонга орқа томондан мингашган киши, 3) *ҳарб.* захира эҳтиёт, запас, резерв; 4) *шеър.* радиф

– مُرَادِف, مُتَرَادِف *кўп.* ~َات — синоним, маънодош сўз

I (ردم) رَدَمَ (*и*) رَدْم 1) кўммоқ, кўмиб тўлдирмоқ, (*мас., чуқурни*) тупроқ билан тўлдирмоқ (тўлғазмоқ); 2) тузатмоқ, ясамоқ, ямоқ солмоқ; IV أَرْدَمَ чўзилиб кетмоқ, чўзилмоқ, узлуксиз бўлмоқ; V تَرَدَّمَ 1) эскирмоқ, эскимоқ, ямоқ солиш керак бўлмоқ; 2) ямамоқ, ямоқ солмоқ

– رَدْم[1] тўлдириш, тўлғазиш, (*чуқурни*) тупроқ солиб текислаш

– رَدْم[2] 1) кавланганда чиққан тупроқ; 2) синиқ, парча, бўлак; ахлат, супринди, хас-чўп; 3) хароба, вайрона, харобазор

– رَدِيم 1) уйиб ташланган, кўмиб ташланган; ~ُ الْقَدِيمُ عَلَيْه الـ ўтдинг-кетдинг, ўтиб кетган нарса унутилмай қолмайди; 2) эскирган, чириган, тўзиган (*кийим ҳақида*)

– مُتَرَدَّم тузатишга (ямашга) муҳтож (*кийим ҳақида*); ◊ هَلْ غَادَرَ الشُّعَرَاءُ مِنْ ~ ҳамма нарса олдин қилиб (айтиб) бўлинган (*сўзма-сўз:* ямашга муҳтож нарсани шоирлар қолдиришганми?)

I رَدَنَ (*и*) رَدْن 1) йигирмоқ; 2) миёвламоқ, минғирламоқ; 3) (*к. ғадир*) ирилламоқ, бидирламоқ (عَلَى)

– رُدْن *кўп.* أَرْدَان енг (*кийимдаги*)

– مِرْدَن *кўп.* مَرَادِن урчуқ, чарх

رَدْهَة *кўп.* رَدَهَات зал; вестибюл; фойе

I رَدَى (*а*) رَدًى ҳалок бўлмоқ; II رَدَّى 1) қулатмоқ, ағдармоқ, йиқитмоқ; 2) курашиб йиқитмоқ, зарб билан йиқитмоқ; IV أَرْدَى 1) қулатмоқ, ағдармоқ, йиқитмоқ; 2) уриб йиқитмоқ, курашиб йиқитмоқ; ҳалок қилмоқ; أَرْدَاهُ قَتِيلاً уриб чўзилтириб қўймоқ, бир уришда ўлдирмоқ; V تَرَدَّى 1) қуламоқ, ағдарилмоқ, йиқилмоқ; ~ الْهُوَّة مِنَ الْقِمَارِ وَ الْخَمْرِ *ёмаж.* ичкиликка ва қиморга ружу қилмоқ, 2) (*кийим*) киймоқ; 3) ёмонлашмоқ, ёмон даражага етмоқ (*сол.* تَرَدَّأَ); VIII اِرْتَدَى кийинмоқ, кийим киймоқ; кийинган бўлмоқ; киймоқ; ◊ ~ أَهَمِيَّةً كُبْرَى катта аҳамиятга молик бўлмоқ; ~ طَابِعًا مُهِمًّا жиддий характер касб этмоқ; ~ مُخْتَلِفَ الْأَشْكَالِ ҳар хил шаклга эга бўлмоқ (*мас., фитна ҳақида*)

– رِدَاء *кўп.* أَرْدِيَة ёмғирпўш, плаш, кийим

– رَدًى ҳалокат

– مُرْدٍ *қар.* مرد

I رَذَّ (*у*) رَذَاذ: ~َتِ السَّمَاءُ ёмғир ёғяпти, ёмғир шивирлаяпти; IV أَرَذَّ = ~َتِ السَّمَاءُ

– رَذَاذٌ ёмғир

I (رذل) رَذُلَ (*у*) رَذَالَةٌ разил бўлмоқ, разиллашмоқ, паст кетмоқ, пастлашмоқ; رَذَلَ (*у*) رَذْلٌ 1) рад этмоқ, инкор этмоқ; маъқулламай қўймоқ; 2) ёмон кўрмоқ, нафратланмоқ; 3) сўкмоқ, уришмоқ, қарғамоқ; II رَذَّلَ танбиҳ бермоқ, койимоқ; уришмоқ, сўкмоқ; أَرْذَلَ = II; VI تَرَاذَلَ паст кетмоқ, ўзини ерга урмоқ; сурбетлик қилмоқ, безбетлик қилмоқ; X اسْتَرْذَلَ разил (пасткаш) ҳисобламоқ; нафратланмоқ

– رَذَالَةٌ 1) пастлик, пасткашлик, сурбетлик; 2) бузилганлик, айниганлик

– رَذْلٌ 1) паст, пасткаш, сурбет; 2) бузилган, айниган,

– رَذِيلٌ *кўп.* رُذَلَاءُ = رَذْلٌ

– رَذِيلَةٌ *кўп.* رَذَائِلُ 1) камчилик, нуқсон; 2) бемаза қилиқ

– مَرْذُولٌ паст, пасткаш, сурбет; 2) бузилган, нуқсонли

I رَزَّ (*а/у*) رَزٌّ суқмоқ, тиқмоқ; киргизиб ўрнатмоқ; II رَزَّزَ 1) силлиқламоқ, сайқал (жило) бермоқ, ялтиратмоқ, оҳор бермоқ, пардоз бермоқ; 2) (*овқатга*) гуруч солмоқ; IV أَرَزَّ қўнғироқ қилмоқ, телефон қилмоқ

– إِرْزِيزٌ телефон

– رُزٌّ гуруч (*сол.* أُرُزٌّ); دَفِينٌ ~ *ёки* مُغَلْفَلٌ ~ палов; بِلَبَنٍ ~ ширгуруч; عُصْفُورُ الـ~ гуруч чумчуқ

– رَزَّازٌ гуручфуруш

– رَزَّةٌ *кўп.* رُزَزٌ ҳалқали бурама мих; (*эшикнинг*) ошиқ-маъшуғи; зулфин, эшикнинг қулф осадиган ҳалқаси; مُغْلَقٌ بِأَلْفِ ~ *кўч. м.* мингта қулф билан беркитилган

– رُزَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — бир дона гуруч, гуруч донаси

I رَزَأَ (а) رُزْءٌ дучор бўлмоқ, бошга тушмоқ (*фалокат ҳақида*); رُزِئَ (*к. дандир, н. дандир*) жудо бўлмоқ, айрилмоқ (ب)

– رُزْءٌ *кўп.* أَرْزَاءٌ қулфат, офат, бало, бахтсизлик; катта зарар

– رُزْءٌ *кўп.* رَزَايَا = رَزِيَّةٌ, رَزِيئَةٌ

– مَرْزِئَةٌ *кўп.* مَرَازِئُ катта зарар; офат, бало; عَلَيْكَ هَبْنِي مَا لَا ~ فِيهِ сенга зарари тегмайдиган нарсани менга бер!

I رَزَبَ (*у*) رَزْبٌ жойида қолмоқ, ўрнида қолмоқ

– إِرْزَبٌّ калта, қисқа

– مِرْزَابٌّ *кўп.* مَرَازِيبُ ариқ, нов, тарнов; اِنْتَقَلَ مِنْ تَحْتِ الدَّلْقِ لِتَحْتِ الـ~ *сол.* қордан қутулиб, ёмғирга учрамоқ (*сўзма-сўз:* тешик пақир остидан тарнов тагига ўтмоқ)

– مَرْزُبَانٌ *кўп.* مَرَازِبَةٌ *тар.* вали, ҳоким (*Эронда*), сатрап

– مِرْزَبَةٌ, مِرْزَبَّةٌ *кўп.* مَرَازِبُ 1) сим қамчи, хивич; 2) кели (ўғир) дастаси; 3) болға, бозғон, кувалда

I رَزَحَ (а) رُزُوحٌ 1) ҳолдан кетмоқ, қаттиқ чарчамоқ, (*бирор юк остида*) азоб чекмоқ, қийналмоқ; تَحْتَ نِيرِ الِاسْتِعْمَارِ ~ империализм зулми остида азоб чекмоқ; 2) зўрайтирмоқ, оғирлаштирмоқ, босмоқ

– رَازِحٌ 1) ҳолдан кетган, қаттиқ чарчаган; 2) оғир, қийин; كَابُوسٌ ~ қайғули туш, алаҳсираш

– رُزْدَاقٌ қишлоқ ва унинг теварак-атрофи

I رَزَعَ (*а*) رَزْعٌ 1) йиқитмоқ, ағдармоқ, қулатмоқ; 2) тақиллатмоқ; الْبَابَ ~ эшикни тақиллатиб ёпмоқ

I رَزَقَ (*у*) رَزْقٌ бермоқ, ато этмоқ, ҳадя қилмоқ; ризқ бермоқ, қути лоямут бермоқ; ◊ رُزِقَ مِنْهَا وَلَدًا у ундан *м.з* фарзандли бўлди; هُوَ حَيٌّ يُرْزَقُ у ҳаёт, у эсон-омон; VIII اِرْتَزَقَ 1) тирикчилик учун ишлаб топмоқ; ризқни териб емоқ; 2) маълум миқдордаги овқатни (емишни) олмоқ; X اسْتَرْزَقَ 1) ризқ қидирмоқ, ризқни териб емоқ; 2) бахт изламоқ

– رَزَّاقٌ ризқ берувчи; الـ~ раззоқ (*Оллоҳ таолонинг исми сифатларидан бири*)

– رِزْقٌ *кўп.* أَرْزَاقٌ 1) ризқ, кунлик овқат, кунлик озиқ-овқат; нафақа, мояна; улуш; يُحِبُّ الْحِفَّةَ الـ~ *мтл.* сендан ҳаракат, мендан баракат-(*сўзма-сўз:* ризқ чаққонликни ёқтиради); 2) инъом, инъом-эҳсон; кўчмас мулк (*Сурияда*); *кўп.* паёк; أَرْزَاقٌ نَاشِفَةٌ қуруқ (*янги пиширилмаган*) паёк; ◊ الْيَوْمَ الـ~ ризқи рўз; قَفَلَ بَابَ الـ~ فِي وَجْهِهِ кимнидир ризқини териб ейишдан маҳрум қилмоқ; 3) ёмғир

– رِزْقَةٌ *кўп.* رِزَقٌ *шар.* даромади масжид-мадрасаларга ва уларнинг ходимларига сарф қилинадиган кўчмас мулк

– مُرْتَزَقٌ тирикчилик манбаи

– مُرْتَزِقٌ паёк олувчи, паёк билан кун кўрувчи; جُنْدِيٌّ ~ ёлланган аскар, ёлланма солдат

– مُرْتَزِقَةٌ *кўп.* 1) *шунингдек:* جُنُودٌ ~ ёлланган аскарлар, ёлланган солдатлар; الِاسْتِعْمَارِ ~ империализм малайлари; 2) авантюристлар, авантюрачилар

– مَرْزُقٌ ризқ манбаи

– مَرْزُوقٌ 1) ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган, ҳамма нарсаси етарли; 2) бахтли, саодатли

I رَزَمَ (*у*) رَزْمٌ (*кийимни*) тахламоқ; 2) той қилиб ўрамоқ, той қилиб бойламоқ; II رَزَّمَ тугун-тугун қилиб боғламоқ, тугмоқ; III رَازَمَ 1) ҳар куни ҳар хил таом емоқ; 2) овқат шукронасини айтиб туриб емоқ; IV أَرْزَمَ ғувилламоқ, шовилламоқ (*шамол ҳақида*); 2) гумбурламоқ (*момоқалдироқ ҳақида*); 3) ирилламоқ (*ит ҳақида*)

– رِزْمَةٌ *кўп.* رِزَمٌ халта, пакет, ўрам; бойлам, боғлам; боғ; тугун; той; бир даста

I (رزن) رَزُنَ (*у*) رَزَانَةٌ беозор бўлмоқ, оғир бўлмоқ, вазмин бўлмоқ, жиддий бўлмоқ; жиддийлашмоқ; رَزَنَ[1] (*у*) رُزُونٌ (*қаерғадир*) ўрнашмоқ, жойлашмоқ (ب); رَزَنَ[2] (*у*) رَزْنٌ қўлга қўтариб чамалаб кўрмоқ; V تَرَزَّنَ ювош бўлиб қолмоқ,

босиқлашмоқ

– رَزَانٌ ~ : اِمْرَأَةٌ бамаъни (сипо) аёл

– رَزَانَةٌ 1) вазминлик, оғирлик, босиқлик; жиддийлик; أَخْرَجَهُ مِنْ ~ـــهِ кимнидир мувозанатдан чиқармоқ, руҳий осойишталикдан чиқармоқ; 2) сипогарчилик, улуғворлик

– رَزِينٌ[1] *кўп.* رُزَنَاءُ , رِزَانٌ 1) вазмин, босиқ; жиддий, 2) сипо, улуғвор

– رَزِينٌ[2] оғир, вазмин

رُوزْنَامَةٌ = رُزْنَامَةٌ

رَزِيَّةٌ *кўп.* رَزَايَا = رَزِيئَةٌ қар رَزَأَ

رَسٌّ[1] асос, бош, бошланиш; ~ُ الثُّنَائِيُّ ـــ *грам.* икки ундошдан иборат бўлган ўзак, икки ундошли ўзак (*феълларда*)

– رَسٌّ[2] 1) атрофига тош терилган қудуқ; 2) *тар.* Самуддан қолган кишиларга тегишли қудуқнинг номи

– رَسِيسٌ 1) қаттиқ, пишиқ; 2) негиз, асос, бошланиш

I رَسَبَ (*у*) رُسُوبٌ 1) чўкмоқ, чўкиб кетмоқ, ғарқ бўлмоқ; 2) пастга томон юрмоқ, пасаймоқ; тоб ташламоқ, ўтирмоқ; ◊ ~ فِي الامْتِحَانِ имтиҳондан йиқилмоқ; II رَسَّبَ тагига чўктирмоқ; V تَرَسَّبَ тагига чўкмоқ, тагига йиғилмоқ, қуйқум бўлмоқ, чўкинди бўлмоқ

– تَرَسُّبَاتٌ *кўп.* қолдиқ, қуйқум, эскилик сарқитлари; ~ُ الْعَهْدِ الْمُبَادِ эски тузум қолдиқлари

– تَرْسِيبٌ чўктириш, тагига йиғиш; тиндириш; ~ُ إِنَاءِ ـــ *ёки* وِعَاءُ ـــ тиндирадиган идиш ёки ҳовуз

– رَاسِبٌ *кўп.* رَوَاسِبُ қуйқум, қолдиқ, қуйқа, чўкма, чўкинди; *кўп. геол.* чўкинди, қатлам; уюм; رَوَاسِبُ فَحْمٍ حَجَرِيٌّ тошкўмир қатламлари; رَوَاسِبُ مَعْدَنِيَّةٌ руда қатламлари; رَوَاسِبُ مِنَ الْإِمْلَاحِ *мед.* туз йиғилиши

– رَسُوبٌ чўкма, чўкинди, қуйқа, қуйқум

– رَسُوبِيٌّ чўкмага оид, қуйқумга оид

– رَوَاسِبُ *кўп.* қолдиқлар, сарқитлар; ~ُ الْإِقْطَاعِيَّةِ (الرَّأْسْمَالِيَّةِ) феодализм (капитализм) сарқитлари, асоратлари; ~ُ الْمَاضِي ўтмиш сарқитлари

رَسْتَقَ яхши ўрнаштирмоқ, жойлаштирмоқ; керакли шаклга келтирмоқ; تَرَسْتَقَ ободон бўлмоқ, мукаммал бўлмоқ; тўкин-сочин бўлмоқ, ҳамма нарсаси етарли бўлмоқ

– رُسْتَاقٌ *кўп.* رَسَاتِيقُ қора ранг, қоралик

– رَسْتَقَةٌ мўл-кўллик, тўкин-сочинлик, тўқлик, фаровонлик

– مُرَسْتَقٌ мўл-кўл, тўкин-сочин, тўқ, фаровон, обод

مَرْسَحٌ *кўп.* مَرَاسِحُ 1) театр; 2) саҳна, эстрада, тўгарак жой

I رَسَحَ (*у*) رُسُوخٌ 1) маҳкамланмоқ, мустаҳкамлаб қўйилмоқ; мустаҳкам ўрнашиб олмоқ, маҳкам жойлашиб олмоқ; томир ёймоқ, чуқур ўрнашиб олмоқ, суякка сингиб кетмоқ; 2) ёдда қолмоқ, эсда қолмоқ, таъсир қолдирмоқ; 3) (*бирор соҳанинг*) билимдони бўлмоқ (فِي); II رَسَّخَ мустаҳкамламоқ, чидамли қилмоқ, барқарор қилмоқ; пишитмоқ, пишиқ қилмоқ; ~ـــهُ فِي الذِّهْنِ *ёки* ~ـــهُ فِي الْأَذْهَانِ ниманидир мияга қуймоқ, IV أَرْسَخَ мустаҳкамламоқ, пишитмоқ; V تَرَسَّخَ мустаҳкамланмоқ, пишиқ бўлмоқ, маҳкам бўлмоқ

– تَرْسِيخٌ мустаҳкамлаш, пишитиш, чиниқтириш; пухталаш

– رَاسِخٌ 1) чиниққан, пухталашган; 2) пишиқ, пухта, мустаҳкам; 3) (*бирор ишни*) таг-тагигача билувчи (فِي); ~ فِي الْعِلْمِ ўта билимдон; ~ الْقَدَمِ فَنَّانٌ ажойиб санъаткор

– رُسُوخٌ мустаҳкамлик, пухталик, пишиқлик, барқарорлик

رُسْتَاقٌ = رُسْدَاقٌ

رَسْرَاسٌ 1) косиблар ишлатадиган елим; 2) *бот.* пиёздошлар оиласига кирувчи ўсимлик

I رَسَعَ (*а*) رَسْعٌ (*пойга*) ботмоқ, ботиб қолмоқ

– رُسْعٌ *кўп.* أَرْسَاغٌ 1) *шунингдек:* ~ الْيَدِ *анат.* билак; 2) *шунингдек:* ~ الرِّجْلِ тўпиқ, тўпиқ суяги; ~ الْقَدَمِ товон орқаси, товон орқасининг суяги

I رَسَفَ (*у*) رَسْفٌ 1) кишанланган (занжирланган) қолда юрмоқ; 2) кишанлангандек (занжирлангандек) юрмоқ

I رَسَلَ (*а*) رَسْلٌ осилиб турмоқ (*соч ҳақида*); III رَاسَلَ 1) хат-хабар жўнатмоқ, (*к. гадир*) хат ёзмоқ; (*бирор к. билан*) хат ёзишмоқ; 2) мухбир бўлмоқ, мухбирлик қилмоқ; IV أَرْسَلَ 1) юбормоқ, жўнатмоқ, ~ حُكْمًا ўз фикрини айтмоқ, ҳукм чиқармоқ; ~ الصَّوْتَ овоз чиқармоқ, бақирмоқ; ~ الدُّخَانَ тутун чиқармоқ (*чекишда*); ~ فِي نَظْرَةً إِلَى ...га назар ташламоқ; 2) эфирга узатмоқ, 3) (*соч-соқол*) қўймоқ; 4) (*к. гадир*) эрк бермоқ, ўз ҳолига қўймоқ; ~ الْخَيَالَ хаёлга берилиб кетмоқ; V تَرَسَّلَ 1) эҳтиёт бўлиб, оҳиста ҳаракат қилмоқ, 2) (*н. дандир*) таралмоқ (مِنْ *нур ҳақида*); 3) (*к. нинг ёки н. нинг олдига*) олиб келмоқ; (*к. гадир, н. гадир*) етиб бормоқ (*мас., овоз ҳақида* إِلَى); 4) мактуб ёзмоқ; шеър, қофиясиз (оқ) шеър ёзмоқ; VI تَرَاسَلَ бир-бирига хат ёзишмоқ; X اسْتَرْسَلَ 1) ўзига эрк бермоқ, ўз меъёрини билмай қолмоқ; ~تْ فِي أَفْكَارِهَا у (*мн.*) чуқур ўйга толди; ~تِ الدُّمُوعُ مِنْ عُيُونِهَا унинг (*мн.*) кўзларидан ёш қуйилиб кетди; 2) (*бирор н. ҳақида*) муфассал гапирмоқ, (*гап*) тарқалмоқ, ёйилмоқ (فِي); ~ فِي الْكَلَامِ гап сотишга тушмоқ, сафсатабозликни бошламоқ; 3) туширилиб юрмоқ, бемалол осилиб турмоқ, сочилиб силкиллаб турмоқ (*соч ҳақида*)

– إِرْسَالٌ жўнатиш, юбориш; 2) *радио.* эшиттириш; آلَةُ ~ لَاسِلْكِيَّةٌ радиоузатқич, радиоэшиттириш жиҳози

– إِرْسَالِيَّةٌ *кўп.* ـــاتٌ 1) *дип.* миссия, делегация; 2) экспедиция; 3) посилка

– تَرَاسُلٌ ўзаро (бир-бири билан) хат ёзишиш

– تَرَسُّلٌ 1) қофиясиз (оқ) шеър ёзиш; ~ الـــ بَرَعَ فِي الشِّعْرِ وَ الـــ қофияли ҳам, қофиясиз ҳам шеър ёзишга моҳир бўлмоқ; 2) мактуб ёзиш, мактуб тузиш; ~ أَدَبُ الـــ мактуб ёзиш одоби (қонун-қоидаси)

– رَاسِلٌ жўнатувчи, юборувчи

– رِسَالَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ, رَسَائِلُ 1) топшириқ, вазифа; ~ صَاحِبُ الـــ Муҳаммад алайҳиссалом; ~ـــهُ أَدَّى ўз вазифасини бажармоқ (адо этмоқ); 2) мактуб, хат; ~ غَرَامِيَّةٌ ишқий мактуб; 3) рисола, тадқиқот; маъруза; диссертация; ~ الدُّكْتُورَاه докторлик диссертацияси; 4) *дип.* нота, норозилик мактуби; 5) хабар, хат-хабар, мақола; 6) маълумот, хабар; ~ بَرْقِيَّةٌ ёки ~ تِلِغْرَافِيَّةٌ телеграмма; 7) посилка

– رَسْلٌ тинч, ювош, беозор; 2) ёйилган (*соч*), паришон (*соч*)

– رِسْلٌ[1] 1) секинлик, ювошлик; 2) беозорлик; عَلَى ~كَ أَيُّهَا الصَّدِيقُ! секинроқ, биродар!

– رِسْلٌ[2] сут

– رِسْلَةٌ сокинлик, осойишталик; оғирлик, вазминлик

– رَسُولٌ *кўп.* رُسُلٌ 1) элчи, вакил; 2) *шунингдек:* ~ سِرِّيٌّ махфий топшириқ билан бошқа мамлакатга юборилган киши, эмиссар; 3) даракчи, олдиндан хабар берувчи; ~ اللهِ Оллоҳнинг элчиси (расули) (*Муҳаммад алайҳиссалом*)

– رَسُولِيٌّ элчига оид, расулга оид; ~ـــ الْقَاصِدُ الـــ *қар.* قَاصِدٌ

– رَسِيلٌ *мз. мн. кўп.* 1) жўнатилган, юборилган; 2) элчи, вакил; югурдак, хабар элтувчи; 3) жўнатувчи, юборувчи; 4) (*ўйиндаги*) шерик; жўр бўлувчи; 5) *кўп.* أَرْسُلٌ хабар, малумот, билдириш

– رُسَيْلَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ, رِسْلَةٌ *сўзидан кич.* от; أَلْقَى الْكَلَامَ عَلَى ـــه ~ *маж.* асоссиз гапирмоқ

– مَرَاسِلٌ мухбир; репортаж олиб борувчи; ~ حَرْبِيٌّ (عَسْكَرِيٌّ) ҳарбий мухбир; ~خَاصٌّ ўз мухбир

– مُرَاسَلَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) хат-хабар, расмий ёзишма; الْمُرَاسَلَاتُ التِّجَارِيَّةُ савдо-сотиққа алоқадор ёзишмалар; الْمُرَاسَلَاتُ الصَّادِرَةُ жўнатилаётган ёзишмалар; الْمُرَاسَلَاتُ الْوَارِدَةُ келаётган ёзишмалар; ~ بِالـــ التَّعْلِيمُ сиртдан таълим олиш, сиртдан ўқиш; ~ـــ تَعَلَّمَ بِالـــ сиртдан ўқимоқ; 2) хат ташувчи, хабарчи, чопар; югурдак, офицернинг шахсий хизматини қиладиган аскар, адъютант

– مِرْسَالٌ *кўп.* مَرَاسِيلُ элчи, вакил; хат ташувчи, хабарчи; 2) *тех.* датчик

– مُرْسَلٌ 1) жўнатилган, юборилган; ~ إِلَيْهِ жўнатилган нарсани қабул қилиб олувчи, адресат; ~ مِنْهُ экспедитор, жўнатувчи; 2) *ад.* қофиясиз ёзилган; ~ شِعْرٌ қофиясиз (оқ) шеър; ~ نَثْرٌ наср; 2) махфий топшириқ билан бошқа мамлакатга жўнатилган киши, миссионер

– مُرْسِلٌ 1) жўнатувчи; узатувчи (*станция, аппарат*); ~ جِهَازٌ узатувчи аппарат, передатчик;

– مُرْسَلَاتٌ *кўп.* 1) шамоллар; 2) фаришталар

– مُرْسِلَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ *радио.* передатчик, узатувчи

I (رسم) رَسَمَ[1] (*у*) رَسْمٌ чизмоқ, шакл чизмоқ; расм солмоқ; тасвирламоқ; بِالْأَلْوَانِ ~ ранглар билан бўямоқ; 3) белги қўймоқ, белги солмоқ; 4) тасвирламоқ, тавсифламоқ; 5) (*н. нидир к. гадир*) тайинламоқ, айтмоқ (ـــ, بِ); رَسَمَ[2] (*у*) رَسَامَةٌ бирор юқори лавозим (мартаба) бермоқ (*черковда*); II رَسَّمَ 1) безамоқ, зийнат бермоқ; гул солиб безамоқ, нақшламоқ; 2) (*мас., китобнинг*) режасини тузмоқ (ـــ); 3) расмий эълон бермоқ, расмий деб эълон қилмоқ; V تَرَسَّمَ 1) (*н. нидир*) ўзи учун чизмоқ; خُطَّةً ~ ўзи учун бирор нарсанинг режасини тузмоқ; 2) издан бормоқ, кузатиб юрмоқ; الْآثَارَ ~ издан бормоқ, изма-из бориб топмоқ; خُطُوَاتِهِ ~ кимнингдир изидан бориб топмоқ; 3) (*н. нидир*) ўзи учун мажбурий ҳисобламоқ (ـــ);(*к. гадир*) бўйсунмоқ (ـــ); لِلْقَوَاعِدِ ~ қонун-қоидага риоя қилмоқ; خُطَاهُ~ кимгадир эргашмоқ; VIII اِرْتَسَمَ 1) чизилмоқ, расм чизилмоқ, тасвирланмоқ, тавсифланмоқ, акс этилмоқ, гавдаланмоқ; 2) тамға қўйилмоқ, белги солинмоқ; пайдо бўлмоқ, кўринмоқ (*табассум ҳақида*); 3) бирор юқори лавозимга эришмоқ (*черковда*); 4) крест ишорасини қилмоқ; 5) бўйсунмоқ, итоат қилмоқ, бўйин эгмоқ; 6) Оллоҳни улуғламоқ ва дуо қилмоқ

– اِرْتِسَامٌ тасвирланиш, тавсифланиш, гавдаланиш

– رَاسِمٌ чизмачи, чизмакаш

– رَسَّامٌ 1) чизмачи, чизмакаш, рассом; 2) тасвирчи; ~ النُّقُوشِ нақкош-рассом

– رَسَامَةٌ юқори лавозим бериш (*черковда*)

– رِسَامَةٌ чизмачилик касби, чизмачилик ҳунари

– رَسْمٌ[1] чизмачилик, расмчилик, расм; عِلْمُ الْخَرَائِطِ ~ картография, хариташунослик

– رَسْمٌ[2] *кўп.* رُسُومٌ, رُسُومَاتٌ 1) чизма, режа, план; أَوَّلِيٌّ ~ этюд; بَيَانِيٌّ ~ диаграмма; مُجْمَلٌ ~ хомаки план, хомаки суврат; 2) чизилган суврат; картина; портрет; тасвир; *шунингдек:* شَمْسِيٌّ ~ фотография هَزْلِيٌّ ~ карикатура; الرُّسُومُ الْمُتَحَرِّكَةُ мультипликация; 3) из, белги; رُسُومُ عَافِيَةٌ зўрға билинадиган, билинар-билинмас излар; رُسُومٌ وَ أَطْلَالٌ харобазор, вайроналиклар; ◊ بِـــهِ ~ـــ унга, унинг номига, унинг адресига; بَضَائِعُ بِـــ ~ التَّصْدِيرِ экспортга мўлжалланган товарлар; تِلِغْرَافَاتٌ ~ بِـــ ... ...га жўнатишга мўлжалланган телеграммалар; 4) бож; солиқ; пул билан тўланадиган бадал; ~ الْاِشْتِرَاكِ (الْعُضْوِيَّةِ) азъолик бадали; ~ الْاِنْتَاجِ истеъмол молларига солинадиган солиқ; الرُّسُومُ الْجُمْرُكِيَّةُ божхона солиғи; ~ الدُّخُولِ четдан олиб кириш учун тўланадиган бож; ~ الدَّعْوَى суд жараёни учун тўланадиган тўлов;

~ الْمُرُورِ бирор жойдан ўтиш учун тўланадиган бож; ~ قِيَمِيٌّ қиймат пошлинаси; 5) расм-русум, урф-одат; رُسُومٌ دِينِيَّةٌ диний расм-русумлар

– رَسْمِيٌّ 1) расмий, қонуний; ~ شَبِيهٌ بِالـ~ *ёки* شِبْهُ الـ~ *ёки* نِصْفُ الـ~ ярим расмий; ~ غَيْرُ ғайрирасмий; 2) формали; بَلْدَةٌ ~ــةٌ *ёки* ~ لِبَاسٌ формад аги кийим; i~ а) расмий равишда; б) формал, шаклан

– رَسْمِيَّاتٌ *кўп.* 1) расмий нарсалар; 2) ҳужжатлар; 3) расмиятчиликлар

– رَسِيمٌ туянинг катта-катта қадам ташлаб юриши

– رَوْسَمَ *алиф. б.* қар.

– مَرَاسِمُ *кўп.* маросим, урф-одатлар, расм-русумлар; ~ الْاِسْتِقْبَالِ (*мас. эътиборли меҳмонни*) кутиб олиш маросими; مُدِيرُ ~ بِوِزَارَةِ الْخَارِجِيَّةِ (إِدَارَةِ الـ~) ташқи ишлар вазирлиги протокол бўлими мудири

– مَرَاسِيمُ *кўп.* тартиб, маросим, тартиб-қоида

– مَرْسَمٌ рассомлик устахонаси; ~ السِّينِمَا киностудия

– مِرْسَمَةٌ қайд қиладиган, ёзадиган аппарат; ~ الضَّغْطِ الْجَوِّيِّ ҳавонинг босимини ўлчайдиган асбоб, борограф; ~ الطَّيْفِ спектрограф

– مَرْسُومٌ 1) чизилган, устига чизилган; 2) эътиборга олинган, кўзда тутилган; 3) белгилаб қўйилган, белги қилиб қўйилган; ... بِاسْمِ الـ~ الْكِتَابُ ... номли китоб, 3) *кўп.* مَرَاسِيمُ декрет; фармон, манифест

رَسْمَلَ 1) маблағ билан таъминламоқ, маблағ ажратмоқ, сармоя қўймоқ; 2) капитализация қилмоқ, қўшимча қийматни капиталга айлантирмоқ

– رِسْمَالٌ, رَسْمَالٌ *кўп.* رَسَامِيلُ сармоя, капитал; (*сол.* رَأْسُ الْمَالِ *қар.* رَأْسٌ)

I رَسَنَ (*у*) رَسْنٌ бойламоқ, арқонламоқ; الْفَرَسَ ~ отни арқонламоқ; IV أَرْسَنَ = I

– رَسَنٌ *кўп.* أَرْسَانٌ арқон, арғамчи; жилов, тизгин; нўхта

I (رسو) رَسَا (*у*) رُسُوٌّ 1) лангар ташлаб тўхтаб турмоқ; 2) (*к. гадир ўтган*) ҳисобланмоқ (*кимошдида сотилган н. ҳақида* –عَلَى); عَلَيْهِ الْمَزَادُ ~ нарса унда қолди; عَلَيْهِ التَّوْرِيدُ~ таъминлаш унинг чекига тушди; IV أَرْسَى 1) лангар ташламоқ; лангар ташлаб тўхтаб турмоқ,. سَفِينَةَ الْفَضَاءِ عَلَى الْقَمَرِ~ космик кемани Ойга қўндирмоқ; الْحَجَرَ الْأَسَاسِيَّ ~ *ёки* حَجَرَ الْأَسَاسِ ~ ниманингдир негизини қурмоқ (қўймоқ); 2) мустаҳкамламоқ, пишитмоқ; قَوَاعِدَ ~ тартиб қоида жорий қилмоқ; قَوَاعِدَهُ ~ ниманингдир мустаҳкам асосини қурмоқ (қўймоқ)

– رَاسٍ[1] *мн.* رَاسِيَةٌ қўзғолмайдиган; барқарор; лангарда турган

– رَاسٍ[2] *кўп.* رَوَاسٍ тоғ

– رَسُوٌّ *ёки* رُسُوٌّ келиб тўхташ (*кема ҳақида*); кетиб қолмайдиган қилиб боғлаб қўйиш (*кемани*)

– مَرْسَاةٌ кема тўхтайдиган ва уни боғлаб қўйиладиган жой

– مِرْسَاةٌ лангар

– مَرْسًى *кўп.* مَرَاسٍ лангар ташлаб тўхтайдиган жой, пристань; ~ الْفَحْمِ кўмир ташиладиган пристань

I رَشَّ (*алғ*) رَشٌّ 1) сачратмоқ; сепмоқ, пуркамоқ; (*кўчага*) сув сепмоқ; 2) (*ун, шакар*) сепмоқ; сочиб юбормоқ; ◊ رَشَّتِ السَّمَاءُ ёмғир эзиб ёғаяпти; IV أَرَشَّ: أَرَشَّتِ السَّمَاءُ~ ёмғир эзиб ёғаяпти; V تَرَشَّشَ устига қуйилмоқ, сочилмоқ (عَلَى)

–رَشٌّ[1] сепиш, сочиш, суғориш; عَرَبَةُ الـ~ сув сепадиган машина

– رَشٌّ[2] *жам.* сочма ўқ; ~ الصَّيْدِ овда ишлатиладиган сочма ўқ

– رَشَّاشٌ томчи (қатра) сачраган нарса

– رَشَّاشٌ пуркагич; ~ مِدْفَعٌ пулемёт

– رَشَّاشَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) тешик-тешик жўмракли челакча, лейка (*гулларга сув қуйиш учун*); 2) пулемёт; 3) пуркагич, пульверизатор

– رَشَّةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ 1) эзиб ёққан ёмғир; 2) *ҳарб.* пулемёт *ёки* автоматдан тепкини бир босишда қаторасига узилган ўқ, очередь; كَامِلَةٌ مِنَ الرَّصَاصِ ~тепкини бир босганда ҳамма ўқни отиб тугатиш

– رَشَّةٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ сочма милтиқ ўқига солинадиган майда питра донача

– رَشُوشٌ 1) упа; 2) порошок, сепки сепиладиган нарса

– رَشِيشٌ *кўп.* ـَاتٌ пулемёт

– مِرَشَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ тешик-тешик жўмракли челакча, лейка (*гулларга сув сепиш учун*)

رَشَأٌ *кўп.* أَرْشَاءٌ кийик боласи, оҳунинг боласи

رِشْتَةٌ[1] сутда қайнатиб пиширилган макарон

رِشْتَةٌ[2] *мед.* ришта (*дракункулёз-нематодаларга мансуб чувалчанг* (*ришталар қўзғатадиган касаллик*)

I رَشَحَ (*а*) رَشْحٌ 1) томиб турмоқ, сизиб турмоқ, тўлиб турмоқ (*суюқлик ҳақида*); 2) терламоқ; 3) томмоқ, оқмоқ, оқиб турмоқ (*идишдан*); ◊ لَمْ يَرْشَحْ لِزَيْدٍ بِشَيْءٍ у Зайдга ҳеч нарса бермади; II رَشَّحَ 1) сизмоқ, сузғичдан ўтказмоқ. фильтрламоқ; 2) (*бирор н. га*) тайёрламоқ, ҳозирламоқ (لِـ), 3) (*к. нингдир*) номзодини қўймоқ; (*к. нидир*) олдинга сурмоқ; ... نَفْسَهُ فِي ~ ўз номзодини қўймоқ;4) шамоллаб қолмоқ, совуқ тегизмоқ; V تَرَشَّحَ 1) фильтрланмоқ;. 2) (*бирор. н. га*) тайёрланмоқ (); 3) ўз номзодини қўймоқ; VIII اِرْتَشَحَ томиб турмоқ, сизиб турмоқ

– اِرْتِشَاحٌ *мед.* яллиғланиш туфайли организмда ёт моддаларнинг тўпланиши, инфильтрация

– تَرْشِيحٌ 1) фильтрлаш; 2) номзод таклиф қилиш; 3) номзодлик; ~ نَفْسِه ўз номзодини қайтиб олмоқ; سَحَبَ ~ نَفْسِه ўз номзодини қўйишга рози бўлмоқ

– رَاشِحٌ *кўп.* رَوَاشِحُ фильтр, сузғич

– رُشَاحَةٌ *мед.* транссудат (*қон плазмаларининг майда қон томирларидан сизиб чиқиб, тўқималарда тўпланиб қолиши натижасида пайдо бўладиган касаллик*)

– رَشْحٌ 1) томиб туриш, сизиб туриш; 2) бўғланиш, парланиш; тер; 3) шамоллаш; 4) тупроқнинг шўрлашиши

– رِشْحِيَّاتٌ *кўп.* ҳар қандай фильтрдан ҳам ўтиб кетувчи вируслар

– رُشُوحَاتٌ *кўп.* шамоллашга қарши воситалар

– مُرَشَّحٌ 1) шамоллаган; 2) номзод, кандидат

– مُرَشِّحٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ фильтр, сузғич

I رَشَدَ (*у*) رُشْدٌ 1) тўғри йўлдан бормоқ (юрмоқ); 2) балоғат ёшига етмоқ; II رَشَّدَ 1) тўғри йўлга бошламоқ (солмоқ); 2) балоғат ёшида деб эълон қилмоқ, IV أَرْشَدَ 1) тўғри йўл кўрсатмоқ тўғри йўлга йўналтирмоқ; 2) кўрсатма бермоқ; бошламоқ, раҳбарлик қилмоқ, насиҳат қилмоқ, 3) (*кемани*) сувликнинг чуқур жойидан олиб юрмоқ (*лоцман ҳақида*); X اسْتَرْشَدَ 1) кўрсатма сўрамоқ; 2) (*бирор н. га*) амал қилмоқ, таянмоқ (ب), (*бирор н. га қараб*) иш қилмоқ (ب)

– إِرْشَادٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) раҳбарлик; кўрсатма, йўлланма, йўл-йўриқ; инструкция; 2) (*кемани*) етаклаб бориш

– أَرْشَدِيَّةٌ балоғатга етганлик, балоғат ёшига етиш

– رَاشِدٌ 1) онгли; 2) ақлли, фаросатли; 3) балоғат ёшига етган, бўйга етган; 4) тўғри йўлдан борувчи; ~ـُونَ الـــ *еки* الْخُلَفَاءُ الـــ~ـُونَ *тар.* чаҳор ёрлар ( أَبُو بَكْرٍ الصِّدِّيقُ، عُمَرُ الْعَادِلُ، عُثْمَانُ ذُو النُّورَيْنِ، عَلِيٌّ كَرَّمَ اللهُ وَجْهَهُ)

– رَاشِدَةٌ: لاَ سِلْكِيَّةٌ ~ радиопеленгатор

– رَشَادٌ 1) онг; онглилик 2) соғлом ақллилик; 3) тўғрилик; 4) *бот.* салат тайёрланадиган гулли крес; مَرَقٌ ~ салат тайёрланадиган сув кресси

– رَشَدٌ 1) онг; онглилик; 2) ақллилик, донолик; 3) *бот.* салат тайёрланадиган гулли крес

– رُشْدٌ 1) онг; سِيَاسِيٌّ ~ сиёсий етуклик; ~ـِ الـــ балоғат ёши, етуклик; ~ـُ بَلَغَ балоғат ёшига етмоқ; 2) ақллилик, донолик, ~ـُ فَقَدَ а) ҳушидан кетмоқ, ўзини ташлаб юбормоқ, б) ақлини йўқотмоқ; ~ـُ ثَابَ إِلَيْهِ *еки* ~ـِ ثَابَ إِلَى а) у ўзига келди; б) унинг ақли кирди

– رِشْدَةٌ, رِشْدَةٌ қонуний никоҳ; وَلَدُ ~ никоҳдан туғилган бола

– رَشِيدٌ 1) тўғри, бехато, хатоси йўқ; 2) соғ, соғ-саломат, ақлли, фаросатли; балоғатга етган, балоғат ёшида

– مُرْشِدٌ 1) раҳбар, йўл бошловчи; устоз, мураббий, муршид; 2) йўлчи, йўл кўрсатиб борувчи; *шунингдек*: ~ السُّفُنِ кемаларга йўл кўрсатувчи мутахассис, лоцман, ~ الـــ اللاَّسِلْكِيُّ радиопеленгатор

رَشْرَشَ сачратмоқ, сочмоқ, пуркамоқ; суғормоқ, сув қўймоқ

– رَشْرَاشٌ юмшоқ, мулойим (*нон*)

– رَشْرَشَةٌ сачратиш, сочиш, пуркаш; суғориш, сув қуйиш

I رَشَفَ (*у/и*) رَشْفٌ, رَشِيفٌ 1) сўрмоқ, шиммоқ, шимилмоқ; 2) қултумлаб ичмоқ, майда-майда ҳўплаб ичмоқ; V تَرَشَّفَ аста-секин ичмоқ, сўрмоқ; VIII ارْتَشَفَ 1) сўрмоқ, шиммоқ; ичига тортмоқ; 2) қултумлаб ичмоқ, майда-майда ҳўплаб ичмоқ; ◊ سَلْسَبِيلَ الْعِرْفَانِ ~ илм булоғидан ичмоқ

– رَشْفٌ қултум-қултумлаб ичиш; أَنْقَعُ الـــ~ *мқл.* қултумлаб ичиш чанқоқни тезроқ босади

– رَشْفَةٌ *кўп.* رَشَفَاتٌ қултум, ютум, ҳўплам; رَشَفَ ~ مِنَ الشَّايِ у бир қултум чой ичди

I (رشق) رَشَقَ (*у*) رَشْقٌ ирғитмоқ, отмоқ, улоқтирмоқ; (*н. биландир*) кўмиб юбормоқ (ب); رَشُقَ (*у*) رَشَاقَةٌ гўзал бўлмоқ, кўркам бўлмоқ, хушбичим бўлмоқ; VI تَرَاشَقَ (*н. нидир*) бир-бирига қараб отишмоқ

– رَشَاقَةٌ 1) гўзаллик, кўркамлик, хушбичимлик, латифлик, нозиклик; 2) ҳушёрлик, зийраклик

– رَشِيقٌ 1) гўзал, кўркам, хушбичим, сарвқомат, нозик, латиф; 2) чаққон, илдам

رَشَلٌ *халқ.* тентаклик, аҳмоқлик; يَجْلِبُ الْفَشَلَ الـــ~ *мтл.* аҳмоқнинг оёғи тинмас (*сўзма-сўз*: аҳмоқлик омадсизликка олиб келади)

– رَشَالَةٌ *жам.* رَشَالٌ *зоол.* Нил дарёсида учрайдиган балиқнинг бир тури

I رَشَمَ (*у*) رَشْمٌ 1) белги қўймоқ, белгилаб қўймоқ; 2) муҳрлатмоқ, тамғаламоқ

– رَشْمَةٌ кўп. رُشَمٌ жилов; нўхта

رَاشِنٌ[1] *кўп.* رَوَاشِنُ совға, ҳадя, тортиқ

– رَاشِنٌ[2] келгинди, чақирилмаган меҳмон

I (رشو) رَشَا (*у*) رَشْوٌ пора бермоқ, пора бериб сотиб олмоқ; IV أَرْشَى 1) пора бериб сотиб олмоқ; 2) арқон бойламоқ; ~ الدَّلْوَ челакка арқон бойламоқ; VIII ارْتَشَى пора олмоқ, порага сотилмоқ; порахўр бўлмоқ; X اسْتَرْشَى пора талаб қилмоқ, пора сўрамоқ

– إِرْشَاءٌ пора билан сотиб олиш

– رِشَاءٌ *кўп.* أَرْشِيَةٌ қудуқдан сув тортадиган арқон

– رَشَاوِيَّةٌ порахўрлик

– رَشْوٌ пора билан сотиб олиш

– رَشْوَةٌ *кўп.* رَشَوَاتٌ, رَشَاوَى *еки* رُشْوَةٌ *кўп.* رُشًا, رَشَاوَى, *еки* رِشْوَةٌ *кўп.* رِشًى, رَشَاوَى пора; пора билан сотиб олиш; ~ مُقَدِّمُ الـــ пора берувчи; ~ قَابِلُ الـــ пора олувчи, порахўр

– مُرْتَشٍ *мн.* مُرْتَشِيَةٌ 1) сотқин, хоин; 2) порахўр

I رَصَّ (*a/y*) رَصٌّ 1) бириктирмоқ, бир қилиб маҳкамламоқ; 2) бир-бирининг устига тахламоқ, териб қўймоқ; қатор қилиб термоқ, тартиб билан териб қўймоқ; 3) маҳкам қилмоқ, қаттиқ сиқмоқ; шиббаламоқ; қатор қилиб қоқмоқ (*мас., қозиқни*); صُفُوفَهُمْ ~ ўз сафларини жипслаштирмоқ; II رَصَّصَ 1) қўрғошин билан қопламоқ; 2) тахламоқ; 3) маҳкамламоқ, жипс қилмоқ; الْأَسْنَانَ ~ тишга пломба қўймоқ; V تَرَصَّصَ жипс бўлмоқ, (*бирор н. га*) маҳкам тиркалмоқ; бир-бирига жипс ёпишмоқ; VI تَرَاصَّ 1) маҳкам жипслашмоқ, туташ бўлиб кетмоқ, зич бўлмоқ; 2) зич қилиб тахланмоқ (*мас., китоблар*); VIII ارْتَصَّ зич қилиб тахланмоқ, жипслашмоқ, маҳкам бўлмоқ; فِي صُفُوفِهِ ~ кимнингдир сафига қўшилмоқ, ким биландир жипслашмоқ

– أُرْصُوصَةٌ *кўп.* أَرَاصِيصُ 1) қуёш нурини тўсадиган қалпоқ; 2) *радио.* қулоққа тутиб эшитиладиган асбоб, наушник

– تَرَاصٌّ - жипслик, мустаҳкам бирлашганлик

– رَصَاصٌ 1) қўрғошин; *эск.* қалай; بِالـــ~ خَتَمَ пломбаламоқ, пломба билан тамғаламоқ; 2) *шунингдек:* قَلَمُ ~ қалам; الـــ~ الْأَسْوَدُ графит; أَحْمَرُ ~ қўрғошинли бўёқ; 3) ўқ; أَطْلَقَ الـــ~ ўқ узмоқ; ◊ الـــ~ (خَيْطُ) مِيزَانٌ учига тош боғланган ип, шоқул

– رَصَاصَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ўқ

– رَصَاصِيٌّ 1) қўрғошинга оид; 2) қўрғошин рангдаги

– رَصَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ саф, қават, қатлам; тўп, тахлам (*мас., қоғоз*), уюм (*мас., тахта*)

– رَصِيصٌ маҳкамланган, жипсланган; зич, ғуж, сиқиқ

– مَرْصُوصٌ маҳкамланган, жипслашган, зич, ғуж, сиқиқ

I رَصَدَ (*y*) رَصْدٌ 1) кузатмоқ, текширмоқ; الْجَوِّ السِّيَاسِيَّ ~ сиёсатнинг боришини кузатиб турмоқ; النُّجُومَ ~ юлдузларни кузатмоқ; 2) диққат билан қарамоқ, синчиклаб қарамоқ, (*к. нидир*) пойламоқ. кутиб турмоқ (ـــلِ); 3) (*даромадни к. гадир*) банд қилмоқ (عَلَى); الْمَبْلَغَ ~ пул жанғармаси ташкил этмоқ; 4) ёзиб олмоқ, қайд қилмоқ; 5) (*к. гадир*) белгиламоқ, тайин қилмоқ (ـــلِ); 6) жодугарлик қилмоқ, сеҳргарлик қилмоқ; ◊ لَهُ الْعَيْنَ ~ унинг орқасидан жосус қўйилган; II رَصَّدَ 1) қайд қилиш дафтарига тиркамоқ; 2) балансламоқ, баланс чиқармоқ; 3) (*мас., полиция отрядларини*) жой-жойига қўймоқ; IV أَرْصَدَ 1) (*пул*) ажратмоқ, маълум миқдорда маблағ ажратмоқ; 2) (*пул*) жамғармоқ; ... جُهُودَهُ عَلَى ~ бор куч-қувватини ...га сарф қилмоқ; 3) (*бирор н. га*) тайёрламоқ (ـــلِ); 4) (*к. гадир*) пистирма ташкил қилмоқ (ـــلِ); V تَرَصَّدَ 1) пойлаб туриб тутиб олмоқ, қўлга туширмоқ, (*к. нидир*) пойламоқ, пойлоқчилик қилмоқ (*туш. к. ёки* ـــلِ); пистирмада пойлаб ўтирмоқ (فِي); 2) кузатмоқ, назорат қилмоқ, текширмоқ; VIII ارْتَصَدَ кузатмоқ, назорат қилмоқ, текширмоқ

– رَاصِدٌ *кўп.* رُصَّادٌ, رُصُدٌ кузатувчи; الطَّقْسِ ~ синоптик; 2) жосус, айғоқчи

– رَاصِدَةٌ *кўп.* رَوَاصِدُ узоқни кўрсатадиган труба, дурбин

– رَصَّادٌ кузатувчи; *шунингдек:* جَوِّيٌّ ~ метеоролог

– رَصْدٌ *кўп.* أَرْصَادٌ кузатиш, назорат қилиш; الْأَرْصَادُ الْعِلْمِيَّةُ илмий кузатишлар; الْأَرْصَادُ الْجَوِّيَّةُ метеорология; آلَاتُ الـــ~ астрономик асбоб-ускуналар; مَكْتَبُ الْأَرْصَادِ الْجَوِّيَّةِ об-ҳавони ўрганиш маркази

– رَصَدٌ[1] пистирма

– رَصَدٌ[2] *кўп.* أَرْصَادٌ 1) тумор; 2) жосус, айғоқчи; 3) *фольк.* хазинани қўриқлайдиган дев

– رَصَدْخَانَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ обсерватория, расадхона

– رَصِيدٌ *кўп.* رَصَائِدُ, أَرْصِدَةٌ 1) нақд пул *ёки* нақд товар; жамғарма, фонд; банкда сақланаётган сармоя; الذَّهَبِ ~ олтин заҳираси; سَحَبَ الْأَرْصِدَةَ الْمَالِيَّةَ مِنَ الْبُنُوكِ пулларни (пул жамғармаларини) банклардан йиғиб олмоқ; 2) *бухг.* баланс, салдо, қолдиқ

– مِرْصَادٌ[1] *кўп.* مَرَاصِيدُ 1) пистирма; كَانَ (وَقَفَ) لَهُ بِالـــ~ ким учундир пистирма ташкил қилмоқ; 2) обсерватория, расадхона

– مِرْصَادٌ[2] йўл

– مَرْصَدٌ *кўп.* مَرَاصِدُ 1) кузатиш жойи, назорат пункти; 2) فَلَكِيٌّ ~ обсерватория, расадхона

– مِرْصَدَةٌ *кўп.* مَرَاصِدُ узоқни кузатадиган труба, дурбин

– مَرْصُودٌ сеҳргар, мўъжизакор; сеҳрланган, афсунланган

رَصْرَصَ пломба қўймоқ, пломбаламоқ

– رَصْرَصَةٌ пломба қўйиш, пломбалаш

(رصع) II رَصَّعَ (*қимматбаҳо тошларни*) қадамоқ, ўрнатмоқ, қимматбаҳо тошлар қадаб нақш солмоқ; (*бирор н. билан*) қопламоқ (ب)

– رَصِيعَةٌ *кўп.* رَصَائِعُ медалъон

– مِرْصَاعٌ *кўп.* مَرَاصِيعُ пилдироқ, бизбизак

– مُرَصَّعٌ[1] (*бирор н. билан*) қопланган, (*бирор н.*) териб ташланган (ب)

– مُرَصَّعٌ[2] *кўп.* مَرَاصِعُ медалъон

I (رصف) رَصَفَ (*y*) رَصْفٌ 1) тош термоқ, тош ётқизмоқ, بِالْأَسْفَلْتِ ~ асфальт қилмоқ, асфальт ётқизмоқ, асфальтламоқ; ◊ قَدَمَيْنِ ~ оёқни бир бирига ёпиштириб (жуфтлаб) турмоқ; رَصْفٌ (*y*) رَصَافَةً тўғри қўйилган бўлмоқ, тўғри терилмоқ; жипс қўйилган бўлмоқ; II رَصَّفَ тош термоқ, тош ётқизмоқ; VI تَرَاصَفَ саф тортмоқ, сафланмоқ

– رَصَافَةٌ пишиқлик, мустаҳкамлик, маҳкамлик

– رَصْفٌ тош териш, тош ётқизиш

– رَصَفٌ қар. رَصِيفٌ[1]

– رَصِيفٌ[1] кўп. أَرْصِفَةٌ, رُصُفٌ 1) кемалар тўхтайдиган махсус жой; соҳил; ~ بَحْرِيٌّ ~ денгизда кемалар тўхтайдиган жой; ~ نَهْرِيٌّ дарёда кемалар тўхтайдиган жой; عُمَّالُ الْأَرْصِفَةِ портда ишлайдиган ишчилар; ~ عَوَائِدُ الـــ портда олинадиган бож; 2) сув ҳавзалари атрофига қурилган кўтарма, дамба: ~ الْأَمْوَاجِ тўлқинқайтарғич; 3) йўловчилар учун махсус йўлак (*темир йўл станцияларида*); станцияларда одамлар турадиган махсус жой; 4) тош кўча, тош терилган йўл; тротуар, йўлак

– رَصِيفٌ[2] кўп. رُصَفَاءُ ҳамкасаба, касбдош, шерик, коллега

– رَصِيفٌ[3] пишиқ, мустаҳкам, маҳкам

– مِرْصَافَةٌ кўп. مَرَاصِيفُ ёғоч тўқмоқча; болға

– مَرْصُوفٌ тўғри терилган, тўғри тартибланган; жипс қилиб терилган

I **رَصُنَ** (*у*) رَصَانَةٌ қаттиқ бўлмоқ, пишиқ бўлмоқ; тинчланмоқ, чидамли бўлмоқ; жиддий бўлмоқ, вазмин бўлмоқ; II رَصَّنَ 1) *шунингдек*: ~ـــهُ مَعْرِفَةً (*н. нидир*) аниқ билмоқ, яхши билмоқ; 2) мустаҳкамламоқ, чиниқтирмоқ; IV أَرْصَنَ = II 2)

– رَصَانَةٌ жиддийлик, чидамлилик, вазминлик, босиқлик; сиполик, улуғворлик

رَصِينٌ - вазмин, босиқ, жиддий, сипо, улуғвор

I **رَضَّ** (*а/у*) رَضٌّ 1) майдаламоқ, парчаламоқ, қисмларга бўлмоқ; 2) уриб олиб лат едирмоқ, уриб олиб майиб қилмоқ; контузия қилмоқ, шикаст етказмоқ; V تَرَضَّضَ 1) майдаланмоқ, парчаланмоқ, қисмларга бўлинмоқ; 2) шикастланмоқ

– رَضٌّ[1] майдалаш, талқон қилиш

– رَضٌّ[2] кўп. رُضُوضٌ шикаст; шилинган жой; контузия

– رُضَاضٌ майда; ~ الشَّيْءِ бирор нарсанинг майдаланган қисми

– رَضِّيٌّ шикастга оид

– رَضِيضٌ[1] шикастланган, шилинган; контузияга учраган

– رَضِيضٌ[2] талқон, майдаланган нарса

– مَرْضُوضٌ = رَضِيضٌ[1] = رَضِيضٌ[2]

رَاضِبٌ 1) ёғаётган ёмғир; 2) гулнинг бир тури

– رُضَابٌ сўлак, тупук, тупуруқ

I **رَضَخَ** (*а*) رَضْخٌ майдаламоқ, қисмларга бўлмоқ; бўлиб ташламоқ, эзиб (босиб) қўймоқ, босмоқ

– رَضِيخٌ майдаланган, қисмларга бўлинган; эзиб ташланган, босиб ташланган

I (رضخ) **رَضَخَ** (*а*) رُضُوخٌ кўнмоқ, рози бўлмоқ; (*бирор н. га*) итоат қилмоқ, бўйсунмоқ (لـــ); ~ لِلْأَمْرِ الْوَاقِعِ содир бўлган (воқеъ бўлган) ишга кўнмоқ; رَضَخَ (*а*) رَضْخٌ (*к. гадир*) нафақа бермоқ, нафақа ажратмоқ (لـــ);2) (*мас., ёнғоқни, бодомни*) чақмоқ; VIII ارْتَضَخَ. لُكْنَةً فَارِسِيَّةً (أَعْجَمِيَّةً) ~ форсий (ажнабий) талаффуз билан арабча гапирмоқ

– رَضِيخَةٌ, رَضْخَةٌ, رَضْخٌ 1) арзимаган совға; 2) чойчақа, садақа

– رُضُوخٌ кўниш, рози бўлиш; итоатгўйлик

– مِرْضَاخٌ кўп. مَرَاضِيخُ ёнғоқ ва ҳ. к. ларни чақишга мўлжалланган асбоб (*омбурга ўхшаш*)

رَضْرَضَ майдаламоқ, парчаламоқ, қисмларга бўлмоқ

– رَضْرَاضٌ майда тош, чақиртош

I **رَضِعَ** (*а*) رِضَاعٌ (*кўкрак*) эммоқ (*гўдак ҳақида*); ~ تِ الْعُنْجَ فِي الْمَهْدِ таннозлик унга (*мн.*) сут билан кирган; II رَضَّعَ эмизмоқ, кўкрак тутмоқ; IV أَرْضَعَ = II; VIII ارْتَضَعَ эммоқ (*гўдак ҳақида*); ~ مِنْ لِبَانِهَا (*к. нидир*) эммоқ, (*к. нингдир*) кўкрагини эммоқ; X اسْتَرْضَعَ энага қидирмоқ (изламоқ)

– رَاضِعٌ[1] кўп. رُضَّعٌ эмадиган (*гўдак ҳақида*)

– رَاضِعٌ[2] кўп. رَوَاضِعُ сут тиши

– رِضَاعٌ эмизиш; ~ وَلَدٌ فِي عَهْدِ الـــ эмадиган чақалоқ, кўкракдан чиқмаган гўдак; ~ أُمُّ الـــ энага

– رِضَاعَةٌ эмизиш; эмиш, кўкрак эмиш; ~ أَخٌ لَهُ بِالـــ унинг эмишган биродари (*акаси ёки укаси*)

– رَضَّاعَةٌ кўп. اتٌ ـــ сўрғич, ичига сут қуйилган (сутли) сўрғич

– رَضْعَةٌ бир марта эмизиш

– رَضِيعٌ кўп. رُضَّاعٌ, رُضَعَاءُ 1) эмадиган гўдак; гўдак; 2) эмишган биродар (*ака ёки ука*); 3) биров боқиб катта қилган, асранди

– رَضِيعَةٌ кўп. رَضَائِعُ эмадиган, кўкракдан чиқмаган гўдак қиз

– مُرْضِعٌ, مُرْضِعَةٌ кўп. مَرَاضِعُ 1) кўкрак тутувчи, эмизувчи; 2) энага

رَضْفَةٌ *анат.* тизза кўзи, тизза қопқоғи

I **رَضَمَ** (*и*) رَضْمٌ катта харсанг тошлардан (*мас., уй*) қурмоқ

– رَضَمٌ, رَضْمٌ, رِضَامٌ катта қоятошлар

رضه Оллоҳ ундан рози бўлсин رَضِيَ اللهُ عَنْهُ *иборасидан қисқ.* қар. رَضِيَ

I **رَضِيَ** (*а*) رِضًى, رِضْوَانٌ 1) (*н. дандир*) рози бўлмоқ, қониқмоқ (بِـ, عَنْ); ~ اللهُ عَنْهُ! Оллоҳ ундан рози бўлсин!; 2) келишмоқ, кўнмоқ; لَنْ يَرْضَى بَدِيلاً عَنْ ذَلِكَ буни бошқа нарсага алиштиришга у мутлақо кўнмайди; 3) хоҳламоқ, истамоқ; ~ أَمْ أَبَى ~ ёки أَمْ لَمْ يَرْضَ хоҳласа-хоҳламаса, истар-истамас, чор-ночор; رَضَّى لَكَ مِنَ الْغَنِيمَةِ بِالْإِيَابِ *мкл.* бошинг омон бўлса бўлди (*сўзма-сўз*: сенга ўлжадан кўра эсон-омон қайтишни тилаймиз); 4) йўл қўймоқ,

ижозат бермоқ; (*бирор н. га*) чидамоқ (ـلـ); II رَضَّى қониқтирмоқ, рози қилмоқ; товон тўламоқ, бадалини бермоқ; III رَاضَى (*к. нидир*) рози қилишга интилмоқ; яраштирмоқ; IV أَرْضَى рози қилмоқ, хурсанд қилмоқ; V تَرَضَّى ёқишга уринмоқ (*к. нидир*) ўзига оғдирмоқ, мойил қилмоқ, жалб қилмоқ; VI تَرَاضَى (*бирор масала юзасидан*) ўзаро келишмоқ, бир фикрга келмоқ (عَلَى), VIII اِرْتَضَى 1) қониқарли деб тан олмоқ, маъқулламоқ; (*н. дандир*) қаноат ҳосил қилмоқ, қониқмоқ (ب); 2) келиштирмоқ, (*н. нидир ўзи учун*) танламоқ, ихтиёр қилмоқ (لِنَفْسِه); 3) хоҳламоқ, истамоқ; 4) (*озиқ-овқат*) истеъмол қилмоқ, емоқ; X اِسْتَرْضَى 1) (*к. нингдир*) мурувватига эришмоқ, розилигига етишмоқ; 2) ёқмоқ, кўнглини топмоқ, рози қилмоқ; 3) келиштирмоқ, яраштирмоқ; ярашмоқ

– إِرْضَاءٌ ёқиш, рози қилиш, кўнглини топиш; لَهُ ~ кимнингдир кўнглига қараб, кимгадир хуш келсин деб

– اِسْتِرْضَاءٌ 1) ёқиш, рози қилиш; لَهُ ~ кинмингдир кўнглига қараб, кимгадир хуш келсин деб; 2) келишиш, ярашиш

– تَرَاضٍ келишиш, иттифоқ тузиш, шартнома; بِالتَّرَاضِي аҳиллик билан, иноқлик билан

– تَرْضِيَةٌ қониқтириш, қаноатлантириш; товон тўлаш; نَالَ ~ مِنْ ... ...дан қаноат ҳосил қилмоқ

– رَاضٍ *мн.* رَاضُونَ, رُضَاةٌ *кўп.* رَاضِيَةٌ 1) рози, рози бўлган, мамнун; 2) ёқимли, фароғатли; عَيْشَةٌ رَاضِيَةٌ ҳузур-ҳаловатли ҳаёт

– رِضًا = رِضَاءٌ; عَبَّرَ عَنْ رِضَاهُ (*н. дандир*) ўз мамнунлигини изҳор қилмоқ (ب); بِرِضَاهُ *ёки* عَنْ رِضَاهُ وَ رَغْبَةٍ مِنْهُ ўз инон-ихтиёри билан; رِضَا النَّاسِ شَيْءٌ لَا يُنَالُ! ҳаммани рози қилиб бўлмайди! (*сўзма-сўз: одамларнинг розилиги етишиб бўлмайдиган нарсадир*)

– رِضَاءٌ 1) розилик, қониқиш, қаноат ҳосил қилиш; мамнунлик, мамнуният; عَنِ الذَّاتِ ~ـــ мағрурлик, ўзига бино қўйиш; عَدَمُ ~ـــ норозилик, рози эмаслик; 2) тотувлик, иноқлик; عَنْ طَرِيقِ ~ـــ яхшилиқча, яхшилик билан, ўз ихтиёри билан; 3) мурувват, марҳамат, хайрихоҳлик, лутф; نَظَرَ إِلَيْهِ بِعَيْنِ ~ـــ кимгадир меҳр кўзи билан қарамоқ; ◊ وَلَدُ ~ никоҳсиз туғилган бола, ҳаромдан бўлган (ҳаромизода) бола

– رِضْوَانٌ 1) = رِضَاءٌ. عَلَيْهِ اللهُ ~ Оллоҳ ундан рози бўлсин!; 2) Ризвон (*жаннат эшигида посбон фариштанинг исми*)

– رَضْوَى Мадинаи мунавварадаги тоғнинг номи

– رِضًى = رِضَاءٌ. عَنْ غَيْرِ ~ хоҳламай, ўз ихтиёридан ташқари

– رَضِيٌّ *кўп.* أَرْضِيَاءُ 1) ёқимли, маъқул, рози; 2) мамнун; 3) кўнгилга хуш ёқадиган, ёқимли

– مَرْضَاةٌ яхшилик, раҳмдиллик, шафқат; لَهُ ~ кимнингдир розилигини деб

– مُرْضٍ 1) қониқарли, рози бўларли даражада; маъқул; بِحَالَةٍ مُرْضِيَةٍ қониқарли даражада; 2) ёқимли, яхши

I **رَطُبَ** (*у*) *ёки* رَطِبَ (*а*) رُطُوبَةٌ, رَطَابَةٌ 1) ҳўл бўлмоқ, нам бўлмоқ, зах бўлмоқ; 2) янги бўлмоқ; II رَطَّبَ 1) ҳўлламоқ, намламоқ, ивитмоқ; 2) янгиламоқ, тозаламоқ; 3) юмшатмоқ; 4) пишмоқ, пишиб етилмоқ, серсув бўлиб пишмоқ (*хурмо ҳақида*); 5) (*бирор к. га*) пишган хурмони едирмоқ; IV أَرْطَبَ ҳўлламоқ, намламоқ, ивитмоқ; الْبُسْرُ ~ пишиб етилмоқ (*хурмо ҳақида*)

– رَطْبٌ, رَطِبٌ *кўп.* رُطُبٌ 1) ҳўл, нам; 2) янги; الْعُودِ ~ кичик ёшдаги, ёш; 3) сувли, нозик, юмшоқ

– رُطَبٌ *кўп.* رِطَابٌ, أَرْطَابٌ *жам.* янги пишиб етилган хурмо мевалари

– رُطْبٌ ўт-ўлан

– رُطْبَةٌ, رُطُبَّةٌ *жам.* رُطُبٌ хурмо меваси

– رُطُوبَةٌ намлик, ҳўллик, захлик; مِقْيَاسُ الـــ~ гигрометр (*намликни ўлчайдиган асбоб*)

– رَطِيبٌ 1) ҳўл, нам, зах; 2) салқин, янги, тоза; 3) нозик; сувли, ҳалим, юмшоқ

– مُرَطِّبٌ юмшатувчи; тозаловчи, янгиловчи

– مُرَطِّبَاتٌ *кўп.* салқин ичимликлар

I **رَطَلَ** (*у*) رَطْلٌ (*н. нингдир*) вазнини қўлда чамалаб кўрмоқ

– رَطْلٌ *кўп.* أَرْطَالٌ ратл (*449. 28 гр. ёки 144 дирҳамга тенг оғирлик ўлчови*); ~ـــ بِالْـ *халқ.* кўп ва арзон

I **رَطَمَ** (*и*) رَطْمٌ 1) кўнгилсиз воқеага аралашмоқ; қийин вазиятга туширмоқ, қийин ҳолатга солмоқ; 2) (*кемани*) саёз жойга ўтқазмоқ; VIII اِرْتَطَمَ 1) қийин вазиятга тушиб қолмоқ, мушкул аҳволда қолмоқ; 2) лойга ботиб қолмоқ; мушкул аҳволга тушмоқ; 3) тўқнашмоқ, дуч келмоқ; بِعُقُبَاتٍ ~ қийинчиликларга дуч келмоқ; 4) (*бирор н. га*) урилмоқ (ب *тўлқин ҳақида*)

– مُرْطَمٌ тўлқинқайтарғич

I **رَطَنَ** (*у*) رَطَانَةٌ тушуниб бўлмайдиган хорижий тилда гапирмоқ; III رَاطَنَ бирор ким билан ёт тилда гаплашмоқ; VI تَرَاطَنَ ўзича тушуниб бўлмайдиган тилда гапирмоқ, ғўлдирамоқ

– رَطَانٌ ёт тил, чет тил; بِالْـــ~ ضَرَبَ хорижий тилда гапирмоқ

– رَطَانَةٌ *кўп.* ـــاتٌ тушуниб бўлмайдиган ёт тил; жаргон

– رُطَيْنَى нотаниш тил, ёт тил

رَ ع Ра (*қадимги мушрикларда қуёш худоси*)

رَعَاعٌ, رُعَاعٌ оддий халқ, авом, қора халқ

رُعَامٌ *вет.* манқа (*отларда бўладиган юқумли касаллик*)

I **رَعَبَ** (*а*) رَعْبٌ қўрқитмоқ, хавф солмоқ; II رَعَّبَ қўрқинч солмоқ, қўрқитмоқ; IV أَرْعَبَ = I; VIII اِرْتَعَبَ қўрқмоқ, хавфсирамоқ, хавфланмоқ

– رَاعِبٌ қўрқитувчи, қўрқинчли

– رُعْبٌ қўрқинч, хавф, хатар, ваҳима, даҳшат; أَلْقَى الْـــ~

فِي قُلُوبِ النَّاسِ одамларнинг қалбига ваҳима солмоқ

– رَاعِبٌ = مُرْعِبٌ

رُعْبُوبٌ *кўп.* رَعَابِيبُ 1) ёш қиз, бўйга етган қиз, 2) гўзал қиз

I رَعَدَ (*а*) رَعْدٌ 1) гумбурламоқ, қалдирамоқ; (اَلدُّنْيَا) تَرْعَدُ السَّمَاءُ момақалдироқ гумбурлаяпти; ~ وَ بَرَقَ *қар.* بَرَقَ; 2) (*к. гадир*) таҳдид қилмоқ, таҳдид солмоқ (لِـ); IV أَرْعَدَ 1) титратмоқ, қалтиратмоқ; 2) أُرْعِدَ қўрқувга тушмоқ, даҳшатга тушмоқ; VIII ارْتَعَدَ қалтирамоқ, титрамоқ; خَوْفًا ~ қўрқувдан қалтирамоқ; ~تْ فَرَائِصُهُ *қар.* فَرِيصَةٌ

– رَعَّادٌ *жам. зоол.* думи ингичка япалоқ балиқлар, скатлар

– رَعَّادَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — *зоол.* думи ингичка япалоқ балиқ

– رَعْدٌ *кўп.* رُعُودٌ момақалдироқ

– رَعْدَةٌ[1] *кўп.* رَعَدَاتٌ момақалдироқнинг гулдураши

– رَعْدَةٌ[2], رِعْدَةٌ қалтираш, титраш, титроқ; اَلْخَوْفِ ~ қўрқувдан қалтираш; сесканиш, сапчиш

– رَعْدِيٌّ момақалдироққа оид; ~ـةٌ عَاصِفَةٌ момақалдироқли бўрон

– رِعْدِيدٌ *кўп.* رَعَادِيدُ 1) қўрқоқ; 2) аҳмоқ, тентак

رَعْرَعَ 1) ўстирмоқ, етиштирмоқ; 2) янги бўлмоқ, тоза бўлмоқ; تَرَعْرَعَ ўсмоқ, бўйга етмоқ; ривожланмоқ; гуллаб-яшнамоқ

– رَعْرَاعٌ 1) қомати келишган, хушқомат; 2) гуллаб-яшнаётган;3) *бот.* қамиш (inila arabika); أَيُّوبَ ~ *бот.* бурган (*ўсимлик*)

– رَعْرَعٌ 1) қомати келишган; 2) гуллаб-яшнаётган

مِرْعِزَاءُ =مِرْعِزِيٌّ

– مِرْعِزِيٌّ эчкининг жуни остидаги майин тук

I رَعَشَ (*а*) رَعْشٌ титрамоқ, қалтирамоқ; титроқ босмоқ; IV أَرْعَشَ титратмоқ, қалтиратмоқ; титроқ босмоқ; VIII ارْتَعَشَ титрамоқ, қалтирамоқ; مِنَ الْبَرْدِ ~ совуқдан титрамоқ

– ارْتِعَاشٌ қалтираш, қалтироқ; شَيْخُوخِيٌّ ~ кексаликдаги қалтираш; هَذَيَانِيٌّ ~ ичкиликдан келиб чиқадиган касаллик

– رَعَّاشٌ 1) қаттиқ қалтираётган; 2) *зоол.* думи ингичка япалоқ балиқ

– رُعَاشِيٌّ ~ هَذَيَانٌ ичкиликдан келиб чиқадиган касаллик

– رَعْشٌ, رَعَشٌ қалтироқ, қалтираш

– رَعْشَةٌ қалтираш, қалтироқ; اَلْحُمَّى ~ иситма қалтироғи

– مُرْتَعِشٌ қалтираётган, титраётган

– مُرْعَشٌ қалтираётган, титраётган

I رَعَصَ (*а*) رَعْصٌ силкитмоқ, титратмоқ; ҳаракатга келтирмоқ; V تَرَعَّصَ эгилмоқ, букилмоқ, тўлғанмоқ; буралмоқ, ўралмоқ; VIII ارْتَعَصَ =V

I رَعِفَ (رعف) (*а*) رَعَفٌ *ёки* رَعَفَ (*у*) رُعَافٌ, رَعْفٌ (*бурундан*) қон келмоқ (кетмоқ)

– رَاعِفٌ *кўп.* رَوَاعِفُ бурунниng учи

– رَاعُوفَةٌ қудуқ бошига қўйилган тош (*унинг устига оёқ қўйиб сув олинади*)

– رَعِيفٌ, رُعَافٌ (*бурундан*) қон оқиши

– مَرْعُوفٌ бурундан қон оқиш касалига мубтало бўлган

رُعْلَةٌ *кўп.* رُعْلٌ гулчамбар, чамбарак; гул ўрами (*гирлянда*)

– رَعِيلٌ *кўп.* أَرْعَالٌ, رِعَالٌ 1) гуруҳ, группа; 2) бир қатор; 3) *ҳарб.* взвод; эшелон

رُعَامٌ 1) *вет.* манқа (*отларда учрайдиган юқумли касаллик*); 2) шиллиқ, шилимшиқ

I رَعَنَ (رعن) (*у*) رُعُونَةٌ анқов бўлмоқ, овсар бўлмоқ, бефаҳм бўлмоқ, бефаросат бўлмоқ; رَعَنَ (*у*) رُعُونَةٌ 1) *қар.* رَعُنَ; 2) офтоб урмоқ; ~تْهُ الشَّمْسُ уни офтоб урди

– أَرْعَنُ *мн.* رُعْنَاءُ *кўп.* رُعْنٌ анқов, овсар, бефаҳм, бефаросат; ўйлаб қилинмаган

ётмоқ; (*бирор ерга*) узоқлашиб кетмоқ (إِلَى); ~ فِي الْمَنْزِلِ ташқарига чиқмай уйда ўтирмоқ; يُرْكَنُ إِلَيْهِ ишонса бўладиган, ишончли; 5) четга суриб қўймоқ, чеккага қўйиб қўймоқ; ~ عَلَى الرَّفِّ токчага суриб қўймоқ; ишни орқага сурмоқ, чўзмоқ; II رَكَّنَ 1) қулфламоқ, қулфлаб беркитмоқ; 2) (*кийимни*) гардеробга илмоқ (*қўймоқ*); IV أَرْكَنَ (*к. гадир*) ишонмоқ, орқа қилмоқ, ишонч билдирмоқ (إِلَى); 2) (*н. гадир*) таянмоқ (إِلَى); ~ إِلَى الْفِرَارِ қочиб қолмоқ; VIII ارْتَكَنَ (*бирор н. га*) суянмоқ, таянмоқ (إِلَى)

– إِرْكَانٌ (*бирор н. га*) ишонч, ишониш, иймони комиллик (إِلَى)

– رَكَانَةٌ улуғворлик, жиддийлик, салобат, басавлатлилик, савлатлилик; жиддий қиёфа

– رُكْنٌ *кўп.* أَرْكَانٌ 1) колонна; устун, столб, таянч, тамба; 2) бурчак; 3) асосий, таркибий қисм; 4) асос; أَرْكَانُ الْحَرْبِ *ҳарб.* бош штаб رَئِيسُ (هَيْأَةِ) أَرْكَانِ الْحَرْبِ бош штаб бошқармаси бошлиғи; أَرْكَانُ الْحَرْبِ لِلْقُوَّاتِ الْمُسَلَّحَةِ қуролли кучлар штаби; أَرْكَانُ الْحَيَاةِ الْاِقْتِصَادِيَّةِ иқтисодий ҳаёт асослари; أَرْكَانُ الْبِلَادِ мамлакат ҳаётининг негизлари; أَرْكَانُ الدِّينِ дин арконлари; 5) рубрика, бурчак (*газета, журнал ёки радио-телеэшиттиришларда*)

– رُكْنَةٌ бурчак, муйлиш

– رُكْنِيٌّ бурчакка оид; ضَرْبَةٌ ~ *спорт.* бурчакдан туриб тепиш

– رُكُونٌ ишонч

– رَكِينٌ 1) пишиқ, мустаҳкам, қаттиқ; 2) жиддий, басавлат, савлатли, виқорли, пурвиқор; 3) асосий

– مُرَاكَنَةٌ унаштириш, унаштириб қўйиш (*Жазоирда*)

– مِرْكَنٌ *кўп.* مَرَاكِنُ кир ювадиган тоғора

I (ركو) رَكَا (*у*) رَكْوٌ 1) кавламоқ; 2) (*қаердадир*) қолмоқ, бўлмоқ, турмоқ (ب ,في); II رَكَّى суямоқ, тираб ўрнатмоқ; ... مِرْفَقَيْهِ عَلَى ...га тирсак билан таянмоқ, ...га тираб турмоқ; VI تَرَاكَى тўхташ жойига яқинлашмоқ, келиб тўхтамоқ

– رَكْوَةٌ *кўп.* رَكَوَاتٌ қаҳва идиши; қаҳва қайнатгич

– رَكِيَّةٌ *кўп.* رَكَايَا қудуқ

I (رمم) رَمَّ[1] (*а/у*) رُمٌّ тузатмоқ, ремонт қилмоқ, таъмирламоқ; لَا يُرَمُّ тузатиб бўлмайдиган, тўғрилаш мумкин бўлмаган; رَمَّ[2] (*а/и*) رِمَّةٌ чиримоқ, иримоқ, айнимоқ, бузилмоқ, сасимоқ; I رَمَّ (*у*) رَمٌّ, مَرَمَّةٌ шох-шаббани оғзига олиб емоқ (*ҳайвон ҳақида*); II رَمَّمَ 1) = رَمَّ[1]; 2) шаффоф қоғоз қўйиб нусха кўчирмоқ; калкага нусха олмоқ; IV أَرَمَّ = رَمَّ[2]; V تَرَمَّمَ таъмирланмоқ, тузатилмоқ; X اسْتَرَمَّ таъмир талаб бўлмоқ, ремонтга муҳтож бўлмоқ

– تَرْمِيمٌ 1) тузатиш, таъмир қилиш, таъмир; 2) нусха олиш, калкага нусха тушириш

– تَرْمِيمَاتٌ *кўп.* таъмирлаш ишлари

– رُمَامٌ чириган, ириган; чириб битган

– رَمٌّ чириш, бузилиш

– رُمٌّ бойлик, давлат; جَاءَ بِالطَّمِّ وَ الـ~ катта бойлик билан қолмоқ

– رُمَّةٌ *кўп.* رُمَمٌ, رُمٌ 1) арқон, чилвир; 2; мажму, жам, тўплам; بِـ~ـهَا барчаси, ҳаммаси, тўлалигича

– رِمَّةٌ *кўп.* رِمَمٌ, رِمَامٌ 1) чириган суяклар; 2) жасад, мурда; ўлимтик, ўлакса

– رَمِيمٌ 1) чириган; чириб битган; 2) чириган суяклар

– مُرَمِّمٌ 1) таъмирловчи, таъмир ишларини олиб борувчи; 2) таъмир ишларида ишловчи

– مَرَمَّةٌ таъмир, ремонт

– رَمَثٌ *кўп.* رِمَاثٌ, أَرْمَاثٌ сол (*дарё ва сувлардаги*)

I رَمَحَ (*а*) رَمْحٌ 1) найза отмоқ, найза санчмоқ, найза ирғитмоқ; 2) тепмоқ, тепиб юбормоқ; 3) сакраб чопмоқ (*от ҳақида*), 4) (*бирор жойга*) интилмоқ, ҳаракат қилмоқ, шитоб билан ёпирилмоқ (إِلَى); 5) тезлашмоқ, шиддатли бўлмоқ; الْفَرَسُ ~ от тепди; II رَمَّحَ 1) (*отни*) югуртириб чоптирмоқ, чоптириб ҳайдамоқ; 2) найза ясамоқ; وَ ~ صَفَّحَ *маж.* қурол-яроқ ясамоқ

– رَامِحٌ найзали, найзаси (*қурол*) бор; السَّمَكُ الـ~ *астр.* Арктур (*Ҳўкизбоқар юлдуз туркумининг энг равшан α-катталикдаги юлдузи*) (*шунингдек, қар.* سِمَاكٌ)

– رِمَاحٌ *кўп.* رِمَاحَةٌ найза билан қуролланган; *тар.* найза билан қуролланган аскар

– رِمَاحَةٌ чопиш, югуриш, сакраб чопиш

– أَرْمَاحٌ, رِمَاحٌ *кўп.* رُمْحٌ найза

– مِرْمَاحٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) саҳна, арена, цирк; 2) отчопар, ипподром

– مِرْمَحٌ = مِرْمَاحٌ

(رمح) VIII اِرْتَمَحَ тугамоқ, тамом бўлмоқ (*куч ҳақида*)

I رَمِدَ (*а*) رَمَدٌ 1) кўзи оғримоқ 2) кўз оғриғига мубтало бўлмоқ; II رَمَّدَ كُلَةً (чўнқа) кўммоқ; 2) ёқмоқ, куйдирмоқ, кулга айлантирмоқ; الْجُثَّةَ ~ жасадни куйдирмоқ; IV أَرْمَدَ кўзи оғримоқ; V تَرَمَّدَ кулга айланмоқ, кул бўлмоқ; 2) кул билан қопланмоқ, устини кул босмоқ; 3) кўзи оғримоқ

– أَرْمَدُ *мн.* رَمْدَاءُ *кўп.* رُمْدٌ 1) кўзи оғриган, кўзи оғриқ; 2) кулли

– تَرْمِيدٌ ёқиш, кулга айлантириш; (الْجُثَثِ) الْمَوْتَى ~ мурдаларни куйдириш

– رَمَادٌ *кўп.* أَرْمِدَةٌ кул; ذَرِّيٌّ ~ радиоактив кул; الْجُثَّةِ الْمَحْرُوقَةِ ~ куйдирилган жасаднинг хоки; مَاءُ الـ~ кул суви (*кир ювиш учун*

*ишлатиладиган ишқор*); ◊ ذَرَّ الـــ~ فِي الْعُيُونِ мақтаб алдамоқ; تَنْفُخُ فِي الـــ~ *мкл.* зиёнингга иш қиляпсан (*сўзма-сўз:* сен кулга қараб пуфлаяпсан)

– رَمَادِيٌّ кулранг, кулга оид; ~ حُزْنٌ *маж.* қаттиқ ғам, изтироб

– رَمَدٌ *мед.* кўз оғриғи; الـــ~ الْحُبَيْبِيُّ юқумли кўз оғриғи, трахома

– رَمِدٌ, رَمْدَانُ кўзи оғриган, кўзи касал

– رَمَادٌ = رِمْدَاءٌ

– رَمَدِيٌّ *шунингдек:* ~ طَبِيبُ кўз доктори, окулист

رَمْرَمَ танламасдан овқатланмоқ, ўнг-тесига қарамай емоқ

– رَمْرَمَةٌ танламай (ўнг-тесига қарамай) овқатланиш

– رَمْرَامٌ танламай (ўнг-тесига қарамай) овқатланувчи

I رَمَزَ (*у, и*) رَمْزٌ (*бирор н. га*) ишора қилмоқ, имо қилмоқ (ب); 2) (*н. нидир*) рамзий ифодаламоқ (إِلَى ,ـــ), (*н. нингдир ёрдамида*) рамзий ифодаламоқ (ب); 3) англатмоқ, далолат бермоқ; белги (*ишора ёки рамз*) ёрдамида ифода қилмоқ; VIII اِرْتَمَزَ (*н. нингдир ёрдамида*) рамзий ифодаланмоқ (ب)

– رَامُوزٌ *кўп.* رَوَامِيزُ намуна, нусха; (*н. нингдир*) айнан нусхаси, факсимиле

– رَمْزٌ *кўп.* رُمُوزٌ 1) белги, рамз; 2) имо, имо-ишора; 3) тахаллус, яширин ном

– رَمْزِيٌّ 1) рамзий, символик; ~ هَدِيَّةٌ рамзий ҳадя (совға); 2) шифрланган шартли белгилар билан ёзилган

– رَمْزِيَّةٌ: الـــ~ символизм

I رَمَسَ (*у*) رَمْسٌ 1) кўммоқ, дафн қилмоқ; кўмиб қўймоқ, чўмиб ташламоқ; 2) беркитмоқ, яширмоқ; IV أَرْمَسَ = I; VIII اِرْتَمَسَ чўкмоқ, ботмоқ, чўктирилмоқ (*сувга*)

– رَامُوسٌ *кўп.* رَوَامِيسُ қабр, гўр

– رَمْسٌ *кўп.* أَرْمَاسٌ, رُمُوسٌ қабр, гўр, гўр дўнги

– مَرْمَسٌ қабр ўрни

I رَمَشَ (*у*) رَمْشٌ 1) бармоқлар учида ушламоқ; 2) кўз қисмоқ; киприк қоқмоқ

– رَمْشٌ қовоқнинг яллиғланиши, кўз терисининг яллиғланиши, конюктивит

– رِمْشٌ *кўп.* رُمُوشٌ киприк

– رَمْشَةٌ *кўп.* رَمَشَاتٌ кўз қисиш, киприк қоқиш; ◊ بِـــ~ الْعَيْنِ кўз юмиб-очгунча, жуда тез

I رَمِصَ (*а*) رَمَصٌ йиринглашмоқ (*кўз ҳақида*)

– أَرْمَصُ *мн.* رَمْصَاءُ *кўп.* رُمْصٌ кўзида йиринги бор, йиринглаган кўзли

– رَمَصٌ 1) кўзнинг йиринги; 2) салқиганлик, кўп ухлаб шишганлик

رَمِضَ (*а*) رَمَضٌ қизимоқ, қизиб чўғ бўлмоқ; IV أَرْمَضَ 1) қизитмоқ, куйдирмоқ, жазирама бўлмоқ; 2) оғритмоқ, азоб бермоқ; 3) ҳалокатга олиб борадиган иш қилмоқ; ◊ ـــهُ التَّعْبُ~ у жуда қаттиқ чарчаган

– أَرْمَضُ *мн.* رَمْضَاءُ *кўп.* رُمْضٌ жазирама иссиқда қолган

– رَمَضٌ *мед.* офтоб уриш

– رَمِضٌ жазирама иссиқда қолган

– رَمْضَاءُ жазирама иссиқ; كَالْمُسْتَجِيرِ مِنَ الـــ~ بِالنَّارِ *маж.* қордан қутулиб ёмғирга тутилмоқ (*сўзма-сўз:* жазирамадан қутулишни сўраб оловга мурожаат қилган киши каби)

– رَمَضَانُ рамазон (*ҳижрий-қамарий тақвимнинг 9-ойи, 30 кун*)

رُمَاعٌ دَاءُ الـــ~ қонсизлик, камқонлик касали

I رَمَقَ (*у*) رَمْقٌ қарамоқ, боқмоқ; тикилиб қарамоқ; ـــهُ بِنَظَرَاتٍ~ سَيِّئَةِ النِّيَّةِ кимгадир ёмон назар ташламоқ; II رَمَّقَ 1) узоқ вақт тикилиб қарамоқ; 2) бир илож қилиб бажармоқ, йўлга қўймоқ, йўлга солмоқ; الْعَيْشَ تَرْمِيقًا ~ аранг тирикчилик ўтказмоқ; III رَامَقَ кимнингдир изидан бора туриб ўзини эҳтиёт қилмоқ

– تَرْمِيقٌ наридан-бери қилинган иш, чала-чулпа иш

– رَمَقٌ *кўп.* أَرْمَاقٌ жони узилаётган кишининг сўнгги нафаси; عَلَى ~ آخِرِ сўнгги нафасда; دَافَعَ عَنْهُ حَتَّى آخِرِ ~ сўнгги нафасгача кимнидир ҳимоя қилмоқ (*мудофаа қилмоқ*); ◊ أَمْسَكَ ـــهُ~ (*н. нидир*) еб қувватланиб олмоқ (ب); سَدَّ (أَقَامَ) بِهِ الـــ~ нима биландир ҳаётнинг сўнишига йўл қўймай турмоқ

– مَرْمُوقٌ ўзига эътиборни тортувчи; муҳим, эътиборли; ҳавас қилса арзийдиган (арзигули)

رَمَكَةٌ *кўп.* رِمَالٌ, ـــ اتٌ бия, байтал; *шахм.* от, асп

I رَمَلَ (*у*) رَمْلٌ, رَمَلَانٌ югурмоқ, чопмоқ; ~ بَيْنَ الصَّفَا وَ الْمَرْوَةِ Сафо ва Марва ўртасида югурмоқ (*ҳаж ибодати вазифаларидан*); II رَمَّلَ 1) сиёҳдаги ёзув устига қум сепиб қуритмоқ; 2) бева (тул) қолдирмоқ; IV أَرْمَلَ тул (бева) қолмоқ; V تَرَمَّلَ =IV

– أَرْمَلُ *кўп.* أَرَامِلُ, أَرَامِلَةٌ бева, тул (*эркак*)

– أَرْمَلَةٌ *кўп.* أَرَامِلُ тул аёл

– تَرَمُّلٌ бевалик, туллик

– رَمَّالٌ қумга қараб фол очувчи фолбин

– رَمَلٌ[1] югуриш, чопиш

– رَمَلٌ[2] рамал (*аруз баҳрларидан бири*)

– رَمْلٌ *кўп.* رِمَالٌ қум; أُمُّ رِمَالٍ сиртлон, ёлдор бўри; الـــ~ الْبَوَّانِيُّ *мед.* қовуқдаги қум (тош), тош келиш касали; أَحْنَى (وَضَعَ) رَأْسَهُ فِي الـــ~ (كَالنَّعَامَةِ) *маж.* (*туяқуш каби*) бошини қум остига яширмоқ; بَنَاهُ عَلَى الـــ~ *кўч. м.* хом хаёл қилмоқ, хом хаёлларга берилмоқ; أَسَّسَهُ عَلَى الرِّمَالِ *кўч. м.* ниманидир хом хаёл асосида

бажармоқ; ~ الـــ (عِلْمُ) ضَرْبُ қумга қараб фол очиш

– رَمْلَةٌ қумлоқ тупроқ; ернинг қумлоқ қисми

– رَمْلِيٌّ 1) қумли, қумга оид; ~ـــةٌ سَاعَةٌ қум соат; الْعَاصِفَةُ الـــ~ـــةُ қумли бўрон

– مِرْمَلَةٌ қумдон, қум идиши

رُمَّانٌ *жам. бот.* анорлар (*дарахти ва меваси*)

– رُمَّانَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ анор (*дарахти ва меваси*): 2) (*мих ва ҳ. к. нинг*) қалпоқчаси; шиш, ғудда, ғурра, думалоқ тутқа (*мас., ҳассадаги*); 3) (*катта. жин тарозулардаги*) вазн ўлчовчи сурма тош; 4) *ҳарб.* граната; ~ حَيَّةٌ жанговар (ҳақиқий) граната; ~ خَرْسَاءُ ўқув гранатаси; ~ يَدَوِيَّةٌ қўлда ирғитиладиган граната

– رُمَّانِيٌّ анор рангли, анорранг, оч қизил; ~ يَاقُوتٌ *мин.* ёқут

I رَمَى (*и*) رَمْيٌ 1) ирғитмоқ, отмоқ; ирғитиб ташламоқ, ташлаб юбормоқ; 2) отмоқ, ўққа тутмоқ, (*н. билан дир*) отмоқ (ب); 3) (*бирор н. да*) айбламоқ (ب); رَمَتْنِي بِدَائِهَا وَ انْسَلَّتْ *мқл.* гуноҳсизнинг елкасига осмоқ; 4) (*бирор н. га*) интилмоқ, (*н. нидир*) мақсад қилиб қўймоқ. нишонга (мўлжалга) олмоқ (إِلَى); بَيْنَهُمْ ~ орасига нифоқ солмоқ; بِسَهْمٍ ~ (*бирор н. га*) ўз улушини қўшмоқ. ҳиссасини қўшмоқ (في); ~ ◊ بِحَجَرِهِ عَلَى غَارِبِهِ *маж.* ўз ҳолича ташлаб қўймоқ, инон-ихтиёрни қўлига топширмоқ; III رَامَى бир-бирига отишмоқ; IV أَرْمَى ирғитмоқ; أَرْمَاهُ عَنْ فَرَسِهِ отидан қулатмоқ; VI تَرَامَى 1)(*к. нингдир устига*) қўплашиб ташланмоқ (عَلَى); (*к. гадир*) ташланмоқ (عَلَى); ~ بَيْنَ ذِرَاعَيْهِ кимнингдир қучоғига отилмоқ (ташланмоқ); ~ بَيْنَ قَدَمَيْهِ кимнингдир оёқлари остига тиз чўкмоқ; 2) сочилиб (тарқалиб) кетмоқ. бир-биридан узоқлашиб кетмоқ; ёйилиб кетмоқ; чўзилиб кетмоқ; 3) (*н. нидир*) бир-бирига ташламоқ (оширмоқ) (ب); 4) (*к. гадир. н. гадир*) етиб бормоқ (إِلَى); ... أَنَّ ~ إِلَيْهِ у билдики,...; ~ إِلَى أُذُنَيْهِ унинг қулоғига етиб бордики, ...; VIII ارْتَمَى 1) ташланмоқ, ташланиб юборилмоқ; 2) ётмоқ, чўзилиб ётмоқ; 3) (*к. гадир*) ташланмоқ, ёпирилмоқ (عَلَى); 4) қуламоқ, йиқилмоқ; عَلَى ~ الْأَرْضِ ерга қуламоқ (*йиқилмоқ*); عَلَى قَدَمَيْهِ ~ оёқларига ташланмоқ (йиқилмоқ)

– تَرَامٍ сочилишлик, сочилиб ётишлик; تَرَامِي الْأَطْرَافِ бепоёнлик, кенглик

– رَامٍ *мн.* رَامِيَةٌ *кўп.* رُمَاةٌ 1) ирғитувчи, нишонга олувчи; رَامِي الْقُرْصِ *ёки* الْمِطَّةِ *спорт.* диска ирғитувчи, дискобол; 2) ўқчи, мерган; الرَّامِي *астр.* Қавс (*юлдузлар туркуми*); سَهْمُ الرَّامِي *астр.* Қавс ўқи (*Ёй*)

– رِمَايَةٌ отиш, ўқ отиш; ~ـــ الـــ عَلَى الْأَطْبَاقِ *спорт.* ликопчаларга отиш

– رَمْيٌ 1) отиш, ирғитиш; (الْقُرْصِ) ~ الْمِطَّةِ *спорт.* диск ирғитиш; ~ الرُّمْحِ найза ирғитиш (отиш); 2) отиш, отишиш, ўқ отиш; ~ بِالرَّصَاصِ (إِعْدَامٌ) отиб ўлдириш

– رَمْيَةٌ *кўп.* رَمَيَاتٌ ирғиш, човут. бир ташланиш; حُرَّةٌ ~ эркин тепиш; 2) ўқ отиш, ўқ узиш: سَهْمٍ ~ عَلَى отилган ўқ масофасича: رَامٍ ~ مِنْ غَيْرِ رَامٍ *мқл.* баъзан эшак ҳам отнинг қилиғини қилади (*сўзма-сўз:* мерган бўлмаган одам ҳам баъзан яхши отади)

– رَمِيَّةٌ *кўп.* رَمَايَا ёввойи қуш, ҳайвон

– مُتَرَامٍ *мн* مُتَرَامِيَةٌ 1) (*к. давдир. н. давдир*) узоқдаги, узоқлашган (مِنْ); 2) кенг тарқалган (ёйилган); مُتَرَامِي الْأَطْرَافِ кенг, бепоён; شَجَرَةٌ مُتَرَامِيَةُ الْأَغْصَانِ шохлари тарвақайлаб кетган дарахт

– مِرْمَاةٌ 1) камалакнинг кичкина ўқи; 2; туёқ

– مَرْمًى *кўп* مَرَامٍ 1) эришиб бўладиган даража, қўлга киргизиб бўладиган даража; ўраб олиш; ~ النَّظَرِ кўриш майдони. кўриш мумкин бўлган масофа; ~ـــ الـــ بَعِيدُ узоққа отадиган (*қурол ҳақида*); لَمَحْنَاهُ عَلَى ~ الْعَيْنِ у назаримиз остида эди (*сўзма-сўз:* уни назаримиз тушиши мумкин бўлган жойда кўрдик); ~ كَانَ عَلَى حَجَرٍ *маж.* у жуда яқинда эди (*сўзма-сўз:* у тош ирғитиш мумкин бўлган жойда эди); 2) нишон, мўлжал; *кўч. м.* хоҳиш, истак; ~ الْمَدَافِعِ тўп (қурол) отишни машқ қиладиган жой, полигон; 3) *спорт.* дарвоза; أَنْقَذَ مَرْمَاهُ مِنْ كُرَتَيْنِ у ўз дарвозасини икки тўпдан сақлаб қолди

– مَرْمِيٌّ ирғитиладиган, отиладиган

– مَرْمِيَّاتٌ *кўп. спорт.* ирғитиш асбоб-анжомлари

I رَنَّ (*а,и*) رَنِينٌ, رَنٌّ 1) жирингламоқ; жарангламоқ; гумбурламоқ; (*мас., қўлда пиньгаларни*) жиринглатмоқ, шилдиратмоқ; الْفَارِعُ يَرِنُّ الْأَرْمِيلَ *мқл.* қуруқ қошиқ оғизни йиртади (*сўзма-сўз:* бўш бочка қалдирайди); IV أَرَنَّ овоз чиқармоқ, жиринглатмоқ, жаранглатмоқ; ~ـــ الْقَوْسُ ёй овоз чиқарди

– رَنٌّ жаранг, жиринг. жаранг-журинг

– رَنَّانٌ 1) жарангдор, жангиллаган; дабдабали (тантанавор) (*нутқ*); 2) хотин-қизларнинг энг паст (йўғон) овози

– رَنَّةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ жаранг. жаранглаган овоз; узоқдан янграган товуш; шикоятомуз товуш (овоз)

– رَنَّةٌ[2] *кўп.* اتٌ ـــ оҳу, кийик

– رَنِينٌ 1) жаранглаш, жиринглаш; шикоятомуз товушлар; 2) гумбурлаш, қалдираш; 3) акс-садо; резонанс

– رَنِينِيٌّ резонансга олд

– رَنِينٌ жарангдор; жаранглаган, ўткир, оҳангдор

– مِرَنَّانٌ жарангдор

الـــ~ التَّرْوِيجِيَّةُ сельд (*балиқнинг тури*); Норвегия сельди; الـــ~ الرُّوسِيَّةُ рус сельди

(رنح) II رَنَّحَ 1) силкитмоқ, тебратмоқ, чайқалтирмоқ, ликиллатмоқ; أَعْطَافَهُ ~ بِنَفْسِهِ ўзидан мағрурланиш ҳисси димоғини ширириб юборди (*сўзма-сўз:* ўзидан мағрурланиш ён-атрофини тебратиб юборди); 2) бош айланишига сабаб бўлмоқ; V تَرَنَّحَ 1) силкинмоқ, тебранмоқ, чайқалмоқ, ликилламоқ; 2) зўрға оёқда турмоқ; ◊ رَهْوًا وَ تِيهًا ~ керилмоқ, чиранмоқ

– مُتَرَنِّحٌ 1) силкинувчи, силкиниб турган, тебранувчи; таги маҳкам ўрнатилмаган, ликиллаб турган; الْأَعْطَافِ ~ шодликдан ичига сиғмай кетган; ўзида қаттиқ хурсанд; 2) ширакайф, озгина кайфи бор

– مَرْنَحَةٌ *кўп.* مَرَانِحُ (*кеманинг*) олд қисми, бурни

(رنح) II رَنَّحَ. بِالْمَكَانِ ~ ўрнида қолмоқ. ўз жойида қолмоқ; *кўч. м.* диккайиб турмоқ, тиккайиб турмоқ

رَنْدٌ ранд (*Жаддда ўсадиган ўсимлик*); дафна дарахти, лавр

رَنَّدَ куйламоқ, мадҳия ўқимоқ

– تَرْنِيدَةٌ куйлаш, мадҳ қилиш, мадҳия ўқиш

رُنْزٌ гуруч

(رنف) IV: أَرْنَفَ ~ تِ النَّاقَةُ بِأُذُنِهَا туя чарчоқнинг зўридан қулоқларини осилтирди

I (رنق) رَنَقَ (*а*) رَنَقٌ лойқаланмоқ, булғанмоқ (*сув*); II رَنَّقَ 1) тикилиб қарамоқ; النَّظَرَ إِلَيْهِ ~ кимгадир тикилиб қараб турмоқ; 2) лойқалатмоқ, булғамоқ; بِالْمَكَانِ ~ ўз жойида қолмоқ, ўрнида қолмоқ; *кўч. м.* диккайиб турмоқ, тиккайиб турмоқ; 2) парвоз қилмоқ (*қуш ҳақида*); 3) лойқалатмоқ (*мас., сувни*); 4) (*тинчини*) бузмоқ; IV أَرْنَقَ (*мас., сувни*) лойқалатмоқ

– رَنَقٌ, رَنَقٌ лойқа

رُنُوكٌ *кўп.* رُنْكٌ герб

– رَنْكَةٌ *кўп.* ـَاتٌ сельд (*балиқ тури*)

I رَنَمَ (*а*) رَنِيمٌ куйламоқ, ашула айтмоқ; II رَنَّمَ чириллаб куйламоқ (сайрамоқ); V تَرَنَّمَ тараннум қилмоқ, куйламоқ; (*н. нидир*) куйлагандек гапирмоқ (ب)

– تَرْنِيمَةٌ *кўп.* ـَاتٌ, تَرَانِيمُ қўшиқ, ашула; нашида, гимн; تَرَانِيمُ *кўп.* тантанали руҳда ёзилган қўшиқ

– رَنِيمٌ овоз, товуш

I (رنو) رَنَا (*у*) رُنُوٌّ (*к. гадир*) тикилиб қарамоқ. (*к. гадир*) назарини (кўзини) тикмоқ (إِلَى); II رَنَّى 1) хурсанд қилмоқ, севинтирмоқ, қувонтирмоқ; 2) тараннум қилмоқ, куйламоқ, ашула айтмоқ

I رَهِبَ (*а*) رَهَبٌ қарамоқ. хавфсирамоқ; II رَهَّبَ қўрқитмоқ, даҳшат солмоқ; IV أَرْهَبَ қўрқитмоқ, қўрқитиб юбормоқ; жабр ўтказмоқ. жисмоний зўрлик қилмоқ, террор қилмоқ; V تَرَهَّبَ 1) дўқ (пўписа) қилмоқ, таҳдид қилмоқ, хавф туғдирмоқ, қўркитмоқ; 2) роҳиб бўлмоқ, монах бўлмоқ; VI تَرَاهَبَ бир-биридан қўрқмоқ, хавфсирамоқ; X اسْتَرْهَبَ = IV

– إِرْهَابٌ 1) қўрқитиш, хавф солиш; 2) *шунингдек:* قُوَّةُ الـــ~ террор; الـــ~ الْأَبْيَضُ оқ террор; الـــ~ الْأَسْوَدُ қонли (қора) террор

– إِرْهَابِيٌّ 1) терроризм оид, террористик, الْإِجْرَاءَاتُ الـــ~ـــةُ террористик ҳаракатлар (фаолиятлар). 2) террорист

– تَرَهُّبٌ 1) қўрқитиш, дўқ (пўписа) қилиш; 2) роҳибликни (монахликни) қабул қилиш; عَيْشَةُ الـــ~ роҳибий ҳаёт, монахлик ҳаёти; حَدِيثُ الـــ~ шогирд роҳиб, роҳибликка тайёрланаётган одам

– تَرْهِيبٌ қўрқитиш, хавф солиш, даҳшат солиш

– رَاهِبٌ *кўп.* رُهْبَانٌ роҳиб, монах; إِبْرَةُ الـــ~ *бот.* геран

– رَاهِبَةٌ *кўп.* ـَاتٌ роҳиба, монах аёл

– رَهَابَةٌ, رُهَابَةٌ, رَهَابٌ *кўп. анат.* кўкрак суягининг пастки қисми

– رَهْبَةٌ хавф, қўрқиш, ҳадик, қўрқув; أَوْ رَغْبَةً ~ қўрқувдан ёки ихтиёрий равишда; ноилож, истар-истамас

– رَهْبَى, رُهْبَى қўрқиш, қўрқув, ҳадик

– رَهْبُوتٌ қўрқинч, ваҳима, даҳшат

– رَهِيبٌ қўрқинчли, даҳшатли, ваҳимали; إِيفَانُ الـــ~ *тар.* Иван Грозний

(رهبن) تَرَهْبَنَ роҳиб бўлмоқ, монах бўлмоқ

– رَهْبَانِيٌّ роҳиб (монах)га оид, роҳиб (монах)ликка оид

– رَهْبَانِيَّةٌ роҳиблик, монахлик

– رَهْبَنَةٌ 1) роҳиб (монах)ликни қабул қилиш; монахлик, роҳиблик

(رهج) IV أَرْهَجَ 1) чангитмоқ, тўзитмоқ, чанг кўтармоқ; 2) (*к. ларнингдир орасига*) низо солмоқ, низо уруғини сепмоқ (بَيْنَ)

– رَهَجٌ, رَهْجٌ 1) гард, чанг, тўзон; 2) қават-қават булутлар; 3) низо, ғавғо, ғулғула

(رهش) VIII ارْتَهَشَ *вет.* елиб бораётганда отнинг оёқлари чалишиб яраланмоқ

– رَاهِشٌ, رَاهِشَةٌ *кўп.* رَوَاهِشُ қўлдаги томир (*юракнинг уришини билиш учун ушланадиган қисми*)

I رَهَصَ (*а*) رَهْصٌ асос солмоқ, пойдевор қўймоқ; IV أَرْهَصَ 1) асос солмоқ; 2) асосламоқ; 3) тайёрламоқ, ҳозирламоқ; имконият туғдирмоқ, имкон бермоқ, енгиллик туғдирмоқ; 4) (*бирор н. дан*) далолат бермоқ, дарак бермоқ, (*бирор н. ҳақида*) олдиндан башорат қилмоқ (ب)

– إِرْهَاصٌ 1) асос, пойдевор; 2) шарт-шароит, замин; 3) *кўп.* ـَاتٌ дарак, далолат, башорат, олдиндан башорат қилиш

– إِرْهَاصَاتٌ *кўп.* заколат

– رَاهِصَةٌ, رَوَاهِصُ *геол.* жинс; брекчия (*бирор минерал модда билан боғлиқ тоғ жинслари парчалари*) بُرْكَانِيَّةٌ ~ ҳар хил

тоғ жинсларининг қоришмаси

– رِهْصٌ деворнинг таги

I رَهَطَ (*а*) رَهْطٌ очкўзлик билан емоқ, ютмоқ

– رَهْطٌ[1] رَهَطٌ *кўп.* أَرْهَاطٌ 1) бир неча, бир нечта (*ўнгача*); оломон, тўда; гуруҳ, группа; 3) қариндош

– رَهْطٌ[2] *кўп.* қовурға устига боғланадиган боғич

I (رهف) رَهُفَ (*а*) رَهْفٌ чархламоқ, ўткирламоқ; رَهُفَ (*у*) رَهَافَةٌ 1) ўткирлашмоқ, ўткир бўлмоқ; 2) юпқа бўлмоқ, ингичка бўлмоқ; 3) кескинлашмоқ, таранглашмоқ; IV أَرْهَفَ чархламоқ, ўткирламоқ; 2) (*қулоқни*) динг қилмоқ, диққат билан тинглаб турмоқ; ~ أُذُنَيْهِ қулоқни динг қилмоқ, диққат билан тингламоқ; V تَرَهَّفَ юпқалашмоқ, нозиклашмоқ, ингичкаланмоқ

– رَهَافَةٌ 1) ўткирлик; 2) кескинлик, кескирлик; ~ الْحِسِّ сезгининг ўткирлашиши

– رَهِيفٌ 1) ўткир. кескир; 2) нозик, юпқа, ингичка; 3) қомати келишган

– مُرْهَفٌ 1) ўткир, ўткирланган, ўткирлашган; 2) кескинлашган, кучайган; ~ الْحِسِّ кучайган сезги; 3) сезгир, ўткир, зийрак

I رَهَقَ (*а*) رَهَقٌ 1) жабр қилмоқ, зулм ўтказмоқ, адолатсизлик қилмоқ; 2) қувиб етмоқ, етиб олмоқ; II رَهَّقَ ёмон деб ўйламоқ, айб қўймоқ, айбламоқ; III رَاهَقَ балоғат ёшига етмоқ, балоғатга етмоқ; IV أَرْهَقَ қийнамоқ, ташвишга солмоқ, машаққатга қўймоқ; эзмоқ, қисмоқ, зулм ўтказмоқ, зулм қилмоқ; الْأَعْصَابَ ~ асабга тегмоқ, таъсир қилмоқ; الذَّاكِرَةَ ~ хотирага зўр бермоқ

– إِرْهَاقٌ жабр қилиш, зулм ўтказиш; қийнаш

– رَهَقٌ зулм, гунох, аҳмоқлик

– رَهَقَانٌ *мед.* анкилостома, Миср камқонлиги

– مُرَاهِقٌ ўсмир, бўйга етган йигит

– مُرَاهِقَةٌ *кўп.* ات ـــ бўйга етган қиз

– مُرَاهَقَةٌ етуклик, балоғат, балоғатга етишлик

– مُرْهَقٌ ёмон деб билинган, ёмон гумон қилинган; ~ رَجُلٌ ёмон гумон қилинган одам

– مُرْهِقٌ машаққатга солувчи, ташвишга қўювчи; зулмкор, зулм қилувчи

I رَهِلَ (*а*) رَهَلٌ бўшашмоқ, шалпаймоқ, дармонсизланмоқ; шишган жойи халта бўлиб осилиб қолмоқ; V تَرَهَّلَ 1) бўшашмоқ, шалпаймоқ, дармонсизланмоқ; шишган жойи халта бўлиб осилиб қолмоқ; 2) сўлишмоқ, буришмоқ; осилиб тушмоқ, сангилламоқ; шалвираб осилиб турмоқ

– تَرَهُّلٌ 1) бўшашганлик, дармонсизлик; ~ الرُّوحِيُّ руҳий тушкунлик; 2) шалпайиш

– رَهِلٌ бўшашган, шалпайган

– مُتَرَهِّلٌ салқ...ин, осилиб халта бўлиб қолган, сўлғин

رَهْمَةٌ *кўп.* رِهَامٌ, رِهَمٌ майда ёмғир

– مَرْهَمٌ *кўп.* مَرَاهِمُ малҳам, суркайдиган малҳам дори, помада, крем; пластир; ~ بِنْسِلِين пеницилин мази; 2) балзам

I رَهَنَ (*а*) رَهْنٌ, رُهُونٌ чўзилмоқ, муддати узаймоқ, чўзилиб кетмоқ; 2) (*қаердадир*) тўхтаб турмоқ, қўниб ўтмоқ (بِ); 3) гаровга қўймоқ, гаровга қўйиб қарз олмоқ; III رَاهَنَ гаров ўйнамоқ, гаров бойламоқ, гаров-боғламоқ; ... عَلَى ~ ...га умид боғламоқ, ...га ишонмоқ; IV أَرْهَنَ 1) гаровга бермоқ, гаровга қўймоқ; 2) тайёрламоқ; أَرْهَنْتُ لَهُمُ الطَّعَامَ وَ الشَّرَابَ 3) мен уларга ейиш-ичишни тайёрлаб қўйдим; VI تَرَاهَنَ ўзаро гаров ўйнамоқ; VIII ارْتَهَنَ 1) (*н. нидир қилишни*) бўйинга олмоқ (بِ); 2) гаров сифатида олмоқ; 3) гаровга қўймоқ; 4) ارْتُهِنَ гаровга қўйилмоқ; гаров ҳисобланмоқ; 5) (*к. гадир, н. гадир*) боғлиқ бўлмоқ (بِ, عَلَى); X اسْتَرْهَنَ гаров талаб қилмоқ

– رَاهِنٌ[1] ниманидир гаровга қўйиб пул олувчи

– رَاهِنٌ[2] 1) замонавий; ҳозирги, ҳозирда мавжуд бўлган; الْحَالَةُ الرَّاهِنَةُ ҳозирги вазият, الظُّرُوفِ الرَّاهِنَةِ ҳозир мавжуд бўлган шароитда; 2) ҳақиқий, реал; 3) доимий, мустаҳкам; тайёр, тайёр ҳолатдаги; 4) ўзгармас. ўзгармайдиган, бўлиши муқаррар, шубҳасиз, бегумон; асосли, қатъий, далилли. ~ حَقِيقَةٌ чин ҳақиқат

– رِهَانٌ гаров ўйнаш, гаровга қўйиш; ~ كَسَبَ гаровда ютиб олмоқ; ◊ ~ خَيْلُ الرَّاهِنِ отлар, ипподром; هُمَا ~ كَفَرَسَيْ у иккиси мутлақо бир хил, мутлақо тенг; (*сўзма-сўз*: у иккиси чопқир отлар кабидир); ~ وَ قَدْ كَانَ وَ إِيَّاهُ كَفَرَسَيْ у иккиси беллашувда бир хил ютуққа эришишди

– رَهْنٌ 1) тобе; 2) *кўп.* رُهُونَاتٌ, رُهُونٌ, رِهَانٌ 1) гаров, 2) гаровга ушлаб турилган одам

– رَهْنَ (*н. нингдир*) мақсадида; ...гача; ...да, (*н. нингдир*) остида; ...га боғлиқ равишда; ...дан бери, ...дан буён; بَقَاءُ الْكُتُبِ رَهْنَ مَا حَوَتْ مِنْ مَنْفَعَةٍ китобларнинг умри унинг қанчалик фойдали эканлигига боғлиқдир ~ الْبَحْثِ لَا تَزَالُ هَذِهِ الْمَسَائِلُ бу масалалар ҳали ҳам муҳокамага (бахсга) мавзу бўлиб турибди; ~ تَضَعُ أَنْفُسَنَا إِشَارَتِكَ أَوْ أَمْرِكَ биз сенинг ихтиёрингдамиз. ~ إِنِّي менга битта ишора қилсанг бас (ва мен хизматингга тайёрман); ~ هُوَ التَّحْقِيقِ у ҳозир терговда; ~ الْاِعْتِقَالِ هُمْ улар ҳозир ҳибсда ётишибди; وَضَعَ ~ مَا يَتَطَلَّبُهُ شَيْئًا ниманидир талаб қилинган нарсага боғлиқ қилиб қўймоқ

– رَهْنِيَّةٌ *кўп.* ات ـــ гаров хати, тилхат

– رَهِينٌ 1) гаровга қўйилган;2) қарам, тобе; 3) гаровга қўйилган

нарса; قَضَى نِصْفَ عُمْرِهِ ~ أَسْوَارِ السِّجْنِ *маж.* у умрининг ярмини қамоқда ўтказди; أَعْمَالِهِ الرَّجُلُ ~ *мкл.* одамга қилган ишига қараб баҳо берадилар

– رَهِينَةٌ *кўп.* رَهَائِنُ 1) гаров, гаровга қўйилган нарса; 2) гаров сифатида ушлаб турилган одам; ◊ رَهَائِنُ الْمَلَاجِئِ ғарибхоналар масокинлари; الْمَطْبَخِ ~ كَانَتْ қозон, товоққа ўралишиб қолган эди (*сўзма сўз: у ошхонада гаровга ушлаб турилган эди*)

– مُرَاهَنَةٌ *кўп.* اتٌ — гаров, гаров ўйнаш, бахслашиш

– مُرْتَهِنٌ гаровга қўйилган нарсани олувчи киши

– مَرْهَنٌ *кўп.* مَرَاهِنُ гаровхона, ломбард (*нарсаларни гаровга олиб пул қарз берувчи жой*)

– مَرْهُونٌ 1) гаровга қўйилган; 2) (*бирор н. га*) тобе, (*н. биландир*) боғлиқ (ب); لِلْاتِّفَاقِ حَلَّ الْوَقْتُ الْـ~ иттифоқ тузиш вақти келди الْأُمُورُ مَرْهُونٌ بِأَوْقَاتِهَا ҳар нарсанинг ўз вақти бор

رَهْنَامَجٌ кема журнали (кундалиги)

I (رهو) رَهَا (*у*) رَهْوٌ 1) йўрғаламоқ, йўрғалаб юрмоқ; 2) кермоқ ~ بَيْنَ الرِّجْلَيْنِ иккала оёғини кермоқ; 3) тинчимоқ, сокин бўлмоқ; ~ الْبَحْرُ денгиз тўлқинланишдан тўхтади (тинчиди)

– رَهْوٌ[1] *кўп.* رَهَاءٌ *зоол.* турна

– رَهْوٌ[2] оғир, босиқ, вазмин, ўзини босиб олган

– رَهْوٌ[3] ёмғир ёки бошқа бирор сувнинг оқиб кетадиган йўли

رَهْوَنَ йўрғаламоқ, йўрғалаб юрмоқ (югурмоқ)

– رَهْوَانٌ йўрға от; ◊ ~ كَالْـ يَعْمَلُ жуда қаттиқ (ҳўкиздек) ишлайди (*сўзма-сўз:* у йўрға от каби ишлайди)

– رَهْوَنَةٌ йўрғалаб чопиш, йўрғалаш

(روو) II رَوَّأَ (*бирор н. га*) шошилмай қараб турмоқ (فِي)

– رَوِيَّةٌ шошилмай қараб туриш

I (روب) رَابَ (*у*) رَوْبٌ ивимоқ (*сут ҳақида*); II رَوَّبَ сутни ивитмоқ, қатиқ қилмоқ; IV أَرَابَ =II;

– رَائِبٌ қуюлган, ивиган (*сут*); қатиққа айланган сут

– رَوْبٌ қуюлтирилган (ивитилган) сут

– رُوبٌ *кўп.* اتٌ ـــ, أَرْوَابٌ кўйлак, кийим, устки кийим; ~ الْمُحَامَاةِ адвокатлик кийими, адвокатлар киядиган кийим (*мантия -форма*)

– رَوْبَانِيٌّ *кўп.* رَوْبَانِيُّونَ ачитқи ёки томизғи ичиб маст бўлган

– رَوْبَةٌ томизғи, оқлик

– رُوبَةٌ 1) томизғи, оқлик; 2) унумдор ер участкаси

– رَائِبٌ = مُرَوَّبٌ

رَوْبَصَةٌ ухлаётган кишининг ўзи сезмаган ҳолда ўрнидан туриши, баъзи бир ишлар қилиши

– مُتَرَوْبِصٌ ухлаётган ҳолда ўрнидан туриб, баъзи ишини бажарувчи киши

رُوبْلٌ *кўп.* اتٌ — рубль (*Россиядаги пул бирлиги*)

رُوبُوطٌ робот, ровот

رُوبِيرٌ *геод.* ернинг паст-баландини аниқлаш учун қўйиладиган белги, репер

رُوبِيَةٌ *кўп.* اتٌ — рупия (*пул бирлиги*)

رُوتِينٌ эски урф-одатларга кўр-кўрона эргашиш, рутина

– رُوتِينِيٌّ эскиликка берилган, қолоқ ~ـــةٌ بِصُورَةٍ эскиликка берилган ҳолда, қолоқларча

I (روث) رَاثَ (*у*) رَوْثٌ таппиламоқ, тезакламоқ (*ҳайвон ҳақида*)

– رَوْثٌ *кўп.* أَرْوَاثٌ тезак, таппи

I (روج) رَاجَ (*у*) رَوَاجٌ 1) тарқалмоқ, ёйилмоқ, кенгаймоқ; 2) сотилиб битмоқ, бозори чаққон бўлмоқ; 3) юрмоқ, муомалада бўлмоқ (*пул ҳақида*); 4) қизимоқ, қайнамоқ, жўнашмоқ (*бозор ҳақида*); II رَوَّجَ 1) ёймоқ, кенгайтирмоқ, тарқатмоқ; 2) сотмоқ, ўтказмоқ; 3) муомалага киритмоқ; 4) олдинга сурмоқ; ташвиқот қилмоқ, пропаганда қилмоқ

– تَرْوِيجٌ 1) кенгайтириш, тарқатиш; 2) сотиш, ўтказиш; 3) муомалага киритиш; 4) олдинга суриш, ривожлантириш

– رَائِجٌ 1) кенгайган, тарқалган; 2) бозори илдам (чаққон), харидоргир; 3) тез, чаққон (*бозор*); أَحْوَالُهُ ~ـــةٌ унинг ишлари жойида (маромида)

– رَوَاجٌ 1) кенгайиш, тарқалиш; 2) сотиш, ўтказиш; 3) айланиш, циркуляция; 4) *шунингдек* تِجَارِيٌّ ~ молга бўлган талаб

رُوجٌ қизил ёғ упа, қизил бўёқ

I (روح) رَاحَ (*у*) رَوَاحٌ 1) кетмоқ, жўнамоқ, жўнаб кетмоқ; юрмоқ; 2) кечқурун қайтмоқ; ~ وَ غَدَى эрта кетиб, кеч келмоқ; 3) бошламоқ; (*н. нидир*) қилишга тайёр турмоқ; رَاحَ يَكْتُبُ ёза бошламоқ; رَاحَ يَمُوتُ *халқ.* у ҳозир ўлади; ◊ ضَحِيَّتَهُ ~ ниманингдир қурбони бўлмоқ; رَاحَ (а/и) ҳид билмоқ, ҳидини топмоқ (олмоқ); II رَوَّحَ 1) уйга қайтмоқ, уйга қайтиб келмоқ; 2) дам бермоқ, ором бермоқ, тинчлик бермоқ; енгиллатмоқ; 3) салқин қилмоқ, салқинлатмоқ, ҳавосини тозаламоқ (янгиламоқ), ~ وَجْهَهُ بِمِنْدِيلٍ елпиғич билан елпимоқ; بِالْمِرْوَحَةِ ~ рўмолча билан бетни елпимоқ; عَنْ نَفْسِهِ ~ *ёки* عَنْ صَدْرِهِ ~ кўнгилхушлик (дилхушлик) қилмоқ, вақтичоғлик қилмоқ, дам олмоқ, роҳатланмоқ; тозаланмоқ, ҳавоси янгиланмоқ; 4) шамоллатмоқ, шабадалатмоқ; II[2] رَيَّحَ 1) тинчлик бермоқ, ором бермоқ, дам бермоқ; 2) ўтирмоқ, пасаймоқ, тоб ташламоқ (*иморат ҳақида*); III رَاوَحَ 1) (*н. нидир*) галма-гал қилмоқ, навбати билан қилмоқ (بَيْنَ); ~ فِي مَكَانِهِ депсинмоқ, оёқларни галма-галдан кўтариб босмоқ; ўрнида туриб депсинмоқ (қадамламоқ); ~ وَ عَادَى орқага ва олдинга юрмоқ; 2) (*к. нингдир олдига*) кечқурун бормоқ; أَغَادِيهِ وَ أُرَاوِحُهُ унинг олдига

эрталаб ва кечқурун бораман; VI[1] تَرَاوَحَ أَرَاحَ дам бермоқ, тинчлик бермоқ, енгиллик келтирмоқ; (*н. дандир*) қутқазмоқ, халос этмоқ رَأْسَهُ عَلَى ... ~ бошини ... устига қўймоқ; ...га бош қўймоқ; نَفْسَهُ ~ (*к. дандир*) тинчимоқ (مِنْ) لَمْ يُرِحْ أَحَدًا وَ لَمْ يَسْتَرِحْ ҳеч кимга дам бермади, ўзи ҳам дам олмади; IV[2] أَرْوَحَ сасимоқ, сассиқ ҳид чиқармоқ; V تَرَوَّحَ ҳидланмоқ, ҳидланиб қолмоқ; 2) елпинмоқ; بِالْمِرْوَحَةِ ~ елпиғич билан елпинмоқ; VI تَرَاوَحَ 1) тебранмоқ, силкинмоқ, ҳилпирамоқ; 2) (*н. нидир*) галма-галдан бажармоқ (عَلَى); VIII ارْتَاحَ 1) (*мас., дам олиш уйида*) дам олмоқ; тинчланмоқ, хотиржам бўлмоқ; мамнун бўлмоқ, қониқиш ҳосил қилмоқ, қониқмоқ; (*бирор н. дан*) хурсанд бўлмоқ (لِـ); لِلْمَعْرُوفِ ~ мамнуният билан яхшилик қилмоқ; ضَمِيرُهُ ~ унинг виждони қийналмаяпти; X[1] اسْتَرَاحَ 1) дам олмоқ, истироҳат қилмоқ; 2) хотиржамлик сезмоқ, хотиржам бўлмоқ; 3) (*қаергадир н. нидир*) ишонмоқ, ишониб топширмоқ (فِي, إِلَى); (*к. гадир бирор н. да*) орқа қилмоқ, суянмоқ (فِي, إِلَى); اسْتَرِحْ *ҳарб.* эркин бўл! Вольно! (*команда*); X[2] اسْتَرْوَحَ 1) ҳидни сезмоқ, ҳид билмоқ; ҳиддан билмоқ; 2) нафас олмоқ, ҳаво олмоқ

– ارْتِيَاحٌ қониқиш; мамнунлик, мамнуният; шодлик, хурсандлик; أَدْخَلَ الـ~ إِلَى قُلُوبِ عَدَمَ الـ~ норозилик, маъқулламаслик; النَّاسِ одамларнинг қалбига хурсандлик бахш этмоқ, одамларнинг кўнглини шод қилмоқ

– أَرْيَحِيٌّ сахий, саховатли, бағри кенг

– أَرْيَحِيَّةٌ сахийлик, саховат, бағри кенглик

– اسْتِرَاحَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) дам, ҳордиқ чиқариш, истироҳат; 2) тинчлик, хотиржамлик; 3) тўхташ, пауза; танаффус; антракт; 4) сайёҳлар учун карвонсарой, меҳмонхона

– تَرْوِيحٌ шабадалатиш, шамоллатиш, вентиляция; елпиш; ~ النَّفْسِ дам, ҳордиқ чиқариш, сайр

– تَرْوِيحَةٌ *кўп.* تَرَاوِيحُ 1) истироҳат, роҳат, ором; 2) *шунингдек:* صَلَاةُ التَّرَاوِيحِ рамазон ойида адо этиладиган қўшимча намоз (ибодат)

– تَرْيِيحٌ (*мас., иморатнинг*) чўкиши

– رَائِحٌ 1) кетувчи, кетаётган; ўтиб кетувчи; 2) навбатдаги, галдаги; كُلُّ ~ وَ غَادٍ ҳар қандай ўткинчи; дуч келган тасодифий киши; مِنَ الْيَوْمِ وَ ~ бугундан бошлаб ҳар доим

– رَايِحٌ 1) келувчи, келаётган; 2) айрим феълларда келаси замонни билдирувчи ва юкламага айланиб кетган сўз; أَنَا ~ آكُلُ *ёки* أَنَا حَاكُلُ овқатланаман

– رَائِحَةٌ *кўп.* رَوَائِحُ ҳид, бўй, ёқимли ҳид (*бўй*); ذَكِيُّ الـ~ хушбўй ҳидли; خَبِيثُ الـ~ сассиқ, қўланса; عَدِيمُ الـ~ ҳиди йўқ, ҳидсиз; (عَطْرِيَّةٌ) رَوَائِحُ атир-упалар, духи

– رَاحٌ *мн.* шароб, вино; (رَأْسِهِ فِي) لَعِبَتِ الْـ~ بِرَأْسِهِ шароб унинг миясига таъсир қилди

– رَاحَةٌ 1) роҳат, осойишталик, хотиржамлик; дам, ҳордиқ олиш; بِالْ~ хотиржамлик; مَعَ الـ~ *ёки* بِالـ~ хотиржамлик билан; осонгина; ~ أَسْبَابُ الـ~ : سَبَبٌ *қар.* دَارُ الـ~ дам олиш уйи; وَفَّرَ سُبُلَ الـ~ дам олиш учун зарур бўлган барча нарсаларни муҳайё қилмоқ; 2) қулайлик, ◊ الْيَدِ ~ кафт, الْقَدَمِ ~ товон, оёқнинг таги; الْحُلْقُومِ ~ роҳат-луғум; بَيْتُ الـ~ ҳожатхона; بِالـ~ الرِّئَةُ қўлда суғориш

– رَوَاحٌ 1) кетиш, жўнаш; кечқурун жўнаш, кечқурун қайтиш; 2) оқшом, оқшом пайти; 3) тинчлик, осойишталик, хотиржамлик

– رُوحٌ *мн. баъзан мз. кўп.* أَرْوَاحٌ 1) руҳ; الْـ~ الْعَامَّةُ кўпчиликнинг руҳияти; ~ الْعَصْرِ давр руҳи; الـ~ الْمَعْنَوِيَّةُ кайфият; ~ الْانْتِقَامِ ревоншизм; ~ وَ الْمَادَّةُ ـ руҳ ва модда; سَادَتِ الْمُؤْتَمَرَ ~ الْقُدْسِ а) Исойи Руҳуллоҳ; б) муқаддас руҳ; б) *шунингдек:* الْـ~ الْأَمِينُ Жаброил алайҳиссалом (*фариштa*); 2) қалб, юрак, кўнгил; خَفِيفُ ~ хушчақчақ, хурсанд; طَوِيلُ الـ~ сабрли, бардошли; سَلَّمَ ~ـهُ لِخَالِقِهِ у вафот этди, у яратганига жонини таслим қилди; 3) арвоҳ, ажина; شَرِّيرٌ ~ дев, иблис; شَرِّيرٌ ~ بِهِ жинни, савдойи; اسْتِحْضَارُ (مُخَاطَبَةُ) الْأَرْوَاحِ арвоҳлар билан сўзлашиш, спиритизм; 4) ҳаёт; خَسَارَةٌ فِي الْأَرْوَاحِ қурбонлар, (*урушда*) йўқотилган жонлар, уруш қурбонлари; قَتَلَ ~ـهُ у ўзини ўзи ўлдирди; 5) *спирт.* спиртли ичимлик; эссенция; ~ الْأُقْيُونِ қора дори эритмаси; ◊ ابْنُ ~ـهِ ҳамма нарсани ўз қўли билан бажарувчи, ўз куни ўзига қолган; فَرْدٌ بِسَبْعَةِ أَرْوَاحٍ етти зарядли револьвер; عَمَلِ بِـ~يْنِ икки киши ўрнида ишламоқ

– رَوْحٌ[1] 1) роҳат, дам, ҳордиқ чиқариш; тинчлик; 2) шодлик, хурсандлик

– رَوْحٌ[2] меҳрибонлик

– رُوحَانِيٌّ 1) руҳонийликка оид. диний; 2) руҳоний, руҳоний одам

– رُوحَانِيَّةٌ руҳонийлик, диндорлик, диний томон; жонлилик, жонлантирилган, руҳлантирилган, илҳомлантирилган

– رَوْحَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـ кечқурун қайтиш, қайтиб келиш; رَافَقَهُ فِي عَدَوَاتِهِمْ وَ رَوْحَاتِهِمْ кимгадир ҳар доим ва ҳар жойда ҳамроҳлик қилмоқ

– رُوحِيٌّ 1) руҳий, маънавий; سُلْطَةٌ ~ـةٌ диний ҳокимият; 2) спиртли, спирт қўшилган; مَشْرُوبَاتٌ ~ـةٌ спиртли ичимликлар

– رُوحِيَّةٌ 1) руҳонийлик, диндорлик, диний томон; 2) руҳий ҳолат, руҳий кайфият; 3) ўлганларнинг руҳи билан сўзлашиш мумкин деган фикр;4) *фалс.* руҳни реал деб билувчи фалсафий

оқим

– رِيَاحٌ *кўп.* ات ـــ бош канал, суғориш магистрали

– رِيحٌ *кўп.* رِيَاحٌ 1) шамол, шабада; ~ الْمَرَاكِبُ الَّتِي فَوْقَ الـــ шамол эсаётган тарафдан келаётган кемалар шамол кетаётган тарафдаги кемаларга йўл беришлари керак; ~ دَوَّارَةُ الـــ шамол кучини ва йўналишини ўлчайдиган асбоб, флюгер; ~ طَاحُونُ الـــ шамол тегирмони; ~ ذَهَبَ عَلَى مَتْنِ الـــ у тайёрада учиб кетди; أَبُو رِيَاحٍ а) шамол кучини ва йўналишини ўлчайдиган асбоб, флюгер; б) қўриқчи; в) ҳид, бўй; 3) куч, куч-қувват, қудрат; ذَهَبَتْ ~ الدَّوْلَة давлат ўз куч-қудратини йўқотди; 4) ел, орқадан чиққан ел, бод; أَخْرَجَ ~اً орқадан ел чиқармоқ

– رِيحِيٌّ шамолли, шамол бўладиган (*мас., об-ҳаво*)

– رَيْحَانٌ[1] *жам. кўп.* رَيَاحِينُ *бот.* 1) хушбўй ўсимлик; 2) райҳон; ~ شَامِيٌّ жамбил райҳон, Шом райҳони; хушбўй бута ўсимлиги; ◊ ~ الـــ قَلَمُ хатти райҳоний (*ёзув турларидан бири*)

– رَيْحَانٌ[2] 1) меҳрибонлик; 2) ризқ

– رِيْحَةٌ ҳид, бўй

– مَرَاحٌ 1) кечқурун кўнгил очиш учун бориладиган жой (*мас., кино, меҳмондорчилик ва ҳ. к., сол.* مَغْدًى); 2) оқшом, оқшом пайти

– مُرَاحٌ *кўп.* مُرُحٌ отхона; оғилхона, молхона; ~ الْغَنَمِ қўра

– مُرْتَاحٌ мамнун, рози, кўнгил тўқ, хотиржам, кўнгли таскин топган; ~ الْبَالِ кўнгли тинч; ~ الضَّمِيرِ виждони пок

– مِرْوَاحٌ *кўп.* مَرَاوِيحُ елпиғич, буклама елпиғич

– مُرَوَّحٌ яхшилаб ишланган; ~ ذُهْنٌ хушбўй қилиб тайёрланган

– مِرْوَحَةٌ *кўп.* مَرَاوِحُ елпиғич, буклама елпиғич; ~ الْخَيْشِ канопдан ясаладиган ва осилиб турадиган катта елпиғич; 2) вентилятор; ~ كَهْرَبَائِيَّةٌ электр елпиғич, вентилятор; 3) паррак, пропеллер; кеманинг парраги

– مِرْيَاحٌ ични дам қиладиган, коринда ел ҳосил қиладиган

– مُرِيحٌ 1) қулай, бадастир, шинам, комфортли; 2) дам бўлган (*қорин*), ел йиғилган

– مَرْيُوحٌ жин урган, тентакроқ, тентакнамо, жиннироқ, савдойи

– مُسْتَرَاحٌ *кўп.* ات ـــ ҳожатхона, водопроводли ҳожатхона

– مُسْتَرِيحٌ олувчи, дам олаётган; 2) *шунингдек:* ~ الْبَالِ хотиржам, кўнгли таскин топган

I (رود) رَادَ (*у*) رِيَادٌ 1) ўрганмоқ, текширмоқ, тадқиқ қилмоқ; 2) қидирмоқ, изламоқ; 3) у ёқ-бу ёққа юрмоқ; III رَاوَدَ 1) ўтиниб сўрамоқ, қаттиқ туриб илтимос қилмоқ; 2) ўзига оғдирмоқ. шайдо қилмоқ; ~ عَنْ نَفْسِهَا аёл кишининг бошини айлантирмоқ. хотин кишини авраб ўзига оғдирмоқ; 3) бутун вужудини қамраб олмоқ; إِنْ أَفْكَارًا مُبْهَمَةً تُرَاوِدُهُ айқаш-уйқаш хаёллар вужудини бутунлай қамраб олди; ~ ... عَلَى ... дан афсусланиш ҳисси уни бутунлай ўраб олди; IV[1] أَرَادَ 1) хоҳламоқ, истамоқ, хоҳиш билдирмоқ; ~ أَمْ لَمْ يُرِدْ хоҳлаб-хоҳламай; ~ بِهِ خَيْرًا кимгадир яхшилик тиламоқ; 2) назарда тутмоқ, эътиборда тутмоқ; 3) (*к. нидир н. гадир*) ундамоқ (عَلَى); IV[2] أَرْوَدَ эҳтиёт бўлмоқ, оҳиста ҳаракат қилмоқ; ~ فِي السَّيْرِ эҳтиёт бўлиб (шошилмай) юрмоқ; VIII ارْتَادَ 1) ўрганмоқ, текширмоқ, тадқиқ қилмоқ; билиб олмоқ, суриштирмоқ, суриштириб билмоқ; 2) қидирмоқ, изламоқ; 3) келмоқ, келиб тушмоқ; 4) юрмоқ, зиёрат қилмоқ, ташриф буюрмоқ; X اسْتَرَادَ бирор нарсага интилмоқ, бирор нарсага уринмоқ

– إِرَادَةٌ 1) мақсад, ният; хоҳиш, истак, ирода; яхши истак; ~ الـــ تَغْلُبُ الطِّيِّبَةُ яхши истак; ~ حَسَبَ الـــ хоҳишича, кўнглига қараб; ~ لاَ تَثْنَى عَلَى ... بِقُوَّةِ енгиб бўлмас ирода билан нимадандир ғолиб келмоқ; 2) фармон, буйруқ; ~ مَلَكِيَّةٌ подшоҳ фармони

– إِرَادِيٌّ 1) кўнгилли, ихтиёрий; 2) эркин. ихтиёрий равишдаги; ~ لاَ ~ *ёки* ~ غَيْرُ ихтиёрсиз, ғайриихтиёрий, ихтиёрдан ташқарида бўладиган

– ارْتِيَادٌ 1) ўрганиш, тадқиқ қилиш; билиб олиш, суриштириш *ҳарб.* разведка; 2) қидириш, ахтариш, излаш; 3) зиёрат; ~ الْمَخَازِنِ дўконма-дўкон кезиш; ~ الْمُحِيطِ океан оша сузиш

– أَرْوَدُ шошилмай ўз билганича иш қилувчи; ~ دُوغِيرِ الدَّهْرُ *маж.* вақт шошилмай, билиб ишини қилади

– تَرْوِيدَةٌ *кўп.* تَرَاوِيدُ ашула. қўшиқ

– رَائِدٌ *кўп.* رُوَّادٌ 1) тадқиқотчи, изланувчи; пионер; бошловчи, бошлаб берувчи; سَبَّاقٌ ~ (*н. нингдир*) биринчи тадқиқотчиси; ~ الْفَضَاءِ фазогир, космонавт; 2) қидирувчи; разведкачи; 3) зиёратчи; 4) раҳбар, йўл бошловчи; 5) йўл-йўриқ; дастур, раҳбар ғоя, 6) *ҳарб.* мийор; ◊ ~ قُوَّةٌ раҳбар куч, етакчи (етакловчи) куч

– رَوْدٌ[1] енгил (*мас., шамол*)

– رَوْدٌ[2] 1) ўрганиш, тадқиқ қилиш; 2) қидириш, излаш

– رُوَيْدَ секинлик, аста-секинлик, оҳисталик, ~ عَلَى الـــ секин!, шошилма!

– رُوَيْدًا секин-аста, секинлик билан

– رِيَادَةٌ 1) ўрганиш, тадқиқ қилиш; тадқиқот мақсадида қилинган саёҳат; 2) қидирув, қидириш; ~ رُوحُ الـــ қидирувчанлик кайфияти

– مَرَادٌ кенглик, бўшлиқ, майдон; соҳа

– مُرَادٌ 1) кўзланган нарса, хоҳланган нарса; 2) мурод, хоҳиш, истак, ният

– مُرْتَادٌ 1) тадқиқ этувчи, ўрганувчи; 2) зиёратчи; кўнгилдан (чин юракдан) зиёрат қилинадиган жой

– مِرْوَدٌ *кўп.* مَرَاوِدُ, مَرَاوِيدُ 1) кўзни бўяш учун ишлатиладиган қалам; 2) илгак, тўғнағич; 3) ўқ, ўқ таёқча; ~ مِحْوَرِيٌّ шарнирли

бирикма

– مُرِيدٌ 1) издош, шогирд; 2) аспирант; 3) *дин.* пирнинг муриди (шогирди, издоши); (*суфийлик тариқатининг биринчи босқичи*)

I (روز) رَازَ (*у*) رَوْزٌ кўз билан чамалаб кўрмоқ, кўтариб чамалаб кўрмоқ, тортмоқ, тортиб кўрмоқ; II رَوَّزَ = I

– رَائِزٌ меъмор, архитектор

– رَازٌ *кўп.* رَازَةٌ ғишт терувчиларнинг бошлиғи; қурувчи

– رِيَازَةٌ 1) ғишт *ёки* тош териш усули; 2) қурилишга раҳбарлик

رُزْنَامَجَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ — тақвим, календар

رُوزْنَامَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ — тақвим, календар

رَوْزَنَةٌ дарча, кичкина дераза

(روس) II رَوَّسَ руслаштирмоқ

– رَأْسٌ *қар.*

– رُوسٌ *жам.* руслар

– رُوسِيٌّ 1) русий, русча, русларга оид; الـــَـــةُ рус тили; 2) рус кишиси

رُوسْتُو қовурма, қовурдоқ, жаркоп

رَوْسَمٌ[1] *кўп.* رَوَاسِمُ клишче

رَوْسَمٌ[2] *кўп.* رَوَاسِمُ ўғирланган билиниб турсин учун хирмондаги буғдой устига қўйилган ёзувли ёғоч лавҳа

رُوشْتَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ — рецепт, дори олиш учун ёзиб берилган қоғоз

رَوْشَنٌ *кўп.* رَوَاشِنُ чердак дарчаси, ёруғ тушиб турадиган тешик

I (روض) رَاضَ (*у*) رِيَاضَةٌ 1) айланиб ўтмоқ; (*отни*) ўргатмоқ, қўлга ўргатмоқ; 2) машқ қилдирмоқ. чиниқтирмоқ; II رَوَّضَ = 1) I; 2) боғ-бўстонга айлантирмоқ; الْقَرَاحَ ~ чўлни бўстонга айлантирмоқ; III رَاوَضَ лаганбардорлик қилмоқ, хушомад қилмоқ; алдамоқ, алдаб ўтмоқ; V تَرَيَّضَ 1) сайр қилмоқ, кезмоқ; عَلَى الْجَلِيدِ ~ муз устида учмоқ; 2) машқ қилмоқ, чиниқтирмоқ; спорт билан шуғулланмоқ, бадантарбия қилмоқ; VI تَرَاوَضَ 1) мусобақалашмоқ; 2) савдолашмоқ, нархини талашмоқ; VIII ارْتَاضَ 1) сайр қилмоқ, кезмоқ; 2) машқ қилмоқ, чиниқмоқ; X اسْتَرَاضَ 1) сайр қилмоқ, кезмоқ; 2) (*бирор н га*) хурсанд бўлмоқ; (*н. дандир*) роҳат қилмоқ (ب)

– تَرْوِيضٌ 1) ўргатиш, қўлга ўргатиш; 2) машқ қилдириш, чиниқтириш

– تَرَيُّضٌ 1) сайр, сайр қилиш, кезиш; 2) машқ қилиш, чиниқиш; бадантарбия билан шуғулланиш; الـــ~ أُرْجُوحَةُ *спорт.* трапеция (*гимнастика қурилмаси*)

– رَائِضٌ *кўп.* رُوَّاضٌ 1) отни айланиб ўтувчи; 2) устоз, тренер

– رَوْضَةٌ *кўп.* رِيَاضٌ, رَوْضٌ кўкаламзор, чаманзор; боғ; ◊ ~ الْأَطْفَالِ болалар боғчаси

– رِيَاضَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ 1) (*гимнастик*) машқ, 2) машқ қилиш, тренировка; 3) сайр, томошо; 4) *спорт.* бадантарбия; гимнастика; الـــ~ الْبَدَنِيَّةُ бадантарбия, физкультура; الـــ~ الرُّوحِيَّةُ *дин.* руҳий чиниқиш; 5) математика; الـــ~ الْبَحْتَةُ соф математика; الـــ~ التَّطْبِيقِيَّةُ *ёки* الـــ~ الْعَمَلِيَّةُ амалий (татбиқий) математика; الـــ~ الْعَالِيَةُ олий математика

– رِيَاضِيٌّ 1) математикага оид; الْمُعَادَلَاتُ الـــَـــةُ математик тенгламалар; 2) спортга оид; الْأَلْعَابُ الـــَـــةُ спорт ўйинлари; спорт; 3) математик; 4) спортсмен

– رِيَاضِيَّاتٌ *кўп.* математик фанлар; математика

– رَيِّضٌ мз, *мн.* яхши машқ қилмаган, машқи қиёмига етмаган

– مَرُوضٌ машқ кўрган, чиниққан, ўргатилган; نَاقَةٌ ~ ـَـةٌ ўргатилган туя

– مُرَوِّضٌ 1) отни айланиб ўтувчи; 2) от ўйнатувчи, дрессировкачи; الْوُحُوشِ ~ йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи; 2) устоз, тренер

I (روع) رَاعَ (*у*) رَوْعٌ 1) қўрқитмоқ. қўрқувдан титроқ бостирмоқ; 2) ларзага келтирмоқ, қалтиратмоқ; 3) завқ-шавқини қўзғатмоқ, қойил қилмоқ; ёқмоқ, маъқул тушмоқ; رِيعَ الْعَالَمُ بِوَفَاتِهِ унинг вафотидан бутун дунё ларзага тушди; لَا تُرَاعِي يَا بِنْتُ! қўрқма, қизалоқ!; II رَوَّعَ қўрқитмоқ, ваҳима солмоқ; ларзага келтирмоқ; даҳшат солмоқ; VI أَرَاعَ қўрқитмоқ; VIII ارْتَاعَ қўрқмоқ, даҳшатга тушмоқ, ваҳимага тушмоқ

– ارْتِيَاعٌ хавф, қўрқинч

– رُوعٌ *мн.* رَوْعَاءُ *кўп.* أَرْوَعُ хурсандликка сабаб бўлувчи, завқ-шавқ олиб келувчи; ажойиб, аъло даражадаги

– رَائِعٌ 1) даҳшатли, қўрқинчли, ваҳимали; 2) ажойиб, олий даражада, ~ ـَـةٌ بِصُورَةٍ аъло даражада

– رَائِعَةٌ *кўп.* رَوَائِعُ намунали асар; رَوَائِعُ الْأَدَبِ الْعَرَبِيِّ араб адабиётининг энг яхши намуналари; رَوَائِعُ الْفَنِّ санъат асари дурдоналари; ◊ ~ فِي النَّهَارِ куппа-кундузи

– رَوْعٌ хавф, хатар, даҳшат

– رَوَعٌ гўзаллик, савлат, қўркамлик

– رَوْعٌ қалб, юрак; ... أَدْخَلَ فِي ~ ـِـهِ أَنَّ кимгадир ишдирмоқ, кимнингдир кўнглига солмоқ, талқин қилмоқ; أَفْرَخَ فِي ~ ـِـهِ *ёки* وَقَعَ (خُطِرَ) فِي ~ ـِـهِ أَنَّ ... (IV فرخ *қар.*): أُلْقِيَ فِي ~ ـِـهِ أَنَّ ... унинг миясига шундай фикр келдики, ...; اسْتَرَدَّ ~ ـَـهُ *ёки* سَكَنَ ~ ـَـهُ тинчланмоқ, хотиржам бўлмоқ; مَلَكَ ~ ـَـهُ ўзини қўлга олмоқ, ўзини ўнглаб олмоқ

– رَوْعَةٌ 1) хавф, хатар, даҳшат; 2) иззат-икром қилиш, ҳурмат

қилиш

– رَوَعَةٌ ғайриоддий гўзаллик, жозибадорлик, латофат

– مُرْتَاعٌ қаттиқ қўрққан, зада бўлган, чўчиган

– مُرَوَّعٌ қўрқиб кетган, қўрқиб қолган

– مُرَوِّعٌ 1) қўрқитувчи, даҳшат, солувчи, ваҳимачи; 2) қўрқинчли, даҳшатли

– مُرِيعٌ қўрқинчли, даҳшатли, ваҳимали

I (روغ) رَاغَ (*у*) رَوَغَانٌ чап бериб қутулмоқ, айёрлик қилмоқ, чап бериб ҳаракат қилмоқ; عَنِ الطَّرِيقِ ~ йўлдан четга бурилмоқ; III رَاوَغَ айёрлик қилмоқ, фириб бермоқ, ғирромлик қилмоқ; кўз бўямачилик қилмоқ; فِي الْكَلَامِ ~ пичинг қилмоқ, киноя билан гапирмоқ; فِي الْإِجَابَةِ ~ мужмал (муҳмал) жавоб бермоқ; IV أَرَاغَ хоҳламоқ, истамоқ; қидирмоқ, етишмоқ; VIII ارْتَاغَ хоҳламоқ, истамоқ

– رَوَاغٌ ҳийла, найранг; айёрлик

– رَوَّاغٌ айёр, қув, муғомбир, олғир

– رَوَغَانٌ найранг, лўттибозлик; عَنِ الطَّرِيقِ ~ йўлдан четга чиқиш

– رُوَيْغَةٌ = رَوَاغٌ

– مُرَاوِغٌ устамон, қув, туллак, олғир. سُلُوقٌ كَزَئْبَقٍ ~ *мтл.* думини тутқазмайдиган, ҳар йўл билан қўлдан чиқиб кетадиган

– مُرَاوَغَةٌ чап бериш, гапни чалғитиш, гапни айлантириш

I (روق) رَاقَ (*у*) رَوْقٌ 1) тиниқлашмоқ, соф бўлмоқ, тозаланмоқ; 2) топ-тоза бўлмоқ, ялтирамоқ, ялтираб кўринмоқ; 3) (*к. нидир*) қойил қилмоқ, мафтун қилмоқ, шайдо қилмоқ; (*к. гадир*) маъқул (мақбул) тушмоқ, ёқмоқ (لِـ); II رَوَّقَ тозаламоқ, покламоқ; ялтирамоқ, ярақламоқ; фильтрламоқ, филтрдан ўтказмоқ; ◊ الْبِضَاعَةَ ~ товарни сотиб тугатмоқ; بَالَهُ ~ хотиржам бўлмоқ, таскин топмоқ; IV أَرَاقَ оқизмоқ, тўкмоқ; دِمَاءَهُ فِي سَبِيلِ ... ~ ... учун қон тўкмоқ; V تَرَوَّقَ нонушта қилмоқ

– إِرَاقَةٌ тўкиш, оқизиш; الدِّمَاءِ ~ қон тўкиш

– تَرْوِيقٌ фильтрлаш, фильтрдан ўтказиш; ёритиш, ялтиратиш

– تَرْوِيقَةٌ *кўп.* اتٌ — енгилгина нонушта

– رَائِقٌ *кўп.* رُوَّقٌ, رُوَقَةٌ 1) тоза, соф, шаффоф, ярқираган; 2) ажойиб, аъло, зўр; 3) кайфи чоғ

– رَاقٌ *кўп.* اتٌ — қатлам, қават

– رَاوُوقٌ *кўп.* رَوَاوِيقُ 1) фильтр; 2) коса, чинни, идиш

– رِوَاقٌ, رُوَاقٌ *кўп.* أَرْوِقَةٌ 1) пешайвон, айвон; 2) чодир, тахтиравон; 3) коридор, йўлак; 4) ложа; 5) *кўп.* ён томондаги хоналар

– رِوَاقِيٌّ *фалс.* материализм билан идеализм ўртасида иккиланиб турган оқимга (стоицизмга) оид: الـ— стоицизм; 2) стоицизмга мансуб киши, стоик

– رَوْقٌ *кўп.* أَرْوَاقٌ 1) пешайвон, айвон; 2) шох

– رُوقَةٌ жуда ажойиб, жуда зўр, аъло даражада (*жинс ва сонда ўзгармайди*)

– مُرَوَّقٌ шаффоф, ялтироқ, ярқироқ; тоза, пок, соф

– مُرَوِّقٌ *кўп.* اتٌ — тозалағич

رَوْكٌ жамоатчилик мулки; عَلَى الـ~ биргаликда, биргалашиб

رُوكَامَةٌ кашта тикиш, кашта

(رول) II رَوَّلَ оғзидан кўпик чиқармоқ, оғзи кўпикламоқ (*от ҳақида*)

– رُوَالٌ *кўп.* رَوَاوِيلُ тупуқ

– رُولٌ *юр.* суд ҳал қилиши керак бўлган ишлар рўйхати

رُولْمَانٌ подшипник; بِلْيٍ ~ шарикли подшипник

رُولِيتٌ рулетка

I (روم) رَامَ (*у*) رَوْمٌ хоҳламоқ, истамоқ; عَلَى مَا يُرَامُ кўнгилдагидек, яхши; عَلَى غَيْرِ مَا يُرَامُ номақбул (номаъқул) вазиятда

– رَوْمٌ хоҳиш, истак

– رُومٌ[1] *жам. кўп.* أَرْوَامٌ румликлар, византияликлар, юнонлар, греклар

– رُومٌ[2] ром, спиртли ичимликларнииг бир нави

– رُومَانٌ *жам.* 1) римликлар; 2) руминлар

– رُومَانِيٌّ 1) Римга оид; лотинга оид, лотинча; романга оид; الْأَرْقَامُ (الْأَعْدَادُ) الـ— قَانُونٌ ; قَانُونٌ الْـ— *қар.* рим рақамлари; اللُّغَاتُ الـ— роман тиллари; 2) Руминияга оид; الـ— а) лотин тили; б) румин тили; 3) а) римлик; б) румин

– رُومِيٌّ 1) византиялик, грецияли: ~ دِيكٌ курка хўроз; ~ دُجَاجٌ курка товуқ

– مَرَامٌ *кўп.* اتٌ — хоҳиш, истак, рағбат, интилиш

رُومَاتِزْمٌ бод, ревматизм

– رُومَاتِزْمِيٌّ бод (ревматизм) га оид

رُومَانْسِيٌّ романтик

– رُومَانْسِيَّةٌ: الـ— романтизм

رُومَانْطِيقِيٌّ романтик, романтикага оид

– رُومَانْطِيقِيَّةٌ романтизм

رُومِسٌ *кўп.* رَوَامِسُ сол; тахта супача

رَوْنٌ вилоят, область; ҳудуд, майдон, территория

رَاوَنْدٌ = رَوَنْدٌ

رَوْنَقٌ кўркамлик, савлат, сулувлик

رُونِيُو آلَةُ الـ~ нусха кўпайтирадиган асбоб

I (وري) رَوَى (*и*) رِوَايَةٌ 1) ривоят (ҳикоя) қилмоқ, дарак бермоқ,

хабар бермоқ; (*к. нингдир. тилидан*) нақл қилмоқ (عَنْ); 2) сувга қондирмоқ, сувга тўйдирмоқ; суғормоқ, сув қўймоқ; (*н. нидир*) ичирмоқ (ب): رَوَى (*а*) رَىٌّ, رِىٌّ 1) сувга қонмоқ, суғорилмоқ; 2) чанқоқни босмоқ, чанқоқни қолдирмоқ; II رَوَّى 1) тўйғизиб (тўйдириб) ичирмоқ; 2) сув чиқармоқ, сув қўймоқ; 3) қараб туриб тафаккур қилмоқ (فى); IV أَرْوَى суғормоқ, сув қўймоқ; V تَرَوَّى 1) сувга қонмоқ (тўймоқ), суғорилмоқ; 2) тафаккур қилмоқ; яхшилаб ўйлаб кўрмоқ; VIII ارْتَوَى 1) сувга қонмоқ (тўймоқ); шимиб олмоқ, жиққа хўл бўлмоқ; суғорилмоқ; 2) чанқоқни босмоқ

– إِرْوَاءٌ суғориш, сув қўйиш; بِالرَّاحَةِ ~ қўл билан суғориш

– إِرْوَائِىٌّ суғоришга оид

– أُرْوِيَّةٌ ёввойи эчкининг урғочиси

– تَرَوٍّ 1) тафаккур қилиш, фикр қилиш, яхшилаб ўйлаб кўриш; 2) мулоҳазакорлик, донолик

– تَرْوِيَةٌ сув таъминоти; сув билан таъминлаш; يَوْمُ الـ~ зулҳижжа ойининг 8-куни

– رَاوٍ *мн.* رَاوِيَةٌ *кўп.* رُوَاةٌ *мн.* رَاوِيَاتٌ ҳикоя қилувчи, ривоят қилувчи, ровий; (*афсона ёки шеър*) нақл қилувчи

– رَاوِيَةٌ *кўп.* رَوَايَا 1) ҳикоя қилувчи, ривоят қилувчи, ровий, нақл қилувчи; 2) *шунингдек:* اَلْمَاءِ ~ ичимлик, ичиладиган нарса, сувли идиш; 3) сув ортилган туя, от *ёки* эшак

– رَايَةٌ *қар.* رأى

– رَوَاءٌ чучук сув, шўр бўлмаган сув

– رُوَاءٌ ҳашаматли ташқи кўриниш, чиройли кўриниш; бичими чиройли

– رِوَائِىٌّ 1) ривоятга оид; طَرِيقَةٌ ~ـــةٌ ривоят усули (йўли); 2) роман ёзувчи. романчи; 2) драматург

– رِوَايَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ҳикоя, қисса, повесть; роман; афсона; ~ بُولِيسِيَّةٌ жосуслар, жиноятчилар ҳақидаги роман, детектив роман; خَيَالِيَّةٌ ~ роман; 2) пьеса; تَمْثِيلِيَّةٌ غِنَائِيَّةٌ ~ опера; هَزْلِيَّةٌ ~ غِنَائِيَّةٌ оперетта; مُضْحِكَةٌ ~ *ёки* هَزْلِيَّةٌ ~ комедия; مَسْرَحِيَّةٌ ~ спектакль, пьеса; مُحْزِنَةٌ ~ фожиа, трагедия; драма; سِينَمَائِيَّةٌ ~ кинокартина; نَاطِقَةٌ ~ овозли фильм; 3) нақл, ривоят, янги таъбир, янги нақл

– رَوِىٌّ 1) лим-лим, лим тўла; 2) чанқоқни босадиган, қолдирадиган (*сув ҳақида*); 2) шъер, қофиядаги ундош товуш, равий; 5) ваҳшат билан келадиган ёмғирли булут

– رَوِيَّةٌ 1) фикр, тафаккур, ўй; ихтиёр, мулоҳаза; 2) англаш, фаҳмлаш; ~ فِى *ёки* ~ عَنْ яхшилаб ўйлаб кўриб, онгли равишда; ~ عَنْ غَيْرِ ўйламай, ўйлаб кўрмасдан

– رَىٌّ суғориш, ирригация; ~ الـــ بِالرَّاحَةِ *қар.* ؛ بِالْآلَاتِ ~ـــ الْ механизмлар ёрдамида суғориш; ~ الحِيَاضِ ҳовуз *ёки* кўлдан суғориш

– رِىٌّ 1) чанқоқни босиш; 2) = رَىٌّ

– رَيَّا яхши (ёқимли) ҳид (бўй)

– رِيَاءٌ *қар.* رأى

– رَيَّانُ *мн.* رَيَّا *кўп.* رِوَاءٌ 1) бостириб суғорилган; сувга тўйдирилган; 2) сувли, ҳил-ҳил, лим-лим

– رَيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ сув қўйиш, сув бериш; ~ الزِّرَاعَةِ экилгандан кейинги суғориш; ~ الْمُحَايَاةِ қуруқшаб қолган тупроқни (ерни) суғориш (*экилгандан 20-25 кун ўтгач*)

– رِيَّةٌ = رِئَةٌ *қар.* رأى

– مَرْوًى *кўп.* مَرَاوٍ суғориш йўли, ариқ

– مَرْوِىٌّ 1) суғориладиган; أَرَاضٍ ~ـــةٌ суғориладиган ерлар; أَرَاضٍ ~ـــةٌ بَعْلِيَّةٌ лалмикор ерлар; 2) оғзаки, оғиздан-оғизга ўтиб келувчи3) *кўп.* اتٌ ـــ оғиздан оғизга ўтиб келган эртаклар, қиссалар, хабарлар

I (ريب) رَابَ (*и*) رِيبَةٌ, رَيْبٌ 1) шубҳа туғдирмоқ, шубҳалантирмоқ; 2) бетинч қилмоқ, ғулғула солмоқ; IV أَرَابَ = I; V تَرَيَّبَ (*бирор н. га*) шубҳа қилмоқ, ишончсизлик билдирмоқ (ب ,فى); VIII ارْتَابَ 1) (*бирор н. га*) шубҳа қилмоқ (فى); (*бирор га*) ишончсизлик билан қарамоқ (فى); 2) тинчсизланмоқ, нотинчланмоқ, ғулғулага тушмоқ; X اسْتَرَابَ (*бирор н. га*) шубҳаланмоқ (ب)

– اِرْتِيَابٌ 1) шубҳа; ишончсизлик; 2) нотинчлик, ғулғула

– اِرْتِيَابِىٌّ 1) ҳар нарсага шубҳа билан қарашга оид, скептицизмга оид; 2) ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи, скептик

– اِرْتِيَابِيَّةٌ ҳар нарсага шубҳа билан қараш, скептицизм

– رَيْبٌ шубҳа, ишончсизлик; ~ بِلَا шубҳасиз; فِيهِ لَا ~ шубҳасиз ҳолда; ... أَنَّ فِى لَا ~ шубҳасизки, ...; ~ وَ الشَّكٌّ مَسْلَكُ الـــ ҳар нарсага шубҳа билан қараш, скептицизм; ~ـــهُ أَثَارَ кимдадир шубҳа уйғотмоқ; ◊ ~ الزَّمَانِ (الْمَنُونِ) тақдир бевафоликлари

– رِيبَةٌ = رِيبَةٌ

– رِيبَةٌ *кўп.* رِيَبٌ шубҳа, ҳадик, гумон, хавф-хатар

– مُرْتَابٌ 1) шубҳаланувчи. шубҳага тушувчи, шубҳалантирувчи; 2) шубҳали; 3) ёмон, ёвуз, ножўя

رِيبُورْتَاجٌ *кўп.* اتٌ ـــ репортаж

لَيْتَ ~ *халқ.* = لَيْتَ يَا ~! кошки эди, кошки!

I (ريث) رَاثَ (*и*) رَيْثٌ секинламоқ, сокинлашмоқ; V تَرَيَّثَ пайт пойламоқ, қулай фурсатни кутмоқ

– رَيْثَمَا ... магунча

رِيجِى монополия

روح *қар.* ريح

رَيْدٌ *кўп.* رُيُودٌ (*тоғнинг*) чўққиси, том, томнинг энг юқори қисми

رَيِّسٌ *кўп.* رُؤَسَاءُ 1) бошлиқ; 2) (*кема*) капитани

– سَلَامٌ *кўп.* ـاتٌ 1) тинчлик хавфсизлик; эсон-омонлик; ~ِـيٌّ эсон-омонликда, эсон-омонлик билан; الْعَامُّ الْـ~ умумий хавфсизлик; رُسُلُ الْـ~ тинчлик элчилари; مَدِينَةُ الْـ~ тинчлик шаҳри (*Бағдод шаҳрининг фахрий номларидан бири*); عَلَيْهِ الْـ~! унга тинчлик-омонлик бўлсин!, у тинч-омон бўлсин!, унга саломлар бўлсин; алайҳиссалом; عَلَيْكُمْ الْـ~ сизга тинчлик бўлсин!; وَ عَلَيْكُمُ الْـ~ сизга ҳам тинчлик бўлсин!; 2) салом, саломлашув; بَلَّغَ ~ (*бирор к. га*) салом айтмоқ, салом демоқ (إِلَى); عَسْكَرِيٌّ ~ честь, ҳарбийларча саломлашув; ~اً عَسْكَرِيًّا أَدَّى честь бермоқ; 3) нашида, гимн; الْمِصْرِيُّ الْـ~ Мисрнинг миллий нашидаси; 4) поклик, айб ва нуқсонлардан холилик; ◊ يَا ~! қандай мўъжиза!, ёпирай; воажаб; ажабо!; عَلَيْهِ يَا ~ қандай ажойиб одам-а!; وَ الْـ~ вассалом, иш тамом; хайр, кўришгунча; دُورْ ~ *ҳарб.* (*милтиқни маълум вазиятда тутиб табриклаш учун бериладиган команда*); دَارُ الْـ~ жаннат; осмон; نَهْرُ الْـ~ Дажла дарёси

– سَلاَمْلِكٌ меҳмонхона, меҳмон қабул қилинадиган хона; ~ التَّشْرِيفَات қабулхона

– سَلاَمَةٌ[1] 1) хавфсизлик; бутунлик; омадлилик, соғ-саломатлик; ~ عَلَى الـ соғ-саломатликда, соғ-саломатлик билан; 2) нажот, қутулиш, халос бўлиш; 3) ақллилик, зеҳнлилик; ~ الْعَقْلِ ақли расолик; ~ الْقَلْبِ самимийлик, қалби поклик; ~ الذَّوْقِ яхши дид; ~ النِّيَّة а) пок ният, оқ ният; б) макрсизлик, софдиллик; ◊ مَعَ الـ~ оқ йўл!, хайр!, кўришгунча!

– سَلاَمَةٌ[2] салома (*колбасанинг бир тури*)

– سُلاَمَى, سَلاَمِيَّةٌ, سُلاَمِيَّاتٌ *кўп. анат.* бармоқдаги бўғим, бармоқ суяги

– سَلاَمِيٌّ тинчликка оид

– سَلَنْدَرٌ = أُسْطُمٌ

– سَلَمٌ[2] олхўрига ўхшаш мевали дарахт

– سِلْمٌ[1], سَلْمٌ тинчлик, омонлик; ~ أَنْصَارُ الـ тинчлик тарафдорлари; حَالَةُ اللاَّ سِلْمِ وَ اللاَّ حَرْبِ на уруш, на тинчлик бўлмаган вазият

– سِلْمٌ[2] бошқалар билан аҳилликда яшовчи

– سُلَّمٌ *кўп.* سَلاَلِيمُ, سَلاَلِمُ 1) зина, пилапоя; поғона; даража, палла. الْعَرَبَةِ ~ вагон ёки араванинг зинапояси; لَوْلَبِيٌّ ~ бурама зина, айланма зина; نَقَّالٌ ~ нарвон, шоти, кўчма зина; икки оёқли *нарвон*; ميكانيكيّ ~ *вки.* эскалатор; ~ الـ صَدَفَةُ *зинапоя* супачаси, шикан; الْمُوسِيقِيُّ الـ~ *муз.* бир-бирига нисбатан оҳангдош бўлган товушлар мажмуи, гамма; الـ~ الرَّخْوُ энгармоник гамма; الـ~ الْقَوِيُّ *муз* бутун ва ярим тонлардан иборат тадрижий овозлар сираси, диатоник гамма; الـ~ الْمُلَوَّنُ хроматик гамма (тизма); 2) *кўч. м.* (*бирор н. га етишдаги*) восита, қурол: ... لِلْوُصُولِ إِلَى ~ الـ اسْتَعْمَلَ هَذَا كَ бундан у ... га етишиш воситаси сифатида фойдаланди

– سُلَّمَةٌ *кўп.* سُلَّمٌ зина, зинапоя; поғона

– سِلْمِيٌّ 1) тинчликка оид, بِالطُّرُقِ الـ~ тинч йўл билан; 2) ҳар қандай урушга қарши чиқувчи киши, пасифист

– سِلْمِيَّةٌ ҳар қандай урушга қарши чиқувчи ҳаракат

– سَلِيمٌ *кўп.* سُلَمَاءُ 1) соғ, соғлом, саломат, меъёрдаги, нормал; бус-бутун, камчиликдан холи, ~ الـ فِي الْجِسْمِ الْعَقْلُ الـ~ соғ танда соғ ақл; 2) ҳақиқий, чин, қалбаки эмас; соғ, соғлом, (*бирор н.* дан) холи, озод (مِنْ); бенуқсон, халол, қораламаган; ~ الْقَلْبِ самимий, қалби пок; ~ النِّيَّة пок ниятли, софдил, макрсиз; 3) илон чақиб олган, илон чаққан (*киши*); оғир ярадор, яраси оғир

– سُلَيْمَانُ *ат. от., мз.* Сулаймон, Соломон; ◊ ~ أُمُّ *зоол.* сувсарлар оиласига кирувчи кичик йиртқич ҳайвон; ~ حُوتُ *қар.* حُوتٌ

– سُلَيْمَانِيٌّ *кимё.* симоб хлориди, ниҳоятда заҳарли оқ порошок, сулема

– مُتَسَلِّمٌ 1) олувчи, қабул қилувчи, қабул қилиб олувчи; 2) *тар.* الْبَصْرَةِ ~ *тар.* Басра ҳокими; ҳоким

– مُسَالِمٌ 1) тинч, тинчликка оид; الْمُدُنُ وَ الْقُرَى الـ~ـةُ тинч шаҳар ва қишлоқлар; ~ غَيْرُ муросасиз, муросага келмайдиган, яраштириб бўлмайдиган; 2) илтифотли, мурувватли, ўзганинг раъйига юрадиган; 3) муросачи, келишувчи

– مُسَالَمَةٌ тинчлик, ярашиш, келишиш; ~ عَدَمُ муросасизлик, келишиб бўлмаслик

– مُسْتَلِمٌ 1) олувчи, қабул қилувчи, адресат

– مُسْلِمٌ 1) ислом динини қабул қилган (*киши*), муслим бўлган; 2) мусулмон киши, муслим

– مُسَلَّمٌ[1] *тар.* солиқдан озод бўлгани учун қўшинда хизмат қилишга мажбур бўлган деҳқон аскар

– مُسَلَّمٌ[2]: بِهِ ~ имкони бор бўлган, мумкин бўлган, иложи бор бўлган; ... مِنَ الـ~ بِهِ أَنَّ ...нинг жуда иложи бор; وَ مِنْ غَيْرِ الـ~ بِهِ أَنَّ ...нинг бўлиши мумкин эмас

– مُسَلَّمَةٌ *кўп.* ـاتٌ — дастлабки шарт-шароит, замин; *маж. фалс.* исботсиз асос қилиб олинадиган қоида, постулат

– سَلْمَنٌ гўшти қизил балиқнинг бир тури, лосось

– سَلْمُونٌ 1) гўшти қизил балиқнинг бир тури, лосось; أَحْدَبُ ~ лосось оиласига мансуб балиқ, سِيبِرِيَا ~ лосослар оиласига мансуб балиқ, кета; مُرَقَّطٌ ~ хонбалиқ, форель; 2) лосось балиғининг гўшти

– سِلِنْدَرٌ *кўп.* ـاتٌ — цилиндр

– سَلْهَبٌ *кўп.* سَلاَهِبُ, سَلاَهِبَةٌ баланд, баланд бўйли, қомати келишган

I (سلو) سَلاَ (*y*) سُلُوّاً юпанмоқ, овунмоқ, тасалли топмоқ, таскин топмоқ, тинчиб қолмоқ; (*бирор н. ни*) унут: ок, эсидан чиқармоқ (عَنْ): سَلِيَ (*a*) سُلِيٌّ = سَلاَ; II سَلَّى юпатмоқ, овутмоқ, тасалли бермоқ, таскин бермоқ; кўнглини ёзмоқ, юракнинг чигилини ёзмоқ; завқлантирмоқ, хурсанд қилмоқ, кулдирмоқ; IV أَسْلَى = II. V تَسَلَّى тинчланмоқ, хотиржам бўлмоқ; тасалли топмоқ; юракнинг чигили ёзилмоқ, завқланмоқ; VI تَسَالَى кўпланшиб хурсандчилик қилмоқ, кўнгилларни ёзишмоқ

– تَسْلِيَاتٌ *кўп* тасалли, эрмак, кўнгил очадиган нарса, сайр-томоша

– تَسْلِيَةٌ *кўп* تَسَالَى вақтичоғлик қилиш, томоша қилдириш, ўйнатиш, овутиш

– سَالٍ *мн.* سَالِيَةٌ юпанувчи, овинувчи, тасалли топувчи

– سُلُوّاً[1] тасалли, эрмак, таскин; نَسْأَلُ لِعَائِلَةِ الْفَقِيدِ الصَّبْرَ وَ الـ~ марҳумнинг оиласига сабр-тоқат тилаймиз (*христианларда таъзия ифодаси*)

– سُلْوَانٌ[2] 1) маржон *ёки* мунчоқ донасига ёққан ёмғир суви (*бу сувни ошиқ ичса, кўнгли таскин топар эмиш*); 2) ғамгин одам ичса, ғами тарқайдиган дори

– سُلْوَانَةٌ маржон *ёки* мунчоқ донаси (*бу дона устига ёққан ёмғир сувини ошиқ ичса, кўнгли таскин топар эмиш*)

– سَلْوَاةٌ бедана

– سَلْوَةٌ, سُلْوَةٌ тасалли, эрмак, овунчоқ; вақтичоғлик; طَلَبَ الـ~ китоблар ўқишдан ўзига тасалли қидирмоқ فِي قِرَاءَةِ الْكُتُبِ

– سَلْوَى[1] тасалли, овунчоқ; بَحَثَ عَنِ الـ~ (*бирор н. дан*) ўзига тасалли қидирмоқ (فِي)

– سَلْوَى[2] *жам. кўп.* سَلَاوَى бедана

– سَلْوَى[3] асал

– سَلًى *кўп.* أَسْلَاءٌ *анат.* қоғоноқ (*она қорнидаги болани ўраб олган парда*); ◊ فِي الْبَطْنِ! ~ الـ انْقَطَعَ ҳамма нарса барбод бўлди!

– مَسْلَاةٌ *кўп.* مَسَالٍ хурсандчилик қиладиган жой

– مِسْلَاةٌ ўйинчоқ

– مَسْلِيٌّ - эритилган ёғ

سم *қисқ.* с. سَنْتِيمِتْرٌ *дан* сантиметр

I سَمَّ (*a/y*) سَمٌّ заҳарламоқ, заҳар солмоқ; II سَمَّمَ заҳарламоқ, заҳар солмоқ, (*бирор жойга*) заҳар қўймоқ; V تَسَمَّمَ (*бирор н. дан*) заҳарланмоқ (ҳ); VII انْسَمَّ 1) заҳарланмоқ; 2) аччиқланмоқ, ғазаби қайнамоқ, асабийлашмоқ, қони қайнамоқ

– تَسَمُّمٌ юқиш; заҳарланиш; الـ~ الدَّمَوِيُّ қоннинг заҳарланиши; الـ~ الْبَوْلِيُّ *мед.* буйракнинг касалланиши орқасида организмда тўпланиб қолган моддалар таъсири билан организмнинг заҳарланиши, уремия

– سَامٌّ заҳарли, заҳарловчи; ◊ ~ أَبْرَصُ *зоол.* чекко (*калтакесак*)

– سَامَّةٌ хослик, хусусийлик, махсуслик .

– سَمٌّ, سُمٌّ *кўп.* سُمُومٌ 1) заҳар; ~ الْفَأْرِ маргимуш; 2) (*игнанинг*) тешиги

– سَمُومٌ *кўп.* سَمَائِمُ самум (*иссиқ шамолнинг номи*); ◊ تَحْتَرِقُ سَمَائِمُ سُخْطِهِ у ғазабдан ёнаяпти

– سَمِّيٌّ заҳарли; مَوَادُّ ~ـَـةٌ заҳарли моддалар

– سَمِّيَّاتٌ *кўп.* заҳарли моддалар, заҳарлар

– سَمِّيَّةٌ заҳарлилик

– مَسَامُّ *жам.* 1) *анат.* тешикчалар (*теридаги тер безларининг майда тешикчалари*); 2) *физ.* модда заррачалари орасидаги кавакчалар

– مَسَامِّيٌّ кавак-кавак, кавакчалари кўп, ғовак, илма-тешик; الْأَحْجَارُ الـ~ـَـةُ ғовак, серғовак, серкавак тошлар

– مَسَامِّيَّةٌ ғоваклик, илма-тешиклик, кавaклик

– مُسِمٌّ заҳарловчи, заҳардек таъсир қилувчи

– مَسْمُومٌ заҳарланган

– سَمَافُورٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ семафор

– سَمَاوَرٌ *кўп* ـاتٌ ـــ самовар; شَخِيرُ الـ~ самоварнинг вишиллаб қайнаши

سمبطاوي, سمبتاوي, سمبتاوي симпатик, симпатияга оид; الْأَعْصَابُ الـ~ـَـةُ нафас олиш, овқат ҳазм қилиш ва қон айланиш жараёнини бошқарадиган асаблар

(سمت) II سَمَّتَ 1) (*бирор н. устида*) Оллоҳ Таоло номини зикр этмоқ (عَلَى); ◊ لِلْعَاطِسِ ~ аксирган одамга يَرْحَمُكَ اللهُ иборасини демоқ; III سَامَتَ 1) осмоннинг энг юқори нуқтасида бўлмоқ, бош устида бўлмоқ (*қуёш ҳақида*); 2) параллель бўлмоқ, параллель юрмоқ

– تَسَامُتٌ азимут

– تَسَامُتِيٌّ азимутга оид; خَرِيطَةٌ ~ـَـةٌ азимутли карта

– سَمْتٌ *кўп.* سُمُوتٌ 1) йўналиш; йўл; мақсад, ният; أَخَذَ ~ـَـهُ إِلَى ... (اتَّخَذَ)(*бирор томонга*) йўл олмоқ, жўнамоқ; ~ السُّمُوتِ *ёки* ~ الـ *астр.* азимут; ~ الْقَدَمِ *ёки* ~ نَظِيرُ الـ *астр.* надир (*зенитга диаметрал қарама-қарши вертикал чизиқнинг горизонтдан пастда осмон сфераси билан кесишган нуқтаси*); ~ الرَّأْسِ зенит; ~ الْاعْتِدَالِ тенгкунлилик доираси; ~ الْانْقِلَابِ қуёш туриши колюри (доираси); 2) қиёфа; хушбичимлилик, истараси иссиқлик, салобат; ~ زَيْنُ الـ хотиржам, табиати яхши, хулқи яхши; هُوَ مِنْ ذَوِي الـ~ وَ السِّنِّ وَ الْوَقَارِ у истараси иссиқ, салобатли, кўркам мўйсафиддир

– مُسَامَتَةٌ қуёшнинг зенитда туриши ҳолати

I سَمُحَ (*y*) سَمَاحَةٌ, سُمُوحَةٌ 1) қўпол бўлмоқ; бадбашара бўлмоқ, ярамас (жирканч) бўлмоқ, қабиҳ бўлмоқ; X اسْتَسْمَحَ 1) қўпол деб ҳисобламоқ; 2) бадбашара (ярамас, жирканч) ҳисобламоқ

– سَمَاجَةٌ 1) қўполлик; бемаънилик, ярамаслик, жирканчлик; 3) ёқимсизлик, бемазалик, ёмонлик

– سَمِيجٌ, سَمِجٌ 1) қўпол; 2) бадбашара, ярамас, жирканч; 3) ёқимсиз, бемаза, ёмон

I (سمح) سَمُحَ (*y*) سَمَاحَةٌ сахий (қўли очиқ, саховатли, бағри кенг) бўлмоқ; سَمَحَ (*a*) سَمَاحٌ (*бирор н. га*) рухсат бермоқ, имкон бермоқ (ҳ); йўл қўймоқ, бепарво қарамоқ; ... لِنَفْسِهِ أَنْ ~ ...ни ўзига эп кўрмоқ, ...ни ўзига раво кўрмоқ; ◊ اللهُ! ~ Ўхудо кўрсатмасин!; III سَامَحَ кечирмоқ, афв этмоқ, гуноҳидан ўтмоқ; илтифот кўрсатмоқ, мурувват қилмоқ; اللهُ! ~ـُـهُ уни Оллоҳ ўзи кечирсин!; IV أَسْمَحَ = سَمُحَ; VI تَسَامَحَ 1) (*бирор к. га нисбатан бирор н. да*) мурувватли бўлмоқ, илтифот кўрсатмоқ (فِي, مَعَ); йўл қўймоқ. бепарво бўлмоқ, бепарво қарамоқ; 2) эҳтиётқор бўлмоқ; X اسْتَسْمَحَ 1) узр сўрамоқ, кечирим сўрамоқ; 2) рухсат (изн) сўрамоқ

– إِسْمَاحٌ бағри кенглик, яхшилик

– أَسْمَحُ *мн.* سُمْحٌ *кўп.* сахий, саховатли, бағри кенг, яхши, кўнгли очиқ; اَلشَّرِيعَةُ الْغَرَّاءُ = اَلشَّرِيعَةُ السَّمْحَاءُ; اَلْمِلَّةُ السَّمْحَاءُ мусулмонлар

– تَسَامُحٌ 1) мурувват, шафқат; илтифот, риоя, риоягарчилик; йўл қўйиб бериш, бепарволик; ~ اَلدِّينِيُّ дин эркинлиги, дин эркинлигини эътироф этиш; 2) *тех.* машина қисмларини тайёрлашда йўл қўйиладиган ўлчамлар айирмаси, қўйим

– تَسَامُحِيَّةٌ мурасасозлик, келишувчилик

– سَمَاحٌ сахийлик, саховат, яхшилик, бағри кенглик; 2) кечиришлик; 3) рухсат бериш, изн бериш, илтифот кўрсатиш, мурувват; ~ عَدَمُ ман этиш; ~ اَلدَّيْنِ қарздор кишига қарзини қайтариш учун берилган муддат кунлари

– سَمَاحَةٌ 1) сахийлик, саховат, қўли очиқлик, бағри кенглик; 2) олийлик, улуғлик; 3) ҳазрати олийлари (*унвон, мас.*, ~ اَلْمُفْتِي *ёки* صَاحِبُ اَلْمُفْتِي *муфтий ҳазрати олийлари*); 4) чидамлилик, бардошлилик

– سَمْحٌ *кўп.* سُمْحَاءُ 1) қўли очиқ, сахий, саховатли, бағри кенг, яхши; 2) юқори, кучли, пок (*эътиқод*);2. 1) сахийлик, саховат, бағри кенглик; 2) чидамлилик, бардошлилик

– سَمْحَةٌ *кўп.* سَمَاحٌ *мн.* سَمْحٌ *нинг* 1. 2) *дан*; ~ اَلشَّرِيعَةُ = شرع *қар.* اَلشَّرِيعَةُ الْغَرَّاءُ

– سَمُوحَاتٌ *кўп.* солиқдан озод қилинган товарлар (моллар)

– سَمِيحٌ *кўп.* سُمَحَاءُ сахий, саховатли, қўли очиқ, бағри кенг

– مُسَامَحَةٌ 1) кечириш, афв этиш; 2) илтифот

– مُسَامَحَاتٌ *кўп.*: ~ أَيَّامُ اَلْـ байрам кунлари, таътил; таътил кунлари

– مِسْمَاحٌ сахий, саховатли, қўли очиқ, бағри кенг

– مَسْمُوحٌ рухсат берилган, имкон берилган, рухсати бор, рухсатли

– مَسْمُوحَاتٌ *кўп.* = سُمُوحَاتٌ

سِمْحَاقٌ *кўп.* سَمَاحِيقُ *биол.* тўқима; ~ اَلْعِظَامِ суяк пардаси, суяк устидаги парда

– سَمَاحِيقُ *кўп.* патсимон булутлар, барра булутлар

I **سَمَدَ** (*у*) سُمُودٌ бошни мағрур кўтармоқ; II سَمَّدَ (*ерни*) ўғитламоқ, (*ерга*) ўғит солмоқ; V تَسَمَّدَ ўғитланмоқ, ўғит тушмоқ

– تَسْمِيدٌ ўғит солиш, ўғитлаш

– سَامِدٌ *шунингдек*: ~ اَلرَّأْسِ бошини мағрур кўтарган

– سَمَادٌ *кўп.* أَسْمِدَةٌ ўғит; صِنَاعِيٌّ ~ сунъий йўл билан ҳосил қилинган ўғит; عُضْوِيٌّ ~ органик ўғит; اَلْأَسْمِدَةُ الْآزُوتِيَّةُ азотли ўғитлар; اَلْأَسْمِدَةُ الْفُوسْفَاتِيَّةُ фосфатли ўғитлар; اَلْأَسْمِدَةُ الْمَعْدَنِيَّةُ минерал ўғитлар

– سَمِيدٌ *ёки* سَمِيذٌ *жам.* 1) оқ ун; 2) тешик кулча, ўрама нон, калава нон (*сол.* سَمِيطٌ)

سَمِيدَعٌ *кўп.* سَمَادِعُ жаноб; обрў-эътиборли; баҳодир

I (سمر) **سَمُرَ** (*у*) سُمْرَةٌ тўқ бўлмоқ, жигарранг бўлмоқ, қорача рангда бўлмоқ, буғдойранг бўлмоқ; سَمَرَ (*у*) سُمُورٌ, سَمْرٌ 1) кечқурун гурунглашиб ўтирмоқ, кечқурунги пайтни гурунглашиб ўтказмоқ; кечаси бедор бўлмоқ, туни билан ухламай чиқмоқ; 2) мих қоқмоқ, михламоқ; II سَمَّرَ 1) михлаб бекитмоқ, михлаб ташламоқ; ~ مِسْمَارًا мих қоқмоқ; 2) қоқиб ёпиштирмоқ, қоқиб уламоқ, михлаб ташламоқ; عَيْنَهُ بِهِ ~ бирор нимага тикилиб қарамоқ; لَمْ يَتَحَرَّكْ كَأَنَّ قَدَمَيْهِ سُمِّرَتَا إِلَى الْأَرْضِ *маж.* у ўрнидан жилмади; у михлаб қўйилгандек қимирламай турди; 3) жўнатмоқ, юбормоқ; اَلسَّهْمَ ~ ёйдан ўқ узмоқ; III سَامَرَ ўзаро суҳбатлашмоқ, ўзаро гаплашмоқ (гурунглашмоқ); V تَسَمَّرَ 1) михлаб ташланмоқ; қоқиб ташланмоқ; 2) михлаб қўйилмоқ; VI تَسَامَرَ ўзаро суҳбатлашмоқ (суҳбатлашиб ўтирмоқ); IX اسْمَرَّ тўқ бўлмоқ, буғдойранг бўлмоқ, тўқлашмоқ; офтобда қораймоқ; XI اسْمَارَّ = IX

– أَسْمَرُ *мн.* سُمْرٌ *кўп.* سُمْرَاءُ тўқ; буғдойранг; жигарранг; ~ اَلْجِلْدِ қора танли, буғдойранг; ~ اَنِ *ик. с.* сув ва буғдой *ёки* сув ва шамол

– سَامِرٌ[1] гап, гап-гаштак; ўйин-кулги кечаси; ~ أَحْيَا اَلْـ гап бермоқ, гурунг ташкил этмоқ, гап-гаштак қилиб ўтказмоқ

– سَامِرٌ[2] *кўп.* سُمَّارٌ 1) гап-гаштак қатнашчиси, ҳамсуҳбат; 2) қаҳвахонага кечаси келувчи, қаҳвахонанинг тунги мижози; 3) қўшиқчи, хонанда; ~ اَلشَّعْبِيُّ халқ ҳофизи

– سَامِرِيَّةٌ *алиф. б. қар.*

– سَمَارٌ[1] тўқ ранг, қорамтир ранг; қорачалик, қорача рангда

– سَمَارٌ[2] қамиш; ~ اَلْحُصُرِ кўлда ўсадиган қамиш

– سَمَرٌ *кўп.* أَسْمَارٌ 1) гап, гап-гаштак, йиғин; ~ أَقَامَ حَفْلَةَ гап-гаштак бермоқ, йиғин ўтказмоқ; 2) (*кечқурунги*) суҳбат, гаплашиб ўтириш; 3) тунги зулмат

– سَمُرٌ акас дарахтлари турларидан бири

– سَمْرَاءُ буғдой

– سُمْرَةٌ тўқ ранг, қорамтир ранг; қорачалик, қорача рангда бўлиш

– سَمُّورٌ *кўп.* سَمَامِيرُ *зоол.* сувсар; ~ فَرْوُ сувсар мўйнаси

– سَمِيرٌ *кўп.* سُمَرَاءُ ҳамсуҳбат; ҳикоя айтувчи

– سُمَيْرِيَّةٌ кема турларидан бири

– مُسَامِرٌ ҳамсуҳбат, суҳбатдош

– مُسَامَرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) суҳбат; суҳбатлашиш; кечки (оқшомги) йиғин (йиғилиш); 2) оммабоп маъруза

– مِسْمَارٌ *кўп.* مَسَامِيرُ мих, қозиқ; ~ بِطَاسَةَ катта қалпоқли мих; ~ اَلْبُرْشَمَةِ михпарчин, чега; ~ بِصَامُولَةٍ гайкали болт; ~ اَلْفَلَنْكَاتِ *т. й.* рельсни шпалга маҳкамлайдиган Т шаклли мих; ~ قَبَاقِيبِيٌّ кнопка; ~ لَوْلَبِيٌّ винт; ~ مَقْلُوظٌ винт, шуруп; ◊ ~ اَلْقَدَمِ қадоқ,

оёқдаги қадоқ; ~ اللَّبَنِ оғизсут; ~ جُحَا Жуҳо латифаларининг энг муҳим жойи (магзи, ўзаги) (*Жуҳо-араб латифаларининг қаҳрамони; сол. туркий халқлардаги Насриддин афанди каби*); (*тез-тез кириб келиш учун ишлатиладиган*) баҳона; لَيْسَ لَهُ شَيْءٌ حَتَّى وَ لَا ~ جُحَا (*мас., бирор кимникига бориш учун*) унда ҳеч қандай баҳона йўқ

– مِسْمَارِيٌّ 1) мих шаклидаги, михсимон; 2) пона шаклидаги; ~ـــةُ الْكِتَابَةِ миххат

– مُسَمَّرٌ 1) михлаб ташланган, михлар қоқиб ташланган; 2) михи чиқиб кетган (*оёқ кийими*)

سَمَرْمَرٌ *зоол.* тўққизил чуғурчиқ

سَمْسَرَ даллоллик қилмоқ, ўртачилик қилмоқ, ўртада турмоқ

– سِمْسَارٌ *кўп.* سَمَاسِرَةٌ даллол; айғоқчи, агент; комиссионер; ◊ سَمَاسِرَةُ السُّوءِ ёвузлик тарқатувчилар

– سَمْسَرَةٌ 1) даллоллик, ўртачилик; 2) даллоллик учун тўланган ҳақ, даллолга тўланган ҳақ, ширинкома

سِمْسِمٌ *жам.* кунжут; симсим (*эртакларда: тилсимли хазина*); زَيْتُ ~ـــ кунжут ёғи; ◊ افْتَحْ يَا ~ـــ! *фольк.* симсим, очил!

I (سمط) **سَمَطَ**[1] (*у*) سَمْطٌ 1) қайноқ сувга ботириб олмоқ, қайноқ сув билан ювмоқ, қайноқ сув билан чаймоқ; қайнатмоқ; 2) ~ الْجَدْيَ[2] эчки боласи устидан иссиқ сув қуйиб жунини олмоқ; سَمَطَ (*у*) سُمُوطٌ жим турмоқ, сукут сақламоқ; II سَمَّطَ эгар устидаги қайишга осиб қўймоқ (илиб қўймоқ)

– سِمَاطٌ *кўп.* سُمُطٌ, أَسْمِطَةٌ 1) дастурхон; 2) стол; 3) дастурхон ёзилган хон

– سِمْطٌ *кўп.* سُمُوطٌ маржон *ёки* марварид шодаси; 2) мунчоқ *ёки* маржон ўтказилган ип; 3) *кўп.* سُمُوطٌ эгардан осилиб тушган чарм камар

– سِمْطِيٌّ = مُسَمَّطٌ

– سَمِيطٌ[1] *жам.* тешик кулча, ўрама нон, калава нон

– سَمِيطٌ[2] устидан иссиқ сув қуйиб жуни олинган (*ҳайвон*)

– سُمَيْطٌ *кўп.* اتٌ ـــ дастурхонча, кичкина дастурхон

– سَمِيطَةٌ тешик кулча, ўрама нон, калава нон

– مَسْمَطٌ *кўп.* مَسَامِطُ қўйнинг калла-почаси сотиладиган жой (бозор)

– مُسَمَّطٌ: ~ شِعْرٌ аруз вазнидаги қофияланиши ўзига хос шеър жанри

– مَسْمُوطٌ = سَمِيطٌ

I **سَمِعَ** (*а*) سَمْعٌ, سَمَاعٌ эшитмоқ, қулоғига кирмоқ; қулоқ солмоқ; بِأُذُنِهِ ~ ўз қулоғи билан эшитмоқ (*кўп.* سَمِعُوا بِآذَانِهِمْ); كَانَ يُسْمَعُ وَ لَا يُرَى у ҳақда эшитиларди, лекин кўрилган эмас; لَمْ يُسْمَعْ بِهِ қулоқ эшитмаган; كَمَنْ رَأَى وَ لَيْسَ مَنْ ~ *мтл.* юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал (*сўзма-сўз:* эшитган кўргандек бўлмас); 2) қулоқ солмоқ, итоат қилмоқ, бўйин эгмоқ, сўзига кирмоқ; II سَمَّعَ 1) эшиттирмоқ; ҳикоя қилмоқ, гапириб бермоқ; (*маъруза*) ўқимоқ, декламация қилмоқ; 2) (*бирор к. нинг*) обрўсини туширмоқ, (*бирор к. га*) доғ туширмоқ, (*бирор к. ни*) бадном қилмоқ, беобрў қилмоқ, (*бирор к. га*) иснод келтирмоқ (ب); IV أَسْمَعَ 1) эшиттирмоқ. 2) гапирмоқ, гапириб бермоқ; хабар бермоқ, (*радиодан*) эшиттирмоқ; أُغْنِيَةً ~ـــهُ مُرَّ الْكَلَامِ ашула ижро этмоқ; бемаъни гапларни гапириб жаврамоқ; دَرْسَهُ ~ а) дарсда жавоб бермоқ; б) дарсни ёд олмоқ, ёдла-моқ; V تَسَمَّعَ *ёки* اسَّمَّعَ қулоқ солмоқ; охиригача қулоқ солмоқ, (*бирор н. га диққат билан қулоқ солмоқ*) (إِلَى, عَلَى, لِـــ); VI تَسَامَعَ бир-биридан эшитмоқ, орқаворотдан эшитмоқ; (*бирор н. ҳақида*) гап-сўздан билиб қолмоқ (ب); (*бирор н. ни*) бир-бирига билдирмоқ (ب); VIII اسْتَمَعَ қулоқ солмоқ; эшитмоқ; (*бирор н. ни*) билдирмай эшитиб олмоқ

– قَاعَةُ الـــ~ اسْتِمَاعٍ қулоқ солиш; тинглаш, эшитиш; аудитория

– تَسْمِيعٌ 1) айтиб бериш, ҳикоя қилиш; (*маъруза*) ўқиш; шеър ўқиш; ~ٍ оғзаки; 2) обрўни тўкиш, таҳқирлаш

– تَسَمُّعٌ 1) қулоқ солиш; тинглаш, эшитиш; 2) *мед.* аускультация (*тиббий текшириш усули, бунда ўпка, юрак товушларини бевосита ёки бавосита эшитиш*)

– سَامِعٌ эшитувчи, тингловчи, қулоқ солувчи; ◊ الـــ~انِ қулоқлар

– سَمَاعٌ 1) қулоқ солиш, тинглаш; سَمَاعِ! қулоқ сол!, эшит!; 2) ҳамоҳанглик, оҳангдошлик, хушовозлик, хушнаволик; ~ الـــ. عِلْمُ акустика; 3) жонли нутқ (*текширишни ўрганишнинг манбаи сифатида*)

– سَمَّاعَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) телефон трубкаси (гўшаги); эшитиш трубкаси; *радио.* қулоққа тутиб эшитиладиган асбоб, наушник; 2) *мед.* стетоскоп (*юрак ва ўпкани эшитиш учун ишлатиладиган асбоб*); ◊ الْبَابِ ~ эшикка ўрнатилган болғача (*эшикни тақиллатиш учун*)

– سَمَاعِيٌّ 1) *грам.* амалиётда, нутқ жараёнида қонунийлашган (*сўз, ибора, шакл*), ёзма нутқда учрамайдиган, оғзаки; 2) *юр.* тўла кучга эга бўлмаган (*гувоҳ ёки гувоҳлик*); ~ شَاهِدٌ гувоҳлиги тўлиқ исбот сифатида ўтмайдиган, билвосита исбот ҳисобланадиган гувоҳ

– سَمَاعِيَّاتٌ *кўп.* акустика

– سَمْعٌ *кўп.* أَسْمَاعٌ 1) эшитиш, қулоқ солиш, тинглаш; ~ بِالـــ овоз чиқариб, эшитиладиган қилиб; ~ الـــ حَاسَّةُ эшитиш сезгиси; ~ الـــ ثَقِيلُ қулоғи вазмин, қулоғи оғир; ~ الـــ جِهَازُ эшитиш асбоби; ~ الـــ بَلَغَ تَحْتَ ~ـــهِ وَ بَصَرِهِ أَسْمَاعَهُ الْخَبَرُ бу хабар унгача етиб борди; تَحْتَ أَسْمَاعِهِ وَ أَبْصَارِهِ бирор кимнинг қулоғи ва кўзи ўнгида; 2) қулоқ; 3) ашула айтиш, сайраш; ◊ ~ٍ وَ طَاعَةً хўп бўлади, жоним билан, бош устига; كَانَ الْحَدِيثُ فِي ~ـــهِ суҳбат у бор вақтда (унинг иштирокида) бўлган эди

– سَمْعٌ бўри билан сиртлоннинг чатишмаси

– سُمْعَةٌ шуҳрат, обрў, эътибор, донг, ном; حَمِيدَةٌ ~ яхши ном, яхши обрў; رَدِيئَةٌ ~ ёмон ном; ~ حَسَنُ الـــ эътиборли, ном қозонган, яхши деб ном чиқарган; ~ فَعَلَ الشَّيْءَ бирор нимани одамлар эшитсин учун қилмоқ

– سَمْعِيٌّ 1) қулоқ билан эшитиладиган; ~ـــةٌ صَدْمَةٌ эшитиш аъзоларининг шикастланиши, қулоқнинг шикастланиши; 2) акустикага оид, акустик

– سَمَاعِيَّاتٌ *кўп.* سَمَاعِيَّاتٌ; ~ـــ عِلْمُ الـــ акустика (*физиканинг бир бўлими*)

– سَمِيعٌ *кўп.* سُمَعَاءُ эшитувчи, тингловчи; ~ـــ الـــ ҳамма нарсани эшитувчи (*Оллоҳ Таолонинг сифатларидан бири*)

– مُسْتَمِعٌ тингловчи, эшитувчи

– مِسْمَاعٌ *кўп.* مَسَامِيعُ *мед.* юракнинг уришини, ўпкани эшитиб кўриш учун ишлатиладиган асбоб, стетоскоп

– مَسْمَعٌ овоз етадиган жой, эшитиш мумкин бўлган жой; سَأَلَهُ عَلَى ~ مِنِّي *ёки* سَأَلَهُ بـــ ~ مِنِّي менга овози етадиган жойдан туриб уни сўради

– مُسْمِعٌ хонанда, ашулачи

– مِسْمَعٌ *кўп.* مَسَامِعُ эшитиш аъзоси, қулоқ

– مَسْمُوعٌ эшитилган; эшитиш мумкин бўлган, равшан, очиқ-ойдин; ~ غَيْرُ эшитиб бўлмайдиган; ~ الْكَلِمَةِ эътиборли, обрўли

– مَسْمُوعَاتٌ *кўп.* қулоққа чалинган гаплар

– مَسْمُوعِيَّةٌ эшитиш мумкинлик, эшитишлик

سِمْفُونِيَا симфония

I سَمَقَ (*у*) سُمُوقٌ, سَمْقٌ баланд бўлмоқ, баландда бўлмоқ; новча бўлмоқ, бўйи узун (баланд) бўлмоқ; VI تَسَامَقَ кўтарилмоқ, юқориламоқ, чўққига кўтарилмоқ

– سَامِقٌ новча, найнов, баланд, бўйи узун

– سُمَّاقٌ *бот.* суммоқ (*тери ошлашда ишлатиладиган модда берувчи ўсимлик*)

– سُمَّاقِيٌّ: ~ حَجَرٌ *ёки* ~ رُخَامٌ порфир (*минерал*)

– سَمْقٌ новча, найнов, баланд, бўйи узун

I (سمك) سَمَكَ (*у*) سُمُوكٌ 1) баланд бўлмоқ, новча бўлмоқ; 2) семиз (йўғон) бўлмоқ; سَمَكَ (*у*) سَمْكٌ кўтармоқ, юқорига кўтармоқ; II سَمَّكَ семиртирмоқ, йўғонлаштирмоқ

– سَمَاكٌ: ~ الـــ الرَّامِحُ *ёки* ~ الـــ *астр.* Арктур (*Ҳўкизбоқар юлдузлар туркумида*); ~ الـــ الْأَعْزَلُ *астр.* Спика (*Дева юлдузлар туркумида*); ~ الـــ ~ـــيْنِ *ик. с.* Арктур ва Спика; رَفَعَهُ إِلَى الـــ *маж.* бирор кимни етишиш мумкин бўлмаган чўққига кўтармоқ; رَفَعَ ~ الـــ اسْمَهُ *маж.* бирор кимнинг номини осмонга кўтармоқ

– سَمَّاكٌ 1) балиқчи, балиқфуруш, балиқ сотувчи; 2) балиқ тутувчи

– سَمَاكَةٌ 1) баландлик, тепалик; (*қатламнинг*) қалинлиги; 2) қалинлик, зичлик

– سَمَاكَةٌ балиқчилик, балиқ овлашлик

– سُمْكٌ, سَمْكٌ 1) баландлик, тепалик; қалинлик; чуқурлик; 2) шифт

– سَمَكٌ *жам. кўп.* أَسْمَاكٌ балиқ; ~ بَحْرِيٌّ денгиз балиғи; ~ نَهْرِيٌّ дарё балиғи; ~ الْأَمِيرِ хонбалиқ, форель; ~ الثُّعْبَانِ *зоол.* илон балиқ; ~ قَدِيدٌ қизил балиқнинг тузланган ва қоқиланган орқа гўшти; ~ مُوسَى камбала (*балиқ тури*); الْأَسْمَاكُ الطَّازِجَةُ янги тутилган балиқ; الْأَسْمَاكُ الْمُجَفَّفَةُ қуритилган балиқ; الْأَسْمَاكُ الْمَحْفُوظَةُ (الْمُعَلَّبَةُ) консерваси; الْأَسْمَاكُ الْمُمَلَّحَةُ шўр балиқ; ~ تَرْبِيَةُ الـــ балиқчилик; ~ صَيَّادُ الـــ балиқчи; ~ صَيْدُ الـــ балиқ тутиш; ~ـــ غَاضَ بَحْرُهُ *мтл.* сувсиз балиқ каби; اشْتَرَى ~ا فِي الْبَحْرِ (الْمَاءِ) *маж.* тишини кўрмай от олмоқ (*сўзма-сўз:* денгиздаги (сувдаги) балиқни сотиб олмоқ)

– سَمَكَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ балиқ, бир дона балиқ; ~ أَبْرِيلَ биринчи апрель хазили; ~ الـــ الذَّهَبِيَّةُ *фольк.* олтин балиқ; ~ الـــ *астр.* Ҳут юлдузлар туркуми

– سَمَكِيٌّ балиққа оид, балиқдан қилинган; ~ـــةٌ تَرْوَةٌ балиқ заҳираси, балиқ бойлиги

– سَمِيكٌ 1) баланд, юқори; 2) семиз, бақалоқ; қалин

– مَسْمَكَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ сувнинг балиқ овлаш учун қулай, кенг ва тинч жойи; 2) аквариум

سَمْكَرِيٌّ *кўп.* سَمْكَرِيَّةٌ тунукачи, тунукасоз; металлардан ясалган буюмлар сиртига қалай югуртириб оқартирувчи мисгар уста; مِكْوَاةُ ~ الـــ кавшарлагич; қалайлаш (кавшарлаш) асбоби

– سَمْكَرَةٌ, سَمْكَرِيَّةٌ тунукасозлик, тунукачилик

I (سمل) سَمَلَ (*у*) سَمْلٌ (*кўзни*) ўйиб олмоқ; سَمُلَ (*у*) سُمُولٌ эскирмоқ, тўзимоқ, увадага айланмоқ; IV أَسْمَلَ эскирмоқ, йиртилмоқ; VIII اسْتَمْلَ = I

– سَمْلٌ ўйиш, ўйиб олиш; ~ الْعَيْنِ кўзни н. биландир ўйиб олиш

– سَمَلٌ *кўп.* أَسْمَالٌ 1) йиртиқ кийим-бош, увада; 2) қолдиқ

I سَمَنَ (*у*) سَمْنٌ ёғ билан аралаштирмоқ, ёғ (мой) қўшиб қоримоқ (аралаштирмоқ, қориштирмоқ)

– سَمَنٌ семизлик, тўлалик, барвасталик, норғиллик

– سُمَّانَى = سُمَانَى

– سَمِينٌ семиз, тўла, барваста, норғил, ёғли

– سُمْنَةٌ[1] *кўп.* سُمَّانٌ сайроқи майна

– سُمْنَةٌ[2] семиртирадиган дори

– سُمْنَةٌ *кўп.* سَمَامِنُ, سُمُنٌ = سُمْنَةٌ

– سِمَنٌ = سِمْنَةٌ

– سُمَنِيَّةٌ бутга чўқинувчиларнинг бир тоифаси

– سِمِينٌ *кўп.* سِمَانٌ = سَمْنَانٌ

– مُسَمَّنٌ ёғли, серёғ; боқиб семиртирилган, бўрдоқига боқилган

– مَسْمُونٌ ёғ (мой) қўшилган, ёғ (мой) қўшиб қорилган; ~ طَعَامٌ ёғ (мой) қўшиб тайёрланган овқат

سِمَنْتٌ, سِمَنْتُو цемент

سَمَنْجُونِيٌّ мовий, ҳаворанг, ложувард, осмоний ранг

سَمَنْدَرٌ *зоол.* самандар (*ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшайдиган калтакесакка ўхшаш жонивор*), саламандра; ~ الْمَاءِ *зоол.* сувда яшайдиган калтакесак

سَمَنْدَلٌ = سَمَنْدَرٌ

سَمْهَرِيٌّ қаттиқ, пишиқ, мустаҳкам

– سَمْهَرِيَّةٌ пишиқ, қаттиқ ишланган найза

وسم *қар.* سِمَةٌ

I (سمو) سَمَا (*у*) سُمُوٌّ 1) баланд бўлмоқ, юқорига кўтарилмоқ; (*бирор н. дан*) юқори бўлмоқ (عَنْ); (*бирор н. гача*) кўтарилмоқ (إِلَى); 2) (*бирор н. ни*) зўр бериб олишга интилмоқ, зўр бериб талаб қилмоқ (إِلَى); 3) (*бирор н. ни*) кўтармоқ (ب); بِنَظَرِهِ ~ (*бирор к. га*) қарамоқ, кўз ташламоқ (إِلَى); 4) بِسْمِ اللهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيمِ иборасини айтмоқ; II سَمَّى 1) (*бирор н. ни деб*) атамоқ (*туш. к. ёки* ب); (بِمُحَمَّدٍ) سَمَّاهُ مُحَمَّدًا уни у Муҳаммад деб атади; كَمَا يُسَمُّونَهُ *ёки* مَا يُسَمَّى بِـ... деб аталадиган; III سَامَى шон-шуҳратда, қўлда тутиб турган мавқеда ким ўзарлик қилмоқ; ўзиб кетишга интилмоқ; (*бирор к. билан.*) тенглашишга интилмоқ; IV أَسْمَى 1) (*бирор н. деб*) атамоқ, ном бермоқ, исм қўймоқ (*туш. к. ёки* ب); 2) юқорига кўтармоқ; V تَسَمَّى (*деб*) аталмоқ, (*қандайдир*) номга эга бўлмоқ (ب); VI تَسَامَى 1) юқорига кўтарилмоқ, баланд парвоз қилмоқ; 2) шон-шуҳратда ким ўзди ўйнамоқ, мақтанмоқ; ўзини юқори ҳисобламоқ, ўзини баланд олмоқ; 3) (*бирор н. ни*) кўтармоқ

– اسْمٌ *кўп.* أَسْمَاءٌ, أَسَامٍ 1) ном, исм, атама; فُلَانٌ بِـ~ фалон киши номидан; ~ الشَّخْصِ исм, ном, от; ~ الْعَائِلَةِ фамилия; ~ مُسْتَعَارٌ *ёки* مُنْتَحَلٌ ~ ўйлаб топилган исм, тахаллус, лақаб; ~ سِرِّيٌّ лақаб; ~ اً ном билан, номда; б) номигагина, фақат қоғозда; كَانَ ~ اً عُرِفَ بِالـ~ فَقَطْ номи бору ўзи йўқ бўлмоқ; مُسَمًّى مِنْ غَيْرِ مُسَمًّى номигина маълум бўлмоқ; أَسْمَاءُ اللهِ الْحُسْنَى *ёки* الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى *дин.* Оллоҳ Таолонинг 99 та исми сифати (*сўзма-сўз:* Оллоҳнинг гўзал исмлари); اللهِ بِـ~ Оллоҳ номи билан; اللهِ عَلَيْهِ! ~ уни Оллоҳ ўзи асрасин!; اللهِ عَلَيْكَ! ~ уялсанг-чи!; 2) обрў, донг, ном; 3) (*мас., китобнинг*) номи, сарлавҳаси; 4) *грам.* от; عَلَمٌ ~ атоқли от; الْعَيْنِ ~ конкрет от; الْمَعْنَى ~ мавҳум от, абстракт от; الْفَاعِلِ ~ аниқ нисбат сифатдоши; الْمَفْعُولِ ~ мажҳул нисбат сифатдоши

– أَسْمَى энг юқори, энг олий, энг баланд

– اسْمِيٌّ 1) отга оид; جُمْلَةٌ ~ـــةٌ *грам.* от кесимли гап; ~ عِيدٌ исм байрами (*христианларда*); 2) исми бору, ўзи йўқ; номи бору, ўзи йўқ; турдош

– اسْمِيَّةٌ 1) *грам.* отнинг отлик хусусияти, отлик; 2) *фалс.* номинализм (*ўрта аср ғарб фалсафаси. Унга кўра оламда фақат якка нарсалар, предметлар мавжуд, умумий тушунчалар эса фақат нарсаларнинг номларидангина иборат*)

– تَسْمِيَةٌ *кўп.* اتٌ — аташ. номлаш; ном, исм; تَسْمِيَاتٌ اصْطِلَاحِيَّةٌ номенклатура

– سَامٍ *мн.* سَامِيَةٌ *кўп.* سُمَاةٌ 1) баланд, юқори; улуғ, улуғ даражали; 2) олий; энг олий; الْمَنْدُوبُ السَّامِي олий комиссар; الْأَمْرُ السَّامِي фармон, олий фармон

– سُمًا шон-шуҳрат, донг, яхши ном

– سَمَاءٌ *мн. кўп.* سَمَاوَاتٌ, سَمَوَاتٌ 1) осмон, самовот; أُمُّ الـ~ *астр.* Сомон Йўли; الـ~ الْمَاءَ بِالدِّلَاءِ صَبَّتِ (هَمَّتِ) пақирлаб қуйгандек ёмғир ёғмоқ; الـ~ بَرَدًا تُمْطِرُ ёмғир ёғаяпти; الـ~ تُمْطِرُ дўл ёғаяпти; 2) уйнинг шифти; 3) ёмғир

– سَمَائِيٌّ 1) осмонга (самога) оид; самовий; 2) ҳаворанг, мовий

– سَمَاوَةٌ саҳронинг шаҳарга туташган, яқин қисми

– سَمَاوِيٌّ 1) осмонга (самога) оид, самовий; الْأَجْرَامُ الـ~ـــةُ осмон жисмлари; 2) ҳаворанг, мовий; 3) очиқликда турган, осмон тагида турган; 4) осмондан нозил бўлган, илоҳий; ~ كِتَابٌ илоҳий китоб; الشَّرَائِعُ الـ~ـــةُ *қар.* شَرِيعَةٌ

– سُمُوٌّ 1) баландлик; 2) олийлик; 3) аълоҳазрат; صَاحِبُ الـ~ жаноби олийлари

– سَمِيٌّ[1] баланд, юқори

– سَمِيٌّ[2] адаш, отдош, исми бир-бирига ўхшаган

– مُسَامَاةٌ эгаллаб турган амал билан *ёки* шон-шуҳрат билан ким ўзиш ўйнаш; ўзиб кетишга интилиш

– مُسَمًّى 1) аталган. ном берилган, ном қўйилган; كَثْرَةُ الْأَسْمَاءِ تَدُلُّ عَلَى شَرَفِ الْـ~ отнинг кўплиги унинг аслзодалигидан далолат беради; 2) маълум; ~ أَجَلٌ غَيْرُ номаълум муддат; 3) *кўп.* مُسَمَّيَاتٌ а) ном қўйилган предмет; الْـ~ وَ اسْمُهُ предмет ва унинг номи; б) ном, исм; سَمَّى أَشْيَاءَ بِمُسَمَّيَاتِهَا нарсаларни ўз номи билан атамоқ; ~ ظَلَّ (أَصْبَحَ) اسْمًا بِلَا қоғозда (оғизда) қолиб кетмоқ; 4) тушунча; مُسَمَّيَاتٌ عِلْمِيَّةٌ илмий тушунчалар

سِمُوكِنٌ қайтарма ипак ёқали узун қора мовут пиджак, смокинг

سَمَيْدَعٌ 1) сахий, саховатли, қўли очиқ 2) *кўп.* سَمَادِعَةٌ жасур, баҳодир, ботир, мард

I سَنَّ (*а/у*) 1) ўткирламоқ, ўткир қилмоқ; عَيْنَيْهِ ~ диққат билан қарамоқ, тикилиб қарамоқ; 2) (*қонун*) чиқармоқ, жорий қилмоқ; (*қоида*) чиқармоқ; II سَنَّنَ 1) ўткирламоқ, ўткир қилмоқ, чархламоқ; 2) қараб туриб ёшни айтиб бермоқ; ◊ الْوَلَدُ ~ чақалоқнинг тиши чиқди; IV أَسَنَّ кекса ёшли бўлмоқ, кексаймоқ; الْوَلَدُ ~ = سَنَّنَ الْوَلَدُ; ... أَنْيَابَهُ لِأَنْ ~ ... учун тиш қайрамоқ; VIII اسْتَنَّ 1) қонунлаштирмоқ, қонун тусига киритмоқ; (*қонун*) чиқармоқ, (*қоида*) жорий қилмоқ; (*одат*) тусига киритмоқ; بِالسُّنَّةِ ~ суннага мувофиқ иш тутмоқ; 2) тишни тозаламоқ, мисвок қилмоқ

– أَسْنَانِيٌّ *фон.* тиш (*товуши*); شَفَوِيٌّ ~ лаб-тиш (*товуши*) (ذ, ظ, ث)

– تَسْنِينٌ 1) тиш чиқиши, тиш пайдо бўлиши; 2) қараб туриб ёшни айтиб бериш

– سَنٌّ (*қонунлар*) чиқариш; ~ الشَّرَائِعِ *ёки* الْقَوَانِينِ ~ қонунлар чиқариш

– سِنٌّ[1] *мн. кўп.* أَسْنَانٌ 1) ёш (*яшалган умрнинг йилдаги ҳисоби*); ~ الرُّشْدِ балоғат ёши; ~ الـ حَدِيثُ ёш (*кексанинг акси*); طَاعِنٌ فِي ~ الـ ёши ўтган, кексайган; ~ الـ صَغِيرُ кичик ёшли; ~ الـ كَبِيرُ кекса; ~ الـ مُتَقَدِّمُ ёши ўтган, мўйсафид

– سِنٌّ[2] *мн. кўп.* أَسِنَّةٌ, أَسْنَانٌ 1) тиш; ~ طَاحِنَةٌ озиқ тиш; ~ قَاطِعَةٌ олдинги тиш, курак тиш; ~ الْفِيلِ а) фил тиши; б) фил суяги; طَاقِمُ أَسْنَانٍ صِنَاعِيَّةٍ сунъий тиш, протез; طَبِيبُ الْأَسْنَانِ тиш табиби, дантист, стоматолог; فُرْشَةُ الْأَسْنَانِ тиш чўткаси; ~ الْكَلْبِ а) қозиқ тиш, ит тиш; б) *архит.* ганжбанд безак; 2) *архит.* дентикула (*тишпатиб бириктириш*); 3) тиш; ~ الْمِسْلَفَةِ омоч (*борона*) тиши; ~ الْمِنْشَارِ арра тиши; ~ الثَّوْمِ саримсоқпиёзнинг бир парраги (тиши); 4) ўткир қирра, ўткир уч; ~ الْقَلَمِ қаламнинг (ўткир) учи; 5) қўзоқ, пўчоқ; ~ الْفُولِ фўл (ловия) қўзоқлари; ~ الْعَدَسِ ёсмиқ қўзоқлари; ◊ هُمْ كَأَسْنَانِ الْمُشْطِ улар ўзаро иноқдирлар, аҳилдирлар (*сўзма-сўз:* улар тароқнинг тишлари кабидирлар); السِّنُّ بِالسِّنِّ وَ الْعَيْنُ بِالْعَيْنِ қонга қон, жонга жон (*сўзма-сўз:* тишга тиш, кўзга кўз); ~ الْأَسَدِ момақаймоқ, қоқи ўт; ~ الْمِنْجَلِ читтак; ~ عَيْشُ иккинчи нав нон; ~ الـ ذَاتُ *муз.* (*нотада*) саккиздан бир; ثُنَائِيَّةُ الْأَسْنَانِ *муз.* (*нотада*) ўн олтидан бир; رُبَاعِيَّةُ الْأَسْنَانِ *муз.* (*нотада*) ўттиз иккидан бир

– سِنَانٌ[1] *кўп.* أَسِنَّةٌ тиғ, (*бирор н. нинг*) тиғи, дами; (*бирор н. нинг*) учи

– سِنَانٌ[2] тиғни ўткирлайдиган тош, қайроқ тош

– سَنَّانٌ қайровчи, чархчи

– سَنَنٌ услуб, йўл, метод

– سُنَّةٌ *кўп.* سُنَنٌ 1) одат, урф-одат; амалиёт, практика; 2) ривоят; ~ الـ ёки النَّبَوِيَّةُ ~ ёки الرَّسُولِ сунна (*ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтган сўзлари ва бажарган ишлари ҳақидаги ҳадислар мажмуаси*); ~ الـ أَهْلُ суннийлар; 3) қонун; ~ الطَّبِيعَةِ табиат қонуни

– سِنَّةٌ 1) туғ; 2) *архит.* дентикула (*тишлатиб бириктириш*)

– سُنُونٌ тиш порошоги

– سُنِّيٌّ 1) сунний; الْمُسْلِمُونَ السُّنِّيُّونَ сунний мусулмонлар; сунний ислом

– سُنِّيَّةٌ сунний ислом, суннийлик, суннизм

– مِسَنٌّ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ чарх, катта қайроқтош, қайроқ, қумқайроқ; ~ الْمُوسَى қайроқ, қайроқтош

– مُسِنٌّ ёши ўтган, кексайиб қолган, кексайган; *кўп.* مَسَانُّ: الْمَسَانُّ مِنَ الْإِبِلِ қари туялар

– مُسَنَّنٌ кунгирали (*девор*)

– مُسَنَّنَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ тишли ғилдирак, шестерня

– مَسْنُونٌ[1] 1) чархланган, ўткирланган; ўткир; 2) силлиқ, текис

– مَسْنُونٌ[2] сассиқ, қўланса ҳидли; حَمَأٌ ~ сассиқ ҳидли балчиқ

– سِتَّارَةٌ *кўп.* سَتَائِرُ, سَتَارَاتٌ, سِتَّارَاتٌ илмоқ, илгак; қармоқ; شُغْلُ الـ ~ وَ الْإِبْرَةِ тўқиш, тўқилган нарса; трикотаж

سَنَامَكِّيٌّ *бот.* санойи макка, сурги дори

سَنَامُورَةٌ 1) *жам.* Ўрта ва Қора денгизларда яшайдиган майда балиқлар; 2) шўр сув, намакоб

سُنْبَادَجٌ *мин.* жилвиртош, жилвир, қайроқ қуми

– سُنْبَاذَجٌ = سُنْبَادَجٌ

سَنَابِكُ *кўп.* سُنْبُكٌ қайиқча, кичкина қайиқ

– سُنْبُكٌ *кўп.* سَنَابِكُ 1) туёқнинг олдинги қисми, туёқнинг учи; 2) металл, девор ва шу кабиларни тешадиган асбоб, парма; 3) қайиқча

سَنْبَلَ бошоқламоқ, бошоқ чиқармоқ, бошоқ олмоқ

– سُنْبُلٌ *жам. кўп.* سَنَابِلُ 1) бошоқлар; 2) лолалар; ~ بَرِّيٌّ *бот.* сунбул; ~ هِنْدِيٌّ нард, нардин (*хушбўй ўсимлик*)

– سُنْبُلَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ 1) бошоқ; 2) лола; ~ بَرِّيَّةٌ *бот.* сунбул; بُرْجُ الـ ~ *астр.* Сунбула буржи

– سُنْبُلِيٌّ бошоқ шаклидаги, бошоқсимон

سَنْبُوسَكٌ *жам.* сомсалар

– سَنْبُوسَكَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ сомса

سَنَابِيقُ *кўп.* سُنْبُوقٌ, سَنَابِيقُ қайиқча, кичкина қайиқ

سَنْبُوكٌ *кўп.* سَنَابِيكُ = سُنْبُكٌ = سَنْبُوقٌ

أَسْنَتَ IV (сунат) қурғоқчиликни (хазонрезгиликни) бошдан кечирмоқ

سَنْتٌ цент (*долларнинг юздан бири*)

سِنْتِرَالٌ марказ. централ; ~ التِّلِفُونِ الْأُوتُومَاتِيكِيِّ марказий

автоматик телефон станцияси

الْحِلْفُ الْأَطْلَسِيُّ = حِلْفُ الـــ~: ситто

سَنْتِي *қисқ.* сантиметр

سَنْتِيجْرَادٌ юз градусли (*термометр*); ~ مِقْيَاسُ Цельсий термометри

سَنْتِيغْرَامٌ *кўп.* اتٌ — сантиграм

سَنْتِيمَتْرٌ *кўп.* اتٌ — сантиметр

سَنَاجٌ қурум, қоракуя

– سَنْجَةٌ *кўп.* سَنَجٌ, سِنَجٌ 1) кўтарадиган тош; 2) найза

– سِنْجَةٌ *кўп.* سَنَجٌ 1) найза; 2) трамвайнинг юқоридаги симдан ток оладиган қисми, ток қабул қилғич, токоприёмник

سَنَاجِبُ, سَنَاجِيبُ *кўп.* سِنْجَابٌ олмахон

– سِنْجَابِيٌّ 1) олмахонга оид; 2) кулранг

سَنْجَقٌ *кўп.* سَنَاجِقُ 1) байроқ; 2) санжақ (*Туркиядаги маъмурий бирлик*)

I **سَنَحَ** (*а*) سُنُوحٌ 1) (*к. нингдир*) эсига тушмоқ (لِـــ), (*к. нингдир*) хаёлига келмоқ (لِـــ), миясига келмоқ (لِـــ); 2) пайти келмоқ; ◊ ~ عَنْ رَأْيِهِ бирор кишини бир ишдан қайтармоқ, айнитмоқ; ~ عِنْدَ سُنُوحِ الْفُرْصَةِ пайти келганида, қулай фурсат келганида; II سَنَّحَ (*бирор н. да*) ўзини катта олмоқ (لِـــ); (*н. дадир*) эътиборсиз бўлмоқ (عَنْ)

– سَانِحَةٌ *кўп.* اتٌ, سَوَانِحُ — қулай фурсат; ~ الْفُرْصَةُ الـــ ўзи келган қулай фурсат; سَوَانِحُ الظُّرُوفِ қулай шарт-шароит; 2) тасодифан мияга келган фикр

I **سَنِخَ** (*а*) سَنَخٌ, سَنَاخَةٌ аччиқтам бўлмоқ, тахир бўлмоқ (*ёғ ҳақида*)

– سَنَاخَةٌ, سَنَخٌ (*ёғнинг*) тахирлиги, аччиқлиги

– سَنِخٌ тахир (ёғ)

– سِنْخٌ *кўп.* سُنُوخٌ 1) илдиз; асос, пойдевор; 2) *анат.* кавак, катак, тиш жойлашган кавакча

– سِنْخِيٌّ *мед.* линг. алвеоляр (*тиш жойлашган катакчага оид*)

I **سَنَدَ** (*у*) سُنُودٌ 1) (*к. гадир. н. гадир*) суянмоқ, тиралмоқ (إِلَى); 2) (*н. нидир*) қўллаб-қувватламоқ (ب), тираб қўймоқ, тиргак қўйиб мустаҳкамламоқ (ب); 3) ёрдам бермоқ; ~ إِلَى الْخَمْسِينَ яқинда у элликка киради; II سَنَّدَ қўллаб-қувватламоқ; тирамоқ, тираб қўймоқ; III سَانَدَ қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ; IV أَسْنَدَ 1) қўллаб-қувватламоқ, тираб қўймоқ; ظَهْرَهُ ~ (*н. гадир*) суянмоқ (إِلَى); 2) (*к. гадир*) мансуб деб билмоқ, тўнкамоқ, нисбат бермоқ; 3) (*мас., к. гадир иш*) тақдим қилмоқ (إِلَى); 4) (*к. нингдир*) гарданига юкламоқ (إِلَى); 5) *шар.* ҳадиси шарифларда нақл қилувчиларнинг биринчисигача олиб бормоқ; VI تَسَانَدَ 1) бир-бирини қўллаб-қувватламоқ; (*н. гадир*) биргалашиб суянмоқ (عَلَى); 2) бир-бирига ёрдам бермоқ; VIII اسْتَنَدَ 1) (*н. гадир*) суянмоқ, таянмоқ (عَلَى);(*н. гадир*) суяниб турмоқ (إِلَى); 2) (*к. гадир. н. гадир*) ишонмоқ (عَلَى), (*к. нидир, н. нидир*) орқа қилмоқ (عَلَى)

– إِسْنَادٌ *кўп.* أَسَانِيدُ 1) тиргак, суянчиқ; 2) тиргович, тамба; 3) исбот; 4) (*мас., адабий*) манба; 5) *шар.* ҳадиси шарифни ривоят қилувчиларнинг силсиласи; 6) *грам.* эга-кесим муносабати, эга-кесимлик, предикатив боғланиш

– اسْتِنَادٌ қўллаб-қувватлаш, тиргак, таянч, суянч; بِالـــ~ إِلَى ...га асосланган ҳолда

– إِسْنَادِيٌّ *грам.* эга-кесим муносабатига оид, предикатив; الْمُرَكَّبُ الـــ~ предикатив бирикма, гап

– تَسَانُدٌ бир-бирини қўллаб-қувватлаш

– سَانِدَةٌ *кўп.* سَوَانِدُ тиргак, тамба

– سَنَادٌ (*скамейка*) суянчиғи

– سَنَادَةٌ *кўп.* اتٌ — таянч, суянч, тирговуч

– سَنَدٌ[1] *кўп.* أَسْنَادٌ таянч, суянч, 2) тиргак, тамба; 3) тоғ ёнбағри

– سَنَدٌ[2] *кўп.* اتٌ — 1) тилхат; ҳужжат; вексель; пул тилхати; ~ إِذْنِيٌّ оддий вексель; ~ لِحَامِلِهِ тақдим қилувчига берилган вексель; 2) облигация; *кўп.* қимматбаҳо қоғозлар

– سَنِيدٌ таянч, суянч, тирговуч

– مُسْتَنَدٌ 1) (*н. гадир*) суяниб, тиралиб турувчи; 2) (*к. гадир, н. гадир*) ишонувчи

– مُسْتَنَدٌ *кўп.* اتٌ — 1) таянч, суянч, тирговуч; 2) тилхат; ҳужжат; 3) манба

– اعْتِمَادٌ مُسْتَنَدِيٌّ ~ *ёки* تَسْلِيفٌ *савдо.* ҳужжат асосидаги қарз, ҳужжат асосидаги кредит

– مَسْنَدٌ *кўп.* مَسَانِدُ ўриндиқ, кресло; ~ الْخَدِيوِيَّةِ хедив (*турк султонининг Мисрдаги ҳокими*) тахти, مَسَانِدُ الدِّيوَانِ диваннинг тирсак қўядиган ёндори

– مُسْنَدٌ 1) суяниладиган нарса; тиргак, суянч, тирговуч; 2) *грам.* от кесим; ~ إِلَيْهِ الـــ~ الْحِمْيَرِيُّ *тар.* муснад (*ҳимярий ёзув*)

– مِسْنَدٌ *кўп.* مَسَانِدُ 1) ёстиқ; 2) (*ўриндиқнинг*) тирсак қўядиган жойи; (*ступнинг*) суянадиган қисми

سَنْدَالٌ *кўп.* سَنَادِيلُ сандон

سِنْدَانٌ *кўп.* سَنَادِينُ 1) сандон; 2) *анат.* қулоқнинг ўрта қисмидаги суяклардан бири

سَنْدَرُوسٌ 1) *бот.* сандарак (*игнабарглилар оиласига кирувчи ўсимлик бутаси*); 2) лок ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хушбўй модда

سَنْدِرِيلَّا *фольк.* исқирт қиз, золушка (*мас., русларда*)

سُنْدُسٌ шойи, нафис ипак газлама

– سُنْدُسِيٌّ нафис ипак газламадан тикилган; بِسَاطُ الْأَرْضِ

~ـُ الـــ *маж* ўт-ўлан, майса

سِنْدِيَانٌ *жам. бот.* синдиён (*тикон баргли, заҳарли данаги бор доимий кўкариб турувчи бута*)

سِنْدِيكَالِيزْمٌ синдикализм; ~ـُ الْفَوْضَوِيُّ анархосиндикализм

سَنْسْكْرِيتِيَّةٌ *шунингдек:* ~ـُ الـــ اللُّغَةُ санскрит (*Ҳиндистондаги қадимий ўлик тил*)

سَنَاطٌ *ёки* سُنَاطٌ соқоли йўқ *ёки* юзида туки кам бўлган одам

– سَنْطٌ *бот.* Нил акас дарахти

– سَنْطَاوِيٌّ *жам.* сантовий (*қовун навларидан бири*)

– سَنْطَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ сўгал, ортиқ

– سَنَاطٌ *ёки* سَنُوطِيٌّ = سَنُوطٌ

سِنْطِيرٌ, سِنْطُورٌ, سُنْطُورٌ, سَنْطُورٌ сантур (*қонунга ўхшаш чалғу асбоби*)

I **سَنَعَ** (*у*) سُنُوعٌ, سَنَاعَةٌ чиройли бўлмоқ, гўзал бўлмоқ, чирой очмоқ

– سَانِعٌ чиройли, гўзал

– سَنِيعٌ = سَانِعٌ

سَنَفٌ *жам.* пўст, қипиқ, кепак

– سَنَفَةٌ *кўп.* سُنُوفٌ пўст, доннинг устидаги қипиғи, кепак

سَنْفَرَ жилвирламоқ, жилвир билан тозаламоқ, сайқал (жило) бермоқ

– سَنْفَرَةٌ жилвирлаш; ~ وَرَقُ жилвир, жилвир қоғоз

سِنْكْرُوفَازُوتْرُونٌ синхрофазотрон

سِنْكْرِيٌّ *кўп.* سَنْكَرِيَّةٌ тунукасоз, тунукачи; мисгар уста

سِنَكْسَارٌ *черк.* азиз-авлиёларнинг черковда ўқиладиган таржимаи ҳоли мажмуаси

سِنْكَةٌ *кўп.* سِنَكٌ 1) найза; 2) ток қабул қилувчи, трамвайдаги ток қабул қилғич, токоприёмник

– سِنْكِيٌّ, سُنْكِيٌّ найза

I **سَنَمَ** (*а*) سَنَمٌ букри бўлмоқ, букчаймоқ; II سَنَّمَ الْقَبْرَ ~ қабрни дўмса қилмоқ; V تَسَنَّمَ 1) чиқмоқ, кўтарилмоқ; الْعَرْشَ ~ тахтга чиқмоқ, тахтни эгалламоқ; 2) (*мансабни*) эгалламоқ

تَسْنِيمٌ 1) жаннатда оқадиган сувнинг номи; ~ الْقَبْرِ қабрни дўмса қилиш

– تَسْنِيمَةٌ икки томонга нишаб томнинг тепадаги қиррасига қўйилган сарроф (хари)

– سَنَامٌ *кўп.* أَسْنِمَةٌ ўркач

سِنَمَا кино

سَنَمَّارُ *ат. от. мз.* Синиммар; ◊ ~ جَزَاءُ яхшиликка ёмонлик

سَنَمَكِّيٌّ = سَنَامَكِّيٌّ

سَنَامُورَةٌ = سَنَمُورَةٌ

I **سَنَهَ** (*а*) سَنْهٌ айнимоқ, ўзгармоқ, бузилмоқ (*мас., овқат*); V تَسَنَّهَ пўпанак босмоқ, пўпанакламоқ

وسن *қар.* سَنَةٌ

سَنَةٌ *кўп.* سَنَوَاتٌ, سُنُونَ йил; دِرَاسِيَّةٌ ~ ўқув йили; شَمْسِيَّةٌ ~ қуёш йили; قَمَرِيَّةٌ ~ ой йили; كَبِيسَةٌ ~ кабиса йили; مَالِيَّةٌ ~ молия йили; مِيلَادِيَّةٌ ~ мелодий йил; هِجْرِيَّةٌ ~ ҳижрий йил; ~ـُ الـــ رَأْسُ а) йилнинг бошланиши; б) янги йил; ~ بَعْدَ ~ *ёки* بَعْدَ أُخْرَى ~ *ёки* إِلَى أُخْرَى مِنْ ~ ҳар йили, йилдан йилга

– سَنَوِيٌّ йиллик, йилга оид; ~ً а) ҳар йил; б) йилига

I (سنو) **سَنَا** (*у*) سَنَاءٌ ярқирамоқ, ялтирамоқ, ярақламоқ; سَنَى (*а*) سَنَاءٌ олий мартабали бўлмоқ, улуғвор бўлмоқ, дабдабали бўлмоқ, савлатли бўлмоқ, савлати зўр бўлмоқ; II سَنَّى 1) енгиллаштирмоқ, енгиллатмоқ; 2) юқорига кўтармоқ; IV أَسْنَى 1) юқори кўтармоқ, юқорига олмоқ; 2) бир жойда бир йил қолиб кетмоқ, бир жойда йиллаб яшамоқ; V تَسَنَّى 1) енгиллашмоқ, енгил бўлмоқ; (*к. гадир*) муяссар бўлмоқ (لـــ); 2) юқорига кўтарилмоқ; 3) ўзгармоқ

– سَانِيَةٌ[1] *кўп.* سَوَانِي мевали боғ (*Тунисда*)

– سَانِيَةٌ[2] *кўп.* سَوَانٍ қудуқдан сув тортадиган туя

– سَنًا шуъла, товланиш, жилва; ◊ مَكِّيٌّ ~ *ёки* حِجَازِيٌّ ~ *бот.* кассия (*ловиядошлар оиласига кирувчи бута*)

– سَنَاءٌ шуъла, товланиш, жилға; 2) ҳашамат, дабдаба, улуғлик; юксаклик

– سَنِيٌّ 1) баланд, юқори, тепа; 2) ҳашаматли, дабдабали, улуғ; 3) энг олий мартабали

– مُسَنَّاةٌ *кўп.* مُسَنَّيَاتٌ, مُسَنَّوَاتٌ тўғон, дамба, ғов

سِنُودُسُ синод

سَنَّوْرٌ *кўп.* سَنَانِيرُ мушук

سَنُوسِيٌّ 1) санусий; الطَّرِيقَةُ الـــةُ санусийлик тариқати; الـــةُ *жам.* санусийлар

سُنُونُو *жам.* қалдирғочлар

– سُنُونَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ қалдирғоч

سِنْيُورٌ сеньор (жаноб)

(سهب) IV أَسْهَبَ маҳмадоналик қилмоқ, кўп гапирмоқ; (*н. нингдир*) икир-чикиригача таърифламоқ (فِي)

– إِسْهَابٌ нутқнинг тўлалиги (*муфассаллиги*), сергаплик; ~ـٍ батафсил

– سَهْبٌ чўл, саҳро

– سُهُوبٌ *кўп.* кенг текис йўл, катта текислик

– مُسْهَبٌ[1] кенг, чўзилган, чўзилиб кетган; муфассал

– مُسْهَبٌ[2] сергап, кўп гапирадиган, майдагап, вайсақи

I **سَهَدَ** (*а*) سَهْدٌ бедор бўлмоқ, уйқуси қочмоқ, уйқусизлик

касалига учрамоқ; II سَهَّدَ уйқуни қочирмоқ, уйқудан қолдирмоқ; IV أَسْهَدَ = II; V تَسَهَّدَ = I

– سَاهِدٌ уйқуси қочган, ухламаган

– سُهَادٌ уйқусизлик, бедорлик

– سُهْدٌ = سُهَادٌ

I سَهِرَ (*а*) سَهَرٌ 1) уйғоқ турмоқ, уйғоқ бўлмоқ, уйқуни тарк этмоқ; ... اللَّيَالِيَ فِي قِرَاءَةِ ...ни ўқиб кечалари ухламай чиқмоқ; 2) қўриқламоқ, посбонлик қилмоқ, ҳимоя қилмоқ; 3) (*н. нидир*) сақламоқ, (*н. гадир*) риоя қилмоқ (عَلَى); (*н. нидир*) кузатиб юрмоқ; عَلَى الْأَمْنِ الْعَامِّ ~ жамоат хавфсизлигини сақламоқ; 4) (*қаердадир, бирор к никида*) йиғин ўтказмоқ (فِي ,عِنْدَ); عِنْدَهُ ~ бирор кишиникида ўйин-кулги ташкил этмоқ; فِي اللَّيْلَةَ ~ الْقَهْوَةِқаҳвахонада хурсандчилик қилиб кечани ўтказмоқ; II سَهَّرَ ухлатмай қўймоқ; IV أَسْهَرَ = II

– سَاهِرٌ *кўп.* سُهَّارٌ 1) бедор, уйқуни тарк этган; 2) ҳушёр

– سَاهِرَةٌ ер юзи, ернинг устки қисми

– سُهَارٌ бедорлик, уйқусизлик

– سَهَّارٌ туни билан ухламай чиқувчи

– سَهَّارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ тунда ёқиб ётиладиган чироқ

– سَهَّارِيٌّ тонггача очиқ турадиган қаҳвахона; ◊ ~ مِصْبَاحٌ тунда ёқиб ётиладиган чироқ

– سَهَرٌ бедорлик, тунни бедор ўтказиш; уйқусизлик; فِي الـــ~ الْقَهْوَةِ қаҳвахонада ўйин-кулги ўтказиш

– سَهْرَانُ = سَاهِرٌ

– سَهْرَةٌ *кўп.* سَهَرَاتٌ базм, гап, гап-гаштак; меҳмонларга махсус бериладиган базм; ~ ثِيَابُ الـــ *ёки* لِبَاسُ الـــ~ базм ва тантаналарда кийиладиган либос

– سُهَرَةٌ тунда кўп бедор бўладиган; ~ رَجُلٌ тунни бедор ўтказадиган одам

– مَسْهَرٌ *кўп.* مَسَاهِرُ оқшомда ўйин-кулги қилинадиган жой; қаҳвахона

I سَهَفَ (*а*) سَهَفٌ қаттиқ чанқамоқ, ташна бўлмоқ

– سُهَافٌ қаттиқ чанқаш, ташналик

I سَهُلَ (*у*) سُهُولَةٌ 1) осон бўлмоқ, осонлашмоқ; 2) текис бўлмоқ, силлиқ бўлмоқ; II سَهَّلَ 1) осонлаштирмоқ, осон қилмоқ, енгиллаштирмоқ, енгил қилмоқ; 2) текисламоқ, ростламоқ, тўғриламоқ, 3) " أَهْلاً وَ سَهْلاً وَ مَرْحَبًا ("хуш келибсиз") сўзлари билан саломлашмоқ; 4) *фон.* (*бирор сўзни*) ҳамзасиз ўқимоқ; ~ الْهَمْزَةَ *фон.* ҳамза товушини билинар-билинмас талаффуз қилмоқ; III سَاهَلَ илтифот кўрсатмоқ, мурувватли бўлмоқ; IV أَسْهَلَ 1) ич сурмоқ, ични кетказмоқ; 2) чўлга отланмоқ, чўл томонга кетмоқ; أَسْهَلَ ичи кетмоқ; V تَسَهَّلَ енгил бўлмоқ, осон бўлмоқ, енгиллашмоқ; VI تَسَاهَلَ 1) (*н. нидир к. гадир*) осонлаштирмоқ, енгил (*осон*) қилиб бермоқ (مَعَ); 2) илтифот кўрсатмоқ, мурувватли бўлмоқ; ён бермоқ; 3) қобил (ройишли) бўлмоқ, гапга кўнмоқ; VII انْسَهَلَ ич кетиш касали билан оғримоқ; X اسْتَسْهَلَ 1) осон ҳисобламоқ, енгил ҳисобламоқ, арзимас ҳисобламоқ; 2) (*бирор н. га*) ножиддий муносабатда бўлмоқ

– إِسْهَالٌ ич кетиш

– تَسَاهُلٌ 1) илтифот кўрсатиш, ён бериш; ~ أَوْ لِينٍ دُونَ шафқатсизларча; 2) бепарволик, бепарво қарашлик ортиқча риоя қилиш, йўл қўйиш; 3) чидаб туриш; 4) ён бериш, ён босиш

– تَسَاهُلِيٌّ муросачига оид, келишувчиликка оид

– تَسْهِيلَاتٌ *кўп.* 1) (*бирор н. ни*) енгиллаштириш (осонлаштириш) чоралари; 2) нафақа; имтиёз

– سَهْلٌ[1] *кўп.* سُهُولٌ 1) пасттекислик, текис жой; 2) харобазор жой, бўш ётган жой

– سَهْلٌ[2] 1) осон, енгил; الْاسْتِعْمَالِ ~ осон ишлатиладиган, қулай; الْهَضْمِ ~ осон ҳазм бўладиган (*овқат*); ... أَنْ ـــ~ مِنَ ...иш қийин эмас, ...иш осон; ... عَلَيْهِ أَنْ ـــ~ لَيْسَ مِنَ унинг ...(*и*)ши осон эмас; 2) юмшоқ, майин (*тупроқ*); 3) текис, силлиқ; ◊ ~ الْجَانِبِ хушмуомала; !~ أَهْلاً وَ !хуш келибсиз!, марҳабо!

– سَهْلَةٌ *кўп.* سَهَلَاتٌ *полигр.* **тахтакач (*босмахонада терилган ҳарфларни текислайдиган тахтача*)**

– سُهْلِيٌّ чўлга оид, саҳровий

– سَهُولٌ 1) ич сурадиган; 2) ич сурадиган дори

– سُهُولَةٌ осонлик, енгиллик; الْخُلُقِ ~ юмшоқ феълилик; بِـــ~ осонлик билан, осонгина

– سُهَيْلٌ *астр.* Суҳайл (*Канопус*); !بِالسُّهَى ~ أُنَسِّ يَلْتَقِي *маж.* туянинг думи ерга текканда (*сўзма-сўз:* Суҳайл Суҳо билан қайдан учрашсин! - *иложи йўқ нарсага нисбатан айтилади; қар.* سُهًا)

– مُتَسَاهِلٌ 1) мурувватли, илтифотли; ён берувчи; 2) чидамли

– مُسْهَلٌ ичи кетган

– مُسْهِلٌ *кўп.* اتٌ ـــ ич сурадиган дори

– مُسَهَّلٌ 1) енгиллаштирилган; 2) имтиёзли

– مَسْهُولٌ *шунингдек:* الْبَطْنِ ~ = مُسْهَلٌ

I سَهُمَ (*у*) سُهُومَةٌ ,سُهُومٌ 1) ранги бўзармоқ, ранги оқармоқ, ҳолдан тоймоқ, ҳолдан кетмоқ; 2) жиддийлашмоқ, жиддий бўлмоқ; ўйчан бўлиб қолмоқ, хафа бўлмоқ, дили қоронғи бўлмоқ; 3) ўйга толмоқ; III سَاهَمَ 1) ҳиссадор бўлмоқ; 2) (*н. нидир*) ўз ҳиссасини қўшмоқ (فِي); فِي تَنْظِيمِ الْحِزْبِ ~ партияни ташкил этишда ўз ҳиссасини қўшмоқ; VI تَسَاهَمَ биргалашиб ... ишга ташламоқ; VIII اسْتَهَمَ (*н. нидир*) иштирок этмоқ (فِي), (*н. нидир*) ўз ҳиссасига эга бўлмоқ (فِي)

– إِسْهَامٌ ҳисса қўшиш; ... أَسْهَمَ بِهِ إِسْهَامًا مَرْمُوقًا فِي бу билан у ...га катта ҳисса қўшди

– سَاهِمٌ: ~ الْوَجْه юзи бўзарган, юзи оқарган; عَيْنَاهَا سَاهِمَتَان унинг (*мн.*) кўзлари ўйчан

– سَهْمٌ[1] *кўп.* أَسْهُمٌ, سِهَامٌ 1) ўқ; ~ـــهُ انْطَلَقَ كَالـــ ўқдек учиб кетди; ~ـــهُ طَاشَ хато қилмоқ, ўқи хато кетмоқ; ~ـــهُ ارْتَفَعَ *маж.* (*н. дадир*) таъсирчан бўлмоқ, эътиборли бўлмоқ (فِي); ~ الرَّامِي *астр.* Қавс (*юлдузлар туркуми*); 2) кўрсаткич, стрелка; 3) *мат.* косинус; 4) *кўп.* أَسْهُمٌ мушак, мушакбозлик; أَطْلَقَ الْأَسْهُمَ النَّارِيَّةَ мушак отмоқ, мушакбозлик қилмоқ; ◊ نَفَذَ الـــ~ вассалом, тамом, масала ҳал!

– سَهْمٌ[2] *кўп.* أَسْهُمٌ 1) ҳисса, улуш; ... ضَرَبَ بِـــ~ وَافِرٍ فِي (*н. гадир*) катта улуш қўшмоқ; 2) ҳиссадорлик жамияти чиқарган пай қоғози; حَمَلَةُ الْأَسْهُمِ ҳиссадорлар, акционерлар; 3) саҳм (*1/24 қирот ёки 7. 293 м2 га тенг бўлган майдон ўлчови бирлиги*)

– سَهْمِيٌّ ўқсимон, ўққа ўхшаган

– مُسَاهِمٌ 1) ҳиссадорликка оид; شَرِكَةٌ ~ـــةٌ ҳиссадорлик уюшмаси; 2) ҳиссадор, акционер

– مُسَاهَمَةٌ иштирок, иштирок этиш; شَرِكَةُ الـــ~ ҳиссадорлик уюшмаси

– مُسَهَّمٌ йўл-йўл матодан тикилган устки кийим

I (سهو) **سَهَا** (*у*) سَهْوٌ унутмоқ, эсдан чиқармоқ; бепарво бўлмоқ; хатога йўл қўймоқ, хато қилмоқ; кўрмай қолмоқ, пайқамай қолмоқ, эътибор бермай қўймоқ; (*н. нидир*) қасддан (атайлаб) эътиборсиз қолдирмоқ (عَنْ); III سَاهَى (*к. нингдир*) хатосидан фойдаланиб қолмоқ

– سَاهٍ *мн.* سَاهِيَةٌ (*н. нидир*) эътиборсиз қолдирувчи; бепарво, хаёли паришон, эътиборсиз

– سُهَا *ёки* ~الـــ: سُهَى Суҳо (*Катта айиқ туркумидаги энг хира юлдуз*); ◊ وَ الثُّرَيَّا فَوْقَ الـــ~ жуда баландда, етиб бўлмас баландликда; سُهَيْلٌ *қар.* يَلْتَقِي سُهَيْلٌ بِالـــ~ أَنَّى

– سَهْوٌ эътиборсизлик, хаёли паришонлик; хатога йўл қўйишлик; яхшилаб қарамаслик; хато, ~ًا а) эътиборсизлик билан; б) хатога йўл қўйиб; ~ًا وَ لَهْوًا ўйлаб кўрмасдан, шошқалоқлик билан, шоша-пиша

– سَهْوَان = سَاهٍ

I (سوء) **سَاءَ** (*у*) سَوْءٌ 1) ёмон бўлмоқ, ёқимсиз бўлмоқ, бемаъни бўлмоқ; ёмонлашмоқ; 2) ёвуз бўлмоқ, ёвузлашмоқ, бахтсиз (бадбахт) бўлмоқ; кўргиликка сабаб бўлмоқ; хафа қилмоқ; ◊ ظَنًّا ~ (*бирор к. ҳақида*) ёмон фикрда бўлмоқ (ب); ... يَسُوءُنِي أَنْ أَقُولَ ...ни дейиш менинг учун жуда оғир; II سَوَّأَ (*к. нидир*) койимоқ (عَلَى), (*к. гадир*) танбеҳ бермоқ (عَلَى); IV أَسَاءَ 1) бузмоқ; ёмонлаштирмоқ; 2) (*к. гадир*) ёмонлик қилмоқ (إِلَى); 3) хафа қилмоқ, ҳақорат қилмоқ, таҳқирламоқ; 4) (*н. нидир*) хато қилмоқ, нотўғри қилмоқ; ~ الْاسْتِعْمَالَ а) нотўғри истеъмол қилмоқ, нотўғри ишлатмоқ; б) суиистеъмол қилмоқ; ~ الظَّنَّ а) (*бирор к. ҳақида*) ёмон фикрга бормоқ (ب); б) (*к. гадир*) ишончсизлик билдирмоқ (ب); ~ الْفَهْمَ нотўғри тушунмоқ; ~ مُعَامَلَتَهُ бирор ким билан ёмон муомалада бўлмоқ; V تَسَوَّأَ ёмонлашмоқ; бузилмоқ, айнимоқ; VIII اسْتَاءَ (*н. дандир*) хафа бўлмоқ, (*к. дандир*) аччиқланмоқ (مِنْ); 2) (*к. дандир*) кўнгли қолмоқ (مِنْ), (*к. дир томонидан*) таҳқирланмоқ (مِنْ)

– إِسَاءَةٌ *кўп.* إِسَاءَاتٌ, إِسَآتٌ 1) ёмонлаштириш, бузиш; 2) ёмонлик қилиш; ~ـــ بِالـــ~ قَابَلَ الـــ ёмонликка ёмонлик қилмоқ; 3) хафа қилиш; 4) нотўғри амалга ошириш; ~ الْاسْتِعْمَالِ а) нотўғри истеъмол қилиш; б) суиистеъмол қилиш

– اسْتِيَاءٌ кўнгил қолиш, кўнгли тўлмаслик, аччиқланиш, норозилик; ~ـــ أَثَارَ الـــ ғазаблантирмоқ, аччиғини келтирмоқ

– أَسْوَأُ энг ёмон, энг расво; ~ تَطَوَّرَتِ الْحَالَةُ مِنْ سَيِّئٍ إِلَى вазият баттар ёмонлашди

– سُوءٌ *кўп.* أَسْوَاءٌ 1) ёмонлик; хафалик, хафа қилиш; 3) *шунингдек:* ~ الْحَظِّ бахтсизлик, офат, фалокат; ~ الْحَظِّ ـــلِ *ёки* ~ الْحَظِّ مِنْ бахтга қарши ...; ◊ ~ الْإِدَارَةِ ёмон идора қилиш (*бошқариш*); ~ الاسْتِعْمَالِ а) нотўғри фойдаланиш; б) суиистеъмол, (суиистеъмол) қилиш; ~ اسْتِعْمَالِ الْحَقِّ ҳақ-ҳуқуқни суиистеъмол қилиш; ~ الْحَالِ бахтсизлик, муваффақиятсизлик, машъумлик; ~ الْبَخْتِ бахти қоралик, шўр пешоналик; ~ التَّغْذِيَةِ қорин тўйиб овқат емаслик; ~ التَّفَاهُمِ бир-бирини тушуниб етмаслик; англашилмовчилик; ~ التَّقْدِيرِ камситиш, етарли баҳо бермаслик, қадрига етмаслик; ~ حَالَةِ الرُّؤْيَةِ кўриш қийинлашган ҳолат; ~ الْخُلْقِ ёмон хулқлилик, бадхулқлилик; ~ السُّلُوكِ одобсизлик, ахлоқсизлик; ~ الظَّنِّ а) ёмон фикр; б) ишончсизлик; ~ الْعَاقِبَةِ ёмон оқибат (натижа); ~ الْفَهْمِ нотўғри тушуниш; ~ الْقَصْدِ ёвуз ният; ~ الْمَصِيرِ қора тақдир, шум тақдир; ~ الْمُعَامَلَةِ ёмон муносабат (муомала); ~ الْهَضْمِ овқатнинг ҳазм бўлмаслиги; أَهْلُ ~ـــ الـــ ёмон (ёвуз) одамлар; رُفَقَاءُ الـــ~ ёмон дўстлар; ~ًا زَادَدُ ниманидир баттар қилмоқ, ниманидир ёмонлаштирмоқ; ~ًا ازْدَادَ ~ عَلَى баттар ёмонлашмоқ

– سَوْأَةٌ *кўп.* سَوْءَاتٌ 1) ярамас қилиқ, жирканч қилиқ, аблаҳлик, разиллик, қабиҳлик; 2) жинсий аъзолар; ◊ وَا سَوْأَتَاهُ! қандай уят!; оҳ, шармандалик!

– سُوءَى 1) энг ёмон, энг ёвуз; 2) *Қур.* дўзах, олов

– سَيِّئٌ, سَيِّئٌ 1) ёмон, бемаъни; ~ التَّرْبِيَة тарбиясиз, тарбия кўрмаган; ~ الْخُلُق ахлоқсиз, хулқи бузуқ, бадахлоқ; ~ السَّمْعَة ёмон номли, ёмон отли; ~ الطَّالِع *ёки* ~ الْحَظّ бахтсиз, бадбахт; ~ النِّيَّة ёмон ниятли, нияти бузуқ, бадният; سَارَ مِنْ ~ إِلَى أَسْوَأَ тинмай ёмонлашавермоқ, дамбадам баттар бўлмоқ; 2) қўпол (*мас., хато*)

– سَيِّئَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ ёмон қилиқ (иш); гуноҳ, айб; ёмон хусусият, камчилик

– مَسَاءَةٌ *кўп.* مَسَاوِئُ 1) ёмон (қабиҳ) иш; 2) ҳақорат қилиш, таҳқирлаш; 3) суиистеъмол қилиш; 4) ёмонлик, ёқимсизлик; 5) офат, фалокат; 6) *кўп.* камчиликлар, айблар, нуқсонлар

– مُسْتَاءٌ (*н. дандир*) хафа бўлган (مِنْ)

– مُسِيءٌ 1) ёмонликка олиб келувчи, ёмон ишга сабаб бўлувчи; 2) жиноятчи, ярамас

سُوتِيَانٌ сийнабанд, кўкракбоғич, бюстгальтер

سَاجٌ *кўп.* سِيجَانٌ 1) дарахтнинг бир тури; 2) яшил рангдаги устки кийим

I (سوح) **سَاحَ** (*у*) саёҳат қилмоқ, кезмоқ, сафар қилмоқ; V تَسَوَّحَ = I

– سَاحَةٌ *кўп.* سَاحَاتٌ, سَاحٌ, سُوحٌ 1) очиқлик жой; бепоён кенгликлар; 2) ҳовли; 3) майдон; ~ الْاسْتِقْلَال Мустақиллик майдони; ~ الشُّهَدَاء Шаҳидлар майдони (*Дамашқда*); ~ الْأَلْعَاب спорт майдони (*аренаси*); ~ الْقِتَال *ёки* ~ الْوَغْى *ёки* ~ الْمَعْرَكَة жанг майдони; ~ الْمَحْكَمَةُ بَرَّأَتِ suд уларни оқлади; ~ بَرِيءُ айбсиз, гуноҳсиз, бегуноҳ

– سَوَّاحٌ сайёҳ, саёҳатчи, турист

– مُتَسَوِّحٌ = سَوَّاحٌ

I (سوخ) **سَاخَ** (*у*) سَوْخٌ, سَوَخَانٌ 1) ботмоқ, чўкмоқ, чўммоқ, чўкиб кетмоқ; 2) *шунингдек:* سَاخَتْ رُوحُهُ ҳушидан кетмоқ, беҳуш бўлмоқ, ҳушидан айрилмоқ

I (سود) **سَادَ** (*у*) سِيَادَةٌ 1) бош бўлмоқ, бошлиқ бўлмоқ; бошқармоқ, бошқариб турмоқ, раҳбар бўлмоқ; 2) ҳукмронлик қилмоқ; ҳокимият тепасига чиқмоқ; فَرِّقْ تَسُدْ! парчалаб ташла, ҳукмронлик қил!; 3) *кўч. м.* سَوَدٌ (*а*) سَوَدٌ қора бўлмоқ, қораймоқ; II سَوَّدَ 1) (*к. нидир*) бош қилмоқ, (*к. нингдир устидан*) бошлиқ қилиб қўймоқ (عَلَى); 2) қора қилмоқ, қорайтирмоқ; لَمْ تُسَوِّدْ صَفْحَتَهُ نُقْطَةٌ وَاحِدَةٌ *маж.* унинг номи ҳеч бир қора бўлмаган (*сўзма-сўз:* унинг саҳифасини бирор нуқта ҳам қора қилмаган); 3) қорада ёзмоқ, қораламада ёзмоқ; 4) қора чапламоқ, бўҳтон қилмоқ; IX اسْوَدَّ қораймоқ, қора тусга кирмоқ; XI = اسْوَادَّ IX

– أَسْوَدُ[1] *мн.* سُودٌ سَوْدَاءُ *кўп.* سُودٌ қора; тўқ ранг, хира ранг; مَآرِبُ سُودٌ қора ниятлар; ~ فَاحِمٌ сақичдек қоп-қора, қозонкуядек қоп-қора; الْحَبَّةُ السَّوْدَاءُ *қар.* حَبَّةٌ; السُّودُ *шахм.* қора доналар; ◊ الْأَسْوَدَانِ *ик. с. маж.* а) хурмо ва сув; б) илон ва чаён; الْأَرَاضِي السَّوْدَاءُ қоратупроқли ер; ~ حِقْدٌ қаттиқ нафрат тутақтирадиган нафрат; الرُّؤُوسُ السُّودُ (*юздаги*) ҳуснбузар, пўрсилдоқ; (سَوْدَاء) ~ سُوقٌ қора бозор, чайқов бозор; ~ عَدُوٌّ ашаддий душман; ~ فَقْرٌ ўта қашшоқлик, гадолик; ~ اللَّوْحُ الـ синф доскаси (тахтаси); ~ مُسْتَقْبَلٌ номаълум (қоронғи, бадбахт) келажак (истиқбол); أَظْهَرَ الـ~ عَلَى أَنَّهُ أَبْيَضُ қорани оқ демоқ

– أَسْوَدُ[2]: ... مِنْ ~ ...дан шавқатлироқ (шуҳратлироқ)

– أَسْوَدُ[3] катта илон

– أُسَيِّدٌ *ёки* أُسَيْوِدٌ қорамтир, қора рангга яқин

– تَسْوِيدَةٌ *кўп.* تَسَاوِيدُ 1) хомаки текст, оққа кўчирилмаган матн; 2) *полигр.* хатоларни тузатиш учун бостирилган нусха

– سَائِدٌ 1) ҳукмрон; 2) устунлик қилувчи, устун бўлган; 3) *кўп.* سَادَةٌ 1) бошлиқ; 2) жаноб

– سَوَادٌ *кўп.* أَسْوِدَةٌ 1) қоралик; 2) қора кийим; 3) қора (*узоқдаги н.*); кўпчилик; ~ الْأَعْظَمُ الـ жуда кўпчилик; 5) оломон; ~ النَّاسِ *ёки* ~ الشَّعْبِ авом, авом халқ; ◊ ~ الْعَيْنِ кўзнинг қорачиғи; ~ الْمَدِينَةِ шаҳар чеккаси, шаҳар атрофи; ~ الْوَجْهِ уят, шарманда; بَقِيَ ~ا عَلَى بَيَاضٍ қоғозда қолиб кетмоқ (*сўзма-сўз:* оқ устида қора бўлиб қолиб кетмоқ); ~ الْأَمِيرِ амирнинг қимматбоҳо нарсалари; ~ الْبَصْرَةِ وَ الْكُوفَةِ Басра ва Куфа атрофидаги қишлоқлар

– سَوْدَاءُ 1) қора жигар, ўт; 2) руҳий сиқилиш, ғамгинлик, меланхолия; 3) *муз* чорак такт (*нотада*)

– سُودَانٌ қора одамлар, негрлар

– سُودَانِيٌّ 1) суданлик; Суданга оид; ◊ ~ *ёки* ~ فُولٌ ер ёнғоқ

– سَوْدَاوِيٌّ 1) руҳий сиқилишга оид, меланхолияга оид; 2) руҳий сиқилувчи, ғамгин

– سُؤْدُدٌ 1) раҳбарлик, раҳбарлик қилиш; 2) бошчилик, ҳукмронлик

– سُوَيْدَاءُ 1) қора жигар; 2) руҳий сиқилиш, ғамгинлик; ◊ ~ الْقَلْبِ кўнгил хилватгоҳи

– سُوَيْدِيٌّ 1) Швецияга оид; 2) швед, швециялик киши; ~ الـ~ةُ швед тили

– سِيَادَةٌ 1) ҳукмронлик; 2) бошчилик, бошлиқлик; гегемония; 3) суверенитет; ~ ذُو суверен, ўзига мустақил; 4) саййидлик табақаси, хўжа табақасига мансублик (*қар.* سَيِّدٌ[2]); 5) жаноблари, ҳазратлари (*мас*, ~ الْإِمَامِ يَحْيَى *Имом Яҳё ҳазратлари*); 6) жаноб (*мурожаатда*); ~ يَا الرَّئِيسُ! жаноб президент (раис)!; ~ يَا السَّفِيرُ! жаноб элчи!

– سَيِّدٌ[1] суверен, ўзига мустақил; ~ دُوَلٌ مُسْتَقِلَّةٌ мустақил (суверен) давлатлар

– سَيِّدٌ[2] *кўп.* سَادَاتٌ, أَسْيَادٌ, سَادَةٌ 1) жаноб; يَا سَيِّدَاتِي وَ سَادَتِي! жаноблар ва хонимлар!; سَيِّدَنَا! жаноб муаллим!, домла! (*бошланғич синфларда ўқувчиларнинг ўқитувчига мурожаати шакли*); أَصْبَحَ ~ نَفْسِه у ўзига ўзи хўжайин бўлиб қолди; 2) сайид, хўжа (*насл-насабини жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг авлодларидан деб ҳисобловчи мусулмон*); ◊ ~ الْوُحُوشِ الْمُطْرِبِينَ уста санъаткор, санъаткорларнинг моҳири; ~ الْعَارِفِينَ بِه арслон, шер; أَنْتَ ~ مِنَ الْـ сен буни ҳаммадан ҳам яхши биласан

– سَيِّدٌ[3] қари, кекса; ثَنِيُّ الضَّأْنِ خَيْرٌ مِنَ الْمَعْزِ ~ مِنَ الْـ *ҳад.* олдинги тиши тушган қўй эчкининг қарисидан яхширокдир

– سَيِّدَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ хоним, бекам, бекач, мадам; 2) аёл, хотин киши; صَحِيفَةُ السَّيِّدَاتِ хотин-қизлар саҳифаси (*журналда*); 3) *зоол.* хонқизи, тугмача қўнғиз

– مَسُودٌ тобе, бўйсунувчи; ~ وَ سَيِّدٌ ҳоким ва тобе, хўжайин ва хизматкор

– مُسَوَّدَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) хомаки битик, бирор ёзувнинг хомакиси; ~ الطَّبْعِ *полигр.* терилган ҳарфдан қоғозга туширилган нусха, оттиск; 2) лойиҳа (*мас*, *шартноманики*)

– مُسْوَدَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ = مُسَوَّدَةٌ

– سَوْدَنَ суданлаштирмоқ

– سَوْدَنَةٌ суданлаштириш

سَوَارِسُ қадимги усти ёпиқ арава

I (сур) سَارَ (*у*) سَوْرٌ 1) тепага кўтарилмоқ; 2) (*к. гадир*) ташланмоқ; 3) бошга таъсир қилмоқ, мияга урмоқ, кайф қилмоқ, маст қилмоқ (*шароб ҳақида*); 4) қайнаб-тошмоқ (*газаб ҳақида*); II سَوَّرَ 1) девор билан ўрамоқ, девор қилиб тўсмоқ; 2) (*бошқа кишига*) билакузук тақиб қўймоқ; III سَاوَرَ 1) ҳужум қилмоқ; 2) қамраб олмоқ, ўраб олмоқ (*мас. қўрқув ёки шубҳа*); V تَسَوَّرَ 1) тирмашиб чиқмоқ, тирмашмоқ, чиқмоқ (*деворга-туш. к. ёки* عَلَى); 2) девор билан ўралмоқ

– سِوَارٌ, سُوَارٌ, إِسْوَارٌ, أَسَاوِرُ, أَسْوِرَةٌ *кўп.* أَسَاوِرَةٌ, سِوَارَةٌ 1) билакузук; ~ سَاعَةِ الْيَدِ қўл соати тасмаси; أَحَاطَ بِه بِالْمِعْصَمِ ~ الْـ *маж.* ниманидир маҳкам қисиб олмоқ (*сўзма-сўз:* ниманидир билакузук билакни ўраганидек ўраб олмоқ; 2) енг қайтармаси; манжета

– سَوَّارٌ 1) мияга тез таъсир қилувчи, тез маст қилувчи; 2) тез таъсир қилувчи; ~ أَلَمٌ қаттиқ оғриқ; ~ نَزْوَةٌ (*хис-туйғу*) шиддати

– سُوَارِيٌّ *кўп.* أَسَاوِرَةٌ 1) отга оид, отли, отлиқ; 2) отлиқ аскар, чавандоз; 3) отлиқ қўшинлар, кавалерия

– سُورٌ *кўп.* أَسْوَارٌ 1) девор; тўсиқ; ғов, тахтадевор; ~ صِينِيٌّ Хитой девори; 2) қалъа девори

– سُورَةٌ *кўп.* سُوَرٌ сура (*Қуръони каримдаги*); ~ الْحَمْدِ Қуръони каримнинг биринчи-Ал-ҳамду сураси, Фотиҳа сураси

– سَوْرَةٌ 1) куч-қувват; интилиш, эпчиллик, чаққонлик; ~ الشَّبَابِ *маж.* ёшликка хос бўлган эпчиллик; 2) тутақиш; ~ الْغَضَبِ ғазабнинг қайнаб-тошиши; ~ الْبَرْدِ совуқнинг зўрайиши; ~ الشَّرَابِ майнинг мияга уриши; ~ السُّلْطَانِ султон (подшо)нинг қаҳри ва адовати

– سُورِيٌّ 1) Сурияга оид; 2) суриялик киши

– سُورِيَّةٌ *кўп.* سَوَارِيُ кўйлак (*Тунисда*)

سُرْيَانُ = سُورْيَانُ

– سُرْيَانِيٌّ = سُورْيَانِيٌّ

I (сус) سَاسَ (*у*) سِيَاسَةٌ 1) бошқармоқ, идора қилмоқ; раҳбарлик қилмоқ; олиб бормоқ; 2) (*отни*) бошқариб бормоқ; 3) (*ҳайвонга*) қарамоқ, қараб турмоқ; 4) отбоқар бўлмоқ, отбоқарлик қилмоқ; I سَاسَ (*а*): الطَّعَامَ ~ овқатга қурт тушмоқ; سَوِسَ (*а*) سَوَسٌ қурт еганидан шада-поча (илма-тешик) бўлиб кетмоқ; II سَوَّسَ 1) қурт еганидан шада-поча бўлиб кетмоқ; куя еганидан илма-тешик бўлмоқ; 2) (*тишни*) қурт емоқ; III سَاوَسَ мослашмоқ, мувофиқ келмоқ, мос келмоқ; IV أَسَاسَ = II; V تَسَوَّسَ = II

– تَسْوِيسٌ, تَسَوُّسٌ тишнинг қурт ейиши, тишнинг чириши

– سَائِسٌ *кўп.* سُوَّاسٌ, سَاسَةٌ бошқарувчи, бошқарма бошлиғи; администратор; ~ الطَّائِرَةِ учувчи; 2) сиёсатчи, сиёсатдон; 3) отбоқар

– سَوَّاسٌ 1) ҳоким, бошлиқ; 2) сиёсатчи, сиёсатдон

– سُوسٌ *жам.* 1) қуртлар; ~ الْخَشَبِ *зоол.* ёғоч қурти; ~ الْحَنْطَةِ *зоол.* узунтумшуқ қўнғиз; 2) куя (*кийимни ейдиган*); ◊ ~ عِرْقُ الْـ *бот.* қизилмия илдизи

– سُوسَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ қурт

– سِيَاسَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) бошқариш, бошқарув; 2) сиёсат; ~ الْبَابِ الْمَفْتُوحِ ташқи сиёсат; دَاخِلِيَّةٌ ~ ички сиёсат; خَارِجِيَّةٌ ~ очиқ эшиклар сиёсати; ~ الْاقْتِصَادِيَّةُ الْـ иқтисодий сиёсат; ~ عَدَمِ الْانْحِيَازِ тинч-тотув яшаш сиёсати; ~ التَّعَايُشِ السِّلْمِيِّ қўшилмаслик сиёсати; ~ الْقُوَّةِ куч ишлатиш сиёсати; ~ إِمْلَاءِ الْأَوَامِرِ إِزَاءَهُ кимгадир куч ишлатиш (зўравонлик) сиёсати; ~ التَّأْرْجُحِ عَلَى حَافَّةِ الْحَرْبِ уруш ёқасида бўлиш сиёсати; سَارَ عَلَى ~ سِلْمِيَّةٍ тинчлик сиёсатини олиб бормоқ; اشْتَغَلَ بِالْـ ~ сиёсат билан шуғулланмоқ; 3) дипломатия

– سِيَاسِيٌّ 1. 1) сиёсий, сиёсатга оид; الدَّوَائِرُ الْـ ~ـةُ сиёсий доиралар; عِلْمُ الْاقْتِصَادِ الْـ ~ сиёсий иқтисод; 2) дипломатияга оид, дипломатик; ~ مُمَثِّلٌ дипломатик вакил; ~ لَا сиёсий ҳаётдан (сиёсатдан) четда турувчи, сиёсатга аралашмовчи; 3) кишилар билан муомала қилишга уста, нозик муомалали; 2. *кўп.* سَاسَةٌ 1) давлат арбоби; 2) сиёсатчи, сиёсатдон; 3) дипломат

– سِيَاسِيَّةٌ: ~ اللَّا сиёсатдан четда туришлик, сиёсатга аралашмаслик

سَوْسَنٌ *жам.* савсан, нилуфар; أَبْيَضُ ~ оқ нилуфар; ~ الْوَادِي марваридгул; مُعَمَّمٌ ~ лола

– سَوْسَنَةٌ лола

I (سوط) **سَاطَ** (*у*) سَوْطٌ 1) саваламоқ, қамчиламоқ; 2) (*суюқликни*) аралаштирмоқ

– سَوْطٌ *кўп.* سِيَاطٌ, أَسْوَاطٌ қамчи, қамчин

– مِسْوَاطٌ *кўп.* مَسَاوِيطُ аралаштирғич

I (سوع) **سَاعَ** (*у*) 1) жойлаштирмоқ, сиғдирмоқ; 2) қамрамоқ, қамраб олмоқ (*сол.* وَسُعَ); III سَاوَعَ соатбай ижарага олмоқ

– سَاعَاتِيٌّ *кўп.* سَاعَاتِيَّةٌ соатсоз, соат тузатувчи

– سَاعَةٌ *кўп.* سَاعَاتٌ, سَاعٌ 1) соат, пайт, вақт; سَاعَاتُ الْعَمَلِ иш вақти (соатлари); ~ الـ ҳозир; سَاعَتَهَا ўша пайтда; مِنْ ~ـهِ ёки ~ـهِ لِـ ёки فِي ~ـهِ дарҳол, дарров, ўша заҳоти, ўша онда; إِلَى ~ الـ ҳозиргача; مِنَ ~ الـ ҳозирдан бошлаб; لِلـ ~ (*қисқ.* لِلسَّا) ҳалигача, ҳали; سَاعَتَئِذٍ ўша пайтда, ўша онда; ~ الصِّفْرِ *харб.* (*харбий амалларни* (ҳаракатларни) *бошлаш учун*) келишиб олинган вақт; ~ الـ *дин.* қиёмат; ~ ابْنُ субутсиз (*бесубут*) одам, ҳардамхаёл одам; ~ رَجُلُ الـ бугунги кун (замона) қаҳрамони; ~ كِتَابُ الـ кенг тарқалган китоб,; расм бўлган китоб; ~ مُشْكِلَةُ الـ кўпчиликни қизиқтирадиган муаммо; ~ مَوْضُوعُ الـ энг муҳим мавзу; 2) соат; ~ الْجَيْبِ чўнтак соати; ~ الْحَائِطِ девор соати; ~ الْمِعْصَمِ қўл соати; ~ رَمْلِيَّةٌ қум соати; ~ شَمْسِيَّةٌ қуёш соати; ~ السِّبَاقِ секундомер; ~ـهُ مَضْبُوطَةٌ унинг соати тўғри юряпти; ~ى مُتَقَدِّمَةٌ соатим олдин (кетяпти); سَاعَتُهَا مُتَأَخِّرَةٌ унинг (*мн.*) соати орқада (қоляпти)

– سَاعِيٌّ : ~ كِيلُوَاطٌ киловатт-соат

– سُوَاعٌ Нуҳ алайҳиссалом даврларида одамлар топинган бут номи

– سُوَيْعَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ бир соатгина; қисқа вақт

I (سوغ) **سَاغَ** (*у*) سَوْغٌ, سَوَغَانٌ 1) имкони бўлмоқ, рухсат бермоқ; 2) ютими осон бўлмоқ; 3) ёқимли бўлмоқ (*ичимлик, шарбат ҳақида*); II سَوَّغَ 1) рухсат бермоқ, имкон бермоқ, йўл қўймоқ; 2) оқламоқ; ~ـهُ بِالْعُذْرِ турли важ-корсон билан бирор нарсани оқламоқ; 3) осон ютиладиган қилмоқ; 4) (*бинони*) ижарага бермоқ; ~ ثَانِيًا субарендага бермоқ; IV أَسَاغَ осонлик билан ютмоқ, ҳазм қилмоқ (*овқатни*); X اسْتَسَاغَ 1) йўл қўймоқ, рухсат бермоқ; 2) осон ўзлаштирмоқ, ҳазм қилмоқ; 3) яхши ҳисобламоқ, маъқул ҳисобламоқ; яроқли деб билмоқ

– اسْتِسَاغَةٌ бўлиши мумкинлик, жоизлик; ~ عَدَمُ ножоизлик, номаъқуллик

– إِسَاغَةٌ (*овқатнинг*) ҳазм бўлиши

– سَائِغٌ 1) бўлиши мумкин, ўринли, раво, жоиз, яроқли; 2) осон ютиладиган, ютими осон; 3) мазали, лазиз; ◊ لُقْمَةٌ ~ـةٌ ҳавасни келтирадиган (суқлантирадиган) нарса

– سَائِغٌ = سَيِّغٌ

– مَسَاغٌ 1) (*овқатнинг*) осонлик билан ўтиши; 2) имконият

– مُسَوِّغٌ *кўп.* اتٌ ـَـ қонунуй асос; узрли баҳона (сабаб); مُسَوِّغَاتُ التَّعْيِينِ (*мас., мансабга*) тайинлаш учун қонунуй асос

(سوف) II سَوَّفَ 1) кейинга қолдирмоқ, орқага сурмоқ; 2) секинлаштирмоқ, сусайтирмоқ; VIII اسْتَافَ (*н. нидир*) ҳидламоқ, искамоқ, исқамоқ

– تَسْوِيفٌ орқага суриш, кейинга қолдириш

– سَافَةٌ, سَافٌ *кўп.* اتٌ ـَـ (*мас., девор уришдаги*) қатор, қатлам

– سَوْفَ *грам.* келаси замон феъли юкламаси; أَكْتُبُ ~ мен (*энди*) ёзаман

– مَسَافَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ масофа, оралиқ йўл

– مُسَوَّفٌ 1) кечга чўзилган, чўзиб юборилган; 2) секинлик билан бажариладиган; ~ـةٌ تَلْغِرَافَاتٌ оддий телеграммалар

– سُوفْخُوزٌ *кўп.* اتٌ ـَـ совхоз

سُوفِسْطَائِيٌّ 1) софистик, софизмга асосланган, нотўғри хулосаларга асосланган; 2) софист, софизм тарафдори; сафсатабоз

– سُوفِسْطَائِيَّةٌ софистика, сохта хулосаларга асосланиш

سُوفْيَاتٌ 1) совет (*ҳокимият органи*); ~ حُكُومَةُ الـ *тар.* Совет ҳукумати; 2) *тар.* совет халқи, совет граждалари

– سُوفْيَاتِيٌّ советга оид

– سُوفْيَاتٌ = سُوفْيِيتٌ

– سُوفْيَاتِيٌّ = سُوفْيِيتِيٌّ

I (سوق) **سَاقَ** (*у*) سِيَاقَةٌ, سِيَاقٌ, مَسَاقٌ, سَوْقٌ 1) ҳайдамоқ, ҳайдаб чиқармоқ; қадамини илдамлатмоқ, тезроқ ҳайдамоқ; ~ قَدَمَيْهِ سُوقًا оёғини аранг судраб босмоқ; 2) (*қаергадир*) жўнатмоқ, олиб бормоқ, етказмоқ (إِلَى);3) бош бўлиб бормоқ; ~ هُمْ بَيْنَ يَدَيْهِ у уларни унинг олдига бош бўлиб олиб борди; ~ الْحَدِيثَ суҳбат олиб бормоқ; ~ مَثَلاً мисол келтирмоқ; 5) бошқармоқ, ҳайдамоқ; ~ سَيَّارَةً машинани бошқармоқ (ҳайдамоқ); II سَوَّقَ 1) бозорга ташимоқ (жўнатмоқ), (*товарни*) сотмоқ, ўтказмоқ; 2) (*дарахтнинг*) танаси йўғон бўлмоқ; III سَاوَقَ (*к. нингдир*) орқасидан бормоқ, (*к. гадир*) ҳамроҳ бўлмоқ; V تَسَوَّقَ 1) майда-чуйда билан савдо қилмоқ, майдафуруш бўлмоқ; 2) сотиб олмоқ, харид қилмоқ; VI تَسَاوَقَ 1) ёнма-ён юрмоқ, баравар қадам ташламоқ, бирга бормоқ; бир-бирининг изидан бормоқ; 2) мос келмоқ, мувофиқ келмоқ; уйғунлашмоқ, мувофиқлаштирмоқ; VII انْسَاقَ 1) ҳайдаб борилмоқ, ҳайдаб келинмоқ; ~ مَعَ التَّيَّارِ оқим билан (ихтиёрсиз) сузмоқ; 2) етакланиб бормоқ, олиб борилмоқ; ~ بِقَدَمَيْهِ إِلَى ... оёқлари уни ...га етаклади (олиб кетди); 3) қўзғалмоқ,

рағбатлантирилмоқ; 4) бўйсунмоқ; VIII اسْتَاقَ (*ҳайвонларни*) ҳайдамоқ, ҳайдаб кетмоқ, ҳайдаб олиб келмоқ; 2) (*мас., судланувчини қамоқхонага*) жўнатмоқ, юбормоқ

– اِنْسِيَاقٌ бўйсуниш, бўйин эгиш, итоат этиш, сўзга кириш

– تَسَاوُقٌ 1) (*к. биландир*) ёнма-ён юриш, ҳаракатда бўлиш; 2) мос (мувофиқ) келиш, уйғунлик; وَ الْانْسِجَامُ ~ уйғунлик ва мутаносиблик

– تَسْوِيقٌ сотиш, сотиб бўлиш; مَوَانِئُ ~ сотув (*савдо*) портлари

– تَسْوِيقَةٌ фойда келтирадиган харид

– سَائِقٌ 1) ҳайдаб борувчи; 2) етакловчи, етаклаб борувчи; 3) *кўп.* سُوَّاقٌ, سَاقَةٌ а) ҳайдовчи, шофёр; التِّرَامِ ~ трамвай ҳайдовчиси; الجَرَّارَةِ ~ тракторчи; الرَّافِعَةِ ~ кранда ишлайдиган ишчи; السَّيَّارَةِ ~ шофёр; الطَّائِرَةِ ~ учувчи; الْقِطَارِ ~ поезд ҳайдовчиси, машинист; б) аравакаш, арава ҳайдовчи; в) мол ҳайдовчи, ҳайвон ҳайдовчи

– سَاقٌ *мн. кўп.* سُوقٌ, سِيَاقٌ 1) болдир, сон; оёқ; عَظْمُ الـ~ *анат.* болдир суяги; 2 тана, поя; 3) *мат.* томон; مُتَسَاقِي السَّاقَيْنِ тенг ёнли, тенг томонли; ◊ ~ أَبُو акатка (*қуш*); ~ حُرٌّ қумрининг эркаги (*нари*); ~ حَمَامٌ *кар.* رَبْطَةُ الـ~؛ пайпоқбоғич; حَارِ الْعَمَلُ عَلَى قَدَمٍ وَ ~ иш мукаммал суръатда бормоқда, иш қизигандан қизимоқда; وَقَفَ عَلَى ~ الْجِدِّ لِـ... ...га жиддий киришмоқ; أَتَرَدَّدُ ~اً وَ أُقَدِّمُ ~اً وَ أُؤَخِّرُ мен иккиланмоқдаман ва ўрнимдан жилмаяпман; أَطْلَقَ ~يْهِ رَكْضًا *ёки* طَارَ يُسَلِّمُ لِلرِّيحِ ~يْهِ оёқни қўлга олиб югурмоқ, орқа-олдига қарамай қочмоқ; كَشَفَ الْأَمْرُ عَنْ ~ـهِ иш шиддатли тусга кирди, иш улуғворлик касб этди; قَامَتِ الْحَرْبُ ~ عَلَى уруш кучайиб кетди

– سَاقَةٌ орқа, орқа томон; الْجَيْشِ ~ арьергард (*авангарднинг акси -қўшиннинг, ҳарбий колоннанинг орқа қисми*)

– سَوَّاقٌ 1) шофёр, ҳайдовчи; التِّرَامْوَايِ ~ трамвай ҳайдовчи; 2) аравакаш

– سُوقٌ *мн. мз. кўп.* أَسْوَاقٌ бозор; الـ~ الْعَالَمِيَّةُ жаҳон бозори; الـ~ الْأُورُبِّيَةُ الْمُشْتَرَكَةُ Умумоврупо бозори; ~ حُرَّةٌ эркин бозор; ~ خَيْرِيَّةٌ *ёки* إِحْسَانٍ ~ хайрия бозори; ~ دَوْرِيَّةٌ *ёки* سَنَوِيَّةٌ ярмарка; ~ الْهَالِ зираворлар ва сабзавотлар бозори; سَعْرُ الـ~ бозор нархи; ◊ سَوْدَاءُ ~ қора бозор, чайқов бозори

– سَوْقٌ ҳайдаб бориш, ҳайдаш; (*машинани*) ҳайдаш (бошқариш)

– سُوقَةٌ *жам.* авом халқ, халқ; оддий халқ

– سُوقِيٌّ 1) бозорга оид, ярмаркага оид; قِيمَةٌ ~ـةٌ бозор нархи (баҳоси); 2) авомга оид

– سَوْقِيٌّ стратегик

– سَوْقِيَّةٌ стратегия

– سَوِيقٌ *кўп.* أَسْوِقَةٌ 1) арпадан *ёки* буғдойдан пиширилган **шавла** 2) маст қиладиган ичимлик

– سُوَيْقَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) чўп. банд, поя; 2) бозорча

– سِيَاقٌ 1) (*ҳикоянинг*) оқими, бориши; الْكِتَابِ ~ **китоб** мазмунининг кейинги баёни; تَأْرِيخِهِ الطَّوِيلِ ~ فِي унинг узоқ **(узун)** тарихи давомида; 2) *шунингдек*: الْكَلَامِ ~ контекст; 3) жонни **олиш**

– سِيَاقَةٌ (*машинани*) бошқариш

– مَسَاقٌ 1) (*мас. мисоллар ёки сўз*) келтириш; ~ بِالْكَلِمَاتِ الْمُقَابِلَةِ қиёсланаётган сўзлар рўйхати (*саноғи*); 2) етаклаш, **олиб** бориш; ҳаракат

I (سوك) سَاكَ (*у*) سَوْكٌ 1) артмоқ; 2) (*тиш*) тозаламоқ; II سَوَّكَ **1)** артмоқ; (*тиш*) тозаламоқ; V تَسَوَّكَ (*тиш*) тозаламоқ; VIII اسْتَاكَ = I

– سِوَاكٌ *кўп.* سُوكٌ тишкавлагич, тиштозалагич

– سِوَاكٌ = مِسْوَاكٌ *кўп.* مَسَاوِيكُ

سَوْكَرَ сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ, амин қилмоқ, олдини олмоқ; ~ خِطَابًا почта орқали буюртма қилиб хат жўнатмоқ

سَوْكَرَةٌ, سُوكُرْتَاهْ суғурта (*страхование*) қилиш, олдини олиш, сақлаш

– مُسَوْكَرٌ 1) олди олинган, эҳтиёт чораси кўрилган, суғурта қилинган; 2) буюртма қилиб жўнатилган (*хат*)

(سول) II سَوَّلَ 1) васвасага солмоқ, йўлдан оздирмоқ, ёмон йўлга солмоқ; (*к. нидир*) ёмон хаёлга олиб келмоқ, (*к. дадир*) ёмон фикр уйғотмоқ (لِـ); ... ~تْ لَهُ نَفْسُهُ أَنَّ унда ...дек ёвуз фикр пайдо бўлди; كَيْفَ ~تْ نَفْسُكَ هَذَا الْعَبَثَ؟ қандай қилиб сен бундай бемаъниликни ўзингга эп (раво) кўрдинг?; 2) ҳавасини келтирмоқ, қизиқтириб қўймоқ, аврамоқ; V تَسَوَّلَ тиланчилик қилмоқ тиланмоқ, гадолик қилмоқ (*сол.* سَأَلَ)

– تَسَوُّلٌ тиланчилик, гадолик

– مُتَسَوِّلٌ тиланчи, гадо

سُوْلَارٌ ёқилғи, ёнилғи, соляр

I (سوم) سَامَ[1] (*у*) سَوْمٌ 1) яйловда ўтламоқ, яйловда ўтлаб юрмоқ; 2) бўйнига қўймоқ, устига юкламоқ; 3) сабаб (боис) бўлмоқ; ~ـهُ خَسْفًا бирор кишига нисбатан адолатсизлик қилмоқ; سِيمَ الْأَذَى унга зарар етказилди; 4) (*товарни*) сотувга чиқармоқ; سَامَ[2] (*у*) سِيَامَةٌ *дин.* муридликка ўтказмоқ, (*христианларда*) диний мансабга ўтказмоқ; II سَوَّمَ 1) бўйнига қўймоқ, устига юкламоқ; 2) нарх қўймоқ, баҳосини тайинламоқ (тайин қилмоқ);3) тамғаламоқ, тамға босмоқ; ~ الْخَيْلَ فِي ...ни жўнатмоқ, ...ни юбормоқ; III سَاوَمَ (*к. биландир н. дадир*) савдолашмоқ, нархини талашмоқ (فِي, عَلَى); IV أَسَامَ яйловга ҳайдамоқ. яйловга ҳайдаб юбормоқ; ◊ ~ إِلَيْهِ بِبَصَرِهِ

кимгадир назар солмоқ; V تَسَوَّمَ бирор нарсани белги қилиб олмоқ, бирор нарсани белги сифатида қабул қилмоқ; VI تَسَاوَمَ ўзаро нарх талашмоқ, савдолашмоқ; VIII اِسْتَامَ савдолашмоқ

– سَائِمٌ 1) яйловда ўтловчи; 2) дайди. саёқ; ~ كَلْبٌ дайди (*эгасиз*) ит

– سَائِمَةٌ *кўп.* سَوَائِمُ ўтлаб юрган пода; ҳайвон; ~ قَطِيعٌ مِنَ الـ~ ҳайвонлар подаси

– سَامٌ[1] *жам. геол.* ер қобиғининг томирсимон ёриқлари

– سَامٌ[2] ўлим

– سَامَةٌ ер қобиғининг томирсимон ёриғи; ~ الذَّهَبِ олтин кони; ~ الْفِضَّةِ кумуш кони

– سَوَامٌ = سَامٌ[2]

– سُومَةٌ 1) қўй *ёки* эчкига босилган тамға (белги); 2) тамға (белги)

– سِيمٌ тамға, белги, нишон, аломат

– سِيمَاءٌ 1) белги; 2) тамға, аломат; 3) башара, юз тузилиши

– سِيمَةٌ = سِيمٌ

– سِيمَاءٌ = سِيمَى

– مُسَاوَمَةٌ савдолашиш, нарх борасидаги тортишув; ◊ بِـ~ ўзаро келишиб, ўзаро келишилган ҳолда

سُومَرِيٌّ *тар.* сумерга оид; الـ~ـةُ сумер тили; 2. сумер кишиси

سُونَاتَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — *муз.* соната (*мусиқий асар*)

سُونْكِيٌّ найза

سُونَةٌ суна (*бошоқли ўсимликлар зараркунандаси номи*)

I سَوىَ (*а*) سَوًى 1) (*фалон сўм*) турмоқ; лойиқ бўлмоқ, муносиб бўлмоқ; 2) тенг бўлмоқ, қиймати бир хил бўлмоқ, тенг баҳоли бўлмоқ; II سَوَّى 1) тенглаштирмоқ, тенг қилмоқ, текисламоқ; ~ الْبِنَاءَ بِالْأَرْضِ иморатни ер билан тенг қилиб текисламоқ (бузмоқ); 2) тўғриламоқ, тузатмоқ, йўлга қўймоқ, мувофиқлаштирмоқ; بَيْنَهُمَا ~ кимнидир ким биландир яраштирмоқ, муросага келтирмоқ; 3) (*қарзни*) тўламоқ; 4) ташкил қилмоқ, яратмоқ, қилмоқ; 5) қайнатмоқ; 6) етилтирмоқ; ◊ سُوِّيَتْ عَلَيْهِ (بِهِ) у вафот этди (*сўзма-сўз:* унинг устига тупроқ текисланди); III سَاوَى 1) тенглаштирмоқ, текисламоқ; 2) тенглашмоқ, мос келмоқ, тўғри келмоқ, муносиб келмоқ; 3) арзимоқ, турмоқ (*нарх*), лойиқ бўлмоқ; 4) бир хил қилмоқ; بَيْنَهُمَا ~ кимнидир ким биландир яраштирмоқ, муросага келтирмоқ; VI تَسَاوَى 1) тенг бўлмоқ, бир хил бўлмоқ; 2) (*бирор н. хусусида*) келишиб олмоқ (عَلَى); VIII اِسْتَوَى 1) теп-текис бўлмоқ, силлиқ бўлмоқ; 2) тенг бўлмоқ, бир хил бўлмоқ; 3) адолатли бўлмоқ; 4) тўғриланмоқ; 5) ўтирмоқ; (*н. гадир*) жойлашмоқ, ўрнашмоқ (عَلَى); 6) (*бирор н. томонга*) йўналмоқ (إِلَى); 7) (*н. нигадир*) устига ўрнашган бўлмоқ, устида турмоқ (عَلَى); 8) қайнаб пишмоқ, 9) пишмоқ, етилмоқ (*мева ҳақида*); ~ إِلَى السَّمَاءِ осмонга йўл олмоқ; ~ الرَّجُلُ одамнинг ёшлиги ўтиб кетди

– اِسْتِوَاءٌ 1) тенглик; ~ الْحُقُوقِ тенг ҳуқуқлилик; 2) теп-текислик, силлиқлик; 3) бир хиллик; ◊ خَطُّ الـ~ экватор, хаттил устуво; خَطُّ الـ~ السَّمَاوِيِّ *астр.* осмон сфераси экватори

– اِسْتِوَائِيٌّ 1) экваторга оид. экваториал; 2) тропик; الْمِنْطَقَةُ الـ~ـةُ тропик минтақа

– تَسَاوٍ 1) тенглик; ~ الْحُقُوقِ тенг ҳуқуқлилик; بِالـ~ـي баб-баравар, тенг баравар; 2) бир хиллик

– تَسْوِيَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) текислаш, ернинг паст-баландлигини бирор нуқтага нисбатан аниқлаш; 2) мувофиқлаштириш, мослаш; (*масалани*) ҳал қилиш; 3) тўлов, тўлаш; орани очиқ қилиш; تَحْتَ الـ~ ҳақи тўланмаган; 4) (*оқат*) тайёрлаш, қайнатиш, пиширий

– سَوَاءٌ *кўп.* سَوَاسِيَةٌ 1) теп-текис; 2) тенг, баравар; ~ السَّبِيلِ тўғри йўл; عَلَى حَدٍّ الـ~ *ёки* عَلَى الـ~ бир хил, бир хил даражада; ~ بِـ~ роппа-роса бир хил; عَلَيْهِمْ ~ улар учун барибир; ... أَمْ ... ~ ...ми-йўқми - барибир; 3) тенглик; 4) бир хиллик; ~ هُمَا(هُمْ) у иккиси (улар) тенгдир; ~ الشَّيْءِ нарсанинг ўртаси; ~ الْجَحِيمِ фи дўзахнинг ўртасида

– سِوَى ...дан ташқари, ...дан бўлак, ...дан бошқа; سِوَاهُ ундан бошқа(*си*); ~ ... لَا *ёки* ... ~ ... لَيْسَ ...дан бошқа нарса эмас

– سَوِيٌّ *кўп.* أَسْوِيَاءُ 1) текис, теп-текис, силлиқ; 2) тўғри; الطَّرِيقُ الـ~ тўғри йўл; الصِّرَاطُ الْمُسْتَقِيمُ = الصِّرَاطُ الـ~ (*қар.* صِرَاطٌ); ا~ а) роппа-роса, тўппа-тўғри; б) узлуксиз, тўхтамасдан

– سَوِيَّةٌ тенглик; ~ биргаликда, биргалашиб; بِالـ~ бир хил равишда (ҳолда); теппа-тенгдан

– سِيٌّ бир хил, бир хил шаклдаги; тенг; سِيَّانِ عِنْدِي бу икки нарса менинг учун барибир; ◊ لَا ~ مَا хусусан, хусусан олганда

– مُتَسَاوٍ *мн.* مُتَسَاوِيَةٌ 1) теп-текис, силлиқ; 2) тенг, бир хил; ~ي الْحُقُوقِ тенг ҳуқуқли; ~ي الْأَضْلَاعِ тенг томонли; ~ي الزَّوَايَا тенг бурчакли; ~ي السَّاقَيْنِ *мат.* тенг-ёнли

– مُسَاوٍ *мн.* مُسَاوِيَةٌ тенг, бир хил

– مُسَاوَاةٌ тенглик; ~ الشُّعُوبِ وَ الْأَجْنَاسِ миллат ва ирқлар тенглиги; ~ الـ~ عَلَى مَبْدَإِ тенглик асосида, тенг ҳуқуқлилик асосида; ~ الـ~ عَلَى قَدَمِ *ёки* عَلَى أَسَاسِ الـ~ـةِ тўла тенглик асосида, тўла тенг ҳуқуқлилик асосида

– مُسْتَوٍ *мн.* مُسْتَوِيَةٌ 1) текис, тептекис, силлиқ; الْهَنْدَسَةُ الـ~ـةُ *мат.* планиметрия; 2) қайнатилган, қайнатиб пиширилган; 3) етук, пишган, пишиб етилган; 4) *грам.* ҳам музаккар ҳам муаннас жинсда ишлатилувчи (*сўзлар ҳақида*)

– مُسْتَوًى *кўп.* مُسْتَوَيَاتٌ 1) даража; ~ الْمَاءِ فِي النَّهْرِ (فِي الْبَحْرِ) дарёдаги (*денгиздаги*) сувнинг сатҳи; ~ الْاِقْتِصَادِ الْوَطَنِيِّ миллий

иқтисод даражаси; ~ الْحَيَاةُ الثَّقَافِيُّ маданий савия; ~ الْحَيَاةُ الْمَعِيشِيَّةُ ёки ~ الْحَيَاةُ الْمَعِيشِيُّ яшаш даражаси; ~ الْحَيَاةُ السِّيَاسِيُّ сиёсий даража; عَلَى أَعْلَى الْمُسْتَوَيَاتِ энг юқори даражада, олий даражада; عَلَى جَمِيعِ الْمُسْتَوَيَاتِ барча даражаларда, барча табақаларда; ~ وَاحِد وَضَعَ عَدُوَّهُ وَ صَدِيقَهُ عَلَى *маж.* дўсту душманни баравар кўрмоқ; 2) кўтарилиш баландлиги, кўтарилиш даражаси; 3) *мат.* текислик

سُوَيْدِيٌّ 1) Швецияга оид; الـ~ـةُ швед тили; 2. швециялик одам

سُوِيسْرِيٌّ 1. Швейцарияга оид; 2. швейцариялик одам

سُوَيْسِيٌّ 1. Сувайшга оид; 2. сувайшлик одам

سِيَّدِي = سَيِّدٌ *ёки* سِي

سِيٌّ *қар.* سوى

I (سيب) **سَابَ** (*u*) سَيْبٌ 1) оқмоқ, қуйилмоқ, томмоқ (*мас., кўз ёши*); 2) ҳаракат қилмоқ, қимирламоқ; 3) қочмоқ, қочиб кетмоқ; қаровсиз юрмоқ; тентирамоқ, дайдиланмоқ, дайди бўлмоқ; 4) ташламоқ, тарк этмоқ, қолдирмоқ; боқимсиз ташлаб қўймоқ; қаровсиз қолдирмоқ; II سَيَّبَ ташламоқ, тарк этмоқ; қаровсиз қолдирмоқ, боқимсиз ташлаб қўймоқ; V تَسَيَّبَ ташланди бўлмоқ, ташлаб кетилмоқ; қаровсиз бўлмоқ; VII انْسَابَ 1) оқмоқ, қуйилмоқ; 2) югурмоқ, интилмоқ; 3) берилиб кетмоқ, қизиқиб кетмоқ; 4) (*қаергадир*) кирмоқ, кириб бормоқ, етиб бормоқ (إِلَى); 5) бошламоқ; ~ يَتَصَفَّحُ الْكِتَابَ у китобни варақлай бошлади

– انْسِيَابِيٌّ юрганда ҳавонинг қаршилигига кам учрайдиган шаклли

– تَسَيُّبٌ совуққонлик, бепарволик

– سَائِبٌ 1) ташландиқ, қаровсиз ташлаб қўйилган; эгасиз, қаровсиз, тасарруфсиз; 2) адашиб юрган; ~ الْأَوْصَالِ йиртилган, ситилган, тутдек тўкилиб кетган (*мато ҳақида*); ~ ضِلْعٌ етим қовурға; 3) эркин, бўш, очиқликда турган, ихтиёри ўзида; ~ الْمَالُ يُعَلِّمُ السَّرْقَةَ *мақ.* ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри қилма (*сўзма-сўз*: очиқликда турган (яшириб қўйилмаган) мол ўғирлашни ўргатади)

– سَائِبَةٌ *кўп.* سَوَائِبُ 1) уй ҳайвони; 2) назр қилиш *ёки* бошқа мақсадда ташлаб қўйилган туя (*жоҳилият даврида*); 3) қул, банда

– سَايِبٌ *халқ.* (*тарозида*) тортиб сотиладиган, қадоқланмаган

– سَيَّابٌ хурмонинг янги пишган меваси

– سِيبَةٌ сепоя, уч оёқли столча, таг курси

– سِيبَانٌ *кўп.* صُبْيَانٌ *қар.* صُؤَابَةٌ сирка, бит уруғи (*сол. кўп.*)

سِيبَرْنَتِيكٌ кибернетика

(سيج) II سَيَّجَ қўрғон қилиб ўрамоқ, девор билан ўрамоқ

– سِيَاجٌ *кўп.* أَسِيجَةٌ, سِيَاجَاتٌ девор, тўсиқ, қўра, ғов

– سِيجَةٌ шашка; ~ لَعْبُ الـ~ـةِ шашка ўйини

سِيجَارٌ сигара

– سَجَائِرُ *кўп.* سِيجَارَةٌ папирос

I (سيح) سَاحَ[1] (*u*) سِيَاحَةٌ саёҳат қилмоқ, сафар қилмоқ, кезмоқ, кезиб чиқмоқ; سَاحَ[2] (*u*) سَيْحٌ, سَيَحَانٌ 1) эримоқ; эритилмоқ; 2) оқмоқ, тўкилмоқ, қуйилмоқ, тошмоқ; II سَيَّحَ 1) эритмоқ, мойни эритмоқ; 2) оқизмоқ; ◊ دَمَهُ ~ кимнидир ярадор қилмоқ, кимнидир қора қонига беламоқ; IV أَسَاحَ оқизмоқ, тўкмоқ; VII انْسَاحَ кенгаймоқ, кенгайиб кетмоқ

– سَاحِينُ Басрадан ўтадиган дарёнинг номи

– سَائِحٌ[1] 1) оқувчи; 2) эритилган

– سَائِحٌ[2] *кўп.* سُيَّاحٌ сайёҳ, саёҳатчи; турист

– سَائِحٌ[2] = سَيَّاحٌ

– سَيَّاحَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ ботқоқлик

– سَيَاحَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ 1) сафар, саёҳат; бориб келиш; 2) туризм

– سَيَّاحِيٌّ, سِيَاحِيٌّ саёҳатга оид, сафарга оид, туристик; رِحْلَةٌ ~ـةٌ туристик саёҳат (сафар); ~ وَفْدٌ туристик делегация, туристлар делегацияси

– سِيَاحِيَّةٌ туризм

– سَيْحٌ оқин сув

– سَيْحَانُ Шомдаги дарёнинг номи

– مُسَيَّحٌ 1) эритилган, эритиб олинган; زُبْدَةٌ ~ـةٌ эритилган сариёғ 2) йўл-йўл, йўли бор; بَلْوَةٌ ~ـةٌ оғир мусибат

I (سيخ) سَاخَ (*u*) سَيَخَانٌ ботиб қолмоқ, тиқилиб қолмоқ (*оёқ ҳақида*)

– سِيخٌ *кўп.* أَسْيَاخٌ 1) сих; 2) сим чивиқ, сим хивич

سود *қар.* سيد

سَيْدَكَارٌ (*мотоцикль*) кажаваси, коляскаси

I (سير) سَارَ (*u*) مَسَارٌ, مَسِيرٌ, سَيْرٌ 1) юрмоқ, қатнамоқ, бормоқ; қимирламоқ, ҳаракат қилмоқ, силжимоқ; саф тортиб юрмоқ; жўнамоқ, жўнаб кетмоқ; ~ فِي رِكَابِهِ кимнингдир орқасидан эргашмоқ; ~ كَتْفًا لِكَتِفٍ ёнма-ён (елкама-елка) юрмоқ; ~ وَرَاءَهُ кимнингдир орқасидан бормоқ; ~ شَوْطًا وَاسِعًا (*н. дадир*) катта ютуққа эришмоқ (فِي); ~ إِلَى (نَحْوَ) التَّحَسُّنِ яхшиланмоқ, яхшилана бормоқ; ~ مِنْ سَيِّئٍ إِلَى أَسْوَأَ ... ёмонлаша бошламоқ, ёмон томонга силжимоқ; 2) (*н. нидир*) олиб бормоқ (عَلَى); ~ عَلَى سِيَاسَةِ ... ... сиёсатини олиб бормоқ; 3) ҳаракат қилмоқ, ишламоқ; 4) амалда бўлмоқ, муомалада бўлмоқ; қатнамоқ; тарқалмоқ, тарқоқ бўлмоқ; 5) (*н. нидир*) етказиб бермоқ, етказмоқ, олиб бормоқ (ب); II سَيَّرَ (*қаергадир*) жўнатмоқ, юбормоқ (إِلَى); 2) ишга солмоқ, ишлатмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; 3) муомалага киритмоқ; 4)

жўнатмоқ, юбормоқ; (*мас., машинани*) бошқармоқ; أُمُورَ الْحُكْمِ ~ бошқармоқ, бошқарувни амалга оширмоқ; 5) (*иш*) олиб бормоқ; 6) йўл очмоқ, ҳаракатни йўлга қўймоқ; الْبَرِيدَ ~ (*... оралиғида*) почта хизматини йўлга қўймоқ (بَيْنَ); السَّيَّارَاتِ ~ (*... оралиғида*) автомобиль ҳаракатини жорий қилмоқ (بَيْنَ); 7) (*мас., газламага*) йўл-йўл чизиқлар тортмоқ, (*газламани*) йўл-йўл қилиб чизмоқ; III سَايَرَ 1) биргалашиб юрмоқ; бир-бирига етиб юрмоқ; 2) ҳамроҳлик қилмоқ; *муз.* жўр бўлмоқ; 3) мос келмоқ, мувофиқ келмоқ, муносиб келмоқ; 4) (*н. гадир*) мослашмоқ, мувофиқлаштирилмоқ, уйғунлаштирилмоқ; (*н. гадир*) йўл қўймоқ; эркалатмоқ; الظُّرُوفَ ~ шароитга мослашмоқ; 5) (*кемани*) йўналтирмоқ; IV أَسَارَ ҳаракатга келтирмоқ, ишга солмоқ

– أَسْيُرُ энг тез юрадиган, учар, чаққон, энг кўп тарқалган

– تَسْيَارٌ 1) юриш; 2) саёҳат; ◊ ~ الـــ وَ فِيمَا أَلْقَى عَصَا унда у ўтроқ бўлиб қолди, у ерда у доимий яшаб қолди (*сўзма-сўз:* у ерда у кезиб юриш таёғини ташлади)

– سَائِرٌ[1] 1) юрувчи, ҳаракатланувчи, ҳаракат қилувчи; 2) тезюрар, чаққон; 3) юрувчи, одатдаги, таомилдаги, одатга кирган; الْمَثَلُ الـــ ~ мақол, матал

– سَائِرٌ[2] *қар.* سئر

– سَيَّارٌ 1) тинмай ҳаракат қилувчи, бетиним; ~ةٌ صُحُفٌ *ёки* جَرَائِدُ ~ةٌ жорий (кундалик) матбуот; 2) сайёр. кўчма; ~ مُسْتَشْفًى кўчма шифохона

– سَيَّارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) сайёра, планета; 2) автомобиль, автомашина, машина; ~ الرُّكَّاب *ёки* ~ الرُّكُوب енгил машина; ~ الشَّحْنِ *ёки* ~ النَّقْلِ юк машинаси, юк ташувчи машина; ~ الْإِسْعَافِ тез ёрдам машинаси; ~ ثَلَّاجَةٌ авторефрижератор, музлатгичли машина; ~ قَلَّابَةٌ юкни ўзи ағдарувчи машина, самосвал; ~ عُمُومِيَّةٌ автобус; ~ مُدَرَّعَةٌ зирҳли машина, броневик; ~ سَائِقُ الـــ ҳайдовчи, шофёр; 3) карвон

– سَيْرٌ[1] 1) юриш, ҳаракат қилиш, ҳаракат; саф бўлиб юриш; қатнаш; ~ الْحَوَادِثِ *ёки* ~ الْأَحْدَاثِ воқеаларнинг оқими (бориш жараёни); ~ سَرِيعُ الـــ тез юрадиган, тезюрар; 2) ахлоқ, иш-ҳаракат усули

– سَيْرٌ[2] *кўп.* سُيُورٌ камар, тасма, чарм камар; узатма қайиш, ҳаракатни узатиш учун ишлатиладиган тасма

– سِيرَةٌ *кўп.* سِيَرٌ 1) ҳаёт йўли, таржимаи ҳол, биография; 2) яшаш тарзи, ҳаёт тарзи; ~ حَسَنُ الـــ яхши хулқ, хуш хулқ; ~ وَ حَسَنُ الـــ وَ السَّرِيرَةِ яхши хулқли, хушхулқ, хуш хулқли; ~ فِي الـــ وَ ثَنَاءٌ *маж.* маънавий поклик; 3) обрў, шуҳрат, донг; 4) ҳикоя, қисса; إِذَا ~ جَاءَتْ الـــ هَا гап у қиз ҳақида борганида ...; ~ رَسُولِ اللهِ *ёки* ~ الـــ жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг таржимаи ҳоллари

– سَيْرُورَةٌ ҳаракат, юриш, қатнаш; (*мас., адабий асарнинг*) тарқалганлиги, ёйилганлиги

– مَسَارٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) йўналиш, йўл; ҳаракат чизиғи, траектория; 2) ҳаракат, йўналиш; فِي اتِّجَاهَيْنِ ~ (*автомобилнинг*) икки томонлама ҳаракати (йўналиши)

– مُسَايَرَةٌ 1) қадамига тенглаб юриш. (*к. биландир*) тенг ҳаракат қилиш; 2) ҳамроҳлик қилиш, ҳамроҳлик; *муз.* жўр бўлиш; 3) мослик, мувофиқлик; مُقْتَضَيَاتِ الزَّمَنِ ~ замон талабига мос ҳолда; 4) мослаштириш, мувофиқлаштириш

– مَسِيرٌ юриш, қадам босиш; ҳаракат қилиш; оқим; سَاعَةٍ عَلَى ~ الْحِمَارِ эшакда бир соатлик йўл; ذِكْرُهُ كُلٌّ ~ سَارَ унинг шуҳрати ҳамма ёққа кетган

– مُسَيَّرٌ 1) ҳаракатлантириладиган, бошқариладиган; قَذِيفَةٌ ~ةٌ бошқариладиган снаряд; بِالرَّادْيُو ~ радио орқали бошқариладиган; 2) *фалс.* эркин бўлмаган, ихтиёри ўзида бўлмаган (*сол.* مُخَيَّرٌ); 3) йўл-йўл, чизиқ-чизиқ

– مُسَيِّرٌ штурман

– مَسِيرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ҳаракат, йўл; 2) юриш, поход, марш; السِّلْمِ وَ الصَّدَاقَةِ ~ тинчлик ва дўстлик юриши (марши); قَامَ ... احْتِجَاجًا عَلَى (شَعْبِيَّةٍ) ~ بـــ ...га қарши халқ юриши ўтказмоқ, ...га норозилик сифатида халқ юриши ўтказмоқ;; 3) масофа, оралиқ

سَيْرٌ: ~ الـــ сер (жаноб)

سِيرَجٌ кунжут ёғи

سِيرْكٌ цирк

سِيسَالٌ сийсол (*ўсимлик барглaридан тайёрланадиган тўпори арғамчи, арқон*)

سَيْسَبَانٌ *бот.* ихрож (*заҳарли оқ шира чиқарадиган ўт*)

سِيسِيٌّ *кўп.* سَيَاسِيُّ тоти от, пони (*жуссаси кичик от*)

سَيْطَرَ (*н. нинадир устидан*) ҳукмронлик қилмоқ, раҳбарлик қилмоқ (عَلَى); سَيْطَرَ = تَسَيْطَرَ

– سَيْطَرَةٌ ҳукмронлик, ҳокимият; бошқарув, зўравонлик; الْبَحْرِ ~ денгиздаги (сувдаги) ҳукмронлик

سَطْلٌ = سَيْطَلٌ

(سيع) II سَيَّعَ (*н. нидир*) деворга чапламоқ (суркамоқ) (ب); ◊ ~ الشَّيْبُ رَأْسَهُ соч-соқоли оқармоқ

– سِيَاعٌ сомонли лой

– مِسْيَعَةٌ лой сувоқда ишлатиладиган асбоб

I (سيف) سَافَ (*и*) سَيْفٌ қилич билан урмоқ, қиличдан ўтказмоқ, қиличламоқ; III سَايَفَ қиличбозлик (найзабозлик) қилмоқ; VI تَسَايَفَ қиличбозлик қилишмоқ

– سَيَّافٌ жаллод; ◊ ~ الْبَحْرِ найзабалиқ

– سَيْفٌ *кўп.* أَسْيَافٌ, سُيُوفٌ қилич, шамшир; لَعْبُ الـــ ~ қиличбозлик; ◊ أَبُو ~ الْبَحْرِ *ёки* ~ الْبَحْرِ найзабалиқ; سَبَقَ الـــ ~ الْعَذْلَ

вақти ўтди, энди кеч; لاَ للصَّيْف ~ وَ لاَ للـ *мтл.* на раҳмонга чироғу, на шайтонга косов *ёки* на дон, на сомон (*сўзма-сўз:* қиличга ҳам эмас, ёзга ҳам эмас)

– سِيفٌ[1] *кўп.* أَسْيَافٌ 1) қирғоқ, соҳил, сув бўйи; 2) чет, қирғоқ; ёқа, этак

– سِيفٌ[2] *савдо.* сиф

– مُسَايَفَةٌ қиличбозлик

سَيْفُونٌ, سِيفُونٌ 1) газли ичимликларни сақлаш учун мўлжалланган махсус идиш *ёки* бутилка, сифон; ~ زُجَاجَةُ газли ичимликларни сақлашга мўлжалланган махсус шиша идиш; 2) *тех.* сифон; "N" га ўхшатиб букилган труба

سِيكَارٌ сигара

– سِيكَارَةٌ *кўп.* سَكَائِرُ сигарета, папирос

– سَيْكَرَانٌ *бот.* мингдевона, эшакмия

سِيكْلُوتْرُونٌ *физ.* циклотрон

سِيكَةٌ шашқа (*ўйин*) (*сол.* سِيجَةٌ)

سِيكُوبَاتِيَّةٌ психопатия

سِيكُورْتَاهٌ хавфсизликни таъминлаш, суғурта, страхование; ~ الْحَرِيقِ ёнғинга қарши суғурта қилиш; ~ الْحَيَاةِ ҳаётни суғурта қилиш

سِيكُوزٌ руҳий касаллик, эсини йўқотиш, психоз

سِيكُولُوجِيٌّ 1) психологик; 2) психолог

– سِيكُولُوجِيَا, سِيكُولُوجِيَّةٌ психология

I (سيل) سَالَ (*u*) سَيْلاً, سَيَلاَنٌ 1) суюқ бўлмоқ, суюлмоқ; 2) оқмоқ, оқиб кетмоқ; II سَيَّلَ 1) оқизмоқ, оқтирмоқ, тўкмоқ, қуймоқ; 2) суюлтирмоқ, суюқ ҳолатга келтирмоқ; الْغَازَ ~ газни суюлтирмоқ; IV أَسَالَ 1) оқизмоқ, оқтирмоқ, тўкмоқ, қуймоқ; 2) суюқлаштирмоқ; қоримоқ, қориштирмоқ; эритмоқ; V! تَسَايَلَ дув-дув оқмоқ (*кўз ёши*); ҳамма ёққа оқиб кетмоқ, ёйилиб кетмоқ

– إِسَالَةٌ 1) оқизиш, тўкиш; الدَّمِ ~ қон тўкиш, қон оқизиш; الْمَاءِ ~ водопровод суви ўтказиш; 2) эритиш

– سَائِلٌ 1) суюқ, суюқ ҳолатдаги, оқадиган: гидравлик; الْغَازُ الـ~ суюқ газ; 2) *кўп.* سَوَائِلُ а) шарбат, сок; б) суюқлик; سَوَائِلُ الْوُقُودِ суюқ ёнилғи

– سَائِلِيَّةٌ суюқ ҳолат

– سَيَّالٌ 1) суюқ, суюқ ҳолатдаги, оқадиган; 2) *кўп.* ـَاتٌ а) суюқлик; б) оқим; ~ قَلَمٌ тез ёзадиган қалам, ҳар нарса ҳақида тезгина асар битадиган ёзувчи

– سَيَّالَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) нов, тарнов, сув оқадиган ариқ; анҳор; 2) чўнтак, кармон

– سَيْلٌ *кўп.* سُيُولٌ оқим, оқиш; анҳор; الْعَرِمِ ~ *тар.* Қур. Сава подшолиги даврида Маъриб тўғонини бузиб кетган сув тошқини

– سَيَلاَنٌ 1) оқиш, оқиб ўтиш; ذَاتِيٌّ ~ ўзи оқар, ўзи оқиб турадиган; سَتَسِيرُ الْمِيَاهُ فِي هٰذِهِ الْقَنَاةِ بِالـ~ الذَّاتِيِّ бу каналда **сув** ўзи (ўз оқими билан) оқади; 2) *мед.* сўзак касаллиги, триппер

– سِيلاَنٌ[1] *мин.* ёқут

– سِيلاَنٌ[2] пичоқ *ёки* қиличнинг қинга кириб турадиган қисми

– سَيْلَةٌ анҳорча, жилғача

– سُيُولَةٌ 1) суюқ ҳолат, оқишлик; 2) суюқлик; 3) *мол.* дарҳол пулга айлантириш мумкин бўлган қоғозлар: الـ~ النَّقْدِيَّةُ мавжуд бўлган нақд пул

– مُسَيِّلٌ оқизувчи, оқизиб юборувчи; الْغَازَاتُ الـ~ـةُ لِلدُّمُوعِ кўздан ёш оқизувчи газлар

– مَسِيلٌ *кўп.* مَسَايِلُ 1) ариқ, нов, тарнов; 2) сув йўли, ўзан

– مِسْيَلٌ ареометр (*суюқликнинг солиштирма оғирлигини ўлчайдиган асбоб*)

سِيلُو *кўп.* سِيلُوَاتٌ 1) силос; 2) силос минораси

سِيلُوفَانٌ *шунингдек:* ~ وَرَقُ целлофан

سَيْلَقُونٌ = سَيْلَقُونٌ

سَيْلُو виолончель (*музика асбоби*)

سِيلِيسْيُومٌ *кимё* кремний, силиций

سِيلِيكُونٌ силикон, кремний

سِيم *қар.* سوم

– سِيمَةٌ, سِيمَا, سِيمَاءُ *қар.* سوم

سَيَّمَا *қар.* سِيٌّ (سوى)

سِيمَافُورٌ *кўп.* ـَاتٌ семафор

سِيمْفُونِيٌّ симфоник; ~ أُورْكِسْتْرَا симфоник оркестр

– سِيمْفُونِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ симфония

سِيمِنْتُو цемент

سِيمِيَا *шунингдек:* ~ عِلْمُ الـ дуохонлик

سِيمِيَاءُ белги, аломат, нишон; الـ~ التَّرَامُزِيُّ *лингв.* синхроник семантика; الْمَعَانِي ~ *лингв.* диахроник семантика; عِلْمُ الـ~ семантика, семасиология

سِيمِيَائِيٌّ, سِيمِيَاوِيٌّ - сеҳргарликка (жодугарликка) оид; الْأَلْعَابُ الـ~ـةُ кўзбўяма ўйинлар, фокуслар

سِينٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) син (*ҳарфнинг номи*); ~ وَ جِيمٌ *маж.* савол ва жавоб (س ~ سُؤَالٌ – ج ~ جَوَابٌ); وَ ~ وَ كَانَ مَعَهُ تَحْقِيقٌ *маж.* терговда бўлди ва савол-жавоб (сўроқ) қилинди; 2) *мат.* икс (X); مِحْوَرُ السِّينَاتِ икс ўқи, абцисса ўқи

– سِينِيٌّ икс (X)га оид; الْأَشِعَّةُ الـ~ـةُ X нурлар, рентген нурлари; الْمِحْوَرُ الـ~ икс ўқи, абцисса ўқи; الْإِحْدَاثِيُّ الـ~ абцисса

– سِينَارِيسْتٌ сценарист (*кинофильм матнини ёзувчи*)

سِيْنَارِيُو *кўп* سِيْنَارِيَاتٌ, سِيْنَارِيُوهَاتٌ сценарий

سِيْمْفُونِيٌّ = سِيْنْفُونِيٌّ –

سِيْمْفُونِيَّة = سِيْنْفُونِيَّةٌ

سِينْكْرُوتْرُونٌ *физ.* синхротрон

الـــ~ الصَّائِتَةُ *ёки* الـــ~ النَّاطِقَةُ кино; ~ـــة *кўп* ات سِينَمَا, سِينَما овозли кино; الـــ~ الصَّامِتَةُ овозсиз кино; دَارُ الـــ~ кинотеатр

– سِينَمَائِيٌّ 1) кинематографик, кинематографияга оид; رِوَايَةٌ ~ـــة кинофильм; الفَنُّ الـــ~ кино санъати; 2) кино арбоби, киношунос, кино билан шуғулланувчи

سِيْنُودُسٌ синод (*диний истилоҳ*)

سَيْه 3 (*уч -нард ўйинида*)

سِيَةٌ *кўп* سِيَاتٌ ёйнинг (камоннинг) томонларидан бири; سَيَتَانِ *ик. с.* ёй, камон

سُيُوطِيٌّ 1) Асют шаҳрига оид; 2) Асютда яшовчи, асютлик

# ش

ش (شِينٌ) шин (*араб алифбосининг ўн учинчи ҳарфи, абжадда 300*)

ش 1) شَعْبَانُ шаъбон (*ой номи*) *сўзининг қисқ.*; 2) شَكْلٌ шакл, чизма *сўзининг қисқ.*; 3) شَمْسِيٌّ шамсий *сўзининг қисқ.*; 4) شَارِعٌ кўча *сўзининг қисқ.*

شَاءٌ *кўп.* شِيَاهٌ *сўзидаги қар.* شاة

شَابُورَةٌ 1) туман; 2) (*кема*) тумшуғи; ◊ ~ مِنَ الدَّفَّةِ لِلـــ истисносиз ҳамма, битта қолмай ҳамма

شَادِرٌ *кўп.* شَوَادِرُ чодир

شَادِرْوَانٌ фаввора, фонтан

شَاسِيٌّ, شَاسِيَةٌ *кўп.* شَاسِيَهَاتٌ шасси (*самолёт оёғи; турли машина ва механизмларнинг асосий рамаси*)

شَاشٌ 1) муслин (*юпқа газлама тури*); 2) дока, шоша дока; бинт; ~ مُعَقَّمٌ стериллаштирилган дока (бинт)

– شَاشَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ экран; ~ الْعَرْضِ الـــ *ёки* ~ الْبَيْضَاءِ الـــ *ёки* ~ الْعَرِيضَةُ الـــ кенг экран; ~ الْفِضِّيَّةُ кино экрани; ~ التِّلِفْزِيُونِ телевизор экрани

– شَاشِيَّةٌ *кўп.* شَوَاشِيُّ 1) шошия (*салла учун ишлатиладиган мато*); 2) телпакча

شَاغُولٌ елкан арқони

شَاكُوشٌ *кўп.* شَوَاكِيشُ болғача; ~ الْأُذُنِ *анат.* қулоқ пардаси ичидаги болғача

شَالٌ *кўп.* شِلَالٌ шол; катта рўмол, шол рўмол; ~ كَشْمِيرٍ кашмирий шол (рўмол)

شَالِيَةٌ[1] *кўп.* شَالِيَهَاتٌ шолия (*унча катта бўлмаган қишлоқдаги ёки дала ҳовлисидаги уй*)

– شَالِيَةٌ[2] *кўп.* شَوَالِي, شَالِيَاتٌ гул туваги, сопол коса; ~ النَّارِ минқал, кабоб қўраси

شَامِيٌّ 1. Шом (*Сурия*) га оид; ~ ذُرَّةٌ ـــ маккажўхори; 2. *кўп.* شَوَامُّ шом (*сурия*) лик

شَامَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ хол; туғма хол

شَانْطَةٌ[2] *қар.* شَنْطَةٌ

شَاهٌ *қар.* شاه

شَاهٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1. шоҳ; 2) *шахм.* шоҳ; مَاتٌ ~ шоҳ ва мот

– شَاهَانِيٌّ шоҳга, султонга оид, шоҳона; ~ الْحَضْرَةُ الـــ шоҳ (султон) ҳазратлари; ~ الْإِرَادَةُ الـــ шоҳ (султон) фармони (фармойиши)

– شَاهَنْشَاهٌ шаҳаншоҳ

– شَاهَنْشَاهِيٌّ шаҳаншоҳга оид

شَاهْبَلُّوطٌ *бот.* каштан (*қорақайинлар оиласига мансуб дарахт*)

شَاهْبَنْدَرٌ ўнбоши, старшина

شَاهِيٌّ[1] шойи, йўл-йўл ипак мато; ~ بِلُوزَةٌ مِنَ الـــ йўл-йўл ипак матодан тикилган блуза (кўйлак); ~ ـــةٌ йўл-йўл ипак мато ўрами

– شَاهِيٌّ[2] чой; ~ حَفْلَةُ الـــ бир пиёла чой, чойхўрлик

شَاوِيشٌ унтер-офицер; сержант

شَايٌ чой; ~ الْأَخْضَرُ الـــ кўк чой; ~ الْأَسْوَدُ الـــ қора чой; إِبْرِيقُ الـــ чойнак

شُؤْبُوبٌ *кўп.* شَآبِيبُ кучли ёмғир, жала; ◊ اسْتَمْطَرَ شَآبِيبَ الرَّحْمَةِ (*к. гадир*) шафқат тиламоқ

شَأْفَةٌ 1) илдиз; бирор нарсани илдизи (таг-томири) билан суғуриб ташламоқ; 2) оёқнинг тагида пайдо бўладиган яра; اسْتَأْصَلَ ـــهُ اللهُ! *мтл.* Оллоҳ уни кўздан йироқ қилсин!

شَأَمَ (*а*) شُؤْمٌ (*к. нингдир бошига*) бахтсизлик (фалокат, шумлик) келтирмоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); (*к. гадир*) фалокат бўлмоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); IV أَشْأَمَ Шом (Сурия) га жўнамоқ; V تَشَأَّمَ Шом юртига мансуб бўлмоқ; VI تَشَاءَمَ 1) (*н. нидир*) ёмон фол деб ҳисобламоқ, ёмонлик келтирувчи деб ҳисобламоқ (بِ, مِنْ); 2) бадбин,

пессимист (келажакдан умидсиз) бўлмоқ; X اِسْتَشْأَمَ (*н. нидир*) ёмон фол деб ҳисобламоқ (ب)

– أَشْأَمُ *мн.* شُؤْمَى *кўп.* أَشَائِمُ 1) энг фалокатли, энг шум; 2) сўлдаги, сўлга оид

– تَشَاؤُمٌ бадбинлик, пессимизм

– تَشَاؤُمِيٌّ пессимистик; пессимизмга оид; 2. бадбин, пессимист

– شَأْمَةٌ 1) сўл (чап) томон; 2) ёмон аломат

– شَأْمِيٌّ Шом (Сурия) га оид; 2. *кўп.* شَوَامٌ шомлик (суриялик)

– شَائِمٌ машъум, фалокатли, ёмонлик келтирувчи

– شُؤْمٌ машъумлик, фалокат, бахтсизлик; إِنَّ الـ~ التَّشَاؤُمَ *мкл.* ёмон аломатларга ишонишнинг ўзи фалокатдир

– شُؤْمِيٌّ машъум, фалокатли, фалокатга оид

– شِئْمَةٌ *кўп.* شِئَمٌ 1) табиат, феъл-атвор; 2) хусусият, сифат

– مُتَشَائِمٌ 1. бадбинликка (пессимистликка) оид; 2. бадбин, пессимист

– مَشْأَمَةٌ 1) сўл (чап) томон; 2) фалокат, бахтсизлик, бадбахтлик

– مَشْؤُومٌ машъум, бахтсизлик келтирувчи, фалокатли

شَأْمَلٌ шимолдан эсадиган шамол

شَأْنٌ *кўп.* شُؤُونٌ, شُئُونٌ 1. 1) иш; وِزَارَةُ الشُّئُونِ الْخَارِجِيَّةِ ташқи ишлар вазирлиги; وِزَارَةُ الشُّئُونِ الْاِجْتِمَاعِيَّةِ ижтимоий ишлар вазирлиги; كَاتِبُ شُؤُونِ الْأَفْرَادِ шахсий состав бўйича котиб; وَ الـ~ أَنَّ ... гап шундаки, ...; تَرَكَهُ لِـ~ شَأْنِهِ *ёки* تَرَكَ وَ شَأْنَهُ ўз ҳолига ташлаб қўймоқ, кимнидир бутунлай ташлаб қўймоқ; (*к. нидир*) тинч қўймоқ; أَنْتَ وَ شَأْنُكَ хоҳлаган ишингни қил!; 2) муносабат, алоқа; لَا ~ لَهُ بِالْجَرِيمَةِ унинг жиноятга ҳеч қандай алоқаси йўқ; فِي ~ بِـ~ هِ *ёки* ~ هِ бирор нарсага келганда, бирор масалага келганда; يُجْرَى التَّحْقِيقُ بِشَأْنِهِ бу иш бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда; فِي هَذَا الـ~ бу жиҳатдан, шу муносабат билан; عَلَى ~ *шунингдек: халқ.* عَشَانْ عَلَشَانْ *ёки* ... бўлсин учун, ...син деб, учун; 3) қадр-қиммат; муҳимлик, аҳамият; ذُو ~ муҳим, аҳамиятли; عَظِيمُ الـ~ жуда муҳим, катта аҳамиятли; أَظْهَرَ ~ تَجَارِبِ الْحَيَاةِ ҳаёт тажрибаси аҳамиятини кўрсатмоқ; 4) хусусият, хослик; 5) манфаатдорлик; صَاحِبُ الـ~ манфаат эгаси, манфаатдор; أُولُو الـ~ лозим (керак бўлган) шахслар; манфаатдор шахслар; 6) калла суяги ичидаги кўзга ёш келтирадиган аъзо; 2. ...лар каби, ...ларга ўхшаб, ...лар сингари; كَمَا هُوَ الـ~ فِي ... ...никига ўхшаб; مِنْ ~ учун, ...ни деб, ...син учун; ... شَأْنَ ... одатда ... бўлиб юрганидай, ◊ مِنْ ~ هِ أَنَّ ... бунинг хусусияти шундайки, ...; у шундайки, ...; бу шунга олиб келадики, ...; ... هَذِهِ مِنْ ~ هَذِهِ *ёки* هَذِهِ الْمُعَاهَدَةُ أَنْ تُسَاعِدَ ... бу шартноманинг мақсади ...га ёрдам кўрсатишдан иборатдир

I شَأَى (*у*) شَأْوٌ олдинга ўтмоқ, олдин бўлмоқ, илгари бўлиб ўтмоқ

– شَأْوٌ чек, чегара; охир; мақсад; ... بَلَغَ ~ًا بَعِيدًا فِي ...да юксак даражага кўтарилмоқ

I (شبّ) شَبَّ[1] (*a/u*) شَبَابٌ ўсмоқ, ўспирин (йигит) бўлмоқ; عَنِ ~ болалик ёшидан ўтмоқ; ... وَ شَابَ عَلَى ~ (*бирор н. билан*) узоқ вақт шуғулланмоқ; عَلَى شَيْءٍ شَابَ عَلَيْهِ مَنْ ~ *мтл.* букрини гўр тузатади; شَبَّ[2] (*a/u*) شُبُوبٌ ёнмоқ, алангаланмоқ; ўт олмоқ; شَبَّتْ الْحَرْبُ ~ уруш олови ёқилди, уруш бошланди; شَبَّ[3] (*a/y*) شَبٌّ (*ўт*) ёқмоқ, ўт олдирмоқ; شَبَّ[4] (*a/u*) شَبِيبٌ 1) *шунингдек:* عَلَى ~ أَطْرَافِ (أَمْشَاطِ) قَدَمِهِ бир оз кўтарилмоқ, бўй чўзмоқ, оёқ учида турмоқ; 2) орқа оёқларда (кўтарилиб) турмоқ (*от ҳақида*); II شَبَّبَ 1) шеърда (*аёл кишини*) васф қилмоқ (ب); 2) ёшартирмоқ; IV أَشَبَّ ёшармоқ, куч-қувват ва саломатликни қайта тикламоқ; V تَشَبَّبَ 1) шеърда (*аёл кишини*) васф қилмоқ (ب); 2) ёшармоқ

– شَابٌّ *кўп.* شَبَابٌ, شُبَّانٌ йигит, ўспирин

– شَابَّةٌ *кўп.* شَوَابُّ, شَابَّاتٌ қиз, ўспирин қиз

– شَبٌّ[1] *шунингдек:* حَجَرُ الـ~ аччиқтош

– شَبِّيٌّ[2] *кўп.* شُبَّانٌ = شَابٌّ; اللَّيْلِ ~ *бот.* намозшомгул

– شَبَابٌ[1] 1) ўспиринлик, йигитлик; تَجْدِيدُ الـ~ ёшартириш; 2) ёшлар

– شَبَابٌ[2] *кўп.* ўспиринлар, ёшлар, йигитлар

– شَبَّابَةٌ най

– شَبَابِيٌّ йигитликка (ўспиринликка) оид

– شَبَبٌ буқача

– شَبَّةٌ *кўп.* شَبَائِبُ 1) ўспирин қиз; جَامُوسٍ ~ урғочи буйвол; 2) аччиқтош

– شَبُّوبٌ тутатқи, ўтқич

– شُبُوبٌ тўсатдан пайдо бўлиш (*юзага чиқиш, тарқалиш*); ~ الْحَرْبِ тўсатдан урушнинг бошланиши; ~ الْحَرِيقِ тўсатдан ўт кетиш

– شَبِيبَةٌ ёшлик, ўспиринлик; ёшлар; اتِّحَادُ الـ~ ёшлар иттифоқи

– مَشْبُوبٌ 1) ёқилган, алангалатилган; 2) иссиқ, чўғ бўлиб турган

شَبَثٌ[2] = شَبَثٌ

I **شَبَثَ** (*а*) شَبَثٌ (*н. гадир*) ёпишиб олмоқ, (*н. нидир*) ушлаб (тутиб) олмоқ (ب); V تَشَبَّثَ 1) (*н. гадир*) ёпишиб олмоқ, боғланиб олмоқ; (*н. нидир*) қаттиқ тутмоқ (ب); 2) (*н. дадир*) сабот кўрсатмоқ; (*н. гадир*) қаттиқ ёпишиб олмоқ; (*н. нидир*) қатъий талаб қилмоқ (ب); 3) ташаббус кўрсатмоқ

– تَشَبُّثٌ 1) ёпишиб олишлик; 2) собитлик, саботлилик; 3) ташаббус, ташаббускорлик

– شَبَثٌ[1] 1) ёпишиб олиш, маҳкам ушлаш; 2) *шунингдек:* ~ أَبُو бий (*ўргимчак бийи*)

– شَبَثٌ[2] шивит, укроп

– شَبِثٌ ёпишиб оладиган, ушлаб (тутиб) оладиган; ~ رَجُلٌ ёпишиб оладиган (елим) одам

– شَبَثٌ, شِبِثٌ = شَبَثٌ[1]

I **شَبَحَ** (*а*) شَبْحٌ (*н. нидир к. га дир*) узатмоқ, чўзмоқ; қўл чўзмоқ (узатмоқ); II شَبَّحَ қўл узатмоқ (чўзмоқ); (*қўлни*) қилич-қилич қилмоқ

– شَبَحٌ *кўп.* أَشْبَاحٌ 1) арвоҳ, (*хаёлда*) кўриниш; 2) жусса, ноаниқ кўринаётган нарса; 3) шарпа, арвоҳ; ◊ بَلَا رُوحٍ ~ кўриниши қолмоқ (*мас., кўриниши қолибди холос*)

– تَشْبِيحٌ қўлни қилич-қилич қилиш, қўл силташ (*гапирганда*)

– شَبْحَةٌ кишан

– شَبَحِيَّةٌ объектив (*фотоаппарат ва унга ўхшаш асбобларнинг олд томонидаги шишали қисми*)

– مِشْبَاحٌ стереоскоп (*оптик асбоб*)

I **شَبَرَ** (*у*) شَبْرٌ қарич билан ўлчамоқ, қаричламоқ; II شَبَّرَ 1) қарич билан ўлчамоқ, қаричламоқ; 2) қўл силтамоқ; қўлни қилич-қилич қилмоқ

– شَابُورَةٌ *алиф. б. қар.*

– شِبْرٌ *кўп.* أَشْبَارٌ 1) қарич; 2) шибр, қарич (*22, 5 см. га тенг узунлик ўлчови*)

– شَبَابِيرُ *кўп.* شُبُّورٌ бурғу

– شَبُّورَةٌ = شَابُورَةٌ

شَبْرَقَ 1) узмоқ, узиб ташламоқ; 2) *халқ.* меҳмон қилмоқ; ◊ عَيْنَيْهِ ~ (*қараб*) лаззатланмоқ, яйраб тамоша қилмоқ; تَشَبْرَقَ *халқ.* меҳмон қилинмоқ; зиёфатда бўлмоқ, маишат қилмоқ

– شَبْرَقَةٌ[1] 1) узилиш; 2) енгилгина овқат (*писта, салат, нўхат ва ш. к. лар билан*)

– شَبْرَقَةٌ[2] *кўп.* شَبَارِقُ чойчақа, майда сарфлар пули

شَبْشَبَ (*к. нидир*) шиппак (туфли) билан урмоқ

– شِبْشِبٌ *кўп.* شَبَاشِبُ шиппак, туфли

– شَبْشَبَةٌ шиппак (туфли) зарбаси

I **شَبَطَ** (*у*) شَبَطٌ 1) (*к. гадир*) боғланиб қолмоқ, боғланмоқ; 2) (*н. биландир*) қизиқиб қолмоқ, қизиққан (берилган) бўлмоқ; 3) (*н. гадир*) эргашмоқ, (*н. нингдир*) йўлидан юрмоқ (فِي)

– شُبَاطُ февраль

– شَبُّوطٌ *кўп.* شَبَابِيطُ зоғора балиқ

I **شَبِعَ** (*а*) شَبَعٌ 1) тўқ бўлмоқ, (*бирор н. га*) тўйган бўлмоқ (مِنْ) тўйиб-тўйиб кулмоқ; 2) тўйинган бўлмоқ; II شَبَّعَ 1) тўйинтирмоқ; 2) шимдирмоқ; IV أَشْبَعَ 1) тўйинтирмоқ; қониқтирмоқ; қаттиқ тўйдирмоқ, тўйгунча едирмоқ; مِنْ جُوعٍ ~ очликдан қутқармоқ; ~ رَغْبَتَهُ кимнингдир (*н. гадир бўлган*) орзусини (эҳтиёжини) қондирмоқ (فِي); ~ـــهُ دَمًّا وَ قَدْحًا кимнидир боплаб сўкмоқ; ~ـــهُ ضَرْبًا кимнидир қаттиқ урмоқ, калтакламоқ; ~ الْمَوْضُوعَ دَرْسًا предметни ипидан-игнасигача чуқур ўрганмоқ; ~ (بَحْثًا) وَ تَمْحِيصًا предметни ипидан-игнасигача чуқур ўрганмоқ; ~ فُضُولَهُ ўз қизиқишини қондирмоқ; ~ الْكَلَامَ فِيهِ бирор нарса ҳақида жуда батафсил сўзламоқ; ~ بِالْكَهْرَبَاءِ электр токи билан тўйинтирмоқ (*мас., аккумляторни*); ~ الْمَطَالِبَ الْمُتَزَايِدَةَ لِلشَّعْبِ халқнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондирмоқ; 2) шимдирмоқ, сингдирмоқ; V تَشَبَّعَ (*н. биландир*) тўйинмоқ, тўймоқ (ب); 2) (*н. нидир*) шиммоқ, (*н. биландир*) тирикчилик қилмоқ

– إِشْبَاعٌ 1) тўйинтириш; қониқтириш; 2) шимдириш

– تَشَبُّعٌ тўйинганлик

– شَبَعٌ 1) тўқлик; 2) тўйинганлик; 3) қониққанлик

– شِبَعٌ 1) тўқлик; тўйиниш

– شِبْعٌ тўйишга кифоя қиладиган овқат миқдори

– شَبْعَانُ *мн.* شَبْعَى *кўп.* شِبَاعٌ 1) тўқ; 2) тўйинган; 3) қониққан, қондирилган; ~ رَجُلٌ бой (*ўзига тўқ*) одам

– شُبْعَةٌ *кўп.* شُبَعٌ тўйишга кифоя қиладиган овқат миқдори

– مُتَشَبِّعٌ эрати нарсалар билан безанган

– مُشَبَّعٌ (*бирор н. га*) тўйинган

– مُشْبِعٌ 1) тўйинтирадиган; 2) қониқарли, қониқтирадиган, қаноатлантирадиган; 3) муҳим

I **شَبِقَ** (*а*) شَبَقٌ шаҳвоний, шаҳватпараст бўлмоқ

– شَبَقٌ 1) шаҳвонийлик, шаҳватпарастлик; 2) жинсий интилиш (*ҳайвонларда*)

– شَبِقٌ шаҳвоний, шаҳватпараст

– شَبُّوقٌ, شُبُّقٌ чилим найи, узун трубка

– شَبَقَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ тўсин; тахта (*мас., темир, тунука тахтаси*)

– شَبَقِيٌّ шаҳвоний, шаҳватпараст

I **شَبَكَ** (*и*) شَبْكٌ чигаллаштирмоқ, аралаштирмоқ, аралаштириб (чигаллаштириб, адаштириб) юбормоқ; 2) ўрмоқ; уламоқ, бириктирмоқ, бирлаштирмоқ; 3) (*н. гадир*) матамоқ, уламоқ, маҳкамламоқ (ب); ~ـــه بِدَبَابِيسَ عَلَى ... бирор нарсани ...га игна-тугма билан матаб (бириктириб) қўймоқ; 4) мураккаблаштирмоқ; 5) никоҳламоқ; II شَبَّكَ 1) чигаллаштирмоқ, аралаштирмоқ, чалкаштирмоқ; 2) чатиштирмоқ, бирлаштирмоқ; ўрмоқ; يَدَيْهِ (ذِرَاعَيْهِ) عَلَى صَدْرِهِ ~ қўлни кўкракда чалмаштириб турмоқ; V تَشَبَّكَ 1) аралашиб (чалкашиб) кетмоқ; 2) ўрилмоқ; бирлашмоқ, маталмоқ; 3) мураккаблашмоқ; VI تَشَابَكَ 1) чалкашиб

кетмоқ, янглишиб кетмоқ; 2) чалмашмоқ (*мас., қўллар*); VIII اشْتَبَكَ 1) чалкашиб (аралашиб) кетмоқ; 2) ўрилмоқ; бирлашмоқ, маташмоқ; 3) (*н. гадир*) ботиб (аралашиб, домига тушиб) қолмоқ (فِي); (*уруш ёки жанжални*) келтириб чиқармоқ; (*рақиб, душман билан*) дуч келишмоқ, аралашиб кетмоқ; (*к. биландир*) урушган бўлмоқ, урушмоқ, жанг қилмоқ; ~ فِي حَدِيثٍ гап бошламоқ; 4) мураккаблашмоқ

– اشْتِبَاكٌ *кўп.* ـَاتٌ — жанг, тўқнашув; (*душман билан*) учрашиш, тўқнашиш; жанг бошланиши

– تَشَابُكٌ 1) ўрилиш, ўрилганлик (*мас., ип*); тўқилиш; чалмашиб кетиш; 2) чалкашлик, чалкашилганлик

– تَشْبِيكٌ: ~ الْأَصَابِعِ бармоқларни бир-бирига киритиш

– شُبَّاكٌ дераза; (*касса, чиптахона ва б. ларнинг*) тўйнуги, ойначаси

– شُبُّكٌ = شُبُّقٌ

– شُبْكِيٌّ *кўп.* شُبْكِيَّةٌ *ёки* شُبُكْشِيٌّ *кўп.* شُبُكْشِيَّةٌ най (найча) ясайдиган уста ёки най (найча) сотувчи

– شَبَكَةٌ (*куёв томонидан қилинган*) тўй совғаси, тўёна; تَقْدِيمُ ~ الـ тўй совғасини топшириш тантанали маросими

– شَبَكَةٌ *кўп.* شِبَاكٌ, شَبَكٌ 1) тўр; балиқ овланадиган тўр; ~ نَطَّاطَةٌ *ёки* ~ هَزَّازَةٌ *спорт.* батуд (батут) (*устида сакраладиган тўр*); 2) ов тўри (*қушларни тутиш учун*); 3) *радио* тўр; сетка (*радиолампада*); ◊ ~ الْعَنْكَبُوتِ ўргимчак тўри; ~ الْإِحْدَاثِيَّاتِ координатлар тўри (сеткаси); ~ التَّمْوِيهِ маскировка тўри; ~ الْجَاسُوسِيَّةِ *ёки* ~ التَّجَسُّسِ жосуслар тармоғи; ~ السِّكَكِ (الْخُطُوطِ) الْحَدِيدِيَّةِ темир йўл тармоғи; ~ الْقَوَاعِدِ الْعَسْكَرِيَّةِ ҳарбий базалар тармоғи; ~ الْكَهْرَبَاءِ электр тармоғи; ~ لَاسِلْكِيَّةٌ радио тармоғи

– شَبَكِيٌّ тўрли, тўрсимон, тўрга ўхшаш

– شَبَكِيَّةٌ *анат.* тўрпарда (*кўзда*); ◊ ~ الصِّمَامِ радиолампа тўри (сеткаси)

– شَبِيكَةٌ панжара, тўр

– مُشَبَّكٌ 1. ўрилган, тўқилган; панжарасимон; 2. 1) (*ўрама қилиб пиширилган*) ширин овқат; 2) *архит.* (*гумбаз ва дераза лардаги*) панжарали безак, безак панжара

– مِشْبَكٌ *кўп.* مَشَابِكُ 1) илгак, илмоқ, тўғнағич; 2) қистирғич; 3) қисқич; клемма; 4) сочтўғнағич

أَشْبَالٌ *кўп.* شِبْلٌ шер боласи

I **شَبَمَ** (*а*) شَبَمٌ совумоқ, совуқ бўлмоқ

– شَبَمٌ совуқ, совуқ ҳаво

– شَبِمٌ совуқ еган, совқотган, совуқ ҳолатдаги

شَبِينٌ *кўп.* إِشْبِينٌ = شَبَائِنُ

– شَبِينَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) келинчакнинг дугонаси; 2) чўқинтирган она (*чўқинтирилган болага нисбатан*)

I **شَبَهَ** (*а*) شَبَهٌ ўхшаш бўлмоқ, ўхшамоқ; II شَبَّهَ 1) (*бирор н. га*) ўхшатмоқ; 2) (*н. биландир*) қиёсламоқ, солиштирмоқ (بِ); 3) *мажх.* (*к. гадир*) ноаниқ (қоронғу) кўринмоқ, тасаввур қилинмоқ (عَلَى); III شَابَهَ (*к. гадир*) ўхшатилмоқ, ўхшаган бўлмоқ; IV أَشْبَهَ = I; ~ وَ مَا أَشْبَهَ اللَّيْلَةَ بِالْبَارِحَةِ ва ҳоказо, ва шунга ўхшаш, ва шу каби; ذَلِكَ *мтл.* дунёдаги ҳамма нарса бир-бирига ўхшаш!; V تَشَبَّهَ (*к. гадир*) ўхшаш бўлмоқ, тақлид қилмоқ (بِ); VI تَشَابَهَ 1) бир-бирига ўхшаш бўлмоқ; 2) шубҳали, ноаниқ, туманли бўлмоқ; VIII اشْتَبَهَ 1) (*н. гадир*) шубҳа билан қарамоқ (بِ, فِي); (*н. дадир*) шубҳаланмоқ (فِي); اشْتُبِهَ فِي أَمْرِهِ *мажх.* у шубҳа остига олинган эди; 2) (*к. гадир*) ўхшамоқ; 3) (*к. учундир*) шубҳали (ноаниқ) бўлмоқ (عَلَى); ~ عَلَى حَسَنٍ بِرَجُلٍ آخَرَ у Ҳасанни бошқа одам деб ўйлади

– أَشْبَهُ кўпроқ (анча) ўхшаш; ~ مِنَ الْمَاءِ بِالْمَاءِ икки томчи сувдай ўхшаш

– اشْتِبَاهٌ иштибоҳ, ҳайрат, тушунмаслик; шубҳаланиш

– تَشَابُهٌ 1) ўхшашлик; 2) ноаниқлик, туманлилик

– تَشْبِيهٌ *кўп.* ـَاتٌ, تَشَابِيهُ — 1) ташбиҳ, ўхшатиш; 2) қиёслаш; 3) ўхшашлик; қиёфа, образ; 4) *дин.* антроморфизм (*худони одам қиёфасида тасаввур қилиш*); 5) *адаб.* аллегория, киноя, мажоз; 6) *кўп.* аломатлар

– شَبَهٌ 1) ўхшашлик; ~ قَرِيبُ الـ жуда ўхшаш; مَا أَبْعَدَ الـ~ بَيْنَ اللَّيْلَةِ وَ الْبَارِحَةِ! *маж.* улар орасидаги фарқ қандай катта!, улар бир-бирларига сира ўхшамайдилар-а!; 2) образ, қиёфа, кўриниш; عَرَفَهُ ~ الـ кимнидир ташқи кўринишидан танимоқ (билмоқ); 3) сариқ мис, латунь

– شِبْهٌ *кўп.* أَشْبَاهٌ, مَشَابِهُ 1. ўхшаш, -симон; أَشْبَاهُ الْإِنْسَانِ инсонга ўхшашлик, одамсимонлик; 2. 1) ўхшашлик; ~ جَزِيرَةٍ ярим орол; ~ رَسْمِيٌّ ярим расмий; ~ مُسْتَعْمَرَةٍ ярим мустамлака; ~ مُعَيَّنٍ *мат.* ром боид; ~ مُنْحَرِفٍ *мат.* трапецоид; ~ مَهْجُورٍ ярим ташландиқ; ~ عَارٍ ярим яланғоч; 2) образ, қиёфа, кўриниш

– شِبْهَانٌ, شَبَهَانٌ сариқ мис, латунь

– شُبْهَةٌ *кўп.* شُبُهَاتٌ, شُبَهٌ 1) ўхшашлик; 2) шубҳа; تَحْتَ الـ~ шубҳа остидаги, шубҳа остига олинган

– شَبَهِيٌّ сариқ мисдан ясалган, латундан ясалган, латунга оид

– شَبِيهٌ ўхшаш, ўхшайдиган; 2. мутлақо ўхшаш (*иккита бир-бирига ўхшаш одам ёхуд нарсаларнинг ҳар бири*)

– مُتَشَابِهٌ 1) ўхшаш, ўхшайдиган; 2) бир хил, бир-бирига ўхшайдиган; 3) шубҳали, қоронғу, туманли

– مُتَشَابِهَاتٌ *кўп. дин.* Қуръони Каримнинг қоронғу, тушунарли бўлмаган оятлари

– مَشَابِهُ *кўп.* ўхшашлик аломатлари

– مُشَابِهٌ ўхшаш, ўхшайдиган

– مُشَابَهَةٌ ўхшашлик

– مُشَبَّهٌ ноаниқ, оғир (*бирор масала ҳақида*)

– مُشْتَبَهٌ: فِيهِ ~ қар. مَشْبُوهٌ

– مَشْبُوهٌ шунингдек: بِهِ ~ шубҳали, шубҳа остидаги

– شَبَادٌ кўп. شُبَّا, شُبَّى 1) (*қилич, қалам ва б. ларнинг*) учи; 2) тикон; 3) найза, ниш (*мас, чаёнда*)

I **شَتَّ** (*а/у*) شَتَاتٌ 1) тарқалган (ёйилиб кетган) бўлмоқ; 2) умумлашмаган (узилишиб кетган) бўлмоқ; II شَتَّتَ 1) тарқатмоқ, (*ҳар томонга*) сочиб юбормоқ; شَمْلَهُمْ ~ (*турли томонга*) сочиб (тарқатиб) юбормоқ; айирмоқ; 2) бир-биридан айириб ташламоқ; 3) ҳар хиллаштирмоқ; IV اَشَتَّ сочиб юбормоқ, тарқатиб (тўзғитиб) юбормоқ; 2) (*турли томонларга*) ташлаб (отиб) юбормоқ; V تَشَتَّتَ 1) сочилмоқ, тарқатилмоқ, тарқалиб кетмоқ; 2) (*турли томонларга*) ташлаб (отиб) юборилмоқ; ◊ أَيْدِيَ السَّبَا ~ турли томонларга тарқалмоқ; X اسْتَشَتَّ = V

– تَشَتُّتٌ тарқатилганлик, сочилганлик; الْأَفْكَارِ ~ паришонлик, паришонхотирлик

– تَشْتِيتٌ тарқалиш, сочилиш

– شَتٌّ ўп. أَشْتَاتٌ 1) паришон, паришонхотир; умумлашмаган, бирлашмаган; أَشْتَاتًا айрим-айрим олинган; қисм-қисм (бўлак-бўлак) қилиб олинганда; 2) хилма-хил, турли-туман; قَصَّ عَلَيْهِ أَشْتَاتًا مِنَ الْأَضَاحِيكِ кимгадир турли-туман қисса (ҳикоя) лар айтиб бермоқ

– شَتَاتٌ 1) тарқалганлик, сочилганлик; الْيَهُودِ ~ диаспора (*бошқа мамлакатларда тўп бўлиб яшаётган ўзга юртдан келганлар*); جَمَعَ شَتَاتَهُمْ ~ لَمَّ ~ ёки бир жойга тўпламоқ, бирлаштирмоқ, жипслаштирмоқ

– شَتَّانَ қандай ўхшамайди-я!; қандай фарқли-я!; ~ مَا بَيْنَ ...лар ўртасида қандай катта фарқ бор-а!

– شَتَّى 1) айрим; тарқалган; ҳар хил, турли-туман; 2) *бирликдаги ва кўпликдаги отларни билдириш учун, шунингдек, равиш сифатида қўлланади*; الْبُلْدَانِ ~ فِي турли мамлакатларда; قَامُوا بِهَذَا جَمَاعَاتٍ وَ ~ улар бу ишни жамоат бўлиб ҳам, якка-якка бўлиб ҳам қилишган

– شَتِيتٌ кўп. شَتَّى 1. 1) сочилган, тарқалган; алоҳида; 2) ҳар хил, турли-туман; 2. алоҳида жамоат (гуруҳ)

– مُشَتَّتٌ 1. паришон, паришонхотир; 2) ҳар хил, турли-туман

I (شتر) **شَتَرَ** (*и*) شَتْرٌ кесмоқ; узмоқ; شَتَرَ (*у*) شَتْرٌ кесмоқ, бўлмоқ; йиртмоқ; الْعَيْنَ ~ кўзнинг қовоғини ташқарига ағдармоқ; شَتَرَ (*а*) شَتَرٌ пастки лаби ёрилмоқ; شُتُرٌ пастки қовоғи салқи бўлмоқ

I **شَتَلَ** (*у*) شَتْلٌ бошқа жойга кўчириб ўтқазмоқ; кўчириб ўтқазмоқ

– شَتْلٌ кўп. أَشْتَالٌ кўчат, ниҳол

– شَتْلَةٌ кўп. اتٌ — кўчат; резавор экинлари кўчати

– مَشْتَلٌ кўп. مَشَاتِلُ кўчатхона, ниҳолхона, питомник

I **شَتَمَ** (*у, и*) شَتْمٌ сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ; II شَتَّمَ қаттиқ сўкмоқ, қаттиқ ҳақорат қилмоқ; III شَاتَمَ = I; VI تَشَاتَمَ ўзаро сўкишмоқ; (*бирор к. билан*) сўкишишмоқ (مَعَ)

– شَتَّامٌ 1. доим сўкинаверадиган; 2. сўкувчи

– شَتِيمٌ 1) жирканч, бадбашара; 2) сўкиш (ҳақорат) остида қолган, сўкилган

– شَتِيمَةٌ кўп. شَتَائِمُ сўкиниш, сўкиш, ҳақорат қилиш; قَذَفَ بِالشَّتَائِمِ сўкиш, ҳақорат ёғдирмоқ; هَطَلَتِ الشَّتَائِمُ عَلَيْهِ كَالْمَطَرِ маж. ҳақорат унинг бошига дўлдай ёғилди

– مُشَاتَمَةٌ сўкиш, ҳақорат

I (شتو) **شَتَا** (*у*) شَتْوٌ қишламоқ, қишни ўтказмоқ; II شَتَّى 1) қишламоқ; 2) ёғмоқ (*ёмғир ҳақида*): شَتَّتِ الدُّنْيَا ёмғир ёғди; 3) қиш фасли учун кифоя қилмоқ; هَذَا الشَّيْءُ يُشَتِّينِي бу нарса менга қиш фаслига етади; IV أَشْتَى қиш фаслига етиб келмоқ, қишга кирмоқ; V تَشَتَّى = I

– إِشْتَاءٌ қишки курортда бўлиш; қишки курорт мавсуми

– شَاتٍ мн. شَاتِيَةٌ қишки, қишга оид

– شِتَاءٌ кўп. أَشْتِيَةٌ 1) қиш; 2) ёмғир

– شِتَائِيٌّ, شَتَوِيٌّ 1) қишки; 2) кузги (*мас., кузги буғдой*)

– مَشْتًى кўп. مَشَاتٍ 1) қишлаш, қишлаб қолиш; қишланадиган жой, қишлов; 2) қишки курорт

شَتٌّ терини ошлашда ишлатиладиган хушбўй, аччиқ таъмли ўсимлик

I **شَجَّ** (*а/у*) شَجٌّ ёрмоқ, уриб ёрмоқ; қон чиқадиган қилиб яраламоқ; II شَجَّجَ бошидан жуда кўп ярадор бўлмоқ

– أَشَجُّ мн. شِجَاجٌ кўп. شُجٌّ пешонасида яра изи бор бўлган

– شَجَّةٌ кўп. شِجَاجٌ бошдаги яра

– شَجِيجٌ = مَشْجُوجٌ

– مَشْجُوجٌ бошидан яраланган

I (شجب) **شَجَبَ**[1] (*у*) شُجُوبٌ ғамга солмоқ, ғамгин қилмоқ, хафа қилмоқ, кўнглини оғритмоқ; شَجَبَ[2] (*у*) شَجْبٌ ҳайфсан эълон қилмоқ, танбеҳ бермоқ, айбламоқ; II شَجَّبَ = شَجَبَ[2]; IV أَشْجَبَ ғамга солмоқ (қўймоқ), ғамгин қилмоқ

– تَشْجِيبٌ ҳайфсан, танбеҳ, айблаш

– شِجَابٌ кўп. شُجُبٌ илгак (*кийим илиб қўйиладиган*), вешалка

– شَجَبٌ ғам, ғамгинлик; алам

– مِشْجَبٌ кўп. مَشَاجِبُ = شِجَابٌ; التَّجْمِيعِ ~ йиғувчи дастгоҳ, йиғувчи қурилма

I شَجَرَ (*у*) شَجْرٌ 1) таянтириб қўймоқ; 2) чиқмоқ, бўлиб ўтмоқ (*к. ларнингдир ўртасидаги тортишув ҳақида-*بَيْنَ); II شَجَّرَ кўчат ўтқазмоқ; III شَاجَرَ 1) тортишмоқ, айтишмоқ; ўзаро уришиб (жанжаллашиб) қолмоқ; 2) уришмоқ, муштлашмоқ; VI تَشَاجَرَ тортишмоқ, ўзаро уришмоқ; VIII اشْتَجَرَ тортишмоқ, мунозара қилмоқ; уришмоқ, жанжаллашмоқ

– أَشْجَرُ *мн.* شَجْرَاءُ *кўп.* شُجْرٌ дарахтлар ўсиб ётган (*жой*)

– تَشْجِيرٌ дарахтзор, ўрмонзор пайдо (барпо) қилиш (яратиш)

– شِجَارٌ[1] тортишув; жанжал, уришиш, ёвлик

– شِجَارٌ[2] *кўп.* شُجُرٌ 1) 1) лўкидон, эшик беркитадиган сурма жиҳоз; 2) замбар

– شَجْرٌ танглай билан тил орасидаги бўшлик

– شَجِرٌ = أَشْجَرُ

– شَجَرٌ *жам.* дарахтлар

– شَجَرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ, أَشْجَارٌ дарахт; رَأْسِ السَّنَةِ (عِيدِ) ~ янги йил арчаси; عِيدِ الْمِيلَادِ ~ рождество (янги йил) арчаси; ◊ ~ النَّسَبِ шажара, насл-насаб шажараси; اللهِ ~ кедр дарахти

– شَجْرِيٌّ *грам.* тилга оид, танглайга оид (*товушлар*); الْحُرُوفُ الـ~ـةُ (ج, ش, ض, ى) танглай ундошлари

– شَجَرِيَّةٌ дарахтзор

– شَجِيرٌ сердарахт, дарахтлари кўп; أَرْضٌ ~ةٌ сердарахт жой, дарахтзор

– شُجَيْرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ дарахт бутача, кичик бута

– مُشَاجَرَةٌ 1) жанжал, фитна-фасод; 2) муштлашув

– مَشْجَرٌ *кўп.* مَشَاجِرُ ўрмонли (сердарахт) жой

– أَشْجَرُ = مُشْجِرٌ

– مُشَجَّرٌ дарахт сувратлари билан безатилган (қопланган); қисмлари икки томонга ажраладиган

– شَجَرَانٌ шаврон

I شَجُعَ (*у*) شَجَاعَةٌ шижоатли, ботир, қўрқмас, дадил бўлмоқ; II شَجَّعَ 1) шижоатли қилмоқ, шижоатлантирмоқ, далда бермоқ, руҳлантирмоқ; 2) рағбатлантирмоқ; (*н. нидир*) қўллаб-қувватламоқ (عَلَى); манфаатдор қилмоқ; V تَشَجَّعَ шижоатли (дадил) бўлмоқ; далда олмоқ, руҳланмоқ

– تَشْجِيعٌ 1) дадиллашиш, руҳланиш; 2) рағбатланиш, қўллаб-қувватлаш, яхши шароит яратиш

– تَشْجِيعِيٌّ рағбатлантирувчи; جَائِزَةٌ ~ـةٌ рағбатлантирувчи мукофот

– شُجَاعٌ *кўп.* شُجْعَانٌ шижоатли, жасоратли, дадил, қўрқмас, ботир

– شَجَاعَةٌ шижоатлилик, жасорат, қўрқмаслик, мардлик, дадиллик

– شُجَاعٌ = مُشْجَعَاءُ *кўп.* شَجِيعٌ

– مُشَجِّعٌ 1. рағбатлантирувчи, далда берувчи; 2. *спорт.* **ишқибоз**

I (شجن) شَجَنَ (*а*) شَجْنٌ хафаланмоқ, қайғу чекмоқ; **(*у*)** شَجَنَ хафа қилмоқ, ғамга қўймоқ; II شَجَّنَ хафа қилмоқ, қайғу **солмоқ** IV أَشْجَنَ = I شَجَنَ

– شَجْنٌ *кўп.* شُجُونٌ йўл, сўқмоқ; شُجُونُ الْأَوْدِيَةِ **водийдаги** сўқмоқ йўллар

– شَجَنٌ *кўп.* شُجُونٌ, أَشْجَانٌ 1) ғам; қайғу, хафагарчилик, хафалик; مُثِيرُ الشُّجُونِ таъсирли, ҳис-туйғуга таъсир қиладиган, тўлқинлантирадиган; 2) йўл; وَ الْحَدِيثُ ذُو شُجُونٍ! а) суҳбат вақтида нималар тўғрисида гапирилмайди (дейсиз); б) ҳодиса-воқеалар турлича изоҳланади; هُمْ فِي شُجُونٍ مِنَ الْأَحَادِيثِ улар бўлар-бўлмас гап билан овора

– شَجَنٌ ғамгин, ҳазин, хафа

– شَجْنَةٌ дарахтнинг бир-бирига киришиб кетган илдизлари; بَيْنِي وَ بَيْنَهُمْ ~ رَحِمٌ *маж.* улар билан мен жуда қалин чатишиб кетганмиз

I (شجو) شَجَا (*у*) شَجْوٌ хафа қилмоқ, ғамга солмоқ; شَجِيَ (*а*) شَجًا ғам чекмоқ, хафа бўлмоқ; II شَجَّى таъсирлантирмоқ, кўнғилни бузмоқ; IV أَشْجَى = شَجَا

– شَجٍ *мн.* شَجِيَّةٌ ғамгин; алам чекаётган; аянчли (*товуш ҳақида*)

– شَجًى = شَجًا

– شَجْوٌ ғам; хафалик; алам

– شَجَوِيٌّ ғамгин, хафа бўлган; аламли

– شَجًى 1) ташвиш; 2) (*бўғизда тўхтаб қолган*) суяк, парча; ◊ كَانَ ~ فِي حَلْقِهِ у унинг жонига тегиб кетди

– شَجِيٌّ ғамгин, хафа; аянчли

I شَحَّ (*а/у, и*) شُحٌّ қизғанчиқ (хасис) бўлмоқ; (*н. дадир*) хасислик қилмоқ (عَلَى ,ب); ◊ ~تِ الْأَمْطَارُ ёмғир ёғмади; III شَاحَّ (*к. гадир нисбатан н. дадир*) хасислик кўрсатмоқ (عَلَى ,ب); 2) тортишмоқ, довлашмоқ; VI تَشَاحَّ = III

– شُحٌّ 1) хасислик, қизғанчиқлик: етишмовчилик, қашшоқлик; فِي الْوُقُودِ ~ حَالَةِ ёқилғи етмай қолган ҳолда

– شَحَائِحُ: ~ـ أَيَّامُ الـ (*Нилда*) сув оз бўладиган вақт (мавсум)

– شَحِيحٌ *кўп.* شِحَاحٌ 1) хасис, қизғончиқ; 2) қурғоқ, (*сув*) етишмайдиган; ... سَنَوَاتٌ ~ـةٌ қурғоқчилик йиллари

– مُشَاحَّةٌ: ... فِي أَنَّ ~ لَا шубҳасизки, ...; шу нарсага шубҳа йўққи, ...

I شَحُبَ (*у*) شُحُوبَةٌ, شُحُوبٌ юзи оқарган (ҳолдан кетган) бўлмоқ

– شَاحِبٌ юзи оқарган ва мадорсиз, ҳолдан кетган

I **شَحَتَ** (*а*) شَحْتٌ хайр-садақа сўрамоқ; гадолик қилмоқ, тиланчилик қилмоқ

– شَحَّاتٌ гадо; тиланчи; ◊ الْعَيْنِ ~ говмичча

– شَحَاتَةٌ гадолик, тиланчилик

– شَحْتَةٌ хайр-садақа

شَحِيحٌ бўкириш, бўкирик

I **شَحَذَ** (*а*) شَحْذٌ 1) қайрамоқ, ўткирламоқ; (*устарани қайишга*) ишқаламоқ; 2) гадолик (тиланчилик) қилмоқ

– شَحَّاذٌ гадо; тиланчи (*сол.* شَحَّاتٌ); ◊ الْعَيْنِ ~ говмичча

– شَحَاذَةٌ = شَحَاتَةٌ

– مِشْحَذَةٌ, مِشْحَذٌ *кўп.* مَشَاحِذُ қайроқ тош, чархтош

(شحر) II شَحَّرَ қурум суртмоқ, қурум билан қорайтирмоқ

– شُحَارٌ *мед.* токсемия (*қонга тушган заҳарли моддалардан заҳарланиш*)

– شُحَّارٌ қурум

– شُحْرُورٌ *ўп.* شَحَارِيرُ қораялоқ (*қуш*)

– مُشَحَّرٌ қурум суркалган, қурум билан бўялиб (чапланиб) кетган, қурум босган

I (شحط) **شَحَطَ**[1] (*а*) شُحُوطٌ узоқда (узоқлашган) бўлмоқ; شَحَطَ[2] (*а*) شَحْطٌ 1) саёзликка ўтириб қолмоқ (*кема ҳақида*); 2) ёқмоқ (*гугурт ҳақида*); II شَحَّطَ саёзликка ўтириб қолмоқ (*кема ҳақида*); IV أَشْحَطَ (*қаердандир*) четлатмоқ, узоқлаштирмоқ (عَنْ)

– شَاحِطٌ 1) узоқ; узоқлаштирилган; 2) саёзликка ўтириб қолган

– شَحَّاطَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ 1) гугурт донаси; 2) шиппак

– شُحْطٌ *кўп.* شُحُوطٌ 1) новча (дароз) одам; давангир; 2) узоқлик, йироқлик

– شُحَيْطَةٌ, شُحَيْطَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ гугурт донаси

I (شحم) **شَحُمَ** (*у*) شَحَامَةٌ семиз бўлмоқ, семирган бўлмоқ; семириб кетмоқ; شَحَمَ (*а*) شَحْمٌ ёғ едирмоқ; زَيْدٌ أَصْحَابَهُ ~ Зайд шерикларига ёғ едирди; II شَحَّمَ ёғ (мой) суртмоқ

– تَشْحِيمٌ ёғлаш, ёғ (мой) суртиш; ёғлаб қўйиш; زُيُوتُ الـــ суртиладиган ёғ (мой) лар

– شَحَّامٌ ёғфуруш, мойфуруш, ёғ (мой) сотувчи

– شَحْمٌ *кўп.* شُحُومٌ ёғ, мой; *тех.* ёғлашда ишлатиладиган мой; ~ الْبَقَرَةِ мол ёғи; ◊ الثَّمَرِ ~ мева эти (гўшти)

– شُحُومَاتٌ *кўп.* ёғлар, мойлар

– شَحِمٌ 1) ёғли; 2) этли, гўштли (*мева*)

– شَحْمَجِيٌّ *кўп.* شَحْمَجِيَّةٌ ёғловчи, мойловчи

– شَحْمَةٌ *кўп.* شَحَمَاتٌ 1) ёғ (мой) бўлаги (парчаси); 2) мева эти (гўшти); ◊ الْأُذُنِ ~ солинчак (*қулоқнинг остки юмшоқ қисми*); ~ الْأَرْضِ тупроқ остида ўсадиган қўзиқориннинг бир тури; ~ الْعَيْنِ кўз соққаси; ~ الـــ حَجَرُ мармар

– شَحْمِيٌّ 1) серёғ; 2) мойли

– شَحِيمٌ = شَحِمٌ

– شَحِيمَةٌ *черк.* дуо китоби, ибодат китоби

– مُشْحِمٌ[1] = شَحِمٌ

– مُشْحِمٌ[2] уйида ёғи кўп; ~ رَجُلٌ уйида ёғи кўп одам

– مُشَحَّمٌ ёғли, мойли

– مِشْحَمَةٌ *кўп.* مَشَاحِمُ ёғ идиш (*мойлаш учун ишлатиладигани*)

I (شحن) **شَحَنَ** (*а*) شَحْنٌ 1) тўлдирмоқ; юкламоқ; (*товарни*) ортмоқ; 2) *эл.* зарядламоқ; 3) йўқ қилмоқ, ҳайдамоқ; ◊ بِهِ دِمَاغَهُ ~ кимнингдир калласини нималар билан тўлдирмоқ; شَحَنَ (*а*) شَحْنٌ ёмон кўрмоқ, нафратланмоқ; (*к. гадир*) ёмонлик туймоқ (عَلَى); III شَاحَنَ урушмоқ, жанжаллашмоқ, душманлик қилмоқ; IV أَشْحَنَ 1) тўлдирмоқ; юкламоқ; ортмоқ; 2) йўқотмоқ, йўқ қилмоқ, ҳайдамоқ; VI تَشَاحَنَ ўзаро жанжаллашмоқ, ёвлашмоқ; VII اِنْشَحَنَ тўлдирилган (юкланган) бўлмоқ

– شَاحِنٌ 1) тўлдирилувчи, юкланувчи; 2) юкланган, ортилган

– شَاحِنَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ ـــ (*юк*) вагони; юк автомобили; ~ قَلَّابَةٌ самосвал (*юкни ўзи ағдарадиган автомобиль*)

– شَحْنٌ 1) юклаш, ортиш; 2) юк, кемада ташиладиган юк (фрахт); ~ الـــ سَيَّارَةُ юк автомобили; ~ الـــ بُولِيصَةُ юкка қўшиб юбориладиган ҳужжат; 3) *эл.* зарядлаш

– شَحْنَاءُ кек, ёмонлик, ғазаб; нафрат

– شَحْنَةٌ *кўп.* شَحَنَاتٌ 1) юк, кемада ташиладиган юк (*фрахт*); 2) *эл.* заряд; ~ كَهْرَبَائِيَّةٌ سَالِبَةٌ (إِيجَابِيَّةٌ) манфий (мусбат) электр заряди

– شُحْنَةٌ *кўп.* شُحَنٌ 1) отряд; полиция; ~ الـــ رِجَالُ полиция агентлари; 2) ёвлик, душманлик; 3) кек, ёмонлик

– شُحَنِيٌّ полиция агенти

– مُشَاحَنَةٌ 1) кек, ёмонлик; нафрат; 2) жанжаллар, уриш-талашлар

– مَشْحُونٌ 1) тўлдирилган, юкланган; بِأَغْلَاطٍ مَطْبَعِيَّةٍ ~ الْكِتَابُ китобда хато босилган (ўрин) лар жуда кўп; 2) *эл.* зарядланган

– مَشْحُونَاتٌ *кўп.* юклар, кемада ташиладиган юклар (фрахтлар)

شَحْوَرَ қурум билан қорайтирмоқ (қопламоқ); бўямоқ, чапламоқ

– شُحْوَارٌ, شِحْوَارٌ қурум; ~ الْمِصْبَاحِ чироқ қуруми

– شَحْوَرَةٌ қорайиш; чапланган (ажи-бужи қилиб бўялган) нарса

I **شَحَّ** (*a/y*) شَحِيحٌ, شَحٌّ 1) сиймоқ, бавл қилмоқ, сийдик чиқармоқ; 2) хуррак отмоқ; II شَحَّحَ (*болани*) тувакка ўтқазмоқ

– شُحَاحٌ, شَحٌّ сийдик, бавл

– شَحَّاحٌ жойига (кўрпасига) сийиб қўядиган одам, сийгак одам

– شَحَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) табиий заруратларни бажариш; 2) *мед.* стул

– مَشَحَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ жамоат ҳожатхонаси (халохонаси)

I **شَخَبَ** (*a*) شَخْبٌ оқмоқ, оқиб кетмоқ; VII اِنْشَخَبَ соғилмоқ; ~ تْ عُرُوقُهُ دَمًا томирлари ёрилиб, қон тирқираб чиқди

– شَخْبٌ соғилган сутнинг идишга тизиллаб тушиши

شَخْبَطَ 1) чапламоқ, чаплаб ташламоқ, кир (ифлос) қилмоқ; 2) ажи-бужи қилиб ёзмоқ; تَشَخْبَطَ 1) чапланган (ифлосланган) бўлмоқ; 2) ажи-бужи қилиб ёзилган бўлмоқ

– شَخْبَطَةٌ *кўп.* شَخَابِيطُ 1) чапланганлик, ифлосланганлик; 2) ажи-бужи қилиб ёзилиш; 3) ифлос, кир доғ

شَخْتُورَةٌ *кўп.* شَخَاتِيرُ юк ташийдиган ясси дарё кемаси; катта юк кемаси

I **شَخَرَ** (*u*) شَخِيرٌ 1) кишнамоқ (*от ҳақида*); ҳанграмоқ (*эшак ҳақида*); 2) томоғи аралаш бурнидан овоз чиқармоқ, ирилламоқ; ~ الْفَرَسُ от кишнади; ~ الْحِمَارُ эшак ҳангради; II شَخَّرَ қаттиқ кишнамоқ; қаттиқ хуррак отмоқ

– شَخَّارٌ қаттиқ хуррак отадиган одам; хурракчи

– شَخْرَةٌ *кўп.* شَخَرَاتٌ хуррак, хуррак отиш

– شَخِيرٌ томоқдан *ёки* бурундан чиққан овоз; хирилдоқ, хириллаш

شَخْشَخَ гулдирамоқ; жаранглamоқ; жангилламоқ, шовулламоқ, шовқин қилмоқ

– شُخْشَيْخَةٌ[1] *кўп.* شَخَاشِيخُ шақилдоқ

– شُخْشَيْخَةٌ[2] *кўп.* اتٌ ـــ шипдаги дераза; люк

I **شَخَصَ** (*a*) شُخُوصٌ 1) кўтарилмоқ, баландламоқ, юксалмоқ; 2) пайдо бўлмоқ, зоҳир бўлмоқ; 3) қаратилмоқ (*назар ҳақида*); (*к. гадир, н. гадир*) тикилиб (диққат билан) қарамоқ (إِلَى); 4) (*қаергадир*) жўнамоқ (إِلَى); кетмоқ, (*н. нидир*) ташламоқ, ташлаб кетмоқ (مِنْ); II شَخَّصَ 1) шахснинг кимлигини аниқламоқ; 2) мужассамламоқ, мужассамлаштирмоқ; 3) *театр.* ижро этмоқ, ўйнамоқ; 4) касални аниқламоқ, диагноз қўймоқ; 5) ишорат қозиғи ўрнатмоқ (қоқмоқ); IV أَشْخَصَ юбормоқ, жўнатиб юбормоқ; V تَشَخَّصَ 1) аниқламоқ; 2) танитмоқ, кўринмоқ, пайдо бўлмоқ

– تَشْخِيصٌ 1) *театр.* ижро, ижро этиш, тамоша кўрсатиш; 2) ташхис, диагноз

– تَشْخِيصِيٌّ) актёрга (ижрочига) оид; 2) диагностикага оид, диагностик, ташхисий; ~ طَبِيبٌ ташхис (диагноз) қўйган табиб (врач); диагноз (ташхис) қўюувчи

– شَاخِصٌ[1] тикилиб (диққат билан) қараётган; бир жойда тўхтаб турган (*назар ҳақида*)

– شَاخِصٌ[2] *кўп.* شَوَاخِصُ узун таёқ, хода, қозиқ; ишорат қозиғи

– شَخْصٌ *кўп.* أَشْخَاصٌ, شُخُوصٌ 1) шахс, киши; مَعْنَوِيٌّ ~ юридик шахс; طَبِيعِيٌّ ~ физик шахс; 2) *кўп. театр.* қатнашувчилар (*пъесада иштирок этувчи образлар*); 3) одамнинг узоқдан кўринган қораси; ◊ ~ـــه فِي унинг қиёфасида; مَرْغُوبٌ فِيهِ ~ *дипл.* персона грата, расмий вакил (*бир мамлакатнинг бошқа мамлакатга юборган ва у мамлакат қабул қилган вакили*)

– شَخْصِيٌّ 1) шахсий, шахсга оид; قَانُونُ الْأَحْوَالِ الـ~ـَة гражданлик ҳолати ҳақида қонун; مَحْكَمَةُ الْأَحْوَالِ الـ~ـَة гражданлик ҳолатлари ҳақидаги ишни кўриб чиқувчи суд; الْبِطَاقَةُ الـ~ـَة шахсий гувоҳнома (*ҳужжат*); ا~ً шахсан; 2) субъектив; 3) хусусий

– شَخْصِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) шахсият, шахс, одам, киши; индивидуал (*шахсий*) хусусият; ~ تَحْقِيقُ الـ~ шахсни аниқлаш; ~ بَارِزَةٌ буюк (улкан) шахс; شَخْصِيَّاتٌ اجْتِمَاعِيَّةٌ жамоатчилик вакиллари; 2) персонаж; 3) *кўп.* хусусий ҳонатдаги фикр-мулоҳазалар

– مُشَخِّصٌ актёр, ижрочи

– مُشَخِّصَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ артистка, ижрочи аёл

– مُشَخِّصَاتٌ характерли хусусиятлар (белгилар)

I **شَخَطَ** (*a*) شَخْطٌ қичқирмоқ, (*к. гадир*) бақирмоқ (ب)

– شَخَّاطَةٌ *кўп.* شَخَّاطٌ гугурт донаси (*Ироқда*); أَمْرِيكِيٌّ شَخَّاطٌ хавфсиз гугурт

– شَخْطَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ўдағайлаш, бақириқ, дағдаға

شَخْطُورَةٌ = شَخْتُورَةٌ

شَخْلَعَ тебранмоқ (*миллий рақс ижро этаётганда*)

– شَخْلَعَةٌ танани (баданни) тебратиш (*рақс пайтида*)

شَخْلَلَ жаранглamоқ, жиринглamоқ

– شُخْلُلَةٌ жаранг, жиринг овози

I (شدّ) **شَدَّ**[1] (*a/u*) شَدٌّ кучли (мустаҳкам, қаттиқ) бўлмоқ; مَا ~ لَشَدَّ مَا أَخْطَأْتُ فِي ... ...да қандай қаттиқ янглишган эканман; شُدَّ حَيْلُكَ! ўзингни тут!, маҳкам бўл!; يَحْزُنُنِي هَذَا бу мени қаттиқ хафа қилади-я!; شَدَّ[2] (*a/y*) شَدٌّ 1) судрамоқ, эргаштирмоқ, ўзига тортмоқ; ~ انْتِبَاهَ الْعَالَمِ жаҳон жамоатчилиги эътиборини (диққатини) тортмоқ; 2) чўзмоқ, узайтирмоқ, شَدَّ بِهِ إِلَى الْوَرَاءِ кимнидир орқага тортмоқ; أُذُنَهُ ~ кимнингдир қулоғини чўзмоқ; 3) таранг қилмоқ (*торни, арғамчини*); شُدَّتْ أَعْصَابُهُ *мажз.* унинг асаблари таранглашиб турибди; 4) (*н. биландир*) боғламоқ (ب); мустаҳкамламоқ, жипслаштирмоқ (*мас., сафларни*), (*н. гадир*) маҳкамламоқ, боғламоқ (إِلَى); الْعُقْدَةَ ~ тугунни қаттиқ боғламоқ; ◊

~ الْحِمَارَ эшакни ғизғалмоқ; ~ أَزْرَهُ кимгадир ёрдам (кўмак) бермоқ; ~ عَضُدَهُ кимнидир қўллаб-қувватламоқ; ~ الرِّحَالَ (*қаергадир*) жўнамоқ (إِلَى); ~ كَلِمَةً عَلَى сўзга урғу бермоқ; شَدَّ عَلَيْهِ а) кимгадир тазйиқ ўтказмоқ; б) бирор нарсани таранг қилиб тортмоқ; в) кимгадир ҳамла қилмоқ; ~ عَلَى الْأَيْدِي (*бировнинг*) қўлларини қисмоқ; ~ عَيْنَيْهِ إِلَى ўз назарини ...га ташламоқ; II شَدَّدَ 1) кучайтирмоқ, шиддатли қилмоқ; 2) *грам.* ҳарф устига ташдид қўймоқ, ундош товушни иккилантириб талаффуз қилмоқ; ~ اللَّامَ ل ни иккилантириб талаффуз қилмоқ; 3) куч (қатъият) кўрсатмоқ, қаттиққўл (талабчан) бўлмоқ; 4) (*к. нидир*) қаттиқ жазоламоқ (عَلَى); 5) (*н. гадир*) тазйиқ ўтказмоқ (عَلَى); III شَادَّ айтишмоқ; урушмоқ; V تَشَدَّدَ 1) кучаймоқ; 2) қаттиққўл (талабчан) бўлмоқ; (*н. дадир*) куч, қатъият, талабчанлик кўрсатмоқ (فِي); VI تَشَادَّ тортишмоқ, ўзаро урушмоқ, жанжаллашмоқ; VIII اشْتَدَّ 1) кучли бўлмоқ, кучаймоқ; мустаҳкамланмоқ; سَاعِدُهُ ~ *қар.* سَاعِدٌ 2) ёмонлашмоқ, (*к. чундир*) оғир (ёқимсиз) бўлмоқ (عَلَى)

– اشْتِدَادٌ 1) кучайиш, мустаҳкамланиш; 2) ёмонлашиш

– أَشَدُّ энг кучли, энг шиддатли; энг қаттиққўл (талабчан); энг шафқатсиз, раҳмсиз; اعْتِدَالًا ~ энг муътадил, энг қизил, қип-қизил; ... حُمْرَةً مِنْ ~ ...дан қизилроқ; مَا يَكُونُ ~ бор куч билан; ўта, жуда, энг юксак даражада, энг; مَا يَكُونُ حِذْرًا هُوَ ~ у ўта (жуда) эҳтиётқор

– أَشُدُّ 1) етуклик, балоғатга (вояга) етганлик; بَلَغَ (أَدْرَكَ) ~ه балоғатга (тўла балоғатга) вояга етмоқ; ◊ وَ كَانَ الشِّتَاءُ فِي ~ه шиддатли қиш чилласи эди; وَ كَانَ الْخِلَافُ عَلَى ~ه بَيْنَ ...وَ بَيْنَ ... билан ...нинг ўртасидаги келишмовчилик энг юқори даражага кўтарилди; 2) 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган давр

– تَشْدِيدٌ 1) кучайиш, мустаҳкамланиш; 2) тазйиқ; саботлилик, матонатлилик; 3) *грам.* ташдид

– شَدٌّ[1] тортиш (*мас., арғамчини*); لُعْبَةُ شَدِّ الْحَبْلِ ким кимни торта олади (*ўйин*); ~ الْحَرْبِ *маж.* кураш, тортишув

– شَدٌّ[2] белбоғ, камар

– شَدَّةٌ 1) тугун, боғлам; дастак; ~ لِعْبِ الْوَرَقِ (*ўйналадиган*) карта дастаси; ~ لِلْأَسْنَانِ протези (*сунъий тишлар*); 2) *грам.* ташдид

– شِدَّةٌ 1) куч, қувват; шиддат; بِـ~ кучли равишда, ғайрат (шиддат) билан; ~ اِزْدَادَ кучаймоқ, шиддатли бўлмоқ; 2) қаттиққўллилик, шафқатсизлик, бераҳмлик; 3) камбағаллик; 4) бахтсизлик, ғам алам, фалокат; وَ مَا (مِنْ) ~ إِلَّا وَ بَعْدَهَا الْفَرَجُ *мтл.* ўзидан кейин енгиллик келмайдиган ғам йўқ

– شَدِيدٌ *кўп.* أَشِدَّاءُ 1) кучли, мустаҳкам, қудратли; ~ الْاِهْتِمَامِ анчагина (жиддийгина) ҳавотирда; ~ الْخُطُورَةِ жуда жиддий; ~ الشَّكِيمَةِ чидамли, саботли; ~ الْمِرَاسِ қайсар, қайтмас, саботли; 2) оғир, чидаб бўлмайдиган, машаққатли; ~ الْوَطْأَةِ а) оғир, қийин; б) золим, шафқатсиз; 3) қаттиққўл; бераҳм, раҳмсиз; 4) *фон.* портловчи (*ундош*)

– شَدِيدَةٌ *кўп.* شَدَائِدُ бало, офат, бахтсизлик; عِنْدَ الشَّدَائِدِ يُعْرَفُ الْإِخْوَانُ *мқл.* ака-укалар қийинчиликда билинади

– مُتَشَدِّدٌ (*кучли*) иродали, собит; қаттиққўл, талабчан

– مُشَادَّةٌ жанжал; ўзаро урушиш; беҳуда тортишув; кураш

– مِشَدٌّ *кўп.* ـاتٌ 1) боғлайдиган нарса; 2) корсет, белдамча

– مُشَدَّدٌ 1) кучайтирилган; махсус диққат қилинган; أَلْفَاظٌ ~َةٌ (*талаффуз пайтида махсус оҳанг билан*) диққат қилиб айтилган сўзлар; 2) *грам.* ташдидли; (دْ) ~ الْقَافُ الـ ташдидли қоф (ق)

– مُشَدِّدٌ 1) кучайтирувчи; оғирлаштирувчи; ظُرُوفٌ ~َةٌ оғирлаштирувчи ҳолатлар; 2) қаттиққўл, талабчан; اتَّخَذَ تَدَابِيرَ ~َةً қатъий чоралар кўрмоқ

– مَشْدُودٌ таранг, тортилган

VII انْشَدَحَ (шдҳ) чалқанчасига йиқилмоқ, орқа билан йиқилмоқ

I **شَدَخَ** (*а*) شَدْخٌ синдирмоқ; майдаламоқ; бўлак-бўлак қилиб синдирмоқ (ёрмоқ); II شَدَّخَ =I; VII انْشَدَخَ синдирилган бўлмоқ, синдирилмоқ

– شَادِخٌ янги, юмшоқ, мулойим

شَادِرٌ *кўп.* شَوَادِرُ 1) чодир; 2) омбор

I **شَدَفَ** (*и*) شَدْفٌ шодуф ёрдамида сув чиқармоқ, олмоқ (*қар.* شَادُوفٌ), II شَدَّفَ = I

– شَادُوفٌ *кўп.* شَوَادِيفُ шодуф (*қудуқдан суғориш мақсадида сув олишга мўлжалланган махсус қурилма*); лайлак

– شَدَّافٌ шодуф ёрдамида сув чиқарувчи (*қар.* شَادُوفٌ)

(шдқ) V تَشَدَّقَ 1) тез (шиддат билан) гапирмоқ; бекордан бекорга гапирмоқ, жаврамоқ; 2) нутқ сўзламоқ, нотиқлик қилмоқ, тантанавор қилиб гапирмоқ; 3) (*бирор н. билан*) мақтанмоқ (بِ)

– أَشْدَقُ *мн.* شَدْقَاءُ *кўп.* شُدْقٌ оғзи катта, катта оғизли, катта оғзи бор

– شِدْقٌ *кўп.* أَشْدَاقٌ 1) оғиз чети; 2) жағ; ◊ ضَحِكَ بِمِلْءِ ~َيْهِ оғзини катта очиб кулмоқ; نَفَخَ ~َيْهِ (*такаббурлик билан*) ўзини тутмоқ, қовоқни осилтириб турмоқ

– شِدْيَاقٌ *кўп.* شَدَايِقَةٌ иподякон (*православ черковида архийерейга хизмат қилувчи ходим*)

I **شَدَنَ** (*и*) شُدُونٌ кучга тўлиб онасидан ажралмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*)

– شَادِنٌ кучга тўлиб онасидан ажраган (*ҳайвон*)

I **شَدَهَ** (*а*) شَدْهٌ 1) ҳайрон (қойил) қолдирмоқ; 2) *мажх. кўч. м.* лол қолмоқ, тилдан қолмоқ, қотиб қолмоқ

– شَدَّهَ донг қолиш, довдираш, серрайиб туриб қолиш

– مَشْدُوهٌ лол қолган, ҳайратга тушган; бир нуқтага тикилиб қолган; маъносиз (*қараш, боқиш ҳақида*)

I (شدو) **شَدَا** (*у*) شَدْوٌ 1) қўшиқ (ашула) айтмоқ; куилламоқ; 2) унча катта бўлмаган билим олмоқ

– شَادٍ *кўп.* شَادُونَ, شُدَاةٌ қўшиқчи, ашулачи, декламация қилувчи

– شَادِيَةٌ қўшиқчи (ашулачи) аёл

– شَدْوٌ ашула (қўшиқ) айтиш

I **شَذَّ** (*а/у, и*) شُذُوذٌ 1) кам учрайдиган, фавқулодда, (*ўз тури орасида*) ягона бўлмоқ, мустасно бўлмоқ; (*н. дадир*) четга чиқмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) фарқланмоқ, ажралиб турмоқ (عَنْ); 2) (*н. нингдир*) устидан тушмоқ (عَنْ); II شَذَّذَ ажратиб кўрсатмоқ, айирмоқ, истисно (мустасно) қилмоқ; IV أَشَذَّ = II

– شَاذٌّ 1. *кўп.* شُذَّاذٌ 1) кам учрайдиган, фавқулодда, ғайритабиий; камёб; 2) одатдан ташқари, ғайриоддий; аномал, табиий бўлмаган; شُذَّاذُ النَّاسِ ёт (четдаги, ўзга) одамлар; ёт кишилар; شُذَّاذُ الْآفَاقِ авантюрачилар (*реал куч, шароит ва имкониятларни ҳисобга олмай, тавакалига иш тутувчи одамлар*) ғалати, ажойиб; ~ الطَّبْعِ жуда қизиқ, ғалати; 2 *кўп.* شَوَاذُّ 1) *шунингдек:* شَاذَّةٌ истисно; لِكُلِّ قَاعِدَةٍ شَوَاذُّ *мтл.* ҳар бир қоидада истисно бор; 2) истисно (мустасно) қилиш

– شُذُوذٌ, شَذٌّ истисно; нотўғрилик, аномалия; شُذُوذٌ مَغْنَاطِيسِيٌّ магнит аномалияси

I **شَذَبَ** (*и, у*) شَذْبٌ қирқмоқ, қирқиб ташламоқ (*дарахтнинг ортиқча новдалари ҳақида*); II شَذَّبَ 1) қирқмоқ, қирқиб ташламоқ (*дарахтнинг ортиқча новдалари ҳақида*); 2) жилвирламоқ; V تَشَذَّبَ жилвирланмоқ

(شذر) V تَشَذَّرَ сочилиб (тарқалиб) кетмоқ, турли томонларга тарқалмоқ

– شَذَرَ: مَذَرَ ~ бетартиб, қандай тўғри келса;, ҳамма ерда; тарқоқ ҳолда

– شَذْرٌ марваридниг майдаси (кичкинаси)

– شَذْرَةٌ 1. *кўп.* شَذَرَاتٌ 1) (*олтин*) зарраси; 2) майда пул, танга-чақа; 2) бир оз, бир қисм, парча; مِنْ تَارِيخِ حَيَاتِهِ ~ бирор киши биографиясидан парча

I (شدو) **شَذَا** (*у*) شَذْوٌ бўй тарқатмоқ, ҳид чиқармоқ

– شَذًى, شَذًا хушбўй (муаттар) ҳид

– شَذِيٌّ хушбўй, муаттар

I (شرّ) **شَرَّ**[1] (*и/а*) شَرٌّ ёвуз (бадхулқ, баджаҳл) бўлмоқ; شَرَّ[2]. (*и/а*) شَرِيرٌ сачрамоқ, томмоқ, оқиб турмоқ; III شَارَّ (*к. гадир*) ёмон муомала қилмоқ, ёмонлик қилмоқ

– شَرٌّ[1] *кўп.* شُرُورٌ 1) бадхулқлик, баджаҳллик; 2) зарар, ёмонлик, ёвузлик

– شَرٌّ[2] *кўп.* شِرَارٌ 1) ёмон; ёвуз; 2) энг (жуда) ёмон; ўта ёвуз; ~ النَّاسِ одамларнинг энг ёмони; ... مِنْ ~ ...дан ёмонроқ

– شُرٌّ, شُرٌّ *зоол.* кичкина балиқчи қуш

– شَرَّارٌ учқун (шарора) чиқарувчи, учқунли (шарорали)

– شَرَارَةٌ *кўп.* شَرَارٌ, ـَاتٌ ـــ учқун, шарора; تُحْرِقُ الْحَارَّةَ ~ *мкл. сўзма-сўз:* учқундан маҳалла ёнади

– شَرَّانِيٌّ тез жаҳли чиқадиган, жаҳлдор; ёвуз

– شَرَرَةٌ *кўп.* شَرَرٌ учқун, шарора

– شَرَّةٌ ғазаб; жаҳл, жаҳлдорлик, сержаҳллилик; ~ الشَّبَابِ ёшликдаги тиниб-тинчимаслик

– شَرِيرٌ ёвуз

– شِرِّيرٌ *кўп.* أَشْرَارٌ 1. 1) ўта ёвуз; ёвузлик, ёмонлик қилувчи; 4) ашаддий; 2. ёвуз, қароқчи; ~ـــ дев, шайтон

(شرأب) اشْرَأَبَّ 1) бўйин чўзмоқ; бошни кўтармоқ; 2) бошни бурмоқ

– اشْرِئْبَابٌ 1) бўйин чўзиш, бошни кўтариш; 2) бошни буриш

I **شَرِبَ** (*а*) شُرْبٌ 1) ичмоқ; 2) сўрмоқ, тортмоқ; دُخَانًا ~ (*папирос, сигарет*) чекмоқ (тортмоқ); II شَرَّبَ 1) ичирмоқ; 2) (*бирор н. билан*) тўйинтирмоқ); نَشَاءً ~ крахмалламоқ; III شَارَبَ (*к. биландир*) бирга ичишмоқ; IV أَشْرَبَ 1) ичирмоқ, ичириб тўйдирмоқ; أَشْرَبَنِي مَا لَمْ أُشْرِبْهُ *маж.* менда йўқ айбни у менга ёпиштирди; 2) шимдирмоқ, тўйинтирмоқ; أُشْرِبَ فِي قَلْبِهِ حُبُّ الْوَطَنِ *мажх.* унинг қалби ватан муҳаббати билан тўлиб-тошган эди; V تَشَرَّبَ 1) (*бирор н. билан*) тўйинтирилган, шимдирилган бўлмоқ; وَجْهُهَا بِحُمْرَةِ الْخَجَلِ ~ унинг юзи хижолатдан қизариб кетди; 2) (*бирор н. ни*) чуқур ҳис қилмоқ (ب); X اسْتَشْرَبَ сўриб олмоқ, шимиб олинган бўлмоқ

– شَارِبٌ[1] *кўп.* شُرَّابٌ, شُرْبٌ ичувчи

– شَارِبٌ[2] *кўп.* شَوَارِبُ мўйлов, мўйлаб; ~ السَّمَكِ кит мўйлови; أَبُو شَوَارِبَ мўйловли, мўйловдор

– شَرَابٌ *кўп.* أَشْرِبَةٌ 1) ичимлик, ичиладаган нарса; 2) сироп; 3) шароб, май, вино; ~ التُّفَّاحِ сидр (*олма виноси*)

– شَرَّابٌ кўп ичувчи, кўп ичадиган

– شُرَّابٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ пайпоқ (*сол.* جُرَابٌ)

– شَرَابَاتِيٌّ *кўп.* شَرَابَاتِيَّةٌ шарбатфуруш

– شُرَّابَةٌ, شَرَّابَةٌ *кўп.* شَرَارِيبُ кокилча; попук (*гиламники*); ~ الرَّاعِي *бот.* падуб (*найзабарги: дарахтнинг бир тури*)

– شُرْبٌ 1) ичимлик; 2) ютиш; сўриш

– شِرْبٌ сувдан теккан улуш

– شَرْبَاتٌ шарбат

– شَرْبَةٌ 1) бир ютум (*ичимлик*), ютум; 2) ични бўшаштирадаган (*дори*)

– شُرْبَةٌ *кўп.* شُرُبَاتٌ 1) бир ютум (*ичимлик*); 2) шўрва; 3) микстура; ~ دَوَاء суюқ дори дозаси, микстура дозаси; ~ زَيْت خِرْوَع қанакунжут мойи, касторка дозаси; 4) сув танқислиги (етишмаслиги) (*Макка ш. да*)

شَرِيبٌ =شُرْبَةٌ

– شَرُوبٌ ичишга ишқибоз (ружу қўйган) киши

– شَرِيبٌ ичишга яроқли, ичса бўладиган

– شَرِّيبٌ кўп ичувчи, ичкиликбоз

– شُورْبَةٌ, شُورْبَا шўрва

– مَشْرَبٌ *кўп.* مَشَارِبُ 1) шаробхона, ичиладиган жой; ~ الْقَهْوَة қаҳвахона, кафе; ~ الْبِيرَة пивохона; 2) мойиллик, феъл-атвор, дид; 3) йўналиш, мўлжал, ориентация; сиёсий руҳ

– مَشْرَبَةٌ *кўп.* مَشَارِبُ шаробхона, ичиладиган жой; сув ичиладиган кичкина фонтанча

– مِشْرَبَةٌ *кўп.* مَشَارِبُ коса; жом

– مَشْرَبِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) уйнинг ташқарига чиқиб турадиган панжарали ойнаси; 2) ойна панжараси

– مَشْرُوبٌ *кўп* اتٌ ـــ ичимлик, ичиладаган нарса; مَشْرُوبَاتٌ رُوحِيَّةٌ (*алкоголсиз*) салқин ичимликлар; مَشْرُوبَاتٌ رُوحَانِيَّةٌ *ёки* مَشْرُوبَاتٌ كُحُولِيَّةٌ спиртли ичимликлар; مَشْرُوبَاتٌ *маж.* маънавий озуқа

شَرْبَكَ чалкаштирмоқ

شَرْبَكَةٌ чалкашув, саросима, саросималик

– مُشَرْبَكٌ чалкаш, чалкашган, саросимага тушган

شَرْبِينٌ *бот.* Ливан кедри (*дарахт*)

شَرْتُونِيَّةٌ *черк.* юксак лавозимдаги руҳонийнинг динни қабул қилувчининг бошига қўлини қўйиб, уни динга киритиш маросими

I **شَرْتَ** (*а*) شَرْتٌ ёрилмоқ, ёрилиб кетмоқ (*қўл, оёқ териси ҳақида*)

I **شَرَجَ** (*у*) شَرْجٌ қўкламоқ, кўклаб олмоқ; омонат, амал-тақал қилиб, наридан-бери чатиб олмоқ; II شَرَّجَ =I

– شَرَجٌ *кўп.* أَشْرَاجٌ, شُرُوجٌ 1) илмоқ, сиртмоқ; 2) *анат.* орқа чиқариш тешиги

– شَرَجِيٌّ *анат.* орқа чиқариш тешигига оид; الْقَنَاةُ الـــ ـــةُ орқа чиқариш йўли, حُقْنَةٌ ـــ ـــةٌ клизма, орқа чиқариш тешигига қилинган ҳуқна

I **شَرَحَ** (*а*) شَرْحٌ 1) очмоқ, ёрмоқ; اللهُ صَدْرَهُ ~ *Қур.* Оллоҳ унинг (*Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг*) кўкрагини (*ҳақиқатларни қабул қилиш учун*) очди; 2) шарҳламоқ, ёритмоқ, тушунтирмоқ; 3) бўлак-бўлак қилиб кесмоқ; ◊ صَدْرُهُ ~ *ёки* ~ حَاطِرَهُ кимнидир шод (хуррам, хурсанд) қилмоқ; II شَرَّحَ 1) бўлакларга ажратиб кесмоқ; 2) ёрмоқ, ёриб кўрмоқ (*ўлган одам танаси ҳақида*); VII اِنْشَرَحَ 1) очилмоқ; кенгаймоқ; 2) шарҳланмоқ, тушунтирилмоқ, изоҳланмоқ, маъноси очилмоқ; 3) хурсанд (хуррам, шод) бўлмоқ, роҳат (фароғат) қилмоқ; ◊ حَاطِرًا ~ *ёки* ~ صَدْرًا хурсанд бўлмоқ, қониқмоқ

– اِنْشِرَاحٌ шодлик, хурсандлик; қониқиш; بـــ ـــٍ хурсандлик билан

– تَشْرِيحٌ (*ўлган киши танасини*) очиш (ёриш); عِلْمُ الـــ ـــ анатомия

– تَشْرِيحَةٌ (*ўлган киши танасини*) қисман очиш (ёриш)

– تَشْرِيحِيٌّ анатомик, анатомияга оид

– شَارِحٌ *кўп.* شُرَّحٌ 1. изоҳловчи, тушунтирувчи; 2. шарҳловчи; шарҳчи, комментатор

– شَرْحٌ шодон, очиқ (*мас., қараш, юз ҳақида*)

– شَرْحٌ *кўп.* شُرُوحٌ 1) тушунтириш; изоҳлаш; шарҳ, комментарий; тавсиф, 2) изоҳ, эслатма; ~ ـــهُ مَا قَبْلَهُ юқорида айтилгандек (кўрсатилгандек)

– شَرْحَةٌ *кўп.* شَرَحَاتٌ бўлакча, бурда

– شَرْحِيٌّ шарҳий, шарҳга (тушунтиришга) оид

– شَرِيحَةٌ *кўп.* شَرَائِحُ 1) бўлакча, бурда; 2) (*металл*) пластинка, (*бирор н. устига қопланган*) йўл-йўл металл; 3) (*жамият*) қатлами

– مُشَرِّحٌ анатом (*анатомия билан шуғулланувчи киши*), ўлган кишини ёрувчи одам

– مَشْرَحَةٌ *кўп.* مَشَارِحُ жарроҳлик хонаси

– مُنْشَرِحٌ: الصَّدْرِ ~ хурсанд, шод, шодон; қониққан, масза қилган

I (شرخ) **شَرَخَ** (*а*) شُرُوخٌ ўсмоқ, катта бўлмоқ, улғаймоқ; شَرَخَ[2] (*а*) شَرْخٌ чақмоқ, ёрмоқ, майдаламоқ; ◊ قَلْبُهُ ~ кимнингдир юрагини (ўтакасини) ёрмоқ (*чинқирик, бақирик, товуш ҳақида*); صَوْتُهُ ~ қаттиқ овоз чиқармоқ (*йўтал ҳақида*); V تَشَرَّخَ ёрилмоқ, ушалмоқ, чақилмоқ, майдаланмоқ, дарз кетмоқ

– شَارِخٌ *кўп* شُرُخٌ ёш йигит; اقْتُلُوا شُيُوخَ الْمُشْرِكِينَ وَ اسْتَحْيُوا شَرْخَهُمْ *ҳад.* мушрикларнинг кексаларини ўлдиринглар, лекин ёшларини тирик қолдиринглар

– شَرْخٌ *кўп.* شُرُوخٌ дарз, ёриқ; ◊ الشَّبَابِ ~ дуркун ёшлик, ёшликнинг гуллаган чоғи; الْأَمْرِ ~ ишнинг бошланиши

– مَشْرُوخٌ синган, ёрилган, дарз кетган

I **شَرَدَ** (*у*) شُرُودٌ 1) қочмоқ, кетмоқ; ~ مِنَ الْمَوْتِ وَ وَقَعَ فِي حَضْرَمَوْتَ *мақ.* ёмғирдан қочиб, қорга дуч келмоқ; 2) дарбадар кезмоқ, сарсон-саргардонликда юрмоқ; II شَرَّدَ 1) қочирмоқ, қочишга мажбур қилмоқ; қувмоқ, ҳайдамоқ; 2) бошпанасиз қолдирмоқ, уйдан ҳайдаб чиқармоқ; V تَشَرَّدَ 1) бошпанасиз қолмоқ, бошпанасидан ажралмоқ, уйсиз бўлиб қолмоқ, қаровсиз қолмоқ; 2) сарсон-саргардон бўлмоқ, дарбадар кезмоқ; дайдилик қилмоқ

– تَشَرُّدٌ дайдилик, сарсон-саргардонлик

– تَشْرِيدٌ ҳайдалиш, қувғин қилиниш, бошпанасиз қолиш

– شَارِدٌ *кўп.* شَرَدٌ 1. 1) кезиб юрувчи, сайёҳ; ~ الْبَال ёки ~ الْفِكْر тарқоқ фикрли, фикри тарқоқ, паришон; 2) юзаки қараш, ялт этиб қараш; 2. қувғинди

– شَارِدَةٌ *кўп.* شَوَارِدُ 1) эътибор қилинмаган (*бирор н*); ~ وَ وَارِدَةٌ а) маълум бўлган ва эътибордан четда қолган; б) эски ва янги; в) икир-чикиригача; г) фавқулодда (*бирор н.*), камёб (*н.*); شَوَارِدُ اللُّغَة тилда (нутқда) кам учрайдиган ифода; أَقَامَ عِنْدَنَا أُسْبُوعًا فَعَدَدْنَاهُ مِنْ شَوَارِدِ الزَّمَان у бизникида ўтказган бир ҳафтани замонанинг бизга берган хурсандлиги деб ҳисоблардик; 3) мияга ялт этиб келган фикр; 4) бир лаҳзалик, ўткинчилик, бебақолик

– شَرْدٌ гармсел

– شَرُودٌ дайди, уй-жойсиз, бошпанасиз, беватан

– شُرُودٌ 1) қочиш, қочиб кетиш; 2) тентираш, тентираб юриш, адашиш, адашиб юриш; ~ فِي сочилган (тарқалган) ҳолда; ~ الْفِكْرِ (الذِّهْنِ) паришонлик, эътиборсизлик

– شَرِيدٌ 1. 1) қочиб юрган; 2) адашиб (кезиб, дарбадар) юрган; 2. қочқин; сургун қилинган, чиқариб юборилган; дайди; طَرِيدٌ ~ уйсиз, бошпанасиз, беватан

– مُتَشَرِّدٌ 1. қаровсиз, уйсиз, бошпанасиз; 2. сарсон-саргардон юрган одам, дайди

– مُشَرَّدٌ қочқин, қочиб чиққан, қочиб келган

تَشَرْدَقَ, شَرْدَقَ томоғига тиқилмоқ, тиқилиб қолмоқ

تَشَرْذَمَ гуруҳларга ажралмоқ, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ажралиб кетмоқ

– تَشَرْذُمٌ ажралиш, бўлиниш, гуруҳларга бўлиниш

– شِرْذِمَةٌ *кўп.* شَرَاذِمُ гуруҳ; отряд; тўп; оломон

شَرْزَمَ (*ярани*) очмоқ, тимдалаб очмоқ, ёрмоқ; تَشَرْزَمَ очилган (тимдаланган, ёрилган) бўлмоқ (*яра ҳақида*)

I **شَرِسَ** (*а*) شَرَاسَةٌ 1) баджаҳл (қаҳрли, ёвуз) бўлмоқ; 2) ўзига хос феъл-атвор эгаси бўлмоқ; VI تَشَارَسَ бир-бирига (ўзаро) ёвузлик қилмоқ, жаҳл қилмоқ; жанжаллашмоқ, ўзаро ёвлик қилмоқ

– شَرَاسٌ оёқ кийими сирачи (клейи)

– شَرَاسَةٌ 1) жаҳл; жаҳллилик; 2) қўполлик

– شَرِيسٌ жаҳлдор, баджаҳл

– شُرْسُوفٌ *кўп.* شَرَاسِيفُ қовурға кемирчаги (тоғайи)

– شَرَاسِيفِيٌّ *анат.* ошқозон устига оид; ~ الْقِسْمُ الـ ошқозон усти жойлари

(шрш) II شَرَّشَ 1) илдиз отмоқ, 2) ўрнашиб олмоқ

– شَرْشٌ *кўп.* شُرُوشٌ илдиз, реша; ~ النَّجِيلِ *бот.* буғдойиқ (*галласимон алаф*); ◊ ~ اللَّبَنِ зардоб

شَرْشَحَ обрўсини тўкмоқ, обрўсизлантирмоқ, безътибор қилмоқ; تَشَرْشَحَ обрўни йўқотмоқ, обрўсизланмоқ, ўз обрўсини туширмоқ; шарманда (шармсор) бўлмоқ

– شَرْشَحَةٌ обрўсизлантириш, обрўни тушириш

شَرْشَرَ 1) қайрамоқ; 2) тишли қилмоқ; 3) томмоқ, томиб кетмоқ, оқиб турмоқ

– شَرْشَرَةٌ[1] 1) (*пичоқларни*) қайраш; 2) томиш, оқиб кетиш

– شَرْشَرَةٌ[2] ўроқ

– شُرْشُورٌ *кўп.* شَرَاشِيرُ сайроқи қушларнинг бир тури, зяблик

– شَرْشِيرٌ ёввойи ўрдак

– مُشَرْشَرٌ тишли, тиши бор; ~ سِكِّينٌ (*нон кесадиган*) пичоқ

– شَرَاشِفُ *кўп.* شَرْشَفٌ чойшаб

I **شَرَطَ** (*у*) شَرْطٌ 1) (*бирор н. ни*) шарт қилиб қўймоқ, (*бирор н. га*) боғлиқ қилиб қўймоқ, 2) қон олмоқ, қон чиқармоқ, қон чиқариб ташламоқ; II شَرَّطَ 1) кесмоқ, тилмоқ, андак кесиб қўймоқ, ўймоқ, кесиб из қилмоқ; 2) тасма (лахтак) қилиб йиртмоқ; III شَارَطَ 1) шартлашмоқ, келишиб олмоқ; 3) (*н. нидир қўйиб*) гаров боғламоқ (*ўйнамоқ*); (*н. нидир*) тикмоқ (*гаровда* - عَلَى); أَنَا أُشَارِطُ عَلَى طَرْبُوشِي بِأَنَّكَ ... ҳожидўппимни гаровга қўйиб айтаманки, сен ...; IV أَشْرَطَ 1) тайёрламоқ, ҳозирламоқ; ~ نَفْسَهُ لِأَمْرٍ كَذَا бирор нарсага ўзини тайёрламоқ; ◊ ~ مِنْ إِبِلِهِ туялардан бирини сотишга ажратмоқ; V تَشَرَّطَ 1) (*к. гадир*) оғир шарт қўймоқ; 2) кесилмоқ, тилинмоқ, андай кесиб қўйилмоқ, ўйилмоқ, из қолдирилмоқ; ◊ ~ فِي عَمَلِهِ ишни қунт билан яхши адо этмоқ; VIII اشْتَرَطَ = I

– اشْتِرَاطٌ боғлиқлик, боғлиқ бўлганлик

– تَشْرِيطٌ кесик, ўйма, из

– شَرْطٌ *кўп.* شُرُوطٌ шарт, қилинадиган талаб, қоида, низом; شُرُوطُ الْاتِّفَاقِ битим шартлари (қоидалари); ~ بِلَا шак-шубҳасиз, сўзсиз; ~ وَ فَيْدٍ مِنْ دُونِ ҳеч қандай шартсиз, сўзсиз; ~ لَا بُدَّ مِنْهُ қатъий, зарурий шарт, conditio sine qua non; ~ وَضَعَ الـ ... учун шарт қилмоқ; ~ أَدَوَاتُ الـ *грам.* шарт юкламалари; جَوَابُ ~ الـ *грам.* (*шарт эргаш гапдаги*) бош гап; ~ عَلَى بِـ ёки ~ أَنَّ ... ~ عَلَى ... أَنَّ шу шарт биланки, ...; ~ عِنْدَ الْحَرْثِ وَ لَا الْقِتَالُ فِي الْحَصِيدَةِ الـ *мтл.* сўзма-сўз: ҳосил талашиб уришмаслик учун ерни ҳайдаётган вақтдаёқ шартлашиб олмоқ

– شَرَطٌ *кўп.* أَشْرَاطُ белги, аломат, нишона; أَشْرَاطُ السَّاعَةِ соатнинг рақам ва миллари

– شَرْطَةٌ *кўп.* شُرَطٌ тире, чизиқ; نُقَطٌ وَ شُرَطٌ нуқта ва тире (*телеграфда*); чизиқча; قَصِيرَةٌ ~ дефис

– شُرْطَةٌ полиция; (الْحَرْبِيَّةُ) الْعَسْكَرِيَّةُ الـ ~ ҳарбий полиция; كَلْبُ ~ الـ полиция ити, изтопар ит; النَّجْدَةِ ~ кўчма полиция

– شَرْطِيٌّ шартли; ~ جُمْلَةٌ *грам.* шарт гап

– شُرْطِيٌّ, شُرَطِيٌّ полицияга оид; (الْمُرُورِ) السَّيْرِ ~ кўча ҳаракати бошқарувчиси (тартиботчиси)

– شَرْطِيَّة *кўп.* ـَات ـــ шартнома, контракт

– شَرِيط *кўп.* شَرَائِط, أَشْرِطَة 1) лента, тасма; йўл-йўл қилиб тайёрланган нарса; ип (*боғлайдиган, мас., оёқ кийимдаги*); ~ قَصَّ الْمَعْرِض кўргазма очилиш пайтида лентани қирқмоқ; ~ الْآلَة الْكَاتِبَة ёзув машинкаси лентаси; ~ الْأُنْبُوب электрон трубка сеткаси ёки катод лампа сеткаси; ~ التَّخْزِين *т-й.* захира (запас) йўл; ~ سِكَّة الْحَدِيد темир йўл полотноси; ~ السِّينَمَا кино лента, кино тасмаси; ~ الْقِيَاس ўлчов тасмаси (*мас., тикувчиларда*); ~ النَّار бикфорд пилтаси, (*узоқдан туриб портлатишда ишлатилади*); ~ نَاطِق овозли фильм; ~ دُودَة الـ тасмасимон гижжа, солитёр; رَايَة الْأَشْرِطَة وَ النُّجُوم АҚШ давлат байроғи; 2) кесик ўйма; 3) *ҳарб.* ҳарбий унвонларнинг погонга тикиб қўйилган белгиларидан бири

– شَرِيطَة *кўп.* شَرَائِط шарт-шароит; ... أَنَّ شَرِيطَة ... бўладиган бундай шароитда

– مُشَارَطَة битим, шарт, шартнома, келишув

– مِشْرَاط *кўп.* مَشَارِيط (*жарроҳлар*) ништари, дудамаси, ланцет; скальпель

– مِشْرَط *кўп.* مَشَارِط = مِشْرَاط

– مُشَرَّط кесикли, ўймали

– مَشْرُوط боғланган; шартли; ~ انْعِكَاس шартли рефлекс; غَيْرُ ~ ҳеч қандай шартсиз, сўзсиз; ~ـَة مُسَاعَدَة غَيْرُ сўзсиз ёрдам, шарт қўйиб ўтирилмайдиган (шартсиз) ёрдам

شَرْطَن *дин.* (*диний*) рутбага ўтқазиш учун бирор руҳоний бошига қўл қўймоқ

– شَرْطَنَة рутбага ўтқазиш маросими

شَرْطَنَة = شُرْطُونِيَّة, شِرْطُونِيَّة

– شَرْطُوطَة *кўп* شَرَاطِيط 1) латта, латта-путта; 2) бузуқ (сую-қоёқ) аёл

I (ع ر ش) شَرَعَ[1] (а) شَرْع 1) тўғри йўналтирмоқ (мўлжалламоқ); ~ الْحَبْلَ арғамчини тортмоқ (таранглamoқ); 2) қонунлар чиқармоқ; شَرَعَ[2] (а) شُرُوع 1 бошламоқ; киришмоқ; ~ فِي الْكِتَابَة ёки يَكْتُبُ ~ у ёза бошлади, مَشْرُوعًا ~ режа (план) тузмоқ; 2) (*н. гадир*) қасд (жазм) қилмоқ (فِي); II شَرَّعَ қонунлар чиқармоқ; IV أَشْرَعَ йўналтирмоқ, мўлжалламоқ; (*найза*) ўқталмоқ; الْحَبْلَ ~ арғамчи тортмоқ; ... عَيْنَهُ إِلَى ~ ...га қарамоқ; назарини ...га ташламоқ; ~ الْحِرْبَةَ فِي الْبُنْدُقِيَّة найзани милтиққа ўрнатмоқ; VIII اشْتَرَعَ = II

– اشْتِرَاع қонун чиқариш; ~ الْـ حَقُّ қонун чиқариш ҳуқуқи; *библ.* Второзаконие (*Библиянинг қонунларни ўз ичига олган қисми*)

– اشْتِرَاعِيّ қонун чиқарувчи

– تَشْرِيع *кўп.* تَشَارِيع қонунчилик; кодекс тузишлик; ~ الـ حَقُّ қонун чиқариш ҳуқуқи; ~ُ الدُّوَلِيّ халқаро қонунчилик

– تَشْرِيعِيّ қонун чиқарувчи; السُّلْطَةُ الـ ـَةُ қонун чиқарувчи ҳокимият; الْجَمْعِيَّةُ الـ ـَةُ қонун чиқарувчи мажлис

– شَارِع[1] қонун чиқарувчи

– شَارِع[2] *кўп.* شَوَارِع кўча, хиёбон; ~ رَئِيسِيّ бош (асосий) кўча; رَجُلُ الـ ~ одми одам

– شِرَاع *кўп.* أَشْرِعَة, شُرُع елкан

– شُرَّعَة *кўп.* ـَات ـــ (*эшик тепасидаги*) елпиғичсимон дераза

– شِرَاعِيّ елканга оид; السَّفِينَةُ الـ ـَةُ елканли кема; الْمَرْكَبُ الـ ـَةُ елканли кема; طَيَّارَة شِرَاعِيَّة ёки ـَة ~ (طَائِرَة) планёр (*моторсиз учадиган аппарат*)

– شَرْع диний (черков) қонунлар; шариат; ~اً шаръан, шариатга кўра; وَاحِدٌ ~ النَّاسُ فِي هَذَا бу соҳада ҳамма одамлар бир хил

– شَرْع = شَرْع

– شُرُوع = شَرْع

– شِرْعَة, شِرْعَة[1] *кўп.* شِرَع, شُرُع 1) камон (камалак) ипи; тасмача; 2) тор (*музика асбобидаги*)

– شِرْعَة[2] *кўп* شِرَع қонун; хартия; ~ الْأُمَم халқлар хартияси; ~ حُقُوق الْإِنْسَان Инсон Ҳуқуқлари Декларацияси

– شَرْعِيّ 1) қонунга (шариатга) оид; ~اً қонунан, шаръан, қонун бўйича, шариат бўйича; ~اً وَ فِعْلِيًّا де-юре ва де-факто (*қонунан ҳам, ҳақиқатда ҳам*); ~ طِبّ суд тиббиёти (медицинаси); ~ طَبِيب суд табиби (врачи); 2) қонуний, қонунан ижозат қилинган, очиқ, очиқ-ойдин, легал; ~ ابْن қонуний ўғил (*қонуний никоҳдан туғилган*), ~ غَيْرُ ғайриқонуний; ~ غَيْرُ ابْن ғайриқонуний (никоҳсиз туғилган) ўғил; ~ وَارِث қонуний ворис (мерос эгаси); 3) шариатга оид; الْأَحْكَامُ الـ ـَةُ шариат ҳукмлари, шариат; الْقَاضِي الـ ~ шариат қозиси; الْمَحْكَمَةُ الـ ـَةُ шариат қозилиги; шариат қозилиги маҳкамаси

– شَرْعِيَّة қонунийлик, легаллик (рухсат берилганлик, очиқ-ойдинлик)

– شُرُوع 1) бошланиш, бошлаш; иб тидо; ~ أَفْعَالُ الـ *грам.* иш-ҳаракатнинг бошланишини билдирувчи кўмакчи феъллар (طَفِقَ, أَخَذَ *ва б.*); 2) (*н. гадир*) тажовуз қилиш (فِي)

– شَرِيعَة *кўп.* شَرَائِع шариат, диний қонунлар; ~ الْغَرَّاء *ёки* ~ الْمُحَمَّدِيَّة *ёки* ~ الْإِسْلَامِيَّة *ёки* ~ السَّمْحَة الـ мусулмонлик қонуни, шариат; الشَّرَائِعُ السَّمَاوِيَّة самовий (илоҳий) қонунлар; ◊ ~ الْغَاب (الْغَابَة) жунгли қонунлари (*ёввойи қонунлар яъни кучлилар истаги қонундир деган ақида*)

– مُشَرِّع қонуншунос, юрист; адвокат

– مُشْتَرِع қонун чиқаручи

– مَشْرَعَةٌ, مَشْرَعٌ *кўп.* مَشَارِعُ ҳайвонлар суғориладиган жой

– مُشْتَرَعٌ = مُشَرَّعٌ

– مَشْرُوعٌ[1] очиқ, қонуний, қонунан рухсат этилган, легал; ~ حَقٌّ қонуний ҳуқуқ; ~ غَيْرُ а) ғайриқонуний, яширин, нолегал; рухсат этилмаган; б) ножўя хунук; ~ لَا қонунсиз; ножўя, хунук

– مَشْرُوعٌ[2] *кўп.* اتٌ ـــ режа, лойиҳа, план; схема, سَنَوِيٌّ ~ йиллик режа (план); ~ قَانُون қонун лойиҳаси; (مُعَارِضُ) مُضَادٌّ ~ қарши (зиддий, муқобил) лойиҳа

– مَشَارِيعُ *кўп. икт.* تадбир; الْـــ الْإِنْشَائِيَّةُ конструктив (*фойдаси аниқ кўриниб турган*) тадбирлар

– مَشْرُوعِيَّةٌ 1) қонунийлик; қонунчилик; 2) тадбир, ташаббус

I (شرف) **شَرُفَ** (*у*) شَرَفٌ олий табақадан бўлмоқ; 2) олийжаноб бўлмоқ, شَرَفَ (*а*) юксак бўлмоқ, кўтарилмоқ, (*н. нигадир устидан*) ҳоким бўлмоқ, буйруқ қиладиган бўлмоқ; II شَرَّفَ 1) юксак қўймоқ, баландлатмоқ, юксакка кўтармоқ; 2) ҳурмат қилмоқ, иззат-ҳурматини жойига қўймоқ; эҳтиром кўрсатмоқ; شَرَّفْتَنَا сен бизга иззат-ҳурмат кўрсатдинг; III شَارَفَ 1) (*бирор к. га*) яқин бўлмоқ, яқинлашмоқ; الْأَرْبَعِينَ ~ у қирқ ёшга яқинлашиб қолди; 2) шуҳратда (оқсуякликда) (*ўзини устун қўйиши учун*) тортишишмоқ; IV أَشْرَفَ (*н. гадир*) яқин бўлмоқ; (*н. нигадир*) арафасида бўлмоқ (عَلَى); (*н. гадир*) яқинлашмоқ, яқинлашиб қолмоқ (عَلَى); 2) кузатмоқ; (*н. нидир*) назорат қилмоқ (عَلَى); 3) (*н. нидир*) бошқармоқ, (*н. гадир*) раҳбарлик қилмоқ, буйруқ қилмоқ (عَلَى); *ҳарб.* ҳукмронлик қилмоқ (*мас., шароитга*), (*н. нигадир устидан*) командирлик қилмоқ (عَلَى); 5) чиқмоқ; (*қандайдир томонга*) бурилган (қараган) бўлмоқ (عَلَى); V تَشَرَّفَ 1) (*н. нидир қилмоқ*) шарафига муяссар бўлмоқ (ب): ... أَتَشَرَّفُ بِأَنْ ... шарафига муяссарман; !تَشَرَّفْنَا биз сиздан жуда хурсандмиз!, бизни жуда хурсанд қилдингиз!; бизни шарафга муяссар қилдингиз!, 2) шараф деб билмоқ, шараф деб ҳисобламоқ; X اسْتَشْرَفَ 1) (*яхшироқ кўриш учун*) кўтарилмоқ; 2) (*н. гадир*) интилмоқ (إِلَى), 3) (*кўздан*) кўзни қўл билан (ب) тўсиб (*бирор н. га*) қарамоқ (لِـ); (*қаергадир ёки к. гадир, н. гадир*) назар ташламоқ, қарамоқ; узоқларга (олдинларга) қарамоқ; қараб чиқмоқ, кўриб чиқмоқ

– إِشْرَافٌ 1) кузатиш, назорат; ~ لَجْنَةُ الْـ назорат комиссияси; 2) раҳбарлик, етакчилик; ~ ـــهِ تَحْتَ кимнингдир раҳбарлиги остида; кимнингдир етакчилигида

– تَشْرِيفٌ *кўп.* تَشَارِيفُ ҳурмат, эҳтиром, тантанали маросим

– تَشْرِيفَاتِيٌّ церемониймейстер (*тантанали маросимларни тузувчи ва ўтказувчи*); *дипл.* протокол бўлими мудири

– تَشْرِيفَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ (*саройдаги*) тантанали қабул маросими; *кўп.* церемониал; بَابُ التَّشْرِيفَاتِ ташрифот (тантанали маросим) га кириладиган эшик (йўл); رَئِيسُ (مُدِيرُ) التَّشْرِيفَاتِ протокол бўлими бошлиғи (мудири)

– شَارِفٌ *кўп* شَوَارِفُ, شَارِفَاتٌ қари урғочи туя

– شُرَّافَةٌ балкон, айвон; галерея (*биноларни бирлаштирувчи узун тор йўлак*)

– شَرَفٌ 1) шараф, ҳурмат, эҳтиром; ~ ـــهِ عَلَى кимнингдир шарафига; ~ حَفْرَةُ фахрий қоровул; ~ رَئِيسُ фахрий раис; عُضْوُ ~ фахрий аъзо; ... بِأَنَّ ~ كَبِيرٌ لِـــ إِنَّهُ لِي ёки ... менинг учун катта шарафдир; !~ كَلِمَةُ ёки بِشَرَفِي! ёки بِالشَّرَفِ! чин сўз! рост гап!, виждон ҳурмати! худо ҳаққи!; 2) олий табақадан келиб чиққанлик, олий зотлилик, шон-шараф; олийжаноблик; 3) баланд, юқори, тепаликдаги жой, баландлик, тепалик

– شَرْفٌ шарф

– شُرْفَةٌ *кўп.* شُرَفٌ, شُرَفَاتٌ 1) балкон, айвон; ~ كِبَارِ الزُّوَّارِ фахрий меҳмонлар учун ажратилган балкон (*парламентда*); 2) (*театрдаги*) ложа; 3) ойна, дераза

– شَرَفِيٌّ фахрий, ҳурматли; ~ ـــةٌ مَرَاتِبُ фахрий унвон (мартаба) лар

– شَرِيفٌ *кўп.* أَشْرَافٌ, شُرَفَاءُ 1. 1) аслзодаликка оид; الْأَشْرَافُ аслзода, аслзодалар; 2) олийжаноб, виждонли; 2. шариф (*пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам авлодлари унвони*)

– مُسْتَشْرَفٌ айвон, балкон

– مُشْرَفٌ, مَشْرَفٌ *кўп.* مَشَارِفُ тепалик, баландлик; *ҳарб.* тепалик; ◊ مَشَارِفُ الْمَدِينَةِ шаҳар остоналари; шаҳар атрофлари; هُوَ عَلَى مَشَارِفِ الثَّلَاثِينَ у ўттиз (*ёшга*) яқинлашиб қолди

– مُشْرِفٌ 1) (*бирор н. га*) раҳбарлик (мудирлик) қилувчи (عَلَى), (*бирор н. нинг*) бошида (тепасида) турувчи (عَلَى); 2) раҳбар, бошлиқ; 3) баланд; ~ جَبَلٌ баланд тоғ

– مُشَرَّفٌ ҳурматли, иззат-икромга сазовор, фахрий: بِصُورَةٍ ~ ـــةٍ шараф билан

– مَشْرَفِيٌّ: ~ سَيْفٌ Машориф кишлоғида тайёрланган қилич

– مَشْرَفِيَّةٌ Машориф қишлоғида тайёрланган қиличлар (*бу қишлоқ ўз қиличлари билан машҳур*)

I (شرق) **شَرَقَ** (*у*) شُرُوقٌ 1) чиқмоқ, кўтарилмоқ (*ёритгичлар ҳақида. мас., Қуёш*), 2) нур сочмоқ, ёритмоқ; 3) сўриб олмоқ, ичига тортмоқ; شَرِقَ (*а*) (*томоққа*) тиқилиб қолмоқ (ب); بِالْبُكَاءِ ~ кўз ёшини ичига ютмоқ (зўрлик билан тўхтатиб турмоқ); II شَرَّقَ 1) шарққа жўнамоқ; 2) қуруқ (қуриган, намсиз) бўлмоқ (*ер. тупроқ ҳақида*); 3) гўшт бўлакларини офтобда қуритмоқ, IV أَشْرَقَ 1) чиқмоқ (*ёритгичлар ҳақида*), 2) ялтилламоқ (ب); ёришмоқ, V تَشَرَّقَ Шарқ кишисига (шарқликка) ўхшаб қолмоқ (ўхшамоқ); X اسْتَشْرَقَ Шарқни ўрганмоқ, шарқшунос бўлмоқ

– اسْتِشْرَاقٌ шарқшунослик

– شَرْقَطَةٌ бирдан ёниб кетиш (ўт олиш)

I **شَرِكَ** (*а*) شَرْكَةٌ шерик бўлмоқ, биргалашмоқ, компаньон бўлмоқ; II شَرَّكَ шнур боғламоқ, نَعْلَهُ ~ туфлисига шнур ўтказмоқ; III شَارَكَ 1) шериклик қилмоқ, ҳамдард бўлмоқ (*мас., ғамда-туш. к. ёки* فِي *-к. ғадир туш. к. ёки* مَعَ); 2) (*н. дадир*) муштаракликка эга бўлмоқ (*туш. к. ёки* فِي *-к. биландир, н. биландир. туш. к. ёки* مَعَ); биргаликда иштирок этмоқ; ҳамкорлик қилмоқ; إِنَّ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ تُشَارِكُ الْعِبْرَانِيَّةَ فِي أُصُولِهَا араб тили қадимги яҳудий тили (иврит) билан муштарак илдизга эга; IV أَشْرَكَ 1) иштирокчи қилмоқ, иштирок эттирмоқ, шерик қилиб қўшиб олмоқ; хизмат вазифасига қўшиб юбормоқ; 2) тасма билан таъминламоқ (*мас., ботинка, шиппак кабиларни*); ◊ بِاللهِ ~ мушрик (кўпхудолик) бўлмоқ; VI تَشَارَكَ (*к. биландир н. дадир*) бирга иштирок этмоқ, тўдада бўлмоқ (مَعَ فِي); VIII اشْتَرَكَ 1) (*к. биландир н. дадир*) шерик бўлиб қатнашмоқ, иштирок этмоқ (مَعَ, فِي); 2) ўзаро (*н. дадир*) муштарак бўлмоқ; 3) (*жамият*) аъзоси бўлмоқ; 4) (*н. нингдир*) обунаси бўлмоқ (فِي); 5) бирлаштирмоқ; 6) *дин.* христианларнинг диний маросимлардан бири-муштараклик (*причастие*) маросимларида иштирок этмоқ

– اشْتِرَاكٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) бирлашиш, бирикиш; 2) муштараклик, умумийлик; ~ الْمَصَالِحِ манфаатларнинг муштараклиги (умумийлиги); ~ اللَّفْظِيُّ *грам.* омонимия; 3) (*шерик бўлиб*) иштирок этмоқ, ~ بِالـ шерик бўлиб, биргалашиб; 4) обуна; 5) аъзолик бадали, пай тўлови (*шунингдек* ~ رُسُومُ) христианларнинг муштараклик (*причастие маросимида*) истъемол қилинадиган бир хил вино ва нон

– اشْتِرَاكِيٌّ 1. социализмга оид, социалистик; ~ النِّظَامُ الـ социалистик тузум

– إِشْرَاكٌ мажусийлик, кўпхудолилик, мушриклик

– تَشَارُكٌ шериклик, бирга қўшилиб иштирок этиш

– شِرَاكٌ *кўп.* أَشْرَاكٌ, شُرُكٌ (*шиппакдаги*) ип, тасма

– شِرَاكَةٌ бирга қўшилиб иштирок этиш

– شَرِكٌ 1) (*биргалашиб*) иштирок этиш; 2) *халқ* ҳаммага тегишли бойлик *ёки* нарсалар; 3) ширк, мажусийлик, кўпхудолилик, бутпарастлик, ~ أَهْلُ الـ ширк келтирганлар, мажусийлар

– شَرَكٌ *кўп.* أَشْرَاكٌ тўр, тузоқ, қопқон

– شُرُكٌ 1) зарарли; бузилган, айниган, яроқсиз ҳолга келган (*мас., мевалар ҳақида*); 2) асл нархидан (баҳосидан) паст

– شَرَكَةٌ тузоқ

– شَرِكَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ширкат, жамият агентлик, ~ التَّأْمِينِ суғурта жамияти; ~ ذَاتُ مَسْؤُولِيَّةٍ مُحَدَّدَةٍ чекланган масъулиятли (масъулияти чекланган) компания (*ЛТД*); ~ الشَّرِكَاتِ трест, ~

– إِشْرَاقٌ ёғду

– إِشْرَاقَةٌ 1) ёғду, ёришиш; 2) бошланиш; 1994 عَامِ ~ 1994 йилнинг бошланиши

– إِشْرَاقِيٌّ ёришган; *филос.* иллюминизм вакили, иллюминат; ~ الْمَذْهَبُ الـ иллюминатлар таълимоти (мазҳаби)

– إِشْرَاقِيَّةٌ: ~ الـ *филос.* иллюминизм; ~ فَلْسَفَةُ الـ иллюминатлар фалсафаси

– تَشْرِيقٌ қуриш, қуритиш; қуёшда гўшт бўлакларини қуритиш (қоқлаш); ~ الـ أَيَّامُ зул-ҳижжа ойининг ўнинчисидаги қурбонликдан кейинги уч кун

– شَرَاقٌ[1] осонгина алангаланадиган (*ёғли, елимли*) дарахт

– شَرَاقٌ[2] *кўп.* اتٌ ـــ шогирд, дастёр, ёлланиб ишловчи хизматчи

– شَرَاقِيٌّ Нил дарёси тошган вақтда унинг суви босмайдиган (етиб бормайдиган) ерлар

– شَرَقٌ[1] қурғоқчилик

– شَرَقٌ[2] ғам, ғусса, ташвиш

– شَرْقٌ 1) Шарқ; ~ الـ الْأَدْنَى Яқин Шарқ; ~ الـ الْأَقْصَى Узоқ Шарқ; ~ الـ الْأَوْسَطُ Ўрта Шарқ; ~ شарқда; шарққа; 2) қуёш; طَلَعَ ~ الـ қуёш чиқди

– شَرْقَاوِيٌّ 1. Шарқия музофотига оид; 2. *кўп.* شَرَاقِوَةٌ Шарқия музофотида яшайдиган киши (*Мисрда*)

– شَرْقِيٌّ 1. шарқий, шарққа оид; ~ الْمَدِينَةِ шаҳарнинг шарқ тарафида; ~ جَنُوبَ жануби-шарқий; الدِّرَاسَاتُ الـ ـَـةُ шарқшунослик; 2. Шарқда яшайдиган киши, шарқлик

– شَرْقِيَّاتٌ *кўп.* шарқшунослик, ориенталистика

– شُرُوقٌ чиқиш, кўтарилиш; ~ الشَّمْسِ қуёш чиқиши

– مُسْتَشْرِقٌ шарқшунос, ориенталист

– مُشْرِقٌ 1) чиқаётган, кўтарилаётган (*қуёш ҳақида*); بِلَادُ الشَّمْسِ الـ ـَـة кун чиқиш мамлакати, 2) нур сочиб турган; ёрқин; нурли, ёғдули; ~ مُسْتَقْبَلٌ ёрқин келажак, истиқбол

– مَشْرِقٌ *кўп.* مَشَارِقُ машриқ, кун чиқиш; шарқ; فِي مَشَارِقِ الْأَرْضِ وَ مَغَارِبِهَا кунчиқишдан кунботишгача, машриқдан мағрибгача, шарқдан ғарбгача, бутун дунёда; ~ الـ ان *ик. с.* 1) шарқ ва ғарб, машриқ ва мағриб; 2) ёз фаслида қуёш чиқиш ўрни ва қиш фаслида қуёш чиқиш ўрни

– مَشْرِقِيٌّ. шарқий; 2. *кўп.* مَشَارِقَةٌ шарқ кишиси, шарқда яшовчи киши

– مُشْرِقِيٌّ *филос.* иллюминаторларга оид, الْحِكْمَةُ الـ ـَـةُ иллюминаторлар фалсафаси, иллюминизм; 2 *филос* иллюминат (*қар.* إِشْرَاقِيٌّ)

– شَرَقْرَقٌ *зоол.* яшил рангли қизилиштон (*қуш*)

مُسَاهِمَةٌ акционерлик (ҳиссадорлик) жамияти; مُغْفَلَةٌ ~ *савдо.* яширин жамият; شَرْكَةُ الْمِلاَحَةِ ~ денгизчилар жамияти; شَرْكَةُ الْهِنْدِ الشَّرْقِيَّةِ ~ *тар.* Ост-индия компанияси (жамияти); 2) муштарак бойлик (мулк), умумхалқ мулки

– شِرْكَةٌ = شَرِكَةٌ

– شِرْكِيَّاتٌ *кўп.* мажусийлик одатлари (феъл-атворлари)

– شَرِيكٌ *кўп.* شُرَكَاءُ 1) ҳамкорлик қилувчи, шерик, компаньон; партнёр; бирга иштирок этувчи; 2) (*бирор жиноий ишда*) шерик

– شُرَيْكٌ чурак, нон

– شَرِيكَةٌ *кўп* شَرَائِكُ 1) шериклик қилувчи аёл (қиз), партнёр аёл (қиз); فِي الْحَيَاةِ ~ рафиқа, хотин; 2) (*бирор жиноий ишда*) шерик аёл (қиз)

– مُشَارِكٌ иштирокчи; шерик бўлиб қатнашувчи

– مُشَارَكَةٌ 1) муштараклик, умумийлик; биргалашиб (*шерик бўлиб*) қатнашиш; алоқадорлик, боғлиқлик; 3) ҳамкорлик; ◊ بِالْـــ~ чоракорлик шарти билан

– مُشْتَرَكٌ 1) муштарак, умумий; бирлашган; қўшма; حُدُودٌ ~ـــةٌ умумий чегаралар; 2) икки томонлама, ўзаро; مَصْلَحَةٌ ~ـــةٌ икки томонлама фойдали (манфаатли)

– مُشْتَرِكٌ обуначи, муштарий

– مُشْرِكٌ мушрик, кўпхудоли, мажусий, бутпараст

I شَرْكَلَ 1) қийнамоқ, қийинчиликка солмоқ, қийин қилиб қўймоқ, чалкаштирмоқ, йўлдан адаштирмоқ; 2) оёқдан чалмоқ, чалиб йиқитмоқ

شَرْكَسِيٌّ *кўп* شَرَاكِسَةٌ черкас

I شَرَمَ (*u*) شَرْمٌ чақмоқ, ёрмоқ, кесмоқ, тилмоқ; II شَرَّمَ ёрмоқ, бўлмоқ; VII اِنْشَرَمَ чақилган (ёрилган, тилинган, бўлинган) бўлмоқ

– أَشْرَمُ *мн.* شُرْمَاءُ *кўп* شُرْمٌ 1) бурни мажақланган; 2) лаблари йиртиқ; 3) ифлос, исқирт, пала-партиш, ишлиқи

– شَرْمٌ *кўп* شُرُومٌ 1) тилим, ёриқ; 2) тешик, ковак; тоғ (*тепалик ер*) ёриғи; раҳна, тешилган жой; 3) унча катта бўлмаган қўлтиқ, кўрфаз

شَرْمِيَّةٌ катта жанг, қирғин, олишув, тўқнашув

شَرْمَطَ парча-бурон қилиб йиртмоқ

– شَرْمَطَةٌ парча-бурон қилиб йиртиб ташлаш

– شَرْمُوطَةٌ *кўп* شَرَامِيطُ 1) латта; парча-бурон; 2) фоҳиша, бузуқ аёл, суюқоёқ аёл

شَرْنَقَةٌ *кўп* شَرَانِقُ пилла (*ипак қуртиники*)

– شَرَانِقُ *кўп.* 1) илоннинг (*ташлаган*) пўсти; 2) наша уруғи

I شَرِهَ (*a*) شَرَهٌ 1) (*н. гадир*) ўч бўлмоқ (إِلَى, عَلَى); 2) нафси бузуқ бўлмоқ, малах бўлмоқ, юҳо бўлмоқ

– شَرَاهَةٌ 1) қизғончиқлик, очкўзлик, кўзи очлик; ~ـــ қизғончиқлик билан; 2) нафси бузуқлик, малахлик, юҳолик

– شَرَهٌ=شَرَاهَةٌ

– شَرِهٌ 1) қизғончиқ, очкўз; 2) нафси бузуқ, малаҳ, юҳо

شَرْوٌ асал, бол

– شَرْوٌ=شَرْوٌ

شِرْوَالٌ *кўп.* شَرَاوِيلُ шаровар, пойжома, иштон

شَرْوَى ўхшаш, ўхшайдиган; ◊ لاَ يَمْلِكُ ~ نَقِيرٍ унинг сариқ чақаси (бир тийини) ҳам йўқ

شَرْوِيطَةٌ *кўп* شَرَاوِيطُ латта

I (شرى) **شَرَى** (*u*) شِرَاءٌ, شِرًى 1) сотиб олмоқ; 2) сотмоқ; شَرِيَ (*a*) شَرًى ҳуснбузар тошмоқ, ғудда чиқмоқ, ғудда тошмоқ; II شَرَّى сотиш учун қўймоқ, териб қўймоқ; IV أَشْرَى (*к. ларнингдир*) ўртасида душманлик ўтини ёқмоқ (بَيْنَ); VIII اشْتَرَى сотиб олмоқ; لاَ يُشْتَرَى وَ لاَ يُبَاعُ сотилмайдиган; X اسْتَشْرَى 1) аччиқланмоқ, ғазабланмоқ; 2) мураккаблашмоқ, қийинлашмоқ; кучаймоқ; жиддий бўлиб қолмоқ, хавфли (хатарли) бўлиб қолмоқ (*аҳвол, касаллик ва б. ҳақида*); 3) ҳамма ёққа тарқалмоқ (тарқалиб кетмоқ)

– اسْتِشْرَاءٌ мураккаблашиш, кучайиш, ўсиш; ~ الْبِطَالَةِ ишсизликнинг кучайиши (ўсиши)

– شَارٍ *мн.* شَارِيَةٌ *кўп.* شُرَاةٌ 1) сотиб оладиган; 2) харидор, сотиб олувчи; ◊ شَارِي الصَّوَاعِقِ яшинқайтаргич; الشُّرَاةُ *тар.* хорижийлар мазҳабларидан бири

– شِرَاءٌ *кўп.* أَشْرِيَةٌ сотиб олиш, харид қилиш; بِالتَّقْسِيطِ ~ насияга сотиб олиш; عَلَى الْحِسَابِ ~ кредитга сотиб олиш; بِالنَّقْدِ ~ нақд пулга сотиб олиш

– شِرَائِيٌّ сотиб олишга (харид қилишга) оид; قُوَّةٌ ~ـــةٌ харид қилиш қуввати (кучи)

– شِرْوَةٌ 1) харид; сотиб олинган (харид қилинган) нарса; 2) савдо-сотиқ иши

– شَرَوِيٌّ = الْحُمَّى الـــ~ـــةُ

– شَرًى тошма, эшак еми. тошмали безгак

– شَرْيٌ *жам.* колоквинт

– شَرًى *кўп* أَشْرِيَةٌ сотиб олиш, харид қилиш

– شَرْيَانٌ, شِرْيَانٌ, شَرَيَانٌ *кўп.* شَرَايِينُ артерия; تَاجُ ~ тож (*коронар*) қонтомири; تَصَلُّبُ الشَّرَايِينِ *мед.* артериосклероз; مُلْقَطُ الشَّرَايِينِ жарроҳлик қисқичлари

– شِرْيَانِيٌّ, شَرْيَانِيٌّ артерияга оид, артериал; الْتِهَابُ الـــ~ *мед.* артериит

– مُشْتَرٍ *мн.* مُشْتَرِيَةٌ сотиб олувчи, харидор; ◊ الْمُشْتَرِي *астр* Муштарий (Юпитер) сайёраси

– مُشْتَرًى *кўп.* مُشْتَرَيَاتٌ, مُشْتَرَوَاتٌ сотиб олиш, харид қилиш; مَكْتَبُ الْمُشْتَرَوَاتِ харид қилиш муассасаси

I **شَزَرَ** (*u*) شَزْرٌ ер остидан қарамоқ

– شَزْرًا 1) ер остидан; ёндан; 2) чапдан ўнгга; соат йўналиши бўйича

– شَزْرَاءُ ғилай; серзарда, ғазабли, ёвуз

حَجَرٌ ~: شَسْتٌ *мин* шифер, сланец

I **شَسَعَ** (а) شُسُوعٌ 1) узоқда (узоқлашган) бўлмоқ; 2) кенг (белоён) бўлмоқ

– شَاسِعٌ 1) узоқ. ~ عَلَى بُعْدٍ узоқ масофада; 2) кенг, белоён, катта,, ~ فَرْقٌ катта фарқ

– شَسَاعَةٌ 1) узоқлик; кенглик, белоёнлик

– شِسْعٌ *кўп* أَشْسَاعٌ шиппак боғичи (ипи, тасмаси)

– شَسُوعٌ=شَاسِعٌ

– شَشْخَانَةٌ, شَشْخَانٌ ичи ўйилган ствол

– شَشْخَنَةٌ ўйма, ўйилган (*ствол*)

– مُشَشْخَنٌ ўймали, ичи ўйилган (*ствол ҳақида*)

شِشْمٌ кўзга суртиладиган малҳам (*дори*); сепки, сепиладиган дори

– شِشْمَةٌ *кўп* شِشَمٌ ҳожатхона

شِشْنِي *кўп.* شَشَانِي намуна, нусха; татим, татиб кўриш, синаб кўриш, синаш

– شَشْنْجِيٌّ*ўп.* شَشَنْجِيَّةٌ татиб кўрувчи, синаб кўрувчи

– شِصٌّ, شِصٌّ *кўп.* شُصُوصٌ балиқ тутадиган қармоқ

I **شَطَّ** (*а/и, у*) شَطٌّ, شُطُوطٌ 1) чегарадан чиқмоқ, ҳаддан ошмоқ; 2) (*н. дандир*) узоқ бўлмоқ, узоқлашмоқ, четлашмоқ (مِنْ); 3) (*бирор к. га нисбатан*) адолатсиз бўлмоқ (عَلَى); (*к. нидир*) хафа қилмоқ, сиқмоқ (عَلَى); IV أَشَطَّ ғоят аччиқланмоқ, тутаб (тутақиб) кетмоқ; VIII اشْتَطَّ 1) ҳаддан ошмоқ; ... وَ لَا أَشْتَطُّ إِذَا قُلْتُ ...деган тақдиримда ҳам ҳаддан ошмаган бўламан; (أَشْطَاطًا) شَطَطًا ~ كَبِيرًا (*н. дадир*) катта гуноҳ (хато) қилмоқ, ҳаддан ошишга йўл қўймоқ (فِي); 2) (*бирор к. га нисбатан*) адолатсиз бўлмоқ

– شَطٌّ[1] адолатсизлик кўрсатиш (қилиш); сиқиш, зулм қилиш

– شَطٌّ[2] соҳил, қирғоқ

– شَطَطٌ 1) гуноҳ, хато иш, айб; 2) ҳаддан ошиш, чегарадан чиқиш; керагидан ортиқчалик

– شَطَّةٌ қалампир, янчилмаган (бутун) қалампир, гармдори; ◊ ~ الْقَلَمِ жимжима, ғажак (*имзодаги*)

– شَطِيطَةٌ = شَطَّةٌ

(شطء) IV أَشْطَأَ шохламоқ, новда чиқармоқ

– شَاطِئٌ *кўп.* شَوَاطِئُ, شَطْآنٌ қирғоқ

– شَاطِئِيٌّ қирғоқдаги, қирғоққа оид

– شَطْءٌ[1] *кўп.* شُطُوءٌ = شَاطِئٌ

– شَطْءٌ[2] новда, шох; الزَّرْعِ ~ экиннинг новдаси; النَّبَاتِ ~ ўсимлик новдаси (шохи)

I **شَطَبَ** (*у*) شَطْبٌ 1) қисмларга (тасмаларга) ажратиб қирқмоқ; 2) ўчириб ташламоқ, бекор қилмоқ; 3) рўйхатдан чиқариб ташламоқ; الدَّعْوَى ~ (*суддаги, терговдаги*) ишни тўхтатмоқ; II شَطَّبَ 1) тасма қилмоқ, нақш қилмоқ; اللَّحْمَ ~ гўштни бўлтак-бўлтак (тасма-тасма) қилиб кесмоқ; 2) ўймоқ, чизмоқ, чуқурча қилмоқ; 3) кетма-кет ўчириб чиқмоқ; 4) (*н. нидир*) тугалламоқ, тамомламоқ, охирига етказмоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); (*н. нидир*) пардозламоқ, ошламоқ, (*н. гадир*) сўнгги ишловни бермоқ, битган ҳолатга келтирмоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); (عَلَى) الْحِسَابَ ~ *бухг.* ҳисоб-китобни бош бухгалтерга ўтказмоқ; 5) (*мол, товарни*) сотиб тугатмоқ, сотиб бўлмоқ

– تَشْطِيبٌ 1) бўлтак-бўлтак қилиб кесиш; 2) ўйма, чизиқ қилиш; 3) ўчириб ташлаш; 4) тугаллаш; охирги ишлов (пардоз) бериш; ~ الشُّقَقِ تَحْتَ الْـ охирги пардоз жараёнидаги квартиралар

– تَشْطِيبَاتٌ *кўп* охирги ишлов (пардозлаш) ишлари

– شَطْبٌ[1] 1) тасма-тасма қилиб кесиш; 2) ўчириб ташлаш; 3) рўйхатдан чиқариб ташлаш

– شَطْبٌ[2] баланд бўйли ва келишган

– مُشَطَّبٌ нақшланган

I **شَطَحَ** (*а*) شَطْحٌ 1) қочиб кетмоқ; кетмоқ; 2) (*қаердадир*) адашмоқ

(فِي) ... فِي اخْتِيَارِهِ ~ у ...ни танлашда иккиланди (тараддудланди); بِالْقَلَمِ ~ ёзмоқ, тез ёзмоқ

– شَطْحَةٌ *кўп.* شَطَحَاتٌ 1) сайр; экскурсия, 2) бир маромдан (мўътадилликдан) чиқиб кетиш; ҳушдан кетиш. ўзни унутиш; (*сўфийларда*) шатҳа (*ҳушдан кетиш, беҳуш бўлиш оқи*); إِلَى ~ шатҳага (беҳушликка) ғарқ бўлиш

I (شطر) **شَطَرَ** (*у*) شَطْرٌ 1) бўлмоқ, кесмоқ, иккига ажратиб кесиб ташламоқ; 2) (*н. дандир*) қутулмоқ, ажралмоқ (عَنْ); شَطَارَةٌ (*у*) айёр (эпли, чаққон) бўлмоқ; фаросатли (ақлли) бўлмоқ; III شَاطَرَ 1) (*к. гадир*) ҳамдард бўлмоқ; (*меҳнатини*) енгиллаштирмоқ, ҳамдардлик қилмоқ (билдирмоқ); 2) тақсим қилмоқ, бўлиб олмоқ, бўлишиб олмоқ, бўлишмоқ; V تَشَطَّرَ чаққонлик (эпчиллик) кўрсатмоқ; VII انْشَطَرَ тенг бўлинмоқ, икки қисмга бўлинмоқ

– انْشِطَارٌ бўлиниш; الْـ ~ وَ الْاِنْدِمَاجُ النَّوَوِيُّ *физ.* ядронинг парчаланиши ва синтези

– شَاطِرٌ *кўп.* شُطَّارٌ 1) чаққон, моҳир, эпли; 2) айёр; 3) фаросатли, ақлли

– شَطَارَةٌ 1) чаққонлик, моҳирлик, эпчиллик, санъаткорлилик; 2) айёрлик; 3) фаросатлилик, ақллилик

– شَطْرٌ *кўп.* أَشْطُرٌ, شُطُورٌ 1) (*бирор н. нинг*) ярми; қисм, парча; 2) томон, йўналиш; وَلَّيْنَا وُجُوهَنَا شَطْرَ الْجَنُوبِ *маж.* биз жануб томонга йўл олдик; 3) (*шеърдаги*) мисра; 4) (*туя*) эмчагининг бир жуфт сўрғичи; ◊ حَلَبَ الدَّهْرُ أَشْطُرَهُ у аччиқниям, чучукниям кўрган

– شَطِيرَةٌ *кўп.* شَطَائِرُ бурда, сандвич

– مُشَاطِرٌ қўшни; (*бирор ишда*) шерик

– مُشَاطَرَةٌ 1) бирга иштирок этиш, иштирок этиш, қатнашиш; 2) ҳамдардлик

شَطْرَنْجٌ, شَطْرَنْجٌ шахмат, шатранж; ~ أَحْجَارُ الـــ *ёки* قِطَعُ الـــ ~ шахмат доналари; ~ الـــ لَوْحَةُ (رُقْعَةُ) шахмат тахтаси; أُولَئِكَ الَّذِينَ يُحَرِّكُونَ قِطَعَ الـــ ~ а) шахмат доналари сураётганлар; а) *маж.* (*қандайдир*) яширин ниятни амалга оширувчилар; تَحَوَّلَ إِلَى بَيْدَقٍ فِي يَدِهِ ~ *кўч. м.* кимнингдир қўлида ўйинчоқ бўлмоқ

– شَطْرَنْجِيٌّ 1. шахматга оид; ~ـــةٌ وَضْعِيَّةٌ шахмат вазияти (позицияси); 2. шахматчи

I **شَطَفَ** (*у*) شَطْفٌ 1) ювмоқ, юбиб ташламоқ, (*ювилган кирни*) чайқамоқ, (*идишни*) чайқамоқ, чаймоқ; 2) синдириб (*ушатиб*) олмоқ; 3) рандаламоқ, тарашламоқ, йўнмоқ, *тех* қиррали қилиб тарашламоқ, йўнмоқ; II شَطَّفَ тозалаб ювмоқ

– شُطْفَةٌ *кўп* شُطَفٌ синиб чиққан парча; қирқиб олинган нарса; пайраҳа; 2) чақмоқтош парчаси

– مَشْطُوفٌ 1) ювилган, чайқалган; 2) қиррали қилинган, қийшайтириб қирраланган; ~ـــةٌ حَافَّةٌ фаска (*тиғи қийшайтириб чиқарилган асбоб*)

I-شَطَنَ (*у*) شَطْنٌ арғамчи (арқон) билан боғламоқ

– شَطَنٌ арғамчи, арқон

– شَطُونٌ 1) узоқ, узоқдаги; 2) чуқур

شَطَا Мисрдаги қишлоқнинг номи (*кийимлари билан машҳур*)

– شَطَوِيٌّ: ~ثِيَابُ Шатода тикилган кийим

I **شَطَّ** (*у*) شَطٌّ: ~ الْحَوَاشِيَ хуржун кўзидаги ёғочни тортиб қўймоқ; IV أَشَطَّ: ~ الْحَوَاشِيَ хуржуннинг кўзига эгри ёғоч киритиб қўймоқ

– شَطَاظٌ хуржуннинг кўзига киритиб қўйиладиган эгри ёғоч

– شَطَفٌ (*у*) شَطَافَةٌ оғир (қашшоқ) бўлмоқ (*ҳаёт ҳақида*)

I **شَظِيَ** (*а*) شَظًا синмоқ, парчаланиб кетмоқ, бўлакларга бўлиниб кетмоқ; II شَظَّى парчаламоқ, (пайраҳа қилиб) майдалаб ташламоқ; V تَشَظَّى =I

– تَشْظِيَةٌ пайраҳаларга ажратиш, пайраҳалаш

– شَظِيَّةٌ *кўп.* شَظَايَا1 (*снаряд*) парчаси; 2) пайраҳа; 3) *анат.* болдир (илик) суяги

I **شَعَّ** (*а/u*) شَعٌّ, شُعَاعٌ 1) тарқамоқ, тарқалмоқ; 2) нур тарқатмоқ, нурланмоқ; IV أَشَعَّ нур чиқармоқ, нур бермоқ; V تَشَعَّعَ нур чиқармоқ, нур бериб турмоқ

– إِشْعَاعٌ *кўп.* ـــاتٌ нурланиб туриш, нурланиш, нур чиқариш; радиация; ~ الـــ الذَّرِّيُّ атом радиацияси; (بِيتَا) ~ جَامَا гамма (бета) нурлари чиқариш; إِشْعَاعَاتُ الشَّمْسِ السِّينِيَّةُ қуёшнинг х- нурлар тарқатиши

– إِشْعَاعِيٌّ нурланувчи, нурланиб турган; нурли; ~ نَشَاطٌ *ёки* فَاعِلِيَّةٌ ~ـــةٌ радиоактивлик; ~ نَشَاط ذُو радиоактив, радиоактивликка оид; الْخَامَاتُ الـــ~ـــةُ радиоактив моддалар (хомашё); الْمَرَضُ الـــ~ нурланиш касаллиги

– إِشْعَاعِيَّةٌ радиоактивлик

– تَشَعُّعٌ нурланиш; радиация; ~ الـــ الشَّمْسِيُّ қуёш радиацияси

– شُعٌّ *кўп.* شِعَاعٌ1) нур; 2) ўргимчак уяси ва унинг ҳар толаси

– شُعَاعٌ *кўп.* أَشِعَّةٌ 1) нур; нур тасмаси; أَشِعَّةٌ رُونْتِجِين Рентген нурлари, أَشِعَّةٌ أَلْفَا وَ بِيتَا وَ جَامَا *ёки* أَشِعَّةٌ أَلْفِيَّةٌ وَبَائِيَّةٌ وَ جِيمِيَّةٌ алфа-, бета- ва гамма нурлари; الْأَشِعَّةُ الْكَوْنِيَّةُ космик нурлар; الْأَشِعَّةُ فَوْقَ الْبَنَفْسَجِيَّةِ инфрақизил нурлар; الْأَشِعَّةُ تَحْتَ الْحَمْرَاءِ ультрабинафша нурлар; الْمُعَالَجَةُ بِالْأَشِعَّةِ *мед.* радиотерапия; بَعَثَ الْأَمَلَ فِي نُفُوسِ النَّاسِ ~ *маж.* одамлар қалбида умид нурларини ёқмоқ; 2) (*ғилдиракдаги*) кегай; 3) қилтириқ, қилтаноқ (*бошоқдаги*); 4) радиус

– شَعَاعٌ тарқалиш; ёйилиш, сочилиш; تَطَايَرَتِ الشَّظَايَا ~ًا парчалар ҳар томонга сочилиб кетди; طَارَ قَلْبُهُ ~ًا унинг миясига ҳар хил фикрлар келиб кетди; ◊ (مِنَ الْخَوْفِ) طَارَتْ نَفْسُهُ ~ًا қаттиқ қўрқиб кетди, унинг жони ҳалқумига келди

– شَعَاعَةٌ фотография қилиш

– شُعَاعِيٌّ 1) нурга оид; ~ الـــ الْفَلَكِيُّ (عِلْمُ) радиоастрономия; الْمُرَاقِبُ الـــ~ الْفَلَكِيُّ радиоастроном; 2) шуъласимон; خُطُوطُ الْمِتْرُو الـــ~ـــةُ метронинг шуъласимон (ҳар томонга тарқалган) йўллари

– شُعَاعِيَّةٌ *астр.* нуркўприк

– مُشِعٌّ 1. нур чиқарувчи; радиоактив; الْمَوَادُّ الـــ~ـــةُ радиоактив моддалар; 2. *тех.* радиатор

I **شَعَبَ** (*а*) شَعْبٌ 1) бўлиб ташламоқ, ажратмоқ; 2) жамламоқ, бириктирмоқ; II شَعَّبَ шаҳобчалаштирмоқ; бўлмоқ, бўлимларга ажратмоқ; V تَشَعَّبَ 1) шаҳобчаланмоқ; бўлинмоқ; (*н. дандир*) тарқалмоқ, шаҳобча бўлиб чиқмоқ (عَنْ); 2) ҳар хил бўлмоқ (*мулоҳазалар ҳақида*); VII انْشَعَبَ шаҳобчаланмоқ; ажралиб чиқмоқ; VIII اشْتَعَبَ ҳар томонга йўналтирмоқ, айрилмоқ (*йўл ҳақида*)

– أَشْعَبِيٌّ бахил, хасис, зиқна, қурумсоқ; тамаъгир; الْمَطَامِعُ الـــ~ـــةُ тамаъгирликка интилиш, الْأَطْمَاعُ الـــ~ـــةُ тамаъгирлик истаклари

– تَشَعُّبٌ иккига ажралиш, шаҳобчаланиш, бўлиниш

– شَعْبٌ *кўп.* شُعُوبٌ 1) халқ, миллат; ~ حِزْبُ الـــ *тар.* Халқ партияси (*Мисрдаги сиёсий партиянинг номи*); 2) қабила

– شِعْبٌ *кўп.* شِعَابٌ 1) дара; 2) сувости тоши, риф

– شَعْبَانُ шаъбон (*қамарий тақвимнинг 8- ойи, 29 кун*)

– شُعْبَةٌ *кўп.* شُعَبٌ 1) соҳа; 2) шох, шаҳобча; *т. -й.* шаҳобча; 3) шуъба, бўлим; 4) *биол. бот.* тип, 5) тиш, тишча (*мас., арра, ғилдирак ва б. лардаги*); شُعَبُ الرِّئَة *анат.* бронхлар (*нафас йўллари*); اَلْتِهَابُ الشُّعَب *мед.* бронхит (*нафас йўлларининг яллиғланиши*)

– شَعْبِيٌّ халққа оид, миллий; ~ اَلْأَدَبُ الـــ халқ оғзаки ижоди, фольклор; ~ لاَ халққа қарши, ватанпарварликка карши; اَلسِّيَاسَةُ الـــةُ اللاَّ ~ халққа қарши сиёсат

– شُعَبِيٌّ бронхга (нафас олиш йўлларига) оид, бронхиал; اَلْتِهَابُ الـــ ~ *мед.* бронхит (*нафас олиш йўлларининг яллиғланиши*)

– شَعَبِيَّةٌ оммавийлик; ~ عَدَمُ оммавий бўлмаганлик; ~ يَتَمَتَّعُ بِالـــ у жуда шуҳратлидир, омма орасида жуда таниқли; ~ أَكْسَبَهُ هَذَا бу унга шуҳрат келтирди, бу уни халққа танитди

– شُعُوبِيٌّ 1) *тар.* шуъубия ҳаракатининг вакили (*қар.* شُعُوبِيَّةٌ); 2) космополитликка оид, миллийликка (ватанпарварликка) қарши бўлишга оид; 3. космополит, ватанпарвар бўлмаган одам

– شُعُوبِيَّةٌ 1) *тар.* шуъубия (*исломда бўлган халкларнинг тенглиги ҳақидаги ақидани ҳимоя қилувчи, арабларнинг мумтозлигини тан олмовчи ҳаракат*); 2) космополитизм, антинационализм, антипатриотизм

– مُنْشَعَبٌ ажралиш, айрилиш (*мас., йўл ҳақида*); иккига ажралиш, бўлиниш

شَعْبَذَ 1) шуъбадабозлик, фокуслар (кўзбойлағич) кўрсатмоқ; 2) айёрлик қилмоқ,. алдамоқ, алдамчилик қилмоқ

– شَعْبَذَةٌ 1) шуъбадабозлик қилиш, фокус кўрсатиш; 2) ёлғончилик, алдамчилик, айёрлик, мўлтонилик

– شَعْبَطَ кўтарилмоқ, тирмашмоқ; تَشَعْبَطَ 1) кўтарилмоқ, осилмоқ, осилиб олмоқ (*мас., трамвай зинапоясига*)

– تَشَعْبُطٌ осилиб олиш (*мас., трамвай зинапоясига*)

– شَعْبَطَةٌ кўтарилиш, (*юқорига*) чиқиш

I **شَعَثَ** (*а*) شَعَثٌ, شُعُوثَةٌ 1) пахмайган (ҳурпайган, диккайган) бўлмоқ (*соч ҳақида*); 2) сочилиб ётган бўлмоқ, бетартиб ҳолда бўлмоқ; II شَعَّثَ 1) пахмайтирмоқ, ҳурпайтирмоқ, диккайтирмоқ (*соч ҳақида*); 2) сочиб ташламоқ, тарқатмоқ, сочмоқ, V تَشَعَّثَ 1) сочилиб тарқалмоқ; сочилиб кетмоқ; 2) тартибсиз ҳолга келмоқ

– أَشْعَثُ *мн.* شُعْثَاءُ *кўп.* شُعْثٌ1) ҳурпайтирилган, тўзғитилган, пахмайтирилган (*соч ҳақида*) 2) сочиб ташланган, сочилиб ётган

– شَعَثٌ сочиб ташланганлик, сочилиб ётганлик; 2) бир-биридан ажралганлик, бирлашмаганлик; ~ لَمَّ ـــهُمْ бирлаштирмоқ, бир ерга тўпламоқ

– شَعِثٌ 1) ҳурпайган, пахмайган, тўзғиган (*соч ҳақида*); 2) тартибсиз, бетартиб ҳолда турган

I **شَعَرَ** (*у*) شُعُورٌ (*н. нидир*) ҳис қилмоқ, сезмоқ, қабул қилмоқ (ب); ~ مَا (لَمْ يَشْعُرْ) إِلاَّ وَ ... у ҳис қилишга улгурмасданоқ; ва кутилмаганда ...; 2) (*н. нидир*) фаҳмламоқ, билмоқ, тушунмоқ, сезмоқ (ب); ◊ شِعْرًا ~ шеър ёзмоқ; III شَاعَرَ мушоира қилмоқ; IV أَشْعَرَ 1) (*н. нидир*) ҳис қилдирмоқ, сездирмоқ, туйдирмоқ (ب); 2) (*н. нидир*) билдирмоқ, хабар қилмоқ; хабардор қилмоқ, маълум қилмоқ (ب); اَلْهَدْيَ ~ қурбонлик қилинган туянинг ўнг томонидан қон оқизиб унинг қурбонликка аталганлигини белгиламоқ; V تَشَعَّرَ сочи ўсмоқ; VI تَشَاعَرَ ўзини шоир деб ҳисобламоқ (фаҳмламоқ, билмоқ); X اسْتَشْعَرَ 1) ҳис қилмоқ, туймоқ; 2) фаҳмлаб қолмоқ; деб билмоқ; билиб қолмоқ

– إِشْعَارٌ *кўп.* اتٌ ـــ хабар қилиш, маълум қилиш

– أَشْعَرُ *мн.* شَعْرَاءُ *кўп.* شُعْرٌ жун (тук) босган, жун (тук)ли

– شَاعِرٌ *кўп.* شُعَرَاءُ 1) шоир; اَلشُّعَرَاءُ الرُّحَّلُ сайёр (*кезиб юрувчи*) шоирлар; ~ اَلْقُطْرَيْنِ икки мамлакат шоири (*шоир Халил Мутроннинг унвони*); 2) ҳикоячи, ҳикоя қилувчи (айтувчи)

– شَاعِرَةٌ *кўп.* شَوَاعِرُ шоира

– شَاعِرِيٌّ шеърий, шоирга оид, шоирона

– شَاعِرِيَّةٌ 1) шоирлик иқтидори; 2) шоироналик

– شِعَارٌ *кўп.* اتٌ ـــ, أَشْعِرَةٌ 1) шиор; чақириқ; ~ اَلْجَبْهَةِ الْمُتَّحِدَةِ бирлашган жабҳа (фронт) шиори; 2) тамға, белги; марка; герб, эмблема; 3) *эск.* кўйлак

– شِعْرٌ *кўп.* أَشْعَارٌ шеър, шеърият, поэзия; ~ غِنَائِيٌّ лирик шеърият; ~ قَصَصِيٌّ эпик шеърият; ~ حُرٌّ эркин шеър; ~ رَبَّةُ الـــ *ёки* ~ عَرُوسُ الـــ илҳом париси (*муза*); ◊ لَيْتَ ~ ـِي о, билганимда эди!

– شَعْرٌ, شَعَرٌ *жам. кўп.* شُعُورٌ соч; ~ مُسْتَعَارٌ *ёки* ~ عَارٍ ясама соч; парик; ~ حِصَانٌ от қили; ~ خَشِنٌ *ёки* ~ حَلُوفٌ қаттиқ тук

– شَعْرَاءُ дарахтлар

– أَشْعَرُ = شَعْرَانِيٌّ

– شَعَرَةٌ *кўп.* شَعَرَاتٌ 1) соч донаси, қил; 2) тола; ~ اَلْقُطْنِ пахта толаси; ~ اَلْأَرْضِ *бот.* ерсоч (*қирққулоқлар оиласига кирувчи ўсимлик -Adiantum capillus veneris*); ~ اَلْعَيْنِ *мед.* трихиазис (*кўз касалликларидан бири*); ◊ خَرَجَ مِثْلَ الـــ ~ مِنَ الْعَجِينِ сувдан қуруқ чиқмоқ; ~ تَعَلَّقَ بِـــ омонат турмоқ

– شُعْرُورٌ *кўп.* شَعَارِيرُ ночор (кучсиз) шоир, бемаъни шоир, бемаъни шеър тўқувчи

– شِعْرَى: ~ اَلْيَمَانِيَّةُ *ёки* ~ الـــ *астр.* Сириус; ~ اَلشَّامِيَّةُ الـــ *астр.* Просион

– شِعْرِيٌّ шеърий, шеърга оид; шеъриятга оид

– شَعْرِيٌّ 1) жунли, тукли; 2) капиллярга оид; اَلْأَوْعِيَةُ الـــةُ капилляр томирлар

– شَعْرِيَّةٌ[1] капиллярлик

– شَعْرِيَّةٌ[2] *кўп.* ادٌ ـــ тўр. панжара; ёғоч (*чий*) дарпарда; ◊ مِيزَانُ ~ الـــ аптека (*шунингдек,* заргарлик) тарозиси

– شَعْرِيَّةٌ вермишель (*майда макарон тури*)

– شُعُورٌ 1) шуур, сезги, ҳис; 2) ички кечинма; 3) онг, акл; ~ بِ... онгли равишда; ~ اللَّا ғайришуурийлик, ҳали ўйлаб етилмаганлик; ~ الْأَدَبِ одоб; ~ الْوَطَنِيَّةِ ватанпарварлик; патриотизм; ~ عَلَى عَلَى ҳушини йўқотиш; ~ فَقَدَ الْوَعْيِ ҳақиқат туйғусини йўқотмоқ; 4) туйғу, сезги, ҳиссиётлилик; ~ بِلَا شُعُورٍ сезгисиз, туйғусиз, ҳиссиз; ◊ أُمُّ الشُّعُورِ *зоол.* меҳнунтол

– شَعُرَ 1) туйғуга (ҳушга) оид; онгли; ~ لَا а) онгсиз; б) ғайришуурийликка оид; 2) ҳиссиётли, таъсирланувчи

– شُعُورِيَّةٌ ҳиссиётлилик, таъсирчанлик

– شَعِيرٌ *жам.* арпа; لُؤْلُؤِيٌّ ~ арпа ёрмаси; الْأُرْزُ الشَّ~ шоли қипиғи; مُحَمَّصُ لِصُنْعِ الْبِيرَةِ ~ *ёки* الْبِيرَا ~ *ёки* مُنَبَّتُ ~ ундириб янчилган арпа ёки бўғдой; بُلْبُلُ الشَّ~ *зоол.* деҳончумчуқ

– شَعِيرَةٌ¹ *кўп.* ات ـــ 1) бир дона арпа; 2) *шунингдек:* ~ الْحَنَشِ гоеимичҳз; 3) мушка, қоравул (*отиш қуролларидаги нишонга уриш мосламаси*)

– شَعِيرَةٌ² *кўп.* شَعَائِرُ маросим; دِينِيَّةٌ ~ диний маросим; شَعَائِرُ الْحَجِّ ҳаж маросими; إِقَامَةُ الشَّعَائِرِ маросимларнинг адо этилиши (бажарилиши)

– شُعَيْرَةٌ *кўп.* ات ـــ 1) қил (тук); 2) ип (*электр лампаси ичидаги*)

– شَعْبِيَّةٌ = شَعْبِيَّةٌ

– شُعُورٌ = شُوَيْعِرٌ

– مُشَاعَرَةٌ мушоара

– مَشْعَرٌ *кўп* مَشَاعِرُ 1) ҳис, туйғу: تَلَقَّى هَذَا الْخَبَرَ بِمَشَاعِرِ الْفَرَحِ وَ الْاِبْتِهَاجِ у бу янгиликни катта хурсандлик ва шодлик билан қабул қилди; 2) (*ҳаж мавсумида бажариладиган*) маросим

– مَشْعُورٌ 1) сезиладиган, ҳис қилинадиган; 2) дарғали, дарғ кетган (*идиш ҳақида*), 3) *шунингдек* ~ عَقْلٍ ақлдан озган, ақлига дарғ кетган

– شَعْشَعَ 1) ялтирамоқ, ялтилламоқ; 2) (*май, винога*) сув қўшмоқ, сув аралаштирмоқ

– شَعْشَعَةٌ 1) ялтираш; 2) (*май винога*) сув қўшиш, сув аралаштириш; 3) енгил маст (кайф) бўлиш

– مُشَعْشَعٌ 1) сув қўшилган, сув аралаштирилган (*май, вино ҳақида*), 2) енгил маст (кайф) бўлган

I شَعَطَ (*а*) شَعْطٌ қуйдирмоқ, пиширмоқ (*мас., гиштни*)

– شَعْطَةٌ жиғилдон қайнаши

I شَعِفَ (*а*) شَعَفٌ (*к. гадир*) муҳаббат қўйган бўлмоқ (*б*)

– شَعَفَةٌ *кўп* شَعَافٌ, شُعُوفٌ чўққи, энг баланд жой, уч; ~ الْجَبَلِ тоғ чўққиси; ~ الرَّأْسِ (*бирор н. нинг*) учи, боши, энг тепаси (учи)

I شَعَلَ (*а*) شَعْلٌ ёқмоқ, ўт ёқмоқ; II شَعَّلَ ёқмоқ, алангалатмоқ, шуълалантирмоқ; IV أَشْعَلَ ёқмоқ, ёндирмоқ, алангалатмоқ, шуълалантирмоқ, (سِيجَارَةً) كِبْرِيتَهُ ~ гугурт донасини (папиросни сигаретани) ишлатмоқ, ёндирмоқ النَّارَ ~ ўт ёмоқ; النَّارَ ~ ... (النِّيرَانَ) ниманидир ёқиб юбормоқ ◊ نِيرَانَ الْحَرْبِ ~ уруш оловини ёқмоқ, النَّارَ ~ исён кўтармоқ, VIII اشْتَعَلَ алангаланмоқ, ёнмоқ, ◊ ~ ғазаб билан ёнмоқ, ғазаб ўтида ёнмоқ, ~ بِأَمْرٍ ғоят оқармоқ

– اشْتِعَالٌ ёниш, ёниб битиш, алангаланиш; ~ الْـ қابِلُ алангa олувчи, ёнувчи

– إِشْعَالٌ ёқиш, ёндириш; ... النَّارِ فِي ~ (*бирор н. ни*) ёқиб юбориш

– أَشْعَلُ *мн.* شُعْلَاءُ *кўп.* شُعْلٌ 1) қизғиш кўзли, кўзи қизғиш; 2) пешонасида (энсасида ёки думида) оқ қашқаси (холи) бор (*от, каптар ҳақида*)

– شُعْلَةٌ *кўп.* شُعَلٌ 1) аланга; 2) сўхта ўтин, чала куюк; 3) машъала; 4) газ ўчоғининг горелкаси, конфоркаси

– مَشْعَلِيَّةٌ *кўп.* مَشَاعِلِيَّةٌ 1) машъал кўтариб юрувчи; 2) жаллод

– مِشْعَالٌ *кўп.* مَشَاعِيلُ машъала, машъал

– مَشْعَلٌ, مَشْعَلَةٌ *кўп.* مَشَاعِلُ машъал, машъала; чироқ

– مُشْعِلٌ 1. ўт (олов) ёқадиган; 2. ўт (олов) ёқувчи; مُشْعِلُو نِيرَانِ الْحَرْبِ уруш оловини ёқувчилар

– شَعْلِيلَاتٌ, شَعَالِيلُ *кўп* شَعْلَلَةٌ гулхан

– شَعْلَلَةٌ = شَعْيْلَةٌ, شَعْلَيْلَةٌ

**شَعْلَقَ осмоқ, осиб қўймоқ; تَشَعْلَقَ чиқмоқ, чиқиб олмоқ; осилмоқ, осилиб турмоқ**

– شَعْنُونٌ *кўп.* شَعَانِينُ енги ғабиат; ақли пастроқ, нодоннамо

– شَعْنِينَةٌ *кўп.* شَعَانِينُ хурмо шохи (новдаси); ◊ عِيدُ الشَّعَانِينِ *ёки* أَحَدُ الشَّعَانِينِ *дин* христианларда пасхадан бир ҳафта олдинги якшанба куни ўтказиладиган байрам маросими (*евангелиядаги воқеа ҳам деб ўтилади*)

– شَعْوَاءُ қатъиятли, ғазабнок; қирғин келтирувчи, қирғинли; حَرْبٌ ~ қонли (қирғин) уруш, ~ حَمْلَةٌ ғазабнок ҳамла (ҳужум), ~ غَارَةٌ қирғин келтирувчи ҳужум, ғоратли босқин

– شَعْوَذَ шуъбадабоз қилмоқ, фокус кўрсатмоқ, кўзбўямачилик қилмоқ; жонглёрлик қилмоқ

– شَعْوَذَةٌ 1) шуъбадабозлик, фокусчилик, жонглёрлик қилиш; 2) алдамчилик, лўттибозлик

– مُشَعْوِذٌ1) шуъбадабозлик, фокусчи; жонглёр; 2) алдамчи, лўттибоз

– شَعْوَطَ = شَعْطَ

I شَغَبَ (*а*) شَغَبٌ 1) ғалаён уруғини сепмоқ, аччиқлантирмоқ; 2) шовқин кўтармоқ, бақирмоқ, қичқирмоқ; III شَاغَبَ ғалаён уруғини сепмоқ, норозилик келтириб чиқармоқ; (*к. гадир қарши*) исён кўтармоқ (عَلَى)

– شَغَّابٌ ғалаён (жанжал) чиқарувчи одам; исенчи

– شَغَبٌ ғалаён; 2) шовқин, шовқин-сурон; бетартиблик; муштлашув; ~ أَحْدَثَ شَغَبًا шовқин-сурон кўтармоқ

– شَغْوَبٌ ғалаён (жанжал) чиқарувчи одам, жанжалчи

– شَغَابٌ = مُشَاغَبٌ

– مُشَاغَبَةٌ 1) ғалаён; уруш-жанжал, 2) тартибсизлик; 3) обструкция (*шовқин-сурон кўтариб онгли равишда атайлаб бирор тадбирни бузишга ёки тўхтатишга мўлжалланган ҳаракат*)

شَغَفٌ пастнавли гўшт

I شَغَرَ (*у*) شَغْرٌ бўш (банд қилинмаган, вакант) бўлмоқ (*лавозим ҳақида*); شَغَرَ (*а*) شَغَرٌ бўш (холи) бўлмоқ, ҳеч ким йўқ бўлмоқ

– شَاغِرٌ 1. бўш, банд қилинмаган, вакант; ~ وَظِيفَةٌ бўш (вакант) лавозим; 2. *кўп.* شَوَاغِرُ бўш ўрин, бўш лавозим

– شَاغُورٌ *кўп.* شَوَاغِيرُ поғонали шаршара, шаршара, шалола

– شَغَارٌ *жоҳилият давридаги никоҳнинг бир тури*

– شُغُورٌ бўш ўрин, вакансия

– شَغْرَبَ оёқдан чалмоқ

– شَغْرَبَةٌ (*к. нигэдир*) оёгини оёқ билан чалиш

– شَغْرَبِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ оёқдан чалиш

– شَغْرَبَ = شَغْرَبَ

I (شغف) شَغَفَ (*а*) شَغَفٌ эҳтирос билан севмоқ, (*бирор н. га*) қизиқмоқ (ب); شُغِفَ بِهِ *мажх.* кимнидир эҳтирос билан севган бўлмоқ; شَغَفَ (*а*) شَغَفٌ эгаллаб олмоқ, бутунлай ўраб олмоқ (*севги ҳақида*) ~ جَمَالُهَا كَثِيرِينَ حُبًّا у қизнинг ажоиб ҳаммани асир қилган эди; ~ـــهُ حُبُّ التَّعَلُّمِ ўқишга бўлган муҳаббат уни эгаллаб (ўраб) олди; VII اِنْشَغَفَ (*к. гадир*) ошиқ бўлмоқ, (*н. гадир*) қизиқмоқ

– شَغَافٌ *анат.* юрак олдидаги халта, перикард; ◊ ~ (مَسَّ) لَمَسَ الْأَفْئِدَةَ юракларни эгалламоқ (забт қилмоқ) (*нутқ, сўз ва б. лар ҳақида*)

– شُغَافٌ перикардит (*юрак касаллиги*)

– شَغَفٌ 1) ишқ, муҳаббат, эҳтирос, кучли қизиқиш; 2) *анат.* перикард, юрак олдидаги халта; ~ الْحَوِّ ҳаво қобиғи

– شَغُوفٌ (*к. нидир. н. нидир*) севадиган,, (*к. билэндир, н. билэндир*) қизиққан (ب); بِالْحُرِّيَّةِ ~ эрксевар

– مَشْغُوفٌ (*к. гадир. н. гадир*) эҳтиросли муҳаббат қўйган; (*к. билэндир, н. билэндир*) қизиққан (ب)

I شَغَلَ (*а*) شُغْلٌ, شَغْلٌ 1) эгалламоқ (*бинони, жойни, лавозимни*); 2) (*қандайдир*) ишни (машғулотни) топширмоқ (*бермоқ*); (*бирор иш билан*) банд қилмоқ; نَفْسَهُ ~ ўзини (*бирор н. билан*) банд қилмоқ (ب); 3) безовта қилмоқ; الْبَالَ ~ ақлни (фикрни) банд (безовта) қилмоқ (эгалламоқ); بَالَ الرَّأْيِ الْعَامَّ ~ омма фикрини эгалламоқ (банд қилмоқ); 4) (*н. дандир*) четга тортмоқ (عَنْ); (*н. гадир н. билэндир*) халақит бермоқ, тўсқинлик қилмоқ (عَنْ ,ب); II شَغَّلَ (*н. нигэдир*) устида ишлатишга жалб қилмоқ (ب); (*қандайдир*) иш (машғулот) бермоқ; ишга жойлаб қўймоқ; 2) ишга солмоқ (*мас. фабрикани*), ҳаракатга келтирмоқ (*мас. машинани*); 3) (*н. гадир. мас. маблағни*) ишлатмоқ, солмоқ (في); 4) фойдаланмоқ, эксплуатация қилмоқ (*мас. машинани*); 5) қайта ишламоқ; ~ الْحَطَبَ ёғочни қайта ишламоқ; III شَاغَلَ вазифа бермоқ, банд қилмоқ, (*гўдакни н. билэндир*) банд қилиб ўйнатиб турмоқ (ب), IV أَشْغَلَ 1) (*жойни*) эгалламоқ; 2) (*қандайдир*) иш (машғулот) топширмоқ; 3) (*н. дандир*) четга тортмоқ (عَنْ); VI تَشَاغَلَ 1) (*н. билэндир*) машғул бўлмоқ (ب); (*н. дандир*) фикри бошқа нарсага тортилмоқ (عَنْ); 2) ўзини (*н. билэндир*) машғул бўлгандай қилиб кўрсатмоқ (ب); (*н. дир*) қилаётгандай этиб кўрсатмоқ (ب); VII اِنْشَغَلَ 1) (*бирор н. билан*) машғул бўлмоқ, шуғулланмоқ (ب); 2) (*н. билэндир, н. дандир*) фикрни четга тортган бўлмоқ (ب ,عَنْ). 3) (*н. дандир*) четланиб, (*н. билэндир*) банд бўлмоқ (عَنْ ,ب); VIII اِشْتَغَلَ 1) банд бўлмоқ; (*н. билэндир*) машғул бўлмоқ 2) ишлаётган, ҳаракатланаётган бўлмоқ (*машина ҳақида*); 3) (*н. дандир*) фикрни четлатиб, (*н. билэндир*) банд бўлмоқ (عَنْ ,ب), بِاللهِ ~ ташвишланмоқ

– اِشْتِغَالٌ 1) бандлик, машғуллик, 2) (*машина*) иш, ҳаракатга келтирилган бўлмоқ

– شَغَّالٌ 1. кўп машғул бўлувчи, жуда банд; ҳаракатчан, ғайратли; 2. *кўп.* شَغَّالَةٌ, شَغَّالُونَ ишчи асаларилар; النَّحْلُ الـ~ـةُ ишчи асаларилар

– شُغْلٌ, شُغُلٌ *кўп.* أَشْغَالٌ машғулот, иш; وِزَارَةُ الْأَشْغَالِ الْعَامَّة ижтимоий ишлар вазирлиги; الـ~ـ الشَّاغِل *қар.* أَشْغَالٌ شَاقَّةٌ каторга ишлари, қийин (оғир) ишлар; كَانَ فِي ~ бирор нарса билан машғул бўлмоқ; أَلْزَمْ ~كَ! бошқанинг ишига аралашма! (бурнингни, тумшуғингни тиқма) ... ب

– شُغْلَانَةٌ иш, машғулот

– شَغْلَةٌ *кўп.* اتٌ — иш, машғулот

– شَغُولٌ меҳнатсевар

– شَغِّيلٌ *кўп.* شَغِّيلَةٌ ишчи, меҳнаткаш, ходим, хизматчи, хизматкор

– مَشْغَلٌ *кўп.* مَشَاغِلُ 1) иш, машғулот; 2) ишхона, корхона; цех; ~ мартен цехи; أَفْرَانِ مَرْتَانَ ~ السَّبَاكَة қуюв цехи; ~ مِيكَانِيكِيٌّ механика цехи

– مَشْغَلَةٌ *кўп.* مَشَاغِلُ иш, машғулот

– مَشْغُولٌ 1) машғул, банд, шуғулланаётган; ~ لِحَدِّ الرَّأْسِ бўғзигача ишга ботган, иши бошидан ошиб ётган; ~ الْبَال (النَّفْس) (*бирор н. билан*) банд бўлган, ташвишланган; ташвиш чекаётган; 2) болғаланган; ~ حَدِيدٌ болғаланган темир; прокат

– مَشْغُولَاتٌ *кўп.* мол, ясалган нарса, буюм

– مَشْغُولِيَّةٌ машғуллик, бандлик; 2) ташвишлилик; жонсараклик

I شَغَا (شغو) (*у*) شُغُوٌّ ва شَغِيَ (*а*) شَغًا: تْ سِنُّهُ ~ бир тиши бошқа тишларига қараганда ўсиб кетмоқ; IV أَشْغَى : فِي أَمْرِهِ ~ унинг масаласида ихтилоф пайдо бўлди

– أَشْغَى *мн.* شَغْوَاءُ *ёки* شَغْيَاءُ *кўп.* شُغْوٌ бир тиши бошқаларидан ўсиб кетган (*одам*)

I شَفَّ (*а/и*) شُفُوفٌ 1) юпқа (шаффоф) бўлмоқ, ёруғлик ўтказмоқ; 2) (*н. нигадир орасидан*) кўрмоқ, кўринмоқ (عَنْ); 3) кўрсатмоқ, намоён қилмоқ; شَفَّ (*у*) شَفٌّ ориқлатмоқ, нимжон қилмоқ; ~ـهُ الْهَمُّ ғам уни беҳол қилди, ғам уни эгиб қўйди; II شَفَّفَ юпқа (шаффоф) қилмоқ; VIII اشْتَفَّ: الْإِنَاءَ ~ охиригача (*ҳеч қолдирмай*) ичмоқ; X اسْتَشَفَّ 1) (*н. нигадир орасидан*) кўрмоқ; 2) (*сирни*) билиб олмоқ, олдиндан билмоқ (кўрмоқ)

– اسْتِشْفَافٌ 1) (*бирор н. орасидан*) кўриш; 2) (*сирни*) билиб олиш; олдиндан кўриш; зийраклик

– اشْتِفَافٌ идишнинг тагигача (охиригача) ичиш, симириш, сипқариш

– شَفٌّ, شِفٌّ *кўп.* شُفُوفٌ шаффоф мато; газ

– شَفَّافٌ 1. шаффоф, нур ўтказувчи; юпқа; ~ شِبْهُ ярим шаффоф; 2. *шунингдек:* ~ وَرَقٌ шаффоф қоғоз, калька

– شُفَافَةٌ қолдиқ (*ичимликники*)

– شَفَافِيَّةٌ шаффофлик; нафислик, тўрсимонлик

– شَفَايِفُ кўп, *халқ.* лаблар (*қар.* شَفَةٌ); ~ قَلَمُ الـ~ـ лаб бўёғи

– شُفُوفٌ, شَفَفٌ шаффофлик, юпқалик

– شَفُوفَةٌ вуал (*аёллар юзига ёпиб юришадиган тўр парда*)

– شَفِيفٌ шаффоф, нур ўтказувчи; тўрсимон

– شِفْتٌ *кўп.* شُفُوتٌ 1) қисқич; 2) пинцет (*тиббиётдаги қисқич*)

– شَفْتَرَ лабларни чўччайтирмоқ; (*н. гадир*) лаб чўччайтирмоқ, хафа бўлмоқ

– شَفْتُورَةٌ *кўп.* شَفَاتِيرُ (*пастки*) қалин лаб

– مُشَفْتَرٌ лаблари қалин, қалин лабли

– شَفْتَشِيٌّ заргарлик (нозик ишланган) буюмлар

I شَفَرَ (*и*) شَفْرٌ сўкмоқ, танбеҳ (дакки) бермоқ

– شَفْرٌ, شُفْرٌ, شِفَارٌ *кўп.* أَشْفَارٌ 1) чегара, охир; чек, чекка, борт; ~ الْعَيْنِ қовоқнинг ички четлари; 2) *анат.* аёл аврати лаблари

– شِفْرَةٌ=شَفْرٌ

– شَفْرَةٌ *кўп.* شَفَرَاتٌ, شِفَارٌ 1) тиғ, дам; 2) ханжар; катта пичоқ

– شِفْرَةٌ шифр (*яширин ёзув*); مِفْتَاحُ الـ~ـ шифр калити (очқичи); بَرْقِيَّةٌ الـ~ـ шифрли телеграмма; خَبَرُ الـ~ـ шифрланган ахборот

– شِفْرِيٌّ шифрланган

– شَفِيرٌ *кўп.* أَشْفَارٌ (*бирор н. нинг*) чети, охири; чекка; ~ الْجَفْنِ (кўз) қовоқлари чети; ~ عَلَى حَرْبٌ مُدَمِّرَةٌ вайронгарчилик келтирувчи уруш арафасида; وَقَفَ عَلَى ~ الْهَاوِيَةِ жарлик ёқасида турмоқ

– مِشْفَرٌ *кўп.* مَشَافِرُ лаб (*ҳайвондаги*)

– شَفْشَفَ қуритмоқ, қоқлаб қўймоқ (*касал, иссиқлик ва б. ҳақида*); ~ الضَّرْعَ сут соғмоқ

– شَفْشَفَةٌ қурутиш, қоқ қилиб қўйиш

– شَفْشَقٌ *кўп.* شَفَاشِقُ графин

I شَفَطَ (*и*) شَفْطٌ сўрмоқ, эммоқ; ичга тортмоқ; сўриб олмоқ; (*н. нигадир ичидан*) сўриб олмоқ (مِنْ); II شَفَّطَ = I; VII انْشَفَطَ сўрилмоқ

– شَفَّاطَةٌ *кўп.* اتٌ — сифон; ~ الْغُبَارِ чангютгич, пилесос

– شَفْطَةٌ *кўп.* اتٌ — сўриш, эмиш; кичик ҳўплам; ~ شَرِبَ الْقَهْوَةَ қаҳвани кичик ҳўплам билан ичмоқ, қаҳвани сўриб ичмоқ

I شَفَعَ[1] (شفع) (*а*) شَفَاعَةٌ 1) (*к. нидир*) ҳимоя қилмоқ, тарафини олмоқ (لِـ); 2) *юр.* бошқаларга нисбатан имтиёзи бўлгани ҳолда сотиб олмоқ; شَفَعَ[2] (*а*) شَفْعٌ 1) (*н. биландир*) кузатиб бормоқ (ب); 2) жуфтламоқ, жуфт қилмоқ; كَانَ وَتْرًا فَـ~ـهُ زَيْدٌ Зайд уни жуфт қилди; II شَفَّعَ шафоат қилмоқ, қўлламоқ; V تَشَفَّعَ (*к. учундир*) сўрамоқ, илтимос қилмоқ, ҳаракат қилмоқ (لِـ); X اسْتَشْفَعَ: 1)

кимнингдир тарафини олмоқ (ـــلِ); 2) шафоат сўрамоқ, раҳм-шафқат (ҳимоя) сўрамоқ

– شَافِعٌ 1) шафе, ҳомий, ҳимоя қилувчи, ўртада турувчи; 2) совлиғ қўзичоғи билан

– شَافِعَةٌ ҳомий оёл, ҳимоя қилувчи аёл; ◊ ~ لاَ تَشْفَعُ بِهِمْ уларга энди ҳеч нарса ёрдам қилолмайди

– شَافِعِيٌّ *кўп.* شَافِعِيَّةٌ *дин.* 1. шофиийликка оид; 2. шофиий (*имом Шофиий мазҳабига мансуб киши*)

– شَفَاعَةٌ шафоат, ҳимоя қилиш; далолат қилиш

– شَفْعٌ *кўп.* أَشْفَاعٌ жўра; жуфт, жуфт сон

– شَفَعٌ *мед.* диплопия (*бир нарсани иккита қилиб кўрсатадиган кўз касаллиги*)

– شُفْعَةٌ *шунингдек:* ~ حَقُّ الـــ *юр.* сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи

– شَفْعِيٌّ жуфтга оид; жуфт (*сон*)

– شَفِيعٌ *кўп.* شُفَعَاءُ ҳомий, тарафдор; **ҳимоячи, шафиь, воситачи**

I **شَفَقَ** (*а*) شَفَقٌ (*к. гадир*) ҳамдард **бўлмоқ, (*к. гадир*)** раҳм (шафқат) қилмоқ (عَلَى); IV أَشْفَقَ (*к. гадир*) **раҳм (шафқат) қилмоқ,** ҳамдард бўлмоқ (عَلَى); (*к. гадир*) ҳамдардлик **билдирмоқ (عَلَى);** 2) (*к. учундир*) хатарнок бўлмоқ (عَلَى); (*к. дандир, н. дандир*) **қўрқмоқ;** (*бирор н. олдида*) қўрқувда турмоқ, қўрқув босмоқ (مِنْ)

– إِشْفَاقٌ 1) раҳм, шафқат, шафқат кўрсатиш; 2) хавф-хатар

– شَفَقٌ 1) ғира-шира пайт; 2) **шафақ** (*кечкиси*); ◊ الـــ الْقُطْبِيُّ (الشِّمَالِيُّ) қутб (шимол) ёғдуси; الـــ الْجَنُوبِيُّ жануб ёғдуси

– شَفَقَةٌ ачиниш, раҳм-шафқат (*қилиш*); раҳмдиллик; ~ عَدِيمُ الـــ шафқатсиз; أَخَذَتْهُ الـــ عَلَيْهَا унга (*мн,*) унинг раҳми келди

– شَفُوقٌ, شَفِيقٌ шафиқ, шафқатли, раҳмдил

I **شَفَنَ** (*и*) شُفُونٌ **кўз** қири билан қарамоқ, ер остидан қарамоқ

– شَفْنِينٌ *кўп.* شَفَانِينُ *зоол.* 1) *шунингдек:* بَحْرِيٌّ ~ скат (*думи ингичка, япалоқ денгиз балиғи*); 2) мусича

(شفه) III شَافَهَ (*к. биландир*) суҳбатлашмоқ, гаплашмоқ (*туш.к.*)

– شَفَاهٌ сўзлашув, гаплашув, суҳбат; ~ **оғзаки,** сўз билан

– شَفَاهِيٌّ оғзаки, сўзга оид; ~ **оғзаки,** сўз билан, сўзда

– شَفَةٌ *кўп.* شِفَاهٌ, شَفَوَاتٌ, شَفَهَاتٌ *халқ.* شَفَايِفُ 1) **лаб;** 2) чет, чегара, охир, милқ, қирғоқ; ◊ ~ الثَّوْرِ *бот.* наврўзгул; ~ بِنْتُ الـــ сўз; ~ مَاءُ الـــ ичимлик суви; ~ عَلَى كُلِّ هَذَا бу ҳамманинг оғзида (гап-сўз бўлиб кетган)

– شَفَوِيٌّ, شَفْهِيٌّ 1) **оғзаки,** сўзга оид; ~ **оғзаки,** сўз билан, сўзда; 2) оғзаки (*мас., нота*); 3) лабланган; الْحُرُوفُ الـــةُ *фон.* лабланган ундошлар

– مُشَافَهَةٌ **оғзаки** нутқ; суҳбат, гаплашиш; ~ **оғзаки,** сўз билан

(شفو) IV أَشْفَى 1) (*бирор н. нинг*) четида (*охирида*) **бўлмоқ,** (*н. гадир*) яқин бўлмоқ (عَلَى); ~ عَلَى الْغَرَقِ **у чўкиб кетай деди,** унинг чўкиб кетишига (ғарқ бўлишига) озгина қолди; ~ عَلَى الْيَأْسِ умидсизликка (чорасизликка) етиб келмоқ, чорасиз аҳволга **тушиб қолмоқ** 2) (*к. нидир н. нингдир*) охирига келтирмоқ **(олиб келмоқ,** етказмоқ) (بِ, عَلَى); ~ـــهُ عَلَى الْمَجَاعَةِ кимнидир очлик **эълон** қилишгача олиб келмоқ

– شَفَا *кўп.* أَشْفَاءٌ чегара, охир; (الْكَارِثَةِ) ~ الْمَوْتِ **ўлим** ёқасида бўлмоқ, фалокат чегарасида бўлмоқ

I **شَفَى** (*и*) شِفَاءٌ 1) (*бирор н. билан*) шифоламоқ, **даволамоқ,** тузатмоқ; شَفَاهُ بِالْإِيحَاءِ кимнидир таъсир қилиб (таъсир, дуо билан) тузатмоқ; شَفَاهُ اللهُ! Оллоҳ шифо берсин!; 2) *мажҳ.* шифоланмоқ, даволанмоқ, тузалмоқ, ◊ (عَلِيلَهُ) غُلَّتَهُ ~ а) ўз истакларини қондирмоқ; б) ўч олиш истагини қондирмоқ; IV أَشْفَى бирор нимага яқинлашмоқ, бирор нимага яқин қолмоқ (عَلَى); ~ الْمَرِيضُ عَلَى الْمَوْتِ беморнинг ўлими яқинлашди; V تَشَفَّى 1) даволанмоқ; 2) қасд (ўч) олмоқ; (*н. дир қилгани учун*) энди ундан устун **келмоқ,** қасос олмоқ (مِنْ); (*к. гадир*) ғазабини тўкмоқ (مِنْ); VIII اشْتَفَى 1) (*бирор н. билан*) даволанмоқ, шифоланмоқ (بِ); 2) бировнинг бошига тушган ёмон кундан **хурсанд** бўлмоқ (шодланмоқ); 3) (*бирор н.* дан) қониқиш олмоқ, қониқмоқ (مِنْ) X اسْتَشْفَى даво (шифо) **изламоқ;** (*бирор н. билан*) даволанмоқ (بِ)

– اسْتِشْفَاءٌ саломатликни тиклаш, **даволаниш,** шифо топиш; ~ الـــ آلاَتُ даволаш асбоблари (аппаратураси); ~ الـــ دَارُ санаторий; ~ الـــ مَدِينَةُ курорт шаҳари; ~ الـــ مِيَاهُ шифобахш сувлар

– إِشْفَى *кўп.* أَشَافٍ *алиф. б. қар.*

– تَشَفٍّ бировнинг бахтсизлигидан хурсандлик; ~ فِي бахтсизликдан хурсанд бўлиб

– شَافٍ *мн.* شَافِيَةٌ 1. 1) шифоли, шифобахш хусусиятга эга **бўлган,** шифобахш; 2) ишончли, ишонтирадиган; 3) узил-кесил; 2. шифо берувчи, даволовчи; هُوَ اللهُ الشَّافِي *дин.* Оллоҳ унга **шифо** берувчидир

– شِفَاءٌ[1] даволаниб кетиш, тузалиш; ~ قَابِلُ الـــ **даволанадиган,** даволаса **бўладиган;** ~ هَذِهِ الْإِصَابَةُ لاَ تَقْبَلُ الـــ **бу дард бедаводир,** бу дардни даволаб бўлмайди

– شِفَاءٌ[2] *кўп.* أَشْفِيَةٌ **дори, дори-дармон**

– شِفَائِيٌّ шифобахш.

– شِفَاخَانَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ **ветеринария шифохонаси**

– مُسْتَشْفًى *кўп.* مُسْتَشْفَيَاتٌ **шифохона, касалхона;** госпитал; ~ الرَّمَدِ كُوز шифохонаси; ~ الْعَسْكَرِيُّ الـــ **ҳарбий госпитал;** ~ الْمَجَاذِيبِ الْأَمْرَاضِ الْعَقْلِيَّةِ **ёки** ақлдан **озганлар уйи, жиннихона;** ~ الْمَيْدَانِ дала госпитали

– مَشْفًى *кўп.* مَشَافٍ шифохона, госпитал, касалхона

I **شَقَّ** (*а/у*) شَقٌّ синдирмоқ, кесмоқ; (*тешик*) очмоқ, бузмоқ; узмоқ, узиб ташламоқ; ~ الْأَرْضَ ер ҳайдамоқ; ~ التِّرْعَةَ канал қазимоқ; ~ الْحَنَاجِرَ (*бирор н. билан*) томоқ қирмоқ, бақирмоқ (ب); ~ السُّكُونَ сукунатни (жимликни) бузмоқ; ~ الشَّوَارِعَ кўчалар ўтказмоқ (чиқармоқ); ~ طَرِيقًا йўл ўтказмоқ (чиқармоқ); ~ الْمَنْجَمَ конни қазимоқ; ~ ثَوْبَهُ حَسْرَةً бирор нарсани иккига бўлмоқ; ~ بِهِ نِصْفَيْنِ ... عَلَى ...нинг ғамида ўз кийимларини йиртмоқ; ~ صُفُوفَ الْعُمَّالِ ишчилар сафини бузмоқ; ~ عَنَانَ السَّمَاءِ ҳавсни титратмоқ (*бақириқ ҳақида*); 2) чиқмоқ (*тиш ҳақида*); ердан униб чиқмоқ (*ўсимлик ҳақида*); ~ النَّهَارُ тонг отди, кун ёйилди; 3) (*н. учун дир*) оғир (қийин, машаққатли) бўлмоқ (عَلَى); 4) (*к. нигадир*) олдига киримоқ, (*к. нидир*) зиёрат қилмоқ, кўриб келмоқ (عَلَى); ◊ لَا يُشَقُّ لَهُ غُبَارٌ *мажх.* (*н. дадир*) унинг тенги йўқ, унга етиб бўлмайди; ~ عَصَا الطَّاعَةِ (*к. гадир қарши*) исён қилмоқ (عَلَى); (*к. гадир*) итоат қилишдан (бўйсунишдан) тўхтамоқ (عَلَى); عَصَا الْقَبِيلَةَ ~ қабила орасида душманлик уруғини сепмоқ; II شَقَّقَ 1) парчаламоқ, бўлак-бўлак қилмоқ; 2) аниқ талаффуз қилмоқ; III شَاقَّ қаршилик қилмоқ, қарши бўлмоқ, қарши чиқмоқ; V تَشَقَّقَ синмоқ, дарз кетмоқ; дарзли (дарз кетган, ёрилган, ёриқ) бўлмоқ (*ёғоч, дарахт, хода ҳақида*); синмоқ (*мас., стакан ҳақида*) VII اِنْشَقَّ 1) синмоқ, синиб кетмоқ; ёрилмоқ; узилмоқ, узилиб кетмоқ; ~ تِ الْأَرْضُ ер ёрилди; 2) (*н. дандир*) ажралмоқ, бўлинмоқ (عَنْ); ◊ ~ النَّهَارُ тонг отди, кун бошланди; VIII اِشْتَقَّ 1) (*н. дандир*) ишламоқ, ясамоқ, пайдо қилмоқ (مِنْ); 2) (*н. дандир*) келиб чиқмоқ (مِنْ); 3) ўзига (*ўзл*) очмоқ; ~ طَرِيقًا جَدِيدًا فِي الْبَحْثِ тадқиқот соҳасида янги йўллардан бормоқ

– اِشْتِقَاقٌ 1) (*сўзни*) ясаш, яратиш; 2) келиб чиқиш; *грам.* этимология; сўз ясаш, сўз яратиш

– اِشْتِقَاقَاتٌ *кўп. грам.* ясама сўзлар

– اِنْشِقَاقٌ бўлиниш; рози бўлмаслик, оранинг бузилиши, узилиш

– اِنْشِقَاقِيٌّ бузғунчиликка оид; عَمَلِيَّاتٌ ~ ـَّةٌ бузғунчилик ҳаракатлари; 2. бузғунчи

– تَشَقُّقَاتٌ ёриқлар, дарзлар

– شَاقٌّ қийин; машаққатли; чарчатадиган, оғир; أَشْغَالٌ ~ ـَّةٌ оғир (каторгадагидек) ишлар, қийин (машаққатли) меҳнат

– شَقٌّ[1] синиш, кесилиш; узилиш; الْقَيْصَرِيُّ ~ ـُّ *мед.* кесар жарроҳлиги (*ҳомиладор аёллар жарроҳлиги*), الذُّرَّةِ ~ атом бўлиниши; (النَّفْسِ) الْأَنْفُسِ ~ ـِّ қаттиқ машаққат билан, қийинчилик билан

– شَقٌّ[2] *кўп.* شُقُوقٌ 1) дарз, ёриқ; тешик, ковак; 2) (*бирор н. нинг*) ярми; қисм

– شِقٌّ 1) ярим, бир томон; 2) ўхшаш; ◊ ~ بَيْنَ الرَّحَى қор билан ёмғир ўртасида, болғи билан сандон ўртасида (орасида); 3) тоғнинг бир томони; 4) = مَشَقَّةٌ

– شُقَاقٌ уй ҳайвонларида учрайдиган касаллик

– شِقَاقٌ бузғун, ўзаро ёвлик; ... بَيْنَ ~ ـِ (ـَ) بَ ...нинг ўртасига ёвлик (бузғунчилик) уруғини сепмоқ

– شَقَّةٌ *кўп.* شُقَقٌ квартира, хона; مَفْرُوشَةٌ ~ мебеллар билан жиҳозланган (мебеллаштирилган) квартира (хона)

– شُقَّةٌ *кўп* شُقَقٌ узоқ ва машаққатли йўл; ~ بَعِيدَةٌ куда узоқ масофа; ~ بُعْدُ الـ а) узоқлик, жуда узоқ масофа; б) катта фарқ

– شَقَّةٌ *кўп.* شَقَقٌ 1) узилиш; дарз, ёриқ; مَا أَشَدَّ ~ ـَ الْخِلَافِ بَيْنَكُمْ! орамиздаги қарама-қаршилик қанчалик катталиги!; وَسَّعَ ~ (ضَيَّقَ) الْخِلَافَ بَيْنَ ...лар ўртасидаги ихтилофни чуқурлаштирмоқ (*пасайтирмоқ*); 2) қисм, бўлак; қисқа, бўлим; مِنَ الْأَرْضِ ~ ер участкаси; الْحَرَامِ ~ таъқиқланган зона, участка; ~ سَاعِيَّةٌ *астр.* соат пояси; 4) квартира, хона; 5) машаққат, қийинчилик

– شَقِيقٌ *кўп.* أَشِقَّاءُ 1) (*бирор н. нинг*) ярми; 2) туғишган ини; 3) *бот.* анемон (*айиқтовонлилар оиласига мансуб ўт, алаф*); ~ الـ الْأَصْفَرُ айиқтовон (*заҳарли ўт, алаф*)

– شَقِيقَةٌ[1] *кўп* شَقَائِقُ туғишган сингил; ~ الـ الْأَحْزَابُ қардош партиялар; ~ الْبِلَادُ (الْأَقْطَارُ) қардош мамлакатлар; ◊ شَقَائِقُ النُّعْمَانِ *бот.* а) айиқтовонлар (*ўт*); б) саллагул, пионгул

– شَقِيقَةٌ[2] *кўп.* شَقَائِقُ қаттиқ бош оғриғи, мигрен

– مُتَشَقِّقٌ ёриладиган, бўлинадиган; дарзли, дарз кетган; ~ الْخُلُقِ овози бўғилган

– مُشْتَقٌّ ясалган, ҳосил бўлган

– مَشَقَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ, مَشَاقُّ машаққат, қийинчилик, меҳнат, оғирлик; ~ الذَّهَابِ إِلَى تَحَمَّلَ (كَلَّفَ نَفْسَهُ) ... қаергадир бориш машаққатини ўз устига олмоқ

– مَشْقُوقٌ дарзи бор, ёриғи бор, дарзли

II شَقَّحَ гулламоқ, гуркирамоқ; IV أَشْقَحَ 1) =II; النَّحْلُ ~ хурмо гуллади; 2) узоқлаштирмоқ, четлаштирмоқ, олиб ташламоқ

شَقْدَفَ бирин-кетин улоқтириб ташламоқ, улоқтирмоқ

– شُقْدُفٌ *кўп.* شَقَادِفُ замбил; شَقَادِفُ الْجِمَالِ туя устига ўрнатилган тахтиравон

– شَقْدَفَةٌ бирин-кетин улоқтириш

I **شَقُرَ** (*у*) شُقْرَةً *ёки* شَقَرَ (*а*) شَقَرٌ оқ-малла (малла) бўлмоқ; оқ-малла сочли (сариқ сочли) бўлмоқ; II شَقَّرَ (*к. никигадир*) келмоқ, зиёрат қилмоқ, киримоқ (عَلَى); IX اِشْقَرَّ оқ-малла (сариқ сочли) бўлмоқ

– أَشْقَرُ *мн.* شُقْرٌ *кўп.* شُقْرٌ 1. оқ-малла; малла; сариқ; 2. оқ-малла соч

– شُفَارٌ *бот.* пўфанак, қарғатуёқ (*ёввойи гул*), айиқтовон; ~ الْبَحْرِ *зоол.* актиния (*денгиз жонивори*)

– شُقْرٌ, شُقْرَةٌ сочнинг очиқ, оқиш ранги (туси)

شَقْرَقَ хушчақчақ бўлмоқ, хурсандчилик қилмоқ

– شِقْرَاقٌ, شِقِرَّاقٌ *зоол.* яшил қизилиштон

– شَقْرَقَةٌ хурсандлик (шодлик, шодонлик, хушчақчақлик) билан вақт ўтказиш

شَقْشَقَ 1) чириқламоқ, чийилламоқ, сайрамоқ (*қушлар ҳақида*); 2) бўкирмоқ (*туя ҳақида*); 3) чирилламоқ (*қўнғиз ҳақида*) 4) жаврамоқ, бақир-бақир қилиб гапирмоқ; 5) пайдо бўлмоқ, кўринмоқ, кириб келмоқ (*ёруғлик ҳақида*)

– شَقْشَقَةٌ 1) сергаплик, мағзавалик, эзмалик; 2) сафсата, бекорчи гап, сафсата сотиш; ◊ ~ النَّهَارِ тонг

– شِقْشِقَةٌ *кўп.* شَقَاشِقُ тангга тўсиғи (*туяларда*) ◊ هَدَرَتْ شِقْشِقَتُهُ у чиройли (*ифодалар билан*) гапиради, هَدَرَتْ ثُمَّ قَرَّتْ ~ *мтл.* гап кўпу, умр оз; арзимаган нарсага шунча ғавғо

شَقْصٌ ернинг бир қисми, бир парча ер

I **شَقَعَ** (*а*) شُقُوعٌ устма-уст қилмоқ (*мас., ғиштни*), бир-бирининг устига қалаштириб ташламоқ

شَقَفَةٌ, شَقَفٌ *кўп.* شُقَفٌ сопол буюмлар синиғи

– شَاقُوفٌ *кўп.* شَوَاقِيفُ болға, тўқмоқ, ёғоч тўқмоқ

– شُقَافَةٌ сопол синиқлари

I **شَقَلَ** (*у*) شَقْلٌ 1) тортмоқ (*тарозида тангани*); 2) шодуф билан қудуқдан сув олмоқ (*қар* شَادُوفٌ)

– شَاقِلٌ *тар.* сиқл, сиқил, шиқил (*оғирлик ўлчови, шунингдек, қадимги Исроил давлатидаги кумуш танга*)

– شَاقُولٌ *кўп.* شَوَاقِيلُ шоқул; лот (*чуқурликни ўлчайдиган асбоб*)

– شَاقُولِيٌّ тикқаликка оид, тик, вертикал

– شَقْلٌ 1) тортиш (*тарозида*); 2) суғориш; ~ـُهُ عَلَى قَدِّ بَقْلَةٍ халқ *мтл.* у энг зарур ишни қилади холос (*сўзма-сўз:* у экинга яраша сув беради холос)

شَقْلَبَ тўнтармоқ, ағдармоқ, д ўмбалоқ ошмоқ; ағдариб ташламоқ; تَشَقْلَبَ тўнтарилмоқ, ағдарилмоқ, дўмбалоқ ошмоқ

– شَقْلَبَةٌ, شُقْلُبِيَّةٌ тўнтариш, ағдариш; дўмбалоқ ошиш

– مُشَقْلَبٌ тўнтарилган, ағдарилган; ◊ بِالْـ~ оёғини осмондан келтириб, остун-устун, тескарисига

I **شَقِيَ** (*а*) شَقَاءٌ оғир, машаққатли аҳволда бўлмоқ, бахтсиз бўлмоқ; азоб чекмоқ, машаққат чекмоқ; IV أَشْقَى машаққатларга гирифтор қилмоқ; бахтсиз қилмоқ; VI تَشَاقَى ўзини эркин (ҳеч нарсага бўйсунмайдиган қилиб) тутмоқ

– شَاقٍ *мн.* شَاقِيَةٌ *кўп.* شُقَاةٌ бахтсиз, бадбахт, бахти қора, бечора

– شَقَاءٌ оғир (машаққатли) аҳвол, бахтсизлик, азоб (машаққат) чекиш; ~ الْعَيْشِ машаққатли (оғир) ҳаёт

– شَقَاوَةٌ 1) оғир (машаққатли) аҳвол; бечоралик, қашшоқлик, бало, офат; 2) ўзбилармонлик, бебошлик, шумтакалик; 3) босқинчилик, бандитизм

– شَقَوَةٌ бечоралик, машаққатли аҳвол; бахтсизлик

– أَشْقِيَاءُ *ўп.* شَقِيٌّ 1.1) бечора, бахтсиз, бахти қора; 2) уятсиз, номуссиз; 3) ўзбилармон, бебош, шумтака; 4) золим; разил, қабиҳ, жиноятчи, қароқчи, бандит

I **شَكَّ** (*а/у*) شَكٌّ 1) шак келтирмоқ, ишонмаслик, (*бирор н. га нисбатан*) шубҳада бўлмоқ (فِي); 2) (*игна билан*) санчмоқ (بِ); тешмоқ; тиқмоқ; ◊ فِي السِّلَاحِ ~ кучли қуролланган бўлмоқ; II شَكَّكَ 1) шубҳалантирмоқ, шубҳали қилмоқ; 2) насияга сотиб олмоқ (сотмоқ); 3) кўп марта санчмоқ, санчиб-санчиб олмоқ; V تَشَكَّكَ (*н. дадир*) шубҳаланмоқ (فِي); VII اِنْشَكَّ санчилган бўлмоқ

– شَاكٌّ шак келтирувчи, шубҳаланувчи; ◊ فِي السِّلَاحِ ~ *ёки* ~ فِي السِّلَاحِ яхши қуролланган, тиш-тирноғигача қуролланган

– شَكٌّ *кўп.* شُكُوكٌ 1) шак, шубҳа; ~ لَا шубҳасиз, шаксиз, шак-шубҳасиз; ~ مِنْ دُونِ *ёки* ~ دُونَمَا *ёки* ~ بِلَا шаксиз, шубҳасиз; مَا (لَيْسَ) مِنْ ~ فِي أَنَّ ... шунга ҳеч шубҳа йўққи, ...; шу ҳеч шубҳасизки, ...; ~ـُهُ فِي أَيْدَى (ب) ...га (...да) шубҳа билдирмоқ; زَرَعَ الشُّكُوكَ حَوْلَ ... ...га нисбатан шубҳа уруғини сепмоқ; سَاوَرَهُ الـ~ ...да у шубҳага тушиб қолди, 2) ишонмаслик, ишончсизлик; шубҳаланиш, шубҳага тушиш, ишончсизлик

– شَكٌّ катта (қайрилма) мих (*мас., темир йўлларни мустаҳкамлаш учун қоқиладиган*)

– شَكَّاكٌ 1) шубҳа остидаги, ишончсиз; 2) ҳар нарсага ишончсизлик билан қаровчи, скептик

– شُكُكٌ насияга (*бериш*), қарзга (*бериш*), الـ~ يُفَلِّسُ التَّاجِرَ الْأَلْفِيَّ *мтл.* насияга савдо минг-минги бор савдогарни ҳам хароб қилади

– شَكَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ укол

– شَكُوكٌ = شَكَّاكٌ

– شَكِّيَّةٌ ҳар нарсага ишончсизлик билан қараш, спектицизм

– مُتَشَكِّكٌ шак келтирувчи, шубҳаланувчи; ~ نَظَرَ إِلَى ... ...га шубҳа билан қарамоқ

– مَشْكُوكٌ: فِيهِ ~ шубҳали, ишончсиз; ... مِنَ الْـ~ فِيهِ أَنَّ ... бўлиши шубҳали; فِي أَمْرِهِ ~ шубҳали, ишончсиз

I **شَكَرَ** (*у*) شُكْرٌ 1) шукр қилмоқ, раҳмат айтмоқ, миннатдорлик билдирмоқ; يُشْكَرُ عَلَيْهِ миннатдорлик билдиришга арзийдиган; 2) мақтамоқ; 3) (*к. дандир*) миннатдор бўлмоқ (ـلِ); V تَشَكَّرَ (*н. учундир*) раҳмат айтмоқ, ташаккур билдирмоқ (عَلَى)

– شَاكِرٌ шукр қилувчи, раҳмат айтувчи, миннатдорлик билдирувчи

– شَاكِرِيَّةٌ *кўп.* شَاكِرِيٌّ мардикор

– شَاكِرِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ханжар

– شَكَارَةٌ *кўп.* شَكَائِرُ 1) раншер; 2) қоп, халта

– شُكَارَةٌ *кўп.* شَكَائِرُ шукрона совға (*миннатдорчилик белгиси сифатида қилинган*)

– شُكْرٌ *кўп.* شُكُورٌ 1) мақтов; 2) миннатдорчилик билдириш; اَ~ لَكَ! сиз (сен)га раҳмат!; сиз (сен) дан миннатдорман!; сиз (сен) га ташаккур!; أَشْكُرُكَ ~ اَ جَزِيلاً сиз (сен)дан жуда миннатдорман!; لاَ يَسْتَحِقُّ الـ~ لاَ ~ عَلَى الْوَاجِب! *ёки* دَاعِيَ لِلـ~! *ёки* арзимайди! (*раҳмат, ташаккур эшитганда айтилади*)

– شُكْرَانٌ *шунингдек:* الْجَمِيلِ ~ миннатдорлик, миннатдорчилик

– شَكْرَى тўлган, тўлиб-тошган (*кўз ёшлари, молнинг елини ҳақида*)

– شَكُورٌ шукр айтган, ташаккур билдирган

– شُكُورٌ шукр айтиш, миннатдорлик

– مُتَشَكِّرٌ ташаккур билдирувчи; ташаккур!, раҳмат!

– مَشْكُورٌ ташаккурга сазовор, мақталадиган

I **شَكِسَ** (*а*) شَكَسٌ *ёки* شَكُسَ (*у*) شَكَاسَةٌ саркаш (қилиқдор) бўлмоқ, бадфеъл бўлмоқ; жирттаки бўлмоқ; III شَاكَسَ ғашига тегмоқ; аччиғини чиқармоқ, пичинг қилмоқ, нозик жойига тегмоқ, тирноқ остидан кир қидирмоқ, майдакашлик қилмоқ; VI تَشَاكَسَ (*к. биландир*) келишолмайдиган бўлмоқ; ўзаро ёмон муносабатда бўлмоқ; жанжаллашмоқ, сўкишмоқ

– شَكَاسَةٌ 1) саркашлик, терслик, аччиқсўзлик, бадфеъллилик, қайсарлик, қилиқдорлик; 2) жирттакилик; 3) (*бошқалар билан*) келишиб яшай олмаслик; ўзбилармонлик, гап уқмаслик

– شَكَاسَةٌ = شَكَسٌ, شَكْسٌ

– شَكِسٌ 1) қайсар, саркаш, терс, қилиқдор; 2) жирттаки; 3) гапуқмас

– مُشَاكِسٌ тирноқ орасидан кир қидирувчи, майдакаш, пичингчи; қайсар, саркаш, қилиқдор, қийиқ, бўйсунмас

– مُشَاكَسَةٌ пичинг, тирноқ остидан кир қидириш, майдакашлик; бир-бирини ғажиш

شَاكُوشٌ=شَكُوشٌ

I **شَكَلَ** (*у*) شَكْلٌ 1) шубҳали (ноаниқ, чигал) бўлмоқ; 2) *грам.* (*матн ёки сўзга*) ҳаракат белгиларини қўймоқ; 3) (*ҳайвонларни*) тушовламоқ, боғламоқ; боғлаб қўймоқ; ~ قَمِيصَهُ بِالدَّبَابِيسِ қўйлакни игна-тугма (илгак) билан боғлаб қўймоқ; ~ الْأَمْرَ ишни чигаллаштирмоқ (мураккаблаштирмоқ); II شَكَّلَ 1) чигаллашган (қоронғи, ноаниқ) бўлмоқ; 2) ташкил қилмоқ, шакллантирмоқ; тузмоқ; ўзини намоён килмоқ; ... خَطَرًا عَلَى ~ кимгадир хавф-хатар бўлиб намоён бўлмоқ, хавф-хатар бўлмоқ; 3) ҳархиллаштирмоқ; 4) навларга (сортларга) ажратмоқ; хилламоқ; 5) *грам.* ҳаракатлар қўймоқ; 6) (*ҳайвонларни*) тушовламоқ; III شَاكَلَ 1) ўхшамоқ, ўхшаш (ўхшаган) бўлмоқ; ~ ذَلِكَ وَ مَا ва шунга ўхшаш; 2) (*к. биландир*) жанжал чиқармоқ, курашмоқ; IV أَشْكَلَ (*к. чуундир*) мушкул бўлмоқ, қийин (оғир) бўлмоқ; ~ الْكِتَابَ **китобга** ҳаракатлар қўймоқ; V تَشَكَّلَ 1) бирор нарсанинг шаклини (формасини) олмоқ (ب); ~ بِأَشْكَالِ الدِّيكَةِ хўрозларга айланиб қолмоқ (*эртакларда*); 2) шаклланмоқ, ташкил бўлмоқ; 3) **ноз** қилмоқ (*аёл ҳақида*); VI تَشَاكَلَ 1) ўхшамоқ, ўхшашмоқ, шаклан ўхшаш бўлмоқ; 2) (*бирор н. да*) бир хил фикрда бўлмоқ; 3) ўзаро урушмоқ, жанжаллашмоқ; VII اِنْشَكَلَ қизармоқ (*кўзнинг оқ жойлари ҳақида*); X اِسْتَشْكَلَ 1) шубҳали деб билмоқ; 2) мушкул, қийин деб ҳисобламоқ; ~ فِي شَيْءٍ бирор нарсадан муаммо ясамоқ (келтириб чиқармоқ); 3) (*к. учундир*) шубҳали бўлмоқ (عَلَى); 4) (*к. учундир*) мушкул бўлмоқ (عَلَى)

– إِشْكَالٌ *кўп.* اتٌ ـــ мушкуллик, қийинчилик, қийинлик; *филос.* мушкул мантиқий муаммолар (апория)

– أَشْكَلُ *мн.* شَكْلاَءُ *кўп.* شُكْلٌ қизғиш оқ ёки оқиш қизил

– تَشَاكُلٌ ўхшашлик, мослик; *кимё. мат.* изоморфизм (*икки ёки ундан ортиқ модданинг бир хил шаклда кристаллашуви; ўхшаш шакллилик*)

– تَشْكِيلٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) қурилиш, шаклланиш; 2) таркибий қисм; 2) *ҳарб.* бўлим; саф; 4) ташкилот; таркиб; ~ الْمَحْكَمَةِ суд таркиби; ~ سِرِّيٌّ яширин ташкилот

– تَشْكِيلَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) (*дўкондаги*) ҳар хил моллар, ассортимент; (*сотиш учун тайёрлаб қўйилган ҳар хил товарлар*) йиғиндиси; 2) таркиб (*мас., ташкил этилаётган ҳокимиятда*); 3) гулдаста; 4) *ҳарб.* бўлим; саф; *ав.* олий учиш шакли, олий пилотаж

– تَشْكِيلِيٌّ пластик (*рақс ҳақида*); الْفُنُونُ الـ~ـةُ пластик санъатлар

– شَاكِلَةٌ *кўп.* شَوَاكِلُ 1) ён, ён томон, биқин; 2) тур, жинс, нав; هُوَ ~ عَلَى ~ـهِ у у билан бир хил, иккови бир гўр; 3) услуб, ўзига хослик

– شَكَالٌ *кўп.* شُكُلٌ занжирлар, кишанлар, боғловлар

– شَكْلٌ, شُكُولٌ, أَشْكَالٌ *кўп.* 1) шакл, тур; ~ مَا ـــ қандайдир шаклда; ~ بِهَذَا الـ~ أَوْ بِذَاكَ у ёки бу шаклда; ~ اتَّصَلَ بِـ~ أَوْ بِآخَرَ بِـ... бирор киши билан у ёки бу шаклда боғлиқ бўлмоқ; ~ عَلَى ~ الْمِرْوَحَةِ елпиғичга ўхшаш, елпиғичсимон; ~ سَافِرٌ ـــ очиқ шаклда; اَ~ а) шаклан; б) шаклдаги; أَشْكَالُ الْقَمَرِ *астр.* Ой фазалари; وَ الـ~ـهُ وَ الْمُحْتَوَى *ёки* وَ الـ~ـهُ وَ الْمَوْضُوعُ *ёки* الـ~ـهُ وَ الْمَضْمُونُ шакл ва мазмун; كُرَوِيُّ الـ~ юмалоқ (курравий) шаклдаги; مُسْتَدِيرُ الـ~ айлана шаклдаги; 2) йўл, усул, ҳолат; لاَ ~ مِنَ الْأَشْكَالِ أَنْ ... ҳар қандай ҳолатда ҳам бу ... дегани змас; بِهَذَا الـ~ шундай қилиб; 3) шакл, чизма, диаграмма, расм, суврат; 4) ўхшашлик; أَشْكَالُهُمْ وَ هُمْ улар ва уларга ўхшашлар; الطُّيُورُ عَلَى أَشْكَالِهَا تَقَعُ *мкл.* кўр кўрни узоқдан танийди; 5) жинс, тур, нав; 6) одат, ўзни тутиш; 7) *грам.* ҳаракатлар қўйиш

– شَكْلٌ 1) ноз-карашма; 2) бежиримлик

– شَكَلٌ ур-йиқит; сўкишиш, жанжал, тортишув

– شَكَلَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ ноз- карашмали аёл

– شُكْلَةٌ кўзлардаги қизиллик

– شَكْلِيٌّ 1. 1) шаклий; шаклга оид; 2) расмиятга оид; إِجْرَاءَاتٌ ـــَةٌ расмиятлар; 3) пластик, пластикага оид; 2. шаклбоз, формалист

– شُكَلِيٌّ *кўп.* شُكَلِيَّةٌ 1. 1) хушчақчақ; 2) жанжалкаш, асаббузар; 2. кеккайиб юрувчи, такаббур

– شَكْلِيَّاتٌ *кўп.* расмиятлар; قَانُونِيَّةٌ ~ юридик расмиятлар

– شَكْلِيَّةٌ расмият, шаклбозлик, формализм

– مُتَشَاكِلٌ ўхшаш, ўхшайдиган, аналогик

– مُشَاكَلَةٌ ўхшашлик

– مُشَكْكٌ 1) турли хил, хилма-хил; 2) безатилган; 3) *грам.* ҳаракатлар қўйилган

– مُشْكِلٌ 1. мушкул, ноаниқ, чигал; 2) мушкуллик, қийинлик; муаммо, проблема

– مُشْكِلَةٌ *кўп.* اتٌ, مَشَاكِلُ ـــَ мушкуллик, қийинлик, муаммо, проблема, вазифа

– مَشْكُولٌ тушовланган, жиловланган, оёғи боғлиқ (*ҳайвон*)

I شَكَمَ (*у*) شَكْمٌ 1) сотиб олмоқ, сирни айтмагани учун мукофот (ҳақ) бермоқ; 2) нўхталамоқ, нўхта солмоқ; тутиб турмоқ

– شَكْمَجِيَّةٌ қути, қутича

– شَكِيمَةٌ *кўп.* شَكَائِمُ 1) сувлиқ (*нўхтанинг от оғзидаги темир қисми*); 2) куч, ғайрат; شَدِيدُ الـــ ~ кучли, ғайратли; тинмас; қайтмас, бир сўзли; قَوِيُّ الـــ ~ кучли, ғайратли; ↄ) қеккайганлик, мутакаббирлик, такаббурлик

(شكه) III شَاكَهَ ўхшамоқ, ўхшаш бўлмоқ

I (شكو) شَكَا (*у*) شَكْوٌ, شَكْوَى 1) (*к. дандир*) шикоят қилмоқ (مِنْ); шикоят олиб келмоқ; 2) касал бўлмоқ; مَرَضًا ~ касалликдан шикоят қилмоқ; IV أَشْكَى шикоят қилишга мажбур этмоқ, шикоят қилишга ундамоқ; V تَشَكَّى = I; VI تَشَاكَى бир-бири устидан шикоят қилмоқ; бирлашиб (бир ёқадан бош чиқариб) шикоят қилмоқ; VIII اشْتَكَى = I

– شَاكٍ мн شَاكِيَةٌ 1. шикоят қилувчи; 2. шикоятчи; ◊ شَاكِي السِّلَاحِ яхши қуролланган, тиш-тирноғигача қуролланган (*қар.* شَكَّ)

– شَكَّاءٌ 1. доимий шикоят қиладиган; 2. йиғлоқи одам, инжиқ, мижғов, минғир-минғир

– شَكَاوَةٌ, شَكَايَةٌ, شِكَايَةٌ шикоят, айблов, айблаш

– شَكْوَةٌ 1) = شَكَاةٌ; 2) *кўп.* شِكَاءٌ кичик меш, меш

– شَكْوَى *кўп.* شَكَاوَى шикоят, шиква

شَكِيَّةٌ *кўп.* شَكَايَا шикоят, шиква

– شَاكٍ *мн.* مُشْتَكِيَةٌ = مُشْتَكٍ

– مِشْكَاةٌ токча, меҳроб

– مَشْكُوٌّ: مِنْهُ عَلَيْهِ ~ *ёки* ~ устидан шикоят қилинган одам; жавобгар

شَكُورِيَّةٌ цикорий

شَكُوشٌ *қар.* شَاكُوشٌ

شُكُولَاتَةٌ шоколад

شَكُونِيَّةٌ мато (*читнинг бир нави*)

I (شلّ) **شَلَّ** [1] (*и/а*) شَلٌّ, شَلَلٌ 1) шол (фалаж) қилмоқ; 2) шол бўлиб қолмоқ; لَا ~ تَ يَمِينُكَ! жуда яхши!, аъло! (*сўзма-сўз:* илоҳим қўлларинг шол бўлмасин!); شَلَلٌ [2] (*а/у*) شَلٌّ 1) ҳайдамоқ, ҳайдаб юбормоқ; 2) кўкаламоқ, катта-катта чок билан тикмоқ; II شَلْشَلَ кўкаламоқ, кўкалаб қўймоқ; IV أَشَلَّ шол қилмоқ, фалаж қилмоқ; VII انْشَلَّ шол бўлиб қолмоқ, ҳаракатсиз бўлиб қолмоқ

– أَشَلُّ *мн.* شَلَّاءُ *кўп.* شُلٌّ шол бўлиб қолган, фалаж бўлиб колган, ҳаракатдан қолган

– شَلَّالٌ *кўп.* اتٌ ـــَ 1) шалола, шаршара; 2) остонатош (*дарё тагида кўндаланг кўтарилиб турган тош дўнглик*)

– شَلَّالَةٌ кўкалаш

– شَلَلٌ шол, фалаж; фалажлик; الـــ ~ الرَّعَّاشُ *ёки* الـــ ~ الْأَطْفَالِ الْهُتْزَازِيُّ титроқ фалаж; الـــ ~ الطِّفْلِيُّ *ёки* ~ полиомиелит; الـــ ~ النِّصْفِيُّ бир томонлама фалаж

– شَلَّةٌ [1] *кўп.* اتٌ ـــَ, شُلَلٌ 1) тўп, тўпча (*ипники*); 2) тўда; гуруҳ; команда (*мас., болалар ўйинида*)

– شُلَّةٌ, شَلَّةٌ [2] (*узоқ йўлнинг*) нияти, мақсади, мўлжали

– مَشْلُولٌ шол, фалаж бўлган, фалажликка (шолликка) оид

شَلَاضِيمُ *кўп.* лаблар

شَلْبٌ шоли, оқланмаган гурунч (*Ироқда*)

– شَلْبَةٌ лешч (*балиқ*)

– شَلَبِيٌّ 1. бежирим кийинган; 2. олифта

(شلبن) تَشَلْبَنَ бежирим кийинган бўлмоқ

(شلت) II شَلَّتَ оёқ билан тепмоқ, тепанғич бўлмоқ

– شَلْتَةٌ, شُلْتَةٌ *кўп.* شُلَتٌ юпқа кўрпа; кичик кўрпача

– شَلُّوتٌ *кўп.* شَلَالِيتُ нўқиш, оёқда тепиш, тепки; أَعْطَاهُ ~ا кимнидир тепмоқ

– شَلِيتَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ қоп

شَلْتَتَ юпқа, ясси қилмоқ (*мас., нонни*)

– شَلْتُوتَةٌ *кўп.* شَلَاتِيتُ (*артадиган*) латта

– مُشَلْتَتٌ юпқа, ясси (*мас., нон*); فَطِيرَةٌ ~ـــَةٌ юпқа патир

شَلْجَمٌ 1) шоғлом; 2) хашаки шолғом, рапс, сурепица (*уруғидан мой олинадиган ўсимлик*)

I **شَلَحَ** (а) شَلْحٌ олмоқ, олиб ташламоқ; نِيَابَهُ ~ ечинмоқ; الْكَافِرَ ~ диний унвондан маҳрум қилмоқ; II شَلَّحَ 1) қип-яланғоч қилиб ечинтирмоқ, фош қилмоқ; 2) таламоқ, талаб кетмоқ; X اسْتَشْلَحَ устидаги кийимларини ечмоқ, ечинмоқ

– مَشْلَحٌ *кўп.* مَشَالِحُ чопон, пальто

– مُشْلَحٌ кийим осиб қўйиладиган жой, гардероб (*хона*)

شَلْشٌ *кўп.* شُلُوشٌ илдиз

شَلْشَلَ томиб тушмоқ, томмоқ

شَلْغَمٌ = شَلْجَمٌ

شَلْفَطَ 1) чапламоқ, кир қилиб суртамоқ; ажи-бужи қилиб ёзмоқ; 2) шимдирмоқ (*шимувчи қоғоз ёрдамида*)

– شَلْفَطَةٌ чаплаш, чапланиш, ажи-бужи ёзув

I **شَلَقَ** (*у*) شَلْقٌ синдирмоқ, ёрмоқ

– شَلُوقٌ шалуқ (*хурмо нави*)

– شُلُوقٌ иссиқ шамол, гармсел

شَالَمٌ қар

شَالِمٌ 1) арпа; 2) фигурали қавс; ~اتٌ *ик.с.* фигурали қавслар

شِلِنٌ *кўп.* ـاتٌ — шиллинг (*пул бирлиги ва пул*)

(شلى) IV أَشْلَى чақирмоқ; الْكَلْبَ ~ итни чақирмоқ

– شِلْوٌ *кўп.* أَشْلَاءٌ 1) аъзо, тана аъзоси (қисми) (*танадан ажратиб олинган*); 2) қолдиқ

شُلَيْكٌ *жам.* ертут (земляника); қулупнай

I (شمّ) **شَمَّ** [1] (*а/ў*) شَمٌّ ҳидни сезмоқ, ҳидламоқ; الْهَوَاءَ ~ тоза ҳаво олмоқ; شَمَّ[2] (*и/а*) شَمَمٌ кеккайган, такаббур бўлмоқ; II شَمَّمَ ҳидлатмоқ; IV أَشَمَّ = II; V تَشَمَّمَ ҳид билмоқ, ҳидламоқ; сезмоқ; ~ الْأَخْبَارَ янгиликнинг ҳидини сезмоқ; VII انْشَمَّ ҳидланадиган (сезиладиган); бўлмоқ; VIII اشْتَمَّ 1) ҳидни сезмоқ; ҳидламоқ; 2) сезилмоқ, билинмоқ (*ҳид ҳақида*); X اسْتَشَمَّ ҳис қилмоқ, сезмоқ

– أَشَمُّ *н.* شَمَّاءُ *кўп.* شُمٌّ 1) баланд, юксак; 2) такаббур, кеккайган; رَجُلٌ ~ الْأَنْفِ қирғийбурун одам, дўнгбурун одам

– إِشْمَامٌ *фон.* "у", "и" товушларини кучли лаблаштириб талаффуз қилиш

– شَامَّةٌ ҳид билаш

– شَمٌّ 1) ҳид билиш; ~ حَاسَّةُ الـ ҳид билиш сезгиси; ~ حَاسَّةُ الـ السِّيَاسِيِّ сиёсий сезгирлик; 2) ҳидлаш; ◊ عِيدُ النَّسِيمِ ~ баҳорни кутиб олиш байрами (*Мисрда*)

– شَمَّامٌ[1] 1. (*тамаки*) ҳидлаб юрувчи; 2. ҳидловчи

– شَمَّامٌ[2] *жам.* (ҳидли) қовунлар

– شَمَّامَةٌ *кўп.* ـاتٌ — қовун; ◊ مِصْبَاحِ ~ чироқ пиликдони (горелкаси)

– شَمَمٌ 1) баландлик, тепалик; 2) бурун қаншари; 3) кеккайиш, такаббурлик, мутакаббирлик

– شَمَّةٌ (*бир чимдим*) тамаки, (*бир чимдим*) ҳидланадиган тамаки

– شَمِّيٌّ ҳид билишга (сезишга) оид

– شَمِيمٌ ёқимли ҳид (бўй)

– مِشْمَامٌ *кўп.* مَشَامِيمُ ҳид билиш аъзоси, бурун

– مَشْمُومٌ 1. ҳидланадиган; 2. 1) ҳид, бўй; 2) мушк

– مَشْمُومَاتٌ *кўп.* хушбўй гуллар

(شمأز) اشْمَأَزَّ (*к. дандир, н. дандир*) жирканмоқ, нафратланмоқ (مِنْ); (*н. дандир*) титроққа (ҳаяжонга) тушмоқ (مِنْ); (*н. дандир*) хафа бўлмоқ, аччиқланмоқ (مِنْ)

– اشْمِئْزَازٌ жирканиш, нафратланиш, нафрат

– مُشْمَئِزٌّ 1) (*бирор н. га*) нафрат сабабли титрайдиган (مِنْ); 2) жирканч

شَمْأَلٌ шимолдан эсадиган шамол (*сол* شَأْمَلٌ)

اشْمَأَطَّ норози бўлмоқ, аччиқланмоқ

– اشْمِئْطَاطٌ норозилик, қониқмаслик

شَمَاشِيرٌ ич кийим, чойшаб, ёстиқ жилди *ва б.* лар

– شَمَاشِيرْجِيٌّ *кўп.* شَمَاشِيرْجِيَّةٌ 1. ич кийим, чойшаб, ёстиқ жилди *ва б.* ларни ювувчи; 2. хизматкор, малай

شَمْبَانِيَا, شَمْبَانِيَةٌ шампан виноси

I **شَمِتَ** (*а*) شَمَاتَةٌ бошқанинг бошига тушган кулфатдан хурсанд бўлмоқ, яйрамоқ (ب), ичқоралик қилмоқ; II شَمَّتَ 1) ичқоралик қилдирмоқ; 2) (*акса урган кишига*) "Саломат бўлинг" деб айтмоқ, соғлик тиламоқ; IV أَشْمَتَ = II

– شَامِتٌ *кўп.* شَمَّاتٌ ичқоралик қиладиган

– شَامِتَةٌ *кўп.* شَوَامِتُ ичқоралик қиладиган аёл

– شَمَاتَةٌ, شَمَاتٌ ичқоралик, кўролмаслик

– شَمْتَانٌ ичқоралик қиладиган; зараркунанда

I **شَمَخَ** (*а*) شُمُوخٌ, شَمْخٌ 1) баланд бўлмоқ; кўтарилмоқ, баландламоқ; 2) такаббур бўлмоқ; بِأَنْفِهِ ~ кеккайиб қарамоқ, бурунни кўтармоқ; 3) юксакликка (*бирор н. томон*) интилмоқ (إِلَى); II شَمَّخَ юксалтирмоқ, баландлатмоқ, юксакка кўтармоқ; VI تَشَامَخَ (*к. дандир*) баландроқ (ортиқроқ) бўлмоқ (عَلَى); (*к. дандир*) юксакроқда бўлмоқ (عَلَى); 2) кеккаймоқ, фахрланмоқ; такаббурлик кўрсатмоқ (қилмоқ)

– تَشَامُخٌ кеккайиш, такаббурлик, мағрурлик

– شَامِخٌ 1) баланд; юксакка (юқорига) кўтариб туриш; кўтарилаётган; 2) такаббур, мағрур

– وَ نَفْخَةٌ وَ بَصَلَةٌ ~ *мтл.* савлатидан туя ҳуркади, уйида сичқон ҳасса тутади فِي الْجَيْبِ

– شُمُوخٌ 1) баландлик; 2) такаббурлик, мағрурлик

– مُتَشَامِخٌ такаббур, мағрур

(شمخر) اشْمَخَرَّ 1) баланд, катта бўлмоқ; юксалиб (кўтарилиб) турмоқ; 2) мағрур (кеккайган, такаббур) бўлмоқ, жиззаки бўлмоқ; мағрурланмоқ, жиззакилик қилмоқ

– شَمْخَرَةٌ мағрурлик, кеккайиш, жиззакилик

– مُشْمَخِرٌّ 1) баланд кўтарилган, баланд, юксак; катта, улкан; الْجَهْلُ الْـ~ ўта жоҳиллик, саводсизлик; 2) мағрур; الْأَنْفِ ~ бурнини кўтарадиган, кеккайган

I **شَمَرَ** (*у*) شَمْرٌ 1) шошмоқ, шошиб турмоқ; 2) (*енг*) шимармоқ; 3) кеккайиб ўтмоқ, гердайган ҳолда ўтиб кетмоқ; II شَمَّرَ 1) (*енгни*) шимармоқ; ... شَمَّرُوا عَنْ زُنُودِهِمْ وَ أَخَذُوا улар енгни шимардилар ва ...ни бошладилар; عَنْ سَاقَيْهِ ~ иштоннинг (*почасини*) кўтармоқ (*мас., сувдан ўтиб олиш учун*); 2) *бирор н.* га) қўл урмоқ, киришмоқ; عَنْ سَاعِدِ الْجَدِّ وَ الْكَدِّ ~ ғайрат билан ишлай бошламоқ; عَنْ سَاعِدِهِ ~ енг шимармоқ, ишга киришмоқ; 3) жўнатмоқ; السَّهْمَ ~ камондан ўқ отмоқ; الْإِزَارَ ~ иштонни кўтармоқ; V تَشَمَّرَ (*н. гадир*) киришмоқ (ب); иш бошламоқ; VIII اشْتَمَرَ тайёрланмоқ, ҳозирлик кўрмоқ

– شَمَارٌ, شَمْرٌ, شُمْرَةٌ *бот.* шивит, укроп

– شِمَارٌ *кўп.* اتٌ ـــ подтяжка (*шимни кўтариб тутиб туриш учун икки елка оша тортиб қўйиладиган тасма*)

– شُمْرُوخٌ, شِمْرَاخٌ *кўп.* شَمَارِيخُ 1) узумли ток новдаси; 2) мевали хурмо новдаси, 3) (*барғсиз*) хурмо новдаси, хивчин

– شُمْرُوخَةٌ калтак

I **شَمَزَ** (*у*) شَمْزٌ (*н. дандир*) жирканмоқ (مِنْ); (*н. дандир*) сесканмоқ, титрамоқ (مِنْ); (*н. дандир*) хафа бўлмоқ, ғазабга келмоқ (مِنْ); ғазабланмоқ, аччиқланмоқ; V تَشَمَّزَ қовоқ солмоқ, аччиқланиб қарамоқ

I **شَمَسَ** (*у*) شُمُوسٌ 1) ёруғ (қуёшли) бўлмоқ; 2) қаршилик қилмоқ; терслик қилмоқ; II شَمَّسَ қуёшга (офтобга) қўймоқ; қуёш (офтоб) да товламоқ; IV أَشْمَسَ ёруғ бўлмоқ, қуёшли бўлмоқ; V تَشَمَّسَ қуёш (офтоб) да ётмоқ, қуёш (офтоб) да исинмоқ; офтобда сайр қилмоқ

– شَامِسٌ *1)* қуёшли, ёруғ; 2) биркесар, айтганидан қайтмайдиган, терс

– شَمَّاسٌ *кўп.* شَمَامِسَةٌ *дин.* дьякон (*православ черковида руҳонийларнинг қуйи унвони*)

– شَمْسٌ *мн. кўп.* شُمُوسٌ қуёш, офтоб, ~ الـ شُرُوقُ қуёш чиқиши; ~ الـ غُرُوبُ қуёш ботиши; ~ الـ ضَوْءُ қуёш нури (ёруғи); ~ الـ عَابِدُ қуёшга чўқинувчи; ◊ ~ الـ عَبَّادُ а) кунгабоқар; б) ҳаворанггул; ~ الـ هَذَا وَاضِحٌ وُضُوحَ *ёки* هَذَا وَاضِحٌ وُضُوحَ الـ ~ رَابِعَةَ النَّهَارِ бу кундай равшан; бу мутлақо аниқ (равшан)

– شَمْسِيٌّ қуёшли, қуёшга оид; بَطَّارِيَّةٌ ~ ـَـةٌ қуёш батареяси; سَنَةٌ ~ ـَـةٌ қуёш йили; ~ شَهْرٌ қуёш йили ойи; حُرُوفٌ ~ ـَـةٌ қуёш ҳарфлари, шамсий ҳарфлар; ~ الـ تَّصْوِيرُ фотография; صُورَةٌ ~ ـَـةٌ фотосуврат

– شَمْسِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ, شَمَاسِيُّ шамсия, зонтик; ~ الـ شُبَّاكُ дарпарда

– شَمُوسٌ қийиқ, терс

– شُمَيْسَةٌ қуёшжон

– شَمْسِيٌّ = مُشْمِسٌ

– مَشْمَسَةٌ солярий (*қуёш ваннаси қабул қилинадиган жой*)

– مَشْمُوسٌ офтоб урган, офтоб уриб кетган

شَمْشَمَ 1) ҳидламоқ; 2) (*бирор н. ни*) андиб билмоқ, билиб олмоқ; искаб топмоқ (*ков-ков қилиб юрувчи одам ҳақида*)

(شمص) VII اِنْشَمَصَ қўрқмоқ

I (شمط) **شَمَطَ** (*а*) شَمَطٌ соч оқармоқ, оқ соч билан қопланмоқ; شَمَطَ (*и*) شَمْطٌ 1) олиб кетмоқ, ўғирламоқ; 2) олиб қўймоқ; уриб кетмоқ (*мас., пул ҳақида*), юлғичлик билан олмоқ

– أَشْمَطُ *мн* شَمْطَاءُ *кўп.* شُمْطٌ сочи оқариб кетган; оқсоч

– شَمَطَةٌ шовқин, шовқин-сурон

شَمَعَ *халқ.* эшитмоқ, қулоқ солмоқ

I **شَمَعَ** (*а*) شَمْعٌ ҳазил қилмоқ, кўнгил очмоқ, ўйнамоқ; II شَمَّعَ мум билан қопламоқ, мумламоқ; ◊ الْفَتْلَةَ ~ қочмоқ, шамғалат қилмоқ; V تَشَمَّعَ мум билан қопланган (мумланган) бўлмоқ

– شَمَّاعٌ 1) шам ясовчи (тайёрловчи); 2) шам сотувчи

– شَمَّاعَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ вешалка (*кийим осиб қўйиладиган жой*)

– شَمْعٌ 1) мум; الْخَتْمِ ~ *ёки* أَحْمَرُ ~ сургуч (*мас., конвертлар устидаги*) мумли муҳр; ~ النَّحْلِ *ёки* الْعَسَلِ ~ мум; 2) шам; ~ الشَّحْمِ мой шам, мум шам

– شَمْعَدَانٌ *кўп* اتٌ ـــ шамдон, устига шам қўйиладиган буюм, жиҳоз (подсвечник)

– شَمْعَةٌ *кўп.* شُمُوعٌ, شَمَعَاتٌ шам; شَرَارَةٍ ~ *тех.* свеча (*мас., автомобилдаги*)

– شَمْعِيٌّ мумга оид; التَّمَاثِيلُ الـ ~ ـَـةُ мумдан ясалган ҳайкаллар, мум фигуралар (*мас., музейларда*)

– مُشَمَّعٌ[1] мумланган

– مُشَمَّعٌ[2] *кўп.* اتٌ ـــ 1) ёмғир ўтказмайдиган плаш, ёмғирпўш; 2) *шунингдек:* ~ قُمَاشٌ клеёнка; ~ الْأَرْضِ линолеум

– مَشْمَعَةٌ ҳазиллашиш, ҳазил-ҳузил, мазах

I **شَمَلَ** (*у*) شَمْلٌ, شُمُولٌ *ёки* شَمِلَ (*а*) شَمَلٌ 1) ўрамоқ; қучоқламоқ, бағрига олмоқ; ~ تْنِي فَرْحَةٌ мени шодлик туйғуси ўраб олди; ~ بِالْعِنَايَةِ иноят (ғамхўрлик) қилмоқ; 2) ўз ичига олмоқ, қамраб олмоқ; 3) **умумий** (ҳар нарсага мос, универсал) бўлмоқ; ~ تِ الرِّيحُ шамол шимол томондан эсди; II شَمَّلَ тарқатмоқ (*мас., қонун кучини*) (عَلَى); IV أَشْمَلَ шимол томондан эсадиган шамол ўртасида қолмоқ; V تَشَمَّلَ ўралмоқ, ўралиб олмоқ; VIII اشْتَمَلَ 1) (*н. гадир*) ўралмоқ, ўралиб олмоқ (*туш. к. ёки* بِ); 2) ўзига (*н. нидир*) қамраб олмоқ, сақламоқ (عَلَى)

– اشْتِمَالٌ: ~ الصَّمَّاءِ гавданинг барча қисмини кийим билан тўсиб, ўраб олиш

– شَامِلٌ кенг қамровли, тўла; умумий, ҳамма нарсага мос келувчи, универсал

– شِمَالٌ[1], شَمَالٌ 1) шимол; اً~ шимолда, шимолдан; ~ شَرْقِيٌّ шимоли-шарқ; ~ غَرْبِيٌّ шимоли-ғарб; ~ كَوْكَبُ الـ Қутб юлдузи; 2) *мн.* шимол шамоли; 3) хулқ, хулқ-атвор, табиат

– شِمَالٌ[2] 1. чап, сўл; 2. 1) *мн.* чап қўл; 2) чап (сўл) томон; اً~ *ёки* ~ ذَاتَ الـ чапга; чапдан; 3) *сиёс.* сўллар

– شِمَالِيٌّ, شِمَالِيٌّ 1) шимолий, шимолга оид

– شِمَالِيٌّ[2] чап томонда ўтирувчи (турувчи); чапга оид; الشِّمَالِيُّونَ *сиёс.* сўллар

– شَمْلٌ[1] 1. бирлашганлик, тўпланганлик, қўшилганлик; бутунлик; ~ تَشَتُّتُ الـ бўлинганлик, бўлиниб кетганлик, тарқоқлик; ажралиш; ~ هُمْ فِي الْبِلَادِ تَفَرَّقَ улар мамлакат бўйлаб тарқалиб кетишди; 2) иттифоқ, бирлашиш; ~ هُمْ (لَمَّ) جَمَعَ иттифоқ қилмоқ, бирлаштирмоқ, кимларнидир бирлаштириб тўпламоқ; بَدَّدَ ~ هُمْ кимларнидир ажратмоқ (тарқатиб юбормоқ); ~ اجْتَمَعَ الـ الْعَرَبِيُّ فِي هَذَا الْمُؤْتَمَرِ бу конгрессга бутун араб дунёси йиғилди

– شَمْلٌ[2] шимолдан эсадиган шамол

– شَمَلٌ = شَمْلٌ[2]

– شَمْلَةٌ *кўп.* شَمَلَاتٌ чопон, плашч; ~ مِنَ الْقُمَاشِ латта

– شَمُولٌ 1) шимолий шамол; 2) совутилган вино

– شُمُولٌ қамров, умумийлик

– شُمُولِيٌّ қамрови кенг, ҳар томонлама, ҳар нарсага мос, универсал

– شُمُولِيَّةٌ ҳар нарсага мослик, универсаллик

– شَمِيلَةٌ *кўп.* شَمَائِلُ шамойил, хусусият, кўриниш; фазилат, яхши хислат, қадр-қиммат

– مُشْتَمَلَاتٌ *кўп.* ўзида бор нарса

– مُشْمُلَةٌ мушмула

– مَشْمُولٌ 1) қамраб олинган; ҳимоя қилинган; بِالْحِمَايَةِ ~ ҳимоя остида турган, ҳимояда бўлган; بِرِعَايَتِهِ ~ кимнингдир ҳимояси (васийлиги) остида турган (бўлган); 2) кучсиз, енгил; خَمْرٌ ~ ـةٌ таъми енгил шароб (май)

شَمْلَلَ чаққон (тезкор) бўлмоқ

– شُمْلُولٌ[1] чаққон, тезкор

– شُمْلُولٌ[2] *кўп.* شَمَالِيلُ унча катта бўлмаган миқдор

– شَمَنْدُورٌ, شَمَنْدَرٌ лавлаги; ~ السُّكَّرِيُّ қанд лавлаги

– شَمَنْدُورَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ буй, бакен (*дарё ва бошқа сув йўлларида саёзлик, йўл ва ҳ. ларни кўрсатиб турувчи белги*)

I **شَنَّ** (*а/у*) қуймоқ, қуйиб қўймоқ; (*вино устига сув*) қуймоқ; ◊ ~ الْغَارَةَ (*к. гадир*) босқин (ҳужум) қилмоқ (عَلَى); (*к. гадир қарши*) юриш уюштирмоқ (عَلَى); ~ حَرْبًا уруш олиб бормоқ (*бошламоқ*); ~ عُدْوَانًا (هُجُومًا) ҳамла (ҳужум) қилмоқ; ~ (*к. гадир қарши*) агрессия ташкил қилмоқ (*уюштирмоқ* عَلَى ,ضِدَّ); IV أَشَنَّ: ~ الْغَارَةَ = شَنَّ الْغَارَةَ; X اسْتَشَنَّ 1) эскирмоқ, ишдан чиқмоқ; 2) озиб кетмоқ, озғин бўлиб кетмоқ, озмоқ

– شَنٌّ *кўп.* شِنَانٌ эски меш

– شَنَانٌ ёмон кўриш, нафрат

– شَنَّةٌ = شَنٌّ

– مِشَنَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ сават

I **شَنِئَ** (*а*) شَنَأٌ, شَنْءٌ *ёки* شَنَأَ (*а*) شَنَآءٌ қаттиқ ёмон кўрмоқ, нафратланмоқ, ичқоралик қилмоқ; VI تَشَانَأَ бир-бирини (қаттиқ) ёмон кўрмоқ

– شَانِئٌ *кўп.* شُنَّاءٌ ёмон кўрувчи, нафратланувчи

– شَانِئَةٌ *кўп.* شَوَانِئُ ёмон кўрувчи аёл, нафратланувчи аёл

– شَنْآنُ 1. нафратланадиган, ёмон кўрадиган; 2. ёмон кўрувчи, нафратланувчи

– شَنَآنٌ кучли (*қаттиқ*) нафрат

– مَشْنَأَةٌ, شَنَأَةٌ, شَنَاءَةٌ нафрат

I **شَنِبَ** (*а*) شَنَبٌ салқин, совуқ бўлмоқ

– أَشْنَبُ *мн.* شُنْبٌ *кўп.* شُنْبٌ оппоқ тишли, тиши оппоқ

– شَنِبٌ салқин, совуқ

– شَنَبٌ[1] тишларнинг оқ ранги; 2) тишнинг ўткирлиги

– شَنَبٌ[2] *кўп.* أَشْنَابٌ мўйлов; ~ فَرْدَةٌ مِنَ الـ мўйлов тукининг бир донаси (қили); ~ أَبُو мўйловли, мўйловдор

شَنْبَلَةٌ алоқа

شَنْبَرٌ *кўп.* شَنَابِرُ 1) ҳалқа, чамбар, гардиш; шайба; 2) яшиқларга қоқиладиган металл тасма

شَنْتِيَانٌ *кўп.* شَنَاتِينُ кенг иштон

I شَنَجَ (*а*) شَنَجٌ тиришмоқ, бужмаймоқ, буришмоқ, қисқармоқ; V تَشَنَّجَ қисқармоқ; титраб бужмаймоқ; титрамоқ, қақшамоқ; тириширб-буришмоқ

– تَشَنُّجٌ пайларнинг тиришиши; тириширб-буришиш; спазма; конвульсия

– تَشَنُّجِيٌّ тиришишга оид, спазмага оид

– شَنْجَانَةٌ *кўп.* اتٌ — лўли аёл

شَنَّخْفٌ узун, узун бўйли

(شنر) II شَنَّرَ обрўсизлантирмоқ, шарманда қилмоқ

– شَنَارٌ обрўсизлантириш, обрўсизлик, шармандалик

– شُنَارَى *зоол.* илвирс (*тоғ йўлбарси*)

شَنْشَنَ тасур-тусир, шовқин, шилдираш овозини чиқармоқ

– شَنْشَنَةٌ тасир-тусир, шовқин, шилдир-шилдир

– شِنْشِنَةٌ *кўп.* شَنَاشِنُ одат, феъл-атвор, табиат, характер; таъб, кўникма; أَعْرِفُهَا مِنْ أَخْزَمَ ~ *мтл.* бу Дақъунусдан қолган (*сўзма-сўз:* бу феъл-атворнинг Ахзамдан қолганлигини биламан)

I شَنَطَ (*у*) شَنْطٌ тугун қилмоқ, тугун қилиб боғламоқ; тугмоқ; ~ بُنْدُقِيَّتَهُ فِي كَتِفِهِ елкага милтиқ осмоқ; II شَنَّطَ (*ғўштни*) бир оз қовурмоқ

– شَنْطَةٌ[1] тугун

– شَنْطَةٌ[2] *кўп.* شُنَطٌ, شَنَطَاتٌ 1) қоп, қопчиқ, сумка; ~ الْيَدِ аёллар сумкаси; ~ الْكِتَابِ ўқувчиларнинг елкага осиб юрадиган сумкаси; 2) жомадон

– شَنِيطَةٌ сиқиб боғланадиган тугун

I شَنُعَ (*у*) شَنَاعَةٌ нафратлантирувчи (хунук, иркит аблаҳ) бўлмоқ; II شَنَّعَ 1) нафрат қўзғатмоқ; 2) обрўсизлантирмоқ, сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ; X اسْتَشْنَعَ нафратлантирувчи (хунук, иркит, аблаҳ) деб ҳисобламоқ

– أَشْنَعُ мн شُنَّعٌ, شُنَاعَاءُ *кўп.* شُنْعٌ иркит, уятли, шармандали; аблаҳона, тубан, нафратлантирувчи

– شَنَاعَةٌ аблаҳлик, тубанлик, қабиҳлик, ифлослик

– شَنِعٌ шармандали, тубан, нафратлантирувчи; аблаҳ, тубан, даҳшатли

– شُنْعَةٌ *кўп.* شُنَعٌ тубанлик, аблаҳлик, пасткашлик, қабиҳлик

– شَنِيعٌ = شَنِعٌ

I شَنَفَ (*и*) شَنْفٌ (*к. гадир*) кеккайиб қарамоқ (إِلَى); II شَنَّفَ исирға, тақинчоқлар билан безатмоқ; ◊ الْآذَانَ ~ қулоққа лаззат бермоқ (*музика, мақтов сўзи ва ҳ.к. ҳақида*); V تَشَنَّفَ исирға. шокилалар билан безанмоқ (зийнатланмоқ)

– شَنْفٌ *кўп.* شُنُوفٌ исирға, балдоқ; зеб-зийнат, тақинчоқ

I شَنَقَ (*у*) شَنْقٌ осмоқ, осиб ўлдирмоқ; VII انْشَنَقَ осилган бўлмоқ

– شَنَقٌ ўлдирганлик учун олинадиган тўлов (бадал)

– مِشْنَقَةٌ *кўп.* مَشَانِقُ дор

– مَشْنُوقٌ осилган

شُنْقُبٌ лойхўрак (*қуш*)

شِنَّكٌ *кўп.* شَنَانِكُ мушакбозлик билан ўтказиладиган халқ байрами (сайли)

شِنْكَارٌ рейсмас, рейсмус (*маҳсулотга чизиқ тортадиган дурадгорлик асбоби*)

شَنْكَلَ 1) илинтирмоқ; чалмоқ, чалиб йиқитмоқ; تَشَنْكَلَ 1) илинтирилган бўлмоқ; 2) қоқилиб йиқилмоқ, қоқилмоқ

– شَنْكَلٌ *кўп.* شَنَاكِلُ илмоқ, илгак; ~ وَ رَزَّةٌ илмоқ ва сиртмоқ

– شَنْكَلَةٌ 1) илиш; 2) оёқдан чалиш (*мас., ўйин вақтида*)

شَنْهَفَ ҳиқилламоқ, ҳиқиллаб йиғламоқ

– شَنْهَفَةٌ ҳиқиллаш, ҳиқиллаб йиғлаш

شَنْهَقَ ҳанграмоқ (*эшак ҳақида*)

– شَنْهَقَةٌ ҳанграш

I شَهُبَ (*у*) شُهْبَةٌ кулранг бўлмоқ

– أَشْهَبُ *мн.* شُهْبٌ *кўп.* شَهْبَاءُ кулранг; الشَّهْبَاءُ кулранг (*Ҳалаб ш. нинг сифати-* حَلَبُ الشَّهْبَاءُ)

– شِهَابٌ *кўп.* شُهُبٌ 1) учар юлдуз, метеор; 2) оловнинг ярқираган шуъласи (алангаси)

– شَهَبٌ кулранг

– شُهْبَةٌ оқ ранг кўп бўлган оқ-қоралик

I (شهد) شَهِدَ[1] (*а*) شُهُودٌ (*н. дадир*) бўлмоқ, қатнашмоқ, (*бирор н. нинг*) шоҳиди (гувоҳи) бўлмоқ; شَهِدَ[2] (*а*) شَهَادَةٌ 1) (*н. тўғрисидадир*) гувоҳлик бермоқ (ب); 2) (*к. гадир қарши*) (*к. нингдир тарафини олиб*) гувоҳлик бермоқ (لِـــ, عَلَى); 3) (*н. нидир*) ёзма тасдиқламоқ (عَلَى); ◊ بِاللهِ ~ Оллоҳ номи билан онт (қасам) ичмоқ; II شَهَّدَ гувоҳлик (шоҳидлик)ка чақирмоқ; III شَاهَدَ 1) кўрмоқ, кузатмоқ, қарамоқ; بِأُمِّ عَيْنِيْهِ ~ ўз кўзи билан кўрмоқ; شَاهَدُوا بِأَعْيُنِهِمْ هَذَا улар буни ўз кўзи билан кўрдилар; 2) қатнашмоқ, иштирок этмоқ; IV أَشْهَدَ 1) гувоҳликка олмоқ, гувоҳ қилмоқ; 2) *мажх.* шаҳид бўлмоқ; V تَشَهَّدَ исломда эканлигини ёки у ни қабул қилганлигини билдирувчи қуйидаги гапни айтмоқ; لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللهِ Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг расулидир; X اسْتَشْهَدَ 1) (*к. нидир*) гувоҳликка жалб қилмоқ, гувоҳликка олмоқ (ب); гувоҳ (исбот) сифатида (*н. нидир – ب к. гадир н гадир қарши* عَلَى) гувоҳликка олиб келмоқ; 2) (*н. нидир*) исботловчи мисол тариқасида келтирмоқ; (*н. гадир*) мурожаат этмоқ, (*н. нидир исбот сифатида*) иқтибос қилиб келтирмоқ (ب); 2) мажх. (*дин йўлида*) шаҳид бўлинмоқ; (*ҳаққоният учун*) уруш да ҳалок бўлмоқ, шаҳид бўлмоқ.

– اِسْتِشْهَادٌ *кўп.* اَتٌ ـــ 1) (*бирор н. ни*) исбот сифатида келтириш, (*бирор н. га*) мурожаат қилиш; иқтибос келтириш; 2) (*гоя, дин, ҳақиқат йўлида*) ҳалок (шаҳид) бўлиш

– شَاهِدٌ *кўп.* شُهُوْدٌ, شُهَّادٌ, أَشْهَادٌ 1) шоҳид, гувоҳ; عَلَى رُؤُوْسِ الْأَشْهَادِ *као.* رَأْسُ الْإِثْبَاتِ ~ айблов гувоҳи; عَدْلٌ ~ тўла ҳуқуқли гувоҳ; عَيْنٌ ~ ёки عِيَانٌ ~ ўз кўзи билан кўрган, бирор нарсанинг бевосита шоҳиди бўлган киши; اَلْمُبَارِ ~ секундант (*1. дуэлда томонлар вакили; 2) боксда, шахматда томонлар вакили ва ёрдамчиси*); اَلْمَلِكُ ~ тождор гувоҳ, бош (асосий) гувоҳ; اَلنَّفْيِ ~ ҳимоя гувоҳи; 2) кузатувчи; 3) қабр устига қўйилган тош; 4) нотариус (*Тунисда*)

– شَهَادَةٌ *кўп.* اَتٌ ـــ 1) гувоҳлик, кўрсатма бериш (*судда*); 2) ёзма гувоҳнома, аттестат; диплом, اَلْاِخْتِرَاعِ ~ ихтиро гувоҳномаси (патент); (اَلْإِعْدَادِيَّة) اَلدِّرَاسَةِ الثَّانَوِيَّة ~ икки (бир) босқичли мактабни тамомлаганлиги ҳақида аттестат; تَحْقِيقِ شَخْصِيَّة ~ шахсий гувоҳнома; تَلْقِيحِ (تَطْعِيمِ) ضِدَّ الْجَدَرِيِّ ~ чечакка қарши эмланганлик ҳақида гувоҳнома; حُسْنِ السَّيْرِ وَ السُّلُوكِ ~ ишончлилиги ҳақида гувоҳнома; اَلدُّكْتُورَاة ~ фан доктори аттестати; عَالِيَة ~ олий мактаб дипломи; عَدَمِ الْمَحْكُومِيَّة ~ судланмаганлиги ҳақида гувоҳнома, اَلْمِيلَادِ ~ туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (метрика); اَلْوَفَاة ~ вафот (ўлганлик) ҳақида гувоҳнома; 3) шаҳидлик; 4) динда эканлигини кўрсатувчи сўзлар (*қар.* تَشَهُّدٌ); بِالـــ~ نَطَقَ динда эканлигини кўрсатувчи сўзларни айтмоқ (*мас., ўлим хавфи келиб қолган пайтда*)

– شَهْدٌ, شُهْدٌ *кўп* شَهَادٌ асал, бол, шаҳд

– شَهْدَةٌ *мед* карбункул, ҳўппоз, кўк яра, чипқоннинг бийи

– شَهِيدٌ *кўп.* شُهَدَاءُ 1. жангда ўлган (шаҳид бўлган, ўлдирилган); 2. 1) шаҳид;2) қурбон; اَلْوَاجِبِ ~ масъулият (вожибият) қурбони

– مُشَاهِدٌ кузатувчи, томошабин

– مُشَاهَدٌ кузатилаётган, кўриниб турган

– مُشَاهَدَةٌ 1) кузатиш; кўриб чиқиш, мушоҳада қилиш; 2) кўрик; 3) кўришиш, учрашиш; اَلْمُكَاتَبَةُ نِصْفُ الـــ~ *мтл.* ўзаро хат ёзишиш ярим кўришиш (дийдор)

– مَشْهَدٌ *кўп.* مَشَاهِدُ 1) мажлис, тўпланиш; 2) дафн маросимидаги юриш; 3) тамошо, кўриниш; 4) *театр.* кўриниш, парда; номер (*концерт дастурида*); 5) ёдгорлик; диққатга сазовор жой (нарса); مَشَاهِدُ الْمَدِينَة шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари; 6) авлиёнинг қабри (*зиёратгоҳ сифатида*); ◊ عَلَى ~ مِنَ النَّاسِ ҳаммага кўриниб турган

– مَشْهُودٌ ёдгорликка оид, диққатга сазоворликка оид, диққатга сазовор; لَهُ بِالْكَفَاءَة ~ иқтидорли, қўлидан иш келадиган, эпли; عَائِلَةٌ ~ لَهَا بِالْوَطَنِيَّة وَ الْأَخْلَاقِ الْعَالِيَة ўз ватанпарварлиги ва юксак ахлоқлилиги билан машҳур оила

– مَشْهُودَاتٌ *кўп.* (*саёҳат вақтида*) кузатилган нарсалар

I شَهَرَ (*а*) شَهْرٌ 1) маълум (машҳур) қилмоқ; 2) тарқатмоқ, халққа билдирмоқ, эълон килмоқ; فِي الْمَرَادِ ~ кимошди савдосига қўймоқ; ~ الْحَرْبَ (*к. гадир*) уруш эълон килмоқ (عَلَى); 3) яланғочламоқ (*мас., қилични*); لِبُنْدُقِيَّة ~ (*к. нидир*) мўлжалга олмоқ (عَلَى); 4) *мажх.* (*н. билэндир*) шуҳратпанмоқ, шуҳрат топмоқ; II شَهَّرَ 1) тарқатмоқ; 2) (*к. нидир*) обрўсизлантирмоқ, ҳақоратламоқ (ب); (*к. ҳақдадир*) бемаъни (ёмон) миш-мишлар тарқатмоқ (ب); (*к. нидир*) эътиборсизлантирмоқ (ب); III شَاهَرَ ойбай ишга олмоқ; IV أَشْهَرَ шуҳратли қилмоқ; 2) эълон килмоқ, халққа маълум қилмоқ; ~ الْحَرْبَ уруш эълон қилмоқ; 3) яланғочламоқ (*мас., қилични*); 4) бир ой истиқомат қилмоқ; VIII اِشْتَهَرَ 1) тарқалмоқ; 2) машҳур (таниқли) бўлмоқ, (*н. билэндир*) шуҳрат топмоқ (ب); ... عَنْهُ أَنَّ ~ у ҳақда шу нарса маълумки, ...

– اِشْتِهَارٌ 1) шуҳратлилик, шон-шуҳрат, таниқлилик; 2) обрў-эътибор

– إِشْهَارٌ эълон қилиш, халққа маълум қилиш; اَلْإِفْلَاسِ ~ синганликни эълон қилиш

– أَشْهَرَ (анчагина) шуҳратпараст; مِنْ نَارٍ عَلَى عَلَمٍ ~ هُوَ *маж.* у жуда шуҳратли (*сўзма-сўз:* у тоғдаги ўтдан кўра шуҳратпараст)

– شَهْرٌ *кўп.* أَشْهُرٌ, شُهُورٌ ой (*30 кун маъносида*); اَلْحَالِي الـــ~ жорий (ҳозирги) ой; اَلْقَادِمُ الـــ~ кириб келаётган ой; اَلْمُنْصَرِمُ الـــ~ (اَلْمَاضِي) ўтган (ўтиб кетган) ой; ◊ اَلْعَسَلِ ~ *қар.* عَسَلٌ

– شُهْرَةٌ 1) шуҳрат (*ҳаммага*) таниқлилик, маълумлик; عَالَمِيَّةٌ ~ жаҳонга таниқлилик; شَعْبِيَّةٌ ~ оммага (халққа) таниш бўлиш, халқ орасида шуҳратлилик; ؟ مَا ~ هَذِهِ الْمَدِينَة бу шаҳар нимаси билан шуҳрат тутган?; طَبَّقَتْ ~ـــهُ آفَاقَ الْمَغَارِبِ وَ الْمَشَارِقِ унинг шуҳрати бутун оламга тарқалди; 2) обрў-эътибор

– شَهْرِيٌّ ойлик, ойга оид, ойма-ойликка оид; ~ ойма-ой; نِصْفُ ~ икки ҳафталик (ярим ойлик) (*матбуот ҳақида*)

– شَهْرِيَّةٌ *кўп.* اَتٌ ـــ ойлик маош

– شَهِيرٌ машҳур, таниқли, шуҳратли

– مُشَاهَرَةٌ 1) ойлик маош; стипендия; ~ бир ойда, ҳар ойда, ойма-ой; 2) сутнинг қочиши, йўқолиб қолиши (*янги туққан аёл ҳақида*), аёлнинг туғмаслик касалига дучор бўлиши (*халқ эътиқодида*)

– مَشْهُورٌ *кўп.* مَشَاهِيرُ 1. машҳур, шуҳратли, донг таратган, таниқли; ... أَنَّ الـــ~ مِنَ яхши маълумки, ...; عَلَى الـــ~ одатдагидай; 2. машҳур одам; مَشَاهِيرُ الشَّرْقِ Шарқнинг машҳур одамлари

I شَهَقَ (*а*) شَهِيقٌ, شُهَاقٌ 1) сиқтамоқ, йиғламоқ; 2) (*чуқур*) хўрсинмоқ; 3) инграмоқ, хирилламоқ (*ўлаётган одам ҳақида*), 4)

ҳиқ тутмоқ; 5) ҳанграмоқ (*эшак ҳақида*). IV أَشْهَقَ йиғламоқ. ~ بِالْبُكَاءِ йиғлаб юбормоқ

– شَاهِقٌ баланд, юксак, улкан. ~ الْعُنُقِ бош айланадиган баландлик

– شَاهِقَةٌ *кўп.* شَوَاهِقُ 1. юксак, баланд, улкан, юксак тоғлар; 2) осмонўпар (*бино*)

– شَهْقَةٌ *кўп.* شَهَقَاتٌ 1) инграш; оҳ-воҳ, бақириқ; 2) ҳиқчоқ. ~ الدِّيكِ *мед.* кўкйўтал, 3) оҳ уриш

– شَهِيقٌ 1) инграш, йиғлаш, йиғи; 2) хириллаш; 3) ҳанграш; 4) эшак ҳанграшининг охирги қисми

(شهل) II شَهَّلَ 1) шошилинч юбормоқ (жўнатмоқ), 2) шошилтирмоқ; тезлатмоқ, шошмоқ; IV أَشْهَلَ тезлатмоқ

– أَشْهَلُ *мн.* شُهْلَاءُ *кўп.* شُهْلٌ кўккўз, шаҳло кўз

– تَشْهِيلٌ шошилинч жўнатиш (жўнатма)

– تَشْهِيلَاتٌ *кўп* ~ مَأْمُورُ транспорт (нақлиёт) бошқарувчиси

– شَهِلٌ, شِهِلٌ тез, чаққон

– شُهْلَةٌ кўзларнинг кўк ранги

I **شَهُمَ** (*у*) شَهَامَةٌ қўрқмас (жасоратли, жасур, матонатли) бўлмоқ; синчков бўлмоқ

– شَهَامَةٌ 1) қўрқмаслик, жасурлик; ғайрат, мардлик, қаҳрамонлик; 2) олижаноблик, яхши хулқлилик; 3) синчковлик

– **شَهْمٌ** *кўп.* شِهَامٌ 1) матонатли, ғайратли; қўрқмас, жасур; 2) синчков

I **(شهو) شَهَا** (*и*) شَهْوَةٌ 1) хоҳламоқ, истамоқ; 2) иштаҳаси бор бўлмоқ; شَهِيَ (*а*) شَهْوَةٌ = شَهَا II شَهَّى хоҳиш пайдо қилмоқ; иштаҳа очирмоқ; V تَشَهَّى эҳтиросни қўзғатмоқ, эҳтирос билан хоҳламоқ; 2) роҳат қилиб емоқ, (*овқатдан*) роҳатланмоқ, лаззатланмоқ, ҳузур олмоқ; VIII اشْتَهَى хоҳламоқ, истамоқ

– اشْتِهَاءٌ 1) истак, майл; 2) иштаҳа

– شَهْوَانُ *мн.* شَهْوَى *кўп.* شَهَاوَى 1) қаттиқ (астойдил) хоҳловчи, (*бирор н. га*) кўзи ом; 2) ҳиссиётли, шаҳватпараст

– شَهْوَانِيٌّ эҳтиросли, ҳиссиётли, шаҳватпараст

– شَهْوَةٌ *кўп.* شَهَوَاتٌ 1) кучли истак (*хоҳиш*); 2) эҳтирос, шаҳват, шаҳвоний нафс

– شَهْوِيٌّ ҳиссиётлиликка (*шаҳватпарастлиликка*) оид

– شَهِيٌّ 1) орзу қилинган, хоҳланган; 2) иштаҳа очувчи, мазали, ёқимли

– شَهِيَّةٌ = اشْتِهَاءٌ ~ ي مَفْتُوحَةٌ менинг иштаҳам бор

– مُشْتَهًى *кўп.* مُشْتَهَيَاتٌ исталган, хоҳланган; хоҳиш (истак) предмети; тилак, орзу

– مُشْهٍ *мн.* مُشْهِيَةٌ иштаҳа очувчи

– مُشْهِيَاتٌ *кўп.* иштаҳа очувчи овқат; газак (закуска)лар; иштаҳа очувчи нарсалар

У شَوْ *ҳақ. ним* (*Суриядa*)

I (شوب) شَابَ (*у*) شَوْبٌ 1) аралаштирмоқ, аралашиб кетмоқ; 2) аралаштирмоқ, омухта қилмоқ; 3) доғ қилмоқ, чаплмоқ. لَا تَشُوبُهُ شَائِبَةٌ унинг камчилиги йўқ. شَابَهَا شَيْءٌ у (*мн*) хижолатдан қизариб кетди

– شَائِبَةٌ *кўп.* شَوَائِبُ 1) камчилик, айб, доғ; 2) аралашма; 3) ифлослик, кирлилик

– شَوْبٌ 1) аралашма; 2) гармсел; 3) иссиқлик

– شَوْبَةٌ 1) иссиқ, иссиқлик; 2) ёлғон, алдаш, айдамчилик

– مَشُوبٌ доғ тушган; бузилган; бирор нарса аралашиб колган, аралашмали; ~ غَيْرُ соф, аралашмасиз, омухта бўлмаган

شَوْبَقٌ *кўп.* شَوَابِقُ ўқлоқ, тўва

شَوْبَكٌ *кўп* شَوَابِكُ = شَوْبَقٌ

I (شوت) شَاتَ (*у*) شَوْتٌ *спорт.* урмоқ, тепмоқ (*тўпни*)

(شوح) II شَوَّحَ 1) қўлни қилич-қилич қилмоқ, имо-ишора қилмоқ; 2) қовурмоқ; السَّمَكَ فِي السَّمْنِ ~ балиқни ёғда қовурмоқ; 3) рад қилмоқ

– تَشْوِيحٌ имо-ишора; ~ الْأَيْدِي қўлни қилич-қилич қилиш

– شُوحٌ арча

– شُوحَةٌ калхат, сор

– شَوْحِيٌّ, ـــ اتٌ *кўп.* شَوَاحٍ тўсин

شَوْحَطٌ *жам. бот.* шавҳат (*иссиқ мамлакатларда ўсадиган танаси қаттиқ арчасимон ўсимлик*)

مِشْوَذٌ салла

I (شور) شَارَ (*у*) شَوْرٌ 1) асал тўпламоқ (йиғмоқ); 2) кўрсатмоқ, 3) маслаҳат бермоқ. II شَوَّرَ (*бирор н. га*) ишора қилмоқ (إِلَى); 2) (*к. гадир*) имо-ишора қилмоқ (إِلَى); 3) миниб кўрсатмоқ (*эшак ёки отни-ёллоп ҳақида*); III شَاوَرَ 1) маслаҳат кўрсатма сўрамоқ; маслаҳатлашмоқ, консультация олмоқ; 2) (*к. гадир н. билан дир*) имо-ишора қилмоқ (ـــ, بِ, لِـــ). IV أَشَارَ 1) (*н. нидир*) кўрсатмоқ (إِلَى); *кар.* يُشَارُ إِلَيْهِ بِالْبَنَانِ 2) (*к. гадир*) имо-ишора қилмоқ (إِلَى); 3) (*н. нидир*) белгиламоқ (إِلَى); 4) (*н. гадир*) ишора, кочирим қилмоқ (إِلَى); (*к. гадир*) маслаҳат бермоқ (عَلَى); V تَشَوَّرَ сайр қилмоқ, сайр қилиб келмоқ; VI تَشَاوَرَ маслаҳатлашишмоқ; VIII اشْتَارَ асал йиғмоқ, асал тўпламоқ; X اسْتَشَارَ (*н. дадир*) маслаҳат (кўрсатма, консультация) сўрамоқ (فِي); (*н. нидир*) маслаҳатлашмоқ (فِي)

– اسْتِشَارَةٌ *кўп* اتٌ ـــ маслаҳат (консультация) учун мурожаат этиш

– اسْتِشَارِيٌّ 1) маслаҳатлашишга оид; 2) консультацияга оид; ~ رَأْيٌ маслаҳат овози. ~ الْمَجْلِسُ ... мажлиси, палата; 6) консультатив совет

– إِشَارْجِيٌّ *кўп.* إِشَارْجِيَّةٌ сигналчи; алоқачи

– إِشَارَةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـَـ 1) ишорат, кўрсатма; ~ اسْمُ الْـ *грам.* кўрсатиш олмоши; ... بِالْـ~ إِلَى ...га мурожаат қилган ҳолда, ...; هُوَ رَهْنُ ~ـِـهَا у ҳамма вақт у (*аёл*) нинг кўрсатмаларини бажаришга тайёр; 2) маслаҳат, кўрсатма; 3) кўрсаткич, белги, сигнал; имо-ишора, қочирим; ~ بَرْقِيَّةٌ телеграмма; ~ الْـ الْحَمْرَاءُ (الْخَضْرَاءُ) қизил (яшил) чироқ (*сигнал – светофордаги*) ~ الْخَطَرِ хатар сигнали, тревога; ~ الصَّلِيبِ *дин.* (*бутга*) чўқиниш ишораси; ~ الصَّلِيبِ الْأَحْمَرِ Қизил хоч белгиси; ~ لَا سِلْكِيَّةٌ радиосигнал; ~ الْمُرُورِ الضَّوْئِيَّةُ светофор сигнали; ~ الْمَسَافَةِ масофа белгиси; ~ الْوَقْتِ (*радиодан берилади*ган) вақтни текшириш сигнали; ~ الْيَدِ қўл ишорати; ~ـِـ قُوَّاتُ الْـ алоқа қўшинлари; كُشْكُ الْإِشَارَاتِ сигнал будкаси; كُشْكُ إِشَارَاتِ الْمُرُورِ йўл ҳаракати назоратчисининг будкаси; ... كَانَ بِمَثَابَةِ ~ لِـ ... учун ишорадай бўлмоқ

– إِشَارَةٌ[2] *кўп.* أَشَائِرُ байроқ

– إِشَارِيٌّ кўрсатишга оид; ~ـَـةٌ نُقْطَةٌ ориентир (*бирор н. нинг шу атрофда эканини кўрсатувчи аломат, белги*)

– إِشَارْجِيٌّ = أَشَرْجِيٌّ

– تَشَاوُرٌ жам бўлиб маслаҳатлашиш, консультация

– شَارَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) белги, аломат, символ; ~ الصَّلِيبِ الْأَحْمَرِ Қизил хоч белгиси (аломати, символи); 2) *ҳарб.* ҳарбий унвонларни фарқлаб турувчи белги; 3) значок; герб, тамға; 4) кийим-кечак; 5) гавда, қомат

– شَوَارٌ 1) уй анжомлари; 2) юк-тақ

– شُوَارٌ сеп

– شَوَّارٌ жокэй (*пойгачи-чавандоз*)

– شُورَى шўро, мажлис, маслаҳат мажлиси, палата; مَجْلِسُ ~ الْقَوَانِينِ қонун чиқарувчи мажлис; مَجْلِسُ ~ الدَّوْلَةِ давлат мажлиси (совети)

– شُورِيٌّ 1) маслаҳат беришга оид; 2) шўрога оид, маслаҳат мажлисига оид

– مُسْتَشَارٌ 1) маслаҳатчи, консультант; ~ السِّفَارَةِ элчихона маслаҳатчиси; ~ قَضَائِيٌّ ёки قَانُونِيٌّ адлия масалалари бўйича маслаҳатчи, юристконсультант; ~ عَسْكَرِيٌّ ҳарбий маслаҳатчи; ~ مَالِيٌّ молия маслаҳатчиси; 2) канцлер (*баъзи мамлакатларда мартабали амалдор унвони*)

– مُسْتَشَارِيٌّ канцлерга оид

– مُسْتَشَارِيَّةٌ канцлерлик

– مُسْتَشِيرٌ маслаҳат сўраб мурожаат қилувчи, маслаҳат сўровчи

– مُشَارٌ : إِلَيْهِ ~ юқорида айтилган, юқорида зикр қилинган, юқорида кўрсатиб ўтилган

– مُشَاوَرَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ машварат мажлиси, мажлис

– مُشْوَارٌ[1] *кўп.* مَشَاوِيرُ *қар.* مشوار

– مُشْوَارٌ[2] ҳайвонни сотиш мақсадида кўрикка қўйиладиган жой

– مُشَوِّرٌ ҳайвонни сотиш топширилган киши (*қар.* II شَوَّرَ)

– مَشْوَرَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ машварат, маслаҳат, кўрсатма; ~ الْأَطِبَّاءِ табиб (врач) лар маслаҳати билан; عُرْفَةُ الْـ~ маслаҳат хонаси (*судда*)

– مُشِيرٌ 1. кўрсатувчи, кўрсатиб берувчи; 2. 1) индикатор, кўрсаткич; 2) маслаҳатчи; 3) (*фельд*) маршал; ~ بَحْرِيٌّ адмирал

– مُشِيرَةٌ кўрсаткич бармоғи

شُورَبَةٌ шўрва

– شُورْمَةٌ қовурдоқ, қовурма, қўй гўштидан тайёрланган қовурма

(شوش) II شَوَّشَ 1) бузмоқ, ишдан чиқармоқ; чигаллаштирмоқ, издан чиқармоқ, (*н. нидир*) тушуниб бўлмайдиган ҳолга келтирмоқ (فِي); бузмоқ (*мас., матнни*); радиошовқин яратмоқ; 2) юқтирмоқ (*касаллик ҳаўида*); V تَشَوَّشَ 1) ишдан чиқмоқ, бузилмоқ; чигаллашмоқ, тартибсиз бўлмоқ; 2) бемаъни, янглиш бўлиб қолмоқ (*фикр ҳақида*); 3) захм юқтириб олмоқ

– أَشْوَشُ *мн.* شُوْشَاءُ *кўп.* أَشَاوِشُ, شُوشٌ 1. қўрқмас, баҳодир, мард الْفُرْسَانُ الْأَشَاوِشُ мард баҳодир чавандозлар; 2. қаҳрамон

– تَشَوُّشٌ издан чиқиш, бузилиш

– تَشْوِيشٌ *кўп.* اتٌ ـَـ ишдан чиққанлик, тартибсизлик, издан чиққанлик; *радио.* шовқинлар; 2) касаллик; захм

– شَاشٌ *алиф. б. қар*

– شَاشَةٌ *алиф. б. қар*

– شُوشْبَرَكٌ, شُشْبَرَكٌ чучвара

– شُوشَةٌ *кўп.* اتٌ, شَوَاشِيُ ـَـ 1) кокил, қўйилган соч, бош тепасидаги соч; тож (*мас., хўроздаги*); 2) боғлам, ип боғлами; боғламга ўхшашроқ; ~ كُرَّاثٌ *бот* кўк пиёз (*пиёзнинг япалоқ барглари бир тури*); شَوَاشِيُ الذُّرَّةِ сўта, маккажўхорининг энг учидаги кокили; ◊ مَدْيُونٌ لِلْـ~ қулоғигача қарзга ботган

– مُشَوَّشٌ 1) ташвишланган, издан чиққан, бузилган, чигаллашган; пахмайган (*соч ҳақида*); издан чиқарилган; бузиб қўйилган; ~ الْفِكْرِ фикрдан чалғитилган; 2) бемор; захм билан касалланган бемор

شَوْشَرَةٌ шовқин, шовқин-сурон; тартибсизлик, ҳаяжонга келиш

I (شوص) **شَاصَ** (*у*) شَوْصٌ ювмоқ, тозаламоқ

I (شوط) **شَاطَ** (*у*) شَوِيطٌ куйиб кетмоқ; куйиб қолган бўлмоқ; II شَوَّطَ 1) куйиб кетишга йўл қўймоқ (*мас., овқатни*); 2) узоққа саёҳат қилмоқ; الْكُرَةَ ~ тўпни узоққа ташламоқ (отмоқ)

– شَائِطٌ куйиб кетган

– شَوْطٌ *кўп.* أَشْوَاطٌ 1) масофа, дистанция; قَطَعَ (سَارَ) ~اً (كَبِيرًا, وَاسِعًا, طَوِيلاً) ...да катта муваффақиятларни қўлга киритмоқ; قَطَعَ أَشْوَاطًا جِسَامًا فِي طَرِيقِ الْاِسْتِقْلاَلِ истиқлол (мустақиллик) учун узоқ йўлни босиб ўтмоқ; 2) *спорт.* пойга; бир паккага бориб келиш; тайм (*мусобақанинг бир қисми*); الْأَوَّلُ ~ ўйининг биринчи қисми (ярми), биринчи тайм; 3) *тех.* такт (*бирор механизм иш циклининг бир қисми*)

– شَوْطَةٌ эпидемия, юқумли касалликларнинг тарқаб кетиши

– شَوَاظٌ, شُوَاظٌ аланга, ўт, олов; ◊ ~ الْحَفِيظَةِ ғазаб ўти (аланғаси)

I (شوف) شَافَ (*у*) شَوْفٌ 1) кўрмоқ; қарамоқ, қараб чиқмоқ; 2) (*н. биландир*) чапламоқ, сувамоқ (ب); ◊ ~ الْبَحْثَ фол очмоқ; II شَوَّفَ 1) кўрсатмоқ; 2) безатмоқ; V تَشَوَّفَ 1) баландликдан қарамоқ; 2) (*н. гадир*) интилмоқ; (*н. нидир*) талаб қилмоқ, қўлга киритишга интилмоқ (إِلَى); (*н. нидир*) сабрсизлик билан кутмоқ (إِلَى); (*н. нимагадир моҳиятини*) ақл кўзи билан кўрмоқ; 3) безанмоқ, ясанмоқ, ўзига ҳаво бермоқ

– تَشَوُّفٌ 1) (*бирор н. нинг ичига*) кириб кетиш; 2) кучли истак; فِي ~ لَهْفَةٍ кучли эҳтирос билан

– شَائِفٌ кўрувчи; (رُوحِهِ) ~ نَفْسِهِ мағрур, кеккайган, худбин

– شَوْفٌ[1] сихмола

– شَوْفٌ[2], شَوَفَانٌ кўриш, кўриб чиқиш

– شُوفَانٌ сули; بَرِّيٌّ ~ ёввойи сули; طَحِينُ الـ~ сули уни

– شَوْفَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ манзара, кўриниш

– شُوفِيرٌ *кўп.* شُوفِيرِيَّةٌ шофёр

– شُوفِينِيٌّ 1. шовинистликка оид; 2. шовинист

– شُوفِينِيَّةٌ шовинизм (*бирор миллатни мутлақ деб ҳисоблаб, бошқа миллатни камситишга асосланган миллатчилик*)

I (شوق) شَاقَ (*у*) شَوْقٌ истак (эҳтирос) қўзғатмоқ; жуда ёқмоқ; II شَوَّقَ қизиқиш (истак, шавқ) қўзғатмоқ, (*н. гадир*) интилтирмоқ, (*н. биландир*) қизиқтирмоқ, хурсанд қилмоқ (إِلَى, لِـ); V تَشَوَّقَ 1) қаттиқ хоҳламоқ, ташналик билан хоҳламоқ; 2) қизиқарли (қизиқтирарли) бўлмоқ; VIII اشْتَاقَ 1) (*н. гадир*) интилмоқ (إِلَى); 2) қаттиқ хоҳламоқ; 3) (*к. нидир*) соғинмоқ (إِلَى)

– اشْتِيَاقٌ иштиёқ, интилиш

– تَشْوِيقٌ қизиқиш, интилиш уйғотиш (қўзғатиш); қизиқарлилик (*мас., фильм*)

– شَائِقٌ қизиқ, чиройли; аъло, юксак; ажойиб, ёркин, қизиқарли

– شَوْقٌ *кўп.* أَشْوَاقٌ 1) шавқ, эҳтирос, кучли хоҳиш; 2) соғинч

– شَيِّقٌ 1) хоҳланган, соғинилган; 2) гўзал, нозик; 3) қизиқарли, қизиқ, юксак (*даражадаги*)

– مُشْتَاقٌ 1) муштоқ, қаттиқ хоҳловчи; 2) соғинган, соғиниб юрган

– مُشَوِّقٌ (*н. гадир*) истак (эҳтиросдан) эзилаётган (إِلَى)

– مُشَوِّقٌ қизиқтирувчи, қизиқ, ўзига тортувчи, ажойиб

– مُشَوِّقَاتٌ *кўп.* (*ҳикоядаги*) қизиқарли нарса

I (شوك) شَاكَ (*у*) شَوْكٌ санчадиган бўлмоқ, санчмоқ; II شَوَّكَ 1) санчадиган бўлмоқ, тиконли бўлмоқ, санчмоқ; 2) санчадиган қилмоқ; IV أَشَاكَ тикон билан (игна билан) санчмоқ

– شَائِكٌ 1) санчадиган, учли, ўткир; الْأَسْلاَكُ الـ~ـَةُ тиконсимли тўсиқ; тиконсим; 2) оғир, қийин, нозик; الْمَسَائِلُ الـ~ـَةُ оғир (қийин) нарсалар (муаммолар)

– شَوَّاكٌ санчоқ (вилка) тайёрловчи уста

– شَوْكٌ *жам. кўп.* أَشْوَاكٌ 1) тиконлар, игналар; ~ الْجِمَالِ *бот.* янтоқ; ~ الْعَمَلِ *бот.* қушқўнмас (*тиконли ўсимлик*); ~ الْوَرْدِ *мед.* гул (*айрим касалликлар пайтида терида пайдо бўладиган тўқ қизил тошма*); ~ الْيَهُودِ *бот.* айиқтовон; ~ تَاجُ الـ~ тиконли тож (*азоб-уқубат чекиш ёки ўз-ўзини қийнаш рамзи*); كَانَ طَرِيقُهُ مَزْرُوعًا بِالْأَشْوَاكِ *маж.* у босиб ўтган йўли ғоят машаққатли, қийинчиликларга тўла эди; 2) санчоқ (вилка); 3) балиқ суяклари; ◊ عَلَى الـ~ игна устида тургандай

– شَوْكِيٌّ санчадиган, тиконли

– شَوْكَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ 1) тикон, игна, уч, ўткир уч, найза; ~ الْحَرْبِ уч айрили (*бешликка ўхшаш*) найза; ~ الدِّيكِ хўроз пихи; ~ الْعَقْرَبِ чаён ниши; ~ الْقُنْفُذِ типротикон игнаси; 2) санчоқ (вилка – *шунингдек шахм.*) 3) балиқ суяги; كَانَ ~ مُؤْلِمَةٌ فِي حَلْقِهِ *маж.* томоққа тиқилиб қолган суяк бўлмоқ, дардисар бўлмоқ; 4) куч, қувват, қудрат; كَسَرَ ~َهُ кимнингдир куч-қудратини синдирмоқ; ◊ جَدِيدٌ بِـ~ـِهِ янги, янги тикилган

– مُشَوَّكٌ тикон билан қопланган; тиконли; ◊ ~ أَرْضِيٌّ артишок (*ўсимлик номи*); ~ تِينٌ кактус, ғуманжир; الْحَبْلُ الـ~ـُ арқа мия; الْعَمُودُ الـ~ـِيُّ умуртқа суяги; الْحُمَّى الشَّوْكِيَّةُ الـ~ـِيَّةُ *кар.* ҳумма

– شُوكُولاَتَةٌ, شُوكُولاَتَّةٌ шоколад

I (شول) شَالَ (*у*) شَوْلاَنٌ, شَوْلٌ 1) кўтарилмоқ; бир оз кўтарилмоқ; кўсалмоқ, юқориламоқ; الْمِيزَانُ ~ тарозининг бир палласи кўтарилмоқ; 2) (*н. нидир*) кўтармоқ (*туш. к. ёки* ب); 3) олиб бормоқ, олиб қўймоқ (*қар.* شيل); ~ تْ نَعَامَتُهُ у ўлди; II شَوَّلَ оз миқдорда бўлмоқ (*мас., сут, сув ҳақида*); IV أَشَالَ кўтармоқ, кўтариб бормоқ; VII انْشَالَ кўтарилмоқ, ташилмоқ

– أَشْوَلُ *мн.* شَوْلاَءُ *кўп.* شُوْلٌ чапақай

– شَالٌ алиф. б. қар

– شَوَالٌ *кўп.* أَشْوِلَةٌ қоп

– شَوَّالٌ шаввол (*қамарий тақвимнинг 10-ойи-29 кун*)

– شَوَّالَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ғийбатчи аёл; 2) сайроқи қуш; 3) чаён

– شَوْلٌ тезкор, чаққон

– شَوْلَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ вергул; مَنْقُوطَةٌ ~ нуқтали вергул

– مِشْوَلٌ *кўп.* مَشَاوِلُ кичик ўроқ, ўроқча

– شَوْلَقِيٌّ ширинтомоқ, ширинхўр

شَوْلَمٌ = شَيْلَمٌ

شَوَامُ *алиф. б. қар.*

– شُومٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ 1) қайроғоч, бужун (*шунингдек: мато*); عَصَا الضَّرْبُ بِالـــ~ асо, ҳасса, калтак; тўқмоқ; 2) хурмо новдаси; ~ الـــ حَبُّ *бот.* қизил (*дута*)

– شُومٌ[2] шумлик, ёмонлик (شُؤْمٌ *дан*); يَا ~ مَا عَمِلَ! у нима қилиб қўйди, у қандай ёмон иш қилиб қўйди-я!; ~ الـــ يَا عَيْبَ а) *халқ* кечирасиз, узр!; б) ташаккурга арзимайди!, арзимайди!; يَكْسِبُ ~ الـــ فِي الْيَوْمِ унинг маоши (иш ҳаққи) ёмон

– شُومَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) калтак; 2) калтаклаш, калтак билан уриш

(شون) II شَوَّنَ омборхонага (омборга) жойламоқ (жойлаштирмоқ); тўпламоқ, омборхонада сақламоқ; V تَشَوَّنَ омборхонага (омборга) жойланмоқ, тўпланмоқ, омборхонада (омборда) сақланмоқ

– شُونَةٌ, شُوَنَةٌ *кўп.* شُوَنٌ омборхона, омбор

شَوَنْدَرٌ, شَوَنْدَرٌ = شَمَنْدَرٌ; ~ الـــ السُّكَّرِيُّ қанд лавлаги

شُونِيزٌ, شَوْنِيزٌ *бот.* седана

I شَوَهَ (*а*) شَوَهٌ *ёки* شَاهَ (*у*) شُوهٌ хунук (ёқимсиз) бўлмоқ; бузилган (дабдаласи чиққан) бўлмоқ; II شَوَّهَ 1) дабдаласини чиқармоқ; майиб қилмоқ; 2) (*к. нингдир номини*) булғамоқ, обрўсизлантирмоқ; سُمْعَتَهُ ~ кимнингдир эътиборини туширмоқ; 3) бузмоқ, бузиб кўрсатмоқ; 4) *тех.* шаклини ўзгартирмоқ, деформация қилмоқ; V تَشَوَّهَ 1) хунук (дабдаласи чиққан) бўлмоқ, майиб қилинган бўлмоқ; 2) бузилмоқ, бузиб кўрсатилган бўлмоқ; 3) шарманда бўлмоқ; обрўсизланмоқ; 4) шаклини ўзгартирган бўлмоқ, деформацияланган бўлмоқ

– أَشْوَهُ мн شَوْهَاءُ *кўп.* شُوهٌ дабдаласи чиқарилган, майиб қилинган; хунук, ёқимсиз; فَرَسٌ شَوْهَاءُ оғзи катта от (*бу белги отлар учун яхши сифат ҳисобланмайди*)

– تَشَوُّهٌ хунуклик, майиблик

– شَاهٌ хунук, ёқимсиз

– شَاةٌ *кўп.* شِيَاهٌ, شَاءٌ 1) қўй; қўчқор; 2) эчки; така

– شَوَهٌ хунуклик, бузилиш, бузиш, бузиб кўрсатиш

– شُوهَةٌ 1) хунуклаштирилганлик, хунук (бузилган) кўриниш (манзара); 2) бузилганлик

– مُشَوَّهٌ 1) хунуклаштирилган, майиб қилинган; ~ الْحَرْبِ уруш майиби (инвалиди); 2) бузилган, бузиб кўрсатилган; 3) *тех.* шакли ўзгарган (деформация қилинган)

I شَوَى (*и*) شَيٌّ 1) (*сихда*) пиширмоқ; ёпмоқ (*тандирда, печкада*); 2) куйдирмоқ, ёндирмоқ (*қуёш ҳақида*); IV أَشْوَى қовурма бериб боқмоқ, қовурма едирмоқ; VII اِنْشَوَى пишмоқ; ёпилмоқ, VIII اِشْتَوَى қовурма тайёрламоқ

– شِوَاءٌ, شَوَاءٌ қовурилган гўшт, қовурма

– شَوَّاءٌ қовурмафуруш, қовурма сотувчи

– شَوَادٌ *кўп.* شَوًى бош териси

– شَوَّايَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ (*ғўшт пириладиган*) бешликсимон сих, панжара; това

– شَوْيٌ қовуриш, пиширш, ёпиш (*мас., тандирга, пекачага*)

– شَوِيٌّ қовурма, қовурдоқ

– شَوِيَّةٌ *қар.* شَيَّةٌ

– مِشْوَاةٌ *кўп.* مَشَاوٍ=شَوَّايَةٌ

– مَشْوِيٌّ қовурилган; 2. қовурма, қовурдоқ

I (شيأ) شَاءَ (*а*) مَشِيئَةٌ хоҳламоқ, истамоқ; اللهُ ~ إِنْ иншоаллоҳ, худо хоҳласа; ... ~ الْقَدَرُ أَنْ *ёки* ... ~ الْمُصَادَفَاتُ أَنْ ... бўлиши тақдирда бор экан, ... бўлиши тасодиф экан; ◊ اللهُ ~ إِلَى مَا забгдий, доимо; اللهُ ~ مَا қандай яхши-я; ~ أَمْ أَبَى хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам; اللهُ ~ أَجَلَّ الْعَمَلَ إِلَى مَا ишни орқага чўзмоқ, чексиз орқага суравермоқ; اللهُ لَهُ أَنْ يَعِيشَ ~ مَا وَ قَدْ عَاشَ مَا у Оллоҳ хоҳлаган муддат умргузаронлик қилди

– شَوِيَّةٌ *халқ.* озгина, бир озгина, салгина

– شَيْءٌ *кўп.* أَشْيَاءُ 1. нарса, предмет; ~ كُلُّ ҳамма нарса, ҳар қандай нарса; ~ الـــ نَفْسُ ўша нарсанинг ўзи, худди ўша; مَا تُرِيدُ ~ آخَرُ وَ ~ مَا أُرِيدُ сенинг хоҳлаганинг у бўлса, мен хоҳлаганим бошқа; ~ آخَرُ! وَ ~ هُوَ وَ لَكِنْ أَنَا лекин мен бошқаман, у ҳам бошқа! 2. кимдир, нимадир, бирор нарса (*инкор маънодаги феълдан кейин*); бир оз; ~ الـــ بَعْضُ маълум даражада; ~ لَا ҳеч нарса; ~ ~ оз-оздан; ~ ~ فَـــ оз-оздан, аста-секин; ~ بَيْنَ بَيْنَ бу қандайдир ўртача нарса; ~ مِنْ бир оз, оз-моз; ~ مِنْ عَلَى у бир оз ташвишда (ҳаяжонда); ~ مِنَ الْاقْتِصَادِ маълум даражада иқтисод қилиб; ~ لَا يَفْهَمُ у ҳеч нарсани фаҳмламайди (тушунмайди); ~ أَفْضَلُ مِنْ لَا ҳеч нарса йўқлигидан кўра бирор нарсанинг бўлгани яхши

– شَيْئِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ объектив

– شُيَيْءٌ бир оз, оз-моз, озгина; 2. кичик буюм (нарса)

– مَشِيئَةٌ истак, хоҳиш; ~ بِـــ اللهِ Оллоҳ хоҳиши билан

I (شيب) **شَابَ** (*u*) شَيْبٌ 1) сочи оқарган бўлмоқ, мўйсафид бўлмоқ; شَابَتْ لِحَانًا وَ العَقْلُ مَا جَانَا *халқ. мтл.* соқолинг оқарибди-ю, ақлинг кирмабди; II شَيَّبَ сочни оқартирмоқ; IV أَشَابَ = II

– أَشْيَبُ *мн.* شَيْبَاءُ *кўп* شِيْبٌ сочи оқарган, оқсоч, мўйсафид, بَيْنَ الشَّيْبِ وَ الْوِلْدَانِ ёшлар ва кексалар орасида

– أَشْيَبُ = شَائِبٌ

– شَايِبٌ *карт.* корол, қирол, подшо, шоҳ

– شَيْبٌ 1) оқ сочлар; 2) қарилик, мўйсафидлик

– شَيْبَةٌ *бот.* шувоқ, ёвшан; ~ الْعَجُوزِ йўсин, мох

– مَشِيبٌ 1) соч оқи; 2) кексалик даврига ўтиш

شِيتٌ чит, гул босилган мато

I (شيح) **شَاحَ** (*u*) شَيْحٌ 1) (*н. дадир*) ғайрат (куч) сарф қилмоқ (عَلَى); 2) (*к. дандир, н. дандир*) юз ўгирмоқ (عَنْ); IV أَشَاحَ (*к. дандир*) юз ўгирмоқ (عَنْ); бошқа ёққа бурмоқ (*мас., кўзни* – ب)

– شِيحٌ *бот.* шувоқ, ёвшан

– مَشْيُوحَاءُ шувоқ (ёвшан) ўсадиган жой

I (شيخ) **شَاخَ** (*u*) شَيْخُوخَةٌ, شَيْخٌ 1) кексаймоқ, кекса бўлмоқ, қаримоқ, эскириб колмоқ; 2) пишиб (етилиб) ўтиб кетмоқ (*сабзавот ҳақида*); II شَيَّخَ 1) қариган (кексайган) бўлмоқ; 2) шайх этиб тайинланмоқ; 3) يَا شَيْخُ деб (*к. гадир*) мурожаат этмоқ; 4) пишиб (етилиб) ўтиб кетмоқ

– شَائِخٌ 1) қариб қолган, кексайиб қолган; эскириб қолган; 2) қари, кекса; қадимги; 3) пишиб (етилиб) ўтиб кетган

– مَشْيَخَةٌ 1) шайхлик унвони; 2) *кўп.* اتٌ — шайхлик (*раҳбарлиги шайх бўлган административ бирлик*); ~ الْحَفَرِ соқчиларнинг бошқаруви; قَلَمُ الْمَشَايِخَاتِ жойлар ва қабилалар, оқсоқоллар, шайхлар таъйинлаш билан шуғулланадиган идора ёки бўлим; لَجْنَةُ الْمَشَايِخَاتِ шайхликлар билан шуғулланувчи комиссия

– شَيْخٌ *кўп.* شُيُوخٌ, أَشْيَاخٌ, مَشَايِخُ, مَشْيَخَةٌ 1) чол, мўйсафид; 2) шайхлар палатаси аъзоси, сенатор; مَجْلِسُ الشُّيُوخِ шайхлар палатаси, сенат, 3) шайх, бошлиқ, қабила оқсоқоли, 4) бошлиқ (*мас., коллективда, цехда*); ~ الْبَلَدِ қишлоқ оқсоқоли; 5) маънавий етакчи, муршид, шайх; ~ الْإِسْلَامِ шайхул-ислом (*ислом ақидаларининг энг эътиборли тафсирчиси*); ~ الْأَكْبَرُ ал-Азҳар университетининг ректори; ~ السَّجَّادَةِ дарвешлар сулукининг бошлиғи, 6) олим; 7) ўқитувчи, устоз; ~ الشُّيُوخِ Шайхушшуюх (*Наждда ҳоким унвони*). ◊ ~ الْبَحْرِ *зоол.* тюлень, нерпа (*тюленлар оиласига кирувчи сут эмизувчи жонивор*)

– شَيْخَةٌ *1)* кампир; 2) маълумотли аёл

– شَيْخُوخَةٌ қарилик, кексалик; ~ اللَّيْلِ *маж.* ярим кечада

– شَيْخُوخِيٌّ қариликка, кексаликка оид

– مَشْيَخَةٌ 1) шайхлик (*шайхнинг руҳоний сифатидаги унвони, лавозими*); 2) *кўп.* اتٌ — шайхга қарашли худудлар (*қабила оқсоқоли сифатида*)

I (شيد) **شَادَ** (*y*) شَيْدٌ 1) қурмоқ, тиклamоқ, кўтармоқ; 2) сувамоқ, сувоқ қилмоқ; II شَيَّدَ қурдирмоқ, тиклатмоқ, кўтартирмоқ; ~ الْقُصُورَ عَلَى الرِّمَالِ ~ قَصْرًا عَلَى الْعَوَالِي хом хаёл, пуч хаёл қилмоқ; ~ кум устига қаср қурмоқ, омонат иш қилмоқ; IV أَشَادَ 1) (*бино*) тикламоқ; 2) овозни кўтармоқ (баландлатмоқ); 3) (*к. нидир*) мақтамоқ, (*к. ҳақдадир*) мақтаб фикр айтмоқ (ب); ~ بِذِكْرِهِ кимнидир кўкларга кўтармоқ (мақтамоқ); ~ بِاسْمِهِ кимнингдир номини улуғламоқ (мақтамоқ)

– تَشْيِيدٌ қурилиш, бино

– شِيدٌ гипс, оҳак; сувоқ

– مُشَيَّدٌ, مَشِيدٌ 1) қурилган, тикланган; 2) сувалган, сувоқ қилинган

شِيرَةٌ ширин ичимлик, сироп

شِيرَجٌ кунжут ёғи (мойи)

شِيزٌ товоқ ясаладиган қора тусли ёғоч

– شِيزَى = شِيزٌ

شِيشٌ *кўп.* شُبَاشٌ 1) рапира (*қиличнинг бир тури*); لَعْبُ الـ~ қиличбозлик; 2) кабоб сихи; ~ الشُّبَّاكِ дарпарда

– شَيْشٌ олти хол, очко (*нард ўйинида*); ~ نَيْشٌ нард

– شِيشَةٌ *кўп* شِيَشٌ чилим; شَرِبَ الـ~ чилим чекмоқ

(شيص) V تَشَيَّصَ данаги юмшоқ бўлмоқ (*хурмо*)

– شِيصٌ данаги қотмаган хурмо (*меваси*)

– شُيْصَاءُ = شِيصٌ

I (شيط) **شَاطَ** (*u*) شَيْطٌ 1) куймоқ, куйиб қолмоқ, куйиб кетмоқ; 2) ҳалок бўлмоқ; II شَيَّطَ ўтда куйдирмоқ, куйдириб юбормоқ; (*овқатни*) куйдириб юбормоқ; IV أَشَاطَ 1)= II; 2) ҳалок қилмоқ, ҳалок этмоқ; V تَشَيَّطَ куйиб кетмоқ, куйиб қолмоқ, куйдирилмоқ, куйдириб юборилмоқ; X اسْتَشَاطَ ёниб кетмоқ; غَضَبًا ~ қизишмоқ, ғазаби (жаҳли) қайнамоқ

– شَائِطٌ куйган, тагига олган; ~ الـ مِنَ الطَّبِيخِ أَمْسَخُ куйиб кетган, тагига олган овқатдан ҳам бемаза

– شِيَاطٌ куйган нарсанинг ҳиди

(شيطن) تَشَيْطَنَ 1) ёмон (шайтон каби) иш қилмоқ; 2) шўхлик (шумлик) қилмоқ

– شَيْطَانٌ *кўп* شَيَاطِينُ 1) шайтон; ~ وَلَدُ шайтонвачча; ~ بِهِ а) васвас бўлиб қолган (*одам ҳақида*); б) шайтон оралаган (*хонадон*

ҳақида); كَأَنَّمَا مَسَّهُ الـــ~ لِيَذْهَبْ إِلَى الـــ~! шайтон олсин уни!; унинг юрагига шайтон ўрнашиб олгандай

– شَيْطَانِيٌّ шайтоний; шайтонга оид; дўзахий, дўзахга оид

– شَيْطَانِيَّةٌ: الـــ~ шайтонлик, шайтонлар кучи билан боғлиқ бўлганлик

– شَيْطَنَةٌ шайтоний ишлар

I (شيع) شَاعَ (*и*) شُيُوعٌ 1) тарқалмоқ; маълум бўлиб қолмоқ; (*н. нидир*) тарқатмоқ (ب); 2) умумники (ҳамманики) бўлмоқ, ҳаммага қарашли бўлмоқ; II شَيَّعَ жўнатмоқ, кузатмоқ, хайрлашмоқ; ~ـــهُ بِصَيْحَاتِ السُّخْرِيَّةِ кимнидир масхаралаб кулиб кузатмоқ (жўнатмоқ); ~ جَنَازَةَ الْمَيِّتِ ўлганнинг тобутини кузатмоқ, (жўнатмоқ); ~ النَّارَ ўтни (ўчирмай) сақлаб турмоқ; III شَايَعَ (*к. гадир*) қўшилмоқ, эргашмоқ; (*к. нигадир*) тарафига ўтмоқ; (*к. нигадир*) изидан бормоқ; (*к. нигадир фикрига*) қўшилмоқ; IV أَشَاعَ (*миш-мишлар*) тарқатмоқ, ўйлаб чиқармоқ; V تَشَيَّعَ 1) (*к. нигадир*) тарафини олмоқ; 2) шиа бўлмоқ; VI تَشَايَعَ (*бирор н. ҳақида*) тил бириктирмоқ

– إِشَاعَةٌ *кўп* ـــ اتٌ миш-миш

– تَشَيُّعٌ кимнигадир тарафини олиш; الـــ~ *дин.* шиалик

– شَائِعٌ 1) тарқалаётган; ... أَنَّ ~ الـــ (مِنْ) миш-миш юрибдики ....; 2) *шунингдек*: ~ الْاِسْتِعْمَالِ умум истеъмолдаги, ҳамма томонидан қабул қилинган, (*кенг*) тарқалган; 3) умумий, ижтимоий; ~ مُلْكٌ ижтимоий мулк

– شَائِعَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ, شَوَائِعُ миш-миш

– شَيَعَانٌ қуйикиш (*ҳайвонларда*)

– شِيعَةٌ *кўп.* شِيَعٌ, أَشْيَاعٌ партия, тарафдорлар; сулук; мазҳаб; الـــ~ шиалар; ~ الْمُسْلِمُونَ الـــ~ الْإِسْلَامُ *ёки* шиа мусулмонлар

– شِيعِيٌّ шиавий, шиаликка оид; 2. шиа, шиалик тарафдори

– شُيُوعٌ 1) кенг тарқалганлик, машҳурлик; таниқлилик; 2) умумийлик; ~ عَلَى الـــ биргалашиб, бирлашиб

– شُيُوعِيٌّ коммунистликка оид; ~ الْحِزْبُ الـــ коммунистик партия; الدُّوَلِيَّةُ الـــ~ـــةُ *тар.* Коммунистик интернационал; 2. коммунист

– شُيُوعِيَّةٌ: الـــ~ коммунизм

– مُشَاعٌ 1. умумий, ижтимоий, ҳаммага тегишли; ~ عَلَى الْـــ биргалашиб, бирлашиб; 2. жамоа

– مُشَاعِيَّةٌ 1) жамоа; ~ الْبَدَائِيَّةُ (الْإِبْتِدَائِيَّةُ) الْـــ ибтидоий жамоа; 2) коммуна

– مُشَايِعٌ тарафдор, издош

– مُشَايَعَةٌ (*к. гадир*) тарафдорлик; кимнигадир манфаати тарафини олиш

– مُشْتَاعٌ мулкдош, шерик

– مُشَيَّعٌ мард, қўрқмас, довюрак

– شَيْكٌ *кўп.* ـــ اتٌ чек; لِحَامِلِهِ ~ кўрсатувчи олишга ҳуқуқдор чек; دَفْتَرُ الشِّيكَاتِ чек дафтарчаси

أَشْيَكُ жуда келишган, ғоят назокатли

– شَيَاكَةٌ келишганлик, ярашимлилик

– شَيِّكٌ, شِيكٌ келишган, назокатли

شِكَارَةٌ = شِيكَارَةٌ

شَيْكَرَانٌ *бот.* бодиёни румий, зангпоя

I (شيل) شَالَ (*у*) شَيْلٌ 1) кўтарилмоқ; 2) (*н. нидир*) кўтармоқ (ب) 3) (*н. нидир*) ташимоқ, ташиб қўймоқ (ب); 4) (*н. нидир*) йўқотмоқ, йўқ қилмоқ (ب) II شَيَّلَ кўтарилмоқ, кўтаришга мажбур қилмоқ; юкламоқ; IV أَشَالَ кўтармоқ (*қар* خيس); VII انْشَالَ 1) кўтарилган бўлмоқ; 2) ташиб қўйилмоқ, бошқа жойга ўтказилмоқ

– شَالِيَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ тувак, гултувак

– شَيَّالٌ ҳаммол

– شَيَالَةٌ 1) шимни кўтариб турадиган елка оша тасма; 2) бирор нарсанинг остига қўйиладиган таглик

– شَيْلَةٌ *кўп.* شَيْلَاتٌ юк, кўтариб борилаётган юк

– مَشَالٌ 1) олиб ўтиш; 2) олиб ўтилгани учун тўлов, ҳақ

– مُشَايَلَةٌ: بِالـــ~ 1) улгуржисига; 2) ишбай

شَيللُو виолончел (*музика асбоби*)

شَيْلَمٌ *бот.* рандак (*сариқ гулли ўт*)

I (شيم) شَامَ (*и*) شَيْمٌ кўрмоқ, деб ҳисобламоқ; сезмоқ, олдиндан кўрмоқ, (*бирор н. да н. нидир*) кўрмоқ (فِي)

– أَشْيَمُ *мн.* شَيْمَاءُ *кўп.* شِيمٌ холли, холи бор

– شَائِمٌ (*бирор хусусият*) эгаси

– شَامَةٌ *алиф. б. қар*

– شِيمَةٌ *кўп.* شِيَمٌ сифат, хусусият, характер; النِّسْيَانُ مِنْ شِيَمِ الْإِنْسَانِ инсонга унутиш хусусияти хосдир

– شِيمِيَّةٌ *кўп.* شَيَامِي ўпқон

– مُشِيمٌ холли, холи бор

– مَشِيمَةٌ *кўп.* مَشَايِمُ 1) *анат.* йўлдош, ҳамроҳ; 2) экилган кўчат, ўтқазилган кўчат

– مُشِيمٌ = مَشْيُومٌ

شِيمِنْتُو цемент

I (شين) شَانَ (*и*) شَيْنٌ (*кимнингдир номини*) булғамоқ, қораламоқ

– شَائِنٌ уятли, шармандали, иснодли

– شَيْنٌ шармандалик, орсизлик, беорлик, виждонсизлик, шармисорлик

شَانَ

– مَشَايِنُ *кўп.* айблар, камчиликлар

– شَانِنٌ = مَشِينٌ –

شَانَ

شَيَادُ *кўп.* شَادٌ *дан, ҳар* шоъ

وشي *ҳар*

# ص

ص[1] (صَادٌ) сод (*араб алифбосининг ўн тўртинчи ҳарфи; абжадда – 90*)

ص[2] 1) *қисқ.* صَفَرٌ *дан*, сафар (*ой номи*); 2) *қисқ.* صَحِيفَةٌ *дан*, саҳифа, бет; 3) *қисқ.* صَادٌ *дан. мат.* у (*игрек*) 4) *қисқ.* صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ (*қар.* صلو) *дан*; 5) ب. ص. *қисқ.* صُنْدُوقٌ الْبُوسْطَةِ почта қутиси

صَابُورَةٌ *қар.* صبر

صَابُونٌ *қар.* صبن

صَاجٌ тунука; مُضَلَّعٌ (مُمَوَّجٌ) ~ қат-қат, нова-нова қилинган тунука

~ يَا! *қисқ.* يَا صَاحِبِي *дан*, о, дўстим!

صَادٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) *қар.* ص[1]; 2) *мат.* У (*игрек*); مِحْوَرُ الصَّادَاتِ игреклар ўқи

– ~ صَادِيٌّ: الْمِحْوَرُ الـ *мат.* игреклар ўқи; *мат.* ордината

صَارُوخٌ *қар.* صرخ

صَاغٌ[1] 1) соғ, соғлом; 2) ҳақиқий, соф, ясама бўлмаган, қалбаки эмас, чинакам; 3) тўла, талабга тўла жавоб берадиган, сифатли, мукаммал, бекаму-кўст, тугал, эътиборга лойиқ, инобатли, асосли; ~ قِرْشٌ *қар.* قِرْشٌ; 4) ўз баҳосидаги. номинал

– صَاغٌ[2] *кўп.* ـاتٌ — майор

صَالَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) *шунингдек:* الْاِسْتِقْبَالِ ~ (*уйдаги*) меҳмонхона; 2) (*томошахонадаги*) зал, الْمُطَالَعَةِ ~ ўқув (мутолаа) зали; ~ الْجِمْبَازِ гимнастика зали; الرَّقْصِ ~ рақс зали

صَالُونٌ *кўп.* ـاتٌ — صَوَالِينُ, 1) зал, меҳмонхона (*уйдаги*); салон; أَدَبِيٌّ ~ адабиёт салони; الْحِلَاقَةِ ~ сартарошхона, сартарошлик салони; 2) вагон-салон

صَامُولَةٌ *қар.* صمل

صَانَةٌ соя (*ёлғон кийимининг, шунингдек, эркаклар кўйлагининг бир тури*)

I صَبَبَ (*а*) صَبُّ: الرَّأْسُ ~ бош сиркаламоқ, бошга сирка ораламоқ; IV الرَّأْسُ: أَصْبَبَ ~ бошнинг сиркаси кўпаймоқ

– صُبَّانٌ *кўп.* صُبَّانَةٌ сирка (*бит тухуми*)

صَأْصَأَ чийиллаган (чиқиллаган) овоз чиқармоқ

– صَأْصَأَةٌ чийиллаш, чирқиллаш

I صَوَّلَ (*у*) صَالَةٌ: الْبَعِيرُ ~ туя одамларга ташланди (одамларни ҳалок қилди)

– صَوُّولٌ: ~ جَمَلٌ одамларга ташланадиган туя

I صَأَى (*и, а*) صَئِيٌّ чийилламоқ, чирқилламоқ

I (صبّ) صَبَّ[1] (*а/у*) صَبٌّ 1) тўкмоқ, оқизмоқ, тўкиб ташламоқ; ~ عَلَيْهِ سَوْطَ النِّقْمَةِ *маж.* кимгадир ўз ғазабини тўкиб солмоқ; ~ جَامَ عَلَيْهِ اللَّعْنَةَ (اللَّعَنَاتِ)؛ *қар.* غَضَبِهِ عَلَى ... кимнидир лаънатламоқ, кимгадир лаънат ўқимоқ; 2) қуймоқ, қолипга қуймоқ, қолипламоқ; صَبَّ[2] (*а/и*) صَبِيبٌ оқмоқ, оқиб кетмоқ; оқиб тушмоқ (*дарё ҳақида*); صَبَّ[3] (*и/а*) صَبَابَةٌ севмоқ, яхши кўрмоқ; ◊ ~ الزَّيْتَ عَلَى النَّارِ ёниб турган ўтга ёғ қуймоқ (сепмоқ); ~ الْمَاءَ فِي طَاحُونَتِهِ кимнингдир тегирмонига сув қуймоқ, кимнингдир манфаати учун хизмат қилмоқ, унинг манфаатини кўзламоқ, ҳимоя қилмоқ; ~ عَلَيْهِ الْعِلَالَةَ عَلَى الْجِسْمِ ўз устига кўйлак киймоқ, кўйлак киймоқ; الْعِلَالَةَ бирор кишига кўйлак кийдирмоқ; V تَصَبَّبَ 1) (*н. дандир*) оқиб тушмоқ, оқиб кетмоқ (مِنْ); عَرَقًا ~ терга пишмоқ, тер босиб кетмоқ; 2) (*к. гадир*) мафтун бўлмоқ; (*к. нидир*) севиб (яхши кўриб) қолмоқ; VII اِنْصَبَّ 1) оқиб тушмоқ, қуйилмоқ (*дарё ҳақида*) 2) баланддан оқиб тушмоқ, юқоридан оқмоқ (*сув ҳақида*); 3) оқмоқ, оқиб кетмоқ; 4) (*к. гадир*) ташланмоқ (عَلَى); عَلَى الدِّرَاسَةِ ~ дарсларга берилиб кетмоқ; اهْتِمَامُ النَّاسِ عَلَى ... ~ *маж.* одамларнинг диққат-эътибори ...га қаратилган эди; 5) қандайдир маънога эга бўлмоқ; 6) (*н. гадир*) қаратилган (йўналтирилган) бўлмоқ (عَلَى)

– صَبٌّ[1] қуйилиш; 2) қуйиш; ~ حَدِيدٍ чўян; الْفُولَاذِ ~ مَصْنَعُ пўлат қуйиш заводи

– صَبٌّ[2] севувчи, муҳаббат қўйган, ошиқ, ошиқ бўлган

– صُبَّابٌ *кўп.* ـاتٌ — сув (ҳаво ёки буғ) йўлини очиб-беркитиб турадиган жиҳоз, клапан

– صَبَابَةٌ севги, муҳаббат, кучли эҳтирос, иштиёқ

– صُبَابَةٌ *кўп.* ـاتٌ — (*сув ёки шунга ўхшаганларнинг ювишдаги*) қолдиғи; ◊ ~ لَا تُرْوِي وَ لَا تُغْنِي бу мутлақо етарли эмас

– صَبَبٌ *кўп* أَصْبَابٌ ёнлама, қиялик

– صَبِيبٌ 1. тўкилган; тўкиб юборилган; 2. тер

– مَصَبٌّ *кўп.* ـاتٌ, مَصَابُّ — қуйилиш жойи, мансаб (*дарё ҳақида*); охирги марра (*мас., нефть ҳайдаладиган қувурнинг*)

– مَصْبُوبٌ 1) тўкилган, тўкиб юборилган; 2) қуйилган, қолипланган; ~ سَوْطٌ ичига қўрғошин қуйилган қамчи, дарра; ◊ ~ صَمْتٌ мажбуран жим туриш, гапирмаслик, мажбурий сукут

– مَصْبُوبَاتٌ *кўп.* қуйма, қуйма металл буюмлар (товарлар, моллар)

I **صَبَأَ** (*а*) صُبُوءٌ 1) кўриниб колмоқ, чиқмоқ (*мас., тиш, ўсимлик ҳақида*); 2) (*бирор н дан*) кечмоқ, воз кечмоқ, тонмоқ (عَنْ); ~ عَنِ الدِّينِ диндан воз кечоқ, диндан тонмоқ (чиқмоқ); 3) (*қаердандир*) مِنْ қаергадир) (إِلَى) жўнамоқ; ~ مِنْ نَمَنْغَانَ إِلَى طَشْقَنْدَ Намангандан Тошкентга жўнамоқ; 4) собиийлар қавмига (ёки динига) кирмоқ

– صَابِئٌ 1. юлдузларга топинувчи (чўқинувчи); 2. *кўп.* صَابِئُونَ собиий динидаги (*исломгача Қуйи Месопотамияда яшаган осмон ёритувчиларига топинган одамлар ҳақида*)

– صَابِئَةٌ *жам.* собиийлар; ~ الـــ مَذْهَبُ *ёки* собиийлик

I (صبح) **صَبَحَ** (*а*) صَبْحٌ эрталаб (субҳ пайтида) келмоқ, эрталаб (субҳ пайтида) турмоқ; تَصْبَحُ عَلَى خَيْرٍ! эрталаб соғ-омон кўраман деб умид қиламан!; эрталабгача соғ-омон бўлинг!; тунингиз хайрли бўлсин! صَبُحَ (*у*) صَبَاحَةً тароватли (гўзал, ёқимли) бўлмоқ; ёниб турмоқ; II صَبَّحَ 1) тонгда (субҳидамда) келмоқ; (*к. гадир*) хайрли тонг тиламоқ, (*к. биландир*) саломлашмоқ (عَلَى); III صَابَحَ 1) тонгда (субҳидамда-*к. нингдир олдига*) келмоқ, кўргани келмоқ, хизмат юзасидан келмоқ; صَابِحِ الْقَوْمَ وَ لَا تَمَاسِهِمْ! *мтл.* қавмингни кечқурун эмас, тонгда (субҳидамда) кўргани бор; 2) тонгда (субҳидамда) кутиб олмоқ; IV أَصْبَحَ 1) бўлиб қолмоқ, қилинмоқ; ~ مَرِيضًا касал бўлиб қолмоқ; ~ مُعَلِّمًا ўқитувчи (муаллим) бўлмоқ; ~ يَقْرَأُ ўқий бошламоқ; ~ الصَّبَاحُ тонг отди; 2) тонгда (субҳидамда) турмоқ; тонгда (субҳидамда) бўлиб ўтмоқ; 3) аниқ (ойдин) бўлмоқ, ёришмоқ, ёритилмоқ; ~ الْحَقُّ ҳақиқат ойдин бўлди; V تَصَبَّحَ 1) эрталаб (субҳидамда) (*к. нидир*) кутиб олмоқ (ب); 2) нонушта қилмоқ; VIII اصْطَبَحَ эрталаб емоқ-ичмоқ, нонушта қилмоқ; 2) тонгни (*н. биландир*) бошламоқ (ب); X اسْتَصْبَحَ ёқмоқ (*чироқни, шамни, электрни*), ёритмоқ, ёруғ қилмоқ

– اسْتِصْبَاحٌ ёритиш, ёруғ қилиш; ~ الـــ غَازُ газ чироқ

– إِصْبَاحٌ эрта тонг, субҳидам

– أُصْبُوحَةٌ *кўп.* أَصَابِيحُ тонг, субҳидам

– صَبَّاحٌ тароватли, янги

– صَبَاحٌ *кўп.* أَصْبَاحٌ тонг, субҳидам, тонг отаётган пайт; ~ مَسَاءَ эртаю кеч, доимо, ҳамма вақт; ~ا эрталаб; صَبَاحَ الْيَوْمِ бугун эрталаб; ◊ ~ الْخَيْرِ! *ёки* ~ النُّورِ! *ёки* ~ سَمْ!ا хайрли тонг!, субҳингиз хайрли бўлсин! (*эрталаб бериладиган салом*)

– صُبَاحٌ = صَبِيحٌ

– صَبَاحَةٌ тароватлилик, гўзаллик, ёқимлилик

– صَبَاحِيٌّ эрталабки, сабоҳий, тонгги; الْجَرَائِدُ الـــ эрталабки газеталар

– صَبَاحِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ тўйнинг эртасига тонгда эр томонидан хотинга қилинадиган совға (ҳадя)

– صُبْحٌ *кўп.* أَصْبَاحٌ тонг; ~ الـــ *ёки* فَرِيضَةُ الـــ *ёки* ~ بомдод намози

– صُبْحَانَ *мн.* صَبْحَى *кўп.* صُبَاحَى гўзал, чиройли, ёқимли

– صُبْحَةٌ 1) эрталабки пайт, субҳидам; 2) нонушта; 3) (*от пешонасидаги*) қашқа (юлдузча)

– صَبُوحٌ 1) тароватли; 2) гўзал, ғоят чиройли; ~ الْوَجْهِ юзлари чиройли, гўзал; 3) эрталабки ичимлик

– صَبِيحٌ *кўп.* صِبَاحٌ гўзал, ёқимли

– صَبِيحَةٌ тонг; صَبِيحَتَئِذٍ ўша тонгда

– مِصْبَاحٌ *кўп.* مَصَابِيحُ чироқ, лампа, фонус; фара, ёритқич; ~ كَهْرَبَائِيٌّ (يَدَوِيٌّ) электр чироғи; بَتْرُولِيٌّ ~ керосин лампаси (чироғи); كَشَّافٌ ~ прожектор

– مُصْبِحٌ, مَصْبَحٌ субҳ, тонг пайти, тонг; ~ـــهُ مُمْسَاهُ *қар.* مُمْسًى

I **صَبَرَ** (*и*) صَبْرٌ 1) сабрли (тоқатли, чидамли) бўлмоқ; сабр қилмоқ, тоқат қилмоқ, чидамоқ; (*бирор н. ни*) сабр билан ўтказмоқ (عَلَى); 2) (*н. нидир*) кутмоқ (الـــ); 3) (*н. дандир*) воз кечмоқ, ўзини тиймоқ (عَنْ); 4) ҳибсга олмоқ, қамамоқ, қамоққа ташламоқ; II صَبَّرَ 1) сабр (тоқат) ҳиссини уйғотмоқ; тинчлантирмоқ, кўнгил олмоқ; 2) тулум ясамоқ (тайёрламоқ); балзамламоқ; 3) консерва қилмоқ; вақтинча тўхтатиб қўймоқ; 4) (*кемага*) посонги юк юкламоқ; بَطْنَهُ ~ енгилгина овқатланиб олмоқ, нафсни тинчитмоқ; III صَابَرَ 1) (*бирор н. ни*) сабру тоқат билан қилмоқ; сабр (сабот, қунт) кўрсатмоқ; сабру тоқат қилмоқ, чидамоқ; 2) (*к. нидир*) тинкасини қуритиб қўлга олмоқ, ҳолжонига қўймаслик; V تَصَبَّرَ 1) сабр (тоқат, қунт) кўрсатмоқ; 2) келишмоқ, бўйсунмоқ; (*н. биландир*) овунмоқ; VIII اصْطَبَرَ *ёки* اصَّبَرَ чидамоқ, сабр-тоқат қилмоқ; (*н. нидир*) сабру тоқат (сабот) билан бошдан кечирмоқ (ўтказмоқ)

– اصْطِبَارٌ сабр, чидам, сабот, чидамлилик

– تَصْبِيرَةٌ енгил овқат

– صَابِرٌ сабрли, бардошли; чидамли, саботли

– صَابُورَةٌ посанги юк; ~ الـــ خَرَجَتِ السُّفُنُ عَلَى кемалар посанги юк билан йўлга чиқдилар

– صَبَّارٌ[1] кучли (катта) сабр эгаси, узоқ чидай оладиган, бардошли

– صُبَّارٌ[2] *бот.* кактус, қуманжир, опунсия (*қайнона тили*)

– صُبْرٌ[1] *бот.* олоё, сабур

– صَبْرٌ[2] сабр, тоқат; бардош, чидамлилик; ~ـــ сабр билан; فِي ~ катта (кучли) сабр билан; ~ (الـــ) بِفَارِغِ *ёки* بِفُرُوغِ وَ جَلَدٍ ~ـــ *ёки* بِذَاهِبِ الـــ *ёки* نَافِذِ الـــ бесабрлик (сабрсизлик) билан, бетоқатлик билан; ~ الـــ قِلَّةُ сабрсизлик, бетоқатлик, чидамсизлик; ~ الـــ قَلِيلُ бесабр, сабрсиз, тоқатсиз; ~ أَيُّوبَ узоқ вақт сабру тоқат қилиш (*сўзма-* сўз: Айюбий (Айюбга ўхшаш) сабр;

هُمْ فِي ~ هِمْ كَالْجِمَالِ улар ғоят сабрлидирлар (*сўзма-сўз: улар туялар каби сабрлидирлар*); إِنَّ الْمَسْأَلَةَ لاَ تُطِيقُ ~ سَاعَةٍ масалани кечиктириб бўлмайди (кейинга қолдириб бўлмайди); ~ ضَاقَ сабрсизлик қилмоқ, сабрни йўқотмоқ; ~ نَفِدَ ёки ~ فَرَغَ ёки قَلَّ ~ ёки عِيلَ унинг сабру тоқати тугади; 2) кутиш, кутиб туриш; сабр қилиб туриш; ◊ جَمِيلٌ ~ йўқотилган нарсага қаттиқ бардош қилиш (*сўзма-сўз: туядек чидамлилик*); ~ قَتَلَهُمْ у ўзини ҳимоя қилолмайдиганларни ўлдирди; у уларни шафқатсизларча қириб ташлади

– صَبِرٌ аччиқ дори

– صُبْرٌ, صِبْرٌ *кўп.* أَصْبَارٌ охир, тугаш, чек; ◊ أَخَذَهُ بِأَصْبَارِهِ бирор нарсани ҳеч қолдирмай, бутунлай, охиригача олмоқ

– صَبَرْدٌ қаттиқ совуқ, изғирин, буюқ; ~ الشِّتَاءِ қиш ўртаси, чилла, қиш чилласи

– صُبْرَةٌ[1] = صَابُورَةٌ

– صُبْرَةٌ[2] *кўп.* صِبَارٌ тўп (тўпланган нарса), уюм, қучоқ (*мас., бир қучоқ*), тўплам; الطَّعَامِ ~ ҳисобсиз кўп овқатлар

– صَبُورٌ катта (кучли) сабру тоқат эгаси; катта (кучли) сабрли, чидамли, бардошли

– صَبِرٌ *кўп.* صُبُرٌ оқ булутлар; ~ سَحَابٌ булутлар тизмаси, тизма булутлар

– صَبَّارٌ *жам. бот.* кактуслар, қуманжирлар, опунция (қайнона тили)

– صُبَّيْرَةٌ *кўп.* اتٌ — *бот.* кактус, қуманжир, опунция (қайнона тили)

– مُصَبَّرَاتٌ *кўп.* консервалар; ~ الْأَسْمَاكِ балиқ консерваси; ~ الْخُضْرِ сабзавот консерваси; ~ الْفَوَاكِهِ консерва қилинган мевалар, мева консерваси

I صَبَغَ (*а*) صَبْغٌ 1) (*н. нидир*) бармоқ билан кўрсатмоқ (عَلَى); 2) (*бирор н. сотиб олаётганда*) бармоқлар билан пайпаслаб, силаб кўрмоқ

– أَصْبَعٌ, أُصْبُعٌ, إِصْبَعٌ *кўп.* أَصَابِعُ 1) бармоқ; ~ الْإِشَارَةِ (*йўналишни кўрсатиб турадиган*) йўл бўйига қўйилган белги (устун); ~ الْأَحْمَرِ лаб бўёғи (*помада*); ~ طَبَاشِيرٍ бўр парчаси, бир парча бўр; ~ الْمُوزِ банан меваси; أَصَابِعُ الْعَذْرَاءِ *бот.* дигиталис (*доривор ўсимлик*); غَادَرَ الْمَكَانَ عَلَى أَطْرَافِ أَصَابِعِهِ оёқ учида кетмоқ (узоқлашмоқ); 2) исба (*3,125 см га тенг узунлик ўлчови*); ◊ لَهُ فِي هَذَا ~ у бунга аралашиб қолган (унинг ҳам бунда қўли бор); وَضَعَ يَدَهُ عَلَى مَوْضِعِ (مَكْمَنِ) الْأَلَمِ (الدَّاءِ) кимгадир ёрдам бермоқ; кимнидир қўлламоқ; لَمْ يَجْرُؤْ عَلَى رَفْعِ ~ ضِدَّهُ унга бармоғини теккизгани ҳам ҳад қилолмади; لاَ يَزِيدُ عَلَى أَصَابِعِ الْيَدَيْنِ عَدَدًا саноғи (ҳисоби) ўндан ортиқ эмас; لاَ يَتَجَاوَزُ عَدَدُهُمْ أَصَابِعَ الْيَدِ уларнинг адади бешдан ортиқ эмас, улар бешдан ортиқ эмас; أَصَابِعُهُ تَلْعَبُ وَرَاءَ السِّتَارِ ... فِي ...да у яширин (пинҳоний) ҳаракат қилади; ~ لَمْ يَتَقَدَّمْ الْأَمْرُ иш бир қарич ҳам олға силжимади

– صَابِعَةٌ кўзи ожизларнинг бармоқ билан ўқиладиган алифбоси, Брайл ёзуви

– صُبَاغٌ *кўп.* صَوَابِغُ бармоқ, ~ الْعَرُوسَةِ *бот.* хашаки нўхот

– مُصَبَّغٌ *кўп.* اتٌ — рашпер

– مُصَبَّغَاتٌ *кўп.* (*шунингдек:* ~ النَّارِ) ўтхона панжараси

I صَبَغَ (*а*) صَبْغٌ 1) бўямоқ, ранг бермоқ; 2) (*н. гадир*) чўктирмоқ (فِي): ~ بِالْمَاءِ *дин.* (*христианларда*) сувга чўмилтирилиб, чўқинтирмоқ; IV أَصْبَغَ ранг бермоқ, рангламоқ; ~ عَلَى صِبْغَةً شَرْعِيَّةً ... бирор нарсага қонун тусини (йўсинини) бермоқ; VII انْصَبَغَ (*бирор н. билан*) бўялмоқ (ب); VIII اصْطَبَغَ 1) бўялмоқ, ранг олмоқ; 2) бўямоқ, ранг бермоқ

– صَابِغٌ 1. бўёвчи, ранг берувчи; 2. бўёқчи

– صِبَاغٌ *кўп.* أَصْبِغَةٌ 1) бўёқ; 2) косметик моддалар

– صَبَّاغٌ бўёқчи; ~ الْـ يُوحَنَّا Иоанн чўқинтирувчи (*христиан авлиёларидан бири*)

– صِبَاغَةٌ бўяш, бўёқчилик касби

– صِبْغٌ[1] *кўп.* أَصْبَاغٌ 1) бўёқ; أَصْبَاغٌ كِيمِيَائِيَّةٌ кимёвий бўёқлар; 2) рангнинг нозик фарқи, тусдаги нозик фарқ, ранг

– صِبْغٌ[2] *кўп.* صِبَاغٌ қайла

– صِبْغَةٌ *кўп.* صِبَغٌ 1) бўёқ; 2) ранг, тус, рангдаги, тусдаги нозик фарқ; 3) хусусият, характер; جَرِيمَةٌ ذَاتُ ~ سِيَاسِيَّةٍ сиёсий характердаги (тусдаги) жиноят; ~ التَّقْرِيرِ доклад хусусияти (характери); ~ سِرِّيٌّ الـ яширин (сирли, махфий) тусдаги (характердаги); 4) фикр; йўналиш; маҳзаб, эътиқод, дин, маслак; 5) димлама; бирор суюқликка бошқа бирор нарсани аралаштириб дамлангани, тиндирма; ~ الْأَفْيُونِ афюн тиндирмаси, димламаси (настойкаси); ~ الْيُودِ иод тиндирмаси (настойкаси); 6) *дин.* ~ اللهِ Оллоҳнинг дини

– صِبْغِيٌّ *кўп.* اتٌ — *биол.* хромосомлар

– صَبُوغَةٌ тузланган балиқ, шўр балиқ

– مَصْبُوغٌ бўялган, ранг берилган

– مَصْبَغَةٌ *кўп.* مَصَابِغُ 1) бўёқ қилинадиган жой; 2) тери ошлайдиган жой, кўнчилик корхонаси (цехи)

I صَبَنَ (*и*) صَبْنٌ 1)(*бирор н. ни олишга*) йўл қуймаслик; ~ عَنْهُ الْهَدِيَّةَ кимнингдир ҳадя олишига тўсқинлик (монелик) қилмоқ; 2) шошқолдан ғирромлик билан фойдаланмоқ (*мас., ўйинда*); II صَبَّنَ совун билан ювмоқ, совунламоқ; *кимё* совунламоқ (*органик бирикмаларни сувда ёки ишқорда парчаламоқ*); V تَصَبَّنَ совунлаб ювинмоқ, совунламоқ

– صَابُونٌ совун; عَادِّيٌّ ~ оддий совун; عَطْرِيٌّ ~ атир совун; ~ الْغَسِيلِ кир совун

– صَابُونَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ совун парчаси; ◊ ~ الرَّجُلِ тиззанинг кўзи

– صَابُونِيٌّ 1. совунли, совунга оид; 2. совунгар

– صَابُونِيَّةٌ *бот.* совунак (*илдизи совун ўрнида ишлатиладиган ўтсимон ўсимлик, ишқор ўсимлиги*)

– صَبَّانٌ совунгар, совунчи

– مَصْبَنَةٌ *кўп.* مَصَابِنُ совун заводи

I (صبو) **صَبَا** (*у*) صَبْوٌ, صُبُوٌّ 1) (*к. гадир*) интилмоқ, севги (муҳаббат) билан талпинмоқ (إِلَى); (*н. гадир*) мойиллик ҳис этмоқ (إِلَى); 2) соғинмоқ, орзу қилмоқ; صَبِيَ (*а*) صَبًا, صَبَاءٌ болаларча (ўдакларча) иш қилмоқ; II صَبَّى ёш қилмоқ, ёшартирмоқ; V تَصَبَّى 1) ёшармоқ, ёш бўлмоқ; 2) мулозамат қилмоқ, хушторлик қилмоқ, кўнгил олмоқ; севгига (муҳаббатга) сазовор бўлмоқ; VI تَصَابَى 1) ўзини ножиддий (болаларча) тутмоқ; 2) (*бирор н. ни*) ножиддий (болаларча) деб билмоқ; 3) севги (муҳаббат)га эришмоқ; ўзини севишга мажбур қилмоқ

– صَبًا, صَبًى *мн.* сабо, шарқ шамоли, шарқий шамол

– صَبًا[1], صَبَاءٌ мойиллик; севги, муҳаббат

– صِبًا[2], صِبًى ёшлик, навраслик; ~ الـــ فِي شَرْخِ ёшлик даврида, ёшликнинг гуллаган чоғида, навраслиқда

– صَبْوَةٌ 1) ёшлик, навраслик; 2) соғинч, орзу; 3) *кўп.* صَبَوَاتٌ ёшлик завқи, иштиёқи, қизиқишлари, ишқибозлиги; ёшлик шижоати, жўшқинлиги

– صُبُوَّةٌ ёшлик, навраслик

– صِبْيَانِيٌّ болаларга (ўғил болаларга) оид

– صِبْيَانٌ *кўп.* болалик (ўдаклик) қилиш; болаларча (ўдакларча) қилиқ

– صَبِيٌّ *кўп.* صِبْيَانٌ, صِبْيَةٌ 1) ўғил бола, йигитча; йигит; 2) югурдак бола, дастёр, шогирд, ўқувчи; ◊ أُمُّ الصِّبْيَانِ ялмоғиз, жодугар кампир

– صَبِيَّةٌ *кўп.* صَبَايَا қизча, ёш киз

I **صَحَّ** (*а/и*) صِحَّةٌ, صَحَاحٌ 1) соғ (соғлом) бўлмоқ, касалдан тузалмоқ; битмоқ (*яра ҳақида*); صُومُوا تَصِحُّوا! *халқ. мтл.* рўза тутинг-соғ бўласиз!, 2) яхшилик билан тугамоқ; муваффақиятли бўлмоқ, ўнгидан келмоқ; 3) рост, тўғри, соғлом бўлмоқ, ҳақиқий (тўғри, чинакам) бўлмоқ; ~ تِ النِّيَّةُ *ёки* ... ~ تِ الْعَزِيمَةُ عَلَى ...га ният яхши эди; ... يَصِحُّ الْقَوْلُ إِنَّ шуни айтиш тўғри бўладики, ...; إِذَا ~ (إِنْ) агар таъбир жоиз бўлса, шундай дейиш жоиз бўлса; 4) йўл қўйилмоқ, рухсат берилмоқ; II صَحَّحَ 1) тўғриламоқ, хатоларни йўқотмоқ, корректура қилмоқ; 2) соғломлаштирмоқ, даволамоқ, касални тузатмоқ; 3) тасдиқламоқ; имзоламоқ (*хужжатни*); IV أَصَحَّ соғаймоқ (*касалликдан кейин*); V تَصَحَّحَ 1) тўғриланмоқ, яхшиланмоқ, 2) соғломлашмоқ, даволанмоқ, касалдан тузалмоқ; X اسْتَصَحَّ касалдан тузатмоқ, даволамоқ, даволанмоқ; 2) (*бирор н. ни*) тўғри деб билмоқ (ҳисобламоқ)

– أَصَحُّ энг (жуда) тўғри, ҳаққоний, энг яхши; ~ الْـــ عَلَى тўғрироқ (*қилиб айтганда*), рости (*ни айтганда*)

– إِصْحَاحٌ, أَصْحَاحٌ *кўп.* اتٌ ـــ боб (*муқаддас китобга оид*)

– تَصْحِيحٌ *кўп.* اتٌ ـــ тўғрилаш, тасҳиҳ қилиш, корректура қилиш; ~ جَمْعُ الـــ *грам.* тўғри кўплик

– صَحٌّ 1. тўғри, ҳаққоний; хат охирига ёзиладиган қўшимчадан олдин қўйиладиган белги (*P.S.*), қўшимча

– صِحَّةٌ 1) сиҳат, саломатлик, гигиена; ~ عُمُومِيَّةٌ (اجْتِمَاعِيَّةٌ) умумий (ижтимоий) гигиена, жамоат гигиенаси; ~ عِلْمُ الـــ гигиена (*илм, фан*); ~ مَصْلَحَةُ الـــ соғликни сақлаш бўлими; ~ وِزَارَةُ الـــ соғлиқни сақлаш вазирлиги; 2) чинлик, ҳақиқийлик, ростлик, тўғрилик, асллик, ҳаққонийлик; ~ الرَّأْيِ фикр (қараш)нинг тўғрилиги (ҳақиқийлиги)

– صِحِّيٌّ 1) сиҳатга (саломатликка) оид; حَالَتُهُ الـــ ـةُ кимнингдир саломатлиги (сиҳати, аҳволи); 2) санитарга (санитарияга) оид; ~ غَيْرُ соғлом бўлмаган, санитария ҳолати ёмон, ~ مَحْجَرٌ *қар.* مَحْجَرٌ; 3) гигиенага оид

– صَحِيحٌ *кўп.* أَصِحَّاءُ, صِحَاحٌ 1) соғлом, соғломликка оид; ~ مُعَافًى мутлақо соғлом, бутунлай соғлом, соппа-соғ; ~ الْجِسْمِ соғлом, тандуруст ҳолатда бўлган (*киши*); 2) чин, ҳақиқий, асл; тўғри, аниқ; воқеликка мос келувчи (мувофиқ); қонуний; ... أَنَّ ~ ҳақиқатдирки, ...; ~ غَيْرُ нотўғри, ғайриҳаққоний; ~ فِعْلٌ *грам.* солим феъл; 3) бутун, майдаланмаган; ~ عَدَدٌ *мат.* бутун сон

– مَصَحٌّ *кўп.* اتٌ ـــ санаторий

– مُصَحِّحٌ 1. мусаҳҳиҳ, хатоларни тўғриловчи; 2) имзо чеккан (*киши*); 3) корректор, мусаҳҳиҳ

– مَصَحَّةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ шифохона, касалхона, клиника, санаторий

– مَصَحَّةٌ[2] саломатлик учун фойда бўлган ҳамма нарса

I **صَحِبَ** (*а*) صُحْبَةٌ 1) дўст бўлмоқ; 2) бирга юрмоқ, йўлдош (ҳамроҳ) бўлмоқ; III صَاحَبَ 1) дўстлашмоқ; 2) бирга юрмоқ, ҳамроҳ (йўлдош) бўлмоқ; 3) ошиқ (ўйнаш) бўлмоқ; 4) қўшиқчига куй чалиб бермоқ; IV أَصْحَبَ 1) (*к. нидир*) йўлдош (ҳамрох) қилиб бермоқ; 2) қўшиб қўймоқ, илова қилмоқ; V تَصَحَّبَ (*к. нингдир*) тарафида бўлмоқ (турмоқ), (*к. нингдир*) тарафини олмоқ (ـــل); тарафида бўлмоқ (ـــل); VI تَصَاحَبَ ўзаро дўстлашмоқ; VIII اصْطَحَبَ 1) йўлдош (ҳамроҳ) бўлмоқ; 2) (*н. нидир*) ўзи билан бирга олиб кетмоқ; X اسْتَصْحَبَ 1) йўлдош (ҳамроҳ) қилиб олмоқ; 2)(*н. нидир*) ўзи билан олиб кетмоқ

– اصْطِحَابٌ йўлдош (ҳамроҳ) бўлиш

– صَاحِبٌ 1. *кўп.* أَصْحَابٌ, صِحَابٌ, صَحْبٌ 1) йўлдош, ҳамрох; 2) ўртоқ, дўст, улфат, шерик; يَا صَاحِبِي! *ёки* يَا صَاحِ! эй, дўстим!, о, дўстим!; 3) эга, ҳўжайин; соҳиб (*бирор н. нинг эгаси*); ~ الْاسْمِ исм

соҳиби; الْاقْتِرَاحِ ~ таклиф эгаси, бирор таклиф билан чиққан киши; الْإِمْتِيَاز ~ корхона, концессия соҳиби, концессионер; الْأَمْرِ ~ тўла ҳуқуқли хўжайин, шароит эгаси (бошқарувчиси); التَّرْجَمَة ~ таржимаи ҳоли ёзилган (ёзилаётган) киши, таржимаи ҳол соҳиби; التَّوْقِيع ~ қуйида имзо чеккан, *ёки* نَا~ ҳикоя қаҳрамони *ёки* бизнинг қаҳрамон, الدَّعْوَة ~ мезбон; الدَّيْن ~қарз берувчи киши; الشَّكْوَى ~ шикоятчи, шикоят эгаси; الصُّورَة ~ а) суврат (портрет) эгаси; б) суврати чизилган киши, الطَّلَب ~ талабгор, талаб эгаси (соҳиби), талаб қилувчи; الْفِكْر ~ фикр берган киши, ташаббускор; الْكِتَاب ~ китоб муаллифи; الْكَرَامَات ~ каромат кўрсатувчи; الْمَدْرَسَة الْعِلْمِيَّة ~ илмий мактаб яратган киши, илмий мактаб асосчиси; الْمَشْرُوع ~ тарх, йўналиш (проект) муаллифи; الْمَلَايِين ~ миллионер, أَصْحَابُ الْأَمْلَاك ер эгалари; أَصْحَابُ الْأَطْيَان мулк эгалари, помешчиклар; أَصْحَابُ الْحَقّ *юр.* қонуний ҳуқуқ субъектлари; أَصْحَابُ الْحَلّ وَ الْعَقْد ҳокимлар, ҳукумат эгалари; أَصْحَابُ الْعِلْم وَ الْفَضْل илм ва фазилат соҳиблари (эгалари); أَصْحَابُ الْعَمَل *ёки* أَصْحَابُ الْأَعْمَال ишбилармонлар, омилкорлар, иш берувчилар иш билан таъминловчилар; أَصْحَابُ الْمُخْتَرَعَات ихтирочилар, ихтиро эгалари; أَصْحَابُ الْمَذَاهِب الْفَلْسَفِيَّة фалсафий йўналиш (мактаб) яратувчилар; أَصْحَابُ النُّفُوذ нуфузли (обрў-эътиборли) кишилар; 4) издошлар, бирор мазҳабдагилар; أَصْحَابُ أَبِي حَنِيفَة *дин* имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳ алайҳ мазҳабидагилар; 2) жаноб (*бирор кишининг унвонини айтилган вақтда келтирилади*), الْجَلَالَة ~ буюк (улуғ) жаноб; السَّعَادَة ~ саодатли (саодатманд) жаноб; الْعِزَّة ~ ҳурматли жаноб

– صَاحِبَة *кўп* صَوَاحِب дугона, қиз ёки аёл ўртоқ

– الـ~: صَحَابَة *дин.* саҳобалар; Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам билан Мадинага ҳижрат қилган кишилар

– الـ~: صَحَابِيّ *дин* Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаси

– صُحْبَة 1) бирлашганлик, тўда, уюшма, уюшганлик; ذَهَبَ ~هُمْ у улар билан бирга жўнади; 2) бирга (ҳамнафас) бўлиш, дўстлик; الـ~ الرُّوحِيَّة маънавий дўстлик; 3) улфатлар; ◊ زُهُور ~ гулдаста, букет

– صُوَيْحِب дўстим, ўртоҳжон (*эркалатиб айтилганда*)

– صُوَيْحِبَة *кўп* ـَات ـــ дугонажон (*эркалатиб айтилганда*)

– مُصَاحِب дўст, сирдош, ўйнаш

– مُصَاحَبَة 1) йўлдош, (ҳамроҳ) бўлиш; 2) чолғу асбобида қўшиқчига жўр бўлиш; 3) дўстлик

– مَصْحُوب йўлдош, (ҳамроҳ) бўлиб борилувчи; илова қилинувчи; ~ (*н. нисбат*) биргалигида (ب); (*н. нисбат*) илова этилиши (ب);

(صحر) IV أَصْحَرَ саҳрога жўнамоқ

– صَحْرَاء *кўп* صَحَارَى, صَحْرَاوَات саҳро, қақроқ чўл

– صَحْرَاوِيّ саҳрога оид, саҳровий

(صحف) II صَحَّفَ 1) нотўғри талаффуз қилмоқ; нотўғри ёзмоқ; хато қилиб ёзмоқ; 3) бузмоқ, бузиб кўрсатмоқ; 4) *полигр.* стереотип қилмоқ; V تَصَحَّفَ 1) нотўғри талаффуз қилинмоқ, 2) нотўғри ёзилган бўлмоқ; X اسْتَصْحَفَ *полигр.* стереотип қилмоқ

– تَصْحِيف 1) хато (нотўғри) ёзилиш; 2) нотўғри талаффуз; 3) бузилиш, бузиб кўрсатилиш; 4) *полигр.* стереотип (*кўп нусхада нашр этиш учун терилган ҳарфлар ёки расмлардан қуйилган форма ва босиш усули*)

– صَحَّاف газетачи, газетафуруш, газета сотувчи

– صِحَافَة журналистика; матбуот; ~ الـ رِجَال журналистлар, матбуот вакиллари, мухбирлар

– صِحَافِيّ 1. матбуотга оид; 2) журналист; матбуот ходими; репортёр, репортаж ёзувчи (берувчи)

– صَحْفَة *кўп* صِحَاف товоқ, коса; صِحَاف الطَّعَام турли-туман таомлар

– صُحُف *кўп.* газеталар, матбуот

– صُحُفِيّ 1. журналистикага оид, газетага оид; ~ الـ الْمُؤْتَمَر *қар.* مُؤْتَمَر; 2. журналист; матбуот ходими; репортёр

– صَحِيفَة *кўп* ـَات ـــ, صَحَائِف, صُحُف 1) саҳифа, варақ; ~ الدَّعْوَى (*судга берилган*) даъво; الْوَجْه ~ юз териси; رُخَام ~ мармар тахта (плита); صَحَائِف مِنَ الْفُخَّار ёзувли сопол тахтачалар; وَجْهُ الـ~ варақнинг юз (олд) томони; ظَهْرُ الـ~ варақнинг орқа томони, 2) газета, бюллетень; الصَّبَاح ~ эрталабки газета; 3) қиёфа, турқ

– صُحَيْفَة *кўп* ـَات ـــ товоқча, ликопча, тақсимча

– مُصْحَف *кўп* مَصَاحِف 1) ўроғлиқ хат (нома, мактуб); 2) китоб; الـ~ الشَّرِيف *ёки* الـ~ Қуръони каримнинг қўлёзма нусхаси; Қуръони карим; أَحْلِفُ لَكَ عَلَى الـ~! Қуръони карим билан онт ичаман!

أَصْحَال *мн.* صَحْلَاء *кўп* صُحْل овози бўғиқ, овози хириллаган, хириллаган овозли

– صَحَل овознинг бўғилиши (хириллаши)

أَصْحَم *мн.* صَحْمَاء *кўп* صُحْم 1) тўқ-сариқ рангли; 2) бўғдойранг

I صَحَنَ (*а*) صَحْن янчмоқ, майдаламоқ; (*н билан/дир*) кукунга (порошокка) айлантирмоқ (ب)

– صَخْرٌ *кўп.* صُخُورٌ 1) товоқ, ликоп, ликопча; الْفِنْجَالِ ~ ликопча, тақсимча; 2) овқат; 3) *кўп.* идиш; ◊ الدَّارِ ~ уй саҳни; الْمَسْجِدِ ~ масжид саҳни; الْكَنِيسَةِ ~ черковнинг эн қисми

– صَحْنَاةٌ сардина (*балиқ тури*)

– صَحْنَاءُ баликдан тайёрланган газак, хўрак

I (صحو) **صَحَا** (*у*) صَحْوٌ 1) тиниқ, мусаффо, соф бўлмоқ, булутсиз бўлмоқ; 2) кўз очмоқ; ўзига келмоқ, ҳушига келмоқ; ~ مِنْ عَفْوَتِهِ ҳушдан кетаётганликдан ўз ҳолига қайтмоқ; 3) уйғонмоқ; ~ مِنْ نَوْمِهِ уйқудан уйғонмоқ; 4) ҳушёрликка қайтмоқ (*мастликдан*); 5) ҳушёр бўлмоқ; صَحِيَ (*а*) صَحًا = صَحَا; II صَحَّى 1) уйғотмоқ; 2) мастликдан ҳушёрликка қайтармоқ; IV أَصْحَى 1) очилиб (яхшиланиб) кетмоқ (*об-ҳаво ҳақида*); أَصْحَيْنَا бизга ҳаво очиқ бўлиб берди, 2) уйғотмоқ; 3) мастликдан ҳушёрликка қайтмоқ

– صَاحٍ *мн.* صَاحِيَةٌ 1) очилган, яхшиланган, тиниқ, мусаффо, булутсиз; 2) ўзига келган, ҳушига қайтган, уйғоқ; 3) ҳушёр; 4) ҳушёр (маст эмас)

– صَحْوٌ 1. очиқ, мусаффо, тиниқ; 2. 1) очиқлик, мусаффолик; тиниқлик; 2) очиқ ҳаво; ~ أَيَّامُ الـ очиқ ҳаволи кунлар; 3) эс, ҳуш, ақл

– صَحْوَةٌ 1) ҳушига келиш, уйғониш; 2) эс, ҳуш, онг, ақл; 3) ақллилик, тушунганлик, онглилик

I **صَخَّ** (*а/у*) қаттиқ бақирмоқ, гумбурламоқ, қарсилламоқ; ~ الصَّوْتُ الْأُذُنَ овоз (*кучлилигидан*) қулоқни кар қилди

– صَاخَّةٌ гумбирлаш, қулоқни қоматга келтирувчи шовқин, шовқин-сурон; ◊ ~ الـ *дин.* қиёмат

I **صَخَبَ** (*а*) صَخْبٌ шовқинламоқ, бақирмоқ, бўкирмоқ; VI تَصَاخَبَ шовқин кўтармоқ, шовқин-сурон қилмоқ; бақир-бақир қилмоқ; VIII اصْطَخَبَ=I

– اصْطِخَابٌ бақириқ, шовқин

– صَاخِبٌ шовқинловчи; шовқинли

– صَخَّابٌ шовқинли; шовқинловчи, шовқин чиқарувчи

– صَخَبٌ шовқин, ғовур-ғувур; (*машиналар*) тарақ-туруғи; 2) қичқириқ

– صَخْرٌ *жам.* қоялар; ~ الـ *зоол.* тошбақа (*бўғма илон*)

– صَخِرٌ қояли, тошли

– صَخْرَةٌ *кўп.* صُخُورٌ қоя; ~ الـ قُبَّةُ Қуббат ус-саҳра (*Қуддуси шариф масжиди яқинидаги қадимий бино*); 2) катта қаттиқ тош; 3) *геол.* тоғ жинси; صُخُورٌ رُسُوبِيَّةٌ чўкма (чўкинди) жинслар; صُخُورٌ طِينِيَّةٌ тупроқли жинслар; صُخُورٌ مُتَصَدِّعَةٌ қат-қат тоғ жинслари; صُخُورٌ بُرْكَانِيَّةٌ ёки نَارِيَّةٌ вулканли тоғ жинслари; عِلْمُ صُخُورٍ петрография (*геологиянинг тоғ жинсларини ўрганадиган бўлими*)

– صَخْرِيٌّ қояли, қояга оид; ~ حَرِيرٌ *қар.* حَرِيرٌ

– صَخْرِيَّاتٌ *кўп.* ~ الـ петрография

I (صدّ) **صَدَّ**[1] (*а/у*) صَدٌّ 1) тўхтатмоқ; тўсқинлик қилмоқ; 2) қайтармоқ, даф қилмоқ; қисмоқ, қисиб бормоқ; (*н. дандир*) ортига қайтармоқ, четлантирмоқ (عَنْ); олдини олмоқ; (*н. гадир*) яқин келтирмаслик; (*н. дандир*) узоқлаштирмоқ (عَنْ); 3) (*н. дандир*) маҳрум қилмоқ (عَنْ); صَدَّ[2] (*а/и*) صُدُودٌ (*к. дандир*) юз ўгирмоқ, воз кечмоқ (عَنْ, مِنْ); صَدَّ[3] (*а/у, а/и*) صَدِيدٌ шовқин солмоқ, бақирмоқ; II صَدَّدَ йирингламоқ (*жароҳат ҳақида*); IV أَصَدَّ =II; VII انْصَدَّ қайтарилган, даф қилинган бўлмоқ

– صَدٌّ 1) тўхтатиш, тўхтатиб туриш; 2) қайтариш, даф қилиш; 3) тўсқинлик қилиш; 4) (*н. дандир*) воз кечиш (عَنْ, مِنْ)

– صَدَّاءُ қудуқнинг номи

– صَدَدٌ 1) муносабат, алоқа; ~ فِي هٰذَا الـ *ёки* بِهٰذَا الـ шу муносабат билан, шунга боғлиқ ҳолда, бунга алоқали равишда, бу масалада; ~ فِي هٰذِهِ الْمَادَّةِ бу моддага келганда; бу модда муносабати билан; هُوَ بِـ~ـهِ у худди мана шу масала билан шуғулланмоқда; 2) яқинлик, қўшнилик; 3) рўпарасида, қаршисида, олдида; صَدَدَهُ унинг қаршисида, рўпарасида, унинг олдида

– صُدُودٌ сув чархпалаги устуни

– صَدِيدٌ йиринг

– صَدِيدِيٌّ йирингли, йирингламаган, йирингга оид

– مِصَدٌّ *кўп.* ـَاتٌ 1) тўсиқ; 2) амортизатор, буфер, бампер (*икки нарсанинг, мас., вагоннинг бир-бири ўртасида қўйилган, яқинлашганда ўзаро зарбани камайтиришга хизмат қилувчи мослама*)

I **صَدَى** (*а*) صَدًى *ёки* صَدْوٌ (*у*) صَدَاءَةٌ занг қопламоқ, зангламоқ; II صَدَّأَ 1) занг бостирмоқ; 2) занг пайдо қилмоқ, занглантирмоқ

– صَدَأٌ 1) занг; ~ يَأْكُلُ الـ الْحَدِيدَ занг темирни ейди (ишдан чиқаради); 2) *бот.* қоракуя (*бошоқли ўсимлик касаллиги*)

– صَدَاءَةٌ занг

– صَدِيءٌ зангламаган, зангламаб кетган; зангли, занг босган

– مُصْدِئٌ занг билан қопланган, зангли

– مُصْدِئٌ кислород

I **صَدَحَ** (*а*) صَدْحٌ 1) сайрамоқ (*қуш ҳақида*); 2) чалинмоқ, гумбурламоқ (*музика ҳақида*)

– صَادِحٌ *кўп.* صَوَادِحُ 1. 1) куйловчи, қўшиқ (ашула) айтувчи; 2) сайроқи طُيُورٌ صَوَادِحُ сайроқи қушлар; 2. тенор (*овози энг баланд эркак ашулачи*)

– صَدَّاحٌ 1) бақир-бақир қилувчи, сершовқин, хушовоз, ёқимли овозли; 2) жарангдор

– صَدْحَةٌ *кўп.* صَدَحَاتٌ сайраш (*қушники*)

I صَدَرَ (у) صُدُوْرٌ 1) чиқмоқ, келиб чиқмоқ, пайдо бўлмоқ, эълон қилинган бўлмоқ, чиқарилган бўлмоқ (*мас., буйруқ*); 2) (*қаергадир*) жўнамоқ, кетмоқ (إِلَى); 3) *мажз* кўкракда оғриқ бор бўлмоқ; II صَدَّرَ 1) олиб чиқиб кетмоқ; экспорт қилмоқ, жўнатмоқ; 2) (*н. биландир*) бошламоқ (ب); اَلْكِتَابَ ~ китобга бош сўз ёзмоқ; 3) (*к. нидир*) бошлиқ (раҳбар, бошчи) қилиб қўймоқ; марказга ўтказмоқ; III صَادَرَ 1) мусодара қилмоқ, اَلْحُقُوْقَ ~ ўзгалар ҳуқуқларини ўзлаштирмоқ, ўзиники қилиб олмоқ; اِجْتِمَاعًا ~ мажлисни ёпмоқ, мажлисга йўл қўймаслик; 2) ўз фикрини қатъий ўтказишга уринмоқ, қаршилик кўрсатмоқ; ўзгалар фикрига қарши чиқмоқ; 3) тўсқинлик (монелик) қилмоқ, халақит бермоқ; IV أَصْدَرَ 1) босиб чиқармоқ, нашр этмоқ; اَلْحُكْمَ ~ ҳукм чиқармоқ; أَمْرًا ~ буйруқ чиқармоқ; أَزِيْزًا ~ вишиллаган овоз (шовқин) чиқармоқ; 2) олиб чиқиб кетмоқ, экспорт қилмоқ; 3) эмиссия (*қимматбаҳо қоғозлар, қоғоз пуллар*) чиқармоқ; V تَصَدَّرَ 1) марказда, ўртада турмоқ (бўлмоқ); 2) шарафли (ҳурматли) ўрин эгалламоқ, марказда жойлашмоқ, бошда турмоқ, раҳбарлик (раҳнамолик) қилмоқ; раислик қилмоқ; 3) (*н. гадир*) қўл урмоқ (ب); 4) (*қаердандир*) чиқарилмоқ, экспорт қилинмоқ (مِنْ) 5) (*н. гадир*) қаршилик қилмоқ (لـ); X اِسْتَصْدَرَ нашр этишга (чиқаришга) эришмоқ (*мас., китобни*)

– إِصْدَارٌ 1) чиқариш, нашр қилиш, нашр; 2) эмиссия; بَنْكُ ~ اَلْـ (مَصْرَفُ) эмиссион банк

– تَصْدِيْرٌ 1) олиб чиқиб кетиш, экспорт, ~ رُؤُوْسِ اَلْأَمْوَالِ капиталлар экспорти, ~ اَلـ إِعَادَةُ қайтарилган экспорт; 2) ташаббус, бошланиш, 3) (*китобдаги*) кириш, мукаддима

– صَادِرٌ чиқувчи, чиқарилган; ... فِي ~ ١٢ 12- ...да чиқарилган қарор; ~ اَلـ وَ الْوَارِدُ экспорт ва импорт; ◊ لَا لَهُ ~ وَ وَارِدٌ унинг ҳеч нарсаси (вақоси) йўқ

– صَادِرَاتٌ *кўп.* олиб чиқиб кетилаётган, экспорт қилинган товарлар, экспорт; ~ اَلـ وَ الْوَارِدَاتُ экспорт ва импорт

– صَدَارٌ *кўп* اَتٌ ـــ 1) хотин-қизлар кўйлагининг белдан юқори қисми; камзул; 2) боғич; сийнабанд (лифчик)

– صَدَارَةٌ 1) биринчи, марказий ўрин; اِحْتَلَّ مَرْكَزَ اَلـ ~ биринчи ўринни эгалламоқ, энг катта (марказий) аҳамиятга эга бўлмоқ; 2) бош бўлиб туриш; ... فِي تَحْتَلُّ (تَشْغَلُ) هٰذِهِ اَلْمَسْأَلَةُ اَلـ ~ бу масала ...лар орасида (ўртасида) биринчи ўринни эгаллайди; 3) вазири аъзам мансаби (*қадимги Туркияда*)

– صَدَرَ сувлоқдан (*ҳайвонот сув ичадиган жойдан*) қайтиш

– صَدْرٌ *кўп* صُدُوْرٌ1) кўкрак, юрак; بِيَدِهِ ~ ضَرَبَ (*ҳайратдан*) кўкракка урмоқ; ... لِـ ~ فَتَحَ (*к. гадир*) бағрини (кўксини, кўкрагини) очмоқ, кучоғини очмоқ; ~ أَلْجَأَ هٰذَا بу бизни (юрагимизни) шод қилди; 2) олд, олд томон; 3) ўрта, марказ; 4) иззат-ҳурматли киши ўтирадиган жой, уйнинг тўри; 5) бошланиш; *грам.* префикс, олд қўшимчаси; 6) байтнинг биринчи мисраси; ◊ ~ اَلْإِسْلَامِ исломнинг илк даври, бошланғич даври; اَلـ ~ اَلْأَعْظَمُ *тар.* вазири аъзам; بَنَاتُ اَلصُّدُوْرِ ташвиш, ғам, бошқалар ғамини ейиш, ғамхўрлик қилиш; ~ ذَاتُ اَلـ кўкракдаги оғриқ; ذَاتُ اَلصُّدُوْرِ юракдаги фикрлар (ўйлар, яширин ниятлар); ~ رَحَابَةُ اَلـ а) очиқ чеҳралилик, ҳушмуомалалилик, меҳрибонлик; б) олижаноблик; ~ رَحْبُ اَلـ олижаноб; ~ سَعَةُ اَلـ кенг фикрлилик, тафаккурнинг чуқурлиги; ~ ضِيْقُ اَلـ а) *мед.* астма (*нафас қисиш касаллиги*); б) зерикиш; ~ ضَيِّقُ اَلـ оғир феъл-атворли, юрги тор; ~ مُنْقَبِضُ اَلـ эзилган, юраги сиқилган, оғир руҳий аҳволдаги

– صُدْرَةٌ *кўп* صُدُرٌ 1) камзул; 2) сийнабанд (лифчик)

– صَدْرِيٌّ кўкракка (сийнага) оид; أَمْرَاضٌ ~ـــةٌ ўпка касалликлари

– صَدْرِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ сийнабанд (лифчик)

– صُدَيْرِيٌّ 1) камзул; 2) аёллар кийимининг белдан юқори қисми; сийнабанд (*каттаси*)

– صُدَيْرِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) камзул; 2) сийнабанд (лифчик)

– مُصَادَرَةٌ мусодара, конфискация; олиб қўйиш, мулкдан маҳрум қилиш

– مَصْدَرٌ *кўп* مَصَادِرُ 1) манба; اَلثِّقَةِ ~ асосли (ишончли) манба; اَلرِّزْقِ ризқи рўз манбаи; 2) келиб чиқиш; 3) *грам.* масдар, ўзак مَصَادِرُ اَلْأَفْعَالِ феъл масдарлари (ўзаклари)

– مُصَدِّرٌ 1. олиб чиқиб кетувчи; 2. 1) жўнатувчи; 2) экспорт қилувчи

– مَصْدُوْرٌ ўпка касали билан оғриган одам

I صَدَعَ (а) صَدْعٌ ёрмоқ, бўлиб ташламоқ; 2) (*к. гадир, н. гадир*) бўйсунмоқ (لـ, ب); (*н. нидир*) ижро этмоқ (*тушк. к. ёки* بِ). ~ بِالْأَمْرِ *ёки* اَلْأَمْرَ буйруққа бўйсунмоқ (итоат қилмоқ); 3) бош оғриғидан азоб чекмоқ; بِالْحَقِّ ~ очиқдан-очиқ (кўрқмай) ҳақиқатни гапирмоқ; ... فِي رَأْسَهُ ~ (*бирор н. устида*) бош қотирмоқ; II صَدَّعَ 1) бош оғриғи келтириб чиқармоқ, бош оғритмоқ; 2) безовта қилмоқ; жонга тегмоқ; зериктирмоқ; حَاطِرَهُ ~ кимнингдир жонига тегмоқ, жонидан тўйдирмоқ; 3) бузиб (вайрон қилиб) ташламоқ; اَلْأُسُسَ ~ асосини (заминини) бузмоқ; 4) *маж.* бош оғриғидан азоб чекмоқ; IV أَصْدَعَ (*бирор н. ҳақида*) очиқ-ойдин гапирмоқ (ب); V تَصَدَّعَ 1) ёрилмоқ, дарз кетмоқ; бузилмоқ, йиқилмоқ (*мас., девор*); 2) бўлиниб кетмоқ, тарқалишмоқ, майда гуруҳларга бўлинишмоқ; 3) ҳаяжонга (ташвишга) тушмоқ; ◊ اَلصَّبَاحُ ~ тонг ёришди; VII اِنْصَدَعَ бўлиниб (кесилиб) кетган бўлмоқ; ◊ اَلصَّبَاحُ ~ тонг отган бўлмоқ

– تَصَدُّعٌ ажралиш; бўлиниб кетганлик

– تَصْدِيْعٌ қаттиқ бош оғриғи

– صُدَاعٌ бош оғриғи; اَلْـ ~ مُزْمِنُ *мед.* мигрен (*вақти-вақти билан тутадиган қаттиқ бош оғриғи касаллиги*)

– صَدْعٌ *кўп* صُدُوْعٌ ёриқ; дарз

– صَدْعٌ (*синган н. ларнинг*) ярми, ярим, иккинчи бўлаги

– مَصْدُوْعٌ 1) ёрилган, дарз кетган; 2) бош оғриғидан азоб чекаётган (*киши*)

(صدغ) II صَدَّغَ жонга тегмоқ, сурбет бўлмоқ

– صَدَاغَةٌ жонга тегиш, сурбетлик

– صُدْغٌ[1] *кўп.* أَصْدَاغٌ чакка

– صُدْغٌ[2] осилиб турган соч; مُعَقْرَبٌ ~ жингалак соч

– صَدِغٌ *халқ* жонга тегувчи, сурбет

– صُدْغِيٌّ чаккага оид

– مُصَادَغَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ, مَصَادِغُ ёстиқ, болиш

I صَدَفَ (*и*) صُدُوفٌ, صَدْفٌ 1) (*н. дандир*) кўнгил қолмоқ (عَنْ); 2) (*н. дандир*) юз ўгирмоқ, воз кечмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) жирканмоқ, ҳазар қилмоқ (عَنْ); 3) тасодифан (кутилмаганда) воқе бўлмоқ (юз бермоқ); أَنْ ~ мен уни кутилмаганда (тасодифан) учратиб қолдим; III صَادَفَ 1) тўқнаш келиб қолмоқ, тасодифан учратмоқ, топиб олмоқ; 2) ўхшамоқ, мос келмоқ, ...га бориб тақалмоқ; мос келмоқ; 3) йўлда турмоқ (*тўсиқлар ҳақида*); IV أَصْدَفَ бурмоқ, қайирмоқ, қайириб олмоқ (عَنْ); V تَصَدَّفَ (*н. дандир*) юз ўгирмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) ўзни олиб қочмоқ (عَنْ); VI تَصَادَفَ 1) ўзаро учрашмоқ, учрашишмоқ; 2) ўхшаш бўлмоқ, мос келмоқ

– تَصَادُفٌ ўхшаш, мос келиш; ~ـــ بِطَرِيقِ тасодифан, тўсатдан, кутилмаганда, тасодифий ҳолда (равишда)

– صَدَفٌ[1] *жам кўп* أَصْدَافٌ 1) садаф, перламутр; ~ـــ شُغْلُ садаф безаклар; ~ الدُّرِّ дур (марварид) қобиғи

– صَدَفٌ[2] *ёки* صُدُفٌ тоғнинг кўчган юқори чўққиси

– صَدَفَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ садаф; ◊ ~ الْأُذُنِ қулоқ супраси; ~ السُّلَّمِ юқори қаватларга кўтарилган пиллапоялар ўртасидаги кичик майдонча, шикан (*бурилиш*)

– صُدْفَةٌ *кўп.* صُدَفٌ тасодифият, тасодиф, кутилмаганлик; ~ тасодифан, кутилмаганда; ~ـــ بِالـــ тасодифан, кутилмаганда; لَمْ يَكُنْ مِنْ بَابِ الـــ~ (الصُّدَفِ) أَنَّ ... тасодифий эмасдики, ...

– صُدَفِيٌّ тасодифий

– صَدَفِيٌّ садафга оид; الْحَيَوَانَاتُ الـــ~ـــةُ садаф ичида яшайдиган жониворлар

– مُصَادَفَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) тасодифий учрашув; 2) тасодиф; тўғри келиб қолмоқлик; ~ـــ بِالـــ مِنْ بَابِ الـــ~ *ёки* عَنْ طَرِيقِ الـــ~ *ёки* тасодифан, кутилмаганда; ... أَنَّ ~ـــ شَاءَتِ الـــ тасодифан шу тўғри келиб қолдики, ...; ... أَنَّ ~ـــ لَيْسَ مِنَ الـــ (مُصَادَفَاتِ) وَ тасодифий эмаски, ... ... وَ مِنَ الْمُصَادَفَاتِ الْبَحْتَةِ أَنَّ ...экани (бўлганлиги) мутлақо тасодифдир

I صَدَقَ (*у*) صِدْقٌ 1) чин (рост) гапирмоқ, ростгўй бўлмоқ; сидқидил бўлмоқ; ... أَصْدُقُ الْقَوْلَ ростини айтсам, ростини айтганда ...; ~ـــهُ النُّصْحَ кимгадир сидқидилдан маслаҳат бермоқ; ~ الْوَعْدَ ваъдани бажармоқ; 2) рост чиқмоқ (*гумон, тахмин ҳақида*); II صَدَّقَ 1) рост деб билмоқ; ишонмоқ; لَا يُصَدِّقُ مَا يَرَى *ёки* صَدِّقْ أَوْ لَا (أُذُنَيْهِ) عَيْنَيْهِ لَا يُصَدِّقُ кўзларга (қулоқларга) ишонмаслик; ~ الْأَعْمَالَ وَ ...; تُصَدِّقْ فَإِنِّي ... хоҳ ишон, хоҳ ишонма, аммо мен ... сўзга эмас, ишга (амалга) ишонмоқ,2) тасдиқ қилмоқ, ишонтирмоқ; тасдиқлаб бермоқ; ратификация қилмоқ; тасдиқламоқ (*мос., ҳужжатни-*عَلَى), 3) садақа олмоқ, хайр-садақа олмоқ; III صَادَقَ 1) дўстона муносабатда бўлмоқ, ҳурмат кўрсатмоқ; дўст бўлмоқ; 2) (*н. нидир*) маъқулламоқ (عَلَى); (*н. гадир*) рози бўлмоқ; 3) (*имзо чекиб*) тасдиқлаб бермоқ; (*н гадир*) гувоҳлик бермоқ, рухсат (санкция) бермоқ (عَلَى); IV أَصْدَقَ қалин (сеп) белгиламоқ (тайин қилмоқ); V تَصَدَّقَ (*к. гадир*) садақа (хайр-садақа) бермоқ (عَلَى); VI تَصَادَقَ 1) ўзаро дўстлашмоқ, дўстлашишмоқ, дўстлик алоқаларини (ипларини) узмаслик; 2) тасдиқламоқ, гувоҳлик бермоқ

– أَصْدَقُ энг ростгўй, энг сидқидил, энг содиқ; ~ صَدِيقٍ энг содиқ дўст

– تَصَادُقٌ ўзаро дўстлик; дўстона муносабат, ўзаро ишонч; ҳамфикрлик

– تَصْدِيقٌ 1) ишонч, ~ـــ سُرْعَةُ الـــ енгилтаклик, лақмалик, ортиқ даражада ишонувчанлик; ~ـــ سَرِيعُ الـــ лақма, ишонувчан; 3) тасдиқлаш, гувоҳлик бериш; тасдиқ этиш, ратификация

– صَادِقٌ 1) содиқ, ростгуй, ҳақиқатгўй, сидқидил; 2) ҳаққоний, ҳақиқий; чинакам; 3) кучли; ~ـــةٌ مُقَاوَمَةٌ кучли қаршилик

– صَدَاقٌ *кўп.* أَصْدِقَةٌ, صُدُقٌ сеп (*келинники*), ~ـــ مُؤَخَّرُ الـــ (*ажралишгандаги*) сеп қолдиғи; ~ـــ مُقَدَّمُ الـــ сепнинг олдиндан бериб қўйиладиган қисми

– صَدَاقَةٌ дўстлик; ~ـــ مُعَاهَدَةُ الـــ *дип.* дўстлик ҳақида битим (шартнома); ~ـــ عَلَاقَاتُ الـــ дўстлик алоқалари; ~ـــ دَارُ الـــ дўстлик уйи (саройи)

– صِدْقٌ 1) ҳаққонийлик, виждонлилик, сидқидиллик; 2) ҳақиқат; ~ـــ بِـــ ҳаққоний; ~ـــ рости, тўғриси

– صَدَقَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ садақа, хайр-садақа, эҳсон

– صُدُقَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ = صَدَاقٌ

– صُدْقَةٌ = صَدَاقٌ

– صَدُوقٌ ҳаққониятчи, ростгўй, сидқидил киши

– صَدُوقِيٌّ *кўп.* صَدُوقِيُّونَ *тар.* саддуқий

– صَدِيقٌ[1] кўп أَصْدِقَاءُ, صُدَقَانٌ дўст; صَدُوقٌ ~ сирдош, садоқатли дўст

– صَدِيقٌ[2] дўстона; الْبُلْدَانُ الشَّقِيقَةُ وَ الـــ~ـــةُ қардош ва дўст мамлакатлар

– صِدِّيقٌ 1) доимо ростгўй, энг ҳақиқатгўй; أَبُو بَكْرٍ الـــ~ *тар.* энг ҳақиқатгўй Абу Бакр разийаллоҳу анҳу; 2) сўзини амалда исбот қилувчи

– مُتَصَدِّقٌ хайр-садақа берувчи

– مُصَادَقَةٌ 1) маъқуллаш; 2) тасдиқлаш, гувоҳлик (шоҳидлик) бериш; розилик (санкция) бериш

– مِصْدَاقٌ *кўп.* مَصَادِيقُ 1) мезон, ўлчов, критерий; *кўч.м.* синов тоши (*қимматбаҳо нарсаларнинг софлик даражасини аниқлаш учун ишлатиладиган кремний тоши*); 2) тасдиқ, исбот

– مُصَدِّقٌ ишончга сазовор (*одам, ёки н.*); عَلَيْهِ ~ тасдиқланган; عَلَيْهَا ~ نُسْخَةٌ тасдиқланган нарса (нусха, копия)

– مُصَدِّقٌ садақа олувчи

– مُتَصَدِّقٌ *Қур.* = مُصَدِّقٌ

I صَدَمَ (*u*) صَدْمٌ 1) яксон қилмоқ; зарба бермоқ, урмоқ; 2) туртмоқ, итармоқ; 3) урилиб кетмоқ (*автомобилда кетаётганда*); III صَادَمَ урилиб кетмоқ, бир-бири билан тўқнашиб кетмоқ; VI تَصَادَمَ ўзаро тўқнашиб (урилишиб) кетмоқ; VIII اصْطَدَمَ (*бирор н. билан*) тўқнашиб кетмоқ; (*бирор н.* га) урилиб кетмоқ (ب); (*бирор н. га*) бориб урилмоқ

– اصْطِدَامٌ *кўп.* اتٌ ـــ тўқнашув

– تَصَادُمٌ тўқнашув, қарама-қаршилик; коллизия; ~ الـــ طَاسَةُ *қар.* طَاسَةٌ

– صِدَامٌ тўқнашув, қарама-қаршилик, жанжал; ~ مُسَلَّحٌ қуролли тўқнашув; ◊ ~ الـــ فِرْقَةُ зарбдор гуруҳ (бригада)

– صِدَامِيٌّ зарбдор, зарба берувчи

– صَدْمَةٌ *кўп.* صَدَمَاتٌ 1) зарба, туртки; ~ الْعُبُوَّةِ тепиш, орқага уриш (*ўқ отганда*); 2) *мед.* руҳий ларза (шок); ~ عَصَبِيَّةٌ асаб ларзаси, асабларнинг ларзага келиши; ~ نَفْسِيَّةٌ психик ларза (жароҳат, таъсир); 3) *кўп.* таъна, маломат, ҳужум

– مُصَادَمَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ тўқнашув

I صَدَى (*a*) صَدًى қаттиқ чанқоқлик (ташналик) ҳис қилмоқ; II صَدَّى қарсак чалмоқ; IV أَصْدَى товушни акслантирмоқ (такрорламоқ), акс-садо бермоқ; V تَصَدَّى 1) ташаббус билан чиқмоқ; (*бирор н. қилишга*) бел боғламоқ, мен қиламан деб чиқмоқ, (*н. гадир*) қунмоқ, унамоқ, рози бўлмоқ; (ـــلِ) (*бирор н. га*) ёпишиб олмоқ, ўзини тиқмоқ, аралашмоқ (ـــلِ)

– تَصْدِيَةٌ қарсак, чапак

– صَدٌّ = صَادٌّ

– صَدٌ чанқоқ, ташна, чанқаган

– صَدًى *кўп.* أَصْدَاءٌ 1) акс-садо, узоқдан эшитилган овоз; 2) чақиришга берилган жавоб, ~ وَاسِعًا أَحْدَثَ кенг ижобий фикрлар уйғотмоқ; (وَاسِعٌ) ~ بَعِيدٌ كَانَ لِهَذَا الْخَبَرِ бу хабар кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди; ... عِنْدَ ~ لَقِيَ (لَاقَى) ...дан жавоб (қўллаб-қувватлаш) топмоқ; 3) *фольк* бойқуш (*эгўё ўлдирилган кишининг қабри устида ўч олишга чақириб қичқирар эмиш*); 4) бойқуш (бойўғли) нинг нари (эркаги)

– صَدْيَانُ *мн.* صَدَايَا чанқоқ, ташна

I (صرّ) صَرَّ[1] (*a/y*) صَرٌّ 1) (*мато парчасига ўраб қўйилган н. ни*) тугмоқ, боғламоқ; ўраб боғламоқ, الدَّرَاهِمَ ~ пулни (дирҳамларни) ҳамёнга солмоқ; 2) (*уруғочи туя*) елинини боғлаб қўймоқ; ◊ أُذُنَهُ ~ қулоқни динг қилмоқ; صَرَّ[2] (*a/u*) صَرِيرٌ, صِرَارٌ ғижилламоқ (*мас., эшик*), овоз (товуш) чиқармоқ; عَلَى أَسْنَانِهِ ~ тиш ғижирлатмоқ; 2) сурон кўтармоқ, чийилламоқ, визилламоқ (*шамол ҳақида*); ~ تِ الْآذَانُ қулоқ чийилламоқда; 3) чирилламоқ (*чигирткалар ҳақида*); IV أَصَرَّ 1) (*бирор н. да*) муқим турмоқ, у ҳақда фикрини ўзгартирмаслик, ўз фикрини ўтказмоқ, (*бирор н. да*) қатъий бўлмоқ (عَلَى); 2) ғижилламоқ (*мас., пол ҳақида*)

صَلْصَلَ жиринглamoқ, жаранглamoқ; тақир-туқур қилмоқ, тарақлamoқ (*аравa ҳақида*) تَصَلْصَلَ = صَلْصَلَ

– صَلَاصِلُ *кўп. муз.* шақилдоқ

– صَلْصَالٌ оқ кўзагарлик гили

– صَلْصَالِيٌّ гилли, гилга оид

– صَلْصَلَةٌ жаранг, шарақ-шуруқ (*мас., қилич овози*); тарақ-туруқ

– صَلْصَةٌ *кўп* صَلْصَاتٌ, أَصْلَاصٌ қайла

صَلْطَحَ ясси қилмоқ, яссиламоқ

– مُصَلْطَحٌ 1) ясси, 2) майда, саёзликда яшовчи

I صَلِعَ (*а*) صَلَعٌ кал бўлмоқ, ялтирбош (тоз) бўлмоқ

– أَصْلَعُ *мн.* صُلْعَاءُ *кўп* صُلْعٌ кал, ялтироқбош, тоз

– صَلَعٌ каллик, бошдаги соч йўқ жой

– صَلَعٌ = صَلْعَةٌ

صلعم қ. исқ. صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ сўзларининг қисқартмаси (*қар.* صلو)

I صَلَفَ (*а*) صَلَفٌ 1) мақтамоқ, (*н. биландир*) мақтанмоқ; инжиқлик қилмоқ; 2) эрдан бахтсиз бўлмоқ; اَلْمَرْأَةُ ـــتْ эрнинг ёқтирмаслиги натижасида роҳат кўрмай кун ўтказмоқ (*аел ҳақида*), V تَصَلَّفَ = I

– صَلَفٌ, صَلَافَةٌ мақтанчоқлик, кеккайганлик; ўзи ҳақида юксак фикрда бўлиш, инжиқлик: ـــ فِي *ёки* بِـــ инжиқлик билан, инжиқлик қилиб, инжиқларча

– صَلِفٌ 1. 1) мақтанчоқ; 2) маза-матрасиз (*овқат ҳақида*); 2. *кўп* صُلَفَاءُ мақтанчоқ, мақтанувчи

– صَلِفَةٌ эрдан роҳат кўрмай яшовчи (*аёл*)

I صَلَقَ (*у*) صَلْقٌ войдодламоқ, фарёд қилмоқ, чинқирмоқ, қичқирмоқ

– صَلْقٌ қаттиқ овоз, чинқириқ, қичқириқ

– صَلِيقَةٌ *кўп.* صَلَائِقُ юмшоқ нон, лўмбиллаган нон, бўрсилдоқ нон

I صَلَمَ (*и, у*) صَلْمٌ узиб олмоқ, кесиб олмоқ (*қулоқни*); майиб қилмоқ

– أَصْلَمُ *мн.* صُلْمَاءُ *кўп* صُلْمٌ қулоғи кесилган

وصل *қар.* صلة

II صَلَّى (صلو) 1) ибодат қилмоқ, намоз ўқимоқ; ҳар кунги беш вақт намозни адо қилмоқ; إِلَى اللهِ ـــ Оллоҳга ибодат қилмоқ; 2) (*к. нидир*) дуо қилмоқ (عَلَى); صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ (*расули акрамнинг номлари айтилганда қўшиб айтиладиган тилак; мас., Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам-қисқ.* صلعم *ёки* ص); 3) салавот ўқимоқ; 4) мукофот паккасига иккинчи бўлиб етиб келмоқ (*от ҳақида*)

– صَلَّاءٌ *кўп* أَصْلَاءٌ от сағриси

– صَلَاةٌ *кўп* صَلَوَاتٌ 1) салавот, намоз, ибодат: اَلْغَائِبِ ـــ ўлган киши ҳаққига қилинган салавот; اَلْجُمُعَةِ ـــ жума намози; اَلصَّلَوَاتُ اَلْخَمْسُ кундалик беш вақт намоз; اَلْغَدَاةِ ـــ *ёки* اَلْفَجْرِ ـــ *ёки* اَلشَّاهِدِ *ёки* اَلصُّبْحِ ـــ бомдод намози; اَلظُّهْرِ ـــ пешин намози; اَلْعَصْرِ ـــ аср намози; اَلْمَغْرِبِ ـــ шом намози; اَلْعِشَاءِ ـــ хуфтон намози; اَلتَّرَاوِيحِ ـــ таровиҳ намози; اَلرَّحْمَةِ ـــ (*к. нингдир*) жанозасини ўқиш (عَلَى); كِتَابُ ـــ намоз китоби; اَلْعِيدِ أَدَّى ـــ ийд (ҳайит) намозини ўқимоқ; عَلَيْهِ اَلْـــ وَ اَلسَّلَامُ! *дин.* У зотга Оллоҳнинг марҳамат ва саломи бўлсин!; 2) дуо, дуо қилиш; اَلْـــ

مِنَ اللهِ تَعَالَى Оллоҳнинг раҳмати; صَلَّى *феъли масдари ўрнида ишлатиладиган сўз*

– صَلَوَاتٌ *кўп.* намоз, ибодат

– مُصَلٍّ *мн.* مُصَلُّونَ *кўп.* ибодат қилаётган; 2. мукофот паккасига иккинчи бўлиб етиб келган от

– مُصَلًّى *кўп.* مُصَلَّيَاتٌ ибодат қилинадиган жой, ибодатхона, масжид

I (صلى) **صَلَى** (*u*) صَلْيٌ қовурмоқ; пиширмоқ; صَلِيَ (*a*) صَلًى қовурилмоқ, пиширилмоқ II صَلَّى (*қар. шунингдек:* صلو); иситмоқ; IV أَصْلَى ёқмоқ, қуйдирмоқ; ...نَارًا حَامِيَةً (أَصْلَاهُ) به ~ *ҳарб.* ... бўйлаб кучли ўт очмоқ; أَصْلَاهُ حَرْبًا ғазабини қўзғамоқ, кимни биландир аёвсиз уруш олиб бормоқ; V تَصَلَّى исинмоқ, иситилмоқ; لِنَارِ الْاضْطِهَادِ ~ *маж.* кучли (аёвсиз) қувғинга дучор бўлмоқ; VIII اصْطَلَى (*н. биландир*) исинмоқ, иситилмоқ (ب);

– صَلَاءَةٌ, صَلَايَةٌ *кўп* صِلِيٌّ 1) (*муаттар бўй тарқатадиган н. лар янчиладиган*) тош; 2) ўғир

– مُصْطَلًى камин (*ўчоқсимон уй печкаси*)

– مَصْلَاةٌ *кўп.* مَصَالٍ тузоқ (*қушлар учун*)

I (صمّ) **صَمَّ**[1] (*a/y*) صَمٌّ (*тиқин билан*) бекитмоқ, الْأُذُنَ ~ қулоқни батанг қилмоқ, кар қилиб юбормоқ; صَمَّ[2] (*u/a*) صَمَمٌ кар бўлмоқ, кар бўлиб қолмоқ, ◊ الدَّرْسَ ~ дарсни ёдламоқ, ёд олмоқ; II صَمَّمَ 1) (*н нидир*) ҳал этмоқ, (*н. қадир*) жазм (азм, қарор) қилмоқ (عَلَى); 2) (*н. нидир*) қаттиқ талаб қилмоқ, бажартирмоқ, қилдирмоқ (عَلَى); (*н дадир*) ғайрат кўрсатмоқ (عَلَى); 3) тарх тузмоқ, режа (проект) тузмоқ; 4) кар қилмоқ; ◊ ~ـــهُ الدَّرْسُ дарсни ёдлатиб юбормоқ, ёд олмоқ; IV أَصْمَمَ кар қилиб қўймоқ, қулоқни батанг қилмоқ; эшитишга қўймаслик; أُذُنَيْهِ ~ (*н. нидир*) эшитмаслик (عَنْ); ~وا آذَانَهُمْ عَنْ سَمَاعِ هَذِهِ الْأَقْوَالِ улар бу сўзларни эшитишни ҳам хоҳлашмади; VI تَصَامَمَ *ёки* تَصَامَّ 1) ёлғондан ўзини кар қилиб кўрсатмоқ; 3) (*н. нидир*) эшитишни истамаслик, унга қулоқни кар қилмоқ, (*н нидир*) эшитмаслик (عَنْ)

– أَصَمُّ *мн.* صُمَّاءُ *кўп* صُمٌّ, صُمَمَانٌ 1) кар; أَصْلَخُ ~ мутлақо (бутунлай) кар; أَبْكَمُ ~ кар-соқов; ~ الشَّهْرُ الْـــ ражаб ойи; آلَةٌ صَمَّاءُ *кўчм.* бировнинг қўлида калтак, ўйламай-нетмай иш қиладиган курол бўлиб қолган (*н., киши*); 2) зич, тиғиз; маҳкам, мустаҳкам; ихчам, йиғноқ; катта, салмоқли, салмоқдор; ~ فِعْلٌ *грам.* иккиланган феъл; غُدَدٌ صُمٌّ *анат.* ички секреция безлари; عِلْمُ الْغُدَدِ الصُّمِّ эндокринология; 3) *мат.* иррационал; ~ جِذْرٌ *мат* иррационал илдиз; الْكَمِّيَّاتُ الصُّمُّ иррационал катталиклар

– تَصْمِيمٌ 1) шижоат, шижоатлилик; қарор; 2) тарх (режа) тузиш, тархлаштириш, режалаштириш; 3) *кўп.* ـــَاتٌ, تَصَامِيمُ тарх, режа, чизма, схема; ~ الـــ مَكْتَبُ проект бюроси; 4) смета (*сарф ва харажатлар режаси*); 5) *шахм.* комбинация (*бирор мақсадни кўзлаб қилинган юришлар ҳақида*)

– صَمٌّ 1) тиқин билан бекитиш; 2) қуруқ ёдлаш

– صِمَامٌ *кўп.* أَصِمَّةٌ, ـــَاتٌ 1) тиқин, пробка; очиб-ёпадиган асбоб; خَنَّاقٌ ~ *ёки* خَنَّاقٌ ~ дроссел (*тех ёнилғи, газ, буғ ўтишини тартибга солиб турувчи мослама*); (الْأَمَانِ) ~ الْأَمْنِ хавфсизлик клапани (*очиб-беркитиб турувчи жиҳоз, мослама*), ~ التَّصْرِيفِ дренаж сувини очиб-беркитиб турувчи клапан; صِمَامَاتُ الْقَلْبِ юрак клапанлари (қопқоқлари); 2) радиолампа; ~ التَّقْوِيمِ *эл.* ток тўғрилагич (*ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантирувчи мослама асбоб*). ثُنَائِيٌّ ~ диод; ثُلَاثِيٌّ ~ триод

– صِمَامَاتٌ *кўп* صِمَامٌ =

– صَمَّاءُ бахтсизлик, фалокат

– صَمَمٌ карлик, эшитиш қобилиятини йўқотиш

– صَمَمَةٌ *кўп.* صَمَمٌ тиқин

– صَمِيمٌ 1. 1) софлик, асллик (*жинс ҳақида*); 2) ҳақиқий; 2. 1) асл моҳият; 2) (*иссиқ ёки совуқнинг*) энг юқори даражаси; فِي ~ الْحَرِّ жазирама иссиқ пайтида; ◊ مِنَ الْقَلْبِ ~ чин дилдан, чин юракдан

– مُصَمِّمٌ проектловчи, конструктор; ~ أَزْيَاءِ النِّسَاءِ аёллар кийимлари модельери; ~ـــةُ الْأَزْيَاءِ модельер аёл

I **صَمَتَ** (*y*) صَمْتٌ жим турмоқ, гапирмаслик, овоз чиқармаслик; ~وا وَ كَأَنَّ أَلْسِنَتَهُمْ رُبِطَتْ بِأَوْتَادٍ улар гапиришга тортинишди (*сўровга ўхшаб*) жим (гапирмай) тураверишди; II صَمَّتَ жим турдирмоқ, жим туришга мажбур қилмоқ IV أَصْمَتَ = II

– صَامِتٌ жим турувчи; сўзсиз, овозсиз; сўзсизликка (овозсизликка) оид; ~ التَّأْيِيدُ الـــ сукут билан қувватлаш (*химоя қилиш*); ~ـــةُ السِّينَمَا الـــ овозсиз кино; ~ التَّمْثِيلُ الـــ пантомима (*сўзсиз ҳаракатлар, имо-ишоралар орқали кўрсатиладиган томоша*); ~ـــةُ الْمَسْرَحِيَّةُ الـــ пантомим пьесаси; ~ مُمَثِّلٌ а) мим (*пантомима ижрочиси*); б) статист (*театр тамошаларида ишгирок этувчи, аммо гапирмайдиган роль ижро этувчи актёр*); ◊ ~ـــةُ الْمُوسِيقَى الـــ инструментал музика, чолғу музикаси; مَا لَهُ وَ لَا نَاطِقٌ унинг на қўй ва туялари, на олтин-кумушлари бор

– صَمْتٌ сукут, индамаслик, жим туриш; ~ ذُو сукут сақловчи, жим турувчи; ~ مُصْمَتٌ тўла (мутлоқ) сукут; ~ فِي сукут сақлаб (сукут сақланган, жим турган) ҳолда; !~ жим тур!; ~ الـــ الْعَمِيقُ فِي سَادَ ... да чуқур жимлик чўкди; ... وَقَفَ دَقِيقَةَ ~ تَكْرِيمًا لِذِكْرَى الْمَرْحُومِ марҳум ... нинг хотирасини бир минут сукут сақлаш билан эсламоқ

– صَمْتَةٌ қисқа сукут, қисқа вақт жим туриш

– صَمُوتٌ сукут сақловчи, жим (сўзсиз) турувчи

– صُمُوتٌ сукут, сўзсиз (жим) туриш

– صَمُوتٌ = صَمِيتٌ

– صَمِّيتٌ камгап, кам гапирувчи

– مُصْمَتٌ 1) зич, тиғиз; ихчам, йиғноқ, катта, салмоқли, салмоқдор; ~ حَائِطٌ эшик-дераза йўқ девор, ҳамма ёғи берк девор; 2) бўлинмайдиган, бутун, бир хил; бутунича; 3) *фон.* жарангсиз (*товуш*): الْحُرُوفُ الصَّامِتَةُ жарангсиз ундошлар (ت, م, ل, ف, ر, ...; *ундошларидан ташқари барча ундошлар*)

I صَمَخَ (*а*) صَمْخٌ эшитув йўлига зарар етказмоқ; V تَصَمَّخَ зарар етмоқ, касалланмоқ (*эшитув йўли ҳақида*)

– صِمَاخٌ *кўп.* أَصْمِخَةٌ *анат.* эшитув йўли

I (صمد) صَمَدَ[1] (*у*) صَمْدٌ (*қаергадир*) бормоқ, жўнамоқ (إِلَى); صَمَدَ[2] (*у*) صُمُودٌ 1) (*н. нидир*) сабот (бардош, чидам) билан бошдан ўтказмоқ; (*н. дандир*) ўзни тута билмоқ (لِـ); 2) (*бирор жойда*) бўлмоқ; الزُّجَاجَةَ ~ шиша оғзини беркитмоқ, بِالْعَصَا ~ кимнидир ҳасса (асо) билан урмоқ; II صَمَّدَ 1)= I صَمَدَ[1]; 2) сақлаб қўймоқ, тўпламоқ, йиғмоқ (*пул ҳақида*); III صَامَدَ курашмоқ

– صَامِدٌ собит, саботли, матонатли, мустаҳкам

– صَمَدٌ 1) ўзгармас; абадий, мангу; 2) катта, салмоқли, салмоқдор

– صَمَدَانِيٌّ худога оид; мангу, абадий

– الصَّمَدِيَّةُ Қуръони каримнинг 112-сураси

– صُمُودٌ собитлик; қатъийлик, иродалилик; маҳкамлик

صَمْصَمَ 1) қатъиятли (иродали) бўлмоқ; 2) ухламаслик, уйғоқ бўлмоқ

أَصْمَعُ *мн.* صُمْعٌ *кўп* صُمْعٌ кичик қулоқли

(صمغ) II صَمَّغَ ўсимлик шираси (елим) суртмоқ; IV أَصْمَغَ шира (елим) чиқармоқ (*дарахт ҳақида*)

– صَمْغٌ *кўп.* صُمُوغٌ, أَصْمَاغٌ ўсимлик шираси, елим (*ўсимликдан олинадиган*); الْبُطْمِ ~ канифол (*дарахт елимидан олинадиган сариғ шаффоф модда, кўпинча ҳиждак камончасига суртиб ишлатилади*); السَّنَوْبَرِ ~ санобар дарахти елими; عَرَبِيٌّ ~ араб елими, самғ арабий, акоқия; الْكَثِيرَاءِ ~ гуммитраганг (*тропик мамлакатларда ўсадиган елим дарахти*); اللَّكِّ ~ шеллак (*пок сариғ, пластмасса кабилар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган табиий елим*); الْهِنْدِيُّ ~ каучук; سَائِلٌ ~ ёпишқоқ модда

– صَمْغِيٌّ 1) ёпишқоқ; 2) елим (шира) ажратиб чиқарувчи (*ўсимлик*)

– مُصَمَّغٌ елим суркалган, елим билан қопланган; شَرِيطٌ ~ ёпишқоқ ёпишадиган қоғоз (*пашша тутиш учун*)

صَمْصَامَةٌ *ёки* صَمْصَامٌ ўткир қилич

I صَمَلَ (*у*) صَمْلٌ (*бирор н. га*) тоқат қилмоқ, чидамоқ (عَلَى)

– صَامُولَةٌ *кўп.* صَوَامِيلُ гайка; ~ مِفْتَاحُ гайка очқичи

– صَمْلٌ қотиш, тўнгиш, ивишиб қолиш

– صُمْلٌ пишиқ, мустаҳкам; ~ رَجُلٌ матонатли (бардошли, бақувват) одам

– صَامُولَةٌ = صَمُولَةٌ

صِمْلَاخٌ *кўп.* صَمَالِيخُ қулоқ ичидаги кир, қулоқ ичидаги олтингугурт

(صمى) IV أَصْمَى ўлдирмоқ, ўрнида йиқитмоқ (ўлдирмоқ)

(صنّ) IV أَصَنَّ 1) ёқимсиз ҳид чиқармоқ; 2) қўлтиғидан ҳид келмоқ, қўлтиғи ҳидланмоқ

– صِنٌّ қиш ниҳоясидаги совиб кетган кун

– صُنَانٌ қўлтиқдан келадиган ҳид

صَنَابٌ *кўп.* صُنُبٌ *бот.* қора хантал; хантал қоғоз, хантал мато (горчичник)

صَنَابِرُ *кўп.* صَنَابِيرُ қишнинг энг совуқ даври, қиш чилласи; صَنَابِرُ الذَّهَبِ олтин массаси

– صُنْبُورٌ *кўп.* صَنَابِيرُ 1) жўмрак, кран; ~ مَاءِ الـ жўмрак (кран) даги сув; 2) чойнак бурни; 3) бирор нарса чиқадиган трубка; қувурча; ~ الْغَازِ газ горелкаси

(صنت) II صَنَّتَ эшитмоқ, тингламоқ; бировнинг гапини хуфёна эшитмоқ; V تَصَنَّتَ = II

صَنَّاجٌ симбалчи, симбал чалувчи (*симбал-чанғасимон мусиқа асбоби*)

– صَنَّاجَاتٌ *кўп.* қайроқ (*рақсга оид қўлидаги*)

– صَنْجٌ *кўп.* صُنُوجٌ 1) *шунингдек:* صُنُوجُ الْأَصَابِعِ қайроқ; ضَرَبَ بِالصُّنُوجِ қайроқ ўйнамоқ (шақиллатмоқ); 2) симбал

– صَنْجَةٌ *кўп.* صَنَجٌ 1) гумбаз, қубба тоши; 2) *қар.* سَنْجَةٌ; 3) тарози тоши

صَنَاجِقُ *кўп* = صَنَاجِيقُ

صِنْدِيدٌ *кўп.* صَنَادِيدُ 1. мард, жасур; 2 қаҳрамон, баҳодир; йирик арбоб; 3 бахтсиз, ғирк, қулфат, фалокат

صَنَادِقِيٌّ *кўп* صَنَادِقِيَّةٌ сандиқ, ящиқ қути ясайдиган уста, сандиқчи

– صُنْدُوقٌ *кўп.* صَنَادِيقُ 1) сандиқ, 2) ящиқ, қути; ~ الْأُنْحَابَاتِ (الْقِرَانِ) сайлов (овоз бериш) қутиси; الْبُرْسِطَةِ (الْبَرِيدِ) ~ почта қутиси; (الطَّرْدِ) الدَّفْقِ ~ (*хожатхонада сув оқизиш учун керак бўладиган*) бочкача (الْبُرْسِ) الشُّرْعَةِ ~ *тех.* тезлик коробкаси; ~ السَّاعَةِ соат коробкаси (қобиғи); الدَّحْمِ ~ *тех.* тупчак (*поезд, паровоз, локомотивда*), الْكَرْنَكِ ~ *тех.* картер (*моторларда: энг қуйида мой турадиган қути*); الْمَيِّتِ ~ тобут الْوَنْشِ ~ кўтарма кран ковши; أَمِينُ الـ~ кассир, хазиначи (*мас., қандайдир*

жамиятда); 3) касса; (الْقَرْضِ) التَّعَاوُنِ ~ ўзаро ёрдам кассаси; ~ التَّوْفِيرِ омонат кассаси; الْحَدِيدِ ~ сейф, темир (пўлат) сандиқ; ~ الْمَرْضِ касалхона кассаси; ~ الـ دَفْتَرُ бухг. касса (ҳисоб-китоб) дафтари; 4) жамғарма; السَّلَامِ ~ тинчлик жамғармаси; صَنَادِيقُ احْتِمَاعِيَّةٌ жамоат жамғармалари. 5) ўркач; ◊ الدُّنْيَا ~ калейдоскоп

صَنْدَلٌ[1] *бот.* сандал дарахти

– صَنْدَلٌ[2] *кўп.* صَنَادِلُ шатакка олиб юриладиган кичикроқ кема, баржа; الْحَرَائِقِ ~ ўт ўчириш кемаси

– صَنْدَلٌ[3] *кўп* صَنَادِلُ шиппак

– صَنْدَلِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ курси, скамейка

صَنَّارَةٌ, صِنَّارَةٌ *кўп* صَنَانِيرُ 1) илгак; الْحِيَاكَةِ ~ тўқийдиган (*мас., пайпоқ, рўмол*) илгак. 2) қармоқ

– مُصَنَّرَاتٌ трикотаж (тўқима) маҳсулотлари

I صَنَعَ (*а*) صَنْعٌ, صُنْعٌ 1) қилмоқ; صَنِيعَهُمْ ~ бошқалар қилаётган ишни қилмоқ; مَعْرُوفًا ~ (*к. ғадир*) ҳожатбарорлик қилмоқ, илтифот кўрсатмоқ, хизмат қилмоқ (إِلَى); به صَنِيعًا قَبِيحًا ~ кимгадир ёмонлик қилмоқ; 2) тайёрлаб чиқармоқ; ишлаб чиқмоқ; тайёрламоқ; II صَنَّعَ 1) индустрлаштирмоқ, саноатлаштирмоқ; 2) фабрикада тайёрламоқ, тайёрлаб бермоқ (*мас., дорини*); тайёрламоқ (*мас., овқатни*); ишлаб чиқармоқ (*мас., пишлоқни*). 3) чиройли қилмоқ, ясантирмоқ, чиройли қилиб кўрсатмоқ; III صَانَعَ 1) хушомад қилмоқ; (*к. ғадир*) ўзини ўхшатмоқ, тақлид қилмоқ; 2) қаратмоқ, мафтун қилмоқ, пора бериб ўз томонига ағдариб олмоқ, сотиб олмоқ. V تَصَنَّعَ 1) сохтакорлик қилмоқ, сохталик билан бирор нарса қилаётган бўлмоқ, الْبَسَاطَةَ ~ сохта (ёлғондакам) жилмаймоқ; ~ الْجِدَّ ўзини жиддий қилиб кўрсатмоқ; الْحُنُوَّ ~ ўзини жинни қилиб кўрсатмоқ; ... الْطُفَ عَلَى ~ (*к. ғадир*) сохта ҳамдардлик билдирмоқ; 2) индустрлаштирилмоқ, саноатлаштирилмоқ; 3) безанмоқ, ясанмоқ; VIII اصْطَنَعَ 1) тўқиб-чатиб чиқармоқ, ўйлаб топмоқ; сохтакорлик қилмоқ, қилиб кўрсатмоқ; الْحِرْصَ عَلَى ~ مَصْلَحَتِهِ у ўзини унинг манфаатлари (фойдаси) ни кўзлаётгандай қилиб кўрсатди. 2) ўзи учун қилмоқ; 3) тайёрламоқ, ишлаб чиқармоқ; яратмоқ. 4) бажаришни топширмоқ, буюртма бермоқ; 5) ишлатмоқ (*бирор н. ни*), фойдаланмоқ; الْغَةَ الْأَجْنَبِيَّةَ فِي التَّعْلِيمِ ~ ўқиш (ўқитиш) жараёнида чет тилидан фойдаланмоқ. حَقَّ ~ ... الـ (*н. дир қилиш*) ҳуқуқидан фойдаланмоқ. 6) (*касб сифатида бирор н. билан*) шуғулланмоқ. التِّجَارَةَ ~ савдо (савдогарлик касби) билан шуғулланмоқ; ◊ الصَّبْرَ ~ *ёки* الْأَنَاةَ ~ сабр-тоқат қилиб турмоқ, бардош қилиб турмоқ; чидам кўрсатмоқ; الشَّجَاعَةَ ~ шижоат кўрсатмоқ. الْحَيَاةَ بِهُدُوءٍ ~ осойишта ҳаёт кечирмоқ. X اسْتَصْنَعَ 1) (*бирор н. ни*) тайёрлаб беришни сўрамоқ, буюртма бермоқ; 2) ишлаб чиқмоқ, ишлаб чиқармоқ

– اصْطِنَاعٌ 1) тайёрлаш, ишлаб чиқариш; 2) сохтакорлик, сунъийлик

– اصْطِنَاعِيٌّ сунъий; ~ يَدٌ протез (*мас., сунъий қўл. оёқ, тиш ва б. лар*)

– تَصَنُّعٌ сохтакорлик, иккиюзламалик, ғайритабиийлик, ёлғондакамлик сунъийлик, жимжимадорлик, баландпарвозлик

– تَصَنُّعِيٌّ сохтакор, иккиюзлама, ғайритабиий, ёлғондакам, жимжимадор, баландпарвоз

– تَصْنِيعٌ индустрлаштириш, саноатлаштириш

– تَصْنِيعِيٌّ индустрлаштиришга (саноатлаштиришга) оид

– صَانِعٌ 1. ясовчи, қилувчи, ишлаб чиқарувчи; 2) *кўп.* صُنَّاعٌ 1) уста; ҳунарманд; дастгоҳда ишлайдиган ишчи; الْمِثْقَابِ ~ пармаловчи; الْفَرِيزِ ~ фрезерчи; الْمِقْشَطَةِ ~ рандаловчи; 2) хизматкор, малай

– صَنَائِعِيٌّ *кўп* صَنَائِعِيَّةٌ 1) ишчи, 2) ҳунарманд; 3) уста

– صَنَاعٌ *мз мн. кўп* صُنْعٌ моҳир, уста, санъаткор, ◊ ~ يَدٌ моҳир қўллар

– صَنَاعَةٌ *кўп* ـاتٌ ـــ صَنَائِعُ, 1) санъат; 2) ҳунар, машғулот, касб; 3) ишлаб чиқариш; 4) саноат. индустрия; الـــ~ الْاسْتِخْرَاجِيَّةُ қазиб чиқарувчи саноат; الـــ~ الْحَرْبِيَّةُ ҳарбий саноат; الـــ~ الضَّخْمَةُ оғир саноат; الـــ~ الْخَفِيفَةُ енгил саноат; الـــ~ الْيَدَوِيَّةُ касб-хунармандлик саноати, қўлҳунар саноати; صَاحِبُ الـــ~ ҳунарманд, уста; أَصْحَابُ الصَّنَائِعِ ҳунармандлар; 5) санъат соҳаси; الزَّيْتِ ~ ёғчилик (ёғ) ишлаб чиқариш соҳаси (*корхонаси*)

– صَنَاعَاتٌ *кўп* саноат

– صِنَاعِيٌّ 1) сунъий, синтетик; ~ خَرِيرٌ сунъий (*синтетик*) каучук, ~ مَطَّاطٌ (*синтетик*) ипак. ـــةٌ ~ رِجْلٌ сунъий оёқ, протез, 2) саноатга оид, ишлаб чиқаришга оид, саноатлаштиришга оид; بِلَادٌ ـــةٌ ~ саноатлашган мамлакат; الـــةُ الدُّوَلُ фабрикалар; ~ رَأْسْمَالٌ саноат капитали, ~ سِرُّ ишлаб чиқариш сири

– صُنْعٌ, صَنْعٌ[1] тайёрлаш, ишлаб чиқариш. ясаш, ~ حَدِيثُ الـــ янги (яқиндагина) тайёрланган; يَدِهِ هَذَا هُوَ مِنْ ~ бу унинг иши

– صُنْعٌ[2] яхши (хайрли, эзгу, савоб) иш

– صَنَعِيٌّ, صَنْعَانِيٌّ 1. Санъа ш. га оид (мансуб). 2. Санъа ш. да яшовчи (*одам*)

– صَنْعَةٌ[1] 1) иш, меҳнат; саноат; مُتْقَنُ الـــ энг яхши иш натижаси (маҳсули). 2) машғулот. ҳунар. ـــ دُورُ устахоналар; цехлар. فِي الْيَدِ أَمَانٌ مِنَ الْفَقْرِ ~ *мтл.* қўлингдаги ҳунаринг – сенинг ўсиб-унаринг, ҳунаринг бўлса, қашшоқ бўлмайсан

– صَنْعَةٌ[2] ғайритабиийлик, сунъийлик

– صَنِيعٌ 1. қилинган, ясалган, тайёрланган; 2. 1) овқат, меҳмондорчилик учун тайёрланган овқат; 2) ҳаракат, қилмиш; 3) савоб иш

– صَنِيعَةٌ *кўп.* صَنَائِعُ 1) (*к. нинғдир*) қўли билан яратилган ижод маҳсули; 2) ўйинчоқ, қўғирчоқ; бировнинг кўмагида мартаба топган одам, арзанда; бировнинг амри (сўзи) билан иш қиладиган одам; ~ الاسْتِعْمَارِ империализм қўғирчоғи, 3) савоб

– مُسْتَصْنِعٌ саноатчи

– مُصَانَعَةٌ пора, ришват

– مُصْطَنَعٌ 1) қилинган, ясалган, тайёрланган; 2) сохта, ёлғондакам, сунъий; ўйлаб чиқарилган

– مَصْنَعٌ *кўп.* مَصَانِعُ фабрика, завод; устахона, цех; ~ التُّرَابَةِ цемент заводи; ~ التَّعْدِينِيِّ الـ~ металлургия заводи; ~ صَبِّ الْفُولَاذِ пўлат қуйиш заводи; ~ الْمَعَادِنِ غَيْرِ الْحَدِيدِيَّةِ рангли металлар заводи, ~ الْغَزْلِ йигирувчилик фабрикаси, ~ الْمَنْسُوجَاتِ тўқимачилик фабрикаси; ~ لِلْأَسْفَلْتِ асфальт (*ишлаб чиқариш*) заводи; مَصَانِعُ لِلزَّيْتِ وَ الصَّابُونِ ёғ ва совун чиқарадиган заводлар; قَوَانِينُ الْمَصَانِعِ фабрика қонунчилиги

– مَصْنَعَةٌ *ёки* مَصْنَعَةٌ ёмғир суви тўпланадиган ҳовуз (селхона)

– مَصْنَعِيَّةٌ 1) (*бирор н. устида*) ишлаш; 2) иш ҳақи

– مَصْنُوعٌ 1. 1) қилинган, ясалган, тайёрланган; 2) ёлғондакам; 2. *кўп.* مَصْنُوعَاتٌ маҳсулот, тайёр нарса; фабрика маҳсулоти, меҳнат маҳсули, асар, الْمَصْنُوعَاتُ الْحَدِيدِيَّةُ темир маҳсулотлари

(صنف) II صَنَّفَ 1) танламоқ, ажратмоқ; навларга ажратмоқ, турига қараб ажратмоқ (бўлмоқ), классификация қилмоқ; 2) асар, адабий асар ёзмоқ

– تَصْنِيفَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ 1) афсона, ёлғон; 2) ассортимент

– صِنْفٌ *кўп.* أَصْنَافٌ, صُنُوفٌ 1) жинс, сорт, тур, нав, синф, категорий *мар.* цех; ~ нарсалар (товарлар) билан қилинган тўлов, 2) *ҳарб.* кичик бўлинма; взвод

– مُصَنَّفٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ асар, адабий асар, мусаннафот

– مُصَنِّفٌ муаллиф, мусанниф, тузувчи, автор

صَنْفَرَ ишқамоқ, ишқаламоқ; жилвир (қумқайроқ) билан тозаламоқ, жилвирламоқ

– صَنْفَرَةٌ жилвир; ~ وَرَقُ жилвир қоғози

صَنَمٌ *кўп.* أَصْنَامٌ санам, манот; бировнинг энг яхши кўрадиган кишиси ёки нарсаси; عِبَادَةُ الْأَصْنَامِ санамларга сиғиниш (ибодат қилиш); بَيْتُ الْأَصْنَامِ санамхона, мажусийлар ибодатхонаси

– صَنَمِيَّةٌ фетишизм (*жонсиз н. ларни ғайритабиий хусусиятга эга деб ишониш ва уларга топиниш, сиғиниш*)

صِنْوٌ[2] 1. ўхшаш, мос келувчи, тенг; 2. эквивалент; حُوفِظَتْ هُنَا التَّقَالِيدُ عَلَى ~هَا бу ерда анъаналар ўзгаришсиз (бузилмай) сақланиб қолган

– صِنْوٌ[2] *кўп.* أَصْنَاءٌ, صِنْوَانٌ 1) туғишган ака (ука), 2) ўғил, 3) эгизакнинг бири; 4) дублет, иккинчи нусха; 5) ўхшаш (*иккита бир-бирига ўхшаш одамларнинг ҳар бири*); ~ أَبِيهِ الابْنُ ўғли отасининг худди ўзи, ўғил отасининг нусхаси (ўхшаши); 6) бир илдиздан чиққан икки ёки уч хурмо дарахтининг биттаси

صَنَوْبَرٌ санавбар, пиния (*игнабарг дарахт тури*); ~ الْهِنْدِيُّ ҳинд санавбари; ~ حَبُّ الـ~ кедр ёнғоғи; ~ صَمْغُ الـ~ канифол (елим)

– صَنَوْبَرِيٌّ 1) санавбарга оид, الْغَابَةُ الـ~ـَـةُ хвоя (игнабарглилар) ўрмони; ~ التُّفَّاحُ الـ~ ананас; 2) конуссимон, конусга оид; الْعُدَّةُ الـ~ـَـةُ *қар.* عُدَّةٌ

صَهْ! жим!, жим бўл!, ўчир овозингни!

أَصْهَبُ *мн.* صُهْبَاءُ *кўп.* صُهْبٌ сарғиш, малла рангли; сарғимтир, қўнғир сочли киши; الصُّهْبَاءُ тиллоранг (*май ҳақида*)

I صَهَدَ (*а*) صَهْدٌ куйдирмоқ, пиширмоқ (*мас., ғиштни*)

– صَهْدٌ иссиқ, иссиқлик, юксак (баланд) ҳарорат

– صَهِيدٌ иссиқ, иссиқлик, юксак (баланд) ҳарорат

I صَهَرَ (*а*) صَهْرٌ эритмоқ, эритиб юбормоқ; III صَاهَرَ (*никоҳ йўли билан*) қариндош бўлмоқ; IV أَصْهَرَ (*к. ғадир*) куёв бўлмоқ (إِلَى); VI تَصَاهَرَ (*никоҳ йўли билан*) ўзаро қариндош бўлмоқ, қариндошлашмоқ; VII انْصَهَرَ эриган (эриб кетган) бўлмоқ, эриб битган бўлмоқ

– صَاهِرٌ қуювчи, дегрез

– صَهَّارٌ = صَاهِرٌ

– صَهَارَةٌ магма (*ер қаъридаги чўғсимон суюқ модда*)

– صَهْرٌ эритиш, эритма, эритилган нарса (*мас., пўлат*); مَصْنَعُ الـ~ (مَعْمَلُ) металл қуйиш заводи (фабрикаси), ~ مَصْنَعُ لِإِعَادَةِ الْحَدِيدِ темирни қайта эритиш заводи

– صِهْرٌ[1] никоҳга кириш; хотин томонидан қариндошлик

– صِهْرٌ[2] *кўп.* أَصْهَارٌ куёв; қайнага, қайни, божа

– صَهِيرٌ эриган

– مُصَاهَرَةٌ 1) (*никоҳ йўли билан*) қариндошлик муносабатларига кириш, 2) хосса, хусусият

– مَصْهَرٌ *кўп.* مَصَاهِرُ қуювчилик, қуювчилик цехи (корхонаси); дегрезлик

– مَصْهَرَةٌ *кўп.* مَصَاهِرُ қуйиладиган (эритиладиган) жой; مَصَاهِرُ الْحَدِيدِ темир эритувчи заводлар

– مَصْهُورٌ эриган, эритилган, суюқ, суюқлашган

– مَصْهُورَاتٌ *кўп.* эриган моддалар, лава

صَهْرِيجٌ *кўп.* صَهَارِيجُ 1) цистерна, бак (*суюқлик сақланадиган катта идиш*); *шунингдек:* ~ الْقَاطِرَة тендер (*локомотивга бевосита уланган, сув ёки ёнилғи солинадиган вагон*); ~ الْبِنْزِين бензин баки (*мас., самолётда*); ~ الْفَحْم бункер (*ер остига қурилган пана жой*); 2) ҳовуз, сув сақланадиган жой-резервуар

I صَهَلَ (а) صَهِيلٌ кишнамоқ

– صَهَّالٌ кишнаётган, кишновчи; ~ فَرَسٌ кишнаётган от

– صَهِيلٌ кишнаш

صَهْوَةٌ *кўп.* صَهَوَاتٌ, صِهَاءٌ (*отнинг*) учаси, елкаси

صَهْيَنَ 1) (*к. гадир*) бақирмоқ, дўқ (пўписа) қилмоқ; 2) сигнал бермоқ; 3) жим турмоқ

– صَهْيَنَةٌ 1) дўқ, пўписа; 2) сигнализация; 3) жим туриш

– صَهْيُونِيٌّ 1. сионистликка оид; الـ~ـةُ сионизм (*яҳудий буржуазияси орасида тарқалган миллатчилик ҳаракати*); 2. *кўп.* صَهَايِنَةٌ сионист, сионизм тарафдори

I (صوب) صَابَ (*у*) صَوْبٌ, صَيَبَانٌ 1) (*мўлжалга*) теккизмоқ (*урмоқ*); 2) (*қаергадир*) жўнамоқ (إِلَى); 3) ~ الْمَطَرُ ёмғир ёғмоқ; ◊ ~ بِالْعَيْنِ кўз тегмоқ; II صَوَّبَ 1) йўналтирмоқ; (*қуролда н. нидир*) мўлжалга олмоқ (إِلَى); 2) тўғри деб ҳисобламоқ; 3) тўғриламоқ; IV أَصَابَ 1) шикаст етказмоқ, нобуд қилмоқ; учрамоқ, йўлиқмоқ, дучор бўлмоқ (*бало, офат, касаллик ҳақида*); 2) етиб келмоқ, босиб кетмоқ (*бўрон ҳақида*); 3) ярадор қилмоқ, жароҳат етказмоқ; 4) (*мўлжалга*) теккизмоқ, урмоқ; 5) (*муваффақият*) қозонмоқ, (...*га*) эришмоқ; ~ نَجَاحًا فِي ... да муваффақият қозонмоқ; ~ غَرَضَهُ мақсадга етмоқ (эришмоқ), ~ هَدَفًا *ёки спорт.* тўп урмоқ (*гол*); 6) (*к. нигадир*) чекига тушмоқ, зиммасига тушмоқ; 7) тўғри йўл тутмоқ; ҳақ бўлмоқ, ҳақ бўлиб чиқмоқ; 8) топмоқ, топиб олмоқ, фаҳмлаб олмоқ; 9) олмоқ, топмоқ; эришмоқ, эришилмоқ; ~ ثَرْوَةً كَبِيرَةً катта бойликни қўлга киритмоқ; 10) *мажх.* (*н. биландир*) касалланмоқ; ◊ ~ بِالْعَيْنِ кўз тегмоқ; طَعَامَهُ وَ مَنَامَهُ ~ емоқ ва ухламоқ; V تَصَوَّبَ (*тоғдан*) пастга тушмоқ; VII انْصَابَ (*бало-офатга*) йўлиқмоқ, дучор бўлмоқ; X اسْتَصْوَبَ *ёки* اسْتَصَابَ тўғри (зарур) деб ҳисобламоқ, маъқулламоқ

– اسْتِصْوَابٌ маъқуллаш

– إِصَابَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) тегиш, теккизиш, шикаст етказиш, ҳалокатга учратиш; ~ بِالْعُمْيِ кўр бўлиб қолиш, кўзнинг шикастланиши; أَحْرَزَ إِصَابَتَيْنِ بِرَمْيَةٍ وَاحِدَةٍ *маж.* бир кесак (тош) **билан** икки қарғани урмоқ (*сўзма-сўз: бир отиш билан икки нишонни урмоқ*); 2) (*бало-офатга*) йўлиқтириш, дучор қилиш; 3) **жароҳат**; 4) касалланиш; касаллик ҳолати; (*иш пайтидаги*) бахтсиз **ҳодиса**; 5) *спорт.* очко (*ютуқ ҳисоби*), гол (*киритилган тўп*); انْتَصَرَ بِإِصَابَتَيْنِ لِوَاحِدَةٍ иккита бир ҳисобида ютуққа эришмоқ, ғалаба **қилмоқ**; فَازَ بِثَلَاثِ إِصَابَاتٍ نَظِيفَةٍ 3:0 ҳисобида ғалаба қилмоқ

– أَصْوَبُ энг тўғри; ... أَنْ ~ وَ энг тўғриси ...

– أَصْوَبِيَّةٌ мақсадга (ақлга) мувофиқлик, тўғрилик

– صَابٌّ *бот.* колоквинт (*ўсимлик*); ◊ ~ عَلْقَمٌ وَ алам, дод, аччиқлик; شَرِبَ الـ~ـَ وَ الْعَلْقَمَ аччиқ аламлар ютмоқ (чекмоқ), азоб-уқубатларни кўп чекмоқ

– صَابَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ~ ҳосил, йиғим, йиғим-терим

– صَائِبٌ тўғри, муваффақиятли, аниқ мўлжалга урадиган; мос келадиган; ~ مَعَ الْخَوَاطِئِ سَهْمٌ *мтл.* ҳазилнинг ичида зил бор (*сўзма-сўз:* хато ўқларнинг ичида нишонга теккани ҳам бўлади)

– صَوَابٌ 1) тўғрилик, соғлом, ақлга мос маъно, мазмун; ақл билан иш қилиш, мулоҳазакорлик; ذَهَبَ بِـ~ـِهِ кимнидир ақлдан оздирмоқ; عَادَ (رَجَعَ) إِلَى جَادَّةِ ~ـِهِ (أَضَاعَ) فَقَدَ ақлдан озмоқ; الـ~ـَ қайтмоқ, тўғри йўлга тушиб олмоқ; ~ هُوَ عَلَى у ҳақ (тўғри гапиряпти); أَعَادَهُ إِلَى ~ـِهِ кимнингдир ақлини жойига келтирмоқ; أَخْرَجَهُ مِنْ ~ـِهِ кимнидир ўзини унуттирмоқ; кимнингдир жаҳлини чиқармоқ, 2) ақл, ҳуш; غَابَ عَنْ ~ـِهِ ҳушини йўқотган; غَابَ عَنْ ~ـِهِ ҳушини йўқотмоқ; ثَابَ إِلَى ~ـِهِ ўзига келмоқ

– صَوَابَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ~ оранжерея (*ўсимликларни қишда сақлаш учун қурилган ойнаванд иссиқ бино, қишки гулхона*)

– صَوَابِيَّةٌ тўғрилик, ҳаққонийлик

– صَوْبٌ[1] йўналиш, томон; ~ـُهُ кимгадир томон, ким томонгадир; ~ وَ حَدَبٍ مِنْ كُلِّ ҳар томондан, ҳамма тарафдан

– صَوْبٌ[2] тўғри, бехато

– صَوْبٌ[3] ёмғирнинг ёғиши

– صَوْبَةٌ *шунингдек:* ~ النَّبَاتَاتِ оранжерея

– صَيِّبٌ ёмғир, ёмғирли булут; ◊ ~ الْبِلَادِ мамлакат саховатлари (инъомлари)

– مُصَابٌ[1] 1. касал, бемор; яраланган, жароҳатланган; касаллик тортаётган, азоб чекаётган; ~ بِالسُّكَّرِ қанд касали билан оғриётган, диабетик; 2. (*бахтсиз ҳодиса*) қурбони; مُصَابُونَ *кўп.* жабрланганлар, жабрланувчилар

– مُصَابٌ[2] бахтсизлик, бало, ғам, алам; зарба; йўқотиш (*вафот этган киши ҳақида*)

– مُصِيبٌ 1) (*мўлжалга*) урадиган, уриладиган; 2) мўлжалга аниқ урадиган, моҳир, топқир, ўткир, жуда боп, ўринли; مُلَاحَظَةٌ ~ـَةٌ ўринли (жуда боп) мулоҳаза (фикр); 3) тўғри; ҳаққоний; إِنَّهُ مُخْطِئٌ وَ ~ أَنَا у хато қилаётир, мен эса ҳақман

– مُصِيبَةٌ *кўп.* مَصَائِبُ мусибат, бало, офат, бахтсизлик; يَا لَلْـ~ـَةِ қандай мусибат!, қандай бахтсизлик!

صَابُونٌ *алиф. б. қар.*

– صَوْبَنَ совунламоқ, совун суртмоқ

– صَوْبَنَةٌ совунлаш, совун суртиш

I(صوت) صَاتَ (*у*) صَوْتٌ 1) овоз чиқармоқ; 2) овоз бермоқ, қичқирмоқ; II صَوَّتَ 1) қичқирмоқ, оҳ-воҳ урмоқ; овоз бермоқ (*сайловда*); ... ёки ... مَعَ ~ ёки ... عَلَى جَانِبِ ~ ... учун овоз бермоқ; ... فِي جَانِبِ ~ ...га қарши овоз бермоқ; 3) овоз бермоқ; فِلْمًا ~ фильмга овоз бермоқ

– تَصْوِيتٌ овоз бериш; ~ُ الْعَامُّ оммавий овоз бериш; ~ُ بِنِدَاءٍ بِالْاِسْمِ (*мас., бирор таклиф учун*) номма-ном овоз бериш (عَلَى) ؛ ~ُ حَقُّ овоз бериш (сайлаш) ҳуқуқи; ~ُ وَرَقَةُ сайлов варақаси (бюллетени); ~ُ امْتَنَعَ عَنِ овоз беришга (сайловга) қатнашмаслик; طَرَحَ عَلَى ~ُ овозга қўймоқ; ~ُ مَطْرُوحٌ عَلَى овозга қўйилган

– صَائِتٌ баланд овозли, овози баланд

– صَائِتٌ овоз чиқараётган, товуш бераётган; ~َةٌ سِينَمَا овозли кино

– صُوَاتٌ қичқириқлар, оҳ-воҳлар

– أَصْوَاتٌ *кўп.* صَوْتٌ 1) овоз, ~ُ بِـ أَجَشُّ бас (*эна паст эркак овози*) билан, бас овозда, ~ُ بِـ عَالٍ қаттиқ, баланд (*овоз*) билан; ~ُ بِـ وَاطِئٍ паст (*овоз*) билан; ~ُ بِـ وَاحِدٍ бир овоздан; أَعْلَى مِنْ ~ُ بِـ (أَصْوَاتِهِمْ) овозни баландлатмоқ, қаттиқроқ гапирмоқ, 2) сайловдаги овоз, овоз; بِأَغْلَبِيَّةِ الْأَصْوَاتِ бир овоздан; بِالْأَصْوَاتِ кўпчилик овоз билан; فِعْلِيٌّ ~ُ بِـ مَنْدُوبٌ ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган вакил; ~ُ بِـ اِسْتِشَارِيٌّ مَنْدُوبٌ маслаҳат овози ҳуқуқига эга бўлган вакил; ~ُ فِي جَانِبِ مَعَهُ ёки ~ кимгадир, нимагадир берилган овоз; ~ُ ضِدَّهُ кимгадир, нимагадир берилган қарши овоз; ~ُ أَخَذَ الْأَصْوَاتَ овоз олмоқ; 3) товуш, садо; ~ُ رَجْعُ акс-садо; ~ُ مُهَنْدِسُ овоз оператори, овоз ёзувчиси; ~ُ الْفُونِيمُ *фон.* фонема; أَصْوَاتُ اللُّغَةِ *фон.* тил товушлари; عِلْمُ الْأَصْوَاتِ фонетика; أَصْوَاتُ السَّاكِنَةُ ундош товушлар; أَصْوَاتُ اللِّيِّنِ ундош товушлар; ~ُ وَ الضَّوْءُ بِالْهَرْمِ овоз ва нур (*пирамидаларда кўрсатиладиган тамошалар*); 4) қичқириқ الْأَصْوَاتُ хитоблар; 5) оҳанг, тарона, тон (*парда*): ~ُ كَامِلٌ *муз.* бутун тон, ~ُ نِصْفُ ярим тон; ◊ ~ُ بُعْدُ шон-шуҳрат, машҳурлик, овоза бўлиб кетиш

– صَوْتِيٌّ 1) овозга (товушга) оид, савтий; ~َةٌ الْمُوسِيقَى овозли (овоз учун ёзилган) вокал (овоз учун ёзилган) мусиқа; 2) овозли, товушли; ~َةٌ صُوْرَةٌ *кар.* صُوْرَةٌ ~ فَوْقَ товушдан тез (*учувчи, мас., самолёт*); 3) *шунингдек,* ~ حَرْفٌ *грам.* унли, 4) акустикага оид, акустик, фонетикага оид, фонетик; ~ُ التَّسْجِيلُ фонетик усулда ёзиб олиш; ~ُ النِّظَامُ اللُّغَةِ тилнинг фонетик системаси

– صَوْتِيَّاتٌ *кўп. шунингдек;* ~ عِلْمُ фонетика

– صَيِّتٌ овоздор, овози баланд

– صِيتٌ шон, шуҳрат, машҳурлик; ~ُ بُعْدُ машҳурлик; بَعِيدُ ~ُ ёки ذَائِعُ ~ُ هَا машҳур; ذَاعَ (طَارَ) ~ُ هَا у (*аёл*) нинг шуҳрати кенг тарқалиб кетди

– مِصْوَاتٌ 1) радио карнайи; 2) микрофон

– مُصَوِّتٌ 1. 1) овоз (товуш) чиқарувчи (чиқариб турувчи), حَرْفٌ ~ *грам.* унли, унли ҳарф; 2) овоз берувчи (бериб турувчи); 2. сайловчи, (*сайловда*) овоз берувчи

I (صوح) صَاحَ (*у*) صَوْحٌ ёрмоқ, ёриб ташламоқ; бўлиб ташламоқ; II صَوَّحَ 1) қуриб қолмоқ (*иссиқдан қуриб қолган дарахт ҳақида*); 2) қуритмоқ, қуритиб олмоқ; VII اِنْصَاحَ 1) ёрилмоқ, ёриб ташланган бўлмоқ; 2) кириб келмоқ (*нур ҳақида*); 3) кўринмоқ, нур сочмоқ (*ой ҳақида*)

– صَاحِ: ~ يَا *қар.* صَاحِبٌ

(صوخ) IV أَصَاخَ (*н. нидир*) эшитмоқ; (لِـ) ~ السَّمْعَ؛ ~ ёки أُذُنَيْهِ ~ ёки بِسَمْعِهِ ~ (*н. гадир*) қулоқ солмоқ (*мас., маслаҳатга*); (*н. нидир*) эшитиш учун қулоқни динг қилмоқ (إِلَى, لِـ):

– إِصَاخَةٌ эшитиш; السَّمْعِ ~ диққат билан эшитиш (тинглаш)

صُودَا, صُودَةٌ сода, натрий карбонати; ~ كَاوِيَةٌ ўювчи (*каустик сода*); ~ لَازِعَةٌ ўювчи ишқор; ~ مَاءُ الـ содали сув (*сунъий минерал сув*); ~ نِتْرَاتُ الـ *хим.* натрийнинг ўювчи азотли тузи, селитра

– صُودِيُومٌ *хим.* натрий; ~ بِيكَرْبُونَاتُ ثَانِي كَرْبُونَاتِ الـ ёки сода; ~ كُلُورُورُ الـ ош тузи

I (صور) صَارَ (*у*) бурмоқ, эгмоқ, қайтармоқ, II صَوَّرَ 1) суврат чизмоқ; 2) (*китобни*) сувратлар билан безамоқ; 3) тасвирламоқ, тасвирлаб бермоқ, тавсифламоқ, баён қилмоқ; 4) фотографияда суврат олмоқ, расм олмоқ; 5) (*бирор н. га*) шакл, кўриниш бермоқ; IV أَصَارَ (*бирор н. га*) шакл (кўриниш) берилмоқ, ~ُ إِلَى صُورَةٍ مُشَوَّهَةٍ у буни бузилган шаклда (ҳолда) тасаввур қиларди; V تَصَوَّرَ 1) тасаввур қилмоқ, кўз олдига келтирмоқ; لَا يَتَصَوَّرُهُ الْعَقْلُ тасаввурдан ташқари, тасаввур қилиб бўлмайдиган; 2) (*к. гадир*) бўлиб кўринмоқ, тасаввурланмоқ (ـُ); 3) тасвирланган, сувратга олинган бўлмоқ

– تَصَوُّرٌ *кўп.* ـَاتٌ тасаввур, бўлиб кўриниш

– تَصَوُّرِيٌّ тасаввур қилинган, тасаввурдаги, тасаввур қилинаётган

– تَصْوِيرٌ 1) расм (сурат) чизиш; 2) (*китобни*) суврат (расм)лар билан безаш; тасвир, тасвирлаш, баён қилиш; شَمْسِيٌّ ~ фоторасм олиш, фотосъёмка; кинога олиш, киносъёмка; آلَةُ الـ ~ الشَّمْسِيِّ

фотоаппарат, расм олиш асбоби; ~ الجَوِّيّ аэрофотография, аэрофотосъёмка; آلَة الـ~ السِّينَمَاتُوغْرَافِيَّة кинокамера; ~ بالـ قَامَ фотосуврат олмоқ; 4) (*китобни*) безаш; картина, расм, суврат

– تَصْوِيرَة *кўп.* ـاتٌ, تَصَاوِيرُ картина, суврат; фотография, портрет

– تَصْوِيرِيّ тасвирий, иллюстратив; фотографияга оид; مُرَاقَبَة ~ـة *астр.* фотографик кузатиш

– صُوَرٌ *кўп.* أَصْوَارٌ бурғу, труба (*чаладиган*); هُوَ الَّذِي نَفَخَ فِي الـ~ وَ أَقَامَ هَذِهِ الْقِيَامَةَ! *маж.* жанжал қилиб, қиёматнинг кўзини чиқарган одам шу (бўлади)

– صُورَة *кўп.* صُوَرٌ 1) кўриниш, образ; ... عَلَى ~ ...га ўхшаш, ...га ўхшайдиган; عَلَى ~ـه وَ مِثْلِه кимгадир (*нимагадир*) ўхшаб; عَقْد بَيْع عَلَى ~ олди-сотди ҳақида келишиб (байлашиб) олган ҳолда; أَفْضَل ~ـ энг яхши ҳолда; صَارِمَة ~ـ қатъий; ~ـ بِـ тез, зудлик билан; رَسْمِيَّة ~ـ расмий, расман; ~ـ غَيْر رَسْمِيَّة ғайриқонуний, ғайриқонуний равишда; 2) картина, суврат; тасаввур, фоторасм, расм; портрет; фигура; ذَاتِيَّة ~ автопортрет; الصُّوَرُ الْمُتَحَرِّكَة кинокартина; الْحَقِيقِيَّة ~ـ ҳақиқий тасвир; ~ (فُوتُوغْرَافِيَّة) شَمْسِيَّة фотарасм, фотосуврат; صَوْتِيَّة ~ репортаж; ~ مَحْفُورَة كَلَامِيَّة сўз билан ифодаланган (оғзаки) портрет; مُصَغَّرَة ~ гравюра (*ўйма суврат, нақш*) ~ кичрайтирилган нусха; فِي مُصَغَّرَة ~ миниатюра кўринишида; الـ~ الْمَقْلُوبَة акс тасвир, кўзгуда акс этгандай суврат; مُكَبَّرَة ~ катталаштирилган суврат; (صَادِقَة) أَعْطَى ~ (*бирор н. ҳақида ҳаққоний*) тасаввур бермоқ (عَنْ); أَعْطَى ~ شَامِلَة (*бирор н. ҳақида*) тўла тасаввур бермоқ (لـ); 3) ҳайкал; 4) шакл; الـ~ وَ الْجَوْهَر ёки الـ~ وَ الْهَيُولَى шакл ва моҳият; ~ шаклан, 5) шакл; الْقَسَم ~ қасам шакли; 6) нусха, копия; طِبْق الْأَصْل ~ аниқ нусха (копия), аслига тўғри нусха; رَسْمِيَّة ~ расмий (тасдиқланган) нусха; صَادِقَة لِأَبِيه! ~ إِنَّهُ у отасининг ўпа-ўзи-я!, у отасининг ҳақиқий нусхаси!; مِنْ أَبِيه ~ كَانَ отасига ўхшамоқ; 7) *карт.* фигура (*туз, қирол, дама, валет*); 8) *астр.* юлдузлар туркуми, 9) *мат.* суврат; الْكَسْر ~ каср суврати

– صُورِيّ 1) шаклга оид; 2) ёлғон, сохта, бирор нарсани номигагина қилиш; 3) идеографияга оид; الْكِتَابَة الـ~ـة идеографик ёзув

– صُورِيَّة идеография (*бутун сўз ёки тушунчани ифодалашга асосланган ёзув*)

– مُصَوَّر[1] 1) суврати чизилган; расми фотография йўли билан олинган; ~ة مَخْطُوطَات қўлёзмаларнинг фотонусхаси; 2) безатилган (*китоб ҳақида*); 2. 1) атлас; 2) панорама (*кенг миқёсдаги кўриниш*)

– مُصَوِّر[2] *кўп.* ـاتٌ — 1) суврат хона, фотоателье; 2) киноателье (*кино ишлайдиган жой*)

– مُصَوِّر 1) рассом, мусаввир; ~ الـ لَوْحَة палитра (*рассомнинг бўёқ қорадиган тахтаси*); 2) фотограф; (*кино*) оператор; ~ صَحَافِيّ фоторепортер

– مُصَوِّرَاتِيّ *кўп.* ـونَ фотограф

– مُصَوَّرَة *кўп.* ـاتٌ — фотосуврат

– مُصَوِّرَة *кўп.* ـاتٌ — фотоаппарат

صَوْصَى чийилламоқ, чийиллаб овоз чиқармоқ; يُصَوْصِي كَالْفَأْرِ у сичқонга ўхшаб чийиллайди

– صُوص *кўп.* صِيصَان жўжа

– صَوْصَوَة чийиллаш

(صوغ) VII اِنْصَاغَ 1) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; 2) (*н. гадир*) бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ, (*н. нингдир*) таъсирига берилмоқ

– صَاغٌ *кўп.* صِيَاغَان, أَصْوَاغٌ соя (*унсимон моддалар учун ўлчов бирлиги*); يُرِيدُ أَنْ يَكِيلَ لَهُ الـ~ صَاعَيْنِ *маж.* унинг қилмишини икки баравар қилиб кўрсатмоқчи; ~ـ بِـ жонга жон, қонга қон (*сўзма-сўз: ўлчовдай ўлчов, соясидай соя*)

– صَاغَة *кўп.* ـاتٌ — зал, меҳмон қабул қилинадиган хона (меҳмонхона)

– صُوَغٌ сув сақланадиган (солинадиган) идиш

I (صوغ) صَاغَ (*у*) صَوْغٌ, صِيَاغَة 1) қуймоқ, қолипламоқ; 2) шакллантирмоқ, яратмоқ; 3) (*фикрни*) бирор шаклда ифодаламоқ; ~ مُذَكِّرَة нота матнини ифодали ҳолга келтирмоқ; VII اِنْصَاغَ 1) қуйилган (қолипланган) бўлмоқ, 2) шакллантирилган, яратилган бўлмоқ

– صَائِغ *кўп.* صُوَّاغ, صَاغَة заргар, ковелир; ◊ لِلدِّعَايَة ~ ҳазилкаш

– صَاغٌ *алиф. б. қар*

– صِيَاغَة 1) қуйилма, шакл берилиш; 2) заргарлик; заргарлик касби; 3) аниқ ифода; баён, услуб; ~ الـ لَجْنَة таҳрир ҳайъати (комиссияси)

– صِيغَة *кўп.* صِيَغٌ 1) шакл (*шунингдек, грам.*); قَانُونِيَّة ~ қонуний шакл; الْمَعْلُوم ~ *грам.* аниқлик нисбати шакли; الْمَجْهُول ~ *грам.* мажҳул нисбат шакли; 2) кўриниш; 3) расмият; расмиятчилик; ~ عَقْد الْقِرَان никоҳ расмиятлари; 4) формула; (*мақола, қонун*) ифодаси, шакли; 5) қимматбаҳо нарса (*ашё*)

– مَصَاغ *кўп.* ـاتٌ — қимматбаҳо нарса (*ашё*)

– مَصُوغَات *кўп.* қимматбаҳо нарсалар (*ашёлар*)

(صوف) V تَصَوَّف сўфий бўлмоқ

– تَصَوُّف тасаввуф, сўфийлик, сўфизм

– صَوَّاف 1) жунфуруш; 2) киғиз босувчи

– صُوفٌ *кўп* أَصْوَافٌ жун, тук; жунли мато

– صُوْفَانٌ пилик, қов, қовуқ (*чақмоқ учқунида тутаб, ўт оладиган н. лар*)

– صُوفِيٌّ[1] жунли, жунга оид

– صُوْفِيٌّ[2] 1. сўфийга (*сўфийликка, сўфизмга*) оид; الـــ~ـــةُ сўфизм; 2. сўфий

– مُتَصَوِّفٌ *кўп.* مُتَصَوِّفَةٌ сўфий; الْفَلَاسَفَةُ الـــ~ـــةُ сўфий файласуфлар

I (صول) صَالَ (*у*) صَوْلٌ ,صِيَالٌ 1) ирғимоқ, ирғишламоқ; 2) (*к. гадир*) ташланмоқ, ҳужум қилмоқ (عَلَى); 3) *шунингдек:* ~ وَجَالَ ҳокимлик, хўжайинлик қилмоқ; авжига чиқмоқ, қутурмоқ; II صَوَّلَ 1) ҳўлламоқ, намламоқ; 2) тозаламоқ, ювмоқ (*дон, тилло ли қум ва б. ларни*); III صَاوَلَ 1) ташланмоқ, ҳужум қилмоқ; 2) курашмоқ; VI تَصَاوَلَ ташланишмоқ, мусобақалашмоқ

– صَوَّالٌ тезкор, қайноқ, шиддатли, суронли

– صُوَالَةٌ кичик алюмин ёки мис парчаси

– صُوْلٌ *кўп.* ـــاتٌ 1) фельдфебель, старшина (*ҳарбий унвон*); ~ الْمُرُورِ ҳаракатни бошқарувчи (тартибга солиб турувчи), ~ التَّعْيِينِ капитенармус (*ҳарбий қисмларда озиқ-овқат, кийим-кечак ва қурол-аслаҳа масалалари билан шуғулланувчи хизматчи*); 2) агент; шахсий соқчи

– صَوْلَةٌ 1) ҳужум, атака; 2) куч, қувват, ҳокимият; أَهْلُ ~ وَ شَوْكَةٍ қудратли (эътиборли) кишилар

– صِيَالٌ кураш

– مُصَاوِلٌ мард, қўрқмас, ботир

– مَصْوَلَةٌ *кўп* مَصَاوِلُ супурги

صَوْلَجَانٌ ,صَوْلَجَانٌ[1] *кўп.* صَوَالِجَةٌ 1) салтанат асоси (ҳассаси); гурзи, чўқмоқ; жезл, асо; أُسْقُفِ ~ епископ асоси (ҳассаси); 2) чавгон ўйини таёқчаси

– صَوْلَجَانٌ[2] таркибида ص ва ج ҳарфи мавжуд бўлган сўз

I (صوم) صَامَ (*у*) صَوْمٌ 1) рўза тутмоқ, рўзадор бўлмоқ; 2) овқатланмай турмоқ; الْفَرَسُ ~ от ем емади; ◊ النَّهَارُ ~ кун чошгоҳга етди, куннинг қоқ ярми бўлди; 3) рад қилмоқ, (*н. дандир*) ўзини тутмоқ, ўзини тиймоқ (عَنْ); II صَوَّمَ рўза туттирмоқ, рўза тутишга мажбур қилмоқ

– صَائِمٌ *кўп.* صُوَّمٌ ,صِيَامٌ 1. рўзадор; ~ الْمِعَى *анат.* ингичка ичак; 2. 1) рўзадор; 2) *спорт.* дуранг

– صَوَّامٌ рўза тутишга қаттиқ амал қиладиган киши

– صِيَامٌ 1) рўза; 2) тўла тутиш

– صِيَامِيٌّ ёвғон (*аўштсиз, сутсиз овқат*)

– صَوْمٌ[1] 1) рўза; ~ شَهْرُ الـــ рўза ойи (рамазон), ~ الْكَبِيرُ الـــ *дин.* улуғ рўза (*христианларда*); ~ الصَّغِيرُ الـــ рождество арафасидаги кичик рўза (*христианларда*); 2) ишламай тек туриш

– صَوْمٌ[2] шамолнинг тўхташи

– صَوْمَانُ рўза тутган, рўзадор, оғзи берк

صُومَالُ *жам.* сомалиликлар

– صُومَالِيٌّ 1. Сомалига, сомалиликларга оид; الـــ~ـــةُ сомали тили; 2. сомалилик

صَوْمَعَةٌ ,صَوَامِعُ *кўп.* 1) ҳужра; (*зоҳид, тарки дунё қилган одамга қарашли*) кулба; ~ الْمَسْجِدِ масжид минораси; 2) *шунингдек:* ~ لِلتَّخْزِينِ омбор; (الْحُبُوبِ) صَوَامِعُ الْغِلَالِ дон омбори

I (صون) صَانَ, (*у*) صَوْنٌ ,صِيَانَةٌ 1) сақламоқ; 2) пойламоқ, қўриқламоқ, ҳимоя қилмоқ; *3*) тартибли сақлаб турмоқ (*мас., темир йўлларни*); V تَصَوَّنَ (*бирор н. қилишдан*) ўзини эҳтиётламоқ, эҳтиётланмоқ (عَنْ); VII انْصَانَ қўриқланмоқ, қўриқланган бўлмоқ

– تَصْوِينَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ девор, тўсиқ

– صَائِنٌ 1. 1) сақловчи; 2) қўриқловчи, пойлоқчи; 3) меҳрибон; 2. сақловчи, назоратчи

– صِوَانٌ[1] ,صِوَانٌ *кўп.* أَصْوِنَةٌ жавон, шкаф; ~ الْأَوَانِي идиш-товоқ жавони; ~ الثِّيَابِ кийим-кечак жавони; ~ الْكُتُبِ китоб жавони; ~ الْأُذُنِ қулоқ чаноғи

– صِوَانٌ[2] = صِيوَانٌ *алиф. б кар.*

– صَوَّانٌ *жам.* чақмоқтош; شَفَافٌ ~ кварц; ~ حَجَرُ الـــ гранит

– صَوَّانَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ чақмоқтош (гранит) парчаси; ~ الزَّنَادُ وَ الـــ чақмоқ ва чақмоқтош

– صَوَّانِيٌّ чақмоқтошга оид; ~ـــةٌ أَدَوَاتٌ чақмоқтошли қуроллар, пилта ёрдамида отиладиган қуроллар (ўқлар)

– صَوْنٌ 1) эҳтиётлаш, сақлаш, пойлаш; қўриқлаш; 2) қараш, қараб туриш, яхши ҳолда сақлаб туриш, ◊ فِي الْحِفْظِ وَ الـــ~ бутунича ва камитмай

– صِيَانَةٌ 1) сақлаш, қўриқлаш, ҳимоя қилиш, ҳимоя, мудофаа; ~ مَلَكُ السِّلْمِ тинчликни сақлаш; ~ الْأَخْرَاشِ ўрмонларни қўриқлаш; ~ الـــ *дин.* бало-қазодан ҳимоя қилувчи малоика (фаришта); 2) яхши ҳолда сақлаб туриш; қараш, қараб туриш; таъмир, ремонт; مَصَارِيفُ الـــ~ қараб туриш ва яхши ҳолда сақлаб туриш сарфлари; ~ السَّيَّارَاتِ автомобилларга техник хизмат кўрсатиш; وَرْشَةُ الـــ~ ремонт устахонаси; 3) ҳушёрлик; 4) бокир(а)лик, ахлоқий мусаффолик, озодалик, софлик

– مَصُونٌ эҳтиёт қилинадиган, қўриқланадиган

– مَصُونِيَّةٌ сақланганлик, сақланиш, сақлаш; قَانُونُ الطَّاقَةِ ~ энергиянинг сақланиш қонуни

صُوَّةٌ *кўп* صُوًى 1) белги; 2) йўл бўйидаги тош

I صَوَى (*и*) صُوِيٌّ ёки صَوِيَ (*а*) صَوًى 1) қуримоқ, қуриб қолмоқ (*дарахт ҳақида*); чийилламоқ (*жўжа ҳақида*) II صَوَّى =I

صُوَيَا соя (*дуккакли ўсимлик тури ва унинг меваси*); ~ فُولُ сояли ловия, соя ловия

صَيَّابَةٌ ҳар нарсанинг энг яхшиси (танлангани); هُوَ مِنْ ~ الْمُحَقِّقِينَ у энг яхши тадқиқотчилардандир

I (صيح) صَاحَ (*и*) صِيَاحٌ 1) қичқирмоқ, оҳ-воҳ урмоқ; хитоб қилмоқ; 2) қичқирмоқ (*хўроз ҳақида*); 3) (*н. нидир*) чақирмоқ (ب); 4) (*к. гадир*) бақирмоқ (عَلَى ,في); II صَيَّحَ қаттиқ қичқирмоқ; VI تَصَايَحَ 1) (*к. биландир бирга*) қичқиришмоқ; бақиришмоқ, бақир-бақир қилишмоқ; 2) бақириб (қичқириб) юбормоқ

– صَائِحَةٌ *кўп.* صَوَائِحُ қичқирик, бақирик

– صِيَاحٌ қичқирик, оҳ-воҳ; الدِّيكِ ~ хўроз қичқириғи

– صَيَّاحٌ 1. шовқинли; бақир-бақир қилувчи; 2. бақироқ

– صَيْحَانِيٌّ Мадинаи мунавварадаги хурмо навларидан бири

– صَيْحَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) қичқирик; أَرْسَلَ صَيْحَاتٍ қичқирган овоз чиқармоқ; ◊ فِي وَادٍ ~ чўлдаги одам қичқириғи (*ўз фикрини биров эшитмаган вақтда айтилган фикр*); ~ آخِرُ ёки الْأَخِيرَةُ ~ энг сўнгги мода; 2) азоб, қийноқ

I (صيد) صَادَ (*и*) صَيْدٌ (*қуш*) овламоқ; (*балиқ*) овламоқ (*тутмоқ*); ~تْ أُذْنُهُ بَعْضَ الْكَلِمَاتِ унинг қулоғи бир неча сўзларни илиб олди; ~ فِي الْمَاءِ الْعَكِرِ сувни лойлатиб балиқ тутмоқ; V تَصَيَّدَ ов қилмоқ; (*н. нидир ортидан*) қувмоқ, صَادَ فِي الْمَاءِ الْعَكِرِ = ~ فِي الْمَاءِ *қар.* I; VIII اصْطَادَ тутмоқ, қўлга туширмоқ; (*овда*) ўлдирмоқ; ~ صَادَ فِي الْمَاءِ الْعَكِرِ = فِي الْمَاءِ الْعَكِرِ; *қар.* I

– صَائِدٌ овчи, сайёд; тутувчи; السَّمَكِ ~ балиқчи, балиқ тутувчи, балиқ овловчи

– صَيَّادٌ сайёд, овчи; тутувчи; السَّمَكِ ~ а) балиқчи, балиқ тутувчи, балиқ овловчи; б) *зоол.* кўкторғоқ, қорабузоқ (*қуш*)

– صَيَّادَةٌ чўзма (рогатка)

– صَيْدٌ 1) ов, тутиш; السَّمَكِ ~ балиқ ови; ~ فِي الْبَرِّ وَ الْبَحْرِ ов ва балиқ ови; ~ كَلْبُ الـ ов ити; ~ حِذَاءُ الـ овчилик этиги; ~ سِكِّينُ الـ ов пичоғи; ~ بُوقُ الـ ов бурғуси (*шохдан ясалган, чалинадиган асбоб*); 2) ов, сайд

– صَيْدَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ов, сайд; овланган, тутилган нарса

– صَيُودٌ *кўп.* صُيُدٌ овчи, сайёд

– مَصْيَدَةٌ *кўп.* مَصَايِدُ ов қилиш жойи; مَصَايِدُ السَّمَكِ балиқ овланадиган жой; مَصَايِدُ اللُّؤْلُؤِ марварид қидириб топиладиган жойлар

– مِصْيَدَةٌ *кўп.* مَصَايِدُ тузоқ, қопқон; тўр; الْـ~ الْمَغْنَاطِيسِيَّةُ *физ.* магнитли тутқич (ловушка)

صَيْدَلَانِيٌّ *кўп.* صَيَادِلَةٌ аптекачи; дори тайёрловчи

– صَيْدَلَةٌ фармацевтика, дори тайёрлаш; ~ صُنْدُوقُ аптечка, дори-дармонлар қутиси

– صَيْدَلِيٌّ 1. 1) аптекачиликка оид; 2) фармацевтикага оид; 2. *кўп.* صَيَادِلَةٌ аптекачи, дори тайёрловчи

– صَيْدَلِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ аптека, дорихона

صَيْدَلَانِيٌّ = صَيْدَنَانِيٌّ

I (صير) صَارَ (*и*) صَيْرُورَةٌ, مَصِيرٌ 1) бўлинмоқ, қилинмоқ; 2) бошламоқ; يَمْشِي ~ у юра бошлади; у юриб кетди; 3) бўлиб ўтмоқ, воқе бўлмоқ; 4) бормоқ, (*к. нингдир олдига*) ўтмоқ (إِلَى); 5) (*к. нидир*) бошламоқ, етакламоқ, бошлаб (етаклаб) бормоқ (ب); II صَيَّرَ ўзгартирмоқ, (*н. гадир*) айлантирмоқ; ~ُهُ بَيْنَ حَلٍّ وَ تَرْحَالٍ у ёқ-бу ёққа (турли томонларга) ташламоқ (*ҳаёт ҳақида*); IV أَصَارَ (*н. гадир*) олиб келмоқ (إِلَى)

– صِيرٌ 1) ёриқ, дарз; 2) *зоол.* анчоус, хамса (*майда денгиз балиғи*)

– صِيرَةٌ *кўп.* صِيَرٌ қўйхона, қўтон

– صَيْرُورَةٌ 1) ўзгариш, (*бирор н га*) айланиш, ўтиш; шаклланиш; ~ فِي шаклланиш жараёнида; 2) тақдир, қисмат; 3) натижа, охир, пировард, хотима, оқибат, якун

– مَصِيرٌ*ўп.* مَصَايِرُ 1) тақдир, қисмат, насиба; келажак; كُلُّ حَيٍّ ~ُهُ барча тирик жоннинг қисмати (*яъни ўлим*); حَقُّ تَقْرِيرِ الْـ~ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи; ~ُهُ بِنَفْسِهِ اخْتَارَ ўз тақдирини ўзи белгиламоқ; 2) натижа, охир, пировард, хотима, оқибат, якун; ~ الْمَعْرَكَةِ жанг натижаси

– مَصِيرِيٌّ қисматга боғлиқ, тақдирни ҳал қилувчи; الْمَعْرَكَةُ الْـ~ـةُ ҳал қилувчи жанг

صَيْرَفِيٌّ *қар.* صرف

صَيْصَةٌ, صِيصِيَةٌ *кўп.* صَيَاصٍ 1) қалъа, истеҳком; 2) пих (*хўрозники*); 3) шох (*буқа, кийикники*)

I (صيع) صَاعَ (*и*) صَيْعٌ тарқатмоқ, сочиб юбормоқ; II صَيَّعَ (*нефтни*) крекингламоқ (*нефтни қайта ишлаб, бензин, газ олмоқ*); VII انْصَاعَ 1) ортга тез қайтмоқ; 2) юқорига (*юксакликка*) кўтарилмоқ, учиб чиқиб кетмоқ; (*н. гадир*) бўйсунмоқ (لِـ), (*н. биландир*) келишмоқ (لِـ)

– انْصِيَاعٌ бўйсуниш, келишиш; (*н. гадир*) тан бериш (لِـ); الْـ~ لِأَوَامِرِهِ кимнингдир буйруқларига бўйсуниш

– صَايِعٌ *кўп.* صِيَاعٌ 1. иши йўқ одам; 2. бекорчи, ишёқмас

I (صيف) صَافَ ёзламоқ, ёзни ўтказмоқ; II صَيَّفَ 1) (*қаердадир*) ёзни ўтказмоқ (ب ,في); 2) *халқ.* бошқ териш учун далага чиқмоқ; V تَصَيَّفَ = II; VIII اصْطَافَ (*мас., курортда*) ёзни ўтказмоқ (في); (*қаергадир*) ёзда дам олиш учун жўнамоқ (إِلَى)

– اصْطِيَافٌ (*мас., курортда*) ёзни ўтказиш; ёзги курорт сезони; أَمَاكِنُ الـ~ курортлар

– صَائِفٌ иссиқ; ~ يَوْمٌ иссиқ кун

– صَيْفٌ *кўп.* أَصْيَافٌ ёз; ~ الـ فَصْلُ ёз фасли; ~ الـ أَيَّامُ ёз кунлари; ~ شَتَاء ёзда ҳам, қишда ҳам, ёзин-қишин

– صَيْفِيٌّ ёзга оид; ~ (بَيْتٌ) مَنْزِلٌ дача, дала боғ

– صَيْفِيَّةٌ ёз фасли, ёзги сезон

– مُصْطَافٌ 1. курортда дам олувчи; 2. курортчи

– مَصِيفٌ, مَصْيَفٌ *кўп.* مَصَايِفُ ёзда бўлинадиган жой; дала боғи; курорт

– مُصَيِّفٌ 1. курортда дам олувчи; 2. курортчи

(صين) II صَيَّنَ хитойлаштирмоқ; V تَصَيَّنَ хитойлашмоқ

– صِينِيٌّ 1. Хитойга оид; ~ الـ ـةُ хитой тили; 2. ~ الـ الصَّلْصَالُ хитой гили, каолин (*чиннигил, оқ гил*); ~ الـ الشَّمْعُ хитой шами; ~ الـ الْحِبْرُ хитой туши, ~ الـ الْجِدَارُ Улуғ Хитой девори; 2. 1) хитойлик, хитой; 2) *шунингдек:* ~ خَزَفٌ фарфор, чинни, чинни идиш

– صِينِيَّةٌ *кўп.* صَوَانِي 1) патнис; 2) идиш-товоқ; 3) *т.-й* паровозни айлантириб қўядиган қурилма; ◊ هُوَ أَنْظَفُ مِنَ الـ ~ بَعْدَ غَسِيلِهَا чўнтакда бир тийинсиз бўлмоқ (*сўзма-сўз: у ювилган патнисдан ҳам тоза*)

صَيْهَدٌ 1) чўл, биёбон, саҳро; ~ الرَّمْلِ қумлик саҳро; 2) Сайҳад (*Яман ва Хадрамаут оралиғидаги ар-Рубъул Холий саҳросининг бир қисми*)

صِوَانٌ *кўп.* صَوَاوِينُ 1) катта чодир; 2) айвон, тент (*катта шамсия*); ◊ ~ الْأُذُنِ қулоқ супраси

# ض

ض (ضَادٌ) дод (*араб алифбосининг ўн бешинчи ҳарфи, абжадда-800*)

ضَادٌ дод (*ض ҳарфининг номи*); ◊ ~ـــ لُغَةُ الـــ соф араб тили; نَطَقَ بِالـــ ~ соф араб тилида гапирмоқ (сўзламоқ); ~ـــ نَاطِقٌ بِالـــ а) соф араб тилида сўзлашувчи; б) араб; ~ـــ أَهْلُ الـــ араблар

– ضَادِيٌّ (*дод*) ҳарфига оид; ~ـــ اللُّغَةُ الـــ ёки ~ـــ اللِّسَانُ الـــ соф араб тили; حُمَاةُ اللُّغَةِ الـــ араб тили софлигини сақловчилар

ضَالَّةٌ қурол

ضَامَةٌ 1) шашка. дамка (*ўйин*); رُقْعَةُ الـــ ~ шашка тахтаси, шашка қутиси, шашкадон; 2) шашка ўйнаш (*сол.* دَامَا)

I ضَؤُلَ (*у*) ضُؤُولَةٌ, ضَآلَةٌ 1) кучсиз бўлмоқ, кучсизланмоқ, кучсизланган бўлмоқ; 2) миқёсан аҳамиятсиз (кичик) бўлмоқ, кичраймоқ, озаймоқ; III ضَاءَلَ (*н. нидир*) озайтириб (камайтириб) кўрсатмоқ, камситмоқ (مِنْ); VI تَضَاءَلَ аста-секин кучсизланмоқ, озаймоқ, камаймоқ

– ضَآلَةٌ, ضُؤُولَةٌ 1) кучсизлик; 2) аҳамиятсизлик, арзимаслик; 3) кичик ўлчам

– ضَئِيلٌ *кўп.* ضُؤُلَاءُ 1) кучсиз; جِدًّا ~ жуда ёмон, кучсиз (*ўзлаштириш баҳоси*); 2) аҳамиятсиз, кичик, арзимас

(ضأن) IV أَضْأَنَ қўйи кўпаймоқ, кўпгина қўйли бўлмоқ, кўпгина қўйга эга бўлмоқ

– ضَأْنٌ қўй гўшти

– ضَائِنٌ[1] кучсиз

– ضَائِنٌ[2] *кўп.* ضَأْنٌ, ضَأْنٌ қўй; қўчқор

– ضَوَائِنُ *кўп.* ضَائِنَةٌ қўй

I ضَبَّ (*а/u*) 1) тутмоқ, тутиб турмоқ; тутиб олмоқ, илиб олмоқ, чангалламоқ; فِي خِنَاقِهِ ~ кимнингдир ёқасидан тутмоқ; 2) (*н. нидир*) эҳтиётлаб сақламоқ, қулфлаб қўймоқ (عَلَى); 3) (*эшикни*) лўкидон билан беркитмоқ; II ضَبَّبَ 1) ушлаб турмоқ, тутмоқ; 2) сақламоқ; الْبَابَ ~ эшикни лўкидон билан беркитмоқ; 3) туман босмоқ; الْعَرَقُ نَظَّارَتَهُ ~ унинг кўзойнагини тер босди; IV أَضَبَّ туманли бўлмоқ (*об-ҳаво ҳақида*); ~ـــ تِ السَّمَاءُ ҳовли (ташқари) туманли, ҳовлини (ташқарини) туман босди

– ضَبٌّ[1] *кўп.* أَضُبٌّ, ضِبَابٌ, ضُبَّانٌ эчкиэмар

– ضَبٌّ[2] 1) жағ; 2) олдинги (олдинги қатордаги) тишлар

– ضَبَابٌ туман; туман (тутун) пардаси, сийрак туман

– ضَبَابِيٌّ туманли

– ضَبَّةٌ *кўп* ضِبَابٌ, ضُبَبٌ ёғоч ёки темир лўкидон (*занжир, илгак*) (*эшикники*); ◊ ~ الْفَمِ жағ; ~ أَبُو қирғовул, тустовуқ

– مُضِبٌّ туманли

– مُضَبَّبٌ туман босган, туманли, очиқ бўлмаган (ҳаво ҳақида)

I ضَبَثَ (*u*) ضَبْثٌ (*бирор н. ни*) чангалламоқ, чангаллаб ушламоқ (ب)

– ضَبْثَةٌ *кўп.* أَضْبَاثٌ чангал, кафт, ҳовуч; أَضْبَاثِهِمْ بَيْنَ الْخَطَايَا *ҳад.* хатолар уларнинг қўллари орасидадир

– مِضْبَثٌ *кўп.* مَضَابِثُ чангал; مَضَابِثُ الْأَسَدِ йўлбарс чангали

I **ضَبَحَ** (*а*) ضَبْحٌ 1) нафас қисилмоқ, ҳансирамоқ, оғир нафас олмоқ (*от ҳақида*); 2) куйдирмоқ, қуёш нурида қорайтирмоқ

– ضَبْحٌ отнинг чанқоқдан ҳансираши

I **ضَبَرَ** (*и*) ضَبْرٌ жамламоқ, жамлаб (ўраб) папкага солмоқ

– إِضْبَارَةٌ *кўп* ـــ اتٌ, أَضَابِيرُ ҳужжатлар турадиган папка (дело, жилд, досье)

– ضُبَارَةٌ, ضِبَارَةٌ *кўп.* ضَبَائِرُ қайднома (қоғоз, ҳужжатлар) папкаси (жилди)

– أُضْبُورَةٌ = إِضْبَارَةٌ

– ضَبْرٌ *кўп.* ضُبُورٌ *тар.* дабр (*қалъа, қўрғонни қамал қилиш пайтида ишлатиладиган ёғочдан қилинган қалқонга ўхшаш мослама*)

– ضَبِيرٌ қаттиқ, мустаҳкам; кучли

– ضِمْنِيٌّ 1) яширин, сўз билан ифодаланмаган; сўзсиз, гапирилмаган; индамайдиган; ~ قَبُولٌ сўзсиз, индамасдан қабул қилиш, розилик; 2) билвосита; назарда тутилган; 3) ички, ботиний, зимний

– ضَامِنٌ *кўп.* ضُمَنَاءُ=ضَمِينٌ

– مُضَمَّنٌ 1) қўйилган; қўшилган, қўшиб қўйилган; 2) назарда тутилган

– مَضْمُونٌ[1] 1) таъминлайдиган; таъминланган, кафолатланган; 2) мазмунли, мазмунга эга; 3) буюртма (заказ) қилинган (*хат, мактуб ҳақида*); 4) суғурта қилинган, суғурталанган

– مَضْمُونٌ[2] *кўп.* مَضَامِينُ мазмун, маъно; ~ الشَّكْلُ وَ الـــ шакл ва мазмун

I ضَنَّ (*u/a*) ضِنٌّ *ёки* ضَنَنٌ (*a/u*) ضَنَّ қизғончиқ (хасис, зиқна) бўлмоқ, қурумсоқ бўлмоқ; (*н. нидир к. учундир*) қизғонмоқ (عَلَى ,ب); ~ بِكَرَامَتِهِ أَنْ تُحْنَثَ ◊ у ҳақоратни кўтара олмасди, чунки ўз шаънини юксак қадрларди بِالْجَوَابِ жавоб беришни истамаслик.

– ضِنٌّ: زَيْدٌ ~ـــيَ مِنْ بَيْنِ إِخْوَانِي Зайд ака-укаларим ичида ардоқлигимдир

ضَنِينٌ *кўп.* أَضِنَّاءُ 1) жуда хасис (зиқна, қизғончиқ, қурумсоқ); 2) жуда оз (*кам*), етарли бўлмаган

– مَضَنَّةٌ *кўп* مَضَانُّ (*одамлар ажралиб қолишни истамайдиган*) бойлик, хазина, қимматбаҳо нарсалар

I ضَنْكٌ (*y*) ضَنَاكَةٌ ,ضَنْكٌ 1) сиқилган, оғир аҳволда қолган, етишмовчиликлар билан яшаётган бўлмоқ (*машиий шароитлар ҳақида*)

– ضَنْكٌ қашшоқлик, оғир аҳвол, камбағаллик, хорлик; ~ عَيْشُ қашшоқ турмуш, етишмовчиликдаги ҳаёт

ضِنْوٌ ,ضِنْوٌ кичик (майда) болалар

I ضَنِيَ (*a*) ضَنًى чарчамоқ, ҳолдан кетмоқ (тоймоқ), қувватсизланмоқ, кучдан қолмоқ; қуриб қолган бўлмоқ; IV أَضْنَى ҳолдан тойдирмоқ, чарчатмоқ, кучдан тойдирмоқ

– ضَنٍ *мн.* ضَنِيَّةٌ чарчаган, ҳолдан тойган, дармони қуриган

– ضَنًى 1) чарчоқлик, ҳолдан кетганлик, дармонсизлик; ориқлик, озғинлик; 2) касаллик, беморлик

– مُضْنٍ *мн.* مُضْنِيَةٌ чарчаётган, ҳолдан кетаётган, дармони қуриётган, оғир

I ضَهَدَ (*a*) ضَهْدٌ зулм қилмоқ, жабр қилмоқ; таъқиб қилмоқ; эзмоқ, сиқмоқ, жафо қилмоқ; VIII اِضْطَهَدَ таъқиб қилмоқ, таъқиб (қувғин) га дучор қилмоқ; зулм (жафо) қилмоқ

– اِضْطِهَادٌ таъқиб, таъқиб қилиш репрессия; қувғин, қувғин қилиш; ~ الـــ جُنُونُ "мени таъқиб қилишаётир" деб ўйлайдиган жинниллик

– اِضْطِهَادِيٌّ репрессияга оид, репрессив; жазо сифатида қўлланиладиган

– مُضْطَهَدٌ таъқиб қилинаётган, қувғин қилинаётган; الشُّعُوبُ الـــ~ة эзилаётган (зулм остидаги) халқлар

– مُضْطَهِدٌ 1. таъқиб (зулм) қилувчи, золим; 2. таъқибловчи, эзувчи, қувғин қилувчи

ضَهْرٌ *кўп.* ضُهُورٌ чўққи (*тоғники*)

(ضهى) III ضَاهَى 1) ўхшамоқ, ўхшаш бўлмоқ; 2) (*н. нидир н. гадир*) солиштирмоқ (қиёслаймоқ) (بَيْنَ وَ بَيْنَ *ёки* ب)

– ضَهِيٌّ ўхшаш, ўхшайдиган

– مُضَاهٍ *мн.* مُضَاهِيَةٌ ўхшаш, ўхшайдиган

– مُضَاهَاةٌ 1) ўхшашлик, 2) солиштириш, қиёслаш

I (ضوء) ضَاءَ (*у*) ضَوْءٌ, ضُوْءٌ нур сочмоқ, нур таратмоқ, нурланмоқ, зиё сочмоқ, зиё таратмоқ, зиёланмоқ; بِالْعَافِيَةِ ~ саломатликни дангал кўрсатиб турмоқ, соғ эканликни билинтириб турмоқ; II ضَوَّأَ ёритмоқ; (*чироқни*) ёқмоқ; IV أَضَاءَ 1) зиё бермоқ, ёритмоқ, нур (зиё) тарқатмоқ, нур (зиё) бериб турмоқ; أَضِئْ لِي أَقْدَحْ لَكَ! *мтл.* сендан угина, мендан бугина, қўл қўлни ювади! (*сўзма-сўз:* сен менга ёритиб тур, мен сенга ўт ёқиб бераман); 2) зиёли (маърифатли) қилмоқ; V تَضَوَّأَ зиё (*нур*) берилмоқ, ёритилмоқ; X اسْتَضَاءَ 1) (*н. биландир*) ёритилмоқ (ب); (*к. дандир н. ҳақдадир*) хабардор бўлмоқ (مِنْ, ب)

– إِضَاءَةٌ ёритиш, ёритилиш; иллюминация (*ҳамма ёқни чироқлар билан безатиш, ёритиб юбориш*)

– ضَوْءٌ, ضَوْءٌ *кўп.* أَضْوَاءٌ зиё, нур, ёғду, ёруғлик; الشَّمْسِ ~ қуёш нури (ёруғлиги); الْقَمَرِ ~ ой нури; النَّهَارِ ~ кундузги ёруғлик; الْأَضْوَاءُ الْقُطْبِيَّةُ الشَّمَالِيَّةُ (الْجَنُوبِيَّةُ) Шимолий (Жанубий) қутб ёғдуси; شَهِدَ الـ~ فِي عَلَى ~ الْوَقَائِعِ ◊ далиллар (асослар) борлигида; سَلَّطَ الـ~ هَذِهِ الْحَيَاةِ дунё юзини кўрмоқ, туғилмоқ, дунёга келмоқ; الْأَضْوَاءِ (*н. нидир*) ёритмоқ, ойдинлаштирмоқ, аниқламоқ (عَلَى); أَلْقَى بَعْضَ الْأَضْوَاءِ (*н. нидир*) бироз ёритмоқ, ойдинлаштирмоқ, аниқламоқ (عَلَى)

– ضَوْئِيٌّ зиё (нур) га оид; السَّنَةُ الـ~ـةُ *астр.* ёруғлик йили; ~ـةٌ شَارَاتٌ ёруғлик сигналлари (ишоратлари); الْأَشِعَّةُ الـ~ـةُ ёруғлик (нур) дасталари

– ضَوِّيٌّ *кўп.* ضَوِّيَّةٌ чироқчи, чироқ ёқувчи

– ضَوِّيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَ туйнук (*ҳавони янгилаш ва ёруғлик тушиши учун қурилган туйнук*)

– ضِيَاءٌ зиё; ёғду, шуъла

– مُضَاءٌ ёритилган, ёритиб қўйилган; غُرْفَةٌ ~ـَةٌ чироғи ёниб турган (ёритилган) хона

– مُضَاوِئٌ *кўп. театр.* рампа (*саҳнани ёритиш учун ўрнатилган ёритқичлар йиғиндиси*)

– مُضِيءٌ 1) ёритувчи; зиё (нур) таратиб турувчи; الْمَصَابِيحِ ~ чироқчи, чироқбон; الْإِعْلَانُ الـ~ ёритқичли реклама (эълон); غَازَاتٌ ~ـَةٌ ёритувчи газ чироқлари; 2) ёруғ, нурафшон

I (ضور) ضَارَ (*у*) ضَوْرٌ 1) қаттиқ очлик ҳис қилмоқ; 2) зарар келтирмоқ (етказмоқ), зарарламоқ; V تَضَوَّرَ 1) азоб (оғриқ) тортмоқ; 2) тиришиб-буришмоқ, тиришмоқ, тиришиб типирчиламоқ

– ضَوْرٌ қаттиқ очлик, очлик азоблари

ضَوْضَاءُ шовқин, сурон, бақир-бақир

– ضَوْضَى = ضَوْضَاءُ

I (ضوع) ضَاعَ (*у*) ضَوْعٌ тарқалиб кетмоқ, сочилмоқ, таралмоқ, анқимоқ (*ҳид ҳақида*); V تَضَوَّعَ = I

I (ضوى) ضَوَى (*и*) ضَوِيٌّ (*н. нидир*) ишга солмоқ, (*н. гадир*) таланмоқ (إِلَى); ضَوِيَ (*а*) ضَوًى 1) ҳолсизланмоқ, мадорсизланмоқ, озмоқ, озиб кетмоқ; 2) озғин бўлмоқ, озиб кетган бўлмоқ; IV أَضْوَى 1) ҳолсизлантирмоқ, мадорсизлантирмоқ, кучсизлантирмоқ; أَضْوَتِ الْمَرْأَةُ нимжон (орик) бола туғмоқ; 2) зарар етказмоқ (келтирмоқ); VII انْضَوَى 1) (*н. нидир*) ишга солмоқ, (*н. гадир*) таянмоқ (إِلَى); 2) (*н. гадир*) тааллуқли бўлмоқ (إِلَى); 3) (*н. нигдир остида* - تَحْتَ) бирлашмоқ, иттифоққа кирмоқ

– ضَاوِيٌ ~ الْبَدَنِ (الْجِسْمِ) орик; озғин

– ضَوِيَّةٌ тўй тантанаси билан бораётган ёш йигитлар, куёвнавкарлар

I (ضير) ضَارَ (*и*) ضَيْرٌ зарарламоқ, зарар келтирмоқ; IV أَضَارَ = I

– ضَائِرٌ зарар келтирувчи, зараркунанда

– ضَيْرٌ зарар; бало, офат; оғирлик; қийинчилик; !~ لَا ҳеч қиси йўқ!; ... فِي أَنَّ ~ وَ لَا қийинчилик бунда эмас, балки ...

I (ضيز) ضَازَ (*и*) адолатсизлик билан тақсим қилмоқ; бирор ким ҳақига нисбатан адолатсизлик қилмоқ

– ضِيزَى: ~ قِسْمَةٌ *Қур.* адолатсиз тақсимлаш, (*бирор н. нинг*) жуда катта қисмини ўзлаштириш

I (ضيع) ضَاعَ (*и*) ضَيَاعٌ зое кетмоқ, ҳабада кетмоқ; йўқолмоқ, йўқолиб кетмоқ; ҳалок бўлмоқ; عَبَثًا ~ *ёки* هَبَاءً ~ зое бўлиб, бекордан-бекорга йўқ бўлмоқ; II ضَيَّعَ 1) йўқ қилмоқ, йўқотмоқ; صَوْتُهُ فِي الضَّوْضَاءِ унинг овози шовқин-сурон ичида йўқ бўлиб кетди; كَثِيرًا مِنَ الْفُرَصِ الذَّهَبِيَّةِ ~ қатор қулай фурсатни қўлдан бермоқ (чиқармоқ); 2) ҳабада қилмоқ, бекорга сарфламоқ (*пулни*); IV أَضَاعَ йўқотмоқ; йўқ қилмоқ; яксон қилмоқ; (صَوَابَهُ) رُشْدَهُ ~ эс-ҳушни йўқотмоқ, ҳушсиз бўлмоқ, ҳушидан кетмоқ; الْوَقْتَ ~ вақтни зое кетказмоқ (йўқотмоқ)

– إِضَاعَةٌ зоелик, зое кетиш; الْوَقْتِ ~ вақтнинг зое кетиши

– ضَائِعٌ 1) зое кетган, йўқолган, йўқотилган; الرُّشْدِ ~ ҳушсиз бўлган, ҳушидан кетган; الْوَقْتُ الـ~ зое кетган вақт; ~ أَمَلٌ йўқотилган умид; الْمُحِيطِ فِي ~ـَةٌ جَزِيرَةٌ океандаги кичик (*топилиши қийин, кўзга зўрға ташланадиган*) орол; 2) бечора, бечораҳол, бахтсиз

– ضَيَاعٌ зоелик; йўқотиш; ҳалокат, яксонлик; الْأَعْصَابِ ~ асаб бузилиши, асабларнинг ишдан чиқиши

ضَيْعٌ зоелик; йўқотиш, йўқолиш

– ضَيْعَانُ зиён, йўқотиш; يَا ~ـَهُ қандай зиён-а!, эссизгина!

– ضَيْعَةٌ[1] зоелик, йўқотиш; ҳалокат, яксон бўлиш

– ضَيْعَةٌ[2] *кўп.* ضِيَعٌ, ضِيَاعٌ қишлоқ; ферма; кимгадир қарашли жой, чорбоғ

– مِضْيَاعٌ исрофгар

– مُضَيِّعٌ 1. исроф қилувчи; 2. исрофгар

– مُضِيعَةٌ *кўп.* مَضَايِعُ 1) ўзи билан ҳалокат олиб келувчи нарса, ҳалок қилувчи нарса; 2) ҳалокат; 3) йўқотиш, сарф, исроф; ~ لِلْوَقْتِ وَ الْمَالِ вақт ва пулнинг зое кетиши (йўқолиши)

– مَضْيُوعٌ 1. зое кетган, йўқолган; 2. майда-чуйда сарф учун олиб юриладиган пул, чўнтак сарфи

ضَيْغَمٌ *кўп.* ضَيَاغِمُ йўлбарс

I (ضيف) ضَافَ (*u*) ضَيْفٌ 1) меҳмон бўлмоқ, меҳмонга бормоқ; 2) зиёфат қилмоқ, зиёфат бермоқ; 3) қўшмоқ, қўшиб қўймоқ; II ضَيَّفَ 1) меҳмон деб кутиб олмоқ; 2) зиёфат қилмоқ; IV أَضَافَ 1) (*н. гадир*) қўшиб қўймоқ (إِلَى); جَدِيدًا إِلَى التُّرَاثِ الْعِلْمِيِّ ~ илмий меросга янгилик қўшмоқ (киритмоқ); أَضِفْ إِلَى ذَلِكَ бундан ташқари (*сўзма-сўз: шунга қўшиб қўй*); 2) (*к. гадир*) тааллуқ деб билмоқ (إِلَى); 3) меҳмондўстлик, меҳмоннавозлик кўрсатмоқ, мезбонлик қилмоқ; зиёфат бермоқ; 4) *грам.* аниқловчи қўшмоқ (*қаратқич келишигидаги от, мас.,* جَزِيرَةُ الْعَرَبِ); V تَضَيَّفَ меҳмон бўлмоқ; ◊ تَ~ الشَّمْسُ куёш бота бошлади; VII انْضَافَ 1) қўшиб қўйилмоқ, бирлаштирилмоқ, қўшилмоқ; 2) меҳмон деб ўйлаб қабул қилинмоқ; X اسْتَضَافَ 1) (*к. нидир*) меҳмон сифатида қабул қилмоқ, меҳмонга чорламоқ, меҳмондорчиликка таклиф қилмоқ; 2) меҳмоннавоз (мезбон) бўлишни сўрамоқ; меҳмон бўлмоқ, меҳмоннавозликдан фойдаланмоқ; 3) кўпроқ нарса сўрамоқ; (*бирор н.*) қўшиб қўйишни сўрамоқ (илтимос қилмоқ)

اسْتِضَافَةٌ (*к. нидир*) меҳмон сифатида қабул қилиш

– إِضَافَةٌ 1) қўшиб қўйиш; тўлдириш, қўшимча қилиш; بِالْ~ إِلَى *ёки* ~ إِلَى ذَلِكَ айтилганларга қўшимча қилиб, унинг устига; 2) *грам.* status constructus, изофа (изофат) (*қаратқич келишигидаги аниқловчи ва аниқланмишнинг бирикиб келиши*)

– إِضَافِيٌّ қўшиб қўйиладиган, тўлдириладиган, қўшимча қилинадиган, қўшимча

– ضَائِفٌ 1) зиёфат; 2) меҳмоннавозлик, мезбонлик, шодлик, хурсандлик; حُسْنُ الْ~ яхши (чиройли) қабул (меҳмоннавозлик)

– ضَيْفٌ *кўп.* أَضْيَافٌ, ضُيُوفٌ, ضِيفَانٌ меҳмон; келувчи киши; ~ الشَّرَفِ ҳурматли (фахрий) меҳмон; حَلَّ ~ًا (*к. никидадир*) меҳмон бўлмоқ

– مُضَافٌ 1. қўшиб қўйилган, бирлаштирилган, тўлдирилган; (*бирор н. га*) ёндошган, ёпишган, жапс (ب); 2. 1) *кўп.* اتٌ ـــ қўшилма, қўшимча; 2) *грам.* музоф (*қаратқичли аниқловчининг аниқланиши;*); إِلَيْهِ ~ қаратқич келишигидаги аниқловчи

– مُضَافَةٌ (*хонадондаги*) меҳмонхона

– مِضْيَافٌ меҳмоннавоз, шод, хуррам

– ضَائِفٌ = مُضِيفٌ

– مُضِيفَةٌ 1. меҳмон қилувчи аёл; 2. бека; الْ~ الطَّائِرَةِ *ёки* الْجَوِّيَّةِ стюардесса, тайёра (ҳаво) бекаси

– مَضْيَفَةٌ *кўп.* مَضَايِفُ (*хонадондаги*) меҳмонхона

I (ضيق) ضَاقَ (*u*) ضِيقٌ 1) тор, танг, ингичка бўлмоқ; (*н. гадир*) етарли бўлмаслик (عَنْ); (*н. биландир*) тўлиб-тошиб кетган бўлмоқ, тиқиб ташланган бўлмоқ (ب); ~َتِ الدُّنْيَا فِي وَجْهِهِ унинг аҳволи чорасиз бўлиб қолди; ~َتِ الدُّنْيَا فِي هَذِهِ الْمَدِينَةِ унинг учун бу шаҳарда яшаш оғир (қийин) бўлиб қолди; ~َتْ بِهِ الْحَالُ унинг аҳволи ғоят оғирлашиб қолди; ~َتْ بِهِ السُّبُلُ боши берк кўчага тушиб қолмоқ, чорасиз (нима қилишни билмайдиган) бўлиб қолмоқ; ~ بِهِ ذَرْعًا бу унинг жонига тегиб кетди, у бунга (сира) чидамасди; ~ ذَرْعًا عَنْ ... (*к. дандир н. дандир*) қийнамоқ, сиқмоқ, танг аҳволга туширилмоқ; (*н. нидир*) қила олмаслик; ~َتْ بِهِ صَدْرُهُ у у (аёл) нинг жонига тегди (зериктирди); ~ بِهِ قَلْبُهُ бунда унинг юраги сиқилиб кетди; ~َتْ أَخْلَاقُهُ ўзини унутмоқ, ўзини жиловлай олмаслик; ~ صَبْرًا сабру тоқатни йўқотмоқ; ~ عَنْ احْتِمَالِهِ у бунга чидай олмади; ~ الْوَقْتُ عَنْ طَهْيِ شَيْءٍ бирор нарса тайёрлашга (пиширишга) вақт йўқ эди; ~ الْمَتْحَفُ بِالْآثَارِ музей қадимий ёдгорликлар билан тўлиб-тошиб кетган эди; 2) (*бирор н. дан*) хафа бўлмоқ (ب); 3) бахил бўлмоқ, бахиллик қилмоқ, заранг бўлмоқ; II ضَيَّقَ 1) тор қилмоқ, қисмоқ; عَيْنَيْهِ ~ кўз қисмоқ (сузмоқ); 2) босмоқ, сиқиб қўймоқ; 3) (*к. нидир*) сиқмоқ, қисмоқ (عَلَى); عَلَى نَفْسِهِ ~ ўзини маҳрум қилмоқ, тиймоқ; عَلَى الْخِنَاقِ ~ кўч. *м.* (*к. нингдир*) бўғзидан тутмоқ; III ضَايَقَ 1) қисиб (сиқиб) қўймоқ; 2) жонга тегмоқ, зериктирмоқ; шилқимлик қилмоқ, тазйиқ ўтказмоқ (*аёл кишига*); IV أَضَاقَ давлати (*мол-мулки*) қўлдан кетмоқ; VI تَضَايَقَ 1) сиқилиш, хафалик ҳис қилмоқ; مَالِيًّا ~ у пулдан қийналиб қолган; 2) (*к. дандир, н. дандир*) хафа бўлмоқ (مِنْ)

– تَضْيِيقٌ 1) торайтириш; 2) сиқиш, тазйиқ ўтказиш

– ضَائِقَةٌ оғир, сиқилган аҳвол; الْوُقُودِ ~ ёнилғи етишмаслиги; ~ مَالِيَّةٌ пул етишмаслиги (кризиси)

– ضِيقٌ 1) торайиш; торлик; الْأُفُقِ ~ савиянинг пастлиги (торлиги), тор (паст) савия; 2) савия; 2) сиқилиш; 3) оғир аҳвол, камбағаллик, етишмовчилик, қашшоқлик, фақирлик; ذَاتِ الْيَدِ ~ *ёки* الْيَدِ ~ қўл калта (қисқа) лиги, камбағаллик; بِـ~ الْوَقْتِ вақт йўқлиги учун (*сабабли*); بِـ~ الْمَكَانِ (الْمَقَامِ) жой йўқлиги учун (сабабли); لَوْ لَا ~ الْمَكَانِ لَـ ... агар жой етишмаган бўлмаганда, у ҳолда ...; ~ النَّفَسِ *мед.* астма (*нафас қисиш касаллиги*)

I (ضيم) ضَامَ (а) ضَيْمٌ адолатсизлик қилмоқ, зулм (сиқув) қилмоқ, хафа қилмоқ, таҳқирламоқ; X = I اسْتَضَامَ

– ضَيْمٌ *кўп.* ضُيُومٌ адолатсизлик; зулм (сиқув); хафа қилиш, таҳқирлаш, ҳақорат; ~ رِجَالٌ أُبَاةُ الـ адолатсизлик билан келиша олмайдиган одамлар; ~ عَلَى الـ (لاَ يُقِيمُونَ) لاَ يَنَامُونَ улар ҳақоратни унута олмайдилар; ~ لاَ يَصْبِرُ عَلَى у таҳқирга тоқат қилолмайди (чидамайди); ◊ ~ سَكَتَ عَلَى иложсизликдан сукут сақламоқ

– ضَيْوَنٌ *кўп.* ضَيَاوِنُ ёввойи мушук

ضَامَ

– ضَيِّقٌ 1) тор; танг; ... وَ ~ إِنَّ الْوَقْتَ вақт оз (танг), аммо, ...; ~ خُلُقُهُ у чидамсиз (тоқатсиз); ~ الْحِيلَةِ айёрлик, (ҳийла) ни билмайдиган; ~ الصَّدْرِ ҳафсаласи пир бўлган, рози бўлмаган; хафа бўлган; 2) (*бирор н. дан*) қисилиб (ийманиб) турган, хижолат чеккан (ب); 3) камбар (*темир йўлга оид*)

– ضِيقَةٌ оғир аҳвол, қашшоқлик, камбағаллик, фақирлик

– مُضَايِقٌ 1) хижолат чекувчи, ийманувчи; 2) хижолат чекадиган, ийманадиган; 3) жонга тегадиган, безор қиладиган

– مُضَايَقَةٌ *кўп.* ات ـــ 1) қисилиш, сиқилиш; босди-босди; тиқилинч; 2) жонга тегиш, зериктириш, шилқимлик қилиш; (*аёлга*) тазйиқ қилиш

– مَضِيقٌ *кўп.* مَضَايِقُ 1) бўғоз; 2) тор тоғ оралиғи, тоғ дараси; довон

# ط

ط (طَاءٌ) то (итқи) (*араб алифбосининс ўн олтинчи ҳарфи; абжадда-9*)

ط قِيرَاطٌ сўзининг қисқартмаси

طَابٌ тоб (*ўйин номи*)

طَابَاقٌ *кар.* طبق

طَابَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) *мед.* тахтакач; 2) тоб ўйинида ишлатиладиган ёғоч буюм; *қар.* طَابٌ

طَابُو ерларни рўйхатга олиш

طَابُورٌ *кўп.* طَوَابِيرُ 1) текширув, кўрик; (*қаторда турганларни*) рўйхат бўйича текшириб чиқиш; ~ كَأَنَّهُ فِي у гўё қаторда қотгандай (*"смирно" ҳолатида*) турибди; ~ الصَّبَاحِ рўйхат бўйича эрталабки саноқ (текширув); 2) батальон; ~ الْخَامِسُ *сиёс.* бешинчи колонна (*бошқа мамлакатга юборилган жосуслар, қўпорувчилар*); 3) шеренга; кутиб турувчилар навбати; *ҳарб.* қатор чизиғи; ~ أَوْقَفَهُ кимнидир навбатга қўймоқ

طَابُوقٌ *қар.* طبق

طَابُونَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ, طَوَابِينُ = طَبُونَةٌ *қар.* طبن

طَابِيَةٌ *кўп.* طَوَابٍ 1) истеҳком; мустаҳкамланган жой, форт; 2) *шах.* рух

طَارٌ *қар.* طور

طَارَ *қар.* طير

طَازَجٌ, طَازِجٌ янгигина (ҳозиргина) тайёрланган

طَازَه янгигина; ◊ ~ زُبْدَةٌ сариёғ

طَاسٌ, طَاسَةٌ *қар.* طوس

طَاغُوتٌ *қар.* طغو

طَافِمٌ *қар.* طقم

طَالُوتُ *ат.от.мз.* Толут (Соул)

طَامِيسُ *миф.* Фемида (*одил суд маъбудаси*)

طَامُورٌ = طُومَارٌ

طَاوِلَةٌ *қар.* طول

طَاوُوسٌ *қар.* طوس

طَأْطَأَ қуйига туширмоқ, пастга эндирмоқ; эгмоқ, энгаштирмоқ; ~ رَأْسَهُ а) бош эгмоқ; б) бўйсинмоқ

– طَأْطَأَةٌ эгилиш, букилиш

– مُطَأْطِئٌ эгган, буккан; ~ الرَّأْسِ боши эгик, боши эгилган

طَأْمَنَ *қар.* طمأن

I طَبَّ (*а/у*) طَبٌّ 1) даволамоқ; 2) оғмоқ, пастга тушмоқ, энмоқ (*мас., тарози палласи*); 3) кутилмаганда, тўсатдан (*к. нингдир олдига*) келиб қолмоқ (عَلَى); طَبَّبَ 1) даволамоқ; тиббий ёрдам кўрсатмоқ; тиббий фаолият билан шуғулланмоқ; 2) йиқитмоқ, йиқилишга (*ағанаб кетишга*) мажбур қилмоқ; V تَطَبَّبَ 1) даволанмоқ, даволаниш даврини ўтмоқ; 2) тиббиёт билан шуғулланмоқ; X اسْتَطَبَّ 1) табиблардан маслаҳат сўрамоқ; 2.) (*бирор н.* билан) даволанмоқ (ب); لِكُلِّ دَاءٍ دَوَاءٌ يُسْتَطَبُّ بِهِ إِلَّا الْحَمَاقَةَ *мкл.* буни гўр тузатади (*сўзма-сўз*: аҳмоқликдан бошқа ҳамма касалнинг давоси бор)

– تَطْبِيبٌ даволаш, табиблик қилиш

– طَبٌّ эплай олувчи, қила олувчи, билувчи; (*бирор н. да*)

моҳир (ب)

– طِبٌّ 1) даволаш; ~ الْأَسْنَانِ тишларни даволаш; суф-куф қилиб даволаш; 2) *шунингдек:* ~ عِلْمُ الـ тиббиёт, медицина; ~ الْأَذَانِ отиатрия (*қулоқ касалликларини даволаш ҳақидаги фан*); ~ أَمْرَاضِ النَّفْسِ الـنَّفْسَانِيُّ *ёки* психиатрия (*руҳий касалликларни даволаш ҳақидаги фан*); ~ الْأَمْرَاضِ الْجِلْدِيَّةِ дерматология (*тери касалликларини даволаш ҳақидаги фан*); ~ الْبَشَرِيُّ аллопатия (*даволаш усулларидан бири, немис врачи С. Ҳанеман (1755-1840) жорий этган*); ~ الْبَيْطَرِيُّ *қар.* بَيْطَرِيٌّ; ~ الْعُيُونِ офтальмология (*кўз касалликлари ҳақидаги фан*); ~ فَضَائِيٌّ (شَرْعِيٌّ) космик тиббиёт, суд медицинаси (тиббиёти); كُلِّيَّةُ ~ الـ тиббиёт куллиёти, медицина факультети; مَدْرَسَةُ ~ الـ тиббиёт мактаби; медицина ўқув юрти; أَخَذَ ~ الـ тиббиётни ўрганмоқ

– طِبَابَةٌ 1.) табиблик (табобат, врачлик) касби; 2; табиблик қилиш, даволаш, табобат (табиблик) билан шуғулланиш

– طَبَّةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ йиқилиш, пасайиш

– طَبَّةٌ[2] *кўп.* اتٌ ـــ 1) ёстиқ; 2) тиқин, пробка

– طِبِّيٌّ 1) тиббий; санитарияга оид; 2) табибликка оид; 3) доривор (*ўсимлик*); ~ـــةٌ نَبَاتَاتٌ доривор ўсимликлар

– طَبِيبٌ *кўп.* أَطِبَّاءُ, أَطِبَّةٌ табиб, врач, доктор; медик; الـ~ الْبَشَرِيُّ *ёки* ~ الْأَمْرَاضِ الْجِلْدِيَّةِ тери касалликлари табиби, дерматолог; ~ الْعُيُونِ кўз касалликлари табиби, офтальмолог; ~ الْأَمْرَاضِ الْعَقْلِيَّةِ *ёки* ~ الْأَمْرَاضِ النَّفْسِيَّةِ *ёки* ~ نَفْسَانِيٌّ психиатр; ~ الْأَمْرَاضِ الْأَعْصَابِيَّةِ (الْعَصَبِيَّةِ) асаб касалликлари табиби, невропатолог; ~ الْأَمْرَاضِ النِّسَائِيَّةِ аёллар касалликлари бўйича табиб, гинеколог; ~ فِي الْأَمْرَاضِ الزُّهَرِيَّةِ венеролог; ~ بَيْطَرِيٌّ *қар.* بَيْطَرِيٌّ; ~ شَرْعِيٌّ суд табиби (врачи)

– طَبِيبَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ табиб аёл, табиба

– مَطَبٌّ *кўп.* اتٌ ـــ 1) чуқурлик; هَوَائِيٌّ ~ *ав.* ҳаводаги бўшлик; ~ دِبْلُومَاسِيٌّ дипломатик хижолатпазлик, хато; 2') туртки, чалақлаш

– مُطَبِّبٌ табобатчи, медик

– طُبْجِيٌّ *кўп.* طُبْجِيَّةٌ тўпчи, артиллерист, артиллериячи

I طَبَخَ (*а/у*) طَبْخٌ 1) пиширмоқ, (*овқат*) тайёрламоқ; 2) ясамоқ, тайёрламоқ; 3) *кўч.м.* ташкил этмоқ, (*бирор ишни*) тайёрламоқ; VII اِنْطَبَخَ қайнаб пишлмоқ; пишиб тайёр бўлмоқ; VIII اِطَّبَخَ овқат пиширмоқ (тайёрламоқ)

– طَبَّاخٌ ошпаз, пазанда; رَئِيسُ الـ~ِينَ бош ошпаз (*пазанда*); ◊ ~ كَازٍ примус

– طَبَّاخَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ошпаз (*пазанда*) аёл, ошхонада ишловчи аёл; 2) газ плитаси (ўчоғи)

– طَبَاخَةٌ 1) ошпазлик (пазандалик) касби; 2) кулинария

– طَبْخٌ 1) қайнатиш, овқат тайёрлаш; 2) қайнатиб пиширилган овқат; 3) целлулоид

– طَبْخَةٌ пиширилган овқат, таом; *кўч.м.* бирор нарсани бичиб тўқиш; *мажх.* مَنْ طَبَخَ هَذِهِ الـ~؟ бу машмаша кимнинг иши?; ◊ طَبَخَ الـ~ُ اسْتَوَتْ! иш боплаб қўйилди, иш пишди!

– مَطْبُوخٌ пиширилган овқат (таом)

– مَطْبَخٌ *кўп.* مَطَابِخُ ошхона, овқат тайёрланадиган хона

– مُطَبَّخٌ пишган, пиширилган; чиниққан, пишиқ; هَذَا ~ الْقَوْمِ бу одамларнинг чиниққани

– مِطْبَخٌ *кўп.* مَطَابِخُ ошхона ўчоғи (плитаси)

– مَطْبُوخٌ 1) қайнатилган, қайнатиб пиширилган; *шунингдек: кўч.м.* боплаб қўйилган иш; 2) тайёрлаб қўйилган, етилган (*иш ёки масала ҳақида*)

طَبْرٌ болта; *халқ.* чўқмор

– طَابُورٌ *алиф.б.қар.*

طَبَرْزَذٌ *ёки* طَبَرْزَلٌ *ёки* طَبَرْزَنٌ: ~ سُكَّرٌ оқ қанд

طَبَشَ (طبش) чайқалмоқ, сочилмоқ (*сув ҳақида* - فِي الْمَاءِ)

طَبَاشُورَةٌ = طَبَاشِيرٌ

طَبَاشِيرٌ бўр

– طَبَاشِيرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ бўр парчаси

– طَبَاشِيرِيٌّ бўрга оид, бўрдан ясалган (қилинган)

– طَبَشِيرٌ = طَبَاشِيرٌ

طَبْطَبَ 1) жилдирамоқ (*сув ҳақида*); 2) эркалатмоқ, силаб-сийпамоқ (*мас., отни* عَلَى)

– طَبْطَابٌ тибтоб (*пиво нави*); ◊ جَاءَ عَلَى الـ~! *халқ* унга худди шу нарса керак эди!

– طَبْطَابَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ракетка (*теннис ўйинидаги қурол*)

– طَبْطَبَةٌ 1) жилдираш; 2) силаб-сийпаш (*отни*)

I طَبَعَ (*а*) طَبْعٌ 1) муҳр (*штемпель*) босмоқ, муҳрламоқ; ~ـــهُ بِطَابِعِهِ бирор нарсага муҳр босмоқ; 2) босмоқ; ~ الْقُمَاشَ мато босмоқ; ~ النَّقْدَ танга (пул) зарб этмоқ; 2) муҳрланиб қолмоқ; 4) татбиқ қилмоқ; 5) *мажх.* табиатан (*қандайдир сифатга эга*) бўлмоқ, табиатан (*н. гадир*) мойил бўлмоқ (عَلَى); طُبِعَ عَلَى الشَّرِّ *мажх.* табиатан ёмонликка мойил бўлмоқ; ~ جَرَّةً مِنَ الْفَخَّارِ лойдан кўза ясамоқ; II طَبَّعَ ўргатмоқ, машқ қилдирмоқ, отни минишга

ўргатмоқ, V تَطَبَّعَ ўзганинг феъл-атворини қабул қилмоқ; босилган нусха олмоқ; VII اِنْطَبَعَ 1) штемпелланган бўлмоқ; 2) босилган (таб этилган) бўлмоқ; بِطَابِعِهِ ~ кимнингдир феълини қабул қилмоқ (ўзлаштирмоқ); 3) муҳрланиб қолмоқ, (*қаердадир*) қолмоқ (فِي); 4) нусха олиб юрмоқ, нусхага эга бўлмоқ

– تَرَكَهُ ~ا لَدَى ... بِأَنْ ... ـات ـــ таассурот; кимдадир таассурот қолдирмоқ

– اَلْاِنْطِبَاعِيَّةُ импрессионизм (XIX *асрнинг 2- ярми ва* XX *аср бошлари адабиёти ва санъатидаги оқим*)

– طَابِعٌ узук

– طَابِعٌ[1] 1. босувчи; 2. 1) босувчи одам; 2) *кўп.* طَوَابِعُ муҳр, штемпель; 3) *кўп.* طَوَابِعُ босиб олинган нусха, қолдирилган из; ~ اَلْاَصَابِعِ бармоқларнинг изи, 4) *кўп.* طَوَابِعُ марка; اَلْبَرِيدِ ~ почта маркаси

– طَابِعٌ[2] феъл-атвор; ~ا مَشْؤُومًا اِرْتَدَى (اِتَّخَذَ) шум феъл - атворни қабул қилмоқ; ~ا آخَرَ اِتَّخَذَتِ الْقَضِيَّةُ иш бошқача бўлиб кетди

– طَبَّاعٌ босувчи (*босмахонадаги*)

– طَبَّاعٌ طِبَاعٌ (طَبْعٌ *дан*) *кўп.* феъл-атвор, хулқ, туғма хусусият; ~ُـهُ جَمِيلَةٌ унинг феъл-атвори ғоят гўзал

– طِبَاعَةٌ босиш, китоб босиш, босмачилик фаолияти; ~ اَلْحَجَرِ литография (тошбосма); آلَةُ الـــ~ الدَّوَّارَةِ ротацион (нусха кўпайтирувчи) босув машинаси

– طَبْعٌ[1] *кўп.* طِبَاعٌ табиат; табиий ҳолат; феъл-атвор; ~ُ الـــ حَادُّ қизиққон хулқли; ~ِـي بِالـــ табиий(ки), албатта; ~ا табиий, ўз-ўзидан маълум(*ки*); ~ا كَلَّا! албатта, йўқ!

– طَبْعٌ[2] 1) босиш, китоб босиш; ~ُ الـــ إِعَادَةُ қайтадан босиш; ~ُ الـــ تَحْتَ (босилиш жараёнида) турмоқ; ~ُ اَلْحَجَرِ литография (тошбосма); ~ُ اَلْحُرُوفِ босмахонада босиб чиқариш; ~ُ الـــ مُسَوَّدَةُ мусаҳҳиҳлик варағи (саҳифаси); ~ُ الـــ وَرَقُ босиш учун чиқарилган қоғоз; 2) муҳрланиб қолиш; 3) татбиқ қилиш, жорий қилиш; татбиқ (жорий) қилиниш

– طَبْعَةٌ *кўп.* طَبَعَاتٌ (*китобни*) нашр этиш; اَلثَّانِيَةُ ~ُ الـــ иккинчи нашр

– طَبِيعَةٌ *кўп.* طَبَائِعُ табиат; ~ُ الـــ عِلْمُ физика; ~ُ اَلْأَرْضِ عِلْمُ геофизика; ~ُ الـــ اَلْحَيَوِيَّةُ عِلْمُ биофизика; ~ُ الـــ مَا وَرَاءَ (بَعْدُ) عِلْمُ метафизика; ~ صَامِتَةٌ натюрморт; ~ِـي بِالْحَالِ табиийки, ўз-ўзидан маълумки; ~ُ الـــ فَوْقَ а) ғайритабиий; б) метафизик; 2) феъл-атвор; табиий хусусият (сифат); ~ُ الـــ اَلْبَشَرِيَّةُ инсон табиати; اَلطَّبَائِعُ اَلْأَرْبَعُ *тар.* (*инсон феъл-атворини белгиловчи*) тўрт унсур: اَلْحَرَارَةُ وَ الْبُرُودَةُ وَ الرُّطُوبَةُ وَ الْيُبُوسَةُ (*иссиқлик, совуқлик, намлик, қуруқлик*)

– طَبِيعِيٌّ 1. 1) табиий; нормадаги, нормал; ~ غَيْرُ ғайритабиий, ғайринормал; ~ـــةُ اَلْحَيَاةُ табиий (*нормал*) ҳаёт; اَلْعُلُومُ ~ـــةُ табиий фанлар; ~ـــةُ اَلْمَذْهَبُ الـــ натурализм; ~ أَنَّ ... табиийки, ...; 2) физикага оид, физик; ~ـــةُ اَلْجُغْرَافِيَّةُ табиий география; ~ـــةٌ شَخْصِيَّةٌ ёки ~ شَخْصٌ *юр.* хусусий (*физик*) шахс; 2. 1) физик (*олим*); 2) табиатшунос, натуралист; ~ـــ اَلتَّأْرِيخُ табиатшунослик дарслиги

– طَبِيعِيَّاتٌ *кўп.* 1) табиат ҳодисалари; 2) табиий фанлар; عُلَمَاءُ ~ـــ физик олимлар

– طَبِيعِيَّةٌ 1) табиийлик; 2) натурализм (XIX *аср ўрталарида пайдо бўлган адабиёт ва санъатдаги оқим*)

– مَطْبَعَةٌ = مَطْبَعٌ

– مَطْبَعْجِيٌّ *кўп.* مَطْبَعْجِيَّةٌ босмахонада босувчи уста

– مَطْبَعَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ матбаа машинаси, босув машинаси

– مَطْبَعَةٌ *кўп.* مَطَابِعُ босмахона, типография; ~ حَجَرِيَّةٌ литография (тошбосма)

– مَطْبَعِيٌّ босмахонага оид, типографик; ~ (خَطَأٌ) غَلَطٌ хато босилган (*сўз ёки бошқа нарса*), босмахона хатоси

– مَطْبُوعٌ 1. 1) босилган; 2) табиий, табиатан; ~ عَلَى الشَّرِّ табиатан ёмонликка мойил; 3) табиий, натурал; 4) табиатан иқтидорли, табиий иқтидор (талант) эгаси; ~ شَاعِرٌ туғма шоир; 5) табиатан гўзал, чиройли; 6) мато (газлама); ~ُ الْقُطْنُ اَلْـــ пахтадан тайёрланган мато; 2. бланк (*иш қоғози бланки*)

– مَطْبُوعَاتٌ *кўп.* босилиб чиққан асарлар, нашрлар; матбуот; ~ دَوْرِيَّةٌ вақтли матбуот (нашрлар); ~ قَانُونُ اَلْـــ матбуот ҳақида қонун; ~ قَلَمُ اَلْـــ пресбюро; ~ مُرَاقِبُ اَلْـــ цензор, матбуотда давлат сирлари чиқиб кетмаслигини назорат қилувчи шахс; ~ نَاظِرُ اَلْـــ матбуот ишлари бўйича нозир (инспектор)

– مَطْبُوعَةٌ (*китоб*) нашри

I (طبق) طَبَقَ (*у*) طَبْقٌ беркитмоқ; ўрамоқ; ўраб қўймоқ; ◊ ~ يَعْمَلُ (*бирор н.*) қилишни бошламоқ; طَبَقَ (а) طَبْقٌ 1) мос келмоқ, тўғри келмоқ; 2) ёпиқ бўлмоқ; II طَبَّقَ 1) ёпмоқ, тўсиб қўймоқ, (*бир-бирининг устига*) тахлаб қўймоқ; 2) ёпмоқ, беркитмоқ; ўрамоқ, ўраб қўймоқ; тахламоқ, букмоқ, букламоқ; 3) ҳар томонга тарқалиб кетмоқ, тарқамоқ, тарқалмоқ; اَلْآفَاقَ ذِكْرُهُمْ ~ улар машҳур бўлиб кетишди; صِيتُهُمُ الْخَافِقَيْنِ ~ уларнинг шуҳрати бутун оламга тарқалиб кетди; ~َتْ شُهْرَتُهُ اَلْآفَاقَ ёки ~َتْ شُهْرَتُهُ اَلْمَغَارِبَ وَ الْمَشَارِقَ унинг шуҳрати мағрибдан машриққача тарқалиб кетди; 4) татбиқ қилмоқ, мосламоқ; 5) (*отни*) тақаламоқ; III طَابَقَ ўхшамоқ, мос келмоқ; айнанликка эга бўлмоқ; 2) (*н. нидир н. биландир*) қиёслamоқ, солиштирмоқ (بَيْنَ وَ بَيْنَ); 3) жорий қилмоқ, татбиқ қилмоқ; мослаштирмоқ; IV أَطْبَقَ 1) беркитмоқ; ёпмоқ; ~ يَدَهُ عَلَى

... (*н. гадир*) қўл урмоқ, (*н. нидир*) қўл билан беркитмоқ, тўсмоқ; عَيْنَيْهِ إِطْبَاقَةَ الْأَبَدِ ~ ўлмоқ, вафот топмоқ, ҳаётдан кўз юммоқ; 2) (*қовоқларни*) юммоқ; 3) (*н. нингдир атрофида*) қаттиқ қисилиб турмоқ (حَوْلَ); 4) бошқаларнинг фикрига қўшилмоқ, (*н. дадир*) бошқалар билан якдил бўлмоқ (عَلَى); 5) (*мас., хийимни*) тахлаб (ўраб) қўймоқ; 6) *ҳарб.*(*к. нидир, н нидир*) қуршамоқ, ҳамма томондан ўраб (қуршаб) олмоқ (عَلَى); ◊ بَيْنَهُمْ صَمْتٌ ~ улар жимиб қолдилар; V تَطَبَّقَ 1) ичкаридан беркитиб олмоқ; 2) татбиқ этилмоқ; 3) бузилмоқ, емирилмоқ; الْبِنَاءُ ~ бино емирилиб тушди; VI تَطَابَقَ 1) ўхшаш (айнан) бўлмоқ; 2) мос келмоқ, бир-бирига ўхшамоқ; VII اِنْطَبَقَ 1) ичкаридан беркитиб олмоқ, яқинлашмоқ, юмилмоқ (*қовоқлар ҳақида*); 2) ясси бўлмоқ (*кўкрак ҳақида*); 3) мос келмоқ (*н. гадир*), айнан бўлмоқ; (*н, га дир*) ўхшаш бўлмоқ (عَلَى); 4) татбиқ этилмоқ; (*н. гадир*) мослашмоқ (عَلَى); 5) ёпиштирилган бўлмоқ, жипс қилиб қўйилмоқ; عَلَى الْجِسْمِ ~ жисмга ёпишиб турмоқ; 6) (*н. гадир*) татбиқ этилмоқ (عَلَى -*мақол ҳақида*)

– إِطْبَاقٌ 1) веляризация (*товушларнинг махсус равишда талаффуз этилиши*); حُرُوفُ الـ~ ط, ظ, ص, ض ҳарфлари билан ифодаланувчи товушлар; 2) *ҳарб.* қуршов, камал, ўраб олиш

– تَطَابُقٌ 1) мослик, мос келиш; 2) ўхшашлик, айнанлик

– تَطْبِيقٌ 1.) татбиқ этилиш, қўлланиш; ... بِالـ~ عَلَى шунга кўра, шунга мувофиқ ҳолда; ... لِـ~ ...дан келиб чиқиб, ...га мувофиқ равишда; 2) ўралиш; 3) амалиёт; 4) (*грамматик*) машқ; намознинг рукуъ қисмида икки қўлни тиззага тираб туриш

– تَطْبِيقَةٌ *кўп.* تَطَابِيقُ тақа

– تَطْبِيقِيٌّ 1) амалий; 2) татбиқий; الْفُنُونُ الـ~ـةُ татбиқий фанлар

– طَابَاقٌ *кўп.* طَوَابِيقُ ғишт

– طَابَاقَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ бир дона ғишт

– طَابِقٌ, طَبَقٌ *кўп.* طَوَابِقُ 1) қават; الـ~ُ الْأَرْضِيُّ биринчи қават; ~ خَادِمُ الـ йўлакда хизмат қилувчи ходим (*меҳмонхонада*); 2) қолқоқ; 3) (*мас., бахши атрофида ўтириб, унинг айтаётганларини*) тингловчи одамлар тўдаси; 4) *шахм.* ўйин; الـ~ُ الْهَادِئُ италянча ўйин (*giuoco piano*)

– طَابُوقٌ = طَابَاقٌ

– طَابُرَقَةٌ = طَابَاقَةٌ

– طَبَاقٌ тамаки

– طُبَّاقٌ = طَبَاقٌ

– طِبَاقٌ 1) мос келиш; 2) солиштириш, қиёслаш; 3) антитеза

– طَبَقٌ *кўп.* أَطْبَاقٌ طَائِرَةٌ 1) қолқоқ; 2) товоқ, талинка, патнус; أَطْبَاقٌ "учиб юрувчи талинкалар"; 3) ҳол, ҳолат, вазият

– طَبَقِيٌّ ёпиқ

– طِبْقٌ аслига тўғрилик, аслига мос келиш; الْأَصْلِ ~ а) аслига тўғри; б) аниқ нусха; الْمَرَامِ ~ маромида; шундай бўлиши лозим; ~ ... لـ ... билан келишилган ҳолда, ...га мувофиқ равишда

– طَبَقَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ طِبَاقٌ 1) қават, қатлам, пласт; عِلْمُ طَبَقَاتِ الْأَرْضِ стратиграфия (*геологиянинг геологик жисмлар шаклланишининг изчиллигини ва уларнинг дастлабки муносабатларини ўрганадиган бўлими*); الـ~ الطُّخْرُورِيَّةُ стратосфера (*Ер юзасидан 8-16 км. дан 45-55 км. баландликкача бўлган атмосфера қатлами*); الطَّبَقَاتُ الْعُلْيَا (السُّفْلَى) аҳолининг юқори (қуйи) табақалари; 2) қатор; *муз.* октава; 3) қават, 4) (*ордендаги*) даража; 5) разряд; 6) синф; الـ~ الْمُتَفَكِّرَةُ ~ الْعُمَّالُ ишчилар синфи; الـ~ ёки الـ~ الْمُتَعَلِّمَةُ маълумотли кишилар доираси, зиёлилар; الـ~ الدُّنْيَا оддий (авом) халқ; نِضَالُ الطَّبَقَاتِ синфий кураш

– طَبَقِيٌّ синфий; الـ~ الْمُجْتَمَعُ синфий жамият; ~ لَا синфсиз

– طَبَقِيَّةٌ синфийлик

– طَبِيقٌ мос, мувофиқ, тегишли

– مُطَابِقٌ мос, мувофиқ, (*н. гадир*) мувофиқ, ўхшаш; айнан; غَيْرُ ~ мос келмайдиган, ғайри мувофиқ; ўхшамайдиган

– مُطَابَقَةٌ 1) мос (мувофиқ) келиш; айнанлик; 2) [illegible] мувофиқлик; 3) симметрия; 4) аккомодация (*кўзнинг турли масофадаги нарсаларни аниқ-равшан кўришга мослашуви*); мат. конгуентлик (*бир фигуранинг бошқа бир фигура ҳаракати натижасида ҳосил қилиниши*)

– مُطَبَّقٌ *шунингдек:* ~ خُضَارٌ гўштли карам шўрва, гўшт билан пиширилган сабзавотлар

– مُطْبَقٌ 1) қопланган, ўралган, ёпилган; 2) *ҳарб.* ўраб олинган, қуршаб олинган; 3) *грам.* веляризацияланган; الْحُرُوفُ الـ~ـةُ веляризацияланган ундошлар (*қар.* إِطْبَاقٌ)

– مُطْبِقٌ[1] 1. тўла, мутлақо, бутунлай; ~ جُنُونٌ тўла (бутунлай) ақлдан озиш; ~ جَهْلٌ мутлақ жаҳолат; ~ سِجْنٌ зиндон; ~ صَمْتٌ мутлақ сукунат; 2. зиндон

– مُطْبِقٌ[2] حُمَّى الـ~ـةُ сурункали безгак

**I طَبَلَ** (*у*) طَبْلٌ ноғора (табл) чалмоқ; II طَبَّلَ ноғора чалмоқ; وَ ~ زَمَّرَ لِشَيْءٍ *кўч.м.* бирор нарса тўғрисида шов-шув кўтармоқ (овоза қилмоқ); طَبِّلْ لِي وَ أَنَا أُزَمِّرُ لَكَ *мкл. сўзма-сўз:* мени деб ноғора чал, сени деб сурнай чаламан; V تَطَبَّلَ қаппаймоқ (*қорин ҳақида*)

– طَبَّالٌ ноғорачи, таблчи

– طَبْلٌ *кўп.* أَطْبَالٌ, طُبُولٌ ноғора, табл; تَدُقُّ الطُّبُولُ ноғоралар чалинмоқда; 2) ноғора товуши

– طَبْلَةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ ноғора, табл; الْأُذُنِ ~ *анат.* қулоқ пардаси;

أُذُنَيْهِ ~ اخْتَرَقَ هَذَا الْحِوَارُ кутилмаганда шундай гапни эшитиб қолди

– طَبْلَةٌ[2] *кўп.* طُبَلٌ осма қулф

– طَبْلِيَّةٌ *кўп.* طَبَالِيُّ, اتٌ ـَـ 1) кичик пешхон, столча; 2) махсус тоғора, ёғочдан ясалган катта товоқ, патнус; *т.-й.* қайтиладиган айлана; 4) *архит.* абака (*устуннинг энг юқори шипга тегиб турадиган қисми*)

I (طبن) **طَبَنَ** (*u*) طَبْنٌ ўтни (оловни) кўммоқ, устини ёпмоқ; طَبَنَ (*a*) طَبَنٌ фаҳмламоқ, билмоқ, эпламоқ

– طَبَانٌ, طَبَّانٌ *кўп.* اتٌ ـَـ шина, покришка (*автомобилларда*)

– طَبَّانٌ билувчи, эплай олувчи

– طَبُونَةٌ *кўп.* طَوَابِينُ, اتٌ ـَـ 1) (*шаҳардаги*) ўчоқ; 2) новвойхона

طَبَنْجَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ тўппонча, револьвер

طُبُوغْرَافِيَّةٌ топография

طَبْيٌ, طِبْيٌ *кўп.* أَطْبَاءٌ елин, ҳайвон елини

مِطَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ *спорт.* диск

I **طَجَنَ** (*y*) طَجْنٌ қовурмоқ

– طَاجِنٌ *кўп.* طَوَاجِنُ 1) това; 2) кўза, тувак, сополдан ясалган тувак

I **طَحَّ** (*a/y*) طَحٌّ текисламоқ

– طَحَّانٌ текис ер

طَحْطَحَ синдирмоқ, синдириб майдаламоқ; бузмоқ, йўқ қилмоқ; تَطَحْطَحَ синиб қолмоқ

– طَحْطَحَةٌ синиш, парчаланиш

أَطْحَلُ *мн.* طَحْلَاءُ *кўп.* طُحْلٌ тўқ кулранг

– طُحَالٌ, طِحَالٌ *кўп.* اتٌ ـَـ *анат.* талоқ

– طُحَالٌ талоқ шамоллаши

– طِحَالِيٌّ талоққа оид

– طُحْلٌ чўкма, қуйқа, қолдиқ

طَحْلَبَ мох пайдо бўлмоқ, сув устини йўсин босмоқ; الْمَاءَ ~ сув устини йўсин босди

– طُحْلُبٌ, طِحْلِبٌ *кўп.* طَحَالِبُ мох, йўсин; сувдаги зангор рангли майда ўсимлик

– مُطَحْلَبٌ мох, йўсин билан қопланган; ~ـَـةٌ йўсин босган булоқ

I **طَحَنَ** (*a*) طَحْنٌ ун қилмоқ, майдаламоқ; ◊ ~ـَهُ الْأَيَّامُ вақт унинг саломатлигини адо қилди; VI تَطَاحَنَ ёвлашмоқ, жон-жаҳд билан муштлашмоқ, уришмоқ; VII انْطَحَنَ майдаланиб кетмоқ, талқон бўлиб кетмоқ

– تَطَاحُنٌ ўзаро ёвлик (душманлик); аёвсиз кураш; ўзаро бир-бирини қириб ташлаш

– طَاحِنٌ 1) майдаловчи; 2) қириб ташловчи; бераҳм, шафқатсиз; ~ـَـةٌ حَرْبٌ даҳшатли уруш

– طَاحَنَةٌ *кўп.* طَوَاحِنُ озиқ тиш

– طَاحُونٌ *кўп* طَوَاحِينُ тегирмон; ~ الْمُهِمُّ الْوُصُولُ إِلَى الـ *мтл.* энг муҳими-мақсадга эришмоқ

– طَاحُونَةٌ *кўп.* طَوَاحِينُ тегирмон; الْبُنِّ ~ қаҳва майдаловчи асбоб; الْمَاءِ ~ сув тегирмон; الرِّيَاحِ) الْهَوَاءِ ~ шамол тегирмон; ~ دُولَابُ الْمَاءِ сувда айланадиган ғилдирак, чархпалак; ~ـِهِ إِلَى الْمَاءَ حَمَلَ кимнингдир тегирмонига сув қуймоқ

– طَحَّانٌ тегирмончи

– طَحَانَةٌ тегирмончилик касби

– طَحْنٌ ун; ~ا أَسْمَعُ جَعْجَعَةً وَ لَا أَرَى *қар.* جَعْجَعَةٌ

– طَحِينٌ ун

– طَحِينَةٌ кунжут уруғининг тўпони, кунжут тўпони (қайласи)

– طَحِينِيٌّ 1) унли, ундан тайёрланган; 2) кунжут тўпонидан тайёрланган; ~ـَـةٌ حَلَاوَةٌ кунжут тўпонидан тайёрланган ҳолва

– طَاحُونٌ = مَطَاحِنُ *кўп.* مَطْحَنٌ

– مَطَاحِنُ *кўп.* مَطْحَنَةٌ 1) тегирмон; 2) завод

I (طحو) **طَحَوَ** (*y*) طَحْوٌ текисламоқ, силлиқламоқ

I **طَخَّ** (*a/y*) طَخٌّ 1) урмоқ; 2) ўқ отмоқ

طَبَقَةٌ *қар.* طُخْرُورِيٌّ

I **طَرَّ** (*a/y*) طَرٌّ, طُرُورٌ қайрамоқ, ўткирламоқ; 2) ўсмоқ, чиқмоқ, ёриб чиқмоқ (*ўсимлик ва соқол-мўйлов ҳақида*); 3) тўпламоқ, ҳайдамоқ (*подани*)

– طُرٌّ: ~ا бутунича, тўлалигича, битта ҳам қўймай

– طَرَّارٌ киссавур, чўнтаккесар

– طُرَّةٌ *кўп.* طُرَرٌ, طَرٌّ пешона; '2) зулф, гажак; 3) бош варақ (*китобнинг сарлавҳаси, номи ёзилган варақ*); 4) герб; монограмма (*кишининг исми, отасининг исми ва фамилиясининг бош ҳарфларидан безакли қилиб тузилган шартли белги*); танганинг орқа (тамғали) томони; 5) (*болалар ўйинида*) буклаб қўйилган рўмолча; 6) кийимнинг ҳошияси *ёки* жияги йўқ қирғоғи; ~ النَّهْرِ дарё қирғоғи; 7) пешонадан қўйилган соч

– طَرِيرٌ эндигина чиқа бошлаган мўйлов; ~ شَابٌّ мўйлови эндигина чиқа бошлаган йигит

طَرَابِيزُونٌ 1) кўприк ва зинапоя ёнларига ўрнатилган ёғоч суянчиқ (панжара); 2) безакли панжара

– طَرَابِيزَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ пешхон, стол

I **طَرَأَ** (*a*) طُرُوءٌ, طَرْءٌ ҳайрон қолдирмоқ; кутилмаганда бўлиб ўтмоқ, бостириб келмоқ; (*к. нингдир олдига*) келмоқ (عَلَى), (*к. нингдир бошига бирор*) иш тушмоқ (عَلَى); IV أَطْرَأَ (*к. нидир*) мақтамоқ (عَلَى)

– طَارِئٌ 1. кутилмаган, тўсатдан воқе бўлган; тассодифий;

фавқулодда; ~ الدَّوْرَةُ الـــ اجْتِمَاعٌ шошилинч мажлис; الْأَحْوَالُ الـــةُ خَبَرٌ шошилинч ахборот; фавқулодда сессия; ~ الْمَصَارِيفُ الـــةُ 1. кутилмаган (кўзда тутилмаган) сарфлар; 2. бахтсиз ҳодиса, الْعَمَلِ ~ ишхонада юз берган бахтсиз ҳодиса

– طَارِئَةٌ 1. *мн.* طَارِئٌ *сўзидан* 1; 2. *кўп.* طَوَارِئُ, ـــ اتٌ 1) кутилмаганлик, назарда тутилмаган тасодиф (ҳодиса); 2) фалокат, бахтсизлик; طَوَارِئُ جَوِّيَّةٌ стихияли атмосфера ҳодисалари; حَالَةُ الطَّوَارِئِ фавқулодда ҳолат; قَانُونُ الطَّوَارِئِ фавқулодда қонун

– طُرْآنِيٌّ 1) авлод-аждоди номаълум, ёввойи; 2) қўпол; адабсиз; андишасиз

– طَرَاءَةٌ янгилик (*қар.* طرو)

– طَرِيءٌ янги

I طَرِبَ (*а*) طَرَبٌ жонланмоқ; ҳаяжонга келмоқ, (*бирор н. дан*) таъсирланмоқ; завқ-шавқ олмоқ, хурсанд бўлмоқ; طَرَّبَ 1) таъсир қилмоқ; хурсанд қилмоқ, қойил қолдирмоқ, завқ бермоқ (*музика, қўшиқ ҳақида*); 2) ашула (қўшиқ) айтмоқ; IV أَطْرَبَ = II; VII انْطَرَبَ завқланган бўлмоқ

– طَرَبٌ 1) завқланиш, ҳаяжонланиш; хурсандлик, шодлик; 2) музика; آلَةُ الـــ ~ музика асбоби

– طَرِبٌ завқ олган, хурсанд бўлган

– طُرْبَةٌ тўрва, қоп

– طُرْبِيٌّ қоравул (*қабристондаги*)

– طَرُوبٌ ғайратли, хушчақчақ; النَّفْسِ ~ хурсанд; завқ-шавқдаги

– مِطْرَابٌ ҳаяжонга келтирувчи, тўлқинлантирувчи

– مُطْرِبٌ 1. завқ берувчи, ҳаяжонлантирувчи, хурсанд қилувчи; 2. 1) қўшиқчи, ашулачи; 2) музикачи, музикант

تَطَرْبَشَ (طربش) тарбуш (ҳожидўппи) киймоқ;

– طَرَابِيشِيٌّ *кўп.* طَرَابِيشِيَّةٌ тарбуш сотувчи, ҳожидўппи сотувчи

– طَرْبُوشٌ *кўп.* طَرَابِيشُ 1) тарбуш; 2) тиш қопламаси

– مُطَرْبِشٌ тарбуш кийиб юрувчи киши

طَرْبَقَ 1) йиқитиб (ағдариб) юбормоқ; 2) вайрон қилмоқ

– طَرْبَقَةٌ 1) йиқитиб (ағдариб) юбориш; 2) вайрон қилиш, синдириш

طَرْبَالٌ *кўп.* طَرَابِيلُ 1) кўзга дангал ташланиб турувчи катта нарса; (*бирор н.*) турган жойни, йўналишни кўрсатувчи белги (*нишон*); 2) катта бино

طُرْبِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ торпеда; ~ سَفِينَةُ الـــ миноносец (*кема*)

طُرْبِيلٌ *кўп.* اتٌ ـــ торпеда

طَرْجَهَالَةٌ *ёки* طَرْحَبَارَةٌ кичкина пиёла

I طَرَحَ (*а*) طَرْحٌ итқитмоқ, отиб юбормоқ; (*бирор н. ни*) ташлаб юбормоқ (ب);(*қавердандир*) отиб юбормоқ, итқитиб юбормоқ (عَنْ); الْمَسْؤُولِيَّةُ عَنْ عَاتِقِهِ ~ ўз устидан масъулиятни соқит қилмоқ; الثَّوْبَ (*к. нигдир устига*) кийим ташламоқ (عَلَى); جَانِبًا ~ (*бирор томонга*) отиб юбормоқ; لِلْمُنَاقَصَةِ تَوْرِيدَهُ ~ бирор нарсани савдога қўйишни бошқага топширмоқ; 2) қўймоқ; баён қилмоқ, (*к. гадир*) тушунтирмоқ (عَلَى); ... مُهِمَّةً فِي ~ (*қандайдир*) масалани қўймоқ; الْمَسْأَلَةَ لِلْاقْتِرَاعِ ~ *ёки* الْمَسْأَلَةَ لِأَخْذِ الرَّأْيِ عَلَيْهَا ~ масалани овозга қўймоқ; 3) (*к. дандир савол*) сўрамоқ (عَلَى); 4) (*н. дандир*) олмоқ, айирмоқ (مِنْ); *мат.* айириш амалини бажармоқ; 5) вақтидан олдин туғмоқ, (*бола*) ташламоқ; 6) *шахм.* юриш қилмоқ; II طَرَّحَ 1) чойшаб билан ёпмоқ, ёпинчиқ билан ёпмоқ; 2) вақтидан олдин туғишни ташкил қилмоқ; III طَارَحَ савол-жавоб қилишмоқ, (*бир-бирига*) савол бермоқ; (الْحُبَّ) الْغَرَامَ ~ ўзганинг муҳаббатига муҳаббат билан жавоб бермоқ, бир-бирини севмоқ; الْكَلَامَ ~ ـــهُ ким биландир мусоҳабада бўлмоқ, гап отишмоқ; IV أَطْرَحَ ташламоқ, итқитиб ташламоқ; V تَطَرَّحَ чойшаб (ёпинчиқ) билан ўралиб олмоқ; VI تَطَارَحَ бир-бирига отмоқ, отишмоқ, итқитмоқ, итқитишмоқ; бир-бирига (*гап*) отмоқ; أَطْرَافَ الْحَدِيثِ ~ *маж.* суҳбатлашмоқ, сўзлашиб турмоқ; VII انْطَرَحَ 1) чўзилмоқ; ётмоқ; 2) йиқилмоқ, қуламоқ; (*н. гадир*) ташланмоқ (عَلَى); أَرْضًا ~ ерга ташланмоқ; 3) ҳурматли бўлмоқ; 4) берилган бўлмоқ (*мас., савол*); VIII اطَّرَحَ 1) ташланмоқ, итқитмоқ; 2) рад қилмоқ

– أُطْرُوحَةٌ *кўп.* أَطَارِيحُ 1) тезис; 2) тадқиқот, диссертация

– طَرَّاحٌ қўрпа тайёрловчи уста

– طَرَّاحَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ, طَرَارِيحُ қўрпа

– طَرْحٌ 1) ташлаш; итқитиш, итқитиб юбориш; 2) айириш, олиб ташлаш; 3) вақтидан олдин туғиш, бола тошлаш; 4) *халқ.* мевалар; 5) *кўп.* أَطْرَاحٌ *шахм.* а) юриш; б) ўйин (*Тунисда*); الـــ ~ الْإِيطَالِيُّ италянча ўйин; الـــ ~ الْإِسْبَانِيُّ испанча ўйин; ◊ الْبَحْرِ ~ суви қочган ер; чўкинди тупроқ

– طَرِحٌ вақтидан эрта ўлик туғилган бола

– طَرْحَةٌ *кўп.* طُرَحٌ 1) ёпинчиқ; чиммат; عَقَدَتْ ~ ـــهَا у (аёл) ўз ёпинчиғининг учини тугиб қўйди (*ёрдам сўраш ниятида шундай қилинади ва бирор киши ёрдам кўрсатмоқчи бўлса, у ўша тугунни ечиб қўяди*); 2) идиш, тара

– طَرْحِيَّةٌ :*кўп.* طَرَاحِيُّ *халқ.* қоғоз варағи

– طَرِيحٌ *кўп.* طَرْحَى 1) ташланган; 2) ётган; الْفِرَاشِ ~ кўрпага ётиб олган (*касал*)

– طَرِيحَةٌ: ~ بِالـــ соатбай; ишбай

– مَطْرَحٌ *кўп.* مَطَارِحُ 1) ўрин, жой; 2) кўрпа (*Шимолий Африкада*)

– مَطْرُوحٌ *1. 1)* ташландиқ; 2) айириб (чиқариб) ташланган; 2. *мат.* айириш; مِنْهُ ~ камаювчи (*сон*)

طَرْخُونٌ *бот* тархун (*кўпйиллик ўт, эрманнинг бир тури*)

I طَرَدَ (*у*) طَرْدٌ чиқармоқ, йўқотмоқ, ҳайдаб чиқармоқ; ~ هُ مِنَ الْخِدْمَةِ ишдан бўшатмоқ; يَطْرُدُ الْقَمْحُ السَّنَابِلَ буғдой бош чиқармоқда; II طَرَّدَ ҳайдаб юбормоқ, қувғин қилмоқ; III طَارَدَ қувмоқ, орқасидан қувиб бормоқ; ҳужум қилмоқ; IV أَطْرَدَ юртидан бадарға қилмоқ; VII اِنْطَرَدَ қувғин бўлмоқ, қувғин қилинмоқ; VIII اطَّرَدَ доимий бўлмоқ, изчил бўлмоқ; X اسْتَطْرَدَ 1) (*н. нидир*) давом эттирмоқ (فِي); (*н. дандир* مِنْ *н. гадир*) ўтмоқ (إِلَى); 2) (*н. гадир*) киришмоқ, бошламоқ (إِلَى); (*адабий асарда*) мавзудан чекинмоқ, четга чиқмоқ

– اسْتِطْرَادٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) (*мавзудан*) четга чиқиш, чекиниш; 2) сергаплик, эзмалик, мағиқлик

– اطِّرَادٌ доимийлик; изчиллик; ~ـــ доимо, сўзсиз

– طَارِدٌ ҳайдаб (қувиб) юборувчи; ~ـــةُ الْقُوَّةُ الْمَرْكَزِيَّةُ *физ.* марказдан қочма куч

– طِرَادٌ 1) қувиш, отлиқ ҳужум

– طَرَّادٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ крейсер

– طِرَادٌ[2] тўғон

– طَرَّادَةٌ = طَرَّادٌ[1]

– طَرْدٌ[1] қувғин қилиш, ҳайдаш; қувиш; عَكْسًا وَ ~ًا ҳам энига, ҳам бўйига, ипидан игнасигача; тўғрисига ва тескарисига

– طَرْدٌ[2] *кўп.* طُرُودٌ 1) тугун, ўралган нарса; 2) *шунингдек:* ~ بَرِيدِيٌّ (*почта орқали юборилган*) жўнатма, посилка; 3) нарса, буюм, ашё (*юк, багаж ҳақида*)

– طَرْدِيٌّ тўғри; ~ التَّنَاسُبُ الـــ тўғри пропорционаллик

– طَرِيدٌ 1. қувғин қилинган; 2. қувғинди; қочқин; ◊ اللَّيْلُ وَالـــانِ *ик.с.* кун ва тун

– طَرِيدَةٌ қувиб борилаётган ов (сайд)

– مُطَارَدَةٌ қувиш; қувиш мусобақаси; ~ طَائِرَةُ الـــ *ҳарб.* қирувчи самолёт

– مُطَارَدَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ *ҳарб.* қирувчи самолёт

– مُطَّرِدٌ 1) узлуксиз, доимий; изчил; التَّسَقِ ~ бир хил кўринишдаги; النَّغَمِ ~ бир хил овозли; ҳамиша бир хил; зерикарли; 2) ҳеч қандай гап-сўзсиз; 3) умумий; ~ةٌ قَاعِدَةٌ умумий қоида

(طرز) طَرَّزَ кашта тикмоқ; безатмоқ

– تَطْرِيزٌ кашта тикиш, кашта; безак

– طِرَازٌ[1] *кўп.* طُرُزٌ, أَطْرِزَةٌ 1) намуна, марка, тип, система (*машина ҳақида*); أَوَّلِيٌّ ~ прототип (*бадиий асардаги образ учун асос бўлган ҳаётдаги реал шахс*); ~ أَحْدَثُ عَلَى сўнгги нусха асосида; 2) мода, нусха; حَدِيثٌ ~ مِنْ янги (сўнгги) нусхадаги (мададаги); قَدِيمٌ ~ مِنْ эски нусхадаги (мададаги); 3) *архит.* услуб, стил; 4) кийим этикеткаси

– طِرَازٌ[2] = طِرْزٌ

– طِرَازَةٌ каштачилик (*касби*)

– طَرْزٌ *кўп.* طُرُوزٌ 1) тарз, усул; 2) намуна, нусха, марка, тип, система (*машиналар ҳақида*); 2) модель

– طِرْزٌ ташқи қиёфа, тарз

– مُطَرِّزٌ каштачи, кашта тикувчи (*эркак*)

I طَرَسَ (*и*) طَرْسٌ ювмоқ; кетказмоқ

– طِرْسٌ *кўп.* طُرُوسٌ варақ; саҳифа; ўчириб яна битилган ёзув

(طرش) طَرِشَ (*а*) طَرَشٌ кар бўлмоқ, эшитолмайдиган бўлмоқ; طَرَشَ (*у*) طَرْشٌ (*овқатни*) қайт қилмоқ; ◊ بِالْجَرِيرِ ~ (*деворни*) оқламоқ; II طَرَّشَ 1) кар қилмоқ; 2) қусқи келтириб чиқармоқ; VI تَطَارَشَ ўзини кар қилиб кўрсатмоқ, карман деб алдамоқ

– أَطْرَشُ *мн.* طُرْشَاءُ, طُرْشٌ *кўп.* طُرْشَانٌ кар; أَسَكُّ ~ мутлақо кар

– طُرَاشٌ, طُرْشٌ карлик, эшитмаслик

– طُرْشَجِيٌّ *кўп.* طُرْشَجِيَّةٌ тузланган бодринг ва тузланган нарсалар билан савдо қилувчи киши

– طُرَاشَةٌ = طُرَاشٌ

– طَرُوشٌ *кўп.* طُرُوشٌ уй ҳайвони, уйда боқиладиган ҳайвон

– طُرْشِيٌّ тузланган бодринглар; тузланган нарсалар; маринад

– مُطَرِّشٌ қусқи келтирадиган, кўнгил айнитадиган

طَرْشَقَ синмоқ, ёрилмоқ, дарз кетмоқ

طَرْطَبَ эчкини соғиш учун чақирмоқ

– طُرْطُبٌ елиннинг соғиладиган узунчоқ қисми

طَرْطَرَ 1) мақтанмоқ, кеккаймоқ; ўзини катта (такаббуроча) тутмоқ; 2) (*бирор н. нинг*) тепасида (устида) турмоқ

– طُرْطُرٌ *зоол.* қурт

طَرْطَرَةٌ 1) мақтанчоқлик; 2) юксак мавқе; يُحِبُّ الـــ وَ لَوْ عَلَى خَازُوقٍ *мкл.* қозиқ устида бўлса-да, баланд мавқени эгаллашни истайди

– طَرْطَرِيكٌ: ~ حَامِضُ табиий вино ачитқиси (кислотаси)

– طَرْطُورٌ *кўп.* طَرَاطِيرُ 1) узун қалпоқ; қалпоқ; капюшон (*устки кийим ёқасига бириктириб тикиладиган қайтарма қалпоқ*); 2) баланд бўйли одам, найнов; 3) *кўч.м.* япалоққуш; 4) статист (*саҳнада иштирок этса-да, сўзлаши лозим бўлмаган актёр*). асли бошқа одам бўлган (*ўзини бошқа одам деб кўрсатадиган*) киши; манекен, қўғирчоқ, тулум (*терисига сомон тиқиб қўйилган ҳайвон ёки қуш*); дала (полиз) қўриқчиси

– طَرْطِيرٌ а) узум виноси сақланадиган бочка деворларига ўрнашиб қолган қуйқум; б) тишларда пайдо бўладиган тош; ~ مِلْحُ الـــ тишдаги тош; вино қуйқаси, тишдаги тош

– طَرْطِرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ моторроллер (*Сурияда*)

طَرْطَشَ 1) (*сувни*) сочмоқ, сачратмоқ; тўкиб юбормоқ; الْحَائِطَ ~ нотекис (*қўпол*) сувамоқ

– طَرْشَشَةٌ 1) сочилиш, сачраш; тўкилиш, чайқалиш (*сув ҳақида*); 2) сочилган томчилар

طَرْطُوفَةٌ *кўп.* طَرَاطِيفُ 1) (*бирор н. нинг*) учи; مَشَى عَلَى طَرَاطِيفِ أَصَابِعِهِ оёқ учида юрмоқ; 2) *бот.* артишок (*ўтсимон полиз ўсимлиги*)

طَرْطَقَ 1) андак кўтармоқ, кўтариб қўймоқ, (*қулоқни*) динг қилмоқ; 2) ғижирламоқ, тақилламоқ; қоқмоқ (*мас., эшикни*)

I (طرف) **طَرَفَ** (*и*) طَرْفٌ 1) зарар (зиён) келтирмоқ, шикастламоқ, (*кўзни*) яраламоқ; 2) (*кўзни*) пирпиратмоқ, қисмоқ; قَبْلَ أَنْ تُطْرَفَ الْعَيْنُ жуда тез, зудлик билан, кўз юмиб-очгунча; جُنُودٌ لَا يَطْرِفُ لَهُمْ عَيْنٌ *маж.* солдатлар қотиб (*"смирно" ҳолатида*) турибдилар; طَرُفَ (*и*) طَرَافَةً 1) янги бўлмоқ; 2) қизиқ (қизиқарли) бўлмоқ; II طَرَّفَ 1) (*бирор н. нинг*) охирига (четига) қўймоқ; 2) бармоқ учларини бўямоқ; الْأَظَافِرَ ~ маникюр қилмоқ; IV أَطْرَفَ 1) бирор янги нарсани айтиб бермоқ; (*ҳикоя билан*) вақтни банд қилмоқ; 2) (*бирор н. ни*) совға қилмоқ (بِ); V تَطَرَّفَ 1) имконият чегарасига етмоқ, (*бирор н. да*) чегарани билмаслик, чегарадан чиқиб кетмоқ (فِي); 2) қатъий эътиқодли бўлмоқ; X اسْتَطْرَفَ янги (*қизиқарли*) деб ҳисобламоқ

– أُطْرُوفَةٌ *кўп.* أَطَارِيفُ ажойиб (қизиқ) воқеа (ҳодиса), ўткир фикр, закий сўз

– تَطَرُّفٌ меъёрни билмаслик; кескинлик; экстремизм; сўллик

– طَارِفٌ 1. янги: оригинал; 2. яқинда олинган (*н.*); الثَّلَاثَ وَ الـ~ *қар.* ثَلَاثٌ

– طَرَافَةٌ янгилик, оригиналлик; қизиқарлилик

– طَرْفٌ янгилик, янги пайдо бўлган нарса

– طَرْفٌ *кўп.* أَطْرَافٌ 1) қараш, назар; كَارْتِدَادِ الـ~ кўз юмиб очгунча; ~ خَفِيٌّ яширин, хуфёна, ҳеч кимга билдирмай; عَلَانِيَةً ~ ёки أَوْ ~ مِنْ خَفِيٍّ очиқ ёки яширин, رَمَى بِـ~ـهِ فِيمَا حَوْلَهُ ўз атрофига назар ташламоқ; 2) кўз; 3) интиҳо, чет; (*бирор н. нинг*) учи; عَلَى لِسَانِهِ ~ *кўч.м.* тил учида

– طَرَفٌ *кўп.* أَطْرَافٌ 1) интиҳо, чет; (*бирор н. нинг*) учи; خَرَجَ عَلَى أَطْرَافِ أَصَابِعِهِ (*қаердандир*) оёқ учида чиқмоқ (مِنْ); مَيْدَانُ الـ~ الْأَغَرِّ (*Лондондаги*) Трафалгар майдони; 2) энг четдаги жой (пункт) 3) чет; أَطْرَافُ الْمَدِينَةِ шаҳар четлари (атрофлари); أَطْرَافُ الْبِلَادِ периферия (*мамлакатнинг марказдан йироқ бўлган жойлари*); 4) ён тараф, томон; الـ~ الْآخَرُ ёки الـ~ الثَّانِي *юр.*(*судланувчи*) қарши томон; ~ وَحِيدُ الـ~ бир томонли; مُتَعَدِّدُ الْأَطْرَافِ кўп томонли; ~ مِنْ мен томондан, мендан; فُلَانٌ لِي بِـ~ـهِ фалончи мендан қарздор; الطَّرَفَانِ الْمُتَعَاقِدَانِ шартнома тузувчи томонлар; طَرَفَا نَقِيضٍ муомила битими тузувчи томонлар, икки қарама-қарши томон; طَرَفَا النَّهَارِ эрта ва оқшом; مُتَرَامِي الْأَطْرَافِ кенг, катта, бепоён, улкан; أَخْلَى ~ـهُ а) кимнидир қўйиб юбормоқ, озод қилмоқ, оқлаб юбормоқ; б) кимнидир ишдан бўшатмоқ; أَخَذَ بِأَطْرَافِ الْحَدِيثِ تَجَاذَبَ (جَاذَبَ) أَطْرَافَ الْحَدِيثِ ёки суҳбат олиб бормоқ, (*вақтни*) чўзмоқ, суҳбатлашмоқ; ~ مِنْ قَبْلِ ... *грам. мажҳул нисбатдаги феълларда иш ҳаракатини бажарувчи шахсни кўрсатиш учун ишлатилади;* 5) *анат.* оёқ; أَطْرَافُ الْبَدَنِ оёқлар; أَطْرَافٌ صِنَاعِيَّةٌ сунъий оёқлар, протез; حَدِّثْنِي عَمَّا وَقَعَ لَهُ ~ـًا бошидан ўтган айрим нарсаларни менга гапириб берди

– طَرْفٌ асл наслли от

– طَرْفَاءُ *бот.* юлғун

– طَرْفَةٌ 1) лаҳза, зум, он; ~ عَيْنٍ кўз очиб юмгунча; 2) зарба таъсирида кўзда пайдо бўладиган қизиллик; ◊ ~ الـ شَجَرَةُ *бот.* юлғун

– طُرْفَةٌ *кўп.* طُرَفٌ янгилик; камёб нарса; 2) совға, туҳфа; 3) зарофат билан айтилган сўз, ўткир сўз

– طَرِيفٌ 1) янги; оригинал; 2) қизиқ, ғалати, ажойиб; турфа; مِنْ ~ أَنَّ ... шуниси қизиққи, ...; 3) *дин.* (*яҳудийларда*) ҳаром деб ҳисобланган нарсалар

– طَرَائِفُ طَرِينَةٌ *кўп.* камёб нарса, нодир нарса, раритет

– مُتَطَرِّفٌ 1) ўтиш чегараси; 2) ғоят, энг, жуда; энг сўл эътиқод эгаси, экстремист

– مِطْرَفٌ, مُطْرَفٌ *кўп.* مَطَارِفُ елпинчиқ, тиззани беркитиб турадиган қапин жун рўмол

– مُطَرِّفٌ тирноқларини парвариш қилиб юрувчи

I طَرَقَ (*у*) طَرْقٌ 1) тақиллатмоқ; зарба бермоқ, урмоқ, уриб туширмоқ; болға билан синдирмоқ; 2) (*темирни*) болғаламоқ; 3) йўл чиқармоқ; 4) юрмоқ, (*қаергадир*) кирмоқ, 5) тунда келмоқ; ◊ ~ بِالْبَالِ ақлини топиб олмоқ; ~ هَذَا آذَانَكُمْ؟ сиз бу ҳақда эшитганмидингиз?; ~ سَمْعُهُ эшитмоқ; ~ الطَّرِيقَ (*бирор н.*) йўлига кирмоқ; ~ مَوْضُوعًا мавзуни гилга олмоқ; II طَرَّقَ (*темирни*) болғаламоқ; IV أَطْرَقَ 1) ерга қарамоқ, кўзни ерга қаратмоқ; ~ رَأْسَهُ ёки بِرَأْسِهِ бошни эгмоқ, бошни ерга энгаштирмоқ; 2) жим бўлмоқ; V تَطَرَّقَ 1) йўлни топмоқ; йўл топиб кирмоқ, (*қаергадир*) яшириниб кирмоқ (إِلَى); لَا يَتَطَرَّقُ إِلَيْهِ الشَّكُّ бу шубҳасиздир, бу ерда шубҳага ўрин йўқ; 2) айрилмоқ (*йўл ҳақида*) (مِنْ); 3) йўл-йўлакай (*н. тўғрисидадир*) гапирмоқ, (*бирор н. га*) тил тегизиб ўтмоқ (إِلَى); فِي الْحَدِيثِ ~ гаплашишга тушиб кетмоқ; إِلَى الْكَلَامِ ~ ... (*фалон н.*) ҳақида гаплашишга ўтмоқ; إِلَيْهِ الْخَطَبُ ~ у ҳалок бўлди, VII انْطَرَقَ болғаланган бўлмоқ, болғаланмоқ; X اسْتَطْرَقَ 1) яшириниб кирмоқ, ичкарига кирмоқ, (*қаергадир*) келмоқ (إِلَى); 2) (*қаергадир*) олиб бормоқ (إِلَى *йўл ҳақида*)

– طَرَاقٌ *болғаланганлик*

– طَارِقٌ *кўп.* طُرَّاقٌ 1. тақиллатувчи; 2. 1) кеч келувчи, кеч ташриф буюрувчи; тунги меҳмон; 2) милтиқ затворининг ўққа уриладиган қисми; 3) тонг юлдузи

– طَارِقَةٌ *кўп.* طَوَارِقُ *бахтсизлик, бало-офат*

– طَرَاقٌ *кўп.* طُرُقٌ *патак*

– طَرَقَ[1] 1) тақиллатиш; 2) болғалаш; 3) тош ёрдамида фол очиш

– طَرْقٌ[2] *туя ахлати билан ифлосланган ёмғир суви*

– طَرْقَةٌ *кўп.* طَرَقَاتٌ 1) зарба; тақиллаш; 2) марта; ~ أَو طَرْقَتَيْنِ *бир ёки икки марта*

– طُرْقَةٌ *кўп.* طُرُقَاتٌ, طُرَقٌ 1) йўлак, ўтиш жойи; 2) кўча

– طُرُقِيٌّ *диний тариқат аъзоси, бирор тариқатга мансуб киши*

– طَرُوقٌ *болғаланган*

– طَرِيقٌ *мз., мн.кўп.* طُرُقٌ, طُرُقَاتٌ 1) йўл, кўча; عُمُومِيَّةٌ ~ катта йўл; مَسْدُودٌ ~ боши берк кўча; طُرُقُ الْمُوَاصَلَاتِ алоқа йўллари; конммуникация; ~ الْبَرِّ қуруқликдаги йўл орқали; ~ الْجَوِّ ҳаво йўли орқали; ~ عَنْ (مِنْ) орқали, йўли билан, воситасида; عَنْ ~ الْإِسْكَنْدَرِيَّةِ (مِنْ) Искандария (Александрия) ш. орқали; عَنْ ~ التَّأْمِيمِ матбуот воситасида; عَنْ ~ миллийлаштириш йўли билан (*орқали*); عَنْ ~ الْعُنْفِ وَ التَّعَسُّفِ зулм ва истибдод билан; عَنْ ~ الْقُوَّةِ куч йўли билан; ~ اللَّبَنِيَّةُ Сомон йўли; قَاطِعُ الطُّرُقِ йўлтўсар, қароқчи; ~ ابْنُ ўғри; ~ عَابِرُ мусофир; ўткинчи; إِنَّهُ ~ أَخَذَ الْوَحِيدُوَ لَا ~ غَيْرَهُ! *бу ягона йўл, бошқа йўл йўқ!; (қаергадир)* жўнамоқ (إِلَى); 2) усул, метод; بِالطُّرُقِ السِّلْمِيَّةِ *тинч йўл билан*

– طَرِيقَةٌ *кўп.* طَرَائِقُ 1) йўл; 2) усул, метод, восита; ~ الْإِسْتِعْمَالِ истеъмол қилиш усули (йўли); ~ الْمُسْتَقِيمَةُ (*ўқитишнинг*) тўғри йўли (усули); ~ الْعَشَرِيَّةُ (الْهِجَائِيَّةُ) *мат.* ўнлик система;~ الْوَصْفِيَّةُ الْجَبْرِيَّةُ *шахм.* алгабраик (алифболи) ёзув (*нотация*); ~ *шахм.* баёний ёзув (нотация); "اخْدِمْ نَفْسَكَ بِنَفْسِكَ" ~ ўз-ўзига хизмат қилиш усули; اعْلَمْهُ بِـ~ أَوْ بِأُخْرَى! буни қандай йўл билан бўлса ҳам билиб ол!; 3) диний таълимот, тариқат; الطَّرَائِقُ الصُّوفِيَّةُ суфийлик тариқати; طَرَائِقُ الْقَوْمِ элнинг обрўли одамлари

– مُطْرِقٌ *сукут қилувчи; сукут сақловчи*

– مِطْرَقَةٌ, مِطْرَقٌ *кўп.* مَطَارِقُ *болғача, болға; ёғоч тўқмоқ; шақилдоқ; анат.* қулоқ болғачаси; الْـ~ وَ الْمِنْجَلُ ўроқ ва болға; كَانَ بَيْنَ الْـ~ وَ السِّنْدَانِ *ўт билан сув ўртасида қолмоқ (сўзма-сўз: болға билан сандон ўртасида бўлмоқ)*

– مَطْرُوقٌ 1) болғаланган; 2) юрилган, юриб очиб қўйилган, юриб текисланган (*йўл ҳақида*): 3) энди эскириб қолган; қўлланиб бўлинган (*усул. метод ҳақида*); 4) тентакнамо, ўз ақли бўлмаган, *ақлдан бегона*

– مَطْرُوقَاتٌ *кўп.* прокат (*метал ҳақида*); ~ الْـ مَصْنَعُ прокат заводи

– مَطْرُوقِيَّةٌ *болғаланганлик*

– طَرْقَعَ 1) қарсиллатмоқ (қамчинни); уриб қўймоқ, тапиллатмоқ, шапиллатмоқ; (*юрганда*) пошнани тақиллатмоқ; 2) гумбурламоқ, тарақламоқ; 3) (*тишларни*) ғижирлатмоқ

– طَرْقَعَةٌ қарсиллатиш, уриб қўйиш; пошна тақиллатиш; 2) визиллаш (*ўқлар ҳақида*); 3) ғижирлаш

(طرم) طَرَّمَ тишни олиб ташламоқ; V تَطَرَّمَ олиб ташланмоқ, суғуриб олиб ташланмоқ

– طَارِمَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ, طَوَارِمُ 1) шийпонча; 2) будка; 3) каюта (*кемада*)

طَرْمَذَ *кеккаймоқ, мақтанмоқ*

– طَرْمَذَةٌ *кеккайиш, мақтаниш*

– طَرْمَاذٌ *мақтанчоқ*

– طُرُمْبَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) насос, помпа; 2) шприц

طُرْمُوسٌ *чўғга кўмиб пиширилган нон*

I (طرو) طَرُوَ (*у*) طَرَاوَةٌ 1) янги бўлмоқ, ширадор бўлмоқ, серсув бўлмоқ; 2) юмшоқ (мулойим) бўлмоқ; طَرِيَ (*а*) وَ طَرُوَ; طَرَّى 1) янгиламоқ, (*мева ва б.н.ларга*) ширадорлик (бикрлик) бермоқ; 2) ҳўлламоқ, сувламоқ; 3) юмшоқ (мулойим) қилмоқ; юмшатмоқ; IV أَطْرَى мақтамоқ, кўкка кўтармоқ; юксакка кўтармоқ; V تَطَرَّى мулойимлашган бўлмоқ

– إِطْرَاءٌ *кўкка кўтариб мақташ; мақтов*

– إِطْرِيَّةٌ *вермишель*

– طَرَاوَةٌ *ёки* طَرَاءَةٌ 1) мулойимлик; юмшоқлик; тароват; ~ الْإِهَابِ ёшлик; 2) тароватли, салқин (*ҳаво, жой*); 3) намлик

– طَرِيٌّ 1) мулойим; юмшоқ; 2) тароватли, салқин; нам

طُزّ *ёки* طُظّ *халқ.* туф!; бемаъни гап!; ифлос!; ёлғон!; шайтон олсин! (*назар-писанд қилмаслик, масхаралаш, таҳқирлаш ва б. ларни ифодалаш учун ишлатиладиган ундов сўз*); مَا يَعْرِفُشْ ~ مِنْ *фалончи қандай ёмон одам-а;* !... فِي ~ ...га тупурдим!

طَازَجٌ, طَازِجٌ *алиф.б.қар.*

– طَزَاجَةٌ *янгилик, ҳозиргина тайёрланган (узилган) бўлиш, янгигиналик, таровати кетмаганлик*

طُزْلُقٌ *кўп.* طَزَالِقُ *гамаш (болдирдан товонгача қоплаб турадиган, оёқ кийим устидан тушириб қўйиладиган иссиқ пайпоқ),* гетр

طَسْتٌ, طُسُوتٌ *мз.мн.кўп.* тоғора; ~ إِبْرِيقٌ وَ (*ювиниш учун*) кўза ва тоғора

طَسُّوجٌ *кўп.* طَسَاسِيجُ *тар.* тассуж (دَانِقٌ *нинг 1/4 қисмига тенг бўлган оғирлик ва пул бирлиги*)

طَسْمٌ *тар.* тасм (*Арабистондаги қадимий халқ номи*)

طَشٌّ *майда ёмғир*

– طَشَاشٌ кўришнинг кучсизлиги (хиралиги)

طَشْتٌ, طِشْتٌ *кўп.* طُشُوتٌ = طِسْتٌ; ~ الْأَيْدِي ювиниш тоғораси

طَشْطَشَ (*товада*) жазилламоқ, вашилламоқ

– طَشْطَشَةٌ жазиллаш, вашиллаш

طَصْلَقَ юзаки (шунчаки) қилмоқ, шошма-шошарлик билан қилмоқ (бажармоқ)

– طَصْلَقَةٌ шошма-шошарлик билан қилинган иш

طَطْلِي ширинликлар

طُظٌّ *қар.* طُزٌّ

I **طَعَمَ** (*a*) طَعْمٌ 1) емоқ; 2) оз-оз емоқ; татиб кўрмоқ (*мазасини, таъмини билиш учун*); II طَعَّمَ 1) пайванд қилмоқ, пайвандламоқ; уламоқ; эмламоқ; ~ بِلِقَاحِ الْجَدَرِيِّ чечакка қарши эмламоқ; 2) (*орасига, ичига*) ўрнатмоқ, жойламоқ; мозаика ишларини бажармоқ; ~ صِنَّارَةً қармоққа хўрак жойлаштирмоқ; IV أَطْعَمَ 1) овқатлантирмоқ, едирмоқ; 2) пишмоқ, етилмоқ; ~ تِ النَّخْلَةُ хурмо етилиб қолди; V تَطَعَّمَ 1) пайвандланмоқ; (*бирор н. билан*) пайвандланиб (уланиб) қолмоқ (ب); 2) татиб кўрмоқ; X اسْتَطْعَمَ 1) татимли (таъмли, ёқимли) деб ҳисобламоқ; татиб кўрмоқ; 2) овқатлантиришни сўрамоқ (илтимос қилмоқ)

– تَطْعِيمٌ 1) пайванд; 2) қадама нақш, мозаика

– طَعَامٌ *кўп.* أَطْعِمَةٌ таом; овқат, емаклик; ~ الْمَرِيضِ парҳез таоми; ~ تَنَاوُلُ الـ أَضْرَبَ عَنِ الـ овқатланмоқ, овқат емоқ, ◊ لِلْمَدَافِعِ ~ тўп еми (*уруш вақтларида беҳуда ҳалок бўладиган бегуноҳ одамлар*)

– طَعَامِيٌّ таомга (озиқ-овқатга) оид

– طَعْمٌ 1) таъм, маза; لَا ~ لَهُ таъмсиз, мазасиз, бемаза; 2) ёқимли ҳис-туйғу, ёқимлиликни ҳис қилиш; ذَاقَ مِنَ الْعَيْشِ ~ يْهِ ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошдан кечирмоқ

– طَعِمٌ таъмли, мазали, татимли

– طُعْمٌ *кўп.* طُعُومٌ 1) қармоқ учига илинтириб қўйилган хўрак; 2) пора, ришва, совға; 3) вакцина; эмлаш; ~ الـ الْمُضَادُّ لِلْحَصْبَةِ қизамиққа қарши вакцина; ~ الـ السَّامُّ заҳар; 4) пайвандланаётган калтак; ~ الـ زَيْدٌ قَلَّ Зайднинг овқат ейиши камайди

– طُعْمَةٌ *кўп.* طُعَمٌ таом, овқат, емак; ◊ ~ لِلْمَدَافِعِ тўп еми; جَعَلْتُ هَذِهِ الضَّيْعَةَ ~ لِزَيْدٍ мен бу йўқотишни Зайдга емиш қилиб бердим; ~ رَجُلٌ خَبِيثٌ الـ ҳалол топиб ейдиган одам; ~ رَجُلٌ عَفِيفُ الـ ҳаром топиб ейдиган одам

– طَعْمِيَّةٌ таъмия (*майдаланган ловиядан ёғда пиширилиб, устига пиёз, саримсоқ ва б. турли кўкатлар қўйиб тортиладиган овқат*)

– مِطْعَامٌ меҳмондўст, меҳмоннавоз

– مَطْعَمٌ *кўп.* مَطَاعِمُ ошхона, ресторан; кают-компания (*кемалардаги ошхона*)

– مِطْعَمٌ тез ёки кўп овқат ейдиган

– مُطَعَّمٌ 1) қадама нақш (мозаика) билан безатилган; 2) пайвандланган

I **طَعَنَ** (*a/y*) طَعْنٌ 1) санчмоқ, тешмоқ, (*пичоқ*) урмоқ (ب) ~ هُ مِنَ الْخَلْفِ ёки فِي الظَّهْرِ ~ هُ кимнингдир орқасидан зарба бермоқ; 2) айбни очмоқ, ёмонламоқ, таҳқирламоқ, мазах қилмоқ, сўкмоқ, (*к. нидир н. нидир*) обрўсизлантирмоқ (فِي, عَلَى); ~ هُ فِي الْحُكْمِ ҳукмдан норози бўлиб шикоят ёзмоқ; 3) рад этмоқ, (*кўргазмаларни, далилларни*) қабул этмаслик, рад қилмоқ, тан олмаслик (عَلَى); 4) *мажж.* ўлат билан касалланмоқ; ◊ ~ فِي السِّنِّ кекса ёшда бўлмоқ; III طَاعَنَ (*найза тутиб*) урушмоқ; VI تَطَاعَنَ курашмоқ, урушмоқ

– طَاعِنٌ 1) (*найза билан*) зарба берувчи, санчувчи; 2) таҳқирловчи, ҳақорат қилувчи, танбеҳ берувчи; ◊ ~ فِي السِّنِّ кекса, ёши улуғ

– طَاعُونٌ *кўп.* طَوَاعِينُ *мед.* тоун, ўлат; ~ الـ الدُّمَّلِيُّ ёки ~ الـ الْبُشَرِيُّ ёки ~ الـ الْأَسْوَدُ *мед.* қора ўлат; ~ الـ الْمَوَاشِي ёки ~ الـ الْبَقَرِيُّ қора моллар ўлати

– طَعْنٌ *кўп.* طُعُونٌ 1) норозилик; ҳукм устидан шикоят; 2) рад этиш; لَجْنَةُ الطُّعُونِ текширувчи комиссия; мандат комиссияси

– طَعْنَةٌ *кўп.* طَعَنَاتٌ санчиш, (*найза ёки пичоқ билан*) уриш зарба бериш

– طَعِينٌ 1) (*найзадан*) зарба еган; 2) бахтсиз, бадбахт

– مَطَاعِنُ *кўп.* сўкишишлар

– مَطْعَنٌ нозик жой, заиф жой, қалтис жой

– مَطْعُونٌ 1) (*найзадан*) зарба еган; ўлат билан касалланган; !~ ўлат!, вабо! (*сўкиш*)

طُغْرَاءُ *кўп.* طُغْرَيَاتٌ, طُغْرَاءَاتٌ туғро, тамға, герб

– طُغْرَى = طُغْرَاءُ

طَغَامٌ оддий одамлар, авом, омма

– طُغْمَةٌ *кўп.* طُغَمٌ ـَـ, اتٌ тўда, гуруҳ, шайка, нияти бузуқлар тўдаси; ~ الـ الْمَالِيَّةُ молиявий тўда (гуруҳ)

I (طغو) **طَغَا** (*y/a*) طُغْيَانٌ 1) қирғоқлардан тошмоқ (*дарё ҳақида*); қутурмоқ, туғёнга келмоқ (*денгиз ҳақида*); 2) чегарадан чиқмоқ, ҳаддан ошмоқ; тўлиб-тошмоқ, туғёнга келмоқ (*туйғу ҳақида*); 3) адолатсизлик қилмоқ, зулм қилмоқ; 4) ахлоқий жиҳатдан бузилмоқ; طَغَى (*a*) طَغَا; طَغْيٌ ؛ ~ الْمَاءُ عَلَيْهَا у (аёлни) сув босиб кетди

– طَاغٍ *мн.* طَاغِيَةٌ 1. 1) қирғоқлардан тошиб кетувчи (*дарё ҳақида*); қутурувчи, кучли; ~ رَغْبَةٌ енгиб бўлмас истак; 2) қонунсизлик (адолатсизлик) қилувчи; 2. *кўп.* طُغَاةٌ мустабид, золим, эзувчи; طُغَاةُ النِّفْطِ нефть магнатлари (*йирик нефть саноатчилари*)

– طَاغُوتٌ *кўп.* طَوَاغِيتُ 1) шайтон; 2) санам, бут; ◊ طَوَاغِيتُ الْمَالِ капитал магнатлари; طَوَاغِيتُ الْاِحْتِكَارَاتِ монополия бошлиқлари

– طَاغِيَةٌ[1] *кўп.* طَوَاغٍ эзувчи, мустабид

– طَاغِيَةٌ[2] момақалдироқ

– طُغْيَانٌ = طَغْوَى

– طَغْيٌ (*дарё*) тошқини

– طُغْيَانٌ 1) тошқин, туғён; 2) адолатсизлик, қонунсизлик; истибдод; 3) зулм билан келган ҳокимият

(طف) II طَفَّفَ (*оғирликни*) камайтирмоқ; الْكَيْلَ ~ ўлчамоқ; ~ الْمِيزَانَ (*тарозида*) тортмоқ; ◊ بِهِ الْفَرَسُ ~ устидаги одамни ирғитмоқ (*от ҳақида*)

– طَفٌّ *кўп.* طُفُوفٌ 1) чет, ён, томон; чегара; 2) қирғоқ

– طَفَّافٌ кичик (майда) дўкончи; нон сотувчи, нонфуруш

– طَفَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ оломон

– طَفِيفٌ тўлиқ бўлмаган, тўлиқсиз; оз, унча кўп бўлмаган

I (طفأ) **طَفِئَ** (*а*) طُفُوءٌ ўчмоқ, ёнишдан тўхтамоқ; طَفَأَ (*и*) ўтни ўчирмоқ, ёнишдан тўхтатмоқ; II طَفَّأَ = طَفَأَ; IV أَطْفَأَ ўчирмоқ, ёнишдан тўхтатмоқ; *эл.* ўчирмоқ, узмоқ; الْجِيرَ ~ оҳакни сўндирмоқ; (الْغَلِيلَ) الْعَطْشَ ~ чанқоқни босмоқ; عَجْزَ الْمِيزَانِيَّةِ ~ бюджет дефицитини (етишмовчилигини) қопламоқ; VII اِنْطَفَأَ ёнишдан тўхтамоқ, ўчмоқ

– إِطْفَاءٌ ўчириш; ~ الْأَنْوَارِ ўт ўчирувчилар, رِجَالُ الـ~ *харб.* ниқоблаш, маскировка қилиш

– إِطْفَائِيٌّ ўт ўчирувчиликка оид

– إِطْفَائِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ ўт ўчирувчилар гуруҳи (командаси)

– طَافِئٌ 1. ўчирувчи, ёнишдан тўхтатувчи; 2. ўт ўчирувчи, ўт ўчирувчилар гуруҳи (командаси) нинг аъзоси

– طَفَّايَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ ўт ўчирғич (*баллонга жойлаб қўйилган кимёвий моддалар ёрдамида ўт ўчириш учун ишлатиладиган асбоб*)

– مُطْفَأٌ 1) ўчирилган; сўндирилган; 2) жилосиз, нурсиз, хира, ялтирамайдиган

– مِطْفَأَةٌ *халқ.* مِطْفَايَةٌ *кўп.* مَطَافِئُ ўт ўчириш машинаси; ўт ўчирувчилар ишлатадиган насос; فِرْقَةُ الْمَطَافِئِ ўт ўчирувчилар гуруҳи (командаси); رِجَالُ الْمَطَافِئِ ўт ўчирувчилар

– مُطْفِئٌ: الْجَمْرِ ~ баҳорда қайталанадиган совуқ кунларнинг бири

I **طَفَحَ** (*а*) طُفُوحٌ, طَفْحٌ 1) тўлиб-тошмоқ; қирғоқлардан тошиб кетмоқ; 2) (*шаробни*) керагидан ортиқ ачимоқ; مِنْهُ ~ бу менинг бўғзимга келди, жонимга тегиб кетди; II طَفَّحَ тўлдириб-тоширмоқ; IV أَطْفَحَ 1) тўлдириб-тоширмоқ; қирғоқлардан тошириб тўлдирмоқ; 2) кўпикни олиб ташламоқ

– طَافِحٌ 1) тўлган, тўлиқ; тўлиб тошган; 2) маст

– طُفَاحَةٌ кўпик; қасмоқ (*кўп қайнатилган идиш ости ва деворларига ўтирган сополсимон қатлам*)

– طَفْحٌ 1) тўлалик, тўлиб-тошиш; 2) *шунингдек:* جِلْدِيٌّ ~ тошма, ҳуснбузар, бўжама; الـ~ الْوَرْدِيُّ *мед.* қизилча (*болалар касаллиги*)

– طَفْحَانٌ *мн.* طَفْحَى тўла; қирғоққача тўла

– طَفْحِيٌّ тепкили; ~ تِيفُوسٌ тепкили терлама

– مِطْفَحَةٌ *кўп.* مَطَافِحُ капгир

I **طَفَرَ** (*и*) طَفْرٌ 1) ирғимоқ, ирғишламоқ; сакрамоқ, ҳаккаламоқ; 2) сачрамоқ (*қон ва кўз ёшлари ҳақида*); булоқ бўлиб отилиб чиқмоқ

– طَفَرٌ[1] қуюшқон (*сол.* نَفَرٌ)

– طَفَرٌ[2] пулсизлик

– طَفَرَانٌ қашшоқ, камбағал; ~ هُوَ унинг чўнтагида бир тийин (бир чақа) ҳам йўқ

– طَفْرَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ ирғиш, сакраш, ҳаккалаш; ~ бир сакраб; бирданига; عَلَى سَبِيلِ الـ~ кескин ўзгариш билан, бирданига силжиш билан

I **طَفَشَ** (*и*) طَفْشٌ қочмоқ, жўнаб қолмоқ, кўздан ғойиб бўлмоқ

– طَافِشٌ. هُوَ ~ مِنَ الْجُوعِ очликдан оёқда зўрға турибди

– طَفْشَانٌ 1. қочқин; 2. *кўп.* طَفَاشَى, طَفْشَانُونَ қочоқ, қочиб юрган киши

– طَفْشَانَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ очқич (*қулфни очадиган мослама*)

I **طَفَقَ** (*э*) طَفَقٌ (*н. нидир*) бошламоқ, (*н. гадир*) киришмоқ (فِي)

I **طَفَلَ** (*у*) طُفُولٌ чиқмоқ (*қуёш ҳақида*); II طَفَّلَ чақирилмаса ҳам келмоқ; суқилиб кириб олмоқ; IV أَطْفَلَ 1) туғилмоқ, биринчи марта пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ (*мас., журнал*); 2) болали бўлмоқ, фарзандли бўлмоқ; V تَطَفَّلَ (*к. нингдир*) олдига келмоқ, таклиф қилинмаса ҳам (чақирилмаса ҳам) келмоқ (عَلَى); 2) қўлдан келмайдиган ишга киришмоқ; суқилиб кирмоқ, қўшилиб кетмоқ; (*н. дадир*) ўзини бошқа киши қилиб кўрсатмоқ (عَلَى, فِي); عَلَى الطِّبِّ ~ ўзини тиббиётни билувчи киши қилиб кўрсатмоқ; 3) текинхўр бўлмоқ

– تَطَفُّلٌ) (*таклифсиз*) тушатдан келиш; 2) сохтакорлик, ўзини бошқа киши қилиб кўрсатиш; текинхўрлик

– طَفَالٌ оқ гил, кўза гили, каолин; ~ قَارِيٌّ елим гилли сланец (*тоғ жинси*)

– طُفَالٌ[1] = طُفَالٌ

– طُفْلٌ[2] нозик, мулойим, юмшоқ; ёш

– طُفُولٌ[1] болалик, гўдаклик

– طُفُولٌ[2] ёмғир

– طِفْلٌ *кўп.* أَطْفَالٌ 1) эмизикли гўдак, бола; الـ~ الْمُدَلَّلُ (*к. гадир қарашли*) эркатой бола (ـلِـ); رَوْضَةُ الْأَطْفَالِ болалар боғчаси; 2) йирик ҳайвоннинг боласи

– طَفْلَةٌ гил, лой; алюминий оксиди (*алюминий олинадиган асосий модда*)

– طِفْلَةٌ *кўп.* اتٌ — қиз бола

– طِفْلِيٌّ болаларга оид; ~ الطِّبُّ болалар тиббиёти (педиатрия)

– طُفُولَةٌ ғўдаклик, болалик

– طُفُولِيٌّ болаларга (болаликка) оид

– طُفُولِيَّةٌ = طُفُولَةٌ

– طُفَيْلِيٌّ 1. 1) текинхўрликка оид; ~ نَبَاتٌ паразит (текинхўр) ўсимлик (*бошқа ўсимлик танасига ёпишиб олиб, унинг ҳисобига яшовчи текинхўр ўсимлик*); ~ـــةٌ أَمْرَاضٌ юқумли касалликлар; 2) ўзини бошқа одам қилиб кўрсатувчи, қаллоб; 2. 1) чақирилмаган меҳмон; текинтомоқ, текинхўр; 3) текинхўр

– طُفَيْلِيَّاتٌ *кўп.* текинхўрлар, паразитлар

– طُفَيْلِيَّةٌ текинхўрлик, паразитизм

– مُتَطَفِّلٌ 1) чақирилмаган (таклиф қилинмаган) меҳмон; 2) текинхўр, паразит

I (طفو) طَفَا (*у*) طُفُوٌّ сузмоқ, сувда тура билмоқ, сувда ўзини тута билмоқ, чўкмаслик

– طَافِيَةٌ *кўп.* طَوَافٍ 1) муз; муз тоғи, айсберг (*катта қисми сув остида яширин турадиган муз тоғи*); буй (*сув йўлларидаги саёзлик ва б.н. лар ҳақида огоҳлантирувчи, сув йўлларига ўрнатилган белги*), бакен (*сув йўлларида хавфли жойларни ва кемалар йўлини кўрсатувчи белги*)

– طَفَاوَةٌ *кўп.* اتٌ — тож, гултож; *черк.* нур чамбар (*худо ва авлиёлар суратлари боши атрофига чизилган зарҳал доира*)

– طَوْفٌ сузиш, сувда чўкмаслик хусусияти, суза билишлик чўкмаслик

I طَفَى ўчирмоқ; сўндирмоқ (*сол.* طَفَأَ); الشَّرَاقِيُّ ~ сув етмаган жойларни тошқин вақтларида суғормоқ

– طُفًى хурмо дарахтининг барги

I طَقَّ (*а/у*) طَقٌّ, طَقَقَانٌ 1) ёрилиб кетмоқ, дарз кетмоқ; чапак чалмоқ, елкага қоқмоқ; 2) қисирламоқ (*сингган суяк ҳақида*); 3) бефойда гапларни гапириб (жавраб) ўтирмоқ, тинимсиз вайсамоқ, вайсақилик қилмоқ, жаврамоқ; ◊ يَطُقُّ مِنْ عَيْنِهِ شَرَرٌ унинг кўзларидан ўт чақнаётир, II طَقَّقَ тарсилламоқ, тақиллаган овоз чиқармоқ

– طَقْ *халқ.* шалоп (*мас., тош сувга шалоп этиб тушди*); ◊ لَا يُسَاوِي ~! бу ҳеч нарсага арзимайди!

– طَقْطَقَةٌ 1) қисирлаш; 2) овқатланиш (*нонушта, тушлик ёки кечки овқатланиш*)

طَقْسٌ[1] об-ҳаво; климат. ~ الـــ خَرِيطَةُ об-ҳаво харитаси

– طَقْسٌ[2] *кўп.* طُقُوسٌ *черк.* расм-русум, удум, одат; литургия (*черковдаги энг катта ибодат*), ~ الـــ الشَّرْقِيُّ шарқий расм-русумлар (удумлар, одатлар)

طَقْطَقَ овоз чиқармоқ, қарсак чалмоқ, чапак чалмоқ; тақиллатмоқ; қарсиллатмоқ, чирсилламоқ; қисирламоқ; ғижилламоқ

– طَقْطَقَ *халқ.* эшикни тақиллатиш (қоқиш); ~ حَكَى حِكَايَتَهُ مِنْ ~ قَصَّ الْقِصَّةَ مِنْ ~ لِلسَّلَامِ عَلَيْكُمْ ёки لِلسَّلَامِ عَلَيْكُمْ *маж.* у ўз саргузаштларини (тарихини, қиссасини) бошдан-оёқ сўзлаб берди

– طَقْطَقَةٌ тақиллаш; қисирлаш, ғижирлаш

– طَقْطُوقَةٌ *кўп.* طَقَاطِيقُ 1) поқилдоқ; пашшаурғич; 2) қўшиқ, ашула, халқ қўшиғи. 3) танноз (ишвали, ғамзали, ноз-карашмали) қиз; ◊ السَّحَائِرِ ~ қулдон

(طقم) طَقَّمَ 1) эгар-жабдуқламоқ, эгарламоқ (*отни*); 2) кийинтирмоқ

– طَاقِمٌ *кўп.* طَوَاقِمُ 1) тўплам, йиғинди, сидра, комплект; ~ السَّفِينَةِ кема экипажи (командаси); ~ الطَّائِرَةِ самолёт экипажи; ~ مِدْفَعٍ مُضَادٌ لِلطَّائِرَاتِ зенит тўпини бошқарувчи жангчилар гуруҳи; 2) кийим, кийим-кечак, кийим-бош, уст-бош; кийимлар сидраси

– طَقْمٌ *кўп.* طُقُومٌ, أَطْقُمٌ 1) йиғинди, тўла (кам-кўстсиз) таркиб, комплект; гарнитур (*н. ларнгдир тўла сидраси*); ~ الْحِلَاقَةِ соқол олиш асбобларининг тўла комплекти (сидраси); ~ أَسْنَانٍ протез, ясама аъзо, сунъий тишлар; ~ جِلْدٍ (*мебелнинг*) чарм жилди; ~ حِصَانٍ эгар-жабдуқ; ~ شَايٍ чой идишлари, чой сервизи; ~ سُفْرَةٍ ошхона сервизи; ~ قَهْوَةٍ қаҳва сервизи; ~ صِينِيٌّ لِلْقَهْوَةِ чиннидан ясалган қаҳва сервизи; 2) *ҳарб.* (*тўп*) бошқарувчи жангчилар гуруҳи; 3) кийим-бош, кийим-кечак, кийимлар сидраси

I طَلَّ (*а/у*) طَلٌّ 1) майдалаб (эзиб) ёғмоқ (*ёмғир ҳақида*); (*бирор н. ни*) сачратмоқ (ب); 2) (*к. нингдир*) олдига келмоқ, зиёрат қилмоқ (عَلَى); 3) қарамоқ, боқмоқ, назар солмоқ; ◊ طُلَّ دَمُهُ *маж.* у қасоссиз ўлдирилди; 4) шудринг тушмоқ; النَّدَى الْأَرْضَ ~ ерга шудринг тушди; IV أَطَلَّ 1) чиқмоқ, (*бирор н. га, мас., ойнага*) қарамоқ, боқмоқ (عَلَى); ~ عَلَى الدُّنْيَا дунёга келмоқ, туғилмоқ, таваллуд топмоқ; 2) туртиб (дўппайиб) чиқиб турмоқ, олдинга (дўппайиб) чиқиб қолмоқ; 3) (*н. нингдир*) устидан ҳоким бўлмоқ, бошлиқ бўлмоқ, буйруқ қилмоқ (عَلَى); 4) (*бирор н. нинг ичидан*) мўраламоқ, бошни чиқариб қарамоқ (مِنْ); 5) пайдо бўлмоқ, кўринмоқ; кириб келмоқ (*мас., йил*); وَ هُنَا يُطِلُّ سُؤَالٌ мана шу ўринда савол туғилади (пайдо бўлади)

– إِطْلَالَةٌ (*н. нингдир*) пайдо бўлиши, бошланиши

– طَلٌّ *кўп.* طِلَالٌ 1) шудринг, шабнам; 2) майдалаб (эзиб) ёғаётган ёмғир

– طَلَلٌ *кўп.* أَطْلَالٌ, طُلُولٌ 1) харобалар, вайрона жойлар; уй-жойнинг (*кишилар яшаган турар жойларнинг*) қолдиқлари (излари); أَطْلَالٌ وَ رُسُومٌ (*турар жойларнинг, манзилларнинг*) излари, қолдиқлари, (*уй-жойнинг*) харобалари; الْأَطْلَالُ الْأَثَرِيَّةُ осори атиқалар (қадимий нарсалар) қолдиқлари (излари); 2) меҳмонхона

– مُطَلٌّ *кўп.* مَطَالُّ 1) туртиб чиқиб турган нарса; 2) айвон; 3) кўриниш

– مُطِلٌّ *кўп.* 1) туртиб чиқиб турган, дўнг ҳосил қилиб турган; 2)

(*бирор н. устидан*) ҳукмронлик қилиб (ҳоким бўлиб) турувчи (عَلَى), буйруқ берувчи

– مُطْلَقٌ қисқа муддатли ташриф

طَلْوٌ = طَلاً

I طَلَبَ (*у*) طَلَبٌ 1) изламоқ, қидирмоқ; اَلْعِلْمَ ~ (*қаердадир*) ўқимоқ, таълим олмоқ, илм олмоқ (فى); اَللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ فى الْقَاهِرَةِ ~ у араб тилини Қоҳира шаҳрида ўрганган; 2) (*к. дандир*) сўрамоқ; илтимос қилмоқ (مِنْ ,إِلَى); талаб қилмоқ; (*товар. савдо ашёларига*) талаб кўрсатмоқ; اَلْمَحَالَ ~ имконсиз нарсани талаб қилмоқ; اَلزَّوَاجَ ~ *ёки* يَدَهَا ~ қўлини турмушга чиқишга сўрамоқ; 3) хоҳламоқ, истамоқ, орзу қилмоқ; III طَالَبَ 1) изламоқ; ундириб олмоқ, чегириб қолмоқ; 2) (*н. нидир*) талаб қилмоқ, (*н. гадир*) талабгор бўлмоқ (ب); IV أَطْلَبَ қидиришга (излашга) ёрдам бермоқ; 2) қидиришга (излашга) мажбур қилмоқ; V تَطَلَّبَ талаб қилмоқ, (*савдо ашёларига*) талаб кўрсатмоқ (қўймоқ); يَتَطَلَّبُ هَذَا كَثِيرًا مِنَ الْجُهُودِ бу нарса катта меҳнатни талаб қилади; VII اِنْطَلَبَ талаб қилинмоқ; харидоргир бўлмоқ

– تَطَلُّبٌ талаб, талаб қилиш; كَثِيرُ الـ~ талабчан

– طَالِبٌ 1. 1) истовчи, изловчи; ذَهَبَ ~ًا لِحَاجَتِهِ кимнингдир ишини (*топшириғини, талабини*) бажариш учун жўнамоқ; 2) илтимос қилувчи; талабгор; 2. *кўп.* طُلَّابٌ, طَلَبَةٌ 1) илтимосчи, сўровчи; 2) толиб, ўқувчи, тингловчи (*мас., курс тингловчиси*); *шунингдек:* جَامِعِيٌّ ~ студент, талаба, ўқув юрти талабаси; ~ الدِّرَاسَاتِ الْعُلْيَا аспирант

– طِلَابٌ талаб қилиш, хиралик билан (қўярда-қўймай) бирор нарса сўраш (талаб қилиш)

– طَلَّابٌ тез-тез талаб қилиб турувчи киши

– طَلَبٌ 1) излаш, қидириш, ахтариш; ... لِـ~ًا (*н. нидир*) излаб, (*қандайдир*) мақсадда; سَتَجْرِي هَذِهِ الْمُبَاحَثَاتُ ~ًا لِحَلٍّ ... қабул қилинган тақдирда, талабга кўра; ~ عَرْضٍ وَ ... талаб ва таклиф; أَرْسَلَ فِي ~ِهِ кимнингдир ортидан жўнатмоқ; الـ~ُ الْمُزْدَوِجُ *шахм.* икки томонлама зарба бериш; 3) *шунингдек:* اَلْعِلْمِ ~ ўқиш, илм (таълим) олиш; الـ~ِ فِي سَنَوَاتِ (عَهْدِ) ўқиш йилларида; 4) *кўп.* ـَاتٌ ـُ ёзма илтимос, илтимоснома, ариза; талабнома, буюртма; صَاحِبُ الـ~ِ талабнома соҳиби, илтимосчи, аризачи; ~ الْتِحَاقٍ بِالْمَدْرَسَةِ мактабга қабул этиш ҳақида ариза; ~ اسْتِخْدَامٍ ишга (хизматга) қабул қилиш тўғрисида) ариза; طَلَبَاتٌ حَرْبِيَّةٌ ҳарбий буюртмалар (заказлар)

– طَلَبَةٌ, طِلْبَةٌ 1) изланган (зарур, керак бўлган) нарса; орзу қилинган нарса; 2) ибодат, намоз, дуо, сиғиниш

– طَلَبِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) талаб этилаётган (нарса); 2) талаб, талабнома

– طَلَبِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ буюртма; талаб

– مُتَطَلِّبٌ 1. талаб этувчи; 2. талабчан

– مُتَطَلَّبَاتٌ *кўп.* талаблар

– مُطَالَبٌ бирор нарса талаб этилиши лозим бўлган киши; масъул киши

– مُطَالِبٌ 1. ундириб олувчи; 2. даъвогар, муддаий

– مُطَالَبَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) ундириб олиш; 2) талаб қилиш; 3) даъво қилиш

– مَطْلَبٌ *кўп.* مَطَالِبُ 1) талаб, матлаб; 2) эҳтиёж, зарурат; 3) мақсад, ният; 4) мавзу, (*ўрганилиши лозим бўлган*) масала

– مَطْلَبِيٌّ талаблар мавжуд бўлган, талаблар бор бўлган

– مَطْلُوبٌ 1. 1) изланаётган; 2) талаб қилинаётган; харидоргир; مِنْهُ ~ у тўлаши лозим, у қарздор; 2. *кўп.* مَطَالِيبُ 1) талаблар; 2) истак; сўров

– مَطْلُوبَاتٌ *кўп.* 1) мажбурият, ваъда; қарз; 2) *ҳис.* пассив (*бирор корхонанинг қарз ёки мажбуриятлари мажмуи*)

أَطَالَ اللهُ بَقَاءَكُمْ! қуйидаги сўзларни айтиш: Оллоҳ сизларнинг умирингизни узоқ қилсин!

I طَلَحَ (*а*) طَلْحٌ 1) ҳолдан тоймоқ, тинка-мадор қуримоқ, беҳол бўлмоқ; 2) ёмон (ярамас, хунук) бўлмоқ

– طَالِحٌ 1) ёмон, ярамас, хунук; 2) ёвуз, баджаҳл, қаҳрли, дарғазаб

– طَلَاحٌ 1) яроқсизлик; ёмон аҳвол (ҳолат); 2) баджаҳллик, қаҳрлилик

– طَلْحٌ *жам. кўп.* أَطْلَاحٌ *бот.* 1) елим берувчи акас; 2) сохта банан, аччиқ банан

– طَلْحَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ *бот.* елим берувчи акация дарахти

– طَلْحِيَّةٌ *кўп.* طَلَاحِيُّ қоғоз варағи

– طَلِيحَةٌ *кўп.* طَلَائِحُ қоғоз дастаси (боғлами)

إِطْلَخَمَّ жуда қоронғи (қора) бўлмоқ (*тун, булут ва ҳ.к. лар ҳақида*)

I طَلَسَ (*и*) طَلْسٌ (*ёзилган н. ни*) ўчирмоқ

– أَطْلَسُ атлас (*мато*); қорамтир рангли, кулранг; ◊ ~ ذِئْبٌ қорамтир (*кулранг*) бўри

– أَطْلَسُ *кўп.* أَطَالِسُ (*жўғрофий*) атлас

– أَطْلَسِيٌّ 1) (*жўғрофий*) атласга оид; 2) Атлантика (океани) га оид

– طِلْسٌ ўчирилган; ўқиб бўлмайдиган (*хат ҳақида*)

– طَيْلَسَانٌ *ёки* طَيْلُسَانٌ *ёки* طَيْلَسَانٌ *кўп.* طَيَالِسُ *ёки* طَيَالِسَةٌ аъёнлар ва олимлар киядиган яшил рангли махсус кийим

طِلْسْمَاتٌ, طِلَسْمَاتٌ, طَلَاسِمُ, طِلَسْمٌ, طِلْسِمٌ *кўп.* тумор; 2; *кўч м.* яширин ёзув, яширин хат; сирру-асрор; فَكُّ طَلَاسِمِ الرُّمُوزِ сирли (яширин) белгиларни ўқимоқ (англамоқ)

طَلَسَانَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ *архит.* тарнов (*деворнинг устига*

ўрнатилган) қуйма

I طَلَعَ ,طَلِعَ (а) طُلُوعٌ 1) чиқмоқ (*қуёш ҳақида*), кўтарилмоқ; 2) кўринадиган бўлмоқ, кўринмоқ, пайдо бўлмоқ; 3) (*қаердандир*) кетмоқ; (*бирор н. ичидан*) чиқмоқ (مِنْ); 4) (*қаергадир*) интилмоқ (إِلَى); (*қаергадир*) жўнамоқ (إِلَى); 5) (*н. нидир к. гадир*) айтмоқ, кўрсатмоқ, маълум қилмоқ (عَلَى); 6) (*н. нидир*) танимоқ, билмоқ (عَلَى); 7) (*бирор н. билан*) тенг (*баробар*) бўлмоқ; 8) (*к. нингдир олдига*) кутилмаганда келмоқ (عَلَى); ~ النَّهَارُ кун ёйилди (бошланди), مَا يَطْلُعُ بِيَدِي мен эплолмайман, менинг қўлимдан келмайди; عَلَى بَالِهِ ~ унинг ақлига (миясига) келди; خُلُقُهُ ~ унинг аччиғи келди; طَلَعَتْ رُوحُهُ у вафот этди; طَلَّعَ 1) кўтармоқ, кўтарилишга ёрдамлашмоқ; 2) чиқариб (суғуриб) олмоқ; 3) чиқармоқ (*мас., газетани*); III طَالَعَ 1) ўқимоқ; 2) ўрганмоқ, ёдламоқ; 2) кўрмоқ, кўриб чиқмоқ; 4) (*к. нингдир олдида*) кўринмоқ, пайдо бўлмоқ, ҳозир бўлмоқ; (*к. нидир*) кутиб олмоқ; 5) (*н. нидир*) кўрсатмоқ (ب); 6) (*бирор н. дан*) хабар бермоқ, хабардор қилмоқ, (*н. нидир*) ҳикоя қилмоқ, сўзламоқ (ب); IV أَطْلَعَ 1) (*бирор н. тўғрисида*) хабар бермоқ, хабардор қилмоқ, сўзламоқ, ҳикоя қилмоқ (ب); (*н. нидир*) кашф этмоқ, сўзламоқ (عَلَى); (*н. нидир*) кўрсатмоқ; (*н. биландир*) таништирмоқ (عَلَى); 2) униб чиқмоқ, ўсмоқ (*ўсимликлар ҳақида*); ~ النَّخْلُ хурмодан тугунча (уруғдон) униб чиқди (кўринди); V تَطَلَّعَ 1) (*к. гадир*) қарамоқ, назар солмоқ (إِلَى); (*к. гадир*) ҳавас билан суқланиб қарамоқ (إِلَى): ... بِأَنْظَارِهِ إِلَى ~ ...га боқмоқ; 2) бегоқатлик (интизорлик) билан кутиб турмоқ; 3) кўтарилмоқ, (*н. гадир*) интилмоқ (إِلَى); 4) (*бирор н. ни*) қўярда-қўймай ундиришга уринмоқ (إِلَى); VIII اطَّلَعَ 1) (*к. гадир, н. гадир*) қараб турмоқ, қўриқчилик қилиб турмоқ (عَلَى); 2) (*н. ҳақдадир*) хабардор бўлмоқ, маълумот олмоқ (عَلَى); (*н. биландир*) танишмоқ (عَلَى); (*н. нидир*) билиб олмоқ (عَلَى); 3) (*н. нидир*) ўқиб чиқмоқ (عَلَى); X اسْتَطْلَعَ кўриб чиқишга ҳаракат қилмоқ; суриштириб билмоқ, аниқлаб кўрмоқ; синчковлик қилмоқ; ўзгаларнинг фикрини сўрамоқ; الْغَيْبَ لَهُ ~ кимгадир фол очмоқ

– اسْتِطْلَاعٌ *кўп.* اتٌ ـــ суриштириб билиш; изланиш, қидирув; андиш (разведка); олдиндан текшириш (суриштириш); اسْتِطْلَاعَاتٌ طُبُوغْرَافِيَّةٌ топографик қидирув ишлари; ~ُ الـــ қизиқувчанлик; ~ عَنْ بَغْدَادَ الـــ Бағдод ҳақида очерк

– اسْتِطْلَاعِيٌّ андиш (разведка) га оид; изланиш (қидирув) га оид

– اطِّلَاعٌ 1) танишиш; хабардорлик; билим; ~ُ الـــ қизиқувчанлик; ~ُ الـــ سَعَةُ ақл-заковат, билимдонлик, эрудиция (*бир ёки бир неча соҳада кенг ва чуқур маълумотга эгалик*); عِنْدَ ~ الـــ танишиш (танишув)дан сўнг; ... كَانَ عَلَى ~ كَافٍ عَلَى ... ҳақда етарли маълумотга эга бўлмоқ; 2) назорат, назорат қилиш

– اطِّلَاعِيٌّ танишиш (танишув) га оид, танишиш (танишув) мақсадида киритилган (қабул қилинган)

– تَطَلُّعٌ бетоқатлик (интизорлик) билан кутиш; қизиқувчанлик; فِي ~ бетоқатлик (интизорлик) билан

– تَطَلُّعَاتٌ интилишлар, ҳаракатлар

– طَالِعٌ 1. чиқаётган, кўтарилаётган; وَجَّهَ الْإِهَانَاتِ إِلَيْهِمْ عَلَى الـــ ~ وَ النَّازِلِ уларнинг ҳаммасини сўраб-суриштирмай (*бир варакайига*) ҳақорат қилмоқ; 2. *кўп.* طَوَالِعُ 1) юлдуз; 2) тақдир (қисмат); سُوءُ الـــ ~ ёмон (бехосият, паст) тақдир (қисмат); حُسْنُ الـــ ~ яхши (юксак, хосиятли) тақдир (қисмат), юлдуз; سَيِّئُ الـــ ~ бадбахт; 3) гороскоп (*мунажжимлар томонидан фол очиш мақсадида тузилган жадвал*); كَشَفَ عَنِ الـــ ~ фол очмоқ (кўрмоқ); 4) *кўп.* (*бирор н. нинг*) белгилари, кўринишлари, турлари

– طَلَائِعُ *кўп.* طَلِيعَةٌ бошланиш, (*бирор н. нинг*) аввали; ибтидо

– طَلَائِعِيٌّ илғор, олдингаги, олдинда юрувчи; авангард

– طَلَّاعٌ катта (кучли) инт илишли; интилиши катта (кучли); ~ الثَّنَايَا *маж.* ҳаётий тажрибаси кўп (киши); бошидан аччиқ-чучук кунларни кўп ўтказган; ўту сувни кўп кечган

– طَلْعٌ *бот.* гул чанги, гулчанг; тугунча, уруғдон

– طُلُوعٌ *кўп.* طُلُوعٌ кўтарилиш, чиқиш; юксалиш, баландлаш

– طَلْعَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) талъат, ташқи кўриниш; юз, бет, афт, башара; 2) (*бирор жойдан, ичкаридан*) чиқиш, ташқарига чиқиш; 3) марҳумни олиб чиқиш, дафн; 4) (*йўлдаги*) кўтарилиш, баландлашиш; 5) *ав.* учиш, учиб кетиш

– طَلَاعَةٌ синчковлик, билишга интилишлик, қизиқувчанлик

– طُلُوعٌ 1) қуёш чиқиши; مِنْ ~ الشَّمْسِ إِلَى غُرُوبِهَا кун чиққандан ботгунча, эртадан кечгача; 2) кўтарилиш, юқорига чиқиш; 3) пайдо бўлиш; 4) шиш, ўсма, ўсимта

– طَلِيعَةٌ *кўп.* طَلَائِعُ илғор гуруҳ (отряд), авангард; طَلَائِعُ а) аломатлар, белгилар, нишоналар; б) разведкачилар; б) олдинда борувчилар-пионерлар

– طَلِيعِيٌّ илғор, авангард; مَارَسَ دَوْرَهُ الـــ ~ илғорлик ролини ўйнамоқ

– طَلِيعِيَّةٌ авангардлик (илғорлик) роли

– مُطَالِعٌ 1.(*ёзилган н. ларни*) ўқиётган; 2. китобхон

– مُطَالَعَةٌ 1) ўқиш; قَاعَةُ الـــ ~ ўқув зали; 2) ўрганиш, ўрганиб билиш

– مَطْلَعٌ *кўп.* مَطَالِعُ 1) шоти, нарвон, пиллапоя, зина; 2) муқаддима, кириш; бошланиш, ибтидо; *муз.* муқаддима, прелюдия, интродукция; شَبَابُهُ فِي ~ илк ёшликда; النَّهْضَةِ ~ уйғонишнинг бошланиши; الْقَصِيدَةِ ~ қасиданинг матлаи (биринчи байти); 3) чиқиш жойи, (*қаергадир*) чиқиш (إِلَى); الْفَجْرِ ~ тонг ёришуви; مُنْذُ الصُّبْحِ حَتَّى مَهْبِطِ اللَّيْلِ ~ эртадан кечгача; 4) *эл.* анод

– مُطَّلِعٌ 1. хабардор; билувчи; 2. билимдон, билағон, биладиган; ўз ишини яхши биладиган одам

I (طلق) طَلَقَ (*у*) طَلَاقٌ 1) эркин (*озод*) бўлмоқ; (*аёлни*) талоқ қилмоқ; 2) *мажз.* туғиш азобларини чекмоқ; طَلْقَةٌ (*у*) طَلَاقَةٌ хушчақчақ (шўх) бўлмоқ; طَلَّقَ талоқ қилмоқ; ~ بِهَا ثَلَاثًا а) уч талоқ, (*шариатга кўра*) эр-хотинликдан узил-касил ажралмоқ; б) *кўч.м.* (*к. биландир, н. биландир*) видолашмоқ, хайрлашмоқ; ~ الْمَدْرَسَةَ мактабни ташлаб кетмоқ; ~ الْآرَاءَ السَّابِقَةَ ўзининг олдинги қарашларидан мутлақо воз кечмоқ; IV أَطْلَقَ 1) эрк (озодлик) бермоқ; озод қилмоқ, бўшатиб (қўйиб) юбормоқ; битиртириб чиқармоқ; чиқармоқ; ~ صِنَاعِيًّا قَمَرًا сунъий йўлдош учирмоқ; ~ الرَّصَاصَ عَلَى ... (*к. гадир*) ўқ отмоқ; ~ السِّهَامَ ўқ-ёй отмоқ; ~ الْغَازَاتِ السَّامَّةَ заҳарли газлар чиқармоқ; ~ صَرْخَةً қичқириб овоз чиқармоқ; ~ الْحَمَامَ الْأَبْيَضَ تَحِيَّةً (*к. нидир*) қутлаш аломати сифатида оқ кабутарларни қўйиб (қафасдан чиқариб) юбормоқ; ~ سَيْلَهُ кимнидир ўйиб юбормоқ, кимгадир жавоб бермоқ; ~ الْعِنَانَ жилов (тизгин) ни қўйиб юбормоқ; ~ الْحَبْلَ عَلَى الْغَارِبِ тўла (мутлақ) эрк бермоқ; ~ الْعِنَانَ لِفَيْضِ الدُّمُوعِ кўз ёшларига эрк бермоқ; ~ لِحْيَتَهُ соқол қўймоқ; ~ الْبَطْنَ ошқозон бўшатишни келтириб чиқармоқ (*дори ҳақида*); ~ سَاقَيْهِ (رِجْلَيْهِ) لِلرِّيحِ оёқни қўлга олиб чопиб кетмоқ; ~ تِ الشَّجَرَةُ الْأَزْهَارَ дарахт гул очди (гуллади); ~ صَفَّارَاتِ الْإِنْذَارِ ҳаво тревогаси эълон қилмоқ; ~ مِنَ الْمَدْفَعَ тўпдан ўқ отмоқ; ~ النَّارَ ўт очмоқ, ўқ узмоқ; ~ يَدَهُ فِي ... (*н. дадир*) тўла (мутлақ) эрк бермоқ, қўл-оёғини бўшатиб қўймоқ; 2) (*н. гадир*) татбиқ қилмоқ (عَلَى); (*к. гадир бирор н. ни, мас., унвонни*) бермоқ (عَلَى); ~ عَلَيْهِ لَقَبًا أَوْ اسْمًا кимгадир лақаб ёки исм бермоқ; 3) умумлаштирмоқ; V تَطَلَّقَ 1) хушчақчақ бўлмоқ; ёришмоқ, жонланмоқ (*юз ҳақида*); 2) (*эр-хотинликдан*) ажралмоқ; VII اِنْطَلَقَ 1) кетмоқ, узоқлашмоқ; жўнамоқ, йўлга тушмоқ; (*н. дандир*) келиб чиқмоқ, келиб чиқиб фикр юритмоқ (مِنْ); ўтиб бормоқ, ўтмоқ (*вақт ҳақида*); 2) эркин (озод) бўлмоқ; (*н. дандир*) қутулмоқ, озод бўлмоқ (مِنْ); 3) учиб (отилиб) чиқмоқ (*ўқ ҳақида*); эшитилмоқ, тарқалмоқ (*ўқ овози ёки қичқириқ ҳақида*); ~ يَعْدُو у чопиб (қочиб) кетди; ~ تِ الْبُنْدُوقِيَّةُ صُدْفَةً ўқ отиш (узиш) тасодифан юз берди; 4) эрк бермоқ (*мас., тилга*); ~ يَتَسَاءَلُ у сўроққа тута бошлади, у сўрай бошлади; ~ تْ كَفَاءَتَهُ унинг иқтидори ривожланиш эркига эга бўлди (ривожланиш эркини олди); ~ تِ الزَّوْبَعَةُ бўрон бошланди; 5) жонланмоқ, ёришмоқ (*юз ҳақида*); X اِسْتَطْلَقَ бўшашган бўлмоқ (*ошқозон ҳақида*)

– إِطْلَاقٌ 1) озод этиш; (*бирор н. ни, мас., моторни*) юргизиб юбориш, ишга тушириш; (*бирор н. ни, мас., космик кемани*) учириб юбориш; ~ الْبَارُودِ ўққа тутиш, ўқ ёғдириш, отишма; ~ النَّارِ ўқ узиш, ўқ отиш, отишма; ... ~ النَّارِ بَيْنَ تَبَادُلُ ўзаро ўқ отиш, ўзаро отишиш; ~ النَّارِ وَقْفُ отишманинг тўхташи; ~ الصَّوَارِيخِ ракеталар отиш (учириш); ~ السَّرَاحِ (*қамоққа олинган одамни*) бўшатиш, озод қилиш; ◊ ~ الْيَدِ мутлақо эрк (озодлик) бериш (*сўзма-сўз: қўлини бўшатиб қўйиш*); 2) умумлаштириш; ~ عَلَى الْـ бутунлай, мутлақо; إِطْلَاقًا ... مَا (لَمْ) ...мутлақо ...-мас (*эмас*)

– انْطِلَاقٌ 1) кетиш, жўнаш; жўнатиш; учиб кетиш, старт (бошланиш); ~ مِنْ هَذَا الْمَبْدَإِ мана шу асос (принцип) дан келиб чиққан ҳолда ...; ~ الْمِدْفَعِ тўпдан ўқ отиш (узиш); 2) ажратиб олиш, (*бирор н. ни бошқа бир н. дан*) ажратиб чиқариш; ~ مِقْدَارِ هَائِلٍ مِنَ الطَّاقَةِ катта миқдордаги энергиянинг ажралиб чиқиши (чиқарилиши); 3) эркинлик; бетакаллуфлик, тартибсизлик; бебошлик, одобсизлик, бузуқлик; ~ تَكَلَّمَ بِالْعَرَبِيَّةِ بِـ араб тилида эркин гапирмоқ

– انْطِلَاقَةٌ 1) чиқиш (*мас., журнал*); 2) зарб билан чопа бошлаш, югура бошлаш; 3) шиддат, жўшқинлик, шижоат

– تَطْلِيقٌ ажралиш; никоҳни бекор қилиш

– طَالِقٌ талоқ қилинган (аёл); !~ أَنْتِ сени талоқ қилдим! (*талоқ қилганда айтилади*)

– طَلَاقٌ талоқ (*никоҳнинг бекор қилиниши*); ~ بِالثَّلَاثَةِ учталоқ (*никоҳнинг шариат бўйича мутлақо бекор қилиниши*); ~ كِتَابُ (وَرَقَةُ) الـ талоқ ҳақидаги гувоҳнома; ~ الرَّجْعِيُّ хотиннинг яна эриникига қайтиб келишига имкон берувчи талоқ

– مُطْلَاقٌ = طَلَّاقٌ

– طَلَاقَةٌ 1) эрк, озодлик; 2) *шунингдек:* ~ الْوَجْهِ хушчақчақлик, шўхлик; ~ اللِّسَانِ нутқнинг равонлиги (эркинлиги); ~ تَكَلَّمَ بِـ ...чада эркин (равон) гапирмоқ

– طَلْقٌ[1] *жам.* туғиш азоблари; тўлғоқ тутиши

– طَلْقٌ[2], طُلْقٌ, طِلْقٌ 1) эркин, кўнгли очиқ; ~ الْيَدَيْنِ қўли очиқ; саховатли; 2) хушчақчақ; ~ الْوَجْهِ истараси иссиқ; ~ اللِّسَانِ сергап, вайсақи; ◊ ~ فِي الْهَوَاءِ الـ очиқ ҳавода

– طَلْقٌ[2] طَلَّقٌ. талқ, тал (*техника ва тиббиётда ишлатиладиган оқ ёки кўкиш рангли минерал*)

– طَلَّقٌ *кўп.* أَطْلَاقٌ 1) ўқ отиш, ўқ узиш; 2) югуриш, чопиш; пойга; шох-шабба тўшалган йўл

– طِلْقٌ ҳалол; ~ هُوَ لَكَ у сенга ҳалолдир

– طَلَقَةٌ *кўп.* ـاتٌ ўқ отиш, ўқ узиш; سَرِيعُ الطَّلَقَاتِ тезотар, тез отадиган; ~ جَرَى كَأَنَّهُ у ўқдай учиб кетди; طَلَقَاتُ السَّلَامِ салют, табриклаш, қутлаш; ~ حَيَّةٌ أَطْلَقَتِ الْمِدْفَعِيَّةُ إِحْدَى وَ عِشْرِينَ тўпларидан 21 марта ўқ узиб салют берилди; 2) патрон; ~ حَيَّةٌ жанговар патрон; أَغْلِفَةُ الطَّلَقَاتِ патрон гильзалари

– طَلْقَةٌ талоқ, ажралиш; никоҳнинг бекор қилиниши

– طَلُوقَةٌ *кўп.* طَلَائِقُ: ~ حِصَانٌ айғир, айғир от; خَيْلُ الطَّلَائِقِ айғир отлар

– طَلِيقٌ *кўп.* طُلَقَاءُ 1. 1) эркин, озод, бирор нарсага боғланиб қолмаган; ~ السَّرَاحِ озодликда юрган; مِنْ كُلِّ قَيْدٍ ~ ҳар қандай кишанлар (чекланишлар) дан озод; 2) хушчақчақ, шодмон; 2. хотинини талоқ қилган эркак; озод қилиб (қўйиб) юборилган асир

– مِطْلَاقٌ тез-тез хотинидан ажралиб турадиган

– مُطْلَقٌ 1. 1) озод, эркин; ~ السَّرَاحِ эркинликка чиқарилган; 2) мутлақ, қатъий, сўзсиз, шак-шубҳасиз; ~ا мутлақо, сўзсиз, тўла: الْحُكْمُ الـ~ абсолютизм, ҳокими мутлақлик; الْقِيمَةُ الزَّائِدَةُ الـ~ـةُ абсолют қўшимча қиймат; الْحَقِيقَةُ الـ~ـةُ мутлақ ҳақиқат; الْفِكْرَةُ الـ~ـةُ мутлақ ғоя; 2. 1) бошланғич нуқта, дастлабки (бошланғич) вазият (ҳолат); 2) трамплин

– مُطْلِقٌ *спорт.* старт берувчи

– مُطَلَّقَةٌ эри талоқ қилган аёл

– مِطْلَاقٌ = مِطْلِيقٌ

– مُنْطَلَقٌ *кўп.* اتٌ ـــ бошланғич нуқта; *спорт.* трамплин

– طُلُمْبَجِيٌّ *кўп.* طُلُمْبَجِيَّةٌ ўт ўчирувчи

– طُلُمْبَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ насос, помпа

I طَلَمَ (*у*) طَلْمٌ (*хамирни*) ёймоқ

– طُلْمَةٌ *кўп.* طُلَمٌ кулча, кулча нон

– مِطْلَمَةٌ *кўп.* مَطَالِمُ ўқлов, жўва

طَلْمَسَ 1) (*юзни*) тунд қилмоқ, жиддий тус олмоқ; 2) бузиб кўрсатмоқ, нотўғри талқин қилмоқ, бузмоқ

– طَلْوٌ *кўп.* أَطْلَاءٌ оҳу (кийик) боласи

I طَلَى (*и*) طَلْيٌ бўямоқ, (*н. биландир*) қопламоқ, беркитмоқ (ب); ~ بِالذَّهَبِ заррин қилмоқ, тилло ранг бермоқ; ~ بِالْفِضَّةِ кумуш ранг бермоқ, кумуш билан қопламоқ; ~ بِالْقَصْدِيرِ метал буюмлар сиртига қалай югуртириб оқартирмоқ; ~ بِالْكَهْرَبَاءِ гальваник усулда метал қопламоқ (югуртирмоқ); ~ بِالْمِينَاءِ сирламоқ, сир югуртирмоқ; V تَطَلَّى бўялмоқ, сирланмоқ (ب); VII اِنْطَلَى зўр чиқмоқ, яхши чиқмоқ, муваффақиятли бўлмоқ (*ҳазил, ҳийла-найранг ва б. лар ҳақида* عَلَى); اِنْطَلَتْ عَلَيْهِ الْحِيلَةُ *кўч.м.* тузоққа илинмоқ, ҳийлага лаққа тушмоқ (илинмоқ); VIII اِطَّلَى = V

– طَلًا туёғининг ўртаси очиқ (йирик) ҳайвоннинг боласи

– طِلَاءٌ 1) устидан бўяш, бўяш; 2) пардоз-андоз буюмлари; ~ الْوَجْهِ грим; 3) лок; зарҳал; 4) баъзи дарахтларнинг танасидаги суюқликдан тайёрланган бўёқ; 5) узум шарбатининг учдан икки қисми буғлангунича қайнатиб тайёрланган ичимлик; шароб, май

– طَلَّاءٌ зарҳал берувчи, зарҳал югуртирувчи

– طُلَايَةٌ = طُلَاوَةٌ

– طَلَاوَةٌ, طُلَاوَةٌ, طِلَاوَةٌ 1) равонлик, силлиқлик; 2) нафислик, нафосат, нозиклик, назокат, латифлик; латофат; гўзаллик; қизиқтирувчанлик

– طَلِيٌّ[1] гўзал, қизиқ, латиф

– طَلًى[2] *кўп.* طُلْيَانٌ қўзи, қўзичоқ

– طُلْيَةٌ *кўп.* бўйин, гардан; бўйин ости

طَلْيَنَ итальянлаштирмоқ

– طَلْيَانٌ *жам.* итальянлар

– طَلْيَنَةٌ итальянлаштириш

I طَمَّ (*а/у*) طَمٌّ сув билан қопламоқ, сув бостирмоқ; тўлиб-тошмоқ (*сув ҳақида*)

– طَامَّةٌ 1) оғир фалокат, бахтсизлик; 2) қиёмат

– طَمٌّ кўп миқдордаги (*сув*); жуда кўп; الـ~ الرَّمِّ катта бойлик, сероблик, мўл-кўллик, тўкин-сочинлик, фаровонлик; денгиз; ◊ جَاءَ بِالـ~ وَ الرَّمِّ жуда кўп бойлик олиб келмоқ

طَمْأَنَ тинчлантирмоқ, хотиржам қилмоқ, ишонч ҳосил қилдирмоқ; ~ ظَهْرَهُ белини эгмоқ, белини букмоқ, қаддини эгмоқ; اطْمَأَنَّ (*н. дандир*) хотиржам бўлмоқ, (*н. гадир*) ўзида ишонч ҳис қилмоқ (إِلَى); بَالُهَا ~ (*мн*) тинчланди; 2) (*к. гадир*) ишонмоқ, ишонч билдирмоқ (إِلَى); 3) суриштириб ишонмоқ, суриштирмоқ, (*к.н. ҳақдадир*) хабардор бўлмоқ (عَلَى); عَلَى وُجُودِهِ ~ бирор нарсанинг мавжудлигига ишонч ҳосил қилмоқ; عَلَى صِحَّتِهِ ~ кимнингдир сиҳат-саломатлигини суриштирмоқ, (*қаердадир*) бўлмоқ (ب)

– اطْمِئْنَانٌ 1) хотиржамлик; ишонч; хавфсизлик туйғуси (ҳисси); 2) ишониш, ишонч

– طُمَأْنِينَةٌ 1) хотиржамлик, тинчлик; 2) ишонч

– مُطْمَئِنٌّ 1) хотиржам; тинч; ишончли; 2) ишонувчан; 3) пасттекисликдаги пасттекисликдан иборат (*жой ҳақида*)

I (طمث) طَمَثَ (*а*) طَمْثٌ ҳайз кўрмоқ; طَمَثَ (*у. и*) طَمْثٌ (*қизнинг*) бокиралигини бузмоқ

– طَمْثٌ ҳайз, менструация

I طَمَحَ (*а*) طُمُوحٌ 1) бошни кўтариб қарамоқ; ... بَصَرُهُ إِلَى ~ (*н. нидир қўярда-қўймай хиралик билан*) талаб қилмоқ; 2) бошни кўтариб қарамоқ, (*н. гадир*) назар ташламоқ; بِأَنْفِهِ ~ кеккаймоқ, такаббур бўлмоқ, бурунни кўтармоқ (ب); 3) хоҳламоқ, (*н. нидир хиралик билан*) талаб қилмоқ, (*н. гадир*) интилмоқ (إِلَى); 4) (*н. нидир*) олиб кетмоқ (ب)

– طَامِحٌ 1) хоҳловчи, истовчи, !~ لَيْسَ وَرَاءَهُ مَطْمَحٌ لِـ шундан кейин ҳам бирор нарсани хоҳлаб бўладими?!; 2) иззатталаб, шуҳратпараст

– طَمَّاحٌ 1) (*н. нидир хиралик билан*) талаб қилувчи; (*н. гадир*) интилувчи (إِلَى); 2) иззатталаб киши, шуҳратпараст киши; 3) очкўз,

баднафс, ёвтўймас, юҳо

– طَمَّاحٌ = طَمُوحٌ

– طُمُوحٌ 1) интилиш, кучли хоҳиш, истак; 2) иззатталаблик, шуҳратпарастлик

– مَطْمَحٌ *кўп.* مَطَامِحُ исталаётган, хоҳланаётган нарса, қўйилган мақсад

I طَمَرَ (*у, и*) طَمْرٌ 1) кўммоқ, дафн қилмоқ; (*н. билан дир*) кўмиб қўймоқ (ب); بِئْرًا ~ қудуқни кўмиб қўймоқ; النَّارَ ~ оловни (*тупроқ, кул билан*) кўмиб ўчирмоқ; طَمَّرَ 1) дафн қилмоқ; 2) (*этни*) ювмоқ, тозаламоқ; VII انْطَمَرَ 1) дафн қилинмоқ; 2) кўмилган бўлмоқ; ўралган бўлмоқ (*мас., кўрпага*)

– طُمَارٌ отқашлағич

– طِمْرٌ *кўп.* أَطْمَارٌ эски-туски, увада, жулдур, йиртиқ-ямоқ кийим

– طُومَارٌ *кўп.* طَوَامِيرُ 1) ўроғлик қоғоз; 2) (*қоғоз*) ўлчами, формати; 3) тумор (*ёзув-хат турларидан бири*)

– مِطْمَارٌ *кўп.* مَطَامِيرُ *ёки* مِطْمَرٌ *кўп.* مَطَامِرُ 1) шоқил; 2) тик ёнбағир, тик қоя, қоянинг тик тушган ёнбағри

– مَطْمُورٌ 1) дафн қилинган, кўмилган; 2) кўмиб қўйилган

– مَطْمُورَةٌ *кўп.* مَطَامِيرُ ишончли, ҳеч ким тополмайдиган яширин жой; ертўла; омбор; (ертўласимон) дон сақланадиган омбор

I (طمس) طَمَسَ[1] (*и*) طُمُوسٌ ўчирилмоқ, йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ; تِ الْعُيُونُ ~ *ёки* الْبَصَرُ ~ кўриш қобилиятини йўқотмоқ; طَمَسَ[2] (*и*) طَمْسٌ ўчирмоқ, текисламоқ; йўқ қилмоқ, (*изларни*) яширмоқ; ~ الْخَبَرَ إِلَى أَنْ ... ...гача (...*га қадар*) хабарни яширин тутмоқ; V تَطَمَّسَ ўчирилмоқ ўчирилиб кетмоқ, ўчиб кетмоқ (*из ҳақида*); VII انْطَمَسَ ўчирилмоқ, текисланмоқ; яширин (ноаниқ) бўлмоқ (қолмоқ)

– طَامِسٌ ўчирилган; ноаниқ, қоронғи

– طَمْسٌ ўчириш; (*жиноят изларини*) яшириш

طَمْطَمَ 1) ғудурламоқ, пойма-пой гапирмоқ; 2) (*араб тилида бошқачароқ талаффузда*) гапирмоқ

– طَمَاطِمُ *бот. жам.* томат, помидор, патинжон

– طَمْطَامٌ очиқ денгиз

– طَمْطَمٌ, طُمْطُمَانِيٌّ, طُمَاطِمُ *кўп.* طَمَاطِمُ (*араб тилида бошқачароқ талаффузда*) гапирувчи

– طَمْطَمَانِيَّةٌ (*чет элликларнинг арабча гапиргандаги*) талаффуз, акцент; اللـ деб айтиш ўрнига أم деб талаффуз қилиш (айтиш)

I (طمع) طَمِعَ (*а*) طَمَعٌ қаттиқ истамоқ (хоҳламоқ); طَمُعَ (*у*) طَمَاعَةٌ қизғончиқ (очкўз) бўлмоқ; II طَمَّعَ 1) истак пайдо қилмоқ, бошни айлантирмоқ, ўз йўлига киритмоқ; 2) жасоратли қилмоқ; гижгижламоқ; IV أَطْمَعَ истак пайдо қилмоқ, бошни айлантирмоқ, ўз йўлига киритмоқ

– طَمَّاعٌ 1) кучли (қаттиқ) истак кўрсатувчи; 2) қизғончиқ, очкўз; манфаатпараст

– طَمَّاعَةٌ 1) кучли (қаттиқ) истак (хоҳиш); 2) қизғончиқлик; очкўзлик; манфаатпарастлик

– طَمَّاعِيَّةٌ кучли (қаттиқ) истак (хоҳиш); интилиш

– طَمَعٌ *кўп.* أَطْمَاعٌ 1) кучли (қаттиқ) истак (хоҳиш); 2) қизғончиқлик, очкўзлик; ◊ ذَوُو أَطْمَاعٍ манфаатдор шахслар, манфаат эгалари

– طَمِعٌ *ёки* طَمُعٌ жуда (қаттиқ) хоҳловчи

– طَمْعَانُ қизғончиқ, очкўз

– مِطْمَاعٌ ўта қизғончиқ, ўта очкўз

– مَطْمَعٌ *кўп.* مَطَامِعُ 1) истак, хоҳиш; орзу, тамаъ; мўлжалланган бирор нарса; манфаатлар; 2) хоҳланган (орзу қилинган) нарса

– مَطْمَعَةٌ орзу (истак) пайдо қиладиган нарса; орзу, истак, ҳавас, васваса, йўлдан озиш

طِمَاقٌ, طُمَاقٌ *кўп.* اتٌ ـــ гетр (*тўпиқдан болдиргача беркитиб турадиган чарм қўнж*); гамаш (*тўпиқдан болдиргача беркитиб турадиган пайпоқ*)

(طمن) طَمَّنَ тинчлантирмоқ, хотиржам қилмоқ; ишонтирмоқ; ишонч қозонмоқ; طَمِّنُوا بَالَكُمْ! тинчланинг!, хотиржам бўлинг!; III طَامَنَ тинчлантирмоқ, хотиржам қилмоқ; VI تَطَامَنَ 1) эгилмоқ, энгашмоқ; пасттекис бўлмоқ (*ер, жой ҳақида*); 2) хотиржам бўлмоқ, (*кўрқувдан*) қутулмоқ, чиқмоқ

– طَمَأْنَانٌ хотиржамлик, хавфдан сақланиш (эҳтиёт бўлиш) ҳисси (туйғуси, сезгиси); ишонч

I (طمو) طَمَا (*у*) طُمُوٌّ қирғоқлардан чиқмоқ (тошмоқ); طَمَى (*и*) طَمْيٌ лойқа бўлмоқ, лойқаланмоқ (*сув ҳақида*)

– طَامٍ *мн.* طَامِيَةٌ 1) қирғоқлардан тошувчи; сersув, суви кўп; 2) лойқали, балчиқли; الْمَاءُ الطَّامِي лойқа сув

– طَمْيٌ *кўп.* أَطْمَاءٌ чўкинди, лойқа, балчиқ

– طَمِيٌّ лойқали, балчиқли, чўкиндили; أَرْضٌ ~ـَـةٌ лойқали, балчиқли ер (тупроқ)

I طَنَّ (*а/и*) طَنِينٌ 1) овоз (товуш) чиқармоқ, садо бермоқ; жаранглamoқ, жирингламоқ; эшитилмоқ, янграмоқ, تَطِنُّ الْأُذُنُ қулоқда жанғилламоқ; 2) ғувилламоқ, визилламоқ, ғинғилламоқ (*ҳашаротлар ҳақида*); II طَنَّنَ 1) овоз (товуш, садо) чиқармоқ; жаранглamoқ, жирингламоқ; 2) ғувилламоқ, ғинғилламоқ, визилламоқ

– طُنٌّ[1] *кўп.* أَطْنَانٌ 1) тан, тана, бадан; 2) боғ, боғлам

– طُنٌّ[2] *кўп.* أَطْنَانٌ тонна

– طَنَّانٌ 1) жарангдор, жарангли, янгроқ; الطَّائِرُ الـ~ *зоол.* колибри (*Америка ва Африкада яшайдиган кичкина рангдор сайроқи қуш*); 2) машҳур, шуҳратли, этоқли, таниқли; مَقَالَةٌ ~ـَـةٌ шовқин-суронли (баландпарвоз) мақола, шов-шувга сабаб бўлган (шов-шув кўтарган) мақола

– طَنِينٌ 1) жарангланган (жирингланган) овоз (*садо*); 2) ғувиллаш, ғинғиллаш, визиллаш, гувиллаш; 3) резонанс (*бирор н. таъсирида ҳосил бўлган тебраниш*); 4) *мус.* тон (товуш, овоз, оҳанг); ~ الصَّفِّ

ярим тон

(طنب) طَنَّبَ чодир (палатка) тикмоқ; (*қаердадир*) қолмоқ (ب); IV أَطْنَبَ орттириб юбормоқ, муболаға қилмоқ, ҳаддан ташқарилик қилмоқ; ~ فِي الكَلَامِ сергап (вайсақи, мижғов) бўлмоқ; ~ فِي الشَّتْمِ ва التَّقْرِيعِ аврa-астарини ағдариб (ўсма-сурмасигача, амма-холасигача қўймай) сўкмоқ ва ҳақорат қилмоқ, болохонадор қилиб сўкмоқ

– إِطْنَابٌ орттириб юбориш, муболаға қилиш, ҳаддан ташқарилик қилиш; ~ فِي الْكَلَامِ вайсақилик, сергаплик, мижғовлик

– طُنُبٌ *кўп.* أَطْنَابٌ 1) таноб, арқон. арғамчи (*чодирни боғлаш учун*): ضَرَبَ فِيهِ أَطْنَابَهُ а) бирор жойда чодир ўрнатмоқ; б) *кўч.м.* хўжайинлик қилмоқ, уя қурмоқ (*мас., порахўрлар ҳақида*); 2) *анат.* пай, чандир

طَنْبَرٌ *кўп.* طَنَابِرُ арава

– طَنْبَرْجِيٌّ *кўп.* طَنْبَرْجِيَّةٌ аравакаш, юк ташувчи, киракаш

طُنْبُورٌ, طُنْبُورَةٌ *кўп.* طَنَابِيرُ 1) танбур, гитара, уд; 2) *тех.* барабан (*машина ва механизмларнинг цилиндр шаклидаги қисми*), валик, цилиндр (*машина қисми*); *шунингдек:* ~ الرَّيِّ Архимед винти; ◊ وَ ... قَدْ زَادَ ~ُـهُمْ نَعْمَةً أَنَّ баланд овоз билан (дағдаға билан) гапиришга мажбур қилган нарса шуки, ...; ~ الطِّينَ بَلَّةً وَ الـ~ زَادَ نَعْمَةً ўтга ёғ қуймоқ ва катта шов-шув чиқармоқ

طُنْبُوشَةٌ *кўп.* ـَـ ات (*қувур. труба*) қалпоғи; қувур ўрамаси-кожухи (*устига ўраб қўйилган нарса*); (*кемалардаги эшак-паррак*) ўрамаси-кожухи

طَنْجَرَةٌ *кўп.* طَنَاجِرُ кастрюл (*сув иситиладиган. овқат тайёрланадиган идиш*)

طَنَحَ *халқ* ўқ отмоқ (*Сурияда*)

طَنَّازٌ масхарабоз

– طَنْزٌ ҳазил, масхарабозлик

(طنش) II طَنَّشَ эшитмаслик, қулоқ солмаслик, тингламаслик

طَنْطَاوِيٌّ 1. Танта ш. га оид; 2. Танта ш. да яшовчи киши

طَنْطَنَ 1) жаранглатмоқ, жангир-жунгир қилмоқ; 2) шовқин (шовқин-сурон) қилмоқ; 3) ғинғилламоқ, ғувилламоқ, визилламоқ

– طَنْطَنَةٌ 1) жаранг, жангир-жунгир; 2) шовқин, шовқин-сурон; 3) ғинғиллаш, ғувиллаш, визиллаш

طَنْفٌ, طُنْفٌ, طُنُوفٌ *кўп.* أَطْنَافٌ (*тоғнинг, деворнинг*) туртиб чиққан жойи, дўнг, бўртиқ; *архит.* арақи, карниз

طَنْفَسَةٌ, طُنْفُسَةٌ *кўп.* طَنَافِسُ гилам

طَهَ *мз ат.от* Тоҳа

I طَهُرَ (*у*) طَهَارَةٌ тоза бўлмоқ, нуқсонсиз бўлмоқ; айбсиз (камчиликсиз) бўлмоқ; II طَهَّرَ 1) тозаламоқ; ювмоқ, ювиб ташламоқ; дезинфекция қилмоқ; 2) кесмоқ, хатна маросимини ўтказмоқ. III طَاهَرَ кестирмоқ, хатна маросимини ўтказмоқ; V تَطَهَّرَ тоза бўлмоқ, ювинмоқ; дезинфекция қилинмоқ; VIII اِطَّهَرَ 1) тоза бўлмоқ; 2) хатна қилинмоқ

– تَطْهِيرٌ 1) тозаланиш, нуқсонсиз бўлиш, тозалаш; зарарли микроблардан тозалаш, дезинфекция; ~ الـ مَحَطَّةُ санитария хизмати кўрсатиладиган жой (бўлим); 2) хатна

– طَاهِرٌ *кўп.* أَطْهَارٌ тоза, озода; бокир; ~ الذِّمَّةِ соф (чин) виждонли, ҳалол, пок, софдил; ~ الذَّيْلِ айбсиз, маъсум; пок виждонли

– طَهَارَةٌ 1) озодалик, тозалик; нуқсонсизлик; ~ الذَّيْلِ 1) соф виждонлилик, айбсизлик, софдиллилик; 2) хатна; 3) таҳорат

– طُهْرٌ 1) озодалик, тозалик; булғанмаганлик, ифлос бўлмаганлик, айбсизлик, нуқсонсизлик; 2) хатна

– الطُّهْرِيُّونَ: пуританлар (XVI-XVII *асрларда Англия ва Шотландияда пайдо бўлган диний-сиёсий оқим вакиллари*)

– طَهُورٌ ғоят тоза, ғоят озода

– طُهُورٌ 1) тозалик, озодалик, 2) хатна

– مَطْهَرٌ *дин.* аъроф, аросат

– مُطَهِّرٌ тозаловчи; дезинфекция қилувчи

– مُطَهِّرَاتٌ *кўп.* дезинфекция қилувчи моддалар, воситалар

– مِطْهَرَةٌ идиш, мустаҳаб учун ишлатиладиган идиш

I طَهَقَ (*а*) طَهْقٌ 1) шошмоқ, шошилмоқ; 2) (*н. дандир*) жирканмоқ, нафратланмоқ (مِنْ)

– طَهْقَانٌ жуда тўйган, тўйиб кетган, мириққан; жирканувчи, нафратланувчи

– مُطَهَّمٌ 1) ғоят яхши, аъло (*отга бериладиган сифат*); 2) думалоқ; ~ وَجْهٌ думалоқ юз, кулча юз

I (طهو) طَهَا (*у*) طَهْوٌ қайнатмоқ, пиширмоқ, овқат тайёрламоқ (пиширмоқ)

– طَاهٍ *мн.* طَاهِيَةٌ *кўп.* طُهَاةٌ ошпаз, пазанда; رَئِيسُ طُهَاةٍ бош ошпаз (пазанда), пазандалар бошлиғи

– طَهَايَةٌ қайнатиш, пиширия, овқат тайёрлаш (пиширия)

– طَهَايَةٌ ошпазлик (пазандалик) касби

– طَهْوٌ, طُهْيٌ қайнатиш, пиширия, овқат тайёрлаш; ~ فَنُّ الـ пазандалик, ошпазлик

– مَطْهًى *кўп.* مَطَاهٍ ошхона, овқат тайёрланадиган жой

(طوب) II طَوَّبَ 1) *дин.* дуо қилмоқ, оқ фотиҳа бермоқ, алқамоқ; муқаддаслаштирмоқ; валийлар қаторига қўшмоқ (киритмоқ) (*қар.* طيب); 2) *юр.* рўйхатдан ўтказиш йўли билан (*ер-мулкларни*) ўзиники қилиб олмоқ (ўзлаштирмоқ)

– طَوَّابٌ ғишт ясовчи

– طُوبٌ *жам.* ғишт; مَحْرُوقٌ (مَشْوِيٌّ) ~ *ёки* أَحْمَرُ ~ пиширилган (пишиқ) ғишт; نِيٌّ ~ *ёки* أَخْضَرُ ~ хом ғишт; النَّارِيُّ ~ـُ *ёки* نَارٍ ~ ўтга чидамли ғишт

– طُوبَةٌ *кўп.* ـَـ ات ғишт

طُوبَارٌ тубор (*тузланган балиқ тури*)

طُوبَاوِيٌّ, طُوبَائِيٌّ *қар.* طيب

طُوبْجِيٌّ *кўп.* طُوبْجِيَّةٌ тўпчи, артиллериячи

– طُوبْجِيَّةٌ тўплар, артиллерия

– طُوبْخَانَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ аслаҳахона, тўпхона, арсенал

طُوبَةٌ туба (*қибт тақвимининг бешинчи ойи*)

طُوبُوغْرَافِيَا топография

طُوبَى *қар.* طيب

I (طوح) طَاحَ (*у*) طَوْحٌ 1) оқмоқ, оқиб бормоқ (*оқим, сел ҳақида*); 2) (*н. нидир*) олиб (оқизиб) кетмоқ, бузиб кетмоқ, синдириб кетмоқ (ب); 3) ҳалок бўлмоқ; ◊ فِي الْأَرْضِ ~ адашиб юрмоқ; адашмоқ; II طَوَّحَ 1) ташламоқ, отмоқ, итқитмоқ; 2) хавф-хатарга дучор қилмоқ, йўлиқтирмоқ, хавф остида қолдирмоқ; 3) (*к. нидир*) олиб кетмоқ, эргаштириб кетмоқ, (*н. нидир*) йўқ қилмоқ (ب); بِذَيْلِهِ ~ думни ликиллатмоқ (*қуш ҳақида*); IV أَطَاحَ 1) (*к. нидир*) ҳалок қилмоқ, нобуд қилмоқ, ўлдирмоқ, қирмоқ (ب). (*н. нидир*) йўқ қилмоқ (ب); 2) олиб ташламоқ (*мас., каллани*), кесиб олмоқ, кесиб ташламоқ (*мас., бармоқни*); إِبْهَامَهُ ~ (*ўзини майиб қилиш мақсадида*) бош бармоғини кесиб ташламоқ; 3) (*к. нидир н. нигдир ичига*) ташламоқ, отмоқ, итқитмоқ (في); 4) (*к. нидир*) ташлаб юбормоқ, отиб юбормоқ, итқитиб юбормоқ (ب); V تَطَوَّحَ 1) ўйламай киришмоқ (қилмоқ); 2) гандиракламоқ, каловланмоқ, гандиракланиб (каловланиб) юрмоқ, тебранмоқ, чайқалмоқ; فِي ~ الْبِلَادِ юрт (мамлакат) бўйлаб кезиб юрмоқ

– إِطَاحَةٌ 1) (*н. нигдир*) йўқ қилиниши (ب); (*к. нигдир, н. нигдир*) олиб ташланиши, ағдарилиб ташланиши (ب)

(طود) VII انْطَادَ баландликка (юксакликка, ҳавога, осмонга) кўтарилмоқ

– طَوْدٌ *кўп.* أَطْوَادٌ тоғ; الشَّامِخِ بِوَجْهِ الْعَدُوِّ ~ *маж.* душман йўлига ғов бўлиб турмоқ; أَطْوَادُ الْ устунлар, арконлар

– مُنْطَادٌ *кўп.* مَنَاطِيدُ 1) ҳаво шари, аэростат; مُقَيَّدٌ ~ боғланма аэростат; 2) *шунингдек:* مُسَيَّرٌ ~ дирижабль, цеппелин (*қаттиқ қобиқли дирижабль*)

(طور) II طَوَّرَ тараққий эттирмоқ, ривожлантирмоқ, илгарилатмоқ, олдинга жилдирмоқ; V تَطَوَّرَ тусини аста-секин ўзгартирмоқ; ривожланмоқ, тараққий этмоқ; (*бирор н. га*) айланмоқ, аста-секин (*н. гадир*) ўтмоқ (إِلَى *-мас. жанжалдан муштлашишга ўтмоқ в х.к.*)

– تَطَوُّرٌ *кўп.* اتٌ ـــ ўзгариш, тусини ўзгартириш; эволюция; نَظَرِيَّةُ الـ~ эволюцион назария, эволюция назарияси; ~ الْعَلَائِقِ الِاجْتِمَاعِيَّةِ ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши

– تَطَوُّرِيٌّ эволюцион; النَّظَرِيَّةُ الـ~ـةُ эволюцион назария, эволюция назарияси

– تَطْوِيرٌ ривожлантириш (*балоғатга етказиш маъносида*)

– طَارٌ 1) тор; тамбурин (*баъзи Оврупо мамлакатларида: ноғорага ўхшаш музика асбоби*); 2) чамбарак, гардиш; чамбар

– طَارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) тамбурин; 2) чамбарак, гардиш, чамбар; тўғин, тегарчик; ғилдирак; الْمَرْكَبِ ~ эшкакли ғилдирак; الْإِدَارَةِ ~ штурвал (*кема ва самолётларни бошқарадиган рул*); الدُّوَمَانِ ~ рул чамбараги; التَّطْرِيزِ ~ керги чамбарак (*гул тикиладиган матони тортиб қўйиладиган чамбарак*); 3) чиғир, маховик, маховик - ғилдирак; الْفِشَاطِ ~ ёки السَّيْرِ ~ шкив (*узатма тасмасини ҳаракатга келтирувчи ғилдирак*); الْجَنَازِيرِ ~ шестерня (*тишли ғилдирак*)

– طُوَارٌ йўлка, тротуар

– طَوْرٌ *кўп.* أَطْوَارٌ 1) босқич; фаза; *геол.* давр; الـ~ الثُّلَاثِيُّ учламчи (триас) давр; الـ~ الطَّبَاشِيرِيُّ бўр даври; الـ~ الْكَوْنِيُّ космик давр; الـ~ الْجِيُولُوجِيُّ геологик давр; أَطْوَارُ نُمُوِّ النَّبَاتِ ўсимликларнинг ривожланиши босқичлари назарияси; 2) ҳолат, аҳвол, шароит; 3) тур; тоифа, категория; 4) хулқ-атвор, ўзни тутиш (ҳаракат) тарзи; хулқ-одоб; غَرِيبُ الْأَطْوَارِ ғалати хулқ-атворли; ғайри қилиқли; 5) чек, чегара; خَرَجَ عَنْ ~ه чегарадан чиқмоқ, ўзини унутмоқ, жаҳлланмоқ; أَخْرَجَ عَنْ ~ه ўзини унуттирмоқ, кимнингдир жаҳлини чиқармоқ; ◊ بَعْدَ ~ًا вақти-вақти билан; ~ًا ... وَ ~ًا ёки ... ~ًا ... ҳозир ..., ҳозир ...

– طُورٌ *кўп.* أَطْوَارٌ тоғ

– طُورِيٌّ[1], طُورَانِيٌّ 1) ёввойи; 2) ёт, ўзга, бегона, бошқа юртдан келиб қолган, келгинди

– طُورَانِيٌّ[2] туроний, туронлик, Турон (Туркистон) дан бориб қолган

– طُورِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ кетмон, дастали сўқа

– مُتَطَوِّرٌ тараққий этган; صِنَاعِيًّا ~ саноати тараққий этган (ривожланган)

– طُورْبِيدٌ *кўп.* اتٌ ـــ торпеда; رَأْسُ الـ~ торпеда каллаги; نَفَسَ الـ~ـ торпеда билан урмоқ (зарба бермоқ)

طُورْبِيلٌ = طُورْبِيدٌ

طُوزْلُقٌ гамаш, гетр (*оёқ болдирига кийиладиган пайпоқ ёки қўнж*)

(طوس) II طَوَّسَ безамоқ, безатмоқ; йиғиштирмоқ, саранжом қилмоқ; تَطَوَّسَ ясанмоқ, тузанмоқ, безанмоқ; такаббурлик қилмоқ, кеккайиб (ўзини намойиш қилиб) юрмоқ

– طَاسٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) металдан ясалган пиёла, пиёлача; 2) металдан ясалган коса; тос; الشُّرْبَةِ ~ шўрва ичиладиган метал коса

– غَبِيطٌ *кўп.* غُبُطٌ 1) туя эгари (*аёллар учун*); 2) қоп; سِمَادٍ ~ бир қоп ўғит

– مَغْبُوطٌ 1) ҳавас қилишга арзийдиган; хурсанд, бахтли; роҳат-фароғатдаги; 2) ёркин хотира қолдирган

– مُغْتَبِطٌ мамнун, хурсанд бўлган

– غَبْغَبٌ *кўп.* غَبَاغِبُ ғабғаб, бағбаға

I (غبق) **غَبَقَ** (у, и) غَبْقٌ кечқурун сув ичирмоқ, кечқурун суғормоқ; VIII اغْتَبَقَ (*бирор н. ни*) кечқурун ичмоқ

– غَبُوقٌ кечқурунги суғориш, кечқурунги сув бериш

I **غَبَنَ** (и) غَبْنٌ 1) алдамоқ; тарозидан уриб қолмоқ; 2) адолатсиз баҳоламоқ; (*фазилатини*) ерга урмоқ, пасайтирмоқ; (*ҳақ-ҳуқуқларни*) бузмоқ, қисқартирмоқ; 4) қаторда камситмоқ, улушидан маҳрум қилмоқ; 5) (*кийимни*) қисқартиб ёки торайтириб тикмоқ; غَبَنَ (а) غَبَانَةٌ, غَبْنٌ رَأْيُهُ: ~ зеҳни паст бўлмоқ; ақли заиф бўлмоқ; VI تَغَابَنَ бир-бирини алдамоқ; ўзаро алдашмоқ; VII انْغَبَنَ алданган (камситилган) бўлмоқ, улушидан маҳрум қилинган бўлмоқ

– تَغَابُنٌ бир-бирини ўзаро алдаш; ◊ يَوْمُ الْـ~ *дин.* ўлганлар тириладиган кун, қиёмат

– غَبَانَةٌ нодонлик, калтабинлик

– غَبَانِيٌّ кашмири (*жун газлама*)

– غَبْنٌ[1] 1) алдаш; ҳақдан (пулдан) уриб қолиш; тарозидан уриб қолиш; 2) холис (адолатли) баҳо бермаслик, (*фазилатни*) камситиш; 3) ҳуқуқларни камситиш, уларга дахл қилиш; 4) зарар етказиш

– غَبْنٌ[2] 1) ҳафа қилиш; адолатсизлик; 2) (*к. гадир*) зарар етказиш (عَلَى)

– غَبِنَةٌ қат, бурма (*кийимда*)

– غَبِينٌ зеҳни паст, ақли заиф

– غَبِينَةٌ алдаш

– مَغْبُونٌ қаторда камситилган, хафа қилинган; رَجَعَ بِصَفْقَةٍ الْـ~ у қоқ-қуруқ қайтиб келди ёки у туз ҳам татимай қайтиб келди *ёки* у икки қўлини бурнига тиққанича қайтиб келди

غُبُونٌ *зоол.* гиббон (*маймуннинг бир тури*)

I **غَبِيَ** (а) غَبَاوَةٌ 1) нодон (узоқни кўра олмайдиган) бўлмоқ; саводсиз (жаҳолатда) бўлмоқ; (*н. нидир*) тушунмайдиган бўлмоқ, тушунмаслик (عَنْ); 3) *мажз.* эсни йўқотмоқ, беҳуш бўлиб йиқилмоқ; VI تَغَابَى 1) ёлғондан ўзини нодон қилиб кўрсатмоқ, ўзини нодонликка солмоқ; 2) тентаклик қилмоқ, ўзини ножиддий (бачкана) тутмоқ; X اسْتَغْبَى нодон (беақл) деб ҳисобламоқ

– أَغْبَى энг нодон (беақл)

– غَبَاءٌ нодонлик, аҳмоқлик, беақллилик; ~ عَنْ беақллилик натижасида, нодонлик қилиб

– غَبَاوَةٌ калтафаҳмлик, аҳмоқлик, беақллилик, фаросатсизлик; ~ الْفَهْمِ бефаҳмлилик

– غَبِيٌّ *кўп.* أَغْبِيَاءُ 1. аҳмоқ, нодон, беақл; 2. жаҳолатдаги одам, нодон одам, бефаросат одам

I **غَثَّ** (а/у) غَثٌّ 1) босиб (тўхтатиб) турмоқ; الضَّحِكُ ~ кулгини босиб турмоқ; 2) ботирмоқ, чўктирмоқ

أَغْثَمُ *мн.* غَثْمَاءُ *кўп.* غُثْمٌ гапини тушуниб бўлмайдиган, фикрини тўла ифодалай олмайдиган

– غُثْمَةٌ ғўлдираб гапиришлик, фикрни тўла ифодалай олмаслик

– أَغْثَمُ = غَثَمِيٌّ, غُثْمِيٌّ

I **غَثَّ**[1] (а/и) غَثَاثَةٌ орик (чўпдай) бўлмоқ; غَثٌّ[2] (а/и) غَثِيثٌ, غُثُوثَةٌ, غَثَاثَةٌ йиринг чиқармоқ, йирингламоқ (*яра ҳақида*); غَثٌّ[3] (и) غُثُوثَةٌ, غَثَاثَةٌ ёқимсиз бўлмоқ, фисқ-фасодли бўлмоқ (*суҳбат ҳақида*)

– غَثٌّ[1] йиринг чиқариш (*яра ҳақида*)

– غَثٌّ[2] орик, озғин; ◊ ~ـُـهَا وَ سَمِينُهَا а) яхши ва ёмон; б) арзон ва қиммат; в) майда ва катта; لاَ يُمَيِّزُ الْـ~ مِنَ السَّمِينِ *ёки* لاَ يُمَيِّزُ الْـ~ وَ السَّمِينِ (*бирор н. ни*) ёмон билмоқ, яхши ёки ёмонлигини билмаслик

– غَثٌّ[3] 1) орик гўшт; 2) ёқимсиз ғийбатга тўла суҳбат

– غُثُوثَةٌ, غَثَاثَةٌ ориқлик, озғинлик; чўплик

– غَثِيثٌ[1] = غَثٌّ[2]

– غَثِيثٌ[2] йиринг

– غَثِيثٌ[3] = غَثٌّ[3]

غَاثِرٌ қуюқ, тўла, атрофлича; مُطْبِقٌ ~ صَمْتٌ мутлақ (тўла) сукунат, жимлик

I **غَثَى** (и) غَثَيَانٌ кўнгил айнимоқ; غَثِيَتْ نَفْسُهُ *мажз. ёки* غَثَتْ نَفْسُهُ унинг кўнгли айниди

– غُثَاءٌ ифлослик, лойқа (*селда*)

– غُثَاءٌ = غُثَّاءٌ

– غَثَيَانٌ, غَثْيٌ кўнгил айниш

(غجر) II غَجَّرَ сўкмоқ

– غَجَرِيٌّ *кўп.* غَجَرٌ лўли

غدو *қар.* غَدٌ

غدو *қар.* غَدًا

غُدَدٌ *анат.* без, ғудда

– غُدَدِيٌّ безга оид, безли

– غُدَّةٌ *кўп.* غُدَدٌ *анат.* без, ғудда; اَلْغُدَدُ ذَاتُ الْإِفْرَازِ الدَّاخِلِيِّ *ёки* اَلْغُدَدُ الصَّمَّاءُ (الصَّمَّاءُ) *ёки* اَلْغُدَدُ اللاَّ قَنَوِيَّةُ ички секреция безлари, эндокрин безлари; اَلْـــ التِّيمُوسِيَّةُ бўқоқ бези; اَلْـــ الدَّرَقِيَّةُ *қар.* اَلْغُدَدُ الْجِنْسِيَّةُ جَارَّةُ الدَّرَقِيَّةِ ; دَرَقِيٌّ парақалқонсимон безлар; اَلْـــ الصَّنَوْبَرِيَّةُ жинсий безлар; اَلْـــ مَاءِ التَّذْكِيرِ ғуддасимон без; ~ уруғ бези (*эркак балиқларда*); اَلْـــ النُّخَامِيَّةُ гипофиз (*мия остидаги ўсишга таъсир кўрсатувчи ички секреция бези*); اَلْـــ النَّكَفِيَّةُ *қар.*; نَكَفِيٌّ (الصَّمَّاءِ) عِلْمُ الْغُدَدِ الصَّمِّ эндокринология (*ички секреция безларининг тузилиши ва фаолиятини ўрганадиган медицина соҳаси*)

I **غَدَرَ** (и) غَدْرٌ 1) хиёнаткорона иш қилмоқ; сотмоқ, алдамоқ; (*к. гадир*) хоинлик (хиёнат) қилмоқ (*туш.к. ёки* ب); 2) (*н. дандир*) чекинмоқ, воз кечмоқ (عَلَى); II غَدَّرَ воз кечишга (чекинишга) мажбур қилмоқ, чекинтирмоқ; III غَادَرَ ташлаб қўймоқ, ташлаб кетмоқ, тамламоқ; (*қаергадир*) кетмоқ, жўнаб кетмоқ ~ مِصْرَ إِلَى (إِلَى) у Қоҳирадан Ал-Искандарияга жўнаб кетди; ~ الدُّنْيَا у дунёни тарк этди (ўлди); IV أَغْدَرَ = I; VII انْغَدَرَ алданган бўлмоқ

– غَادِرٌ ғаддор, хиёнатчи, хоин, алдамчи, алдоқчи, сотқин, ишончсиз

– غَدَّارٌ 1. ғаддор, хиёнатчи, хоин, алдамчи, алдоқчи, сотқин, ишончсиз; 2. хоин, хиёнаткор одам

– غَدَّارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ тўппонча, пистолет, револьвер

– غَدْرٌ 1) ғаддорлик, хоинлик, сотқинлик; ~ хиёнаткорона, хоинларча; 2) макр, маккорлик

– غَادِرٌ = غُدَرٌ

– غَدُورٌ хоин, хиёнаткор

– غَدِيرٌ *кўп.* غُدُرٌ, غُدْرَانٌ 1) кўлмак, кўлоб; 2) унча катта бўлмаган ҳовуз ёки кўл; ариқ

– غَدِيرَةٌ *кўп.* غَدَائِرُ 1) кокил; зулф, гажак; 2) соч ўрими

– مَغْدُورٌ алданган, лақиллатилган

– مَغْدُورِيَّةٌ адолатсизлик

(غدف) IV أَغْدَفَ ташламоқ, солмоқ; ~ الصَّيَّادُ الشَّبَكَةَ عَلَى الصَّيْدِ овчи ўлжага тўр ташлади

– غُدَافٌ *кўп.* غُدْفَانٌ ғўнғқарға

– غَدَفٌ бойлик, фаровонлик, сероблик, етарлилик

– غُدْفَةٌ *кўп.* غُدَفٌ (*бадавий аёлларнинг бошига ўраладиган*) рўмол

I **غَدِقَ** (а) غَدَقٌ шариллаб ёғмоқ, қуймоқ (*ёмғир ҳақида*); нам (намхуш) бўлмоқ (*тупроқ ҳақида*); IV أَغْدَقَ шариллаб ёғмоқ, қуймоқ (*ёмғир ҳақида*); 2) (*к. нидир*) совғаларга кўмиб юбормоқ; (*н. нидир*) мўл-кўл миқдорда (*к. гадир*) бермоқ (عَلَى); ~ اَلْوُعُودَ عَلَيْهِ ... بِأَنْ кимгадир ... ҳақида кўпдан-кўп ваъдалар бермоқ; ~ اَلْعَطْفَ عَلَيْهِ кимгадир бўлган меҳру муҳаббатини ҳаддан ортиқ баён қилмоқ, кимгадир ортиқ даражада меҳрибон бўлмоқ

– غَدَقٌ сероб (*сувга*); сернам (*ўт-ўлан, ўсимликлар ҳақида*); серҳосил (*ер ҳақида*); кучли (*ёмғир ҳақида*)

– غَدِقٌ = مُغْدِقٌ

– غَدَّانٌ кийим осиб қўйиладиган илгак, вешалка

– غَدَنٌ кучсизлик, бемадорлик, бўшашганлик, чарчоқлик

I (غدو) **غَدَا** *кам ҳолларда:* غَدَى (у) غُدُوٌّ 1) эрталаб жўнамоқ, кетмоқ; 2) бўлмоқ, қилинмоқ; 3) (*бирор н. ни қила*) бошламоқ; ◊ ~ وَرَاحَ у ёқ-бу ёққа юрмоқ; ~ بِلاَ مُعِينٍ وَ لاَ نَصِيرٍ ҳеч қандай ёрдамсиз қолмоқ; غَدِيَ (а) غَدًى нонушта қилмоқ; II غَدَّى нонушта бермоқ; III غَادَى эрталаб бормоқ, эрталаб бирор киши олдига бормоқ; ◊ ~ وَرَاحَ у ёқ-бу ёққа юрмоқ; V تَغَدَّى 1) овқатланмоқ; 2) нонушта қилмоқ; VIII اغْتَدَى 1) эрталаб жўнамоқ, кетмоқ; 2) бўлмоқ, қилинмоқ

– اغْتِدَاءٌ эрталаб жўнаш, бомдод намозидан қуёш чиққунча бўлган пайтда йўлга тушиш

– غَادٍ *мн.* غَادِيَةٌ 1) эрталаб бораётган; 2) (*бирор ёққа*) жўнаётган; ◊ ~ كُلُّ رَائِحٍ وَ ҳар бир дуч келган, ҳар бир қаланғи-қасанғи

– غَادِيَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ эрталабки булут

– غَدٌ эртанги кун; ~ بَعْدَ индин; ~ فِي الْـــ бошқа кунда, келаётган кунда; ~ مِنَ الْـــ эртадан бошлаб; ~ اَ эртага; ~ بَعْدَ индинга; ~ـــ اَلْمُشْرِقِ حَلَمَ بِالْـــ ёрқин келажак ҳақида орзу қилмоқ; مَا يُحَبِّبُهُ لِي الْـــ مِنَ اَلْمُفَاجَآتِ؟ эрталик кун менга қандай кир-дикорлар тайёрлаб турган экан?; إِنَّ الْـــ لَنَاظِرِهِ قَرِيبٌ *мтл.* эрталик кун кутаётганники (эрта айтмаганга оқшом йўқ)

– غَدَاءٌ *кўп.* أَغْدِيَةٌ 1) нонушта; 2) тушлик

– غَدَاةٌ *кўп.* غَدَوَاتٌ эрта тонг; арафа; ~ الْعِيدِ ийд (ҳайит) арафасида

– غُدْوَةٌ = غُدُوٌّ

– غَدْوَةٌ *кўп.* غَدَوَاتٌ 1) нонушта; 2) эрталабки кетиш; وَ ~ فِي كُلِّ

رَوْحَةٌ доимо, ҳамма вақт; رَافَقَهُ فِي غَدَوَاتِهِمْ وَ رَوْحَاتِهِمْ *қар.*

– غُدْوَةٌ *кўп.* غُدًى 1) эрта тонг; ~ эрта тонгда, 2) бомдод намозидан қуёш чиққунча бўлган пайт

– مَغْدًى 1) ҳар куни эрталаб жўналадиган жой (*сол* مَرَاحٌ); مَغْدَاهُ وَ مَرَاحُهُ кимнингдир хулқ-атвори, кимнингдир кундалик (ҳар куниги) ҳаёти; 2) эрталабки пайт, тонг; فِي مَغْدَاهُ وَ مَرَاحِهِ ҳамма вақт, доимо; كَانَ بَيْتُهُ مَرَاحًا وَ ~ لِلْجَمِيعِ унинг уйи ҳамма вақт ҳамма учун очиқ эди

I غَدَّ (а/и) غَدٌّ йирингламоқ; фасод боғламоқ; IV أَغَدَّ 1) йирингламоқ; 2) шошилтирмоқ; тезлатмоқ; فِي السَّيْرِ ~ тез ҳаракат қилмоқ

– غَدِيدَةٌ йиринг, фасод

I (غدو) غَدَا (у) غَدْوٌ овқатлантирмоқ, едирмоқ, боқмоқ; II غَدَّى = I; V تَغَدَّى овқатланмоқ, емоқ, боқилмоқ; VIII اغْتَدَى овқатланмоқ, тўйинмоқ

– اغْتِدَاءٌ овқатланиш, ейиш; ~ سُوءُ الْـ тўйиб овқат емаслик

– تَغْدِيَةٌ овқатлантириш, тўйдириш, едириш; ~ سوءُ الْـ ёмон овқатланиш

– غِذَاءٌ *кўп.* أَغْذِيَةٌ овқат, ейиладиган нарса; لَحْمِيٌّ ~ гўштдан тайёрланган овқат; نَبَاتِيٌّ ~ вегетарианлар овқати (*гўшт ва ҳайвон ёғи қўшмай тайёрланган овқат*); الْحُمَيَّة ~ парҳез таоми

– غِذَائِيٌّ 1) овқатга (овқатланишга) оид; 2) тўйимли, тўқ тутадиган; الْمَوَادُّ الْـ а) тўйинтирувчи моддалар; б) озиқ-овқат маҳсулотлари

– مُغَذٍّ *мн.* مُغَذِّيَةٌ 1) овқатлантирувчи; 2) тўйимли, тўқ тутадиган

I (غرر) غَرَّ[1] (а/у) غَرٌّ, غُرُورٌ кўнгилни банд қилмоқ, мафтун қилмоқ; қизиқтирмоқ, кўнгилни суст кетказмоқ; йўлдан урмоқ, алдамоқ; غَرَّ[2] (а/и) غَرَارَةٌ ғўр, ёш, тажрибасиз бўлмоқ; II غَرَّرَ (*к нидир*) адаштирмоқ, йўлдан урмоқ, алдамоқ (ب); (*к нидир. н. нидир*) хавф-хатарга қолдирмоқ (ب); نَفْسَهُ ~ ўзини хавф-хатарда қолдирмоқ; VII انْغَرَّ алданган (йўлдан урилган) бўлмоқ; VIII اغْتَرَّ 1) мафтун қилинган (кўнгли банд қилинган, қизиққан) бўлмоқ; (*н. гадир*) кўнгли суст кетган бўлмоқ (ب); بِنَفْسِهِ ~ ўзига бино қўйган (кибрли) бўлмоқ; 2) (*н биландир*) алданган (йўлдан урилган, адаштирилган) бўлмоқ; X اسْتَغَرَّ алданган (хатога бошланган) бўлмоқ; 2) тўсатдан келмоқ, кутилмаганда босиб олмоқ

– أَغَرُّ *мн.* غُرٌّ, غُرَّاءُ *кўп.* غُرٌّ 1) (*пешонасида*) оқ холи (белгиси) бор (*от ҳақида*); 2) шаън-шарафли, обрўли, эътиборли, олийжаноб; 3) ғоят гўзал, чиройли, юксак; ~ الْـ يَوْمُ الْـ хотирда (эсда) қоладиган кун; أَيَّامُهُ الْغُرُّ унинг энг юксак даражага кўтарилган (ғоят эътиборли бўлган) кунлари; 4) ҳурматли, эътиборли; الشَّرِيعَةُ الْغَرَّاءُ юксак эътиборли шариат; 5) оқ, оқ рангли

– تَغَرُّرٌ = تَغَرِّرٌ

– غَارٌّ 1) алдоқчи, ёлғон, сохта; 2) ғафлатда қолган, ғофил

– غَرٌّ *кўп.* غُرُورٌ қилич тиғи

– غُرٌّ *жам. зоол.* қашқалдоқ (*қуш*)

– غِرٌّ *кўп.* أَغْرَارٌ ғўр, ёш, тажрибасиз; يَا لَكَ مِنْ ~ أَحْمَقَ сен қандай аҳмоқсан-а!

– غِرَارٌ *кўп.* أَغْرِرَةٌ 1) аҳамиятсизлик, озлик, унча катта бўлмаган миқдор; لَا يَنَامُونَ إِلَّا ~ًا улар нотеккис (бўлиб-бўлиб, оз-оз) ухлайдилар; 2) қилич тиғи; 3) туя сутининг озлиги; ◊ ~ًا *ёки* ~ عَلَى шоша-пиша, апил-тапил; وَاحِدٌ ~ هُمْ عَلَى улар бир-бирларига ўхшайдилар; ~ الْـ عَلَى هَذَا шунинг сингари, шунга ўхшаш; وَ كَانَ ~ عَلَى هَذَا الْمُعَاهَدَةِ бу аллақандай шартномага ўхшаш нарса эди

– غَرَّارٌ 1) кўнглини суст кетказадиган; 2) ёлғон, сохта

– غَرَارَةٌ 1) ғўрлик, ёшлик; فِي السِّنِّ ~ тиши чиқмаган маҳалда, жуда ёшлигида, ғўрлигида; ~ الْمَرَضِ касалликнинг бошланиши; 2) ғўрлик, тажрибаизлик; беғамлик

– غَرَائِرُ *кўп.* غَرَائِرَةٌ 1) (*жўналиқ га қараганда каттароқ*) қоп; 2) дағал гилам; 3) 80 *муддга тенг қумсимон моддалар ўлчови*)

– غَرَرٌ хавф-хатар; رَكِبَ الْـ ~ хавф-хатарга дучор бўлмоқ

– غُرَّةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ *зоол.* қашқалдоқ (*қуш*)

– غُرَّةٌ[2] *кўп.* غُرَرٌ 1) (*отнинг пешонасидаги*) оқ холи; 2) зулф; пешонага тушиб турган гажак; 3) ҳар нарсанинг энг яхшиси. танлангани; غُرَرُ النَّثْرِ وَ الشِّعْرِ наср ва назмнинг энг яхши намуналари; وَلَّتْ غُرَرُ أَيَّامِهِ унинг энг шуҳратли кунлари ўтиб кетди; 4) бош, бошланиш; الشَّهْرِ ~ (*ой тақвими бўйича*) ойнинг биринчи куни; رَمَضَانَ ~ рамазоннинг биринчи куни; الشَّبَابِ ~ ёшликнинг гуллаган чоғи

– غُرَّةٌ[3] қул, чўри

– غِرَّةٌ *кўп* غَرَرٌ эътиборсизлик, ўлда-жўлдалик, беэътиборлик, ~ عَلَى ёки ~ عَلَى حِينِ тўсатдан, кутилмаганда, бирданига, ~ مِنْ ... ...ни бехабар қолдириб, ...га билдирмай

– غَرُورٌ[1] 1) алдаётган; 2) сохта, ёлғон

– غَرُورٌ[2] 1) шайтон, иблис; 2) ғарғара қилиб томоқ чайиладиган дори

– غُرُورٌ 1) мағрурланиш, кеккайиш; 2) ғурур, мағрурлик, кеккайганлик, фахр; أَخَذَهُ الْـ ~ (*бирор н. сабабидан*) уни ғурур туйғуси ўраб олди (ب)

– غَرِيرٌ *кўп* أَغِرَّاءُ 1) алданган, йўлдан урилган; 2) ғўр, ёш, тажрибасиз

– غُرَيْرَةٌ, غُرَيِّرٌ *зоол.* барсуқ

– مَغْرُورٌ 1) шамғалат қилинган; алданган; 2) мағрур, кеккайган

غِرَافِيتٌ графит

I (غرب) غَرَبَ[1] (у) غُرُوبٌ 1) ботмоқ (*қуёш ҳақида*); 2) яшириномоқ; 3) ичга ботмоқ, (*кўз ҳақида*); غَرَبَ[2] (у) غَرْبٌ 1) (*к. дандир*) яшириномоқ, кетмоқ; اغْرُبْ عَنْ وَجْهِي йўқол кўзимдан!; 2) (*к. гадир*) нотаниш бўлиб қолмоқ (عَنِ الْبَالِ); وَ لَا يَغْرُبُ عَنِ الْبَالِ أَنَّ ... шу нарса яхши маълумки, ...; وَ لَا يَغْرُبَنَّ عَنِ الْبَالِ أَنَّ ... шу нарсани эътибордан ҳеч соқит қилмаслик керакки, ...; غَرُبَ (у) غَرَابَةٌ ёт (нотаниш, ғалати) бўлмоқ; II غَرَّبَ 1) ғарбга жўнаб кетмоқ; 2) сургун қилмоқ; ҳайдамоқ; ёт элларга жўнатмоқ; 3) оврупалаштирмоқ; IV أَغْرَبَ 1) узоқларга кетмоқ; 2) (*н. дандир*) ажойиблик (ғалатилик) қилмоқ, ўзини тутолмаслик (فِي); ~ فِي الضَّحْكِ кўп кулмоқ; ҳоҳоламоқ, қотиб кулмоқ; 3) бегона бўлмоқ, бегоналашмоқ; V تَغَرَّبَ 1) ёт (бошқа) ўлкаларга кетмоқ; эмиграцияга кетмоқ; 2) Ғарб тарафдори бўлмоқ, оврупалашмоқ; VIII اغْتَرَبَ 1) ватандан узоқларга кетмоқ, ғурбатда юрмоқ; эмиграцияга кетмоқ; 2) ватандан йироқда (ғурбатда) яшамоқ; ~ عَنْ بِلَادِهِ тирикчилик учун ёт элларга кетмоқ; ~ ўз мамлакатини ташлаб кетмоқ; 3) бегона (қариндош бўлмаган) аёлга уйланмоқ; X اسْتَغْرَبَ 1) ғалати, ажойиб, ғаройиб деб ҳисобламоқ; ҳайратга тушмоқ; 2) оврупалашмоқ; ◊ فِي الضَّحْكِ ~ қаттиқ кулмоқ

– اسْتِغْرَابٌ ҳайрон бўлиш, ҳайратга тушиш; ~ عَلَامَةُ الْـ ундов белгиси (!); ~ أَثَارَ ҳайрон қолдирмоқ

– اغْتِرَابٌ ватандан узоқда (ғурбатда) яшаш ~ الْـ *қар.* بَدَلَ

– إِغْرَابٌ альбинизм (*организмда унга хос ранг берувчи пигмент етишмаслиги*)

– تَغَرُّبٌ 1) ватанни ташлаб кетиш; эмиграция; 2) Ғарб тарафдори бўлиш; Оврупо маданияти билан танишиш, оврупалашиш

– تَغْرِيبٌ 1) ҳайдаш, сургун қилиш; 2) оврупалаштириш

– غَارِبٌ *кўп.* غَوَارِبُ яғрин; бўйин; ◊ غَوَارِبُ الْبَحْرِ денгиз тўлқинларининг ўркачлари; حَبْلُكَ عَلَى ~ك хоҳлаган томонингга кетавер, тўрт томонинг қибла (*сўзма-сўз*: арқонинг гарданингда); أَلْقَى (أَطْلَقَ) الْحَبْلَ عَلَى الْـ ~ тўла эрк бермоқ

– غُرَابٌ *кўп.* أَغْرِبَةٌ, غِرْبَانٌ 1) *шунингдек*: ~ الْأَسْحَمُ الْـ *ёки* ~ الْأَسْوَدُ الْـ *ёки* ~ النُّوحِيُّ الْـ қора қарға; *шунингдек*: ~ الزَّاغُ الْـ *ёки* ~ الصَّغِيرُ الْـ қарға (*модаси*); ~ الزَّرْعِ *ёки* ~ الزَّيْتُونِ *ёки* ~ الْبَيْنِ ~ الْأَعْصَمُ зоғ; ~ الْقَيْظِ ғўнғқарға; ~ الْبَحْرِ қорабузов (*қуш*); ~ السَّيْفِ айрилиқ ҳақида хабар берувчи қарға; 2) тиғ, дам; ~ الرَّأْسِ энса, бошнинг орқа томони; ~ هَذَا شَيْبُ الْـ бу жуда узоқ; ~ طَارَ عَنْهُ унинг орқа сочи оқариб кетди; ~ الْفَجْرِ ابْتِسَامَتُهُ احْتَمَلَ унинг юзидаги жилмайиш тез йўқолди; أَغْرِبَةُ الْعَرَبِ қора арабларнинг (*метислар ва б. лар*)

– غَرَابَةٌ ғалатилик, ғаройиблик, ажойиблик; антиқалик, ғалати қилиқлилик; ... لَا ~ أَنَّ бу ажабланарли эмаски, ... لَيْسَ فِي ~ذَلِكَ бунинг ажабланарли жойи йўқ

– غُرَايَةٌ *кўп.* اتٌ — *архит.* полеон; валик

– غَرْبٌ[1] ғарб; ~ًا ғарбда; ғарбга; ғарб томонда

– غَرْبٌ[2] *кўп.* غُرُوبٌ 1) диск, доира; 2) тиғ, дам, ~ سِكِّينٍ пичоқ тиғи; ◊ فَلَّ ~ـهُ кимнидир кучдан қолдирмоқ; 3) катта челак, пақир

– غَرْبٌ[3] 1) узоқлик, йироқлик; 2) қизғинлик, эҳтирос

– غُرْبٌ кўп غُرَبَاءُ = غَرِيبٌ 2)

– غُرْبَةٌ 1) *шунингдек*: ~ دَارُ الْـ ёт ўлка; 2) ғурбатдаги (ватандан йироқдаги) ҳаёт; ~ أَلَمُ الْـ ватан соғинчи

– غَرْبِيٌّ 1. 1) ғарбий; ~ الْمَدِينَةِ шаҳарнинг ғарбий томонида; 2) Оврупога оид. 2. ғарблик, оврупалик

– غُرَابِيبُ *кўп.* غُرَابِيبُ : ~ أَسْوَدُ тим қора, қоп-қора

– غُرُوبٌ ботиш (*қуёш ҳақида*); ~ الشَّمْسِ қуёшнинг ботиши

– غَرِيبٌ *кўп.* غُرَبَاءُ 1. 1) ёт, чет киши; (*к. учундир*) нотаниш, номаълум (عَنْ), ~ـةٌ مَادَّةٌ ёт (четдан кириб қолган) модда, жисм; 2) ғалати, ғайриоддий, ажойиб; ~ طَوْرٌ *кар.*; مِنَ الْـ ~ أَنَّ ... шуниси ажойибки, ...; مِنَ الْأَمْرِ ~ وَ الْـ فِي الْأَمْرِ أَنَّ ... *ёки* ... бу иш ажойибки, ...; шуниси ғалатики, ...; 2. *кўп.* أَغْرَابٌ, غُرَبَاءُ 1) ёт, нотаниш одам; 2) чет эллик, хорижий одам

– غَرِيبَةٌ *кўп.* غَرَائِبُ (*қандайдир*) ажойиб (н.)

– غُرَيِّبَةٌ *кўп.* اتٌ — бодомли пирожний

– مُسْتَغْرَبٌ ғалати, ажойиб; ... أَنَّ الْـ ~ مِنَ وَ шуниси ажойибки, ...; ... أَنَّ الْـ ~ مِنَ لَيْسَ وَ шу нарса ҳайратланарли эмаски, ...

– مُغْتَرِبٌ 1. ёт элларда (ғурбатда) яшовчи; 2 қочқин: кўчиб бориб қолган шахс; эмигрант

– مَغْرِبٌ *кўп.* مَغَارِبُ 1) кун ботиш жойи (вақти); ~ الْـ بَعْدَ кун ботишдан сўнг; 2) ғарб; مَغَارِبِ الْأَرْضِ وَ مَشَارِقِهَا فِي ҳамма жойда, мағрибдан машриққача; 3) оқшом, шом; ~ الْـ *ёки* ~ صَلَاةُ الْـ шом намози

– مُغْرَبٌ альбинос (*териси, пўсти оқариб кетган одам, ҳайвон ёки ўсимлик*)

– مُغْرَبٌ : ~ عَنْقَاءُ *ёки* ~ عَنْقَاءُ *қар.*

– مُغَرَّبٌ қувилган; сургун қилинган; ~ عَنِ النَّاسِ одамлар орасидаги ёт (чет) киши

– مَغْرَبَ марокашлаштирмоқ, мағриблаштирмоқ

– مَغْرَبَةٌ марокашлаштириш, мағриблаштириш

– مَغْرِبِيٌّ 1. мағрибий; Марокашга оид; 2) *кўп.* مَغَارِبَةٌ Мағриб (Марокаш) кишиси; марокашлик

– مَغْرِبِيَّةٌ 1) кун ботар пайти; оқшом; Мағрибга (Марокашга) оид (мансуб) бўлиш

– غِرْبِيبٌ *кўп.* غَرَابِيبُ қоп-қора

– غَرْبَلَ эламоқ, ғалвирламоқ, ғалвирдан ўтказмоқ; ~ـهُ فِي غِرْبَالِ الْحَقِيقَةِ *маж.* бирор нарсанинг ҳақиқат эканини қаттиқ текширмоқ (ғалвирдан ўтказмоқ); تَغَرْبَلَ ғалвирланмоқ, эланмоқ

– غَرَابِيلِيٌّ *кўп.* غَرَابِيلِيَّةٌ ғалвир ясовчи уста *ёки* ғалвир (элак) сотувчи, элакфуруш

– غِرْبَالٌ *кўп.* غَرَابِيلُ ғалвир; элак

– غَرْبَلَةٌ ғалвирлаш, элаш

– مُغَرْبَلٌ ғалвирланган, эланган

I **غَرِثَ** (а) غَرَثٌ очлик ҳис этмоқ

– غَرَثٌ очлик

– غَرْثَانُ *мн.* غَرْثَى *кўп.* غِرَاثٌ, غَرَاثَى оч, қорни очган

I **غَرَدَ** (а) غَرْدٌ сайрамоқ (*қуш ҳақида*); II غَرَّدَ сайрамоқ; чириқ-чириқ қилмоқ; IV أَغْرَدَ = II; V تَغَرَّدَ чириқламоқ, сайрамоқ, чириқ-чириқ қилмоқ (*қуш ҳақида*)

– أُغْرُودَةٌ *кўп.* أَغَارِيدُ сайраш (*қуш ҳақида*)

– غَرِدٌ сайроқи (*қуш*)

– غُرُودٌ *кўп.* غُرُودٌ қумли дўнг; غُرُودٌ مِنَ الرِّمَالِ қумли дўнглар, барханлар

– غَرِدٌ = غَرِيدٌ

– مُغَرِّدٌ сайроқи; сайровчи (қуш ҳақида)

I **غَرَزَ** (и) غَرْزٌ 1) (*н. нидир*) санчмоқ (ب); (*н. гадир*) санчмоқ, тиқмоқ (في); 2) (*калитак, новда*) ўтказмоқ; II غَرَرَ (игна-тугма) тақмоқ; IV أَغْرَزَ санчмоқ; V تَغَرَّزَ санчилмоқ; ичкарига чуқур ботмоқ; VII انْغَرَزَ санчилган (тиқилган) бўлмоқ; VIII اغْتَرَزَ: رِجْلَهُ فِي الْغَرْزِ ~ оёқни узангига тиқмоқ

– غَرْزٌ *кўп.* غُرُوزٌ 1) чармдан (теридан) ясалган узанги; 2) кўчат; أَحْمَرُ ~ *мн.* сердолик (*қимматбаҳо тош*)

– غُرْزَةٌ[1] *кўп.* غُرَزٌ: حَشِيشٍ ~ ҳашиш (афюн) чекиладиган жой; қаҳвахона

– غُرْزَةٌ[2] *кўп.* غُرَزٌ 1) санчиш, укол қилиш; 2) сув тез оқадиган жой

– غَرَزِيٌّ инстинктив; ғайриихтиёрий

– غَرِيزَةٌ *кўп.* غَرَائِزُ 1) инстинкт, табиий сезги; 2) интилиш, 3) интуиция, ички сезги

– غَرِيزِيٌّ 1) инстинктив, ғайриихтиёрий; 2) табиий (туғма)

– مَغْرِزٌ *кўп.* مَغَارِزُ 1) (*бирор н.*) қуриладиган жой; 2) асос, замин; 3) қилиқ, ҳазил

I **غَرَسَ** (и) غَرْسٌ 1) (кўчат) ўтказмоқ; 2) одатлантирмоқ; III غَارَسَ мардикорлик йўли билан (*мас., хурмо*) ўтказмоқ; IV أَغْرَسَ 1) (*кўчат*) ўтказмоқ; 2) чўктирмоқ; VII انْغَرَسَ 1) ўтказилган бўлмоқ; 2) кўмилган бўлмоқ (*мас., қумга*); 3) санчилмоқ

– غِرَاسٌ 1) (*дарахт*) ўтказиш; 2) ўтказиш мавсуми, 3) ўсимлик, кўчат

– غِرَاسَةٌ *кўп.* اتٌ — кўчат ўтказувчи машина

– غَرْسٌ, غَرْسٌ *кўп.* أَغْرَاسٌ, غِرَاسٌ ўтказилган ўсимлик, кўчат

– غَرْسَةٌ *кўп.* غَرَسَاتٌ айрим ўсимлик, бир дона ўсимлик

– غَرِيسَةٌ *кўп.* غَرَائِسُ кўчат

– مُغَارَسَةٌ мардикорлик қилиб (*мас., хурмо*) ўтказиш

– مَغَارِسِيٌّ мардикор

– مَغْرِسٌ *кўп.* مَغَارِسُ 1) кўчат ўтказиладиган жой; кўчат ўтказишга мўлжалланган майдон; плантация; 2) (*кўчат етиштириладиган*) жой, питомник

– مَغْرُوسٌ ўтказилган

– مَغْرُوسَاتٌ *кўп.* ўтказилган нарсалар; плантация

غُرُوشٌ, غُرْشٌ, غِرْشٌ *кўп.* (*сол.* قِرْشٌ) пиастр (1/100 *Миср фунтига ёки 40 пара ёки 10 миллимга тенг пул бирлиги*)

(غرض) IV أَغْرَضَ (*н. ҳайдир*) манфаатдор бўлмоқ, ғаразли манфаатни кўзламоқ, (*бирор н. ни*) назарда тутмоқ; الْغَرَضَ ~ мақсадига етмоқ; V تَغَرَّضَ 1) (*бирор к. нинг*) тарафини олмоқ; (*бирор н. га*) қизиқиш кўрсатмоқ, ғаразли муносабатда бўлмоқ (لِـ); 2) синмоқ, синиб кетмоқ

– غَرَضٌ *кўп.* أَغْرَاضٌ 1) ғараз, мақсад, мўлжал; объект; интилиш; الْـ~ الْمَقْصُودُ олдиз қилинган мақсад; وَافٍ بِالْـ~ мақсадга мувофиқ, мос; 2) манфаатдорлик, шахсий манфаат; ғаразли истак; خَالِي الْـ~ манфаатдор бўлмаган, бегараз, холис; 3) керакли нарса; أَغْرَاضُ الْبَيْتِ уйдаги нарсалар

– غَرَضِيَّةٌ манфаатдорлик; ғаразлилик

– غَرِيضٌ янги (*аўшт, кўкат ҳақида*)

– مُغْرِضٌ 1) ғаразли, (*н. ҳайдир*) ғаразли шахсий мақсадни кўзловчи.(*н. нидир*) назарда тутувчи, دَوَافِعُ ~ـةٌ ғаразли сабаблар; 2) нохолис, ғаразли

غِرْغَاحٌ қайрағоч, бўжун

غَرْغَرَ 1) жазилламоқ (*қовурилаётган гўшт ҳақида*); варақ-вуруқламоқ (*қайнаётган сув ҳақида*); 2) ғарғара қилмоқ, томоқ чайқамоқ; تَغَرْغَرَتْ عَيْنَاهُ *маж.* кўзларидан дарё-дарё ёш тўкди

– غَرَاغِرُ *жам.* цесаркалар (*товуққа ўхшаш парранда*)

– غَرْغَرَةٌ *кўп* اتٌ — цесарка

– غَرْغَرَةٌ 1) жазиллаш; вақир-вуқур қилиш; الْمَوْتِ ~ ўлим олдидаги хириллаш; 2) бўғиз чайқаш, 3) (*бўғизни*) чайқайдиган нарса

I **غَرَفَ** (и) غَرْفٌ 1) чўмичда олмоқ; 2) тарелкага қуймоқ. (*идишга*) солмоқ, сузмоқ; VII اِنْغَرَفَ *тарелкага* қуйилган бўлмоқ. (*идишга*) солинган (сузилган) бўлмоқ; VIII اِغْتَرَفَ чўмичда олмоқ (қуймоқ)

– غَرَّافٌ *кўп.* غَرَارِيفُ ёки غَرَّافَةٌ *кўп.* اتٌ — сув чархпалаги

– غُرْفَةٌ[1] *кўп.* غُرَفٌ 1) хона, комната; (اَلطَّعَامِ) اَلْأَكْلِ ~ ошхона, емакхона; اَلنَّوْمِ ~ ётоқхона, ухлайдиган хона, хобхона; اَلْجُلُوسِ ~ *ёки* اَلْاِسْتِقْبَالِ ~ меҳмонхона, меҳмон кутиладиган хона; اَلْجَلَسَاتِ ~ мажлислар зали; اَلتِّجَارِيَّةُ ~ савдо палатаси; 2) камера; اَلْاِحْتِرَاقِ ~ газли ўлим камераси; (اَلْاِشْتِعَالِ) *тех.* ёниш камераси; وِلْسُنَ ~ *физ.* Вильсон камераси

– غُرْفَةٌ[2] *кўп.* غَرَافٌ бир сиқим, бир кафт

– غُرْفَةٌ[3] *кўп.* غُرُفَاتٌ шифти қия одам яшайдиган болохона

– غَرْفَةٌ *кўп.* غَرَفٌ шиппак

– مِغْرَفَةٌ *кўп.* مَغَارِفُ овқат тарқатиладиган чўмич, каппгир; чўмич

I **غَرِقَ** (а) غَرَقٌ 1) чўкмоқ, сувга ғарқ бўлмоқ; فِي اَلْيَأْسِ ~ умидсизликка тушиб қолмоқ; فِي شَيْءٍ إِلَى أُذُنَيْهِ ~ *маж.* бирор нарсага бор-буди билан шўнғиб (берилиб) кетмоқ; فِي لِلْأُذُقَانِ ~ شَيْءٍ *маж.* бирор нарса билан қулоғигача банд бўлмоқ; 2) сув босган бўлмоқ; II غَرَّقَ чўктирмоқ. (*сув*) бостирмоқ, сув остида қолдирмоқ; اَلْأَسْوَاقَ بِالْبَضَائِعِ ~ қар. IV 2); IV أَغْرَقَ 1) қар. II; 2) сел бостирмоқ, сув бостирмоқ, сероб қилмоқ; اَلْأَسْوَاقَ بِالْبَضَائِعِ ~ а) бозорни молларга сероб қилмоқ (бостириб юбормоқ); б) молни арзонлаштириб (демпинг) ниятида зарарига сотмоқ; 3) (*бирор н. да*) чегарадан чиқиб кетмоқ; فِي اَلضَّحْكِ ~ кўп кулмоқ; ҳоҳолаб кулмоқ; қотиб-қотиб кулмоқ; فِي مَدِيحِهِ ~ кимнидир ҳаддан ортиқ мақтамоқ; فِي اَلْقَوْسِ ~ ўқ отиш учун камоннинг ипини роса қаттиқ чўзмоқ; V تَغَرَّقَ = I; VIII اِغْتَرَقَ сингдирмоқ, шиммоқ, сўрмоқ; ~ اَلنَّفَسَ нафас олмоқ; اَلنَّظَرَ ~ ўзига диққатни тортмоқ; X اِسْتَغْرَقَ 1) (*вақтни*) олмоқ, банд қилмоқ, сарф қилмоқ; 2) (*бирор н. га*) тўла берилмоқ (فِي); اَلنَّوْمِ فِي ~ чуқур уйқуга кетмоқ; 3) (*н. дадир*) чегарадан чиқмоқ (فِي); اَلضَّحْكِ فِي ~ қотиб-қотиб кулмоқ; اَلْكَلَامِ ~ бемаъни гап-сўзга тушиб кетмоқ; XII اِغْرَوْرَقَ суғорилмоқ; (*кўз ёшлари билан*) ювилмоқ

– اِسْتِغْرَاقٌ тушуниш, ўрганиш, ўзлаштириш

– إِغْرَاقٌ 1) сув (сел) остида қолиш; сел; ~ قَابِلٌ لِلـــ сув остида қолиши мумкин бўлган, сув остида қоладиган; اَلتِّجَارِيُّ اَلـــ ~ *ёки* بِالْبَضَائِعِ ~ *иқт.* арзонлаштириш (демпинг); 2) ошириб (орттириб) юбориш; чораларни кучайтириш; *адаб.* ифроқ, муболаға, гипербола

– تَغْرِيقٌ сув остида қолдириш; сув бостириш

– غَارِقٌ 1) (*н. гадир*) ботиб кетган, чўкиб кетган (فِي); اَلدَّيْنِ فِي ~ қулоғигача қарзга ботиб кетган; 3) чўкаётган

– غَارُوقَةٌ узоқ муддатли ижара; (*бирор н. дан*) узоқ йиллар давомида фойдаланиш

– غَرَقٌ ғарқ бўлиш; чўкиш; сув остида қолиш; сел

– غَارِقٌ = غَرِقٌ

– غَرْقَانٌ 1) чўкаётган; сув остида қолган; 2) кема ҳалокатига учраган; 3) (*бирор н.* га) ботиб (кўмилиб) кетган, ғарқ бўлган (فِي); ~ اَلدَّيْنِ فِي қулоғигача қарзга ботиб кетган

– غَرُوقَةٌ = غَارُوقَةٌ

– غَرِيقٌ 1. чўкиб кетган; 2. *кўп.* غُرَقَاءُ, غَرْقَى чўкиб кетган киши

– غَرِيقٌ чуқур (*жой*)

– مُغَرَّقٌ ботириб олинган; بِالْفِضَّةِ ~ لِجَامٌ кумуш суви юритилган юган

– غَرْقِيٌّ тухумнинг пўчоқ остидаги пардаси

غَرْقَدٌ дарахт; ~ اَلْـــ بَقِيعُ Мадинаи мунавварадаги қабристон номи

غُرْلَةٌ *кўп.* غُرَلٌ эркаклар жинсий органининг учи

I **غَرِمَ** (а) غَرَامَةٌ 1) (*солиқ, жарима*) тўламоқ; зарар кўрмоқ; II غَرَّمَ жарима солмоқ; IV أَغْرَمَ 1) жарима олмоқ; *мажж.* (*к. нидир*) севиб қолган бўлмоқ (ب); (*бирор н. га*) қаттиқ берилмоқ; V تَغَرَّمَ жарима солинган бўлмоқ

– غَرَامٌ 1) севги, муҳаббат; қаттиқ қизиқиш, эҳтирос; وَقَعَ فِي ... هـــ ~ кимнидир эҳтирос билан севиб қолмоқ; 2) азоб, қийноқ

– غَرَامٌ *кўп.* اتٌ — грамм

– غَرَامَةٌ жарима, пеня; (*зарарларни*) қоплаш اَلْحَرْبِ ~ ҳарбий товон (контрибуция); ... دَفَعَ ~ عَلَى ... учун жарима тўламоқ; وَقَعَ ... اَلْـــ عَلَى ...га жарима солмоқ

– غَرَامِيٌّ севгига (муҳаббатга) оид; رِسَالَةٌ ~ـــ севги мактуби

– غَرَامِيَّاتٌ *кўп.* севги саргузаштлари

– غُرْمٌ 1) зарар, йўқотиш; اَلْـــ لَا يُسَاوِي اَلْغُنْمَ *мтл.* фойдасидан зарари кўп (зарар ўлжага арзимайди); 2) товон

– غَرِيمٌ *кўп.* غُرَمَاءُ 1) рақиб; душман; қарши томон; 2) қарздор; 3) кредитор

– مَغْرَمٌ *кўп.* مَغَارِمُ 1) жарима; 2) зарар, йўқотиш; 3) пул мажбурияти, қарз

– مُغْرَمٌ[1] (*к. нидир*) севиб қолган (ب); (*н. гадир*) қизиққан (ب)

– مُغْرَمٌ[2] 1) жарима олинган (солинган); 2) пул тўлаш олинадиган (*мас. мактуб*)

غَرِينٌ лойқа, балчиқ; чўкинди

غُرْنُوقٌ *кўп.* غَرَانِيقُ *зоол.* турна; *маж.* олифта

غُرْنُوقٌ *кўп.* غَرَانِيقُ = غُرْنُوقٌ

– غُرْنُيْقٌ бўйни узун сув қуши

I (غرو) غَرَا (у) غَرْوٌ ҳайратни баён қилмоқ, билдирмоқ; 2) ёпиштирмоқ, елимламоқ, елимлаб ёпиштирмоқ; 3) ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ; *мажҳ.* (*н. гадир*) меҳр сезмоқ (ب); غَرِيَ (а) ,غَرًا غَرَاءً қизиқмоқ, қизиқиб қолмоқ, ҳаваси келмоқ; II غَرَّى ёпиштирмоқ, елимламоқ; елимлаб ёпиштирмоқ; IV أَغْرَى 1) (к. гадир қарши) қўзғотмоқ, гиж-гижламоқ, кайфият туғдирмоқ (ب); (*н. дир қилишга*) қизиқтирмоқ, илҳомлантирмоқ (ب), (*к. гадир, н. гадир*) гиж-гижламоқ, ёвлаштирмоқ (ب); أَكْلَبَ بِالصَّيْدِ ~ итни овга гиж-гижламоқ; 2) *мажҳ.* (*бирор н. га*) қизиққан бўлмоқ (ب); الْعَدَاوَةَ ~ (*к. нингдир ўртасида*) адоват (душманлик) пайдо қилмоқ (بَيْنَ); V تَغَرَّى ёпишмоқ, ёпишиб олмоқ, хиралик қилмоқ

– إِغْرَاءٌ гиж-гижлаш, ёвлаштириш; йўлдан уриш

– تَغْرِيَةٌ ёпиштириш, елимлаш, *линг.* аглютинация

– غِرًا елим

– غِرَاءٌ елим; السَّمَكِ ~ балиқ елими

– غَرَاةٌ қизиқтириш, ҳавасини келтириш

– غَرَّايَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ елим солинган шиша, банка

– غَرْوٌ ҳайрат, ҳайрон қолдирадиган нарса, муъжиза; أَنَّ ~ لَا ... шу нарса ҳайратланарли эмаски, ...

– غَرْوَى = غَرْوٌ

– غَرَوِيٌّ ёпишқоқ; *кимё.* коллоидга оид

– غَرَوِيَّاتٌ *кўп.* коллоидлар

– مُغْرٍ *мн.* مُغْرُونَ 1. гиж-гижлатувчи; қизиқарли, йўлдан урувчи; عُرُوضٌ مُغْرِيَةٌ қизиқарли таклиф; 2. гиж-гижловчи одам; йўлдан урувчи одам

– مِغْرَاةٌ *кўп.* مِغْرَيَاتٌ = غَرَّايَةٌ

– مُغْرِيَاتٌ *кўп.* 1) қизиқтирувчи, кўнгил суст кетадиган, йўлдан оздирадиган нарсалар; 2) (*қармоқ, қолқон кабиларга қўйиладиган*) хўрак

غَرْيَاقٌ *зоол.* қорабузов (қуш)

غَرَيْفُونٌ грейпфрут (*цитруслар оиласига мансуб апельсинсимон мевали дарахт ва унинг меваси*)

I غَزَّ (а/и) غَزٌّ санчмоқ, тиқмоқ, тешмоқ; IV أَغَزَّ тиконли бўлмоқ (*ўсимлик ҳақида*); VII اِنْغَزَّ 1) кирмоқ, кириб қолмоқ; 2) санчилган бўлмоқ

– غَزَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ тешик; тешилганлик

غُزٌّ *халқ* турклар (*мамлуклар*)

– غُزِّيٌّ турк (*мамлук*)

I غَزُرَ (у) غَزَارَةً 1) сероб (бой, мўл-кўл) бўлмоқ; 2) кенг бўлмоқ; IV أَغْزَرَ *бирор н. ни*) кўп қилмоқ; فِي تَأْلِيفِهِ ~ кўп ёзмоқ, кўп асар ёзмоқ

– غَزَارَةٌ 1) сероблик, бойлик, мўл-кўллик; ~ـــ мўл-кўл; 2) кенглик, кенг-мўллик

– غَزْرٌ = غَزَارَةٌ

– غَزِيرٌ 1) мўл-кўл, бой, сероб; الْمَاءِ ~ сувга сероб, сершув (*дара ҳақида*); 2) кенг

I (غزل) غَزْلٌ, **غَزَلَ** (и) غَزْلٌ йигирмоқ; غَزِلَ (а) غَزَلٌ 1) (*бирор к. га*) хушторлик қилмоқ, (*к. гадир*) ошиқона муносабатда бўлмоқ (ب); (*к. биландир*) ўйнашлик қилмоқ, ўйнашмоқ (ب); 2) ғаламислик қилмоқ; III غَازَلَ 1) хушторлик қилмоқ, меҳрибонлик қилмоқ, ғамхўрлик қилмоқ; ўйнашлик қилмоқ; (*шеърда аёл кишини*) мақтаб куйламоқ; 2) ўйнамоқ, ҳазиллашмоқ; IV أَغْزَلَ чархни (*ип йигирадиган дастгоҳни*) айлантирмоқ; V تَغَزَّلَ 1) (*шеърда аёл кишини*) мақтаб куйламоқ, (*аёл кишини*) кўкларга кўтармоқ (ب, في); 2) (*аёл кишига*) меҳрибонлик (ғамхўрлик) қилмоқ (ب); 3) (*аёл киши билан*) ҳазиллашмоқ (ب); VII انْغَزَلَ йигирилган бўлмоқ; VIII اغْتَزَلَ йигирмоқ

– غَازِلَةٌ *кўп.* غَوَازِلُ йигирувчи аёл

– غَزَّالٌ 1) йигирувчи; 2) йигирувчилик корхонаси эгаси; 3) йигирилган ип сотувчи; 4) ғаламис; 5) ўргимчак

– غَزَالٌ *кўп.* غِزْلَانٌ, غِزْلَةٌ 1) киийик (*эркаги*); 2) эшак, харак (*ғижжакдаги*); ◊ ~ـــ دَامِ الْ елим (*дарахтдаги*)

– غَزَالَةٌ[1] киийик (*урғочиси*). ◊ ~ طَلَعَتْ عَلَيْهِ у ақлдан озди, у жинни бўлиб қолди

– غَزَالَةٌ[2] *шунингдек:* الضُّحَى ~ зуҳо, (чиқаётган) қуёш; جَاءَ زَيْدٌ الضُّحَى ~ فِي Зайд эрталаб қуёш чиққанда келди

– غَزْلٌ[1] йигириш; ~ـــ مَعَامِلُ الْ йигирув фабрикалари

– غَزْلٌ[2] *кўп.* غُزُولٌ йигирилган ип; مُسَرَّبَسٌ ~ пишитиб йигирилган ип; ◊ الصُّعَالِي ~ асбест; الْبَنَاتِ ~ ширинликларнинг тури

– غَزَلٌ 1) хушторлик; ошиқона муносабат; ўйнашиш; 2) ошиқона лирик шеър, классик лириканинг жанри

– غَزِلٌ ишқий ғазаллар соҳиби; ~ رَجُلٌ а) ишқий ғазаллар ёзадиган одам; б) аёлларга кўшилмоқ (хушторлик) қиладиган одам

– غَزَلِيَّةٌ ғазалийя (*пахта толидан тўқилган йўл-йўл ёки оқ мато (алак)*

– مُغَازَلَةٌ (*ошиқона*) меҳрибонлик, ўйнашиш

– مِغْزَلِيٌّ йиг (дук, урчуқ) ясовчи

– مِغْزَلٌ *кўп.* مَغَازِلُ йигирувчилик корхонаси; йигирувчилик фабрикаси

– مِغْزَلٌ *кўп.* مَغَازِلُ йиг, дук, урчуқ, чарх, ип йигирадиган чарх; أَبُو مِغْزَلٍ а) узун оёқли; б) *зоол.* турнасимон қуш

– مَغْزُولٌ *кўп.* اتٌ ـــ йигирилган ип

I (غزو) **غَزَا** (у) غَزْوٌ (*ҳарбий*) юриш (босқин) қилмоқ; ҳужум қилмоқ; босиб олмоқ; قَلْبَهَا ~ у (*аёл*) нинг юрагини эгаллаб олди; 2) (*бирор н. га*) интилмоқ; (*бирор н. ни*) назарда тутмоқ, эътиборда тутмоқ; IV أَغْزَى газотга тайёрламоқ, (к. *нидир*) босиб олишга тайёрламоқ

– غَازٍ *мн.* غَازِيَةٌ[1] *кўп.* غُزَاةٌ 1. юриш қилувчи, босиб олувчи; 2. 1) босқинчи; 2) жангчи, аскар

– غَازِيَةٌ[2] *кўп.* غَوَازٍ раққоса, ўйин тушадиган аёл

– غَزْوٌ (*ҳарбий*) юриш; ҳужум; уруш олиб бориш; босиб олиш; ~ الْفَضَاءِ الْكَوْنِيِّ космосни эгаллаш

– غَزْوَةٌ *кўп.* غَزَوَاتٌ газавот, (*ҳарбий*) юриш, босқин, ҳужум

– مَغْزَاةٌ *кўп.* مَغَازٍ (*ҳарбий*) юриш; الْمَغَازِي *мар.* Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳарбий юришлари

– مَغْزًى *кўп.* مَغَازٍ 1) маъно, мазмун, мағз; كَبِيرُ ~ ذُو ёки بَعِيدُ (كَبِيرُ) الْـ~ кўп маъноли; 2) *шунингдек:* أَدَبِيٌّ ~ (*қиссидан*) ҳисса (*масалда*)

– مَغْزُوٌّ урушга (босқинга) дучор бўлган (дучор қилинган); босиб олинган

(غسق) I غَسَقَ (и) غَسْقٌ, غَسَقٌ, غَسَقَانٌ қоронғилашмоқ, қоронғу тушмоқ; IV أَغْسَقَ тим қоронғу (қоп-қоронғу) бўлмоқ (*тун ҳақида*); VIII اغْتَسَقَ = VI

– غَاسِقٌ туннинг шафақ ботгандан кейинги қисми

– غَسَّاقٌ, غَسَّاقٌ 1) *қур.* йиринг; 2) гоҳ пасайиб, гоҳ кучайиб турадиган изғирин

– غَسَقٌ кечки ғира-ширалик; тонготар арафасидаги ғира-ширалик; اللَّيْلِ ~ فِي тун ғира-ширалигида

I **غَسَلَ** (и) غُسْلٌ 1) ювмоқ; وَجْهَهُ ~ ювинмоқ; 2) *дин.* ғусл қилмоқ; 3) (*кийимни*) ювмоқ; II غَسَّلَ 1) яхшилаб ювмоқ; ҳафсала билан ювмоқ (*кийимни*); 2) (*ўлган кишини*) ювмоқ; 3) ювдирмоқ, ювишга мажбур қилмоқ; VII انْغَسَلَ 1) ювиб ташланган бўлмоқ, ювилмоқ; 2) ювилган бўлмоқ; VIII اغْتَسَلَ 1) ювилмоқ, ювинмоқ; чўмилмоқ; 2) *дин.* ғусл қилмоқ

– تَغْسِيلٌ (*ўлган кишини*) ювиш

– غَاسُولٌ 1) совун; 2) ишқор; 3) совунли ўт (алаф)

– غَسَّالٌ ғассол, ювувчи, ювиш ишлари билан шуғулланувчи (*киши*)

– غَسَّالَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) кир ювувчи аёл; 2) кир ювиш машинаси; كَهْرَبَائِيَّةٌ ~ электр кир ювиш машинаси

– غُسَالَةٌ мағзава, мағзоба, ювинди, ифлос сув

– غَسْلٌ ювиш; кир ювиш; ~ الْـ حَبْلُ кийимларни қуритиш учун осиб қўйиладиган ип (арғамчи); ~ الْـ طِشْتُ тоғора (*ювиниш учун*); ~ الْـ مَاءُ мағзава, ювинди; ~ الْـ مِشْبَكُ қисқич (*қуритиладиган кийимни осиш учун*)

– غُسْلٌ 1) ювиш, ювиниш; لِلْعَارِ ~ا فَتَلَهَا шармандаликни ювиш учун у у (аёл)ни ўлдирди

– غُسْلٌ[1] ғусл (ювиниш) учун ҳозирланган сув

– غُسْلٌ[2] сувга аралаштириб бош ювиш учун ишлатиладиган доривор ўсимлик

– غَسْلِيَّنٌ дўзахийларнинг ювилиб оқиб кетувчи эт, тери ва қонлари

– غَسُولٌ 1) = غَاسُولٌ; 2) *мед.* ични ювиш; ичга сув юбориш (*орқадан*), латта ёки пахтани ҳўллаб бирор аъзога қўйиш, малҳам; لِلْعَيْنِ ~ кўзга малҳам қўйиш; 3) *бот.* доривор гулхайри; 4) кир ювиш кукуни (порошоги)

– غَسِيلٌ[1] ювиш, ювиб ташлаш; الْمِعْدَةِ ~ ошқозонни ювиш; نَظِيفٌ زَيَّ الصِّينِيِّ بَعْدَ ~ـهُ *халқ. мтл.* ювилган патнисдай тоза

– غَسِيلٌ[2] 1. ювилган, ювиб қўйилган; 2. кийим-кечаклар (*ювилган ёки ювиш учун тайёрлаб қўйилган*), الْمَلَائِكَةِ ~ *мар.* шаҳидлардан حَنْظَلَةُ بْنُ الرَّاهِبِ га қўйилган лақаб (*чунки у зот Уҳуд жангида шаҳид бўлганларида, фаришталар ювган эканлар*)

– مَغْتَسَلٌ 1) ҳожатхона, таҳоратхона; 2) ювиниш учун ишлатиладиган сув

– مُغَسِّلٌ ўлган кишиларни (мурдаларни) ювувчи, ғассол

– مَغْسِلٌ, مَغْسَلٌ *кўп.* مَغَاسِلُ бирор нарса ювиладиган жой; кирхона

– مِغْسَلٌ (*ювиниш учун ишлатиладиган*) тоғора, тос; (*ювинадиган жойдаги*) чиғаноқ, раковина

– مَغْسَلَةٌ мағсала, умивальник; ювиниладиган хона

– غَسَّانِيٌّ *мар.* ғассонийларга оид

– غَسَاسِنَةُ *кўп.* الْـ~ *мар.* Ғассонийлар

I **غَشَّ** (а/у) غَشٌّ 1) алдамоқ, фириб бермоқ; 2) сохталаштирмоқ; II غَشَّشَ алдатмоқ, фирибгарлик қилдирмоқ; VII انْغَشَّ алданган (фириб еган) бўлмоқ; ёлғонга ишонган бўлмоқ; VIII اغْتَشَّ алданилган бўлмоқ; X اسْتَغَشَّ алдоқчиликда (фирибгарликда) гумон қилмоқ

– غَشٌّ алдашлик; сохталаштиришлик

– غَشٌّ[1] *кўп.* غُشُوشٌ ёлғон, алдамчилик, фирибгарлик

– غَشٌّ[2] *халқ.* ғиш (*ҳайвонлар касаллигининг номи*)

– غَشَّاشٌ 1. 1) алдоқчи, ёлғончи; 2) сохта; 2. алдамчи, фирибгар; сохтакор

– مَغْشُوشٌ 1) алданган; 2) сохта; сохталаштирилган

I **غَشَمَ** (и) غَشْمٌ 1) хафа қилмоқ, қисмоқ, камситмоқ; 2) таваккалига (ўйлаб ўтирмай) қилмоқ; II غَشَّمَ бехабар (тажрибасиз) деб ҳисобламоқ; VI تَغَاشَمَ ўзини меров (соддадил) қилиб кўрсатмоқ; X اسْتَغْشَمَ = II

– غَاشِمٌ 1. зулм қилувчи, адолатсиз; қўпол; 2. золим

– غُشْمٌ бехабарлик, билмаслик; тажрибасизлик

– غَشُومٌ 1. адолатсиз; зулмкор, қўпол; ~ الْقُوَّةُ الْـ қўпол куч; 2. қўрс, дағал, қўпол одам

– غُشُومَةٌ, غُشُومِيَّةٌ билмаслик; тажрибасизлик; соддалик

– غَشِيمٌ 1. 1) бехабар, билмайдиган; тажрибасиз; 2) хом, қайта ишланмаган; ~ حَدِيدٌ темир рудаси; ~ حَجَرٌ ишланмаган (тарошланмаган) тош; 3) қовушмаган, бесўнақай, қўпол; 2. 1) янги келган; 2) содда, меров

I (غشو) **غَشَا** (у) غَشْوٌ келмоқ; қатнамоқ, бормоқ; غَشِيَ[1] (а) غَشَيَانٌ 1) қатнамоқ, бормоқ, келмоқ; 2) (*аёл билан*) жинсий алоқада бўлмоқ; босмоқ (*эркак ҳақида*); غَشِيَ[2] (а) غَشَاوَةٌ 1) босмоқ; ~ دُ мудроқ босди; ~ النُّعَاسُ у беҳуш бўлиб йиқилди; ~ بالسَّوْطِ қамчи билан саваламоқ; 2) қоронғи бўлмоқ (*тун ҳақида*); II غَشَّى (*устини*) қопламоқ (*бирор н. билан* - ب *н. ни* -*туш.к. ёки* عَلَى); ~ بالذَّهَبِ олтин билан (зарҳал билан) қопламоқ, зарҳалламоқ; ◊ ~ التَّعَصُّبُ عَلَى أَبْصَارِهِمْ таассуб (фанатизм) уларни кўр қилиб қўйди; IV أَغْشَى 1) кўзни кўрмас қилиб қўймоқ; 2) келтирмоқ; 3) қоронғи бўлмоқ (*тун ҳақида*); ~ عَلَى بَصَرِهِ кимнингдир кўзини боғлаб қўймоқ; V تَغَشَّى 1) 1) боғламоқ, ўраб қўймоқ; 2) (*бирор н. билан*) боғламоқ, ўраб қўймоқ (ب); X اسْتَغْشَى тутмоқ, қўлга олмоқ (*мас., жосусни*); ◊ (بِثَوْبِهِ) ~ ثَوْبَهُ (эшитмаслик ва кўрмаслик учун) кийимга ўралиб олмоқ

– غَاشِيَةٌ *кўп.* غَوَاشٍ 1) ёпинчиқ, ёпғич, жабдуқ; 2) (*болалар*) гуруҳи, тўпи, оламони; 3) тутқаноқ, хуруж (*мас., ғазаб*); ~ مِنَ أَخَذَتْهُ الرَّهْبَةِ уни қўрқув босди; ~ مِنَ الْحَنَقِ غَشِيَتْهُ у қаттиқланди, уни қаттиқ ғазаб ўраб олди (қоплаб олди); ~ مِنَ الْقَلَقِ غَشِيَتْهُ у қаттиқ ташвишга тушиб қолди; ~ مِنَ النَّوْمِ غَشِيَتْهُ уни уйқу босиб қолди; 4) бало, офат; ~ الْـ *қур.* ўликлар тириладиган кун; 5) қоронғилик; 6) *анат.* перикардий (*юрак олдидаги қопчиқ*)

– غِشَاءٌ *кўп.* أَغْشِيَةٌ 1) қоплама, покришка; ёпинчиқ, парда; 2) пўст; мембрана; парда; ~ الْبَكَارَةِ қизлик (бокиралик) пардаси; ~ مُخَاطِيٌّ шиллиқ парда; ~ مَصْلِيٌّ *анат.* ички аъзоларни бир-биридан ажратиб турувчи парда, пўст

– غِشَائِيٌّ 1) пардали (*мас., ўрдак оёқларидаги пардага оид*); 2) қопламага оид, қопламали

– غِشَاوَةٌ, غَشَاوَةٌ 1) ёпинчиқ; 2) парда; оқ (*кўздаги*); ~ زَالَتِ الْـ عَنْ عُيُونِ الْمَخْدُوعِينَ *маж.* уларнинг кўзи очилди; 3) кўзнинг қоронғилашиши (қорайиши)

– غُشْوَةٌ, غَشْوَةٌ ёпинчиқ

– غَشْيٌ, غُشْيٌ ҳушдан кетиш

– غَشَيَانٌ 1) ёпилиш; 2) келиш, ташриф; 3) ҳушдан кетиш

– غَشْيَانٌ ҳушдан кетган ҳолдаги, ҳеч нарса сезмай қолган

– غَشَيَّةٌ 1) ҳушдан кетганлик, беҳушлик ҳолати; 2) карахтлик, баъзи ҳайвонларнинг узоқ вақт уйқуда ётиши

– مَغْشِيٌّ қопланган, ўралган; عَلَيْهِ ~ беҳуш ётган, ётиб қолган

I **غَصَّ** (и/а) غَصٌّ, غَصَصٌ 1) (*бирор н.*) тиқилиб қолмоқ; ~ بِعَظْمَةٍ суяк тиқилиб қолмоқ; ~ بِالْمَاءِ сув тиқилиб қолмоқ; 2) (*н. биландир*) тўлиб-тошган бўлмоқ (ب); ~ تِ الْقَاعَةُ بِالْمُسْتَمِعِينَ зал тингловчилар билан тўлиб-тошган эди; IV أَغَصَّ тиқилтирмоқ, тиқилишга мажбур қилмоқ; VIII اغْتَصَّ (*бирор н. билан*) тўлиб кетмоқ, тўлиб-тошмоқ (ب)

– غَاصٌّ (*бирор н. билан*) тўлиб кетган, тўлиб-тошган (ب); ~ بِالسُّكَّانِ зич аҳолили, кўп аҳолили, аҳолиси кўп

– غَصَّةٌ талваса, ўлим талвасаси, жон талашиш

– غُصَّةٌ *кўп.* غُصَصٌ 1) бўғадиган нарса; бўғилиш, нафас қисиш; أَحَسَّ (شَعَرَ) بِـ~ فِي حَلْقِهِ у томоғини нимадир бўғиб келаётганини сезди; 2) ғусса, ғам, хафалик; ~ الْحَيَاةِ ҳаёт ғуссалари (ғамлари); ғам-аламлар; أَثَارَ الْـ~ فِي الْأُفْئِدَةِ хафа қилмоқ, ғам-ғуссага солмоқ; تَجَرَّعَ غُصَصَ الْحَرْبَيْنِ у икки уруш ғам-ғуссаларини бошидан кечирди; !~ انْتَهِزِ الْفُرْصَةَ قَبْلَ أَنْ تَعُودَ кеч бўлмасдан фойдаланиб қол!

I **غَصَبَ** (и) غَصْبٌ 1) ғасб қилмоқ, мажбур қилиб (*куч ишлатиб*) олиб қўймоқ (ўзлаштирмоқ); 2) (*бирор н. га*) мажбур қилмоқ (عَلَى); 3) (*аёлни*) зўрламоқ; VII انْغَصَبَ 1) босиб олинган (олиб қўйилган) бўлмоқ; 2) мажбур қилинган бўлмоқ; VIII اغْتَصَبَ 1) босиб олмоқ, ўзиники қилиб олмоқ; зўравонлик қилиб тортиб олмоқ (*мас., ўзгалар ҳуқуқини*); 2) зўрламоқ, зўравонлик қилмоқ

– اغْتِصَابٌ 1) олиб қўйиш, ғасб қилиш; 2) зўрлик, зўрлаш, зўравонлик

– اغْتِصَابِيٌّ босқинчиликка оид; الْـ~ةُ الْحُرُوبُ босқинчилик урушлари

– غَاصِبٌ *кўп.* غُصَّابٌ босқинчи; зўравон

– غَصْبٌ зўрлик, зўрлаш, мажбур қилиш, куч ишлатиш; ~ا ёки بِالْـ~ зўравонлик қилиб, куч ишлатиб; ~ا عَنْهُ кимгадир ўчакишиб, кимнингдир хоҳишига (иродасига) зид равишда; ~ا عَنْ عَيْنِهِ (نَفْسِهِ) ўз истаги (хоҳиши)га зид равишда, мажбуран

– غُصْبَانِيَّةٌ куч, куч ишлатиш; зўравонлик

– غَصِيبٌ ғасб қилинган, босиб олинган, қўлга олинган

– مُغْتَصِبٌ босқинчи, зўравон

– مَغْصُوبٌ 1) ғасб қилинган, босиб олинган; мажбуран олиб қўйилган; الْـ~ الْحَقُّ мажбуран олиб қўйилган ҳуқуқ; 2) мажбур қилинган, мажбур бўлган

غِصَامَةٌ салла (*Саудия Арабистонида*)

I (غصن) **غَصَنَ** (и) غَصْنٌ кесмоқ, бутамоқ; II غَصَّنَ = IV; IV أَغْصَنَ шох чиқармоқ; сершох бўлмоқ (*дарахт ҳақида*)

– غُصْنٌ *кўп.* أَغْصَانٌ, غُصُونٌ, غَصِيْنَةٌ шох, навда; ~ الزَّيْتُوْن зайтун новдаси (*тинчлик рамзи*); ~ أَبُو الْـ латифалар қаҳрамони جُحَى (Жуҳо) нинг лақаби

– غُصَيْنَةٌ шох; новда

– غُصَيْنَةٌ кичик шох; ўсимлик пояси

I (غضّ) **غَضَّ** (а/у) غَضٌّ 1) ерга (пастга) қарамоқ; ~ تْ مِنْ بَصَرِهَا у (аёл) ерга боқиб қолди; اسْتِحْيَاءً الطَّرْفَ ~ уят (хижолат) дан ерга қараб қолмоқ; 2) (*овозни*) пасайтирмоқ; 3) (*н. нидир*) пасайтирмоқ, ерга урмоқ (مِنْ); (قَدْرَهُ) مِنْ شَرَفِ ~ бирор кишининг қадрини ерга урмоқ; النَّظَرَ وَالطَّرْفَ, الْبَصَرَ ~ (*бирор н. ни*) эътиборга олмаслик; (*бирор н. га*) панжа орасидан қарамоқ; غَضَّ (а/и) غَضَاضَةٌ янги (ёқимли, сершув, ширадор) бўлмоқ

– غَضٌّ[1] тушириш; пасайтириш; ◊ ... بِـ~ ... ҳақда гапирмасак ҳам; ...га қарамай

– غَضٌّ[2] янги; ёқимли; сершув (ширадор); аъло даражадаги; ~ الْإِهَابِ *маж.* ёш, ўсмир

– غَضَاضَةٌ[1] янгилик; ёқимлилик; сершувлик, ширадорлик; ~ الْإِهَابِ *маж.* ёшлик, ўсмирлик

– غَضَاضَةٌ[2] 1) қадр-қийматини пасайтириш; шармандалик; 2) бало, офат; зарар, айб, камчилик; 3) (*айрилиқдаги*) азоб, қийинчилик; ◊ ... عَلَيْهِ أَنْ ~ لَيْسَ مِنْ унинг учун шу нарсада айб йўқки, ...; ... فِي أَنْ ~ لَا يَجِدُوْنَ улар шу нарсани айб деб ҳисобламайдиларки, ...

– غُضَّةٌ пасайтириш, камайтириш; қадрини пасайтириш, ерга уриш, шармандалик

– غُضُوْضَةٌ янгилик; ёқимлилик; сершувлик, ширадорлик

غَضِيْضٌ янги; ёқимли, сершув, ширадор

I **غَضِبَ** (а) غَضَبٌ (*к. гадир*) аччиқ қилмоқ, ғазаб қилмоқ (عَلَى); II غَضَّبَ аччиқлантирмоқ, ғазаблантирмоқ; III غَاضَبَ ўзаро аччиқлашишмоқ, ғазаблашишмоқ; IV أَغْضَبَ ғазаблантирмоқ, ғазабини қўзғамоқ; V تَغَضَّبَ қаттиқ ғазабланмоқ, ғазаб отиға минмоқ; (*к. дандир*) ғазабланмоқ, аччиқланмоқ (عَلَى); VI تَغَاضَبَ ғазабга келмоқ; X اسْتَغْضَبَ қаттиқ ғазабга келмоқ, қутуриб кетмоқ

– غَاضِبٌ аччиқланган, ғазабланган

– غُضَابِيٌّ қовоғи осилган, аччиғи чиққан

– غَضْبٌ: الْـ~ الْأَحْمَرُ тўқ қизил; ~ أَحْمَرُ = الْـ~ الْأَحْمَرُ

– غَضِبٌ = غَاضِبٌ

– غَضَبٌ ғазаб; қаттиқ аччиқланиш; кек, адоват, хусумат; норозилик; ~ سُرْعَةُ الْـ тез аччиқланиш; ~ أَخَذَ مِنْهُ الْـ у аччиқланди; ~ صَبَّ عَلَيْهِ الْـ~ кимнидир аччиқлантирмоқ; ~ يَأْكُلُهُ الْـ~ ... кимгадир аччиғини (заҳрини) тўкмоқ; ~ أَحْمَقَ شَدِيْدُ ғазаб унинг ич-этини еб ташлаётир; ~ аҳмоқнинг ғазаби даҳшатли бўлади

– غَضْبَانُ *мн.* غَضْبَى *кўп* غِضَابٌ ғазабли, ғазабкор, аччиқланган, норози

– غَضْبَةٌ ғазабнинг ортиши (чиқиши, хуружи)

– غُضُبَّةٌ жаҳли тез, сержаҳл; ~ رَجُلٌ жаҳли тез одам

– غَضُوْبٌ ғазабли, аччиғи чиққан; сезарда, ўзини тутолмайдиган

– مُغْضَبٌ ғазабланган, аччиқланган, дарғазаб; ~ اً ғазаб билан, ғазабнок

– مَغْضَبَةٌ ғазаб, жаҳл

– مَغْضُوْبٌ: عَلَيْهِ ~ ғазаб қилинадиган одам; ғазаблантирадиган нарса

I (غضر) **غَضَرَ** (а) غَضَارَةٌ 1) мўл-кўл, гуркираган (яшнаб ётган) бўлмоқ (*ўсимликлар ҳақида*); 2) фаровон яшамоқ; (*н. гадир*) меҳрли (хайрихоҳ) бўлмоқ (عَلَى); غَضَرَ (и) غَضْرٌ (*к. дандир*) узоқлашмоқ, йироқлашмоқ; (*к. нидир*) ташлаб кетмоқ (عَنْ)

– غَضَارٌ гил; чинни гил, оқ гил

– غَضَارَةٌ 1) гуркираганлик, мўл-кўллик, яшнаб ётганлик (*ўсимлик ҳақида*); 2) фаровонлик; бахтли ҳаёт; كَانَ فِي ~ مِنَ الْعَيْشِ фаровон ҳаёт кечирмоқ; ~ الصَّبَا ёшликнинг яшнаган вақтида

– غَضْرٌ мўл-кўл, гуркираган, яшнаб ётган, сероб (*ўсимликлар ҳақида*)

– غَضِيْرٌ = غَضِيْرٌ

– غُضْرُوْفٌ *кўп.* غَضَارِيْفُ кемирчак, тоғай

– غُضْرُوْفِيٌّ кемирчакли, тоғайли; الْأَسْمَاكُ الْـ~ ـةُ осётр балиғи, қизил балиқ

(غضن) II غَضَّنَ тириштирмоқ, тириш (ажин) ҳосил қилмоқ; ~ مِنْ جَبِيْنِهِ пешонани тириштирмоқ; III غَاضَنَ кўз қисмоқ; V تَغَضَّنَ тириштирилмоқ, ажин ҳосил бўлмоқ

– غُضُوْنٌ, غَضَنٌ *кўп.* غُضُوْنٌ 1) тириш, ажин; 2) бурама, эгик-букик, эгри-бугри жойлар; غُضُوْنُ الْأُذُنِ қулоқнинг эгри-бугри жойлари; 3) қийинчилик, азобли меҳнат, машаққат; ◊ فِي غُضُوْنِ الْحَرْبِ уруш вақтида; فِي غُضُوْنِ ذَلِكَ ўша пайтда; шу орада; فِي الْمَقَالَةِ ~ мақола давомида

– مُتَغَضِّنٌ ажинли, тиришли

– مُغَاضَنَةٌ кўз қисиш

– مُغَضَّنٌ ажин босган, тиришли; эгри-бугри қилинган; ~ صَاجٌ гофра (эгри-бугри, тарновсимон) қилинган тунука (темир)

غَضَنْفَرٌ шер

(غضى) IV أَغْضَى 1) (*кўзни*) юммоқ; 2) (*н. дандир*) кўз юммоқ, эътиборсиз қолдирмоқ (عَنْ); VI تَغَاضَى (*к. нидир*) эркалатиб, юбормоқ, ўз ихтиёрига қўймоқ, эрк бериб қўймоқ; (*н. гадир*) эътиборсиз қарамоқ, четлаб ўтмоқ (عَنْ)

– إِغْضَاءٌ 1) (*кўз*) юмиш; 2) эркалатиб юбориш, ўз ихтиёрига қўйиш, эрк бериб қўйиш

– تَغَاضٍ = إِغْضَاءٌ

– غَضًّا, غَضًى *жам. бот.* ғадо (*тиконли ўсимлик тури*); ◊ عَلَى أَحَرُّ مِنْ جَمْرِ الْـ~ чўғ устида ўтиргандай (тикон устида ўтиргандай)ман

– غَضَاةٌ ғадо тупи

I (غطّ) **غَطَّ**[1] (а/у) غَطِيطٌ хуррак отмоқ, хирилламоқ (*ўлаётган одам ҳақида*); жазилламоқ (*қовурдоқ ҳақида*); **غَطَّ**[2] (а/у) (*сувга*) чўмдирмоқ, ботирмоқ; IV أَغَطَّ (*сувга*) ботирмоқ; VII اِنْغَطَّ ботган (ботирилган) бўлмоқ

– غَطِيطٌ хуррак, хириллаш

– غُطَيْطَةٌ туман

– غُطْرَةٌ мотамда тутиладиган даструмол

غَطْرَسَ кеккайган (такаббур) бўлмоқ, кибрли бўлмоқ; تَغَطْرَسَ = غَتْرَسَ

– غَطْرَسَةٌ кеккайиш, такаббурлик, кибрлилик; мақтанчоқлик; ножоиз хулқ-атвор

– غَطَارِيسُ *кўп.* غَطْرِيسٌ жирттаки, такаббур, кибрли

– مُتَغَطْرِسٌ = غَطْرِيسٌ

غَطْرَشَ безътибор бўлмоқ, панжа орасидан қарамоқ

– غَطْرَشَةٌ (*бирор н. дан*) кўз юмиш; йўл қўйиш; ёрдамлашиш

غَطْرِيفٌ *кўп.* غَطَارِيفُ 1. олийжаноб; 2. 1) олийжаноб одам, таниқли киши, шуҳратли одам; 3) доҳий

I **غَطَسَ** (и) غَطْسٌ 1) (*сувга*) тушмоқ, чўмилмоқ, кўмилмоқ; 2) шўнғимоқ; 3) ботирмоқ; II غَطَّسَ 1) ботирмоқ, чўктирмоқ, шўнғитмоқ; 2) *дин.*(*чўмилтириб*) чўқинтирилмоқ (*христианларда*); V تَغَطَّسَ 1) чўмилмоқ; сувга кўмилмоқ (ботмоқ); 2) *дин.*(*чўмилтириб*) чўқинтирмоқ (*христианларда*)

– تَغْطِيسٌ 1) (*сувга*) ботиш, тушиш; 2) *дин.* чўқиниш, чўқинтириш

– غَاطِسٌ (*қумга*) ўтириб қолиш (*кема ҳақида*); ◊ ~ لَوْنٌ қора ранг

– غَطَّاسٌ *дин* чўқиниш, чўқинтириш; ~ عِيدُ الْـ *дин* чўқинтириш байрами (*христианларда*)

– غَطَّاسٌ 1. шўнғувчи; 2. 1) ғаввос; 2) *зоол.* сув чумчуғи; оқчорлоқ (*қуш*)

– غَطْسَانُ 1) сувга кирган, чўмилган; сув остида турган, 2) кўздан яшириниб юрган

– غَطِيسٌ қора (*ранг ҳақида*)

– مَغْطَسٌ, مَغْطِسٌ *кўп* مَغَاطِسُ 1) ванна; *дин.*(*чўмилтириладиган*) тоғора, жом (*христианларда*)

I (غطش) **غَطَشَ** (и) غَطْشٌ қоронғи бўлмоқ (*тун ҳақида*); غَطِشَ (а) غَطَشٌ ожиз, кучсиз бўлмоқ (*кўриш ҳақида*); IV أَغْطَشَ 1) қоронғи қилмоқ, қоронғилатмоқ; اللهُ اللَّيْلَ ~ Оллоҳ тунни қоронғи қилиб яратди; 2) қоронғи бўлмоқ, қоронғилашмоқ; тун қоронғилашди; V تَغَطَّشَ = غَطِشَ

– أَغْطَشُ *мн.* غُطْشَاءُ *кўп.* غُطْشٌ кучсиз (ёмон) кўрадиган, узоқни унча яхши кўролмайдиган, кўзи ожизроқ

– غَطَشٌ қоронғилик

– غَطَشٌ кўришнинг кучсизлиги (ожизлиги), кўзнинг хиралиги

غَطَمٌ кенг, бепоён; ~ الْـمُحِيطُ الْـ бепоён океан

I (غطو) **غَطَا** (у) غَطْوٌ қопламоқ; ёпмоқ; II غَطَّى 1) қопламоқ; тўлаб қўймоқ; ~ الْعَجْزَ камчиликни тўлдирмоқ (қопламоқ); ~ الدُّيُونَ қарзларни қопламоқ (тўламоқ); ~ النَّفَقَاتِ сарфларни қопламоқ; 2) яширмоқ, беркитмоқ; пинҳон тутмоқ (*мас., ёлғонни*); ~ الصَّوْتَ овозни ўчирмоқ, босиб кетмоқ; ◊ ~ الْأَحْدَاثَ воқеа-ҳодисаларни ёритмоқ (*матбуот ҳақида*), V تَغَطَّى (*бирор н. билан*) қопланмоқ, (*ўрни*) тўлдирилмоқ; VIII اغْتَطَى = V

– تَغْطِيَةٌ 1) ёпиш, ўраш; узиш (*мас., қарзларни*); 2) яшириш; пинҳон тутиш, ёпиш (*мас., ёлғонни*); ◊ ~ الْأَحَادِيثِ воқеа-ҳодисаларни ёритиш (*матбуот ҳақида*)

– غِطَاءٌ *кўп.* أَغْطِيَةٌ 1) ёпинчиқ; дастурхон; ~ السَّرِيرِ чойшаб; ~ السُّفْرَةِ суфра, дастурхон; ~ الرَّأْسِ бош ёпинчиғи; бош кийими; 2) (*бирор н. ни қоплаб турган*) қатлам; ~ عُشْبِيٌّ ўт-алаф қатлами; ~ نَبَاتِيٌّ ўсимлик қатлами; 3) қопқоқ, покришка; қоплама (*мас., мебелдаги*)

– غِطَائِيَّةٌ пўст, пўчоқ, парда

I **غَفَّ** (а/у) тутмоқ, кутилмаганда устидан чиқиб қолмоқ

I **غَفَرَ** (и) غَفْرٌ, غُفْرَانٌ 1) (*к. нидир*) кечирмоқ, афв қилмоқ (لِـ); يُغْفَرُ кечириладиган; لَا يُغْفَرُ кечирилмайдиган; اللهُ لَهُ! ~ уни Оллоҳ кечирсин!; 2) *дин.* (*гуноҳларни*) мағфират қилмоқ; II غَفَّرَ 1) ёпмоқ; 2) (*н. нидир*) пойламоқ, қўриқламоқ (عَلَى *сол.* خَفَرَ), VII اِنْغَفَرَ кечирилган (афв қилинган) бўлмоқ; VIII اِغْتَفَرَ 1) кечирмоқ, афв қилмоқ; 2) *мажз.* кечирилган (афв қилинган) бўлмоқ; يُغْتَفَرُ кечириладиган; لَا يُغْتَفَرُ кечирилмайдиган. X اِسْتَغْفَرَ афв этишни сўрамоқ, кечиришни сўрамоқ; أَسْتَغْفِرُ اللهَ! Оллоҳ, мағфират қил (кечир); (*сўзлаш-сўз.* Оллоҳдан кечирим сўрайман)

– غَافِرٌ кечирувчи, афв қилувчи, ғофир

– غَفَّارٌ ҳамма нарсани кечира олувчи

– غَفَّارَةٌ *кўп.* غَفَافِيرُ *черк.* (*руҳонийларнинг*) кийими

– غِفَارَةٌ *кўп.* غَفَائِرُ 1) покришка; қалпоқ; аёллар рўмоли; 2) ёмғирпўш, плаш

– غَفْرٌ[1] кечириш, афв этиш; !~ кечирасиз!

– غَفْرٌ[2] устини ёпиш (қоплаш, ўраш, буркаш)

– غَفَرٌ қоравул; конвой (*сол.* حَفَرٌ)

– غُفْرَانٌ кечириш, афв этиш; гуноҳларни мағфират қилиш; صَكُّ ~ الـ индульгенция (*католикларда: гуноҳи кечирилганлиги ҳақида ҳужжат*) ~ عِيدُ الـ *дин.* ғуфрон ҳайити (*яҳудийларда*)

– غُفْرَةٌ қопқоқ, покришка, қоплама

– غَفَّارٌ = غَفُورٌ

– غَفِيرٌ[1] *кўп.* غُفَرَاءُ қоравулликда турувчи; қоравул (*сол.* حَفِيرٌ)

– غَفِيرٌ[2] 1) ҳамма нарсани кечирувчи; 2) кўп сонли; ~ جَمٌّ кўп сонли оламон; اَلْجَمُّ الـ~ مِنَ الْعُمَّالِ وَ الْفَلَّاحِينَ ишчи ва деҳқонлар оммаси

– مِغْفَرٌ, مِغْفَرَةٌ *кўп.* مَغَافِرُ ҳимоя қилувчи кийим, шлем

– مَغْفِرَةٌ кечириш; *дин.* мағфират

– مَغْفُورٌ кечирилган, афв этилган, мағфират қилинган; ◊ لَهُ ~ вафот этган, ўлган

غَفْقَةٌ уйқу; мудроқ, мудраш

(غفص) III غَافَصَ қўққисдан (тўсатдан) олиб қўймоқ

– مُتَغَيِّمٌ булутли, булут билан қопланган

I غَيْنَ *мажх.* ўраб олинмоқ, қамраб олинмоқ; عَلَى الْقَلْبِ ~ юракни истак ўртаб юборди

– أَغْيَنُ *мн.* غَيْنَاءُ *кўп.* غِينٌ яшил, зангор; شَجَرَةٌ غَيْنَاءُ тарвақайлаган ям-яшил дарахт

غَيَايَةٌ 1) туб, чуқурлик; الْبِئْرِ ~ қудуқнинг таги (туби); 2) бошга соя ташлаши мумкин бўлган барча нарсалар

– غَيْنَةٌ тарвақайлаб кетган ям-яшил дарахт

غِينِيٌّ 1. Гвинеяга оид; خِنْزِيرٌ ~ денгиз чўчқаси; 2. гвинеялик

غَيْهَبُ *кўп.* غَيَاهِبُ *қар.* غهب

# ف

ف (فَاءٌ) фо (*араб алифбосининг йигирманчи ҳарфи, абжадда-80*)

ف *қисқартма сўз* فَدَّانٌ *дан*

ف: ... فَـــ 1) кейин, сўнг, ва; كَتَبَ مَكْتُوبًا فَأَرْسَلَهُ у хат ёзди ва жўнатиб юборди; 2) ...га келсак; ... فَـــ أَمَّا ...га келсак, у ...; ... бўлса, у ...; 3) ...иш (...*ш*) учун; اِقْتَرِبْ مِنِّي فَأُكَافِئَكَ! сени мукофотлашим учун яқинроқ кел!; 4): ... فَلْـــ (فَـــ + لِـــ) майли, ...син; فَلْيَكْتُبْ майли, у ёзсин; ◊ فَإِنَّ чунки, шунинг учунки; يَوْمًا فَيَوْمًا кундан кунга; شَيْئًا فَشَيْئًا оз-оздан; فَوَا خَوْفَادُا! қандай даҳшат, о, даҳшат-ку!

فَا *қар.* فُوْ[2]

فَائِظٌ *кўп.* فَوَائِظُ ортиқ даражадаги фоизлар (процентлар)

فَابْرِيقَةٌ *кўп.* ـــَـــاتٌ, فَبَارِيقُ фабрика

فَابْرِيكَةٌ = فَابْرِيقَةٌ

فَاتُورَةٌ *кўп.* ـــَـــاتٌ, فَوَاتِيرُ 1) юкка (ҳоварга) қўшиб юбориладиган ҳужжат (накладной, фактура); *шунингдек:* ~ الْحِسَابِ ҳисоб (*варақаси*); ~ الْكَهْرُبَاءِ электр учун тўлов варақаси (счёти); 2) намуна (*учун қилинган бирор н*.)

فَاتِيكَانُ: الْـــ~ Ватикан

– فَاتِيكَنِيٌّ Ватиканга оид

فَاخُورَةٌ *қар.* فخر

فَارُوزٌ фируза

فَازِلِينٌ вазелин

فَازَةٌ *кўп.* ـــَـــاتٌ ваза (*идиш*)

فَاسٌ *савдо.* фас, қадоқланган нарса

فَاشٌ (*қушлардаги*) паразит

فَاشِزْمٌ фашизм

فَاشِيٌّ 1. фашистликка оид; 2. фашист, фашизм тарафдори

فَاشِزْمٌ = فَاشِيسْتِيَّةٌ

فَاصُولِيَا ловия, фасол

فَالُوذَةٌ, فَلُوذَجٌ қиём (*мевадан шакар қўшиб тайёрлангани*), желе (*сол.* بَالُوظَةٌ)

فَانِلَّا фланель (*ипдан ёки жундан тўқилган енгил мато*)

– فَانِلَّةٌ *кўп.* ـــَـــاتٌ 1) фланел; 2) фуфайка; футбол ўйинида кийиладиган майка; 3) *кўп.* фланелдан тайёрланган нарсалар (*мас., ички кийимлар*)

فَانُوسٌ *кўп.* فَوَانِيسُ фонус, фонар, чироқ; الْـــ~ السِّحْرِيُّ проекцион фонар

فَانِيلْيَا ваниль (*хушбўй мевали тропик ўсимлик*)

فَاوْرِيقَةٌ = فَابْرِيقَةٌ

فَايِظٌ *кўп.* فَوَايِظُ фоизлар, процентлар (*маблағдан олинадиган*)

– فَايِظْجِيٌّ *кўп.* فَايِظْجِيَّةٌ судхўр, фоизчи

I فَأَدَ (*а*) فَأْدٌ 1) юракни ишдан чиқармоқ, ишдан чиқармоқ (*касаллик ҳақида*); ўраб олмоқ, босмоқ; ~ الْخَوْفُ уни қўрқув ўраб олди, уни қўрқув босди; ~ الدَّاءُ уни касаллик ишдан чиқарди; 2) қовурмоқ, пиширмоқ; ~ اللَّحْمَ гўшт пиширмоқ (*сихда*); VIII اِفْتَأَدَ (فَأَتَ) 1) (*ёмон бир*) ният қилмоқ; 2) (*к. гадир*) туҳмат қилмоқ, айб қадамоқ (عَلَى); ~ عَلَى الْحُقُوقِ ҳуқуқларни бузмоқ (топтамоқ); ~ بِرَأْيِهِ ўз билганича иш тутмоқ

– اِفْتِئَاتٌ туҳмат, ёлғон, бўҳтон; ёлғон айб ёпиштириш

(*ўт, олов*) ёқмоқ

– فُؤَادٌ *кўп.* أَفْئِدَةٌ 1) юрак, қалб; 2) ақл, дониш; ◊ ~ـــ الْـ مِنْ صَمِيمِ чин юракдан, самимий

– مِفْآدٌ *кўп.* مَفَائِدُ *ёки* مِفْأَدٌ *кўп.* مَفَائِدُ (*кабоб пиширилади ган*) сих

– مَفْؤُودٌ юраги ишдан чиққан; 2) юрак касаллиги билан оғриган

فَأْرٌ *жам кўп.* فِئْرَانٌ 1) сичқонлар; ~ الْبَيْتِ уй сичқонлари; ~ التَّجَارِبِ тажриба сичқонлари; ~ الْجَبَلِ *зоол.* суғур; ~ الْغَيْطِ дала сичқонлари; ~ الْخَيْلِ сассиққўзан; ~ـــ الْـ آذَانُ الْـ *қар.* أُذُنٌ ; بَصَلُ الْـ ~ـــ *бот.* денгиз пиёзи; 2) каламушлар; سَمُّ الْـ ~ـــ маргимуш; بَدَأَ الْـ ~ـــ يَلْعَبُ فِي عُبِّهِ унинг ичини ит таталаяпти

– فَأْرَةٌ *кўп.* ـــَ اتٌ 1) сичқон; عَمْيَاءُ ~ *зоол.* кўрсичқон; 2) каламуш; ~ الْمِسْكِ а) ондатра; б) кабарга (*кийиклар оиласига мансуб жонивор*); ◊ ~ النَّجَّارِ ранда; ~ الْكَشْفِ тахтаранда; سِلَاحُ الْـ ~ـــ (كَسْتِيرُ) ранданинг тиғи

فَأْسٌ *мн. кўп.* فُؤُوسٌ 1) болта; 2) омоч; кетмон; ~ اللِّجَامِ юган сувлиғи

فَأْفَأَ дудуқланмоқ

– فَأْفَاءٌ дудуқ

– فَأْفَأَةٌ дудуқланиш

(فأل) V تَفَأَّلَ (*н. дадир*) яхши фолни кўрмоқ (ب); VI تَفَاءَلَ 1) яхши фол, яхши аломат деб ҳисобламоқ; яхшиликка йўймоқ; ~ مِنْهُ خَيْرًا у бунда яхши аломатни кўрди, у буни яхшиликка йўйди; 2) некбин, оптимист бўлмоқ; VIII اِفْتَأَلَ = VI

– تَفَاؤُلٌ 1) некбинлик, оптимизм; ~ـــ وَ الْـ يَمْلَأُ الْقُلُوبَ ҳамма келажакка ишонч (оптимизм) билан тўлиб-тошган эди; ~ـــ تَسُودُ رُوحُ الْـ الْجَمِيعَ улар орасида некбинлик руҳи ҳоким эди; 2) яхши фол; 3) (*бирор н. да*) яхшилик аломатини кўриш

– تَفَاؤُلِيٌّ некбиний, оптимистик, некбинликка (*оптимизмга*) оид

– فَأْلٌ *кўп.* فُؤُولٌ яхши фол, яхши аломат; وَ مِنَ الْـ ~ـــ الْجَمِيلِ ... لِـــ ... أَنْ ... учун яхши аломат (фол) шу нарса бўлиб ҳисобланадики, ...; ~ـــ !هُمْ وَ لَكِنْ خَابَ лекин уларнинг яхшиликка бўлган умидлари пучга чиқди; ~ خَيْرٌ *ёки* ~ حَسَنٌ хайрли фол, яхши аломат; ~ شَرٌّ ёмон фол, ёмон аломат

– مُتَفَائِلٌ 1) некбинликка (оптимизмга) оид; 2. некбин, оптимист

– مُتَفَائِلِيٌّ некбинликка оид, оптимистик

فِئَةٌ *кўп.* ـــَ اتٌ 1) қисм. бўлим; 2) тур, класс; ~ السُّفُنِ кемалар тури; 3) (*аҳоли*) табақаси; ~ الْمُوَظَّفِينَ амалдорлар; 4) тўда, гуруҳ; 5) серия (*облигация, лотереяларда*); пул *ёки* облигацияларнинг айрим ... д онаси! (*купюра*); 6) нарх, баҳо, қиммат; ◊ ~ الدَّمِ қон гуруҳи (группаси)

– فِئَوِيٌّ бирор гуруҳга мансуб бўлган; (*бирор*) сериядаги

– فِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ баҳо, нарх

فِبْرَايِرُ февраль (*ой*)

فَبْرَكَ тўқиб чиқармоқ, ўйлаб чиқармоқ (*мас., миш-миш ва ҳ.к.*)

– فَبْرَكَةٌ тўқиб чиқарилган нарсалар (*мас, миш-миш*)

I فَتَّ (*а/и*) فَتٌّ майдаламоқ, парча-парча қилиб ташламбқ; ~ فِي عَضُدِهِ *ёки* ~ فِي أَعْضَادِهِمْ *ёки* سَاعِدِهِ кимнидир кучдан қолдирмоқ, кимларнингдир кучини заифлаштирмоқ; ◊ ~ وَرَقَ اللَّعِبِ (*ўйнайдиган*) карта бермоқ. тарқатмоқ; II فَتَّتَ 1) майдаламоқ, парчаламоқ; ~ الصَّخْرَ музни синдирмоқ (парчаламоқ (*сўзма-сўз*: қояни парчаламоқ, ~ بُدَدًا майда-майда қилмоқ; ~ الذَّرَّةَ атомни парчаламоқ; 2) эзмоқ, парчаламоқ (*юракни*); يُفَتِّتُ هَذَا كَبِدِي бу менинг юрагимни эзиб юборди; V تَفَتَّتَ 1) майдаламоқ; парчаламоқ; майда-майда қилиб бўлмоқ; парчаламоқ (*атом ҳақида*); 2 эзилмоқ, парчаланмоқ, пора-пора бўлмоқ (*юрак ҳақида*); يَتَفَتَّتُ مِنْهُ الْكَبِدُ бундан жигар эзилиб кетади; VII اِنْفَتَّ майдаланган (парчаланган, майда-майда қилинган) бўлмоқ

– تَفْتِيتٌ майдаланиш, парчаланиш; ~ الذَّرَّةِ атом парчаланиши

– فَتٌّ фатт (*сув, квас кабиларга тўғралган пиёз ва нонли овқат номи*); هَذَا كَالْـ ~ـــ لِلْأَهْتَمِ *мтл.* бу тишсизнинг об-ёвғони бўлибди

– فُتَاتٌ майда бўлаклар; бўлакчалар; зарралар, заррачалар

– فَتَّةٌ шўрвага, сутга тўғралган нон бурдалари

– فَتِيتٌ = فَتُوتٌ

– فَتِيتٌ 1) майдаланган, тўғралган; 2. 1) фатт (*қар.* فَتٌّ); 2) нон тўғрами (тўғрамчиси); 3) парча-бурон, узуқ-юлуқ (*мас., пахта, чим*)

– فَتِيتَةٌ *кўп.* فَتَائِتُ 1) майда-чуйда; 2) бурда, бўлак

I فَتِئَ (*а*) فَتْءٌ тўхтамоқ, тўхтатмоқ; مَا ~ يَكْتُبُ у ёзишни тўхтатмади, у тўхтамай ёзаверди; تَفْتَأُ هَذِهِ الْأَوْهَامُ رَبِّي فِي أَعْشَاشِهَا ё худо, бу ҳали ҳам айланиб юрибди (*сўзма-сўз*: ўз уяларида ўтирибди) (*ҳозирги-келаси-замон феълидан ва қасамни ифодоловчи сўзлардан олдин У инкор юкламаси ишлатилмайди, лекин бор деб тасаввур қилинади*); IV أَفْتَأَ = I

I فَتَحَ (*а*) فَتْحٌ 1) очмоқ, очиб ташламоқ; тантанали равишда очмоқ (*мас., мактаб, клуб ва б. ларни*); ~ ... بَابًا جَدِيدًا فِي عِلْمِ ... фанида янги боб очмоқ; ~ اعْتِمَادًا кредит очмоқ; ~ ... عُيُونَهُ عَلَى *кўч.м.* бирор киши кўзини ...га очмоқ; 2) ишонтирмоқ (*бирор фикрга*); 3) бошламоқ; ~ الْمَوْضُوعَ (*бирор н. ҳақида*) гап бошламоқ; 4) бурамоқ, уламоқ (*кранни, электр улағични*); ~ النُّورَ чироқни ёқмоқ (уламоқ); 5) босиб олмоқ (*мас., мамлакатни*); 6) (*бирор н. га*) асос солмоқ; ташкил қилмоқ; 7) *грам.* фатҳа белгисини қўймоқ, ундошни фатҳа билан ўқимоқ; 8) ҳукм қилмоқ, ҳукм чиқармоқ; اِفْتَحْ بَيْنَنَا бизларга нисбатан ҳукмингни чиқаргин; ◊ ~ الْأَزْرَارَ

тугмаларни ечмоқ; الْبَحْتَ ~ *ёки* الْقُفْلَ ~ *ёки* الْمِنْدَلَ ~ фол очмоқ. иссиқ-совуқ қилмоқ; الرَّمْلَ ~ қумда фол очмоқ; الشَّهِيَّةَ ~ иштаҳа уйғотмоқ (қўзғотмоқ); الْبِنْتَ ~ қизлик (бокиралик)дан маҳрум қилмоқ; صَدْرَهُ ~ хижолат тортмаслик. اللهُ يَفْتَحُ عَلَيْكَ Оллоҳ берсин! (*тиланчига ҳеч нарса берилмаган вақтда айтилади*); II فَتَّحَ 1) тез-тез (кўп марта) очмоқ. ҳамма эшик-деразаларни очиб ташламоқ; 2) (*сочларни*) очиқ рангга бўямоқ. 3) чилмоқ, гулламоқ; ~ـــتِ الشَّمْسُ яна қуёш кўринди; 4) маърифатли қилмоқ; (*ақлан*) камолга етказмоқ; الْعَقْلَ ~ ақлни камолга етказмоқ (ўстирмоқ); III فَاتَحَ (*бирор к. билан*) гаплаша бошламоқ. V تَفَتَّحَ 1) очилмоқ. гулламоқ; ... عُيُونَهُ عَلَى النُّورِ فِي ~ـــتْ у ...да дунёга келди. 2) (*ақлан*) ўсмоқ; VII اِنْفَتَحَ 1) очилган бўлмоқ очилмоқ, гулламоқ; 2) (*ақлан*) ўсмоқ; VIII اِفْتَتَحَ ~ 1) очмоқ; دَوْرَةَ الْمَجْلِسِ ~ совет сессияси (*мажлиси*) ни очмоқ; 2) (*н. биландир*) очилмоқ, бошланмоқ (ب), 3) босиб олмоқ (*мас., мамлакатни*); X اِسْتَفْتَحَ 1) (*н. биландир*) бошламоқ (ب); 2) очмоқ (*биринчи савдони*); 3) очмоқни сўрамоқ; 4) (*к. дандир*) ёрдам сўрамоқ (ب)

– اِسْتِفْتَاحٌ 1) бошланиш, кириш, бошланма; 2) ташаббус. бошлаб бериш

– اِفْتِتَاحٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) очилиш; (*бирор н. нинг*) очилишига бағишланган тантана; الْمَعْرِضِ ~ حَفْلَةُ кўргазма (виставка) нинг тантанали очилиши; ~ـــ الْقَى كَلِمَةَ кириш нутқи сўзламоқ; 2) *шахм.* бошланиш, дебют

– اِفْتِتَاحِيٌّ 1) киришга оид; ~ـــةٌ مَقَالَةٌ бош мақола; 2) *муз.* увертюра

– اِنْفِتَاحٌ 1) очилиш; 2) (*ақлан*) ўсиш; 3) *ҳарб.*(*жанговар тартибларни*) кенгайтириш; ◊ ~ـــ الْاِقْتِصَادِيُّ иқтисод соҳасини либераллаштириш, эркин қўйиб юбориш

– تَفَتُّحٌ очиш, очиб юбориш; ~ الْمَوَاهِبِ иқтидорни тараққий эттириш, очиб юбориш

– فَاتِحٌ[1] 1) очувчи; 2) бошловчи; 2. 1) фотиҳ, босиб олувчи; 2) ойнинг биринчи куни (*числоси*) (*Шимолий Африкада*); ~ مَايُو Биринчи май

– فَاتِحٌ[2] очиқ сочли

– فَاتِحَةٌ *кўп.* فَوَاتِحُ 1) очилиш; 2) бошланиш, кириш; фотиҳа; ~ـــ الْـ Қуръони каримнинг биринчи сураси; قَرَأَ الْـ~ عَلَى رُوحِهِ *дин* ўлган киши руҳига бағишлаб фотиҳа сурасини ўқимоқ; قَرَأَ الْـ~ فِي سِرِّهِ Қуръони карим сурасини ичда ўқимоқ

– فَتَّاحٌ 1. очувчи; ~ الْفَأْلِ фол очувчи, фолбин, 2. 1) фотиҳ, босиб олувчи; 2) фаровонлик эшигини очувчи (*Оллоҳ сифатларидан бири*); 3) ҳукм чиқарувчи, ҳукм қилувчи; 4) *кўп* فَتَاتِيحُ *зоол* жиблажибон

– فَتَّاحَةٌ 1. очувчи аёл; ~ الْفَأْلِ фол очувчи аёл; *кўп.* اتٌ ـــ консерва очидаган пичоқ (*шунингдек:* ~ الْعُلَبِ); штопор (*шунингдек:* ~ السَّدَّادَاتِ) (*пўкак очадиган пармасимон асбоб*)

– فَتْحٌ *кўп.* فُتُوحٌ 1) очилиш. очиш; ~ الْبَحْتِ *ёки* ~ الْمِنْدَلِ фол очиш. 2) фатҳ. ғалаба, зафар, босиб олиш

– فَتْحَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) очиш, 2) тешик; (*бирор н.*) ўтадиган жой; оралиқ; 3) (*кўприк тиргавичлари*) оралиғи, 4) кесик, қирқиб олинган жой. ~ الْفُسْتَانِ *ёки* ~ الصَّدْرِ декольте (*аёллар кўйлагининг кўкраги очиқ жойи*); 5) *грам.* фатҳа

– فُتْحَةٌ *кўп.* فُتَحٌ 1) ўтадиган жой, оралиқ; 2) (*кўприк тиргавичлари*) оралиғи; 3) кесик, қирқиб олинган жой; 4) шлюз (*гидротехник иншоот*)

– فُتُوحَاتٌ *кўп.* 1) босиб олиш, босиб олинган ерлар; 2) ютуқлар; عِلْمِيَّةٌ ~ илмий ютуқлар

– مِفْتَاحٌ *кўп.* مَفَاتِيحُ 1) очқич, калит. ~ الصَّامُولَةِ *ёки* ~ـــ الْإِنْكِلِيزِيُّ гайка калити; ~ـــ الْقُفْلِ وَ قُفْلٌ ва калит (*очқич*); ~ـــ (*эшикдаги*) қулф тешиги; ~ الْعَقْدِ *архит.* қулф (*арканинг, гумбазнинг марказий қулфловчи ғиштн. тоши*); ~ الْمَدِينَةِ шаҳар калити; ~ـــ أَقْفَلَ الْبَابَ بِالْـ эшикни калит билан қулфламоқ; 2) *шунингдек:* ~ كَهْرَبَائِيٌّ ~ *ёки* ~ كَهْرَبَائِيٌّ *ёки* ~ *эл.* ўчиргич калит (*включатель*); ~ الْاِشْعَالِ штепсел (*автомобилдаги моторни*) ёндириш қулфи; 3) *т-ш* стрелка (*т-й даги ҳаракатни бир издан иккинчисига ўтказадиган жиҳоз*). 4) *муз.* клавиша, клапан

– مِفْتَاحِجِيٌّ *кўп* مِفْتَاحِجِيَّةٌ *т-ш* стрелкачи

– مِفْتَاحِيَّةٌ (*квартирага кўчиб кирилганда берилдиган*) биринчи ҳақ

– مُفْتَتَحٌ бошланиш, очилиш

– مُفَتَّحٌ ақлли, донишли; *халқ.* кўзи бор, кўрадиган

– مُفَتِّحٌ 1) иштаҳа очувчи. иштаҳани келтирадиган, қўзғатадиган; 2. *кўп.* اتٌ ـــ аперитив (*тешикка оид*)

– مَفْتُوحٌ 1) очиқ, очиқ турган. очилган; ~ بِالْـ очиғи, очиқчасига. тўғридан-тўғри; букиб ўтирмай; 2) босиб олинган, фатҳ қилинган; 3) *грам.* фатҳа қўйилган; ◊ يَدُهُ ~ـــةٌ у қўли очиқ, сахий, саховатли; شَهِيَّتِي ~ـــةٌ менинг иштаҳам катта (*карнай*); سِيَاسَةُ الْبَابِ الْـ~ـــةُ очиқ эшиклар сиёсати

– مُنْفَتِحٌ 1) очиқ; 2) *фон.* веляризацияланмаган; حُرُوفٌ ~ـــةٌ веляризацияланмаган ундошлар

I فَتَرَ (*и*) فُتُورٌ 1) кучсиз (мадорсиз, бўшашган) бўлмоқ (бўлиб қолмоқ); кучсизланмоқ; тинчимоқ; пасаймоқ (*совуқ, иссиқ ҳақида*); عَنْ عَمَلِهِ ~ бўшашиб (эриниб) ишламоқ; 2) совумоқ, совиб қолмоқ; 3) (*н. дандир*) воз кечмоқ (عَنْ); II فَتَّرَ 1) бўшаштирмоқ, кучсизлантирмоқ, мадорсизлантирмоқ; 2) илиқ-милиқ қилмоқ ~ الْهِمَّةَ ноқулай ҳолга солиб қўймоқ; IV أَفْتَرَ ~ бўшашган қилмоқ, кучсизлантирмоқ; V تَفَتَّرَ 1) бўшашган (кучсизланган) бўлмоқ,

мадордан кетмоқ; тинчимоқ; пасаймоқ (*совуқ, иссиқ ҳақида*) 2) илиқ-милиқ бўлмоқ, совимоқ

– فَاتِرٌ 1) бўшашган, кучсиз, мадордан кетган; 2) илиқ-милиқ, совиган, илиқ бўлиб қолган

– فَاتُورَةٌ *алиф.б.қар.*

– فَتْرٌ *кўп.* أَفْتَارٌ 1) қарич, 2) фитр (*тахминан 18 см.га тенг узунлик ўлчови*)

– فَتْرَةٌ[1] бўшашганлик, мадорсизлик

– فَتْرَةٌ[2] *кўп.* فَتَرَاتٌ *ёки* فَتْرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) вақт оралиғи; ~ زَمَنِيَّةٌ وَجِيزَةٌ қисқа вақт оралиғи; ~ اَلْانْتِقَالِ ўтиш даври; ~ بَيْنَ *ёки* فِي فَتَرَاتٍ مُتَقَطِّعَةٍ بَيْنَ *ёки* وَ أُخْرَى ~ вақти-вақти билан; ~ مِنْ غَيْرِ тўхтовсиз; 2) танаффус; таътил. ~ اَلْاسْتِرَاحَةِ дам олиш вақти, танаффус

– فُتُورٌ 1) бўшашганлик, ҳолдан кетганлик, мадорсизлик; 2) совиш, илиқ-милиқлик; ~ اَلْعَلَاقَاتِ алоқа (муносабатлар)нинг совиши

– مُفَتَّرٌ 1) кучсиз, бўшашган; камҳаракатли, фаолияти оз; 2) илиқ-милиқ, совиб қолган

I فَتَشَ (*и*) فَتْشٌ (*н. нидир*) истамоқ, қидирмоқ, изламоқ (عَنْ); ◊ ~ السِّرَّ сирни ошкор этмоқ; II فَتَّشَ 1) (*н. нидир*) тинтув қилмоқ, қидирмоқ, изламоқ, истамоқ, излаб юрмоқ (عَنْ); 2) назорат қилмоқ, кўрикдан ўтказмоқ, текширмоқ; тафтиш қилмоқ; V تَفَتَّشَ 1) тинтув қилмоқ; 2) кўрик қилинмоқ

– تَفْتِيشٌ *кўп* تَفَاتِيشُ 1) тинтув; қидирув; (*н. нидир*) излаш, қидириш (عَنْ); 2) кўрик, текширув; тафтиш, назорат; ~ اَلْجُمْرُكِيُّ божхона текшируви (тафтиши); ~ اَلطِّبِّيُّ тиббий кўрик; ~ دِيوَانُ اَلْـ а) тафтишчи (*инспектор идораси*) б) *тар.* инквизиция (*католик черковининг асоратига қарши бўлган кишиларни таъқиб ва суд қилиш учун XIII-XIX асрларда фаолият кўрсатган суд-полиция ташкилоти*); ~ مَحَاكِمُ اَلْـ инквизиция судлари; 3) назорат (*инспекция*); ~ رَئِيسُ اَلْوَجْهِ اَلْبَحْرِيِّ Қуйи Мисрни суғориш бўйича назорат; 4) қўра, мулк

– تَفْتِيشَةٌ назорат, инспекция

– تَفْتِيشِيٌّ назоратга оид, инспекцион

– فَتَّاشٌ 1) текширувчи, тафтиш қилувчи, тафтишчи; 2) инспектор

– فَتَّاشَةٌ ~ اَلسِّلَاحِ اَلنَّارِيِّ шомпол (*милтиқ, тўп ва ҳ.к. лар ичини тозалаш учун ишлатиладиган асбоб*); ~ اَلْأَقْفَالِ очқич, калит

– مُفَتِّشٌ 1) назоратчи, инспектор; ~ عَامٌّ бош инспектор; 2) текширувчи, контролёр; ~ اَلتَّذَاكِرِ билет текширувчи

– مُفَتَّشِيَّةٌ назорат, инспекция

فُوتُوغْرَافِيَا = فُتُوغْرَافِيَا

فَتَّتَ майдаламоқ, парча-парча қилмоқ; ◊ ~ بِسِرٍّ إِلَيْهِ кимгадир сирни очмоқ

– فَتْفَتَةٌ майда бўлакларга бўлиб ташлаш, майдалаш, парча-парча қилиш

– فُتَافِيتُ *кўп.* فُتَفُوتَةٌ майда бўлак, парча

I فَتَقَ (*у*) فَتْقٌ 1) йиртмоқ; сўкмоқ, чокларидан йиртмоқ (*мас., кўйлакни*); 2) очмоқ, топмоқ, кўрсатмоқ; تَفْتِقُ (اَلضَّرُورَةُ) اَلْحَاجَةَ اَلْحِيلَةَ *мтп.* ҳожатмандлик ҳийлага ўргатади; II فَتَّقَ = I; V تَفَتَّقَ 1) йиртилмоқ; сўкилмоқ; 3) очилмоқ; ◊ ~ ذِهْنُهُ унинг ақли очилмоқда; ~ ذِهْنُهُ عَنْ فِكْرَةِ... деган фикрга бормоқ; VII اِنْفَتَقَ 1) (*бирор н. дан*) ажратиб (йиртиб) олинган бўлмоқ (مِنْ); 2) сўкилган (йиртилган) бўлмоқ

– فَتَاقٌ дабба, чурра тушиш; ~ حِزَامُ бандаж, қуллоб (*баданнинг касал жойини танғиб қўйиладиган махсус камар*)

– فُتُوقٌ *кўп.* فُتُوقٌ йиртилиш; 2) йиртиқ, тешилган жой, 3) дабба, чурра тушиш; ~ مُصَابٌ بِالْـ дабба билан касалланган; ~ حِزَامُ бандаж, қуллоб; ◊ رَتَقَ فُتُوقَهُ бирор нарсани адо этмоқ, бажармоқ, ўтказмоқ, жойига қўймоқ

– فَتِيقٌ 1) йиртилган, сўкилган; 2) (*тили*) ўткир

– فَيْتَقٌ дурадгор

– مُفَتَّقَةٌ муфаттақа (*мураббо, қиёмнинг бир тури*)

– مَفْتُوقٌ 1) йиртилган, сўкилган; 2) дабба касаллиги бор бўлган

I فَتَكَ (*а, у*) فَتْكٌ 1) ҳалок қилмоқ; (*к. нидир*) йўқ қилмоқ, ўлдирмоқ (ب); 2) (*н. нидир*) бузмоқ (ب), 3) (*к. гадир*) ташланмоқ, ҳужум қилмоқ (ب); 4) (*к. нидир*) чақмоқ (ب -*чивинлар ҳақида*); 5) хушчақчақ (шоду хуррам, роҳат-фароғатда) яшамоқ

– فَاتِكٌ 1) ҳалок қилувчи, йўқ қилувчи; 2. *кўп.* فُتَّاكٌ қотил

– فَتَّاكٌ ҳалокатли

– فَتْكٌ, فُتْكٌ, فُتْكٌ 1) қотиллик, ўлдириш; 2) ҳалокатлилик

– فَتْكَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ йўқ бўлиш, вайрон бўлиш

I فَتَلَ (*и*) فَتْلٌ 1) жингалак қилмоқ, қўнғироқ-қўнғироқ қилмоқ; эшмоқ, бурамоқ, чийрамоқ; ~ شَارِبَهُ мўйловни бурамоқ; 2) ўрмоқ; ~ خُيُوطَ اَلرَّأْيِ мияни қотирмоқ; ~ لَهُ кимгадир қарши қутқу (фисқу-фасод) қилмоқ; II فَتَّلَ (*бирор н. ни*) кўп марта эшмоқ (бурамоқ); V تَفَتَّلَ эшилмоқ, буралмоқ; жингалак бўлмоқ, қўнғироқ-қўнғироқ бўлмоқ; VII اِنْفَتَلَ 1) эшилган (буралган) бўлмоқ; ~ رَاجِعًا бурилмоқ; 2) (*н. нидир*) тўхтатмоқ, ташламоқ, тамомламоқ (مِنْ); 3) (*қаердандир*) ими-жимида (билинтирмай) кетмоқ, жуфтакни ростламоқ (مِنْ)

– فَتَّالٌ эшувчи, йигирувчи

– فَتَالَةٌ эшиш, йигириш; ~ عُمَّالُ اَلنَّسِيجِ وَ اَلْـ текстилчилар, текстилчи ишчилар

– فَتْلٌ 1) эшиш, йигириш, пишитиш; 2) ип йигириш

– فَتْلَةٌ *кўп.* فَتَلٌ 1) бир бурам, бир ўрам; жингалак, гажак; 2) ип; ~ الْخَيْطِ игнага ўтказиладиган ип; ~ ابْنُ товламачи; ~ شَمَّعَ الْـ қочиб кетмоқ, жуфтакни ростлаб қолмоқ

– فَتِيلٌ[1] бураган, жингалак қилинган

– فَتِيلٌ[2] *кўп.* فَتَائِلُ 1) пилик; ёндирувчи, ўт олдирувчи шнур, запал; هُوَ الَّذِي أَشْعَلَ الْـ ~ *маж.* у ишни чалкаштириб юборди, у ишнинг чатоғини чиқарди, у ишнинг бўтқасини чиқарди; مَا يُغْنِي هَذَا عَنْهُ ~ *маж.* бу унга ҳеч қандай ёрдам беролмайди;- 2) тампон (*ярага босиладиган пахта ёки дока*); 3) уруғнинг бир палласи; 4) икки бармоқ ўртасида ҳимариб ҳосил қилинадиган қора ифлослик; ◊ حَجَرُ الْـ ~ асбест

– فَتِيلَةٌ *кўп.* فَتَائِلُ 1) пилик; (*электр лампа ичидаги*) ип; 2) флакон (*кичик шиша идиш*), кичкина бутилка

– مُفَتَّلٌ эшилган; ~ ذَهَبٌ зар ип, зар

– مَفْتُولٌ[1] эшилган, чийирилган, пишитилган; ~ سِلْكٌ кабель; ◊ ~ الْعَضَلِ чайир, кучли

– مَفْتُولٌ[2] *кўп.* مَفَاتِيلُ *тар. ҳарб.* қоравул турадиган манора

I فَتَنَ (*u*) فَتْنٌ 1) мафтун қилмоқ, сеҳрлаб қўймоқ; қизиқтирмоқ, йўлдан урмоқ; لُبَّهُ ~ кимнингдир ақлини ўғирламоқ; 2) фитна солмоқ, 3) ёлғонламоқ, (*к. ҳақдадир*) фитна-фасод гап қилмоқ (عَلَى); 4) (*н. дандир*) нафратлантирмоқ, кўнгил қолдирмоқ (عَنْ); ~ عَنِ الدِّينِ диндан чиқармоқ; 5) *мажх.* (*к. нидир деб*) ақлдан озмоқ (ب); 6) эритмоқ; II فَتَّنَ 1) мафтун қилмоқ, сеҳрлаб юбормоқ; 2) жуда ҳам сеҳрламоқ, жуда ҳам мафтун қилмоқ; IV أَفْتَنَ = II; VIII افْتَتَنَ (*бирор н. га*) мафтун бўлган (сеҳрланган, йўлдан урилган) бўлмоқ (ب); (*н. дандир*) ғоят завқланган бўлмоқ (ب); 2) йўлдан оздирмоқ, аврамоқ

– فَاتِنٌ 1. мафтун этадиган, йўлдан урадиган; 2. авровчи, йўлдан урувчи; 3. тўғри йўлдан оздирувчи (адаштирувчи)

– فَتَّانٌ 1. 1) йўлдан урадиган, аврайдиган; 2) мафтун қиладиган, завқлантирадиган; الْآدَابُ الْـ ~ ـةُ бадиий адабиёт; 2. 1) васваса қилувчи, йўлдан оздирувчи; 2) фитначи; иғвогар; чақимчи, ғийбатчи; 3) заргар; 4) шайтон

– فَتَنْجِيٌّ *кўп.* فَتَنْجِيَّةٌ фитначи; иғвогар; чақимчи, ғийбатчи

– فِتْنَةٌ[1] *кўп.* فِتَنٌ 1) мафтунлик; йўлдан озиш; 2) кўзғолон; исён, фитна, ~ أَشْعَلَ نَارَ الْـ исён алангасини ёқмоқ; ~ أَثَارَ фитна қўзғамоқ; 3)'ақлсизлик, жиннилик; 4) йўлдан озиш, адашиш. динсизлик

– فُتْنَةٌ[2] эритиш, суюлтириш (*метални*)

– فُتْنَةٌ *бот.* 1) кумушранг акация; 2) Нил акацияси гуллари

– فَتِينٌ мафтун бўлиб қолган, ақлдан озиш даражасида севиб қолган

– مَفَاتِينُ *кўп.* 1) мафтун қиладиган нарсалар, гўзалликлар; 2) йўлдан урадиган нарсалар

– مَفْتُونٌ[1] 1) мафтун бўлган; 2) ақлдан озган; 3) синовдан ўтган, текширилган; ~ دِينَارٌ текширишдан ўтказилган танга

– مَفْتُونٌ[2] = فِتْنَةٌ[2]

I (فتو) فَتِيَ (*а*) فَتَاءٌ, فُتُوَّةٌ ёш (йигит) бўлмоқ; IV أَفْتَى 1) (*дин. шариат масалалари бўйича*) фатво чиқармоқ (فِي); 2) маслаҳат (консультация) бермоқ; 3) (*н. ҳақдадир*) фикр (мулоҳаза) билдирмоқ (ب); V تَفَتَّى ёш бўлмоқ; ёшармоқ, йигит бўлмоқ; VI تَفَاتَى = I; IV; 2) (*к. нингдир олдига*) фатво сўраб келмоқ; X اسْتَفْتَى 1) (*дин. шариат масалалари бўйича*) фатво сўрамоқ (فِي); 2) (*н. ҳақдадир*) фикр (маслаҳат) сўрамоқ (فِي)

– اسْتِفْتَاءٌ 1) фикр-мулоҳаза сўраш; ~ الْـ الْعَامُّ *ёки* الشَّعْبِ референдум, оммавий сўров; 2) анкета

– إِفْتَاءٌ 1) фатво чиқариш (*қар.* فَتْوَى); 2) муфтийнинг вазифаси, مَنْصَبُ الْـ ~ муфтийлик мансаби; دَارُ الْـ ~ муфтий идораси (бошқармаси)

– أَفْتَى *шунингдек:* ~ عُمْرًا ёшроқ, анча ёш

– فَتَاءٌ 1) ёшлик, йигит ёшидаги

– فَتَاةٌ 2) *кўп.* فَتَوَاتٌ, فَتَيَاتٌ 1) қиз, қизча; 2) оқсоч (аёл), хизматкор (аёл)

– فُتُوَّةٌ[1] ёшлик, йигитлик; مُعَسْكَرُ الْـ ~ ёшлар лагери; 2) азаматлик; мардлик, қаҳрамонлик

– فُتُوَّةٌ[2] *кўп.* ـاتٌ 1. кучли, қувватли; 2. бўзбола; бошлаб берувчи, сабабчи, саркор, жўрабоши

– فَتْوَى *кўп.* فَتَاوَى, فَتَاوٍ фатво (*муфтий қарори, хулосаси*); ~ دَارُ الْإِفْتَاءِ = *қар.* إِفْتَاءٌ

– فَتًى[1] *кўп.* فِتْيَانٌ, فِتْيَةٌ, *ик.с.* فَتَيَانٌ, فَتَوَانٌ 1) ёш, ёш йигит, азамат йигит; ўғил бола; 2) хизматкор, югурдак, дастёр

– فَتًى[2] сахий, қўли очиқ, бағри кенг

– فَتِيٌّ ёш; مِنَ الْكُتَّابِ الْـ ~ ёзувчиларнинг ёш авлоди

– فُتْيَا = فَتْوَى

– مُفْتٍ *кўп.* مُفْتُونَ муфтий (*дин. шариат масалалари бўйича қарорлар чиқарадиган мансаб эгаси*) مُفْتِي الدِّيَارِ الْمِصْرِيَّةِ Миср муфтийси; سَمَاحَةُ الْمُفْتِي *қар.* سَمَاحَةٌ

I فَثَأَ (*а*) فَثْءٌ (*ғазабни*) босмоқ, тинчитмоқ; VII انْفَثَأَ тинчимоқ, босилмоқ (*ғазаб ҳақида*)

I فَجَّ (*а*) فَجٌّ 1) оёқларни ёзмоқ (кермоқ); 2) катта-катта қадамлаб юрмоқ; IV أَفَجَّ 1) катта-катта қадамлаб юрмоқ, шошилмоқ; 2) ер ҳайдамоқ; الْخُطُوطَ بِالْمِحْرَاثِ ~ эгатларни омоч билан ҳайдамоқ

– فَجٌّ *кўп.* فِجَاجٌ, فُجُوجٌ дара; водий; ◊ عَمِيقٌ مِنْ كُلِّ ~ ҳамма ёқдан, ҳамма тарафдан; مِنْ جَمِيعِ فِجَاجِ الْأَرْضِ ер юзининг ҳамма тарафидан, ҳамма ёқдан

– فَجٌّ[1] хом, кўк, пишмаган, етилмаган

– فَجٌّ[2] тарвуз

– فَجٌّ = فُجَاجٌ

– فَجَاجَةٌ пишмаганлик, етилмаганлик

I **فَجَأَ** (*а*) فَجْأَةً тўсатдан (устидан) чиқиб қолмоқ, кутилмаганда келмоқ, III فَاجَأَ тўсатдан (устидан) чиқиб қолмоқ; кутилмаганда (тўсатдан) ҳужум қилмоқ; тўсатдан зарба бермоқ, гангитиб қўймоқ; 2) дучор қилмоқ, остида қолдирмоқ (*ёмғир ҳақида*), 3) дучор бўлиб қолмоқ (*касаллик ҳақида*)

– فَاجِئٌ тўсатдан, кутилмаганда

– فُجَاءَةٌ тўсатданлик, кутилмаганлик; ~ِـــ فِي *ёки* ~ً тўсатдан, кутилмаганда, бирданига

– فُجَائِيٌّ = فَاجِئٌ; اَلْمَوْتُ اَلْـــ~ тўсатдан бўлган ўлим

– فُجَاءَةً = فَجْأَةً

– مُفَاجَأَةٌ *кўп.* مُفَاجَآتٌ 1) кутилмаган ҳужум, 2) кутилмаганлик, тўсатданлик; сюрприз; ~ سَارَّةٌ ёқимли (яхши) тасодиф

– مُفَاجِئٌ кутилмаган, бирданига бўлган

I (фжр) **فَجَرَ**[1] (*у*) فَجْرٌ ёрмоқ, бўлмоқ (*қояни*), (*сув чиқариш учун ерни*) кавламоқ; اَلْقَنَاةَ ~ канал кавламоқ (ўтказмоқ); 2) тўкмоқ, оқизмоқ, томизмоқ (*сувни*); فَجَرَ[2] (*у*) فُجُورٌ 1) ғайриқонуний иш қилмоқ; гуноҳ (айб) қилмоқ; II فَجَّرَ 1) булоқ қилиб отилтириб чиқармоқ (*сувни*); 2) портлатмоқ; IV أَفْجَرَ 1) бузуқлик қилмоқ; 2) тонг пайтида амалга ошмоқ; тонг оттирмоқ; V تَفَجَّرَ 1) оқиб турмоқ, чиқиб турмоқ (*булоқ ҳақида*); фонтан бўлиб отилмоқ (*нефть ҳақида*); 2) портламоқ; отилиб чиқмоқ (*вулқон ҳақида*); 3) ёрилмоқ, ёрилиб кетмоқ; ◊ تَتَفَجَّرُ اَلْعُيُونُ لِلْمُصِيبَةِ мусибатдан кўзларга ёш тўлади, VII اِنْفَجَرَ 1) оқиб турмоқ (*булоқ ҳақида*), 2) портлаб (отилиб) турмоқ (*вулқон ҳақида*); 3) ёрилмоқ, ёрилиб кетмоқ; 4) бошланмоқ (*тонг ҳақида*); 5) (*к. гадир н. гадир*) ташланмоқ, ҳужум қилмоқ (عَلَى), ◊ فِي ضَحْكَةٍ ~ қотиб кулмоқ; تِ~ اَلْأَزْمَةُ кризис бошланиб кетди

– اِنْفِجَارٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) портлаш; портлаш (*снаряд ҳақида*); ~ اَلْبُرْكَانِ вулқоннинг отилиши; 2) тошма, иссиқлик гул, сачратқи; ҳуснбузар

– اِنْفِجَارِيٌّ портловчи; *фон.* портловчи (*товуш*)

– تَفْجِيرٌ портлатиш; 2) *кўп.* اتٌ ـــ портлаш; اَلـــ~ اَلذَّرِّيُّ атом портлаши

– فَاجِرٌ *кўп.* فُجَّارٌ, فَجَرَةٌ 1. 1) бузуқ, йўлдан озган; гуноҳкор; 2) айбли, номуссиз, фоҳиш, бузуқи; 2. 1) фоҳиш, 2) алдамчи, ёлғончи

– فَاجِرَةٌ *кўп.* فَوَاجِرُ фоҳиша, бузуқ аёл

– فُجَارٌ қонунсизлик, зулм; حَرْبُ اَلْـــ~ *тар.* қурайшийлар билан хавозин қабиласи орасида бўлган уруш (*исломдан бир оз олдинроқ*)

– فَجْرٌ 1) тонг; азон пайти; كَوْكَبُ اَلْـــ~; صَلَاةُ اَلْـــ~ *қар.* صَلَاةٌ *астр.* Зуҳро (*Венера*), 2) бошланиш, ибтидо; ~ اَلْإِسْلَامِ исломнинг бошланиши

– فُجْرٌ бузилиш, бузуқлик

– فَجْرِيٌّ тонгги, азондаги, эрталабги

– اِنْفَجَرَ اَلْـــ~ = فُجُورٌ бузуқликка ботиб қолмоқ

– مُنْفَجِرٌ портлайдиган, портлатадиган; اَلْمَوَادُّ اَلْـــ~ةُ портлатадиган моддалар

– مُنْفَجِّرَةٌ *кўп* اتٌ ـــ портлатадиган моддалар; شَحْنَةُ اَلْمُنْفَجِّرَاتِ портлатиш заряди

– مُفَجِّرٌ 1. портлайдиган; 2. портлатадиган, портлатувчи

– مُفَجِّرَاتٌ *кўп.* портлатадиган моддалар

– مُنْفَجِرَاتٌ *кўп.* портловчи моддалар

I **فَجَعَ** (*а*) فَجْعٌ келмоқ, бошга тушмоқ (*бало-офат, бахтсизлик ҳақида*), азобга (қийноққа) қўймоқ; 2) *мажз.* катта алам (оғир мусибат, зарбани) бошдан кечирмоқ (فِي, ب); فُجِعَ أَهْلُهُ بِوَفَاةِ أَبِيهِ отасининг алами муносабати билан унинг оиласи оғир аламларни бошидан кечирди; II فَجَّعَ азобга (аламга) қўймоқ; V تَفَجَّعَ қийналмоқ, азоб чекмоқ; (*бирор н. ни*) қийналиб бошдан кечирмоқ (عَلَى)

– فَاجِعٌ азобли, қийнатадиган, оғир, машаққатли

– فَاجِعَةٌ *кўп.* فَوَاجِعُ 1) фожиа, бахтсиз ҳодиса, фожиавий воқеа; бахтсизлик; 2) ҳалокат; ~ اَلطَّيَّارَةِ авиацион ҳалокат

– فَجَّاعٌ ҳалокатли, фожиавий

– فَجَاعَةٌ ебтўймаслик, юҳолик; серовқатлик

– فَجَعٌ = فَجَاعَةٌ

– فَجْعَةٌ = فَجَاعَةٌ

– فَجُوعٌ ғам (алам)га солувчи; оғир, машаққатли

– فَاجِعَةٌ = فَجَائِعُ *кўп*

– مُفَجِّعٌ ғам (алам)га солувчи; фожиали, фожиона

(فجعن) تَفَجْعَنَ юҳо (ебтўймас) бўлмоқ

– فَجْعَانٌ юҳо, ебтўймас

– فَجْعَنَةٌ = فَجْعَانٌ

فَجْفَجَ (*ўўқ н. билан*) мақтанмоқ; ёлғонни кўп гапирмоқ, кўп ёлғон гапириб қўлга тушмоқ

– فَجْفَجٌ, فَجْفَاجٌ 1. мақтанчоқ; 2. ёлғончи, ўзини мақтовчи

– فُجْلٌ, اَلْـــ~ اَلْبَرِّيُّ *ёки* اَلْـــ~ اَلْحَارُّ *жам.* редиска; فُجْلَةٌ *ёки* فُجْلَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ (*бир тўғрам*) редиска

I (фхо) **فَجَا** (*у*) فَجْوٌ очиб қўймоқ

– فَجْوَةٌ *кўп* فَجَوَاتٌ, فِجَاءٌ 1) икки оралиқдаги бўшлиқ; оралиқ; тешик; дарз; бўш қолган жой; ~ هَوَائِيَّةٌ ҳаво бўшлиғи; مَلَأَ اَلْـــ~ فِي ... ...даги бўшлиқни тўлдирмоқ (тўлғазмоқ); 2) ҳеч ким

– فَجَّاعٌ ҳалокатли, фожиавий

– فَجَاعَةٌ ебтўймаслик, юҳолик; серовқатлик

– فَجَاعَةٌ = فَجَعٌ

– فَجَاعَةٌ = فَجْعَةٌ

– فَجُوعٌ ғам (алам)га солувчи; оғир, машаққатли

– فَجِيعَةٌ *кўп.* فَجَائِعُ = فَاجِعَةٌ

– مُفَجِّعٌ ғам (алам)га солувчи; фожиали, фожиона

تَفَجْعَنَ (فجعن) юҳо (ебтўймас) бўлмоқ

– فَجْعَانٌ юҳо, ебтўймас

– فَجْعَنَةٌ = فَجْعَةٌ

فَجْفَجَ (*ўўқ н. билан*) мақтанмоқ; ёлғонни кўп гапирмоқ, кўп ёлғон гапириб қўлга тушмоқ

– فَجْفَجٌ, فَجْفَاجٌ 1. мақтанчоқ; 2. ёлғончи, ўзини мақтовчи

فُجْلٌ, فِجْلٌ *жам.* редиска; الْـــ~ الْبَرِّيُّ *ёки* الْـــ~ الْحَارُّ турп, хрен

– فُجْلَةٌ *кўп.* فُجُلَاتٌ *ёки* فِجْلَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ (*бир тўғрам*) редиска

I (فجو) **فَجَا** (*у*) فَجْوٌ очиб қўймоқ

فَجْوَةٌ *кўп.* فَجَوَاتٌ, فِجَاءٌ 1) икки оралиқдаги бўшлиқ; оралиқ; тешик; дарз; бўш қолган жой; هَوَائِيَّةٌ ~ ҳаво бўшлиғи; مَلَأَ الْـــ~ فِي ... ...даги бўшлиқни тўлдирмоқ (тўлғазмоқ); 2) ҳеч ким билмайдиган (*махфий*) жой

I **فَحَّ** (*а/u*) فَحٌّ, فَحِيحٌ 1) вишилламоқ (*илон ҳақида*); 2) ҳуштак чалиб нафас олмоқ (*ухлаётган одам ҳақида*)

– فَحٌّ, فَحِيحٌ вишиллаш

I **فَحَتَ** (*а*) فَحْتٌ кавламоқ; الْبِئْرَ بِأَبْزَرَ ~ *маж.* чаққон (устамон) бўлмоқ (*ўз мақсадига эришишда*)

أَفْحَجُ *мн.* فَحْجَاءُ *кўп.* فُحْجٌ оёғи қинғир, қинғир оёқ (*тўғри маънода*)

I **فَحَرَ** (*а*) فَحْرٌ 1) кавламоқ; 2) ўймакорлик билан нақш солмоқ

– فَحَّارٌ чувалчанг

– فُحَرَّةٌ *кўп.* فُحَرٌ чуқурча; кулдиргич

– مُفَحَّرٌ тешик-тешик бўлиб кетган, тешилиб кетган

I **فَحُشَ** (*и*) فُحْشٌ 1) ҳаддан ташқари (ортиқ даражада) бўлмоқ; 2) адабсиз (тарбиясиз, ахлоқсиз) бўлмоқ; 3) бадхулқ (бузуқ) бўлмоқ; IV أَفْحَشَ 1) (*н. дадир*) бемаъниликка (ўта нодонликка) бориб етмоқ (فِي); 2) ахлоқсиз гапларни гапирмоқ; V تَفَحَّشَ: فِي الْكَلَامِ ~ уятсиз гаплар гапирмоқ; VI تَفَاحَشَ 1) ҳаддан ошиб кетмоқ; 2) адабсиз (ахлоқсиз, уятсиз) гапларни гапирмоқ

– فَاحِشٌ 1) ортиқ даражада, ҳаддан ташқари; 2) бемаъни; 3) қўпол, ахлоқсиз, адабсиз

– فَاحِشَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ номуссиз аёл; фоҳиша

– فَاحِشَةٌ *кўп.* فَوَاحِشُ 1) адабсиз, ахлоқсиз қилиқ, иш; адабсизлик, ахлоқсизлик; 2) бузуқлик

– فَحَّاشٌ 1. адабсиз, ахлоқсиз; бузуқ; 2. бузуқ (*одам*), фоҳишабоз

– فَحَّاشَةٌ ахлоқсизлик, номуссизлик

– فُحْشٌ 1) ахлоқсизлик, адабсизлик; 2) бузуқлик

– فَحْشَاءُ 1) ортиқчалик; 2) бузуқлик; фоҳишабозлик

– مُتَفَاحِشٌ ортиқ даражада, ҳаддан ташқари, ўта катта

I **فَحَصَ** (*а*) فَحْصٌ текширмоқ, ўрганмоқ; 2) текшириб чиқмоқ, кўриб чиқмоқ, хулоса бермоқ (*врач ҳақида*); 3) текширмоқ; ~ الْحِسَابَاتِ ҳисобларни (счётларни) текширмоқ; V تَفَحَّصَ 1) ўрганмоқ, кўриб чиқмоқ; 2) текширмоқ; ўрганиб чиқмоқ; 3) диққат билан назар солмоқ; VIII اِفْتَحَصَ = I

– أُفْحُوصَةٌ *кўп.* أَفَاحِيصُ каклик тухум туғадиган жой

– فَاحِصٌ 1) текширувчи, ўрганувчи; ~ـــةٌ نَظْرَةٌ синовчан боқиш (қараш); 2) кўраётган (*врач ҳақида*)

– فَحْصٌ 1) текшириш, ўрганиш; 2) (*врач*) кўриги, хулосаси; ~ الْـــ الطِّبِّيُّ وَضَعَهُ لِلْـــ~ الدَّقِيقِ тиббий хулоса, медицина хулосаси; бирор нарсани тафсилий равишда текширмоқ; 3) текшириш, текширув, таҳлил, анализ; ~ الْبَوْلِ сийдик анализи; ~ الدَّمِ қон анализи

– أُفْحُوصَةٌ = مَفْحَصٌ *кўп.* مَفَاحِصُ

فَحْفَحَ 1) (*уйқуда*) хуррак отмоқ; 2) *фон.* а) ҳамзани билинар-билинмас талаффуз этмоқ; б) ح товушини ع сифатида талаффуз қилмоқ

– فَحْفَحَةٌ 1) (*уйқудаги*) хуррак; 2) *фон.* а) ҳамзани билинар-билинмас талаффуз қилиш; б) ح товушини ع сифатида талаффуз қилиш

(فحل) II فَحَّلَ ёғлиқ (семиз) бўлмоқ; катта (улкан, баҳайбат) бўлмоқ; X اسْتَفْحَلَ (*ўз аҳамиятига, ўлчовига кўра*) катта (улкан, аҳамиятли) бўлмоқ; 2) жиддий (қийин, хавфли) бўлмоқ; мураккаблашмоқ

– فَحْلٌ *кўп.* فُحُولٌ 1. 1) кучли, қудратли; 2) буюк, улуғ, юксак даражадаги (*одам ҳақида*); ~ـــ الْأَدِيبُ буюк адиб (адабиётчи, ёзувчи); فُحُولُ الشُّعَرَاءِ улуғ шоирлар; فُحُولُ الْأَطِبَّاءِ машҳур табиблар (врачлар); فُحُولُ الْعُلَمَاءِ улуғ олимлар; 2. эркак, нар (*йирик ҳайвонларда*); ~ الْخَيْلِ айғир; ~ النَّحْلِ *бот.* эркак хурмо; ~ الْبَصَلِ катта пиёз боши

– فَحْلَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ бақир-бақир қиладиган, бақироқ аёл

– فَحُولَةٌ 1) ортиқлик; юксаклик, 2) жасорат, куч

– مُسْتَفْحِلٌ мураккаблашган, жиддийлашган

I (فحم) **فَحَمَ** (*а*) فَحْمٌ сукут сақламоқ, жим турмоқ, жавоб қилишга мадорсиз бўлмоқ; فَحُمَ (*у*) فُحُومَةٌ қораймоқ, қора бўлиб қолмоқ; II فَحَّمَ 1) кўмирга айлантирмоқ, кўмир қилмоқ; 2) қораламоқ, қора

қилмоқ; IV أَفْحَمَ (*исботлар билан*) гапиртирмай, қўймоқ, оғзини ёпмоқ; V تَفَحَّمَ кўмирга айланмоқ, кўмир қилмоқ; VII اِنْفَحَمَ: ~ بِالْغَضَبِ қаттиқ ғазабланмоқ

– تَفْحِيمٌ 1) кўмирга айланиш, кўмир бўлиш; 2) кўмирлашиш, карбонизация

– فَاحِمٌ *шунингдек*: ~ أَسْوَدُ қора, кўмирдай қора

– فَحَّامٌ 1) кўмирчи, кўмирфуруш; 2) шахтёр

– فَحَّامَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ кўмир ташийдиган (*кема*)

– فَحَامَةٌ кўмирчилик (шахтёрлик) касби

– فَحْمٌ 1) кўмир; حَجَرِيٌّ ~ тошкўмир; الْخَشَبِ ~ *ёки* نَبَاتِيٌّ ~ писта кўмир; ~ رَجِيعٌ *ёки* رُجُوعٌ ~ кул; шлак; كُوكٌ ~ кокс; مَنَاجِمُ ~ الْـــ кўмир конлари, шахталар; ~ الْـــ غَازُ مَنَاجِمِ кўмир конлари гази; 2) *кимё.* углерод; ~ الْـــ أُكْسِيدُ углерод оксиди; ~ الْـــ حَامِضُ кўмир кислотаси; ~ الْـــ الْهِيدْرُجِينِيُّ углеводород

– فَحْمَائِيٌّ *кўп.* اتٌ ـــ углевод

– فَحْمَةٌ *кўп.* فَحَمَاتٌ кўмир парчаси; ◊ اللَّيْلِ ~ кўмирдай қора тун

– فُحْمَةٌ қоралик

– فَحْمِيٌّ 1) кўмирга оид; 2) кўмирдай қора; ◊ الْحُمَّى الْـــةُ куйдирги

– فُحُومَاتٌ *кўп.* турли жинсдаги кўмир

– فَحِيمٌ қора

– مُفْحَمٌ жим қолишга мажбур қиладиган, ишонтирадиган; ~ رَدٌّ ишончли жавоб

– مَفْحَمَةٌ *кўп.* مَفَاحِمُ кўмир кони

فَحًا *кўп.* أَفْحَاءٌ (*овқатга солинадиган*) кўкатлар; ~ الْأَرْضِ пиёз

فَحْوَاءُ маъно, мазмун

– فَحْوَى *кўп.* فَحَاوَى 1) = فَحْوَاءُ; 2) оҳанг; عَرَفْتُ ذَالِكَ فِي ~ كَلَامِهِ мен буни гапининг оҳангидан билдим

فَخٌّ *кўп.* أَفْخَاخٌ, فِخَاخٌ, فُخُوخٌ тузоқ, қопқон; ~ بِـــ صَادَ тузоқда тутмоқ; ~ الْـــ فِي (وَقَعَ) سَقَطَ тузоққа (қопқонга) тушмоқ

I **فَخَتَ** (*а*) فَخْتٌ 1) қағилламоқ; 2) тешик қилмоқ, тешик ўтказмоқ

– فَخْتَةٌ *кўп.* فَوَاخِتُ ғуррак, қумри (*қуш*)

I **فَخَذَ** (*а*) فَخْذٌ сонни лат едириб олмоқ, сонни синдирмоқ; فُخِذَ сони лат емоқ, сони синмоқ; II فَخَّذَ уруғ-аймоқларини чақирмоқ; V تَفَخَّذَ оёқларни чалиштириб ўтирмоқ, бир сон устига иккинчи сонни қўйиб ўтирмоқ

– فَخْذٌ, فَخِذٌ, فِخْذٌ *мн. кўп.* أَفْخَاذٌ сон, ёнбош, тос; ~ الْـــ عَظْمُ тос суяги

– فَخِذٌ уруғ-аймоқлик муносабатидаги энг сўнгги бўғин (*аввал* شَعْبٌ, *сўнг* قَبِيلَةٌ, *кейин* فَصِيلَةٌ, *ундан сўнг* عِمَارَةٌ, *ундан кейин* بَطْنٌ *ва ниҳоят* ~)

– فَخْذَةٌ *кўп.* فَخَذَاتٌ *шунингдек*: ~ لَحْمٍ сон гўшти; орқа оёқ; ~ لَحْمِ الْبَقَرِ молнинг сон гўшти

– فَخْذِيٌّ сон (тос) га оид

I **فَخَرَ** (*а*) فَخْرٌ фахрланмоқ; (*бирор н. билан*) мақтанмоқ (ب); III فَاخَرَ фахрланмоқ, бир-бирининг олдида ўзини баландлатмоқ, шон-шуҳратда бир-бири билан рақобатлашмоқ; V تَفَخَّرَ фахрланмоқ, кеккаймоқ, мағрурланмоқ; VI تَفَاخَرَ (*бирор н. билан*) кеккаймоқ (ب); VIII اِفْتَخَرَ ифтихор қилмоқ, кеккаймоқ, мақтанмоқ, мағрурланмоқ; X اِسْتَفْخَرَ шон-шуҳратли (ғоят улуғ) деб ҳисобламоқ

– اِفْتِخَارٌ ифтихор

– تَفَاخُرٌ ўз-ўзини мақташ, мақтанчоқлик

– فَاخِرٌ 1) кеккайган, мағрур; мақтанчоқ; 2) ғоят улуғ, ажойиб; ~ وَلِيمَةٌ ажойиб (мўл-кўл зиёфат)

– فَاخُورَةٌ *кўп.* فَوَاخِيرُ кулолчилик устахонаси; لَوْلَا الْكَاسُورَةُ مَا ~ الْـــ كَانَتِ *мтл.* агар идиш синдирилмаса, кулолчилик устахонаси бўлмасди

– فَاخُورِيٌّ кулол

– فَخَارٌ фахр, ифтихор, шон-шуҳрат, ғурур

– فَخَّارٌ кулолчилик маҳсулотлари, сопол идишлар, керамика; форфор; ~ الْـــ صِنَاعَةُ идиш-товоқ ишлаб чиқариш; عُمَّالُ الْقُلَلِ وَ ~ الْـــ кулоллар

– فَخَارَةٌ кулоллик касби

– فَخَّارِيٌّ *1)* сополга (керамикага) оид; форфордан қилинган, форфорга оид; أَوَانٍ ~ـــةٌ сопол идиш; 2. кулол

– فَخْرٌ 1) ўз-ўзини мақташ; ~ وَ لَا мақтанмасдан, мақтанмай; 2) ифтихор, фахр, шараф; 3) устунлик, ажойиблик

– فَاخُورِيٌّ *кўп.* فَخَرَانِيَّةٌ = فَخَرَانِيٌّ

– فُخْرَةٌ шон-шавкат, улуғворлик, дабдаба

– فَخْرِيٌّ фахрий; ~ رَئِيسٌ фахрий раис

– فَخُورٌ (*н. биландир*) мақтанадиган, фахрланадиган; кеккаядиган, кеккайган; мақтанчоқ

– فَخِيرٌ кеккайган; мақтанадиган

– فُخَيِّرٌ ўта мағрур, ўта такаббур

– مُفَاخَرَةٌ кеккайиб мақтаниш; шон-шуҳратдаги рақобат

– فَاخِرٌ = مُفْتَخِرٌ

– مُفْتَخِرٌ фахрланадиган, кеккаядиган, мағрурланадиган

– مَفْخَرَةٌ, مَفْخُرَةٌ *кўп.* مَفَاخِرُ 1) фахрлантирадиган нарса; أَصْبَحَ

~ фахрлантирадиган нарса бўлмоқ; ... لـ ~ عُدَّ (*к. ёки н. учундир*) фахрлантирадиган нарса бўлмоқ; 2) мақтайдиган хусусият (қадр-қиймат) бўлиш; 3) мақтаса бўладиган ютуқ (муваффақият)

فَخْفَخَ мақтанмоқ, кўз-кўз қилмоқ; تَفَخْفَخَ 1) шишмоқ, дўмбира бўлмоқ; 2) ҳажман катталашмоқ; عَلَى ظُهُورِهِمْ ~ у уларнинг ҳисобига бойиди

– فَخْفَخَةٌ мақтанчоқлик, катта оғизлик; юзаки ҳашам, тантанабозлик; юзаки ҳашамдорлик

I **فَخُمَ** (*у*) فَخَامَةٌ 1) улуғ (буюк, шуҳратли) бўлмоқ; 2) ҳашамдор (дабдабали) бўлмоқ; II فَخَّمَ 1) улуғ (буюк) қилмоқ; 2) кўркам (ҳашаматли) қилмоқ; 3) ҳурмат (эҳтиром) кўрсатмоқ; 4) машҳур қилмоқ, улуғламоқ; 5) *фон.* тўлиқ (алоҳида оҳанг билан, эмфатик равишда) талаффуз қилмоқ; V تَفَخَّمَ 1) кўркам (ҳашаматли) бўлмоқ; 2) шуҳрат тутмоқ, машҳур бўлмоқ.

– فَخَامَةٌ 1) улуғворлик; ~ صَاحِبُ الْـ жаноб олийлари (*унвон*); ~ رَئِيسِ الْجُمْهُورِيَّةِ ... республиканинг президенти жаноб олийлари; ~ صَاحِبُ الْـ الْمَنْدُوبُ السَّامِي *тар.* бош комиссар жаноб олийлари; 2) ҳашам, кўркамлик

– فَخْمٌ кўркам, ҳашамдор, безатилган

– فَخِيمٌ = فَخْمٌ

– مُفَخَّمٌ 1) шуҳрат тутган, ҳаммага маълум; 2) юксак ҳурматли; 3) *фон.* эмфатик; الْحُرُوفُ الْـ ~ ةُ эмфатик ундошлар; ◊ جُمَلٌ ~ ةٌ баландпарвоз гаплар

I **فَدَّ** (*а/и*) فَدِيدٌ овозни кўтармоқ, бақирмоқ

– فَدَّادٌ овози баланд, бақироқ

– فَدِيدٌ овоз

I **فَدَحَ** (*а*) فَدْحٌ қийинчиликка қўймоқ, оғирлик солмоқ, эзмоқ; IV أَفْدَحَ қийин ҳисобламоқ, оғир (вазмин) деб билмоқ

– فَادِحٌ оғир, машаққатли, қийин; ~ ةٌ خَسَائِرُ оғир йўқотишлар, талафотлар

– فَادِحَةٌ *кўп.* فَوَادِحُ бахтсизлик, бало, офат

– فَدَاحَةٌ катта (ҳисобсиз) оғирлик; катталик, беҳисоблик

I **فَدَخَ** (*а*) فَدْخٌ синдирмоқ, ёрмоқ, чақмоқ

فَادِرٌ *кўп.* فَوَادِرُ *ёки* فَدَرٌ *кўп.* فُدُورٌ тоғ кийиги, қора эчки

فُدْسٌ *кўп.* فُدُسَةٌ ўргимчак ипи

– فَدَشَ (*у*) فَدْشٌ синдирмоқ, синдириб ташламоқ; бузмоқ, бузиб ташламоқ

فَدَغٌ *мед.* артрит

I **فَدَغَ** (*а*) فَدَغٌ чақмоқ (*мас., ёнғоқни*); V تَفَدَّغَ чақилмоқ (*ёнғоқ ҳақида*)

فَدْفَدٌ *кўп.* فَدَافِدُ чўл, биёбон

I (فدم) **فَدَمَ** (*и*) فَدْمٌ (*оғизни*) беркитмоқ, (*тешикни*) беркитмоқ, ёпмоқ; فَدُومَةٌ, فَدَامَةٌ (*у*) 1) қўпол бўлмоқ; 2) жонга тегадиган (зериктирадиган) бўлмоқ; 3) оғир (тушунарсиз) бўлмоқ (*услуб, стил ҳақида*); 4) дудуқланмоқ

– فَادِمٌ *кўп.* فَوَادِمُ шо қул; лот (*денгиз чуқурлигини ўлчайдиган асбоб*)

– فَدَّامٌ чойнакнинг жўмрагига чойнинг шамаси тушмаслиги учун қўйиладиган сеткали тўсиқча

– فِدَامٌ *кўп.* فُدُمٌ 1) ёпинчиқ; латтадан қилинган тиқин; 2) (*бирор н. ни*) сузиш учун ишлатиладиган мато

– فَدْمٌ, فَدِمٌ, *кўп.* أَفْدَمُ, فِدَامٌ 1) оғир тилда гапирадиган; нодонсифат; фаросатсиз; 3) жонга тегадиган, зериктириб юборадиган

(فدن) II فَدَّنَ боқмоқ, озиқлантирмоқ (*ҳайвонни*)

– فَادِنٌ *кўп* فَوَادِنُ = فَادِمٌ

– فَدَانٌ *ёки* فَدَّانٌ (*омочга қўшилган*) қўш ҳўкиз

– فَدَّانٌ[1] 1) *кўп.* فَدَادِينُ, أَفْدِنَةٌ фаддон (*24 карат ёки 4200.883 м 2 га тенг ер майдони ўлчови Мисрда - 0.42 га, Сурияда - 5713 м² - га тенг*)

– فَدَّانٌ[2] 2) *кўп.* فَدَادِينُ 1) қўшга қўшиладиган омоч; 2) қўшга қўшиладиган ҳўкиз

I **فَدَى** (*и*) فِدَاءٌ, فِدًى 1) товон тўлаб сотиб олмоқ, товон тўлаб озод қ илмоқ; (*н. биландир*) сотиб олмоқ (ب); 2) (*н. нидир*) қурбон қилмоқ (ب); فَدَاهُ بِحَيَاتِهِ кимгадир ҳаётини фидо қилмоқ, жонини қурбон қилмоқ; II جُعِلْتُ فِدَاكَ! فَدَّى "сенинг фидойинг бўлай!" деган сўзларни айтмоқ; III فَادَى сотиб олмоқ, (*бирор н. ни*) товон сифатида бермоқ (ب); بِنَفْسِهِ ~ ўзини фидо (қурбон) қилмоқ; VI تَفَادَى (*н. дандир*) эҳтиёт бўлмоқ, ўзини олиб қочмоқ (مِنْ); VIII افْتَدَى 1) (*бирор н. ни қурбон қилиб*) сотиб олмоқ, қутултирмоқ (ب); 2) товон тўламоқ; 3) (*бирор н. ёрдамида*) қутулиб қолмоқ, (*бирор н. билан*) товон тўламоқ (ب); (بِنَفْسِهِ) اِفْتَدَاهَا بِرُوحِهِ у ўз ҳаётини у (*аёл*) га фидо қилди

– تَفَادٍ қутулиш; ... تَفَادِيًا مِنْ (*бирор н. га*) тўқнаш келмаслик учун (дуч келмаслик ниятида)

– فَادٍ *кўп.* فُدَاةٌ қутқарувчи; *дин.* гуноҳдан қутқарадиган (*ҳимоя қиладиган*)

– فِدَاءٌ 1) қутулиш; 2) товон; халос бўлиш; ~ كَبْشُ الْـ ҳамма гуноҳлар учун жавобгар одам; 3) қурбонлик; ~ أَدَّى فَرِيضَةَ الْـ (*ҳаж вақтида*) қурбонлик қилмоқ

– فِدَائِيٌّ 1. 1) (*ўз мақсади йўлида*) ҳаётини фидо қиладиган киши; 2) партизанлар (фидоийлар) га оид; ~ ةٌ عَمَلِيَّاتٌ партизанлар ҳаракати (операцияси); 2. партизан

– فِدَائِيَّةٌ фидоийлик; ўзини фидо (қурбон) қилиш

– فِدًى 1) фидя, товон; ~ كَبْشُ الْـ бошқаларнинг гуноҳи учун ҳам жазоланадиган одам; 2) қурбонлик

– فِدَاءٌ = فِدْيَةٌ *кўп.* فِدًى فِدْيَاتٌ

مُفَادَاةٌ 1) товон; 2) ўз-ўзини фидо (қурбон) қилиш; أَبْطَالُ

الْـ~ وَ التَّفَانِي садоқатли ва фидойи одамлар

– مَفْدِيٌّ 1. 1) товон тўланадиган; 2) қадрли, севимли; 2. унинг учун фидойилик қиладиган одам

فَذٌّ *кўп.* فُذُوذٌ, أَفْذَاذٌ 1) ёлғиз, якка; 2) ягона, ўта камёб; رِجَالٌ أَفْذَاذٌ буюк одамлар

– فَذٌّ қадимий араблардаги қимор ўйинининг биринчи ўқи (*жами ўқлар ўнта бўлади:* مُعَلًّى, مُسْبِلٌ, نَافِسٌ, حِلْسٌ, رَقِيبٌ, تَوْأَمٌ, فَذٌّ, وَغْدٌ, مَنِيحٌ, سَفِيحٌ *охирги учтасида ютуқ бўлмайди*)

فَذْلَكَ якун чиқармоқ, якунламоқ

– فَذْلَكَةٌ *кўп.* فَذَالِكُ 1) қисқача баён; 2) фактура; 3) якунлаш

I فَرَّ (*а/и*) فَرٌّ, فِرَارٌ югурмоқ, қочмоқ; فَرَّ مِنَ الْجُنْدِيَّةِ армия хизматидан қочмоқ, дезертирлик қилмоқ; ~ هَارِبًا қочиб кетмоқ ~تْ مِنْهَا آهَةٌ у (*аёл*) нинг оғзидан оҳ чиқиб кетди فَرَّتْ مِنْ أَسْنَانِهِ тишини кўрсатмоқ (*жилмайганда*); II فَرَّرَ қочишга мажбур қилмоқ; IV أَفْرَّ қочирмоқ; VIII افْتَرَّ 1) жилмаймоқ; 2) ялт этмоқ (*чақмоқ, яшин ҳақида*)

– فَارٌّ *кўп.* فَارُّونَ, فَارَّةٌ қочаётган, қочиб кетаётган; ~ مِنَ الْجُنْدِيَّةِ дезертир, қочоқ

– فَرٌّ[1] қочиш, қочиб кетиш

– فَرٌّ[2] = فَارٌّ

– فِرَارٌ қочиш, қочиб кетиш; ~ُ الْـ مِنَ الْجُنْدِيَّةِ дезертирлик; لاَذَ بِالْـ~ тум-тарақай бўлиб қочмоқ

– فَرَّارٌ 1) қочиб юрган; 2. 1) қочоқ; 2) симоб

– فِرَّةٌ, فِرًى бедана

– فُرَيْرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ пилдироқ, бизбизак

– مَفَرٌّ қутулиш, қутулиб қочиш; ~ مِنْهُ هَذَا لاَ бу муқаррардир

– مَفَرٌّ қочиб бориладиган жой

– مِفَرٌّ: ~ فَرَسٌ миниб чопса бўладиган от

فَرَأٌ *кўп.* أَفْرَاءٌ ёввойи эшак, гур

– فَرَاءٌ = فَرَأٌ

فُرَاتٌ чучук (*сув ҳақида*); ◊ ~ُ الْـ Фирот (*дарё*); ~ِ الْـ *ист.* Дажла ва Фирот дарёлари

فَرَانْكُوفِيلٌ 1) франкофилликка оид; 2) франкофил (*французларга оид ҳамма нарсага сажда қилувчи*)

فَرَاوْلَةٌ қулупнай

فَرْبَلَةٌ бурмалар (*мас., кўйлакдаги*)

فَرْبِيُونٌ *бот.* сутлама, ихрож (*заҳарли ўт, алаф*)

فَرْتَكَ йиртмоқ, парча-бурон қилиб йиртмоқ

– فَرْتَكَةٌ парча-бурон қилиб йиртиш

فُرْتُونَةٌ 1) пўртана, бўрон, шторм (*сол.* فُرْطُونَةٌ); 2) фортуна (*тақдир; бахт, омад, толеъ*)

(فرث) IV أَفْرَثَ ичак-қоринни ёриб, ичидагини ирғитиб ташламоқ

– فُرُوثٌ кўп فُرْثٌ огшқозон ва ичакдаги нарсалар

فَرَجَ (*и*) فَرْجٌ 1) очмоқ; ~ بَيْنَ ضَلْفَتَيْنِ эшик тавақаларини қия очмоқ; 2) (*н.дандир*) озод қилмоқ, қутултирмоқ (عَنْ); 3) таскин бермоқ; ~ الْهَمَّ ташвишларни тарқатмоқ; II فَرَّجَ 1) енгиллатмоқ; (*н. дандир*) қутултирмоқ; ~ُ الْأَزْمَةَ кризисни тугатмоқ; 2) (*к. нингдир*) кўнглини очмоқ; 3) кўрсатмоқ; ~ُ عَلَى الْبِلاَدِ кимнидир шаҳар бўйлаб айлантирмоқ, кимгадир шаҳарни кўрсатмоқ; IV أَفْرَجَ 1) (*қаердандир ёки н. дандир*) озод қилмоқ (مِنْ); (*к. нидир*) озодликка чиқармоқ (عَنْ); 2) (*н. нидир*) ташлаб кетмоқ (عَنْ); V تَفَرَّجَ 1) (*н. нидир*) кўриб чиқмоқ, тамошо қилмоқ; (*н. биландир*) завқланмоқ (عَلَى); 2) дилхушлик қилмоқ; сайр қилмоқ; 3) очилмоқ; (*к. гадир йўл бериш учун*) тисарилмоқ, чекинмоқ; VII انْفَرَجَ 1) ёрилмоқ, чақилмоқ; 2) очилмоқ; (*бурчак томонларига ўхшаб*) ёйилмоқ; ~ الْبَابُ عَنْهُ у эшикда пайдо бўлди, кўринди; 3) кенгаймоқ, бўлинмоқ; 4) тарангликни йўқотмоқ, тамом бўлмоқ, тугатилмоқ; ~َتِ الْأَزْمَةُ кризис ўтиб кетди (тугади)

– انْفِرَاجٌ 1) очилиш; ажралиш; 2) бўшашиш; қутилиш; ~ُ الْأَزْمَةِ кризиснинг тугаши; ~ُ الدُّوَلِيُّ الْـ халқаро кескинликнинг юмшаши (бўшашиши)

– إِفْرَاجٌ озод бўлиш; озодлик; (*к. нидир*) озодликка чиқариш (عَنْ)

– تَفَرُّجٌ тамошо қилиш, мушоҳада

– تَفْرِجَةٌ *кўп.* تَفَارِيجُ, تَفَارِيجُ оралиқ, интервал

– فَرَارْجِيٌّ *кўп.* فَرَارْجِيَّةٌ паррандабоқар, уй паррандалари савдогари

– فَرَجٌ 1) енгиллашиш; 2) таскин; 3) шодлик, роҳат; الصَّبْرُ مِفْتَاحُ الْـ~ *мтл.* сабр-шодлик калити

– فُرُوجٌ *кўп.* 1) оралиқ; 2) тешик, ёриқ; 3) аёлларнинг жинсий аъзоси

– فُرُجٌ, فُرُجٌ сир сақлай олмайдиган

– فَرْحَةٌ ғамдан холи (хориж) бўлиш

– فُرْجَةٌ *кўп.* فُرَجٌ 1) тешик; ~ الْمِفْتَاحِ калит (очқич) тешиги; 2) оралиқ; (*бирор н. ўтказиладиган*) ёриқ (тешик)

– فُرْجَةٌ коп. فُرَجٌ 1) сайру тамошо; сайру саёҳат; 2) ёқимли манзара (тамошо); 3) дилхушлик, кўнгилочарлик, ҳузур-ҳаловат

– فَرَجِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ кенг енгли ва кенг қилиб тикилган устки кўйлак (*шайхлар кийими*); 2) жубба (*қибт руҳонийлари кийими*)

– فُرُوجٌ, فُرُوجٌ *кўп.* فَرَارِيجُ жўжа

– فُرُوجٌ *кўп.* فَرَارِيجُ = فَرُوجَةٌ

– مُتَفَرِّجٌ 1. 1) кўраётган, назорат қилаётган; қараб завқланаётган; 2) мушоҳадага оид, мушоҳадавий; 2. 1)

тамошабин; ~ الْـ وَقَفَ مَوْقِفَ مِنْ ... ...га нисбатан четдаги тамошабин йўлини тутмоқ; 2) (*судда ишни*) кўрувчи; 3) кузатувчи, мушоҳада қилувчи

– مُفْرِجٌ жўжалари кўп; ~ دُجَاجَةٌ жўжалари кўп товуқ

– مُنْفَرِجٌ очилувчи; (*бурчак томонларига ўхшаб*) икки томонга кетувчи; ~ـــةٌ زَاوِيَةٌ *мат.* ўтмас бурчак

فِرْجَارٌ паргор, циркул; ~ـــ فَتْحَةُ الْـ паргорнинг очилиш миқёси (даражаси)

فِرْجَوْنٌ 1) қирағуч; 2) чўтка

I **فَرِحَ** (*а*) فَرَحٌ хурсанд бўлмоқ, шодланмоқ; (*н. дандир*) шод бўлмоқ (ب); ~ فِي عَيْشِهِ билинтирмай бировнинг бахтсизлигидан кулмоқ, ичиқоралик қилмоқ; II فَرَّحَ хурсанд қилмоқ, шодлантирмоқ, севинтирмоқ; IV أَفْرَحَ 1) севинтирмоқ, шодлантирмоқ; 2) ғамга қўймоқ, ташвишга солмоқ; ~ تُنِي الدُّنْيَا ثُمَّ تُنِي бу дунё мени аввал шод қилди, кейин ташвишга солди

– فَارِحٌ хурсанд, шод; хушчақчақ

– فَرِحٌ 1) فَارِحٌ; 2) димоғдор, кеккайган, каттаоғиз

– فَرَحٌ *кўп.* أَفْرَاحٌ 1) фараҳ, хурсандлик, шодлик; хушчақчақлик; ~ رَقَصَ хурсандликдан ўйнамоқ, ирғишламоқ; 2) тўй

– فَرْحَانُ *мн.* = فَرْحَى

– فَرْحَةٌ 1) шодлик, хурсандлик; 2) тўй

– مِفْرَاحٌ шод, хурсанд

– مُفْرِحٌ 1) шодмон, хурсанд қиладиган; 2) шод қилувчи; хуш чақчақ

– مَفْرُوحٌ بِهِ = الْـ~

(فرخ) II فَرَّخَ 1) тухум босиб ётмоқ, жўжа чиқармоқ; ~ الطَّائِرُ жўжаси бор бўлмоқ, жўжали бўлмоқ; 2) новда чиқармоқ (*дарахт ҳақида*); IV أَفْرَخَ тухум босиб ётмоқ, жўжа чиқармоқ; ~ الْبَيْضُ тухумдан чиқмоқ (*жўжалар ҳақида*); ~ الطَّائِرُ жўжаси бор бўлмоқ, жўжали бўлмоқ; ~ النَّبَاتُ новда чиқармоқ; ◊ ~ فِي رُوعَهُ кимнидир тинчлантирмоқ, кимгадир таскин бермоқ; أُفْرِخَ رُوعُهُ *мажх.* у ўзига келди (*қўрқувдан*); X اسْتَفْرَخَ боқмоқ, кўпайтирмоқ (*мас., паррандаларни-ларни*)

– تَفْرِيخٌ 1) (*жўжа*) очиш; 2) инкубация; ~ آلَةُ لِـــ (جِهَازٌ) инкубатор; ~ مَحَطَّةُ لِـــ الدَّوَاجِنِ парранда фермаси

– فِرَاخٌ *кўп.* уй паррандаси; ~ السُّودَانِ цесаркалар; ~ الْغَيْطِ ғозқанжирлар (*қуш*)

– فَرْخٌ *кўп.* أَفْرَاخٌ, أَفْرُخٌ, فُرُوخٌ, فِرَاخٌ жўжа; 2) *шунингдек:* ~ قِشْرٍ олабуға (*балиқ*); ~ نَهْرِيٌّ дарё олабуғаси; ~ نِيلِيٌّ Нил олабуғаси; ◊ ~ النَّبَاتِ ўсимлик новдаси; ~ وَرَقٍ қоғоз варағи; ~ جَمْرٍ *мед.* ҳўппоз, карбункул

– فَرْحَةٌ *кўп.* فَرَاخٌ, فَرَحَانٌ товуқ; ~ رُومِيَّةٌ ёки هِنْدِيَّةٌ ғулғули, буқалама товуқ, ғулғултовуқ

– مَفْرَخٌ *кўп.* مَفَارِخُ товуқхона, товуқ катаги

I (فرد) فَرَدَ[1] (*у*) فُرُودٌ 1) якка (ёлғиз) бўлмоқ, ягона бўлмоқ; 2) ҳач кими йўқ (ёлғиз) бўлмоқ; 3) (*бирор к. ёки н. дан*) ажралмоқ (عَنْ); 4) ажратмоқ; فَرَدَ[2] (*и*) فَرْدٌ 1) ёзмоқ, очмоқ (*мас., газетани*); бўшатмоқ; ёзиб юбормоқ; ~ تِ السَّفِينَةُ أَشْرِعَتَهَا кема елканларини ёзиб юборди; 2) (*мушти*) ёзмоқ, очмоқ; II فَرَّدَ ажратмоқ, ажратиб қўймоқ; IV أَفْرَدَ 1) айирмоқ, айириб (ажратиб) кўрсатмоқ; 2) изоляция қилмоқ; 3) (*н. гадир*) бағишламоқ (لِـــ); 4) *грам.* бирлик сонга қўймоқ; V تَفَرَّدَ 1) ёлғиз (ҳеч кими йўқ) бўлиб қолмоқ; 2) (*бирор н. ни*) мустақил равишда қилмоқ (ب); нимададир ягона (ёлғиз) бўлмоқ (ب); ~ بِذِكْرِهِ у ҳақда унинг ёлғиз ўзигина эслаб ўтди; VII انْفَرَدَ ёлғиз (*ягона*) бўлмоқ; 2) ёлғиз қолмоқ; ажратилган бўлмоқ, 3) ёлғизланиб (узлатга чекиниб) турмоқ; ёлғизликни ихтиёр этмоқ; 4) (*н. нидир*) ўзича (*мустақил*) қилмоқ (ب); (*н. дадир*) шахсан якка ўзи бўлмоқ (ب); ~ بِالْعِنَايَةِ بِالشُّؤُونِ иш ҳақида унинг ёлғиз ўзи жон куйдирарди; 5) ёзилган (*қўйиб юборилган*) бўлмоқ (*елкан ҳақида*); 6) (*н. биландир*) ажралиб турмоқ (); X اسْتَفْرَدَ 1) (*к. нидир*) якка-ёлғиз ҳолда учратмоқ; (*к. биландир*) ёлғиз учрашишга эришмоқ; 2) *кимё* (*бирор н. ни*) ажратиб чиқармоқ

– انْفِرَادٌ 1) ажратилганлик, алоҳидалик; 2) ёлғизлик, узлат; 3) яккалик; ~ الْـ بِالسُّلْطَةِ яккаҳокимлик; ~ الْـ بِالْقِيَادَةِ яккабошлик; ~ عَلَى а) алоҳида-алоҳида; б) якка ҳолда, ёлғиз ҳолда (*равишда*)

– انْفِرَادِيٌّ 1) якка турадиган; ~ حَبْسٌ (سِجْنٌ) якка ҳолда қамаш, якка турадиган қилиб қамаш; якка қамоқ; ~ـــةٌ غُرْفَةٌ якка киши камераси, якка киши қамоқхонаси; 2) ёлғизликни ихтиёр қилган; ёлғизланган; 3) бир ёқлама-сепарат равишдаги

– انْفِرَادِيَّةٌ 1) яккалик, бирлилик; 2) ёлғизлик, узлат; 3) ажратиб қўйилганлик, изоляциядалик

– فَارِدٌ *кўп.* فَوَارِدُ ёлғиз, якка; алоҳида, айрим

– فُرَادَى *ёки* فُرَادًا битта-биттадан, бирин-кетин

– فَرْدٌ[2] *кўп.* أَفْرَادٌ 1. 1) битта, якка; 2) тоқ, биттаси (*жуфтнинг биттаси*); 3) ягона, битта-ю битта; 2. 1) одам, шахс; киши; алоҳида олинган шахс; ~ الْـ لِلْجَمِيعِ وَ الْجَمِيعُ لِلْـ бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун; ~ مِنْ كُلٍّ وِفْقًا لِقُدْرَتِهِ وَ إِلَى كُلٍّ وِفْقًا لِعَمَلِهِ ҳар бир кишидан қобилиятига яраша, ҳар бир кишига меҳнатига яраша; أَفْرَادُ النَّاسِ одамлар, омма; أَفْرَادُ الْجَيْشِ солдатлар, оддий аскарлар; أَفْرَادُ الْأَفْرَادِ шахсий таркиб (состав); كَاتِبُ أَفْرَادٍ وَ إِحْصَاءٌ شُؤُونِ الْأَفْرَادِ шахсий таркиб котиби (секретари); أَفْرَادًا وَ أَفْرَادًا якка-якка ва гуруҳ-гуруҳ ... бўлиб; ~ ا~ якка-якка, битта-биттадан; ~ جَوْهَرُ а) атом; б) монада; 2) *шунингдек:* ~ عَدَدٌ тоқ

сон; 3) *грам.* бирлик сон; ◊ ~ الْـ رَجَبُ ражаб (*қамарий тақвимнинг еттинчи ойи*); كَانَ ~ا فِي صِنَاعَتِه ўз ишининг устаси бўлмоқ

– فَرْدٌ[1] *кўп.* فُرُودٌ 1) тўппонча, пистолет; أُوتُمَاتِيكِيٌّ ~ *ёки* بِمُشْطِ ~ автомат-пистолет; بِسَاقِيَة ~ револьвер; 2) сават, корзинка; كَبِيرٌ ~ катта фард (*14 рубъ* (*қар.* رُبْعٌ) *ёки* 1.155 *галлонга тенг ҳажм ўлчови*); صَغِيرٌ ~ кичик фард (*7рубъ қар.* رُبْعٌ) *ёки* 57.75 *литрга тенг ҳажм ўлчови*)

– فَرْدَانٌ ўз жинсидаги ёлғиз (ягона) нарса, уникум

– فَرْدَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ботинка, пайпоқ, қўлқоп ва шу к. ларнинг биттаси (*жуфтнинг бир тоқи*); شَارِبٌ ~ мўйлов; ثَدْيٌ ~ аёл маммаси (*нинг биттаси*); 2) тўп; пачка; кичкина тугун

– فَرْدَةٌ *кўп.* فَرَدٌ солиқ; патент

– فَرْدِيٌّ 1. 1) якка, ёлғиз, танҳо; тоқ; ~ عَدَدٌ тоқ сон; 2) хусусий, индивидуал; ~ـــةٌ مُبَادَرَةٌ шахсий ташаббус; 3) жон бошига тўғри келадиган (*даромад ҳақида*); бир изли (*мас., т.-й ҳақида*) 2. худбин, индивидуалист

– فَرْدِيَّةٌ индивидуализм; индивидуаллик

– فَرِيدٌ 1) яккаю-ёлғиз, ўхшаши йўқ, тенги йўқ; камёб, ўта қимматбоҳо; فِي بَابِه ~ ўз жинси аро ягона; فِي نَوْعِه ~ ўзига хос; ~ الْعَصْرِ ўз асрининг буюк кишиси; 2) ипга ўтказилган марварид

– فَرِيدَةٌ *кўп.* فَرَائِدُ 1) гавҳар; 2) камёб (ўхшаши йўқ) нарса, уникум; فَرَائِدُ الدُّرِّ йирик-йирик марварид; ◊ وَرَق ~ дест, қоғоз дастаси (*ёзув қоғозининг ўлчов бирлиги; метрик дест* (*даста*) *-50 тахта; рус дести* (*дастаси*)-24 *тахта*)

– مُتَفَرِّدٌ 1) якка, ёлғиз; 2) фавқулодда, ҳеч кўрилмаган

– مُفْرَدٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1. алоҳида, махсус; ягона, ёлғиз; بـــ ~ـــه а) алоҳида, махсус; б) бир ўзи, мустақил ҳолда, индивидуал равишда; جَاءَ هُنَا بـــ ~ـــه бу ерга у ўзи ёлғиз келди; 2. *грам.* бирлик сон

– مُفْرَدَاتٌ *кўп.* 1) алоҳида сўзлар; لَفْظِيَّةٌ ~ *ёки* اللُّغَةِ ~ лексика; 2) жузъий томонлар; айрим жиҳатлар; الْمِيزَانِيَّةِ ~ бюджетнинг айрим томонлари

– مُفْرَدَانِيٌّ сўққабош, уйланмаган

– مُفْرَدَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ доривор ўтлар

– مَفْرُودٌ 1) ёйилган; очилган; бўшаштирилган; جَبْهَةٌ ~ـَةٌ силлиқ (ажинсиз) пешона; 2) таранг, қотиб турган; قَامَتُهُ ~ـَةٌ у қотиб турар эди

– مُنْفَرِدٌ 1. 1) якка, ёлғиз; 2) бир кишилик; سَجْنٌ ~ бир кишилик қамоқ; 3) алоҳида, ажратилган; ~ًا алоҳида, бўлинган ҳолда; 4) сепаратив, сепаратли; صُلْحٌ ~ сепаратив (*бир ёқлама*) сулҳ; 2. *муз.* яккахон, соло; كَمَانٌ ~ скрипкадаги соло, скрипканинг ўзида ижро этилган музика

فِرْدَوْسٌ *кўп.* فَرَادِيسُ фирдавс, жаннат, жаннат боғи; طَائِرُ الْـ~ *зоол.* жаннат қушлари (*чумчуқсимонлар туркумига мансуб, ялтироқ патли, жуда чиройли қушлар оиласи, Шарқий-Шимолий Осиёда ва Шарқий Австралияда яшайди*); الْفَرَادِيسُ Шом ўлкасидаги жой номи

– فِرْدَوْسِيٌّ жаннатга (фирдавсга) оид, жаннатий, фирдавсий

I فَوَزَ (*и*) فَوْزٌ ажратмоқ; 2) танламоқ, навларга ажратмоқ; ~ الْأَصْوَاتَ берилган овозларни *ёки* бюллетенларни санаб чиқмоқ; III فَارَزَ ажралишмоқ, бўлинишмоқ; IV أَفْرَزَ 1) ажратмоқ; 2) сиқиб чиқармоқ, сиқиб олмоқ (*мас., мева шарбатини*); VII انْفَرَزَ навларга ажралмоқ, (ажратилмоқ, танланмоқ); сиқиб чиқарилмоқ (*олинмоқ мас., мева шарбатини*);

– إِفْرَازٌ ажралиб чиқиш; *физиол.* секреция

– إِفْرَازَاتٌ *кўп.* ажралиб чиқиш (*мас., организмнинг*)

– إِفْرِيزٌ *кўп.* أَفَارِيزُ *алиф.б.қар.*

– فَرَّازٌ навларга ажратувчи (*мас., хат, товар ва ҳ.к. ларни*)

– فَرَّازَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ сепаратор (*сутдан ёғни ажратиб олиш учун ишлатиладиган қурилма*)

– فَرْزٌ танлаш, навларга ажратиш; ~ الْأَصْوَاتِ берилган овозларни *ёки* бюллетенларни санаб чиқиш; ~ الْـ الْعَسْكَرِيُّ ҳарбий хизматга янги кишиларни олиш

– فَرْزٌ *шахм.* фарзин (*Шимолий Африкада*)

– فَرِيزَةٌ *кўп.* فَرَايِزُ фреза (*металга ишлов берадиган айланма барабанли дастгоҳ*); عَامِلُ الْـ~ фрезачи

– مُفْرَزَاتٌ = إِفْرَازَاتٌ

– مُفْرَزَةٌ *кўп.* مَفَارِزُ *ҳарб.* даста, отряд

– مَفْرُوزٌ 1) ажратилган; 2) танланган, танлаб олинган

فَرْزَقٌ *кўп.* فَرَازِقُ бир бўлак хамир

– فَرْزَقِيٌّ тест (*бирор н. ни аниқлашнинг стандарти*) ранглари

(فرزن) فَرْزَنَ *ёки* تَفَرْزَنَ *шахм.* фарзинга чиқмоқ, фарзинга айланмоқ; مَتَى فَرْزَنْتَ يَا بَيْدَقُ؟! қачондан бери хўроз бўлиб қолдинг (*сўзма-сўз: қачон фарзин бўлдинг, эй пиёда*)?! (*турли йўллар билан тез мартабага эришган одам ҳақида*)

– فَرْزَانٌ *кўп.* فَرَازِينُ фарзин

I (فرس) فَرَسَ[1] (*и*) فَرْسٌ 1) ичак-чавоғини ағдариб ташламоқ, дабдала қилмоқ (*ваҳший ҳайвонлар ҳақида*); 2) бирор шикаст орттирмоқ, панд емоқ; فَرَسَ[2] (*и*) فِرَاسَةً қараб чиқмоқ, кўриб чиқмоқ; кузатиб турмоқ, кузатмоқ; فَرُسَ (*у*) فَرَاسَةً, فُرُوسَةً, فُرُوسِيَّةً йилқичилик ишига моҳир бўлмоқ; V تَفَرَّسَ 1) кузатиб юрмоқ, яхшигина қараб юрмоқ; диққат-эътибор билан қарамоқ, тикилмоқ; 2) кўриб (сезиб) қолмоқ; 3) кузатмоқ; VIII انْفَرَسَ дабдала қилмоқ, ичак-чавоғини ағдариб ташламоқ, ғажиб ташламоқ, емоқ (*ваҳший ҳайвон ҳақида*); الْفَتَاةَ ~ қизни зўрламоқ, зўрлаб номусига тегмоқ;

الْكُتُبَ ~ китобларни тез ўқиб ташламоқ; X اسْتَفْرَسَ ваҳшийлашмоқ, ғазабга минмоқ

– فَارِسٌ *кўп.* فُرْسَانٌ, فَوَارِسُ чавандоз, отлиқ; 2) рицар, қаҳрамон; ◊ رَجُلٌ ~ النَّظَرِ синчков одам, синчковлик билан қарайдиган одам

– فَارِسَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ чавандоз аёл; амазонка (*юнон афсоналарида-жанговар аёл*)

– فَارِسٌ *жам.* 1) форслар; 2) фирслар (*фирс динига иқтидо қилувчилар, пирсиёнлар*)

– فَارِسِيٌّ 1) форсларга оид; форсий; اللُّغَةُ الْـــ форс тили; 2) форс; 2) пирсиён

– فَارِسِيَّةٌ: الْـــ 1) форсий, форс тили; 2) форс тилидан кирган сўзлар; келиб чиқиши форсча бўлган сўзлар; 3) *дин.* пирсиёнлик

– فَرَاسَةٌ чавандозлик санъати, чавандозлик

– فِرَاسٌ: ~ أَبُو йўлбарс

– فِرَاسَةٌ тушуниб (фаҳмлаб) олишлик, зеҳнлилик, фаросатлилик; ўткир (нозик) ақл; ~ عِلْمُ физиогномика; ~ عِلْمُ الدِّمَاغِ френология; عِلْمُ ~ الْيَدِ хиромантия

– فَرَسٌ мз, *мн. кўп.* أَفْرَاسٌ 1) от; байтал; *шахм.* от, асп; ~ رِهَانٍ чопқир от; ~ الْـ الْمَسْحُورُ *фольк.* сеҳрли от; هُمَا كَفَرَسَيْ رِهَانٍ *маж.* уларнинг бир-биридан ортиқ-ками йўқ (*сўзма-сўз: улар ёнма-ён кетаётган иккита отдек теппа-тенг*); 2) *муз.* харак, эшак; ◊ ~ النَّهْرِ *ёки* ~ الْبَحْرِ гиппопотам, бегемот, сув оти; ~ النَّبِيِّ *зоол. бешиктерватар* ~ الْـ الْأَعْظَمِ *астр. Пегас юлдузлар туркуми* (*буржи*)

– فَارِسٌ = فَرْسٌ

– فُرْسَانٌ *кўп* отлиқ аскарлар, кавалерия

– فُرُوسَةٌ 1) чавандозлик; 2) рицарлик; қаҳрамонлик

– فُرُوسِيَّةٌ 1) чавандозлик: ~ أَلْعَابُ الْـ чавандозлик ўйини (*мас. циркда*); 2) рицарлик

– فَرِيسَةٌ *кўп.* فَرَائِسُ ўлжа, талафот

– فَرِّيسِيٌّ 1) фарисейларга оид; 2. фарисей (*қадимги Лудеяда: мутаассиблиги ва мунофиқлиги билан машҳур бўлган диний-сиёсий мазҳаб аъзоси*); الْفَرِّيسِيُّونَ وَ الصَّدُّوقِيُّونَ фарисей ва саддуқийлар

– مُفْتَرِسٌ қонхўр, ваҳший: ~ـــةٌ حَيَوَانَاتٌ ваҳший ҳайвонлар, ёввойи ҳайвонлар

– فَرْسَخٌ *кўп.* فَرَاسِخُ фарсах. фарсанг, миля (*узунлик ўлчови бўлиб, 3000* ذِرَاعٌ مِعْمَارِيٌّ *га ёки 2250 м.га, тарихда 5760 м.га тенг*)

فَرَاسَةٌ жасурлик, ботирлик, қаҳрамонлик

I فَرَشَ (*у*) فَرْشٌ 1) солмоқ, ётқизмоқ; (*бирор н. билан*) қопламоқ (ب); الطَّرِيقَ بِالْوُرُودِ ~ *маж.* кенг йўл очиб бермоқ (*сўзма-сўз:* йўлларига гуллар сочмоқ); 2) (*н. биландир*) қопламоқ, (*н. нидир*) ётқизмоқ (ب); ~ بِالْأَسْفَلْتِ асфальт ётқизмоқ, асфальтламоқ; 3) (*хонани*) мебелламоқ, мебеллаштирмоқ; 4) мақтанмоқ; II فَرَّشَ 1) (*кўчага бирор н.*) ётқизмоқ, қопламоқ; 2) чўтка билан тозаламоқ (*мас., кийимни*); IV أَفْرَشَ ёймоқ, яссиламоқ, ясси қилмоқ; VII انْفَرَشَ қопланган (ётқизилган) бўлмоқ; VIII افْتَرَشَ I) ётқизмоқ; 2) (*н. нидир устида*) ухламоқ; (*н. д андир*) кўрпа сифатида фойдаланмоқ; ~ الْعَبْرَاءَ الْخَضْرَاءَ ўт-ўлан устида ётмоқ ~ зах ер устида ётмоқ, 3) ёзилмоқ, ёйилмоқ, тўшалмоқ; 4) босқиламоқ; ~ ذِرَاعَيْهِ қулочни ёзиб юз тубан ётмоқ; ~ الْمَرْأَةَ аёл билан жинсий алоқа қилмоқ; ◊ ~ اللِّسَانَ тилга эрк бермоқ

– فَرَّاشٌ 1) хизматкор, малай, ходим; фаррош; 2) (*идорадаги*) қоравул

– فُرُشٌ *кўп.* فُرْشٌ 1) калавот, ётоқ, ётиш учун солинадиган кўрпа-тўшак; ~ الْمَرَضِ касалнинг кўрпа-тўшаги; ~ الْـ طَرِيحُ ётиб қолган бемор (*касал*); ~ الْمَوْتِ ўлим тўшаги; ~ الْـ قَرْحَةُ ётаверишдан уюшиб жонсиз бўлиб қолган жой, ётаверишдан эзилиб *ёки* қотиб қолган жой; 2) аёл, хотин киши

– فَرَاشٌ[1] чархпалак (*сув тегирмонидаги*)

– فَرَاشٌ[2] *жам.* парвоналар (*мас., шам атрофидаги*)

– فَرَاشَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) капалак; парвона; ~ الْكُرْنُبِ (الْمَرْفُوفِ) *зоол.* карам капалаги, оқ капалак; 2) енгилтак одам; 3) тегирмон чархпалаги; ~ الْقَفْلِ қулфнинг тили

– فُرُوشٌ *кўп.* فُرْشٌ 1) уй анжомлари; 2) уй жиҳозлари (*мас. кўрпача, гилам, бўйра к. лар*); анжомлар; ~ الْبِنَاءِ бино асоси (пойдевори, фундаменти); ~ الْبَيَاعِ кўтариб юриб сотадиган қилувчининг дўнгчаси; ~ التِّرْعَةِ канал туби (*оспи*); ~ الْحِذَاءِ патак; ~ الطَّاوِلَةِ дастурхон; ~ الْقَنْطَرَةِ кўприк устига терилган тахта *ёки* қоплама; ~ النَّوْمِ кўрпа-тўшак

– فُرْشَاةٌ, فُرْشَايَةٌ чўтка; ~ الْأَحْذِيَةِ этик чўткаси

– فَرْشَةٌ *кўп.* فَرَشَاتٌ 1) кўрпа-тўшак; 2) кўрпача; матрас; бўйра; ~ قَشٍّ ичига сомон тиқилган кўрпача

– فُرْشَةٌ *кўп.* فُرُشٌ чўтка; ~ الْهُدُومِ кийим чўткаси; ~ الْأَسْنَانِ тиш чўткаси; ~ الرَّأْسِ (الشَّعْرِ) соч тарайдиган чўтка; ~ الْبُدْرَةِ (الْبُودْرَةِ) упа қўядиган момиқ; ~ الْحِلَاقَةِ сартарошлик чўткаси; ~ لِلتَّلْوِينِ *ёки* ~ الْبُوَيَّةِ (*бўяшда ишлатиладиган*) чўтка, бўёқ чўткаси

– فُرُوشَاتٌ *кўп.* уй жиҳозлари

– مِفْرَشٌ *кўп.* مَفَارِشُ 1) дастурхон; 2) чойшаб (*калавотга ёйиладигани*)

– مِفْرَشَةٌ *кўп.* مَفَارِشُ ёпчиқ, ёпиқ, жабдуқ (*эгар остидан отга ёпиладиган мато*)

– مَفْرُوشٌ[1] 1) (*н. биландир*) ёпилган; ёпиб қўйилган (ب); 2) бостирилган, қопланган; 3) жиҳозланган, мебеллаштирилган; أُوضَةٌ ~ـــةٌ жиҳозланган (мебеллаштирилган) хона

– مَفْرُوشٌ[2] бўталоқ, туянинг боласи

– مَفْرُوشَاتٌ *кўп.* мебель, жиҳоз, анжомлар

فَرْشَحَ 1) отга минмоқ; (*отга минатуриб*) оёқни айлантириб туширмоқ; 2) оёқни кермоқ

– فَرْشَحَةٌ 1) отга миниш; 2) оёқни кериш

فَرْشَخَ = فَرْشَحَ

فُرْشِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ соч тўғнағичи

فَرَصَ (*u*) فَرْصٌ кесмоқ, қирқмоқ, узиб ташламоқ. бўлиб ташламоқ; VIII افْتَرَصَ фойдаланмоқ; فُرْصَةً ~ фурсатдан фойдаланиб қолмоқ

– فَرْصٌ бўлиш, кесиш, қирқиш

– فُرْصَةٌ *кўп.* فُرَصٌ 1) қулай фурсат, қулай вақт; шанс; سَانِحَةٌ ~ қулай фурсат (он, момент); فُرَصٌ مُتَكَافِئَةٌ тенг имкониятлар; فُرَصٌ وَ إِمْكَانِيَّاتٌ шанс ва имкониятлар; بِأَقْرَبِ ~ مُمْكِنَةٍ энг яқин вақт (фурсат) ичида; لَمْ يَتْرُكِ الْـ~ لِـ... у ...нинг қулай фурсатини қўлдан бермади; انْتَهَزَ الْـ~ фурсатдан фойдаланмоқ; 2) ишдаги танаффус пайти (вақти); таътил, каникул; الْعِيدِ ~ байрам (ийд) таътили

– فَرِيصَةٌ *кўп.* فَرَائِصُ кўкрак мушаги (мускули); ◊ ارْتَعَدَتْ فَرَائِصُهُ (فَرِيصَتُهُ) унинг оёқлари қалтираб кетди, у қўрқиб кетди

– مفْرَصٌ *кўп.* مَفَارِصُ = مفْرَاصٌ

– مِفْرَاصٌ *кўп.* مَفَارِيصُ ўткир тиғли (кескир) омбир

فِرْصَادٌ 1) тут дарахти; 2) тут меваси; 3) қизил тут (*шотут*)

فَرَضَ (*u*) فَرْضٌ йўл қўймоқ, ҳисобламоқ. фараз қилмоқ, тасаввур қилмоқ; ... لِنَفْرِضْ أَنَّ الْحَقَّ مَعَهُمْ улар ҳақ деб фараз (тасаввур) қилайлик; 2) (*к. нингдир*) зиммасига юкламоқ;(*к. нингдир*) вазифаси деб белгилаб қўймоқ; (*к. гадир ўз фикрини*) тиқиштирмоқ (عَلَى); ـــهُ بِالْقُوَّةِ ~ (*к. гадир*) ниманидир мажбурлаб тиқиштирмоқ (عَلَى); الْأَحْكَامَ ~ қонунни (ҳукмни, мажбурий қарорларни) кучга киритмоқ; 3) (*солиқ*) солмоқ; الضَّرَائِبَ ~ солиқ солмоқ; 4) бўлмоқ, тақсимламоқ; (*к. гадир*) белгиламоқ, ажратмоқ (لِـ...); 5) кертик (кертма белги) қўймоқ; فَرَضَ (*u*) فَرَاضَةً ёши ўтмоқ, қаримоқ; II فَرَّضَ 1) кертик (кертма белги) қўймоқ; 2) тушунтирмоқ, аниқлаб бермоқ; VIII افْتَرَضَ 1) фараз қилмоқ. тасаввур қилмоқ; 2) (*к. гадир*) мажбурият қилиб бермоқ, топширмоқ (عَلَى)

– افْتِرَاضٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) фараз; 2) *юр.* презумпция (*фактнинг акси тасдиқланмагунча, шу фактни тўғри деб топиш*)

افْتِرَاضِيٌّ тахминий, фараз қилинган

– فَارِضٌ қари (*ҳайвон ҳақида*)

– فَرْضٌ *кўп.* فُرُوضٌ 1) фараз: *шунингдек:* عِلْمِيٌّ ~ илмий фараз. гипотеза; ... أَنَّ ~ عَلَى ...деб фараз қилиб; ... أَنَّ ~ بِالْـ... а) .. деб фараз қилиб; б) ... деб фараз қилайлик; 2) фарз, вазифа, мажбурият; عَيْنٍ ~ *юр.-шар.* фарзи айн, шахсий (индивидуал) фарз (мажбурият); كِفَايَةٍ ~ фарзи кифоя, коллектив (умумиятга оид) фарз; فُرُوضُ الشُّكْرِ وَ الْإِخْلَاصِ ташаккур ва ихлос билдириш қарзи (мажбурияти); مَدْرَسِيٌّ ~ мактабдан берилган вазифалар; ~ رِيَاضِيٌّ *мат.* берилган катталик; 3) (*қонун*) талаблари (мажбуриятлари); فُرُوضُ الدِّينِ диний фарзлар, дин фарзлари; 4) (*солиқ*) солиш; 5) кертик (кертма) белги

– فُرْضَةٌ *кўп.* فُرَضٌ 1) кертик (кертма) белги; 2) гаван, порт, бандаргоҳ; 3) ёриқ; тешик; чуқурлик; ўйма (*бирор н. тиқиб қўйиш учун*)

فَرْضِيٌّ фаразга асосланган, фаразий, фаразга оид

– فَرْضِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ фараз, гипотеза

– فَرِيضَةٌ *кўп.* فَرَائِضُ 1) фарз, мажбурият. вазифа; 2) буйруқ (*дин ва қонундаги*); الصُّبْحِ ~ эрталабки фарз намози; أَدَّى الْحَجَّ ~ ҳажж фарзини адо этмоқ (*зулҳижжа ойида- қар.* حِجَّةٌ); 3) қисм, бўлак (*меросдаги*) عِلْمُ الْفَرَائِضِ *юр.-шар.* мерос ҳуқуқи

– مَفْرُوضٌ 1) фараз қилинадиган, фараз қилинган; مِنَ الْـ~ أَنَّ ... шуни фараз қилиш мумкинки, ...; لَيْسَ ~ مِنَ الْـ أَنَّ ... шуни фараз қилиш мумкин эмаски, ...; وَ كَانَ ~ مِنَ الْـ أَنَّ ... фараз қилинган эдики, ...; 2) буюрилган, фарз қилинган

I فَرَطَ (*y*) فُرُوطٌ 1) олдинламоқ, илгарига ўтиб кетмоқ; 2) (*к. нингдир оғзидан гап*) кутилмаганда (тасодифан) чиқиб кетмоқ (مِنْ); 3) ўтиб кетмоқ (*вақт ҳақида*); 4) (*н. дадир*) эҳтиётсизлик (эътиборсизлик) қилмоқ (فِي); 5) (*к. нингдир олдида*) ўзини йўқотмоқ, каловланиб қолмоқ (فِي); 6) қоқиб туширмоқ (*дарахтдаги меваларни*); 7) (*к. дандир*) шошилиб ўзиб кетмоқ (عَلَى); 8) ечиб (бўшатиб) қўймоқ; ◊ وَلَدًا ~ боладан ажралиб қолмоқ; II فَرَّطَ 1) ўтказиб юбормоқ, камчиликка йўл қўймоқ (فِي); (*н. дадир*) юзаки муносабатда бўлмоқ. (بِ); ғайратсизлик қилмоқ; ҳаракатсиз бўлмоқ, фаолият кўрсатмаслик; ўтказиб юбормоқ; 3) ташлаб қўймоқ; 4) (*н. нидир*) исроф қилмоқ, мақсадсиз сарф қилиб юбормоқ, совуриб юбормоқ (بِ); 5) қоқиб туширмоқ (*дарахтдан меваларни*); IV أَفْرَطَ 1) (*бирор н. ни*) ҳаддан ташқари ортиқ қилмоқ; (*н. дадир*) исрофгарликка йўл қўймоқ (فِي); مَا ~ وَ لَا فَرَّطَ у ҳамма нарсани исрофсиз қилар эди (чегарадан чиқмай қилар эди); 2) суиистеъмол қилмоқ; ўз ваколатини суиистеъмол қилмоқ; 3) ташлаб қўймоқ, ўз ҳолига ташлаб қўймоқ; VII انْفَرَطَ 1) ечилиб кетмоқ, бўшаб кетмоқ; 2) тарқалмоқ, тугамоқ; عَقْدُ الْاِجْتِمَاعِ ~ мажлис тугади; عَقْدُ الْمُعَاهَدَةِ ~ шартнома бекор қилинди (тугатилди); 3) қоқиб туширилган (олинган) бўлмоқ (*мевалар ҳақида*); ◊ الدَّمْعُ مِنْ مآقِيهَا ~ у (*аёл*) нинг кўзларидан ёш оқа бошлади

– إِفْرَاطٌ ортиқчалик, исрофгарчилик; ~ الْإِنْتَاجِ ортиқча ишлаб чиқариш; ~ـُـهُ فِي الْغِذَاءِ ортиқча тўйинганлик; 2) суиистеъмол; ўз ваколатини орттириб юбориш; ~ـُـهُ فِي السُّلْطَةِ ҳукмронликни ошириб юбориш, ҳудуд доирасидан чиқиб кетиш, чегарадан чиқиб кетиш

– تَفْرِيطٌ 1) хатолик, камчилик; ғайратсизлик; эътиборсизлик, масъулиятни сезмаслик; фаолиятсизлик (*ҳукуматдаги*); 2) исроф, исрофгарчилик; لَا ~ بِشِبْرٍ مِنْ أَرْضِنَا! бир қарич ҳам еримиздан воз кечмаймиз!

– فَارِطٌ ўтган, ўтиб кетган

– فُرَاطَةٌ чақа-танга, майда пуллар

– فَرْطٌ 1. ортиқча, бўш; 2. 1) ортиқчалик, ҳаддан ташқари (зиёда) лик; ~ أَنَاةٍ ғоят саботлилик, чидамлилик; ~ الْإِحْسَاسِ ғоят таъсирчанлилик; ~ الذَّكَاءِ ғоят айёрлик (ҳийлакорлик); ~ الطَّمَعِ ортиқ даражада қизғончиқлик; ~ دَهْشَتِهِ وَ لِـ уни ғоят ҳайрон қолдириб; ~ الْخَوْفِ ارْتَعَدَ مِنْ қаттиқ қўрқувдан титрамоқ; 2) серобчилик, мўл-кўллик, маъмурлик

– فَرْطٌ[1] одамларни сувга бошлаб борувчи

– فَرْطٌ[2] фоизлар, процентлар

– فَرْطٌ[3] мукофот; اللَّهُمَّ إِجْعَلْهُ لَنَا ~ً Илоҳо, уни биздан борган мукофот сифатида кўргин (*вафот этган ёш ғўдакка нисбатан айтилади*)

– فُرُطٌ 1) унутилган, эсдан чиққан (*иш ҳақида*); 2) ҳаддан ошган, ҳаддан зиёда

– فَرْطٌ *халқ.* арзон

– فَرْطَةٌ чиқиб кетиш; ~ اللِّسَانِ оғиздан тасодифан чиқиб кетган сўз

– فُرْطَةٌ қисқа масофа; ◊ وَ هُوَ عَلَى ~ كَعْبٍ مِنْ هُنَا бу ердан уникигача бир қадам

– فُرُوطٌ оғиздан тасодифан чиқиб кетган сўз (*яна қар.* فَرْطَةٌ)

– مُفْرَطٌ ўз ҳолига ташлаб қўйилган; وَ أَنَّهُمْ مُفْرَطُونَ *қур.* улар дўзахда ўз ҳолига ташлаб қўйилгандирлар

– مُفْرِطٌ ортиқ даражада, ҳаддан ташқари; исрофгарона

– مُفَرِّطٌ 1. исроф қилувчи; исрофгар; 2. исрофгарчиликка оид

فَرْطَحَ 1) ясси қилмоқ, яссиламоқ; 2) кенг қилмоқ; кенгайтирмоқ; تَفَرْطَحَ 1) ясси бўлмоқ; 2) кенг бўлмоқ; кенгаймоқ; ёйилмоқ

– مُفَرْطَحٌ 1) ясси(ланиб) (мажақланиб) қолган; ~ نَهْرٌ кичик наҳр; 2) кенг

فُرْطُومَةٌ бурун, тумшуқ; ~ الْخِنْزِيرِ чўчқанинг тумшуғи

فُرْطُونَةٌ бўрон, пўртана, шторм

I (فرع) فَرَعَ[1] (*а*) فَرَاعَةٌ баландбўй (хушбичим) бўлмоқ; فَرَعَ (*а*) فُرُوعٌ (*к. дандир*) устун бўлмоқ; (*к. дандир*) ошиб тушмоқ; II فَرَّعَ 1) шох чиқартирмоқ, шохлатмоқ; 2) бўлмоқ, ажратмоқ; 3) шох (*бачки*) чиқармоқ; 4) (*к. дан, н. дан*) келиб чиққанлигини ҳисобламоқ, ҳисоблаб чиқармоқ (مِنْ); V تَفَرَّعَ 1) шохлаб кетмоқ; 2) бўлинмоқ, шаҳобчаларга ажралмоқ; 3) (*к. дандир, н. дандир*) келиб чиқмоқ (مِنْ); 4) (*н. дандир*) ажралиб чиқмоқ (عَنْ); VII اِنْفَرَعَ шаҳобчаланмоқ, бўлинмоқ; VIII اِفْتَرَعَ қизлигини (бокиралигини) олмоқ

– أَفْرُعُ *мн* فَرْعَاءُ *кўп.* فُرْعٌ серсоч, сочи қалин, қалин сочли

– تَفَرُّعٌ бўлиниш, шаҳобчаланиш; шох чиқариш

– تَفْرِيعَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ вариант

– فَارِعٌ баландбўй ва келишган

– فَرْعٌ *кўп.* أَفْرُعٌ, فُرُوعٌ шох, новда; шаҳобча (*дарёники*); ~ حَدِيدِيٌّ темир йўл шаҳобчаси; 2) соҳа; филиал, бўлим (*мас., банкники*); бўлим, секция; ~ وَ أَصْلٌ а) тана ва шох; б) асосий ва иккинчи даражали қисм

– فَرَعٌ туянинг биринчи туққан боласи (*қадимги араблар уни худолари йўлида сўйиб қурбон қилганлар*); لَا ~ وَ لَا عَتِيرَةَ *ҳад.* туянинг ҳам, қўйнинг ҳам биринчи боласини қурбонликка сўйиш йўқ

– فَرْعِيٌّ 1) қисман; хусусий; 2) ҳосила, ҳосилага оид; 3) иккинчи даражали; қўшимча; ~ خَطٌّ ёндаги чизиқ; ~ـَـةٌ لَجْنَةٌ кичик комиссия; ~ـَـةٌ مَحَطَّةٌ кичик станция (*подстанция*)

– مُتَفَرِّعٌ 1) (*н. дандир*) ажралиб чиқувчи, ажраладиган (عَنْ); 2) шохли, шохланиб кетган; сершох

– مُتَفَرِّعَاتٌ *кўп.* айрим қисмлар (*мас., машинадаги*); 2) қўшимча олинадиган маҳсулотлар; الْبُتْرُولُ وَ ~ـُـهُ нефть ва уни қайта ишланганда олинадиган қўшимча маҳсулотлар; нефть маҳсулотлари

فَرْعَنَ қаҳрли (ўзбошимча, золим) қилмоқ; تَفَرْعَنَ 1) қаҳрли (золим, нодон) бўлмоқ; 2) кеккаймоқ; бурун кўтармоқ; 3) қалин бўлиб ўсиб кетмоқ

– فَرْعَنَةٌ 1) ўзбилармонлик, бўйсунмаслик; 2) манманлик, такаббурлик, димоғдорлик; 3) қаҳр, ғазаб; жаҳл, аччиқланиш

– فِرْعَوْنُ *кўп.* فَرَاعِنَةٌ 1) фиръавн; 2) золим ҳукмдор, деспот; أَرْضُ الْفَرَاعِنَةِ *маж.* Миср (*сўзма-сўз:* фиръавнлар ери); 3) фиръавн (*қарта ўйини тури*); 3) Миср подшоҳларидан الْوَلِيدُ بْنُ مُصْعَبٍ нинг лақаби

– فِرْعَوْنِيٌّ фиръавнга оид; الْآثَارُ الْـ ـَـةُ фиръавнлар даври ёдгорликлари; الْحُكْمُ الْـ ـُـ фиръавнлар ҳукмронлиги; الطِّرَازُ الْـ ـُـ *архит.* Фиръавнлар услуби (*стили*); الْعَصْرُ الْـ ـُـ фиръавнлар асри (даври); مِصْرُ الْـ ـَـةُ фиръавнлар давридаги Миср; ~ زَيٌّ фиръавнлар даври кийиниши

– فِرْعَوْنِيَّةٌ фиръавнийлик, фиръавнизм (*ҳозирги замон Миср маданиятининг ҳудудий асослари фиръавнлар давридаги Миср деб ҳисобловчи оқим*)

I فَرَغَ (*а, у*) فُرُوغٌ *ёки* فَرَاغٌ бўш (ҳеч нарсаси йўқ) бўлмоқ; 2) эгасиз (ҳеч ким банд қилмаган, бўш, вакант) бўлмоқ; 3) (*н. нидир*) тугатмоқ, тамомламоқ, охирига етказмоқ (مِنْ); 4) (*к. дадир*)

тугамоқ, тамом бўлмоқ (مِنْ); صَبْرُهُ ~ унинг сабри тугади; 5) (*бирор н. га*) батамом берилиб кетмоқ (لِـ); 6) оқиб тушмоқ, қуйилмоқ; II فَرَّغَ 1) бўшатмоқ; (*юкни*) туширмоқ; (*кемани юкдан*) бўшатмоқ; (*н. нидир*) тўкмоқ; 2) *эл.* зарядсизлантирмоқ; 3) (*қолипга*) қуймоқ; ◊ ~ بِاسْمِهِ (*сотиб олинган н. ни*) бирор ким номига расмийлаштирмоқ; ~ نَفْسَهُ *спорт.* кучсизланмоқ, батамом ҳолдан кетмоқ; IV أَفْرَغَ 1) бўшатмоқ, тўкиб ташламоқ; юкдан бўшатмоқ (*мас., кемани*); (*ўқдонни*) бўшатмоқ (*мас., тўппончаникини*), эвакуация қилмоқ; ~ الْبَارُودَ отмоқ, ўқ узмоқ (*мас., милтиқдан*); ~ الرَّصَاصَاتِ ўқлар чиқармоқ (отмоқ); 2) (*қолипга*) қуймоқ; 3) (*ғайрат*) кўрсатмоқ, қилмоқ; (*бирор н. га*) эътибор билан қарамоқ, яхши муносабатда бўлмоқ; ~ قُصَارَى جُهْدِهِ فِي ...га ҳамма куч ғайратни сарфламоқ; ... учун бор кучни сарф қилмоқ; ◊ ~ مِنْ هَذَا إِلَى الْقَوْلِ إِنَّ ... бу тамом бўлгандан кейин у дедики, ...; V تَفَرَّغَ дам олмоқ, ишдан бўш бўлмоқ; (*бирор н. билан*) шуғулланиш учун дам олмоқ (لِـ); 2) ўзини (*бирор н. га*) бағишламоқ (لِـ); 3) *эл.* зарядсизланмоқ; VII اِنْفَرَغَ 1) юкдан бўшаган бўлмоқ, (*н. дан дир*) бўшаган бўлмоқ (مِنْ); 2) *эл.* зарядсизланган бўлмоқ; X اِسْتَفْرَغَ 1) қусмоқ; қайт қилмоқ; 2) тамом қилмоқ; مَجْهُودَهُ ~ бор кучини сарф қилмоқ

– إِفْرَاغٌ 1) бўшаниш, ёзилган бўлиш; الْجُهْدِ ~ ғайрат (*куч*) сарфлаш; 2) тўкиш; тўкиб ташлаш; 3) (*қолипга*) қуйиш

– تَفْرِيغٌ 1) (*юкни*) тушириш, (*юкдан*) бўшатиш; 2) сиғим, тоннаж (*кеманики*); 3) *эл.* зарядсизланиш; الشَّرَرِيُّ ~ учқун чиқариб зарядсизланиш; الْكَهْرَبَائِيُّ ~ электрик зарядсизланиш

– فَارِغٌ *кўп.* فُرَّاغٌ 1. 1) бош; الْمَعْرِفَةِ ~ қовоққалла, нодон; جَيْبِي ~ чўнтагим бўм-бўш; 2) банд қилинмаган, бўш, вакант; 3) бемаъни, фойдасиз, كَلَامٌ ~ бемаъни гап-сўз; 2. идиш, тара; ◊ الْعَيْنِ ~ уятсиз, сурбет; الصَّبْرِ ~ *ёки* ~ بِـ الصَّبْرِ тоқатсизлик билан, сабрсизлик билан

– فَارِغَةٌ *кўп.* فَوَارِغُ 1) бўш, банд қилинмаган; إِمْرَأَةٌ ~ эрсиз (боши очиқ) аёл

– فَرَاغٌ 1) (*бирор н.* нинг) тугаши, тамомланиши (مِنْ); ~ بَعْدَ دَرْسِهِ бирор нарсани узил-кесил ўрганғандан кейин; 2) *шунингдек:* أَوْقَاتُ الْـ~ дам олиш (бўш) вақт; ~ـهِ قَضَى أَوْقَاتَ ўз дам олиш вақтларини ўтказмоқ; 3) бошлиқ, вакуум; *физ.* майдон; *мат.* фазо; 4) *анат.* бўшлиқ; الْفَمِ ~ оғиз бўшлиғи; 5) харитадаги оқ доғ (*бўшлиқ, ўрганилмаган жой*); 6) бўш жой; ~ الْـ (سَدَّ) مَلْأَ бўш жойни (вакуумни) тўлдирмоқ; ◊ الْعَيْنِ ~ уятсизлик, юзсизлик, безбетлик

– فَرَاغِيٌّ фазога, бўшлиққа (вакуумга) оид; الْهَنْدَسَةُ الْـ~ـةُ стереометрия

– فَرِغٌ бўш, банд қилинмаган, эгалланмаган

– فَرْغٌ бўшлиқ

– فُرُوغٌ бўшлиқ; الْبَالِ ~ руҳий хотиржамлик, руҳий фароғат; فِي الْبَالِ ~ хотиржам, хотиржам бўлиб; الصَّبْرِ ~ сабрсизлик, бетоқатлик, чидамсизлик; بِـ~ الصَّبْرِ сабрсизлик билан

– مُتَفَرِّغٌ бўш бўлган, ишдан бўш бўлган, дам олаётган

– مُفْرِغٌ (*қолипга*) қуйилган, қуйиб қўйилган; هُمْ كَالْحَلْقَةِ الْـ~ـةِ لَا يُدْرَى أَيْنَ طَرَفَاهَا *маж.* бари бир гўр (*сўзма-сўз:* уларнинг ҳаммаси боши қаерда, охири қаердалигини билиб бўлмайдиган эритиб қўйилган ғилдиракка ўхшайди); ◊ حَلْقَةٌ ~ـةٌ учи йўқ калава; дарди бедаво; ◊ دَارَ فِي حَلْقَةٍ ~ـةٍ боши берк кўчага кириб қолмоқ

– مُفَرَّغٌ 1) (*қолипга*) қуйилган, қуйма қилинган; 2) бўш, эгалланмаган

– مُفَرِّغٌ бўш қилувчи, бўшатувчи; бўшлиқ ҳосил қилувчи, ~ الْهَوَاءِ а) ҳаво насоси; б) *эл.* зарядсизлантирувчи

– مَفْرُوغٌ: مِنْهُ ~ ҳал қилинган, тамомланган, охирига етказилган; مِنْهُ ~ هَذَا أَمْرٌ а) бу аллақачон ҳал қилинган иш (масала); б) бу шубҳасиз фактдир; مِنْهَا ~ مَسْأَلَةٌ ҳал қилинган масала

فَرْفَخٌ *бот.* семиз ўт, гулбеор

فَرْفَرَ қоқмоқ; қанот қоқмоқ; қоқинмоқ, силкинмоқ (*қуш ҳақида*); ~ الْقُطْنَ пахта савамоқ; الصُّوفَ ~ жун савамоқ

– فُرْفُرٌ, فِرْفِرٌ қушча

– فَرْفَرَةٌ қоқиш, қанот қоқиш

– فُرْفُورٌ *кўп.* فَرَافِيرُ енгилтак, фикрида собит бўлмаган, ўзгариб турувчи; 2. 1) қушча; 2) *ат.от.мз.* Фурфур (*халқ оғзаки ижодидаги ақлли ва ёлғончироқ бир хазматкорнинг исми*)

– فُرْفُورِيٌّ фарфор, чинни

فَرْفَشَ жонлантирмоқ, руҳлантирмоқ, янги ғайрат бахш этмоқ

– فَرْفَشَةٌ 1) янгилик; 2) гуллаб-яшнаш, бой-бадавлатлик, ўзига тўқлик

– مُفَرْفَشٌ 1) яхши кайфиятдаги, хушчақчақ; 2) *шунингдек.* ~ مَالِيًّا бой-бадавлат

فَرْفَصَ питирламоқ, типирламоқ

فَرْفَطَ (*бирор н. ни*) такрор-такрор (кўп марта) қилмоқ (қилавермоқ); عَمَزَاتِهِ وَ لَمَزَاتِهِ ~ кўп марта имламоқ ва кўз қисмоқ, имлайвермоқ ва кўз қисавермоқ

فَرْفَكَ ишқамоқ, ишқаламоқ

– فَرْفَكَةٌ ишқаш, ишқалаш

I (فرق) فَرَقَ (*у*) فَرْقٌ 1) бўлмоқ, ажратмоқ; (*к. нидир*) ажратиб (айириб) юбормоқ (بَيْنَ); الْمَوْتُ بَيْنَهُمَا ~ уларни ўлим ажратди (айирди); 2) фарқламоқ; فَرِقَ (*а*) فَرَقٌ қўрқмоқ, ҳайиқмоқ; II فَرَّقَ 1)

ажратмоқ, айирмоқ; 2) фарқламоқ, фарқлантирмоқ; 3) тарқатмоқ, тарқатиб юбормоқ; 4) (*қоғозларни*) бермоқ, тарқатмоқ; 5) (*к. ларнингдир ўртасида*) бўлмоқ, бўлиб бермоқ, тақсимламоқ (عَلَى); 6) (*к. ларнидир*) ажратиб юбормоқ, (*к. ларнингдир орасига*) нифоқ солмоқ (بَيْنَ); (*к. нидир к. дандир*) айирмоқ (بَيْنَ, بَيْنَ)! فَرِّقْ تَسُدْ! *қар.* سَادَ; 7) қўрқитмоқ; III فَارَقَ 1) айрилмоқ, ажралмоқ; 2) ташлаб кетмоқ, қолдириб кетмоқ; اَلدَّارَ اَلْفَانِيَةَ إِلَى الدَّارِ اَلْبَاقِيَةِ ~ *маж.* дорулфанодан дорулбақога кетмоқ, ўлмоқ; 3) (*н. биландир*) фарқланмоқ, ажралиб турмоқ (ب); بِهَذَا نَطَائِرُهُ ~ шу билан у ўзига ўхшаганлардан ажралиб туради (*н. ҳақида*); IV أَفْرَقَ 1) қўрқитмоқ; 2) тузалмоқ, қутулмоқ; اَلْمَرِيضُ مِنْ مَرَضِهِ ~ бемор касалдан халос бўлди; V تَفَرَّقَ 1) ажралишмоқ, бўлинмоқ; 2) тарқалиб кетмоқ, ажралиб кетмоқ; ҳар томонга кетмоқ; سَبَا أَيْدِيَ (أَيَادِيَ) ~ *маж.* турли томонларга тарқалиб кетмоқ; 3) тарқатилган (тақсимланган, бўлинган) бўлмоқ; VI تَفَارَقَ 1) айрилмоқ, ажралмоқ; VII اِنْفَرَقَ бўлинган бўлмоқ; (*н. дандир*) бўлинмоқ (مِنْ); VIII اِفْتَرَقَ 1) ажралмоқ, айрилмоқ; (*икки томонга*) ажралиб кетмоқ (*йўл ҳақида*); 2) (*к. дандир, н. дандир*) фарқланмоқ (عَنْ)

– اِفْتِرَاقٌ ажралиш, бўлиниш; айрилиш (*йўл ҳақида*): 2) (*к. ларнингдир ўртасидаги*) келишмовчилик, ихтилоф (بَيْنَ وَ بَيْنَ)

– تَفَارِيقُ *мн.* алоҳида бўлимлар; صُدِرَ اَلْكِتَابُ ~ бу китоб алоҳида қисмларга бўлиб нашр қилинди

– تَفْرِقَةٌ 1) (*бирор н. орасидаги*) фарқ (بَيْنَ); 2) ихтилоф, бўлиниш; 3), тарқалиш, тарқалиб кетиш; 4) бўлиниш, ажралиш, бўлинганлик; اَلْعُنْصُرِيَّةُ ~ ирқий дискриминация (камситиш), сегрегация

– أَفْرَقُ *мн.* فُرْقَاءُ *кўп.* فُرْقٌ сочи *ёки* соқолидан фарқ очилган, ديكٌ ~ тожи иккига ажраган хўроз

– تَفْرِيقٌ *кўп.* تَفَارِيقُ 1) бўлиниш, ажралиб кетиш; 2) тақсимлаш, тақсимланиш; 3) тарқалиш, тарқалиб кетиш; 4) фарқлаш, фарқланиш; ниш, ◊ بِالْـ~ чаканалаб, бўлиб-бўлиб; تَفَارِيقُ اَلْحَيَاةِ ҳаётнинг икир-чикирлари, ҳаётнинг турли томонлари

– فَارِقٌ *кўп.* فَوَارِقُ фарқ; بَسِيطٌ ~ унча катта бўлмаган фарқ; مَا رَأَى بَيْنَ ... وَ بَيْنَ ... билан ...нинг ўртасидаги фарқни кўрмаслик

– فَارُوقٌ 1) (*яхшилик ва ёмонликни*) яхши фарқлай биладиган одам; донишманд; 2) *ат.от.мз.* Форуқ, عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ нинг иккинчи исмлари; ◊ يٌّ ~ تِرْيَاقٌ яхши чора, заҳарга қарши энг яхши чора

– فَرَاقٌ 1) фироқ, ажралиш, айрилиш; 2) ташлаб кетиш, кетиб қолиш, жўнаб кетиш

– فَرْقٌ[1] *кўп.* فُرُوقٌ 1) бўлиниш; айрилиш; айрилиқ, фироқ; 2) фарқ; ~ لَا فарқи йўқ, барибир; لَا ~ بَيْنَ اَلْعُنْصُرِ وَ اَلْجِنْسِ وَ اَللُّغَةِ وَ اَلدِّينِ ирқи, жинси, тили ва диний эътиқодини фарқламай; اَلْـ~ اَلسَّمْتِيُّ паралакс (*кузатувчи кўзининг силжиши туфайли кузатилаётган объектнинг силжиётгандай бўлиб кўриниши*); 3) майда пул, чақа-танга; 4) *шахм.* сифат; لَدَى اَلْأَبْيَضِ اَلْـ~ оқларнинг сифати бор; كَسَبَ اَلْـ~ сифат ютмоқ, сифатга эга бўлмоқ; 5) қолдиқ; ◊ اَلشَّعْرِ ~ сочдаги фарқ

– فَرَقٌ[1] қўрқув; بَلَغَ رِيقُهُ اَلْـ~ қўрқувдан оғиздаги намни ютмоқ

– فَرْقٌ[2] баъзан فَرَقٌ: اَلْـ~ Мадинаи мунавварадаги машҳур тарози

– فَرَقٌ[2] 2) тонг, тонг нури; هُوَ أَبْيَنُ مِنَ اَلصُّبْحِ ~ тонг нуридан ҳам равшан

– فَرِقٌ қўрқоқ, қўрқадиган

– فِرْقٌ *кўп.* فُرُوقٌ 1) қисм, бўлак; 2) пода; 3) катта (*баҳайбат*) тўлқин

– فُرْقَانٌ 1) (*яхшилик ва ёмонликни*) фарқлаш, ажратиш; 2) исбот; ◊ اَلْـ~ муқаддас китоб; Библия; Қуръони Карим

– فِرْقَةٌ *кўп.* فِرَقٌ 1) партия (*бирор н. ники*), гуруҳ; бригада; ~ اَلْمَدْرَسَةِ синф, синф ўқувчилари; 2) труппа; ~ مُوسِيقِيَّةٌ оркестр; 3) *спорт.* команда; ~ اَلْمَطَافِئِ *қар.* مِطْفَأَةٌ; 4) мазҳаб; 6) дивизия

– فُرْقَةٌ 1) ажралиш, бўлиш; 2) бўлиниш, бўлиниб кетиш; нифоқ, ихтилоф; بَثَّ (بَذَرَ) بُذُورَ اَلْـ~ بَيْنَ ...нинг орасига нифоқ уруғини сепмоқ (*ёки* ... وَ بَيْنَ بَيْنَ *нинг ва ...нинг ўртасига*)

– فَرَقِيَّةٌ мазҳабчилик

– فَرُوقَةٌ қўрқоқ, қўрқадиган

– فُرُوقَاتٌ *кўп.* фарқлар

– فَرُوقَةٌ, فَرُوقَةٌ *мз.мн.* жуда (ғоят) қўрқоқ

– فَرُوقَةٌ = فَرُوقٌ

– فَرِيقٌ[1] *кўп.* فُرَقَاءُ 1) бригадир, бригада бошлиғи; 2) дивизия командири; 3) генерал-лейтенант; بَحْرِيٌّ ~ адмирал

– فَرِيقٌ[2] *кўп.* أَفْرِقَةٌ 1) гуруҳ, тўда, партия; 2) *ҳарб.* қисм, бўлим, отряд; 3) *юр.* томон; اَلْـ~ اَلْأَوَّلُ биринчи томон; اَلْـ~ اَلْآخَرُ (اَلثَّانِي) биринчи ва иккинчи томонлар (*музокаралар-да*); 4) *спорт.* команда; 5) *сиёс.* фракция (*бирор ташкилот ёки партия ичидаги мақсади ва қарашлари билан бошқалардан фарқ қиладиган алоҳида гуруҳ*)

– مُتَفَرِّقٌ ҳар хил, турли, турли-туман, хилма-хил

– مُفَارَقَةٌ[1] 1) айрилиш, фироқ; жўнаб кетиш; 2) фарқ, айирма

– مُفَارَقَةٌ[2] *кўп.* اتٌ ـَ ҳазил; дилхуши; وَقِحَةٌ ~ қўпол (бемаъни) ҳазил; ... وَ مِنْ مُفَارَقَاتِ اَلْقَدَرِ أَنَّ ... тақдир ҳазилларидан яна бири шу бўлдики, ...

– مُفْتَرَقٌ йўллар кесишган жой, чорраҳа; أَصْبَحَ عَلَى ~ طُرُقٍ қаёққа боришни (нима қилишни) билмай қолмоқ

– مَفْرَقٌ[1], مَفْرِقٌ сочнинг бошдаги фарқи

– مَفْرِقٌ[2] *кўп.* مَفَارِقُ 1) йўллар кесишган жой, чорраҳа; 2) (*сочдаги*) фарқ; 4) энг баланд ер (*мас, бинонинг энг баланд*

*нуқтаси*)

– مُفَرَّقٌ бўлинган, бўлиб-бўлиб (ажратиб) қўйилган; بِالْـ~ чаканалаб; اً~ айрим-айрим, алоҳида-алоҳида

– مُفَرِّقٌ 1) почтачи, почтальон; 2) чакана савдо қилувчи

فَرْقَدٌ *кўп.* فَرَاقِدُ бузоқ; ◊ الْـ~ Кичик айиқ буржидаги юлдуз (*бета*); الْـ~انِ *ик.с.* Кичик айиқ буржидаги юлдузлар (*бета ва гамма*)

فُرْقَاطَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ *ден.* фрегат (*уч мачтали елканли ҳарбий кема*)

فَرْقَعَ 1) ёрилмоқ, дарз кетмоқ; 2) дарзланмоқ; 3) портламоқ, портлаб кетмоқ; بِسَوْطٍ ~ қамчини чарсиллатмоқ (қарсиллатмоқ) тарсиллатмоқ); تَفَرْقَعَ портламоқ, портлатилмоқ; اِفْرَنْقَعَ 1) тез югурмоқ; 2) (*н. дандир*) узоқлашмоқ, йироқлашмоқ (عَنْ, مِنْ); 3) шақиллатмоқ (*бармоқларни*)

– فَرْقَعَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) дарз, ёрик; 2) портлаш; الْقَنَابِلِ ~ бомбалар портлаши; снарядлар портлаши

– مُفَرْقِعَاتٌ *кўп.* портловчи моддалар

فِرْقِلَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ қамчи, дарра

I فَرَكَ (*у*) فَرْكٌ 1) ишқамоқ, ишқаламоқ; يَدَيْهِ فَرْحًا ~ у хурсандликдан қўлларини ишқалади; ~وا أَكُفَّهُمْ سُرُورًا улар роҳатланганларидан қўлларини ишқаладилар; 2) (*кўзларни*) ишқамоқ; الثَّوْبَ ~ кийимни ишқаламоқ; السُّنْبُلَ ~ бошоқни янчмоқ; IV أَفْرَكَ ишқаланмоқ, янчилмоқ; السُّنْبُلُ ~ бошоқ янчилди; V تَفَرَّكَ ишқаланмоқ, ишқаланган бўлмоқ

– فَارِكٌ 1. эркакларни ёмон кўрадиган (*аёл ҳақида*); 2. эрдан нафратланадиган аёл

– فَرَكٌ фрак (*кийим*)

– فَرْكَةٌ ишқалаш, қириш; ◊ ... وَ ... كَعْبٍ مَا بَيْنَ ~ дан ...гача бир қадам, жуда яқин

– فَرِيكٌ 1). қирилган; 2. фарик (*ҳали пишиб етилмаган буғдойдан қовуриб тайёрланадиган овқат номи*)

– مَفْرُوكٌ 1) қирилган; ишқаланган; 2) юмшоқ, мулойим

فَرْكَشَ 1) тарқатмоқ, турли томонларга отиб ташламоқ; 2) *спорт.* оёқдан чалмоқ

– فَرْكَشَةٌ 1) тарқатиш, турли томонларга отиб ташлаш; 2) *спорт.* оёқдан чалиш

I فَرَمَ (*и*) فَرْمٌ майдаламоқ, майда-майда қилмоқ, майда бўлакларга ажратиб кесмоқ; II فَرَّمَ 1) майдаламоқ, майда-майда қилмоқ, майда бўлакчаларга ажратиб кесмоқ; 2) тиш тушмоқ (*боланики ҳақида*); الْوَلَدُ أَسْنَانَهُ ~ боланинг тишлари тушди; VII اِنْفَرَمَ майдаланган (майда-майда қилиб кесилган) бўлмоқ

– فَرَّامٌ майдаловчи, янчувчи, туювчи (*мас., гўштни, тамакини*)

– فَرَّامَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ *шунингдек:* اللَّحْمِ ~ гўшт қиймалагич, мясорубка

– فَرْمَةٌ парча, бўлак, тўғрам

– فُرْمَةٌ *кўп.* فُرَمٌ, اتٌ ـَـ қолип, форма (*қуйиш учун*)

– مِفْرَمَةٌ *кўп.* مَفَارِمُ майдалайдиган, тўғрайдиган машина; اللَّحْمِ ~ гўшт қиймалагич, мясорубка

– مَفْرُومٌ مُفَرَّمٌ майдаланган, майда қилиб тўғралган; لَحْمٌ ~ гўшт қиймаси

فِرْمَاسُونٌ, فَرْمَاسُونٌ масон (*бундан кейинги мақолага қар.*)

– فِرْمَاسُونِيَّةٌ, فَرْمَاسُونِيَّةٌ масонлик (XVIII-*асрда Оврупода пайдо бўлган, ахлоқни камолотга етказиш вазифасини қўйган диний-фалсафий оқим*)

فِرْمَانٌ *кўп.* اتٌ ـَـ *ёки* فَرَمَانٌ *кўп.* فَرَامِينُ *тар.* фармон; الْـ~ الْعَلِيُّ фармони олийшон الشَّأْنِ

فِرْمُبْوَازٌ хўжағат, малина (*ўсимлиги ва меваси*)

فَرْمَلَ (*ҳаракатдаги н. ни, мас., машинани*) тўхтатмоқ, секинлатмоқ, тормозламоқ, тормоз бермоқ

– فَرْمَلَةٌ тўхтатиш, секинлатиш, тормозлаш; جِهَازُ الْـ~ тормоз, жиҳозлари (*қурилмаси*); 2) *кўп.* فَرَامِلُ тормоз; فَرَامِلُ أُوتُمَاتِيكِيَّةٌ автоматик тормозлар; الْفَرَامِلُ *кўп. ден.* Фаромил (*1. кемалар бирор н.га тасодифан урилиб кетса, зарар етмасин деган мақсадда кема танасига ўрнатилган ёғоч жиҳозлар; 2. кема замбаракларининг ўқлари сақланадиган яшиклар*)

– فَرْمَلْجِيٌّ *кўп.* فَرْمَلْجِيَّةٌ тормозда ишлайдиган (*одам*), тормозчи

فَرَّانٌ *кўп.* فَرَّانَةٌ 1) печ эгаси (хўжайини); 2) новвой

– فُرْنٌ *кўп.* أَفْرَانٌ 1) печ; أَفْرَانٌ لِلصَّهْرِ металл қуйиш печи; عَالِ ~ домна печи; مَارْتَانَ ~ *ёки* الْغَازِ ~ мартен печи; الْقُمَامَةِ ~ чиқиндиларни куйдириладиган печ;(شُعْلَاتٍ) ذُو أَرْبَعِ ~ بُوتَاجَازٍ шўълали газ ўчоғи (*печи*); 2) ўтхона (*мас., локомотивдаги*)

– فُرْنِيٌّ *жам.* 1) печенье, пирожнийлар; 2) пиширикдар, ёпиб пиширилган нарсалар

– فُرْنِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ печенье, пирожний

فَرْنَجَ оврупалаштирмоқ; تَفَرْنَجَ оврупога оид ҳар қандай нарсага татбиқ қилмоқ, оврупо одатлари ва урфларини қабул қилмоқ, оврупалашмоқ

– إِفْرَنْجُ *жам.* الْـ~ Овруполиклар; بِلَادُ الْـ~ Оврупо

– إِفْرَنْجِيٌّ 1). Оврупога оид; 2. овруполик

– إِفْرَنْجُ = فِرَنْجُ

– فَرْنَجَةٌ оврупалаштириш; оврупога оид ҳар қандай нарсага тақлид қилиш

– فِرَنْجَةٌ *тар.* франклар мамлакати, Оврупо

– إِفْرَنْجِيٌّ = فِرَنْجِيٌّ

– مُتَفَرْنِجٌ овруполик бўлиб қолган, овруполикларга тақлид қилувчи

فِرِنْدٌ = إِفْرِنْدٌ

– فِرِنْدٌ 1) ярақлаш; қиличнинг ярақлаши; اللُّؤْلُؤِ ~ гавҳарнинг

нури (товланиши); 2) қилич, шамшир

فَرْنَسَ французлаштирмоқ; француз феъл атворини тарбияламоқ, تَفَرْنَسَ французларга оид барча нарсаларга татбиқ қилмоқ, французларнинг урфу-одатларини қабул қилмоқ; французлашмоқ

– فَرَنْسَاوِيٌّ 1). французларга оид; 2. француз

– فَرْنَسَةٌ французлаштириш; француз феъл-атворини тарбиялаш; ~ التَّعْلِيمِ француз тилида дарс ўқитиш (*мактабларда*)

– فَرَنْسِيٌّ, فَرَنْسَوِيٌّ 1). французларга, Францияга оид; الْـــ~ـــةُ француз тили; 2. француз

– فَرَنْسِيسُ *жам.* французлар

– مُتَفَرْنِسٌ французлашган

فَرَنْكٌ *кўп.* اتٌ ـــ франк (*айрим мамлакатлардаги пул бирлиги*)

– فَرَنْجَةٌ = فَرَنْكَةٌ

(ف ر ه) I فَرُهَ (*у*) فَرَاهَةٌ 1) жонсарак (эпчил, уддабурро) бўлмоқ; 2) чиройли (гўзал) бўлмоқ; 3) уста (моҳир) бўлмоқ; I فَرِهَ (*а*) فَرَهٌ = فَرُهَ (*у*) فَرَاهَةٌ

– فَارِهٌ *кўп.* فُرُهٌ 1) чопқир (гижинг) бўлиш (*от ҳақида*); سَيَّارَةٌ ~ـــةٌ тезюрар автомобиль; 2) чиройли, гўзал; 3) моҳир, эпчил, уста

– فَرَاهَةٌ 1) эпчиллик, уддабурролик, жонсараклик; 2) чирой, гўзаллик, ёқимлилик

فَرْهَدَ чарчамоқ, толиқмоқ, ҳолдан кетмоқ

– فَرْهَدَةٌ чарчоқ, толиқиш, ҳолдан кетиш

– فَرْهُودٌ қирғин, қирғин-барот (*Ироқда*)

(ف ر و) II فَرَّى (*бирор н.* нинг) тагига мўйна тикмоқ (*қадамоқ*) VIII اِفْتَرَى мўйнали кийим киймоқ

– فَرَّاءٌ мўйначи; мўйнага ишлов бериш; мўйнадўз

– فَرْوٌ *кўп.* فِرَاءٌ мўйна; فِرَاءُ أَسْتِرَاخَانَ қоракўл (*тери*); ~ الْغَنَمِ ишланган (*ошланган*) қўй териси; حَيَوَانَاتٌ ذَوَاتُ الْفِرَاءِ мўйнали ҳайвонлар

– فَرْوَجِيٌّ *кўп.* فَرْوَجِيَّةٌ мўйнафуруш, мўйначи

– فَرْوَةٌ *кўп.* فَرَاوَى 1) мўйна; 2) мўйнали шуба; ~ الرَّأْسِ сочлари билан шилиниб олинган бош териси; ◊ ~ أَبُو каштан (*қорақайинлар оиласига мансуб дарахт*)

– مُفَرَّاةٌ *мн.* مُفَرَّاةٌ мўйнали (*шуба ҳақида*)

I **فَرَى** (*и*) فَرْيٌ 1) чақмоқ, синдирмоқ (*мас., ёнғоқни*); тўғрамоқ, майда қилиб кесмоқ; 2) ўйдирма (ёлғон) тўқимоқ; (*к. гадир*) туҳмат қилмоқ (عَلَى); II فَرَّى чақмоқ; бўлиб ташламоқ, тўғрамоқ, майда қилиб кесмоқ; IV أَفْرَى = II; V تَفَرَّى ёрилмоқ, чавоқланмоқ; VII اِنْفَرَى ёрилмоқ, чавоқланмоқ; VIII اِفْتَرَى уйдирма тўқимоқ; (*к. гадир*) туҳмат қилмоқ (عَلَى)

– اِفْتِرَاءٌ туҳмат, бўҳтон, иғво

اِفْتِرَائِيٌّ туҳматга (бўҳтонга) оид, иғвогарона; دِعَايَةٌ ~ـــةٌ иғвогарона пропаганда; هَجَمَاتٌ ~ـــةٌ иғвогарлик ҳужумлари

– فَرَّا = فَرَا

– فِرَّةٌ *қар.* فِرًى

– فَرِيٌّ ажойиб, ғайритабиий, кўз кўрмаган; ~ أَمْرٌ ажойиб (ғаройиб) иш

– فِرْيَةٌ *кўп.* فِرًى туҳмат, бўҳтон, ёлғон

– مُفْتَرِيَةٌ *мн.* مُفْتَرِيَةٌ туҳматчи, ёлғончи

– مُفْتَرَيَاتٌ *кўп.* уйдирма; туҳмат, бўҳтон

– مُفَرًّى майдалаб тўғралган

– مَفْرِيٌّ чақилган; الْفُسْتُقُ الْـــ~ чақиб қўйилган писталар; اللَّوْزُ الْـــ~ чақилган бодом

I **فَزَّ** (*а/и*) فَزٌّ 1) қўрқитмоқ, қўрқувга солмоқ; 2) қўрқиб кетмоқ,: 3) ирғимоқ, ирғишламоқ; ирғиб турмоқ; II فَزَّزَ (*асабларни*) таранглаттирмоқ; ضَجِيجٌ يُفَزِّزُ الْأَعْصَابَ асабга тегадиган шовқин; IV أَفَزَّ қўрқитмоқ, қўрқувга солмоқ; қўрқитиб юбормоқ; V تَفَزَّزَ ирғиб туриб кетмоқ; X اِسْتَفَزَّ 1) қўрқитмоқ, қўрқитиб юбормоқ; 2) ундамоқ, қўзғамоқ; сунъий равишда (атайлаб) бирор ножўя иш ёки ҳаракатни ю-зага чиқармоқ, провокация қилмоқ

– اِسْتِفْزَازٌ *кўп* اتٌ ـــ провокация

– اِسْتِفْزَازِيٌّ провокацияга оид, провокацион

– مُسْتَفِزٌّ провокациячи, провокатор

– فَزَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ (*қўрқувдан*) ирғиб туриш, туриб кетиш

I **فَزَرَ** (*у*) فَزْرٌ 1) қазимоқ, кавламоқ; ёрмоқ, ушатмоқ, майдаламоқ; 2) ёрилтирмоқ, ёрилишга мажбур қилмоқ; V تَفَزَّرَ ёрилмоқ, дарз кетмоқ; VII اِنْفَزَرَ = V

– فَزَارَةٌ қоплон

– فَزُورَةٌ *кўп* فَوَازِيرُ топишмоқ, муаммо, бошқотирма

I **فَزِعَ** (*а*) فَزَعٌ 1) қўрқмоқ, даҳшатга тушмоқ; 2) (*к. гадир, н. гадир*) суянмоқ, таянмоқ (إِلَى); II فَزَّعَ 1) қўрқитмоқ, даҳшатга солмоқ (туширмоқ); 2) қўрқувдан халос этмоқ; IV أَفْزَعَ 1) қўрқитмоқ, даҳшатга солмоқ (туширмоқ); ташвишлантирмоқ; 2) ёрдам бермоқ, ёрдам кўрсатмоқ; V تَفَزَّعَ (*бирор н.* дан) қўрққан бўлмоқ; (*н. дандир*) қўрқиб кетган бўлмоқ (مِنْ); VII اِنْفَزَعَ қўрққан (даҳшатга тушган) бўлмоқ; қўрқмоқ

– فَزَّاعَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ қўрқитадиган нарса

– فَزَعٌ[1] *кўп.* أَفْزَاعٌ қўрқув; даҳшат

– فَزَعٌ[2] ёрдам бериш (кўрсатиш)

– فَزِعٌ қўрқоқ, қўрқадиган (*одам ҳақида*)

– فَزْعَانٌ қўрққан, қўрқиб қолган; қўрқоқ

– فَزْعَةٌ *кўп.* فَزَعَاتٌ қўриқчи, қўрғич; қўрқитадиган нарса

– فُزَعَةٌ қўрқоқ

– مُفْزِعٌ даҳшат солувчи; даҳшатли

– مَفْزَعٌ бошпана

– مَفْزَعَةٌ 1) бошпана; 2) қўриқчи, қўрғич

فُسْتَانٌ *кўп.* فَسَاتِينُ аёллар кўйлаги; юбка

فُسْتُقٌ *жам.* писта; الْعَبِيد ~ ерёнғоқ, арахис; شَجَرَةُ الْـ~ писта дарахти, пистазор

– فُسْتُقَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ писта

– فُسْتُقِيٌّ пистага оид; писта рангли, пистоқи

II (фсҳ) فَسَّحَ (*у*) فَسَاحَةٌ кенг (бепоён, поёнсиз) бўлмоқ; فَسَحَ (*а*) فَسْحٌ (*к. гадир, н. гадир*) жой (ўрин) бермоқ (لـ); II فَسَّحَ 1) кенгайтирмоқ, катталаштирмоқ; 2) жой (*ўрин*) бермоқ; 3) ўйнатиб (*сайр қилдириб*) юрмоқ; IV أَفْسَحَ 1) кенг қилмоқ; кенгайтирмоқ; 2) (*н. гадир*) жой (ўрин) бермоқ (لـ); الطَّرِيقَ ~ йўл бермоқ (бўшатмоқ); مَجَالاً لِلتَّلاَعُبِ وَ الْاِخْتِلاَسَاتِ ~ алдаш ва суиистеъмолга кенг имконият бермоқ; V تَفَسَّحَ 1) кенгаймоқ; 2) сайр қилмоқ (*мас., қайиқда*); 3) табиий эҳтиёжни бажармоқ (*ҳожатхонада*); VII اِنْفَسَحَ 1) кенг бўлмоқ; кенгаймоқ; الْمَكَانُ ~ لـ ... (الْمَجَالُ) ... учун жой (имкон) етарли эди; 2) кўнгил очмоқ, сайр қилмоқ

– فَسَاحَةٌ кенглик, бўшлиқ

– فَسَحٌ бўшлиқ

– فُسْحَةٌ паспорт

– فُسْحَةٌ *кўп.* л) очиқ бўшлиқ; кенглик; لـ ... كَانَتْ لَدَيْهِ ~ мин الْوَقْتِ ... учун етарли вақти бор эди; 2) ҳордиқ чиқариш; сайру тамоша; бирор ёққа бориш; экскурсия; сузиш, сайр (*мас., қайиқда*); ذَهَبَ إِلَى الْـ~ сайрга бормоқ; 3) танаффус (*мактабдаги*); 4) *мед* ахлат (*одамники*)

– فَسَحَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) очиқ жой; 2) зал; التِّيَاتْرُو ~ фойе, театр фойэси

– فَسِيحٌ *кўп.* فِسَاحٌ кенг, кенгу мўл; катта, улкан

I (фсҳ) فَسَخَ (*а*) فَسْخٌ 1) бекор қилмоқ, (*савдони, келишувни*) бузмоқ (бекор қилмоқ); 2) йиртмоқ, йиртиб ташламоқ (*матони*); 3) чиқиб қолмоқ (*мас., суяк ҳақида*); فَسِخَ (*а*) فَسْخٌ солмоқ; 2) айнимоқ, бузилмоқ (*ранг ҳақида*); II فَسَّخَ 1) йиртмоқ, майдалаб ташламоқ; 2) кўпга етадиган қилиб тузлаб қўймоқ, тузламоқ (*балиқни*); أُفَسِّخُكَ! сени шундай тузлайинки!; V تَفَسَّخَ парчаланмоқ, бурдаланмоқ, парча-бурон бўлиб кетмоқ; VI تَفَاسَخَ узишмоқ, бузишмоқ, бекор қилишмоқ (*савдони, битимни*); VII اِنْفَسَخَ бекор қилинган (*бузилган*) бўлмоқ; бекор қилинмоқ

– فَسْخٌ бекор қилиш, бузиш; узиш; أَعْلَنَ بِـــ~ الْمُعَاهَدَةَ шартномани бекор қилмоқ (бузмоқ, узмоқ)

– فَسَخَانَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ балиқ тузлаш заводи

– فَسَخَانِيٌّ *кўп.* فَسَخَانِيَّةٌ тузланган балиқ сотувчи; балиқфуруш

– فَسْخَةٌ парча, парча-бурон, лахтак; пайраҳа, майда тараша; бўлак, синиқ

– فَسِيخٌ *жам.* тузланган майда балиқ

– فَسِيخَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ (*бир дона*) тузланган балиқ, селёдка

– مَفْسُوخٌ бекор қилинган, бузилган (*мас., шартнома*)

(фсд) I فَسَدَ (*и*) فَسَادٌ яроқсиз (фасод боғлаган) бўлиб қолмоқ; бузилмоқ, чиримоқ; 2) бузуқ (ахлоқсиз) бўлмоқ; 3) *юр.* қонуний кучга эга бўлмай қолмоқ, бекор бўлмоқ; فَسُدَ (*у*) = فَسَدَ (*у*); II فَسَّدَ бузмоқ; ахлоқсиз қилмоқ; IV أَفْسَدَ бузмоқ; бузуқ қилиб қўймоқ, ахлоқсиз қилмоқ; 3) барбод бермоқ (*режа, иш ҳақида*); (*к. нидир*) уриштирмоқ, (*бирор к.* ўртасига) жанжал уруғини сепмоқ (بَيْنَ); 4) *юр.* қонуний кучдан қолдирмоқ, бекор қилмоқ; VII اِنْفَسَدَ фасодланган (бузилган) бўлмоқ; фасод боғламоқ; бузилмоқ; X اِسْتَفْسَدَ 1) бузишга ҳаракат қилмоқ; 2) издан чиқаришга ҳаракат қилмоқ; (*к. гадир қарши*) гижгижламоқ (عَلَى)

– إِفْسَادٌ 1) фасод; 2) бузилиш, бузуқ бўлиб кетиш

– فَاسِدٌ 1) бузилган; яроқсизланган, ачиган, чириган; بِضَاعَةٌ ~ةٌ ачиган (чириган) товар; 2) ахлоқсиз; бузуқ; аҳмоқ; зараркунанда; 3) *юр.* қонуний кучдан қолган, бекор қилинган

– فَسَادٌ 1) фасод боғлаш, чириш; ачиганлик, бузилганлик, чириганлик; ахлоқсизлик, ахлоқ тушкунлиги; камчилик; 3) порахўрлик; الْـ~ الْإِدَارِيُّ маъмурий порахўрлик; 4) яроқсизлик; 5) *юр.* бекор қилинганлик, қонуний кучни йўқотганлик

– فَسْدَانٌ 1) бузилган, фасод боғлаган; 2) аҳмоқ, бузуқ

– فَسِيدٌ = فَاسِدٌ

– مَفْسَدَةٌ *кўп.* مَفَاسِدُ 1) аҳмоқона иш, бемаъни қилиқ; ҳалокат, офат; зарар, зиён; 2) фитна, қутқу

I فَسَرَ (*у*) فَسْرٌ аниқламоқ, тушунтириб бермоқ, тушунтирмоқ; ◊ ~ الْبَوْلَ сийдикни текширмоқ; II فَسَّرَ тушунтирмоқ, изоҳламоқ, шарҳламоқ; V تَفَسَّرَ изоҳланмоқ, тушунтирилмоқ; X اِسْتَفْسَرَ 1) тушунтириб (изоҳлаб) беришни сўрамоқ; 2) сўров қилмоқ (*парламентдан*); аниқлаб олмоқ; عَنْ صِحَّتِهِ ~ бирор кишининг саломатлигини сўрамоқ

– اِسْتِفْسَارٌ сўров (*парламентдан*)

– تَفْسِرَةٌ 1) шарҳлаш, изоҳлаш, тушунтириш; 2) (*анализ учун олинадиган*) сийдик

تَفْسِيرٌ *кўп.* اتٌ ـــ, تَفَاسِيرُ 1) изоҳлаш, изоҳ, тушунтириш; тафтиш, шарҳ, комментарий; لاَ يُمْكِنُ ~ُـــهُ тушунтириб бўлмайдиган, изоҳлаб бўлмайдиган; الْقُرْآنِ ~ Қуръони карим тафсири; 2) маъно, мазмун

– تَفْسِيرَاتٌ кўп.(*харитага берилган*) изоҳ, тушунтириш, шарҳ

– تَفْسِيرِيٌّ изоҳга (тушунтиришга) оид, тафсирий; مُذَكِّرَةٌ ~ــةٌ тушунтириш хати

– مُفَسِّرٌ муфассир, шарҳловчи, комментатор

فُسْطَاطٌ ёки فُسْتَاطٌ ёки فُسَّاطٌ кўп. فَسَاطِيطُ 1) ҳарбий лагерь; 2) чодир; чодирли дўкон; павильон; ◊ الْـــ~ Фустот, Эски Қоҳира

فُسْطَانٌ кўп. فَسَاتِينُ الْمِينِيُّ وَ الْمِيدِيُّ وَ الْمَاكْسِيُّ, فُسْتَانٌ = мини, миди ва макси кўйлаклар

فُسْفَاتٌ фосфат

فَسْفَسٌ жам. кўп. فَسَافِسُ қандалалар

– فَسْفَسَةٌ кўп. ـَـاتٌ ـــ қандала

– فَسْفُوسَةٌ кўп. فَسَافِيسُ ҳуснбузар, бужама

فُسَيْفِسَاءُ мозаика, мозаикавий иш

فُسْفُورٌ фосфор

– فُسْفُورِيٌّ фосфорга оид, фосфорли; سَاعَةٌ ~ــةٌ (*рақамлари*) йилтиллаб (*нурланиб*) турадиган (фосфорли) соат

I **فَسَقَ** (*у*) ёки فَسُقَ (*у*) فِسْقٌ, فُسُوقٌ 1) (*н. дандир*) чекинмоқ, четга чиқмоқ, юз ўгирмоқ (عَنْ); عَنْ أَمْرِ رَبِّهِ ~ *қур.* ўз рабби (худоси) нинг амридан юз ўгирмоқ; 2) тўғри йўлдан адашмоқ (عَنْ); гуноҳли (ахлоқсиз) иш қилмоқ; бузуқлик қилмоқ, фосиқона ҳаёт кечирмоқ; بِامْرَأَةٍ ~ фаҳш иш қилмоқ; 3) ёриб чиқмоқ; تِ الرُّطَبَةُ ~ хурмо устки пардасини ёриб чиқди; II فَسَّقَ 1) ёлғон деб ҳисобламоқ; рад қилмоқ; 2) (*кўргазмаларни*) рад қилмоқ, қабул қилмаслик; 3) ахлоқсиз (*бузуқ, ҳаром*) деб ҳисобламоқ; *дин.* гуноҳ деб ҳисобламоқ, фосиқ деб ҳисобламоқ

– فَاسِقٌ кўп. فَسَقَةٌ, فُسَّاقٌ 1. 1). фосиқ, ахлоқсиз гуноҳкор; 2) *дин.* гуноҳкор, мункир, динсиз; 2. фоҳишабоз, ахлоқсиз, бузуқ одам

– فِسْقٌ кў-п. فُسُوقٌ 1) фисқ, бузуқлик, ахлоқсизлик; بِإِكْرَاهٍ ~ зўрлаб жинсий алоқада бўлиш, зўрлаш; دَارُ الْـــ~ фоҳишахона; 2) фоҳишабозлик; ахлоқсизлик, бузуқлик, ахлоқсиз иш

– فَسْقِيَّةٌ, فَسَاقِيُّ ـــ ـَـاتٌ кўп. фаввора, фонтан

– فَسَّيِّقٌ доим бузуқлик қилувчи

– فُوَيْسِقَةٌ 1) فَاسِقَةٌ дан кичрайтма от; 2) сичқон

فِسْكِلٌ, فُسْكُلٌ 1. паст, тубан; 2.(*от чопиш*) мусобақасида энг кейин келган от (*мусобақада биринчи етиб келган от* الْمُحَلِّي, *ундан кейинкелгани* الْمُصَلِّي, *ундан кейингиси* الْمُسَلِّي, *кейингиси* التَّالِي, *кейингиси* الْعَاطِفُ, *кейингиси* الْمُرْتَاحُ, *кейингиси* الْمُؤَمَّلُ, *кейингиси* الْحَظِيُّ, *кейингиси* اللَّطِيمُ *ва охиргиси* الْقَاشُورُ السُّكَيْتُ, *ёки* الْفُسْكُلُ *дейилади*)

I **فَسُلَ** (*у*) فُسُولَةٌ 1) паст (тубан, ёмон) бўлмоқ; 2) кучсиз бўлмоқ; 3) паст сифатли бўлмоқ

– فَسْلٌ 1) ёмон, паст; 2) паст навли

– فُسُولَةٌ 1) пастлик. тубанлик; 2) кучсизлик; 3) паст навлилик

– فَسِيلٌ *жам. кўп.* فُسْلَانٌ (*хурмодаги*) бачки шохлар, ёндан ўсиб чиққан шохлар (новдалар)

– فَسِيلَةٌ *кўп.* فَسَائِلُ (*хурмодаги*) бачки шох (новда)

– فَسْلٌ = مَفْسُولٌ

I (*фсо*) **فَسَا** (*у*) فَسْوٌ (*орқадан*) секин дам (ел) чиқармоқ, писиллатмоқ; II فَسَّى тез-тез дам (ел) чиқариб турмоқ

– فُسَاءٌ орқадан чиқадиган дам (ел, газ)

– فَسُوٌّ тез-тез дам (ел) чиқариб турувчи

فِسْيُولُوجِيَا физиология

– فِسْيُولُوجِيٌّ 1. физиологик, физиологияга оид; 2. физиолог

I **فَشَّ** (*а/у*) فَشٌّ 1) (*қулфни*) калитсиз очмоқ; 2) пар чиқармоқ (*паровоз ҳақида*); ◊ الْوَرَمُ ~ шиш қайтди (қайтиб, сўрилиб кетди);(غِلُّهُ, صَدْرُهُ) خُلْقَهُ ~ ўз ғазабини (ичидагини, аламини) кимгадир сочмоқ; II فَشَّشَ (*шишни*) қайтартирмоқ; VII انْفَشَّ 1) қайтмоқ, сўрилиб кетмоқ (*шиш ҳақида*); 2) дами чиқмоқ, дами бўшамоқ; تِ الرِّيحُ مِنَ الزِّقِّ ~ темирчининг босқонидан дам чиқиб кетди

– فَشَّاشٌ томтешар; ўғри

– فَشَّاشَةٌ кўп. ـَـاتٌ ـــ очқич (калит) ни осадиган мослама

– فِشَّةٌ кўп. فِشَشٌ ўпка (*ҳайвонники*)

– فَشُوشٌ муваффақиятсиз чиққан, муваффақиятсизликка учраган, чипакка (пучга) чиққан (*иш ҳақида*)

– مِفَشٌّ мақтанчоқ

I **فَشَخَ** (*а*) فَشْخٌ 1) иккига бўлмоқ, тенг бўлмоқ; 2) катта-катта қадам ташламоқ; 3) тарсаки урмоқ; II فَشَّخَ қувватдан (кучдан, дармондан) кетмоқ

– فَشْخَةٌ кўп. فَشَخَاتٌ катта қадам

I **فَشَرَ** (*у*) فَشْرٌ мақтамоқ, ёлғонламоқ, алдамоқ

– فِشَارٌ ёки فُشَارٌ маккажўхори бодроғи

فَشَّارٌ мақтанчоқ, катта оғиз; алдоқчи

– فَشْرٌ мақтанчоқлик, катта оғизлик; алдоқчилик, ёлғон-яшиқ

فَشَكٌ *жам.* (*милтиқ*) ўқлари; ~ بَيْتُ الْـــ ўқдон, патронташ; الْإِشَارَةِ сигнал бериш учун отиладиган ўқлар

– فَشَكَةٌ кўп. ـَـاتٌ ـــ ўқ, патрон

فَشْكَلَ аралаш-қуралаш қилмоқ, тартибсиз ҳолга келтирмоқ

– فَشْكَلَةٌ тартибсизлик, бошбошдоқлик, чалкашлик

I **فَشَلَ** (*а*) فَشَلٌ 1) руҳан тушиб кетмоқ; 2) муваффақиятсизликка учрамоқ; иши ўнгидан келмайдиган бўлмоқ; 3) муваффақиятсиз бўлмоқ; натижасиз бўлмоқ, чиппакка чиқмоқ; 4) қўрқоқ бўлмоқ, қўрқмоқ; II فَشَّلَ = IV; IV أَفْشَلَ муваффақиятсизликка олиб келмоқ,

бузмоқ, чиппакка чиқармоқ; V تَفَشَّلَ муваффақиятсизликка учрамоқ, муваффақиятсиз бўлмоқ

– فَاشِلٌ 1) чиппакка чиққан, муваффақиятсизликка учраган; 2) муваффақиятсиз, амалга ошмаган; 3) яроқсиз

– فَشْلٌ чиппакка чиқиш, муваффақиятсизлик

– فَشِلٌ *кўп.* أَفْشَالٌ қўрқоқ

I (фшо) **فَشَا** (*у*) فُشُوٌّ тарқамоқ, тарқалмоқ (*миш-миш ҳақида*); IV أَفْشَى тарқатмоқ, ҳаммага эшиттирмоқ, овоза қилмоқ; (*миш-миш*) тарқатмоқ; ... الْأَسْرَارَ إِلَى ~ (*к. гадир*) сирни очмоқ, фош қилмоқ; V تَفَشَّى тарқалмоқ; VII اِنْفَشَى фош этилган (тарқалган) бўлмоқ

– فَاشِيَةٌ *кўп.* فَوَاشٍ адашиб (тарқалиб) юрган ҳайвонлар, пода

– مَفْشِيٌّ фош қилинган, тарқатилган, овоза қилинган

(فصّ) II فَصَّصَ 1) қимматбаҳо тош қўймоқ; қимматбаҳо тошлар билан зийнатламоқ (безатмоқ); 2) пўстини арчмоқ; оқламоқ; 3) (*мевани*) бўлакларга бўлмоқ

– أَفُصٌّ, فُصُوصٌ *кўп.* فِصٌّ, فُصٌّ, فَصٌّ 1) (*узукка ўрнатиладиган*) қимматбаҳо тош; 2) шашқол тоши (*мас., нард ўйинидаги*); 3) бўлак, бурда; مِلْحٍ ~ бир парча туз; مِلْحٍ وَ ذَابَ ~ *маж.* **бирданига йўқ** бўлди-қолди; 4) асосий мазмун (маъно); ◊ نَصٌّ بِنَصِّهِ وَ ~ـــهِ *қар.* نَصٌّ

I **فَصُحَ** (*у*) فَصَاحَةٌ фасоҳатли (чиройли, аниқ гапирадиган) бўлмоқ, чиройли (фасоҳат билан, аниқ) гапирмоқ; IV أَفْصَحَ 1) фасоҳат билан гапирмоқ (тушунтирмоқ, аниқ қилмоқ); (*н. нидир*) аниқ ифодаламоқ, баён қилмоқ (عَنْ); 2) (*н. нидир*) овоза қилмоқ (ب); 3) пасхани байрам қилмоқ (*яҳудийлар ва христианларда*); V تَفَصَّحَ фасоҳатли бўлмоқ; VI تَفَاصَحَ 1) фасоҳатли бўлишга уринмоқ; 2) фасоҳатда мусобақалашмоқ

– أَفْصَحُ *мн.* فُصْحَى 1) фасоҳатли; 2) энг тўғри; اللُّغَةُ الْعَرَبِيَّةُ الْفُصْحَى классик *ёки* адабий араб тили

– تَفَاصُحٌ фасоҳатдаги чираниш (зўриқиш)

– فَصَاحَةٌ фасоҳат, чиройли гапириш; нутқнинг тўғрилиги

– فِصْحٌ[1] очиқ, булутсиз (*кун ҳақида*)

– فِصْحٌ[2] пасха (*яҳудийлар ва христианларда диний байрам*)

– فَصِيحٌ 1. 1) фасоҳатли, фасиҳ, чиройли; 2) адабий; 2. *кўп.* فُصَحَاءُ фусаҳо, чиройли гапирадиган одам

– مُفْصِحٌ 1) фасоҳатли, чиройли (*тил ҳақида*); 2) очиқ, булутсиз (*кун ҳақида*)

I **فَصَدَ** (*и*) فَصْدٌ вена қон томирини кесмоқ, қон олмоқ; V تَفَصَّدَ оқмоқ; (بِالْعَرَقِ) جَبِينُهُ عَرَقًا ~ унинг пешонасидан тер оқиб кетди; VII اِنْفَصَدَ 1) қон оқмоқ (оқиб турмоқ); 2) ўзидан қон олдиртирмоқ; VIII اِفْتَصَدَ ўз вена қон томирини кесмоқ, қон олмоқ

– فِصَادٌ қон олиш

– فِصَادَةٌ вена қон томирини кесиш, қон олиш, қон олдириш; ◊ ~ أَبُو *зоол.* жиблажибон (*қуш*)

– فَصْدٌ 1) қон олиш, қон олдириш; 2) томирни кесиш (қирқиш)

– مِفْصَدٌ *кўп.* مَفَاصِدُ ланцет (*дудама, жарроҳлар ништари*)

I **فَصَعَ** (*а*) فَصْعٌ 1) сиқмоқ, сиқиб чиқармоқ; 2) пўстидан ажратиш учун сиқмоқ; الرُّطَبَةُ ~ хурмони пўстидан ажратиш учун эзмоқ; VII اِنْفَصَعَ сиқтирмоқ

فُصْفَاتٌ фосфат

فَصْفَرَ фосфоресценцияланмоқ (*қоронғида нурланиб, нур сочиб турмоқ*)

– فُصْفُورٌ фосфор

– فُصْفُورِيٌّ фосфорли, фосфорга оид; ~ ضِيَاءٌ фосфоресценция (*қоронғида нурланиш, нур сочиб туриш*)

فِصْفِصَةٌ йўнғичқа; беда

– فَلَاةٌ *кўп.* فَلًا саҳро, чўл, биёбон

– فِلْوٌ *мн.* فَلْوَةٌ = فُلُوٌّ

– فَلْوٌ *кўп.* أَفْلَاءٌ тойчоқ; ҳўтик

– فُلُوٌّ = فِلْوٌ

فُلُورٌ *кимё* фтор

تَفَلْوَرَ флюороскоп (*рентген аппарати*) орқали суврат олмоқ (*мас*, ўпканинг сувратини)

– تَفَلْوُرٌ флюороскоп орқали суврат олиш

فُلُورِينٌ флорин (*қадимги Италия ва ҳозирги Нидерландияда пул бирлиги*)

I **فَلَى** (*u*) فَلْيٌ 1) майда ҳашарот (паразит)ларни қидирмоқ (изламоқ); 2) ков-ков қилмоқ; диққат-эътибор билан қараб чиқмоқ; اَلشَّعْرَ ~ шеърнинг маъносини ечмоқ, шеърнинг қийин жойларига изоҳ бермоқ; II فَلَّى майда ҳашарот (паразит)ларни изламоқ (қидирмоқ); V تَفَلَّى майда ҳашарот (паразит)лардан қутулмоқ, ўзидан майда ҳашарот (паразит)ларни изламоқ; VIII اِفْتَلَى яхшилаб қараб чиқмоқ (изламоқ, ков-ков қилмоқ)

– فَالِيَةٌ 1) пистон (*милтиқдаги*); 2) гўнгқумалатар қўнғизи

– فُلَيَّا *бот.* ялпиз

– فُلَيَّةٌ = فُلَيَّا

– فُلَيْوِنٌ кичкина бут, бутча

– فِلْيَارٌ *кўп.* اتٌ ـــ тўп (*мас.*, пахта тўпи)

فَمٌ, فُمٌّ *кўп.* أَفْمَامٌ 1) оғиз; ~ اَلـــ ضَحِكَ مِلْءَ оғиз тўлдириб кулмоқ; ~ـــكَ لِبَابِ اَلسَّمَاءِ! *мтл.* қани, сен (сиз) айтгандек бўлса, сен (сиз) айтгандек бўлса, яхши бўларди, оғзингга шакар; 2) мансаб; ~ اَلنَّهْرِ дарё мансаби; ~ اَلتُّرْعَةِ каналнинг бошланиши; 3) тешик, оғиз; кириш, бошланиш; ~ اَلْبُنْدُقِيَّةِ милтиқнинг оғзи; ~ اَلْوَادِي водийга кириш, водийнинг бошланиши; ~ اَلسِّجَارَةِ мундштук; ~ اَلْمِعْدَةِ биқин, биқин чуқурлиги; ◊ ~ اَلْحُوتِ *астр.* Фомальгаут

– فَمِيٌّ, فَمَوِيٌّ 1) оғзаки; 2) оғизга оид; *фон.* сирғадувчи (اَلرَّاءُ, اَللَّامُ *ундошлари ҳақида*)

فَنَّنَ (فنّ) II 1) ҳархилламоқ, турли-туман қилмоқ; 2) таснифламоқ; 3) аралаштирмоқ; V تَفَنَّنَ 1) усталик (маҳорат)ни ишга солмоқ, топқирлик қилмоқ; 2) (*бирор н. да*) мутахассис бўлмоқ (فِي); VIII اِفْتَنَّ (*н. дадир*) санъат (маҳорат) кўрсатмоқ (فِي)

– أَفَانِينُ *кўп.* أُفْنَانٌ *дан*

– اِفْتِنَانٌ касб маҳорати; касбдаги санъаткорлик

– أُفْنُونٌ *кўп.* أَفَانِينُ новда, новда чиқариш

– تَفَنُّنٌ усталик, маҳорат; устамонлик; топқирлик; касб маҳорати

– فَنٌّ *кўп.* أَفْنَانٌ 1) соҳа, бўлим, тармоқ, шўъба; 2) турли-туманлик; أَفَانِينُ اَلْكَلَامِ اَلْحَلْوَى турли-туман ширинликлар; أَفَانِينُ اَلْكَلَامِ турли-туман гап сўзлар (фикр-мулоҳазалар)

– فُنُونٌ *кўп.* 1) санъат, маҳорат; (اَلرَّفِيعَةُ) اَلْفُنُونُ اَلْجَمِيلَةُ нафис санъатлар; ~ اَلـــ لِلـــ санъат, санъат учун; ~ اَلـــ اَلتَّجْرِيدِيُّ абстракт санъат; ~ اَلـــ اَلزُّخْرُفِيُّ декоратив санъат; ~ رُكُوبِ اَلْخَيْلِ чавандозлик санъати; ~ اَلـــ اَلْكَلَامِيُّ *ёки* اَلْكَلَامِ чиройли (гўзал) гапириш санъати, сўзлаш санъати; ~ سَوْقِ اَلْجُيُوشِ стратегия санъати; 2) эркин касб; 3) фан, илм; دَارُ اَلْفُنُونِ дорилфунун, университет; 4) техника; 5) бўлим, шўъба, тармоқ; فُنُونُ اَلْعِلْمِ фан (илм) тармоқлари

– فَنَّانٌ артист; рассом; санъаткор, санъат устаси

– فَنَّانَةٌ артистка; рассом аёл; санъаткор аёл

– فَنٌّ *кўп.* أَفْنَانٌ соҳа, тармоқ, шўъба

– فَنِّيٌّ 1. 1) бадиий; 2) артистликка оид; 3) уста, моҳир, маҳоратли; ~ عَامِلٌ моҳир ишчи; 4) техникага оид, техник; 2. 1) артист; 2) мутахассис

– فَنِّيَّةٌ 1) техника, техник томон; 2) бадиийлик, бадиий томон (*мас., асарда*)

فَنَارٌ *кўп.* ـــ اتٌ, فَنَانِيرُ фонар, фонус, чироқ; маёқ, маяк; ~ اللَّاسِلْكِيُّ радиомаяк

فِنْجَالٌ *кўп.* فَنَاجِيلُ пиёла, стакан

فِنْجَانٌ *кўп.* ـــ اتٌ, فَنَاجِينُ пиёла, стакан; ~ وَ الصَّحْنُ ликопчали пиёла (стакан); ◊ ~ فِي (زَوْبَعَةٍ) عَاصِفَةٌ арзимаган сабаб билан бўладиган ғавғо (можаро, жанжал)

فَنْجَرَ 1) ҳайратланиб ёки аччиқланиб қарамоқ; 2) саховат кўрсатмоқ; يُصَرِّفُ وَ يُفَنْجِرُ исрофгар; تَفَنْجَرَ 1) фахрланмоқ; 2) сахий (саховатли) бўлмоқ

– فَنْجَرَةٌ 1) ҳайрат, ҳайрон бўлиш, 2) сахийлик, саховат

– فَنْجَرِيٌّ1 сахий, саховатли

– فَنْجَرِيٌّ2 *кўп.* فَنَاجِرَةٌ чавандоз, жокей

فَنْجَلَ каловланиб (оқсоқланиб, судралиб, зўрға) юрмоқ

I فَنَخَ (*а*) فَنْخٌ (*ваъдани*) бузмоқ, сўзи устидан чиқмаслик;(*шартнома, битимни*) бекор қилмоқ

I فَنَدَ (*а*) فَنْدٌ 1) алдамоқ, ёлғон гапирмоқ; II تَفْنِيدٌ 1) рад қилмоқ, нотўғри деб топмоқ; 2) қаттиқ танқид қилмоқ; IV أَفْنَدَ = II; V تَفَنَّدَ рад қилинмоқ

– فَنْدٌ 1) ёлғончилик; 2) қариликда хотиранинг ёмонлашиши

فَنْدَقَ катта очмоқ (*мас., эшикларнинг*)

– فُنْدُقٌ *кўп.* فَنَادِقُ меҳмонхона, отель

– فُنْدُقِيٌّ меҳмонхонага оид

فَانُوسٌ *алиф. б, қар.*

(فنش) II فَنَّشَ диккаймоқ, хурпаймоқ; чиқиб турмоқ, диккайиб турмоқ

(فنط) II فَنَّطَ аралаштирмоқ (*картани*)

فِنْطَاسٌ *кўп.* فَنَاطِيسُ қопқоқли кўвача; кўза; бак; хум

– فِنْطِيسٌ бурни пачоқ (*мас., одам*)

– فِنْطِيسَةٌ *кўп.* فَنَاطِيسُ даҳан, тумшуқ, оғиз

– فَنْطَاسِيَّةٌ тамоша, тантана

فُنُغْرَافٌ фонограф; граммофон; ~ أُسْطُوَانَةُ الْـ граммофон пластинкаси

I فَنَقَ (*и*) فَنْقٌ бой-бадавлат бўлмоқ, бой-бадавлат ҳаёт кечирмоқ; V تَفَنَّقَ = I

فَنَلَّةٌ фланель (*ипдан ёки жундан тўқилган енгил мато*)

فَنَكٌ фанак (*тулкилар оиласига кирувчи ҳайвон*)

– فَنِيكٌ жағнинг қулоқ томонидаги чети; إِذَا تَوَضَّأْتَ فَلَا تَنْسَ الْفَنِيكَيْنِ таҳорат қилганингда, жағнинг икки томонини унутма

فَنِيَ (*а*) فَنَاءٌ 1) ҳалок бўлмоқ, ҳалокатга учрамоқ; фано бўлмоқ; чиримоқ; لَا يَفْنَى а) абадий, ўлимни билмайдиган; б) тубсиз, тугамайдиган, тамом бўлмайдиган; 2) йўқолмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ; IV أَفْنَى йўқ қилмоқ, йўқотмоқ, ҳалок қилмоқ, фано қилмоқ; VI تَفَانَى 1) садоқат кўрсатмоқ; (*н. дадир*) ғоят катта ғайрат (фидойилик) кўрсатмоқ (فِي); 2) бир-бирини йўқотишмоқ

– تَفَانٍ садоқат; фидойилик; ғоят катта ғайрат; ~ بِـ фидойилик билан

– فَانٍ *мн.* فَانِيَةٌ 1) эски, қадимги, эскириб кетган; 2) қари; ~ شَيْخٌ қари чол; 3) ўткинчи; доимий (абадий) бўлмаган; фоний; الْفَانِيَةُ фоний (ўтар) дунё; تَجَاوَزَ هَذِهِ الْفَانِيَةَ фоний дунёни тарк этмоқ, ўлмоқ

– فَنَاءٌ 1) ўлиш, сўниш; ҳалокат; фано бўлиш; 2) йўқлик, адамлик; фано (*суфийликда*); 3) ўткинчилик, фанолик; ◊ دَارُ الْـ ~ дорулфано, ўткинчи (фоний) дунё

– فِنَاءٌ *кўп.* أَفْنِيَةٌ 1) кенглик, фазо; 2) *шунингдек:* ~ الدَّارِ ҳовли

فُنَّارٌ *кўп.* ـــ اتٌ қандил, катта шамдон, чилчироқ

– فِنِيقِيٌّ1. Финикияга оид; 2. финикиялик

فِنِيكٌ *кимё.* фенол; ~ حَامِضُ الْـ карбол кислотаси

I فَهَّ *ёки* فَهِهَ (*а*) فَهَهٌ, فَهَاهَةٌ 1) кучсиз (мадорсиз) бўлмоқ; 2) тили келишмайдиган бўлмоқ; тутилиб-тутилиб сўзлашмоқ; ёмон гапирмоқ (*нотиқ ҳақида*)

– فَهَاهَةٌ 1) кучсизлик, мадорсизлик; 2) тили келишмаслик, тутилиб-тутилиб сўзлашиш; ёмон гапириш, чиройли гапира олмаслик

– فَهَّةٌ нутқдаги хато

I فَهِدَ (*а*) فَهَدٌ арслонга ўхшаб кўп емоқ ва ухламоқ

– فَهْدٌ *кўп.* فُهُودٌ, أَفْهَادٌ 1) гепард, чита (*йиртқич ҳайвон*); ов қоплони; 2) ёввойи мушук

فَهْرَسَ 1) (*китобга*) кўрсаткич (мундарижа) қўймоқ; 2) рўйхат тузмоқ

– فِهْرِسٌ *кўп.* فَهَارِسُ 1) кўрсаткич, рўйхат; алифболи кўрсаткич; мундарижа; 2) каталог

– فَهْرَسَةٌ 1) кўрсаткич (мундарижа) қўйиш; 2) рўйхат тузиш

– فِهْرِسْتٌ кўрсаткич

– فِهْرِسِيَّةٌ библиография

I فَهِقَ (*а*) فَهَقٌ тўлиб-тошмоқ (*идиш ҳақида*)

– فَاهِقٌ оғир (*ғам ҳақида*)

– فَهْقَةٌ *кўп.* فِهَاقٌ *анат.* бош суягига қапишиб турадиган бўйин умуртқасининг биринчи бўғини (*атлант*)

فَهْلَوَةٌ 1) чаққонлик, усталик; 2) хушчақчақлик, тийраклик

– فَهْلَوِيٌّ[1] *мар.* паҳлавийларга оид; اللُّغَةُ ~ паҳлавий тили; паҳлавий

– فَهْلَوِيٌّ[2] 1) чаққон, уста; 2) хушчақчақ, тийрак

I فَهِمَ (*а*) فَهْمٌ 1) фаҳмламоқ, тушунмоқ; 2) билмоқ, эпламоқ, қила олмоқ; II فَهَّمَ фаҳмлатмоқ, тушунтирмоқ; изоҳлаб бермоқ; IV أَفْهَمَ фаҳмлатмоқ, тушунтириб бермоқ; V تَفَهَّمَ яхши фаҳмламоқ, тушунтирмоқ; аъло даражада билмоқ; тушуниб (фаҳмлаб) олмоқ; VI تَفَاهَمَ 1) ўзаро тушунишмоқ, бир-бирини тушунишмоқ; 2) (*к. биландир*) ўзаро шартлашилмоқ, тил бириктирмоқ (مَعَ); VII اِنْفَهَمَ тушунилган бўлмоқ; X اسْتَفْهَمَ (*к. ёки н. нидир*) сўрамоқ, сўраб олмоқ, хабардор бўлмоқ (عَنْ)

– اسْتِفْهَامٌ *кўп* ـَاتٌ 1) сўров, маълумотнома; 2) сўроқ; عَلَامَةُ الـ~ сўроқ аломати; اسْمُ الـ~ сўроқ олмоши; حَرْفُ الـ~ сўроқ юкламаси

– اسْتِفْهَامِيٌّ сўроққа (саволга) оид

– أَفْهَمُ ҳаммадан яхши фаҳмловчи (тушунувчи); тезфаҳм, фаросатли

– تَفَاهُمٌ 1) бир-бирини тушуниш, ўзаро тушуниш; حُسْنُ الـ~ бир бирини яхши тушуниш; келишиш; سُوءُ الـ~ тушунмаслик, бир-бирини тушунмаслик; 2) келишув

– فَهَّامَةٌ серфаросат, фаросати кучли одам

– فَهْمٌ *кўп.* أَفْهَامٌ 1) фаҳм, фаросат; тушуниш; سُوءُ الـ~ нотўғри тушуниш; 2) фаросатлилик, фаҳмлилик; 3) ақл, фаросат; 4) билиш, эплаш

– فَهِيمٌ = فَهِمٌ

– فَهِيمٌ *кўп.* فُهَمَاءُ ақлли, фаросатли; зеҳнли

– مَفْهُومٌ 1. 1) тушуниладиган, фаҳмланадиган; тушунилган, фаҳмланган; غَيْرُ ~ тушунилмаган, фаҳмланилмаган; 2) англанадиган; وَ الـ~ أَنَّ ... шуни фаҳмлаш (тушуниш) мумкинки ...; тушунарлики, ...; 2) *кўп.* مَفَاهِيمُ тушунча, концепция; عَنِ الْعَالَمِ ~ дунёқараш, дунёни тушуниш

– مَفْهُومِيَّةٌ 1) тушуниш; 2) тушунганлик, фаҳмланганлик; مَعَ ~ أَنَّ ... ...ганлиги тушунарли; тушунарлидирки, ...

فُو (*кар. кел.* فِي; *туш. кел.* فَا) оғиз (*сол.* فُوهٌ)

فُوبٌ *савдо.* фоб (*денгиз орқали юк ташиш бўйича битим турларидан бўлиб, унга кўра сотувчи юкни кемага олиб келиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади*)

فُوبِيَا *мед.* фобия, сабабсиз қўрқув касаллиги

I (فوت) فَاتَ (*у*) فَوْتٌ, فَوَاتٌ 1) ўтиб кетмоқ, йўқ бўлмоқ; أَوَانُهُ ~ эскириб қолмоқ; ~ لَكِنَّ الْوَقْتَ كَانَ قَدْ وَ аммо энди вақт қўлдан берилган эди; ◊ مَا ~ مَا *мтл.* қор ёғиб, излар босилди; 2) ўтиб кетмоқ, унутилмоқ; ~ تْهُ الْكَلِمَةُ у сўзни тушунолмай қолди; لاَ تَتْرُكِ الْفُرْصَةَ تَفُوتُكَ! қулай фурсатни қўлдан берма; 3) орқада қолдирмоқ; ... إِلَى نُشِيرَ أَنْ لاَ يَفُوتُنَا وَ биз албатта ...га ишора қиламиз; ~ نِي أَنْ أَذْكُرَ мен поездга кеч қолдим; ~ نِي мен унутибман, менинг эсимдан чиқиб қолибди; II فَوَّتَ 1) кетишга (ўтишга) мажбур қилмоқ ёки рухсат бермоқ; ... عَلَيْهِ مَعْرِفَةَ هَذَا ~ ... бу уни ...ни билиш имкониятидан маҳрум қилди; 2) йўқотмоқ; вақт йўқотмоқ; الْوَقْتَ ~ қулай фурсатни йўқотмоқ; 3) кеч қолиш сабабчиси бўлмоқ; IV أَفَاتَ қўлдан бермоқ, йўқотмоқ, VI تَفَاوَتَ тафовутланмоқ, фарқланмоқ; дифференциялашмоқ; VIII افْتَاتَ 1) ўйлаб чиқармоқ, тўқиб чиқармоқ; 2) бузмоқ (*мас. қонунни-* عَلَى); 3) = I, 4) (*к. нинадир устидан*) ҳукм чиқармоқ (عَلَى); ~ عَلَى زَيْدٍ فِي الْأَمْرِ у Зайд устидан ҳукм чиқарди; ◊ زَيْدٌ لاَ يُفْتَاتُ عَلَيْهِ Зайднинг буйруғисиз ҳеч нарса амалга ошмайди

– إِفْتِيَاتٌ 1) ўйлаб (тўқиб) чиқариш; 2) бузиш (*мас , қонунни-* عَلَى)

– تَفَاوُتٌ тафовут, фарқ; дифференциация

– فَائِتٌ 1) ўтиб бораётган; ўтмишдаги, олдинги; فِي الْخَمِيسِ الـ~ ~ олдинги пайшанбада; فِي اللَّيْلَةِ الـ~ кеча кечқурун; 2) ғайритабиий; ~ الْحُسْنِ ғайритабиий ҳусн (чирой); ◊ عَلَى الـ~ йўл-йўлакай

– فَائِتَةٌ (*бирор*) ўткинчи нарса; ~ لاَ تُفُوتُهُ унинг олдидан (ёнидан) ҳеч ким билинтирмай ўтиб кетолмайди

– فَوَاتٌ ўтиб кетиш, ўтиш; مَوْتُ الـ~ тўсатдан келган ўлим; الْفُرْصَةَ ~ لَكِنْ بَعْدَ هَرَعْتُ إِلَيْهِ وَ мен унинг олдига югуриб келдим, лекин энди кеч бўлган эди

– فَوْتٌ 1) ўтиш, кетиш, ўтиб кетиш; 2) *кўп.* أَفْوَاتٌ оралиқ, масофа, дистанция

– فُوَيْتٌ ғалати феълли, ўзбошимча; тентакнамо

– مُتَفَاوِتٌ ажралиб турадиган; ҳар хил, турли-туман

فُوتْبُولٌ футбол

فُوتُوغْرَافِيَا фотография

– فُوتُوغْرَافِيٌّ фотографияга оид; ~ صُورَةٌ фотографик суврат, фотосуврат

فُوتُونٌ *кўп.* ـَاتٌ — *физ.* фотон

– فُوتُونِيٌّ *физ.* фотонга оид; ~ مُحَرِّكٌ фотон двигатели

فُوتَيْلٌ кресло

فَوْجٌ *кўп.* أَفْوَاجٌ, فُوُوجٌ гуруҳ; оламон; أَفْرَادًا وَ أَفْوَاجًا битта-битта ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб; 2) смена; 3) *ҳарб.* полк, батальон (*Ироқда*)

I (فوح) فَاحَ (*у*) فَوْحٌ, فَوَحَانٌ тарқалмоқ, келмоқ (*ҳид ҳақида*)

– فَوَّاحٌ муаттар ҳид тарқатадиган; муаттар ҳид тарқатувчи

– فَوْحٌ ҳид тарқалиши; ~ طَيِّبُ الـ~ яхши (ёқимли) ҳидли

I (خ و ف) فَاخَ (*у*) فَوَخَانٌ 1) овоз чиқариб эсмоқ (*шамол ҳақида*); 2) орқадан ел чиқармоқ; IV أَفَاخَ = I 2)

فَوْدٌ *кўп.* أَفْوَادٌ 1) чаккадаги соч, гажак; 2) чакка

فُودْكَا водка

I (ف و ر) فَارَ (*у*) فَوْرٌ, فَوَرَانٌ қайнамоқ, қайнаб турмоқ, қайнаб чиқиб турмоқ (*сув ҳақида*); دَمُهُ ~ *маж. у қайнаб кетди; II* فَوَّرَ 1) қайнатмоқ, қайнатиб турмоқ, қайнатиб чиқариб турмоқ (*сув ҳақида*); 2) ғашга тегмоқ; ◊ اَلْخَادِمَ ~ ходимни (хизматкорни) ишдан бўшатмоқ; IV أَفَارَ қайнатмоқ

– فَائِرٌ қайнаётган, қайнаб тошаётган; отилиб чиқиб турган (*сув ҳақида*); ~ُهُ فَارَ аччиқланмоқ

– فَأْرٌ, فَارَةٌ = فَأْرٌ

– فَوَّارٌ 1) қайнаб чиқиб турган, қайнаётган; кўпикли, биқиллаётган (*вино ҳақида*); 2) аччиғи тез чиқадиган

– فَوَّارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ фаввора, фонтан; ~ مَاءٍ حَارٌّ гейзер (*отилиб чиқиб турадиган иссиқ сув*)

– فُوَارَةٌ қозонда қайнаб турган нарса

–فَوْرٌ қайнаш; ◊ ~ـــهِ مِنَ الْـــ عَلَى ёки тез, тўхтовсиз; ~ـــهِ مِنْ ёки ўша ондаёқ; فَوْرَهُ ...дан кейинок; ~ا шу ондаёқ, тезда, тўхтовсиз

– فَوَرَانٌ қайнаш, қайнаб туриш; ~ الدَّمِ *маж.* ғазаб

– فَوْرَةٌ ёниш, кучайиб кетиш (*ғазаб ҳақида*), ёниқлик; مِنَ ~ الضَّحِكِ тинмай кулавериш, кулги тутқаноғи

– فَوْرِيٌّ тўхтовсиз, тезда бўлишликка оид; кечиктириб бўлмайдиган

فُورْشِينَةٌ = فُورْشِينَةٌ

فُورْمَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) форма; ~ـــ هُوَ خَارِجَ الْـــ *спорт.* у формада эмас; 2) қолип, шон (*этикдўзликда*)

فُورْقَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ фабрика

I (ف و ز) فَازَ (*у*) فَوْزٌ 1) муваффақият қозонмоқ; (*к. нидир*) енгмоқ, (*к. дандир*) устун келмоқ (عَلَى); (*н. нидир*) қўлга киритмоқ (ب); ~ بِالْمَرْتَبَةِ الْأُولَى فِي الْمُبَارَاةِ *спорт.* мусобақада биринчи ўринни олмоқ (эгалламоқ); ~ عَلَيْهِ بِالنُّقَطِ *спорт.* очколар бўйича ғалаба қозонмоқ; ~ بِتَثْبِيتِ الْكَتِفَيْنِ *спорт.* икки елкасини ерга теккизмоқ; 2) (*н. ғадир*) эришмоқ (ب); (*н. нидир*) олмоқ (ب); ~ فِي الْيَانَصِيبِ ـــ... лотереяда (*н. нидир*) ютмоқ; 3) (*н. дандир*) қутулмоқ, қутулиб қолмоқ (مِنْ); ~ مِنَ الْمَكْرُوهِ ёқимсиз (макруҳ) нарсалардан эҳтиёт бўлмоқ; 4) ҳалок бўлмоқ, ўлмоқ; II فَوَّزَ чўл (саҳро)да саёҳат қилмоқ; IV أَفَازَ ғалаба билан таъминламоқ, ютуқ келтирмоқ

– فَائِزٌ 1. 1) ғолиб, ғалаба қилувчи; 2) муваффақиятли; 2. ғолиб, музаффар

– فَوْزٌ 1) ғалаба, зафар; триумф; муваффақият; 2) қутулиш

– مَفَازَةٌ *кўп.* مَفَاوِزُ 1) чўл, саҳро; 2) қўрқ ер

فُوسْفَاتٌ *кимё.* фосфат, фосфор кислотаси тузи; ~ سُوبَرْ суперфосфат

– فُوسْفَاتِيٌّ ~ـــةٌ фосфатга оид; ~ مُحْصِبَاتٌ фосфатли ўғитлар

فُصْفُورٌ = فُوصْفُورٌ

II (ف و ض) فَوَّضَ (*н. ғадир*) вакил қилмоқ, ваколат (ҳуқуқ) бермоқ (إِلَى ,ـــ); III فَاوَضَ (*к. биландир н. ҳақдадир*) музокара юритмоқ (مَعَ ,فِي); VI تَفَاوَضَ ўзаро музокара олиб бормоқ (юритмоқ)

– تَفْوِيضٌ 1) ваколат (ҳуқуқ) бериш; 2) вакиллик, ишонч билдириш; ~ُ الـــ مُطْلَقُ чекланмаган ваколат эгаси

– فَوْضَوِيٌّ 1. анархияга оид; 2. анархия тарафдори, анархист

– فَوْضَوِيَّةٌ 1) анархия (*ҳар қандай тартибни инкор этиш*); 2) анархизм

– فَوْضَى анархия; ~ فِي الْإِنْتَاجِ ишлаб чиқариш анархияси

– مُفَاوِضٌ музокара олиб бораётган томон

– مُفَاوَضَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ музокара

– مُفَوَّضٌ 1. ваколат олган; ваколатли, ~ الْوَزِيرُ الْـــ ваколатли вазир; 2. ~ السَّامِي الْـــ комиссар; олий комиссар

– مُفَوَّضِيَّةٌ 1) мухтор вакиллик; 2) комиссариат

فُوطَةٌ *кўп.* فُوَطٌ 1) *шунингдек:* ~ الْمَدْرَسَةِ фартук; 2) фўта, белбоғ; ~ السُّفْرَةِ ёки ~ الْأَيْدِي дастрўмол, салфетка, кичик сочиқ, сочиқча; ~ الْوَجْهِ сочиқ; ~ الْحَمَّامِ ҳаммом сочиғи

فَوْعَةٌ 1) муаттар бўй (ҳид); 2) куч, қувват; авж, яшнаганлик, гуллаб турган пайт; ~ السَّمِّ кучли заҳар; ~ الشَّبَابِ ёшликнинг гуллаб турган пайти; ~ النَّهَارِ куннинг ўртаси, авжи

فُوفٌ *кўп.* أَفْوَافٌ 1) (*тирноқдаги*) оқ доғ; 2) (*дондаги*) пўст; 3) ғунча

– مُفَوَّفٌ оқ ёли бор; ола-була; ~ بُرْدٌ оқ йўлли матодан тикилган чопон

I (ف و ق) فَاقَ (*у*) فَوَقَانٌ, فَوْقٌ 1) (*бирор н. дан*) устун бўлмоқ, (*бирор ч. нинг*) устида (тепасида, юқорисида) бўлмоқ; 2) ортиқ (устун) келмоқ; ~ـــهُ عُدَّةً وَ عَدَدًا *ҳарб.* ҳам миқдор, ҳам қуролланиш жиҳатидан (*к. дандир*) устун бўлмоқ; 3) (*касалликдан сўнг*) ўзига келмоқ, ранги-рўйи яхшиланиб қолмоқ; 4) ҳиқичоқ тутмоқ; ◊ ~ بِنَفْسِهِ олмоқ; II فَوَّقَ 1) ҳушига келмоқ; 2) уйғотмоқ; 3) (*бирор н. ни*) эсига солмоқ (إِلَى); 4) (*н. нидир н. дандир*) устун (афзал) кўрмоқ (عَلَى); IV أَفَاقَ 1) ўзига келмоқ, ҳушига келмоқ; 2) уйғонмоқ; 3) тузалиб қолмоқ; 4) уйғотмоқ; 5) (*н. дандир*) ўзига келтирмоқ (مِنْ); V تَفَوَّقَ (*к. дандир*) устун келмоқ (عَلَى);(ўз қобилияти билан) ажралиб

турмоқ; VIII اِفْتَاقَ камбағаллашмоқ, қашшоқлашмоқ; X اِسْتَفَاقَ 1) ўзига келмоқ, ҳушига келмоқ; 2) уйқудан уйғонмоқ

– أَفَاوِيقُ *кўп.* أُفْوَاقٌ *дан*; 1) (*осмонда бўлиб, булутга айланиб, сўнг ёмғир сифатида ёғадиган намлик; 2) кўч. м.* ҳасрат; سَكَبَ هَذَا فِي قَلْبِهِ ~ الْوَجْدِ бу унинг қалбини севгига лиммо-лим қилди

– إِفَاقَةٌ 1) ортиқлик, устунлик; кўплик; *шунингдек: шахм.* қўли баландлик; ~ تَحْقِيقُ الْبَرْنَامَجِ بِـ режа (план)ни ортиғи билан бажармоқ; ~ كَسَبَ *шахм.* қўли баланд бўлиш имкониятини олмоқ; 2) ажралиб туриш; юксак сифат, ажойиб маҳорат; иқтидорлилик, талантлилик

– فَائِقٌ 1) юксак; катта; баланд, буюк; ортиқ даражада; ~ الْحَدِّ ҳаддан ташқари; ~ الطَّبِيعَةِ ғайритабиий; ~ الْوَصْفِ таърифдан ташқари; ~ الْاِحْتِرَامِ марҳамат қилиб, менинг алоҳида эҳтиромимни қабул қилгайсиз (*одатда мактуб охирига шундай деб ёзиб қўйилади*); 2) ғоят яхши, аъло даражадаги, ажойиб; 3) ақли-ҳуши жойида; ҳушёр

– فَاقَةٌ қашшоқлик, камбағаллик, фақирлик; ~ أَهْلُ الْـ қашшоқ (камбағал) одамлар, фақирлар

– فُوَاقٌ[1] ҳиқичоқ; ~ الْمَوْتِ ўлим олдидаги хириллаш

– فُوَاقُ[2] 1) сигирни икки соғиш ўртасидаги вақт; 2) сигир соғишда кафтни очиш билан елини ушлаб қисиш ўртасидаги вақт; أَمْهِلْنِي قَدْرَ ~ الْحَالِبِ! менга озгина фурсат бергил!

– فَوْقَ 1) устида; ~ـهُ унинг устида; 2) ...да; ~ الْجُدْرَانِ эълон деворларда; ~ صَفَحَاتِ الْجَرَائِدِ газеталар саҳифаларида; 3) ...дан ортиқ, ...дан ташқари; ~ الْحَدِّ ҳаддан ортиқ, ҳаддан ташқари; ~ الصِّفْرِ нолдан баланд; ~ الرِّيحِ шамол келаётган тарафдан; ~ الْعَادَةِ фавқулодда, ғайритабиий; ~ مُتَنَاوَلِ الظُّنُونِ وَ الشُّبُهَاتِ ҳеч қандай шак-шубҳасиз; ~ صَوْتِيٌّ товушдан тез; ~ الْوَطَنِيِّ миллатчиликдан юқори бўлган; ~ تَأَمَّلَهُ مِنْ لَتَحْتَ кимнидир бошдан-оёқ текширмоқ; ~ وَضَعَ مَصَالِحَهُ مَصَالِحِ الشَّعْبِ ўз шахсий манфаатларини халқ манфаатларидан устун қўймоқ; 4) катта; ...дан катта, ...дан ортиқ; кўпроқ; ~ التِّسْعَةِ الْعَشَرَةُ ўн тўққиздан катта; ~ اِنْقِيَادُهُ لَهَا اِنْقِيَادُهُ لَهُ у унга эмас, кўпроқ унга (*мн.*) бўйсунади

– فَوْقُ уст, тепа, (*бирор н. нинг*) усти, тепаси; ~ مِنْ устидан; ~ إِلَى тепага, юқорига

– فَوْقَانِيٌّ юқоридаги, тепадаги, устидаги

– فَوْقِيٌّ 1) юқоридаги, тепадаги, устидаги; 2) юқоридан туриб олинган (*мас., расм, суврат ҳақида*) ◊ ~ اِنْقِلَابٌ сарой тўнтарилиши

– أَفْوَاقٌ *кўп.* فِيقَةٌ (*соғиш олдида елинда тўпланган*) сут

– مُتَفَوِّقٌ юксак; буюк

– مُسْتَفِيقٌ 1) кўзини очган, ўзига келган; 2) уйғонган, уйғоқ

– مُسْتَفِيقٌ = مُفِيقٌ

– فُولْكْلُورٌ фольклор, халқ оғзаки ижоди

– فُولْكْلُورِيٌّ фольклорга оид

– فَوَّالٌ ловия сотувчи, ловияфуруш

– فُولٌ *жам.* ловиялар; ~ مَحْرُوشٌ майдаланган ловия; ~ الْخَيْلِ *ёки* ~ مِصْرِيٌّ Миср ловияси; ◊ ~ سُودَانِيٌّ ерёнғоқ; ~ صِينِيٌّ *ёки* ~ الصُّوَيَا соя (*ловияга ўхшаш ўсимлик*); ~ مِصْرِيٌّ Миср нилуфари

– فُولَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ловия донаси, ловия; ◊ ~! أَنَا فَهِمْتُ الْـ менку гапнинг мағзини тушундим; ~ وَ انْقَسَمَتْ كَأَنَّهَا улар икки томчи сув каби ўхшашдирлар

– فُولِيَّةٌ ловиядан тайёрланган овқат

– تَفَوْلَذَ пўлатдай мустаҳкам, қаттиқ бўлиб қолмоқ

– فُولَاذٌ пўлат

– فُولَاذِيٌّ пўлатдай; пўлатдай мустаҳкам; ~ أَعْصَابٌ ـــةٌ *маж.* пўлатдай асаблар; ~ بِعَزْمٍ қатъият билан қилинган азму-қарорлар

– فُولْكْلُورٌ фольклор, халқ оғзаки ижоди

– فُولْكْلُورِيٌّ фольклорга оид

(фом) II فَوَّمَ нон ёпмоқ; فَوِّمُوا لَنَا бизга нон ёриб беринг

– فُومٌ 1) саримсоқпиёз; 2) буғдой; 3) нўхат

– فُونٌ *кўп.* اتٌ ـــ фўн (*фамилия олдига қўйиладиган қўшимча, мас., фон-Крамер*)

– فُونَتِيكٌ фонетика (*грамматиканинг товушларни ўрганувчи қисми*)

– فُونَتِيكِيٌّ 1. фонетик, фонетикага оид; 2. фонетист (*фонетика билан шуғулланувчи олим*)

– فُونُوغْرَافٌ фонограф; граммафон; ~ أُسْطُوَانَةُ الْـ а) фонограф ғалтаги; б) граммофон пластинкаси (лаппаги, товоғи)

– فُونِيمٌ *кўп.* اتٌ ـــ *грам.* фонема, товуш

– فُونِيَّةٌ 1) пистон; 2) (*карбюратордаги*) жиклёр

I (фоя) فَاهَ (*у*) فَوْهٌ 1) (*нутқ*) сўзламоқ (ب); 2) (*ўз фикр-мулоҳазасини*) айтмоқ, билдирмоқ (ب); II فَوَّهَ (овқатга) зиравор солмоқ; V تَفَوَّهَ (*н. нидир*) гапирмоқ, демоқ, сўзламоқ (ب)

– أَفَاوِيهُ *кўп.* أَفْوَاهٌ *дан* (*қар.* فُوهٌ[1]); 1) овқатни хушхўр қилиш учун ишлатиладиган зираворлар; 2) (*атир тайёрлашда ишлатиладиган*) муаттар моддалар

– فُوهٌ[1] *кўп.* أَفْوَاهٌ муаттар модда

– فُوهٌ[2] *кўп.* أَفْوَاهٌ оғиз, даҳан; فُوهُ унинг оғзи (*қар. к* فِيهِ; *туш. к* فَاهُ); فِي оғзим; صَاحَ بِمِلْءِ فِيهِ бор овоз билан қичқирмоқ (бақирмоқ); ◊ مَاتَ حَتْفَ أَنْفِهِ *сол.* مَاتَ حَتْفَ فِيهِ ўз ажали билан ўлмоқ

– فُوَّهٌ *бот.* рўян (*илдизидан қизил бўёқ олинадиган ўтсимон ўсимлик*)

– فُوهَةٌ *кўп.* ـَـ اتٌ 1) тешик; (*тўп, милтиқ, вулкан ва б. ларнинг*) оғзи; نَفَّاثَةٌ ~ реактив (*қурилмалардаги*) оғиз; 2) мансаб (*дарёдаги*)

– فُوَّهَةٌ 1) ғийбат, висир-висир гаплар; زَيْدٌ يَخَافُ ~ النَّاسِ Зайд одамларнинг ғийбатидан қўрқади; 2) бошланиш қисм, бош; اقْعُدْ عَلَى ~ الطَّرِيقِ! йўлнинг бошида ўлтириб тур!

– مُفَوَّهٌ чиройли (гўзал) сўзловчи; ~ خَطِيبٌ ажойиб нотиқ

– فُوَّهٌ = فُوَّهٌ

– مُفَوَّى дарахт илдизидан олинган бўёққа (*қар.* فُوَّهٌ) солинган; ~ ثَوْبٌ шу бўёққа бўялган кийим

فُويَّةٌ фольга, станиоль

فِي 1) ...да; ~ الْمَدْرَسَةِ мактабда, мадрасада; رَأَيْتُهُ ~ الشَّارِعِ мен уни кўчада кўрдим; ~ الْأَثْمَانُ الْارْتِفَاعِ нарх-наволар юқорилаб бормоқда (баландламоқда); ~ الْوَثْبِ وَ الْعَدْوِ مُسَابَقَاتٌ сакраш ва югуриш бўйича мусобақа; ... ~ حُقُوقُهُ бирор кишининг ...га бўлган ҳуқуқи; ~ الْمِائَةِ фоиз, процент; ـِـهِ ~ *халқ.* бор; كَانَ ~ـِـهِ бор эди; مَا فِيشْ *халқ* йўқ, мавжуд эмас; مَاكَانْشْ فِيهِ йўқ эди, бўлмаган эди, мавжуд эмас эди; ~ صَرَاحَةٍ очиқдан-очиқ, очиқчасига, очиқ-ойдин; ~ مُوَاظَبَةٍ ғайрат билан, тиришиб, тиришқоқлик билан; ~ هُدُوءٍ хотиржамлик билан, шошмай; ~ عَدَمِ اكْتِرَاثٍ бепарволик билан, эътиборсизлик (лоқайдлик) билан; ~ غَيْرِ مَلَلٍ зерикмай, бемалол; 2) вақтда, пайтда, давомида; ...ганда; فِيمَا ... бўлаётган вақтда; шу ҳақдаки, ...; فِيمَا مَضَى ўтмишда, ўтган замонда; ~ غُرُوبِ الشَّمْسِ қуёш ботаётган пайтда; فِيمَا بَعْدُ а) кейин, ундан кейин; б) келажакда; فِيمَا قَبْلُ аввалари, олдинлари, бундан олдин (илгари); 1991 سَنَةِ ~ 1991 йилда; السَّاعَةَ السَّادِسَةَ ~ соат олтида; نَحْنُ ~ الْعَاشِرِ مِنْ هَذَا الشَّهْرِ шу ойнинг ўнинчи кунида (числосида); ~ الْيَوْمِ السَّادِسِ مِنْ شَهْرِ يُولِيُو бугун (бизда) олтинчи июль; ~ الثَّلَاثِينَ مِنْ عُمْرِهِ туғилганига ўттиз йил бўлган (*одам*), ўттиз ёшдаги; ~ حَيَاةِ أَبِيهِ وُلِدَ *мажх.* у туғилган вақтда отаси тирик (ҳаёт) эди; ~ حَيَاتِي умрим бўйи, бутун умрим (ҳаётим) давомида; 3) бунинг учун, шунинг учун, сабабли; ~ ذَلِكَ عَاقَبَنِي у шунинг учун мени жазолади; 4) ҳақда, бўйича; ... ~ تَحَدَّثَ ... ҳақида суҳбатлашмоқ; ~ تِجَارَةٍ سَافَرَ у тижорат (савдо) ишлари бўйича сафарга кетди; ~ التَّارِيخِ الْمُعَلِّمُ тарих ўқитувчиси; 5) ...га қараганда, ... нинг олдида; ~ـِـهِ لَسْتُ شَيْئًا унга қарағанда (унинг олдида) мен ҳеч нарса эмасман; 6) ичида, орасида; فِيهِمْ улар ичида (орасида); فِيمَا بَيْنَهُمْ ўзаро, ўз ораларида; 7) *мат.* карра, ...га кўпайтирилган; إِنَّ الْقَلِيلَ فِي الْكَثِيرِ كَثِيرٌ кўпга кўпайтирилган оз кўп натижа беради; ~ ثَلَاثَةٌ уч карра тўрт; ~ خَمْسَةٌ беш карра беш; ◊ ~ أَبْيَضُ жуда-жуда оқ, оппоқ; فِيمَ (م+~) нима учун?; ... فِيمَ = فِيمَا ... шундаки, ...; فِيمَا أَظُنُّ менинг ўйлашимча, мен ўйлайманки, ...; ... وَ قَالَ فِيمَا قَالَ إِنَّ у гап орасида дедики, ...; فِيمَا إِذَا ...ган тақдирда, ...ган вақтда, ...ган бўлса; فِيمَا يَبْدُو кўринишича, кўриниб турганидай, кўриниб турибдики, ...; ؟... ~ هَلْ لَكَ *қар.* هَلْ

فِي[2] *қар.* فُو

فِيَانْكِيتُّو *шахм.* фианкетто

I (فيأ) فَاءَ (*и*) فَيْءٌ (*қаергадир*) қайтмоқ, қайтиб келмоқ (إِلَى); ~ إِلَى سَكِينَةٍ яна тинчимоқ, яна тинчиб қолмоқ; II فَيَّأَ совға бермоқ; ◊ ~ غُصْنَهَا امْتَدَّ سَاقَهَا وَ ўсмоқ ва кучга тўлмоқ; IV أَفَاءَ 1) (*к. гадир*) қайтмоқ, қайтариб бермоқ (عَلَى); 2) ҳадя қилмоқ (*н. нидир, туш. к. ёки* ب *к. гадир* عَلَى); V تَفَيَّأَ сояга беркинмоқ (ўтмоқ); сояда ўтирмоқ; X اسْتَفَاءَ (*бирор н. дан*) ўлжа сифатида фойдаланмоқ

– فِئَةٌ[1] = فِيئَةٌ

– فِئَةٌ[2] *кўп.* فِئَاتٌ, فِئُونَ тўда, гуруҳ, жамоа

– فَيْءٌ *кўп.* أَفْيَاءٌ, فُيُوءٌ 1) соя; 2) ўлжа

– فَيْئَةٌ қайтиш

– فِيئَةٌ 1) қайтиш; 2) баҳо, нарх

فِيتَامِينٌ *кўп.* اتٌ ـَـ витамин

فِيتُو вето; ~ـِـ حَقُّ الْ вето ҳуқуқи; ... عَلَى ~ وَضَعَ ...га вето қўймоқ

فِيتُونٌ файтун

I (فيح) فَاحَ (*и*) فَيَحَانٌ 1) ҳамма ёққа тарқалмоқ, тарқалиб кетмоқ (*ҳид, бўй ҳақида*); 2) кенгаймоқ, кенг бўлмоқ; II فَيَّحَ тарқалмоқ, таратмоқ (*ҳид, бўй ҳақида*)

– أَفْيَحُ *мн.* فِيحٌ *кўп.* فُيْحَاءُ 1) муаттар, ёқимли ҳидли, хушбўй; 2) кенг, бепоён (*баъзи шаҳарларга бериладиган сифат, мас.*, الْبَصْرَةُ الْفَيْحَاءُ, دِمَشْقُ الْفَيْحَاءُ)

– فَيَّاحٌ муаттар, ёқимли ҳидли (*бўйли*), хушбўй

I (فيد) فَادَ (*и*) فَيْدٌ 1) фойдага қолмоқ, фойдали бўлмоқ; 2) мустаҳкам ўрнаб қолмоқ; ~ لَهُ مَالٌ бойлик унда мустаҳкам туриб қолди; II فَيَّدَ фойдага бермоқ (*мас., пулни*); IV أَفَادَ 1) фойда келтирмоқ; 2) (*н. дандир*) фойда олмоқ (مِنْ); 3) билдирмоқ, маълум

қилмоқ, хабар қилмоқ; 4) тушунтирмоқ, ақл ўргатмоқ; 5) кўргазма бермоқ (*гувоҳ ҳақида*); 6) маъносини етказмоқ, билдирмоқ; овоза қилмоқ; ... أَنَّ ... وَ نُفِيدُ الْأَنْبَاءُ янгиликларда (ахборотларда) шу ҳақда айтиладики, ...; шу ҳақда ахборотлар берилдики, ...; 7) бермоқ, узатмоқ; الْعِلْمَ ~ илм бермоқ, илм ўргатмоқ; X اسْتَفَادَ 1) (*н. дандир*) фойда олмоқ, истифода қилмоқ; (*н. дандир*) фойдаланмоқ (مِنْ); 2) ўрганмоқ; (*қаердандир*) билиб олмоқ, маълумот олмоқ (مِنْ)

– إِفَادَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ахборот, хабар, маълумот; хабарнома; тугалланган маънони етказиш; 2) кўргазма (гувоҳлик); 3) фойда; 4) *савдо.* кафолатнома

– اسْتِفَادَةٌ истифода, фойдаланиш, фойда олиш

– أَفْيَدُ кўпроқ фойдали, фойдалироқ, мақсадга мувофиқроқ, мақсадга энг мувофиқ; كَانَ مِنَ الْـــ~ لَوْ أُذِيعَتْ جَمِيعُ الْحَقَائِقِ агар барча ҳақиқат айтилганда эди, кўпроқ фойда бўларди

– فَائِدَةٌ *кўп.* فَوَائِدُ 1) фойда; ~ـــ عَدِيمُ الْـــ бефойда, фойдасиз; ~ـــ فُلَانٍ фалончининг фойдасига; ~ بِلَا а) фойдасиз, бефойда, зарарли; б) ҳеч нарса талаб қилмай, текинга, шундайича; в) мақсадсиз, бекордан-бекор; ~ عَلَى غَيْرِ фойдасиз, бефойда; مِنْ ~ غَيْرِ ҳеч қандай фойдаси бўлмаган, нафсиз; لَيْسَ لَهُ مِنْ هَذَا ~ وَ عَادَ بِلَا ~ وَ لَا عَائِدَةَ لَا عَائِدَةَ унга бундан ҳеч қандай фойда йўқ; ҳеч нарсасиз (туз татимай) қайтиб келмоқ; 2) афзаллик, устунлик, ориқлик; 3) олинган нақд фойда; *шунингдек:* مَئَوِيَّةٌ ~ (*капиталдан, қўйилган пулдан олинадиган*) процент, фоиз; بَسِيطَةٌ ~ оддий процент (*фоиз*) лар; 4) *грам.* тугал фикр; мазмун

– مُفَادٌ маъно, мазмун

– مُفِيدٌ 1) ўрнак бўладиган, тарбиявий аҳамияти бор бўлган; 2) фойдали, нафли; ... وَ مِنَ الْـــ~ أَنَّ ...га фойдали; وَ مِنْ غَيْرِ الْـــ~ أَنَّ ...га фойдаси бўлмаган; 3) тугал фикрни англатувчи, тугал фикрни ўзида мужассамлаштирган

الِاتِّحَادُ الْـــ~ (بَيْنَ مِصْرَ وَ سُورِيَا) федерал; федератив; فِيدِيرَالِيٌّ *тар.* (*Миср ва Сурия ўртасидаги*) федерал иттифоқ; دَوْلَةٌ ~ـــ федератив давлат

فِيرَنْدَةٌ веранда, айвон

فَيْرُوزٌ, فِيرُوزٌ фируза

– فَيْرُوزِيٌّ, فِيرُوزِيٌّ фирузага оид, фируза рангли

فِيرُوزٌ = فَيْرُوزَجٌ, فِيرُوزَجٌ

فَيْرُوسٌ, فِيرُوسٌ *кўп.* اتٌ ـــ вирус; عِلْمُ الْفِيرُوسَاتِ вирусология, вируслар ҳақидаги фан

– فَيْرُوسِيٌّ, فِيرُوسِيٌّ вирусга оид, вирусли; الْأَمْرَاضُ الْـــ~ـــةُ вирусли касалликлар

فِيزَا виза (*бирор мамлакатга бориш учун рухсатнома*)

فِيزِيَاءُ физика; الْأَرْضِ ~ геофизика; الذَّرِّيَّةُ الْـــ~ атом физикаси; مَعْهَدُ الْـــ~ النَّوَوِيَّةِ ядро физикаси институти

– فِيزِيَائِيٌّ 1. физик, физикага оид; دُكْتُورٌ فِي الْعُلُومِ الْـــ~ـــةِ физика ва математика фанлари доктори; 2. физик (*олим*)

أَمِيرَال: فِيسْ ~ вице-адмирал

فِيسْيُولُوجِيَا физиология

I (فيش) **فَاشَ** (*u*) فَيْشٌ мақтанмоқ, мақтанчоқлик қилмоқ

– فَايِشْ *халқ.* мақтанчоқ; !~ لَا كَلَامْ мақтанмай (мақтамай) гапир

– فَيَّاشٌ 1. мақтанчоқликка оид, ~ـــةٌ تَصْرِيحَاتٌ мақтанчоқлик билан қилинган баёнот; 2. мақтанчоқ

– فِيشٌ бармоқ излари

– فِيشَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) фишка (*ўйиндаги*); 2) *шунингдек:* ~ كَهْرَبَائِيَّةٌ *эл.* штепсель вилкаси

فِيشَارٌ 1) тарвуз ёки ошқовоқнинг қовурилган уруғи; 2) маккажўхори бодроғи

I (فيص) **فَاصَ** (*u*) فَيْصٌ 1) (*н. дандир*) қочмоқ, қутулмоқ (مِنْ); ◊ مَا زَالَ يَكْتُبُ ~ у ёзишда давом этмоқда (*каби* مَا زَالَ يَكْتُبُ)

– مَفِيصٌ қочиш, қутулиш; مِنْهُ ~ لَا ундан қутулиб бўлмайди

فَيْصَلَ *қар.* فصل

I (فيض) **فَاضَ** (*u*) فَيْضٌ, فَيَضَانٌ 1) тошмоқ, қирғоқлардан чиқиб кетмоқ; 2) тўлиб-тошиб кетмоқ, оқиб кетмоқ; *шунингдек:* ~ عَنْ جَوَانِبِهِ қирғоқлардан тошиб кетмоқ; 3) (*н. билан дир*) тўлиб кетмоқ (ب); ~ـــتِ الْبِلَادُ بِالسِّلَعِ мамлакат мол (товар) билан тўлиб кетган эди; 4) қолмоқ, сақланиб қолмоқ; 5) тарқалмоқ, ёйилмоқ; 6) вафот этмоқ, ўлмоқ; ◊ عَنِ الْحَاجَةِ ~ талабдан ортиқ даражада бўлмоқ; ~ـــتْ رُوحُهُ إِلَى خَالِقِهِ вафот этмоқ, ўлмоқ; ўз жонини худога топширмоқ; IV أَفَاضَ 1) тўкмоқ, оқизмоқ; тўлдириб-тошириб юбормоқ; тоширмоқ; 2) тошмоқ, (*бирор н. билан*) тўлиб-тошмоқ; تُفِيضُ الْأَنْهَارُ بِالتَّمَاسِيحِ ҳُنَاكَ у ердаги дарёларда тимсоҳлар тўлиб-тошиб ётибди; 3) (*бирор н. ҳақида*) кўп, батафсил гапирмоқ (فِي); X اسْتَفَاضَ 1) тарқалмоқ; 2) кенгаймоқ; 3) керагича, мўл-кўл олмоқ

– اسْتِفَاضَةٌ 1) тарқалиш; 2) кенгайиш; 3) батафсиллик (*нутқдаги*); ~ بِـــ батафсил, батафсил равишда

– إِفَاضَةٌ 1) тўкиш (*мас., кўз ёшини*); (*сув билан*) тўлдириб-тошириш; 2) батафсил суҳбат қуриш (فِي الْحَدِيثِ ~); узундан-узоқ нутқ, сергаплик; 3) (*Минодаги Арафот тоғига ҳожилар оқимига ўхшаб*) оқиб бориш, йўналиш; ~ـــ الْـــ طَوَافُ қурбонлик қилинган кундаги Каъба тавофи

– فَائِضٌ 1. 1) қирғоқлардан тошиб кетган; мўл-кўл; сероб, ортиқ даражада; 2) (*н. билан дир*) тўла (ب); 2. *кўп.* فَوَائِضُ 1) ортиқча, ортиқ даражада; 2) (*капиталдан олинадиган*) фоиз, процент

– فَيَّاضٌ (*бирор н. билан*) тўлиб-тошган (ب); қирғоқлардан тошиб турган; мўл-кўл сувли (*дарё ҳақида*); رَجُلٌ ~ қўли очиқ одам

– فَيْضٌ *кўп.* فُيُوضٌ 1) оқиб тушиш; ~ مَاءٌ оқиб тушаётган сув; 2) мўл-кўллик, сероблик; бойлик; أَزْمَةُ الْإِنْتَاجِ ~ ортиқча товар ишлаб

чиқариш; ~ـــ мўл-кўл; сероб қилиб; 3) саховат; ~ـــ الْـ а) Нил дарёсининг иккинчи номи; б) Басрадан оқиб ўтадиган дарёнинг номи

– فَيَضَانٌ *кўп.* اتٌ ـــَ сел, тошқин (*дарёдаги*)

– فَيْضُوضَةٌ сув (*сув ҳақида*), сел

– مُسْتَفِيضٌ 1) муфассал, кенг, тўла; 2) тарқалган, ёйилган

– مَفِيضٌ чиқиш жойи; ... إِلاَّ مِنْ ... ~ـــَ مَا وَجَدَ дан қутулиш (чиқиш) нинг ...дан бошқа йўлини тополмади

I (فيظ) فَاظَ (*u*) ўлмоқ

– فَايِظٌ (*капиталдан олинадиган*) фоиз, процент

– فَايِظْجِيٌّ *кўп.* فَايِظْجِيَّةٌ судхўр, фоизчи

– فَيْظٌ ўлим

فَيْفَاءُ *кўп.* فَيَافٍ биёбон, чўл

(فيق) II فَيَّقَ 1) уйғотмоқ; 2) эсга солмоқ

(فيل) II فَيَّلَ 1) хато деб ҳисобламоқ; رَأْيَهُ ~ кимнингдир фикрини хато деб ҳисобламоқ; 2) айбламоқ, ёмонламоқ, V تَفَيَّلَ кучсизлантирмоқ

– فَيَّالٌ фил ҳайдовчи

– فِيَالٌ *мед.* фил касали, элефантиоз (*ис*)

– فِيلٌ *кўп.* أَفْيَالٌ, فِيَلَةٌ зоол, *шахм.* фил; ~ـــ عَامُ الْـ фил йили (*Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васалламнинг туғилган йиллари*) ~ـــ الْـ الْبَائِدُ *ёки* الْـ الْـمُنْقَرِضُ *бот.* аронник (*ўсимлик*); ~ـــ الْـ دَاءُ = فِيَالٌ; ~ـــ الْـ سِنُّ фил суяги; ◊ ~ الْبَحْرِ морж (*денгиз ҳайвони*)

فَيْلَمٌ 1) баҳайбат, улкан; ~ رَجُلٌ баҳайбат одам; 2) сочи ҳурпайган; ~ رَجُلٌ сочи ҳурпайган одам

– فَيْلَمَانِيٌّ = فَيْلَمٌ

– فِيلَةٌ ургочи фил

– فِيلِيٌّ филга оид, филга ўхшаш

فِيلاَّتٌ *кўп.* فِيلاَّ вилла (*дала боғ*)

فَيْلَجَةٌ *қар.* فلج

فَيْلَسُوفٌ *қар.* فلسف

فَيْلَقٌ *қар.* فلق

فِلْمٌ = فِيلْمٌ

فِيلَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ вилла

فِيلْهَارْمُونِيكٌ филармония

فِيمَ (فِي + مَ) *қар.* فِي

فِيمَا (فِي + مَا) *қар.* فِي

فَيْنَ *халқ.* қаерда? ~ مِنْ қаердан? ~ـــ لِ қаерга?

فَيْنَانٌ 1) қалин, сероб (*ўсимликлар ҳақида*); 2) сочи чиройли, чиройли сочли; 3) сочи узун, узун сочли

فَيْنَةٌ он, вақт, пайт; ◊ بَيْنَ الْـ ~ـــ وَ الْـ ~ـــ فِي الْـ ~ـــ بَعْدَ الْـ ~ـــ *ёки* بَيْنَ الْـ ~ـــ وَ الْأُخْرَى вақти-вақти билан

فِينُوسُ *миф.* Венера (*қадимги римликлар маъбудаси*)

فِينِيٌّ карболга оид; ~ حَامِضٌ карбол кислотаси, фенол

فِينِيقِيٌّ 1. финикийликларга оид; الْـ ~ـــَـةُ финикия тили; 2. финикийлик

فِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ *қар.* فِئَةٌ

(فيهق) تَفَيْهَقَ *кўп.* гапирмоқ, жаврайвермоқ

– فَيْهَقَةٌ сергаплик, вайсақилик

فِيُولِينَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ скрипка, ғижжак

فِيُونْكَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ бант, капалакнусха тугун, шундай қилиб боғланган тугун (*сочдаги*)

# ق

ق (قَافٌ) қоф (*араб алифбосининг йигирма биринчи ҳарфи, абжадда - 100*)

ق: دَقَائِقُ *минутлар сўзининг қисқартмаси*; ق. م قَبْلَ الْمِيلَادِ милоддан (янги эрадан) олдин *сўзларининг қисқартмаси*; ق. س

قِرْشٌ سُورِيٌّ Сурия қирши сўзларининг қисқартмаси

قَابُوقٌ қобуқ (*пахтасимон тивит, товуш изоляциясида ишлатилади*)

قَابِيلُ *ат.от. мз.* Қобил

قَادُوسٌ *кўп.* قَوَادِيسُ 1) чархпалакдаги сув челаги; 2) *зоол.* тез учар ва сувда тез суза оладиган катта денгиз қуши, альбатрос

قَادُومٌ *кўп.* قَوَادِيمُ = قَدُّومٌ *қар.* قدم

قَارٌ *қар* قور

قَارُورَةٌ *қар.* قرّ

قَارُونُ 1) *миф.* Қорун; 2) *кўч. м.* бой, бойвачча, ошиб-тошиб кетган бой, қорун; ~ لاَ يَرْضَى وَ لَوْ أَعْطَوْهُ مَالَ *маж* ҳар қанча пул берсанг ҳам, бунга рози бўлмайди (*сўзма-сўз*: Қоруннинг давлатини берсанг ҳам, кўнмайди) ~ لاَ يَتَحَوَّلُ عَنْهُ وَ لَوْ أَعْطَوْهُ مَالَ ҳар қанча пул

берсанг ҳам, ундан қайтмайди (*сўзма-сўз:* Қорунниng давлатини берсалар ҳам, ундан юз ўгирмайди)

– قَوَارِينُ *кўп:* الْمَالِ ~ бойлар, зодагонлар; йирик капиталистлар

قَارِينَةٌ *денг.* кеманинг остки қисмини тутиб турувчи тагёғоч

قَازْمَةٌ *қар.* қазм

قَازُوزَةٌ газли сув

قَيشَانِيٌّ = قَاشَانِيٌّ

قَاصُونٌ *кўп.* قَوَاصِينُ ғаввос кўнғироғи

قَاطُوعٌ *қар.* قطع

قَاطُونٌ *кўп.* قَوَاطِينُ суғориш каналидаги причал (*кема тўхтайдиган жой*)

قَاقٌ *қар.* қоқ

قَاقُلَّةٌ Ява кардамони (*кўпйиллик тропик ўсимлик*); ذَكَرِ ~ Гвинея кардамони *ёки* Гвинея қалампири

قَاقُلَى *бот.* олабўта, шўра

قَاقُلَّى *бот.* тунда очиладиган бинафша; денгиз горчицаси (*cacile maritima*)

قَاقُومٌ, قَاقُمٌ *зоол.* оқсичқон, оқсувсар

قَاقُوزَةٌ *кўп.* قَوَاقِيزُ қадаҳ, пиёла, рюмка

قَالُوشٌ *кўп.* اتٌ ـــ қалош, калош, калиш

قَامُوسٌ *кўп.* قَوَامِيسُ 1) океан, уммон; 2) луғат, лексикон

قَانُونٌ *қар.* қонун

قَاوَنْدٌ *зоол.* кўктарғоқ, балиқчи

قَاوُورْمَةٌ қовурма

قَاوُوشٌ *қар.* қовуш

قَاوُوقٌ *кўп.* قَوَاوِيقُ бош кийими; қалпоқ, шапка, шляпа

قَاوُونٌ *жам* қовунлар; أَصْفَرُ ~ сариқ қовунлар; شَمَّامٌ ~ қовунлар

– قَاوُونَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ қовун

قَايُوشٌ *кўп.* قَوَايِشُ *қар.* қовуш

قَايِينُ *библ.* Қойин (*сол.* Қобил)

I (قبّ) **قَبَّ** *(a/u)* قَبٌّ 1) кесмоқ, ампутация қилмоқ; 2) турмоқ, кўтарилмоқ, қўзғалмоқ; شَعْرُ رَأْسِي ~ сочларим тикка бўлиб кетди; 3) олдинга туртиб чиқиб турмоқ; 4) тепага қалқиб чиқмоқ; قَبٌّ *(a/y)* قَبٌّ қуримоқ, нами қочмоқ, қоқи бўлмоқ (*мас., хурмо*); II قَبَّبَ қубба қурмоқ, қубба шаклида қурмоқ; 2) (*н. нидир*) дўмбоқ (*қавариқ*) қилмоқ; VIII اِقْتَبَّ кесмоқ, кесиб ташламоқ, ампутация қилмоқ

– أَقَبُّ *мн.* قُبَّاءُ *кўп.* قُبٌّ 1) қорни кичик; 2) бели ингичка (*от ҳақида*)

– قَبَّةٌ момақалдироқ, момақалдироқ овози

– قَبٌّ 1) минора боши, гумбаз; 2) асосий қисм, асосий бўлак; ◊ الدُّولَابِ ~ гупчак; втулка; الْمِيزَانِ ~ тарози шайини

– قَبٌّ *анат.* дум суяги

– قَبَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ёқа

– قُبَّةٌ *кўп.* قِبَابٌ, قُبَبٌ гумбаз, қубба, равоқ; чодир; الْإِسْلَامِ ~ ислом гумбази (*айрим шаҳарлар, мас., Басрага қўйилган ном*); الضَّرِيحِ ~ мақбара гумбази; الصَّخْرَةِ ~ Қуббатус-Сахра (*Қуддуси шарифда*); الْـــ الزَّرْقَاءُ *ёки* الْـــ السَّمَاوِيَّةُ *ёки* الْفَلَكِ ~ *ёки* السَّمَاءِ ~ осмон гумбази; جَعَلَ مِنْ حَبَّةٍ *қар.* حَبَّةٌ; الْحَرَسِ ~ қўнғироқхона; الشَّهَادَةِ ~ *ёки* الزَّمَانِ ~ *библ.* скиния (*Қуддусдаги яҳудийлар ибодатхонаси қурилгунга қадар бўлган кўчиб юрувчи ибодатхона*); الْخَاتَمِ ~ узукнинг кўзи солинадиган ўрни; تَحْتَ ~ الْمَجْلِسِ النِّيَابِيِّ парламент биносида (*сўзма-сўз:* парламент гумбази остида); ~ الْـــ قَصْرُ Қубба саройи (*Миср ҳукумати биноси*)

– مُقَبَّبٌ 1) гумбаз шаклидаги, гумбазсимон, қуббасимон; 2) дўмбоқ, дўппайган

قَبَجٌ *жам* чиллар, какликлар

I (قبح) **قَبُحَ** *(y)* قَبَاحَةً бадбашара бўлмоқ, тасқара (хунук) бўлмоқ قَبَحَ *(a)* قَبْحٌ (*н. дандир*) қайтармоқ, рад этмоқ (عَنْ); ~ـــهُ اللهُ عَنِ الْخَيْرِ! Аллоҳ уни эзгуликдан йироқ қилсин!; II قَبَّحَ 1) бадбашара (жирканч) қилмоқ; 2) бадбашара (жирканч) деб ҳисобламоқ; (*н. нидир*) разил (ярамас) демоқ; 3) (*к. нидир*) сўкмоқ, таҳқирламоқ, ҳақорат қилмоқ (عَلَى); X اسْتَقْبَحَ разил (жирканч) деб ҳисобламоқ; 2) таҳқирламоқ, ҳақоратламоқ, қора чапламоқ

– قَبَاحَةٌ 1) бадбашаралик, хунуклик, тасқаралик; 2) қўполлик; одобсизлик, андишасизлик; 3) бемаънилик; разиллик, жирканчлик

– قُبْحٌ бадбашаралик, хунуклик, тасқаралик; ◊ !لَكَ الـ~ *сўзл.* йўқ бўлиб кет!, йўқол!, туф!

– قَبِيحٌ 1) бадбашара, хунук, тасқара; разил, жирканч; ярамас, ғаламис; 2) қўпол; одобсиз, ахлоқсиз; 3) сурбет, уятсиз, беҳаё

– قَبِيحَةٌ *кўп.* قَبَائِحُ ярамас қилиқ, номаъқул иш, қабиҳ ҳаракат, разилона қилинган иш

– مَقْبَحَةٌ *кўп.* مَقَابِحُ 1) (*н. нингдир*) ёмон томони, ёмон сифат; 2) ёмон иш, ярамас қилиқ

I قَبَرَ *(y)* قَبْرٌ дафн қилмоқ, кўммоқ; IV أَقْبَرَ 1) дафн қилишни буюрмоқ; дафн этишни насиб қилмоқ; ثُمَّ أَمَاتَهُ فَأَقْبَرَهُ *қур.* уни (*Аллоҳ таоло*) ўлимга дучор этди ва дафн қилишни насиб айлади; VII اِنْقَبَرَ дафн қилинмоқ, кўмилмоқ

– قَبَّارٌ, قَبَّارٌ 1) *бот.* кавар (қовул) нинг тупи; 2) кавар (қовул) нинг овқатга қўшиб ейиладиган куртаклари

– قَبْرٌ *кўп.* قُبُورٌ қабр, гор; الْمَجْهُولِ ~ الْجُنْدِيِّ номаълум жангчи қабри

– قُبُرٌ *жам* сўпитўрғайлар

– قُبَّرَةٌ (*сол.* قُنْبُرَةٌ) *кўп.* قَنَابِرُ сўпитўрғай

– قَبْرِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ қабр тошига ёзилган хат

– مَقْبَرَةٌ *кўп.* مَقَابِرُ қабристон, мозор, гўристон

قُبْرُصِيٌّ 1) Қибрис (Кипр) га оид; 2) *кўп.* قَبَارِصَةٌ Қибрис (Кипр) оролида яшовчи киши, қибрис (кипр)лик; 3) *кўп. халқ.* майда пул

I قَبَسَ (*а*) قَبْسٌ 1) (*к. дадир*) ўқимоқ, таълим олмоқ, ўрганмоқ (مِنْ); اَلْعِلْمَ مِنْهُ ~ кимдадир ўқимоқ; 2) (*оловни, ўтни*) бирор кишидан олмоқ; (*мас., электр энергиясидан*) фойдаланмоқ; IV أَقْبَسَ олов (чўғ) бермоқ; VIII اقْتَبَسَ 1) олмоқ, ўзлаштирмоқ, иқтибос қилмоқ; 2) эгалик қилмоқ; اَلْحُمَّى ~ безгакни юқтириб олмоқ; 3) парча келтирмоқ, цитата келтирмоқ

– اقْتِبَاسٌ 1) иқтибос, иқтибос қилиш; 2) (*мас., билим*) олиш; 3) цитата келтириш; 4) рўкач қилиш, дастак қилиш; ◊ عَلَامَةُ الـ~ қўштирноқ

– اقْتِبَاسَةٌ *кўп.* اتٌ — цитата

– قَابِسٌ *эл.* 1) сақлағич, пробка, предохранитель; 2) штепсель вилкаси, штепсель

– قَبَسٌ манба, келиб чиқиш

– قَبَسٌ чала ёнган ўтин; чўғ

– قَبَسَةٌ чўғ

– قَبْسَةٌ 1) (*оловни*) илаштириш; 2) чўғ

– قُبَيْسٌ: ~ أَبُو Маккаи мукаррамадаги тоғнинг номи

– مَقْبِسٌ *кўп.* مَقَابِسُ *эл.* штепсель розеткаси

– مِقْبَسٌ = قَبَسٌ

– مُقَبَّسَاتٌ *кўп.* ўзлаштирилган нарсалар

I قَبِصَ (*и*) قَبْصٌ *(н. нидир)* чимчиб олмоқ, бир чимдим олмоқ

– قَبْصَةٌ, قُبْصَةٌ *кўп.* قَبَصَاتٌ бир чимдим, бир дамлам, бир отим

I قَبَضَ (*и*) قَبْضٌ 1) қўлга олмоқ, қўл билан ушламоқ (тутмоқ); эгалик қилмоқ, эга бўлмоқ; عَلَى زِمَامِ الْحُكْمِ ~ ҳокимият тепасида бўлмоқ; عَلَى نَاصِيَةِ الطَّائِرَةِ ~ тайёрани (самолётни) эркин бошқармоқ; عَلَى طَلَاسِمِ الْعُلُومِ ~ фанлар сирини билмоқ, илм сирларини ўрганмоқ; 2) қисмоқ, сиқмоқ; يَدَهُ ~ а) қўлни муштум (мушт) қилмоқ; б) (*н. нидир*) қўл билан қисмоқ (عَلَى); с) (*н. нидир*) озод қилмоқ (عَنْ); қўлдан чиқармоқ (عَنْ); *кўч. м.* (*н. дандир*) воз кечмоқ, юз ўгирмоқ (عَنْ); 3) қабул қилмоқ, (*мас. маош*) олмоқ; 4) (*к. нидир*) қўлга туширмоқ, ҳибсга олмоқ, қамамоқ (عَلَى); 5) *шунингдек:* اَلصَّدْرَ ~ юракни сиқмоқ, ташвишга солмоқ, гангитмоқ; 6) (*н. нидир қилишга*) киришмоқ, шошилмоқ; ◊ اَلْأَنْفَ عَنِ الدَّفْعِ ~ тўловдан (тўлашдан) бош тортмоқ; اَلْبَطْنُ ~ ични қотирмоқ, ичқотишга олиб келмоқ; رُوحَهُ اللهُ إِلَى جِوَارِهِ ~ *ёки* اللهُ ـُهُ у вафот этди; قُبِضَ вафот этмоқ; II قَبَّضَ 1) пул топширмоқ (тўламоқ); 2) тўпламоқ, йиғмоқ; қисмоқ, қисқартирмоқ; وَجْهَهُ ~ юзини буриштирмоқ (тириштирмоқ); 3) бермоқ; اَلْمَالَ لَهُ ـُـ~ унга бойлик бермоқ; V تَقَبَّضَ 1) қисилмоқ, сиқилмоқ, тиришмоқ, буришмоқ; 2) афт-ангори ўзгармоқ, важоҳати бузилмоқ; VI تَقَابَضَ ўзаро товар алмаштирмоқ, ўзаро ҳисоб-китоб қилмоқ, ўзаро орани очиқ қилмоқ (*олди-сотдида*); VII اِنْقَبَضَ сиқилмоқ, қисилмоқ; لَهَا قَلْبُهَا ~ унинг (*мн.*) юраги сиқилди; 2) бузилмоқ (*меъда ҳақида*); 3) *шунингдек:* صَدْرُهُ ~ ғамгин бўлмоқ, дили қоронғи бўлмоқ, маъюс бўлмоқ; 4) қабул қилинмоқ, олинмоқ

– اِنْقِبَاضٌ 1) қисилиш, сиқилиш; اَلـ~ـ اَلنَّقْدِيُّ *иқт.* пулнинг қадрини ошириш мақсадида миқдорини камайтириш; 2) *шунингдек:* اَلْبَطْنِ ~ ичқотиш, қабзият, ошқозоннинг бузилиши; 3) *шунингдек:* اَلصَّدْرِ ~ ғамгинлик, дили қоронғилик, маъюслик; 4) *физиол.* систола (*юрак иши фазасидан бири-қисилиш*)

– قَابِضٌ 1) ушлаб турувчи, тутиб турувчи; 2) қисувчи, сиқувчи; 3) қабул қилувчи; اَلْأَرْوَاحِ ~ *дин.* жон олувчи фаришта (Азроил); 4) буриштирувчи, тириштирувчи, туриш; ични қотирадиган, қабзият қиладиган; 5) дилни қоронғи қиладиган, ғамга қўювчи; 6) *тех.* тутқич, қисқич (*асбоб*); *авто.* ҳаракат узатувчи механизм

– قَبْضٌ 1) ушлаш, ушлаб олиш, тутиб олиш; 2) (*қўлни*) сиқиш; 3) олиш, қабул қилиш, қўлга олиш; يَوْمُ الـ~ маош олинадиган кун; 4) қўлга олиш, ҳибсга олиш, тутқин қилиш; أَلْقَى الـ~ عَلَى ... (*к. нидир*) қамамоқ, ҳибсга олмоқ, турмага ташламоқ; ◊ هُوَ فِي حَالَةٍ لَا يَمْلِكُ مَعَهَا لَا وَ لَا بَسْطًا у қўлини ҳам қимирлата олмайдиган ҳолатда турибди; اَلْبَطْنِ ~ ичқотиш, қабзият, ошқозоннинг бузилиши

– قَبْضَايَاتٌ *кўп. халқ.* азамат йигит, барваста йигит, шаввоз; сўзл. муттаҳам, алдамчи

– قَبْضَةٌ *кўп.* قَبَضَاتٌ 1) ҳовуч, кафт; مِنَ الْعُمْلَةِ ~ бир ҳовуч танга; اَلْيَدِ ~ муштум; يَدِهِ ـِـ~ هَدَّدَ муштуми билан ўдағайламоқ (таҳдид қилмоқ); 2) тутқич, даста, ушлағич; 3) (*бирор н. га*) эгалик қилиш; ҳокимият; اَلْقَضَاءِ ~ هُوَ فِي у адлия қўлидадир; هُوَ فِي ـِـهِمْ у уларнинг қўлига тушиб қолган; اَلْجُنُودُ ~ وَقَعَ أَسِيرًا فِي асир қилиб олинмоқ; 4) қабза (*1/6 ذِرَاعٌ مِعْمَارِيٌّ ёки 12,5 см. га тенг узунлик ўлчови*)

– قُبْضَةٌ *кўп.* قُبَضٌ ҳовуч, кафт

– قَبْضِيَّةٌ маош, ойлик, иш ҳақи

– قُبُوضِيَّةٌ руҳи тушганлик, эзилганлик, маъюслик (*Ироқда*)

– مَقْبِضٌ, مِقْبَضٌ *кўп.* مَقَابِضُ тутқич, даста, ушлағич; اَلْبُنْدُقِيَّةِ ~ милтиқ қўндоғи

– مَقْبُوضٌ 1) олинган, қабул қилинган; 2) қўлга туширилган; ~ عَلَيْهِ ҳибсга олинган, ҳибс қилинган

– مَقْبُوضَاتٌ *кўп.* тилхат, квитанция

– مُنْقَبِضٌ *шунингдек:* اَلصَّدْرِ ~ дили қоронғи, маъюс, ғамгин, хафа

(قبط) II قَبَّطَ қовоғини солмоқ, ҳўмраймоқ, ўшшаймоқ

– قُبَّاطٌ 1) шакарқиём; 2) ширинлик тури

– قِبْطٌ *кўп.* أَقْبَاطٌ қибтийлар, коптлар

– قِبْطِيٌّ[1] 1) қибтий, қибтийча; اَلْـــ ـــةُ қибт тили

– قِبْطِيٌّ[2] *кўп.* قَبَاطِيُّ Миср полотноси, Миср бўзи

– قُبُّوطٌ *кўп.* قَبَابِيطُ 1) ёмғирпўш, плаш; *тех.* капот; 2) презерватив

– قُبُّوطٌ *кўп.* قَبَابِيطُ *зоол.* ниначи, сўзанак

– قُبَّاطٌ = قُبَّيْطٌ, قُبَّيْطَى, قُبَيْطَاءُ

– قُبْطَانٌ *кўп.* قَبَاطِنَةٌ кема бошлиғи, кема капитани

I قَبَعَ (*а*) قَبْعٌ 1) ютоқиб ичмоқ, очкўзлик билан ичмоқ; 2) хурилламоқ, хур-хурламоқ (*чўчқа ҳақида*); бўкирмоқ, ўкирмоқ (*фил ҳақида*); 3) юлиб олмоқ, суғуриб олмоқ, тортиб олмоқ; قَبَعَ (*а*) قُبُوعٌ ўралиб (бошини беркитиб) олмоқ (*типратикон ҳақида*); ◊ فِي ~ عُقْرِ دَارِهِ а) уйда ўтирмоқ, уйда қолиб кетмоқ; б) яширинмоқ, беркинмоқ, биқиниб олмоқ; فِي السِّجْنِ ~ қамоққа қамалмоқ, турмага ташланмоқ; فَوْقَ الْغُصْنِ ~ шохда қимирламай қўниб турмоқ (*қуш ҳақида*); V تَقَبَّعَ шляпа киймоқ

– قُبَاعٌ типратикон, хорпуштак

– قُبَاعٌ = قَبْعٌ

– قُبَّعَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ ـــ шляпа; عَالِيَةٌ ~ цилиндр; اَلْإِخْفَاءِ ~ *фольк.* кишини ҳеч кимга кўринмайдиган қиладиган сеҳрли қалпоқ

– قَبِيعَةٌ: اَلسَّيْفِ ~ қиличнинг дастаси ёнидаги кумуш ёки темирдан қилинган тўсиқ

قَبْقَبَ 1) шишмоқ, дамланиб шишмоқ, шишиб чиқмоқ; 2) ёғоч шиппак киймоқ, ёғоч кавуш киймоқ, ҳаккилакаш киймоқ

– قَبْقَابٌ *кўп.* قَبَاقِيبُ ёғоч шиппак, ёғоч ковуш; قَبَاقِيبُ الزَّحْلَقَةِ *ёки* قَبَاقِيبُ الزَّلَجِ *ёки* قَبَاقِيبُ التَّزَلُّجِ конки; ролик (ғилдирак) ли конки; чанғи

– قَبْقَبٌ қорин

– قَبْقَبَةٌ[1] дамланиш, шишиш; шиш, қаварик, ғурра

– قَبْقَبَةٌ[2] отнинг қорнидан чиққан овоз

I (قبل) قَبِلَ (*а*) قُبُولٌ 1) қабул қилмоқ, кутиб олмоқ; هَذَا لاَ يَقْبَلُ هَذَا لاَ يَقْبَلُ الْجَدَلَ الشَّكَّ бу шубҳасиздир, бу шубҳа туғдирмайди; бу жанжалга олиб келмайди; 2) суриштирмасдан ишонмоқ, рост деб билмоқ; ишонмоқ; унамоқ, рози бўлмоқ, кўнмоқ; 3) (*бирор н. га*) тоқат қилмоқ, бардош бермоқ, (*бирор н. га*) кўнмоқ (ب); بِالْأَمْرِ ~ اَلْوَاقِعِ амалдаги ишни эътиборга олмоқ; 4) (*бирор н. га*) бардош беролмай қолмоқ (ـــ); لِلصَّقْلِ ~ силлиқ бўла олмоқ; يَقْبَلُ التَّحْزِئَةَ бўлина оладиган; يَقْبَلُ الشِّفَاءَ тузалиши мумкин бўлган; قَبَلَ (*у*) قَبَالَةً 1) (*к. гадир*) кафиллик бермоқ, кафил бўлмоқ (ب); 2) (*н. нингдир*) вақти етиб келмоқ; قَبَلَ (*у*) قُبُولٌ: تِ الرِّيحُ ~ шамол шарқ томондан эса бошлади; قَبِلَ (*а*) قَبَالَةً чақалоқни қабул қилиб олмоқ (*туғилаётганида*); II قَبَّلَ 1) ўпмоқ, бўса олмоқ; اَلْأَرْضَ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ ~ *маж.* кимнингдир олдида ўзини ерга урмоқ; 2) қибла томон юрмоқ (ҳаракат қилмоқ) (*қар.* قِبْلَةٌ); 3) Юқори Миср томонга жўнамоқ; III قَابَلَ 1) қабул қилмоқ, кутиб олмоқ; 2) учратмоқ, учрашишмоқ, расмий қабулда бўлмоқ; 3) ниманингдир қаршисида турмоқ; кимнингдир рўпарасида турмоқ; 4) мос келмоқ, тенглашмоқ; 5) (*н. биландир*) қиёсламоқ, солиштирмоқ (ب); 6) мукофотламоқ, мукофот бермоқ, ажрини бермоқ; (*н. нидир*) тўламоқ (ب); اَلْمِثْلَ بِالْمِثْلِ ~ *ёки* اَلْمَعْرُوفَ بِالْمَعْرُوفِ وَ الشَّرَّ بِالشَّرِّ яхшиликка яхшилик, ёмонликка ёмонлик қайтармоқ; IV أَقْبَلَ 1) интилмоқ, олдинга интилмоқ; 2) яқинлашмоқ; (*к. нингдир олдига*) келмоқ, ҳозир бўлмоқ (عَلَى); 3) ниманингдир вақти бошланмоқ (яқинлашмоқ); 4) (*к. нингдир олдига*) бормоқ, (*к. гадир*) яқинлашмоқ (عَلَى); 5) (*н. нидир қилишга*) киришмоқ (عَلَى); 6) (*н. гадир*) талаб қўймоқ (عَلَى); اَلْمَحْصُولُ ~ ҳосил мўл-кўл бўлди; تْ عَلَيْهِ الدُّنْيَا ~ унинг омади келди, унга дунё кулиб боқди; V تَقَبَّلَ 1) (*маълумот, таклиф, ташаккурнома*) олмоқ; 2) (*мас., таклифни*) қабул қилмоқ; عَمَلاً ~ шартнома асосида ишламоқ; ـــهُ كَأَسَاسٍ لِـــ... ~ ниманидир ... учун асос сифатида қабул қилмоқ; اللهُ دُعَاءَهُ ~ Аллоҳ унинг дуосини мустажоб қилди (қабул қилди); 4) ўпилмоқ; VI تَقَابَلَ ўзаро рўпарама-рўпара ётмоқ (турмоқ, ўтирмоқ); қарама-қарши турмоқ; 2) қиёсланмоқ, солиштирилмоқ; 3) рўпара келмоқ, учрашмоқ, тўқнашмоқ; VII اِنْقَبَلَ қабул қилинмоқ; VIII اِقْتَبَلَ (*к. нидир*) учратмоқ, қабул қилмоқ; X اِسْتَقْبَلَ 1) (*меҳмонни*) кутиб олмоқ, қабул қилмоқ, (*меҳмонга*) пешвоз чиқмоқ; 2) (*бирор н. га*) юз тутмоқ, юз ўгирмоқ; اَلشَّمْسَ ~ қуёшга юзини ўгирмоқ; اَلطَّرِيقَ ~ йўлга тушмоқ; اَلْقِبْلَةَ ~ қиблага қарамоқ, қибла томон ўгирилмоқ; 3) (*н. нидир*) идишга йиғмоқ

– اِسْتِقْبَالٌ *кўп.* ـــ اتٌ ـــ 1) (*меҳмонларни*) кутиб олиш, қабул қилиш; حَفْلَةُ الْـــ ~ қабул маросими (*мас., элчихонада*) غُرْفَةُ الْـــ ~ меҳмонхона, қабулхона; مَرَاسِمُ الْـــ ~ қабул тантаналари; يَوْمُ الْـــ ~ қабул куни; 2) *грам.* келаси замон; حُرُوفُ الْـــ ~ *грам.* келаси замон юкламалари (لَنْ, سَ, سَوْفَ); 3) *астр.* рўпара туриш, қуёш билан рўпарама-рўпара туриш; اَلْقَمَرُ فِي الْـــ ~ тўлган ой, тўлин ой; اَلْاعْتِدَالَيْنِ ~ прецессия (*икки осмоний жисмнинг рўпарама-рўпара бўлиши*); ◊ جِهَازُ الْـــ ~ *ёки* جِهَازٌ لاَ سِلْكِيٌّ لِلْـــ ~ *радио.* приёмник

– إِقْبَالٌ 1) олдинга чиқиш; اً وَ إِدْبَارًا ~ орқага ва олдинга; 2) яқинлашиш, яқин келиш; 3) қабул, учрашиш; 4) (*вақтнинг*) кириб келиши, бошланиши; 5) (*бирор н. га*) талаб, эҳтиёж (عَلَى); 6) (*бирор н. га*) қизиқиш (عَلَى); 7) ютуқ, омад, иқбол; муваффақият, катта ютуқ

– قَابِلٌ 1) қабул қилувчи, учратувчи; 2) келаётган, келгуси, келаси; اَلْأَيَّامِ الْـــ ـــةِ فِي ~ *ёки* اَلشَّهْرُ الْـــ ~ فِي келаси ой; яқин

келгусида; 3) (*бирор н. га*) имкон берувчи (ـــلِ); 4) (*н. гадир*) яроқли (ـــلِ); ~ غَيْرُ яроқсиз; ~ لِلْاِحْتِرَاق ёнувчан; ~ لِلْأَكْلِ еса бўладиган, ейишга яроқли; ~ لِلْاِلْتِهَاب тез ёнадиган, тез ўт оладиган; ~ لِلتَّجْدِيد янгиланадиган; ~ لِلتَّغَيُّر ўзгарувчан; ~ لِلتَّلَف тез бузиладиган, тез айнийдиган; ~ لِلْحَلّ ҳал қилиш мумкин бўлган, осон ҳал қилинадиган; ~ لِلشِّفَاء тузатса бўладиган, тузаладиган; ~ لِلْعَزْل алмаштирса бўладиган, алмаштириладиган; ~ لِلْكَسْر тез синадиган, мўрт, синувчан; ~ لِلْمَوْت ўладиган

– قَابِلَةٌ[1] *кўп.* قَوَابِلُ доя кампир; акушерка

– قَابِلَةٌ[2] 1) (*газ қабул қилувчи*) приёмник, газоприёмник; 2) бирор нарса тўпланадиган (йиғиладиган) жой (идиш)

– قَابِلَةٌ[3] навбатдаги тун

– قَابِلِيَّةٌ (*бирор н. га*) мойиллик, тарафдорлик, мухлислик, берилганлик (ـــلِ); 2) қобилият; ~ عَدَمُ қобилиятнинг йўқлиги; ~ التَّأَثُّر таъсирчанлик, тез таъсирланишлик; ~ التَّجْزِئَة бўлиниб кетишлик; ~ الرُّؤْيَة кўринишлик; ~ الْقِسْمَة *мат.* бўлинишлик; ~ لِلْعَزْل алмашина олишлик; ~ الْعَوْم сузувчанлик; 3) иштаҳа

– قُبَالٌ (*н. нингдир*) қаршисида, рўпарасида

– قُبَالَةٌ олдида, рўпарасида; ~ ـِي جَلَسَ у менинг рўпарамда ўтирди

– قَبَالَةٌ 1) кафолат, кафиллик, гаров, гарантия; 2) шартнома; иттифоқ, контракт

– قَبَالَةٌ 1) туғилаётган болани қўлга олиш; 2) доялик

– قَبْلَ ...дан олдин, ...дан илгари; ~ الْحَرْب урушдан илгари (олдин); ~ شَهْر бир ой илгари; ~ كُلِّ شَيْء ҳаммадан олдин, ҳаммасидан илгари; زَادَ عَدَدُ الْعُمَّالِ عَنْ ذِي قَبْلُ ишчилар сони илгаригига нисбатан ошди; هُوَ فِي خَطَرٍ إِلَى دَرَجَةٍ أَكْثَرَ مِنْ ذِي قَبْلُ у олдингидан қийинлашганда кўпроқ хавф-хатар остидадир; ~ مَا التَّأْرِيخ тарихдан илгариги, ёзма ҳужжатлар, ёдгорликлар қолмаган энг қадимги даврдаги; ~ مِنْ илгари, олдин, бундан олдин; ~ أَنْ ... *ёки* مَا ~ ...дан олдин, ...дан илгари; ~ مِنْذ ундан олдин, ундан илгари; ~ ا илгари, олдин

– قَبِلَ ...га томон, ...га қараб, бўйлаб; ~ ـــهُ دَيْنٌ لِي у мендан қарздор; ~ مِنْ ... томонидан, ... тарафидан; بُنِيَ الْبَيْتُ مِنْ ~ النَّجَّار уй дурадгор томонидан қурилди; أُصْدِرَ الْمَرْسُومُ مِنْ ~ الْحُكُومَة фармон ҳукумат томонидан чиқарилди

– قَبَلٌ 1) бошланиш, куртак; 2) олдиндан тайёргарлик кўрмасдан бирор иш қилиш; *мед.* страбизм, ғилайлик

– قِبَلٌ куч, қувват, қудрат; ... لَهُ أَنْ ~ لَا унинг ... қилишга кучи етмайди, у ...га қодир эмас

– قُبُلٌ, قَبَلٌ, قِبَلٌ олд томон, олдинги қисм; ~ مِنْ олд томондан; ~ ا *ёки* قَبَلاً *ёки* قِبَلاً олд томондан, рўпарадан

– قُبَّلَةٌ *кўп.* قُبُلَاتٌ, قُبَلٌ ўпич, бўса; ~ الْحَيَاة *сўзма-сўз:* ҳаёт бўсаси (*сувга чўккан одамни "boushe a boushe" усули билан жонлантириш, ҳаётга қайтариш*)

– قِبْلَةٌ 1) қибла; ~ ان *ик. с.* Маккаи мукаррама ва Қуддуси шариф; ~ ـــهُ الْأُولَى Биринчи қибла (*Қуддуси шариф*); 2) токча; 3) жануб; 4) *маж.* ўзига тортувчи марказ; وَ أَصْبَحَتْ هَذِهِ الْمَدِينَةُ ~ جَمِيعِ النَّاس бу шаҳар барча одамларнинг эътибори қаратилган марказга айланди; ~ وَ لَمْ تُصْبِحْ لَهُ يَسْتَقْبِلُهَا у интиладиган нарса қолмади; ~ صَارَ أَنْظَارِ الْعُلَمَاء у олимларнинг диққат-эътибори марказига айланди; ◊ ~ ـــلُ أَهْل мусулмонлар

– قِبْلِيٌّ жанубий; قِبْلِيَّةُ ниманингдир жануб томонига; ◊ الْوَجْهُ ~ ـــلُ Юқори Миср

– قَبِيلِيٌّ = قَبَلِيٌّ

– قَبَلِيَّةٌ қабилавий тартиб-қоида (тузилиш)

– قَبُولٌ[1] шарқ томондан эсадиган шамол (шабада)

– قَبُولٌ[2], قُبُولٌ 1) (*н. нидир*) қабул қилиш, имкон бериш; (*н. гадир*) рози бўлиш, кўниш; 2) қабул; 3) мойиллик, лаёқат, бирор хоссага эгалик; ~ التَّجْزِئَة عَدَمُ бўлиниш хусусиятига эга эмаслик; ~ عَدَمُ الْقِسْمَة бўлинмаслик

– قَبِيلٌ[1] *кўп.* قُبُلٌ нав, тур, хил, сорт; ◊ ~ مِنْ каби, қабилида, ўхшаш; ~ ـــلِ هَذَا الْ шунга ўхшаш; бу томондан; وَ لَيْسَ مِنْ ~ الْمُصَادَفَة أَنْ ... тасодифий эмаски, ...

– قَبِيلٌ[2] олдинда турган нарса; ◊ لَا يُفَرِّقُ بَيْنَ ~ ـــهِ وَ دَبِيرِه у қип-қизил аҳмоқ (*сўзма-сўз:* у олдидагиси билан орқадагисининг фарқига етмайди)

– قَبِيلٌ[3] *кўп.* قُبَلَاء кафил бўлган одам, кафилга олган киши

– قُبَيْلَ ...дан бироз олдин, ...дан салгина олдин; ... أَنَّ ~ ...ишдан озгина олдин

– قَبِيلَةٌ *кўп.* قَبَائِلُ қабила

– قَبِيلِيٌّ қабилавий, қабилага оид

– مُتَقَابِلٌ бир-бирига рўпара турган, бир-бирига қарама-қарши турган; дуч келувчи, рўпарадан келувчи; муқобил; ~ اقْتِرَاحٌ муқобил таклиф

– مُسْتَقْبَلٌ 1) бўлажак, келажак; 2) бўлғуси; ~ ـــلُ الْأَفْضَلُ (الْأَبْهَجُ) энг бахтли истиқбол; ~ ـــلُ هُوَ لَهُمْ келажак уларникидир; 2) *грам.* келаси замон

– مُسْتَقْبِلٌ 1) қабул қилувчи, кутиб олувчи

– مُسْتَقْبَلِيٌّ келажакка оид, келажакка тегишли, бўлғуси; شُعَرَاءُ مُسْتَقْبَلِيُّونَ бўлғуси шоирлар

– مُسْتَقْبَلِيَّةٌ футуризм

– مُقَابِلٌ 1) (*н. нисбат*) қаршисида (рўпарасида) турган; (*бирор н. га*) қарши, қарама-қарши; 2) муқобил; ~ اِقْتِرَاحٌ муқобил таклиф; فِي ~ ...га кўра, ...га қиёсланганда; فِي الْعَامِ ~ قِيمَةُ الْمُسْتَوْرَدِ مِنْهَا الْمَاضِي ... четдан келтирилган моллар қиймати ўтган йилгига қиёслаганда ...; 3) ўрнига ишлатиладиган, ўрнини босадиган; 4) эквивалент; эваз, бадал; товон, товон ўрнини қоплаш; فِي ~ أَنْ ... ...иш ўрнига, ...иш бадалига; بِالْـ~ ...га қарши, ...га зид, ...нинг акси ўлароқ; ~ (مِنْ غَيْرِ) بِلاَ бепул, бекорга, текинга; بِـ~ شَيْءٍ бирор нарсанинг бадалига

– مُقَابَلَةٌ 1) қиёслаш, солиштириш, солиштириб кўриш; 2) учрашув, учрашиш, қабул, қабулга кириш; 3) тўлов, эваз, бадал; ~ بِالْمِثْلِ *дип.* ажнабий давлатнинг чораларига жавобан унинг фуқароларига нисбатан худди шундай чораларни кўриш, репрессия; عَلَى أَسَاسِ الْـ~ بِالْمِثْلِ ўзаро фикрлаш асосида, тенг ҳуқуқлилик асосида; ذَلِكَ ~ فِي бунинг ўрнига (эвазига); 4) *астр.* планеталарнинг Қуёшга юзма-юз туриши; 5) *мат.* тенглама; عِلْمُ الْـ~ الْجَبْرِ وَ алгебра; 6) *ад.* икки тушунча ёки образни бир-бирига қарши қўйиш (қиёслаш); сўзларнинг тегишли тартибда туриши

– مُقْبِلٌ кириб келаётган, бўлғуси, яқинлашиб келаётган; فِي الْـ~ الْأُسْبُوعِ келаси ҳафтада

– مُقَبِّلاَتٌ *кўп.* иштаҳани очадиган егулик, газак, закуска; الْـ~ وَ التَّوَابِلُ ҳар хил зираворлар

– مَقْبُولٌ 1) қабул қилинган, маъқулланган; 2) мақбул, мумкин бўлган; ~ غَيْرُ номақбул, номаъқул, қониқарсиз; صِيغَةٌ ~ـةٌ маъқул бўлган шакл; عَرَفَ الْـ~ مِنَ الْمَرْدُودِ маъқул ва номаъқулнинг фарқига бормоқ; 3) ёқимли; 4) "ўрта", "уч" (*мактабда қўйиладиган баҳо*); ~ تَأْلِيفٌ اعْتِيَادِيٌّ товушларнинг оҳангдошлиги; ~ عُذْرٌ узрли сабаб

– مَقْبُولِيَّةٌ маъқуллик, мақбуллик; ~ عَدَمُ номаъқуллик, номақбуллик

– مُقْتَبَلُ: الْعُمْرِ فِي ~ навқирон ёшда, навқирон ёшликда

II (قبن) قَبَّنَ 1) тошсиз тарозида тортмоқ; 2) оғирликни қўлда чамалаб кўрмоқ

– قَبَّانٌ тошсиз тортадиган тарози; катта ҳажмли (*мас., автоюкларни тортадиган*) тарози; ~ حِمَارُ *ёки* ~ عِيرُ *зоол.* а) эшакқурт; б) бузоқбоши

– قَبَّانَةٌ 1) тарозида тортиш, тарозибонлик; 2) тарози ҳақи

– قَبَّانِيٌّ *кўп.* قَبَّانِيَّةٌ тарозибон; مِيزَانُ الْـ~ тарози

I (قبو) قَبَا (*у*) قَبْوٌ 1) томни қубба шаклида қилмоқ; 2) эгмоқ, букмоқ; V تَقَبَّى устки кийимни (*қар.* قَبَاءٌ) киймоқ

– قَبَا *халқ.* қўпол

– قَبَاءٌ *кўп.* قَبَاوَاتٌ, أَقْبِيَةٌ 1) устки кийим; 2) халат, чакмон; إِنَّ السَّمَاءَ لاَ تُغَطَّى بِالْـ~ ойни этак билан ёпиб бўлмас (*сўзма-сўз:* осмон чакмон билан ёпилмайди)

-- قَبَاءٌ *Ҳижоздаги жой номи*

– قَبَاءٌ оралиқ масофа, интервал, ора

– قَبْوٌ *кўп.* أَقْبِيَةٌ 1) қубба, гумбаз; 2) қубба шаклидаги ертўла; ~ التَّحْشِيشِ қовоқхона, наша чекиладиган жой; 3) турмадаги қийноқхона, зиндон

– قَبْوَةٌ *кўп.* قَبَوَاتٌ кичкина гумбаз; *геол.* ерости бўшлиғи

*кўп.* اتٌ ـَـ 1) кема қўмондони; 2) *шунингдек:* ~ مِينَاءٍ порт бошлиғи

– قَبُودَانِيَّةٌ порт бошлиғи мансаби (лавозими)

II (قبي) قَبَّى (*н. нисбат*) гумбаз шаклида қурмоқ

– مَقْبِيٌّ гумбаз шаклидаги; қуббасимон

I قَتَّ (*а/у*) قَتٌّ 1) алдамоқ, ёлғон гапирмоқ; ёлғон изоҳламоқ, нотўғри баён қилмоқ; 2) (*н. нисбат*) аҳамиятини ерга урмоқ (пасайтирмоқ); II قَتَّتَ 1) йиғмоқ, тўпламоқ, жамламоқ; 2) боғламоқ, боғлам қилмоқ, бойламоқ; VIII اِقْتَتَّ илдизи билан суғурмоқ

– قَتٌّ *халқ.* сомон, похол; поя

– قَتَّاتٌ бўҳтончи, ғийбатчи; ёлғончи

– قَتَّةٌ[1] тарра

– قَتَّةٌ[2] *кўп.* قَتٌّ йўнғичқа, беда

– قَتَبٌ *кўп.* أَقْتَابٌ 1) аравакаш эгари, юк эгар; 2) букур; ~ أَبُو *ёки* ~ ذُو букри

– قَتَادٌ *бот.* танаси қаттиқ тиканли дарахт; مِنْ دُونِ ذَلِكَ خَرْطُ الْـ~ буни бажариш жуда қийин (*сўзма-сўз:* буни бажаришдан قَتَادٌ ни кесиш осонроқдир); ◊ مَا جَنَى مِنْ وَرَاءِ ذَلِكَ إِلاَّ شَوْكَ الْـ~ бу иш унинг учун яхшилик билан тугамади (*сўзма-сўз:* бунинг орқасидан унинг тергани قَتَادٌнинг тикани бўлди)

– قَتَدٌ *кўп.* أَقْتَادٌ, قُتُودٌ эгарнинг ёғоч қисми

I قَتَرَ (*u, y*) قَتْرٌ бахиллик қилмоқ; (*мас., оилага*) пул бермай қўймоқ (عَلَى); II قَتَّرَ қурумсоқлик қилмоқ, ўта тежамкор бўлмоқ; IV أَقْتَرَ қашшоқлашмоқ, камбағаллашмоқ

– تَقْتِيرٌ 1) қурумсоқлик, бахиллик, ўта тежамкорлик; хасислик; 2) камбағаллик, қашшоқлик

– قَاتِرٌ хасис, бахил

– قُتَارٌ қовурилган гўштнинг ҳиди

-- قُتْرٌ томон, тараф

– قَتَرَةٌ *кўп.* قَتَرٌ ғубор, чанг

– قَتِيرٌ катта қалпоқли мих

– مُقْتِرٌ камбағал, қашшоқ

– مُقَتِّرٌ 1) бахил, хасис; 2) қурумсоқ, қоқбош

I قَتَلَ (*у*) قَتْلٌ ўлдирмоқ, йўқ қилмоқ, ҳаётдан бенасиб қилмоқ; қатл қилмоқ; نَفْسَهُ ~ ўзини ўзи ўлдирмоқ; ◊ الْحُوْعَ ~ очликни босиб турмоқ (енгмоқ); الْوَجْعَ ~оғриқни юмшатмоқ, оғриқни босмоқ; ~ الْحَرُّ الْحَمْرَةَ шаробга сув қўшмоқ; الْوَقْتَ ~ вақтни ўтказмоқ; ~ــهُ بَحْثًا у жуда иссиқлади; ~ــهُ ниманингдир таг-тагигача текшириб ўрганмоқ; II قَتَّلَ 1) кўпчиликни ўлдирмоқ, кўплаб ўлдирмоқ; 2) хунрезлик қилмоқ, қирғин-барот қилмоқ; III قَاتَلَ 1) курашмоқ, жанг қилмоқ, урушмоқ; 2) жанжаллашмоқ, айтишмоқ, баҳслашмоқ; قَاتَلَهُ اللهُ مَا أَعْذَبَ لِسَانَهُ! Аллоҳ уни яксон қилсин, унинг тили қандай ширин! (*мақтов ифодаси*); V تَقَتَّلَ 1) ғамза қилиб юрмоқ, солланиб-солланиб юрмоқ (*аёл ҳақида* – فِي مَشْيَتِهَا); 2) (*н. нидир*) қилиш учун ҳамма имкониятни ишга солмоқ (فِي); VI تَقَاتَلَ ўзаро жанг қилмоқ, ўзаро олишмоқ; (*н. нидир деб*) жанжаллашмоқ (عَلَى); биргалашиб жанг қилмоқ; VIII اقْتَتَلَ жанг қилмоқ, курашмоқ, жанжаллашмоқ, муштлашмоқ; X اسْتَقْتَلَ жонини фидо қилмоқ, ўз жонини ҳам аямай қўймоқ, жасорат кўрсатмоқ

– تَقْتِيلٌ хунрезлик қилиш, қирғин; جَمَاعِيٌّ ~ оммавий қирғин

– قَاتِلٌ 1) қотил, қатл қилувчи, ўлдирувчи; الْحَشَرَاتِ ~ ҳашоратларга қарши қўлланадиган заҳарли модда; 2) ўлимга олиб келувчи, ўлдирадиган; ضَرْبَةٌ ~ــةٌ ўлим зарбаси; 3) *кўп.* قَتَلَةٌ, قُتَّالٌ қотил

– قَتَّالٌ = قَاتُولٌ

– قَاتُولِيٌّ ўлимга олиб келувчи; ўлдирувчи; ضَرْبَةٌ ~ــةٌ ўлим зарбаси

– قَتَّالٌ ҳалокатли, ҳалокатга олиб келувчи, ўлдирадиган

– قَتَالٌ жанг, кураш

– قَتْلٌ қатл қилиш, қатл; (نَفْسِهِ) الذَّاتِ ~ ўзини-ўзи ўлдириш; قُتِلَ ~ا у ўлдирилди

– قَتْلٌ *кўп.* أَقْتَالٌ ашаддий душман

– قَتْلَةٌ ўлдириш, қатл қилиш

– قِتْلَةٌ ўлдириш услуби

– قَتُولٌ ўлимга олиб келадиган, ҳалокатли

– قَتِيلٌ *кўп.* قَتْلَى 1) қатл этилган, ўлдирилган, жангда ўлган; 2) (*жиноят*) қурбони; ~ا قَتَلَ у киши одам ўлдирди

– مُسْتَقْتِلٌ ўз жонини ҳам аямайдиган; жасорат билан жанг қилувчи, таптортмас

– مُقَاتِلٌ 1) жангчи; 2) жанг қатнашчиси; аскар

– مُقَاتَلَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ жанг, кураш, олишув

– مُقَاتَلَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ қирувчи самолёт

– مُقْتَتَلٌ жанг майдони

– مَقْتَلٌ *кўп.* مَقَاتِلُ 1) қотиллик; 2) тананинг урса ўладиган жойи; أَصَابَ ~ــا الْإِنْسَانَ بَيْنَ فَكَّيْهِ инсоннинг ўлимига сабаб бўладиган нарса унинг тилидир

– مُقَتَّلٌ тажрибали

– مَقْتَلَةٌ хунрезлик, қирғин-барот

– مَقْتُولٌ 1) қатл этилган, ўлдирилган; 2) қурбон

I قَتَمَ (*у*) قَتْمٌ кўтарилмоқ (*тутун, чанг ҳақида*); II قَتَّمَ қоронғи қилмоқ, қоронғилатмоқ, қоронғилаштирмоқ; IX اقْتَمَّ қораймоқ, қора рангга кирмоқ, тўқланмоқ

– قَاتِمٌ тўқ, тўқ рангда; қора; أَسْوَدُ ~ тим қора, қопқора; ظَلَامٌ ~ тим қоронғилик

– قَتَامٌ, قَتَامَةٌ қора ранг, қоралик; қоронғилик

– قَتَامٌ = قَتَمَةٌ, قُتْمَةٌ

I قَتَّ (*а/у*) قَتٌّ илдизи билан суғурмоқ, таг-туби билан суғуриб ташламоқ; VIII اقْتَتَّ = I

– قُثَّاءٌ *жам.* тарралар

– قُثَّايَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ тарра

– مَقْثَأَةٌ томорқа; тарра экилган полиз

قَثَدٌ таррага ўхшаш полиз маҳсулоти

قَثْطَرَةٌ *кўп.* قَثَاطِرُ *мед.* қовуқни бўшатиш ёки қовуққа дори юбориш учун ишлатиладиган асбоб, катетер

I (قحّ) قَحَّ (*а/у*) قُحُوحَةٌ, قَحَاحَةٌ 1) соф бўлмоқ, тоза бўлмоқ; насли тоза бўлмоқ, насаби тоза бўлмоқ, зотли бўлмоқ; 2) йўталмоқ

– قُحٌّ *кўп.* أَقْحَاحٌ ҳақиқий, тоза, соф, асил; насл-насаби улуғ, зотдор

– قُحَّةٌ йўтал

– قَحَةٌ *қар.* وقح

I قَحَبَ (*у*) قَحْبٌ 1) одобсизлик қилмоқ, уят иш қилмоқ; 2) йўталмоқ (*туя, от ҳақида*)

– قَحْبَةٌ *кўп.* قَحَابٌ фоҳиша, бузуқи, ғар

I (قحط) قَحَطَ (*у*) قَحْطٌ арчимоқ, қирмоқ, артмоқ, тозаламоқ; قَحِطَ (*а*) قَحَطٌ қурғоқчилик бўлмоқ, қуруқ келмоқ, ёмғирсиз бўлмоқ (*ўсил ҳақида*); الْمَطَرُ ~ ёғин бўлмади, ёғингарчилик бўлмади; II قَحَّطَ 1) арчимоқ, қирмоқ, артмоқ, тозаламоқ; 2) ўсимликни чанглатмоқ; IV أَقْحَطَ = قَحِطَ

– قَاحِطٌ[1] қуруқ, қурғоқ, қурғоқчил, ёмғирсиз

– قَاحِطٌ[2] *кўп.* قَوَاحِطُ бульдозер

– قَحْطٌ 1) қурғоқчилик, ёмғирсизлик; كَأَنَّهُ مَطَرٌ بَعْدَ الْـ~ қурғоқчиликдан кейинги ёмғирдек; 2) очлик

– قَحْطَانُ *ат. от, мз.* Қаҳтон (*жанубий арабларнинг отаси*); بَنُو ~ жанубий араблар; ~ لُغَةٌ жанубий араб тили

– قَحْطَانٌ оч қолган, қорни оч; очқўз, мечкай, суқ

– قَحْطَانِيٌّ жанубий араблар вакили

I قَحَفَ (*а*) قَحْفٌ 1) бошга урмоқ, бошга саваламоқ; 2) биратўла ичмоқ, бир нафасда ичмоқ, сипқармоқ, қоқламоқ; 3) ўзи билан оқизиб кетмоқ, ювиб кетмоқ (*сел ҳақида*)

– قُحَافٌ *кўп.* قُحْفٌ шиддатли оқим

– قَحْفٌ *кўп.* قُحُوفٌ 1) бир бош хурмоси бор бўлган шох; 2) қўпол одам, тарбия кўрмаган; қўпол

– قَحْفٌ *кўп.* قَحَفَةٌ, أَقْحَافٌ, قُحُوفٌ 1) бош суяги, бош косаси, бош суягининг (*саккиздан бири*); 2) ёғочдан ишланган идиш

I قَحِلَ (*а*) *ёки* قَحَلَ (*а*) قُحُولٌ қуруқ бўлмоқ, қуримоқ, қақшамоқ; الشَّيْخُ ~ чолнинг эти суягига ёпишиб қолди; IV أَقْحَلَ 1) қуритмоқ, сувини қочирмоқ; 2) чўлга айланмоқ, сувсизликдан ҳаёт асари тугамоқ; V تَقَحَّلَ = I

– إِنْقَحْلٌ қари, жуда кекса

– قَحِلٌ, قَاحِلٌ қуриган, қуруқ, қақшаган; унумсиз, ҳосил бермайдиган

– قَحْلٌ: ~ شَيْخٌ жуда кекса одам

– قَحَلٌ қуруқлик, сувсизлик; ҳосилсизлик, унумдорликнинг йўқлиги

– قَحْلَاءُ *мн.* қуриган, қақшаган; ~ أَرْضٌ унумсиз ер

– قَحَلٌ = قُحُولَةٌ

I قَحَمَ (*у*) قُحُومٌ бостириб бормоқ, тўппа-тўғри бормоқ, мардларча ташланмоқ; сапчимоқ, ҳамла қилмоқ; ташланмоқ; II قَحَّمَ ташлатмоқ, ҳамла қилдирмоқ; мардларча от солмоқ; IV أَقْحَمَ 1) (*н. нидир қаергадир*) киритмоқ, суқмоқ, тиқмоқ (عَلَى ,فِي); (*бирор н. га*) тортмоқ, жалб қилмоқ (فِي); қўшмоқ, аралаштирмоқ; 2) (*н. нидир к. гадир*) боғламоқ, ўраб-чирмамоқ, тақмоқ (عَلَى); ... نَفْسَهُ إِلَى ~ (*қаергадир*) бурнини тиқмоқ; V تَقَحَّمَ (*бирор ерга*) мардларча ташланмоқ (فِي); VII اِنْقَحَمَ жасорат билан олдинга ташланмоқ; VIII اِقْتَحَمَ 1) (*к. нингдир, н. нингдир устига*) мардона ташланмоқ; (*к. нингдир, н. нингдир устига*) ўйлаб ўтирмасдан ташланмоқ; 2) (*тўсиқни*) босиб ўтмоқ, эгалламоқ; ўлим хавфи бўлса ҳам (*н. нингдир*) орасидан ўтмоқ, ёриб ўтмоқ; *ҳарб.* жанг билан енгмоқ, штурм қилмоқ; الْأَخْطَارَ ~ хавф-хатарни енгмоқ, хавф-хатарга назарписанд қилмай қарамоқ; الْجَوَّ ~ *ав.* ҳавони (баландликни) бўйсундирмоқ; الدَّارَ (الْحُجْرَةَ) ~ ҳовли (хона)га бостириб кирмоқ; ~ الْعَقَبَاتِ тўсиқларни енгиб ўтмоқ; 3) синдирмоқ, бузмоқ, бузиб ташламоқ; أَبْوَابَ الْغُرْفَةِ ~ хона эшикларини бузмоқ; أَبْوَابًا ~ مَفْتُوحَةً *маж.* ҳаммага маълум нарсани ҳадеб маъқулламоқ (*сўзма-сўз:* очиқ эшикни итармоқ); 4) ҳазар қилмоқ, нафратланмоқ; تَقْتَحِمُهُ الْعَيْنُ (*к. гадир*) қарашга жирканади киши

– اِقْتِحَامٌ 1) мардлик, жасорат, баҳодирлик; 2) штурм, ҳужум, атака; 3) жиловланмаганлик; 4) эҳтиётсизлик; бемаънилик

– قُحْمَةٌ *кўп.* قُحَمٌ хавфли иш, хавфли ўйин; қийинлик, қийинчилик

– مِقْحَامٌ *кўп.* مَقَاحِيمُ жасур, баҳодир, мард, қўрқмас

– مُقْحَمَاتٌ *кўп.* қўшиб қўйилган элементлар, қўшимча нарсалар

وقح қар. قَحَةٌ

أُقْحُوَانٌ, قُحْوَانٌ *кўп.* أَقَاحِ *жам.* 1) *шунингдек:* أَصْفَرُ ~ мойчечак; 2) дасторгул; 3) хризантема

قَدْ 1) (*ўтган замон феъли олдида*), *шунингдек:* ~ لَـ ёки ~ فَـ энди, аллақачон; 2) (*ҳозирги-келаси замон олдида*) баъзан, гоҳо, эҳтимол, мумкин; бироз, бирмунча; يَتَأَخَّرُ هَذَا الْعَمَلُ ~ бу иш бирмунча сурилади шекилли

I قَدَّ (*а/у*) قَدٌّ 1) кесмоқ, кесиб майдаламоқ, тилим-тилим қилиб кесмоқ; (*мас., мармардан*) ўйиб нақш солмоқ; йиртмоқ, йиртиб ташламоқ; الدُّنْيَا ~ а) дунёни кезмоқ; б) тажрибали бўлмоқ; II قَدَّدَ (*қуритиш учун*) тилим-тилим қилиб кесмоқ; (*гўштни, балиқни*) қуритмоқ, консерва қилмоқ; V تَقَدَّدَ майда-майда қилиб кесилмоқ; 2) йиртилмоқ, йиртиқ бўлмоқ; 3) қуримоқ; VII اِنْقَدَّ йиртилиб кетмоқ; VIII اِقْتَدَّ майда бўлакларга бўлмоқ, кесмоқ

– قَدٌّ *кўп.* قُدُودٌ 1) қомат, қад, гавда; 2) ўлчов, меъёр, миқдор; عَلَى ~ унинг размерида, унга мос келадиган; унга рост; مَا ~ қанчалик, нечоғлик

– قَدْ *халқ.* миқдор, меъёр; عَلَى ~ لِحَافِكْ (بِسَاطِكْ) مَدَّ رِجْلَيْكْ *мқл.* кўрпангга қараб оёқ узат; ايشْ ~ *ёки* ~ إِيهْ *халқ.* қанча, ~ُ *халқ.* унга ўхшаб, у каби

– قَدُّ *шунингдек* سَمَكُ балиқ турларидан бири, треска

– قَدٌّ *кўп.* أَقُدٌّ камар, тасма; қамчин

– قَدَّةٌ *кўп.* قَدَدٌ 1) камар, тасма; 2) тахтача, планка; *мед.* тахтакач; 3) бўлак, бурда, тилим; 4) турли дунёқарашдаги одамлар гуруҳи; 5) йўналиш, маршрут

– قَدِيدٌ бўлиб-бўлиб қуритилган гўшт; حَصَلَ بِشِقِّ الْأَنْفُسِ عَلَى ~ الْـ катта қийинчилик билан тирикчилик қилмоқ (*сўзма-сўз:* жонни қийнаб-қийнаб қуриган гўштга эга бўлмоқ)

– مُقَدَّدٌ қуритилган; اللُّحُومُ الْـ~ةُ гўшт консервалари; خُبْزٌ ~ (عَيْشٌ) бўғирсоқ

– مُقَدَّدَاتٌ *кўп.* гўшт ёки балиқ консерваси

I قَدَحَ (*а*) قَدْحٌ 1) чақмоқлаб ёндирмоқ; عَيْنَاهُ الشَّرَرَ ~تْ *кўч. м.* кўзларидан ўт чақнаб кетди; زِنَادَ فِكْرِهِ ~ *маж.* бутун диққат-эътиборини қаратмоқ; 2) (*к. нидир*) таҳқирламоқ, ҳақорат қилмоқ, ёмонламоқ (فِي); обрў-эътиборини пасайтирмоқ (فِي); 3) еб илма-тешик қилмоқ, еб ташламоқ (*қурт ҳақида*); 4) қиздирмоқ, эритмоқ, السَّمْنَ ~ (*товада*) ёғни қиздирмоқ (эритмоқ); VII اِنْقَدَحَ учқун

чиқмоқ; VIII اقْتَدَحَ олов ёндирмоқ, учқун чиқармоқ; الْأَمْرَ ~ *маж.* масалани яхшилаб фикрламоқ

– قَادِحٌ 1) чақмоқ тош билан ўт чиқарувчи, учқун чиқарувчи; قِصَّةٌ ~ *маж.* қизиқарли қисса; 2) отиш қуролларида тепкининг пистон чақадиган учи, найзаси, боёк

– قَادِحَةٌ *кўп.* قَوَادِحُ қурт

– قَدَّاحٌ 1) чақмоқтош; кремен; 2) тошга ишқаб учқун чиқарувчи

– قَدَّاحَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) зажигалка; 2) милтиқ чақмоғи

– قَدْحٌ ёмонлаш, ҳақоратлаш, ҳақорат, таҳқир

– قَدَحٌ *кўп.* أَقْدَاحٌ 1) стакан; 2) қадаҳ, бокал, рюмка; 3) қадаҳ (*1/96 ардаб, қар* أَرْدَبٌ *ёки* 2,0625 *литрга тенг бўлган ҳажм ўлчов бирлиги*; ~ نِصْفُ الـ 1/2 *қадаҳ* (قَدَحٌ) *ёки* 1, 0312 *литрга тенг ҳажм ўлчов бирлиги*)

– قِدْحٌ *кўп.* أَقْدُحٌ, قِدَاحٌ 1) ўқ (*камондаги – ўйин учун*); ضَرَبَ الْـ ~ الْمُعَلَّى الْقِدَاحَ ўққа қараб фол очиш; 2) ютуқнинг улуши; صَاحِبُ الْـ ~ الْمُعَلَّى *ёки* ذُو الْـ ~ الْمُعَلَّى биринчи ўрин соҳиби; لَهُ الْـ ~ الْمُعَلَّى فِي هَذَا الْعَمَلِ *маж.* бирор ишда бош бўлмоқ, бошчилик қилмоқ

– قَدْحَةٌ ёгда қовурилган саримсоқ лози

– قُدَيْحٌ *бот.* косача (*мас., гулдаги*)

– مِقْدَحَةٌ *кўп.* مَقَادِحُ зажигалка; حَجَرُ الْـ ~ зажигалкадаги чақмоқтош

I قَدَرَ (*u*) قَدْرٌ, قُدْرَةٌ 1) (*н. дир қилиш*) қўлидан келмоқ, (*н. нидир қилишга*) кучи етмоқ (عَلَى); يَقْدِرُ عَلَى أَنْ يُمَيِّزَ الْغَثَّ مِنَ السَّمِينِ яхши-ёмоннинг фарқига дурустгина етади; 2) (*к. гадир*) ўлчаб кўрмоқ; قَدَرْتُ عَلَيْهِ الثَّوْبَ ~ унга кийимни ўлчаб кўрдим; ◊ إِذَا غُمَّ عَلَيْكُمُ الْهِلَالُ فَاقْدُرُوا لَهُ *ҳад.* агар тугаётган ойни булут босган бўлса (ва уни кўришга имкон бўлмаса), ўттизинчи кунни ҳам эътиборга олинглар (*рамазон ойида*); عَلَى الْعِيَالِ ~ аҳли аёлларига муносабатда хасис бўлмоқ; II قَدَّرَ 1) аниқламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ; ҳажмини ўлчаб кўрмоқ; миқдорини айтиб бермоқ; 2) баҳоламоқ, баҳо қўймоқ, нарх белгиламоқ; тақдир этмоқ, тан бермоқ; لَا يُقَدَّرُ بِثَمَنٍ бебаҳо; هُ~ حَقَّ قَدْرِهِ кимгадир тўғри баҳо бермоқ; الضَّرَائِبَ ~ солиқлар миқдорини аниқламоқ; 3) (*к. нидир бирор н. билан*) тақдирламоқ; 4) тахмин қилмоқ, гумон қилмоқ; фаҳмламоқ, кўзда тутмоқ; 5) (*жамоатчилик фикрини*) ҳосил қилмоқ (шакллантирмоқ); 6) тақдирни олдиндан белгиламоқ, аниқламоқ; ... قَدَّرَ لَهُ أَنْ унинг пешонасига ...иш насиб қилган; مَا قَدَّرَ يَكُونُ пешонага ёзилгани бўлади; لَا ~ اللهُ! худо кўрсатмасин!, худо асрасин!; IV أَقْدَرَ 1) олдиндан белгиламоқ, пешонага ёзмоқ; 2) (*к. нингдир*) қобилиятини (*бирор томонга*) ривожлантирмоқ (عَلَى); 3) (*к. гадир н. нидир қилишга*) имкон бермоқ, имконият яратмоқ (عَلَى); V تَقَدَّرَ 1) аниқланмоқ, белгиланмоқ; 2) тайёрламоқ, ҳозирламоқ; VII انْقَدَرَ рост келмоқ, мос келмоқ, тўғри келмоқ (*мас., кийим*) VIII اقْتَدَرَ қўлидан келмоқ, кучи етмоқ; عَلَى نَفْسِهِ ~ кучга киримоқ, куч йиғмоқ; X اسْتَقْدَرَ: اللهَ خَيْرًا ~ Аллоҳдан эзгуликларни насиб этишни сўрамоқ; اسْتَقْدِرِ اللهَ خَيْرًا! Аллоҳдан эзгуликлар сўранг!

– اقْتِدَارٌ 1) куч, ғайрат; 2) иқтидор, талант; ~ ب маҳорат билан; 3) қодирлик, қурби етиш

– أَقْدَرُ энг кучли, энг қудратли; энг иқтидорли, энг моҳир

– تَقْدِيرٌ *кўп.* تَقَادِيرُ 1) меъёрни аниқлаш (ҳисоблаш); 2) (*хизматни*) тақдирлаш; баҳо бериш; لِفَضْلِهِ ~ا унинг хизматини тақдирлаш сифатида; الْمَوْقِفِ ~ вазиятни аниқлаш, вазиятга баҳо бериш; 3) тахмин, фараз. тахмин қилиш; ~ا тахминан; 4) *грам.* сўз тартиби; 5) *линг.* сўзнинг тушиб қолиши; ◊ عَلَى أَقَلِّ الـ ~ ақалли, лоақал, ҳеч бўлмаса

– تَقْدِيرَاتٌ *кўп.* смета

– تَقْدِيرِيٌّ тақдирлашга оид; جَائِزَةٌ ~ـةٌ тақдирлаш мукофоти

– قَادِرٌ 1) кучли қудратли; 2) (*бирор н. га*) қобилиятли (عَلَى); غَيْرُ ~ а) кучсиз, қувватсиз; б) қобилиятсиз; ◊ بِقُدْرَةٍ ~ жуда катта куч билан

– قَدْرٌ *кўп.* أَقْدَارٌ 1) миқдор, ҳажм, меъёр; даража; қадр-қиймат; ҳад; هُ~ *ёки* هِ~ عَلَى ... миқдорича; عَلَى ~ الْكِسَاءِ مَدَّ رِجْلَيْهِ кўрпага қараб оёқ узатмоқ; 2) тақдир, қадар, қисмат; سُورَةُ الـ~ *Қур.* Қадр сураси (*97-сура*); لَيْلَةُ الـ~ Лайлату-л-қадр, Қадр кечаси (*рамазон ойининг 27-кечаси*); عَلَى ~ الْحَاجَةِ керак бўлган миқдорда, керак бўлганича; عَلَى ~ الْإِمْكَانِ *ёки* عَلَى ~ الطَّاقَةِ *ёки* ~ الْإِمْكَانِيَّةِ куч етганича, имкон борича, ... مَا ~ ... بِـ~ бўлишига қараб, ...га мувофиқ равишда; мумкин қадар, мумкин бўлганича, مَا ~ بِـ رَخُصَ إِنْتَاجُ الطَّاقَةِ الذَّرِّيَّةِ بِـ~ مَا يَتَّسِعُ بِنَاءُ الْمَحَطَّاتِ الْكَهْرَذَرِّيَّةِ атом энергияси ишлаб чиқаришнинг арзонлашишига мувофиқ равишда атом электростанцияларини қуриш кенгая боради; ~ مَا اسْتَطَاعَ *ёки* ~ مَا تَسْتَطِيعُ *ёки* بِـ~ مَا اسْتَطَاعَ عَلَى кучи етганича; اسْتِطَاعَتِكَ بِـ~ кучинг етганича

– قَدَرٌ *кўп.* أَقْدَارٌ тақдир, қадар; الْـ~ الْمَحْتُومُ қочиб қутилиб бўлмайдиган ниҳоя, ўлим; ~ا وَ الْـ~ بِالْقَضَاءِ *ёки* قَضَاءً وَ ўз-ўзидан, тасодифан; тақдир тақозоси билан; الْاعْتِقَادُ بِالْقَضَاءِ وَ الْـ~ фатализм

– قِدْرٌ *мз. мн. кўп.* قُدُورٌ тувак, қозон, қозонча

– قَدُورَةٌ *кўп.* قَدُرٌ тувак; қозонча; кўза

– قَدَرَةٌ кўзача

– قُدْرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) куч, қувват, қудрат; ~ اَلْمَصْنَعِ завод қуввати; 2) қобилият; ~ عَلَى الْعَمَلِ ишга яроқлилик; عَدَمُ ~ عَلَى الْعَمَلِ ишга яроқсизлик; ~ الدَّوْلَةِ عَلَى الدِّفَاعِ мамлакатнинг ўзини мудофаа қила олишлиги; ~ دِفَاعِيَّةٌ мудофаа қобилияти; ~ قِتَالِيَّةٌ жанговарлик, жанг қилиш қобилияти; ~ عَلَى الشِّرَاءِ *ёки* ~ شِرَائِيَّةٌ харид қилиш қобилияти

– قَدَرِيٌّ *кўп.* قَدَرِيَّةٌ 1) *тар.* қадарий (*исломдаги инсон эркини ҳимоя қилувчи оқим тарафдори*); 2) *фалс.* детерминист

– قَدَرِيَّةٌ: اَلْـــ а) *тар.* Қадарийя, қадарийлик (*исломдаги инсон эркини ҳимоя қилувчи оқим; сол.* اَلْجَبْرِيَّةُ); б) *фалс.* детерминизм

– قَدِيرٌ 1) қудратли, кучли; ҳамма нарсага қодир (*Аллоҳ*); 2) қобилиятли, қўлидан келадиган

– مُقْتَدِرٌ 1) қудратли, кучли; 2) қобилиятли, қўлидан келадиган; ~ عَلَى الْعَمَلِ меҳнатга лаёқатли; 3) ўзига тўқ, давлатманд, бадавлат

– مِقْدَارٌ *кўп.* مَقَادِيرُ 1) миқдор, сон; ~ سَاعَةٍ бир соатча; لَنْ يُؤَثِّرَ هٰذَا ~ ذَرَّةٍ عَلَى (فِي) ... бу ...га заррача таъсир қилмайди; 2) *мат.* миқдор; ◊ بِـــ ~ مَا а) ... миқдорича, ... миқдорида; б) ...нинг боришига қараб, ...га мувофиқ равишда; ~ بِهٰذَا الْـــ шу миқдорда

– مُقَدِّرٌ1) аниқловчи, белгиловчи; ~ اَلْمَسَافَةِ узоқликни ўлчовчи, дальнометр

– مُقَدَّرٌ 1) аниқланган, белгиланган; нархи белгиланган; 2) назарда тутилган, фараз қилинган; 3) олдиндан аниқлаб қўйилган, олдиндан ҳал қилинган; اَلْعَدَدُ الْـــ тасдиқланган (зарур бўлган) миқдор; ... أَنَّ مِنَ الْـــ ~ шу нарса олдиндан ҳал этиб қўйилганки...

– مُقَدَّرَاتٌ *кўп.* қадриятлар; ~ اَلْأُمَّةِ халқ қадриятлари

– مَقْدُرَةٌ, مَقْدَرَةٌ, مَقْدُرَّةٌ, مَقْدَرَّةٌ 1) куч, қудрат; 2) (*қўшин*) сони, адади, потенциал; 3) қобилият; ~ الدَّوْلَةِ عَلَى الدِّفَاعِ мамлакатнинг мудофаа қобилияти; ◊ مَالِيَّةٌ ~ моддий бойлик, бойлик, мол-мулк

– مَقْدُورٌ 1) олдиндан белгилаб (аниқлаб) қўйилган; 2) имкони бор, мумкин; ... كَانَ فِي ~ أَنْ ...га имкони бор эди, ...(*и*)ши мумкин эди; ... لَيْسَ فِي ~ أَحَدٍ أَنْ ҳеч кимнинг ...га имкони йўқ, ҳеч ким ...ни қила олмайди; 3) *кўп.* مَقَادِيرُ тақдир

I **قَدُسَ** (*у*) قَدَاسَةٌ муқаддас бўлмоқ, муқаддаслашмоқ; II قَدَّسَ 1) муқаддас ҳисобламоқ, муқаддас деб билмоқ; муқаддас деб эълон қилмоқ; 2) бағишламоқ, табаррук қилмоқ; اللهُ سِرَّهُ! ~ унинг тупроғи табаррук бўлсин! (*бирор вафот этган авлиё ёки тақводор одамга нисбатан айтилади*); V تَقَدَّسَ 1) муқаддас билиб ҳурматланмоқ; 2) муқаддасланмоқ

– تَقْدِيسٌ 1) буюк ҳурмат, улуғлаш; муқаддаслаш; 2) бағишлаш; 3) қадрлаш, табаррук ҳисоблаш; 4) поклаш, покизалаш

– قَادُوسٌ *алиф.б.қ.*

– قُدَّاسٌ *кўп.* اتٌ ـــ, قَدَادِيسُ ибодат (*христианларда*); ~ اَلْمَيِّتِ ўлганга жаноза ўқиш

– قَدَاسَةٌ 1) муқаддаслик; 2) ҳазрат, жаноб (*христиан руҳонийлари исми олдига қўшиб айтиладиган сўз*); ~ صَاحِبُ الْـــ اَلْبَطْرِيَرْكُ патриарх жаноблари; ~ اَلْمَطْرَانُ митрополит ҳазратлари; папа жаноблари (*Рим папаси*)

– قُدْسٌ муқаддаслик, бенуқсонлик, беқусурлик; ◊ ~ اَلْأَقْدَاسِ муқаддасларнинг муқаддаси; ~ بَدْلَةُ الْـــ *черк.* ибодат пайтида христиан руҳонийлари киядиган либос; ~ اَلْـــ Қуддуси шариф; ~ حَظِيرَةُ الْـــ жаннат

– قُدُسٌ муқаддаслик; ~ رُوحُ الْـــ а) муқаддас руҳ (*христианларда*); б) Жаброил алайҳиссалом (*ислом динида*)

– قُدْسِيَّةٌ муқаддаслик

– قُدُّوسٌ муқаддас, авлиё; 2) пок, покиза; Аллоҳ таолонинг исми-шарифларидан бири

– قِدِّيسٌ муқаддас; авлиёларнинг исмига қўшиб айтиладиган сўз (*христианларда*)

– مُتَقَدِّسٌ муқаддас, муқаддаслашган

– مَقْدِسٌ *кўп.* مَقَادِسُ қадамжо, зиёратгоҳ; ибодатхона; ~ بَيْتُ الْـــ Қуддуси шариф

– مُقَدَّسٌ 1) муқаддас, авлиё; дахлсиз; ~ اَلْكِتَابُ الْـــ *черк.* Муқаддас китоб; ◊ اَلْأَرْضُ الْـــةُ Фаластин (*сўзма-сўз:* Муқаддас Ер); اَلْأَرَاضِي الْـــةُ Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара; ~ اَلْبَيْتُ الْـــ Қуддуси шариф; 2) *кўп.* اتٌ ـــ азиз авлиёлар ўтган жой, қадамжо

– مُقَدِّسٌ Қуддуси шарифга келган зиёратчи

– مَقْدِسِيٌّ 1) Қуддус шаҳрига оид; 2) қуддуслик киши

I **قَدَعَ** (*а*) قَدْعٌ (*н. дандир*) ушлаб қолмоқ, тўхтатиб қолмоқ (عَنْ); VI تَقَادَعَ ёпирилмоқ, ташланмоқ

I **قَدَفَ** (*и*) قَذْفٌ (*сол.* قَذَفَ) 1) отмоқ, ирғитмоқ, отиб юбормоқ; 2) эшкак билан эшмоқ; II قَدَّفَ = I 2)

I (قدم) **قَدِمَ** (*а*) قُدُومٌ, مَقْدَمٌ 1) (*бирор жойга*) келмоқ, етиб келмоқ (إِلَى); 2) (*бирор н. га*) журъат этмоқ, ботинмоқ, жасорат қилмоқ, бормоқ (عَلَى); قَدَمَ (*у*) قَدْمٌ олдинда бормоқ, олдинда бўлмоқ; олдинламоқ; قَدُمَ (*у*) قِدَمٌ эски бўлмоқ, қадимги бўлмоқ; II قَدَّمَ 1) муқаддима қилмоқ, кириш сўзи билан бошламоқ; لِلْكِتَابِ ~ *ёки* ~ اَلْكِتَابَ китобга кириш сўзи ёзмоқ; 2) (*н. дандир*) олдин бажармоқ (عَلَى); ~ كَمَا سَبَقَنَا олдин айтиб ўтганимиздек; 3) олдинга сурмоқ; ~ رِجْلاً وَ أَخَّرَ أُخْرَى а) оёқни зўрға кўтариб босмоқ; б) қатъиятсизлик кўрсатмоқ; ~ اَلثَّمَنَ олдиндан тўлаб қўймоқ; ~ اَلسَّاعَةَ عِشْرِينَ دَقِيقَةً соатни йигирма минут олдинга суриб қўймоқ;

ـــت السَّاعَةُ ~ соат олдинлаб кетибди; مُرَشَّحًا ~ (*к. нидир*) номзод қилиб кўрсатмоқ; 4) ривожлантирмоқ, ўстирмоқ, кўтармоқ; 5) тақдим қилмоқ; أَوْرَاقَ اعْتِمَادِهِ إِلَى ... ~ ишонч ёрлиғини топширмоқ (тақдим этмоқ); اسْتِقَالَتَهُ ~ истеъфо бермоқ; خِدْمَةً ~ хизмат кўрсатмоқ, ёрдам қилмоқ; الشَّكْوَى ~ шикоят қилмоқ; لِلْمُحَاكَمَةِ ~ судга бермоқ; 6) тортиқ қилмоқ; مُسَاعَدَةً ~ (*к. гадир*) ёрдам қилмоқ (لِـ); 7) таклиф қилмоқ; ثَمَنًا ~ баҳо (нарх) таклиф қилмоқ; 3) (*к. нидир к. гадир*) таништирмоқ (لِـ عَلَى *ёки* إِلَى *ёки*); نَفْسَهُ إِلَى ... ~ а) кимнингдир ихтиёрига келмоқ; б) кимгадир ўзини танитмоқ; 9) (*к. дандир*) афзал (ортиқ) кўрмоқ (عَلَى); 10) бош қилиб қўймоқ, бошлиқ қилмоқ; IV أَقْدَمَ олдинга чиқмоқ; (*н. нидир*) олдинга сурмоқ (بِـ); 2) (*бирор н. га*) киришмоқ (عَلَى); (*бирор н. га*) журъат этмоқ, журъат кўрсатмоқ (عَلَى); (*бирор н. га*) жасорат билан ташланмоқ (عَلَى); (*к. нидир к. нигадир олдига*) олиб келмоқ (إِلَى); V تَقَدَّمَ 1) олдинга чиқмоқ (сурилмоқ); 2) биринчи ўринда юрмоқ; олдинда юрмоқ (бўлмоқ); تْ بِهِ السِّنُّ ~ ёши ўтмоқ, қаримоқ; 3) олдинга ҳаракат қилмоқ, ривожланмоқ, прогрессив бўлмоқ; كَمًّا وَ كَيْفًا ~ миқдор ва сифат жиҳатидан ривожланмоқ; 4) (*бирор к. ёки н. нинг*) олдига яқин келмоқ, яқинлашмоқ (مِنْ, إِلَى); بَيْنَ يَدَيْهِ ~ кимнингдир олдида ҳозир бўлмоқ; 5) (*к. гадир бирор масалада*) мурожаат қилмоқ (بِـ, إِلَى); بِاقْتِرَاحٍ ~ таклиф киритмоқ; 6) (*к. гадир*) тушмоқ, келмоқ (*қоғоз, шикоят ҳақида* – إِلَى); 7) тақдим (таклиф) қилмоқ; ◊ كَمَا ~ илгари айтилганидек; مَا ~ ўтган, ўтиб кетган; VI تَقَادَمَ эски бўлмоқ, қадимги бўлмоқ, эскирмоқ; الْعَهْدُ عَلَيْهِ ~ у қариб қолди; X اسْتَقْدَمَ 1) келишни сўрамоқ, илтимос қилмоқ; 2) чақирмоқ, таклиф қилмоқ, талаб қилмоқ (مِنْ)

– إِقْدَامٌ 1) (*н. нидир бажаришга*) киришиш (عَلَى); وَ ~ كَانَ بَيْنَ إِحْجَامٍ (*бирор масалада*) иккиланмоқ, қатъиятсиз бўлмоқ (مِنْ); 2) жасорат, ботирлик, мардлик

– أَقْدَمُ энг қадимги, энг эски

– أَقْدَمُونَ *кўп.* ~ الْـ қадимги халқлар

– أَقْدَمِيَّةٌ 1) катталик, юқорилик, биринчилик; 2) стаж

– تَقَادُمٌ *шунингдек* ~ الزَّمَنِ қадимийлик; الْعَهْدِ ~ а) қадимийлик; б) кексалик; ~ بِالْـ *юр.* вақт ўтганлиги (эскирганлиги) сабабли

– تَقَادُمِيٌّ *юр.* вақт ўтганлигига асосланган

– تَقَدُّمٌ 1) олдинга ҳаракат қилиш; силжиш, ҳаракат қилиш; олдинга ўтиш, олдинлаш; 2) тараққиёт, прогресс; 3) катталик, улуғлик; биринчилик, биринчи ўрин; فِي السِّنِّ ~ кексалик, ёши улуғлик

– تَقْدِمَةٌ *кўп.* تَقَادِمُ, اتٌ ـَـ тортиқ, ҳадя; 2) қурбон; 3) муқаддима, сўзбоши

– تَقَدُّمِيٌّ 1) олдинги, илғор, прогрессив; الْإِنْسَانِيَّةُ الْـ~ـةُ илғор инсоният; 2) илғор фикрли одам

– تَقَدُّمِيَّةٌ прогрессивлик

– تَقْدِيمٌ 1) олдинга суриш, олдинга чиқариш; 2) (*мас., таклиф*) киритиш; 3) тақдим этиш, тақдим; 4) (*к. нидир к. гадир*) таништириш (لِـ عَلَى *ёки*); 5) тортиқ қилиш, тортиқ; 6) сўз боши, муқаддима; ◊ بَعْدَ شَهْرَيْنِ بِلاَ ~ وَ لاَ تَأْخِيرٍ эрта ҳам эмас, кеч ҳам эмас – икки ойдан кейин

– قَادِمٌ келаётган, кириб келаётган, олдинда турган, навбатдаги; бўлажак, келгуси; الْأَحْيَالُ الْـ~ـةُ فِي الشَّهْرِ الْـ~ـةُ келаси ойда; келгуси авлодлар

– قَادِمَةٌ *кўп.* قَوَادِمُ 1) олдинги қисм; 2) *кўп.* (*қуш қанотининг*) олдинги патлари

– قُدَّامٌ олд, олд томон, олдинги қисм; ~ـهُ унинг олдида

– قُدَّامَانِيٌّ олдинги, олдинда турган

– قَدَمٌ *мн, мз. кўп.* أَقْدَامٌ 1) оёқ таги, оёқ кафти; оёқ; طِبُّ الْأَقْدَامِ оёқ қадоқларини кесиш, педикюр; 2) қадам; سَمْتُ الْـ~ *қар.* سَمْتٌ; 3) фут (*узунлик ўлчови, тахминан 30 см. га тенг*); مُرَبَّعَةٌ ~ квадрат фут; ◊ مَشَى ~ـًا لِـ عَلَى قَدَمَيْهِ *ёки* عَلَى الْأَقْدَامِ пиёда; عَلَى أَطْرَافِ قَدَمَيْهِ (مَعَ); оёқ учида; عَلَى ~ الْاِسْتِعْدَادِ тайёр бўлмоқ, шайланиб турмоқ; وَسَاقٍ ~ لَهُ у тиббиётнинг катта билимдонидир; عَلَى الْمُسَاوَاةِ ~ тенглик асосида; وَضَعَهُ مَعَ ... кимнидир ким биландир тенглаштирмоқ; وَضَعَهُ وَ ~ عَلَى الْمُسَاوَاةِ кимни биров билан тенглаштирмоқ

– قُدُمٌ тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракат қилиш; ~ـًا тўғрига, олдинга; سَارَ (مَضَى) ~ـًا فِي ... (*бирор масалада*) олдинга ҳаракат қилмоқ (силжимоқ)

– قِدْمٌ қадим замон; ~ـًا қадим замонда

– قِدَمٌ 1) қадим замон; 2) абадийлик; 3) муддат, муҳлат; катталик, юқорилик, стаж; 4) эскирганлик, ◊ مُنْذُ الْـ~ *ёки* مِنَ الْـ~ узоқ замондан

– قَدَمَةٌ 1) поданинг олдида юрадиган қўй; 2) *арх* бино деворининг пастки қисми, сокол; пойдевор

– قَادُومٌ[1], قَدُّومٌ *кўп.* قَوَادِيمُ 1) болға; 2) ўроқранда, теша (*сол.* قَادُومٌ *алиф.б.қар*)

– قَدُومٌ[2] *кўп.* قُدُمٌ жасур, мард, қўрқмас

– قُدُومٌ етиб келиш; келиш, кириб келиш; пайдо бўлиш

– قُدُومِيَّةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـَـ сўқмоқ йўл, тоғдаги ёлғизоёқ йўл

– قُدُومِيَّةٌ[2] пешқадамлик, биринчилик

– قَدِيمٌ *кўп.* قُدَمَاءُ, قُدَامَى 1) эски, кўҳна, қадимги; الْمِصْرِيُّونَ الْقُدَمَاءُ қадимги мисрликлар; الْقُدَامَى الْمُحَارِبُونَ қадимги халқлар;

الْقُدَمَاءُ ёки الْعُمَّالُ الْقُدَمَاءُ قُدَامَى الْمُحَارِبِينَ уруш фахрийлари; 2) қадимдан қолган, антик; 3) тўзиган, эскирган; ◊ الضُّبَّاطُ الْقُدَامَى катта командирлар состави; ~ مُنْذُ الْـ ёки ~ مِنَ الْـ узоқ вақтдан буен; ~ فِي الْـ ёки ~ илгари, қадимда; ~ الْعَهْدُ الْـ Таврот; ~ الْـ абадий, мангу (*Аллоҳ сифатларидан бири*)

– قَيْدُومٌ 1) олдинда турган, олдинги; 2) раҳбар, йўлбошчи; 3) олдинги қисм; ~ السَّفِينَةِ кеманинг олд қисми

– مُتَقَادِمٌ эски; ~ الْعَهْدِ қадимги

– مُتَقَدِّمٌ 1) олдинда борувчи; 2) бундан олдинги; 3) олдинлаб кетувчи; ривожланувчи, илғор; 4) бўшаб қолган мансабга (амалга) даъвогар; 5) бошлиқ; ~ فِي السِّنِّ (الْعُمْرِ) ёши ўтиб қолган, ёши бир жойга борган; ~ ذِكْرُهُ الْـ юқорида эслаб ўтилган

– مِقْدَامٌ *кўп.* مَقَادِيمُ мард, жасур, қўрқмас

– قُدُومٌ = مَقْدَمٌ

– مُقْدَمٌ (*кеманинг*) олд қисми

– مُقْدَمُ: ~ الْعَيْنِ кўзнинг бурунга яқин қисми

– مُقَدَّمٌ 1) олдинга қўйилган; 2) заколат (аванс) сифатида тўланган; ~ الْمِصْدَاقِ қалиннинг биринчи қисми; ~ًا олдиндан, аванс сифатида, заколат сифатида; 3) (*кеманинг*) олдинги қисми; 4) бошлиқ, раҳбар, йўлбошчи; 5) *ҳарб.* подполковник; майор (*Ливанда*); 6) *грам.* антецедент; ◊ وَضَعَ مَسْأَلَةً فِي الْـ масалани олдинга қўймоқ

– مُقَدِّمٌ 1) тақдим қилувчи, узатувчи; ~ الطَّلَبِ ариза берувчи; ~ بَرْنَامَجٍ (*кечани, концертни*) олиб борувчи, конферансье; مُقَدِّمُوهُ فُلَانٌ وَ عَلَانٌ وَ تَلَانٌ نُعْرِضُ لَكُمْ مَا يَلِي мазкурни тақдим қилувчи фалончи, писмадончи ва бошқалар сизга шуни маълум қиламизки, ...

– مُقَدِّمَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) (*кема, поезд ва ҳ. к. ларнинг*) олдинги қисми; 2) эшик олди, кираверіш; муқаддима, кириш, дебоча; 3) (*битимнинг*) кириш қисми; 4) хулоса асоси; ~ الْـ وَ النَّتِيجَةُ *фалс.* асос ва хулоса; 5) *мат.* теорема; 6) авангард, олдинги қисм

I (قدو) قَدَا (*у*) قَدْوٌ ширин тамли бўлмоқ, тами ширин бўлмоқ; قَدِيَ (*а*) قَدَاوَةٌ = قَدَا; II قَدَّى етмоқ, етарли бўлмоқ, кифоя қилмоқ; VIII اقْتَدَى (*к. нигадир*) орқасидан (изидан) бормоқ, орқасида бўлмоқ (ب); (*к. гадир*) тақлид қилмоқ (ب); иқтидо қилмоқ (ب)

– اقْتِدَاءٌ тақлид қилиш, изидан бориш (ب)

– قُدْوَةٌ, قِدْوَةٌ, قَدَةٌ тақлид қилиш объекти, тақлид қилинадиган нарса

– قَدِيٌّ мазали, тотли, ширин, таъми ширин

(قدر) I قَدُرَ (*у*) قَدَارَةٌ ифлос бўлмоқ, ифлосланмоқ; قَدِرَ (*а*) قَدَرٌ ёмон кўрмоқ, жирканмоқ; II قَدَّرَ ифлос қилмоқ, ифлослантирмоқ; V تَقَدَّرَ ёмон кўрмоқ, жирканмоқ; X اسْتَقْذَرَ ҳаром (ифлос, мурдор) ҳисобламоқ

– قَاذُورَاتٌ *кўп.* чиқинди, ахлат, нажас

– قَاذُورَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ярамас иш, бемаъни қилиқ

– قَذَارَةٌ ифлослик, нопоклик

– قَذَرٌ *кўп.* أَقْذَارٌ =

– قَذِرٌ ифлос, кир, ҳаром; ~ الْحَرْبِ الْـ жирканч уруш

– قَذُورَاتٌ *кўп.* = قَاذُورَاتٌ

– مَقَاذِرُ *кўп.* = قَاذُورَاتٌ

I قَذَعَ (*а*) قَذْعٌ сўкмоқ, уришмоқ, койимоқ; III قَاذَعَ ўзаро уришишмоқ, сўкишишмоқ; жанжаллашмоқ; IV أَقْذَعَ (*к. нидир*) сўкмоқ, уришмоқ, таҳқирламоқ (*туш. к. ёки* بِـ)

– قَذِيعَةٌ сўкиш, таҳқирлаш

– مُقْذِعٌ сўкувчи, уришувчи, таҳқирловчи; ~ كَلِمَاتٌ ـَةٌ ҳақоратомуз сўзлар; сўкиш сўз

– مُقْذِعَاتٌ *кўп.* таҳқирлаш, сўкиш

I قَذَفَ (*и*) قَذْفٌ 1) (*н. нидир*) ирғитмоқ, отмоқ, итқитмоқ, улоқтирмоқ (*туш. к. ёки* بِـ); 2) ташламоқ, ташлаб юбормоқ; ~ بِهِ إِلَى (فِي) بَالْقَنَابِلِ бомбардимон қилмоқ, бомба ташламоқ; ~ الشَّارِعِ кимнидир кўчага ҳайдамоқ, кўчага улоқтирмоқ (*уй соҳиби ҳақида*); 3) қўпормоқ, қўпориб олмоқ; 4) (*к. нидир*) айбламоқ, ёмонламоқ, ёмонга чиқармоқ (فِي); (*к. гадир*) бўҳтон қилмоқ (فِي); ~ عَلَنًا فِي حَقِّهِ кимнидир ошкора бадном қилмоқ, иснод қилмоқ; 5) эшкак эшмоқ; ◊ الْمَحَبَّةَ فِي قَلْبِهِ ~ кимнингдир юрагига ўт ташламоқ; ~ فِي قَلْبِهِ الرُّعْبَ кимнингдир юрагига хавф солмоқ; II قَذَّفَ эшкак эшмоқ; VI تَقَاذَفَ 1) (*н. нидир*) бир-бирига ўзаро отишмоқ (ب); ~ بِهِ الْأَمْوَاجُ тўлқинлар уни ҳар томонга тортиб кетди; 2) бир-бири билан айтишмоқ, сўкишмоқ; VII انْقَذَفَ (*бирор томонга*) ирғитилмоқ, отилмоқ, суриб юборилмоқ

– تَقْذِيفٌ эшкак эшиш

– قَاذِفٌ 1) ирғитувчи, отувчи; قَاذِفَاتُ اللَّهَبِ *ҳарб.* ўтсочар, оғнемёт; 2) ташловчи, ташлаб юборувчи; قَاذِفَاتُ الْقَنَابِلِ бомбардимончи (*самолётлар ҳақида*); قَاذِفَاتُ الْأَلْغَامِ миномёт; 3) сўкувчи, таҳқирловчи

– قَاذِفَةٌ *кўп.* ـَاتٌ бомбардимончи

– قَاذُوفٌ 1) ёй; 2) камонга ўхшаш қадимий қурол, арбалет

– قَذَّافٌ отувчи, ирғитувчи, ташловчи

– قَذْفٌ 1) ирғитиш, отиш, улоқтириш; ~ الْجُلَّةِ *спорт.* ядро ирғитиш; ~ بِالْقَنَابِلِ الْـ бомбардимон қилиш; 2) таҳқирлаш, бўҳтон қилиш, ҳақоратлаш

– قُذْفَةٌ *кўп.* قُذَفٌ, قُذَافَاتٌ балкон, айвон

– قَذَفِيٌّ бўҳтоннамо, таҳқирли

– قَذِيفَةٌ *кўп.* قَذَائِفُ тўп ўқи, замбарак ўқи; отилган снаряд; ракета; قَذَائِفُ مُوَجَّهَةٌ (مُسَيَّرَةٌ) бронтешар снаряд; ~ خَارِقَةُ الدُّرُوعِ бошқариладиган снарядлар; ~ كَوْنِيَّةٌ مُوَجَّهَةٌ бошқариладиган космик ракета; ~ـــ أَطْلَقَ *маж.* ўқдек учиб кетмоқ

– مِقْذَافٌ *кўп.* مَقَاذِيفُ эшкак; ◊ ~ـــ الْ بَيْتُ эшкак қулоғи (*қайиқ ёнига эшкак ўрнатиладиган айри*)

– مِقْذَفٌ *кўп.* مَقَاذِفُ эшкак

– مَقْذُوفٌ 1) ташланадиган; 2) ташлаб юбориладиган, ирғитиладиган; улоқтириладиган; 3) (*гильзасиз*) снаряд, бомба; ~ نَارِيٌّ отиладиган снаряд; ўқ; ~ سَهْمِيٌّ стабилизаторли снаряд

– مَقْذُوفَاتٌ *кўп.* (*заҳарли моддалар ва ҳ. к. лар билан тўлдирилган*) снарядлар, бомбалар

قَذَالٌ *кўп.* أَقْذِلَةٌ, قُذُلٌ энса, гардан

– قَذَالِيٌّ энсага, гарданга оид

– قَذَلٌ нуқсон, камчилик, айб

I قَذِيَ (*а*) قَذًى чўп тушмоқ, чанг тушмоқ; ~ تِ الْعَيْنُ кўзга бир нарса тушди; II قَذَّى кўзга ниманидир туширмоқ, кўзни ифлос қилмоқ; 2) (*кўздаги ёки сувдаги*) гардни олиб ташламоқ; IV أَقْذَى = II 1); 2) чанг туширмоқ, гард туширмоқ, чўп туширмоқ

– قَذَاةٌ *кўп.* قَذًى (*кўзга тушган*) гард; رَأَى الْـــ فِي عَيْنِ أَخِيهِ وَ ~ نَسِيَ الْجِذْعَ فِي عَيْنِهِ *қар.* جِذْعٌ; فِي الْعَيْنِ ~ *кўч. м.* ошга тушган пашша

– قَذًى *жам. кўп.* أَقْذَاءٌ, أَقْذِيَةٌ чўп. хас, гард; أَغْضَى عَلَى الْـــ ~ хафачиликни яширмоқ (*сўзма-сўз:* хас тушган кўзни юммоқ)

– قَذِيٌّ гард тушган, хас тушган; رَجُلٌ ~ الْعَيْنِ кўзига бирор нарса кирган одам

I (قرّ) قَرَّ[1] (*а/u*) قَرَارٌ 1) қолмоқ, қарор топмоқ; (*қаергадир*) кўчиб келмоқ, турғун бўлиб қолмоқ (ب ,في); 2) тўхтамоқ, тинмоқ, босилмоқ, тинчиб қолмоқ; لَهُ ~ у тинчиди; 3) дам олмоқ; 4) иқрор бўлиб, бўйнига олмоқ, эътироф қилмоқ; 5) хирилламоқ, хур-хур қилмоқ; ғулдирамоқ, қулдирамоқ; ~ تْ بَطْنُهُ унинг қорни қулдирамоқда; ◊ ... رَأْيُهُ عَلَى ~ у шундай хулосага келдики, ...; قَرَّ[2] (*u/a, и*) قَرٌّ 1) совуқ бўлмоқ, совимоқ, салқин бўлмоқ; 2) мусаффо бўлмоқ, тозаланмоқ; ◊ ~ تْ عَيْنُهُ *ёки* عَيْنًا ~ у (*н. дандир*) мамнун (ب); II قَرَّرَ 1) қарор қилмоқ, ҳал қилмоқ, келишмоқ; *юр.* муҳокамага қўймоқ, тавсия қилмоқ; 2) аниқламоқ, белгиламоқ; يُقَرِّرُ الشَّعْبُ مَصِيرَهُ халқ ўз тақдирини ўзи белгилайди; 3) тасдиқламоқ, тасдиқлаб бермоқ; 4) қайд қилмоқ, таъкидламоқ; الْوَاقِعَ ~ фактни қайд қилмоқ; 5) тайинламоқ, жорий қилмоқ; 6) доклад қилмоқ; ҳисобот тақдим қилмоқ; 7) гувоҳлик бермоқ (*судда-гувоҳ ҳақида*); бўйнига қўймоқ, тан олдирмоқ; 8) жойлаштирмоқ; 9) совутмоқ, салқин қилмоқ; III قَارَّ ҳаракатсиз бўлмоқ, турғун бўлмоқ, ҳаракатсиз ўтириб қолмоқ; IV أَقَرَّ 1) ўрнатмоқ, қўймоқ; 2) (*к. нидир қаергадир*) жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ (في); 3) (*қарорни*) тасдиқламоқ; 4) (*н. нидир*) бўйнига олмоқ, тан олмоқ (ب), (*н. нидир*) эътироф қилмоқ (ب); بِالْحَقِّ ~ ҳақиқатни тан олмоқ; بِالْجَمِيلِ ~ кимгадир миннатдорлик изҳор қилмоқ; 5) тозаламоқ, янгиламоқ; (*к. нидир*) хурсанд (мамнун) қилмоқ; عَيْنَهُ ~ кўзни қувонтирмоқ; V تَقَرَّرَ 1) ўрнатилмоқ, барқарор бўлмоқ; 2) қарор қилинмоқ, ҳал қилинмоқ; X اسْتَقَرَّ 1) тасдиқ бўлмоқ, тасдиқланмоқ; قَرَارٌ ~ қарор қатъийлашди, қатъий тусга кирди; مَعْنَى شَيْءٍ ~ ниманингдир маъносини аниқламоқ; 2) (*қаергадир*) жойлашмоқ, ўрнашмоқ (في); ~ فِي مَكَانِهِ жойлашиб ўтириб олмоқ; 3) мустаҳкам (барқарор) бўлмоқ, стабиллашмоқ; 4) хотиржам бўлмоқ, кўнгли жойига тушмоқ; 5) ҳаракатсиз бўлмоқ; 6) кўчмас бўлмоқ (*мулк ҳақида*)

– اسْتِقْرَارٌ 1) ҳаракатсизлик; 2) барқарорлик, стабиллик, мустаҳкамлик; ~ عَدَمُ беқарорлик, чидамсизлик; ~ الْأَحْوَالِ вазиятнинг барқарорлашиши

– إِقْرَارٌ 1) йўл қўйиш, рухсат бериш; 2) ўрнатиш, жорий қилиш; ~ السَّكِينَةِ тинчитиш, яраштириш, битиштириш; ~ السَّلَامِ тинчликни барқарорлаштириш; 3) тан олиш, эътироф қилиш; ~ الْـــ السُّكُوتُ مِنَ сукут – аломати ризо (*сўзма-сўз:* сукут сақлаш эътироф қилишдандир); ~ جُمْرُكِيٌّ *савдо.* божхонада бож олиниши керак бўлган моллар декларацияси; 4) жойлаштириш, ўрнаштириш; 5) иқрор қилиш

– تَقْرِيرٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) қарор; 2) доклад, ҳисобот; ~ الْمَصْرِفِ банк ҳисоботи; ~ سَنَوِيٌّ йиллик ҳисобот; 3) билдириш, билдиришнома; ~ـــ اً قَدَّمَ (*бирор н. ҳақида*) рапорт тақдим қилмоқ (عَنْ); ◊ ~ الْمَصِيرِ а) тақдирни аниқлаш; б) ўз тақдирини ўзи белгилаш

– قَارٌّ 1) совуқ, салқин; 2) ҳаракатсиз, турғун

– قَارَّةٌ *кўп.* ـــ اتٌ қитъа, материк; ~ـــ السَّوْدَاءُ Африка; ~ـــ الْقَارَّاتُ الْخَمْسُ дунёнинг беш қитъаси; ~ـــ السَّادِسَةُ الْقَارَّةُ оltинчи қитъа (Антарктида); ~ـــ حَافَّةُ қитъанинг сув чегараси

– قَارِّيٌّ қитъа (материк) га оид; ~ـــ الْحَرْفُ الْـــ *қар.* حَرْفٌ; ~ـــ الْنِّظَامُ *тар.* континентал система

– قَارُورَةٌ *кўп.* 1) бутилка; 2) *кўч. м.* аёл киши; رِفْقًا بِالْقَوَارِيرِ *кўч. м.* аёлларга муносабатда юмшоқ бўлайлик!

– قَرٌّ[1] совуқ; салқин

– قَرٌّ[2]: ~ـــ الْ يَوْمُ қурбонликдан кейинги кун

– قُرٌّ совуқлик, салқинлик

– قَرَارٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) қарор, резолюция; *юр.* ҳукм, ҳукмнома; اتَّخَذَ ~ًا қарор қабул қилмоқ; ~ الظَّنِّيُّ الـــ *ёки* الـــ الاتِّهَامِ *юр.* айбнома; 2) қаър, чуқурлик, чуқур; остки қисм, туб; لَهُ ~ لاَ тубсиз; 3) тинчлик, осойишталик; ~ لاَ يَسْتَقِرُّ لَهُ *ёки* ~ لاَ يَبْدَأُ لَهُ у тиниб-тинчимайди, у тинч (хотиржам) ўтирмайди; حَتَّى ~ لاَ يَسْتَقِرُّ لَهُ ... у ...гунча кўнгли жойига тушмайди; 4) манзилгоҳ, қароргоҳ; 5) турар-жой; 6) *муз.* нақарот; ◊ ~ الـــ دَارُ нариги дунё

– قَرَارَةٌ *кўп.* قَرَارٌ 1) чуқурликдаги водий; 2) чуқурлик, туб, қаър; فِي ~ النَّفْسِ кўнгилнинг тўр-тўрида

– قَرَارِيٌّ 1) моҳир уста, моҳир ҳунарманд; 2) моҳир ғишт терувчи

– قَرَّةٌ бақа боласи, қурбақача, бақача

– قُرَّةٌ 1) салқинлик, сўлимлик; 2) *бот.* сувда ўсадиган крес (*газак қилинадиган ўсимлик*) ◊ ~ الْعَيْنِ а) шодлик, хурсандлик; б) кўз қорачиғи

– قُرٌّ = قُرَّةٌ

– قَرِيرٌ салқин, сўлим; ◊ ~ الْعَيْنِ хурсанд, мамнун

– مُسْتَقَرٌّ 1) келиб тушилган жой, маскан

– مُسْتَقِرٌّ мустаҳкам, барқарор, маҳкам; саботли, чидамли, тугун; ~ غَيْرُ субутсиз, беқарор, чидамсиз

– مَقَرٌّ *кўп.* اتٌ ـــ, مَقَارُّ келиб тушилган жой, турган жойи (*ўрни*), қароргоҳ, резиденция; ~ الْحُكُومَةِ ҳукумат резиденцияси; ~ الْأُمَمِ الْمُتَّحِدَةِ (مُنَظَّمَةِ) БМТ қароргоҳи (*штаб-квартираси*); ~ عَمَلِهِ кимнингдир доимий иш жойи; ~ النُّحَاسِ мис кони; ~ الْوَظِيفَةِ хизмат жойи; ◊ ~ الْقِيَادَةِ штаб; ~ السُّلْطَةِ пойтахт; ~ الـــ الْأَخِيرُ гўр, қабр

– مُقَرِّرٌ докладчи, маърузачи

– مُقَرَّرٌ 1) аниқ, аниқланган; белгиланган, ўрнатилган, қайд этилган; ҳал қилинган, келишилган; ... ~ الـــ مِنَ أَنَّ ...га қарор қилинган; ... ҳал бўлган; ~ اَسْعَارٌ қатъий белгиланган нархлар; 2) солиқ; ~ الْأَمْوَالُ الـــ غَيْرُ бевосита солиқлар; ~ الـــ الْأَمْوَالُ бевосита солиқлар; ~ الـــ خَارِجَ дастурдан ташқари, программага киритилмаган (кирмаган)

– مُقَرَّرَاتٌ *кўп.* 1) қарорлар; 2) (*имтиҳон топшириш учун*) дастурий талаблар

– مَقْرُورٌ совуқда қолган, совуқда қотган; совқотган, музлаб қолган

قَرَابَاذِينٌ дори тайёрлаш (*сақлаш, касалларга ёзиб бериш*) га оид қўлланма, фармакология

قَرَه قَرَاجُوزٌ *қар.* كُوزٌ

قَرَاكُوشٌ 1) бургут; 2) *фольклордаги ат. от.* Қорақуш (*ўзбеклардаги бойқушга мос*); *кўч. м.* адолатсиз қози (*судя*)

– قَرَاقُوشِيٌّ адолатсиз, ноодил; ~ حُكْمٌ адолатсиз ҳукм

I قَرَأَ (قرأ) (*а*) قِرَاءَةٌ 1) ўқимоқ, ўқиб чиқмоқ; ~ بِصَوْتٍ مَسْمُوعٍ *ёки* جَهْرًا овоз чиқариб ўқимоқ; ~ سِرًّا ичида ўқимоқ, овоз чиқармай ўқимоқ; ~ فِي الْكِتَابِ китобдан ўқимоқ; ~ الْفَاتِحَةَ Қуръоннинг 1-сураси "Ал-Фотиҳа"ни ўқимоқ (*ютуқ, омад, бахт рамзи сифатида*); ~ الْغَيْبَ башорат қилмоқ, олдиндан айтмоқ; 2) ўрганмоқ, (*к. нингдир олдида н. нидир*) ўрганмоқ (عَلَى); قَرْءٌ, قُرْآنٌ (*а*) قَرَأَ жамламоқ; бир-бирига қўшмоқ; ◊ ~ السَّلاَمَ د кимгадир салом бермоқ; II قَرَّأَ ўқитмоқ, зўрлаб ўқитмоқ; 2) ўқишни ўргатмоқ; IV أَقْرَأَ 1) ўқитмоқ, зўрлаб ўқитмоқ; ~ الْقُرْآنَ د кимгадир Қуръон ўқишни ўргатмоқ; 2) ўқишга имкон бермоқ; ◊ ~ السَّلاَمَ د кимгадир салом айтмоқ; VII اِنْقَرَأَ ўқилмоқ; X اِسْتَقْرَأَ 1) ўқиб чиқишни илтимос қилмоқ; 2) ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ

– اِسْتِقْرَاءٌ (*шунингдек, қар.* قرو) 1) ўқиб беришни илтимос қилиш; 2) тадқиқ қилиш, ўрганиш; 3) *фалс.* айрим фактлардан умумий хулосага келиш, индукция

– قَارِئٌ *кўп* قُرَّاءٌ, قُرَأَةٌ 1) (*н. нидир*) ўқувчи; қори, Қуръон ўқувчи; 2) китобхон; قُرَّاءُ الْعَرَبِيَّةِ а) арабча ўқийдиганлар; б) арабийхонлар; نَضَعُ هَذِهِ الْمَقَالَةَ بَيْنَ أَيْدِي قُرَّاءِ الْعَرَبِيَّةِ бу мақолани арабийхонларга ҳавола қиламиз; ◊ ~ الْبَخْتِ фолбин, ромчи, ~ الْكَفِّ кафтдаги чизиқларга қараб фол очувчи

– قُرَّاءٌ *кўп.* قَرَارِئُ, قُرَّاؤُونَ таркидунё қилган одам, ибодат билангина яшайдиган одам

– قِرَاءَةٌ 1) ўқиш, Қуръони карим қироати; ~ الـــ وَ الْكِتَابَةِ ўқиш ва ёзиш; 2) (*мас., термометр ёки барометрнинг*) кўрсатиши; ◊ ~ الْبَخْتِ фол очиш, фолбинлик; ~ الْكَفِّ кафтдаги чизиқларга қараб фол очиш

– قَرْءٌ1 ой кўриш, ҳайз

– قَرْءٌ2 пок бўлиш, покизаланиш

– قُرْءٌ *кўп.* أَقْرَاءٌ 1) *шеър.* вазн, ўлчов, ритм; 2) (*аёллардаги*) ой кўриш

– قُرْآنٌ ўқиш, қироат қилиш; (الْكَرِيمُ, الشَّرِيفُ) الـــ Қуръони карим

– قُرْآنِيٌّ Қуръони каримга оид, қуръоний; الْآيَاتُ الـــ ةُ Қуръони карим оятлари

– مَقْرَأٌ, مَقْرَأَةٌ *кўп.* مَقَارِئُ ибодатхона; Қуръони карим тиловат қилиш жойи

– مِقْرَأٌ китоб қўйиладиган қия мослама

– مَقْرُوءٌ 1) ўқилган, ўқиладиган; 2) ўқишга қулай, осон; ~ غَيْرُ ўқилиши қийин

– مُقْرُوءَاتٌ *кўп.* ўқиб чиқиладиган нарсалар

– مُقْرِئٌ 1) қори, тиловат қилувчи; 2) Қуръони карим тиловатини ўргатувчи устоз

– مَقْرُوءٌ = مَقْرِئٌ

I **قَرُبَ** (*y*) قُرْبٌ *ёки* قَرِبَ (*a*) قِرْبَانٌ 1) яқин бўлмоқ, яқинлашмоқ; اِنْتَظَرَ مَا يَقْرُبُ مِنَ السَّاعَةِ у бир соат чамаси кутди; 2) (*к. гадир*) яқин келмоқ (مِنْ إِلَى); кириб келмоқ, бўлмоқ (*вақт ҳақида*) II قَرَّبَ (*бирор н. га*) яқинлаштирмоқ, яқин қўймоқ (مِنْ); (*к. нидир к. биландир*) ёнма-ён қўймоқ, тенглаштирмоқ (بَيْنَ وَ بَيْنَ). 2) қурбонлик қилмоқ, қурбон қилмоқ; اَلْقَرَابِينَ ~ (*к. учундир*) қурбонликлар қилмоқ (إِلَى); 3) яқин бўлмоқ, яқинлашмоқ; 4) қинга жойламоқ; солмоқ; III قَارَبَ 1) яқин келмоқ, яқинлашмоқ; 2) (*бирор н. га ҳозирги-келаси замон феъли билан*) тайёр турмоқ; 3) (*к. нидир к. биландир*) ёнма-ён қўймоқ, тенглаштирмоқ (وَ بَيْنَ); яқинлашмоқ, тенглашмоқ, ўхшамоқ; IV أَقْرَبَتْ ой-куни яқинлашмоқ, бошланиш арафасида бўлмоқ; V تَقَرَّبَ (*к. гадир, н. гадир*) яқин келмоқ, яқинлашмоқ (إِلَى); 2) (*к. гадир*) яқин муносабатда бўлишнинг йўлини қидирмоқ (إِلَى) VI تَقَارَبَ ўзаро яқинлашмоқ, бир-бирига яқинлашмоқ, VIII اِقْتَرَبَ (*к. гадир, н. гадир*) яқинлашмоқ, яқин бўлмоқ (مِنْ); X اِسْتَقْرَبَ 1) яқин ҳисобламоқ; 2) энг яқин йўлни танламоқ

– أَقَارِبُ *кўп.* қариндош-уруғлар, қариндошлар

– اِقْتِرَابٌ 1) яқинлашиш, яқин бўлиш; 2) яқинлик

– أَقْرَبُ энг яқин; اَلْمُقَرَّبِينَ ~ (*к. гадир*) энг яқин (إِلَى); فِي ~ وَقْتٍ энг яқин фурсатларда, яқин ўртада; بِأَقْرَبِ مَا يُمْكِنُ иложи бор энг яқин фурсатда

– تَقَارُبٌ 1) ўзаро яқинлашиш; 2) яқинлик; *мат. биол.* турли организмларда бир хил ташқи муҳит таъсирида ўхшаш белгиларнинг пайдо бўлиши, конвергенция

– تَقْرِيبٌ якинлаштириш; ◊ ~ عَلَى اَلْـ ~ بِالْـ *ёки* ~ *ёки* بِوَجْهِ اَلْـ ~ عَلَى وَجْهِ اَلْـ тахминан, тақрибан, деярли

– تَقْرِيبِيٌّ тахминий, тақрибий; ~ـةٌ بِصُورَةٍ тахминан, тақрибан

– قَارِبٌ *кўп.* قَوَارِبُ қайиқ; *спорт* пойга қайиғи; اَلنَّجَاةِ ~ қутқарув қайиғи; مَطْوِيٌّ ~ йиғиладиган қайиқ, йиғма қийиқ; بِمُحَرِّكٍ ~ *ёки* ~ نَارِيٌّ моторли қайиқ; سَرِيعُ ~ тезюрар қайиқ, катер; بُخَارِيٌّ ~ буғ билан юрадиган катер; ◊ اَلصَّنْصَةِ ~ зирзавор қайла идиши, қайладон; اَلزُّبْدَةِ ~ мой идиш

– قِرَابٌ *кўп* اتٌ ـــ, قُرُبٌ 1) қин, ғилоф; 2) тўппонча ғилофи, кобура

– قَرَابَةٌ 1) яқинлик, қариндошлик; ~ ذُو қариндош; ~ بَيْنَهُمَا у иккиси қариндошлардир; ~ دَرَجَةُ اَلْـ қариндошлик даражаси; ~ رَحِمٍ она томонидан қариндошлик; ~ عَصَبٍ *қар.* عَصَبٌ

– قُرَابَةٌ 1) тахминийлик, тақрибийлик; ◊ ~ тахминан, тақрибан; ~ عِشْرِينَ عَامًا مُنْذُ тахминан йигирма йиллар илгари

– قُرْبٌ 1) қариндошлик; 2) яқинлик; اَلْمَسَافَةِ ~ масофанинг яқинлиги; بِـ~ـهِ унинг яқинида; ... مِنْ بِالْـ~ ...нинг ёнгинасида; ~ عَنْ яқинида; ~ тахминан, чамаси; ёнида; كَذَا ~ шулар атрофида; عَامَيْنِ ~ икки йиллар чамаси; 3) қўшнилик

– قُرْبَانٌ *кўп.* قَرَابِينُ 1) қурбон; قَدَّمَ اَلْـ~ қурбон қилмоқ; 2) Аллоҳ таолога яқинлашиш воситаси

– قُرْبَانٌ = قُرْبَةٌ 3)

– قِرْبَةٌ *кўп.* قِرَبٌ 1) меш, сув сақланадиган тери халта; 2) *шунингдек:* مِزْمَارُ اَلْـ~ *муз.* дам билан чалинадиган чолғу асбоби; مَقْطُوعَةٌ نَفَخَ فِي ~ *мкл.* ўғирчада сув туймоқ (*сўзма-сўз:* тешик асбобни пуфлаб чалмоқ); ◊ هَطَلَ اَلْمَطَرُ كَأَفْوَاهِ اَلْقِرَبِ ёмғир пақирлаб қуйди

– قُرْبَى 1) яқинлик; қариндошлик, қариндош-уруғлик; 2) ذَوُو اَلْـ~ қариндошлик; 3) худо йўлига қилинган хайрли иш

– قِرَبِيٌّ *кўп.* قِرَبِيَّةٌ меш тайёрлайдиган уста; мешфуруш

– قِرْبِينَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ карабин

– قَرِيبٌ[1] *кўп.* أَقْرِبَاءُ қариндош, қариндош-уруғ

– قَرِيبٌ[2] яқин, узоқ бўлмаган; اَلْعَهْدِ ~ яқингинада бўлиб ўтган, кечагина; اَلْـ~ فِي اَلْعَاجِلِ яқин кунларда, яқин келажакда; ~ عَنْ *ёки* ~ عَمَّا *ёки* ~ тез кунда, яқин кунларда; أَوْ~ لاَ يَتَعَلَّقُ هَذَا بِهِ مِنْ~ لاَ يُمَثِّلُ اَلشَّرِكَةَ مِنْ~ وَ لاَ عَنْ بَعِيدٍ бунинг унга ҳеч бир алоқаси йўқ; بَعِيدٌ у киши фирманинг ҳеч бир ваколатига эга эмас

– قَرِيبٌ[3] масофа

– مُتَقَارِبٌ мутақориб (*аруз вазни баҳрларидан бирининг номи*)

– مُتَقَرِّبٌ яқинлашган, яқин

– مُقَارِبٌ 1) (*бирор н. га*) яқинлашиб келаётган (إِلَى); яқин; 2) ўртача, ўртамиёна

– مُقَارَبَةٌ яқинлик; яқин келажак; أَفْعَالُ اَلْـ~ *грам.* иш-ҳаракатнинг яқин келажакда амалга ошишини билдирувчи феъллар (كَادَ *ва ҳ. к.*)

– مُقَرَّبٌ 1) яқинлашган, яқин; 2) яқин одам; эркатой, арзанда

– مَقْرَبٌ *кўп.* مَقَارِبُ энг яқин йўл

– مَقْرُبَةٌ яқинлик; ... عَلَى ~ مِنْ ...нинг яқинида

قَرْبُوسٌ *ёки* قَرَبُوسٌ *кўп.* قَرَابِيسُ эгарнинг қоши; أَمَامِيٌّ ~ эгарнинг олдинги қоши; خَلْفِيٌّ ~ эгарнинг орқа қоши

قَرْبُوصٌ *кўп.* قَرَابِيصُ = قَرْبُوسٌ

قَرْبَطَ 1) хасис бўлмоқ, хасисланмоқ, бахил бўлмоқ; 2) тежамоқ

– قَرْبَطَةٌ 1) хасислик, пишиқлик; 2) тежаш, тежаб-тергаш, экономия

قَرْبَعَ бир симиришда ичиб юбормоқ, сипқармоқ

– قَرْبَعَةٌ бир симиришда (нафас олмасдан) ичиб юбориш, сипқариш

I قَوَتَ (*у*) قُوُوتٌ қуюлиб қолмоқ, ивиб қолмоқ (*қон ҳақида*)

– قَرَتٌ қуюлган (ивиган) қон

I (قرح) قَرَحَ (*а*) قَرْحٌ яродор қилмоқ, жароҳатламоқ; قَرِحَ (*а*) قَرَحٌ яра (чақа) тошмоқ; قَرَحَ (*а*) قُرُوحٌ, قِرَاحٌ беш ёшли бўлмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); II قَرَّحَ яра-чақа тошишига сабаб бўлмоқ; IV أَقْرَحَ = I; V تَقَرَّحَ яра тошмоқ, илинмоқ, сидирилмоқ; VIII اقْتَرَحَ 1) (*к. гадир*) таклиф қилмоқ, таклиф билан чиқмоқ, қарорни таклиф қилмоқ (عَلَى); 2) қонун асосидаги ташаббус билан (*қонун лойиҳасини*) таклиф қилмоқ; 3) олдиндан тайёргарликсиз гапирмоқ; 4) (*к дандир н. нидир*) талаб қилмоқ (عَلَى, *туш. к. ёки* ب); ўйлаб чиқармоқ, кашф (ихтиро) этмоқ

– اقْتِرَاحٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) таклиф; مُعَاكِسٌ ~ қарши таклиф, муқобил таклиф; 2) қарор, резолюция; 3) қонун асосидаги ташаббус билан таклиф қилиш (*қонун лойиҳасини*); حَقُّ ~ الْقَوَانِينِ қонун асосидаги ташаббускорлик ҳуқуқи

– قَارِحٌ[1] *кўп.* قَوَارِحُ 1) катта бўлган, етилган (*ҳайвон*); 2) беш ёшли (*ҳайвон ҳақида*); 3) тиши чиқа бошлаган (*от*)

– قَارِحٌ[2] 1) тажрибали; 2) қув, айёр, билағон, эпчил, уддабурон, ўткир; ~ النَّفْسِ жасур, довюрак; ◊ !~ қандай суллоҳ!

– قَرَاحٌ 1) соф, бирор нарса аралашмаган; ~ الْمَاءُ тоза, тиниқ сув; 2) на иморат, на бирор дарахт йўқ бўлган экинзор

– قَرِحٌ яра-чақа тошган; яра-чақа босган

– قَرْحٌ, قُرْحٌ, قُرُوحٌ *кўп.* ـَاتٌ — яра, чақа; шилинган, сидирилган жой; ~ الْفِرَاشِ ётаверишдан увишиб жонсиз бўлиб қолган жой; ◊ عُودُ ~ الـ пиретрум (*тог мойчечагидан тайёрланадиган яра-чақага қарши ишлатиладиган упасимон модда*)

– قُرْحٌ яранинг оғриғи, жароҳат азоби

– قُرْحَانٌ чечак тошган одам; ~ بَعِيرٌ хали қутир бўлмаган туя

– قُرْحَةٌ *кўп.* قُرَحٌ, ـَاتٌ — яра, чақа, йиринг; ~ الْأُنْثَى ~ فِي الْمِعْدَةِ ўн икки бармоқли ичак яраси; ошқозон яраси; ~ الـ الْخَبِيثَةُ хатарли (саратонли) яра; ~ الـ الشَّرْقِيَّةُ тери лейшманиози (*касаллик*); ~ الـ الزُّهْرِيَّةُ الرُّخْوَةُ захм касали, сифилис; ~ الـ الزُّهْرِيَّةُ ювмоқ захм (*захм касаллигининг бошланиши*); ~ الـ الصُّلْبَةُ қаттиқ захм (*захм касаллигининг давоми*)

– قَرِيحٌ *кўп.* قَرْحَى 1) яродор; 2) тоза, соф (*сув ҳақида*); ~ مَاءٌ булоқ суви

– قَرِيحَةٌ[1] *кўп.* قَرَائِحُ туғма қобилият; ақл; талант эгаси; доҳий

– قَرِيحَةٌ[2] қудуқдан олинган дастлабки сув

– مُتَقَرِّحٌ яра-чақа тошиб кетган

– مُقْتَرَحٌ *кўп* ـَاتٌ — таклиф, қарор

– مُقَرَّحٌ яра-чақа тошиб кетган

(قرد) II قَرَّدَ 1) (*ҳайвондаги*) каналарни йўқотмоқ; 2) алдамоқ, ёлғон гапирмоқ; IV أَقْرَدَ каналарга ем бўлмоқ

– قُرَادٌ *жам. кўп.* قُرْدَانٌ *зоол.* кана; أَبُو قُرْدَانٍ оқ қўтон; أَبُو قُرْدَانِ مِصْرَ лайлакка ўхшаш узуноёқ қуш

– قَرَّادٌ 1) маймун ўйнатувчи; 2) маймунлар бошлиғи

– قَرَّادٌ = قُرَدَاتِيٌّ, قُرَادَاتِيٌّ

– قُرَادَةٌ *кўп* ـَاتٌ — кана

– قَرَّادٌ قُرَدَانِيَّةٌ *кўп.* = قُرَدَانِيٌّ

– قِرْدٌ *кўп.* قُرُودٌ, قِرَدَةٌ (*думсиз*) маймун; ~ طَوِيلُ الذَّنَبِ узун думли кичик маймун, мартишка; ~ إِنْسَانِيٌّ одамсимон маймун, петикантроп; ~ مَدَغَشْقَرَ ярим маймун, лемур; ~ فِي الْـ عَيْنِ أُمِّهِ غَزَالٌ *мкл.* боласини қўнғиз ҳам оппоғим дер, типратикан силлиғим (юмшоғим) дер (*сўзма-сўз:* маймун онасининг кўзида оҳудир)

– قُرَادٌ = قُرْدٌ

– قُرْدَةٌ *кўп.* قُرَدَاتٌ = قُرُودٌ

قُرْدَاحِيٌّ *кўл.* قَرَادِحَةٌ қурол-аслаҳа ясовчи уста

– قُرْدُحَةٌ кекирдак олмаси, қуштомоқ

– قُرْدُوحٌ бабуин (*маймун жинси*)

قُرَيْدِسٌ *жам.* майда қисқичбақалар (*Сурияда*)

I قَرِسَ (*а*) قَرَسَ *ёки* قَرِسَ (*у*) قَرْسٌ музламоқ, яхламоқ, музга айланмоқ; қаҳратон совуқ бўлмоқ; II قَرَّسَ 1) совутмоқ, музлатмоқ, 2) музлатиб қўймоқ, тўнглатиб юбормоқ; IV أَقْرَسَ = I

– قَارِسٌ жуда совуқ, қаҳратон

– قَارُوسٌ денгиз оладуғаси (*балиқ*)

– قَرَاسِيَا қора олхўри

– قَرْسٌ кучли совуқ, қаҳратон

– قَرُوسٌ = قَارُوسٌ

– قَرِيسٌ қотган, қотиб қолган; ~ جُبْنٌ қотган пишлоқ

I قَرَشَ (*у*) قَرْشٌ 1) чақмоқ, қарс-қурс қилиб чақмоқ, чақиб емоқ (*мас., бодомни*); 2) (*бирор к. учун*) топмоқ, қўлга киритмоқ (لِـ); II قَرَّشَ топмоқ, қўлга киритмоқ; III قَارَشَ аралашмоқ, суқилмоқ; IV أَقْرَشَ бой бўлмоқ, бойимоқ; VI تَقَارَشَ (*бирор н. га*) аралашмоқ, суқилмоқ; VIII اقْتَرَشَ топмоқ, қўлга киритмоқ, олмоқ, эгалик қилмоқ

– قَرْشٌ ишлаб топиш, ишлаб ҳақ олиш

– قِرْشٌ[1] *кўп* قُرُوشٌ қирш, пиастр; ~ صَاغٍ катта қирш; ~ تَعْرِيفَةٍ кичик қирш, ярим қирш

– قُرْش$^2$ *кўп.* قُرُوش акула; أَبُو مِنْشَار ~ الْـــ аррабалиқ

– قُرَيْشِيٌّ = قُرَشِيٌّ

– قَرِيشٌ: الْجُبْنُ الْـــ ~ янги пишлоқ

– قُرَيْش = قُرْش$^2$

– قُرَيْشٌ қурайшийлар, қурайш қабиласига мансуб одамлар

– قَرِيشَةٌ 1) сузма, творог; 2) қариша (*пишлоқ турларидан бири*)

– قُرَيْشِيٌّ қурайший; لُغَةٌ ~ـــةٌ қурайшийлар тили

– مُقْرِشٌ бойиб кетган, бой, давлатманд, бадавлат

I **قَرَصَ** (*у*) قَرْصٌ 1) чимчиламоқ, чимдиламоқ; чақмоқ, чақиб олмоқ; نَتْهُ الْحَاجَةُ ~ *маж.* ўта мўҳтож бўлмоқ; 2) азобламоқ, алам ўтказмоқ; 3) (*обиноннинг хамирини*) ёймоқ, расламоқ (*Наманган шеваси*); زَهْرَ النَّرْد ~ нард ўйинида тошлар билан фирибгарлик қилмоқ; II قَرَّصَ 1) чимчиламоқ, чимдиламоқ; чақавермоқ, кўп марта чақмоқ; 2) обинон емоқ; VII اِنْقَرَصَ чақилмоқ, чақилиб ташламоқ (*чивин ёки ари томонидан*)

– قَارِصٌ 1) чимчиб оладиган, чимдилайдиган; чақувчи, чақиб олувчи; 2) азоб берувчи, қийнайдиган; ◊ قَوَارِصُ الْكَلَامِ қўпол (дағал) гаплар

– قُرَّاصٌ *жам.* қичитқи ўт, газанда ўт

– قُرَّاصَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ қичитқи ўтнинг танаси

– قَرَّاصَةٌ омбир; кана

– قَرَّاصِيَّةٌ = قَرَاسِيَا *қар.* қарс

– قُرْصٌ *кўп.* أَقْرَاصٌ 1) лаппак, тўгарак, диск; التِّلِيفُونِ ~ телефон лаппаги (диски); الْجُبْنَةِ ~ бир думалоқ (лаппак) пишлоқ; الشَّمْسِ ~ қуёш гардиши; الْـــ ~ رَمْيُ (قَذْفُ) *спорт.* диск ирғитиш; 2) граммофон пластинкаси (лаппаги); مُسَجَّلَةٌ أَقْرَاصٌ патефон пластинкалари (лаппаклари); 3) таблетка, ҳаб дори; أَقْرَاصٌ ضِدَّ السُّعَالِ йўтал дори; 4) олтин гардиш (*аёллар бош безаги*); ◊ ~ الْعَسَلِ мумкатак (*асали билан*)

– قَرْصَةٌ 1) чимчилаш, чимчилаб олиш; чақиш, чақиб олиш; 2) чимчилашдан ҳосил бўлган мўматалоқ; 3) лом (*асбоб*)

– قُرْصَةٌ *кўп.* قُرَصٌ обинон

– قُرْصِيٌّ гардишли, диск шаклидаги; ~ مِحْرَاثٌ диск шаклидаги плуг (омоч); ~ الشَّكْلِ дисксимон

– قُرَيْصٌ = قُرَّاصٌ; الدُّجَاجِ ~ *бот.* айиқтовон (*Сурияда*)

– قُرَيْصَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) обинонниng кичиги, кулча; 2) ҳабдори, юмалоқ дори

– مِقْرَاصٌ *кўп.* مَقَارِيصُ 1) омбир, қисқич; 2) эгри пичоқ

– قُرْصَانٌ *кўп.* قَرَاصِينُ, قَرَاصِنَةٌ қароқчи, денгиз қароқчиси; قَرَاصِنَةُ الْبِحَارِ денгиз қароқчилари

– قُرْصَانِيٌّ қароқчиликка оид

– قَرْصَنَةٌ қароқчилик, денгиз қароқчилари; ~ أَعْمَالُ الْـــ қароқчилик ҳатти-ҳаракатлари

– قَرْصَنِيٌّ қароқчиликка оид

I **قَرَضَ** (*u*) قَرْضٌ 1) чақмоқ, чақиб олмоқ; кемирмоқ; 2) ўймоқ, ўйиб ташламоқ, еб ўймоқ; 3) олдини олмоқ, барҳам бермоқ; 4) кесмоқ, қирқмоқ, қирқиб ташламоқ; (*кийимни*) бичмоқ 5) (*шеър*) битмоқ, тўқимоқ; ◊ رِبَاطُهُ ~ у вафот этди; عَلَى أَسْنَانِهِ فِي النَّوْمِ ~ уйқуда тишини ғирчиллатди; II قَرَّضَ 1) чақмоқ, чақиб олмоқ; кемирмоқ; 2) ўймоқ, ўйиб ташламоқ; III قَارَضَ 1) ўзаро бир-бирига қарз бермоқ; 2) тижорат иши учун (*к. гадир*) пул бериб турмоқ; IV أَقْرَضَ қарз бермоқ, қарздор қилмоқ; кредит бермоқ; (*н. нидир*) олдидан ўтказиб қўймоқ; أَقْرِضُوا اللهَ قَرْضًا حَسَنًا *қур.* эзгуликларни олдиндан Оллоҳ таолога ўтказиб қўйинглар! VI تَقَارَضَ бир-бирига қарз бермоқ; ўзаро айирбошламоқ; نَظَرَاتٍ ~ бир-бирига назар солмоқ; الثَّنَاءَ ~ бир-бирини мақтамоқ; VII اِنْقَرَضَ 1) узилиб қолмоқ, узилмоқ, бўлинмоқ; 2) қирилиб кетмоқ, тухуми қуримоқ, қирилиб битмоқ; йўқ бўлиб кетмоқ; VIII اِقْتَرَضَ қарз олмоқ; заём чиқармоқ (*ҳукумат ҳақида*); X اِسْتَقْرَضَ қарз сўрамоқ; заём чиқармоқ (*ҳукумат ҳақида*)

– اِقْتِرَاضٌ заём

– إِقْرَاضٌ 1) қарз, ссуда, қарз бериш; 2) кредит бериш

– اِنْقِرَاضٌ тўхташ; 2) қирилиш, тухуми қуриш; йўқ бўлиш

– قَارِضٌ 1) чақувчи, чақиб олувчи; ~ حَيَوَانٌ *зоол.* кемирувчи; 2) *кўп.* قَوَارِضُ *зоол.* кемирувчилар

– قَرَّاضٌ темир йўл назоратчиси

– قَرَّاضَةٌ 1) куя (*ҳашарот*); 2) компостёр

– قُرَاضَةٌ қиринди, резги; қипиқ; الْحَدِيدِ ~ темир қириндиси

– قَرْضٌ *кўп.* قُرُوضٌ қарз, заём, ссуда; أَسْهُمُ الْـــ ~ заём облигациялари; دَاخِلِيٌّ ~ ички заём; طَوِيلُ الْأَمَدِ ~ узоқ муддатли заём

– قَرَضٌ араб акацияси пўстлоғи (*сол.* قَرَظٌ)

– قَرْصَةٌ кесилган бир бурда нон

– قَرِيضٌ шеърият, поэзия; шеърлар

– مِقْرَاضٌ *кўп.* مَقَارِيضُ қайчи

– مِقْرَضٌ *кўп.* مَقَارِضُ қайчи; التَّذَاكِرِ ~ контролёр қайчиси; الصُّوفِ ~ жун қирқадиган қайчи; ◊ ابْنُ ~ *зоол.* сассиққўзан

– مُقْرِضٌ қарз берувчи, кредит берувчи, кредитор

– مُنْقَرِضٌ 1) инқирозга учровчи; 2) йўқ бўлиб кетган

– قَرْضَابٌ *кўп.* قَرَاضِبَةٌ қилич

I **قَرَطَ** (*у*) قَرْطٌ майдаламоқ, майда бўлакларга бўлмоқ; II قَرَّطَ 1) зирак (исирға) тақмоқ; 2) майдаламоқ; 3) (*к. нидир*) уйғотмоқ,

уйғотиб қўймоқ (عَلَى); 4) (*бирор к. га нисбатан*) қаттиққўл (бахил) бўлмоқ (عَلَى); 5) (*мас., галстукни*) боғламоқ; V تَقَرَّطَ зирак тақмоқ, исирға тақиб олмоқ; ◊ ~ الشَّمْعَةَ шамни тўғриламоқ; ~ بَطْنُهُ унинг қорни санчиб оғрияпти; X اسْتَقْرَطَ аристократ (оқсуяк, аслзода) бўлмоқ

– أَقْرَطُ *мн.* قُرْطٌ *кўп.* قَرْطَاءُ 1) "р" ёки "л" товушини чучук талафуз қиладиган; тутилиб гапирадиган, соқовланадиган

– تَقْرِيطٌ санчиқ, санчиб оғриш

– قُرْطٌ *кўп.* قِرَاطٌ, قُرُوطٌ, قِرْطَةٌ, أَقْرَاطٌ 1) зирак, исирға; шокила, попук; 2) *бот.* себарга, учбарг; 3) *бот.* беда

– قِيرَاطٌ *кўп.* قَرَارِيطُ қирот (*1/32 қадаҳ ёки 0, 064 гр. га тенг бўлган қимматбаҳо тош ёки сочилувчан моддалар ўлчов бирлиги, шунингдек, 1/16 дирҳам ёки 0, 195 гр. га тенг бўлган қимматбаҳо тошлар ўлчов бирлиги*); ~ كَامِلٌ мукаммал қирот (*1/24 фаддонга ёки 175,035 м² га тенг бўлган юза ўлчов бирлиги*); ~ بَرْسُومٍ қирот (~ حَبَّةُ الشَّعِيرِ *нинг 1/6 га ёки 0,87 см. га тенг бўлган узунлик ўлчови*); ҳажм ўлчови (*Уҳуд тоғининг ҳажмига тенг, ҳадиси шариф бўйича*; ◊ ~ أَرْبَعَةٌ وَ عِشْرِينَ *олий сифатли*

– مَقْرُوطَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ милтиқ (*Суданда*)

قَرْطَسَ нишонга тегмоқ, нишонга тушмоқ

– قِرْطَاسٌ *кўп.* قَرَاطِيسُ 1) қоғоз, қоғоз варағи; قَرَاطِيسُ الدُّيُونِ заём облигациялари; қимматбаҳо қоғозлар; 2) қоғоз халта, пакет; 3) нишон, мўлжал

– قِرْطَاسٌ = قَرْطَسٌ

– قَرْطَسٌ қоғоз, қоғоз варағи

– قَرْطَسَةٌ нишонга тушиш, мўлжалга тегиш

قِرْطَالَةٌ эгар

قَرْطَمَ (*н. нингдир*) учини кесмоқ, қирқмоқ; у ер-бу ерини тишлаб ташламоқ, ғажилаб ташламоқ

– قُرْطُمٌ, قِرْطِمٌ *бот.* ёввойи заъфарон; махсар

– قُرْطُمَانٌ сули

– قَرْطَمَةٌ (*мундштукдаги*) занжир; отнинг оғзига солинадиган сувлуқ

قَرْطَمِيثَةٌ *бот.* Алп (*тоғи*) бинафшаси

II قَرَّظَ (ظ) 1) тақриз ёзмоқ; 2) мақтамоқ, мадҳ қилмоқ; мақтовли тақриз бермоқ

– تَقْرِيظٌ 1) мақтов, мақтаб ёзилган тақриз; 2) тасанно ўқиш, кўкларга кўтариш

– قَرَظٌ = فَرَضٌ

– قَرِيظٌ мақташ, тасанно ўқиш, кўкларга кўтариш

I قَرَعَ (ع) (а) قَرْعٌ 1) (*доира*) чалмоқ; (الدَّفَّ) الطَّبْلَ ~ табл (ноғара, даф) чалмоқ, барабан чалмоқ; الْجَرَسَ ~ қўнғироқ чалмоқ; جَرَسَ التِّلِيفُونِ ~ телефонда қўнғироқ қилмоқ; كَأْسَيْهِمَا ~ (қадаҳларни) уриштирмоқ, чўқиштирмоқ; 2) дарахтнинг пўстлоғини кесиб қўймоқ; 3) қуръа ташлаб ғолиб келмоқ (ютмоқ); ◊ سِنَّهُ ~ тишини ғижирлатмоқ; ... سِنَّ النَّدَمِ عَلَى ~ (*бирор н. га*) жуда афсусланмоқ; الْأَعْصَابَ ~ асабга тегмоқ, асабни бузмоқ; آذَانَهُمْ ~ ... عَنْ гапиравериб қулоқни қоматга келтирмоқ, жаврайвериб мияни қоқиб қўлга бермоқ; ضَمِيرَهُ ~ уни виждон азоби қийнайди; قَرِعَ (*а*) قَرَعٌ 1) ялтирбош бўлмоқ, тепакал бўлмоқ; 2) яланғоч бўлмоқ; 3) бўшаб қолмоқ, холи қолмоқ, ҳеч ким йўқ бўлмоқ; ◊ ~ حَجُكُمْ ҳаж зиёратининг мавсуми кунлари тугади; II قَرَّعَ сўкмоқ, ҳақоратламоқ; 2) (*к. нингдир*) устидан кулмоқ; III قَارَعَ 1) курашмоқ, жанг қилмоқ; жанжаллашмоқ; 2) ғолиб келмоқ; 3) қийнамоқ, азоб бермоқ (*касаллик ҳақида*); 4) қуръа ташламоқ, чек ташламоқ; 5) соққа (чек) ташламоқ (*ўйинда*); VI تَقَارَعَ 1) кўплашиб қуръа (чек) ташламоқ; 2) соққа отмоқ, тош ташламоқ, отмоқ (*ўйинда*); 3) (*бирор н. га қараб*) фол очмоқ (عَلَى) 4) унвон (даража) борасида беллашмоқ; VIII اقْتَرَعَ 1) (*к. гадир*) овоз бермоқ, (*к. нидир*) сайламоқ (ـــ); اقْتُرِعَ عَلَى هَذِهِ الْمَسْأَلَةِ бу масалада овоз берилди; 2) аскарликка олиш учун қуръа (чек) ташламоқ; қуръа (чек) ташлашни чўзиб юбормоқ

– اقْتِرَاعٌ овоз бериш, сайлаш; ~ الْعَامُّ умумхалқ сайлови; ~ السِّرِّيُّ яширин овоз бериш; ~ الْمُبَاشِرُ тўғридан-тўғри овоз бериш; ~ مَرْكَزُ الْ~ овоз бериш пункти, сайлов округи; ~ الْعَسْكَرِيُّ аскарликка олиш учун қуръа (чек) ташлаш; صُنْدُوقُ ~ *қар.* صُنْدُوقٌ

– أَقْرَعُ *мн.* قَرْعَاءُ *кўп.* قُرْعٌ 1) тепакал, ялтирбош; 2) яланғоч, ечинтирилган

– تَقْرِيعٌ сўкиш

– قَارِعٌ чалувчи, гумбурлатувчи

– قَارِعَةٌ *кўп.* قَوَارِعُ фалокат, офат; ҳалокат, катастрофа; ◊ ~ الْ *қур.* қиёмат; عَلَى قَوَارِعِ الطُّرُقِ *ёки* عَلَى ~ الطَّرِيقِ йўл ўртасида; ~ الدَّارِ ҳовли саҳни; قَوَارِعُ الْقُرْآنِ Қуръони каримнинг жинлар феълидан қўрққанда ўқиладиган оятлари, *мас*, آيَةُ الْكُرْسِيِّ

– قَرَّاعٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ қизилиштон

– قُرَاعٌ 1) тепакал жой, соч тўкилган жой; 2) *мед.* паразитли сикоз

– قِرَاعٌ кураш, жанг; ёқалашиш, уришиш

– قَرَعٌ 1) тепакал жой, соч тўкилган жой; 2) *мед.* (*айланма*) кал; сикоз

– قَرْعٌ гумбурлаган овоз, тақиллаш; ~ الطُّبُولِ барабан овози

– قَرْعٌ *жам.* ошқозоқлар

– قَرْعَةٌ[1] *кўп.* قَرْعَاتٌ (*мас., барабаннинг*) гумбурлаши

– قَرْعَةٌ[2] *кўп.* قَرَعَاتٌ 1) ошқовоқ, қовоқ; 2) қовоқдан ясалган идиш; ~ الرَّأْسِ бош суяги

– قَرَعَةُ бошнинг соч йўқ қисми, бошнинг кал жойи

– قُرْعَةٌ *кўп* قُرَعٌ 1) қуръа, чек; ~ عَسْكَرِيَّةٌ аскарликка олиш қуръаси; ~ إِدَارَةُ الْـ аскарликка қуръа ташлаш асосида олиш бошқармаси; ~ أَلْقَى الْـ *ёки* أَجْرَى الْـ қуръа (чек) ташламоқ; 2) сайлов соққалари; сайлов бюллетени; 3) (*имтиҳон*) билети

– قُرْعِيٌّ ошқовоққа оид; ~ـة الْفَصِيلَةُ الْـ қовоқдошлар оиласи

– قَرِيعٌ 1) сара, танлаб олинган, энг яхши; 2) зотли туя; 3) қаҳрамон; 4) бошлиқ, раҳбар

– مُقَارَعَةٌ кураш, жанг; унвон (даража) да беллашиш

– مِقْرَعَةٌ *кўп.* مَقَارِعُ 1) қамчи; 2) (*эшикка осилган*) болғача; 3) таёқ, таёқча

قُرْعُوشٌ икки ўркачли туя

I (قرف) قَرَفَ (*и*) قَرْفٌ 1) пўстини артмоқ, пўстлоғини тозаламоқ; 2) шубҳаланмоқ; قَرِفَ (*а*) قَرَفٌ 1) жирканмоқ, нафратланмоқ, меъдасига урмоқ; 2) яқинлашмоқ, яқин келмоқ; *шунингдек*: касалга йўлиқмоқ (чалинмоқ); II قَرَّفَ нафрат қўзғамоқ; 2) пўстини артмоқ; III قَارَفَ 1) (*н. билан дир*) шуғулланмоқ; (*мас., жиноят*) қилмоқ; 2) яқинлашмоқ, яқин бўлмоқ, яқинлик қилмоқ; IV أَقْرَفَ = II; VIII اقْتَرَفَ 1) бирор ёмон иш қилмоқ; 2) ишлаб у-бу топмоқ, ишлаб бирор нарса орттирмоқ; ◊ الْمَرَضَ ~ касал бўлмоқ

– اقْتِرَافٌ бирор ёмон иш қилиш

– قَرَافَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ қабристон

– قَرَفٌ 1) нафратланиш; беҳад тўйиб кетиш; 2) норозилик

– قَرْفَانُ 1) нафратланувчи, жирканувчи; 2) ҳаддан зиёд тўйиб кетган, талабчан, диди баланд, нозиктабиат

– قِرْفَةٌ 1) пўст, пўстлоқ; ~ الْجُرْحِ ярадаги қўтир; 2) долчин; 3) шубҳа

– قَرِيفَةٌ 1) оғир (кўнгилсиз) воқеа; 2) ёмон кайфият

– مُقْتَرِفٌ 1) (*бирор н. ни.*) амалга оширувчи; 2) айбдор

– مُقْرِفٌ 1) жирканч, нафратланувчи; кўнгилни беҳуд қиладиган, кўнгилни совутадиган; 3) қизил юзли одам, юзи қизил одам; 4) онаси араб отидан, отаси бошқа зотли отдан бўлган дурагай от

قَرْفَصَ чўккаламоқ, чўкка тушиб ўтирмоқ

– قُرْفُصَاءُ, قُرْفُصَى *кўп.* قَرَافِيصُ чўкка тушиб, чўккалаб; ~ جَلَسَ الْـ *ёки* قَرْفَصَ = جَلَسَ عَلَى قَرَافِيصِهِ

I قَرَقَ (*у*) قَرْقٌ қақағламоқ, қағ-қағ қилмоқ

– قُرْقَةٌ курк товуқ, тухум босган товуқ

– قُرْقِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ошиқ-мошиқ (*эшикдаги*)

قَرْقَفٌ май, шароб

قَرْقَالَةٌ *бот* нўхот (*Жазоирда*)

قَرْقَذَانٌ олмахон (*ҳайвон*)

قَرْقَرَ 1) ғув-ғувламоқ, ғурилламоқ (*каптарлар ҳақида*); хур-хур қилмоқ, хурилламоқ (*мушук ҳақида*); ўкирмоқ, бўкирмоқ (*туя ҳақида*); акилламоқ, ирилламоқ (*ит ҳақида*); 2) гумбирламоқ (*момақалдироқ ҳақида*); 3) ғулдирамоқ, қулдирамоқ (*қорин ҳақида*); 4) қулқулламоқ, булқилламоқ (*сув ҳақида*); 5) ҳоҳламоқ; 6) *халқ тагигача ялаб қўймоқ, ҳеч нарса қолдирмай тозалаб қўймоқ*

– قَرْقَرَةٌ 1) қуриллаш, хуриллаш; ўкириш, бўкириш; акиллаш, ириллаш; 2) гумбурлаш; 3) қалдираш; 4) булқиллаш; 5) ҳоҳолаш

– قُرْقُورٌ[1] *кўп.* قَرَاقِيرُ қўзичоқ

– قُرْقُورٌ[2] катта ва узун кема

قَرَه قُوزٌ قَرَقُوزٌ қар

قَرْمَشَ қарсиллатиб тишламоқ, қарсиллатиб чайнамоқ; карс-карс қилиб чақмоқ; تَقَرْمَشَ карс-карс қилмоқ, касир-кусур қилмоқ

– قَرْمَشَةٌ қарсиллаш, қирсиллаш, қарсиллатиб чақиш

– قَرْمُوشٌ кемирчак, тоғай

– قَرَمُوشَةٌ *кўп.* قَرَاقِيشُ қарсиллайдиган сухари, печенье, нон қоқи; ◊ الْأُذُنِ ~ қулоқ кемирчаги

قَرْمَطَ = قَرْقَصَ

قَرْمَطَ сувлиқ чайнамоқ (*от ҳақида*); тиш билан синдирмоқ (майдаламоқ); ◊ عَلَى أَسْنَانِهِ ~ тишларни ғижирлатмоқ

قَرْمَعَ қарсиллатмоқ; гумбирлатмоқ; тақиллатмоқ; тапиллатмоқ; даранглатмоқ, жаранглатмоқ

– قَرْمَعَةٌ қарсиллаш, шақиллаш; гумбурлаш; дукиллаш; ~ بِالسِّلَاحِ *ёки* الْأَسْلِحَةِ қуролни леш қилиш; уруш билан пўписа қилиш

قَرْمَفٌ *кўп.* قَرَامِفُ читтак

قَرَه قُولٌ *кўп.* اتٌ ـــ *кар.* قَرَه قُولٌ

قَرَه كُوزٌ *кар.* قَرَكُوزٌ

قَرِلَّةٌ *бот.* ёввойи хантал (горчица)

قَرَلِّي *зоол.* қорабузоқ; кўктўрғай (*қуш*)

I.(قرم) قَرَمَ (*и*) قَرْمٌ тишламоқ, тишлаб узиб олмоқ; чимчиламоқ; قَرِمَ (*а*) قَرَمٌ ~ إِلَى اللَّحْمِ гўшт ейишни соғинмоқ; II قَرَّمَ бахиллик (хасислик) қилмоқ, зиқналанмоқ, қурумсоқ бўлмоқ

– قَرَامٌ қизил чойшаб

– قَرْمٌ *кўп.* قُرُومٌ, أَقْرَامٌ 1) бошлиқ, жаноб; ~ الْأَقْرَامِ الْأَشِدَّاءِ энг забардаст (қудратли) одам; 2) зотли туя ёки от

– قَرْمٌ гўшт ейишга бўлган кучли иштиёқ

– قُرْمَةٌ *кўп.* قُرَمٌ 1) оқизишга мўлжалланган ҳода, ёғоч; 2) тўнка, кунда; 3) ғўла, гўшт майдалаш учун ишлатиладиган кунда

– مُقَرَّمٌ 1) арзанда туя (*юк ҳам, одам ҳам ташимайдиган, фақат кўз-кўз қилиш учунгина боқиладиган туя*); 2) жаноб

– مَقْرَمٌ *кўп.* مَقَارِمُ чойшаб

– قِرَامٌ = مِقْرَمَةٌ

قَرْمَدَ сувамоқ, сувоқ қилмоқ; ~ الْحَائِطَ деворни сувоқ қилмоқ; сувамоқ; ~ السَّقْفَ томни черепица билан ёпмоқ

– قَرْمَدٌ сувоқ, суваш

– قِرْمِيدٌ *кўп.* قَرَامِيدُ *жам.* 1) черепица; кошин, кафел; 2) ғишт

قِرْمِزٌ қизил бўёқ, ҳашаротдан олинадиган қизил бўёқ; ~ دُودَةُ الْـ *зоол.* қирмиз; қизил бўёқ берадиган ҳашарот

– قِرْمِزِيٌّ оч-қизил; ◊ الْحُمَّى الْـ~ـةُ *мед.* қизилча (қизамиқ) касаллиги

– قِرْمِزِيَّةٌ *мед.* қизилча (қизамиқ) касаллиги

قَرْمَشَ 1) қисирлатиб чайнамоқ; 2) чақмоқ, чақиб емоқ

قَرْمَطَ майда хат қилиб ёзмоқ, майда қилиб ёзмоқ

– قَرْمَطَةٌ майда ва зич қилиб ёзилган хат

– قَرَامِطِيٌّ *кўп.* قَرَامِطَةٌ *тар.* қарматий

– قَرْمُوطٌ *кўп.* قَرَامِيطُ лаққа балиқ, сом

I قَرَنَ (*u*) قَرْنٌ 1) боғламоқ, бириктирмоқ, (*н. биландир*) қўшиб олиб бормоқ (ب); الْقَوْلَ بِالْفِعْلِ ~ сўзни иш билан қўшиб олиб бормоқ; ~ أَعْمَالَهُ بِـ... ўз фаолиятини ... билан қўшиб олиб бормоқ; ~ بَيْنَ الْحَجِّ وَ الْعُمْرَةِ ҳаж ва умра маросимини бир қилиб адо этмоқ; 2) (*ҳўкизларнинг*) бўйинтуруғини қўшмоқ; II قَرَّنَ қўзоқ чиқармоқ; 2) жуфт-жуфт қилиб бойламоқ; маҳкам қилиб, қисиб бойламоқ; III قَارَنَ 1) боғланмоқ, бирикмоқ, қўшмоқ; (*бирор н. ни бошқа бирор н. биландир*) солиштирмоқ, қиёсламоқ, солиштириб кўрмоқ (ب *ёки* بَيْنَ ... وَ بَيْنَ); 3) тенгдош бўлмоқ; 4) ҳамроҳ бўлмоқ, ҳамроҳлик қилмоқ; IV أَقْرَنَ 1) қўшмоқ, бириктирмоқ, қўшиб олиб бормоқ; ~ الصَّيَّادُ овчи бир ўқ билан икки қушни уриб туширди; 2) пишмоқ, етилмоқ (*яра ҳақида*); 3) куч бағишламоқ, қувватни зиёда қилмоқ; VI تَقَارَنَ қиёсланмоқ, солиштирилмоқ; VIII اقْتَرَنَ (*к. биландир*) бирикмоқ, қўшилмоқ, боғланмоқ (ب); بِالْمَرْأَةِ ~ никоҳига олмоқ, уйланмоқ; بِـ~ تْ унга турмушга чиқмоқ; X اسْتَقْرَنَ пишмоқ, етилмоқ (*яра ҳақида*)

– اقْتِرَانٌ 1) иттифоқ; бирикиш, қўшилиш; *астр.* бирлашиш (*қар.* اقْتِرَانِيٌّ); 2) никоҳ, уйланиш, тўй

– اقْتِرَانِيٌّ *астр.* синодик (*икки самовий жисмнинг бир-бирига бирлашгандай бўлиб кўриниши*)

– أَقْرُنٌ *мн.* قُرْنَاءُ *кўп.* قُرُونٌ шохли, мугузли; ~ الْحَوَاجِبِ туташқош, бароқ қошли; حَيَّةٌ قَرْنَاءُ шохли илон

– قَارُونُ *алиф.б.қар.*

– قِرَانٌ 1) бирикиш, қўшилиш; никоҳ, тўй; 2) *астр.* қирон, яқинлашиш (*икки самовий жисмнинг бир-бирига ўта яқин келиши*)

– جَاؤُوا ~ وَ жуфт қилиб боғланган, жуфт қилиб қўшилган; قُرَانَى улар жуфт-жуфт ва якка-якка бўлиб келишди

– قَرَانْيَا *бот.* қизил мевали бута

– قَرْنٌ[1] *кўп.* قُرُونٌ 1) шох, мугуз; 2) *шунингдек:* ~ الْاسْتِشْعَارِ пайпаслагич, баъзи ҳайвонларнинг мўйловсимон қўли; 3) қўзоқ; уруғ косаси; 4) аср, юзйиллик; давр; قُرُونُ الْوُسْطَى ўрта асрлар; 5) авлод, насл, зурриёт; 6) *бот.* қизил мевали бута; 7) соч ўрими, бир ўрим соч; *шунингдек:* ~ الْهَوْدَجِ аёллар учун туя устига ўрнатилган ўриндиқнинг арқони; ◊ ~ الْجَبَلِ тоғ чўққиси; ~ الْخِصْبِ *ёки* ~ الْخَيْرَاتِ очил дастурхон; ~ الرَّأْسِ бошнинг энг тепа қисми; ~ الشَّمْسِ қуёшнинг тонгда биринчи бўлиб кўринадиган тиғи; ~ الْقَمَرِ ярим ойнинг шохи (чети); ~ الْغَزَالِ а) *бот.* Алп. (*тоғи*) бинафшаси; б) пирожний тури; ~ أَبُو *зоол.* нарвал, яккашох (*ҳайвон номи*); وَحِيدُ الْـ~ каркидон; ذُو الْقَرْنَيْنِ *тар.* Зулқарнайн (*Искандарнинг лақаби*); قُرُونُ الْبَحْرِ денгиз маржонлари, بَيْنَهُمْ ~ الْخِلَافَاتِ ذَرَّ улар орасида ихтилофлар чиқа бошлади

– قَرْنٌ[2] тенг, тенгқур, бир қурам; ~ هُوَ عَلَى ـى у билан менинг ёшимиз тенг; ~ الْـ فِي النَّاسِ замондошлар

– قَرَنٌ наждликлар эҳром боғлайдиган (*ҳаж ва умра маросими учун*) жой номи

– قِرْنٌ *кўп.* أَقْرَانٌ 1) тенгдош; 2) тенг; 3) рақиб, рақобат қилувчи; 4) мардликда тенг келадиган

– قَرْنَانٌ шохли, мугузли

– قُرْنَةٌ *кўп.* قُرَنٌ, قَرَانِي (*н. нингдир*) бурчаги; туртиб чиққан жой, бўртиб чиққан жой, бўртиқ, дўнглик

– قَرْنِيٌّ 1) шохли; шохдан (мугуздан) қилинган; 2) шох (мугуз) шаклидаги; 3) қўзоқли

– قَرْنِيَّاتٌ *кўп.* қўзоқли ўсимликлар

– قَرْنِيَّةٌ *анат.* мугуз парда; ~ الْـ الْتِهَابُ *мед.* кўз мугуз пардасининг яллиғланиши; ~ الْـ تَغْيِيرُ *мед.* мугуз пардани кўчириб ўрнатиш

– قَرُونٌ икки луқма ёки икки донани қўшиб ейдиган одам

– قَرِينٌ 1) (*арава ва ҳ. к. ларга*) қўшилган; бириктирилган; 2) (*к. нингдир*) қўшаси, жуфти, қўшалоғи; 3) эр; 4) дўст, ўртоқ, ҳамкасб, касбдош, коллега; 5) (*халқ эътиқодича*) одамнинг арвоҳлар ичидаги ўхшаши; ◊ ~ الصَّوَابِ тўғри, хатоси йўқ

– قَرِينَةٌ *кўп.* قَرَائِنُ 1) хотин, рафиқа; 2) дугона; 3) (*халқ эътиқодича*) аёл кишининг арвоҳлар ичидаги ўхшаши; 4) ҳолат, вазият; قَرَائِنُ الْأَحْوَالِ юзага келган вазият, 5) дастлабки шарт-шароит, замин; 6) далил, исбот, баҳона, важ; *кўп.* кузатиш асосида олинган маълумотлар; *шунингдек,* قَرَائِنُ مَادِّيَّةٌ *кўп. юр.* далиллар, жиноят белгилари; 7) *шунингдек:* قَرَائِنُ الْكَلَامِ контекст; 8) *юр.* фактнинг акси тасдиқланмагунча, тўғри деб топилган факт

– مُقَارِنٌ қиёсловчи, солиштирувчи; қиёсий; ... الْبَحْثُ الْـ~ (*н. нидир*) қиёсан ўрганиш; ~ بَيَانٌ қиёсий диаграмма; الْـ~ النَّحْوُ қиёсий грамматика

– مُقَارَنَةٌ 1) қўшиш, бириктириш; 2) қиёслаш, солиштириш ~ عِلْمُ اللُّغَاتِ қиёсий тилшунослик; ... مَعَ ~ لَا يَقْبَلُ هَذَا أَيَّ буни ... билан мутлақо қиёслаб бўлмайди

– مُقْتَرِنٌ уйланган, хотинли, хотини бор

– مَقْرُونٌ *кўп.* مَقَارِنُ бўйинтуруқ

– مَقْرُونٌ уланган, бириккан, бириктирилган; ~ الْحَاجِبَيْنِ қоши туташ, туташ қошли

قَرْنَافَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ милтиқнинг қўндоғи

قَرْنَبِيطٌ гулкарам

قَرْنَسَ совқотмоқ, совуқ емоқ, жунжимоқ

قَرْنَصَ тутиб олмоқ (*овда*), қўлга туширмоқ (*овда*)

– مُقَرْنَصٌ 1) чордона қуриб ўтирувчи, 2) *кўп.* اتٌ ـــ *архит.* ганчкор карниз шаклидаги безаклар; 3) қўлга киритилган; ~ بَازٌ қўлга туширилган лочин

قَرَنْفُلٌ *жам. бот.* 1) қалампирмунчоқ; ~ الشَّاعِرِ қалампиргул (*чинnигул тури*); 2) *шунингдек:* شَجَرَةُ الْـ~ қалампирмунчоқ ўсимлиги

– قَرَنْفُلَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ қалампирмунчоқ

– قَرَنْفُلِيٌّ 1) қалампирмунчоққа оид; ~ـــةٌ رَائِحَةٌ қалампирмунчоқ ҳиди; 2) оч қизил, пушти; ~ـــةُ الدُّودَةُ الْـ пушти қурт (*пахта зараркунандаси*)

قَرَه قُوزٌ *ёки* قَرَه كُوزٌ = قَرَه جُوزٌ

قَرَه قُولٌ *кўп.* اتٌ ـــ қоровул, қоровулхона; ~ شَرَفٍ фахрий қоровул

قَرَه كُوزٌ 1) Қоракўз (*халқ соялар театри номи*); 2) Қоракўз (*халқ қўғирчоқ театридаги бош персонаж номи*)

– قَرَه كُوزَاتِيٌّ *кўп.* قَرَه كُوزَاتِيَّةٌ соялар театри хўжайини

– قَرَه كُوزِيٌّ ~ مَسْرَحٌ соялар театри

(қаро) V تَقَرَّى тадқиқ қилмоқ, ўрганмоқ; таҳлил (анализ) қилмоқ; X اسْتَقْرَى ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ

– اسْتِقْرَاءٌ 1) ўрганиш, тадқиқ қилиш; 2) *фалс.* ташқи фактлардан умумий хулоса чиқариш, индукция

– اسْتِقْرَائِيٌّ индуктив; الطَّرِيقَةُ الْـ~ـــةُ индуктив метод (услуб)

– قَرًا *кўп.* قِرْوَانٌ, أَقْرَاءٌ бел, одамнинг бели

– قَرْوٌ *кўп.* أَقْرَاءٌ 1) тоғора, тос; 2) ҳайвонларни суғоришда ишлатиладиган тоғара; ~ خَشَبُ الْـ эман, дуб

– قَرَوَانَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ёғочтовоқ

– قَرْوَدٌ жомча, жом

I قَرَى (*и*) قِرًى меҳмон қабул қилмоқ, меҳмон қилмоқ; IV أَقْرَى меҳмон қабул қилмоқ, меҳмон қилмоқ; меҳмоннавозлик қилмоқ; VIII اقْتَرَى = I

– قَارِيَةٌ *кўп.* قَوَارٍ, ـــ اتٌ 1) *денг.* пастки тўғри елкан; 2) *зоол.* кўркинак, бўздоқ (*кичикроқ қуш*)

– قَرَوِيٌّ қишлоқона, қишлоқлик, қишлоқи; деҳқон

– قَرَوِيَّةٌ қишлоқи аёл, қишлоқли аёл, деҳқон аёл

– قِرًى 1) меҳмондўстлик, меҳмоннавозлик; 2) зиёфат, меҳмондорчилик; ◊ ~ الْـ أُمُّ ўт, олов

– قَرْيَةٌ *кўп.* قُرًى қишлоқ; ~ الْـ الْأُولِيمْبِيَّةُ *спорт.* Олимпиада қишлоғи; ~ النَّمْلِ чумоли уяси; ◊ أُمُّ الْقُرَى Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара шаҳарлари *ёки* Маккаи мукаррама ва Тойифи шариф шаҳарлари

– مِقْرًى, مِقْرَاءٌ меҳмондўст, хушмуомала

I قَرَّ (*а/и, у*) قَرٌّ (*к. дандир, н. дандир*) жирканмоқ (عَنْ); II قَرَّزَ 1) шишага айлантирмоқ ёки шишасимон моддага айлантирмоқ; 2) ойна ўрнатмоқ; V تَقَرَّزَ (*к. дандир, н. дандир*) жирканмоқ, нафратланмоқ (عَنْ, مِنْ); (*н. дандир*) кўнгил айнимоқ, беҳузур бўлмоқ (مِنْ); مَوْقِفٌ تَتَقَرَّزُ مِنْهُ النَّفْسُ кўнгилни беҳузур қиладиган вазият

– تَقَرُّزٌ жирканиш, нафратланиш; кўнгил айниш, беҳузур бўлиш

– قَارُورَةٌ *алиф.б.қ.*

– قَزٌّ1 ипак, шойи; ~ الْـ دُودَةُ الْـ ипак қурти; ~ الْـ جَوْزَةُ пилла

– قَزٌّ2, قُزٌّ, قِزٌّ жирканч, кўнгилни беҳузур қиладиган

– قَزَّازٌ 1) ипакфуруш; 2) тўқувчи

– قَزَازٌ, قِزَازٌ ойна, шиша; ~ لَوْحُ дераза ойнаси

– قَزَازَةٌ, قَزَازَةٌ, قَزَائِزُ *кўп.* اتٌ ـــ бутилка, шиша идиш

I قَرَحَ (*а*) قَرْحٌ (*овқатга*) зиравор қўшмоқ, доривор солмоқ; II قَرَّحَ (*нутқни*) безамоқ, зийнатламоқ, бўрттирмоқ; V تَقَرَّحَ шохлаб (сершох бўлиб) кетмоқ

– تَقَرُّحٌ шохлаб (сершох бўлиб) кетиш; ~ الضَّوْءِ *физ.* нурнинг таркибий қисмларга ажралиши

– قَرْحٌ зираворлар, дориворлар

– قُرَحُ *ёки* قَرَحٌ *миф.* Қузаҳ; а) шайтоннинг исми; б) булутларни бошқарувчи фариштанинг исми; с) Муздалифадаги тепаликнинг номи; ◊ ~ قَوْسُ камалак

– قُزَحَةٌ камалак жилолари, ранглари

– قُزَحِيَّةٌ *анат.* кўзнинг рангдор пардаси; ~ الْـ الْتِهَابُ кўз рангдор пардасининг яллиғланиши

– قَزُوحٌ *бот.* тошчўп

– مِقْزَحَةٌ зираворлар солинадиган идиш

I **قَزَعَ** (*а*) قَزَعٌ боланинг сочи чала олинмоқ, бошнинг у ер-бу ерида қолдириб соч олинмоқ; II قَزَّعَ бошнинг у ер-бу ерида қолдириб соч олмоқ, сочни чала олмоқ

– قَزَعٌ *жам.* патсимон булутлар; رَهْجِيٌّ ~ патсимон қават-қават булутлар

– قُزَعَةٌ, قُزْعَةٌ бир тутам қилиб боғланган соч

– قُزْعَةٌ паст бўйли (пакана) одам

قَزْقَزَ тиш билан чақмоқ, қарсиллатиб чақмоқ; لُبًّا ~ писта (семичка) чақмоқ

– قَزْقَزَةٌ чақиш, қарсиллатиб чақиш

قَزَلٌ оқсаш, оқсоқланиш, чўлоқланиш

(قزم) VI تَقَازَمَ паст бўйли (пакана) бўлиб туғилмоқ

– قَزْمَةٌ = قَازْمَةٌ

– قَزَمٌ *кўп.* أَقْزَامٌ паст бўйли (пакана) одам, лилипут

– قَزْمَةٌ (*сол.* أَزْمَةٌ[2]) *кўп.* قَزَمٌ болта; кирка, кетмон

قَزَانٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) қозон; الْمَاءِ ~ сув қайнатадиган қозон; 2) паровознинг қозони

– قَزَانْجِيٌّ *кўп.* قَزَانْجِيَّةٌ қозон қуювчи, дегрез, буғ қозонига қаровчи

I قَسَّ[1] (قسس) (*а/у*) قُسُوسَةٌ руҳоний бўлмоқ, поп бўлмоқ; قَسَّ[2] (*а/у*) قَسٌّ қидирмоқ, изламоқ; II قَسَّسَ (*туяларни*) ўтлатмоқ, боқмоқ; V تَقَسَّسَ = قَسَّ[2]

– قَسٌّ *кўп.* قُسُوسٌ руҳоний, поп; протестант мазҳабидаги руҳоний; черков руҳонийси

– قَسَّاسٌ ғийбатчи, гап ташувчи

– قُسُوسَةٌ руҳонийлик мансаби

– قَسِّيٌّ *ёки* قَسِّيٌّ ипак аралашган матодан тикилган кийим

– قَسٌّ = قُسُسٌ, قَسَاوِسَةٌ *кўп.* قَسِيسٌ

I قَسَبَ (*у*) قُسُوبٌ қотмоқ, қотиб кетмоқ

– قَسْبٌ[1] қаттиқ

– قَسْبٌ[2] қуритилган хурмо

– قَسِيبٌ жуда узун; ~ رَجُلٌ довюрак одам

قَسْحَرَ ҳароратни ўлчамоқ (قَاسَ الْحَرَارَةَ *дан*)

– قَسْحَرٌ термометр

– قَسْحَرَةٌ ҳароратни ўлчаш

I قَسَرَ (*и*) قَسْرٌ (*н. нидир бажаришга*) қистамоқ, ундамоқ, мажбур қилмоқ (عَلَى) VIII اقْتَسَرَ = I

– قَاسِرٌ қистовчи, мажбур қилувчи

– قَسْرٌ зўрлаш, мажбурлаш, мажбур қилиш; ~ا куч ишлатиб, мажбуран, ~ عَلَى طَرِيقِ الْـ зўрлик билан

– قَسْرِيٌّ 1) мажбурий; 2) бажарилиши шарт бўлган

I (قسط) قَسَطَ (*и,у*) قَسْطٌ адолатли бўлмоқ, адолат билан иш тутмоқ; قَسَطَ (*у*) قَسْطٌ, قُسُوطٌ адолатсизлик қилмоқ, адолатдан четлашмоқ; II قَسَّطَ (*тўловни*) бир неча муддатларга бўлмоқ, бўлиб-бўлиб тўламоқ; IV أَقْسَطَ = I; V تَقَسَّطَ 1) қисмларга бўлинмоқ; 2) ўртада бўлишиб олмоқ; بَيْنَنَا الشَّيْءَ ~ا биз нарсаларни ўртада бўлишиб олдик

– تَقْسِيطٌ бўлиб-бўлиб тўлаш; ~ بِالْـ бўлиб-бўлиб, муддатларга бўлиб

– قَاسِطٌ *кўп.* قَاسِطُونَ, قُسَّاطٌ ноҳақ, адолатсиз; وَ أَمَّا الْقَاسِطُونَ فَكَانُوا لِجَهَنَّمَ حَطَبًا *қур.* адолатсиз кишилар эса, албатта, жаҳаннамга ўтин бўладилар

– قِسْطٌ[1] 1) адолатли, одил (*жинс ва сонда ўзгармайди*); 2) адолат, одиллик

– قِسْطٌ[2] *кўп.* أَقْسَاطٌ 1) улуш, ҳисса; عَلَى أَقْسَاطٍ бўлиб-бўлиб; ~ تَأْمِينٍ суғурта мукофоти; ... فِي أَسْهَمَ بِأَكْبَرِ ~ (*бирор н. га*) энг катта улуш қўшмоқ; 2) тўловнинг навбатдаги қисми; 3) облигация; 4) дарс соати

– مُقْسِطٌ адолатли, одил

قَسْطَرَ 1) синаб кўрмоқ, тажриба қилиб кўрмоқ; (*танганинг*) сифатини аниқламоқ; 2) *мед.* катетер ишлатмоқ

– قَسْطَرَةٌ *мед.* катетер

قَسْطَاسٌ, قُسْطَاسٌ *кўп.* قَسَاطِيسُ энг аниқ ўлчайдиган тарози; заргарнинг тарозиси; ◊ ~ الْـ بِالْعَدْلِ وَ адолат билан ва баб-баравар

قَسْطَلٌ[1] жанг пайтида кўтариладиган чанг; ◊ ~ أُمُّ фалокат, бахтсизлик

– قَسْطَلٌ[2] *кўп.* قَسَاطِلُ 1) сув трубаси; قَسَاطِلُ الْغَازِ газопровод; 2) *бот. жам.* каштан (*дарахт*)

I قَسَعَ (*а*) قَسْعٌ гардан тарафга суриб қўймоқ

I (قسم) قَسَمَ (*а*) قَسْمٌ 1) бўлмоқ, қисмларга ажратмоқ; تَنْقَسِمُ الْعَرَبُ عَرَبَيْنِ كَمَا يَقُولُونَ! *маж.* айтганларидек, буни тенг иккига бўламиз (*н. нингдир ҳақини тўлашда*); 2) (*бирор к. билан*) бирга баҳам кўрмоқ, шерик бўлмоқ (*ғам, ташвиш ҳақида*); 3) (*к. парнингдир орасига*) тарқатмоқ, тақсим қилмоқ (بَيْنَ *ёки* عَلَى); (*к. гадир*) ажратиб бермоқ, ҳисса чиқариб бермоқ (لِـ); 4) *мат.* тақсим қилмоқ; عَلَى ~ сонни ...га бўлмоқ; قَسَمَ (*у*) قَسَامَةٌ чиройли, хушрўй бўлмоқ; ◊ اللهُ عَلَيْهِ هَذَا! ~пешонасига Оллоҳнинг ёзгани шу!; عَلَى مَا قَسَمَ Оллоҳнинг берган насибаси (*меҳмоннинг олдига қўйилган н. ҳақида*); II قَسَّمَ 1) жуда кўп қисмларга бўлиб ташламоқ; ўзаро тақсим қилиб олмоқ (بَيْنَ); 2) (*жинларни ҳайдаш учун к. гадир*) афсун ўқимоқ (عَلَى); III قَاسَمَ 1) (*бирор киши билан*) бирга баҳам кўрмоқ, шерик бўлмоқ (*ғам, ташвиш ҳақида*); 2) (*н. дадир*) қасам ичмоқ, сўз бермоқ (عَلَى); عَلَى الدُّخَانِ ~ чекмасликка қасам ичмоқ, сўз бермоқ (عَلَى); IV أَقْسَمَ 1) (*н. дадир*) қасам ичмоқ, сўз

бермоқ (عَلَى); الْيَمِينَ أَمَامَ ~ ... кимнингдир олдида қасамёд қилмоқ; ... بِأَغْلاَظِ الْأَيْمَانِ أَنَّ ~ энг хунук сўзлар билан ... борасида қасам ичмоқ; أُقْسِمُ بِاللهِ أُقْسِمُ بِشَرَفِي! ор-номусим ҳаққи қасам ичаман; ... الْعَظِيمِ أَنَّ Оллоҳ таолони ўртага қўйиб онт ичаманки, ...; 2) (*к. гадир*) ёлвормоқ, худони ўртага қўйиб илтижо қилмоқ (عَلَى); أُقْسِمُ عَلَيْكَ أَنَّ сендан ёлвориб сўрайманки, ...; V تَقَسَّمَ 1) тарқалмоқ, тарқалиб кетмоқ; қисмларга бўлинмоқ; 1) ўзаро бўлиб олмоқ; (*н. нидир*) навбатма-навбат, галма-гал бажармоқ; VI تَقَاسَمَ 1) ўзаро бўлишиб олмоқ; (*к. биландир*) бўлишмоқ يَتَقَاسَمُ الْهَلَعُ أَفْئِدَتَهُمْ (مَعَ); юракларни ваҳима босди; 2) бир-бирларига ваъда беришмоқ; تَقَاسَمُوا يَمِينًا улар бир-бирларига ваъда беришди; VII انْقَسَمَ (*қисмларга*) бўлинмоқ إِلَى; VIII اقْتَسَمَ 1) (*ўзаро*) бўлиб олмоқ (بَيْنَ); 2) (*к. биландир*) баҳам кўрмоқ (*мас., ғамни* بَيْنَ); X اسْتَقْسَمَ (*найза ёки камон ўқи ёрдамида*) бўлакка бўлмоқ (بِالْأَقْدَاحِ *ёки* بِالْأَزْلاَمِ) (*жоҳилия давридаги арабларда*); 2) онт ичишни сўрамоқ; 3) бўлишни, тақсимлашни сўрамоқ

– اقْتِسَامٌ бўлиш, тақсимлаш

– أُقْسُومَةٌ *кўп.* أَقَاسِيمُ ҳисса, улуш, бўлак

– انْقِسَامٌ 1) тарқоқлик, узилиб қолишлик; 2) бўлиниш, парчаланиш

– انْقِسَامِيٌّ 1) парчаланишга оид; النَّشَاطُ الـ~ парчалаш, орани бузишга қаратилган фаолият; 2) орага низо солувчи, нифоқ солувчи

– تَقْسِيمٌ *кўп.* ـاتٌ, تَقَاسِيمُ ـــ 1) бўлиш, тақсим қилиш, бўлиб ташлаш, тақсимот; 2) الْعَمَلِ ~ меҳнат тақсимоти; 2) афсун ўқиш, куф-суф қилиш, афсун; 3) *кўп.* تَقَاسِيمُ *муз.* даромад, сарахбор; тайёргарликсиз, ичдан тўқиш, экспромт; 4) якка ижро этиладиган, соло; 5) маъмурий бирлик

– تَقْسِيمَةٌ *кўп.* تَقَاسِيمُ купе (*вагондаги*)

– قَاسِمٌ 1) бўлувчи, тақсим қилувчи; 2) (*мас., ғам-андуҳни*) бирга баҳам кўрувчи; 3) *мат.* а) бўлувчи; الْأَعْظَمُ الْمُشْتَرَكُ الـ~ энг катта умумий бўлувчи; الْأَصْغَرُ الْمُشْتَرَكُ الـ~ энг кичик умумий бўлувчи; 2) махраж

– قَسَامٌ, قَسَامَةٌ гўзаллик, барнолик, хушрўйлик

– قَسَمٌ *кўп.* أَقْسَامٌ қасам, онт; صِيغَةُ الـ~ қасам шакли, варианти; حَرْفُ الـ~ *грам.* қасамни ифодаловчи юклама; !الـ~ онт ичаман!

– قِسْمٌ *кўп.* أَقْسَامٌ 1) қисм, бўлак, улуш; 2) бўлим; 3) (*мас., вагондаги*) купе; 4) (*полиция*) участкаси; 5) (*шаҳар*) даҳаси, ноҳияси

– قِسْمَةٌ *кўп.* قِسَمٌ 1) қисмат, тақдир, пешона, улуш, насиб; ~ـــهُ طَيِّبَةٌ (وَحَشَةٌ) унинг бахти кулган (бахти қаро); 2) *мат.* бўлиниш; خَارِجُ الـ~ бўлинма; قَابِلِيَّةُ الـ~ бўлинишлик, бўлика олишлик; ~ الْعَمَلِ меҳнат тақсимоти; 3) мерос; бўлиб олинган мерос бойлик

– قَسَمَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ юз бичими; وَجْهٌ بَدِيعُ الْقَسَمَاتِ гўзал юз, чиройли юз; وَجْهٌ مُرَتَّبُ الْقَسَمَاتِ қоши-кўзи келишган мутаносиб

– قَسِيمٌ[1] чиройли, гўзал, хушрўй

– قَسِيمٌ[2] *кўп.* قُسَمَاءُ 1) (*к. биландир н. нидир*) баҳам кўрувчи; 2) иштирокчи, шерик; ~ى فِيمَا قُسِمَ لَنَا مِنَ الْحُلْوِ وَ الْمُرِّ у бизнинг аччиқ-чучугимизни бирга тортишган; 2) *кўп.* أَقْسِمَاءُ (*бирор н. нинг*) иккинчи ярми; 3) нусха, копия, дубликат

– قَسِيمَةٌ[1] онт, қасам

– قَسِيمَةٌ[2] *кўп.* قَسَائِمُ 1) квитанция; دَفْتَرُ الْقَسَائِمِ квитанциялар дафтарчаси; 2) қирқиб олинадиган талон, купон; 3) варақа, ордер; транспортда бепул юриш гувоҳномаси; ~ الْخُبْزِ нон карточкаси, бонна; 4) атир-упа қутиси

– مُقَاسِمٌ 1) бирга иштирок этувчи; 2) бирга баҳам кўрувчи; 3) шерик, ҳамтовоқ

– مُقَاسَمَةٌ 1) бирга иштирок этиш; 2) бирга баҳам кўриш. бирга бўлишиб олиш

– مَقْسَمٌ *кўп.* مَقَاسِمُ купе (*мас., вагондаги*)

– مُقَسِّمٌ 1) бўлувчи; тақсим қилувчи; ~ الْمِيَاهِ сув тақсимлағич

– مَقْسُومٌ 1) бўлинган, тақсим қилинган; 2) *иқт. мол.* акциядан келган даромад, акциядорлар даромади; 3) *мат.* бўлинма; عَلَيْهِ ~ бўлувчи

I (قسو) قَسَا (*у*) قَسْوَةً, قَسَاوَةً 1) (*бирор к. га муомалада*) қаттиққўл бўлмоқ; золим бўлмоқ (عَلَى); 2) (*бирор к. га*) талабчан бўлмоқ (عَلَى); II قَسَّى бағритошлик қилмоқ, дийдасини қотирмоқ; 2) *тех.* тобламоқ; III قَاسَى чидамоқ, чидаш (бардош) бермоқ; IV أَقْسَى = II; V تَقَسَّى бағритош бўлмоқ, дийдаси қотмоқ

– تَقْسِيَةٌ *тех.* тоблаш; ~ الْفُولاَذِ пўлатни тоблаш

– قَاسٍ *мн.* قَاسِيَةٌ *кўп.* قُسَاةٌ 1) золим, бағритош; قَاسِي الْقَلْبِ дийдаси қаттиқ, қаҳри қаттиқ, бераҳм; 2) қаттиққўл, талабчан; تَجْرِبَةٌ قَاسِيَةٌ қаттиқ синов; شُرُوطٌ قَاسِيَةٌ қийин шарт-шароит; 3) қаттиқ, мустаҳкам; ~ حَجَرٌ қаттиқ тош

– قَسَاوَةٌ 1) золимлик, шафқатсизлик; ~ بِـــ шафқатсизларча; 2) қаттиққўллик, оғирлик, қийинлик

– قَسْوَةٌ, قَسْوَةٌ 1) золимлик, шафқатсизлик; 2) қаттиққўллик, талабчанлик; ~ الْأَيَّامِ ҳаёт машаққати

– قَاسٍ[1] = قَسِيٌّ

– قَسِيٌّ[2] *кўп.* قِسِيَّانٌ 1) сифати паст, паст навли; қалбаки, ясама, сохта; ~ دِرْهَمٌ қалбаки танга

– قَسِيٌّ قَوْسٌ: *сўзининг кўплиги*

– مُقَاسَاةٌ чидаш, бардош бериш

قَسْوَرَةٌ, قَسْوَرٌ йўлбарс

I **قَشَّ** (*a/y*) قَشٌّ 1) бермоқ, териб олмоқ, танлаб олмоқ; 2) супурмоқ; 3) *карт.* юришда карталарни йиғиштириб олмоқ; 4) қуримоқ (*ўсимлик ҳақида*); II قَشَّشَ (*похолни*) ўрмоқ, йиғиштирмоқ; 2) супурмоқ; 3) алдаб ўзлаштирмоқ, шилиб олмоқ

– قَشٌّ *жам.* похол; ~ الْأُرُزِّ шоли похоли; ~ الْبَحْرِ сув ўтлари; ~ الْـ كُرْسِيُّ тўқима стул

– قَشَّاشٌ 1) супурувчи, фаррош; ~ـةٌ وَرَقَةٌ *карт.* козир; 2) *шунингдек:* ~ قِطَارٌ ҳамма станцияларда тўхтаб ўтувчи поезд

– قُشَاشٌ қуриган поялар; похол

– قُشَاشَى 1) шудгордан териб олинган бошоқлар; 2) ахлат, супринди

– قَشَّاشِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ атрофига четан тўқилган бутилка

– قَشُوشٌ *карт.* козир

– قَشَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ бир дона похол поя; ~ خِيَارُ сиркалаш учун узилган майда бодринглар; ~ الْـ الْغَرِيقُ (يَتَشَبَّثُ) يَتَعَلَّقُ بِ *мтл.* чўкаётган одам чўпга (*сўзма-сўз;* похол пояга) ҳам ёпишади; ~ الْـ الَّتِي سَتَقْصِمُ ظَهْرَ الْبَعِيرِ *мтл.* сабр косасини тўлдирган сўнгги томчи (*сўзма-сўз:* туянинг белини синдирган похолпоя)

– قَشَّةٌ *зоол.* хонқизи, тугмача қўнғиз

– قَشِيشٌ 1) ахлат, супринди; 2) шитирлаган товуш

– مِقَشَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ супурги

I **قَشَبَ** (*u*) قَشْبٌ заҳар қўшмоқ; заҳар аралаштирмоқ, заҳарламоқ; الطَّعَامَ بِالسَّمِّ ~ таомга заҳар қўшмоқ

– قَشْبٌ, قَشْبٌ[1] *кўп.* أَقْشَابٌ 1) заҳар, оғу; 2) тананинг совуқ олган (урган) жойи

– قَشْبٌ[2] занг

– قَشِيبٌ 1) 1) янги, тоза; 2) ялтироқ, ялтираган

I **قَشَدَ** (*y*) قَشْدٌ қаймоқ олмоқ, қаймоғини олмоқ

– قِشْدَةٌ 1) қаймоқ; 2) *бот.* ананас

I **قَشَرَ** (*u, y*) قَشْرٌ пўстини олмоқ, артмоқ; (*меваларни*) тозаламоқ; II قَشَّرَ (*шоли*) оқламоқ; пўстини олмоқ, артмоқ; (*меваларни*) яхшилаб тозаламоқ; الْبَطَاطِسَ ~ картошка тозаламоқ; V تَقَشَّرَ тозаланмоқ, артилмоқ, оқланмоқ; VII انْقَشَرَ тозаланмоқ, оқланмоқ, шилиб олинмоқ

– أَقْشَرُ *мн.* قَشْرَاءُ *кўп.* قُشْرٌ оқланган (*мас., шоли*); тозаланган, пўсти артилган, қирилган

– قَاشِرَةٌ бошдаги жароҳат, бошдаги яра

– قُشَارَةٌ пўчоқ, пўст

– قَشْرٌ пўсти кўп, пўстлоғи кўп, пўсти қалин; ~ تَمْرٌ пўсти қалин хурмо

– قُشُورٌ *кўп.* 1) пўст, пўчоқ; 2) қобиқ, парда; 3) устки қатлам, сирт; 4) балиқ тангаси; 5) бош кепаги; 6) илоннинг ташлаган пўсти; ◊ ~ الْـ қаҳва, кофе (*Яманда: қаҳва пўстлоғидан тайёрланган ичимлик*); ~ الْبَيَاضِ Нил окуни (*балиқ*); ~ الرَّجُلِ *маж.* инсон кийими

– قِشْرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ 1) пўст, пўчоқ; 2) қобиқ, парда; الْأَرْضِ ~ ер қобиғи; 3) устки қатлам, сирт, 4) балиқ тангаси; 5) қасмоқ, ярадаги қорақўтир; ◊ الْبَصَلَةِ ~ لَا يُسَاوِي сариқ чақага арзимайдиган (*сўзма-сўз:* пиёзнинг пўстига ҳам тенг келмайди)

– قِشْرِيٌّ балиқнинг тангасига ўхшаш

– مُقَشَّرٌ тозаланган, артилган, арчилган, пўсти олинган; пўсти йўқ, пўстсиз

– مَقْشُورٌ = مُقَشَّرٌ

I **قَشَطَ** (*y*) قَشْطٌ шилмоқ, шилиб олмоқ, артмоқ; (*н. дандир*) қирмоқ, қиртишламоқ (عَنْ); الْقِشْدَةَ ~ қаймоқ олмоқ; II قَشَّطَ 1) яланғочламоқ, ечинтирмоқ, яланғоч қилмоқ; 2) таламоқ, ўғирлик қилмоқ, босқинчилик қилмоқ; V تَقَشَّطَ 1) яланғоч бўлмоқ, яланғочланмоқ; 2) таланмоқ, хонавайрон бўлмоқ

– قُشَاطٌ[1], قِشَاطٌ қайиш, узатма қайиши

– قُشَاطٌ[2] *кўп.* اتٌ ـــَ, أَقْشِطَةٌ шашка, пиёда; ошиқ (*қимор ўйнайдиган*); фишка (*турли ўйинларда ютуқни ҳисоблашда ишлатиладиган тош соққа*)

– قَشَّاطٌ 1) қароқчи, босқинчи, босмачи, ўғри

– قِشْطَةٌ қаймоқ; ◊ ~ الْـ شَجَرَةُ الْـ *бот.* ананас; ~ الْـ سَيِّدُ الْـ бегемот, сув оти

– مِقْشَطٌ *кўп.* مَقَاشِطُ қизғиш

– مِقْشَطَةٌ рандалаш дастгоҳи; ~ الْـ عَامِلُ الْـ рандачи уста; ~ الْـ أَعْمَالُ الْـ рандалаш ишлари

I (قشع) **قَشَعَ** (*a*) قَشْعٌ тарқатмоқ, таратмоқ, сочмоқ, ёймоқ; قَشِعَ (*a*) قَشْعٌ кўрмоқ; V تَقَشَّعَ 1) тарқалмоқ, таралмоқ (*булут ёки туман ҳақида*); 2) очилиб кетмоқ (*ҳаво ҳақида*), VII انْقَشَعَ 1) тарқалмоқ, таралмоқ (*булут ёки туман ҳақида*); бўшашмоқ (*совуқ ҳақида*); ~ت الْحَرْبُ уруш тўхтади

– قَشْعٌ *кўп.* قِشَعٌ 1) қуруқ эт, қуриган тери; 2) кесак, гуваланинг бир бўлаги

– قَشْعَرَ қалтирамоқ, титрамоқ; اقْشَعَرَّ = قَشْعَرَ

– قُشَعْرِيرَةٌ 1) титроқ, титраш, қалтираш; эт шишиш; 2) товуқ эт, гудда-гудда эт (*совуқ еганда пайдо бўлади*)

قَشْعَمٌ *кўп.* قَشَاعِمُ 1) қадимги, жуда эски; 2) катта, улкан; 3) арслон, шер; ◊ ~ أُمُّ а) *зоол.* сиртлон, ёлдор бўри; б) *кўч. м.* офат, бало; уруш; в) ўлим

I (قشف) **قَشِفَ** (*a*) قَشَفٌ 1) мўҳтожлик билан яшамоқ, қашшоқликда кун кечирмоқ; 2) ифлос бўлмоқ; قَشُفَ (*y*) قَشَافَةٌ ифлос бўлмоқ, исқирт бўлмоқ; II قَشَّفَ ёрилмоқ, пўст ташламоқ, пўсти тушмоқ (*тери ҳақида*); V تَقَشَّفَ ўзини ҳамма нарсадан тийиб яшамоқ, тарки дунё қилиб яшамоқ

– تَقَشُّفٌ ҳамма нарсадан ўзини тийиш; тарки дунёчилик; سِيَاسَةُ ~ الـــ ўта тежамкорлик сиёсати

– قَشَفٌ ўзини тийиш; ◊ الْجِلْدِ ~ терининг ёрилиши, пўст ташлаши

– قَشْفٌ қаттиқ, машаққатли, оғир (*мас., ҳаёт*)

– قَشْفَةٌ *кўп.* قَشَفٌ 1) ноннинг устки қатлами; 2) хуснбузар, бўжама (*юздаги*)

– مُتَقَشِّفٌ 1) йиртиқ-ямоқ кийим ва оби явғон билан кун кўрувчи

– مُقَشَّفٌ ёрилган, шўрлашган, пўст ташлаган (*тери*)

قَشْقَشَ 1) термоқ, йиғмоқ; 2) супурмоқ, супуриб ташламоқ; ◊ ~ مِنَ الْجَرَبِ қичима касалидан қутқармоқ

– قُشْقُوشٌ *зоол. жам.* қушқуш (*балиқ*)

I قَشَلَ (*а*) قَشْلٌ бир тийинсиз қолмоқ, ҳемирисиз қолмоқ; камбағаллашмоқ, қашшоқлашмоқ; II قَشَّلَ 1) пулдан маҳрум қилмоқ; 2) синдирмоқ, банкрот қилмоқ

– قَشْلٌ пулсизлик

– قَشْلَانٌ бир тийин пули йўқ, ёнида ҳемириси йўқ одам

– قِشْلَةٌ, قَشْلَةٌ *кўп.* قَشْلٌ 1) касалхона, ҳарбий қисмлар қошидаги касалхона, лазарет; 2) казарма

– قُشْلَاقٌ *кўп.* اتٌ ـــ казарма

I قَشَمَ (*у*) قَشْمٌ кўп емоқ, кўп овқатланмоқ

– مَقْشَمٌ овқатланиш жойи; مَا أَصَابَتِ الْإِبِلُ ~ туя ўзи ўтлайдиган жойини пайхонламайди

(قشو) قَشَا (*у*) قَشْوٌ артмоқ, тозаламоқ

I قَصَّ (*а/у*) قَصٌّ, قَصَصٌ 1) издан бормоқ; أَثَرَهُ ~ кимнингдир изидан бормоқ; 2) (*к. гадир*) ҳикоя (баён) қилиб бермоқ (عَلَى); (*қайчи билан*) қирқмоқ, кесмоқ, соч олмоқ, тарошламоқ; الشَّعْرَ ~ соч олмоқ; الصُّوفَ مِنَ الْغَنَمِ ~ қўйнинг жунини олмоқ; II قَصَّصَ қирқмоқ, кесмоқ, соч олмоқ; (*тирноқни*) олмоқ; III قَاصَّ[1] 1) қасос (ўч) олмоқ, қилмишига яраша жавоб бермоқ; 2) жавобгарнинг даъвосига қарши даъво билан чиқмоқ; 3) ўрнини тўлдирмоқ, жазосини тортмоқ; III قَاصَصَ[2] жазоламоқ, жазо бермоқ; IV أَقَصَّ қасос (ўч) олмоқ; V تَقَصَّصَ 1) изма-из бормоқ, издан бормоқ; 2) соч олдирмоқ; VI تَقَاصَّ = III; VII اِنْقَصَّ сочи олинган бўлмоқ; кесилган (қирқилган) бўлмоқ; VIII اِقْتَصَّ 1) (*к. нидир*) жазоламоқ (مِنْ); (*к. гадир*) қилмишига яраша жазо бермоқ (مِنْ); 2) ҳикоя қилмоқ, гапириб (айтиб) бермоқ; ◊ الْأَثَرَ ~ изма-из бормоқ, изидан бормоқ; X اِسْتَقَصَّ қасос олишни сўрамоқ, талаб қилмоқ

– اِقْتِصَاصٌ *кўп.* اتٌ ـــ жазолаш, жазо бериш; *дип.* репрессалийлар (*бир давлатни бошқа давлат томонидан турли йўллар билан жазолаш*)

– أُقْصُوصَةٌ *кўп.* أَقَاصِيصُ қисқа ҳикоя, унча катта бўлмаган эртак

– قَاصٌّ *кўп.* قُصَّاصٌ ҳикоячи, ҳикоя айтувчи

– قَصٌّ[1] 1) ҳикоя қилиш, гапириб бериш, баён этиш; 2) соч олиш

– قَصٌّ[2] *кўп.* قُصُوصٌ кўкрак суяги

– قُصَاصٌ қирқиш, кесиш; الشَّعْرِ ~ соч олиш

– قِصَاصٌ ўч, қасос, жазо; қилмишига яраша жазо бериш

– قَصَّاصٌ 1) соч олувчи, сартарош, юнг олувчи, гўспандтарош; 2) ҳикоячи, қиссагўй; 3) ҳикоя ёзувчи, новелла ёзувчи, новеллист; ◊ الْأَثَرِ ~ изқувар

– قَصَّاصَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ *шунингдек:* الشَّعْرِ ~ соч оладиган машинка

– قُصَاصَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ қийқим, қийқинди, парча, бурда; قُصَاصَاتُ الْوَرَقِ қоғоз парчалари; مِنَ الْجَرِيدَةِ ~ газетадан қирқиб олинган парча

– قَصَصٌ[1] ҳикоя қилиш, гапириб бериш

– قَصَصٌ[2] *анат.* кўкрак суяги (*ҳайвонларда*)

– قَصَصِيٌّ эпик, ҳикоявий; қиссага оид; الشِّعْرُ الـــ~ эпик поэзия

– قِصَصِيٌّ 1) роман ёзувчи, романист; 2) ҳикоя айтувчи, ҳикоячи

– قَصَّةٌ гипс (*Ҳижозда*)

– قِصَّةٌ[1] *кўп.* قِصَصٌ тарих, ҳикоя, қисса, повесть; новелла; ~ حَيَالِيَّةٌ роман; ~ خُرَافِيَّةٌ масал, чўпчак, эртак; ~ شِعْرِيَّةٌ баллада; ~ الْأَسْرَارِ *ад.* диний мавзудаги драма

– قِصَّةٌ[2] қоғоз андаза

– قَصَّةٌ[3] соч олиш услуби (*сартарош ҳақида*)

– قُصَّةٌ *кўп.* قُصَصٌ бошнинг тепа қисмида қолдирилган соч, зулф, гажак; الْمَاسِ ~ тож, тиллақош

– مُقَاصَّةٌ 1) даъвога қарши қўлланган даъво; 2) қасос, ўч; 3) нақд пулсиз ҳисоб-китоб, клиринг; عَمَلِيَّاتُ الـــ~ нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишлари

– مُقَصٌّ 1) жазоловчи, жазо берувчи; 2) издан борувчи; الْأَثَرِ ~ изқувар

– مِقَصٌّ *кўп.* مَقَاصُّ, اتٌ ـــ қайчи, дукат; الْغَنَمِ ~ жун қирқадиган асбоб; ◊ الْفَضَائِلِ ~ шам ушлагич, шамқўйғич; دَارُ ~ бичиқчи, бичувчи; شَرِيطُ سِكَّةِ الْحَدِيدِ ~ *т. й.* изларни бир йўлдан иккинчи йўлга солиб юборадиган қисми; قَلْبُ الـــ *архит.* бино пештоқидаги расмлар, ҳайкаллар билан безатилган учбурчак токча, тимпан; фронтон; ~ أَبُو *зоол.* а) сув устида сузиб юрадиган чивинсимон ҳашарот; б) тўғри қанотли ҳашарот

– مَقْصُوصَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ капгир, човли

– قُصَاجٌ *кўп.* اتٌ ـــ омбир, ўткир жағли омбир

I قَصَبَ (*и*) قَصْبٌ (*мас., гўштни*) нимталамоқ, нимта-нимта қилмоқ, майдаламоқ; II قَصَّبَ 1) жингалак қилмоқ, сочни гажак

қилмоқ; 2) зар қадамоқ; 3) паст-баландини тўғриламоқ, нивелировка қилмоқ; ◊ الْأَرْضَ ~ ерни экишга тайёрламоқ

– قَصَّابٌ 1) қассоб; 2) ер ўлчовчи, танобчи

– قَصَّابَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ поя

– قَصَابَةٌ қассоблик касби

– قَصَّابِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ хашкаш, белча, қирғич (*ернинг паст-баландини ўлчайдиган асбоб*)

– قَصَبٌ *жам.* 1) қамиш; ~ مَصٌّ ~ *ёки* السُّكَّرِ ~ шакарқамиш; ~ هِنْدِيٌّ бамбук; 2) олтин ёки кумуш ип, уқа; 3) *анат.* бўғимлар; ◊ ~ السَّبَقِ биринчи ўрин, биринчилик, ғолиблик

– قَصْبَاءُ *жам.* қамишлар

– قَصْبَاءَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ бир дона қамиш

– قَصَبْجِيٌّ *кўп.* قَصَبْجِيَّةٌ най (флейта) чалувчи, сурнайчи

– قَصَبَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) бир дона қамиш; 2) трубка; ~ الْأَنْفِ чилим; ~ الْهَوَائِيَّةُ ~ бурун суяги; ~ الرِّئَةِ ёки нафас йўллари, трахея; ~ الرِّجْلِ катта болдир суяги; ~ الْمَرِيءِ қизилўнгач; ~ الصَّيْدِ қармоқ; ~ السُّنَّارَةِ қармоқ соли, қармоқ ёғочи; ~ الْمُسْتَرَاحِ канализация (оқава сувлар) трубаси; 3) най (флейта), сурнай; 4) бош шаҳар; 5) жигар, жигар қовурдоғи; 6) *анат.* бўғим; 7) қасаба (*3,55 м. га тенг бўлган узунлик ўлчови*); ~ مُرَبَّعَةٌ қасаба мураббаа (*0,003 фаддон ёки 12,6025 кв. м. га тенг бўлган юза бирлиги*); ~ مُكَعَّبَةٌ қасаба мукааба (*44,7388 куб м. га тенг бўлган ҳажм бирлиги*); ~ الْقَرْيَةِ қишлоқ ўртаси

– قَصَبِيَّةٌ = قَصَبِيَّةٌ

– مُقْصَبٌ зар уқа билан ҳошия қилинган

I **قَصَدَ** (*и*) قَصْدٌ 1) (*қаергадир*) жўнамоқ, йўл олмоқ, йўналмоқ (*туш. к. ёки* إِلَى); 2) интилмоқ, ҳаракат қилмоқ, қасд қилмоқ; (*н. нидир*) назарда тутмоқ, бирор мақсадга интилмоқ; ... قُصِدَ بِهِ бу билан ... назарда тутилган; 3) (*н. нидир*) иқтисод қилмоқ (فِي); ~ قَصْدَهُ кимгадир тақлид қилмоқ; II قَصَّدَ қасида ёзмоқ; IV أَقْصَدَ 1) (*к. нигадир олдига*) келтирмоқ; 2) қасида ёзмоқ; 3) бир нафасда ўлдирмоқ (*илон чаққанда*); V تَقَصَّدَ 1) интилмоқ, ҳаракат қилмоқ, қасд қилмоқ; 2) пистирмада туриб кузатмоқ (кутмоқ); ~ الْمُنَاسَبَاتِ ... بُغْيَةَ ...иш мақсадида қулай фурсатни кутиб турмоқ; 3) ёмон ниятда бўлмоқ, ёмон ният билан иш тутмоқ; ичиқора бўлмоқ; 4) ўртасидан синмоқ, синиб иккига ажрамоқ; VII اِنْقَصَدَ синмоқ, синган бўлмоқ; ўртасидан синмоқ, синиб иккига ажрамоқ; VIII اِقْتَصَدَ 1) (*бирор н. да*) тежамкор бўлмоқ, тежамоқ, иқтисод қилмоқ (فِي); 2) қасида ёзмоқ, яратмоқ

– اِقْتِصَادٌ 1) иқтисод, экономика; хўжалик; ~ الْحُرُّ эркин иқтисод; ~ الطَّبِيعِيُّ натурал хўжалик; ~ وَزِيرُ иқтисод вазири; 2) тежамкорлик, сарф-харажатда ўртачалик; ~ عِلْمُ сиёсий иқтисод; ~ عَالِمُ иқтисодчи олим

– اِقْتِصَادِيٌّ 1) хўжаликка оид; 2) иқтисодга оид, иқтисодий; الْعَوَامِلُ ~ الْعَلَاقَاتُ ~ иқтисодий муносабатлар; ~ الْوِجْهَةِ иқтисодий омиллар (факторлар); مِنَ ~ иқтисод нуқтаи назаридан; 3) тежамли, режали; ~ الْوُقُودِ ёнилғини тежаб сарф қиладиган (*машина ҳақида*); 4) иқтисодчи

– اِقْتِصَادِيَّاتٌ *кўп.* 1) иқтисодий масалалар; 2) иқтисод; хўжалик; ~ الْبِلَادِ мамлакат иқтисодиёти

– أَقْصَدُ: ~ الـ энг тежамкор; ~ عَلَى الْوَجْهِ الـ энг тежамли йўсинда, энг тежамкорлик билан

– تَقَصُّدٌ 1) пистирмада кутиб туриш; 2) ички қоралик, бузуқ ниятлилик, қасддан қилинган ғараз; ~ دُونَ бағараз, беихтиёр, олдиндан ўйламай

– قَاصِدٌ[1] *кўп.* قُصَّادٌ 1) (*бирор ерга*) жўновчи; قُصَّادُ الْبِلَادِ الْمُقَدَّسَةِ ҳожилар; 2) (*бирор н. га*) интилувчи (إِلَى); (*бирор жойга боришни*) ҳоҳловчи (إِلَى); 3) элчи

– قَاصِدٌ[2] 1) тежамкор, режали; 2) осон, меҳнат талаб қилмайдиган қисқа, калта; ~ سَفَرٌ қисқа сафар; ~ طَرِيقٌ энг яқин тўғри йўл

– قُصَادَ қаршида, рўпарада, олдинда; دُ~ унинг қаршисида, унинг олдида

– قَصَادَةٌ: الـ~ الرَّسُولِيَّةُ папанинг дипломатик ваколатхонаси

– قَصْدٌ 1) мақсад; нишон; интилиш, ният, қасд; حَفِيٌّ ~ яширин мақсад, ният; ~ عَنْ ёки ~ ёки ~ بِالـ атайлаб, қасддан; وَ ~ عَنْ ёки ~ عَنْ سَابِقِ تَعَمُّدٍ ёки ~ عَنْ مِنْ غَيْرِ ёки ~ بِلَا атайин, жўрттага; ~ غَيْرِ ёмон ният қилмасдан, билмасдан, беихтиёр, ғайриихтиёрий равишда; بِغَيْرِ ~ وَ لَا تَدْبِيرٍ бирор мақсадсиз; ~ عَنْ ~ أَوْ عَنْ غَيْرِ атайлабдан ёки бехосдан; ... أَنْ ~ بِـ ...(*и*)ш мақсадида; حُسْنُ ~ الـ яхши ният, ғаразсиз мақсад; بِحُسْنِ ~ الـ яхши ният билан; سُوءُ ~ الـ бадниятлик, бузуқ ниятлик, бузуқ ният; بِسُوءِ ~ الـ ёмон ният билан; ... عَلَى أَنْ نُطْلِعَهُ ~ نَا ёки ... عَلَى إِطْلَاعِهِ ~ نَا мақсадимиз ... ҳақида уни хабардор қилиб қўйишдир, 2) *грам.* маъно; 3) тежаш, эконом қилиш; ~ فِي وَ اعْتِدَالٍ тежаб ва ўртамиёналик билан; ◊ ~ كَ! هُوَ ~ мана, у рўпарангда турибди! 4) адолат, одиллик

– قِصْدَةٌ *кўп.* قِصَدٌ бурда, парча, бўлак

– قَصْدِيٌّ қасддан қилинган, жўрттага қилинган

– قَصِيدٌ 1) бенуқсон, беайб; 2) талаб қилинган, изланган, керакли; 3) қасида; ~ هَذَا هُوَ بَيْتُ الْـ масаланинг моҳияти мана шунда (*сўзма-сўз:* қасиданинг бош байти мана шу)

– قَصِيدَةٌ *кўп.* قَصَائِدُ қасида, поэма; ثَلاَ زَيْدٌ لِزَيْنَبَ قَصَائِدَ الْغَزَلِ Зайд Зайнабга тегажоғлик қилди (*сўзма сўз:* Зайд Зайнабга ишқий қасидалар ўқиди)

– مُتَقَصِّدٌ олдиндан режалаштириб қўйилган

– مُقْتَصِدٌ 1) тежамкор, тежовчи, тежаб сарф қиладиган; 2) иқтисодчи, экономист

– مَقْصَدٌ *кўп.* مَقَاصِدُ мақсад; интилиш, ният

– مَقْصِدٌ *кўп.* مَقَاصِدُ туб мақсад

– مَقْصُودٌ 1) керакли, талаб қилинган; ~ الْغَرَضُ الْـ етишиш хоҳланган мақсад; 2) жўрттага (атайлаб) қилинган; ~ غَيْرُ олдиндан ният қилинмаган, бехосдан бажарилган; ~ خَطَأٌ غَيْرُ тасодифий хато; ~ ةً بِصُورَ атайлаб, олдиндан режалаштирилган ҳолда; 3) мақсад; 4) маъно

– قَصْدِيرٌ, قَصْدِيرٌ қалай; ~ وَرَقُ الْـ қалайдан ишланган зар қоғоз

I (قصر) **قَصُرَ** (*у*) قَصُرَ 1) қисқа бўлмоқ, калта бўлмоқ, қисқармоқ; 2) (*н. билан дир*) чекланмоқ (عَلَى); قَصَرَ[1] (*у*) قُصُورٌ 1) кам бўлмоқ, етарли бўлмай қолмоқ; (*бирор н. га*) етмай қолмоқ (عَنْ); ~ تْ بِهِ ... طَاقَتُهُ عَنْ ... қилишга унинг кучи етмай қолди; 2) адашмоқ, хатога йўл қўймоқ, (*бирор масалада*) эҳтиётсизлик қилмоқ (فِي); 3) (*н. нидир қилишга*) лаёқатсиз бўлмоқ, кучсиз бўлмоқ (عَنْ); ~ عَنِ الْهَدَفِ нишонга тегмай қолмоқ. хато кетмоқ; قَصَرَ[2] (*и*) قَصْرٌ 1) қисқа қилмоқ, қисқартирмоқ; 2) қулфламоқ, қулфлаб қўймоқ; 3) (*бирор н. билан* ёки *бирор н. да*) чеклаб қўймоқ (عَلَى); 4) газламани оқартирмоқ; قَصَرَ[3] (*у*) قَصَارَةٌ латофатли (гўзал, кўркам) қилмоқ; II قَصَّرَ 1) қисқартирмоқ, озайтирмоқ, камайтирмоқ; 2) адашмоқ, хатога йўл қўймоқ; (*н. нидир*) ҳафсаласизлик билан бажармоқ (فِي); لَمْ يُقَصِّرْ ... فِي ...га ҳамма имкониятни ишга солмоқ; 3) (*н. нидир*) тўхтатмоқ, бас қилмоқ (عَنْ); 4) (*н. нидир н. билан дир*) чеклаб қўймоқ (عَلَى); 5) (*н. нидир қилишга*) қурби етмай қолмоқ, кучсиз бўлмоқ (عَنْ); 6) латофатли (гўзал, кўркам) қилмоқ; III قَاصَرَ (*н. нидир*) қисқартиришга интилмоқ; IV أَقْصَرَ 1) қисқартирмоқ, калталаштирмоқ; 2) (*н. нидир*) тўхтатмоқ, бас қилмоқ (عَنْ); 3) (*н. дандир*) кучи етса ҳам ўзини тиймоқ (عَنْ); 4) паст бўйли фарзандлар кўрмоқ; إِنَّ الطَّوِيلَةَ قَدْ تُقْصِرُ وَ إِنَّ الْقَصِيرَةَ قَدْ تُطِيلُ *ҳад.* новча аёл паст бўйли фарзанд ва паст бўйли аёл новча фарзанд кўриши мумкин; VI تَقَاصَرَ 1) секин-аста қисқармоқ, калталашмоқ; 2) (*н. нидир қилишга*) кучи етмай қолмоқ, қодир бўлмай қолмоқ (عَنْ), 3) (*н. нидир*) тўхтатмоқ, бас қилмоқ; (*н. нидир*) рад этмоқ, қайтармоқ (عَنْ); 4) ўзини кичик қилиб кўрсатмоқ, ўзини кичикликка солмоқ; VII اِنْقَصَرَ оқланмоқ (*газлама ҳақида*) VIII اِقْتَصَرَ (*н. билан дир*) чекланмоқ, кифояланмоқ (عَلَى); هَذَا لَكِنَّ الْأَمْرَ لَمْ يَقْتَسِرْ عَلَى лекин иш бу билан чекланиб қолмади; X اِسْتَقْصَرَ 1) қисқа деб ҳисобламоқ; 2) кам, етарли эмас деб билмоқ

– اِقْتِصَارٌ 1) қисқариш, чекланиш; 2) қисқалик, ~ بِالْـ қисқа қилиб

– تَقْصِيرٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) қисқартириш, озайтириш; 2) хатога йўл қўйиш; бепарволик, ҳафсаласизлик; (*н. нидир*) эҳтиётсизлик билан амалга ошириш; ~ لِلْوَقْتِ вақтни беҳуда ўтказиш

– تَقْصِيرَةٌ меҳмонлар учун ташкил этилган унча катта бўлмаган базм

– قَاصِرٌ 1) (*н. билан дир*) чегараланувчи (عَلَى); 2) кичик ёшдаги, балоғатга етмаган; 3) (*бирор н. ни бажаришга*) қурби етмайдиган (عَنْ); заиф, кучсиз; нуқсонли; 4) *грам.* ўтимсиз; ◊ ~ يَتِيمٌ етимча; ~ الْبَاعِ а) лаёқатсиз; б) обрўси йўқ, нуфузсиз; ~ الْيَدِ а) заиф; б) камбағал, дасти (қўли) калта

– قَاصِرَةٌ балоғатга етмаган қиз; ~ الطَّرْفِ امْرَأَةٌ 1) тортинчоқ, ҳаёли аёл; 2) эридан бошқага назар солмайдиган аёл

– قَصَّارٌ газлама оқловчи (оҳорловчи)

– قُصَارَى = قُصَارَى

– قَصَارَةٌ 1) газламани оқлаш (оҳорлаш); 2) газламани оқлаш (оҳорлаш) касби

– قُصَارَى 1) чегара, сўнгги чек; ~ الْـ жуда бўлмайдиган бўлса, бошқа иложи топилмай қолса; هَذَا قُصَارَاكَ أَنْ تَفْعَلَ ҳеч иложи бўлмаган тақдирда сен буни қилишинг керак; 2) туб мақсад; ◊ ~ الْقَوْلِ (الْأَمْرِ) гапнинг қисқаси, гапнинг индаллоси; ~ ضَاقَتْ بِهِ الْحِيَلُ ёки ~ بَذَلَ الْجُهْدَ у қўлидан келадиган барча ишни қилди

– قَصْرٌ[1] *кўп.* قُصُورٌ қаср, сарой; ~ الثَّقَافَةِ касаба уюшмалар уйи; ~ الْـ الْجُمْهُورِيُّ Республика саройи (*Қоҳирада*); شَيَّدَ الْقُصُورَ الْعَوَالِيَ кўкнори хаёллар қилмоқ

– قَصْرٌ[2] 1) чеклаш, чегаралаш; 2) қисқартириш; 3) қисқалик; 4) чегара, ҳад

– قَصَرٌ эҳтиётсизлик, ҳафсаласизлик; дангасалик

– قُصَيْرٌ: ~ ذَيْلٍ *маж.* ҳали хом экан (*бирор н. ни қўлга киритишнинг иложи бўлмаганда айтилади*)

– قِصَرٌ қисқалик; 2) арзимаслик, арзимайдиганлик; 3) бўйга етмаганлик, норасидалик; ◊ ~ الْبَاعِ а) зифлик; б) лаёқатсизлик; в) обрўсизлик, эътиборсизлик; (الْبَصَرِ) ~ النَّظَرِ калтабинлик, узоқни кўра билмаслик (олмаслик)

– أَقْصَارٌ[1] *кўп.* قَصَرَةٌ (*қушларда ги*) қуйруқ, дум

– قَصَرٌ[2] *кўп.* قَصَرَةٌ тағ, ост; ~ الْعُنُقِ бўйиннинг таги

– قَصْرِيٌّ обрўли, эътиборли, олийжаноб, олийҳиммат

– قَصْرِيَّةٌ *кўп.* قَصَارَى, قَصَارٍ 1) гултувак, ваза; 2) тунда ишлатиладиган тувак

– قُصُورٌ 1) камчилик, етишмовчилик; қодир эмаслик, қурбсизлик, қобилиятсизлик; 2) номукаммаллик; 3) парвосизлик, бепарволик; дангасалик; 4) балоғатга етмаганлик; ◊ ~ الذَّاتِيُّ инерция; ~ الْعَارِضَة қобилиятнинг чекланганлиги

– قَصِيرٌ *кўп.* قِصَارٌ 1) калта, қисқа; ~ الْعُمْرِ умри қисқа; ~ الْأَجَلِ қисқа муддатли; 2) паст; ~ الْقَامَة паст бўйли; 4) ҳимоя остидаги (*бадавийларда*); ~ الْبَاعِ = قَاصِرُ الْبَاعِ *қар.* قَاصِرٌ; ~ الْيَدِ = قَاصِرُ الْيَدِ *қар.* قَاصِرٌ

– قَيْصَرٌ *кўп.* قَيَاصِرَةٌ *алиф.б.қ.*

– مُقْتَصَرٌ 1) қисқа, қисқартирилган; 2) лўнда қилиб ифодаланган

– مَقْصُورٌ 1) (*н. билан дир*) чекланган (عَلَى); 2) қисқартилган; сиқиқ, қисқача; ~ أَلِفٌ *грам.* қисқа алиф, чўзиқ "а" товушини ифодаловчи ى ҳарфи; 3) оқланган, оққа бўялган

– مَقْصُورَةٌ *кўп.* مَقَاصِيرُ хона, алоҳида ажратилган бўлма; 2) бўлим; ложа (*театрда*) 3) судланувчилар учун ажратилган ўриндиқ; 4) кўшк, айвонча; шийпон

قُصْرُمِلٌّ қурилиш материали (*кул, оҳак, қум*)

I **قَصَعَ** (*а*) قَصْعٌ 1) ютмоқ, овқатни томоқдан ўтказмоқ; ютинмоқ; 2) очкўзлик билан ичмоқ; 3) майдаламоқ, ун қилмоқ (*тегирмон тоши ҳақида*); 4) эгмоқ, букмоқ, қайирмоқ; VII اِنْقَصَرَ эгилмоқ, букилмоқ, қайрилмоқ; ◊ الْمُنْقَصِلَ ~ пайларни чўзиб юбормоқ, бўғимни чиқариб олмоқ (майиб қилмоқ)

– قَصْعٌ чайнаш; ~ الْجِرَّة қайтарилган кавшни чайнаш

– قَصْعَةٌ *кўп.* قِصَاعٌ, قَصَعَاتٌ ёғоч товоқ, ёғочдан ишланган ликопча; ◊ ~ الْمَرْكَبِ кеманинг корпуси; ~ الشَّرِيطِ الْحَدِيدِيِّ темир йўл тагига қўйиладиган ёғочнинг (шпалнинг) запаси

قَصْعِينٌ *бот.* маврак, мармарак

I (قصف) **قَصَفَ** (*и*) قَصْفٌ 1) синдирмоқ; 2) гумбирламоқ, қалдирамоқ (*момақалдироқ ҳақида*); 3) ўққа тутмоқ, бомба ёғдирмоқ; قَصَفَ (*у*) قُصُوفٌ, قَصْفٌ ароқхўрлик қилмоқ, маишат қилмоқ; еб-ичиб маза қилиб вақт ўтказмоқ; قَصِفَ (*а*) قَصَفٌ мўрт бўлмоқ, синувчан бўлмоқ; II قَصَّفَ синдирмоқ, бузмоқ; V تَقَصَّفَ қирқилиб кетмоқ, қирқилиб тушмоқ (*соч ҳақида*); VII اِنْقَصَفَ ёрилмоқ, ёрилиб кетмоқ; дарз кетмоқ

– تَقَصُّفٌ синиш, парчаланиш

– قَاصِفٌ1) қаттиқ, гумбурлаган (*овоз ҳақида*); ~ بِصَوْتٍ гумбурлаган овоз билан; 2) бомбардимончи, бомбардимон қилувчи; ~ الطَّائِرَةُ الْـ бомбардимончи самолёт

– قَصْفٌ 1) гумбурлаган овоз; ~ الْمَدَافِعِ тўпдан ўқ отиш, замбарақдан тўп отиш, бомбардимон қилиш; 2) маишатбозлик, зиёфат; 3) ўйин-кулги

– قَصِفٌ, قَصِيفٌ мўрт, синувчан; заиф, нозик

– قُصُوفٌ зиёфат

– مَقْصَفٌ *кўп.* مَقَاصِفُ буфет

قَصْقَصَ 1) синдирмоқ, бузмоқ, парчаламоқ; 2) бўлак-бўлак қилмоқ, кесмоқ; тагидан кесмоқ (қирқмоқ), ичини қирқиб ташламоқ

– قَصْقَصَةٌ бўлак-бўлак қилиш; тагидан қирқиш, тагидан кесиш

– قَصْقُوصَةٌ *кўп.* قَصَاقِيصُ кесик, қийқим, қийқинди

I **قَصَلَ** (*и*) قَصْلٌ 1) ўриб олмоқ, ўрмоқ (*мас., буғдойни*); кесмоқ, қирқмоқ; 2) кийим тикиладиган газламадан уриб қолмоқ (*чевар ҳақида*); ~ الدَّابَّةَ قَصِيلاً ҳайвонга сули едирмоқ, ҳайвонни сули бериб боқмоқ; II قَصَّلَ (*қоғозни*) қирқмоқ, кесмоқ; VII اِنْقَصَلَ қесмоқ, қирқмоқ, ўриб олмоқ, ўрмоқ (*мас., буғдойни*)

– قَاصِلٌ ўткир, ўткир тиғли

– قَصَّالٌ 1) ўткир, ўткир тиғли; 2) ўроқчи

– قُصَالَةٌ тўпон, қипиқ, сомон

– قَصْلٌ, قَصْلٌ *жам.* 1) поя, тўпон, қипиқ; сомон; 2) курмак

– قَصْلَةٌ, قَصْلَةٌ *кўп* قَصَلَاتٌ бир дона поя

– قَصِيلٌ хашак учун ўрилган сули майсаси ёки пишиб етилмаган буғдой

– مِقْصَلٌ = قَاصِلٌ

– مِقْصَلَةٌ *кўп.* مَقَاصِلُ жодимашина

I **قَصَمَ** (*и*) قَصْمٌ синдирмоқ, бузмоқ, майдаламоқ; ◊ الظَّهْرَ ~ оғирлаштирмоқ, зўрайтирмоқ; V تَقَصَّمَ синмоқ, бузилмоқ, майдаланмоқ; дарз кетмоқ, ёрилмоқ; VII اِنْقَصَمَ синдирилмоқ, бузилмоқ, синган бўлмоқ

– قَاصِمٌ бузувчи, синдирувчи; тор-мор келтирувчи; қақшатқич; أَصَابَهُ بِضَرْبَةٍ ~ـةٌ ضَرَبَاتٌ ~ـةٌ қақшатқич зарбалар; кимгадир қақшатқич зарба бермоқ; ◊ لِلظَّهْرِ ~ عَمَلٌ машаққатли, толиқтирувчи иш

– قَاصِمٌ2 *ёки* قَاصِمَةٌ *кўп.* قَوَاصِمُ катта бахтсизлик; عَاصِمَةٌ مِنْ كُلِّ ~ ҳар қандай офатдан ҳимоя

– قَصِمٌ мўрт, тез синадиган

– قَصْمَةٌ парча, бўлак

– قَصِيمٌ = قَصِمٌ

– قَصِيمَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ узунчоқ бактерия

قَاصُونٌ *кўп.* قَوَاصِينُ кессон (*сув остида узоқ вақт иш бажаришда керак бўладиган пневматик мосламаси*)

I (قصو) **قَصَا** (*у*) قَصْوٌ *ёки* قَصِيَ (*а*) قَصًى (*н. дандир*) узоқлашмоқ, узоқда бўлмоқ (عَنْ); ~ الْبَعِيرُ أَوِ الشَّاةُ туя *ёки* қўйнинг қулоғини кесмоқ; II قَصَّى қирқмоқ, кесмоқ, олмоқ (*тирноқни*); IV أَقْصَى 1) узоқлаштирмоқ, йироқлаштирмоқ; ҳайдамоқ; 2) энг ниҳоясига, охирги чегарасигача етиб бормоқ; V تَقَصَّى 1) узоққа кетмоқ, йироқлашмоқ; 2) ўрганмоқ, тақдиқ қилмоқ; ~ آثَارَهُ кимнингдир

изидан бормоқ; X اِسْتَقْصَى 1) орқасидан пойлаб бормоқ, таъқиб қилмоқ; (*н. нидир*) дарақламоқ, суриштириб билмоқ (عَنْ) 2) ўрганмоқ, чуқур тадқиқ қилмоқ

– اِسْتِقْصَاءٌ ўрганиш, чуқур тадқиқ қилиш; (الْفَضَاء) ~ الْكَوْن космосни тадқиқ этиш

– إِقْصَاءٌ узоқлаштириш, йироқлаштириш; ҳайдаш, сургун қилиш

– أَقْصَى *мн.* قُصْوَى *кўп.* أَقَاصٍ 1) энг узоқ, энг йироқ; ~ الشَّرْقُ الْـ Узоқ Шарқ; أَقَاصِي الْأَرْضِ ер юзининг энг узоқ бурчаклари; 2) охирги, энг чегарадаги; максимал; الضَّرُورَةُ الْقُصْوَى ўта зарурият, ◊ الْجَامِعُ الْـ~ Ал-Ақсо масжиди (*Қуддуси шарифда*); مِنْ أَقْصَاهَا إِلَى أَقْصَاهَا (*ўлканинг*) у четидан бу четига, у томонидан бу томонига

– تَقَصٍّ ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш

– قَاصٍ *мн.* قَاصِيَةٌ узоқдаги, йироқдаги; ◊ الْقَاصِي وَ الدَّانِي ёппасига, яппасига, истисносиз (*сўзма-сўз:* узоқдаги ва яқиндаги)

– قَصَاءٌ узоқ масофа, узоқлик, узоқ ер

– قَصْوَى *мн.* 1) қулоғи қирқилган; ~ شَاةٌ қулоғи қирқилган қўй; 2) Муҳаммад алайҳиссаломнинг туялари номи

– قَصِيٌّ *кўп.* أَقْصَاءٌ = قَاصٍ

– مَقْصُوٌّ қулоғи кесилган; ~ جَمَلٌ қулоғи кесилган туя

– مُقَصًّى = مَقْصُوٌّ

قَصْوَلَ кийим тикилаётган газламадан уриб қолмоқ, ўғирлаб олиб қолмоқ (*чевар ҳақида*)

I (قضّ) قَضَّ[1] (*а/у*) قَضٌّ 1) тешмоқ, тешиб ўтмоқ, ўймоқ; 2) бузмоқ, бузиб ташламоқ; 3) юлиб олмоқ, суғуриб олмоқ; قَضَّ[2] (*и/а*) قَضْضٌ қаттиқ бўлмоқ (*мас., ўриндиқ ҳақида*); IV أَقَضَّ 1) қаттиқ бўлмоқ (*мас., ўриндиқ ҳақида*); 2) қаттиқ қилмоқ, ноқулай қилиб қўймоқ (*мас., ўриндиқни*); ~ مَضْجَعَهُ (*ётган одамни*) безовта қилмоқ; هَذَا ~ الْكَابُوسُ مَضْجَعِي бу чивин менга уйқу бермади; VII اِنْقَضَّ (*к. нигадир устига*) ағдарилмоқ, ўпирилиб тушмоқ, қулаб тушмоқ (عَلَى); (*н. нигадир устига*) тик чизиқ бўйлаб шўнғимоқ (عَلَى); 2) бузилмоқ, вайрон бўлмоқ, ағанай-ағанай деб турмоқ (*мас., девор*); X اِسْتَقَضَّ қаттиқ деб билмоқ; ~ الْمَضْجَعَ тўшакни қаттиқ деб билмоқ

– اِنْقِضَاضٌ тепадан ҳужум қилиш, тик чизиқ бўйлаб шўнғиш; ~ طَائِرَةُ الْـ тик чизиқ бўйлаб шўнғувчи самолёт; ~ زَاوِيَةُ الْـ шўнғиш бурчаги; ~ الْكَوَاكِبِ юлдузларнинг учиши

– قَضٌّ шағал, майда тошлар; ~ وَ قَضِيضٌ *маж.* анжом, лаш-луш, қақир-қуқир, кўч-кўрон; اِنْتَقَلَ إِلَيْهِ بِـ~ـهِ وَ قَضِيضِهِ унинкига барча лаш-лушлари билан кўчиб келди

– قَضْضٌ = قَضٌّ

– قَصِيضٌ = قَضٌّ; جَاؤُوا بِـ~ـهِمْ улар битта ҳам қолмай ҳаммалари келишди

I قَضَبَ (*и*) قَضْبٌ 1) кесмоқ, қирқмоқ, ичини қирқиб ташламоқ; 2) жазоламоқ, жазо бермоқ; хивич билан саваламоқ; ◊ ~ تُ الثَّافَةَ туяга миндим; II قَضَّبَ қирқмоқ, учини қирқиб ташламоқ; VII اِنْقَضَبَ қирқилмоқ, кесилмоқ; VIII اِقْتَضَبَ 1) тагини қирқмоқ; 2) қирқиб ташламоқ, қисқартирмоқ; 3) оғизга келганини гапирмоқ, гап тўқимоқ, тайёргарликсиз гапга чиқмоқ

– اِقْتِضَابٌ 1) қисқартиш; қисқалик; بِـ~ қисқа қилиб; 2) гап тўқиш, тайёргарликсиз гап гапириш

– قُضَابَةٌ қийқим, қийқинди, резги; тараша, пайраҳа

– قَضْبٌ *бот.* беда, йўнғичқа

– قَضْبَةٌ = قَضْبٌ

– قَضِيبٌ *кўп.* قُضُبٌ, قُضْبَانٌ 1) новда, шохча, бутоқ; 2) гаврон, савағич; 3) хивчин, чивиқ; 4) асо, ҳасса, таёқ; 5) чорқирра ёғоч, тўсинбоп ёғоч; темир йўл рельси; قُضْبَانُ سِكَّةِ الْحَدِيدِ темир йўл рельслари; 6) эркакларнинг жинсий олати

– مُقْتَضَبٌ 1) қисқартирилган; қисқа; 2) биринчи марта айтилган, ҳикоя қилинган; тўқиб чиқарилган; ~ خَبَرٌ кутилмаган янгилик; 3) янги; теша тегмаган, оригинал; 4) муқтазаб (*аруз баҳрларидан бири*)

– مُقْتَضَبَاتٌ *кўп.* янгиликлар

– مِقْضَبٌ *кўп.* مَقَاضِبُ 1) пичоқ; 2) гулқайчи

– مَقْضَبَةٌ бедапоя, бедазор

I قَضَعَ (*а*) قَضْعٌ тиймоқ, босмоқ, попугини пасайтирмоқ

– قَضْعٌ, قُضَاعٌ қоридаги санчиқ, оғриқ

I قَضُفَ (*у*) قَضَافَةٌ, قَضُفٌ 1) хушқомат бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ; 2) ориқ бўлмоқ, озмоқ, ориқламоқ

– قَضِيفٌ *кўп.* قِضَافٌ, قُضَفَاءُ 1) хушқомат, қадди-қомати келишган; 2) ориқ, озғин

قَضْقَضَ 1) қарсиллатиб синдирмоқ; тишда чақмоқ; 2) тақилламоқ (*тиш ҳақида*)

I (قضم) قَضَمَ (*и*) قَضْمٌ майда-майда қилиб тишлаб ташламоқ; кемирмоқ, ғажимоқ, ямламоқ, тишда чақмоқ; ~ إِصْبَعَ النَّدَمِ *маж.* пушаймон қилмоқ (*сўзма-сўз:* надомат бармоғини тишламоқ); قَضِمَ (*а*) قَضَمٌ 1) учи синмоқ (*тиш ҳақида*); 2) тиши синмоқ; I قَضِمَ (*а*) قَضَمٌ 1) арпа емоқ, арпа билан боқилмоқ; IV أَقْضَمَ арпа едирмоқ; الدَّابَّةَ ~ ҳайвонни арпа бериб боқмоқ

– أَقْضَمُ *мн.* قُضْمٌ *кўп.* قَضْمَاءُ тиши синиқ, синиқ тишли

– قُضَامَةٌ ҳовурилган нўхот

– قَضِمٌ 1) жасур, қўрқмас, баҳодир; 2) қилич

– قُضْمَةٌ бир тишлам нарса; ~ أَسْكَتَ جَوْعَتَهُ бир тишлам тишлаш билан у очлигини бостирди

– قَضِيمٌ[1] *кўп.* قُضُمٌ ўтмас, тиғи (дами) қайтган (*қилич ҳақида*)

– قَضِيمٌ[2] *кўп.* قُضُمٌ 1) сув (нам) ўтказмайдиган қилиб ишланган қоғоз (пергамент); 2) арпа

I قَضَى (*и*) قَضَاءٌ 1) ҳукм қилмоқ, муҳокама қилмоқ, ажрим қилмоқ, қозилик қилмоқ, суд қилмоқ, ишни судда кўрмоқ; 2) (*к. гадир бирор н.*

*ни*) белгиламоқ, беришга қарор қилмоқ (عَلَى ,ب); (*бирор н. га*) дучор қилмоқ (إِلَى); 3) (*н. нигдир*) фойдасига ҳукм чиқармоқ (لِـ); 4) (*к. дандир н. нидир*) талаб қилмоқ (عَلَى ,ب); 5) ўтказмоқ; ~ وَقْتَ فَرَاغِهِ بِلُعْبِ الشَّطْرَنْجِ вақтини шахмат ўйнаб ўтказмоқ; ~ إِجَازَتَهُ فِي ... таътилни ...да ўтказмоқ; 6) бажармоқ, амалга оширмоқ, адо этмоқ, ижро этмоқ; ~ الدَّيْنَ қарзни тўламоқ; ~ الصَّلَاةَ намоз ўқимоқ; ~ الضَّرُورَةَ *ёки* الْحَاجَةَ ~ ҳожатга бориб келмоқ, бўшанмоқ; ~ الْوَاجِبَ бурчни бажармоқ; وَ لَكِنْ قُضِيَ الْأَمْرُ! тамом, вассалом!; масала ҳал! قُضِيَ أَمْرُهُ суви тугади, жон таслим қилди; 7) (*н. нидир*) йўқ қилмоқ, бартараф этмоқ (عَلَى); (*к. нидир*) ҳалок қилмоқ, ўлдирмоқ (عَلَى); ~ عَلَى حَيَاتِهِ кимнидир ҳаётдан маҳрум қилмоқ; ~ عَلَى آخِرِهِمْ ҳаммани битта қолдирмай йўқ қилмоқ; ~ عَلَى شَيْءٍ مِنْ جُذُورِهِ ниманидир таг-туги билан йўқ қилмоқ; 8) *шунингдек*, ~ نَحْبَهُ *ёки* أَجَلَهُ вафот этмоқ, ўлмоқ; ~ فِي زَهْرَةِ عُمْرِهِ у қирчиллама ёшида вафот этди; قَضَتْ زَوْجَتُهُ унинг рафиқаси қазо қилди; ◊ ~ مِنْهُ وَطَرَهُ кимдандир кўзлаган нарсасини олмоқ; ~ مِنْهُ الْعَجَبَ таажжубда қолмоқ, ҳайрон бўлиб қолмоқ; II قَضَّى 1) умр ўтказмоқ, умргузаронлик қилмоқ; 2) бажармоқ, адо (ижро) қилмоқ 3) етарли бўлмоқ, кифоя қилмоқ; 4) қозиликка тайин қилмоқ, судья этиб тайинламоқ; III قَاضَى 1) суд қилмоқ, суд жараёнини олиб бормоқ; 2) судга бермоқ, суд жавобгарлигига тортмоқ; V تَقَضَّى 1) ўтмоқ, ўтиб кетмоқ (*вақт ҳақида*); 2) ниҳоясига етмоқ, тугамоқ; VI تَقَاضَى 1) мурожаат қилмоқ; (*к. нидир*) суд жавобгарлигига тортмоқ (أَمَامَ); 2) маош (иш ҳақи) олмоқ; 3) (*тўлашни*) талаб қилмоқ; VII انْقَضَى 1) ниҳоясига етмоқ, тугамоқ; 2) ўтиб кетмоқ, ўтмоқ (*вақт ҳақида*); ~ أَجَلُهُ у қазо қилди; VIII اقْتَضَى тақозо қилмоқ, талаб қилмоқ (*мас., вазият*); X اسْتَقْضَى 1) ажрим қилишни сўрамоқ, ишни бир ёқли этишни илтимос қилмоқ; судя (қози) этиб тайинламоқ; 2) (*н. нидир бажаришни*) талаб қилмоқ; ~ الدَّيْنَ қарзни сўраб келмоқ, қарзни тўлашни талаб қилмоқ; 3) қўлга киритмоқ; 4) ишлатмоқ, фойдаланмоқ; اسْتُقْضِيَ қози (судя) этиб тайинланмоқ

– اسْتِقْضَاءٌ 1) қози (судя) этиб тайинлаш; 2) (*н. нидир бажаришни*) талаб этиш; ~ الدَّفْعِ тўлашни талаб этиш; 3) қўлга киритиш

– اقْتِضَاءٌ 1) талаб, зарурат, зарурият, эҳтиёж; ~ عِنْدَ الـ тақозо қилганида, керак бўлса; 2) тўлатиш, ундириш

– انْقِضَاءٌ (*муҳлатнинг*) тугаши; тамом; ~ التَّعَهُّدَاتِ тилхат (мажбурият)нинг ўз кучини йўқотиши

– قَاضٍ *мн.* قَاضِيَةٌ 1) суд қилувчи, ҳукм чиқарувчи; 2) ҳал қилувчи, ниҳоий; ўлдирувчи, йўқ қилувчи; السَّمُّ الْقَاضِي заҳри қотил; الضَّرْبَةُ الْقَاضِيَةُ ўлим зарбаси; 4) *кўп.* قُضَاةٌ а) судя, қози; شَرْعِيٌّ ~ шариат асосида ҳукм чиқарувчи қози; الْإِحَالَةِ قَاضِي кўриладиган масалани бошқа судга ошириш *ёки* уни ёпиш ҳақида ҳукм чиқарувчи судя; قَاضِي التَّحْقِيقِ суд терговчиси; قَاضِي الْقُضَاةِ *ёки* رَئِيسُ الْقُضَاةِ бош шаръий қози; قَاضِي الصُّلْحِ *ёки* قَاضِي الْمَوَادِّ الْجُزْئِيَّةِ чакана ишлар судяси; الْقَاضِي الْعُرْفِيُّ ҳакамлар суди, арбитр; б) *кўч. м.* пул; قَاضِي الْحَاجَاتِ ҳожат чиқарувчи, ҳожатбарор (*Оллоҳга нисбатан айтилади*); حَاسَبَ الْقَاضِيَ ҳожатга бориб келмоқ, бўшанмоқ

– قَضَاءٌ[1] *кўп.* أَقْضِيَةٌ, قَضَاوَاتٌ 1) қазо (*уездга ўхшаш маъмурий бирлик*); 2) вилоят (*Ироқда*)

– قَضَاءٌ[2] 1) ҳуқуқшунослик, ҳуқуқ; 2) адлия, судчилик; شَرْعِيٌّ ~ шариат асосидаги судчилик; ~ الـ وَ دَارُ суд, трибунал; ~ الـ وَ الْإِدَارَةُ суд ҳокимияти ва маъмурий ҳокимият; ~ الـ كُرْسِيُّ суд ўтирадиган стул; 3) суд идораси; 4) бажариш, адо этиш; ўтказиш; ~ الْوَقْتِ вақт ўтказиш; 5) қазо, ҳукм; *дин.* Аллоҳнинг шак-шубҳасиз ҳукми; ~ اللهِ *ёки* ~ الـ الْمَحْتُومُ ўлим; ~ لَا يُرَدُّ бошга тушиши муқаррар бўлган тақдир; ~ وَ قَدَرًا *ёки* ~ وَ الْقَدَرِ بِالـ тақдир тақозоси билан, тасодифан; الْاعْتِقَادُ (الْعَقِيدَةُ) بِالـ ~ وَ الْقَدَرِ тақдирга, Аллоҳнинг иродасига ишониш, фатализм; ~ الـ حَمَّ *қар.* حَمَّ[1]; ~ اللهُ فِيهِ نَزَلَ у вафот этди; 6) (*н. нидир*) бартараф этиш, йўқ қилиш (عَلَى); ~ الـ عَلَى الْأُمِّيَّةِ саводсизликни тугатиш

– قَضَائِيٌّ 1) судга оид; ~ الـ التَّحْقِيقُ суд тергови; ~ الـ الْحَارِسُ суд секвестратори (*бойлик ва мол-мулкдан фойдаланишни вақтинча тўхтатиб турувчи ходим*); 2) юридик; ~ الـ الْمُسْتَشَارُ юридик маслаҳатчи; юрисконсультант

– قَضًى 1) суд; 2) ҳукм, қарор; 3) ҳуқуқ, ҳуқуқшунослик

– قَضِيَّةٌ *кўп.* قَضَايَا 1) масала, муаммо; ~ حَيَاةٍ أَوْ مَمَاتٍ ҳаёт ёки ўлим масаласи; 2) иш, ҳодиса; ~ نَزْعِ السِّلَاحِ الْعَامِّ وَ التَّامِّ ялпи ва тамомила қуролсизланиш иши; 3) *юр.* дело; даъво; суд жараёни; ~ الـ الْجِنَائِيَّةُ жиноий иш, жиноий дело; ~ الـ الْمَدَنِيَّةُ гражданлик иши; ~ الـ السِّيَاسِيَّةُ сиёсий иш; مَصَارِفُ الـ ~ суд харажатлари; ~ عَلَى ... أَقَامَ الـ ~ أَعَادَ النَّظَرَ فِي الـ ишни қайта кўриб чиқмоқ; (*к. асдир қарши*) иш қўзғатмоқ; 4) *мат.* теорема; عَارِضَةٌ ~ *мат.* бошқа теоремани исбот қилиш учунгина керак бўладиган ёрдамчи теорема, лемма; 5) асосий фикр, мазмун; тезис; асос, далил (*мантиқда*); ~ الـ الْمُسَلَّمُ بِهَا (*кўп.* الْقَضَايَا الْمُسَلَّمُ بِهَا) *ёки* الْبَدِيهِيَّةُ *мат.* аксиома

– مُتَقَاضٍ *мн.* مُتَقَاضِيَةٌ 1) судланувчи; 2) *юр.* томон; مُتَقَاضِيَانِ *ик. с.* судланувчи икки томон

– مُتَقَاضُونَ *кўп. юр.* томонлар

– مُقَاضَاةٌ 1) судланиш; даъволашиш, судлашиш жараёни; ишни судда кўриш; 2) судга чақириш, судга жалб қилиш

– مُقْتَضًى 1) зарурий, керакли, тақозо қилинган; 2) маъно; عَلَى مُقْتَضَاهُ ...га мувофиқ, ...га биноан; بِـــ ~ الْحَالِ вазиятга мувофиқ равишда

– مُقْتَضَيَاتٌ *кўп.* зарурат, эҳтиёж, талаб

– مَقْضِيٌّ 1) олдиндан ҳал қилинган, аниқлаб қўйилган; 2) бажарилган, охирига етказилган; الْأَمْرُ الْـــ ~ амалга оширган факт; ~ عَلَيْهِ ҳукм чиқарилган, кесилган

– مُنْقَضٍ *мн.* مُنْقَضِيَةٌ ўтган, ўтиб кетган; فِي الْأُسْبُوعِ الْمُنْقَضِي ўтган ҳафтада

I (قطّ) **قَطَّ** (*а/у*) قَطٌّ 1) (*мас., тирноқни*) олмоқ, кесмоқ, қирқмоқ; (*қаламнинг*) учини чиқармоқ; 2) ўймоқ, ўйиб нақш солмоқ (*ўймакор ҳақида*); 3) кўндаланг кесмоқ, энига кесмоқ; قَطَطَ а) قَطَطٌ калта ва жингалак бўлмоқ (*соч ҳақида*); II قَطَّطَ тарашлаб (эговлаб, чархлаб) силлиқламоқ (*токарь ҳақида*); VII اِنْقَطَّ кесилмоқ, қирқилмоқ, қирқилган бўлмоқ; VIII اِقْتَطَّ кесмоқ, қирқмоқ, учини чиқармоқ

– قَطْ етарли, кифоя; ~ـــنِي менга кифоя, ـــكَ ~ сенга етарли ◊ ~ـــ фақат

– قَطُّ ўтган замон маъносидаги феъл билан ишлатилади; مَا ~ ... ёки ~ ... لَمْ мутлақо, ҳеч қачон + *феълнинг бўлишсиз шакли*; مَا رَأَيْتُهُ ~ мен уни мутлақо кўрмадим

– قَطٌّ[1] жингалак, қўнғироқ (*соч*)

– قَطٌّ[2] қиммат, қимматбаҳо, нархи баланд

– قِطٌّ[1] *кўп* قِطَطٌ, قِطَاطٌ мушук; أُنْثَى ~ ангор мушуги; الْـــ ~ الْبَرِّيُّ ёввойи мушук; الزَّبَادِ ~ ипор ҳид чиқарадиган йиртқич сут эмизувчиларнинг бир тури; ~ الْـــ حَشِيشَةُ *бот.* валерян

غَابَ الْـــ ~ فَلَعِبَتِ إِنْ غَابَ الْـــ ~ الْعَبْ يَا فَأْرُ! *ёки* الْفِيرَانُ *мкл.* Сулаймон ўлиб, девлар қутулди (*сўзма-сўз:* мушук йўқолди, ўйнайвер, сичқон! ёки мушук йўқолди ва сичқонлар ўйнай бошлашди)

– قُطٌّ[2] китоб; мукофотлаш ҳужжати; !~ عَجِّلْ لَنَا *кур.* мукофотимиз ҳужжатини олдиндан бериб қўй!

– قَطَّاطٌ 1) токарь; 2) ўймакор

– قَطَاطٌ *кўп* أَقِطَّةٌ модель, андоза, намуна

– قُطَيْطَةٌ *кўп.* ـــَ اتٌ мушукча

I **قَطَبَ** (*и*) قُطُوبٌ ,قَطْبٌ 1) *шунингдек:* حَاجِبَيْهِ ~ қовоғини солмоқ, ҳўмраймоқ; 2) йиғмоқ, жамламоқ; 3) тикмоқ, чатмоқ, чокламоқ; четини қайириб тикмоқ; II قَطَّبَ башарани бужмайтирмоқ, қовоқни солмоқ, ҳўмраймоқ; وَجْهَهُ ~ афтни бужмайтирмоқ; جَبِينَهُ ~ пешонасини тиришитирмоқ; 2) тикмоқ, чокламоқ, чатмоқ; V تَقَطَّبَ бадқовоқ бўлмоқ (*юз ҳақида*); X اِسْتَقْطَبَ 1) ўзига жалб қилмоқ, ўз атрофига тўпламоқ; 2) *физ.* қутблаштирмоқ

– اِسْتِقْطَابٌ *физ.* қутблаштириш

– تَقْطِيبٌ 1) ҳўмрайиш, ҳўмрайган кўриниш; 2) *физ.* қутблаштириш

– تَقْطِيبَةٌ *кўп.* ـــَ اتٌ ажин, буришган жой, бурушиқ

– قَاطِبٌ қовоғи солиқ, ҳўмрайган

– قَاطِبَةٌ умумий миқдор; ~ бутунлай, ҳаммаси бўлиб, жами

– قَطْبٌ ,قُطْبٌ ,قِطْبٌ: ~ الرَّحَى тегирмон тошини айлантирадиган ўқ; ~ رَحَى الْحَرْبِ армиядаги бош қўмондон

– قُطْبٌ *кўп.* أَقْطَابٌ 1) қутб (*шунингдек эл. да ҳам*); دَائِرَةُ الْـــ ~ қутб доираси; نَجْمُ الْـــ ~ *астр.* Қутб юлдузи; الْـــ ~ الْجَنُوبِيُّ Жанубий қутб; الْـــ ~ الشِّمَالِيُّ Шимолий қутб; ~ التَّمَتُّعِ النِّسْبِيِّ нисбий етишиб бўлмаслик қутби; ~ سَالِبٌ *эл.* манфий қутб; ~ مُوجَبٌ *эл.* мусбат қутб; 2) ўқ; 3) атоқли, машҳур шахс; أَقْطَابُ السِّيَاسَةِ машҳур сиёсий арбоблар; مُؤْتَمَرُ الْأَقْطَابِ олий даражадаги анжуман

– قُطْبَةٌ *кўп.* قُطَبٌ чокнинг бир баҳяси

– قُطْبِيٌّ қутб, қутбга оид; الشَّفَقُ الْـــ ~ қутб шафағи

– قُطْبِيَّةٌ *физ.* қутбийлик

– قَطُوبٌ қовоғи солиқ, ҳўмрайган

I **قَطَرَ** (*у*) قَطْرٌ ,قُطُورٌ 1) томмоқ, томиб гурмоқ, томчилаб турмоқ; ~ دَمًا қон оқиб турмоқ, қон кетмоқ; 2) (*мас., дорини*) томизмоқ; 3) бир қатор қилиб тизмоқ, термоқ; (*вагонларни*) бир-бирига уламоқ; 4) (*омочни*) тортмоқ, ташимоқ, судрамоқ; 5) шатакка олмоқ; 6) турнақатор бўлиб юрмоқ; ◊ الْبَعِيرَ ~ туянинг терисига суюқ модда (*қар.* قَطِرَانٌ) суртмоқ, чапламоқ; II قَطَّرَ 1) тортмоқ, ҳайдамоқ, дистилламоқ (*сувни*); фильтрламоқ; 2) (*дорини*) томизмоқ, томчилатиб ҳайдамоқ; الْمَعْلُومَاتِ إِلَى رَأْسِ الطَّلَبِ ~ *маж.* (*тарбиялаш мақсадида*) боланинг онгига ҳар хил маълумотларни оз-оздан сингдирмоқ; 3) бир қатор қилиб тизмоқ, уламоқ; (*вагонларни*) бир-бирига уламоқ; ◊ الْبَعِيرَ ~ = قَطَرَ الْبَعِيرَ; V تَقَطَّرَ 1) ҳайдалмоқ, дистилланмоқ (*сув ҳақида*); тозаланмоқ, фильтрланмоқ; 2) (*к. нингдир адресига*) табрик ёки совға-салом келмоқ, келиб тушмоқ; VI تَقَاطَرَ 1) муттасил оқиб турмоқ, томчилаб тушмоқ (*мас., кўз ёши*); 2) (*к. нингдир олдига*) тўпланмоқ, оқиб келмоқ, қўшилмоқ, шошилмоқ (عَلَى, إِلَى); VII اِنْقَطَرَ 1) бир қатор бўлиб тизилмоқ; сафланмоқ; 2) шатакка олинмоқ; X اِسْتَقْطَرَ 1) буғлаб ажратмоқ; 2) дистилламоқ

– اِسْتِقْطَارٌ дистиллаш

– تَقْطِيرٌ ҳайдаш, дистиллаш; фильтрлаш, тозалаш; ~ الْكُحُولِ спирт ҳайдаш

– قَاطِرٌ шатакка олувчи; الْبَاخِرَةُ الْـــ ~ шатакка олувчи кема

– قَاطِرَةٌ *кўп.* قَوَاطِرُ ,اتٌ ـــَ 1) моторли вагон; паровоз, локомотив; كَهْرَبَائِيَّةٌ ~ электровоз; моторли вагон; 2) шатакка олувчи кема, буксир

– قِطَارٌ *кўп.* ـَاتٌ, قُطُرٌ, ـُـ 1) турнақатор туялар, 2) поезд; ~ الْبَاطِنِيُّ метро; ~ الْبُخَارِيُّ буғ билан юрадиган поезд; ~ الدِّيزَل дизел поезд; ~ الْكَهْرَبَاءِ электр билан юрадиган поезд, электровоз; ~ خَاصٌّ махсус поезд; ~ سَرِيعٌ тезюрар поезд; ~ طُوَالِيٌّ тўғри борадиган поезд; ~ الرُّكَّاب пассажир поезди; ~ الْبَضَائِعِ юк ташувчи поезд; ~ مُصَفَّحٌ зирҳли поезд, бронепоезд; ~ التِّرَام трамвай вагони; 3) *ҳарб.* саф, қатор, шеренга

– قَطَّارَةٌ *кўп.* ـَاتٌ томизғич, пипетка

– قُطْرٌ *кўп.* أَقْطَارٌ 1) мамлакат, ўлка; ~ دَاخِلَ الْـ мамлакат ичида; ~ خَارِجَ الْـ мамлакат ташқарисида; ~ الْمِصْرِيُّ الْـ Миср; ~ الشَّمَالِيُّ Сурия; 2) область, ер; 3) томон, тараф; биқин, ён; أَرْبَعَةُ أَقْطَارِ الْمَعْمُورِ дунёнинг тўрт томони; ◊ ~ الدَّائِرَةِ *ёки* الْمُحِيطِ ~ диаметр; ~ الْمُرَبَّعِ *мат* квадратнинг диагонали; ~ الدَّائِرَةِ نِصْفُ радиус; بِكُلِّ أَقْطَارِ النَّفْسِ ич-ичидан, бутун вужуди билан

– قَطْرٌ[1] *кўп.* قِطَارٌ 1) томиш, томчилаш; 2) *жам.* томчилар; ёмғир; 3) бириктириш, қўшиш; 4) шатакка олиш; ~ وَابُورُ الْـ буксир, шатакка олувчи кема

– قَطْرٌ[2] *кўп.* قُطُورَاتٌ поезд; ~ الْبَضَائِعِ юк ташувчи поезд; ~ الْـ الْكَهْرَبَائِيُّ трамвай

– قَطْرٌ[3] қанд ёки шакар қиёми

– قُطْرٌ алоэ ўсимлиги (*тутатқи учун*)

– قِطْرٌ мис

– قَطَرْجِيٌّ *кўп.* قَطَرْجِيَّةٌ вагонларни бир-бирига уловчи

– قَطْرَةٌ *кўп.* قَطَرَاتٌ, قُطُرٌ 1) томчи. қатра; ~ الْعَيْنِ кўз ёши; ~ الْـ مِنَ الْبَحْرِ косани тўлдирган сўнгги томчи; ~ *маж.* денгиздан томчи; 2) *шунингдек* ~ لِلْعَيْنِ кўзга томизиладиган дори

– عُطْرَةٌ = قَطْرَةٌ

– قُطْرِيٌّ 1) диагоналга оид, диагонал шаклида; диаметрга оид, радиус бўйлаб тарқалган, шуъласимон; ~ خَطُّ الْمِتْرُو الْـ метронинг радиус бўйлаб кетган йўли; 2) регионал, маҳаллий

– قَطِيرَةٌ *кўп.* قَطَائِرُ *денг.* порт ҳудудида ишлатиладиган юк ташувчи кема, лихтер; шатакка олиб юриладиган юк кемаси, баржа

– قُطَيْرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) кичкина томчи; 2) *кўч. м.* бўлмағур гап, беҳуда гап

– مُسْتَقْطَرٌ дистиллаган; ~ مَاءٌ дистилланган сув

– مُقَطَّرٌ = مُسْتَقْطَرٌ

– مُقَطِّرٌ *кўп.* ـَاتٌ дистилловчи асбоб, дистиллятор

– مِقْطَرٌ исириқдон

– مِقْطَرَةٌ *кўп.* مَقَاطِرُ 1) исириқдон; 2) маҳбусларнинг оёғига уриладиган тахтакач, кунда

– مَقْطُورٌ шатакка олинган; тиркама, тиркаладиган, уланадиган; ~ بَعِيرٌ устига бўёқ чапланган туя

– مَقْطُورَةٌ *кўп.* ـَاتٌ, مَقَاطِيرُ 1) прицеп; 2) бузуқ, бузуқи, фоҳиша

قُطْرُبٌ *кўп.* قَطَارِبُ 1) жин, дев, иблис, жодугар; 2) эпчил ўғри, учига чиққан ўғри; 3) ялтироқ қурт

قِطْرِمِيزٌ *кўп.* ـَاتٌ катта бутилка, шиша

قَطْرَنَ суюқ модда чапламоқ, сурмоқ, суртмоқ, гудрон суртмоқ

– قَطِرَانٌ, قَطْرَانٌ терига суртиладиган суюқ модда, гудрон; ~ مَعْدَنِيٌّ минерал гудрон; ~ نَبَاتِيٌّ ўсимликдан олинган гудрон

– مُقَطْرَنٌ = مَقْطُورٌ

قُطَاسٌ *зоол.* қўтос

– قَطُوسٌ *кўп.* قَطَاطِيسُ мушук (*Шимолий Африкада*)

– قَطُوسَةٌ мушукнинг урғочиси

I قَطَشَ (*у*) قَطْشٌ (*бирор н. дан*) бир парчани кўчириб олмоқ; (*н. нидир*) учини қирқмоқ; II قَطَّشَ = I

I قَطَعَ (*а*) قَطْعٌ 1) кесмоқ, қирқмоқ, (*н. дандир*) ушатиб олмоқ, узиб олмоқ (مِنْ. бирор аъзони жарроҳлик йўли билан кесиб ташламоқ; ~ الرَّأْسَ бошини қирқмоқ; ~ مِنَ الْبِلَادِ кимнидир мамлакат ичкарисига киритмай қўймоқ; لَا يَقْطَعُ خَيْطَ قُطْنٍ إِلَّا بِإِشَارَتِهِ ҳамма нарсани унинг кўрсатмаси билан қилади (*сўзма-сўз:* унинг кўрсатмасисиз пахта толасини ҳам узмайди); 2) кесиб олмоқ, жароҳатламоқ; 3) (*ўтин*) ёрмоқ; 4) тўсмоқ, тўсиб қўймоқ; ~ الطَّرِيقَ (*к. нингдир*) йўлини тўсмоқ (عَلَى); ~ الْمُوَاصَلَاتِ *ҳарб.* алоқа йўлларини тўсмоқ (кесмоқ); 5) (*мас., токни*) узиб қўймоқ; ~ مِيَاهَ الشَّفَةِ عَنِ الْقَرْيَةِ қишлоққа келадиган водопровод сувини беркитиб қўймоқ; 6) тўхтатмоқ, кесиб қўймоқ; ~ الْعَلَاقَاتِ алоқани узмоқ, олди-бердини бас қилмоқ; ~ الصَّدِيقَ дўстдан алоқани узмоқ; ~ الْمُسَاعَدَةَ عَنْهُ унга ёрдамни тўхтатмоқ; ~ الْمُنَاقَشَةَ музокарани тўхтатмоқ; 7) (*мас., кишанни, занжирни*) парчалаб ташламоқ; 8) (*маълум масофани*) босиб ўтмоқ; 9) кесиб ўтмоқ; 10) (*товарни*) истеъмол қилмоқ; 11) қишлаш учун учиб кетмоқ (*қушлар ҳақида*); 12) *шунингдек:* ~ فِي الْقَوْلِ сўзида қаттиқ турмоқ; ~ بِرَأْيِهِ а) сўзида қаттиқ турмоқ; б) кимнингдир раъйига қараб иш тутмоқ; ~ـُـهُ بِالْحُجَّةِ кимнидир ишонтирмоқ; 13) (*к. нингдир гапини*) бўлмоқ; ◊ أَقْطَعُ ذِرَاعِي إِنْ ... агар ...са, калламни (*сўзма-сўз:* қўлимни) кесиб ташлайман; ~ رِجْلَهُ مِنْ بَيْتِهِمْ уларнинг уйидан қадамини узди; ~ الْكَلَامَ فِيهِ бу гап унга таъсир қилди; ~ الْخَطَرَ хавф-хатарни орқада қолдирмоқ; ~ لِسَانَهُ кимнидир тилини тийишга мажбур қилмоқ; ~ شَوْطًا كَبِيرًا (بَعِيدًا) فِي ...да катта ютуқларга эришмоқ; ~ دَابِرَةَ الْكَمْبِيَالَةِ векселни ўз ҳисобига олмоқ; ~ دَابِرَةَ (*н. нидир*) илдизи

билан йўқотмоқ; دَابِرَ الْعُدْوَانِ ~ агрессияни таг-томири билан йўқотмоқ; الرَّجَاءَ ~ умидни узмоқ; الطَّرِيقَ ~ қароқчилик қилмоқ, йўлтўсарлик қилмоқ; تَذْكِرَةً ~ чипта олмоқ; الثَّمَنَ ~ нархни келишмоқ; عَهْدًا عَلَى نَفْسِهِ ~ ваъда бермоқ, ўзига мажбурият олмоқ الْوَعْدَ لَهُ ~ кимгадир ваъда бермоқ; النَّظَرَ عَنْ ... ~ ...дан кўзини юммоқ, ...га эътибор бермай қўймоқ; الْوَقْتَ ~ вақт ўтказмоқ; الْوَرَقَ ~ *карт.* карталар олмоқ; هَذَا شَيْءٌ يَقْطَعُ الْعَقْلَ бу мумкин бўлмаган ишдир; فِي مَسْأَلَةٍ ~ масалани ҳал қилмоқ; اللَّبَنُ ~ қатиқ ивиди; II قَطَّعَ 1) майда бўлакларга бўлмоқ; 2) кесиб ташламоқ, кўп жойидан яродор қилмоқ; 3) астойдил кесмоқ, қирқмоқ; الْأَشْجَارَ ~ дарахтларни кесиб ташламоқ; 4) бўлак-бўлак қилиб ташламоқ; الْقَلْبَ ~ юрагини эзмоқ, юрагига ўт солмоқ; خَبَرٌ يُقَطِّعُ الْقَلْبَ юракни ўртагувчи хабар; ◊ الشِّعْرَ ~ замзама билан шеър ўқимоқ; III قَاطَعَ 1) (*к. биландир*) алоқани узмоқ; 2) кесмоқ, бўлмоқ; 3) бойқут (байқот) қилмоқ, бойқут эълон қилмоқ; IV أَقْطَعَ 1) тақдим қилмоқ, бағишламоқ, инъом қилмоқ; ~ـــهُ الْأَرْضَ кимгадир ер ажратиб бермоқ; ~ـــهُ النَّهْرَ кимгадир дарёни кесиб ўтишга рухсат бермоқ; ~ـــهُ مَعَاشًا кимгадир нафақа таъйин қилмоқ; 2) кесишга (бўлишга) рухсат бермоқ, кестирмоқ; 3) (*к. биландир*) алоқани узмоқ (عَنْ), V تَقَطَّعَ 1) узилмоқ, парчаланмоқ; 2) кесилмоқ, бўлинмоқ; VI تَقَاطَعَ 1) (*н. нидир*) ўзаро узишмоқ, тўхтатишмоқ; 2) ўзаро бойқут қилишмоқ; 3) кесишиб ўтмоқ (*чизиқлар ҳақида*); VII انْقَطَعَ 1) кесилган бўлмоқ; узилган бўлмоқ, қирқилган бўлмоқ, ажралиб қолмоқ, ажралган бўлмоқ; عَنِ الْعَالَمِ ~ дунёдан воз кечмоқ; 2) тўхтатилмоқ, бас қилинмоқ; الْمَطَرُ ~ ёмғир тўхтади; 4) (*мас., чекишни*) ташламоқ, тарк этмоқ (عَنْ); 5) (*бирор н. га*) ўзини бағишламоқ (إِلَى ,ـــ); 6) (*н. нидир қилишга*) киришмоқ (إِلَى); VIII اقْتَطَعَ 1) ўзи учун кесиб олмоқ; 2) (*бирор бўлакни*) ажратиб қўймоқ; ўзидан ажратмоқ; ... وَ قَدِ ~ اللُّقْمَةَ مِنْ فِيهِ لِأَنْ ...(*и*)ш мақсадида оғзидаги луқмасини илинмоқ (*оғзидаги луқмасидан воз кечмоқ*); 3) ажратмоқ; 4) кесмоқ, кесиб олмоқ; الْأَحْجَارَ ~ тошларни кесмоқ; X اسْتَقْطَعَ 1) узиб олмоқ, тортиб олмоқ; صَحِيفَةً مِنَ الْكِتَابِ ~ китобдан бир варақни йиртиб олмоқ; اللُّقْمَةَ مِنْ فِيهِ ~ *кўч. м.* оғзидаги луқмани (оғзидагини) тортиб олмоқ; 2) ушлаб қолмоқ, чегириб қолмоқ; مِنَ الْأُجْرَةِ ~ маошдан чегириб қолмоқ; 3) фойдаланиб туриш учун ер сўрамоқ

– اسْتِقْطَاعٌ *кўп.* اتٌ ـــ чегириш, ушлаб қолиш

– إِقْطَاعَةٌ, إِقْطَاعٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) чек ер, ота-бободан мерос қолган ер; 2) мукофотга бериладиган ер; латифундия; حُكْمُ الْإِقْطَاعَاتِ феодал тузуми

– إِقْطَاعِيٌّ феодал, феодалга оид; ~ النِّظَامُ الْـــ феодал система, феодал тизим

– إِقْطَاعِيَّةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ помешчикнинг мулки, ери

– إِقْطَاعِيَّةٌ феодализм

– أَقْطَعُ[1] энг қатъий, энг узил-кесил, энг ишончли

– أَقْطَعُ[2] *мн.* قَطْعَاءُ *кўп.* قُطْعٌ қўли қирқилган (кесилган)

– انْقِطَاعٌ тўхташ, тўхталиш; ~ (بِلَا) بِدُونِ тўхтовсиз, муттасил, тўхтамасдан; ~ الْبَوْلِ *мед* сийдик тутилиш; 2) йўқлик, мавжуд эмаслик; ~ الْمَطَرِ ёмғирсизлик, ёғиннинг йўқлиги, қурғоқчилик

– تَقَاطُعٌ 1) кесиб ўтиш, кесишиш; ~ نُقْطَةُ الـــ а) кесишиш нуқтаси; б) *т. –й.* йўлларнинг кесишган (туташган) жойи; ~ الطُّرُقِ чорраҳа; 2) (*алоқанинг*) узилиши

– تَقْطِيعٌ *кўп.* تَقَاطِيعُ 1) кесиш, чопиш; 2) (*қоғиндаги*) қаттиқ оғриқ; 3) қад-қомат, сумбат, гавда; ◊ تَقَاطِيعُ الْوَجْهِ юз тузилиши, юз бичими

– قَاطِعٌ 1) кесувчи, қирқувчи; кесиб ўтувчи; ~ سِنٌّ ـــةٌ олдинги тиш, курак тиш; ~ التَّذَاكِرِ чипта сотувчи, кондуктор (*трамвай ва ҳ. к. ларда*); ~ الْجُلُودِ музёрар; ~ الْخَشَبِ ўтин ёрувчи; ~ *мат.* айланани кесиб ўтувчи; 2) узувчи, ажратувчи; 3) ўткир, кескир (*мас., пичоқ*); 4) қатъий, ҳал қилувчи, ишончли (*далил*); ~ بِصُورَةٍ ـــةٌ қатъиян, қатъий равишда; 5) учиб ўтувчи (*қуш*); الطُّيُورُ الْقَوَاطِعُ баҳорда ва кузда учиб ўтувчи қушлар; 6) аччиқ, қуюқ, ўткир (*ичимлик*); 7) ивиган (*сут*); 8) *кўп.* قُطَّاعٌ ғов бўлувчи, тўсувчи; ~ الطَّرِيقِ йўлтўсар, қароқчи; бандит; 9) *кўп.* اتٌ ـــ *тех.* кесиш асбоби, кескич; ~ الْمَعْدَنِ метални кесадиган асбоб; 10) *кўп.* قَوَاطِعُ а) олдинги тиш; б) электр токини узадиган асбоб, узгич; в) пардадевор; ~ طَعَامٌ гўштсиз овқат

– قَاطُوعٌ *кўп.* قَوَاطِيعُ 1) пардадевор; 2) ғов, тўсиқ

– قِطَاعٌ, قُطَاعٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) кесишиш, кесик, бир нарсанинг кесилган кўриниши; ~ السَّدِّ тўғоннинг кесими (*чизмада*); ~ الْـــ الْعَرْضِيُّ кўндаланг кесим; ~ الْـــ الطُّولِيُّ бўйлама кесим; 2) қисм, бўлим, сектор; ~ الْـــ الْعَامُّ давлат сектори; ~ الْـــ الْخَاصُّ хусусий сектор; ~ الْـــ الصِّنَاعِيُّ саноат сектори; ~ الْـــ الدَّائِرِيُّ *ёки* ~ الْـــ الْكُرَوِيُّ *мат.* шар сектори; ~ الدَّائِرَةِ *мат.* доира сектори

– قَطَّاعٌ 1) ўткир, кескир; 2) кесишувчи; 3) тоштарош, тош йўнувчи; ◊ ~ الطَّرِيقِ қароқчи, йўлтўсар

– قَطَّاعَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ кирка; ~ (الْخُضَرِ) الْبُقُولِ сабзавот тўғрайдиган асбоб

– قُطَاعَةٌ 1) қийқим, қийқинди, резги; 2) ғўла, ғўлача

– قَطَّاعِيٌّ чакана; ~ تَاجِرٌ чакана савдогар, чаканафуруш; بِالْـــ~ чаканалаб

– قَطْعٌ[1] кесиш; қирқиш; кесиб ташлаш; ~ الرَّأْسِ бошни олиш, бошни кесиш; ~ مَجْرَى النِّيلِ Нил оқимини тўсиш; 2) узиб қўйиш, ўчириш (*мас., токни*); 3) узиш; (الْعَلاَئِق) الْعَلاَقَات ~ алоқани узиш; 4) узилиш, тўхталиш; ~ الْـ هَمْزَةُ *қар.* هَمْزَةٌ; 5) (*вексел*) ҳисоби; سَعْرُ ~ الْـ ҳисобдаги фоиз (процент); 6) пул, валюта (*Сурияда*); ~ أَجْنَبِيٌّ хорижий валюта; ◊ ~ الْأَحْشَاب а) ўрмонни кесиш; б) ўрмончилик; ~ الْـ وَ عَلَى سَبِيلِ قُطْرِ ~ қароқчилик, бандитлик; ~ بِـ عَنْ النَّظَرِ التَّحْتِيم мутлақо, қатъиян; ~ اً шубҳасиз, албатта; . . . ...дан қатъий назар

– قَطْعٌ[2] *кўп.* قُطُوعٌ 1) кесиш, кесиб олиш, яродор қилиш; 2) размер, миқёс, формат, ҳажм; ~ الرُّبُعِ *полигр.* тўртдан бир формат, чорак формат; *мат.* кесишиш; ~ الْمَخْرُوطِ *ёки* مَخْرُوطِيٌّ ~ копия кесими; زَائِدٌ ~ *мат.* гипербола; مُكَافِئٌ ~ *мат.* парабола; ~ نَاقِصٌ *ёки* إِهْلِيلَجِيٌّ ~ *мат.* эллипс

– قِطْعٌ[1] *кўп* أَقْطَاعٌ кесиб олинган бўлак, кесма, қисм

– قِطْعٌ[2] тун охиридаги қоронғулик

– قَطْعَةٌ *кўп.* قَطَعَاتٌ ғўла, ғўлача, тахта ёки металл кесиги

– قِطْعَةٌ *кўп.* قِطَعٌ 1) бўлак, қисм, парча; مِنَ الْقُمَاشِ ~ бир кийим газлама; 2) асосий қисм, асосни ташкил этувчи қисм; 3) ҳарбий қисм; ҳарбий кема; 4) бир плитка (*шоколад*); 5) парча; 6) *муз.* пьеса, мусиқали пьеса; мусиқий асар, ижод; ижод этиладиган номер (*концертда*); 7) танга, чақа; 8) *шах.* тош, фигура; الْقِطَعُ الثَّقِيلَةُ кучли фигуралар; الْقِطَعُ الْخَفِيفَةُ енгил фигуралар; ◊ ~ الْـ الدَّائِرِيَّةُ *ёки* ~ الدَّائِرَةِ *мат.* сегмент; ~ الْـ الْكُرَوِيَّةُ шар сегменти; شُغْلُ (عَمَلٌ) ~ بِالْـ *ёки* شُغْلٌ (عَمَلٌ) عَلَى أَسَاسِ الْـ ишбай меҳнат

– قُطْعَةٌ *кўп* قُطَعٌ 1) ер бўлаги, ер участкаси; 2) ғўла, ғўлача; 3) *фон.* қутъа (*сўздаги охирги ундошнинг талаффузда тушиб қолиши, мас.,* يَا أَبَا الْحَسَنِ! *ўрнига* يَا أَبَا الْحَسَا!)

– قَطْعِيٌّ қатъий, узил-кесил; сўнгги, охирги; ~ جَوَابٌ қатъий жавоб; اً ~ тамомила, қатъиян, узил-кесил равишда

– قَطْعِيَّةٌ қатъийлик, узил-кесиллик, субут

– قُطُوعٌ *кўп.* قَوَاطِيعُ деворпарда, тўсиқ, ғов

– قُطُوعٌ офат, бало, фалокат, хатар

– قُطُوعَاتٌ *кўп.* ўйдим-чуқурлик, ўнғир-чўнқирлик

– قَطِيعٌ[1] қирқилган, кесилган, ажратилган

– قَطِيعٌ[2] *кўп.* قُطْعَانٌ 1) пода; 2) *кўч. м.* оломон, гала, тўда

– قَطِيعَةٌ 1) оиладан узоқлашиш, четлашиш; 2) ихтилоф, (*к. биландир*) узилиш (عَنْ); 3) чек ер, бўлиб берилган ер

– مُتَقَطِّعٌ узуқ-юлуқ, узилиб турадиган; ~ تَيَّارٌ *физ.* ўзгарувчан ток

– مُقَاطَعَةٌ[1] 1) ажралиш, айрилиш; (*алоқанинг*) узилиши; 2) бойқут (байкот); 3) (*нутқни ёки гапни*) бўлиш; ~ بِالْـ عَنْ طَرِيقِ الْـ *ёки* ишбай (*ҳақ тўлаш*); ~ بَلاَشْ *халқ* олдиндан мақтанма

– مُقَاطَعَةٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ 1) вилоят, область; 2) заминдорларга қарашли катта ер-мулк (*Ироқда*)

– مَقْطَعٌ *кўп* مَقَاطِعُ 1) тош кони; 2) кечиб ўтиш жойи, кесув жойи, 3) қисм, парча, бўлак; مَقَاطِعُ مِنَ الْخِطَاب докладдан (нутқдан) олинган парчалар; 4) бир кийимлик (*газлама*); 5) формат, размер, ҳажм; ~ الْـ سَجَّادٌ صَغِيرُ унча катта бўлмаган жойнамоз; 6) *шунингдек:* ~ صَوْتِيٌّ *грам.* бўғин; ~ مَفْتُوحٌ очиқ бўғин; ~ مُغْلَقٌ ёпиқ бўғин

– مُقْطَعٌ қарам, вассал

– مُقْطِعٌ вассаллар, қарамлар устида турган ҳоким

– مِقْطَعٌ қирқиш асбоби; ~ وَرَقٍ қоғоз қирқадиган дастгоҳ; ~ الرُّؤُوسِ одамларнинг бошини қирқадиган машина (гильотина)

– مُقَطَّعٌ қирқилган, кесилган, парчаланган, парча-бурдаланган

– مَقْطَعِيٌّ ~ الْـ الْكِتَابَةُ урғуга оид; бўғинлаб ёзиш

– مَقْطُوعٌ қирқилган, кесилган; ◊ بِـ ~ а) умидсизликда қолган, ноумид; б) ҳал қилинган, ечилган (*масала ва ҳ. к.*); ~ رَجُلٌ насл-насабсиз одам, беватан одам; ~ الْأَمَلِ умиди узилган; ~ عَمَلٌ بِالْـ ишбай асосида бажариладиган иш

– مَقْطُوعَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) (*адабий асар*) парчаси; 2) кичик ҳажмдаги; 3) мусиқий асар; فَرْدِيَّةٌ ~ якка киши ижро этадиган асар (соло); ثُنَائِيَّةٌ ~ икки киши ижро этадиган асар (дуэт)

– مَقْطُوعِيَّةٌ 1) истеъмол қилиш; 2) ишлаш, ишлаб чиқариш; ◊ فِي ~ سَاعَاتِ الْـ тиғиз пайтда

– مُنْقَطَعٌ *кўп.* ـَاتٌ ـِ кесишиш ўрни; ~ الطَّرِيقِ чорраҳа

– مُنْقَطِعٌ 1) кесилган, қирқилган; 2) орқада қолган, қолиб кетган, ажралиб қолган; 3) (*бирор н. га*) берилган (لِـ); 4) ёлғиз ажралган; ~ يَتِيمٌ ота-онасиз етим; ◊ ~ غَيْرُ узлуксиз; ~ الْقَرِينِ *ёки* ~ النَّظِيرِ ўхшаши йўқ, беназир

I (قطف) **قَطَفَ** (*и*) قُطُوفٌ (*гул ёки меваларни*) узмоқ, тўпламоқ, жамламоқ; قَطَفَ (*и*) قَطْفٌ тимдалаб ташламоқ, тилиб юбормоқ; II قَطَّفَ 1) кўп миқдорда узмоқ, йиғмоқ, тўпламоқ; 2) (*мас., гулларни*) битта-биттадан узмоқ; ◊ ~ الدَّقِيقَ ун эламоқ, унни элакдан ўтказмоқ; IV أَقْطَفَ (*ҳосилни*) узиш, териш вақти яқинлашмоқ; VII اِنْقَطَفَ узилмоқ, терилмоқ (*мевалар ҳақида*); VIII اِقْتَطَفَ 1) (*меваларни*)узмоқ, термоқ; 2) (*қаердандир*) ўзлаштирмоқ, олиб ишлатмоқ, олиб чиқмоқ (مِنْ)

– قَاطِفَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ терим машинаси; الكَتَّانِ ~ каноп йиғадиган машина; الْقُطْنِ ~ пахта териш машинаси

– قِطَافٌ 1) (*ҳосилни*) йиғиш-териш; الْقُطْنِ ~ пахта йиғим-терими; مَاكِنَةُ الْقُطْنِ ~ пахта териш машинаси; 2) ҳосилни узиш, териш пайти

– قُطْفٌ *кўп.* قُطُوفٌ 1) тимдаланган, тирналган жой; 2) бош, шингил (*мас. узум*) тўлдириб қўйиладиган тепаси баланд сават

– مِقْطَفٌ *кўп.* مَقَاطِفُ 1) пичоқ; 2) гулқайчи

قَطْقَاطٌ 1) чаққон, эпчил, илдам, шаҳдам; 2) *зоол.* пати сариқ, қорни қора қушча

I **قَطَلَ** (*у*) قَطْلٌ кесмоқ, қирқмоқ, узиб ташламоқ; عُنُقَهُ ~ бўйнини кесмоқ; II قَطَّلَ = I

– قَطِيلَةٌ сочиқ

I **قَطَمَ** (*и*) قَطْمٌ 1) тишламоқ; чангалламоқ, чанг солмоқ; 2) тишлаб узиб олмоқ; 3) (*шох-шаббани*) бутамоқ; 4) гўштни яхши кўрмоқ; ◊ ~ رَقَبَتَهُ (*к. нингдир*) бўйнини қайирмоқ; VII اِنْقَطَمَ тиш билан узиб олмоқ

– قَطَامِ *аёлларнинг исми*

– قَطِمٌ гўштхўр одам

– قَطْمَةٌ *кўп.* قَطَمَاتٌ тишлаш, қопиш; 2) бўлак, парча

– مُقَطَّمٌ: الـــ~ ал-Муқаттам (*Қоҳира четидаги тоғнинг номи*)

– مِقْطَمٌ *кўп.* مَقَاطِمُ тирноқ, панжа, чангал

قِطْمِيرٌ, قِطْمَارٌ 1) хурмо мевасини данагидан ажратиб турувчи парда; 2) арзимаган нарса; مَا أَصَبْتُ مِنْهُ ا~ мен ундан ҳеч нарса олмадим; 3) *қур.* Қитмир (*итнинг номи*)

I **قَطَنَ** (*у*) قُطُونٌ (*қаердадир*) яшамоқ, умргузаронлик қилмоқ (فِي, ب); II قَطَّنَ жойлаштирмоқ, жой бермоқ (*яшаш учун*)

– قَاطِنٌ *кўп.* قُطَّانٌ, قَطِينٌ яшовчи, яшаётган

– قُطَانٌ *мед.* белоғриқ, бел санчиғи

– قَطَّانٌ пахтафуруш

– قَطَنٌ бел

– قُطْنٌ *кўп.* أَقْطَانٌ 1) пахта; الزَّهْرِ ~ тозаланган пахта, الـــ~ الْحَامُ *ёки* الْعُفْصُ الـــ~ пахта хомашёси, ~ الـــ بِذْرَةُ чигит; ~ الـــ حَلَقَةُ пахта бозори; ~ الـــ دُودَةُ пахта қурти; ~ الـــ شَجَرَةُ ғўза; آلَةُ جَمْعِ ~ الـــ пахта териш комбайни, ~ الـــ مَحْلَجُ пахта тозалаш заводи; الْبَارُودِ ~ *ёки* الْمُفَرْقِعِ الـــ~ *ёки* الْمُنْتَهَبِ الـــ~ *ёки* الْانْفِجَارِ кучли портловчи модда, пироксилин, 2) чигити тозаланган пахта, момиқ, тола; مُعَقَّمٌ ~ *ёки* طِبِّيٌّ~ стерилланган пахта, حَرِيرِ ~ цейба дарахтидан олинадиган момиқ

– قُطْنِيٌّ 1) пахтага оид, 2) пахтадан ишланган

– قَطَنِيٌّ белга оид

– قُطْنِيَّاتٌ *кўп.* пахтадан ишланадиган ва олинадиган нарсалар

– قُطْنِيَّةٌ[1] қутнийя (*пахтадан тўқилган йўл-йўл газлама*)

– قُطْنِيَّةٌ[2] *кўп.* قَطَانِيُّ 1) ловиясимон ёки қўзоқли ўсимлик; 2) қўзоқ, пўчоқ

– قَطِينٌ (*шунингдек:* قَاطِنٌ) *кўп* قُطُنٌ қул, хизматкор, малай

– قَيْطَانٌ *алиф.б.қ.*

– قَيْطُونٌ хона, бўлма

– مَقْطَنَةٌ пахтазор

– يَقْطِينٌ *алиф.б.қ.*

I (قطو) **قَطَا** (*у*) قَطْوٌ судралмоқ, каловланиб юрмоқ, оёқни аранг судраб юрмоқ

– قَطًا *жам. зоол.* қато (*какликнинг бир тури*); ғуррак; طَارَ عَلَى حَسَا حَسْوَ الـــ~ أَجْنِحَةَ ~ қуш бўлиб учмоқ; ютоқиб ичмоқ

– قَطَاةٌ *кўп.* قَطَوَاتٌ, قَطَيَاتٌ *зоол.* қато (*какликнинг бир тури*); ғуррак

– قَطَوَانٌ каловланиб юрувчи, оёқни зўрға-зўрға босиб юрувчи

I **قَعَّ** (*а/у*) قَعٌّ қайт қилгиси келмоқ, қусқиси келмоқ

– قُعَاعٌ, قُعٌّ шўр. аччиқ (*сув*)

قَعْبٌ *кўп* قِعَابٌ коса, қадаҳ

I **قَعَدَ** (*у*) قُعُودٌ 1) ўтирмоқ; لِلصُّوَرِ لِرَسْمِ صُورَتِهِ ~ расмга тушиш учун гавдани маълум вазиятда тутмоқ; 2) (*к. гадир қарши*) пистирмада ўтирмоқ; 3) (*уйда*) қолиб кетмоқ, ўтириб қолмоқ; 4) (*н. дандир*) воз кечмоқ, (*н. нидир*) рад этмоқ (عَنْ); 5) (*к. нидир*) ўтқизмоқ, ўтирғизиб қўймоқ (ب); 6) дармонни қуритмоқ, заифлаштирмоқ; بِهِ الْإِعْيَاءُ ~ ҳолсизлик уни қулатди; 7) (*н. нидир қилишни*) бас қилмоқ, тўхтатмоқ (عَنْ); 8) (*к. нидир н. дандир*) ушлаб (тўхтатиб) қолмоқ (عَنْ, ب); 9) (*к. нидир*) лаққиллатмоқ, алдамоқ (ب); (*н. нидир к. учундир*) қилишдан қайтмоқ, воз кечмоқ (ب); 10) бошламоқ; يَتَكَلَّمُ ~ у гапира бошлади; قَامَتْ لِهَذَا الْأَمْرِ الْمَدِينَةُ وَ ~تْ бу ишдан бутун шаҳар нотинч бўлди; الطَّعَامُ عَلَى الْمِعْدَةِ ~ овқат ошқозонга оғирлик қилди; عَلَى الْبَيْضِ ~ тухум босмоқ, тухум босиб бола очмоқ; II قَعَّدَ 1) ўтқизмоқ, ўтирғизмоқ; 2) (*бирор н. дан*) тўхтатиб қолмоқ, ушлаб қолмоқ (عَنْ); 3) рухсат (ижозат) бермоқ, тасдиқламоқ; мустаҳкамламоқ; IV أَقْعَدَ 1) ўтқизмоқ, ўтирғизмоқ; 2) (*н. дир қилишдан*) маҳрум қилмоқ (عَنْ); عَنِ الْكَسْبِ ~ُ пул ишлашга имкон бермай қўймоқ; عَنِ الْفِرَارِ ~ُ الْهَلَعُ у қўрққанидан қочолмай қолди; ◊ ~ُ الْفِرَاشُ кимнидир йиқитиб қўймоқ, тўшакка михлаб қўймоқ (*касаллик ҳақида*); ~ هَذَا الْخَبَرُ الْمَدِينَةَ وَ أَقَامَ бу хабар бутун шаҳарни оёққа турғазди, IV أُقْعِدَ ўтириб қолмоқ, юролмай қолмоқ; V تَقَعَّدَ (*н. дандир*) қайтмоқ, (*н. нидир*) рад этмоқ

(عَنْ); 2) нафақага чиқмоқ, нафақахўр бўлмоқ; VI تَقَاعَدَ 1) (*н. дандир*) қайтмоқ, (*н. нидир*) рад этмоқ (عَنْ); 2) истеъфога чиқмоқ, нафақага чиқмоқ; VIII اقْتَعَدَ 1) (*жойни*) эгалламоқ, жойлашиб ўтириб олмоқ; 2) الدَّابَّةَ ~ ҳайвонни одамларни миндириш учун ишлатмоқ

– تَقَاعُدٌ 1) (*н. дандир*) қайтиш (عَنْ); 2) истеъфо, хизматдан бўшаш; ~ مَعَاشُ الْـ нафақа, пенсия; أَحَالَ إِلَى الْـ ~ истеъфога чиқармоқ

– تَقَاعُدِيٌّ истеъфога оид; ~ الْمَعَاشُ الْـ нафақа, пенсия

– تَقْعِيدٌ система (тартиб)га солиш, тизимга солиш; кодлаштириш

– قَاعِدٌ[1] *кўп.* قُعَّادٌ, قُعُودٌ ўтирувчи; الْهِمَّةِ ~ ҳаракатсиз, дангаса, тепса-тебранмас

– قَاعِدٌ[2] *кўп.* قَوَاعِدُ туғишдан қолган аёл

– قَاعِدَةٌ *кўп.* قَوَاعِدُ 1) база, омбор; جَوِّيَّةٌ عَسْكَرِيَّةٌ ~ ҳарбий ҳаво базаси; بَحْرِيَّةٌ ~ ҳарбий-денгиз базаси; بَرِّيَّةٌ ~ қуруқликдаги ҳарбий база; الْـ ~ الْإِسْتِرَاتِيجِيَّةُ الذَّرِّيَّةُ *ёки* حَرْبِيَّةٌ ~ ҳарбий база; الْـ ~ الْعَائِمَةُ сузиб юрувчи база; الْـ ~ الْمَادِّيَّةُ التَّكْنِيكِيَّةُ моддий-техник база; 2) тагкурси, ҳайкал ўрнатиладиган супа (*ча*); 3) *тех.* айланадиган қисмда ишланадиган нарсани тутиб турувчи қисқич; الْمَلَفِّ ~ ғалтакни ушлаб турадиган қисм; الصِّمَامِ ~ радиолампа патрони; 4) асос; *мат.* асос; пойдевор. фундамент; الْـ ~ الذَّهَبِيَّةُ *ёки* الذَّهَبِ ~ *мол.* олтин асос, олтин стандарт; 5) туб, чиқурлик, ост; الْـ ~ الشَّعْبُ مِنَ авомдан тортиб юқори табақагача барча халқ, омдан хосгача ҳамма; 6) қоида, норма, модда, принцип, тамойил; الْـ ~ الثُّلَاثِيَّةُ *мат.* учлик қоида (*берилган уч сондан пропорционал сонни топиш қоидаси*); قَوَاعِدُ السُّلُوكِ ахлоқ-одоб қоидалари; ~ أَوْلَى الدُّوَلِ بِالْمُرَاعَاةِ *қар.* مُرَاعَاةٌ; الْقَانُونِ الدُّوَلِيِّ халқаро ҳуқуқ нормалари; 7) намуна, андоза; ◊ ~ الْبِلَادِ пойтахт; الْجَبْهَةِ وَ الْـ ~ фронт ва фронт орқаси

– قَاعِدِيٌّ базага оид, қуйи; асосни ташкил этадиган

– قَعَادٌ умр йўлдоши, хотин

– قَعَّادَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ тунда ишлатиладиган тувак

– قَعَدٌ 1) уруш вақтида уйда қоладиган одамлар; 2) *тар.* хорижийлар

– قَعْدَةٌ 1) ўтириш ҳаракати; 2) вазият, гавда (тана)нинг вазияти; 3) қуймуч, думба; ◊ ~ ذُو الْـ зулқаъда (*ҳижрий тақвимнинг 11-ойи-30 кун*)

– قُعْدَةٌ 1) данғаса, тепса-тебранмас; 2) танбал одам

– قِعْدَةٌ гавданинг вазияти, ҳолати

– قُعَدَةٌ=قُعَدِيٌّ

– قَعُودٌ *кўп.* قِعْدَانٌ, أَقْعِدَةٌ ёш туя, икки ёшли туя, минса бўладиган туя

– قُعُودٌ 1) ўтириш ҳаракати; 2) (*н. нидир*) рад этиш, (*н. дандир*) қайтиш (عَنْ)

– قَعِيدٌ *кўп.* قَعَائِدُ 1) (*к. биландир*) ўтирган; الْمَرَضِ ~ тўшакка михланиб қолган (*бемор*); 2) асровчи, сақловчи

– قَعِيدَةٌ *кўп.* قَعَائِدُ умр йўлдоши, хотин

– مُتَقَاعِدٌ 1) истеъфодаги; 2) нафақахўр, пенсионер

– مَقْعَدٌ *кўп.* مَقَاعِدُ 1) ўриндиқ, стул, скамейка; 2) кресло; خَلْفِيٌّ ~ (أَمَامِيٌّ) орқа (олдинги) ўриндиқ (*машинада*); 2) (*парламентдаги*) ўрин; 3) извошчи ўтирадиган жой (*извошда*)

– مُقْعَدٌ 1) ҳаракат қилиш имкониятидан маҳрум бўлган, ўтириб қолган; паралич бўлиб қолган; 2) ногирон, инвалид

– مَقْعَدَةٌ *кўп.* مَقَاعِدُ 1) думба, қуймуч; 2) пастки қисм, паст, ост

I (قعر) **قَعَرَ** (*а*) قَعْرٌ 1) кавламоқ, чуқур қилмоқ, чуқурлаштирмоқ; 2) суғурмоқ, қўпормоқ; الشَّجَرَةَ ~ дарахтни илдизи билан қўпормоқ; قَعَرَ (*у*) قَعَارَةٌ чуқур бўлмоқ; II قَعَّرَ 1) чуқурлаштирмоқ;; 2) ботиқ қилмоқ, бир томонни ботиқ қилмоқ; 3) қичқирмоқ, бақирмоқ; IV أَقْعَرَ чуқурлаштирмоқ, чуқур қилмоқ; V تَقَعَّرَ 1) чуқурлашмоқ, чуқур бўлмоқ; 2) (*н. гадир*) ботиб қолмоқ, ботиб кетмоқ; 3) майдакаш бўлмоқ, ўта расмиятчи бўлмоқ; 4) *грам.* ق ўрнига ء талаффуз қилмоқ; VII انْقَعَرَ суғурилиб чиқмоқ, суғурилмоқ (*мас., дарахт*)

– تَقَعُّرٌ ботиқ юза, ботиқлик; ~ مُفْرَدُ الْـ ясси-ботиқ

– قَعْرٌ *кўп.* قُعُورٌ 1) чуқурлик, чуқурлашиш; 2) туб, ост, таг

– قَعَرٌ зийраклик, зеҳни ўткирлик

– قَعْرَةٌ чуқурлашиш; чуқурлик

– قَعِيرٌ, قَعُورٌ чуқур

– مُقَعَّرٌ 1) чуқур; 2) ботиқ; чўкик, чўккан, киртайган; الْوَجْهَيْنِ ~ икки томони ботиқ; مُحَدَّبٌ ~ қабариқ-ботиқ; 3) жимжимадор, бежама, дабдабали (*ибора*)

– مُنْقَعِرٌ қўпорилган, тортиб суғурилган

I (قعس) **قَعَسَ** (*а*) قَعَسٌ кўкрак қафаси олдинга туртиб чиққан бўлмоқ; قَعَسَ (*у*) قَعْسٌ кўкрак кериб юрмоқ; رَأْسَهُ إِلَى الْوَرَاءِ ~ бошни орқага ташламоқ; VI تَقَاعَسَ 1) (*бирор н. дан*) воз кечмоқ, (*н. нидир*) рад этмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) четлашмоқ, ўзини олиб қочмоқ (عَنْ); 2) (*бирор масалада*) имиллимоқ, секин ҳаракат қилмоқ, бепарво бўлмоқ (عَنْ); (*бирор масалада*) бефарқ қарамоқ, қизиқсинмай қарамоқ (عَنْ); XIV اقْعَنْسَسَ = قَعَسَ

– أَقْعَسُ *мн.* قُعْسَاءُ *кўп.* قُعْسٌ кўкрак қафаси олдинга туртиб чиққан

– تَقَاعُسٌ 1) рад этиш, ўзини тийиш; ~ أَعْطَى فِي غَيْرِ ҳеч бир аямасдан бермоқ; 2) шошилмаслик, секинлик; ~ دُوْنَ шошилинч, чарчамасдан, ҳормай-толмай; 3) бепарволик, бефарқлик

I **قَعَصَ** (*a*) قَعْصٌ ўрнида ўлдирмоқ (*зарба ёки ўқ ҳақида*); IV أَقْعَصَ = I

– قُعَاصٌ қўйларда учрайдиган касаллик (*бу касалликка учраган қўйни даволаб бўлмайди*)

– قَعْصٌ: ~ مَاتَ زَيْدٌ Зайд отилган ўқ зарбидан ўрнида вафот этди

(قعط) VIII إِقْتَعَطَ: ~ الْعِمَامَةَ саллани бошга танғиб ўрамоқ

**قَعْقَعَ** гумбурламоқ; қарсилламоқ, чисирламоқ; дангиллатмоқ, жангиллатмоқ; жирингламоқ; ~ بِالسِّلَاحِ (بِالْأَسْلِحَةِ) қилич яланғочлатмоқ, қурол билан дўқ қилмоқ; ~ بِضَحْكَةٍ хохолаб кулиб юбормоқ, қаҳ-қаҳ уриб кулмоқ

– قَعْقَعٌ, قُعْقُعٌ ҳакка, зағизғон

– قَعْقَعَةٌ *кўп.* قَعَاقِعُ 1) тарақлаш, тарақ-туруқ; тасир-тусур, тақир-туқур; даранглаш, дангиллаш; жаранг-журунг; قَعَاقِعُ الرَّعْدِ момақалдироқнинг гумбур-гумбури; 2) дабдабали нутқ

I **قَعِيَ** (*a*) قَعًى пучуқ бўлмоқ, бурнининг учи қайрилган бўлмоқ; IV أَقْعَى икки орқа оёғи устида ўтирмоқ (*ит ёки мушук ҳақида*)

– إِقْعَاءٌ 1) икки сажда ўртасида (*намозда*) икки товоннинг устига ўтириш (*шариатшунослар изоҳи*); 2) икки болдирни ерга тираган ҳолда тик қўйиб, ерга ўтириш (*тилшунослар изоҳи*)

– أَقْعَى *мн.* قَعْوَاءُ *кўп.* قُعْوٌ пучуқ

I **قَفَّ** (*a/u*) قُفُوفٌ 1) қуримоқ, қоқи бўлмоқ, нами қочмоқ; 2) тик бўлмоқ, тикка бўлмоқ (*соч ҳақида*); V تَقَفَّفَ (*мас., совуқдан*) қалтирамоқ, титрамоқ

– قُفٌّ *кўп.* قِفَافٌ *геол.* музликлар билан бирга кўчиб келган тоғ жинслари уюмлари, мореналар

– قَفَّةٌ (*безгакдан*) қалтираш, титраш

– قُفَّةٌ *кўп.* قِفَافٌ, قُفَفٌ 1) карзина, сават; 2) қайиқ (*Ироқда*); 3) қуриган дарахт; 4) қуриган ошқовоқ (*меваси*); 5) хурмо дарахти баргидан қовоқ шаклида тўқилган ва аёллар пахта-пилтасини соладиган идиш

I **قَفَرَ** (*y*) قَفْرٌ изма-из бормоқ, орқадан бормоқ; ~ أَثَرَهُ кимнингдир изидан бормоқ; IV أَقْفَرَ 1) одам йўқлигидан ҳувиллаб қолмоқ, хилват бўлмоқ; 2) бўшатмоқ; ~ الْعَظْمَ суякни тозаламоқ ғажимоқ; VIII اقْتَفَرَ = I

– إِقْفَارٌ 1) ҳувиллаб қолиш, бўшаб қолиш; 2) хилватлик, бўм-бўшлик, одамнинг йўқлиги

كَافِيتِيرِيَا кафетерий, тамаддихона

كَافِيِينٌ, كَافِئِينٌ кофеин

كَاكَاو 1) *бот.* какао (*дарахти*); 2) какао (*порошоги, ичимлиги*)

كَاكَنْجٌ *бот.* можжуха

كَاكُولَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ кокула (*жубба кийимининг бир хили; қар.* جُبَّةٌ)

كَاكِي 1) коки; 2) *бот.* чинний хурмо, хитой хурмоси

كَالُو, كَالُّو *кўп.* كَالُّوهَاتٌ (*оёқдаги*) қадоқ, қаварик

كَالُوشٌ *кўп.* اتٌ ـــ галош, калош, калиш

كَالُومْبَا *бот.* сувйиғар ўт (*семизўтга ўхшаш ўт*)

كَالُومِيلٌ *мед.* каломель (*оқ порошок ҳолидаги симобли сурги*)

كَالُونٌ *кўп.* كَوَالِينُ қулф

كَامْبِيتٌ *кўп.* اتٌ ـــ *шахм.* гамбит; ~ الْوَسَطِ марказий гамбит

كَامْبِيُو 1) пул айрибошлаш, пул майдалаш; 2) биржа; ~ سِعْرُ الْـ биржадаги пул курси; валюта курси

كَامِيرَا *кўп.* كَامِيرَاتٌ = كَمَرَةٌ

كَامِيلِيَا камелия (*доим яшил бута ёки дарахт ва унинг оқ ёки қизил йирик, хушбўй гули*)

كَانْتُو аукцион, кимошди савдоси

كَانَةٌ болт; مُشَرْشَرَةٌ بِصَمُولَةٍ ~ *тех.* юмалоқ симчўтка

كَانُونٌ *қар.* كنّ

كَانِي مَانِي: ~ قَالَ *халқ.* у тушуниб бўлмайдиган бир нима деди

كَاوُتْشُو, كَاوُتْشُوكٌ, كَاوُتْشٌ каучук; ~ عَجَلَةٌ покришка, шина (*машина-механизмлардаги*)

I كَبَّ (*а*) كَأْبَةٌ ғамгин (*кайфияти бузуқ, тушкунликка учраган*) бўлмоқ; IV أَكْأَبَ кайфиятини бузмоқ, ғамгин қилмоқ; VIII اكْتَأَبَ 1) кайфияти бузуқ (тушкунликка учраган) бўлмоқ; ғам чекмоқ, хафа бўлмоқ; қовоғи осилган бўлмоқ; 2) қоратуруқ (қорамтир) бўлмоқ

– اكْتِئَابٌ ғамгинлик, тушкунлик, умидсизлик; ~ بِـ ғамгин, умидсизликка тушиб

– كَأْبَةٌ, كَآبَةٌ, كَأَبٌ ғамгинлик, тушкунлик, умидсизлик; соғинч, сиқилиш; алам чекиш

– كَئِيبٌ, كَئِيبٌ ғамгин, аламли, тушкун

– مُكْتَئِبٌ эзилган, ғамгин, хафа, қовоғи осилган; ~ اللَّوْنِ қорамтир рангдаги

(كَأَدَ) VI تَكَاءَدَ қийнатмоқ; ҳолдан кетказмоқ, азоб бермоқ, азобламоқ; VIII اكْتَأَدَ тўсиқ бўлмоқ

– كَأْدَاءُ алам, ғам; ~ عَقَبَةٌ енгиб бўлмас қийинчилик

– كَؤُودٌ оғир, қийин (*ўриндан қўзғалиш тўғрисида*); ~ الْـ الْعَقَبَةُ қийинчилик билан енгиш мумкин бўлган тўсиқ

كَأْسٌ *мн. кўп.* كُؤُوسٌ, اتٌ ـــ 1) коса, қадаҳ, кубок; ичида шароби бор бўлган қадаҳ; *черк.* потир (*диний маросимларда ишлатиладиган идиш*); ~ الْحِجَامَةِ *мед.* банка; ~ الْمَنِيَّةِ *маж.* мамот жоми; ... ~ عَلَى مُبَارَاةٌ (مُسَابَقَةٌ) ...нинг кубоги учун спорт мусобақалари; ~ ـــهُ رَفَعَ қадаҳ кўтармоқ; 2) *бот.* гулкоса

تَكَأْكَأَ (كَأْكَأَ) тўпланмоқ, йиғилмоқ

كُؤُولٌ алкоголь

I كَبَّ (*а/у*) كَبٌّ 1) ағдармоқ, тўнтармоқ; عَلَى وَجْهِهِ ~ уни шундай туртдики, у юзи билан ерга йиқилди; (*бирор суюқ н. ни*) тўкмоқ, тўкиб ташламоқ; (*бирор қумсимон н. ни*) сочмоқ, тўкмоқ; II كَبَّبَ 1) (*қурутга ўхшатиб*) юмалоқламоқ; тўпча қилмоқ; 2) кабоб тайёрламоқ; IV أَكَبَّ 1) ағдариб ташламоқ; 2) эгилмоқ, букилмоқ; (*бирор н. устига*) энгашмоқ (عَلَى); إِلَى يَدِهَا ~ у унинг (*мн.*) қўлини лабига босди; 3) (*бирор н.* га) берилиб кетмоқ (عَلَى); (*бирор н. устида*) қаттиқ ишламоқ (عَلَى); (*бирор н. га*) киришмоқ (عَلَى); ~ عَلَى الْبَحْثِ (*бирор н. ни*) ўрганишга бутунлай берилмоқ; V تَكَبَّبَ коптокка ўхшаб ўралмоқ, юмалоқланмоқ; VII انْكَبَّ 1) ағдарилган, тўнтарилган бўлмоқ; ағдарилмоқ, тўнтарилмоқ; عَلَى وَجْهِهِ ~ юзтубан йиқилмоқ; 2) тўкилмоқ (*сув, қумсимон н. лар ҳақида*); 3) (*бирор н. устига*) эгилмоқ, энгашмоқ (عَلَى); 4) (*бирор н. га*) бутунлай берилиб кетмоқ, шўнғиб кетмоқ (عَلَى)

– كَبَابٌ кабоб

– كَبَابْجِيٌّ *кўп.* كَبَابْجِيَّةٌ кабобчи, кабобпаз, кабобфуруш

– كَبَايَةٌ *бот.* кубоба (*қалампирнинг бир нави*); ~ صِينِيَّةٌ хитой қалампири

– كُبَّايَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ стакан

– كَبٌّ 1) ағдариш, тўнтариш; ағдарилиш, тўнтарилиш; ~ عَلَى وَجْهِهِ юз тубан йиқилиш; 2) қиялик, яндамалик

– كُبَّةٌ *кўп.* كُبَبٌ 1) соққача, шарча; (*болалар ўйнайдиган*) соққа; 2) тўпча; ~ الْغَزْلِ калава тўпчаси; 3) кубба (*қиймаланган гўшт, буғдой ёки гуруч ёрмаси, ун ва зираворлардан тайёрланган овқат*); ~ الـــلَّحْمِ (*гўшт қиймаланадиган*) кунда; 4) *мед.* бубон (*лимфа безларининг шишуви – қўлтиққа, чов орасига без келиши*); вабо, ўлат

– كُبَيْبَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) кичкина шарча, соққа; 2) кубайба (*қар.* كُبَّةٌ)

– مِكَبٌّ *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) (*ип ўрайдиган*) ғалтак; 2) тўпча (*ип ёки калавада*)

– مِكَبَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ қопқоқ

I **كَبَتَ** (*u*) كَبْتٌ 1) (*душманни*) тор-мор қилмоқ, енгмоқ; 2) омбурдагидай қисмоқ; 3) босмоқ, эзмоқ; كُبِتَ لِهَذَا الْخَبَرِ *мажх.* у бу хабардан эзилиб кетди; ~ صَوْتَهُ кимнингдир овозини бўғмоқ; ~ غَيْظَهُ ғазабини босмоқ

– كَبُوتٌ *кўп.* كَبَابِيتُ 1) капюшонли (*бош кийимли*) ёмғир пўш (*плаш*) *ёки* пальто; шинель; 2) *тех.* капот; 3) презерватив

كَبْتُولَةٌ *кўп* ـَاتٌ ـــ 1) палахса, катта бўлак; гувала; 2) шарча, соққача; тугмача дори

I **كَبَحَ** (*a*) كَبْحٌ тўхтатмоқ, тутиб турмоқ; босиб турмоқ (*мас, туйғуларни*); ~ الْحِصَانَ بِاللِّجَامِ айғирни жиловидан тортиб тўхтатмоқ; ◊ ~ جِمَاحَهُ *қар* جِمَاحٌ

– كَابِحٌ тўхтатиб турувчи; тўхтатадиган; ~ بِلَا тўхтовсиз

– كَبَّاحَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ тормоз (*мас., автомашинадаги*)

– كَبْحٌ тўхтатиш; тормозлаш

– مِكْبَحٌ *кўп.* مَكَابِحُ тормоз

I **كَبَدَ** (*u, y*) كَبْدٌ қийинчиликка солмоқ, ташвишга қўймоқ, ҳолдан тойдирмоқ; чарчатмоқ; ~ نَفْسَهُ مَشَقَّةً ўзини машаққатга (қийинчиликка) солмоқ; II كَبَّدَ чидаттирмоқ, чидашга мажбур қилмоқ; (*бирор*) зарар етказмоқ; ~ الْخَاسِرَ كимгадир зарар етказмоқ; ~ هَذَا أُلُوفًا مِنَ اللِّيرَاتِ бу унга кўп минг лирага тушди; III كَابَدَ кўрмоқ, тортмоқ; топмоқ (*зарарлар ҳақида*); ~ الْأَهْوَالَ даҳшатга тушмоқ, оғир ҳолни кечирмоқ; V تَكَبَّدَ 1) қийинчиликни ўз устига олмоқ, (*бирор н.*) юкини ўз елкасига олмоқ, ўзини (*бирор н.*) машаққатига, қийинчиликка солмоқ; 2) кўрмоқ, тортмоқ (*зарарлар ҳақида*); ~ مَشَقَّةَ السَّفَرِ зарар қийинчиликларини тортмоқ; 3) ўртани эгалламоқ, ўртага чиқмоқ; 4) кульминацияга кўтарилмоқ, меридианда бўлмоқ (*Қуёш ҳақида*)

– كُبَادٌ *мед.* жигар касаллиги

– كَبَّادٌ *жам.* лимонлар (*навларидан бири*)

– كَبَّادَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ лимон

– كَبْدٌ[1] كَبِدٌ, كَبْدٌ, كَبْدٌ *мн. мз. кўп.* أَكْبَادٌ 1) жигар; ~ أَحَرُّ жигар касаллигига дучор бўлган; ~ أَسْوَدُ الـــ ичи қора, ўзгага ёмонлик қилувчи, бошқани кўролмовчи; ~ غَلِيظُ الـــ ҳис-туйғусиз, бефарқ; أَفْلَاذُ أَكْبَادِ الْوَالِدَيْنِ عَجِينَةُ الْأَكْبَادِ жигардан тайёрланган қийма; *қар.* أَحْرَقَ الْغَيْظُ أَكْبَادَهُمْ مَزَّقَ الْأَكْبَادَ؛ فَلْذَةٌ жигари эзилмоқ; ғазаб уларнинг ич-этини (жигарини) кемирмоқда

– كَبْدٌ[2] كَبِدٌ, 1) ўрта, марказ; ~ الظُّلُمَاتِ *маж.* тим қоронғи, зим-зиё зулмат; ~ الْوَاقِعِ أَصَابَ ҳақиқатга яқин бўлмоқ, айни ҳақиқатни айтмоқ; 2) зенит; ~ السَّمَاءِ меридиан; 3) қийинчилик, машаққат; لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ فِي كَبَدٍ *қур.* биз инсонни меҳнат-машаққатга яратдик

– كُبَيْدَاءُ меридиан

– كَبُودٌ *кўп.* كَبَابِيدُ = كَبُوتٌ *қар.* كبت

– كَبَارِيَّهْ *кўп.* كَبَارِيَّهَاتٌ = كَابَارِيَّهْ *алиф. б. қар.*

I (كبر) **كَبَرَ** (*y*) كِبَرٌ (*к. дандир*) каттароқ бўлмоқ; ~ فِي السِّنِّ кимдандир икки ёш катта бўлмоқ; كَبُرَ (*y*) كِبَرٌ 1) катта, улкан бўлмоқ; 2) улуғ, буюк бўлмоқ; 3) муҳим, аҳамиятли бўлмоқ; 4) (*к. учундир*) оғир, ёқимсиз бўлмоқ (عَلَى); كَبِرَ (*a*) كَبَرٌ қариган, кекса ёшга борган бўлмоқ; ~ فِي السِّنِّ кексайган бўлмоқ; II كَبَّرَ 1) катталаштирмоқ, кенгайтирмоқ, кучайтирмоқ; 2) ошириб, кўпайтириб кўрсатмоқ; ~ مَسْأَلَةً масалани шиширib, ошириб юбормоқ; 3) улуғламоқ, юксалтирмоқ, мақтамоқ; шарафламоқ; 4) "Оллоҳу акбар" (اللهُ أَكْبَرُ) сўзларини айтмоқ; III كَابَرَ 1) кибрланмоқ; (*к. гадир*) такаббурона муносабатда бўлмоқ; 2) қайсарлик, ўзбилармонлик қилмоқ; ўз сўзида туриб олмоқ; 3) ўзгалар фикрини рад қилмоқ, ўзгалар фикрига қўшилмаслик; қарши чиқмоқ; IV أَكْبَرَ 1) катта, муҳим, жиддий деб ҳисобламоқ; оғир, қийин деб ҳисобламоқ; 2) улуғ деб ҳисобламоқ; улуғламоқ, ҳурматламоқ, эҳтиром кўрсатмоқ; шарафламоқ; мақтамоқ; 3) оғир, вазмимали, қийин, одамлар айблайдиган, ғайритабиий деб ҳисобламоқ; V تَكَبَّرَ 1) такаббурлик қилмоқ; 2) (*бирор к. га*) такаббурона мурожаат қилмоқ (عَلَى); VI تَكَابَرَ кеккаймоқ, кибрланмоқ, ўзи ҳақда баланд фикрда бўлмоқ; X اسْتَكْبَرَ 1) кибрланмоқ, фахрланмоқ; 2) катта, улкан деб ҳисобламоқ; 3) муҳим, аҳамиятли деб ҳисобламоқ

– إِكْبَارٌ улуғлаш, шарафлаш; мақташ; эҳтиром, ҳурмат; نَظَرَ إِلَيْهِ بِعَيْنِ الـــ кимгадир ҳурмат билан қарамоқ

– أَكْبَرُ *кўп.* كُبْرَيَاتٌ, كُبَرٌ *мн.* كُبْرَى *кўп.* أَكَابِرُ, أَكْبَرُونَ 1) энг катта, энг улуғ; буюк; ~ إِسْكَنْدَرُ الـــ Буюк Искандар (*Искандар Зулқарнайн*); كُبْرَيَاتُ الْجَرَائِدِ энг катта газеталар; الْأَكَابِرُ وَ الْأَعْيَانُ акобирлар ва аъёнлар; !اللهُ أَكْبَرُ *дин.* Оллоҳу акбар! (*Оллоҳ*

улуғдир!); 2) энг муҳим, энг аҳамиятли; 3) катта; ~ الْأَخُ الْـ катта ини, ака

– تَكَبُّرٌ такаббурлик, манманлик, кибр

– تَكْبِيرٌ 1) катталашиш, кенгайиш; кучайиш; 2) улуғланиш, шарафланиш, мақталиш; "Оллоҳу акбар!" (اللهُ أَكْبَرُ) деб такбир айтиш

– كَابِرٌ катта; ~ عَنْ ~ وَرِثَ катта сифатида каттадан мерос олмоқ

– كُبَّارٌ, كُبَارٌ жуда катта, ғоят улкан, баҳайбат

– كُبَارَاتٌ *кўп.* улуғ кишилар

– كَبَرٌ 1) *бот* кавар, ковул дарахти; 2) *кўп.* كِبَارٌ кавар, ковул дарахти меваси

– كُبْرٌ 1) катталилик, баҳайбатлилик, катта бичим, размер; 2) шон-шараф, шуҳрат, улуғлик; 3) энг асосий

– كِبْرٌ 1) кибр, кеккайиш; 2) улканлик, баҳайбатлик, катта бичим, ҳажм

– كِبَرٌ 1) улканлик, баҳайбатлик, катта бичим, катта ҳажм; 2) қарилик, кексалик ёши

– كِبْرَةٌ қарилик, кексалик

– كُبْرَى *кўп.* كُبَرٍ 1) кўприк; عَائِمٌ ~ *ёки* عَوَّامٌ ~ понтонли кўприк; رَأْسُ الْـ~ кўприкбоши истеҳкомлари; 2) палуба

– كِبْرِيَاءُ *мн.* кибрлилик, такаббурлик

– كَبِيرٌ *кўп.* كُبَارٌ, كُبَرَاءُ катта, буюк, улуғ; ~ السِّنِّ кекса, қари; ~ الْعَدَدِ кўпсонли; ~ الْمَقَامِ юксак мақомли, таниқли: ~ الْمُهَنْدِسِينَ бош инженер; ~ النَّفْسِ кибрли, кеккайган, ҳудбин; ~ مَسْؤُولٍ وِزَارَةِ الْخَارِجِيَّةِ ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими; كِبَارُ قُوَّادِ الْحَرْبِيَّةِ олий қўмондонлик таркиби; كِبَارُ الْمُوَظَّفِينَ йирик амалдорлар; 2) муҳим, юксак, жиддий; النَّاسُ الْكِبَارُ обрў-эътиборли кишилар (шахслар); الضَّيْفُ الْـ~ олий даражали меҳмон; 3) кекса; ёши катта; катта; الْكِبَارُ وَ الصِّغَارُ катта ва кичик (*ёшдаги*) лар; كُلُّ ~ وَ صَغِيرٍ каттаю-кичик ҳаммаси, кексаю-ёш ҳаммаси; ◊ أَبُو ~ ўсимликдаги сассиқ шира (*камед*)

– كَبِيرَةٌ 1. *мн.* كَبِيرٌ *дан*; ~ وَ صَغِيرَةٌ йириклару майдалар; муҳимлару номуҳимлар; аҳамиятли ва аҳамиятсиз; كَبِيرَةُ الْمُمَرَّضَاتِ катта тиббиёт ҳамшираси; 2. *кўп.* كَبَائِرُ 1) кечирилмас гуноҳ; ~ صَاحِبُ الْـ~ катта гуноҳ қилган, қаттиқ гуноҳкор; 2) жиноят; катта хато, айб; ◊ أُمُّ الْكَبَائِرِ май, вино, ароқ (*сўзма-сўз*: гуноҳларнинг онаси)

– مُتَكَبِّرَةٌ мутакаббир, кеккайган, кибрли, кибру ҳаволи

– مُكَابِرٌ 1) кибрли; 2) қайсар; тиришқоқ, матонатли; 3) тортишувчи, ўз фикридан қайтмовчи; يَقْطَعُ لِسَانَ الْمُكَابِرِينَ *мақ.* у тортишувда ҳар қандай одамни енгади

– مُكَابَرَةٌ 1) кибрлилик; 2) қайсарлик; собитлилик, сабот; 3) қарама-қаршилик, қарши чиқиш; қарши бўлиш; لَمْ يَعُدْ هُنَاكَ مَجَالٌ لِلْـ~ ҳозирги ҳолатда тортишувга энди ўрин йўқ

– مُكَبِّرٌ 1. катталаштирувчи; катталаштирадиган; ~ نَظَّارَةٌ катталаштирадиган ойна; бинокль; ~ عَدَسَةٌ (عَدَسِيَّةٌ) катталаштирадиган ойна, лупа; 2. *кўп.* ـاتٌ ـــ репродуктор, радиокарнай; ~ الصَّوْتِ *ёки* صَوْتِيٌّ ~ овоз кучайтиргич; радиокарнай

كَبَرَتَ олтингугурт суртмоқ, шимдирмоқ

– كَبْرَتَةٌ олтингугурт суртиш, шимдириш

– كِبْرِتُورٌ сульфид; ~ ثَانِي бисульфид

– كِبْرِيتٌ[1] 1) олтингугурт; ~ الْـ الْأَحْمَرُ а) қизил фосфор; б) фалсафа тоши (*ўрта аср алхимиклари эътиқодига кўра, ҳар қандай маъданни олтинга айлантира оладиган тош*); ~ عَمُودِيٌّ кристалли олтингугурт; ~ الدَّفَاتِرِ сургуч; ~ الْـ زَهْرَةُ олтингугурт ранги; ~ الْـ ثَانِي أُوكْسِيدِ олтингугурт биоксиди, олтингугурт ангидриди; ~ الْـ ثَالِثُ أُوكْسِيدِ олтингугуртли ангидрид; 2) гугурт, ~ عُلْبَةُ бир қути гугурт; ~ عُودُ *қар.* عُودُ الشَّمْعِ; ~ шамли гугурт

– كِبْرِيتٌ[2] соф, тоза; ~ ذَهَبٌ соф олтин, тоза олтин

– كِبْرِيتَاتٌ *кўп. киме.* олтингугурт кислотаси тузлари; ~ الْحَدِيدِ темир купороси *ёки* яшил купорос; ~ الْخَارْصِينِ *ёки* الزِّنْكِ ~ рух купороси *ёки* оқ купорос; ~ النُّحَاسِ мис купороси *ёки* кўк купорос; ~ ثَانِي бисульфат

– كِبْرِيتَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ гугурт донаси

– كِبْرِيتِيٌّ олтингугуртли; олтингугуртга оид; ~ حَامِضٌ олтингугурт кислотаси; ~ حَمَّامٌ олтингугурт ваннаси; ~ غَازٌ олтингугурт гази

– كِبْرِيتِيكٌ: ~ حَامِضٌ олтингугурт кислотаси; ~ حُوَيْمِضُ олтингугуртли кислота

I **كَبَسَ** (*и*) كَبْسٌ 1) (*н. нидир*) босмоқ (عَلَى); прессламоқ; 2) (*сабзавот, меволарни*) консерва қилмоқ; ~ بِالْخَلِّ (*сабзавотларни*) тузламоқ; ~ بِالسُّكَّرِ (*мевага*) шакар қўшиб пиширмоқ; 3) кутилмаганда, тўсатдан ҳужум қилмоқ; 4) (*ўғрини*) ўраб олмоқ, тутмоқ (عَلَى); 5) қамсамоқ, ўраб олмоқ; тўсиб олмоқ; ◊ ~ السَّنَةَ بِيَوْمٍ (*кабиса*) йилига бир кун қўшиб қўймоқ; II كَبَّسَ 1) қаттиқ босмоқ, қисмоқ, прессламоқ; 2) силамоқ, сийпамоқ, массаж қилмоқ; VII انْكَبَسَ 1) прессланмоқ; 2) консерва қилинмоқ; 3) тутилган бўлмоқ; 4) ўраб олинган бўлмоқ

– تَكْبِيسٌ силаб-сийпалаш, массаж

– كَابُوسٌ *кўп.* كَوَابِيسُ босинқираш, ёмон туш; даҳшат

– كَبَّاسٌ *кўп.* اتٌ ـــَ 1) пресс; 2) компрессор; 3) поршень; 4) насос (*мас., велосипедлардаги*); 5) сумба, шомпол

– كَبَاسَةٌ *кўп.* كَبَائِسُ бир бош, ғужум (*мас., бир бош хурмо*)

– كَبْسٌ 1) босиш, пресслаш; 2) консервалаш; 3) компрессия

– كُبْسٌ = كُوبْسٌ

– كَبْسَةٌ босқин, ҳужум

– كَبِيسٌ 1) консерваланган; тузланган; 2) қўшилган; қўшиб қўйилган; سَنَةٌ ~ـــةٌ кабиса йили

– مَكْبَسٌ *кўп.* مَكَابِسُ прессхона, пресс қилинадиган жой

– مِكْبَسٌ *кўп.* مَكَابِسُ 1) пресс; مَائِيٌّ ~ гидравлик пресс; ~ الْخِطَابَاتِ нусха кўчирувчи пресс; 2) компрессор; 3) поршень; 4) сумба, шомпол

– مُكَبَّسٌ сиқилган; пресслангган

– مُكَبَّسَاتٌ *кўп.* консервалар

– مَكْبُوسٌ 1) пресслангган; ~ تَمْرٌ пресслангган хурмолар; 2) консерваланган; тузланган

– مَكْبُوسَاتٌ *кўп.* 1) пресслангган ширинликлар; 2) консервалар

– كَبْسُولَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ 1) капсула (*герметик бекитилган махсус қути*); 2) пистон; بُنْدُقِيَّةٍ ~ пистон; الْمُفَرْقِعَاتِ ~ детонатор (*портлатгич*); التَّنْبِيهِ ~ *т. й.* петарда (*хатарли жойларда поездни дарҳол тўхтатиш учун сигнал сифатида қўлланадиган портловчи снаряд*) сигнали

– كَبْسُونٌ *жам.* пистонлар

– كَبْسُونَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ пистон

I **كَبَشَ** (*u*) كَبْشٌ ҳовучлаб олмоқ; II كَبَّشَ ҳовуч-ҳовуч қилиб олмоқ, тўкмоқ; ҳовучлаб сепмоқ (*мас., дон экиш пайтида*)

– كَبَّاشَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ 1) илмоқ, чангак; 2) эшкак

– كَبْشٌ[1] *кўп.* أَكْبُشٌ, كُبُوشٌ, كِبَاشٌ 1) қўй, қўчқор; ~ التَّصَادُمِ *т. й.* Буфер (*икки вагон ўртасига қўйиладиган жиҳоз*); ~ الْحَرْبِ *тар.* таран (*қурол*); 2) бобёр; тўқмоқ, машина ва шу кабиларнинг зарб билан уриладиган қисми; ◊ الْفِدَاءِ ~ ҳар балога тўғри қилинадиган, ҳамма айб устига тўнкаладиган одам; الْقَوْمِ ~ жамоатдаги улуғ киши

– كَبْشٌ[2] *кўп.* كُبُوشٌ резавор, реза мева; الْعُلَّيْقِ ~ маймунжон, пармачак; ◊ الْقَرَنْفُلِ ~ *бот.* чиннигул

– كَبْشَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ 1) сиқим; озгина миқдор; 2) катта қошиқ; чўмич; 3) капгир

– كُبْشَةٌ *кўп.* كُبَشٌ, اتٌ ـــَ илмоқ, илгак; тугма; وَ عَيْنٌ ~ тугма ва илгак (кўз)

كَبْكَبَ 1) (*к. нидир*) чалқанчасига ағдармоқ, йиқитмоқ; тўнтармоқ, ағдармоқ; 2) тўкмоқ, тўкиб юбормоқ

– كَبْكَبَةٌ 1) тўнтариш, ағдариш; 2) тўкиш, оқизиш

I **كَبَلَ** (*u*) كَبْلٌ 1) кишанламоқ, занжирламоқ; қамаб қўймоқ, қамоққа ташламоқ; 2) тўловни кечиктирмоқ, чўзиб юбормоқ; II كَبَّلَ ـــُهُ بِالْأَغْلَالِ (بِالْحَدِيدِ) қўлларни кишанламоқ, боғлаб қўймоқ; кимнидир кишанга солмоқ; III كَابَلَ 1) тўловни кечиктирмоқ, чўзиб юбормоқ; 2) олди-сотдини турли йўллар билан орқага суриб биров сотиб олган нарса (*мас., ер, ҳовли, ҳайвон ва ҳ. к.*) ни шафеълигидан (*қар.* شَفِيعٌ) фойдаланиб ўзи сотиб олмоқ; V تَكَبَّلَ занжирланган, боғланган бўлмоқ

– كَبْلٌ[1] *кўп.* كُبُولٌ кишан; қўлкишан, билакка солинадиган кишан

– كَبْلٌ[2] *кўп.* كُبُولٌ кабель; трос

– كَبُولِيٌّ = كَابُولِيٌّ *алиф. б. қар*

– مُكَبَّلٌ кишанланган; بِالْحَدِيدِ ~ темир кишан билан кишанланган

– كَبِينَةٌ *кўп.* كَبَائِنُ (*сол.* كَابِينَةٌ) кабина; الرَّائِدِ الْكَوْنِيِّ ~ фазогир (космонавт) кабинаси; الْاصْطِيَافِ ~ (*соҳилда-пляжда*) чўмиладиганлар кабинаси

I (كبو) **كَبَا** (*y*) كَبْوٌ 1) чалқанчасига йиқилмоқ; қоқилиб йиқилмоқ, қоқилиб кетмоқ; 2) хато қилиб қўймоқ; الزَّنْدُ ~ чақмоқ тош учқун бермади; 3) ранги ўчмоқ, хиралашмоқ; 4) оқизиб юбормоқ; тўкиб юбормоқ; IV أَكْبَى хато қилмоқ; VII انْكَبَى чалқанчасига йиқилмоқ

– إِكْبَاءٌ хато

– كَابٍ *мн.* كَابِيَةٌ ранги ўчган, хира; тиниқ ва шаффоф бўлмаган

– كِبَاءٌ *кўп.* كُبًا, كُبًى *бот.* ҳинд сабури алоэси

– كَبْوَةٌ 1) қоқилиш; ~ لِكُلِّ جَوَادٍ *мтл.* яхши от ҳам қоқилади; 2) хато; 3) ишкаллик

كَابُوكٌ = كَبُوكٌ

I **كَتَّ** (*a/u*) كَتٌّ паст оловда қайнамоқ, секин овоз чиқариб қайнамоқ

– كَتِيتٌ паст оловда қайнаш, секин овоз чиқариб қайнаш

– كَتَالُوجٌ *кўп.* اتٌ ـــَ каталог

I **كَتَبَ** (*y*) كِتَابَةٌ 1) ёзмоқ, тузмоқ; إِلَيْهِ ~ кимгадир (*хат*) ёзмоқ; ~ وَ قَرَأَ ёзмоқ ва ўқимоқ; саводхон (саводли) бўлмоқ; 2) (*н. нидир*) тавсифламоқ (عَنْ); 3) (*к. гадир*) ёзма васият (васиятнома) қолддирмоқ (ـــِلِ); 4) (*к. гадир*) буюрмоқ (عَلَى); كُتِبَ لَهُ *мажх.* унинг тақдирида бор эди, тақдирига ёзилган эди; ... عَلَيْنَا الْأَقْدَارُ أَنْ ~تْ бизнинг ... қилишимиз тақдирда ёзилган экан; 5) билмоқ, хабадор бўлмоқ; ◊ ... كِتَابَهُ عَلَى ~ (*к. биландир*) никоҳга кирмоқ; II كَتَّبَ 1) ёздирмоқ, ёзишга мажбур қилмоқ; кўп ёзмоқ (*мас., мактубларни*); 2) бўлинмалар, колонналар ташкил қилмоқ; 3) айтиб ёздирмоқ, диктовка қилмоқ; III كَاتَبَ 1) (*к. гадир*) ёзмоқ, ўзаро ёзишмоқ; мухбир бўлмоқ; 2) *тар* маълум тўлов эвазига озод қилиш тўғрисида қул билан шартлашмоқ; IV أَكْتَبَ айтиб туриб ёздирмоқ, диктовка қилмоқ; V تَكَتَّبَ бўлим-бўлим, колонна-колонна бўлиб

сафланмоқ; VI تَكَاتَبَ ёзишма олиб бормоқ, ўзаро ёзишмоқ, бир-бирига мактуб ёзишмоқ; VII انْكَتَبَ ёзилган, тузилган бўлмоқ; لَهُ ~ عُمْرٌ طَوِيلٌ унинг қисматига узоқ умр ёзилган; VIII اكْتَتَبَ 1) ўзи учун кўчириб олмоқ; нусха кўчириб олмоқ; 2) имзо чекмоқ (*мас., обуна варақасига* فِي); X اسْتَكْتَبَ 1) ёзишни илтимос қилмоқ *ёки* ёзишга имкон бермоқ; диктовка қилмоқ; қайта ёзишни илтимос қилмоқ; 2) ёздириб олмоқ (*мас., кутубхонадан китобни*)

– اسْتِكْتَابٌ 1) диктовка қилиш, диктант; 2) ёздириб олиш (*мас., китобни*)

– اكْتِتَابٌ имзо чекиш, (*обуна варақасига*) қўл қўйиш (فِي)

– كَاتِبٌ *кўп.* كُتَّابٌ, كَتَبَةٌ, ـَـةٌ 1. ёзадиган; آلَةٌ ~ ёзув машинкаси; 2. 1) котиб, кўчириб ёзувчи, хизматчи; *шунингдек:* ~ السِّرِّ секретарь, котиб; ~ الدَّوْلَة статс-секретарь; ~ الْحِسَابَات ҳисобчи, бухгалтер; ~ الْعُقُودِ الرَّسْمِيَّة нотариус; الْكُتَّابُ الْعُدُولُ нотариуслар; 2) адиб, ёзувчи; журналист; الـ~ الصُّحُفِيُّ публицист; الـ~ الْقِصَصِيُّ ҳикоянавис; 3) олим; ◊ الـ~ *зоол.* секретарь (*қуш*)

– كُتَّابٌ *кўп.* كَتَاتِيبُ бошланғич мактаб

– كِتَابٌ[1] *кўп.* كُتُبٌ 1) китоб; ~ الْقِرَاءَة ўқиш китоби; ~ تَعْلِيقٍ *ёки* الـ~ الْمَدْرَسِيُّ дарслик, ўқув қўлланмаси; ~ التَّهَجِّي алифбо китоби; الـ~ а) *шунингдек:* الـ~ الْكَرِيمُ *ёки* ~ اللهِ *ёки* الـ~ الْعَزِيزُ Қуръони карим; б) Библия; в) Инжил; г) Сибавайҳи грамматикаси; الـ~ الْمُقَدَّسُ Муқаддас китоб; ~ أَهْلُ الـ~ *қур.* аҳли китоб, муқаддас китоб юборилганлар (*яҳудийлар, христианлар*); أُمُّ الـ~ Қуръони каримнинг биринчи (*Фотиҳа*) сураси; دَارُ الْكُتُبِ кутубхона; 2) хат, нома, мактуб, ёрлиқ; ~ تَعْزِيَة таъзиянома; ~ الْاعْتِمَاد ишонч ёрлиғи; ~ الزَّوَاجِ никоҳ шартномаси; ~ الطَّلَاقِ талоқ хати, талоқ гувоҳномаси; ~ مَفْتُوحٌ очиқ хат, открытка

– كِتَابٌ[2] фарз; ҳукм; қарор, тақдир

– كِتَابَةٌ 1) китобат, ёзиш, ёзишма; الـ~ وَ الْقِرَاءَةُ ёзиш ва ўқиш; أَهْلُ الـ~ وَ الْقِرَاءَةِ саводхон одамлар; ~ أَدَوَاتُ الـ~ ёзув-чизув ашёлари, асбоблари; ~ بِالـ~ ёзма равишда; ёзма; 2) котиблик, котибият; 3) *кўп.* ـَـ اتٌ ёзув, ёзувлар, хатлар (*мас., ўтмишдаги турли халқлардаги*); 4) ёзиб тўлдирилган қоғоз; кичкина, оз ёзув, записка; 5) услуб, стил

– كِتَابِيٌّ 1) китобий, ёзувга оид, ёзма; ~ بَيِّنَةٌ ёзма кўргазма, баёнот; ~ غَلْطَةٌ имло хатоси, имловий хато; 2) муқаддас китобларга оид

– كَتْبٌ ёзиш, ёзилиш; ~ الْكِتَاب никоҳ шартномаси тузиш

– كُتُبِيٌّ *кўп.* كُتُبِيَّةٌ китобфуруш

– كُتُبْخَانَةٌ *кўп.* ـَـ اتٌ 1) кутубхона; 2) китоб дўкони

– كُتْبَةٌ тақдир ёзуви; ◊ ~ ابْنُ тақдири азалда ярамас яратилган, ҳеч қачон тузалмайдиган

– كُتْبَةٌ дастхат (*бирор кишининг ўзигагина хос бўлган*) хат, почерк, ёзув

– كُتُبِيٌّ китобфуруш

– كُتَيِّبٌ китобча, кичкина китоб

– كَتِيبَةٌ *кўп.* كَتَائِبُ 1) бўлинма, отряд, колонна; батальон; полк (*Ироқда*); 2) ёзув, бирор нарса устидаги ёзув; 3) ёзма ҳужжат

– مُكَاتَبٌ бўйнига нархи ёзиб қўйилган қул

– مُكَاتِبٌ 1) хат ёзишиб турадиган; 2) мухбир, хат юборувчи

– مُكَاتَبَةٌ *кўп.* ـَـ اتٌ ўзаро ёзишув, мактуб; الْعَبْدِ ~ *тар.* маълум тўлов шарти билан қулни озод қилиш ҳақида у билан тузилган шартнома

– مِكْتَابٌ ёзув машинкаси

– مَكْتَبٌ *кўп.* مَكَاتِبُ 1) мактаб; 2) ёзув столи; 3) (*машғулот ўтказиладиган*) хона; 4) бўлим, бюро, идора, девонхона; الْبَرِيدِ ~ почта идораси; почта бўлими; الْاسْتِعْلَامَاتِ ~ маълумот (справка) олиш бюроси

– مُكْتِبٌ ёзишни ўргатувчи

– مَكْتَبَةٌ *кўп.* مَكَاتِبُ, ـَـ اتٌ 1) кутубхона; 2) китоб дўкони (магазини)

– مَكْتَبِيٌّ идорага, девонхонага оид

– مَكْتُوبٌ 1. ёзилган; عَلَيْهِ ~ тақдирдаги, пешонадаги ёзув; 2. *кўп.* مَكَاتِيبُ мактуб; хат, нома; التَّوْصِيَةِ ~ тавсиянома

– مَكْتُوبْجِيٌّ *кўп.* مَكْتُوبْجِيَّةٌ *тар.* цензор (*қадимги Туркияда*)

كَتْخُدَا кадхудо, уй бошқарувчиси, эконом

كُتْشَيْنَةٌ (*ўйналадиган*) карта; لُعْبَةُ الـ~ карта ўйини

I أَكْتَعُ[1] *мн.* كُتْعٌ, كَتْعَاءُ *кўп.* كُتْعٌ 1) дабдаласи чиқарилган бармоқлари бор (*одам*); 2) қўлсиз, бир қўлли

– أَكْتَعُ[2] *мн.* كَتْعَاءُ *кўп.* أَكْتَعُونَ барча, ҳамма (أَجْمَعُ *сўзи билан сонда ва жинсда мослашиб, ундан кейин келади ва экспрессивликни ифодалайди*); رَأَيْتُهُمْ أَجْمَعِينَ أَكْتَعِينَ уларнинг барча ва барчасини кўрдим; اشْتَرَيْتُ الدَّارَ جَمْعَاءَ كَتْعَاءَ ҳовлини тўлалигича сотиб олдим

– كَتِيعٌ тўла, бус-бутун, том маънода

I **كَتَفَ** (*и*) كَتْفٌ 1) қўлларни боғламоқ; қўлларни орқага боғламоқ; 2) (*қуш*) қанотларини боғламоқ; II كَتَّفَ қаттиқ боғламоқ; қўлларни орқага боғламоқ; يَدَيْهِ ~ қўлларини кўксига чалмаштириб қўймоқ; V تَكَتَّفَ қўлни кўксига қўймоқ, чалмаштириб қўймоқ; VI تَكَاتَفَ 1) елкама-елка юрмоқ; ўзаро ёрдамлашмоқ; бир жон - бир тан бўлиб ишламоқ; 2) елкама-елка, тақисланиб (*қаторда*) турмоқ; X اسْتَكْتَفَ қўлни кўксига чалмаштирмоқ

– أَكْتَفُ *мн.* كُتْفَاءُ *кўп.* كُتْفٌ елкадор, кенг елкали

– تَكَاتُفٌ жипслик, бирдамлик

– كَتَافٌ елкадаги оғриқ

– كَتَّافٌ *кўп.* كُتُفٌ 1) кишан, қўлкишан; ~ قَمِيصُ кишан кўйлак (*асаб касалхоналаридаги*); 2) арқон, чилвир

– كَتَافَةٌ *ҳарб.* погон

– كَتَّافِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ эполет (*ҳашаматли зар погон*)

– كَتِفٌ, كَتَفٌ, كَتْفٌ, أَكْتَافٌ *мн. кўп.* كَتَافٌ, 1) елка, кифт; *анат.* елка кураги; ~ إِلَى وَقَفَ шарт. погон; شَرِيطُ الْـــ елка қисмоқ; هَزَّ كَتِفَيْهِ ~ (*к. биландир*) елкама-елка турмоқ (مَعَ); ~ إِلَى الْـــ ضَمَّ (*к. биландир*) бирдам бўлмоқ; ~ إِلَى جَنْبٍ وَ ~ إِلَى سَارَ جَنْبًا (*к. биландир*) елкама-елка, ёнма-ён бормоқ (مَعَ); 2) яндама, қулайлик; ~ الْوَادِي водий яндамалари; أَكْتَافُ الْجِبَالِ тоғ яндамалари, қияликлари; 3) тиргак, устун (*кўприкда*); ◊ ~ الْـــ خَطَّ оёқни қўлга олиб қочмоқ; ~ الْـــ عَلَّمَهُ مِنْ أَيْنَ تُؤْكَلُ онасини Учқўрғондан кўрсатиб қўймоқ; ~ عَلَى يَدِي لَكَ мен розиман, менинг ихтиёрим сенда, мен маслаҳатингга амал қиламан

– مُتَكَتِّفٌ қўлларини кўксига чалмаштириб қўйиб турган; ~ جَلَسَ у қўлларини чалмаштириб ўтирди

– مُكَتَّفٌ қўли орқасига боғлоқли (боғланган)

– مَكْتُوفٌ боғланган, боғлиқ; ~ الْيَدِي қўли боғланган (боғлиқ)

كَتْكَتَ 1) (*устидан*) кулмоқ; 2) жингалак бўлмоқ (*соч ҳақида*)

– مُكَتْكَتٌ жингалак, жингалак бўлиб турган

– كُتْكُتٌ зиғир тарандиси (*зиғир толасини тараганда чиқадиган туклар*)

– كَتْكُوتٌ *кўп.* كَتَاكِيتُ жўжа

I **كَتَلَ** (*у*) كَتْلٌ бирлаштирмоқ, бириктирмоқ, йиғмоқ, тўпламоқ, тўппак қилмоқ; II كَتَّلَ 1) тўпламоқ, устма-уст қилиб йиғмоқ; 2) қумалоқ-қумалоқ қилмоқ, брикетламоқ; 3) гуруҳ, блок ташкил қилмоқ; жипслаштирмоқ; V تَكَتَّلَ 1) тўпланмоқ, йиғилмоқ; 2) жипслашмоқ, бир блокка шаклланмоқ

– تَكَتُّلٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ 1) тўпланиш; 2) гуруҳ, блок

– تَكَتُّلٌ[2] майда қадам ташлаб юриш

– كَتْلَةٌ *бот.* ёввойи қўқонгул, скабиоза

– كُتْلَةٌ *кўп.* كُتَلٌ 1) тўп, уюм; гувала, бўлак; палахса, катта бўлак, харсанг; азим, улкан (*тоғ ҳақида*); ~ الثَّلْجِ الْمُتَدَحْرِجَةِ кўчки; ~ حَشَبٍ ёғоч тўсин; 2) омма, халқ; ~ الْـــ الْعَامِلَةِ ишчилар оммаси; 3) *сиёс.* блок, гуруҳ; 4) қурилишда ишлатиладиган блок; مَصْنَعُ الْكُتَلِ الْجَاهِزَةِ الْكَبِيرَةِ لِبِنَاءِ الْبُيُوتِ қурилиш блоклари ишлаб чиқарувчи завод; 5) асосий бўлак; ядро, ячейка; 6) *физ.* масса, модда; قَانُونُ ~ بَقَاءِ الْـــ *физ.* модданинг сақланиш қонуни

– مَكْتَلٌ, مِكْتَلَةٌ *кўп.* مَكَاتِلُ хурмо дарахти баргларидан тайёрланадиган сават

– مُتَكَتِّلٌ 1) қумалоқ-қумалоқ, думалоқ-думалоқ; қумалоқ (думалоқ) қилиб қисилган; 2) беўхшов (қўпол) гавдали

– مُكَتَّلٌ калта, қисқа

كَاثُولِيكٌ, كَاثُولِيكِيٌّ *алиф. б. қар.*

– كَثْلَكَةٌ католик

I **كَتَمَ** (*у*) كَتْمٌ, كِتْمَانٌ 1) яширмоқ, беркитмоқ; (*к. дандир*) пинҳон тутмоқ (عَنِ); ~ السِّرَّ сирни яширин тутмоқ; 2) ўчирмоқ (*алангани*); босди-босди қилмоқ (*иш, жанжал, ва ҳ. к. ларни*) ◊ ~ أَنْفَاسَهُ ёки نَفْسَهُ нафас олмай турмоқ; ~ الصَّوْتَ овозни пасайтирмоқ; ~ الْغَضَبَ ғазабни босмоқ; ~ الْبَطْنَ қабзият келтириб чиқармоқ; لَا يَكْتُمُ السِّرَّ сир яшира олмайдиган, вайсақи, сергап; كَتَمُوا أَفْوَاهَهُمْ улар жим қолдилар, улар оғизларини беркитдилар; II كَتَّمَ яширишга, беркитишга қаттиқ ҳаракат қилмоқ; III كَاتَمَ (*к. дандир*) яширишга, беркитишга ҳаракат қилмоқ; V تَكَتَّمَ яширинмоқ, беркитилмоқ; пинҳона гаплашмоқ; VI تَكَاتَمَ бир-биридан яширмоқ, пинҳон тутмоқ; VII اِنْكَتَمَ 1) ёпиқ, яширин бўлмоқ; 2) жим бўлиб қолмоқ; 3) тўхтамоқ, ўчган бўлмоқ (*алангa ҳақида*); 4) ифлосланган бўлмоқ (*мас., ошқозон ҳақида*); VIII اِكْتَتَمَ яширмоқ, бекитмоқ; X اِسْتَكْتَمَ 1) яширинча гапириб бермоқ, сирни ишониб айтмоқ; 2) яширишни илтимос қилмоқ; ~ السِّرَّ сирни яширишни сўрамоқ

– اِنْكِتَامٌ ичимдантоплик, дамдузлик; ~ الْبَطْنِ *мед.* қабзият

– تَكَتُّمٌ 1) сирлилик, дамдузлик; 2) сир

– كَاتِمٌ 1) яширувчи, беркитувчи; ~ السِّرِّ котиб, секретарь; ~ الصَّوْتِ овозни ўчирувчи (глушитель); 2) яширин, яширинган; ~ سِرٍّ яширин сир

– كَتَامٌ *шунингдек:* ~ الْبَطْنِ *мед.* қабзият

– كَتْمٌ яшириш, беркитиш, пинҳон тутиш

– كَتَمٌ танасидан соч бўёғи *ёки* сиёҳ олинадиган ўсимлик

– كِتْمَانٌ 1) яшириш, бекитиш; 2) яширинлилик; сирлилик; فِي ~ الْـــ أَحَاطَهُ بِـــ شَدِيدٍ бирор нарсани қаттиқ сир тутмоқ, яширин сақламоқ; ўша нарса ҳақида ҳеч оғиз очмаслик; ~ فِي طَيِّ الْـــ ظَلَّ қаттиқ яширин ҳолда қилмоқ

– كَتَمَةٌ ҳаво димлиги, димлик, бўғиқлик

– كُتَمَةٌ *мз.* яширувчи, яшириб юрувчи

– كَتُومٌ дамдуз, ичимдан топ, камгап

– كَتِيمٌ 1) ёпиб қўйилган; муҳрлаб қўйилган; 2) (*ҳеч. н*) ўтказмайдиган, ўтмайдиган; 3) дим, дам (*ҳаво ҳақида*)

– مَكْتُومٌ 1) яшириб, беркитиб қўйилган; 2) бўғилган (*мас., овоз*); ◊ ~ الْبَطْنِ қабзият билан касалланган

I **كَتَنَ** (*а*) كَتَنٌ чапланган, ифлосланган бўлмоқ; II كَتَّنَ қурум чапламоқ, қурум суртмоқ

– كَتَّانٌ зиғир; ~ بِزْرُ الْـ зиғир уруғи; ~ الْـ *ёки* ~ نَسِيجُ الْـ зиғирпоядан тўқилган мато; ~ زَيْتُ الْـ зиғир ёғи; ~ نُسَّالَةُ الْـ латтадан титиб олинган ип

– كَتَّانِيٌّ зиғирга оид, зиғирдан тайёрланган; 2) матога оид, матодан тайёрланган

– كَتَنٌ қурум

– كُتُونَةٌ *черк.* хоистианларда ибодат вақтида черковнинг кичик ходимлари киядиган узун кимхоб кийим

– كَتِينَةٌ[1] *кўп.* كَتَايِينُ (*соат*) занжири

– كَتِينَةٌ[2] *кўп.* كَتَايِينُ *халқ.* трактор

I **كَثُفَ** (*а/и*) كَثَافَةٌ, كُثُونَةٌ қалин бўлмоқ (*соч ҳақида*); IV أَكْثَفَ соқоли қалин бўлмоқ; أَكْثَفُ сочи қалин бўлмоқ

– أَكْثَفُ *мн* كُثْفٌ *кўп.* كُثُفٌ = كَثِيفٌ

– كَثِيفٌ қалин, қалин ўсган

– كَثَافَةٌ қалинлик

– كَثِيفٌ = كَثِيثٌ

كَثَبٌ яқинлик; ~ عَنْ а) яқинда, яқингинада; б) яқинроқдан, четдан (*қараганда*)

– كَثِيبٌ *кўп.* كُثُبٌ, كُثْبَانٌ қумтепа; дўнглик

I **كَثُرَ** (*у*) كَثْرَةٌ 1) мўл-кўл (*сероб, кўп сонли*) бўлмоқ; тез-тез бўлиб турадиган бўлмоқ; ~ الْقَالُ وَ الْقِيلُ فِي... ... ҳақда *кўп.* гап-сўз бўлди; 2) (*н. дандир*) ортиб, ошиб кетмоқ (عَنْ); II كَثَّرَ орттирмоқ, оширмоқ, кўпайтирмоқ, кучайтирмоқ; ◊ خَيْرَكَ (اللهُ) ~ раҳмат!, ташаккур! (*халқ.* كَثَّرْ خَيْرَكْ); III كَاثَرَ миқдоран ортиқ бўлмоқ; IV أَكْثَرَ 1) кучайтирмоқ, кўпайтирмоқ; 2) (*н. нидир*) кўп, тез-тез қилмоқ (مِنْ); ~ الْأَكْلَ кўп емоқ; ... الْكَلَامَ عَنْ ... ҳақда кўп гапирмоқ; 3) бой бўлмоқ; V تَكَثَّرَ ҳамма ерда гапиравермоқ, кўп гапирмоқ; (*бирор н.* ҳақида) ортиқча, кўп гапирмоқ (بِ, فِي); VI تَكَاثَرَ миқдоран ошмоқ, ортмоқ, кўпаймоқ; болалаб кетмоқ, кўпайиб кетмоқ; X اسْتَكْثَرَ 1) мўл-кўл, кўп, ортиқ даражада деб ҳисобламоқ; ~ ثَمَنَهُ бирор нарсанинг нархи қиммат деб ҳисобламоқ; 2) ортиқроқ бўлишини истамоқ, ўсишга, кўпайишга эришмоқ; кўпайтирмоқ; ◊ بِخَيْرِهِ ~ кимгадир ташаккур айтмоқ

– أَكْثَرُ аксар, кўпроқ; энг кўп; кўпроқ бўладиган, ~ فِـ ~ кўпдан-кўп, кундан-кунга кўп; عَدًّا ~ миқдоран кўпроқ; مِنْ مَرَّةٍ ~ бир неча марта, кўп марта, бир марта эмас; لَا ~ وَلَا أَقَلَّ кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас; النَّاسِ ~ одамларнинг аксарияти; ~ الْـ (فِي) عَلَى аксар ҳолларда, кўпинча; энг кўп, кўпи билан; ~ الْـ عَلَى أُسْبُوعَيْنِ بَعْدَ кўпи билан икки ҳафтадан кейин; ... مِنْ ذَلِكَ فَقَدْ ~ وَ бунинг устига, ахир ...

– أَكْثَرِيَّةٌ аксарият, кўпчилик; ~ الْـ الْبَسِيطَةُ لِلْأَصْوَاتِ овознинг оддий кўпчилиги, овознинг аксарияти; ~ الْـ الْعَدَدِيَّةُ сон (*миқдор*) жиҳатдан кўпчилик (ортиқчалик); ~ بِالْـ الْمُطْلَقَةُ мутлақо кўпчилик (*овоз*) билан; ~ بِالْـ النِّسْبِيَّةُ нисбатан кўпчилик (*овоз*) билан

– تَكَاثُرٌ ортиш, ошиш, миқдорий ошиш; кўпайиш

– كَثَرٌ 1) хурмо дарахтининг устки қисмидаги новда; 2) хурмо меваси ҳосил бўладиган тугунча, тухумдон

– كُثْرٌ мўл-кўллик, сероблик

– كُثْرٌ = كَثْرٌ

– كَثْرَةٌ мўл-кўллик, сероблик; кўплик; кўп миқдор, кўп сонлилик; ~ الْـ مَذْهَبُ *фалс.* плюрализм (*борлиқнинг ёки билим асосларининг бир неча ёки жуда кўп мустақил бошланғичи мавжуд деб ҳисобловчи фалсафий таълимот*); ~ الْـ جَمْعُ *грам.* кўп нарсанинг кўплиги; ~ بِـ кўп, кўп миқдорда; ◊ ~ الْكَلَامِ а) сергаплик, вайсақилик; б) сергаплилик, вайсақилик; ~ الْـ هُمُ الْكَثِيرَةُ улар ортиқ даражада кўпчилик

– كَثِيرٌ мўл-кўл, сероб; кўп сонли, жуда кўп; тез-тез бўлиб турадиган; ~ التَّرَدُّدِ тез-тез такрорланиб турадиган; ~ الْحُدُوثِ тез-тез юзага чиқиб турадиган; ~ الْعَدَدِ кўп сонли; ~ الْمِقْدَارِ кўп миқдорли, кўп сонли; ~ بِـ кўп, жуда, энг; ~ اً кўп, тез-тез, жуда; ~ اً مَا тез-тез; кўпинча; ◊ ~ الْكَلَامِ вайсақи, сергап

– كَثِيرَاءُ *бот.* астрагал (*дуккаклиларга мансуб ўсимлик*); гуммидрагант, самиғ (*елим олинадиган дарахт*); ~ صَمْغُ елим гуммидрагант

– كَوْثَرٌ *алиф. б. қар.*

– مِكْثَارٌ 1) *кўп.* мўл-кўл қилувчи; 2) сергап, вайсақи

– مُكْثِرٌ бой, дадавлат

– مَكْثُورٌ عَلَيْهِ: ~ қулоғигача қарзга ботган, синиш, қашшоқлашиш арафасида турган

كَثْعَمٌ қоплон

I **كَثُفَ** (*у*) كَثَافَةٌ 1) қалин, мўл бўлмоқ; тез-тез бўлмоқ; зич бўлмоқ; 2) қўпол бўлмоқ; II كَثَّفَ 1) қуюқлантирмоқ, зичламоқ; 2) тезлаштирмоқ, интенсивлаштирмоқ; ~ الزِّرَاعَةَ деҳқончиликни интенсивлаштирмоқ, тез ривожлантирмоқ; 3) *эл.* конденсация қилмоқ; V تَكَثَّفَ қуюқлашмоқ, зичлашмоқ; VI تَكَاثَفَ 1) аста-секин қуюқлашмоқ, зичлашмоқ; жуда қуюқ бўлмоқ (*коронғилик ҳақида*); 2) *эл.* конденсацияланмоқ

– تَكَاثُفٌ 1) зичлик, қуюқлик; 2) конденсация

– تَكْثِيفٌ 1) қуюқлашиш, зичлашиш; 2) интенсификация, тезлашиш, тезлаштириш; *эл.* конденсация

– كَثَافَةٌ 1) қуюқлик, зичлик; тезлик; ~ مِقْيَاسُ الْـــ ареометр; 2) қўполлик; ~ أَهْلُ الْـــ қўпол одамлар; 3) нодонлик, фаросатсизлик, беақллик, 4) *эл.* сиғим

– كَثِيفٌ 1) қуюқ; зич; тез-тез бўлиб турадиган; 2) нодон, бефаросат; 3) қўпол

– مِكْثَافٌ дециметр, денситометр; ~ السَّوَائِلِ ареометр

– مُكَثِّفٌ *кўп.* اتٌ ـــ *радио.* конденсатор; مُتَغَيِّرٌ ~ ўзгарувчан конденсатор, ثَابِتٌ ~ ўзгармас конденсатор

تَكَثْلَكَ (كثلك) католик бўлмоқ

– كَثْلَكَةٌ католиклик

كَثُولِيكِيٌّ - 1 католикка оид; 2. католик

– كَثُولِيكِيَّةٌ католиклик

كُثَّةٌ гулчамбар

I **كَجَّ** (*a/y*) كَجٌّ :كُجَّةٌ ўйинини ўйнамоқ (*болалар ҳақида*)

– كُجَّةٌ (*болалар ўйнайдиган*) тўпга ўхшатиб юмалоқланган латта-путта

I **كَحَّ** (*a/y*) كَحٌّ йўталмоқ, томоқ қирмоқ

– كَحَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ йўталиш

– كُحَّةٌ йўтал

I **كَحَتَ** (*a*) كَحْتٌ 1) арчмоқ, пўстини олмоқ, пўстдан тозаламоқ; 2) четлатмоқ, бўшатмоқ; II كَحَّتَ эринмай, яхшилаб пўстдан тозаламоқ; VII اِنْكَحَتَ 1) пўсти арчилган, тозаланган бўлмоқ; 2) узоқлаштирилган, четлатилган бўлмоқ

– كَحْتٌ пўстдан тозалаш, арчиш; ~ مِلْعَقَةُ الْـــ *мед.* кюретка

كَحْكَحَ йўталмоқ, томоқ қирмоқ

– كَحْكَحَةٌ йўталиш, томоқ қириш

I **كَحَلَ** (*a*) كَحْلٌ кўзга сурма қўймоқ; II كَحَّلَ = I; V تَكَحَّلَ 1) ўз кўзига сурма қўймоқ; 2) кўзга малҳам қўймоқ; VIII اِكْتَحَلَ 1) кўзга сурма қўймоқ; 2) *маж.* (*бирор н. қилиб*) роҳатланмоқ, фароғатланмоқ; ... تْ عَيْنُهُ بِرُؤْيَةِ ~ у ...ни кўриб ҳузур (роҳат) қилди

– أَكْحَلُ *мн.* كَحْلَاءُ *кўп.* كُحْلٌ қоракўз

– أَكْحَلُ билакдаги қон томири

– تَكْحِيلٌ кўзга сурма қўйиш; ◊ الْبَيَاءِ ~ чоклари очиқ жойларни тикмоқ, ямамоқ

– كَاحِلٌ *кўп.* كَوَاحِلُ тўпиқ, тўпиқ суяги

– كَحَالٌ кўз упаси

– كَحَّالٌ кўз врачи, окулист

– كَحَالَةٌ 1) кўзга сурма қўйиш санъати, маҳорати; 2) кўзни даволаш

– كَحَلٌ киприкларнинг қоралиги

– كَحِلٌ қора, қорага бўялган

– كُحْلٌ кўз упаси, антимоний, кўзга қўйиладиган сурма; حَجَرُ ~ сурма, сурма тош; يَسْرِقُ الْـــ مِنَ الْعَيْنِ *мтл.* оғзингда чайнаб турган сақични олади (*устамон ўғри ҳақида*); جِبَالُ الْـــ تُفْنِيهَا الْمَرَاوِدُ *мқл.* хотин кишига тоғдай сурма ҳам кам (*сўзма-сўз:* кўз бўяйдиган қалам сурма тоғини йўқ қилади)

– تَكْحِيلُ الْبَيَاءِ = كَحْلَةُ الْبَيَاءِ

– كُحْلِيٌّ 1) қора, қорага бўялган; 2) тўқ кўк

– كُحُولٌ спирт, алкоголь; نَقِيٌّ ~ соф, тоза спирт; فَاسِدٌ ~ денатуратли спирт; الْخَشَبِ ~ ёғоч спирти

– كُحُولِيٌّ алкоголли, спиртли; спиртланган; الْأَثِيلُ الْـــ этил спирти

– كُحْلِيٌّ = كَحِلٌ

– كُحَيْلٌ *кўп.* كُحَيْلَانُ зотли от

– كُحَيْلَانُ = كُحَيْلٌ

– مِكْحَالٌ *кўп.* مَكَاحِيلُ (*сурма қўйиладиган*) чўрак, чўп

– مِكْحَلٌ *кўп.* مَكَاحِلُ = مِكْحَالٌ

– مِكْحَلَةٌ *кўп.* مَكَاحِلُ 1) = مِكْحَالٌ; 2) милтиқ (*Тунис*)

– مُكْحُلَةٌ *кўп.* مَكَاحِلُ сурма сақланадиган идиш, сурмадон

كَحْكَحْ! *ёки* كَحْ! бўл! ундай қилма! (*болаларга ман қилиш сўзи*)

كَخِيَّةٌ уй бошқарувчиси, эконом

I **كَدَّ** (*a/u*) كَدٌّ 1) ишламоқ, тинмай меҳнат қилмоқ; 2) зўриқмоқ, қаттиқ ҳаракат қилмоқ; 3) касб-ҳунар қилиб, тиришчилик қилмоқ; II كَدَّدَ ҳайдамоқ; юришга мажбур қилмоқ; VIII اِكْتَدَّ 1) ишлашга мажбур қилмоқ; туртки бермоқ, ҳайдамоқ, боришга мажбур қилмоқ, интилтирмоқ, илҳомлантирмоқ; X اِسْتَكَدَّ = VIII

– كَدٌّ иш, оғир меҳнат; جَمَعَ الثَّوْرَةَ بِكَدِّ الْيَمِينِ وَ عَرَقِ الْجَبِينِ *мтл. сўзма-сўз:* тинмай оғир меҳнат қилиб ва тер тўкиб, ишлаб бойлик тўпламоқ

– كَدُودٌ ғайратли, ҳаракатчан, меҳнарсевар

– مِكْدُودٌ зўриқтирувчи, оғир, машаққатли, ҳолдан тойдирувчи

I **كَدَحَ** (*a*) كَدْحٌ меҳнат қилмоқ, ишламоқ; VIII اِكْتَدَحَ меҳнат билан иш ҳақи топмоқ, ишлаб топмоқ

– كَادِحٌ меҳнаткаш, меҳнат қилувчи; الْكَادِحُونَ меҳнаткашлар

– كَدْحٌ[1] 1) меҳнат, меҳнат-машаққат, ғайрат, интилиш, тинмай ишлаш; 2) интилиш, саъй-ҳаракат; 3) машаққатли меҳнат; 4) тирикчилик, касб

– كَدْحٌ[2] *кўп.* كُدُوحٌ шилинган жой, чақа; بِوَجْهِهِ كُدُوحٌ бетига чақа тошиб кетган

I (كدر) **كَدُرَ** (*y*) كُدُورَةٌ 1) хира бўлмоқ; қорамтир рангли бўлмоқ; 2) оғир бўлмоқ (*мас., ҳаёт ҳақида*); كَدِرَ (*a*) كَدَرٌ 1) хира бўлмоқ, шаффоф (тиниқ) бўлмаслик; 2) хафаланган, асабийлашган бўлмоқ, ғамгин бўлмоқ; عَلَيْهِ ~ кимгадир жаҳл қилмоқ, кимдандир жаҳли чиқмоқ; II كَدَّرَ 1) лойқалатмоқ, хиралаштирмоқ; 2) хижолат қилмоқ,

асабини бузмоқ, ғамгин қилмоқ, хафа қилмоқ; жонига тегмоқ, асабийлаштирмоқ; الصَّمْتَ ~ жимликни бузмоқ; ◊ الصَّفْوَ ~ *кўч. м.* сувни лойқалатмоқ; V تَكَدَّرَ 1) хира, лойқа бўлмоқ; 2) хижолат бўлмоқ; асаби бузилмоқ, ғамгин бўлмоқ, хафа бўлмоқ; ўкинч, ранж, алам чекмоқ; VII انْكَدَرَ 1) ғамгин, қовоғи солинган бўлмоқ; 2) пастга учиб тушмоқ (*юлдузлар ҳақида*)

– أَكْدَرُ *мн.* كُدْرٌ *кўп.* كُدْرٌ қорамтир рангли, кулранг, хира

– كَدَارَةٌ 1) хиралик, тиниқ эмаслик; 2) ўкинч, ачиниш, ранж, алам

– كَدِرٌ = كَدِرٌ

– كَدَرٌ 1) хиралик; лойқа; қоронғилик; 2) хижолатчилик, жонсараклик; ғам, алам, ғамгинлик; 3) хира рангга кириш, хира рангда тусланиш

– كَدِرٌ 1) хира, тиниқ бўлмаган; 2) зерикарли

– كَدَرَةٌ *кўп.* كَدَرٌ балчиқ, лой, ботқоқ

– كُدْرَةٌ хиралик; лойқа; хира, ғира-шира ранг

– كُدُورَةٌ хиралик

– مُتَكَدِّرٌ хафа бўлган

– مُكَدِّرٌ хира; тиниқ (шаффоф) бўлмаган

– مُكَدِّرٌ безовта қилувчи, жонга тегувчи

I **كَدَسَ** (*u*) كَدْسٌ тўппак, тўп қилиб йиғмоқ, тўпламоқ; II كَدَّسَ йиғмоқ, бир жойга тўпламоқ; йиғмоқ, тўпланмоқ; V تَكَدَّسَ тўпланган бўлмоқ; тиғизлаштирилган бўлмоқ; VII انْكَدَسَ тўп қилиб йиғилган бўлмоқ; тиғизлашмоқ; қисилмоқ; تَنْكَدِسُ فِي هَذَا الْبَيْتِ ثَلَاثُ عَائِلَاتٍ бу уйда қисилишиб уч оила яшайди

– كُدَّاسٌ, كُدَاسَةٌ *кўп.* كَدَادِيسُ 1) тўп. тўппак; уюм; 2) ғарам

– كُدْسٌ *кўп.* أَكْدَاسٌ тўп. тўппак; ◊ أَكْدَاسٌ مُكَدَّسَةٌ жуда катта миқдор

– كُدْسَةٌ бир тўп

– مُكَدَّسٌ 1) тўпланган, тўп қилиб тўқилган; 2) йиғилган

I **كَدَشَ** (*u*) كَدْشٌ 1) тирнамоқ, тирноқламоқ; 2) ишламоқ; ишлаб топмоқ; 3) ҳаракат қилмоқ, елиб-югурмоқ; VIII اكْتَدَشَ: مِنْ زَيْدٍ ~ عَطَاءً Зайдан олмоқ

– كَدِيشٌ *кўп.* كُدُشٌ аравага қўшиладиган, аравакаш от

جَدَعٌ = كَدَعٌ

I **كَدَمَ** (*u,y*) كَدْمٌ тишламоқ, озгина тишлаб олмоқ; 2) уриб олмоқ, лат едирмоқ; кўкартириб калтакламоқ; контузияламоқ

– كَدْمٌ *кўп.* كُدُومٌ 1) тишланганнинг изи; қонталаш (кўкарган) жой; контузия

– كَدْمَةٌ *кўп.* كَدَمَاتٌ урилиб лат еган жой; қонталаш (кўкарган) жой; رَضِيَّةٌ ~ урилиб қонталаш бўлган жой

كَدْمِيُومٌ *кимё.* кадмий

I **كَدَنَ** (*y*) كَدْنٌ 1) (*аравага*) қўшмоқ (*ҳўкизларни*); 2) (*бирор н. га*) ўралиб олмоқ (ب)

– كَدَّانٌ жилвиртош, пемза

– كَدْنَةٌ (*туядаги*) ўркач

I **كَدَهَ** (*a*) كَدْهٌ урмоқ, контузияламоқ

I **كَدَى** (*u*) كَدْيٌ (*бирор н. ни*) оз бермоқ; (*бирор н. да*) қизғончиқлик қилмоқ (فِي); II كَدَّى тиланмоқ, гадо бўлиб юрмоқ, гадойчилик қилмоқ; IV أَكْدَى 1) (*бирор н. ни*) оз бермоқ; 2) мақсадга етолмаслик; V تَكَدَّى гадойчилик қилмоқ; X اسْتَكْدَى тиланчилик қилмоқ, гадойчилик қилмоқ

– كَدَايَةٌ гадойлик, тиланчилик

– كُدْيَةٌ[1] гадойлик

– كُدْيَةٌ[2] *кўп.* كُدًى мисранг лўм, ричаг

ذَا *қар.* كَذَا

I **كَذَبَ** (*u*) كِذْبٌ 1) ёлғонламоқ, ёлғон гапирмоқ; (*к. гадир*) туҳмат қилмоқ (عَلَى); 2) вожиб бўлмоқ; عَلَيْكُمُ الْحَجُّ ~ сизларга ҳаж қилиш вожиб бўлди, ◊ لَبَنُ النَّاقَةِ ~ туя сут беришдан қолди, туянинг сути қуриди; II كَذَّبَ ёлғон, тўқима деб ҳисобламоқ; рад қилмоқ; نَفْسَهُ ~ ўз-ўзига қарши чиқмоқ; مَارَآهُ ~ ўз кўзларига ишонмаслик; مَاسَمِعَهُ *ёки* أُذُنَيْهِ ~ ўз қулоқларига ишонмаслик; قَلْبِي لَمْ يُكَذِّبْنِي أَبَدًا! ~ مَا أَنْ فَعَلَ كَذَا қалбим мени ҳеч қачон алдаган эмас!; مَا у буни қилишни пайсалга солмади; أَعْمَالُهُ تُكَذِّبُ أَقْوَالَهُ унинг иши билан гапи (тили) бошқа-бошқа; IV أَكْذَبَ 1) ёлғон гапиртирмоқ; 2) ёлғончиликни фош қилмоқ; V تَكَذَّبَ 1) рад қилинмоқ; 2) (*к. гадир*) туҳмат, бўҳтон қилмоқ (عَلَى *ёки туш. к.*)

– أَكْذَبُ энг ёлғончи; مِنْ مُسَيْلِمَةَ ~ *мқл.* Мусайлима (*ўзини пайғамбар деб эълон қилган сохтакор*) дан ҳам ёлғончироқ

– أُكْذُوبَةٌ *кўп.* أَكَاذِيبُ ғайриҳаққоний, ҳақиқатдан йироқ ҳикоя, ёлғон маълумот (*хабар*); тўқима гап, уйдирма

– تَكَاذِيبُ *кўп.* уйдирмалар, тўқима гаплар

– تَكْذِيبٌ *кўп.* اتٌ — рад этиш, раддия

– كَاذِبٌ *кўп.* كُذَّبٌ 1. 1) ёлғон гапирадиган; сохтакор; 2) ёлғон, сохта, уйдирма; ~ أَمَلٌ ёлғон умидлар; ~ اسْمٌ сохта исм; 2. ёлғончи, козиб, алдамчи

– كَذَّابٌ 1. жуда ёлғончи; 2. ёлғончи, алдамчи, каззоб; مَاءُ الْـ~ *ёки* مِيَّةُ الْـ~ *кимё.* азот кислотаси

– كِذْبٌ, كَذِبٌ ёлғон, ноҳақиқат, уйдирма, кизб; أَبْيَضُ ~ беозор ёлғон, ўз жонини асраб қолиш ниятида айтилган ёлғон; بِالْـ~

сохталик билан, ёлғончилик қилиб, нотўғри равишда; ~ حَبْلُ الْـ قَصِيرٌ *мкл.* ёлғоннинг оёғи қисқа, туҳматнинг умри калта

– كَذُوبٌ = كَذُوبَةٌ

– كِذْبَةٌ ёлғон маълумот, хабар; уйдирма; (نِيسَانَ) ~ إِبْرِيلَ апрель (найсон) ҳазили

– كَذُوبٌ *кўп.* كُذُبٌ 1. сохта, ёлғон, уйдирма; 2. ёлғончи, алдамчи

– كَيْذَبَانٌ ёлғончи, алдамчи, лақиллатувчи

– كَذُوبٌ = مَكْذَبَانٌ

– مَكْذُوبٌ ёлғон, сохта; ~ خَبَرٌ ёлғон, сохта ахборот, хабар

– كَذُوبٌ = كُذُبْذُبٌ, كُذُبْذُبٌ

كَذَلِكَ *қар.* ذَا

كَدَّانٌ = كَدَّانٌ

I (كرّ) **كَرَّ**[1] (*а/у*) كَرٌّ, كُرُورٌ 1) қайтмоқ, орқага чекинмоқ; 2) (*к. гадир*) ҳужум қилмоқ, (*к. гадир қарши*) ташланмоқ, атака қилмоқ (عَلَى); 3) (*ғалтак ипини*) чуватмоқ; 4) ўтмоқ, ўтиб кетмоқ (*вақт ҳақида*); كَرَّ[2] (*а/и*) كَرِيرٌ дами тутилиб қолмоқ (*мас., ўқиётганда, ёд айтаётганда*); II كَرَّرَ 1) такрорламоқ, бошқатдан, янгидан бошламоқ; 2) тозаламоқ, (*аралашмалардан*) тозаламоқ, оқламоқ ҳайдамоқ, ҳайдаб тозаламоқ; V تَكَرَّرَ 1) такрорланмоқ, янгидан бошланмоқ; 2) тозаланмоқ; (*аралашмалардан*) тозаланмоқ, оқланмоқ

– تَكْرَارٌ такрор; кўп марталилик; ~ مِرَارًا وَ тез-тез, такрорланиб; ~ кўп марта

– تَكَرُّرٌ такрорийлик; тез-тезлилик; ~ الْإِنْتَاجِ қайта (такрорий) ишлабчиқариш

– تَكْرِيرٌ 1) такрор, такрорлаш, янгидан бошлаш; 2) тозалаш, (*аралашмалардан*) тозалаш; ҳайдаш; مَصْنَعُ ~ النِّفْطِ нефть тозалаш заводи

– كَرٌّ[1] 1) ҳужум, атака, ~ الْـ وَ الْفَرِّ ҳужум ва чекиниш; 2) ўтиш, ўтиб бориш; ~ الْأَزْمَانِ вақтнинг ўтиши; ~ الْعُصُورِ асрларнинг ўтиши, алмашиши; 3) қайтиш, чекиниш; ◊ ~ الْـ وَ الْـ بَيْنَ вақти-вақти билан, ора-сира

– كَرٌّ[2] *кўп.* كُرُورٌ арғамчи; *денг.* арқон

– كُرٌّ *кўп.* أَكْرَارٌ курр (*қумсимон н. лар ўлчови*)

– كَرَارٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ кичикина омборхона, қазноқ

– كَرَارْجِيٌّ *кўп.* كَرَارْجِيَّةٌ уйдаги иш юритувчи; омборчи

– كُرَّارِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ ғалтак; ип тўпи

– كَرَّةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ ـَـ 1) (*бир марта қилинган*) ҳужум; атака; ~ مُضَادَّةٌ (مُعَاكِسَةٌ) қарши ҳужум, контратака; 2) марта, яна; ~ أُخْرَى иккинчи марта, яна бир марта

– كَرَّةٌ[2] юз минг

– كُرَةٌ *қар.* كرو

– كُرُورٌ ўтиш, ўтиб бориш; ~ الْأَيَّامِ مَعَ вақт ўтиши билан

– كَرِيرٌ 1) (*кўкракдаги*) хириллаш; 2) тез ўқиш; нафаси оғзига тиқилиб, энтикиб ўқиш

– مُتَكَرِّرٌ такрорланиб турувчи; тез-тез бўлиб турадиган

– مَكَرٌّ жанг майдони

– مَكَرٌّ; ~ فَرَسٌ ювош от, итоаткор от

– مُكَرَّرٌ 1. 1) такрорланган; иккиланган; бис; ~ ًا такроран, яна бир марта; 2) тозаланган, (*аралашмалардан*) тозаланган; 2. *шунингдек:* ~ الْعَدَدُ *мат.* каррали сон

كَرَاجٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ гараж

كَرَافَتَةٌ *кўп.* كَرَافَتَاتٌ галстук

كَرَّاكَةٌ *қар.* كرك

كَرَاكُوزٌ = قَرَهْ كُوزٌ

– كَرَاكُوزِيٌّ ўйинчоқ (қўғирчоқ) қа оид; ~ حُكُومَةٌ қўғирчоқ ҳукумат

كَرَاوِيَا *бот.* зира; зира уруғи

I **كَرَبَ** (*у*) كَرْبٌ 1) ғамгин қилмоқ, хафа қилмоқ; 2) овора қилмоқ, меҳнатга қўймоқ; юк босмоқ (*мас., ҳайвон устига*); 3) ҳайдамоқ, юмшатмоқ (*ерни экиш учун*); 4) (*бирор н. қилишни*) бошламоқ; كَرَبَ (*у*) كُرُوبٌ яқинлашмоқ, яқин қолмоқ; ~ أَنْ يَمُوتَ *ёки* ~ يَمُوتُ ўлишига оз қолди; ~ زَيْدًا الْغَمُّ Зайднинг ғам-ташвиши кучайди; IV أَكْرَبَ 1) шошмоқ, шошилмоқ; 2) хафа қилмоқ, ғамгин қилмоқ; VII انْكَرَبَ ғамгин, хафа бўлмоқ; VIII اكْتَرَبَ хафаланмоқ, дилгир бўлмоқ, ғамда қолмоқ

– كَرْبٌ[1] *кўп.* كُرُوبٌ ғам, алам; азият; азоб

– كَرْبٌ[2] карп (*балиқнинг бир тури*)

– كَرِبٌ ғамгин

– كُرْبَةٌ *кўп.* كُرَبٌ ғам, алам

– كَرُوبٌ *кўп.* كَرُوبُونٌ *дин.* (*христианларда*) олий мартабали фаришта

– كَرُوبٌ = كَرُوبِيُّونَ *кўп.* كَرُوبِيمٌ

– مَكْرُوبٌ 1) хафаланган, ғамгин, аламли; 2) қийинчиликка тушиб қолган

– مِكْرُوبٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ микроб

كُرْبَاجٌ, كِرْبَاجٌ қамчи; ~ ذَيْلُ الْـ қамчи тасмаси; ~ يَدُ الْـ қамчи дастаси

كِرْبَاسٌ *кўп.* كَرَابِيسُ кирбос (*пахтадан тайёрланган юпқа мато*)

كَرْبَعَ ютоқиб ичмоқ, катта-катта ҳўпламоқ

كَرْبَلَ ғалвирламоқ, ғалвирдан ўтказмоқ

– كِرْبَالٌ *кўп.* كَرَابِيلُ 1) ғалвир; 2) пахта титадиган дастгоҳ

كَرْبُولِيكٌ, كَرْبُولِيٌّ *кимё.* карболкали, карболка (карболкали кислота) га оид; ~ (حَامِضٌ) حَمْضٌ карболкали кислота

كَرْبُونٌ *кимё.* карбон, углерод; ~ أُكْسِيد الْـ أَوَّلُ карбон (углерод) оксиди: ис гази; ~ أُكْسِيد الْـ ثَانِي карбон (углерод) биоксиди; кўмир ангидриди; ~ غَازُ حَامِضِ الْـ карбон кислотаси гази; карбон кислотаси; ~ الْكَلْسِيُومِ кальций карбиди; ~ الْـ وَرَقُ нусха (копия) кўчирадиган (қора) қоғоз

– كَرْبُونَاتٌ *кимё.* карбонат, кўмир кислотаси тузи, ~ الْـ الْمَائِيَّةُ карбонсувлар; ~ الصُّودَا бикарбон кислотаси содаси; ~ الْبُوتَاسِيُومِ кальций карбонати;(الْكَلْسِيُومِ) ~ الْجِيرِ кальций карбонати; ~ الصُّودَلْبُومِ натрий карбонати, сода

– كَرْبُونِيٌّ карбонатга оид; ~ حَامِضُ карбонат кислотаси; غَازُ ~ حَامِضِ карбонат кислотаси гази; ~ الْفُولاَذُ الْـ карбонатли пўлат

– كَرْبُونِيلٌ карбонатли, карбонатга оид

أَكْرَتُ жингалак, қўнғироқ, фатила (*сочлар ҳақида*)

كَرِيتٌ бутун, тўла; бир (*йил, кун ва ҳ. к.*)

كَرْتَنَ (*к. нидир*) карантинга қўймоқ (عَلَى); تَكَرْتَنَ карантинда тутиб турилган бўлмоқ (*бирор к. ҳақида* - عَلَى)

كَرْتُونٌ *шунингдек* ~ الْـ وَرَقُ картон

– كَرْتُونِيٌّ картонга оид, картондан қилинган

I **كَرَثَ** (*у*) كَرْثٌ хафа қилмоқ; ташвишга қўймоқ; IV أَكْرَثَ хафа қилмоқ, ранжитмоқ; VIII اكْتَرَثَ 1) (*бирор н. ҳақида*) ғамхўрлик қилмоқ (ب ,لـ); 2) (*н. гадир*) аҳамият бермоқ (ب)

– اكْتِرَاثٌ 1) ғамхўрлик, эътибор; عَدَمُ الْـ бефарқлик, эътиборсизлик, лоқайдлик; عَدِيمُ الْـ лоқайд (*одам*); 2) эътиборлилик; قِلَّةُ الْـ безэътиборлик, юзакилик; بِقِلَّةِ الْـ эътиборсиз равишда

– كَارِثٌ ранжитадиган; ғамга соладиган

– كَارِثَةٌ *кўп.* كَوَارِثُ бахтсизлик, бало, офат; ҳалокат

– كَارِثِيٌّ ҳалокат, бало-офат келтирувчи

– كُرَّاثٌ *бот.* порей-пиёз (*япалоқ барглн пиёз нави*), кўк пиёз; ~ الدُّبِّ ёввойи пиёз

– كَرِيثٌ оғир, ғамга соладиган, азоб берадиган

– مُكْتَرِثٌ (*к. гадир, н. гадир*) эътибор берувчи (ب); غَيْرُ ~ лоқайд, бефарқ, беэътибор, эътиборсиз

I **كَرَجَ** (*а*) كَرَجٌ пўпанак босмоқ (*нон ҳақида*); V تَكَرَّجَ = I

– كَرَجٌ пўпанак

– كَرِجٌ пўпанак босган

كُرْجٌ *жам.* грузинлар

– كُرْجِيٌّ 1. грузинларга оид; اللُّغَةُ الْـ грузин тили; 2. грузин

كَرَاخِينُ, ـَـاتٌ *кўп.* كَرَخَانَةٌ 1) фабрика; 2) *халқ.* фоҳишахона

I **كَرَدَ** (*а*) كَرْدٌ тарамоқ (*жунни*); X اسْتَكْرَدَ алдамоқ, лақиллатмоқ

– كَرْدٌ жун тараш

كُرْدٌ *кўп.* أَكْرَادٌ *жам.* курдлар (*миллат*)

– كُرْدِيٌّ 1. курдларга оид; الْـ ـَـةُ курд тили; 2. курд

كَرْدَانٌ: عَمُودُ الْـ ~ *тех.* кардан вали (*машиналарда ошиқ-маъшуқсимон механизм*)

كَرْدَانٌ *кўп.* كَرَادِينُ шода, маржон

كَرْدَسَ 1) оёқни судраб босмоқ; 2) тўпламоқ, уюм қилиб йиғмоқ; تَكَرْدَسَ уюм бўлиб йиғилмоқ, қисилмоқ, зичланмоқ

– كُرْدُوسَةٌ *кўп.* كَرَادِيسُ, كَرَادِسُ отли отряд (бўлинма)

كُورْدُونٌ = كُرْدُونٌ

كَرْدِينَالٌ *кўп.* كَرَادِلَةٌ кардинал

– كَرْدِينَالِيَّةٌ *шунингдек:* ~ الْـ رُتْبَةُ кардиналлик рутбаси, унвони

I **كَرَزَ**[1] (كرز) (*и*) كَرْزٌ ваъз айтмоқ, тарғиб қилмоқ; ~ بِالْقُرْآنِ Қуръони каримни тарғиб қилмоқ; كَرَزَ[2] (*и*) كُرُوزٌ яширинмоқ, бекинмоқ, (*к. дандир*) бошпана изламоқ (إِلَى); (*бирор к. ёки н. нинг*) ёрдамига таянмоқ (إِلَى)

– كَارِزٌ 1. ваъз айтаётган; 2. ваъзхон

– كَارُوزٌ ваъзхон

– كُرْزَانٌ, كُرَّازٌ *кўп.* كَرَازِيزُ кўза

– كَرَّازٌ *кўп.* كَرَارِيزُ (*подада*) етакчи бўлган қўчқор

– كَرَازَةٌ ваъзхонлик, миссионерлик, (*диний*) тарғиботчилик

– كَرْزٌ ваъзхонлик қилиш

– كُرْزٌ *кўп.* كُرَزَةٌ, أَكْرَازٌ халта (*чўпонники*)

– كَرَزٌ *жам.* олча, олвали (*дарахти ва меваси*)

– كَرَزَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ олча, олвали

– كَرْزَةٌ *кўп.* كَرْزَاتٌ ваъз

– كَرَزِيٌّ олча (олвали) рангли

– كُرَيْزٌ *жам.* олчалар, олвалилар

(كرس) II كَرَّسَ 1) муқаддаслаштирмоқ, табаррукламоқ; бағишламоқ; 2) асос, фундамент қўймоқ; V تَكَرَّسَ муқаддаслаштирилмоқ, табаррук қилинмоқ; бағишланмоқ

– تَكْرِيسٌ муқаддаслаштириш, табаррук қилиш; бағишлаш

– كُرَّاسٌ *кўп.* كَرَارِيسُ рисола, брошюра; чиқарилиш, бўлим (*китобнинг бирор босилиб чиққан қисми*)

– كُرَّاسَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) дафтар; рисола, брошюра; 2) памфлет

– كُرْسٌ *кўп.* أَكْرَاسٌ гувалак (*мас., лой ва б. лар*)

– كُرْسِيٌّ *кўп* كَرَاسِيُّ 1) курси; стул, кресло; بِمَسَانِدَ ~ (*тирсакқўйғичли*) кресло. هَزَّازٌ ~ ҳайинчак; خَيْزُرَانٍ ~ (*қамишдан*) тўқилган кресло; الْوِلَادَةِ ~ кўзи ёриган аёл креслоси; 2) кафедра; الْآدَابِ ~ адабиёт кафедраси; 3) тахт; (*парламентдаги*) ўрин; الْمَلِكِ ~ подшо тахти; الدَّوْلَةِ ~ ёки الْمَمْلَكَةِ ~ пойтахт, бошкент; الْخِلَافَةِ ~ *тар.* халифалик пойтахти; الْأُسْقُفِ ~ епископ резиденцияси (*бошқарув идораси*); الْقَضَاءِ ~ судья (қози) нинг ўрни; ~ آيَةُ الْـ *қур.* Оятул-курси; 4) *шунингдек:* التِّمْثَالِ ~ ҳайкал пойи, пьедестал; 5) *тех.* таянч; подшипник, муфта; أُسْطُوَانَاتٍ ~ роликли (устувонли) подшипник; الْجِسْرِ ~ кўприкнинг қирғоқларидаги таянчи; الْحُوذِيَّةِ ~ аравадаги аравакаш ўтирадиган ўриндиқ; الْهَمْزَةِ ~ *грам.* ҳамза учун таянч; ◊ ~ ذَاتُ الْـ *астр.* Кассиопея

كَرُّوسَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ карета, экипаж; ~ دَرْبُ катта йўл, шоссе,

كَرِسْتَةٌ, كَرِسْتَةٌ тайёр қилинган ашёлар (*мас., этикдўз, тикувчи ва б. лар да*)

كِرْسِتَةٌ *бот.* хонаки нўхот; ◊ ~ وَ لَكِنَّ الشُّغْلَ يَكُونُ عَلَى قَدِّ الْـ *мтл.* ёвғонига яраша иши

كَرْسَعَ қочмоқ, қочиб кетмоқ

– كُرْسُوعٌ *кўп.* كَرَاسِيعُ *анат.* тирсак суягининг бармоқларга тегиб турган қисми

كَرْسَفَ тизза пайларини қирқиб қўймоқ

– كُرْسُفٌ пахта

I (كرش) **كَرَشَ** (*у*) كَرْشٌ 1) ҳайдамоқ, ҳайдаб чиқармоқ, ҳайдаб юбормоқ; 2) шоширмоқ, шошилтирмоқ; كَرِشَ (*а*) كَرَشَ буришиб қолмоқ, буришмоқ; II كَرَّشَ 1) катта қоринли, қориндор бўлмоқ; 2) юзни бужмайтирмоқ; қош чимирмоқ; V تَكَرَّشَ бужмаймоқ, буришмоқ; VII اِنْكَرَشَ 1) ҳайдалган, қувилган, қувиб чиқарилган бўлмоқ; 2) шошилмоқ, шошмоқ; X اِسْتَكْرَشَ семирмоқ, қорин қўйиб юбормоқ

(*беморлик ҳақида*); ~ـــهُ التَّغْيِيرُ унда ўзгариш бўлди; ~ـــتْهُ الأَضْرَارُ унга зарар етказилди; 5) (*к. гадир, н. гадир*) эргашмоқ, қўшилмоқ, бирлашмоқ (ب) بِالْخِدْمَةِ ~ ишга (хизматга) кирмоқ; بِعَالَمِ الْخُلُودِ ~ *маж.* ўлмоқ; 6) (*к. ёки н гадир*) эргашмоқ; (*к. ёки н. нигдир*) изидан бормоқ, ортида бўлмоқ; 7) (*н. гадир*) хос, мансуб бўлмоқ (إِلَى); 8) (*бирор н. ни*) олдин, эртароқ қилмоқ; III لَاحَقَ 1) (*к. биландир*) доим бирга бўлмоқ; 2) кузатмоқ; қувғин қилмоқ; 3) (*к. нидир*) қувиб етишга интилмоқ, (*к. гадир*) эргашмоқ; لَمْ يُلَاحِقْهُ у унга етолмасди; 4) (*к. нидир*) диққат-эътибор билан кузатмоқ; تَحْصِيلَهُ بِمُطَالَعَةِ ~ الْكُتُبِ у китоб ўқиб, ўз маълумотини ошириш билан шуғулланди; IV أَلْحَقَ 1) (*бирор н.* га) бирлаштирмоқ, қўшмоқ (ب); босиб олмоқ, забт этмоқ; 2) (*нашрга*) илова қўшмоқ; 3) (*к. гадир. мас, зарар*) етказмоқ, келтирмоқ; بِهِ خَسَائِرَ فَادِحَةً ~ кимгадир қаттиқ зарар етказмоқ; بِهِ أَضْرَارًا ~ кимгадир зарар келтирмоқ; 4) (*бирор н. учун*) иш хизматига (*командировкага*) юбормоқ (ب); ~ـــهُ بِالْمَدْرَسَةِ кимнидир мактабга жойлаштирмоқ; 5) уламоқ, тиркамоқ (*мас. вагонни паровозга* – ب); VI تَلَاحَقَ 1) жуда яқин бўлмоқ (*мас, хавф-хатар ҳақида*); 2) бир жойга тўпланмоқ; 3 бир-бирини қувиб етмоқ; бир-бири билан изма-из бормоқ; кетма-кет келмоқ; узлуксиз юрмоқ, кетма-кет бўлмоқ, юзага чиқмоқ, содир бўлмоқ; أَنْفَاسُهُ ~ тез-тез нафас олмоқ, бўғилмоқ, нафас қисмоқ; VIII الْتَحَقَ (*н. гадир*) бирлашмоқ, қушилмоқ (ب); (*н. гадир*) кирмоқ (في); (*қаергадир*) кирмоқ (ب); بِالْخِدْمَةِ ~ хизматга (ишга) кирмоқ); بِالْمَدْرَسَةِ ~ мактабга (ўқишга) кирмоқ; بِالرَّفِيقِ الأَعْلَى ~ *ёки* بِجِوَارِ رَبِّهِ ~ вафот этмоқ; X اسْتَلْحَقَ 1) жалб қилмоқ, қўшиб олмоқ; ~ـــهُ *юр.* кимнидир ўз ўғли деб эълон қилмоқ; 2) қўшилмоқ

– الْتِحَاقٌ қўшиб олиш, қўшилиш, кириш; ~ـــ شُرُوطُ الْـ (*мас, университетга*) кириш шартлари

– إِلْحَاقٌ 1) қўшиш, қўшиб қўйиш; забт қилиб қўшиб олиш; 2) хизмат сафари (*командировка*)га жўнатиш; ~ـــاً لِـ... (*бирор н. га қилинган*) қўшимча

– إِلْحَاقَاتٌ *кўп.* 1) забт қилиб қўшиб олинганлар; 2) қўшимчалар

– لَاحِقٌ 1) етиб олаётган; 2) қўшилаётган; 3) ортда келаётган, кечикиб келаётган, кечки; ~ـــ النَّشَاطُ кейинги фаолият; ~ وَسَابِقٌ а) собиқ ва ҳозирги; б) халаф ва салаф; ~ـــاً وَسَابِقاً олдин ва бундан кейин; 4) *тар.* مُعَاوِيَةُ بْنُ أَبِي سُفْيَانَ *минган отнинг номи*

– لَاحِقَةٌ *кўп.* لَوَاحِقُ 1) иккинчи даражали *ёки* бирор нарса билан боғлиқ ҳолат; 2) кейин пайдо бўлган воқеа; سَوَابِقُهُ وَلَوَاحِقُهُ унинг бошига тушган олдинги ва кейиги воқеалар; 3) *грам* суффикс

– لَحَاقٌ 1) етиб бориш (олиш); 2) (*бирор н. билан*) қўшилиш, бирлашиш (ب)

– لَحَاقٌ = لَحْقٌ

– لَحَقٌ 1) илова (*мас журналга*); 2) *жам.* ҳамфикрлар, тарафдорлар

– مُتَلَاحِقٌ 1) бир-бирини қувиб етувчи; бир-бирининг орқасидан яқин эргашиб келаётган; 2) кетма-кет чиқаётган (*мас. китоб*); رَدَّدُوهُ فِي أَنْفَاسٍ ~ـــةٍ улар ҳансираб буни такрорладилар

– مُلَاحَقَةٌ таъқиб қилиш, қувғин қилиш

– مُلْحَقٌ 1. 1) қўшиб олинган; забт қилиб қўшиб олинган; 2) қўшилган, қўшимча; 2. 1) атташе (*дипломатик ходим*); вакил, агент; ~ بَحْرِيٌّ ~ денгиз атташеси; ~ تِجَارِيٌّ савдо атташеси; ~ ثَقَافِيٌّ маданият атташеси; ~ صُحُفِيٌّ матбуот атташеси; ~ عَسْكَرِيٌّ ҳарбий атташе; 2) *кўп.* ـــاتٌ مَلَاحِقُ, қўшимча, илова (*мас, газета, журнал ва б*); الدِّهَانُ وَمُلْحَقَاتُهُ бўёқлар ва қўшимча материаллар; الرُّومَاتِزْمُ وَمُلْحَقَاتُهُ ревматизм ва у билан боғлиқ оғриқлар; *кўп.* қўшиб олинган ерлар, аннекциялар

– مُلْحَقٌ *кўп.* مَلَاحِقُ الإِمْتِحَانَاتِ مَلَاحِقُ takрорий (қўшимча) имтиҳонлар, қайта имтиҳон ўтказиш

لَحْلَحَ 1) кетмоқ, узоқлашмоқ; 2) (*ўз ўрнидан*) жилдирмоқ, сурмоқ (عَنْ); 3) серҳаракат, тиниб-тинчимас бўлмоқ; تَلَحْلَحَ жилмоқ, жилдирмоқ

– لَحْلَاحٌ *бот.* қушқўнмас (*тиконли ёввойи ўсимлик*)

– لَحْلَحَةٌ серҳаракатлилик, тиниб-тинчимаслик

– مُلَحْلِحٌ серҳаракат, тиниб-тинчимас

لَحَمَ (لحم) (*у*) لَحْمٌ 1) тузатмоқ, ямамоқ; бирлаштирмоқ, маштирмоқ, боғламоқ; الْحَدِيثَ ~ суҳбатни тўхтатмай турмоқ, гапни гапга улаб турмоқ; 2) (*металлни*) ямамоқ, кавшарламоқ; ~ بِالْكَهْرَبَاءِ электрда кавшарламоқ; 3) битмоқ (*яра, жароҳат ҳақида*); 4) ич-этини еб қўймоқ (*нафрат, ғазаб ҳақида*); 5) *мажз.* ўлдирилмоқ; الْعَظْمَ ~ суякни тозаламоқ, суякдаги гўштларни ажратмоқ; لَحْمُهُ (*у*) لَحَامَةٌ сергўшт, семиз бўлмоқ; لَحِمَ (*а*) لَحَمٌ 1) этхўр бўлмоқ, йиртқич бўлмоқ; 2) (*бирор н.* га) ёпишмоқ (ب); (*қаердадир*) қолмоқ (ب); 3) гўштни яхши кўрмоқ; III لَاحَمَ 1) бирлаштирмоқ; 2) (*металлни*) ямамоқ, кавшарламоқ; IV أَلْحَمَ = III; الثَّوْبَ ~ газламани тўқимоқ; أَلْحِمْ مَا أَسْدَيْتَ *мкл.* ишни бошладингми-охирига етказ! (*сўзма-сўз:* ўришини тортдингми-газламасини тўқи!); VI تَلَاحَمَ 1) уришмоқ, жанг қилмоқ; 2) бирлашмоқ, улашмоқ; жипслашмоқ; қўшилмоқ; пайваста бўлмоқ; 3) ямамоқ, кавшарламоқ (*металл ҳақида*); VIII الْتَحَمَ 1) (*к. биландир*) урушмоқ, жанг қилмоқ (ب); 2) бирлашмоқ, уланмоқ; 3) битмоқ (*жароҳат ҳақида*); уланиб тузалмоқ (*суяк ҳақида*)

– الْتِحَامٌ 1) уруш, жанг; яқин олишув, қўл билан олишув; 2) алоқа; бирлашиш; пайваста бўлиш; битиб кетиш; 3) *физ.* уланиш кучи

– تَلَاحُمٌ 1) жанг, уруш; 2) бирлашиш, уланиш; 3) ямаш, пайвандлаш, кавшарлаш; ямоқ, пайванд, кавшар; 4) жипслик, бирлашганлик

– لَاحِمٌ 1 لَاحِمَةٌ, *кўп.* لَوَاحِمُ этхўр, ваҳший

– لَاحِمٌ[2] кавшарловчи, пайвандчи

– لِحَامٌ[1] ямоқ, пайванд, кавшар; ямаш, пайвандлаш, кавшарлаш; بِالْكَهْرَبَاءِ ~ электрпайвандлаш, электркавшарлаш; ~ ذَاتِيٌّ بِالْأُوكْسِيجِينِ кислородли пайвандлаш (кавшарлаш); ~ وَابُورُ الـــ ямаш лампаси;

– لِحَامٌ[2] *кўп.* ـــَـاتٌ кавшарлаш, пайвандлаш учун ишлатиладиган металл қоитшма

– لَحَّامٌ 1) қассоб, гўшт сотувчи; 2) пайвандчи, кавшарловчи; ~ كَهْرَبَائِيٌّ элетрпайвандчи; ~ أُوكْسِيجِينِ وَكَهْرَبَاءِ электргазпайвандчи

– لَحَامَةٌ сергўштлик, семизлик

– لِحَامَةٌ пайвандчилик касби; عَامِلُ الـــ пайвандчи, кавшарловчи

– لَحَمٌ сергўшт, семиз

– لَحْمٌ[1] ямаш, пайвандлаш, кавшарлаш; ямоқ, пайванд, кавшар

– لَحْمٌ[2] *кўп.* لُحُومٌ, لِحْمَانٌ 1) гўшт, тана, лаҳм; أَبْيَضُ ~ оқ гўшт (*қуш, балиқ ва б.лар гўшти*); أَحْمَرُ ~ ёғсиз гўшт; الْبَقَرِ ~ *ёки* الـــ мол гўшти; الْجَمَلِ ~ туя гўшти; الْجَامُوسِ ~ буйвол гўшти; الْخِنْزِيرِ ~ чўчқа гўшти; الْعِجْلِ ~ *ёки* الْعَجَالِيُّ الـــ бузоқ гўшти; الضَّأْنِ الْغَنَمِ ~ *ёки* қўй гўшти; مَفْرُومٌ ~ қийма; اللُّحُومُ الْمُقَدَّدَةُ консерва қилинган гўшт; اللُّحُومُ الْمُثَلَّجَةُ музлатилган гўшт; 2) (*меванинг*) гўшти, эти; الْأَسْنَانِ ~ милклар; وَدَمًا ـــًـا ~ қони ва эти бўйича; أَكَلَ ـــَـهُ عَلَى بَطْنِهِ ~ ҳеч нарса емай; оч-наҳор; оч қоринг

– لَحْمَةٌ 1) гўшт парчаси, бўлаги; 2) бирлаштирадиган, ёпиштирадиган моддалар (*елим, оҳак ва б. лар*); 3) арқоқ (*газламада*)

– لُحْمَةٌ 1) қариндошлик, қариндош; 2) арқоқ (*газламада*); ~ الْبَازِي тутилган овдан лочинга берилган улуш

– لَحْمِيٌّ гўштли

– لَحْمِيَّةٌ *мед.* грануляция (*битган ярадаги янги эт*); бегона эт (*узоқ битмаган ярада ҳосил бўлади*); الْأَنْفِ ~ *мед.* аденоидлар (*бурун ичидаги касаллик*); الْعَيْنِ ~ *анат.* конюктива (*кўз жилди, шилимшиқ пардаси*)

– لَحْمِيَّاتٌ *кўп.* этхўрлар, ваҳший ҳайвонлар

– لَحِيمٌ = لَحِيمٌ

– مُتَلَاحِمٌ жипслашган, ўланган

– مُتَلَاحِمَةٌ бошдаги этга теккан, лекин тўқималарга етиб бормаган яра

– مُلْتَحِمَةٌ *анат.* конюктива (*қар.* لَحْمِيَّةٌ); 2) *шунингдек:* الْتِهَابُ الـــ *мед.* конюктивит (*кўз жилди, шиллиқ пардасининг яллиғланиши*)

– مُلْحَمٌ кийим турларидан бири

– مَلْحَمَةٌ *кўп.* مَلَاحِمُ 1) қонли жанг, уруш, қирғин; 2) *адаб.* қаҳрамонлик достони, эпопея

– مَلْحَمِيٌّ қаҳрамонликка, эпопеяга оид

I (لحن) **لَحَنَ** (*а*) لَحْنٌ 1) нотўғри, ғализ гапирмоқ; грамматик қоидаларга риоя қилмай (*асосан, отлардаги флексия келишикларига амал қилмай*) гапирмоқ; 2) (*к. гадир*) пичинг, ишора қилмоқ (ـــلِ); 3) бирор оҳангга солиб, хиргойи қилган каби ўқимоқ; 4) бошқаларга билдирмай (*к. гадир*) тушунарли қилиб гапирмоқ (ـــلِ); لَحَنَ (*а*) لَحْنٌ тушунмоқ; II لَحَّنَ 1) музикага солмоқ, гармониялаштирмоқ; فِي الْقِرَاءَةِ ~ қироат билан ўқимоқ; 2) куйламоқ, ашула айтмоқ; 3) хато қилмоқ, хатога йўл қўймоқ; III لَاحَنَ ишора қилмоқ, тушунишга ишора қилмоқ

– تَلْحِينٌ *кўп.* تَلَاحِينُ 1) гармонизациялаш, мусиқий композиция; 2) маълум интонация билан ижро этиш; 3) куйлаш

– لَحَّانٌ мн لَحَّانَةٌ грамматик қўшимчаларни бузиб гапирувчи

– لَحْنٌ *кўп.* أَلْحَانٌ, لُحُونٌ 1) товуш, овоз (*музиканики*); 2) оҳанг, куй, мотив; тон, мелодия; السَّيْرِ ~ *муз.* марш; جَنَائِزِيٌّ ~ мотам марши; 3) нутқ, тил, шева; لَيْسَ هَذَا بِـــِـهِ у бундақа гапирмайди; 4) хато, нотўғри (*гапириш ҳақида*); 5) мазмун, моҳият, мағз; الْقَوْلِ ~ айтилган фикрнинг моҳияти, мағзи

– لَحِنٌ тушунадиган, фаросатли

– مَلَاحِنُ *кўп.* шартли тил, арго

– مُلَاحَنَةٌ *кўп.* ـــَـاتٌ арго (*бирор гуруҳнинг ўзигина тушунадиган шартли тил*) жаргон

– مُلَحِّنٌ 1) бастакор, композитор; 2) қўшиқчи, ашулачи

– مَلْحُونٌ нотўғри

I (لحو) **لَحَا** (*у*) لَحْوٌ *ёки* لَحَى (*а*) لَحْيٌ 1) пўстни арчмоқ; 1) таъна қилмоқ, койимоқ; сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ; III لَاحَى 1) ўзаро урушмоқ, жанжаллашмоқ, бир-бирини койимоқ, айбламоқ; тортишмоқ, даҳанаки жанг килмоқ; 2) курашмоқ; V تَلَحَّى саллани иякнинг пастидан ўтказиб ўрамоқ; VI تَلَاحَى ўзаро сўкишмоқ; VIII الْتَحَى соқолли бўлмоқ, соқол қўйиб юбормоқ

– أَلْحَى соқолли

– لِحَاءٌ[1] кўп أَلْحِيَةٌ, لُحِيٌّ пўст, жилд, пўчоқ; الْمُخِّ ~ الـــ бош мия пўсти

– لِحَاءٌ[2] бир-бирини айблаш, сўкишиш; ўзаро тортишиш

– لَحْيٌ[1] танбеҳ, сўкиш, ҳақорат

– لَحْيٌ[2] *кўп.* أَلْحٍ, لُحِيٌّ 1) жағ; 2) иак, энгак

– لَحْيَانِيٌّ = أَلْحَى

– لِحْيَةٌ *кўп.* لِحًى соқол; فِي يَدِهَا ~ـــُـهُ *маж.* хотини унинг бурнидан ип ўтказиб етаклаб юради

– مُلَاحَاةٌ 1) жанжал, сўкишиш; тортишув; 2) кураш

– مُلْتَحِمُ = أَلْحَى النَّسْرُ الـ~ـى: *зоол.* калхат, қорақуш

لَحْوَسَ яламоқ

– لَحْوَسَةٌ ялаш

(لخّ) IV أَلَخَّ (*бирор н. ни*) андимоқ, суриштириб билмоқ (عَلَى)

لَخْبَطَ аралаштирмоқ, аралаштириб юбормоқ; чигаллаштирмоқ, тартибсиз ҳолга келтирмоқ, бузмоқ; تَلَخْبَطَ аралашмоқ, аралаштириб юборилмоқ, чигаллаштирилмоқ, тартибсиз ҳолга келмоқ; бузилмоқ

– لَخْبَطَةٌ 1) чигаллик, аралаш-қуралашлик, тартибсизлик, бузилиш; 2) тиқилинчлик, тирбандлик

– مُلَخْبَطٌ тартибсиз, аралаш-қуралаш, чалкаш; 2. дурагай, хашаки, чатишма

(لخص) II لَخَّصَ қисқача баён қилмоқ, моҳиятни баён қилмоқ, умумлаштирмоқ, якунламоқ; نَتَائِجَ الْعَمَلِ ~ иш якунини чиқармоқ; V تَلَخَّصَ 1) қисқача баён қилинмоқ, умумлаштирилмоқ, якунланмоқ; 2) (*бирор натижага*) олиб келинмоқ (فِي)

– تَلْخِيصٌ қисқача баён, қисқача мазмунни бериш

– مُلَخَّصٌ 1. қисқача баён қилинган; 2. қисқача баён қилиш, моҳият; ахборот, маълумотнома (справка)

– مُلَخَّصَاتٌ *кўп.* кўчирмалар, иқтибослар (цитаталар)

لَخْفَنَ чалкаштирмоқ, бузмоқ

لَخْفَةٌ *кўп.* لِخَافٌ ясси оқ тош

لُخْفُوقٌ *кўп.* لَخَافِيقُ ин, уя, ғор

لَخْلَخَ қимирлатмоқ, бўшаштирмоқ; تَلَخْلَخَ қимирлатилмоқ, бўшаштирилмоқ, бўшашмоқ

– لَخْلَخَانِيَّةٌ *фон.* ёмон арабча талаффуз

– لَخْلَخَةٌ 1) қимирлатиш; 2) қимирлашлик, бўшашганлик, кучсизланганлик

I لَخَمَ (*у*) لَخْمٌ 1) шапалоқламоқ; 2) қийин ҳолга солмоқ, қисиб қўймоқ, қисмоқ, сиқмоқ

– لُخْمٌ акула

– لَخَمَةٌ, لُخَمَةٌ 1. лапашанг, эпсиз, қўпол; 2. ландовур, бўшанг, мағзава (*одам*)

– لَخْمَةٌ 1) бетоблик; ~ ч унинг тоби йўқ; 2) ўзини йўқотиб қўйиш, саросималик, қийинчилик, мушкуллик

– لُخَمِيَّةٌ лапашанглик, эпсизлик, ландовурлик

– لَخْمِيُّونَ: الـ~ *тар.* Лахмийлар

I لَخِنَ (*а*) لَخَنٌ сасимоқ, ёқимсиз ҳид чиқармоқ

– أَلْخَنُ мн لَخْنَاءُ *кўп.* لُخْنٌ 1) сассиқ, сассиқ ҳид таратувчи; 2) хатна қилинмаган

I لَدَّ (*а/у*) لَدٌّ ёвлашмоқ, урушмоқ; II لَدَّدَ 1) (*к. нидир*) шарманда қилмоқ, айбламоқ (ب); 2) саросимага солмоқ, хижолат қилмоқ; III لَادَّ 1) қаттиқ ёвлашмоқ, қаттиқ уришмоқ; 2) (*к. нидир*) ҳимоя қилмоқ (عَنْ); V تَلَدَّدَ (*ҳайратдан*) қотиб қолмоқ, эсни йўқотмоқ

– أَلَدُّ *мн.* لُدَّاءُ *кўп.* لُدٌّ ашаддий (*душман ҳақида*)

– لَدَدٌ ёвлик, ашаддий душманлик, ашаддийлик

– أَلَدُّ = لَدُودُ, لَدِيدُ

– مُلَادَّةٌ қаттиқ, ашаддий душманлик

I لَدَغَ (*а*) لَدْغٌ, تَلْدَاغٌ 1) тишламоқ, қопмоқ, чақмоқ; 2) аччиқ гапирмоқ, заҳар қўшиб гапирмоқ; 3) чучук тил бўлиб гапирмоқ; V تَلَدَّغَ чақилган, қопилган, тишланган бўлмоқ

– أَلْدَغُ *мн.* لُدْغٌ *кўп.* لُدْغٌ чучук тил бўлиб гапирадиган

– لَدْغَةٌ 1) чақиш, ниш уриш; 2) чучук тиллилик

– لَدِيغٌ *кўп.* لُدَغَاءُ, لَدْغَى чақилган (*ари, илон ва б. лар томонидан*)

– مَلْدُوغٌ чақилган, тишланган, қопилган

I لَدَمَ (*и*) لَدْمٌ тарсаки (шапалоқ) солмоқ, шовқин-сурон чиқариб урмоқ

– لَدْمٌ тош ва шунга ўхшаш нарсанинг ерга тушгандаги овози

– مِلْدَمٌ: ~ أُمُّ *мед.* безгак, иситма

I لَدُنَ (*у*) لَدَانَةٌ, لُدُونَةٌ 1) юмшоқ, мулойим бўлмоқ; 2) эгилувчан, букилувчан, юмшоқ бўлмоқ; II لَدَّنَ юмшатмоқ, мулойимлаштирмоқ; الْخُبْزَ ~ нонни (*печкада*) қуритмоқ, қотирмоқ

– لَادِنٌ, لَادَنٌ ладан, муаттар бўй таратувчи смола (елим)

– لَدَانَةٌ 1) юмшоқлик; 2) эластиклик, эгилиб-букилувчанлик

– لَدْنٌ *кўп.* لُدْنٌ, لِدَانٌ 1) юмшоқ, мулойим; 2) эластик, эгилиб-букилувчи

– لَدُنْ 1) ...да, ...дан, томонидан, ...ган ҳолда; مِنْ لَدُنِّي менда; ~ـهُ кимдандир, кимнингдир томонидан; 2) ...ганда, ...ган бўлса, ...ган вақтда; ... ~ مَا ذَا تَفْعَلُ أَنْتَ ...ган вақтда сен нима қиласан?; ~ مِنْ ...ган вақтдан бошлаб

– لَدُنِّيٌّ мистик, мистикага оид, ғайритабиий, ғайриоддий

– لُدُونَةٌ = لَدَانَةٌ

– لَدِينَةٌ *кўп.* لَدَائِنُ пластик модда, пластмасса

لَدَّةٌ *қар.* ولد

لَدَى 1) олдида, қошида; لَدَيْهِ унда (*бор*), унда; لَدَيْنَا бизда (*бор*), бизда; لَيْسَ (مَا) لَدَيَّ وَقْتٌ менинг вақтим йўқ, менда вақт йўқ; 2) ...ганда, ...ган вақтда; ... ~ وُصُولِي إِلَيْهِ мен унинг олдига келганимда, ...; мен унинг олдига келган вақтда, ...

I لَذَّ (*и/а*) لَذَاذَةٌ ёқимли, лаззатли, лазиз, ширин, қойил қолдирадиган бўлмоқ; II لَذَّذَ лаззат бермоқ, лаззатлантирмоқ, роҳатлантирмоқ; V تَلَذَّذَ лаззатланмоқ, роҳатланмоқ; VIII الْتَذَّ

лаззат олмоқ; X اِسْتَلَذَّ лаззатли деб ҳисобламоқ; лаззатланмоқ

– لَذٌ[1] = لَذِيذٌ

– لَذٌّ[2] уйқу

– لَذَاذَةٌ *кўп.* لَذَائِذُ лаззатлилик, ёқимлилик

– لَذَّةٌ *кўп.* ـَـاتٌ лаззатлилик, ёқимлилик; лаззат, ҳузур; *кўп.* малоҳатлар, жозибалар, ажойибликлар

لَذِيذٌ *кўп.* لِذَاذٌ 1) *лазиз,* лаззатли, ёқимли, ширин, қойил қолдирадиган; 2) нафис, гўзал, латиф, жозибали

– مَلَذَّةٌ *кўп.* مَلَاذُّ, ـَـاتٌ лаззатланиш, роҳатланиш; роҳат, лаззат; *кўп.* малоҳатлар, жозибалар, ажойибликлар

I لَذَبَ (*а*) لَذْبٌ (*н. гадир*) ёпишмоқ, қапишмоқ (ب)

– لَاذِبٌ ёпишиб олган, қапишиб олган; ~ ضَرْبَةُ *қар.*

I لَذَعَ (*а*) لَذْعٌ 1) чақмоқ, тишламоқ; بِلِسَانِهِ ~ـَـ *маж.* тил билан (*к. нидир*) чақмоқ; 2) куйдирмоқ, ёндирмоқ

– لَاذِعٌ 1) куйдирувчи; жуда иссиқ ҳароратли; 2) ёндирувчи; 3) ўткир, кескир, санчиб оладиган; ~ نَقْدٌ ўткир танқид; عِبَارَاتٌ ~ـَـةٌ санчиқли гаплар

– لَاذِعَةٌ *кўп.* لَوَاذِعُ 1) чақиш, санчиш; 2) *кўп. шунингдек:* لَوَاذِعُ الْكَلَامِ санчиқли, ўткир, куйдирувчи гаплар

– لَذَّاعٌ санчиқли, ўткир, куйдирувчи

– لَذْعَةٌ *кўп.* لَذَعَاتٌ 1) чақиш; 2) куйдириш

I لَذَى (*а*) لَذًى 1) (*к. гадир, н. гадир*) ёпишмоқ, хиралик қилмоқ (ب); 2) (*н. гадир*) қаттиқ амал (*риоя*) қилмоқ (ب)

لَذَى الَّذِي *кўп.* الَّذِينَ *қар.* أَ

I لَزَّ (*а/у*) لَزٌّ 1) (*н. биландир*) бирлаштирмоқ, боғламоқ, маҳкамламоқ (ب); 2) жипс, зич қилмоқ (*мас, ёзилаётган ҳарфларни*); ~ الْحُرُوفَ майда ҳарфлар билан зич қилиб ёзмоқ; 3) (*н. гадир*) мажбур қилмоқ (إِلَى); II لَزَّزَ қаттиқ жипслаштирмоқ, зичлаштирмоқ; III لَازَّ ўзаро жипс бўлмоқ, бир-бирига киришиб кетмоқ; VIII الْتَزَّ (*к. нингдир, н. нингдир*) изидан бормоқ; эргашмоқ; (*к. ёки н. биландир доим*) бирга бўлмоқ (ب)

– لَزَّةٌ, لَزَّازٌ ҳалқали бурама мих (винт)

– لِزَازٌ, لَزَزٌ зулфин, лўкидон

– مُلَزَّزٌ зич, жипс, қалин, қуюқ

– مَلْزُوزٌ зич, жипс; ~ـَةٌ صُفُوفٌ жипс сафлар

I لَزَبَ (لزب) (*у*) لُزُوبٌ 1) қаттиқ бўлмоқ, савлатли бўлмоқ; 2) (*н. гадир*) қапишган, ёпишган бўлмоқ (ب); لَزِبَ (*а*) لَزَبٌ 1) боғланган, бирлаштирилган бўлмоқ; 2) еқимли (кўркам) бўлмоқ

– لَازِبٌ 1) қаттиқ, савлатли; 2) қапишган, ёпишган; ~ ضَرْبَةٌ мутлақо зарур, керак бўлган, узвий; ~ صَارَ ضَرْبَةً мутлақо зарур, керак бўлмоқ

– لَزِبٌ оз, аҳамиятсиз, муҳим бўлмаган

– لَزْبَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ, لِزَبٌ бало, офат; ғам-алам

I لَزَجَ (*а*) لَزَجٌ, لُزُوجٌ (*н. гадир*) ёпишмоқ, ёпишиб олмоқ, елимлик қилмоқ (ب); V تَلَزَّجَ ёпишқоқ, елимли бўлмоқ

– لَزَاجَةٌ ёпишқоқлик, ёпишишлик

– لَزِجٌ ёпишқоқ, елимлик

– لُزُوجَةٌ ёпишқоқлик, елимлилик

I لَزِقَ (*а*) لُزُوقٌ (*н. гадир*) ёпишмоқ, ёпишиб олмоқ, елимлик қилмоқ (ب); II لَزَّقَ 1) ёпиштирмоқ, елимламоқ; لَهُ ~ *жонли т.* (*н. нидир*) бирор кимга (*қўярда-қўймай*) бермоқ, ўтказмоқ, қўлига тутқазмоқ; 2) (*бирор н.* ни) қўл учида қилмоқ; IV أَلْزَقَ елимламоқ; VI تَلَازَقَ бир-бирига елимламоқ, ёпиштирилмоқ; VIII الْتَزَقَ (*бирор н. га*) ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ (ب)

– لَازُوقٌ ҳўл латта (*бинт*); пластир

– لَزَاقٌ ёпиштирадиган модда (*мас, цемент каби*)

– لَزِقٌ ёпишқоқ, елимсимон

– لَزْقٌ қўшни, ёнма-ён, туташ; بَيْتِهِ ~ بَيْتِي менинг уйим унинг уйига туташ

– لَزْقَةٌ *кўп.* لُزَقٌ ҳўл латта (бинт), пластир; خَرْدَلٍ ~ горчичник, хандал

– لَازُوقٌ = لَزُوقٌ

– لَزِيقٌ ـِـي ёнгинамда

I لَزِمَ (*а*) لُزُومٌ 1) лозим (керак, зарур) бўлмоқ; يَلْزَمُهُ هَذَا الشَّيْءُ бу нарса унга керак; 2) керак (лозим) бўлмоқ; كَمَا يَلْزَمُ лозим бўлганидай; 3) ажралмаслик, ажралмаган бўлмоқ; 4) (*н. дандир*) мантиқан келиб чиқмоқ (عَنْ); الْأَدَبَ ~ одоб сақламоқ; بَيْتَهُ ~ *ёки* ~ دَارَهُ уйда қолмоқ (ўтирмоқ); حُدُودَهُ ~ (*одоб*) доирасидан чиқмаслик; الصَّمْتَ ~ жимлик (сукут) сақламоқ; ~ـَـهُ الْفِرَاشَ кўрпада ётмоқ (*бемор ҳақида*); II لَزَّمَ 1) ижарага бермоқ; 2) пудратга бермоқ; 3) гаровга бермоқ; III لَازَمَ 1) (*к. дандир*) ажралмас бўлмоқ, доимо (*к. нингдир*) ёнида бўлмоқ, (*к. гадир*) доимо эргашмоқ, эргашиб юрмоқ, (*к. нингдир*) ёнида доимо юрмоқ; ~ـَـهُ مُلَازَمَةَ الظِّلِّ لِصَاحِبِهِ кимгадир соядай эргашиб юрмоқ; 2) (*н. гадир*) хос бўлмоқ (لِـ); 3) (*н. гадир*) риоя (амал) қилмоқ; ~ الصَّبْرَ сабр қилмоқ, чидамоқ; ~ الصَّمْتَ сукут сақламоқ; IV أَلْزَمَ (*н. нидир*) мажбурият қилиб юкламоқ, вазифа қилиб бермоқ (ب) (*н. учундир*) масъул қилмоқ (ب);. (*н. гадир*) мажбур қилмоқ (ب); ~ـَـهُ الْفِرَاشَ кимнидир кўрпага михлаб қўймоқ (*касаллик ҳақида*); VI تَلَازَمَ ўзаро жипс боғланган бўлмоқ, бирбиридан ажралмас бўлмоқ; VIII الْتَزَمَ 1) бирор нарсани ўзи учун мажбурий деб ҳисобламоқ; (*бирор н. га*) риоя қилмоқ; амал қилмоқ; سِيَاسَةَ الْحِيَادِ ~ қўшилмаслик сиёсатига

амал қилмоқ; أَمَاكِنَهُم ~ ўз жойларида қолмоқ; 2) (*бирор фикрга*) қўшилмоқ; 3) амал (риоя) қилмоқ; الأَدَبَ ~ одоб қоидаларига риоя қилмоқ; الاحْتِرَاسَ ~ эҳтиёткор бўлмоқ; الْكِتْمَانَ ~ сир сақламоқ; 4) (*бирор ишни*) ўз зиммасига олмоқ; (*ўз устига*) мажбурият (пудрат) олмоқ; концессия (*давлат билан бирор ишни бажариш ҳақида шартномани бажаришни*) олмоқ; X اسْتَلْزَمَ 1) лозим деб ҳисобламоқ, талаб қилмоқ; (*бирор н. нинг*) заруратини келтириб чиқармоқ

– اِلْتِزَامٌ *кўп.* ـَـات 1) зарурат; бурч; 2) масъулият; 3) мажбурият, контракт, концессия

– إِلْزَامٌ мажбурият қилиб юклаш; мажбур қилиш

– إِلْزَامِيٌّ 1) мажбурий; التَّعْلِيمُ الـ~ мажбурий таълим; 2) мажбур қилинган

– إِلْزَامِيَّةٌ мажбурийлик

– تَلْزِيمٌ 1) киракашликка, ижарага бериш; 2) пудратга бериш; 3) гаровга бериш

– لاَزِمٌ 1. 1) лозим бўлган, керакли, зарур; ~ غَيْرُ лозим (керак) бўлмаган, ортиқча; قَدْ أَصْبَحَ مِنَ الـ~ اللاَّزِبِ أَنْ . . . (*фалон н. ни*) қилиш жуда зарур бўлиб қолди; ~ كَالـ лозим бўлганидай; 2) *грам.* ўтимсиз (*феъл*); 2. *халқ.* афтидан, кўринишича; билишимча; حَضْرَتَكْ ~ تَعْرُفُه сиз, афтидан, уни биласиз шекилли

– لاَزِمَةٌ *кўп.* لَوَازِمُ 1) лозим нарсалар, воситалар; таркибий қисм; 2) (*машина*) қисми, детали; 3) (*оғзаки нутқ ичида келадиган*) ортиқча (*паразит, гапга алоқаси йўқ*) сўз; 4) *муз.* нақорат

– لَزَامٌ 1. зарурий, керакли; 2. зарурат

– لَزْمَةٌ *кўп.* لَزَمَاتٌ музд, бадал

– لُزُومٌ зарурат, эҳтиёж, талаб; عِنْدَ الـ~ лозим бўлиб қолган; حَسَبَ الـ~ заруратга қараб

– لَوَازِمَاتٌ *кўп.* 1) барча зарур, лозим нарсалар, (*бирор н.* учун) лозим бўлган нарсалар; асбоб-қуроллар; الـ~ الْمَكْتَبِيَّةُ идора (*канцелярия*) ашёлари; 2) вазифалар

– مُلاَزِمٌ[1] 1) зарур, зарурий, лозим бўлган; мустаҳкам алоқадаги, узвий; 2) (*н. гадир*) хос бўлган (ـِـل); 3) ажралмас, ажралмайдиган, кетмайдиган; الْفِرَاشِ ~ кўрпадан туролмайдиган (*бемор ҳақида*)

– مُلاَزِمٌ[2] кичик офицер (зобит); лейтенант; أَوَّلُ ~ катта лейтенант; ثَانٍ ~ кичик лейтенант

– مُلاَزَمَةٌ 1) чекинмаслик, бўлинмаслик; 2) ажралмаслик, хослик; 3) доимий эргашиш; бирга юриш; 4) саботлилик; ғайрат

– مُلْتَزِمٌ 1) мажбур бўлган; 2) (*бирор н. учун*) масъул бўлган

– مُلْتَزِمٌ 1) концессионер; 2) аҳолидан солиқ ундириб олиш ҳуқуқини сотиб олган одам

– مِلْزَمٌ, مِلْزَمَةٌ *кўп.* مَلاَزِمُ *тех.* исканжа, тахтакач

– مَلْزَمَةٌ *кўп.* مَلاَزِمُ чиқарилиш (*босилаётган асарнинг қисми*)

– مَلْزُومٌ 1) мажбур бўлган; 2) (*бирор н. учун*) масъул бўлган

– مَلْزُومِيَّةٌ 1) вазифа; 2) масъулият

لَسَّا (*сўзи қисқартмаси*) *хал к.* ҳали, ҳалигача, ҳозиргача, ҳозирча ...мади

لَسْتِيكٌ, لَسْتِكٌ каучук, резинка

I لَسَعَ (*а*) لَسْعٌ 1) чақмоқ, тишламоқ; بِلِسَانِهِ ~ـُـه кимгадир аччиқ гапирмоқ, кимнидир ўйиб олмоқ; عَلْقَةً ~ـُـه кимнидир адабини бермоқ; ظَهْرَ الْحِصَانِ بِسَوْطِه ~ у отни қамчи билан савалади; 2) аччиқ, аччиқ гапирмоқ, ўйиб-ўйиб олмоқ

– لاَسِعٌ 1) чақувчи, чақадиган; 2) ўткир, аччиқ

– لَسْعَةٌ *кўп.* لَسَعَاتٌ чақиш

– لَسِيعٌ чақилган, қопилган

– لَسِيعٌ = مَلْسُوعٌ

I لَسِقَ (*а*) لَسَقٌ = لُصُوقٌ (*а*) لَصِقَ; IV أَلْسَقَ = أَلْصَقَ; VIII الْتَسَقَ = الْتَصَقَ

– لِصْقٌ = لِسْقٌ

– لَصِيقٌ = لَسِيقٌ

I لَسَمَ (*у*) لَسْمٌ, لِسَامٌ татиб кўрмоқ, мазасини татиб кўрмоқ

I (لسن) لَسَنَ (*у*) لَسْنٌ 1) ғийбат, фисқ-фасод қилмоқ, сўкмоқ; 2) (*к. нидир*) ғийбат қилмоқ; لَسِنَ (*а*) لَسَنٌ нотиқлик билан ажралиб турмоқ; чиройли гапирадиган бўлмоқ; II لَسَّنَ 1) ўткир гап қилмоқ; 2) (*к. нидир*) устидан кулмоқ (عَلَى); III لاَسَنَ гап отишмоқ; сўкишмоқ, гап талашмоқ

– أَلْسَنُ *мн.* لَسْنَاءُ *кўп.* لُسْنٌ чиройли гапирувчи, нотиқ

– أَلْسُنِيٌّ тилшунос, лингвист

– أَلْسُنِيَّةٌ тилшунослик, лингвистика الـ~ السَّامِيَّةُ الْمُقَارَنَةُ қиёсий сомий тилшунослиги

– تَلْسُنَاتٌ *кўп.* қўлтиқлар, бухталар (*денгизда*)

– لِسَانٌ *мз. мн.* (*баъзан*) *кўп.* أَلْسُنٌ, أَلْسِنَةٌ, لُسُنٌ тил; الـ~ الْعَرَبِيُّ араб адабий тили; أَصْبَحَ دَارَ (جَرَى) عَلَى أَلْسِنَةِ النَّاسِ ёки الْفَصِيحُ ~ وَشَفَةً عَلَى كُلِّ ҳамманинг оғзига тушиб кетмоқ; هَذَا السُّؤَالُ هُوَ عَلَى ~ كُلِّ وَاحِدٍ ахир бу савол ҳамманинг тили учида турибди; أَخَذَ (سَمِعَ) عَنْ أَلْسِنَتِهِم бевосита уларнинг ўз оғзидан эшитмоқ; ~ بِالـ оғзаки; ضَرَبَ بِالـ~ жаврайвермоқ; طَوِيلُ الـ~ тили узун; مَعْقُودُ الـ~ тили тутилиб қолган, тили айланмайдиган, тили гапга келмайдиган; مُنْطَلِقُ الـ~ сергап, вайсақи; طَلِقُ الـ~ чиройли гапирувчи, сўзга уста; طَلاَقَةُ الـ~ сўзга усталик, нотиқлик; ~ الْحَالِ расмий матбуот органи; ~ الْحِزْبِ партиянинг (*матбуот*) органи; مُتَحَدِّثٌ (نَاطِقٌ, مُتَكَلِّمٌ) وِزَارَةِ الْخَارِجِيَّةِ بِـ~ ташқи ишлар вазирлиги номидан гапирувчи.

ташқи ишлар вазирлигининг вакили; الْقَوْمِ ~ вакил, делегат; عَلَى ـــهِ ~ унинг номидан; ... حَالِهِ ~ ҳаммаси кўрсатиб турибдики, ...; ذُو ـــيْنِ ~ а) зуллисонайн, икки тилли; б) икки юзлама, тили иккита; الْأَرْضِ ~ бурун (*денгизда*); الْبَحْرِ ~ қўлтиқ (*денгизда*); الْقُفْلِ ~ қулф сурмаси, лўкидони; الْمِفْتَاحِ ~ калит тили; الْمِيزَانِ ~ тарози тили; أَلْسِنَةُ النَّارِ аланганинг тиллари; ~ وَنَقْرٌ қисқич ва унинг тиллари ораси (ёриғи); الْحَمَلِ ~ *бот.* баргизуб, зубтурум; الْحَمَلِ الْكَبِيرُ ~ *бот.* катта баргизуб; ~ الْعَصَافِيرِ *бот.* ёввойи шумтол; الْكَلْبِ ~ *бот.* итузум

– لِسَانِيٌّ лисоний, тилга оид; ـــهُ الصِّنَاعَةُ нутқ сўзлаш, нотиқлик санъати

– لَسَنٌ чиройли гапириш, нотиқлик

– أَلْسَنُ = لَسِنٌ

– لُسُنِيٌّ 1. тилларга оид; лингвистик; 2. тилшунос, лингвист

– لُسُنِيَّةٌ *шунингдек:* ~ عِلْمُ الـ тилшунослик, лингвистика

– مُلَاسَنَةٌ даҳанаки жанг, сўкишиш; ~ دَخَلَ فِي жанжалга аралашмоқ, киришмоқ

لَسْوَعَ саваламоқ, урмоқ

لسْمانيا: الْجِلْد ~ *мед.* лешмониоз

(لشى) III لَاشَى йўқ қилмоқ, қириб ташламоқ; VI تَلَاشَى ҳалок бўлмоқ, йўқ бўлмоқ, ўз ҳаётини тугатмоқ; йўқ ҳолга келмоқ; тинмоқ, тинчимоқ (*овоз, товуш ҳақида*)

– تَلَاشٍ ҳалокат, йўқ бўлиш, битирилиш; (*овоз, товуш ҳақида*)

– مُلَاشَاةٌ йўқ бўлиш, йўқ қилиш, йўқ қилиниш

I لَصَّ (*а/у*) لَصٌّ 1) ўғирламоқ, ўғирлик қилмоқ; 2) (*бирор н. ни*) яширинча бермоқ; II لَصَّصَ (*иморатни*) маҳкамламоқ, мустаҳкамламоқ; V تَلَصَّصَ 1) ўғри бўлмоқ, ўғрилик билан шуғулланмоқ; 2) (*қаергадир*) яширинча кирмоқ, бормоқ (إِلَى); 3) кузатиб юрмоқ, жосуслик қилмоқ

– لُصٌّ, لِصٌّ, لُصُوصٌ *кўп.* ўғри, қароқчи; الْبَحْرِ ~ денгиз қароқчиси

– لُصُوصِيَّةٌ 1) ўғрига ўхшашлик; яширинчалик; 2) ўғирлик, қароқчилик, ўғирлик қилиш

– مُتَلَصِّصٌ яширинча, ўғирликча кираётган; ... دَخَلَ ~ـــًا إِلَى қаергадир яширинча кирмоқ

– مَلَصٌّ: ـــةُ أَرْضٌ ~ ўғрилар кўп учрайдиган жой

I لَصَفَ (*у*) لُصُوفٌ 1. ёришмоқ, нур чиқармоқ; 2. *мин.* турли рангда товланмоқ (*минерал тош ҳақида*)

– لَصْفٌ нурланиш, флюоресценция

– مِلْصَافٌ флюороскоп (*нурланишни ўлчайдиган асбоб*)

I لَصِقَ (*а*) لُصُوقٌ (*бирор н. га*) ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ (ب); II لَصَّقَ (*бирор н. га*) ёпиштирмоқ, бирлаштирмоқ (إِلَى) III لَاصَقَ 1) қўшни, бир-бирига ёнма-ён бўлмоқ; 2) бир-бирига жипслашмоқ; 3) етиб бормоқ, қувиб етмоқ; 4) (*аёл кишига*) хиралик, елимлик қилмоқ; IV أَلْصَقَ 1) елимламоқ, ёпиштирмоқ; 2) (*к. гадир*) елимламоқ, ёпиштирмоқ; (ب); بِهِ عَمْدًا وَقَصْدًا ~ кимгадир атайлаб (*н. нидир*) ёпиштирмоқ; 3) (*к. гадир*) зўрлаб юкламоқ (ب); VI تَلَاصَقَ қўшни, ёнма-ён бўлмоқ; бир-бирига жипс бўлмоқ; VIII الْتَصَقَ 1) (*н. дир*) ёпишиб қолмоқ, елимланмоқ, ёпишмоқ (ب); 2) (*бирор н. га*) қапишмоқ, суянмоқ – ب; 3) (*к. гадир, н. гадир*) ёпишмоқ, ёпишиб олмоқ (ب); (*н. биландир*) боғланмоқ, муносабатда бўлмоқ (ب); 4) (*к. биландир*) муомалада бўлмоқ, гаплашмоқ (ب)

– الْتِصَاقٌ 1) ёпишиш, бирлашиш, қапишиш; 2) муомала-муносабатда бўлиш

– تَلَاصُقٌ бир-бири билан жипс ёпишиб туриш; жипс ёпишган бўлиш; وَازْدِحَامٌ ~ тиқилинчлик, ур-йиқит

– لَاصِقٌ 1. 1) ёпишадиган, жипс ёпишиб турадиган; الشَّرِيطُ الـ~ـــةُ лейкопластирь; 2) агглютинация бўлувчи; اللُّغَاتُ الـ~ـــةُ *лингв.* агглютинатив тиллар (*сўзлари агглютинация йўли билан ясалувчи ва ўзгарувчи тиллар*); 2. *мед.* тампон, ҳўллаб яра устига қўйиладиган пахта

– لَاصِقَةٌ *кўп.* لَوَاصِقُ *лингв.* аффикс, қўшимча

– لَصِقٌ ёпишқоқ

– لَصْقٌ 1) қўшни бўлган, яқин турган; زَحْزَحَ شَيْئًا ~ـــهُ бирор нарсани бошқа бирор нарсага жипс қилиб сурмоқ, жойлаштирмоқ; ـــهِ بِـ~ـــهِ *ёки* ـــهُ ~ *ёки* бирор ким *ёки* нимага жипс ҳолда, яқин ҳолда; لَبَدَ ~ـــهُ кимгадир яқин, епишиб ўтирмоқ; 2) ажралмас

– لَصُقَةٌ *кўп.* لُصَقٌ ярага босадиган пахта, бинт; пластир

– لَصُوقٌ 1. (*бирор н. га*) ёпишган, ёпишиб қолган (ب); 2. ярага босадиган пахта, бинт; пластир

– لَصِيقٌ 1) жипс ёпишиб турган; 2) яқин, энг яқин; ~ جَارٌ энг яқин қўшни; 3) (*бирор н. билан*) қаттиқ боғланган (ب)

– مُتَلَاصِقٌ бир-бирига жипс турган

– مُلَاصِقٌ ёнма-ён қўшни турган

– مُلَاصَقَةٌ 1) қўшнилик, ёнма-ёнлик, туташганлик; 2) *физ.* ўзаро тортишиш

– مُلْصَقٌ елимланган, ёпиштирилган

– مُلْصَقَاتٌ эълонлар, афишалар, плакатлар, расмлар

لَصْلَصَ қимирлатмоқ, тебратмоқ

– لَصْلَصَةٌ қимирлатиш, тебратиш

(لصم) II لَصَّمَ 1) қўл учида тузатмоқ, тўғриламоқ; 2) қўл учида, наридан-бери қилмоқ

I (لضم) لَضَمَ 1) (*мунчоқ доналарини*) ипга ўтказмоқ, тизмоқ; ~ السُّبْحَةَ тасбеҳ доналарини ипга ўтказмоқ 2) ипни ўтказмоқ; ~

الإِبْرَة нинага ип ўтказмоқ

– مَلْضُومٌ 1) ўтказилган (*мунчоқ доналари ҳақида*); 2) ўтказилган (*нинага ўтказилган ип ҳақида*)

I (لطّ) **لَطَّ** (*а/у*) (*калтак билан*) урмоқ, саваламоқ, калтакламоқ

– لَطٌّ уриш, калтаклаш, савалаш; ~ــ وَالـ هُوَ دَائِمًا لِلشَّطِّ калтак доимо унинг бошида синади

– مِلْطَاطٌ *кўп.* مَلَاطِيطُ қўл тегирмон

I **لَطَثَ** (*у*) لَطْثٌ тарсаки солмоқ

I **لَطَخَ** (*а*) لَطْخٌ ифлос қилмоқ, кир (доғ) қилмоқ: بِالصَّابُونِ ~ совунламоқ; II لَطَّخَ қаттиқ ифлос (кир) қилмоқ, сачратмоқ (*мас. қонни* – ب); سُمْعَتَهُ ~ бирор киши обрўсига доғ туширмоқ; V تَلَطَّخَ ифлос (кир, доғ) бўлмоқ; بِالْعَارِ إِلَى الْأَبَدِ ~ ўзини абадий шармандa қилмоқ

– لَطْخٌ *кўп.* لُطُوخَةٌ 1. аҳмоқ, нодон, беақл; 2. анқов, содда

– لَطْخَةٌ *кўп.* لُطْخٌ 1) доғ; 2) сиёҳ доғи, қора доғ

– لُطَّخٌ, لُطَّيْخٌ 1) тентак, нодон, аҳмоқ; 2. тантивой

I **لَطَسَ** (*у*) لَطْسٌ урмоқ; тарсаки (шапалоқ) солмоқ

– مِلْطَاسٌ *кўп.* مَلَاطِيسُ тош майдалайдиган болға, тўқмоқ

I **لَطَشَ** (*у*) لَطْشٌ 1) урмоқ; тарсаки (шапалоқ) ламоқ, тарсаки (шапалоқ) солмоқ; 2) ўғирлаб кетмоқ, ўғирламоқ; الْكُتُبَ ~ (*кутубхона*) китобларини ўқиб бўлмоқ, ўқиб чиқмоқ; II لَطَّشَ 1) дўппосламоқ, қулоқдан чўзмоқ; 2) юзаки билмоқ

– لَطَّاشَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ (*шунингдек:* الذُّبَابِ ~) пашшаурғич

– لَطْشَةٌ *кўп.* لَطَشَاتٌ шапати, тарсаки, шапалоқлаш; الشَّمْسِ ~ офтоб уриш

– مَلْطَشٌ *кўп.* مَلَاطِشُ буфер, лаппак (*автомобиль, вагон ва ш. к. ларда урилиш зарбини камайтирувчи мослама*)

I (لطع) **لَطَعَ** (*а*) لَطْعٌ 1) шапатиламоқ, урмоқ, калтакламоқ; 2) ўчириб ташламоқ; 3) ўпмоқ; لَطَعَ (*а*) لَطْعٌ ялламоқ, ялаб тозаламоқ

– لُطْعَةٌ *кўп.* لُطَعٌ: دُودَةِ الْقُطْنِ ~ пахта қуртининг тухумлари (*баргнинг ички томонидаги*)

I (لطف) **لَطَفَ** (*у*) لُطْفٌ (*к. гадир*) илтифотли, олийжаноб бўлмоқ (ب ,ـــ): الْطُفْ يَا رَبِّ вой, худо! (*ҳайрат вақтида айтилади*); لَطُفَ (*у*) لَطَافَةٌ 1) ингичка (юпқа) бўлмоқ; 2) сийрак экилган, сийрак чиққан, сийраклашган бўлмоқ; илтифотли бўлмоқ; II لَطَّفَ юмшатмоқ, пасайтирмоқ; (*аҳволни*) яхшиламоқ; (*оғриқни*) енгиллатмоқ, тинчлантирмоқ; الْكَلَامَ ~ ёқимли гапирмоқ; الْحُكْمَ ~ ҳукмни юмшатмоқ; III لَاطَفَ 1) илтифотли бўлмоқ, мулойим гапирмоқ; 2) (*қўл билан*) эркалатмоқ, силамоқ; 3) йўл бермоқ, эрк бермоқ, ўта эркалатиб юбормоқ; V تَلَطَّفَ 1) илтифотлилик, ширинсуханлик қилмоқ; عَلَيْهِ بِالْكِتَابِ لِلْقِرَاءَةِ ~ илтифот қилиб, у бу китобни унга ўқишга берди; 2) (*к. гадир*) ёқмоқ, бошқалар раъйига қараб иш тутмоқ (ـــل); VI تَلَاطَفَ ўзаро илтифотли бўлмоқ; X اسْتَلْطَفَ илтифотли деб ҳисобламоқ

– تَلَطُّفٌ илтифотлилик, меҳрибонлик, хушмуомалалик

– لَطَافَةٌ 1) мулойимлик, илтифотлик, юмшоқ кўнгиллилик; ёқимлилик; 2) латофат, гўзаллик, чиройлилик; 3) сийраклик, сийраклашганлик

– لَطْفٌ *кўп.* أَلْطَافٌ совға, ҳадя

– لُطْفٌ *кўп.* أَلْطَافٌ мулойимлик, латифлик, ширинсуханлик; ёқимлилик; ~ ـــ илтифот ила; اللهِ ~ Оллоҳнинг лутфи; яхшилиги, меҳрибонлиги; اللهِ ~ مَسَّهُ унинг ақли айниб колди

– لَطِفَةٌ ҳадя, совға; مِنْ زَيْدٍ جَاءَتْنَا ~ Зайддан бизга совға келди

– لَطِيفٌ *кўп.* لُطَافٌ 1) илтифотли, меҳрибон; юмшоққўнгил, олийжаноб, ширинсўз; ~ الـ меҳрибон (*Оллоҳ сифатларидан бири*); ~ يَا ё, худо!; 2) сийракланган; 3) латиф; 4) қизиқ, гўзал, латофатли; ~ الْجِنْسُ الـ латофатли (гўзал) жинс (яъни, аёллар)

– لَطِيفَةٌ *кўп.* لَطَائِفُ 1) ўткир; لَطَائِفُ الْحِيَلِ ўткир ҳийлалар; 2) топиб айтилган сўз; латифа, ингичка ҳазил; 3) яхшилик, совға, ҳадя

– مُلَاطَفَةٌ меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш, ширинсуханлик

– مُلَطِّفٌ юмшатувчи, пасайтирувчи; тинчлантирувчи

– مُلَطِّفَاتٌ *кўп.* тинчлантирувчи воситалар

I **لَطَمَ** (*и*) لَطْمٌ 1) урмоқ, калтакламоқ, муштламоқ; 2) ўз юз-кўзларига урмоқ; ... الْخُدُودَ وَشَقَّ الْجُيُوبَ ~ ўз юз-кўзларига уриб, ўз кийимларини йиртмоқ (*азада йиғлаётган аёл ҳақида*); III لَاطَمَ бир-бирини шапатилаб урмоқ, бир-бирига тарсаки туширмоқ; VI تَلَاطَمَ бир-бирини урмоқ; уришмоқ, муштлашмоқ, тўқнашмоқ; VIII الْتَطَمَ уришмоқ, тўқнашмоқ

– لَطْمَةٌ *кўп.* لَطَمَاتٌ уриш, шапалоқ, шапатилаш

– لَطِيمٌ: 1) ـــةٌ ~ يَتِيمَةٌ ғирт етим; 2) онаси ўлиб, бошқа туянинг сути билан ўсаётган бўталоқ; 3) бошқа аёлни эмиб катта бўлган одам

– لَطِيمَةٌ *кўп.* لَطَائِمُ 1) хушбўй нарсаларни элтувчи карвон; 2) атир-упа бозори

– مُلْتَطَمٌ (*тўлқинларнинг*) тўқнашадиган жойи

– مِلْطَمٌ *кўп.* مَلَاطِمُ 1) янок; 2) оҳак ивитиладиган чуқурлик

I **لَطَى** (*а*) لَطْيٌ қимирламай, ҳаракатсиз турмоқ; V تَلَطَّى (*қаердадир*) яшириниб турмоқ, яширинмоқ (في); (*н. биландир*) бекинмоқ (ب)

(لظّ) IV أَلَظَّ (*к. биландир*) айрилмай яшамоқ (ب)

– إِلْظَاظٌ қатъийлик, сабот, матонат

– مُلَظْلَظٌ тўлагина, семизгина (*мас. боланинг оёқлари ҳақида*)

I لَظِيَ (а) لَظًى 1) ёнмоқ, тутамоқ; 2) ғазабдан тутамоқ; V تَلَظَّى ёнмоқ, тутамоқ; иситма ўтида ёнмоқ; بِنَارِ حُبِّهَا ~ у у (аёл)ни ўтли муҳаббат билан севарди; اِلْتَظَى = I, V

لَظًى 1) аланга; 2) дўзах исмларидан бири

لَعًا لَكَ ~ ўрнингдан соппа-соғ туриб олгин! (*йиқилган одамга билдириладиган тилак*); لَا ~ لَكَ баттар бўл! (*аввалги тилакнинг акси*)

I (لعب) لَعِبَ (а) لَعْبٌ, لِعْبٌ, لَعِبٌ 1) овунмоқ, вақтичоғлик қилмоқ, шўхлик қилмоқ; (*н. нидир*) ўйнамоқ (*туш. к.* – ب); (*н. дир*) ўйнамоқ (*туш.к.* عَلَى); *шахм.* юрмоқ, юриш қилмоқ; ~ الْقِمَارَ қимор ўйнамоқ; ~ عَلَى الْقَانُونِ қонун (асбобини) чалмоқ; ~ دَوْرَةً роль ижро этмоқ, ўйнамоқ; 3) (*к. нидир*) алдамоқ (عَلَى); ◊ ~ بِالسَّيْفِ қиличбозлик ўйнамоқ; ~ بِعَقْلِهِ кимнингдир бошини айлантирмоқ; ~ تِ الْخَمْرُ بِعَقْلِهِ май унинг ақлини хиралаштирди (ўғирлади); ~ بِالنَّارِ ўт билан ўйнашмоқ; لَعَبَ (а) لَعْبٌ шалакай (сўлак) оқизмоқ; II لَاعَبَ 1) (*к. билан дир*) ўйнамоқ; ~ بِالشَّطْرَنْجِ بِطَرِيقَةِ التَّتَابُعِ шахматда бир вақтда ўйналадиган сеанс бермоқ; 2) ҳазиллашмоқ, дилхушлик килмоқ; IV أَلْعَبَ = II; V تَلَعَّبَ (*бирор*) ўйинни ўйнамоқ (*болалар ҳақида* – ب); шўхлик қилмоқ; VI تَلَاعَبَ (*н. нидир*) ўйнамоқ (ب); 2) иккиланмоқ, титрамоқ, қўрқиб турмоқ; 3) алдамоқ, суиистеъмол қилмоқ; (*н. дадир*) виждонсизлик қилмоқ, ҳийла-найранг ишлатмоқ (ب, فِي); 4) *киноя.* хўжайинлик қилмоқ

– أُلْعُبَانٌ масхара, масхарабоз

– أُلْعُوبَةٌ *кўп.* أَلَاعِيبُ 1) ўйинчоқ, овунчоқ; كَانَ ~ فِي أَيْدِيهِمْ кимнингдир қўлида ўйинчоқ (овунчоқ) бўлмоқ; 2) тез, чаққон бажарилган ҳунар, ҳийла, найранг

– تَلَاعُبٌ 1) ўйин; 2) ҳийла, найранг, лўттибозлик; суиистеъмол, ўзиникидай эгалик қилиш; алдамчилик, чайқовчилик, кўзбўямачилик; 3) шов-шув; 4) *киноя.* хўжайинлик қилиш

– تَلْعَابٌ ўйинқароқ, хушчақчақ

– تَلْعَابَةٌ = تَلْعَابٌ

– لَاعِبٌ 1. ўйновчи, ўйинчи, хушчақчақ; ~ الشَّطْرَنْجِ шахматчи; 2) спортчи; ~ الْجِمْبَازِ гимнаст, гимнастикачи

– لَاعِبَةٌ *кўп.* لَوَاعِبُ *мн.* لَاعِبٌ *дан*; اللَّوَاعِبُ الْفَتَيَاتُ а) хушчақчақ қизлар; б) спортчи қиз (аёл)лар

– لَعَّابٌ 1. кўп ўйновчи; 2. 1) яхши ўйинчи; 2) фокусчи, кўзбойловчи

– لُعَابٌ сўлак; ... سَالَ ~ هُ عَلَى ...унинг сўлаги оқиб кетди; ~ الشَّمْسِ 1) бухор; 2) сароб; ~ النَّحْلِ асал, бол

– لُعَابِيٌّ 1) сўлакка оид; غُدَدٌ ~ ـةٌ сўлак безлари; 2) шилимшиқли, шилимшиққа оид

– لَعْبٌ, لِعْبٌ, لَعِبٌ *кўп.* أَلْعَابٌ 1) ўйин; الْأَلْعَابُ الْأُولِمْبِيَّةُ Олимпия ўйинлари, Олимпиада; ~ الْقِمَارِ қимор, қартабозлик; ~ الْوَرَقِ қарта ўйини; ~ الـ بِالنَّرْدِ нарда ўйини; الْأَلْعَابُ الرِّيَاضِيَّةُ спорт ўйинлари, спорт; 2) *шахм.* партия, дебют; ~ الـ الْمَفْتُوحُ очиқ дебют; ~ نِصْفُ الْمَفْتُوحِ الـ ярим очиқ дебют; ~ الـ الْمَقْفُولُ ёпиқ дебют; 3) дилхушлик, эрмак, овуниш, ҳазил, мутойиба; الْأَلْعَابُ النَّارِيَّةِ мушакбозлик; 4) машқ (*гимнастика*) номери; أَلْعَابُ الْعُدَدِ гимнастика снарядидаги машқлар; أَلْعَابُ الْفُرُوسِيَّةِ олий чавандозлик машқлари; أَلْعَابُ الْقُوَّةِ (الْقُوَى) الْخَفِيفَةُ (الثَّقِيلَةُ) енгил (оғир) атлетика; أَلْعَابُ الْحَانَةِ отчопар (ипподром)даги машқлар; ~ السَّيْفِ وَ الْتُّرْسِ қиличбозлик; ~ عَلَى الْحَبْلِ дорбозлик, дор устида ўйин кўрсатиш, дор устида юриш; 5) фокус, кўзбоғламачилик; أَلْعَابٌ سِيمِيَائِيَّةٌ *ёки* أَلْعَابٌ سِيمِيَاوِيَّةٌ *ёки* أَلْعَابٌ سِحْرِيَّةٌ фокуслар, кўзбоғламачиликлар

– لَعِبٌ ўйинқароқ, хушчақчақ

– لَعْبَةٌ *кўп.* لَعَبَاتٌ 1) ўйин; مُزْدَوِجَةٌ ~ لَعِبَ икки томонлама ўйин қилмоқ, мунофиқона йўл тутмоқ; 2) (*моҳирлик, эпчиллик билан бажарилган*) ҳунар, номер; *шахм.* юриш, юриш қилиш

– لُعَبٌ *кўп.* لُعَبَةٌ 1) ўйинчоқ; қўғирчоқ; 2) ҳазил; 3) ўйин; ~ الذِّئْبِ وَ الْحَمَلِ сичқон-мушук ўйини (*сўзма-сўз*; бўри ва қўзичоқ ўйини); 4) *шахм.* партия, ўйин; ~ الْاسْتِعْمَايَةِ *ёки* الْاسْتِخْفَاءِ бекинмачоқ ўйини

– لُعْبَةٌ ўйин ишқибози

– لَعْبَةٌ 1) *шахм.* ўйин, партия; 2) ўйин усули, йўли

– لَعَبِيٌّ 1. ҳазиломуз, ҳазилакам; 2. *кўп.* لَعَبِيَّةٌ 1) ўйинчи; 2) жонглёр (*циркда ўйин кўрсатувчи*)

– لَعُوبٌ 1. шўх, ўйноқи; танноз; ~ مَرْأَةٌ танноз аёл; 2. ўйинқароқ, ўйноқи

– لُعَيْبَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ ўйинчоқ

– لِعِّيبٌ *кўп.* لِعِّيبَةٌ кучли, биринчи даражали ўйинчи (*мас. футболда*)

– مُلَاعِبٌ 1) ўйиндаги рақиб, партнёр, ўйин иштирокчиси (*мас. футболда*); 2) алдамчи, ёлғончи

– مُلَاعَبَةٌ (*к. билан дир*) ўйнаш; ~ بِالشَّطْرَنْجِ بِطَرِيقَةِ التَّتَابُعِ шахматда сеанс бериш

– مَلْعَبٌ *кўп.* مَلَاعِبُ 1) ўйналадиган, ўйин бўладиган жой; спорт майдони, стадион; ~ التِّنِسِ корт, теннис майдончаси ~ مُغَطًّى ёпиқ стадион; 2) *шунингдек*, – ~ أَرْضُ саҳна (*театрда*); майдон (*циркда*); 5) театр; цирк; ~ مُتَنَقِّلٌ сайёр цирк; مَلَاعِبُ الْجِنِّ

лабиринт

– مَلْعَبَةٌ *кўп.* اتٌ — ўйинчоқ

– مَلْعُوبٌ[1] сўлак оқизадиган; 2. сўлаги оқиб турадиган одам

– مَلْعُوبٌ[2] *кўп.* مَلَاعِيبُ моҳирлик, трюк, ҳунар; عَمِلَ عَلَيْهِ ~ًا ёки ~ًا (فِيهِ) لَعِبَ بِهِ ким биландир ҳазил ўйин қилмоқ

لَعْثَمَ тутилиб- тутилиб гапирмоқ, ғудурламоқ, тўнғилламоқ; لَغْثَمَ = تَلَعْثَمَ

– لَعْثَمَةٌ, تَلَعْثُمٌ тутилиб-тутилиб гапириш, ғудурлаш, тўнғиллаш

I لَعَجَ (*а*) لَعْجٌ ғамга, азоб-уқубатга солмоқ; III لَاعَجَ аламга солмоқ

– لَاعِجٌ *кўп.* لَوَاعِجُ ғам, алам, азоб-уқубат; ~ُ الـ оташин муҳаббат; لَوَاعِجُ الْحُبِّ муҳаббат азоблари

أَلْعَسُ *мн.* لُعْسَاءُ *кўп.* لُعْسٌ қип-қизил лабли

– لَعَسٌ тўқ қизил рангли лаб

I لَعِقَ (*а*) لَعْقٌ яламоқ; جَرَاحَهُ ~ ўз ярасини яламоқ; ◊ إِصْبَعَهُ ~ ўлмоқ; بِلِسَانِهِ ~ـهُ бировни тил билан чақиб олмоқ

– لَعْقَةٌ бир марта ялаш

– لُعْقَةٌ *кўп.* لُعَقَاتٌ қошиқ (*ўлчов сифатида, мас. бир қошиқ чой*)

– لَعُوقٌ[1] *мед.* доривор сиқма (паста)

– لَعُوقٌ[2] бахтсиз (**бечора**) одам

– لَعُوقٌ[3] яланадиган нарса

– مَلْعَقَةٌ = مَلَاعِقِيٌّ *қар.* أَبُو مِلْعَقَةٍ

– مِلْعَقَةٌ *кўп.* مَلَاعِقُ қошиқ; الشُّورْبَةِ ~ овқат ейиладиган қошиқ; ~ شَايٍ чой қошиқ; ~ مِلْءُ الْـ тўла қошиқ (*ўлчов сифатида*); ~ أَبُو *зоол.* қизил оёқли лайлак

– لَعْلٌ 1) *мин.* лаъл; ёқут; 2) бўёқ моддаси, кармин (*оч қизил бўёқ*)

– لَعْلِيٌّ лаълга, карминга оид

لَعَلَّ балки, эҳтимол, афтидан, ундоқ-бундоқ; ◊ وَعَسَى ~ бир гап бўлар; ~ـكَ بِخَيْرٍ تَعَلَّلْ بِعَسَى وَلَعَلَّ ундоқ-мундоқ ўзини оқламоқ; ! сиз соғ-саломат бўласиз деб умид қиламан!

لَعْلَعَ 1) тарақламоқ; тарқалмоқ (*товуш ҳақида*); чийилламоқ (*ўқ овози ҳақида*); 2) йилтилламоқ, йилтиллаб кўринмоқ; تَلَعْلَعَ узоқдан йилтиллаб кўринмоқ; 2) тилни осилтирмоқ (*чанқаган ит ҳақида*); ◊ جَوْعًا ~ ёки مِنَ الْجُوعِ ~ очлик азобини чекмоқ

– لَعْلَعٌ *кўп.* لَعَالِعُ 1) сароб; 2) бўри; 3) отишма бўлиб ўтган тоғ, тепалик

– لَعْلَعَةٌ 1) момақалдироқ, шовқин; 2) отишув, чийиллаш (*ўқ овози ҳақида*)

– مُلَعْلِعٌ 1) ёрқин (*ранг ҳақида*); ~ُ الْـ ёрқин (рангли) газлама; 2) кучли, жарангдор (*овоз ҳақида*)

I لَعَنَ (*а*) لَعْنٌ 1) лаънатламоқ, қарғамоқ; 2) узоқлаштирмоқ, қувмоқ; III لَاعَنَ лаънатламоқ (*ажралиш вақтида ўз айби йўқлигини эр ёки хотин айтиб*); V تَلَعَّنَ 1) ўзини қарғамоқ, лаънатламоқ; 2) бошқа бировни лаънатламоқ; VI تَلَاعَنَ ўзаро лаънатлашишмоқ

– لَعَّانٌ 1) *юр. -шар.* лаънатлаш; 2) қасам ичиб ишонтириш (*қар.* III لَاعَنَ)

– لَعْنٌ лаънатлаш! أَنْتَ الـ~ *тар.* сенга лаънатлар ёғилмасин! (*подшолар билан саломлашиш*)

– لَعْنَةٌ *кўп.* لَعَنَاتٌ, لِعَانٌ ланатлаш; ~ُ اللهِ عَلَيْهِ! унга Оллоҳнинг ланати бўлсин!

– لُعْنَةٌ *кўп.* لُعَنٌ лаънати, лаънатланган

– لُعَنَةٌ одамларга тинмай лаънат ўқувчи

– لَعِينٌ 1) лаънатлаган; 2) лаънати; ~ُ الـ шайтон

– مَلْعَنَةٌ *кўп.* مَلَاعِنُ 1) лаънатланишга лойиқ ҳаракат; 2) йўлнинг ўртаси

– مَلْعُونٌ *кўп.* مَلَاعِينُ малъун, лаънатланган; ~ُ الـ шайтон

لَعْوَةٌ кўп لَعَوَاتٌ эмчак тугмаси атрофидаги доирача

~ُ النَّفْسِ لَعَيَانٌ кўнгил айниш, беҳузур бўлиш, қайт қилиш, келиш

I لَغِبَ (*а*) لَغَبٌ жуда чарчаган бўлмоқ, ортиқ чарчаган бўлмоқ; II لَغَّبَ қаттиқ чарчамоқ

– لَاغِبٌ дармондан кетган, чарчаган

– لُغُوبٌ ҳолсизланиш, дармонсизлик

لُغْدٌ *кўп.* أَلْغَادٌ, لُغُودٌ 1) бағбақа; 2) бағбақа (*ҳайвонларники*); бағбақа (*қушдаги, мас., хўроз*)

– لُغْدٌ = لَغَادِيدُ *кўп.* لُغْدُودٌ

I لَغَزَ (*у*) لَغْزٌ тагдор, муаммоли, пичинг қилиб гапирмоқ; III لَاغَزَ = I; IV أَلْغَزَ = I; فِي يَمِينِهِ ~ дудмал, икки маъноли қасам ичмоқ

– لَغَّازٌ туҳматчи

– لُغْزٌ *кўп.* أَلْغَازٌ топишмоқ, сир, асрор; ~ُ الـ топишмоқ ечмоқ (топмоқ); ~ُ تُرَابِيٌّ сеҳрли квадрат

– لُغْزٌ *кўп.* أَلْغَازٌ = لُغْزِيٌّ сирли, сеҳрли

– لُغْزِيٌّ = مُلْغِزٌ

I لَغَطَ (*а*) لَغْطٌ, لَغَطٌ, لِغَاطٌ бақирмоқ; шовқинламоқ, шовқин-сурон кўтармоқ; II لَغَّطَ = I; IV أَلْغَطَ = I; VI تَلَاغَطَ шовқинлашмоқ, бошқалар билан бирга шовқинламоқ

– لَغَطٌ, لَغْطٌ *кўп.* أَلْغَاطٌ бақир-чақир, шовқин, шовқин-сурон

I لَغَمَ (*а*) لَغْمٌ 1) мина қўймоқ, миналамоқ; портламоқ; 2) оғзидан кўпик чиқармоқ (*туя ҳақида*); 3) аниқлиги, ростлиги ўзига маълум бўлмаган нарса ҳақида одамларга ҳабар бермоқ; II لَغَّمَ мина қўйдирмоқ; IV أَلْغَمَ 1) мина қўйдиртирмоқ, миналаштирмоқ; 2)

симоб билан қопламоқ (*сол.* مَلْغَمَ)

– إِلْغَامٌ симоб билан қоплаш

– لُغَامٌ кўпик (*туядаги*)

– لَغَّامٌ мина қўювчи, минёр

لَغَمٌ *кўп.* أَلْغَامٌ (*шунингдек:* أَرْضِيٌّ ~) мина; ~ الأَعْمَاق чуқур қилиб жойланадиган мина; ~ مُمَغْنَطٌ магнитли мина; لَاقِطَةُ الْأَلْغَامِ *ёки* كَاسِحَةُ (كَانِسَةُ) الْأَلْغَامِ мина қўядиган ҳарбий кема (*тралшик*); قَاذِفَةُ الْأَلْغَامِ миномёт; أَلْغَامًا وَضَعَ (بَثَّ, زَرَعَ) мина жойлаштирмоқ

– لَغَمْجِيٌّ *кўп.* لَغَمْجِيَّةٌ 1) сапёр (*миналарни зарарсизлантирувчи*); 2) минёр (*мина қўювчи*)

– مُلْغَمٌ 1. симоб билан қоплаш; 2. симоб билан қопланган

– مَلْغُومٌ миналаштирилган; ~ حَقْلٌ миналаштирилган жой, майдон

لَغْمَطَ чапламоқ, ифлос қилмоқ; تَلَغْمَطَ (*бирор н. билан*) чапланмоқ, ифлос қилмоқ (ب)

– لَغْمَطَةٌ чапланиш, ифлосланиш

I (لغو) لَغَا (*у*) لَغْوٌ 1) вақилламоқ, бемаъни гапларни гапирмоқ; 2) ҳаракатдан қолган (кучини йўқотган) бўлмоқ, қонуний кучга эга бўлмаган бўлмоқ; 3) бекор қолмоқ; لَغِيَ (*а*) لَغًا бемаъни гапларни гапирмоқ; بِالأَمْرِ ~ бирор нарса ҳақида кўп гапирмоқ; IV أَلْغَى бекор қилмоқ, тугатмоқ, кучини йўқ қилмоқ

– إِلْغَاءٌ бекор қилиш, тугатиш; *грам.* феълни бошқаришнинг тўхташи

– لَاغٍ *мн.* لَاغُونَ 1) бекор қилинган, қонуний кучини йўқотган; اعْتَبَرَهُ لَاغِيًا бирор нарсани кучини йўқотган деб ҳисобламоқ; 2) арзимас, тубан

– لَاغِيَةٌ 1) бекорчи гап, сафсата; 2) нотўғри, бузилган тил

لُغَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) тил, шева; ~ الأُمِّ бобо тил, бошдаги, асос бўлган тил; ~ الضَّاد араб тили; ~ الْفُصْحَى адабий тил; ~ عَامِّيَّةٌ шева, диалект; ~ حَيَّةٌ жонли тил; ~ مَيِّتَةٌ ўлик тил; ~ الْمَوْلِد она тили; ~ أَجْنَبِيَّةٌ ажнабий (чет) тили; ~ الْحَدِيث *ёки* ~ الْمُحَادَثَة *ёки* ~ الْكِتَابَة китобий тил; ~ التَّخَاطُب сўзлашув тили; ~ الْإِنْشَاء *ёки* ~ الْكِتَابَة китобий тил; مَجْمَعُ الـ~ أَهْلُ الْعَرَبِيَّة араб тили Академияси; ~ اللُّغَاتُ اللَّاصِقَةُ тилшунослар; اللُّغَاتُ الْفَاصِلَةُ ўзакли тиллар; اللُّغَاتُ الْمُتَصَرِّفَةُ агглютинатив тиллар; اللُّغَاتُ الْقَدِيمَةُ флектив тиллар; اللُّغَاتُ الْهِنْدِيَّةُ қадимий тиллар; اللُّغَاتُ الْحَدِيثَةُ янги тиллар; ~ نَافِذَةٌ مُزْدَوِجُ الـ~ икки тилли; اللُّغَاتُ الْأُورُبِّيَّةُ ҳинд-оврупо тиллари; عَلَى الْعَالَمِ тил – бу дунёни кўрсатадиган деразадир; 2) сўз, ифода; عِلْمُ الـ~ лексикология; عِلْمُ قَوَاعِدِ الـ~ грамматика; كِتَابُ الـ~ луғат китоби, луғат; 3) сўз варианти, сўзнинг бошқа кўриниши

– لَغْوٌ вайсақилик, бемаъни гап, бефойда гап; ~ فِي ~ бошдан оёқ бемаъни гап, сафсата

– لَغَوَاتٌ *кўп.* لَغْوَةٌ шева, диалект

– لُغَوِيٌّ 1. 1) тилга оид, лингвистикага оид; 2) лексикага оид, лексик; 2. 1) филолог; тилшунос; 2) лексиколог

– مُلْغًى бекор қилинган, тугатилган

لُغُومَانُو ювинадиган асбоб, умивальник

I لَفَّ (*а/у*) لَفٌّ 1) бурамоқ, эшмоқ, ўрамоқ; ~ السِّكَارَةَ сигарет, папирос ўрамоқ; 2) (*бирор н. атрофини*) айлантирмоқ, ўрамоқ, ўраб боғламоқ (حَوْلَ); ~ رَأْسَهُ بِعِمَامَةٍ бошга салла ўрамоқ; ~ اللِّفَةَ саллани (*бошга*) қўймоқ; ~ الْبِضَاعَةَ (*н. гадир*) товарни ўрамоқ (فِي, ب); ~ الْخَيْطَ عَلَى الْبَكَرَةِ ғалтакка ўрамоқ; 3) қуюқ бўлиб ўралиб ўсмоқ (*ўсимлик ҳақида*); 4) (*бирор н. атрофини*) айланмоқ, айланиб кезмоқ; 5) йиғмоқ (*н. ни, н. билан дир*) бирлаштирмоқ, боғламоқ (ب) تُلِفُّ الْعَالَمَ شُهْرَتُهُ у дунё бўйлаб шуҳрат тутган; ~ الشَّعْبَ الْجَمَاهِيرَ حَوْلَ ... оммани ...нинг атрофига жипслаштирмоқ; ~ عَلَيْهِ кимникигадир кириб ўтмоқ; ~ وَدَارَ муғомбирлик қилмоқ ва чап бермоқ; ~ لَفَّهُ кимгадир тақлид қилмоқ, кимнингдир изидан бормоқ; ~ سَاعِدَهُ بِسَاعِدِهَا у у (*аёл*) ни қўлтиғидан олди; ~ يَدَهُ وَرَاءَ ظَهْرِهِ қўлни елкага (орқага) қўймоқ; II لَفَّفَ 1) ўрамоқ, ўратмоқ; 2) (*бирор н. атрофида*) айлантирмоқ; V تَلَفَّفَ 1) (*н. гадир*) ўралмоқ (فِي); 2) буралмоқ (*илон ҳақида*); 3) чулғанмоқ, чирмашмоқ (*ўсимлик ҳақида*); VIII الْتَفَّ 1) (*к. ёки н. нидир*) қаттиқ ўраб олмоқ, чулғаб олмоқ; (*бирор к. ёки н. атрофида*) ўралашмоқ, тўпланмоқ, жипслашмоқ (ب) حَوْلَهُ ~ кимнингдир атрофига жипслашмоқ, тўпланмоқ; عَلَيْهِ ~ кимнингдир атрофига тўпланмоқ, йиғилмоқ; ~ بِثَوْبِهِ кийимга ўралмоқ; 2) қалин, чирмашиб олмоқ (*ўсимлик ҳақида*); 3) бурилмоқ, қайрилмоқ; бурмоқ

– الْتِفَافٌ бурилиш, қайрилиш; айлана, атроф

– أَلَفُّ *мн.* لَفَّاءُ *кўп.* لُفٌّ 1) қалин, ўсиб кетган; 2) тўла, семиз, сергўшт

– تَلَافِيفُ *кўп.* تَلَافِيفُ эгри-бугри чизиқ, эгри-бугрилик; تَلَافِيفُ الدِّمَاغِ миянинг эгри-бугри чизиқлари; تَلَافِيفُ қалин ўсган *ёки* чирмашиб ўсган ўсимлик

لَفٌّ[1] 1) ўралиш, ўраш; ~ وَنَشْرٌ ўраш ва ёйиш (*араб нотиқлиги санъати*); 2) айланиб ўтиладиган, айланма йўл; 3) чап бериш, ўзини олиб қочиш; ~ الـ~ وَالدَّوَرَانُ *ёки* لِمَاذَا هَذَا التَّعْرِيجُ مَا هَذَا бу ҳийла-найранглар нима учун керак?; ~ مِنْ غَيْرِ қочириқ қилмай (тўппа-тўғрисини, пўст-калласини) гапираверинг!

لَفٌّ[2] *кўп.* أَلْفَافٌ 1) (*гўдаклар учун*) йўргак; 2) ўров, 2) ўраладиган нарса

– لِفٌّ *кўп.* أَلْفَافٌ бир-бирига киришиб қалин ўсадиган дарахтлар

– لَفَّافٌ 1. айланадиган; ~ بَابٌ айланадиган эшик; 2. (*папирос*) ўрайдиган киши

– لَفَائِفُ *кўп.* لَفَافَةٌ 1) ўралган нарса, ўрам; жойлаштириб, ўраб

қўйилган нарса; ўрам; 2) мунчадек ~ الْتَّبْغ (*бир дона*) папирос; 3) боғич, боғ, боғлайдиган нарса (*мас. бинт*); السَّاق ~ оёққа боғланадиган ўрама; الطِّفْل ~ йўргак; 3) *архит.* устун ва ш.к. ларнинг спиралсимон безаги

لَفَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) бир ўрам, бир айлана; битта чулғаниш, битта ҳалқа (*мас. арғамчи, илон ҳақида*); 2) ҳалқасимон қилиб қўйилган тросс, арқон; 3) тугун, тугилган нарса; (*арғамчидаги*) тугун; пачка; 4) салла, амома; 5) йўргак; 6) айлана йўл; 7) ҳийла-найранг

– لَفِيفٌ[1] 1) ўралган, ўраб қўйилган; 2) йиғилган, йиғиштирилган, жамланган; 3) *грам.* иккиёқлама нотўғри (*феъл ҳақида*); ~ فِعْلٌ مَفْرُوقٌ ажратилган (*1 ва 3 ўзак удоши ҳарфи иллатдан иборат*) феъл (*мас.*, وَقَى, وَعَى *каби*); فِعْلٌ ~ مَقْرُونٌ бирлаштирилган (*2 ва 3 - ўзак ундоши ҳарфи иллатдан иборат*) (қўшилган) феъл (*мас.*, طَوَى, نَوَى *каби*)

– لَفِيفٌ[2] *кўп.* لَفَائِفُ 1) (*бир дона*) папирос; 2) турли қабила ва элатлардан тўпланган одамлар гуруҳи

– مِلَفٌّ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ўрама, покришка; ўрам, тугун; 2) қоғозлар папкаси, идора ҳужжатлари солинган дело, маълумотномалар папкаси (досье); الْقَضِيَّة ~ суд қоғозлари папкаси; الْخِدْمَة ~ хизматлар (бажарилиб юрилган ишлар) рўйхати; 3) (*кўча, йўл*) бурилиши, муюлиши, бурчак; 4) *радио.* ғалтак (катушка); ~ الْـ الْخَانِقُ дроссел (*ток, газ, ёқилғини тартибга соладиган ғалтак-катушка*); ~ الْـ اللَّوْلَبِيُّ солегноид (*магнит майдони ҳосил қиладиган маҳсус спираль*); 5) спираль; 6) дастпарма; гирдоб, қуюн

– مِلْفَاتٌ 1) ўрама, покришка; 2) дастпарма; гирдоб; қуюн

– مِلَفَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ папка, дело, досье (*маълумотномалар папкаси*)

– مَلْفُوفٌ 1. 1) ўралиб, ҳалқа бўлиб олган; думалоқ, тўла, семиз; 2) (*бирор н. билан*) ўралган, ўраб қўйилган (ب); 2. карам

I لَفَتَ (*и*) لَفْتٌ 1) айлантирмоқ; النَّظَرَ ~ (*н. гадир*) диққатни қаратмоқ, эътибор бермоқ (إِلَى); 2) (*н. дандир*) диққатни, эътиборни четга тортмоқ (عَنْ); II لَفَّتَ = I; IV أَلْفَتَ = I; V تَلَفَّتَ атрофга аланглаб қарамоқ; وَرَاءَهُ ~ бурилмоқ, бурилиб қарамоқ; VIII الْتَفَتَ 1) (*бирор н. атрофида*) айланмоқ (حَوْلَ); айланмоқ, бурилмоқ; ~ وَيَسْرَةً يَمْنَةً ўнгу сўлга қарамоқ; 2) (*к. гадир, н. гадир*) диққат-эътиборли бўлмоқ, эътиборни қаратмоқ (إِلَى); X اسْتَلْفَتَ (*диққат-эътиборни*) қаратмоқ, жалб қилмоқ; النَّظَرَ ~ назарни тортмоқ; ~ الإِنْتِبَاهَ эътиборни тортмоқ, қаратмоқ

– الْتِفَاتٌ 1) қараш; бурилиш; 2) эътибор; қизиқиш, илтифот; عَدَمُ ~ الـ эътиборсизлик, илтифотсизлик; ~ بِدُونِ الـ диққат-эътибор қилмай

– الْتِفَاتَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) бурилиш; 2) назар ташлаш, қараш; حَانَتْ ... إِلَى ~ مِنْهُ унинг назари тасодифан ...га тушиб қолди

– لُفْتٌ أَلْفَتُ *мн.* لَفْتَاءُ *кўп.* чапақай

– لَافِتَةٌ *кўп.* اتٌ, لَوَافِتُ ـــ пешёзув, вивеска, плакат, расм

– لَفَاتٌ серзарда, сержаҳл; мижғов, жанжалкаш

– لَفْتٌ бураш, эгиш, букиш

– لِفْتٌ *жам.* шолғом

– لِفْتَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ (*бир дона*) шолғом

– لَفْتَةٌ *кўп.* لَفَتَاتٌ 1) айланиш, тез бурилиш; 2) ўйнаб турувчи кўз; ذِهْنِيَّةٌ ~ йўл-йўлакай айтилган фикр

– لَفَاتٌ = لَفُوتٌ

– مُلْتَفِتٌ эътиборли, меҳрибон; қизиқувчи; ~ غَيْرُ эътиборсиз

I لَفَحَ (*и*) لَفْحٌ, لَفَحَانٌ 1) ёқмоқ, пиширмоқ, куйдирмоқ, ўт қўймоқ; 2) иссиқликдан ғужанак бўлмоқ (*ўсимлик ҳақида*); 3) зарба бермоқ, енгмоқ, даф қилмоқ; V تَلَفَّحَ (*бирон н. га*) ўралмоқ (ب)

– تَلْفِيحَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ шарф, кашне

– لَافِحٌ *кўп.* لَوَافِحُ куйдирувчи, ёндирувчи (*иссиқ ҳарорат ҳақида*); لَوَافِحُ الْأَنْوَاءِ куйдирувчи (иссиқ) бўрон; ~ ـــةٌ رِيحٌ гармсел

– لُفَاحٌ *бот.* меҳригиёҳ

– لَفْحٌ гармселнинг эсиши

– لَفْحَةٌ *кўп.* لَفَحَاتٌ 1) зарба; 2) (*шамол*) шиддати; 3) шикаст; куйиш, куйиб қолиш; الْبَرْدِ ~ совуққа олдириш

– لَفُوحٌ куйдирувчи, иссиқ, алангали

– مَلْفُوحٌ куйган, иссиқдан қуриб қолган (*ўсимликлар ҳақида*)

I لَفَظَ (*и*) لَفْظٌ 1) туфламоқ, (*н. нидир*) ажратиб чиқармоқ (*туш. к. ёки* ب); 2) рад қилмоқ; 3) (*лойқа чўкинди*) ҳосил қилмоқ (*дарё ҳақида*); 4) (*қаёққадир*) чиқариб ташламоқ (إِلَى); 5) талаффуз қилмоқ, гапирмоқ; النَّفَسَ الْأَخِيرَ ~ *ёки* أَلْفَاظَهُ الْأَخِيرَةَ أَنْفَاسَهُ ~ ўлмоқ, вафот этмоқ (охирги нафасни чиқармоқ); V تَلَفَّظَ 1) (*н. нидир*) талаффуз қилмоқ (ب); 2) (*одобсиз*) гапларни гапирмоқ, (*юз-хотир қилмай*) гапирмоқ

– تَلَفُّظٌ талаффуз

– لَافِظٌ чиқарувчи, чиқариб ташловчи

– لَافِظَةٌ денгиз

– لَفْظٌ[1] талаффуз; أَخْطَأَ الـ ~ нотўғри талаффуз қилмоқ; ~ً وَمَعْنًى шакли ва маъносига кўра

– لَفْظٌ[2] *кўп.* أَلْفَاظٌ сўз, **ифода**; الْأَلْفَاظُ الْمُوَلَّدَةُ وَالْمُحْدَثَةُ وَ الْمُعَرَّبَةُ وَ الدَّخِيلَةُ янги пайдо бўлган, янги, адабийлаштирилган ва бошқа тиллардан кирган сўзлар

– لَفْظَاتٌ *кўп.* сўз

– لَفْظِيٌّ 1) лафзий, талаффузий, оғзаки; 2) нутққа, гапга оид; 3) сўзма-сўз; ~ إِضَافَةٌ *грам.* лафзий изофа; ~ كَسْرٌ *мат.* нотўғри каср

– لَفِيظٌ 1) чиқарилган, чиқариб ташланган; 2) талаффуз қилинган

– مَلْفُوظٌ = لَفِيظٌ

I **لَفَعَ** (*u*) لَفْعٌ бошни тўлдирмоқ (*оқ соч ҳақида*); II لَفَّعَ (*н. биландир*) ёпмоқ (ب); V تَلَفَّعَ (*н. гадир*) ўралмоқ (فِي); (*н. биландир*) ўралмоқ, қопланмоқ (ب); VIII اِلْتَفَعَ (*н. биландир*) ўралиб олмоқ (ب)

– لِفَاعٌ шарф, кашне; рўмол

– مِلْفَعٌ *кўп.* مَلَافِعُ шол (*рўмол*)

I **لَفَقَ** (*u*) لَفْقٌ тикиб уламоқ, қурамоқ; тагидан (қўшиб) тикмоқ; II لَفَّقَ 1) тўқимоқ, тўқиб чиқармоқ (*ёлғонни*); ўйлаб чиқармоқ; ~ التُّهَمَةَ туҳмат тўқиб чиқармоқ; 2) суратлар билан безатмоқ, гўзаллаштирмоқ; 3) омонат қилиб уламоқ, кўкаламоқ

– تَلْفِيقٌ *кўп.* اتٌ — 1) туҳмат, ёлғон, тўқима; 2) безатиш, суратлар билан безатиш

تَلْفِيقَةٌ *кўп.* اتٌ — тўқилган гап, ҳикоя; тўқима; ёлғон-яшиқ

– لَفْقٌ кўп لِفَاقٌ 1) (*кийим*) этаги, бари; 2) *кўч.м.* ўзига мос, ўзига ўхшаш, ўзи сингари, ўзининг жуфти

– مُلَفَّقٌ тўқиб чиқарилган, ўйлаб топилган; ёлғон, ёлғон-яшиқ

لَفْلَفَ (*н. биландир*) ўраб қўймоқ, ёпмоқ (ب) ~ (*судга тушган ишни*) босди-босди қилиб, йўқотиб юбормоқ; تَلَفْلَفَ (*н. биландир*) ўралиб олмоқ, ёпилмоқ (ب)

– لَفْلَفَةٌ ўралиш, ёпилиш

– مُلَافِنٌ *кўп.* مَلَافِنَةٌ (*теология -диншунослик*) доктори

لَفَى (لفو) *халқ.* топмоқ; أَنَا لَفِيتُ الطَّرِيقَ мен йўлни топдим; III لَافَى (*камчиликни*) тузатмоқ, йўқотмоқ; IV أَلْفَى топмоқ, устидан чиқиб қолмоқ; VI تَلَافَى 1) тўғриламоқ, жойига келтирмоқ; 2) (*н. дандир*) ўзини четга олмоқ, четда турмоқ (لِـــ); (*н. нингдир*) олдини олмоқ (لِـــ)

– تَلَافٍ тузатиш, жой-жойига қўйиш; وَ تَلَافِيًا لِـــ... ...га дуч келмаслик учун ...нинг олдини олиш учун

– لَفَاءٌ арзимас, оз нарса

– مُلَافَاةٌ (*камчиликни*) тўғрилаш, йўқотиш

I **لَقَّ** (*a/u*) لَقٌّ силкимоқ, қоқмоқ; ~ الْعَيْنَ кўзга қўл билан урмоқ

(لقب) II لَقَّبَ 1) (*к. гадир, қандайдир*) лақаб қўймоқ, бермоқ (*туш.к. ёки* ب); 2) (*к. ёки н. деб*) унвон бермоқ (ب); V تَلَقَّبَ 1) (*к. ёки н. деб*) лақаб олмоқ (ب); 2) (*к. ёки н. деб*) унвон олмоқ (ب)

– لَقَبٌ *кўп.* أَلْقَابٌ 1) лақаб; 2) унвон; ~ أُسْتَاذٍ профессор унвони; ~ شَرَفٍ фахрий унвон; ~ تَهَكُّمِيٌّ лақаб, от (*мас. итники*)

– مُلَقَّبٌ 1) лақабли; 2) унвонли

(لقح) I لَقَحَ (*a*) لَقْحٌ 1) уруғлантирмоқ; чангламоқ (*ўсимликларни*); 2) (*бирор касалга қарши*) эмламоқ (ب); 3) ташламоқ, ташлаб юбормоқ (*сол.* لَقَعَ); لَقِحَ (*a*) لَقَاحٌ, لَقَحٌ, لَقْحٌ; لُقِحَ қочмоқ (*ҳайвон ҳақида*), ҳомила пайдо бўлмоқ; *бот.* чангланмоқ; II لَقَّحَ 1) уруғлатмоқ, чанглатмоқ (*ўсимликларни*); 2) (*бирор касалликка қарши*) эмлатмоқ (ب); 3) (*бирор к.*) устидан кулмоқ, масхара қилмоқ (عَلَيْهِ); 4) ташламоқ, ташлаб юбормоқ; IV أَلْقَحَ (*н. биландир*) уруғлантирмоқ (ب); ~ الْفَحْلُ النَّاقَةَ эркак туя урғочисига ошди; ~ـــت الرِّيحُ السَّحَابَ шамол булутни ёмғирли булутга айлантирди; V تَلَقَّحَ 1) ҳомиладор бўлмоқ; уруғланмоқ (*ҳужайра ҳақида*); 2) ташланмоқ; VI تَلَاقَحَ 1) уруғланмоқ; 2) туғмоқ, кўпаймоқ, болаламоқ, ҳосил бермоқ

– تَلْقِيحٌ 1) уруғланиш, урчиш, урчитиш; ~ صِنَاعِيٌّ ёки ~ اصْطِنَاعِيٌّ сунъий урчитиш, чанглаш; ~ النَّبَاتِ ўсимликларни чанглатиш; 2) бирор касалликка қарши) эмлаш (ضِدَّ); ~ ضِدَّ الْجَدَرِيِّ чечакка қарши эмлаш

– لَاقِحٌ *кўп.* لَوَاقِحُ: رِيَاحٌ لَوَاقِحُ намликни булутларга ҳайдаб уни ёмғирли қиладиган шамоллар

– لَقَاحٌ 1) эмлаш; 2) чанглатиш

– لِقَاحٌ *кўп.* اتٌ — 1) уруғ, маний, сперма; 2) *бот.* чанг; 3) *мед.* зардоб, вакцина; ~ ضِدَّ شَلَلِ الأَطْفَالِ ёки ~ الْجَدَرِيِّ чечакка қарши зардоб (вакцина); 4) уруғланиш, урчиш, ҳомиладор бўлиш

– لَقْحٌ урчиш, уруғланиш, ҳомиладор бўлиш

– مُلْقِحٌ *кўп.* مَلَاقِحُ 1) ошувчи (*ҳайвон*), ҳайвонларнинг эркаги

– مُلْقَحَةٌ *кўп.* مَلَاقِحُ қочиб қолган ҳайвон, қорнида боласи бор ҳайвон

– مَلْقُوحَةٌ *кўп.* مَلَاقِيحُ ҳайвон қорнидаги эмбрион, бола

لَقَدْ (لَـــ+قَدْ) аллақачон, аллақачон бўлган, бўлиб ўтган

I (لقس) **لَقَسَ** (*u*) لَقْسٌ 1) кулмоқ, (*к. нидир*) кулги остига олмоқ; 2) танбеҳ бермоқ, айбламоқ, сўкмоқ; لَقِسَ (*a*) لَقَسٌ 1) (*бирор н.* га) берилиб кетмоқ, ортиқ даражада қизиқмоқ (إِلَى); ~ـــتْ نَفْسُهُ إِلَى ... у ...га берилиб кетган; 2) (*бирор н.* дан) жирканмоқ (مِنْ); ~ـــتْ نَفْسُهُ مِنْ ... у (*бирор*) нарсадан жирканди; II لَقَّسَ тўхтатмоқ, тўхтатиб (ушлаб) турмоқ; кечикишга сабаб бўлмоқ; V تَلَقَّسَ кечикмоқ, кеч қолмоқ

– لَقِيسٌ *халқ.* 1. кечки; 2. кеч

I **لَقَطَ** (*y*) لَقْطٌ (*ердан*) олмоқ, кўтариб олмоқ; топиб олмоқ; II لَقَّطَ тўпламоқ, битта-битталаб термоқ (*мас, бошоқни*); V تَلَقَّطَ

термоқ, териб олмоқ; التَّمْرَ ~ у ер-бу ердан тўкилган хурмони териб олмоқ; VIII اِلْتَقَطَ термоқ, териб олмоқ; اللُّقَطَ ~ бошоқ термоқ; 2) ўзлаштирмоқ, олмоқ (*мас, фикрни*); 3) ушламоқ, тутмоқ (*мас, радиотўлқинни*); ◊ الصُّوَرَ ~ фотосурат олмоқ; أَنْفَاسَهُ ~ нафасни ростлаб олмоқ, дам олмоқ

– اِلْتِقَاطٌ 1) ердан олиш, тўплаш; 2) *радио.* қабул қилиш; ~ الصُّوَرِ фотосурат олиш; ~ النَّفَسِ нафасни ростлаб олиш, дам олиш

– لَاقِطٌ 1) тўпловчи, йиғувчи; 2) қабул қилувчи; آلَةُ الـ~ـةُ радиоприёмник

– لَاقِطَةٌ пасткаш (ифлос, бузуқ) аёл; ~ لِكُلِّ سَاقِطَةٍ ҳар бир оғиздан чиққан сўзни эшитувчи топилади, оғзим бор деб ҳар нарсани сўзлама

– لُقَاطٌ, لُقَاطَةٌ ўримдан сўнг териб олинган бошоқлар

– لَقَطٌ ҳар кандай топиб, териб олинган нарса; ~ الْمَعْدَانِ рудадан олинган ёмби олтин; ~ السُّنْبُلِ = لُقَاطٌ

– لَقْطَةٌ *кўп.* لَقَطَاتٌ *фото.* кадр; бир онда олинган сурат; فَوْتِيَّةٌ ~ тепадан олинган сурат

– لُقْطَةٌ, لُقَطَةٌ, *кўп.* اتٌ ـــ, لُقَطٌ 1) (*ўз ва кўч. м.*) топилма; кутилмаган фойда; соф ҳолда топилган металл (*мас, олтин*)

– لَقِيطٌ *кўп.* لُقَطَاءُ топиб олинган, биров ташлаб кетган бола

– مِلْقَاطٌ *кўп.* مَلَاقِيطُ омбир, қисқич

– مِلْقَطٌ *кўп.* مَلَاقِطُ кичик омбир, кичик қисқич; пинцет; ~ السُّكَّرِ қанд майдалайдиган, оладиган кисқич; ~ النَّارِ оташкурак

– مَلْقُوطٌ = 1. ердан олинган, топилган, териб олинган; الْبُنُّ الـ~ элакдан ўтказилган қаҳва (*кофе*); 2. *кўп.* مَلَاقِيطُ ташландиқ бола

I لَقَعَ (*а*) لَقْعٌ ташламоқ, отиб юбормоқ, ташлаб юбормоқ

I لَقَفَ (*а*) لَقْفٌ, لَقَفَانٌ тутмоқ, тутиб олмоқ; V تَلَقَّفَ 1) тутмоқ, тутиб олмоқ; 2) жуда тез ютмоқ, лаққа ютмоқ; VIII اِلْتَقَفَ = V

– لَقِفٌ тутиб олувчи

– مَلْقَفٌ *кўп.* مَلَاقِفُ (*томга ўрнатилган*) шамоллатувчи қурилма

لَقْلَقَ 1) ликиллатмоқ, қимирлатмоқ; 2) тақиллатмоқ (*мас, лайлак тумшуғида*); 3) вақирламоқ (*мас, қайнаётган сув*); 4) тилни чиқармоқ (*илон ҳақида*); 5) ғийбат қилмоқ, фисқу фасод гаплар қилмоқ

– لَقْلَاقٌ = لَقْلَقٌ

– لَقْلَاقٌ ғийбатчи, фисқу фасодчи

– لَقْلَقٌ[1] *кўп.* لَقَالِقُ лайлак

– لَقْلَقٌ[2] тил

– لَقْلَقَةٌ 1) тақиллаш; вақирлаш; 2) ғийбат қилиш, фисқу фасод қилиш; 3) қаттиқ овоз, кучли овоз

I لَقَمَ (لقم) (*у*) لَقْمٌ бекитмоқ, тўсмоқ; لَقِمَ (*а*) لَقَمٌ 1) оғизда тутмоқ, тутиб олмоқ; 2) ютмоқ, ютиб юбормоқ; II لَقَّمَ (*овқатни*) бермоқ, оғизга бермоқ; бермоқ, едирмоқ; الْقُفْلَ ~ шилга бирор мато қоқмоқ; الْقَهْوَةَ ~ қаҳва тайёрламоқ; الْمِدْفَعَ ~ тўп (*замбарак*)ни ўқламоқ; IV أَلْقَمَ оғизга солмоқ; юттирмоқ, ютишга мажбур қилмоқ; ~ الأُمُّ ابْنَهَا حَلَمَةَ الثَّدْيِ она боланинг оғзига эмчак солди; V تَلَقَّمَ тўхтаб-тўхтаб ютмоқ; VIII اِلْتَقَمَ 1) оғизга олмоқ (*музика асбоби, мунштугини*); 2) ютмоқ

– تِلْقَامَةٌ 1. хўра, серовқат; еб-ютиб юборадиган; 2. *биол.* фагосит (*ёт зарралар ва бактерияларни ютиш ҳамда ҳазм қилиш хусусиятига эга бўлган ҳужайра*)

– لُقْمَةٌ *кўп.* لُقَمٌ 1) луқма, бўлак (*мас. нон*); قَطَعَ الـ~ مِنْ فَمِهِ ... бўлсин учун бир луқмадан ҳам воз кечмоқ; بَحَثَ عَنْ لِكَيْ ... учун бир луқмадан ҳам воз кечмоқ; ~ الْعَيْشِ ўзига бир луқма нон қидирмоқ, тирикчилик учун елиб-югурмоқ; حَرَّمَهُ ~ الْعَيْشَ бирор кишини бир луқма нондан маҳрум қилмоқ; انْتَزَعَ الـ~ مِنْ أَفْوَاهِ الْجَائِعِينَ очнинг оғзидан луқмани тортиб олмоқ; 2) (*бирор н. нинг*) учи; ◊ سَائِغَةٌ ~ оғиз сувини келтирадиган нарса; مُرَّةٌ ~ машаққат билан топилган нон; ~ اللِّجَامِ сувлиқ (*отдаги*); ~ الْمِفْتَاحِ калит (*очқич*) нинг тили; ~ الْقَاضِي қуймоқ

– لُقَيْمَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ кичик луқма, бўлак, бурда

– مُلَقِّمٌ ўқловчи (*тўп-замбаракни*)

لُقْمَانُ *ат. от, мз.* Луқмон (*қадимда яшаган донишманд ҳакимнинг номи*)

I لَقَنَ (*а*) لَقْنٌ ўзлаштирмоқ, ўрганмоқ; ўқимоқ; II لَقَّنَ 1) ўқитмоқ, ўргатмоқ; таълим бермоқ, йўл-йўриқ кўрсатмоқ; 2) ишонтирмоқ, таъсир қилмоқ; 3) айтиб бериб турмоқ; суфлёрлик қилмоқ; ~ دَرْسًا قَاسِيًا دَرْسًا кимнингдир адабини бермоқ, ўқитиб қўймоқ; ~ (*к. нингдир*) қаттиқ адабини бериб қўймоқ (ـــلِ); V تَلَقَّنَ ўзлаштирмоқ, қабул қилмоқ, йўл-йўриқ олмоқ, маслаҳат олмоқ; ~ الْعِلْمَ فِي ...да ўқимоқ, илм ўрганмоқ; ~ الْعَرَبِيَّةَ араб тилини ўрганмоқ

– لَقَّانٌ қовоқ, кади

– لَقَانَةٌ, لَقَانِيَّةٌ тез ўзлаштириш, тушуниб олиш

– مُلَقِّنٌ суфлёр; كَمْبُوشَةُ الـ~ суфлёр будкаси

لَقْوَةٌ *кўп.* لَقَاءٌ, أَلْقَاءٌ юз, бет фалажи

I لَقِيَ (*а*) لَقَاءٌ, تِلْقَاءٌ, لُقْيَانٌ, لَقَاءَةٌ, لَقَايَةٌ 1) учратмоқ, топмоқ, олмоқ; ~ تَأْيِيدًا кўмак, ёрдам топмоқ (олмоқ); ~ آذَانًا مُصْغِيَةً эътибор билан тинглайдиганларни топмоқ; ~ رَبَّهُ وَجْهَ ~ *ёки* ~ *ёки* حَتْفَهُ ўлмоқ, вафот этмоқ; 2) чидамоқ, чидам кўрсатмоқ, бошдан ўтказмоқ; لُقِيَ الرَّجُلُ одамнинг юзи фалаж бўлди; II لَقَّى бермоқ, бериб қўймоқ; III لَاقَى 1) истиқболига чиқмоқ, қабул қилмоқ, кутиб олмоқ; هٰذَا الْمَقَالُ آذَانًا صَاغِيَةً وَقُلُوبًا وَاعِيَةً ~ бу мақола эътибор билан кутиб олинди ва юракларда акс-садо

берди; حَتْفَهُ ~ ўлмоқ; 2) бошдан кечирмоқ, чидамоқ; IV أَلْقَى (*н. нидир*) ташламоқ, итқитмоқ, итқитиб юбормоқ (*туш. к. ёки* – ب); ~ ... عَلَى ...ни аниқламоқ, равшанлаштирмоқ; نُورًا (ضَوءًا) ~ ...га бомба ташламоқ; جَانِبًا ~ бирор тарафга ташлаб (итқитиб) юбормоқ; ташлаб юбормоқ; ... بِنَفْسِهِ فِي ~ ...га ўзини ташламоқ; ... بِنَفْسِهِ مِنْ ~ ...дан ўзини ташламоқ; قُرْعَةً ~ қуръа ташламоқ; عَلَيْهِ الْقَوْلَ ~ (*к. гадир*) йўл-йўриқ кўрсатмоқ; (بِالْقَوْلِ) إِلَيْهِ الْقَوْلَ ~ (*к. гадир*) айтмоқ, хабар бермоқ; إِلَيْهِ السَّلَامَ ~ (*к. гадир*) салом бермоқ; 2) (*к. гадир*) фикр бермоқ; фикрни ўтказмоқ; الرُّعْبَ فِي ~ الْقُلُوبِ қўрқитмоқ, юрагига ваҳима солмоқ; 3) (*нутқ*) сўзламоқ; декламация қилмоқ; الْخِطَابَ ~ хитоб қилмоқ, нутқ сўзламоқ; ~ الْمُحَاضَرَةَ оммавий лекция ўқимоқ; 4) нутқ аъзолари воситасида товуш ҳосил қилмоқ; 5) (*савол*) бермоқ; عَلَيْهِ سُؤَالًا ~ кимгадир савол бермоқ; 6) (*к. нингдир*) зиммасига юкламоқ (عَلَى); ~ ... عَلَى عَاتِقِهِ مُهِمَّةً ...га масъулиятни юкламоқ; ~ الْمَسْؤُولِيَّةَ عَلَى вазифани кимгадир юкламоқ; دَرْسًا لَهُ ~ кимгадир дарс бермоқ; ~ ... بَالَهُ إِلَى нимагадир эътибор бермоқ, бирор нарса ҳақида ғамхўрлик қилмоқ; رَأْسَهُ بَيْنَ يَدَيْهِ ~ бошни қўл билан чангалламоқ; الْجَبَلَ عَلَى الْغَارِبِ ~ *қар.* غَارِبٌ; ... الْقَبْضَ عَلَى ~ (*к. нидир*) ҳибсга олмоқ; ... السَّمْعَ إِلَى ~ (*к. нидир*) тингламоқ, гапига қулоқ солмоқ; V تَلَقَّى 1) учратмоқ; 2) қабул қилмоқ, олмоқ; ... деб қабул қилмоқ; (*радиодан*) қабул қилмоқ; الأَوَامِرَ ~ буйруқлар олмоқ; ~ الْعُلُومَ илм олмоқ, маълумот олмоқ; بِأَلْسِنَةٍ ~ бир-биридан эшитмоқ, бир-биридан эшитиб билмоқ; VI تَلَاقَى ўзаро учрашмоқ, бирлашмоқ. кесишмоқ (*йўллар ҳақида*); VIII اِلْتَقَى 1) (*к. нидир*) учратмоқ, топмоқ; 2) қўшилмоқ, қўшилиб кетмоқ; (*к. биландир*) учрашмоқ (ب); X اسْتَلْقَى чўзилиб ётмоқ, чалқанча ётмоқ; عَلَى ~ (عَلَى ظَهْرِهِ) قَفَاهُ чалқанча ётмоқ

– اسْتِلْقَاءٌ ётиш, чўзилиш

– إِلْقَاءٌ 1) отиш, итқитиш; 2) (*лекция*) ўқиш, декламация; عِلْمُ ~ الْـ нотиқлик санъати; ~ الْقَبْضِ ҳибсга олиш

– إِلْقَائِيٌّ декламацияга оид

– أُلْقِيَّةٌ *кўп.* أَلَاقِيُّ топишмоқ, муаммо, луғз

– تَلَاقٍ учрашув

– تَلَقٍّ қабул қилиш, олиш; تَلَقِّي الْعُلُومِ илм, маълумот олиш

– تِلْقَاءٌ қарши олиш, учрашиш, дуч (рўпара) келиш; تِلْقَاءَهُ унинг истиқболига, унинг қаршисида; مَا قُوبِلُوا بِهِ ~ олишига яраша; (ذَاتِهِ) نَفْسِهِ ~ مِنْ ўз ташаббуси билан, ўз ихтиёри билан

– تِلْقَائِيٌّ 1) ғайриихтиёрий, истамаган ҳолда; стихияли равишда; 2) ўз-ўзидан, автоматик равишда; ~ا автоматик; 3) ўзича, ўзбошимчалик қилувчи

– تِلْقَائِيَّةٌ 1) ғайриихтиёрийлик; 2) автоматиклик, автоматизм

– لِقَاءٌ *кўп.* لِقَاءَاتٌ 1) учрашув, кўришиш; 2) жанг, уруш; إِلَى الْـ~ кўришгунча!, хайр!; ~ُهُ ...нинг ўрнига, ... учун ...га қарама-қарши

– لِقَايَةٌ 1) учрашув, кўришиш; 2) топилдиқ, топиб олинган нарса, топилма

– لُقًى *кўп.* أَلْقَاءٌ эсдан чиқариб, ташлаб қўйилган нарса

– لُقْيَا, لُقًى, لُقْيٌ учрашув, учрашиш, дуч келиш, рўпара келиш

– لُقَيَّةٌ *кўп.* لَقَايَا топилдиқ, топилма; النَّادِرَةُ ~ нодир, камёб топилма

– مُسْتَلْقَى *мн.* مُسْتَلْقَيَاتٌ чалқанча ётган

– مُلَاقَاةٌ учрашув, учрашиш; мулоқот, қабул қилиш

– مُلْتَقًى *кўп.* مُلْتَقَيَاتٌ 1) учрашадиган ёки келишадиган жой; ~ الطُّرُقِ йўл кесишадиган жой; чорраҳа; *т. -й.* темир йўл туташадиган жой; 2) учрашув, кўришув, дийдорлашув; ◊ إِلَى الْـ~! хайр, кўришгунча!

– مُلْقٍ[1] *мн.* مُلْقِيَةٌ ташлаб юборувчи, ташловчи

– مَلْقُوٌّ юзи фалаж бўлган

– مَلْقًى *кўп.* مَلَاقٍ 1) учрашув, дийдорлашув жойи; 2) чорраҳа

– مُلْقًى *мн.* مُلْقَاةٌ ташланган, ташлаб юборилган

– مُلْقًى[2] ташлаб юбориладиган жой

I **لَكَّ** (*а/у*) لَكٌّ 1) урмоқ, муштламоқ; 2) гап сотиб ўтирмоқ; VIII الْتَكَّ қисилган бўлмоқ, жипс, сиқилиб ўтирмоқ; ◊ فِي كَلَامِهِ ~ гапда хато қилмоқ, янглишмоқ

– لَكٌّ[1] *кўп.* أَلْكَانٌ, لُكُوكٌ 1) юз минг (*рупия*); 2) ҳинд лаки (*пул ҳақида*)

– لَكٌّ[2] 1) қизил елим; 2) лак, лок (*бўёқ*)

– لَكَّةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ ـــ мушт тушириш

– لَكَّةٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ ـــ қора доғ

I **لَكَأَ** (*а*) لَكْءٌ урмоқ, зарба бермоқ, муштламоқ; لَكِئَ (*а*) لَكَأٌ (*қаердадир*) қолмоқ, бўлмоқ (ب); V تَلَكَّأَ секинаклик қилмоқ, шошмаслик

– لُكَأَةٌ секинак одам

لَكْتَاتٌ лактат, сут тузи

I **لَكَزَ** (*у*) لَكْزٌ 1) урмоқ, мушт билан урмоқ; (*бирор н. билан*) туртмоқ, урмоқ (ب); بِكُوعِهِ ~ кимнидир тирсак билан туртмоқ; 2) кўкракка муштламоқ; V تَلَكَّزَ важ-корсон, баҳона қилмоқ, ўзини

оқламоқ, олиб қочмоқ

– لَكَازٌ пона

– لَكَزٌ қизғанчиқ, хасис, зиқна

– لَكْزَةٌ *кўп.* لَكَزَاتٌ уриш, зарба, мушт

I **لَكَعَ** (*у*) *ёки* لَكِعَ (*а*) لَكَعٌ, لَكَاعَةٌ паст (тубан, аблаҳ) бўлмоқ; V تَلَكَّعَ секинлик қилмоқ, кечикиб қилмоқ

– أَلْكَعُ *мн.* لُكْعَاءُ *кўп.* لُكَعٌ = لَكِيعٌ

– لَكَاعَةٌ 1) секинаклик, шошмаслик; 2) тубанлик, пасткашлик, аблаҳлик

– لُكَعٌ[1] тубан, пасткаш; ~ يَا! о, аблаҳ!, эҳ, пасткаш!

– لُكَعٌ[2] кичкина бола, болакай

– لَكِعٌ секинак

– لَكِيعٌ *кўп.* لُكَعَاءُ тубан, пасткаш, аблаҳ

لَكْلَكَ (*бирор н. ни*) қўл учида қилмоқ; *кўч. м.* эплаб-сеплаб овқат тайёрламоқ

– لَكْلَكَةٌ қўл учида қилинган иш; эплаб-сеплаб овқат тайёрлаш

I **لَكَمَ** (*у*) لَكْمٌ дўппосламоқ, урмоқ, мушт билан уриб дўппосламоқ; III لَاكَمَ мушт ишлатиб уришмоқ; бокс тушмоқ

– لُكَامٌ: الـ~ Шомдаги тоғнинг номи

– لَكْمَةٌ *кўп.* لَكَمَاتٌ мушт уриш

– لُكْمِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) мушт; 2) мушт уриш

– مُلَاكِمٌ боксчи

– مُلَاكَمَةٌ муштлашиб уришиш; бокс

– مَلْكَمَةٌ *спорт.* пенчингбол, боксчи машқ қиладиган теридан ясалган тўп

– مِلْكَمَةٌ 1) боксчи қўлқопи; 2) кастет (*тўрт бармоқни ўтказиб ушламоқ учун тўртта тешиги бўлган ясси металл асбоб, муштлашиш қуроли*)

I **لَكَنَ** (*а*) لَكَنٌ, لَكُونَةٌ тутилиб-тутилиб гапирмоқ, минғилламоқ

– أَلْكَنُ *мн.* لَكْنَاءُ *кўп.* لُكْنٌ тутилиб-тутилиб гапирувчи

– أَلْكَانُ кўп мис тоғора

– لَكِنْ *ёки* لَكِنَّ *ёки* لَكِنَّمَا аммо, лекин, бироқ

– لُكْنَةٌ 1) тутилиб-тутилиб гапириш; 2) ёмон талаффуз; акцент (*ўзига хос талаффуз*)

لَكَيْ ...син учун, ... бўлсин учун; ~ـــمَا ...син учун; ~ـــلَا ...масин учун, ... бўлмасин учун لَمْ мади; ... لَمْ يَقُلْ у демади; ... ~ إِنْ агар маса, ...маганда; ~ مَا агар ... бўлмаганда, ҳозирча ...маганда; ... بَعْدُ ... ~ ҳозирча ...мади; ... ~ أَ *ёки* ~ أَفَـ ... *ёки* ... ~ أَوَ ахир ...масмиди; ~ إِلَّا... фақат ..., ... холос

لِمَ (*сўрашда*) *шунингдек:* لِمَا нима учун?

I **لَمَّ** (*а/у*) لَمٌّ 1) топмоқ, йиғмоқ, бирлаштирмоқ; شَعْثَهُمْ ~ *ёки* ~ شَتَاتَهُمْ у уларни бир жойга тўплади; 2) йиғмоқ, йиғиштирмоқ (*мас, елкани*); 2) (*қаергадир*) келмоқ (ب); بِدَارِ أَبِيهِ ~ у отасининг уйига келди; 4) *мажх.* оз-моз ақлдан озган бўлмоқ, жинни башара бўлмоқ; IV أَلَمَّ 1) келмоқ, босмоқ (*бало, офат ҳақида*); босмоқ (*қўрқув ҳақида*); (*к. гадир*) юқмоқ (*касаллик ҳақида* ب); بِهِ مَرَضٌ ~ у касал бўлиб қолди, касалланди; 2) хабардор бўлмоқ; (*н. нидир*) яхши билмоқ, тушунмоқ (ب); بِاللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ ~ араб тилини яхши эгалламоқ, яхши билмоқ; 3) (*к. биландир*) боғланмоқ, учрашиб турмоқ (ب); (*к. биландир*) алоқа қилмоқ (ب); 4) (*қаергадир*) келмоқ (ب); (*к. нидир*) кўргани келмоқ (ب), (*к. никигадир*) ташриф буюрмоқ (عَلَى); بِالْأَقْرِبَاءِ (عَلَى الْأَقْرِبَاءِ) ~ қариндошлариникига келмоқ; 5) (*н. нидир*) ўтказмоқ, ташкил қилмоқ (ب); بِالْجَرِيمَةِ ~ жиноят қилмоқ; بِالذَّنْبِ ~ гуноҳ иш қилмоқ; 6) яқинлашмоқ, яқин қолмоқ; بِالْمَوْضُوعِ ~ мавзуни бир оз ёритмоқ, мавзуга бир оз тил тегизиб ўтмоқ; بِالطَّعَامِ ~ оз-моз таом емоқ; بِهِ لَمَمٌ ~ у бир оз ақлдан озиб қолди; يَعْمَلُ هَذَا ~ у буни нақ бўлмаса қилиб қўяй деди; VIII الْتَمَّ 1) тўпланмоқ, йиғилмоқ, бирлашмоқ; 2) (*кўргани*) келмоқ, бормоқ

– إِلْمَامٌ билиш, танишиш; ~ بِـ كَانَ عَلَى (*бирор н.* ни) билиб турмоқ, хабардор бўлиб турмоқ; ~ بِالْقِرَاءَةِ وَالْكِتَابَةِ ёзиш ва ўқишни билмоқ, саводхон бўлмоқ

– لَأَمَّةٌ суқ, суқли кўз, тегадиган кўз, кинна

– لَمٌّ кўп нарсаларни тўплаш, жамлаш, ғамлаш

– لِمَامٌ: لِـــ~ кам ҳолларда, баъзан, баъзи-баъзида, гоҳ-гоҳ, вақти-вақти билан

– لَمَّامٌ 1) бошоқ терувчи (йиғувчи), бошоқчи; 2) коллекционер; 3) *бот.* қора ялпиз

– لَمَامَةٌ қолдиқлар, қолган нарсалар

– لَمَمٌ 1) ақлдан бегона бўлиш, ақлдан озиш; ақли калталик; 2) унча катта бўлмаган, кичик гуноҳлар

– لَمَّةٌ *кўп.* لَمَمٌ, لِمَامٌ, ـــ ـَاتٌ 1) йиғилган, тўпланган нарсалар, коллекция; 2) оломон, тўп-тўп одам; 3) *кўп.* ـــ ـَاتٌ *физ.* даста (*мас. протонлар дастаси*); 4) бало, офат, бахтсизлик; ~ مِنَ الْجُنُونِ асабнинг бузилиши, ақлдан озиш

– لِمَّةٌ *кўп.* لِمَامٌ, لِمَمٌ 1) бир тутам соч, кокил; 2) қулоқнинг юмшоқ жойигача ўсиб тушган соч; ◊ هُوَ يَزُورُنَا لِمَامًا у бизникига аҳён-аҳёндагина келади

– لُمَّةٌ 1) ҳамроҳлар, йўлдошлар; 2) компания, гуруҳ, тўп

– مَلَمٌّ эшкаклар

– مُلِمٌّ[1] (*н. нидир*) билувчи, (*н. нидир*) яхши эгаллаган, ўрганган (ب)

– مُلِمٌّ[2] балоғатга етаётган; ~ غُلَامٌ балоғатга етай деган ўспирин

مُلِمَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ бало, офат, бахтсизлик;

– مَلْمُومٌ 1) тўпланган, йиғилган, чақирилган (*мажлис ҳақида*); 2) бир оз ақлдан озган; 3) қисилган (*оғиз ҳақида*)

لِمَا *қар.* مَ ва لِمَ

لَمَّا[1] қачонки, ...ганда, ...ган вақтда, ...дан (*...гандан*) сўнг (*кейин*)

لَمَّا[2] ...магунча, ... бўлмагунча, ҳозирча, ҳалигача; وَ ~ تَنْتَهِ ... тергов ҳозирча тугагани йўқ; يَبْلُغِ الْحُلُمَ ~ у ҳозирча вояга етгани йўқ; يَبْلُغْ عِشْرِينَ عَامًا ~ у ҳали йигирмага етгани йўқ

لُمْبَاغُو *мед.* люмбаго, белоғриқ, бел санчиғи, беланги

لَمْبَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ лампа чироқ; الْجَازِ ~ газ чироғи; الْكَهْرَبَائِيَّةُ ~ электр лампочкаси

I لَمَجَ (*у*) لَمْجٌ оз-моз емоқ, еб олмоқ; V تَلَمَّجَ оз-моз овқат еб олмоқ, нафсни (ошқозонни) тинчлантириб турмоқ

– لُمْجَةٌ *кўп.* لُمَجٌ яхна овқат, егулик

I لَمَحَ (*а*) لَمْحٌ 1) қараб қўймоқ, назар ташламоқ; эътибор бермоқ, кўриб қўймоқ; 2) йилт этмоқ, йилтирамоқ; ... فِي فِكْرِهِ أَنَّ ~ унинг миясига йилт этиб шундай фикр келдики, ...; II لَمَّحَ 1) ишорат қилмоқ, эътибор қилдирмоқ, (*бирор н.* га) эътиборини тортмоқ (إِلَى); 2) меҳр кўзи билан қарамоқ, кўз билан гаплашмоқ; III لَامَحَ (*к. ғадир*) яширин, ер остидан, билинтирмай қарамоқ; IV أَلْمَحَ (*н. ғадир*) эътибор қилдирмоқ, (*н. нидир*) кўрсатмоқ (إِلَى); 2) қараб қўймоқ, назар ташламоқ; VI تَلَامَحَ кўришмоқ, кўринадиган бўлмоқ; VIII الْتَمَحَ ялтилламоқ, ялтираб турмоқ

– تَلْمِيحٌ *кўп.* اتٌ ـــ имо-ишора, ишора; ـًا ~ имо-ишора қилиб, имо-ишора билан

لَمَّاحٌ ялтилловчи, ялтираб турувчи

– لَمْحٌ 1) назар, қараш; 2) он, вақт, пайт; ◊ فِي (مِثْلِ) ~ الْبَصَرِ ёки كَـ~ الْبَصَرِ кўз очиб-юмгунча

– لَمْحَةٌ *кўп.* لَمَحَاتٌ 1) назар, қараш, 2) он, пайт, вақт; 3) (*юз*) тузилиши; مِنْ أَبِيهِ ~ فِيهِ у отасига ўхшайди; 4) *муз.* (*нотанинг*) ўн олтидан бир қисми; ◊ الْبَرْقِ ~ чақмоқ ялт-юлти

– مَلَامِحُ *кўп. шунингдек:* الْوَجْهِ ~ (*юз*) тузилиши, ифодаси; عَقَدَ ~ـَهُ жиддий тусга кирмоқ, жиддийлашмоқ, қовоғини осмоқ; فِيهِ لَمْحَةٌ مِنْ أَبِيهِ = فِيهِ ~ مِنْ أَبِيهِ (*қар.* لَمْحَةٌ)

I لَمَزَ (*у,и*) لَمْزٌ бировнинг устидан кулмоқ, камчилик қидирмоқ, ёмонламоқ, ғийбат қилмоқ; بِالْعَيْنِ ~ кўз қисмоқ

– لَمَّازٌ бировнинг устидан кулувчи, ғийбат қилувчи

– لَمْزٌ 1) ғийбат, ёмонлаш; 2) айб, нуқсон

– لَمْزَةٌ туз, бирор фикр (гап)нинг тузи; махсус маъно берувчи нарса

لَمَّازٌ = لُمَزَةٌ

I لَمَسَ (*у, и*) لَمْسٌ 1) тегмоқ, қўл теккизмоқ, ушлаб кўрмоқ; ҳидлаб кўрмоқ, ҳис қилмоқ; لَمْسَ الْيَدِ ~ ўз қўли билан ҳис қилмоқ; 2) кўрмоқ, эътибор бермоқ; 3) истамоқ, изламоқ; III لَامَسَ алоқадор бўлмоқ, алоқа қилмоқ; V تَلَمَّسَ пайпасламоқ, пайпаслаб кўрмоқ; истамоқ, изламоқ, истаб топмоқ; عُذْرًا ~ узр сўзларини пичирлаб айтмоқ; VI تَلَامَسَ 1) ўзаро тегиб, туташиб турмоқ, яқин бўлмоқ; VIII الْتَمَسَ 1) истамоқ, изламоқ; 2) илтимос қилмоқ, илтимоснома бермоқ

– إِلْتِمَاسٌ *кўп.* اتٌ ـــ илтимос; إِعَادَةِ النَّظَرِ فِي الْحُكْمِ ~ ёки دَعْوَى الـ~ *юр.* (*суд ҳукмини қайта кўриб чиқиш учун*) берилган ариза, аппеляция

– تَلَامُسٌ бир-бирига тегиб туриш, туташ бўлиш; алоқа, муомалада бўлиш; манфаатларнинг умумийлиги

– لَامِسٌ пайпаслагич, шуп (*автомобиллардаги моторда ёғ бор ёки йўқлигини билиш учун ишлатиладиган асбоб*)

– لَمْسٌ 1) тегизиш, тегизиб туриш; 2) сезиш, ҳис қилиш; حَاسَّةُ الـ~ сезиш ҳисси

– لَمْسَةٌ *кўп.* لَمَسَاتٌ 1) бир марта тегиш, тегизиш, тегиб кетиш; 2) чизиқ, ингичка чизиқ; 3) *маж.* бир оз, кўп бўлмаган нарса مِنْ السَّمَاءُ ~ سَحَابٌ صَافِيَةٌ لَيْسَتْ فِيهَا осмон беғубор, унда битта ҳам булут йўқ

– لَمْسِيٌّ сезадиган, сезиш учун хизмат қиладиган

– لَمِيسٌ нозик, назокатли, юмшоққўнгил

– مُلَامَسَةٌ тегиш, алоқа-муносабатда бўлиш; بَيْعُ الـ~ «товарни ушлаб кўрдингми-сотиб олишинг керак" қабилидаги олди-сотди

– مُلْتَمَسٌ *кўп.* اتٌ ـــ илтимос, ариза; *юр.* аппеляциянинг мазмуни

– مُلْتَمِسٌ илтимоснома ёзувчи; *юр.* аппеляция берувчи

– مَلْمَسٌ[1] 1) тегиш, тегиб туриш; نَاعِمُ الـ~ юмшоқ, нозик (*пайпаслагандаги*); 2) тегиб турган жой, контакт; 3) клавиш

– مَلْمَسٌ[2] *кўп.* مَلَامِسُ *зоол.* пайпаслағич, мўйлов

– مَلْمَسِيٌّ ҳис қиладиган, сезадиган

– مَلْمُوسٌ 1) сезиладиган, ҳис қилинадиган, пайпаслаганда қўлга илинадиган; 2) аниқ, конкрет

– مَلْمُوسَاتٌ *кўп.* предметлар, нарсалар; *физ.* жисм

– مَلْمُوسِيَّةٌ аниқлик, конкретлик

I لَمَصَ (*у*) لَمْصٌ (*к. ғадир*) юз буришитирмоқ (عَلَى)

I لَمَظَ (*и*) لَمْظٌ масза қилиб тотмоқ; тилда яламоқ; яланмоқ; V تَلَمَّظَ 1) масза қилмоқ; 2) (*бирор к. ҳақида*) ёмон фикр билдирмоқ,

бемаъни гап қилмоқ (بِذِكْرِ)

– لُمْظَةٌ отнинг пастки лабидаги оқ ранг

I لَمَعَ (*а*) لَمْعٌ, لَمَعَانٌ 1) ярақламоқ, ялтилламоқ; нур сочмоқ; 2) (*н. нидир*) силкитмоқ, силтамоқ (ب); بِيَدِهِ ~ қўл силтамоқ, қўлни қилич-қилич қилмоқ; 3) (*бирор н. ни*) олиб кетмоқ (ب); II لَمَّعَ 1) тозаламоқ, жилоламоқ, ялтиллатиб тозаламоқ; силлиқламоқ, жилвирламоқ; الْحِذَاءَ ~ оёқ кийимини ялтиллатиб тозаламоқ; 2) доғ қилмоқ; турли рангга бўямоқ; الأَظْفَارَ بِالأَصْبَاغِ ~ тирноқларни бўямоқ; الْكِتَابَ ~ китобни турли рангдаги расмлар билан безамоқ; IV أَلْمَعَ (*киноя, имо-ишоралар билан*) билдирмоқ, сездирмоқ; (*н. нидир*) имо-ишора қилмоқ (عَنْ, إِلَى); بِكَلِمَةٍ إِلَى ~ ... ...га сўз билан имо-ишора қилмоқ; بِيَدِهِ ~ қўлни қимирлатиб, қилич- қилич қилиб гапирмоқ; V تَلَمَّعَ ялтилламоқ, ялтирамоқ, нур таратмоқ; 2) хол-хол бўлмоқ, ола-була бўлмоқ, турли рангга бўялган бўлмоқ; VIII الْتَمَعَ ярқирамоқ, ялтилламоқ

– إِلْمَاعَةٌ кўрсатма, имо-ишора

– أَلْمَعُ фаросатли, фаҳмли, нозик ақл эгаси

– أَلْمَعِيٌّ 1) фаросатли, фаҳмли; 2) ёрқин

– أَلْمَعِيَّةٌ фаросатлилик, ўткир зеҳнлилик

– لَامِعٌ ялтироқ, нур сочиб турувчи

– لَامِعَةٌ 1) ялтираш, нур сочиш; 2) *анат.* лиқилдоқ, тепабош (*чақалоқ боши тепасидаги қотмаган жой*)

– لَمَّاعٌ ялтироқ, нур сочиб турувчи; жило берилган; локланган; ~ جِلْدٌ локланган тери

– لَمْعٌ, لَمَعَانٌ 1) ялтираш, нурланиш, нур сочиб туриш; жило

– لَمْعَةٌ *кўп.* لَمَعَاتٌ 1) ялтираш, ярақлаш, нур сочиш, аланга олиш; 2) ялтироқлик, жило; 3) обзор (*қисқача умумлаштирувчи маълумот*); очерк

– لُمْعَةٌ *кўп.* لُمَعٌ 1) ялт этиб кўринган ёруғлик, нур; 2) *маж.* (*бирор н. нинг*) оз миқдори, томчи

– لَمْعِيَّةٌ ярақлаш, шуъла, ярақлаб турган тозалик

– لَمِيعٌ ярақлаган, ярқираб турган, нур сочиб турган, жило бериб турган

– مُلَمَّعٌ 1) ҳар хил рангда бўялган; 2) терисининг айрим қисми бошқа қисмларнинг рангидан фарқ қиладиган от

لِمْفَاوِيٌّ лимфатик (*касалманд, бўшашган одам*)

لَمْلَمَ термоқ, териб олмоқ; غَضَبَهُ ~ ғазабни тўхтатмоқ

أَلْمَلُ *ёки* يَلَمْلَمُ яманликлар учун мийқот (*қар.* مِيقَاتٌ) ҳисобланган жой

– لَمْلَمَةٌ териш, териб олиш

– مُلَمْلَمٌ терилган, териб олинган; қисқа, сиқиқ (*услуб, стил ҳақида*) صَخْرَةٌ ~ қаттиқ думалоқ тош

– مُلَمْلَمَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ фил хартуми

لَيْمُونٌ = لَمُونٌ

I (لمى) لَمَى (*u*) لَمْيٌ *ёки* لَمِيَ (*а*) لَمًى лаби қораймоқ, лабида қора доғ бўлмоқ (*арабларда бу яхши ҳусусият ҳисобланади*)

– أَلْمَى *мн.* لَمْيَاءُ *кўп.* لُمْيٌ лаби қора, лабида қора доғи бор; رَجُلٌ ~ лабида қора доғи бор одам

– لُمَةٌ тенгдош, тенг; لِيَتَزَوَّجْ الرَّجُلُ ~ـــهُ *ҳад.* ҳар бир эр тенгига уйлансин

– لَمًى лабдаги қора ранг *ёки* қора доғ

لَنْ ҳеч қачон, ҳеч маҳал; يَنْجَحُ الْكَسْلَانُ ~ *мтл.* дангаса ҳеч қачон муваффақиятга эришаолмайди

لَنْج: ~ جَدِيدٌ мутлақо янги, ҳозиргина тикилган

لَنْش *кўп.* اتٌ ـــ катер, моторли қайиқ; ~ الصَّوَارِيخِ ракетаносец, ракета билан қуролланган кема; ~ الطُّورْبِيدُو миноносец, мина отувчи қуролли кема

لِينْشَاجٌ линчлаш (*АҚШда мутаассиблар томонидан негрларни жазолаш*)

أَللِّينِينِزْمُ *шунингдек:* تَعَالِيمُ لِينِينَ ленинизм, Ленин таълимоти

– لَنِينِيٌّ Ленинча; الـــ~ـــةُ ленинизм

I لَهِبَ (*а*) لَهَبٌ 1) ёнмоқ, алангаланмоқ; 2) (*истак ўтида*) ёнмоқ, қаттиқ орзу қилмоқ; II لَهَّبَ ёндирмоқ, аланга олдирмоқ, алангалатмоқ; ظَهْرَ الْحَمَلِ بِسَوْطٍ ~ туяни қаттиқ қамчиламоқ; أُلَهِّبُ بَدَنَكَ! мен сени калтаклайман!; IV أَلْهَبَ ёндирмоқ, алангалатмоқ; دِمَاغَهُ بِالرَّصَاصِ ~ ўз пешонасидан отиб ташламоқ; ظَهْرَ الْحَوَادِ بِسَوْطٍ ~ отни қамчиламоқ, қамчи билан саваламоқ, V تَلَهَّبَ ёнмоқ, алангаланмоқ; جَوْعًا أَوْ عَطْشًا ~ очлик *ёки* чанқоқлик азобини чекмоқ; غَيْظًا ~ ғазабланмоқ, дарғазаб бўлмоқ, ғазаб ўтида ёнмоқ; VIII الْتَهَبَ 1) ёниб кетмоқ, алангаланиб кетмоқ; 2) (*истак ўтида*) ёнмоқ

– الْتِهَابٌ 1) алангаланиш, аланга олиш; قَابِلُ الـــ~ аланга олувчи, ёниб кетадиган; 2) *мед.* шамоллаш; ~ الْأَدَمَةِ дерматит, тери шамоллаши; ~ الْأُذْنِ отит, қулоқ шамоллаши; ~ الْأَمْعَاءِ энтероколит; ~ بِطَانَةِ الْقَلْبِ эндокардит; ~ التَّأْمُورِ перикардит; ~ الرِّئَتَيْنِ ўпка шамоллаши; ~ الزَّائِدَةِ الدُّودِيَّةِ аппендицит; ~ الشُّعَبِ бронхит; ~ الْعَصَبِ неврит; ~ الْكَلَى нефрит; ~ اللَّوْزَتَيْنِ бодомсимон безларнинг шамоллаши; ~ الْمِعْدَةِ гастрит

– الْتِهَابِيٌّ шамоллашга оид

– إِلْهَابٌ алангаланиш, ўт олиш

– لَاهِبٌ 1) ёнаётган, алангаланаётган; 2) алангали; أَشِعَّةُ الشَّمْسِ

الـــ~ـــة қуёшнинг куйдирувчи нурлари

– لُهَابٌ 1) аланга, чўғ; 2) қаттиқ ташналик

– لَهَبٌ 1) аланга, чўғ; ~ الـــ حُرُوقُ куйган жойлар (*мас. бадандаги*); ~ الـــ قَاذِفَةُ огнемёт (*ўт пурковчи замбарак*); ~ أَبُو зоол фламинго, қизил ғоз

– لُهَبَانٌ = لُهَابٌ

– لَهْبَانٌ *мн.* لَهْبَى *кўп.* لُهَابٌ ташналик азобини тортаётган

– لَهَبَةٌ аланга

– لَهِيبٌ аланга, ўт

– مُلْتَهِبٌ 1) ёнаётган, алангаланаётган; ~ الْقُطْنُ пироксилин (*портловчи модда*); 2) алангали, қизғин (*туйғу ҳақида*)

– مُلْهِبَاتٌ *кўп.* баданни уйғотувчи дори-дармонлар

لَاهُوتٌ *алиф. б. қар.*

(لهث) I لَهَثَ (*а*) لَهْثٌ 1) тез-тез, оғир нафас олмоқ, қийинчилик билан нафас олмоқ, бўғилмоқ, ҳансирамоқ (*мас, югурганда*); тилни осилтирмоқ (*мас, ит ҳақида*); لَهِثَ (*а*) لَهَثٌ, لُهَاثٌ, لَهْثٌ чанқамоқ, ташна бўлмоқ

– لَاهِثٌ нафаси бўғилаётган, ҳансираётган; ... اسْتَمَعَ إِلَى ~ بِقَلْبٍ бирор нарсани нафас олмай тингламоқ

– لُهَاثٌ тез-тез, қийналиб олинган нафас; ~ قَاسَى الْمَوْتَ ўлим олди азобларини тортмоқ

– لُهْثَانُ *мн.* 1) لَهْثَى = لَاهِثٌ; 2) чанқоқ, ташна

I لَهِجَ (*а*) لَهَجٌ 1) қайсарлик қилмоқ, (*хатосида*) қатъий турмоқ (ب); 2) (*н. нидир*) одатда қилмоқ (ب); (*н. гадир*) берилмоқ, (*н. гадир*) қизиқмоқ (ب) 3) (*н. нидир*) доим айтиб, гапириб юрмоқ, (*н. нидир*) жаврайвермоқ (ب); ~ بِذِكْرِهِ нима ҳақдадир ҳамма вақт гапиравермоқ; ~ بِالثَّنَاءِ عَلَيْهِ кимгадир мадҳу сано ўқимоқ; ~ بِشُكْرِهِ мўл-кўл ташаккур айтмоқ; ... لَهِجَتْ أَلْسِنَةٌ بِأَنَّ *маж.* ҳамма шу ҳақда гапираяптики, ...; 4) (*к. гадир*) ёлғон гапирмоқ, (*к. нидир*) алдамоқ (عَلَى) IV أَلْهَجَ гапиришга мажбур қилмоқ, гапиртирмоқ; XI اِلْهَاجٌ ачиб қолмоқ (*мас. сут ҳақида*)

– لَهْجَاوِيٌّ *кўп.* لَهْجَاوِيَّةٌ ёлғончи, мақтанчоқ

– لَهْجَةٌ кўп لَهَجَاتٌ 1) тил учи; 2) она тили; лаҳжа; шева; диалект; عِلْمُ اللَّهَجَاتِ диалектология, тилшуносликнинг шеваларни ўрганувчи бўлими; 3) оҳанг, акцент, талаффуз; قَالَ ... مِلْؤُهَا الْجِدُّ ~ بِـــ у жуда жиддий гапирди; قَالَ ~ بِـــ الآمِرِ у буйруқ оҳангида гапирди

– لَهْجَةٌ = لَهْجَةٌ

– لُهْجَةٌ олдин еб олинадиган озғина овқат

I لَهَدَ (*а*) لَهْدٌ 1) зўрға нафас олмоқ, тез-тез (оғир) нафас олмоқ, ҳансирамоқ (*югурганда*); 2) чарчатмоқ, ҳолдан кетказмоқ

لَهْدَمٌ яхши кесадиган, ўткир

لَهْذَمٌ кесмоқ, қирқмоқ

I لَهَزَ (*и*) لَهْزٌ урмоқ, итармоқ, сурмоқ

I لَهَطَ (*а*) لَهْطٌ 1) тарсаки солмоқ, шапалоқламоқ; 2) ютоқиб, очкўзлик билан емоқ, тез ютмоқ

I (لهف) لَهِفَ (*а*) لَهَفٌ (*н. нидир деб*) оҳ тортмоқ, хўрсинмоқ (عَلَى); (*н. дир*) соғинмоқ (عَلَى); (*н. нидир деб*) ғам чекмоқ, алам тортмоқ (عَلَى) (*н. дандир*) хафа бўлмоқ (عَلَى); لَهَفَ (*а*) қўлга олмоқ, олиб кетмоқ; II لَهَّفَ кучли истак пайдо қилмоқ; V تَلَهَّفَ 1) (*к. нидир, н. нидир деб*) оҳ тортмоқ, хўрсинмоқ (عَلَى); 2) (*н. дир*) қаттиқ истамоқ, хоҳламоқ (عَلَى); (*н. нидир қўлга киритиш*) орзусида ёнмоқ (إِلَى, عَلَى); 3) (*н. дандир*) ғам чекмоқ, изтиробга тушмоқ (عَلَى); 4) (*н. нидир деб*) ҳаяжонланмоқ, ташвишланмоқ (عَلَى)

– تَلَهُّفٌ оловли истак; ~ بِـــ жуда бетоқатлик билан

– لَاهِفٌ ғам чекаётган, алам тортаётган, изтиробдаги, афсусланаётган

– لَهْفٌ ғам, алам; ~ يَا ёки ~ يَاـــاهُ ёки ~ يَا афсус, э, афсус

– لَهَفَانُ *мн.* لَهْفَى *кўп.* لُهُفٌ 1) ғамли, аламли; 2) қаттиқ афсусланадиган; 3) бетоқат, чидамсиз, қаттиқ интизорлик тортаётган; 4) ҳайратга тушган, ҳайрон қолган, ҳайратланувчи

– لَهْفَةٌ 1) ғайрат, иштиёқ; 2) интилиш; 3) бетоқатлик; ~ بِـــ бетоқатлик билан; 4) ташвиш, изтироб, ҳаяжон; соғинч

– لَهِيفٌ 1) бетоқат, чидамсиз; 2) ғамгин

– مَلْهُوفٌ 1) соғинаётган, изтироб (алам) чекаётган; фалокат остида қолган; 2) бетоқат, чидамсиз, қаттиқ интизорлик тортаётган

I لَهِقَ (*а*) لَهَقٌ бўздек оқ бўлмоқ

– لَهِقٌ бўздек оқ

لَهْلَبَ ёқмоқ, ёндирмоқ, алангалатмоқ; ◊ ~ـــهُ بِعَلْقَةٍ кимнингдир адабини бермоқ

– لَهْلَبَةٌ ёниб кетиш, алангаланиш

– لَهْلُوبَةٌ аланга

لَهْلَقَ тилни чиқармоқ (*чанқоқликдан*)

I لَهِمَ (*а*) لَهَمٌ емоқ, ютмоқ, еб қўймоқ; истеъмол қилмоқ; IV أَلْهَمَ 1) илҳом бермоқ; 2) юттирмоқ; V تَلَهَّمَ ютиб юбормоқ, ютмоқ; VIII الْتَهَمَ емоқ, ютмоқ, еб қўймоқ; йўқ қилмоқ (*олов ҳақида*); X اسْتَلْهَمَ 1) илҳом қидирмоқ; илҳом олмоқ, илҳомланмоқ; 2) (*н. дандир*) олмоқ (مِنْ); ~ الْعِبَرَ وَالدُّرُوسَ (*н. дандир*) сабоқ олмоқ (مِنْ); ~ اللهَ الصَّبْرَ Оллоҳдан сабр беришни сўрамоқ

– إِلْهَامٌ (*осмондан келган*) таъсир, илҳом

– لَهُومٌ, لَهِمٌ овқатхўр, хўра, қизғончиқ

– مُلْهَمٌ илҳомланган, илҳом олган

لُهْنَةٌ (*сайёҳ олиб келган*) қанд

I (لهو) لَهَا (*у*) لَهْوٌ 1) (*н. билан дир*) ўйнамоқ, овунмоқ, дилхушлик қилмоқ, кўнгил очмоқ (ب); 2) (*н. нидир*) севмоқ, яхши кўрмоқ; (*н. гадир*) қизиқмоқ, кўнгил бериоқ (ب); لَهِيَ (*а*) لَهًا 1) (*к. гадир, н. гадир*) безътибор бўлмоқ, диққат қилмаслик; (*к. гадир, н. гадир*) эътиборсизлик қилмоқ (عَنْ); 2) (*н. нидир*) севмоқ, яхши кўрмоқ; (*н. биландир*) қизиқмоқ (ب); III لاَهَى (*н. нидир*) қизиқтирмоқ, банд қилмоқ; 2) яқинлашмоқ; IV أَلْهَى (*н. биландир*) дилхушлик қилмоқ, қизиқмоқ, банд қилмоқ (ب); (*н. дандир*) эътиборни четга тортмоқ (عَنْ); V تَلَهَّى (*н. биландир*) дилхушлик қилмоқ, кўнгил очмоқ, овунмоқ (ب); (*н. дандир*) ўз эътиборини четга тортмоқ (عَنْ); VI تَلاَهَى (*н. биландир*) дилхушлик қилмоқ, кўнгил очмоқ (ب); VIII اِلْتَهَى (*н. биландир*) ўйнамоқ, банд бўлмоқ; кўнгил очмоқ, дилхушлик қилмоқ

– إِلْهَاء (*н. биландир*) банд қилиш (ب); (*н. биландир*) эътиборни четга тортиш (عَنْ); (*н. гадир*) зимдан қаршилик кўрсатиш, қаршилик қилиш, путур етказиш (عَنْ) ~ عَمَلِيَّاتُ الْـ~ четга тортиш, дилхиралик қилиш, путур етказиш учун қилинган ҳаракатлар, ишлар; зимдан қаршилик қилиш, путур етказиш

– إِلْهَائِيٌّ четга тортувчи; четга тортадиган; الْعَمَلُ الْـ~ саботаж, зимдан қилинган қаршилик, қаршилик, путур етказиш

– أُلْهُوَّةٌ, أُلْهِيَّةٌ овунчоқ, дилхушлик, кўнгил очиш; ўйинчоқ

– تَلْهِيَةٌ овунчоқ, дилхушлик, кўнгил очиш

– لاَ مِ *мн.* لاَهِيَةٌ эътибор қилмайдиган; безътибор, қўл учида, юзаки иш қиладиган

– لَهَاةٌ *кўп.* لَهَوَاتٌ, لَهَاءٌ, لَهًا, لَهَوَاتٌ *анат.* кичик тил, тилча

– لَهْوٌ дилхушлик, хурсандчилик, овуниш; ўйин; أَمَاكِنُ الـ~ дилхушлик қиладиган, кўнгил очадиган жойлар; آلاَتُ الـ~ мусиқа асбоблари

– لَهْوَةٌ, لُهْوَةٌ *кўп.* لُهًى, لُهًا 1) қимматбаҳо совға; 2) ҳовуч

– لَهَوِيٌّ 1) *анат.* кичик тил (*тилча*) га оид; 2) *лингв.* тилга оид, увуляр (*юмшоқ танглай ва кичик тил иштирокида талаффуз қилинадиган товуш*)

– مِلْهٰى *мн.* مَلاَهٍ кўнгил очадиган; хурсандлик берадиган; дилхуш қиладиган, қизиқ, ғалати

– مَلْهًى *кўп.* مَلاَهٍ 1) дилхушлик, кўнгил очиш; роҳат, фароғат; 2) кўнгил очиладиган, дилхушлик қиладиган жой; 3) театр

– مِلْهًى *кўп.* مَلاَهٍ 1) ўйинчоқ, овунчоқ, кўнгил очиш; 2) мусиқа асбоби; آلاَتُ الْمَلاَهِي мусиқа асбоблари

– مِلْهَاةٌ 1) кулги қистатадиган нарса; 2) *кўп.* مَلاَهٍ *адаб.* комедия

– مِلْهَاةٌ ўйинчоқ, овунчоқ

– مُلْهِيَاتٌ *кўп.* кўнгилочар нарсалар

لَهْوَجَ шошмоқ, шошилмоқ; тез, қўл учида қилмоқ

– لَهْوَجَةٌ 1) шошқалоқлик, шошма-шошарлик; 2) шошқалоқлик билан, қўл учида қилинган иш

لَهْوَقَ тилёғламалик (лаганбардорлик) қилмоқ

لَوْ агар, агарда ... لَمْ ~ агар ...маганда; ~ وَ лоақал ...ганда ҳам; гарчи ...са-да; ... أَنَّهُ ~ وَ агар у фақат ...ганда; كَمَا ~ أَنَّ ... гўё, гўёки; ...га ўхшаш, ...сингари, ... каби; وَ إِنِّي لَأَذْكُرُ ذٰلِكَ الْيَوْمَ كَمَا ~ أَنَّهُ حَدَثَ الْبَارِحَةَ мен у кунни худди кеча бўлган каби эслайман; لَوْلاَهُ (لاَكَ) لَـــ... агар у (мен) бўлмаганда эди, у ҳолда ...

I (لوب) لاَبَ (*у*) لَوْبٌ 1) чанқамоқ, ташна бўлмоқ; 2) ташналик азобини чекиб кезиб юрмоқ; 2) айланмоқ, тентирамоқ

– لُوبَةٌ, لاَبَةٌ тошли, шағалли тупроқ (ер); 2) лава (*вулқонлардан отилиб чиқадиган суюқ чўғ модда*); لاَبَتَا الْمَدِينَةِ Мадинаи мунаввварани ўраб турган икки тошлоқ жой

– مَلاَبٌ ёқимли бўй, ҳид

– لُوبِيٌّ қора, қора рангли

لُوبِيَّةٌ ловия

I (لوت) لاَتَ бўлмаслик, йўқ бўлмоқ, эга бўлмаслик; ~ حِينَ مَنَاصٍ кеч бўлди!, вақт ўтиб кетди!

لُوتَارِيَّةٌ лотерея

I (لوث) لَوَثَ (*а*) لَوَثٌ (*бирор н.* да) секинаклик кўрсатмоқ (في); لاَثَ (*у*) لَوْثٌ (*н. биландир*) ифлос қилмоқ (ب) II لَوَّثَ 1) (*н. биландир*) доғ қилмоқ, ифлос қилмоқ, кир қилмоқ (ب); 2) қораламоқ; ~ الْعِمَامَةَ عَلَى رَأْسِهِ бошга салла ўрамоқ; V تَلَوَّثَ ифлосланмоқ, кирланмоқ, доғ бўлмоқ; VIII الْتَاثَ 1) аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ, ноаниқ (тушунарсиз) бўлиб қолмоқ; عَلَيْهِ ~ الْأَمْرُ бу иш унга ноаниқ туюлди; 2) қоронғилашмоқ, ноаниқ бўлиб қолмоқ

– تَلَوُّثٌ ифлосланиш, кирланиш; ~ الْجَوِّ (الْهَوَاءِ) атмосферанинг (ҳавонинг) ифлосланиши; ~ مِيَادِ الْبَحْرِ денгиз сувининг ифлосланиши

– لَوْثٌ *кўп.* أَلْوَاثٌ лой, ифлос нарса, кир

– لَوْثَةٌ ифлос доғ

– لُوثَةٌ бўшанглик, кучсизлик, дармонсизлик; ◊ ~ عِنْدَهُ бир қайнови ичида, ақли пастроқ, довдиррок, ақли кирди-чиқди

– مُلْتَاثٌ 1) аралаш-қуралаш, ноаниқ, мужмал; 2) ақлдан озган, айниб қолган; ~ الْعَقْلِ ақлдан озган, мияси айниб колган

لُوجٌ *кўп.* أَلْوَاجٌ, ـــاتٌ *театр.* ложа (*ҳурмат-эътиборли кишилар, меҳмонлар ўтирадиган жой*); ~ مَاسُونِيٌّ масон ложаси (*айрим мамлакатлардаги сиёсий-диний ташкилот*)

I (لوح) لاَحَ (*у*) لَوْحٌ туюлмоқ, сезилмоқ; ... يَلُوحُ لِي أَنَّ менга

шундай туюляптики, ...; عَلَى مَا يَلُوحُ кўринишича, сезишимча; 2) (*қаердадир*) кўринадиган бўлмоқ, кўринмоқ, пайдо бўлмоқ (عَلَى); бошланмоқ (*тонг ҳақида*); 3) ярақламоқ, ялтилламоқ; 4) (*терини*) қорайтирмоқ (*қуёш ҳақида*), II لَوَّحَ 1) (*н. нидир*) силкитмоқ, қоқмоқ (ب *ёки туш. к.*); 2) (*к. гадир*) имо-ишора қилмоқ, фаҳмламоқ, сигнал бермоқ (إِلَى); 3) (*терини*) куйдирмоқ, қорайтирмоқ (*қуёш ҳақида*); ~ـهُ بِالنَّارِ бирор нарсани қовурмоқ; 4) (*хона остига*) тахта қоқмоқ; ◊ الشَّيْبُ رَأْسَهُ ~ унинг бошини оқ сочлар қоплади; IV أَلَاحَ 1) силкитмоқ, қоқмоқ; 2) кўринмоқ, пайдо бўлмоқ; 3) ялтирамоқ, ярақламоқ, чақнамоқ

– تَلْوِيحٌ силкитиш, қоқиш; сигнал бериш

– تَلْوِيحَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ эслатма, (*хошиядаги*) қисқача белгилар

– لَائِحٌ 1) аниқ, очиқ, кўриниб турган; 2) ёқимли

– لَائِحَةٌ *кўп.* لَوَائِحُ 1) (*ёзувли*) карточка; рўйхат, таблица; ~ الْأَطْعِمَةِ меню, таомлар рўйхати; ~ السَّوْدَاءِ қора рўйхат; 2) устав, тартиб, қоида; режа, лойиҳа; программа, барномаж; жадвал; инструкция, йўл-йўриқ; мажбурий қарор, топшириқ, кўрсатма; ~ الدَّاخِلِيَّةِ ички тартиблар қоидалари; ~ الْمُحَامَاةِ адвокатура устави; ~ الْقَانُونِ қонун лойиҳаси; 3) зоҳирлик, кўриниш, ташқи кўриниш; لَوَائِحُ التَّعَبِ чарчоқликнинг ташқи белгилари

– لَوْحٌ *кўп.* أَلْوَاحٌ 1) лавҳа, доска; плита, тахта; ~ الْإِنْسَاعِ (*столнинг*) жиладиган тахтаси; ~ الْأَرْدُوَازِ *ёки* ~ الْحَجَرِيُّ тошқалам доскаси; ~ الشَّطْرَنْجِ шахмат тахтаси; ~ الْكِتَابَةِ синф доскаси; ~ الْأَسْوَدُ (*синфдаги*) қора доска ~ حَدِيدٍ тахталанган темир; 2) (*муз*) бўлаги; 3) *шунингдек:* ~ الْإِسْمِ (*эшик устига исм-фамилия ва касбни кўрсатиб ёзиб қўйилган*) табличка, тахтача; 4) *фото* пластинка; 5) (*дераза*) ойнаси; 6) транспарант, плакат; 7) *анат.* курак; ◊ ~ رَجُلٍ *халқ* аҳмоқ, нодон

– لُوحِيٌّ атмосфера

– لَوْحَةٌ *кўп.* اتٌ, أَلْوَاحٌ ـَـ 1) тахта; шит; ~ التَّوْزِيعِ *эл.* тақсимловчи шит; ~ الْمُرَاقَبَةِ *эл.* контрол қилувчи шит; ~ الْإِعْلَانَاتِ эълонлар тахтаси; ~ الْأَلْوَانِ расм чизиш учун бўёқ қориладиган тахтача; ~ الرَّسْمِ чертёж (чизмачилик) доскаси ~ الشَّطْرَنْجِ шахмат тахтаси; ~ الدَّامَا дамка (шашка) тахтаси; 2) (*эшик устига исм-фамилия ва касб ёзиб қўйиладиган*) тахтача; вивеска (пешлавҳа); 3) плитка; 4) (*катта*) расм; ~ زَيْتِيَّةٌ мойбўёқ билан ишланган расм; ~ مَائِيَّةٌ акварель (сув бўёқ) билан ишланган расм; 5) экран; ~ السِّينَمَا кино экрани; ~ الْحُمَّامِ *радио.* анод

– لُوحِيٌّ атмосферага оид

– لِيَاحٌ 1. оқ; 2. тонг шафағи; эрта тонг

– مُلْتَاحٌ (*офтобда*) қорайган

– مُلَوِّحَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ сигнал; семафор

لَوْدَنُومٌ афюн эритмаси

I لَاذَ (لوذ) (*у*) لَوْذٌ, لِوَاذٌ, لِيَاذٌ 1) (*қаердадир*) яшириномоқ, бошпана қидирмоқ, қутулиб қолмоқ (ب); بِأَذْيَالِ الْفِرَارِ ~ *ёки* بِالْفِرَارِ ~ қочиб қолмоқ, тум-тарақай бўлмоқ; بِالْكُهُوفِ ~ ғорга яшириномоқ; 2) (*к. гадир, н. гадир*) суянмоқ, таянмоқ; берилмоқ (ب); بِالصَّمْتِ ~ сукутга берилмоқ, сукут сақламоқ, жим қолмоқ; III لَاوَذَ бир-биридан бошпана топмоқ, бир-биридан бошпана сўрамоқ

– لَائِذٌ 1. бошпана қидирувчи; 2. қочқин

– مَلَاذٌ *кўп.* مَلَاوِذُ бошпана, бекинадиган жой

لَوْذَعِيٌّ[1] ўткир ақлли, топқир; иқтидорли

لَوْذَعِيٌّ[2] баджаҳл, жаҳли тез

– لَوْذَعِيَّةٌ ўткир ақллилик, топқирлик; иқтидорлик

لُورْدٌ *кўп.* اتٌ ـَـ лорд; مَجْلِسُ اللُّورْدَاتِ лордлар палатаси (*Англияда қонун чиқарувчи орган*)

لُورِيٌّ *кўп.* لَوَارِيُّ, اتٌ ـَـ юк автомобили

I لَاذَ (لوز) (*у*) لَوْزٌ 1) (*н. дандир*) қочмоқ, кетмоқ (مِنْ); 2) (*н. дадир*) нажот изламоқ (إِلَى); 3) (*к. гадир, н. гадир*) таянмоқ суянмоқ, (*к. дандир, н. дандир*) фойдаланмоқ (إِلَى); ~ إِلَى الْكَذِبِ ёлғондан фойдаланмоқ; II لَوَّزَ 1) қўшмоқ, ёнғоқ қўшиб қийма қилмоқ; 2) уруғлик бермоқ, очмоқ (*пахта кўсаги ҳақида*)

– لَوَّازٌ бодомфуруш

– لَوْزٌ *жам.* бодом; ~ زَيْتُ الـ бодом ёғи; ~ شَجَرَةُ الـ бодом дарахти; 2) *бот.* уруғли қўсак; ~ دُودَةُ الـ қўсак қурти

– لَوْزَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) бодом; 2) *бот.* уруғли қўсак; ~ الْقُطْنِ пахтанинг уруғли қўсаги; 3) *анат.* бодомсимон без; لَوْزَتَانِ *ик. с.* томоқдаги бодомсимон безлар; الْتِهَابُ اللَّوْزَتَيْنِ الْبَسِيطُ *мед.* тонзиллит; الْتِهَابُ اللَّوْزَتَيْنِ التَّقَيُّحِيُّ ангина, йирингли тонзиллит

– لَوْزِيٌّ 1) бодомли, бодомга оид; 2) бодомсимон

– لَوْزِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ бодомли пирожний

– لُوَيْزَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ уруғли, уруғ берадиган қўсак

I لَاسَ (لوس) (*у*) لَوْسٌ татиб кўрмоқ

لُوسْيُونٌ пардоз суви, лосьон

I لَاشَ (لوش) (*у*) لَوْشٌ чақмоқ, тишламоқ; II لَوَّشَ тутмоқ, тутиб олмоқ

– لَوَّاشَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ тишламаслиги ёки бақирмаслиги учун оғизга тутиб қўйиладиган латта, ғоч бурағи

– لَوْشَةٌ чақиш, тишлаш (*мас., илон. ит*)

I (لوص) **لاَصَ** (*у*) لَوْصٌ 1) зимдан қарамоқ, зимдан кузатмоқ; 2) бетоқат бўлмоқ; 3) (*н. дандир*) афсусланмоқ, норози бўлмоқ (مِنْ); II لَوَّصَ зериктирмоқ, жонга тегмоқ бетоқат қилмоқ; III لاَوَصَ 1) зимдан қарамоқ, зимдан кузатмоқ; 2) тикилиб қарамоқ, кузатмоқ; 3) алдамоқ, фириб бермоқ; IV أَلاَصَ ўраб олмоқ, айлантириб ўрамоқ, ўраб айлантирмоқ

– لَوْصِيَّةٌ довдираш, ўзини йўқотиш, хижолатчилик, афсус

– مُلاَوِصٌ айёр, қув, муғомбир

I (لوط) **لاَطَ** (*у*) لَوْطٌ 1) баччавозлик гуноҳини қилмоқ; 2) (*бирор н. га*) ёпишмоқ, сувалмоқ (ب); اَلْحَائِطَ بِالطِّيْنِ ~ деворни лой билан сувамоқ; VIII اِلْتَاطَ 1) ёпишиб олмоқ; 2) (*к. гадир*) лаганбардорлик қилмоқ (ب); X اِسْتَلاَطَ ўзиники бўлмаган болага оталик даъво қилмоқ

– لَوَاطٌ, لِوَاطٌ ҳезлик, баччалик, бесоқоллик

– لُوطٌ *дин.* Лут алайҳиссалом

– لُوطِيٌّ ҳез, бачча, бесоқол

لُوطَسٌ *бот.* Миср нилуфари

I (لوع) **لاَعَ** (*у*) لَوْعٌ 1) азобланмоқ, касал бўлмоқ, изитроб чекмоқ; 2) қорайтирмоқ (*қуёш ҳақида*); لاَعَتْهُ الشَّمْسُ у қуёшда қорайди; 3) азобламоқ (*севги ҳақида*); II لَوَّعَ 1) азобламоқ, азобга гирифтор қилмоқ; жонга тегмоқ; 2) тажрибадан сабоқ бермоқ, тажрибали қилмоқ; III لاَوَعَ алдамоқ, янглиштирмоқ, адаштирмоқ; V تَلَوَّعَ азоб чекмоқ, ташвиш тортмоқ; VIII اِلْتَاعَ қаттиқ изитробга тушмоқ, ҳаяжонланмоқ, ёнмоқ (*севги ҳақида*)

– اِلْتِيَاعٌ ташвиш, ҳаяжон; севги азоблари

– تَلْوِيعٌ *кўп.* تَلاَوِيعُ изитроб, азоб

– لَوْعَةٌ 1) изитроб, азоб; اَلْحُبِّ ~ севги азоблари; 2) азоб берувчи нарса, предмет, сабаб

– مُلاَوِعٌ = مُلاَوِصٌ *қар.* لوص

– مُلَوَّعٌ азоб берувчи; ~ حُبٌّ бахтсиз севги

لُوغَارِثْمَةٌ, لُوغَارِيْثْمَةٌ, لُوغَارِذْمَةٌ *кўп.* ـاتٌ логарифмлар; جَدْوَلُ اللُّوغَارِيْثْمَاتِ логарифмлар жадвали; ~ أَسَاسُ ـِ логарифм асоси

– لُوغَارِيْثْمِيٌّ логарифмик, логарифмга оид

I (لوف) **لاَفَ** (*у*) لَوْفٌ 1) чайнамоқ, емоқ; 2) (*к. биландир*) муомалада бўлмоқ, дўстлашмоқ, алоқа қилмоқ (عَلَى)

– لُوفٌ *бот.* люфа

I (لوق) **لاَقَ** (*у*) لَوْقٌ юмшатмоқ, мулойим қилмоқ; II لَوَّقَ 1) юмшатмоқ; 2) (*овқатга*) ёғ қўшмоқ; 3) (*ерни*) текисламоқ

– مِلْوَقٌ *кўп.* مَلاَوِقُ (*аптекада ишлатиладиган*) қошиқча

لُوقَا *ат. от, мз.* Лука

I (لوك) **لاَكَ** (*у*) لَوْكٌ чайнамоқ, кавшанмоқ; اَلْفَرَسُ اللِّجَامَ ~ от юганини чайнади; بَيْنَ شَدْقِهِ كَلِمَاتٍ ~ тишни ғижирлатиб бир неча сўз демоқ

لُوكَانْدَةٌ, لُوكَنْدَةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) меҳмонхона; 2) *шунингдек:* ~ اَلْأَكْلِ ресторан

– لُوكَنْدَجِيٌّ *кўп.* لُوكَنْدَجِيَّةٌ меҳмонхона эгаси

لَوْلَبٌ *кўп.* لَوَالِبُ 1) бурама мих, винт; 2) спирал; 3) пружина; 4) пропеллер (*паррак, ҳаво парраги*)

– لَوْلَبِيٌّ 1) спиралга оид; ~ زَنْبَرِكٌ спирал пружина; ~ مِسْمَارٌ бурама мих; ~ـَـةٌ سُدُمٌ *астр.* спиралсимон туманликлар; 2) винтли, винтга оид; ~ دَرْجٌ айланма шоти

لُولَةٌ *халқ.* дур, инжу, марварид

I (لوم) **لاَمَ** (*у*) لَوْمٌ танбеҳ бермоқ, койимоқ; (*н. учундир*) гина қилмоқ, таъна қилмоқ; ёзғирмоқ (عَلَى); II لَوَّمَ қаттиқ айбламоқ; ҳайфсан бермоқ; IV أَلاَمَ 1) танбеҳ бермоқ, койимоқ; 2) танбеҳга сазовор бўлмоқ; V تَلَوَّمَ кутмоқ; секинаклик қилмоқ, чўзмоқ; VI تَلاَوَمَ ўзаро танбеҳ беришмоқ, койинишмоқ; VIII اِلْتَامَ койилмоқ, танбеҳ олмоқ; X اِسْتَلاَمَ танбеҳга лойиқ, муносиб бўлмоқ

– تَلْوِيمٌ танбеҳ бериш, қоралаш; ҳайфсан

– لاَئِمٌ *кўп.* لُوَّمٌ 1. танбеҳ берувчи; таъна қилувчи, ёзғирувчи; 2. ғийбатчи, қораловчи

– لاَئِمَةٌ *кўп.* لَوَائِمُ гина, танбеҳ, таъна; ~ لاَ لَوْمَ فِيهِ وَلاَ мутлоқ айбсиз, камчиликсиз

– لَوَّامٌ 1. таъна (гина қилувчи, қораловчи); 2. ғийбатчи, қораловчи

– لَوْمٌ 1) таъна, танбеҳ; 2) гина; عَلَيْهِ أَلْقَى الـ~ кимдандир гина қилмоқ; وَلاَ ~ عَلَيَّ мендан гина қилишга ўрин йўқ!

– لَوْمَةٌ таъна, гина; لاَ يَخْشَى ~ لاَئِمٍ у ҳечқандай таъна, гинадан қўрқмайди

– لُومَةٌ маломатга қолган; ~ رَجُلٌ одамларнинг маломатига қолган киши

– لُوَمَةٌ кўп таъна қиладиган киши

– لَوْمَةٌ = مَلاَوِمُ кўп مَلاَمٌ

– مُلاَمٌ таъна қилинувчи

– لَوْمَةٌ = مَلاَوِمُ, ـَـ ـاتٌ *кўп.* مَلاَمَةٌ

– مَلِيمٌ, مَلُومٌ таъна эшитаётган, таънага сазовор

لُومَانٌ сургун (*каторга*) даги қамоқ; каторга ишлари

– لُومَانْجِيٌّ *кўп.* لُومَانْجِيَّةٌ сургун (*каторга*) даги одам

لُومْبَاغُو *мед.* люмбаго, беланги, бел оғриғи, бел санчиғи

(لون) II لَوَّنَ бўямоқ, ранг бермоқ; ранг-баранг қилиб бўямоқ, ялтиллатиб бўялмоқ; اَلْبُسْرُ ~ хурмога ранг кира бошлади; V تَلَوَّنَ 1) бўялмоқ, ранг-баранг этиб бўямоқ; 2) ранг-баранг, турли-туман бўлмоқ; 3) ўз рангини ўзгартирмоқ, тусини ўзгартирмоқ; 4)

ўзгарувчан бўлмоқ, ўзгариб турмоқ; 5) пинжига кирмоқ, хушомад қилмоқ; ~ فِي أَقْوَالِهِ (*сўроқ вақтида*) берган кўрсатмаларини ўзгартирмоқ

– تَلْوِينٌ бўяш, ранг-баранг қилиб бўяш; бўёқ, ранг, тус

– لَوْنٌ *кўп.* أَلْوَانٌ 1) ранг, тус, рангдаги нозик фарқ; отнинг туси, ранги; زَاهٍ ~ ёрқин ранг; فَاتِحٌ ~ оч ранг; قَاتِمٌ ~ тўқ ранг; مُخْتَلِفُ الأَلْوَانِ ҳар хил рангдаги; турли-туман; لَا ~ لَهُ рангсиз; 2) бўёқ أَلْوَانٌ الصَّبَّاغَةِ бўёқлар; أَلْوَانٌ بِالزَّيْتِ لِلرَّسْمِ الزَّيْتِيَّةُ *ёки* الْأَلْوَانُ الْمَائِيَّةُ мой бўёқлари; акварель (сувли) бўёқлар; لَوْحَةُ الْأَلْوَانِ *қар.* لَوْحَةٌ; أَلْوَانٌ أَثْرِيَةٌ ун (порошок) қилинган бўёқлар; 3) овқат, таом; أَلْوَانُ الطَّعَامِ турли-туман таомлар; قَائِمَةُ أَلْوَانِ الطَّعَامِ а) меню; 4) *адаб.* жанр; 5) нав, сорт, жинс; فِيهِ أَلْوَانٌ مِنَ الْقُصُورِ унинг турли-туман (ҳар хил) камчиликлари бор

– لَوْنِيٌّ рангга оид, рангли; ~ الْعَمَى дальтонизм (*рангларни ажрата олмаслик*)

– مُتَلَوِّنٌ 1) ҳар хил рангга бўялган; турли-туман рангли; турли рангда товланадиган; 2) ўзгарувчи, доимий бўлмаган, муқим бўлмаган

– مُلَوَّنٌ 1) бўялган; 2) турли, ҳар хил рангга бўялган; турли-туман рангли; рангли; الْمَعَادِنُ الْـــَـــةُ рангли металлар; ~ فِلْمٌ рангли фильм; الْمُلَوَّنَاتُ рангли, рангли одамлар

– مُلَوِّنٌ 1. бўёвчи; 2. *кўп.* اتٌ ـــَ бўяйдиган, ранг берадиган; الْمُلَوِّنَاتُ ранг берувчи моддалар

– لَوْنَجِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ мехмонхона хизматчиси (бекаси), уй ишларини юритувчи аёл

لَوْنَدَا, لَوْنَدَه *бот.* лаванда (*гул*); ~ مَاءُ الـــ лаванда суви (муаттар сув)

لُونِيكٌ *кўп.* اتٌ ـــَ лунник

I (لوى) **لَوَى** (*и*) لَيٌّ 1) боғламоқ, эшмоқ, ўрамоқ; 2) уя қўймоқ; ~ الْحَبْلَ арғамчи эшмоқ; 3) букмоқ, эгмоқ, қийшайтирмоқ; 4) (*к. гадир*) бурилмоқ, бурилиб қарамоқ (عَلَى); هَرَبَ لَا يَلْوِي عَلَى شَيْءٍ у орқа-олдига қарамай югурарди; 5) бурмоқ; (*н. дандир*) бошқа ёққа бурмоқ (عَنْ); عُنُقَهُ ~ (*н. дандир*) юз ўгирмоқ, бурмоқ (عَنْ); 6) (*к. нидир*) кутмоқ, (*к. гадир нисбатан*) меҳр пайдо бўлмоқ (عَلَى); ◊ ~ لِسَانَهُ بِالتُّرْكِيَّةِ бузилган турк тилида гапирмоқ; (بِدَيْنِهِ) دَيْنَهُ кимгадир қарзни қайтаришни чўзиб юрмоқ; ~ سِرَّهُ сир яширмоқ; ~ يَدَهُ қўл чигалини ёзмоқ; لَوَى (*а*) لَوًى қинғир- қийшиқ бўлмоқ, буралмоқ, ҳалқа бўлмоқ; ~ الْحَيَّةُ ـــَـــتْ илон ҳалқа бўлиб олди; ~ مِعْدَتُهُ ـــَـــتْ унинг қорни бураб оғриди, унинг қорни оғриб қолди; II لَوَّى 1) қаттиқ бурамоқ, эшмоқ; 2) бурмоқ, бурамоқ; 3) (*ишни*) чигаллаштирмоқ; ◊ ذَيْلَهُ ~ думни ликиллатмоқ; IV أَلْوَى 1) (*қўл билан*) имо-ишора қилмоқ; 2) (*байроқни*) кўтармоқ; 3) (*н. нидир, мас., қўлни*) чиқармоқ (ب); بِالرَّأْسِ ~ а) юз ўгирмоқ; б) бошини бурмоқ; بِحَقِّ زَيْدٍ ~ Зайднинг ҳуқуқини инкор этмоқ; أَلْوَتْ بِهِ عَنْقَاءُ مُغْرِبٍ *маж.* йўқ бўлмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ; V تَلَوَّى 1) бурамоқ, эшилмоқ; 2) эгилмоқ, букилмоқ; бужмаймоқ; 3) илант-биланг бўлмоқ, ҳалқа бўлмоқ (*илон ҳақида*); 4) (*оғриқдан*) тиришиб типирчиламоқ; VI تَلَاوَى (*н. гадир*) рози бўлмоқ, (*н. ҳақдадир*) шартлашмоқ, келишиб олмоқ (عَلَى); VIII الْتَوَى 1) бужмаймоқ, илант-биланг бўлмоқ; ҳалқа бўлмоқ; 2) эгилмоқ, энгашмоқ, букилмоқ; 3) чиқиб қолмоқ; رُكْبَتُهُ الْتَوَتْ унинг оёғи тиззасидан чиқиб қолди; 4) (*к. учундир*) чигал, мужмал, қоронғи бўлмоқ (عَلَى-*иш ҳақида*)

I نَأَى (*а*) نَأْيٌ 1) (*қаердандир*) узоқлашмоқ, кетмоқ (عَنْ); 2) узоқлашиб кетмоқ; 3) (*к. нидир*) узоқлаштирмоқ (ب), III نَاءَى (*н. дандир*) қочмоқ, ўзини четга олмоқ, ўзини четга тортмоқ (عَنْ). IV أَنْأَى узоқлаштирмоқ, йироқлаштирмоқ; VI تَنَاءَى 1) бир-биридан узоқлашиб кетмоқ, ўзаро йироқлашиб кетмоқ; 2) (*н. дандир*) четлаштирилмоқ, узоқлаштирилмоқ (عَنْ); VIII انْتَأَى узоқлашмоқ, йироқлашиб кетмоқ; (*н. дандир*) четлатилмоқ (عَنْ)

– تَنَاءٍ узоқлашиш, йироқлашиш

– مُتَنَاءٍ *мн.* مُتَنَائِيَةٌ узоқ, узоқдаги, олисдаги

– مَنْأًى узоқ жой, яширинадиган жой, пана; كَانَ بِـ~ عَنْ ... ...дан ўзоқда бўлмоқ, ...дан йироқлашмоқ

– مُنْتَأًى узоқ (йироқ) йўл

– مُتَنَاءٍ *мн.* نَائِيَةٌ = نَاءٍ

– نَأْيٌ[1] узоқлик, йироқлик

– نَأْيٌ[2] *кўп.* أَنْآءٌ (*чодир атрофидаги*) унча катта бўлмаган ариқ

– نَأْيٌ[2] *кўп.* آنَاءٌ = نُؤْيٌ

(نبب) II نَبَّبَ тугун-тугун танали бўлмоқ (*ўсимлик ҳақида*)

أُنْبُوبٌ *кўп.* أَنَابِيبُ 1) қувур, труба; ичи пўк цилиндр, ичи ғовак цилиндр; ~ مَرِنٌ шланка; ичак; أَنَابِيبُ الْبِتْرُولِ (النَّفْطِ) нефть қувурлари; أَنَابِيبُ الْمِيَاهِ водопровод, сув қувурлари; أَنَابِيبُ الْغَازِ газ қувурлари; أَنَابِيبُ مُمَوَّجَةٌ тарам-тарам новли трубалар; 2) *бот.* ўсимлик пояси бўғимлари оралиғи; ◊ الرِّئَةِ ~ кекирдак; ~ اللاَّسْلَكِيُّ *радио.* катод лампаси

– أُنْبُوبَةٌ *кўп.* أَنَابِيبُ трубка, трубкача; мой, упа, паста кабилар солинадиган юмшоқ қўрғошин идиш; ~ الاخْتِبَارِ пробирка; ~ الأَشِعَّةِ الْمَهْبِطِيَّةِ катод нурлари трубкаси

– أُنْبُوبِيٌّ қувурга (трубага) оид; қувурсимон, трубкасимон

– أُنْبُوبِيَّاتٌ *кўп.* узунчоқ бактериялар

I نَبَأَ (*а*) نَبْءٌ 1) баланд бўлмоқ, юқори бўлмоқ, кўтарилмоқ; 2) (*н. дандир*) ўгирилмоқ (عَنْ), (*н. дандир*) юз ўгирмоқ (عَنْ); 3) (*н. дандир*) ҳазар қилмоқ, жирканмоқ (عَنْ); 4) хабар бермоқ, хабар етказмоқ; II نَبَّأَ хабар бермоқ (қилмоқ), маълум қилмоқ; (*бирор н. ҳақида*) хабардор қилмоқ (ب); IV أَنْبَأَ 1) эълон (хабар) қилмоқ; 2) олдиндан айтмоқ, башорат қилмоқ; V تَنَبَّأَ 1) пайғамбар бўлмоқ, пайғамбарга айланмоқ; ўзини пайғамбар қилиб кўрсатмоқ. 2) (*бирор н ҳақида*) пайғамбарлик қилмоқ, (*н. нидир*) олдиндан айтмоқ (ب); ~ بِالْغَيْبِ олдиндан айтмоқ, фол (ром) очмоқ; X اسْتَنْبَأَ хабардор бўлмоқ, текшириб билмоқ, ўсмоқчилаб бировнинг сирини билиб олмоқ

– نَبْؤٌ *кўп.* اتٌ ـــ олдиндан айтиш, пайғамбарлик қилиш; ~ الطَّقْسِ *ёки* الـ~ الْجَوِّيُّ об-ҳаво маълумоти; بِالْغَيْبِ ~ олдиндан айтиш, фол (ром) очиш

– نَبِيٌّ 1) пайғамбарга оид; 2) башоратли, башорат қилиб айтилган, доҳиёна

– مُتَنَبِّئٌ 1) ўзини пайғамбар деб эълон қилувчи; 2) пайғамбарлик қилувчи, олдиндан башорат қилувчи

– نَبَأٌ *кўп.* أَنْبَاءٌ маълумот, хабар, янгилик; الْأَنْبَاءُ الْمَوْثُوقُ بِهَا ишончли хабарлар (маълумотлар)

– نَبْأَةٌ шитирлаган товуш

– نُبُوءَةٌ пайғамбарлик

– نُبُوَّةٌ = نُبُوءَةٌ

– نَبَوِيٌّ 1) пайғамбарга оид; башоратли, башорат қилиб айтилган; 2) пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга тааллуқли,, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга мансуб; سُنَّةٌ السُّنَّةُ الـ~ қар.

– نَبِيٌّ, نَبِيءٌ *кўп* أَنْبِيَاءُ пайғамбар; فَرَسُ الـ~ *зоол* бешиктебратар; اسْمُ الـ~ حَارِسُكَ! пайғамбаримизнинг исми шарифлари сени асрасин! (*халқ кўз тегмаслиги учун айтилади*)

I **نَبَتَ** (*у*) نَبْتٌ, نَبَاتٌ, نُبُوتٌ 1) ўсмоқ, ўсиб чиқмоқ, кўкармоқ; 2) кўкариб чиқмоқ, ниш отмоқ, униб чиқмоқ; 3) (*к. дадир*) пишиб етилмоқ (عِنْدَ; *фикр. гоя ҳақида*); 4) ҳосил бермоқ, маҳсулот бермоқ (*ер ҳақида*), II نَبَّتَ 1) (*дарахт*) ўтқазмоқ, (*уруғ*) сепмоқ, тикмоқ. 2) (*уруғни*) ўстирмоқ, ундирмоқ. кўкартирмоқ, ундириб чиқармоқ; етиштирмоқ; 3) майда баҳя олиб тикмоқ; IV أَنْبَتَ 1) (*экинни*) кўкартирмоқ, (*уруғни*) ундириб чиқармоқ. 2) ҳосил бермоқ (*ер ҳақида*); X اسْتَنْبَتَ ундириб чиқармоқ, экиб кўпайтирмоқ; ~ الْأَرْضَ ўсимликларни экиб кўпайтирмоқ; ~ الْحُبُوبَ فِي الرَّبِيعِ ўсимлик уруғларини тез ўсадиган ва етиладиган қилмоқ (*баҳорда*)

– مُسْتَنْبَتٌ *кўп* ـاتٌ — 1) кўчатзор, ниҳолхона, парваришхона; 2) *қ х биол* экиш. ўстириш; مُسْتَنْبَتَاتُ الْبَكْتِرِيَا бактерияларни кўпайтириш

– مَنْبَتٌ *кўп* مَنَابِتُ 1) экин ўстирадиган жой (*кўчатзор, дала ва ш. к*); ~ الْحَضَارَةِ маданият пайдо бўлган жой. маданият ўчоғи, 2) (*касаллик*) манбаи; ~ جَرَاثِيمِ الْأَمْرَاضِ касаллик тарқатувчи микробларнинг манбаи. 3) келиб чиқиш; ~ الـ~ فِرَنْسِيُّ келиб чиқиши француз. 4) ватан

– نَابِتٌ ўсувчи кўкараб чиқувчи; ~ فُولٌ қайнатиб шиширилган (кўпайтирилган) ловия; ~ ذَقْنٌ соқол босиб кетган ияк

– نَابِتَةٌ *кўп* نَوَابِتُ 1) навниҳол, янги ўсиб чиққан ўсимлик. 2) етишиб келаётган авлод

– نَبَاتٌ *кўп* ـاتٌ — ўсимлик; نَبَاتَاتٌ ўт, ўт-ўлан, ўсимликлар; عَالَمُ النَّبَاتَاتِ ўсимликлар олами; النَّبَاتَاتُ الزَّيْتِيَّةُ мойли ўсимликлар, мой берадиган ўсимликлар, نَبَاتَاتُ الزِّينَةِ декоратив (*безак учун ўстириладиган*) ўсимликлар; النَّبَاتَاتُ الطِّبِّيَّةُ доривор ўсимликлар, نَبَاتَاتُ السِّيَاجِ чирмашиб ўсадиган ўсимликлар, жонли (яшил) девор; نَبَاتَاتُ الْمَمَاشِي сунъий равишда ўстириб текис қирқилган майса *ёки* майсазор, газон; ~ عِلْمُ الـ~ ботаника, ўсимликшунослик; ~ الشِّيحِ эрман, шувоқ, явшон; ~ آكِلُ الـ~ ўтхўр, ўт еб яшайдиган (*ҳайвон ҳақида*)

– نَبَاتَةٌ *кўп* ـاتٌ — баҳя. чок

– نَبَاتِيٌّ 1) ўсимликка оид. الزُّيُوتُ الـ~ـةُ ўсимлик мойлари; الْمَمْلَكَةُ الـ~ـةُ ўсимликлар олами; 2) ботаникага (ўсимликшуносликка) оид; 3) ўсимликларнинг ўсиши (кўкариши) га оид, вегетацион. 4) сабзавотларнинг ўзидангина тайёрланган. ўтхўр, ўт еб яшайдиган (*ҳайвонлар ҳақида*); 5) а) *шунингдек*: عَالَمٌ ~ ўсимликшунос, ботаник олим; б) гўштсиз. фақат сабзавотлардан тайёрланган овқат билан кун кўрувчи, вегетариан

– نَبَاتِيَّةٌ гўшт емаслик, вегетарианлик

– نَبْتٌ 1) ўсиш, кўкариш, ўсиб чиқиш; 2) ўсимлик, ўт, ўт-ўлан

– نَبْتَةٌ *кўп* نَبَتَاتٌ ниш, ниҳол, ёш новда; ўсимлик, ўт, ўт-ўлан

– نُبُوتٌ *кўп* نَبَابِيتُ таёқ, калтак. гурзи, чўқмор

– نَبْتُونُ *астр* Нептун

I **نَبَشَ** (*у*) نَبْشٌ кавлаб ташламоқ, қазиб ташламоқ, қазиб очмоқ, кавлаб чиқармоқ

I **نَبَحَ** (*а*) نَبْحٌ (*к. гадир*) вовулламоқ, акилламоқ (عَلَى)

– نَبَّاحٌ 1) вовулловчи, акиллайдиган, қопоғон; ~ كُلُّ كَلْبٍ بَبَّابٌ *мтл* ҳар бир ит ўз эшигида вовуллайди 2) *зоол* қизғич, лойхўрак (*ботқоқликда яшайдиган қуш*)

– نُبَاحٌ вовуллаш, акиллаш, ҳуриш

– نَبِيحٌ = نُبَاحٌ

– نَبْحَةٌ гугурт

I **نَبَذَ** (*и*) نَبْذٌ 1) ташламоқ, олиб ташламоқ, ирғитиб юбормоқ; 2) рад қилмоқ, қайтармоқ; (*н. нидир*) қолдирмоқ. (*н дандир*) қайтмоқ (*н. дадир*) келишолмай қолмоқ; الطَّاعَةَ ~ исен кўтармоқ. бўйсунмай қолмоқ. итоат этмай қўймоқ; الْعَهْدَ ~ ваъдага хилоф иш тутмоқ; 3) (*кўпинча хурмодан*) шароб тайёрламоқ; II نَبَّذَ қайтармоқ. рад қилмоқ; 2) шароб тайёрламоқ. التَّمْرَ ~ хурмодан шароб тайёрламоқ; الْعِنَبَ ~ узумдан шароб тайёрламоқ; III نَابَذَ 1) қаршилик қилмоқ, қарши турмоқ; 2) душманлик қилмоқ. ~ الْحَرْبَ кимгадир қарши уруш эълон қилмоқ; 3) ташламоқ, тарк этмоқ, ажралмоқ. айрилмоқ; 4) рад қилмоқ, қайтармоқ; IV أَنْبَذَ шароб тайёрламоқ; VI تَنَابَذَ 1) урушмоқ, урушишмоқ; душманлик қилмоқ 2) бир-бирини рад этмоқ; бир-бирини ташлаб кетмоқ. VIII انْتَبَذَ четга ситилмоқ, ўзини четга тортмоқ, ўзини хилватга олмоқ (*к. дандир*) узоқлашмоқ

– تَنَابُذٌ икки орага совуқлик тушиши, номувофиқлик, ихтилоф. ~ فِي الرَّأْيِ фикрлардаги ихтилоф

– مُنَابَذَةٌ рад қилиш, қайтариш; раддия

– مَنْبُوذٌ 1) рад этилган, тарк этилган. ташлаб юборилган. 2) *дин* ҳайдалган, оқ қилинган (*Ҳиндистонда*); الـ~ـونَ хор табақа вакиллари (*Ҳиндистонда*); 3) ташландиқ. ташландиқ бола

– نَابِذٌ ирғитиб юборувчи, ташлаб юборувчи

– نَابِذَةٌ 1) *мн* ирғитиб юборувчи, ташлаб юборувчи; الْقُوَّةُ الـ~ـةُ марказдан қочма куч; 2) *шунингдек*: ~ آلَةٌ марказдан қочма куч таъсирида суюқликдаги оғир қисмларни енгил қисмлардан ажратадиган асбоб, центрифуга

– نَبَّاذٌ шароб тайёрловчи; шароб сотувчи. шаробфуруш

– نَبْذٌ[1] 1) рад этиш, қайтариш; ташлаб юбориш, тарк этиш, рад;

الطَّاعَة ~ қулоқ солмаслик; итоат этмаслик, исён

نَبْذ2 *кўп* أَنْبَاذ озгина, оз; مِنْ ~ (*н. дандир*) озгина; ◊ أَنْبَاذُ النَّاس одамгарчиликдан чиққан кишилар, палидлар, ифлослар

نَبْذَة1, نَبْذ томон, тараф; ~ جَلَسَ чеккага ўтирмоқ

– نَبْذَة2 *кўп* نُبَذ 1) қисм, бўлим; 2) парча, кўчирма, цитата; 3) мақола; қайд, эзма хотира, очерк,лавҳа; تَارِيخِيَّة ~ тарихий очерк; 4) абзац; банд, пункт; فَرْعِيَّة ~ банддаги *ёки* бобдаги кичик бўлим, қисм

– نَبِيذ1 ташлаб юборилган, тарк этилган, рад қилинган

– نَبِيذ2 *кўп* أَنْبِذَة шароб, хурмодан тайёрланган шароб; أَبْيَض ~ оқ вино, أَحْمَر ~ қизил вино, الزَّبِيب ~ узумдан тайёрланган шароб

I **نَبَرَ** (*и*) نَبْر 1) (*к. гадир*) овозини кўтармоқ, бақирмоқ; (*к. нидир*) сўкмоқ, койимоқ; لِسَانَهَا ~ تْهُ زَيْنَبُ Зайнаб уни койиди; 2) урғу бермоқ, жумладаги айрим бир сўзни баланд овоз билан талаффуз қилмоқ; 3) (*н. нидир*) кўтармоқ, юқорига кўтармоқ, VIII اِنْتَبَرَ 1) ~ га кўтарилмоқ, 2) лат ейиш натижасида шишиб кетмоқ

– أَنْبَار *кўп.* ـَات, أَنَابِير омбор, склад

– مُنْبَار ичаклар; مَحْشِيّ ~ колбаса

– مِنْبَر *кўп* مَنَابِر минбар, кафедра

– نَبَارِي наборий (*жўхорининг бир тури*)

– نَبْر урғу, акцент

– نَبْر1 *кўп* أَنْبَار сўна, сўна пашша

– نَبْر2 омбор, склад (*қар* أَنْبَار)

– نَبْرَة *кўп* نَبَرَات 1) урғу; оҳанг, интонация; талаффуз; 2) (*оқим кучининг*) ўзгариб туриши, 3) шиш, шишиш

نَبْرَاس *кўп* نَبَارِيس чироқ, машъала; кўчага ўрнатилган чироқ

I **نَبَزَ** (*и*) نَبْز тахаллус қўймоқ, тахаллус бермоқ, лақаб қўймоқ; نَبَزَ = I. III نَابَزَ бирор ким билан айтишиб қолмоқ; VI تَنَابَزَ 1) ўзаро бир-бирига ёмон лақаб қўймоқ; 2) бир-бири билан айтишиб қолмоқ

– نَبْز *кўп* أَنْبَاز лақаб, тахаллус

I **نَبَسَ** (*и*) نَبْس (*н. нидир*) демоқ, талаффуз қилмоқ; لَمْ يَنْبِسْ بِبِنْت (بِكَلِمَة) шафа у ҳеч нарса демади; لَمْ يَنْبِسْ بِحَرْف у бирор товуш чиқармади; دُونَ أَنْ يَنْبِسَ بِكَلِمَة ҳеч нарса демасдан; II نَبَّسَ = I

**نَبَشَ** (*у*) نَبْش 1) кавлаб очмоқ,кавлаб чиқармоқ, кавлаб олмоқ, قَبْرًا ~ қабрни очмоқ; (*талаш мақсадида*) қабрни титиб ташламоқ; II اَلْقَبْرَ نَبَّشَ ~ титкилаб қидирмоқ, қидириб титиб ташламоқ, тинтув қилмоқ; X اِسْتَنْبَشَ тадқиқ қилмоқ, чуқур ўрганмоқ

– أَنْبُوشَة *кўп* أَنَابِيش қазиб *ёки* кавлаб топилган нарса

– مِنْبَاش *кўп* مَنَابِيش темир косов

– مَنْبُوش 1) кавлаб чиқарилган, қазиб топилган; 2) пахмоқ, бетартиб (соч)

– نَبَّاش 1) кавлаб чиқарувчи, қазиб топувчи; 2) *шунингдек:* ~ اَلْقُبُور (*талон-тарож мақсадида*) қабрни очиб титувчи; 3) босқинчи, талончи

– نَبْش кавлаш, қазиш; ~ اَلْقُبُور (*талон-тарож мақсадида*) қабрларни очиб титиш

– نَبِيش кавлаб чиқарилган, қазиб топилган

I (نبض) **نَبَضَ** (*и*) نَبْض урмоқ, уриб турмоқ, тепиб турмоқ (*юрак, томир ҳақида*); نَبَضَ (*у*) نُبُوض оқиб чиқмоқ, оқиб тўкилмоқ (*сув ҳақида*); IV أَنْبَضَ 1) (*арқонни, чизимчани ёки камоннинг ипини*) таранг тортиб турмоқ; 2) (*торларни*) чертиб чалмоқ

– مَنْبِض *кўп* مَنَابِض юрак уришини билиш учун томир кўриладиган жой; ~ هُ جَسَّ кимнингдир томирини ушлаб юрак уришини аниқламоқ

– نَابِض 1) уриб (тепиб) турган (*юрак ёки томир*); 2) *кўп* نَوَابِض пружина; ~ اَلسَّاعَة соат пружинаси; ~ اَلسِّلَاح اَلنَّارِيّ ҳарб тепки

– نَبْض юрак *ёки* томирнинг уриши; ~ جَسَّ *қар* جَسَّ; ~ اَلـ جَسَّ لِلْأَوْضَاعِ اَلْاِقْتِصَادِيَّة иқтисодий вазиятни суриштириб билмоқ (разведка қилмоқ); ~ هُ قَاسَ سُرْعَةَ кимнингдир томир пульсини ўлчаб кўрмоқ; ~ هُ ثَمَانُونَ فِي اَلدَّقِيقَة унинг юрак уриши минутига саксонта

– نَبَضَان (*юрак ёки томир*) уриши, тепиши

– نَبْضَة *кўп* نَبَضَات томир уриши (тепиши)

I **نَبَطَ** (*и,у*) نَبْط 1) оқмоқ, оқиб чиқмоқ, қуюлмоқ, отилиб чиқмоқ (ердан); 2) топмоқ, кашф қилмоқ; қидириб топмоқ; II نَبَّطَ 1) кавлаб сувгача етмоқ (*қудуқ кавлашда*); 2) топмоқ, кашф қилмоқ, қидириб топмоқ; 3) (*кимнингдир устидан*) кулмоқ (عَلَى), (*к нидир*) мазах қилмоқ (عَلَى); 4) (*к. нидир*) қаттиқ танқид қилмоқ (عَلَى); IV أَنْبَطَ 1) кавлаб сувгача етмоқ (*қудуқ кавлашда*); 2) топмоқ, кашф этмоқ; қидириб топмоқ; X اِسْتَنْبَطَ 1) кавлаб сувгача етмоқ (*қудуқ кавлашда*); 2 ) қидирмоқ, суриштириб билмоқ; ўрганмоқ; 3) ўйлаб чиқармоқ, кашф этмоқ, ихтиро қилмоқ; яратмоқ, вужудга келтирмоқ; (*янги навни*) чиқармоқ, яратмоқ; 4) сўрмоқ,ичига тортмоқ, тортиб чиқармоқ, қазиб олмоқ, اَلْبُتْرُولَ بِالصَّمَّامَات ~ нефтни насослар ёрдамида тортиб чиқармоқ

– اِسْتِنْبَاط 1) ер остидан тортиб чиқариш, қазиб олиш; 2) кашфиёт, ихтиро килиш; (*янги навни*) яратиш, чиқариш; 3) умумий ҳолатдан жузъий хулоса (натижа) чиқариш

– اِسْتِنْبَاطِيّ умумий ҳолатдан жузъий хулоса (натижа) чиқаришга оид

– مُسْتَنْبِط 1) тадқиқотчи, тадқиқот ишлари олиб борувчи, 2) кашфиётчи, кашф этувчи

– مُسْتَنْبَط топилган, кашф этилган, ихтиро килинган

– مُسْتَنْبَطَات *кўп.* кашфиётлар, ихтиролар

– نَبْط1 чуқурли, туб; *кўч.м* ички моҳият, ички дунё; لَا يُمْكِنُ ~ هُ إِدْرَاكُ уни мутлақо тушунтириб бўлмайди

– نَبَطٌ[2] *кўп.* أَنْبَاطٌ 1) *тар.* набатийлар; دِيَارُ الْأَنْبَاطِ Набатея, набатийлар юрти; 2) содда халқ, авом

– نَبِيطٌ, نَبَاطٌ, نَبَاطِيٌّ, نَبَطِيٌّ 1) элатига мансуб; ~ رَجُلٌ: نَبِيطٌ элатига мансуб одам; ~ـــةٌ набатий тили; 2) авомга оид; содда халққа оид; 3) а) *тар.* набатий одам; б) содда одам, оддий халқ вакили

– نَبِيطٌ *кўп.* أَنْبَاطٌ Куфа билан Басра ўртасидаги водийда яшаган элат

I نَبَعَ (*а*) نَبْعٌ, نُبُوعٌ 1) оқиб чиқмоқ, бошланмоқ (*дарё ҳақида*); 2) кўз очмоқ (*булоқ ҳақида*), булоқ бўлиб қайнаб чиқмоқ (*сув ҳақида*); 3) (*н. дандир*) келиб чиқмоқ (مِنْ); IV أَنْبَعَ 1) оқизмоқ, қуймоқ; 2) қуймоқ, томизмоқ

– مَنْبَعٌ *кўп.* مَنَابِعُ 1) (*дарё*) манбаи, боши, (*сувнинг*) бошланиш жойи, манбаи; 2) манба; مَنَابِعُ النِّفْطِ нефть манбалари

– نَبْعٌ *кўп.* نُبُوعٌ 1) манба; (*дарё*) манбаи, боши; 2) *бот.* камон ва ўқ ясашда ишлатиладиган дарахт нави; ◊ ~ بِالـــ قُرِعَ الـــ жанг қизиб кетди

– نَبَعَانٌ оқиб чиқиш, оқишнинг бошланиши, манбаи

– يَنْبُوعٌ *кўп.* يَنَابِيعُ манба, бошланиш жойи

I نَبَغَ (*у*) نُبُوغٌ 1) номдор (машҳур) бўлмоқ, бошқалар орасида ажралиб турмоқ, донг таратмоқ; 2) ташқарига чиқмоқ, ошкор бўлмоқ, тарқалиб кетмоқ (*сир ҳақида*); 3) (*н. дадир*) талантли (иқтидор эгаси) бўлмоқ (فِي) 4) кўринмоқ, пайдо бўлмоқ

– نَابِغٌ *кўп.* نُبَغَاءُ иқтидорли (талантли) одам

– نَابِغَةٌ *кўп.* نَوَابِغُ = نَابِغٌ

– نُبُوغٌ 1) ақли ўткирлик, ақллиликнинг баланд чўққиси; бошқалардан устунлик; 2) юксак қобилият, заковатлилик, закийлик, иқтидор, талант

I نَبَقَ (*у*) نَبْقٌ чиқмоқ, оқиб чиқмоқ

– أَنْبِيقٌ *кўп.* أَنَابِيقُ суюқликларни қайнатиш *ёки* ҳайдаш учун ишлатиладиган ёпиқ идиш

– نَبَقٌ, نَبْقٌ, نِبْقٌ, نَبِقٌ *жам.* ёввойи набқ (юоба) меваси; شَجَرَةُ ~ـــ *бот.* набқ, юоба ўсимлиги (*қарағатга ўхшаш бўта*)

– نَبْقَةٌ *кўп.* نَبَقَاتٌ ёввойи набқ меваси

– نَبْكَةٌ *кўп.* نَبِكٌ тепалик, қир, дўнглик

I (نبل) نَبُلَ (*у*) نَبَالَةٌ зоти улуғ бўлмоқ, насл-насаби яхши бўлмоқ; аслзода бўлмоқ; (*к. дандир, н. дандир*) устун бўлмоқ (عَنْ); نَبَلَ (*у*) نَبْلٌ ўқ отмоқ; II نَبَّلَ тарбияли (ахлоқли, фазилатли) қилмоқ, маънавий жиҳатдан яхшиламоқ; III نَابَلَ камондан ўқ отишда ғолиб келмоқ; V تَنَبَّلَ 1) тарбияли, ахлоқли бўлмоқ, маънавий жиҳатдан яхшиланмоқ; 2) келиб чиқиши аслзодалардан бўлмоқ

– أُنْبُولَةٌ *кўп.* أَنَابِيلُ ампула

– مُتَنَبِّلٌ зоти тоза, аслзода

– نَابِلٌ *кўп.* نُبَّلٌ 1) ўқ билан қуролланган; 2) ёйчи, камончи, ёйотар; 3) камон ясовчи уста; ◊ ~ بِالـــ اخْتَلَطَ الْحَابِلُ بِالنَّابِلِ *қар.* حَابِلٌ

– نَبَّالٌ *кўп.* نَبَّالَةٌ ёйчи, камончи, ёйотар

– نَبَالَةٌ аслзодалик, зоти улуғлик

– نَبْلٌ аслзодалик, зоти улуғлик; оқсуяклик, зодагонлик

– نِبْلٌ *тех.* ниппель

– نَبْلٌ *жам. кўп.* أَنْبَالٌ, نِبَالٌ ўқлар

– نَبْلَةٌ *кўп.* نَبْلَاتٌ ўқ

– نُبْلَةٌ *кўп.* نُبَلٌ тош, табиий ҳожатдан кейин ишлатиладиган тош

– نَبِيلٌ *кўп.* نُبَلَاءُ 1) оқсуяк, зодагон; ~ وَ وَضِيعٌ аслзода, оқсуяк (шу билан бирга камтар) (*инсон*); 2) дворян, аслзода

I (نبه) نَبُهَ *ёки* نَبَهَ (*у*) نَبَاهَةٌ 1) машҳур бўлмоқ, номи чиқмоқ, донғи чиқмоқ; иқтидорли бўлмоқ; 2) зиёли бўлмоқ; маълумотли (ўқимишли, билимли) бўлмоқ; نَبِهَ (*а*) نُبْهٌ 1) уйғонмоқ, уйқудан турмоқ; 2) (*н. гадир*) эътибор бермоқ (لِـــ), (*н. нидир*) кўз остига олмоқ; II نَبَّهَ 1) уйғотмоқ, уйқудан турғизмоқ, уйқусини бузмоқ; 2) (*иштаҳани*) очмоқ, қўзғамоқ; 3) (*н. гадир*) ундамоқ, истак туғдирмоқ, рағбатлантирмоқ (إِلَى); 4) (*к. нингдир*) эътиборини (*н. гадир*) қаратмоқ, тортмоқ (إِلَى, عَلَى); (*н. гадир*) ишора қилмоқ (إِلَى); (*бирор н ҳақида*) эслатмоқ (إِلَى); 5) огоҳлантирмоқ; IV أَنْبَهَ 1) уйғотмоқ; 2) (*н. гадир*) эътиборини қаратишга мажбурламоқ; V تَنَبَّهَ 1) уйғонмоқ, уйғониб кетмоқ, қўзғалмоқ; 2) ақли ривож топмоқ; 3) (*н. нидир.*) ҳис қилмоқ, кўрмоқ, тушунмоқ (لِـــ); 4) ўзига (ҳушига) келмоқ; ақл-ҳушини йиғиб олмоқ, кўриб хато йўлдан қайтмоқ; VIII انْتَبَهَ 1) уйғонмоқ, уйқудан турмоқ, жонланмоқ; сергакланмоқ, ухламай чиқмоқ; 2) (*н. гадир*) эътибор бермоқ, (*н. нидир*) кўз остига олмоқ (إِلَى, لِـــ); (*н. нидир*) тушунмоқ (إِلَى, لِـــ); 3) (*н. дандир*) эҳтиёт бўлмоқ (مِنْ); (*н. дадир*) мулоҳаза билан иш тутмоқ (مِنْ)

– انْتِبَاهٌ эътибор; ҳушёрлик; эҳтиётқорлик; ~ بِـــ диққат билан, эътибор билан; ~ مِنْ غَيْرِ эътибор бермаганликдан; ~ عَدَمُ الـــ эътиборсизлик, эҳтиётсизлик; ~ـــهُ اسْتَرْعَى (*бирор н. га*) кимнингдир диққатини қаратмоқ; ~ وَقَفَ وَقْفَةَ الـــ тек турмоқ, жим турмоқ, смирно турмоқ; !~ Смирно!

– تَنْبِيهٌ *кўп.* ـــاتٌ 1) уйғотиш; 2) (*н. гадир*) ишора қилиш; 3) огоҳлантириш; 4) (*китоблардаги*) изоҳ

– مُتَنَبِّهٌ эътибор қиладиган, илтифотли; ҳушёр; эҳтиёткор

– مُنَبِّهٌ 1) уйғотувчи; 2) қўзғатувчи; 3) огоҳлантирувчи; 4) *шунингдек* ~ـــةٌ سَاعَةٌ будильник соат, жаранглайдиган соат

– مُنَبِّهَاتٌ *кўп. мед.* қўзғатувчи дорилар (воситалар)

– مُنْتَبِهٌ эҳтиёткор, ҳушёр

– نَابِهٌ *кўп.* نُبَهَاءُ 1) зиёли, ўқимишли, маълумотли, маданиятли; 2)

ақлли, 3) машҳур, донғи чиққан, маълуму машҳур

– نَبَاهَة 1) ақллиликнинг юқори чўққиси; 2) зиёлилик, ўқимишлилик, маълумотлилик; 3) шон-шуҳрат, донг

– نُبْه зиёлилик, ўқимишлилик, маълумотлилик

– نَبِه 1) зиёли; маълумоти кенг; 2) машҳур, номи чиққан

– نَبِيه *кўп.* نُبَهَاء 1) зиёли киши, ўқимишли киши, 2) машҳур, атоқли

I (نبو) نَبَا (*у*) نَبْوٌ، نُبُوٌّ 1) узоқлашмоқ, узоқда бўлмоқ, 2) (*н. нидир*) кесмай ёки чопмай ўтиб кетмоқ (*қилич ҳақида* – عَنْ); (*н. нингдир устидан*) сакраб-сакраб кетмоқ, ҳаккалаб кетмоқ (*ўқ, снаряд ҳақида* – عَنْ); 3) (*н. нидир*) ёмон кўрмоқ (عَنْ); (*н. гадир*) чидолмай қолмоқ; (*н. дандир*) нафрат (ғазаб) билан узоқлашмоқ (عَنْ); 4) (*н. гадир нисбатан*) ноўрин, ножўя бўлмоқ (ب), (*н. гадир*) мос келмай қолмоқ (ب); ◊ جَنْبُهُ عَنِ الْمَضْجَعِ ~ хавотир бўлмоқ, хотиржам бўлмай қолмоқ; تَحْرِيفٌ يَنْبُو عِنْدَ السَّمْعِ қулоққа ёқмайдиган хато; السَّهْمُ عَنِ الْهَدَفِ ~ ўқ нишонга тегмади; السَّيْفَ ~ أَنْبَى IV қилични мўлжалдан узоқлаштирмоқ

– نَابٍ *мн.* نَابِيَة 1) (*к. гадир*) ярамас, ёмон (عَنْ); ноўрин, ножўя; 2) маъқул эмас; أَلْفَاظٌ نَابِيَة уят иборалар, одобсиз сўзлар

– نَبْوَةٌ = نَبَاوَةٌ2

– نُبُوٌّ 1) номувофиқлик, номутаносиблик; 2) ноқулайлик; 3) узоқлик

– نُبُوءَةٌ = نُبُوٌّ (*қар. шунингдек:* نبأ)

– نَبْوَةٌ1 *кўп.* نَبَوَاتٌ 1) сачраб кетиш, сачраб орқага қайтиш (*ўқ ҳақида*); 2) хато отиш, хато кетказиш, нишонга тегизолмай қолиш; 3) ёмон кўриш; ... الْقَوْسِ عَنْ ~ *маж.* ...га бўлган қизиқишни йўқотиш

– نَبْوَةٌ2 тепалик, баланд жой

– نَبِوٌّ *қар.* نبأ

– نَبِيٌّ *қар.* نبأ

– نَبِيَّة *қар.* نبأ

I نَثَأَ (*а*) نُثُوء чиқиб турмоқ, дўппайиб чиқмоқ; ғўдайиб чиқиб турмоқ

– نَاثِئ 1) дўппайиб турган, чиқиб турган; 2) дўмпайиб турган, дўмбоқ, бўртма, бўртиб чиққан, қабариб чиққан

– نَثَأَة дўнглик, тепалик, адир

– نُثُوء 1) дўнглик, туртиб чиқиб турган жой; 2) дўппайиб қолган жой; 3) ғурра, шиш; *анат.* ўсимта

I نَتَجَ (*и*) نَتْج 1) (*н. дандир*) келиб чиқмоқ, (*н. нингдир*) натижасида ҳосил бўлмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) келиб чиқмоқ (مِنْ); 2) насл бермоқ, болаламоқ; نُتِجَتِ النَّاقَةُ туя болалади; IV أَنْتَجَ 1) ҳосил бермоқ; 2) насл бермоқ, болаламоқ; 3) ишлаб чиқармоқ, маҳсулот бермоқ; 4) (*қандайдир*) натижа бермоқ; 5) ой-куни яқинлашмоқ; تِ~ النَّاقَةُ а) туянинг туғиш вақти келди; б) ҳомиладорлиги билинмоқ; X اسْتَنْتَجَ хулосага келмоқ, хулоса чиқармоқ

– اسْتِنْتَاجٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) хулоса; 2) натижа

– إِنْتَاجٌ ишлаб чиқариш; ишлаб чиқарилган маҳсулот; آلَاتُ وَسَائِلُ الْـ~ *ёки* أَدَوَاتُ الْـ~ ишлаб чиқариш қуроллари; عَلَاقَاتُ (عَلَائِقُ) الْـ~ ишлаб чиқариш воситалари; الْبُضَائِعِيُّ الْـ~ товар ишлаб чиқариш муносабатлари; تَضَخُّمُ الْـ~ *ёки* كَثْرَةُ الْـ~ *ёки* إِفْرَاطُ الْـ~ ортиқча ишлаб чиқариш; مُسْتَوَى الْـ~ ишлаб чиқариш даражаси; الصِّنَاعِيُّ الْـ~ саноат ишлаб чиқариши; تَكَرُّرُ الْـ~ қайта ишлаб чиқариш; تَكَرُّرُ الْـ~ الْمُتَّسِعُ оддий такрорий ишлаб чиқариш; تَكَرُّرُ الْـ~ الْبَسِيطُ кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш; تَكَالِيفُ الْـ~ ишлаб чиқариш харажатлари; سِعْرُ الْـ~ таннарх

– إِنْتَاجِيٌّ 1) ишлаб чиқаришга оид; الْقُوَى (الْقُوَّاتُ) الْـ~ـَةُ ишлаб чиқариш кучлари; الْمُسْتَوَى الْـ~ ишлаб чиқариш даражаси; الطَّاقَةُ الْـ~ـَةُ ишлаб чикариш қуввати; الْعَلَاقَاتُ الْـ~ـَةُ ишлаб чиқариш муносабатлари; الْأَسَالِيبُ الْـ~ـَةُ الْحَدِيثَةُ ишлаб чиқаришнинг замонавий усуллари

– إِنْتَاجِيَّة самарадорлик, унумдорлик; ~ الْعَمَلِ меҳнат унумдорлиги; ~ التُّرْبَةِ ҳосилдорлик

– مُنْتِجٌ 1) ишлаб чиқарувчи; الْقُوَى الْـ~ـَةُ ишлаб чиқариш кучлари

– مُنَتَّجٌ 1) ишлаб чиқарилган; 2) маҳсулот

– مُنْتَجَاتٌ *кўп.* ишлаб чиқариш маҳсулотлари

– مُنْتَجَاتٌ = مَنْتُوجَاتٌ

– نَاتِجٌ 1) (*н. дандир*) келиб чиққан, (*н. нингдир*) натижасида ҳосил бўлган (عَنْ); 2) ишлаб чиқарувчи; 3) натижа; 4) ҳосил, маҳсулот; ~ الْقُطْنِ пахта ҳосили; 5) эркак ҳайвон (*буқа, қўчқор ва ҳ. к.*)

– نِتَاجٌ *кўп.* أَنْتِجَةٌ 1) насл, болалаш (*ҳайвонларда*), янги насл, янги туғилган бола; ~ الْمَوَاشِي бузоқлар, бузоқча, ёш ҳайвонлар; ~ الْخَيْلِ тойчоқлар; 2) (*бирор н. нинг*) меваси, самараси; ~ الْأَرْضِ ер саховати; ~ أَنْفُسِهِمْ ўз меҳнатларининг самараси; 3) маҳсулот, ишлаб чиқарилган нарса

– نَتُوجٌ қорнида боласи бор, бўғоз (*ҳайвонлар ҳақида*)

– نَتِيجَةٌ *кўп.* نَتَائِجُ 1) хулоса; 2) оқибат, натижа; نَتِيجَتُهُ бунинг оқибатида, шунинг учун; بِالْـ~ ниманингдир натижасида; مُقَدِّمَاتٌ وَ نَتَائِجُ *фалс.* далиллар ва хулосалар; 3) *мат.* ҳосила; 4)

календарь, тақвим; اَلْجَيْب ~ чўнтак календари

I نَتَحَ (*a*) نَتْحٌ, نُتُوحٌ бадандан сергиб чиқмоқ (*мас. тер*)

– نَتْحٌ 1) (*тернинг*) бадандан сергиб (ажралиб) чиқиши; *мед.* яллиғланиш натижасида гавда бўшлиғида тўпланадиган суюқлик; 2) *кўп.* نُتُوحٌ тер

I نَثَرَ (*y*) نَثْرٌ 1) юлиб олмоқ, суғуриб олмоқ, тортиб чиқармоқ, судраб чиқармоқ; 2) сочиб юбормоқ, сочиб ташламоқ (*сол.* نَثَرَ); 3) *спорт.* бир силтов (зарб) билан кўтармоқ; 4) отмоқ, ирғитмоқ; 5) шиддат билан тортиб олмоқ; II نَثَّرَ сочиб юбормоқ, сочиб ташламоқ

– نِتْرَاتٌ *кимё.* азот нитрат тузи, нитрат; اَلْبُوتَاسِيُوم ~ азот нитрат тузининг калийи, калийли селитра; اَلْبُوتَاسَا ~ *ёки* اَلْكَلْسِيُوم ~ *ёки* اَلْكِلْس ~ *ёки* اَلْحَجَر ~ азот кислотасининг калийли тузи; калийли селитра; اَلصُّوْدِيُوم ~ натрийнинг азоткислотали тузи, натрийли селитра, Чили селитраси; اَلنَّشَادِر ~ аммиакли селитра; اَلْفِضَّة ~ азоткислотали кумуш, кумуш нитрати; اَلطَّفْلَة ~ мовут тайёрлашда ишлатиладиган лой

– نِتْرَاتِيٌّ азоткислотали тузга оид; اَلطَّفْلُ الـ~ мовут тайёрлашда ишлатиладиган лой

نِتْرُغْلِيسِرِينٌ нитроглицерин

نِتْرُوجِيْنٌ азот

نِتْرِيكٌ азотли; ~ حَامِضٌ азот кислотаси, кучли таъсир қиладиган ароқ, водка; ~ أُكْسِيدٌ азот оксиди

I نَتَشَ (*u*) نَتْشٌ 1) тортиб (*суғуриб*) чиқармоқ, олиб чиқмоқ; (*сочларини*) юлмоқ; 2) ушлаб (тутиб) олмоқ; илиб кўтармоқ; عَلْقَهُ ~ кимнидир калтакламоқ, дўппосламоқ; IV أَنْتَشَ ниш отмоқ, униб чиқмоқ

– مِنْتَاشٌ *кўп.* مَنَاتِيشُ кичкина омбир, омбирча, қисқич

– مَنْتُوشٌ 1) ушлаб (тутиб олинган) олинган; 2) пулсиз, пули йўқ

– نَتَشٌ ниш, ниҳол

I (نتع) نَتَعَ[1] (*a, y*) نُتُوعٌ томиб (томчилаб) турмоқ (*мас., қон*); оқмоқ, жилдираб оқмоқ; نَتَعَ[2] (*u*) نَتْعٌ (*бирор оғир н. ни*) кўтармоқ; 2) кўтариб бормоқ; 3) халос қилмоқ, қутқармоқ

– نَتْعَةٌ 1) кўтариш; 2) қутқариш, халос этиш

I نَتَفَ (*u*) نَتْفٌ (*патни ёки сочни*) юлмоқ; ~ ثَوْبَهُ ... جِلْدَهُ وَ شَقَّ ... عَلَى حَسْرَةً га куйганидан сочларини юлиб, ёқаларини йиртмоқ; II نَتَّفَ 1) = I; 2) юлиб-юлиб ташламоқ; VI تَنَاتَفَ = I; VIII اِنْتَتَفَ = I

– مِنْتَافٌ *кўп.* مَنَاتِيفُ кичкина омбир, омбирча, қисқич

– مَنْتُوفٌ пати юлинган, туки юлинган; اَلشَّعْرِ ~ қўтир (қичима) бўлган

– نُتَافَةٌ юлиб олинган соч *ёки* пат

– نُتْفَةٌ *кўп.* نُتَفٌ 1) юлиш, териш; 2) бир чимдим, бир дамлам (*мас. чой*); озгина, жиндай, жиндак; مِنَ الْخِطَابِ ~ нутқдан олинган парча; 3) юлинган ўт

– نَتِيفٌ пати (туки) юлинган

I نَتَقَ (*u, y*) نَتْقٌ 1) қусмоқ, қайт қилмоқ; 2) силкитмоқ, тебратмоқ; ◊ وَ إِذْ ~نَا الْجَبَلَ *қур.* биз тоғни баланд кўтардик

– نَتْقٌ, نِتَاقٌ қусиш, қайт қилиш

I (نتن) نَتَنَ (*u*) نَتْنٌ сасимоқ, сассиқ ҳидли бўлмоқ; نَتُنَ (*y*) = نُتُونَةٌ; نَتَنَ; II نَتَّنَ 1) сасимоқ, сассиқ ҳидли бўлмоқ; 2) чиримоқ, чириб бузилмоқ; 3) чиритмоқ, бузмоқ, айнитмоқ; IV أَنْتَنَ сасимоқ, сассиқ ҳидли бўлмоқ

– مُنْتِنٌ сассиқ (қўланса) ҳидли

– مُنْتِنٌ = مِنْتِنٌ

– مُنَتَّنٌ айниган, чириган, сасиган

– نَتَانَةٌ 1) чириш, айниш; 2) сассиқ (қўланса) ҳид

– نَتْنٌ = نَتَانَةٌ

– نَتِنٌ сассиқ (қўланса) ҳидли; 2) чириётган, бузилаётган; 4) хасис, қуримсоқ, зиқна, қоқбош

– نُتُونَةٌ = نَتَانَةٌ

نَتَايَةٌ *кўп.* نَتِي *халқ.* урғочи, мода, макён

I نَثَّ (*a/y*) 1) (*ярага*) мой *ёки* дори суртамоқ; 2) ошкор (фош) қилмоқ; ◊ اَلزِّقُّ ~ мешкоп (саноч) тешилиб, ичидаги сиза бошлади

I نَثَرَ (*y*) نَثْرٌ, نِثَارٌ 1) сочмоқ, ёймоқ, ёйиб қўймоқ, сочиб ташламоқ; اَلْبُدْرَةَ ~ (*н. гадир*) упа сепмоқ (عَلَى); اَلدَّرَاهِمَ ذَاتَ الْيَمِينِ وَ ذَاتَ الشِّمَالِ ~ пулларни ўнг-сўлга сарфламоқ; اَلْوُعُودَ ~ ваъдаларни тўкиб ташламоқ; 2) (*н. биландир*) тўлдирмоқ, қопламоқ, қоплаб олмоқ (ب); 3) насрда (*асар*) ёзмоқ; 4) пишқириб, бурнидаги қабоҳат чиқиб кетмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); 5) миширмоқ, II نَثَّرَ сочмоқ, сочиб ташламоқ; VI تَنَاثَرَ 1) сочилмоқ, сочилиб кетмоқ, бўлинмоқ, парчаланиб кетмоқ; 2) сочилиб ётмоқ, бетартиб ҳолда сочилиб ётмоқ; 3) сочилиб тушмоқ, сочилмоқ (*хазон барглар ҳақида*); VIII اِنْتَثَرَ 1) сочилмоқ, тарқалмоқ; 2) бурунга сув олиб чаймоқ; X اِسْتَنْثَرَ бурунга сув тортиб чайқамоқ

– اِنْتِثَارٌ сочилиш, тарқалиш

– اِنْثِثَارٌ = تَنَاثُرٌ

– مُتَنَاثِرٌ сочилган, сочилиб ётган, сочилиб кетган

– مِنْثَارٌ 1) янгиликларни, миш-мишларни тарқатувчи; 2) минсор (*меваси тўкилиб кетадиган хурмонинг номи*); 3) шрапнел (сочма ўқ) (*Ироқда*)

– مَنْثُورٌ 1) сочилган, сочилиб ётган, сочилиб кетган; 2) насрда ёзилган; اَلشِّعْرُ الـ~ قَصِيدَةٌ ~ насрда ёзилган шеър (қасида);

насрдаги шеър; 3) наср, проза; الشِّعْرِيُّ ~ насрда ёзилган (насрий) шеър; 4) *жам. бот.* салибгуллилар оиласига мансуб хушбўй ўсимлик; *шунингдек:* أَصْفَرُ ~ мансури асфар (*сариқ гулли декоратив ўсимлик*)

– نَاثِرٌ носир, прозаик, прозада ёзувчи

– نُثَارٌ сочиб юборилган парча-бурдалар; сочилиб ётган увоқлар, ушоқлар

– نِثَارٌ 1) тўй-маъракаларда сочилган қанд-қурслар, тангалар ва ҳ. к. лар; 2) байрам ва тантаналарда одамлар устидан сочилган тангачалар

– نُثَارَةٌ 1) тўкилма (*тоғ жинсларининг емирилишидан ҳосил бўлган тош парчалари уюми*); 2) қолдиқ, увоқлар, ушоқлар

– نَثْرٌ 1) сочиш, сочиб ташлаш; 2) наср, проза; ~ الفَنِّيُّ бадиий проза

– نَثْرِيٌّ 1) насрий, прозаик; ~ قَصِيدَةٌ насрий шеър (қасида); 2) арзимас, арзимайдиган, майда; الْمَصَارِفُ (الْمَصْرُوفَاتُ) ~ майда-чуйда чиқимлар, майда чуйда харажатлар

– نَثْرِيَّاتٌ *кўп.* ҳар хил майда-чуйдалар

– نَثِيرٌ 1) сочиб юборилган, сочиб ташланган; 2) гуруҳ, группа

I **نَثَلَ** (*и*) نَثْلٌ (*қудуқни*) тозаламоқ

I **نَجَأَ** (*а*) نَجْءٌ суқи кирмоқ, кўзи тегмоқ; V تَنَجَّأَ = I; VIII انْتَجَأَ = I

– نُجْأَةُ السَّائِلِ ~: қаттиқ суқланиб қараш

I **نَجُبَ** (*у*) نَجَابَةٌ зоти улуғ бўлмоқ, аслзодалардан бўлмоқ, аристократлардан бўлмоқ; 2) наслдор бўлмоқ; 3) жуда зўр бўлмоқ, аъло даражада бўлмоқ; IV أَنْجَبَ туғдирмоқ, келтириб чиқармоқ; ҳосил бермоқ; مِنْ زَيْنَبَ كَثِيرًا مِنَ الْأَوْلَادِ ~ у Зайнабдан жуда кўп фарзанд кўрди; VIII انْتَجَبَ танламоқ, танлаб олмоқ, танлов ўтказмоқ; X اسْتَنْجَبَ = VIII

– انْتِجَابٌ сайлов, танлов

– إِنْجَابٌ туғдириш, ҳосил қилиш

– نَجَّابٌ чопар, хат олиб борувчи, вакил (*тезюрар туя билан*)

– نَجَابَةٌ 1) аслзодалик, оқсуяклик, зотлилик, улуғлик; 2) қобилият, иқтидор, талант; ~ شِدَّةُ الـ талантлилик

– نَجْبٌ, نُجَبَةٌ аслзода, оқсуяк, зотли, зотдор

– نَجِيبٌ *кўп.* أَنْجَابٌ, نُجُبٌ, نُجَبَاءُ 1) зоти улуғ, аслзода, аристократ; 2) насли тоза, наслдор; 3) қобилиятли, ақлли, талантли

– نَجِيبَةٌ *кўп.* نَجَائِبُ зотли от, зотли туя

I **نَجَحَ** (*а*) نُجْحٌ муваффақиятга эришмоқ, муваффақият қозонмоқ; ўнгидан келмоқ, муваффақиятли чиқмоқ; تِ الْحَاجَةُ ~ ҳожат раво бўлмоқ; II نَجَّحَ ютуқ олиб келмоқ, омад келтирмоқ, ютуқ келтирмоқ; IV أَنْجَحَ = II; ◊ الْحَاجَةَ ~ ҳожат чиқармоқ

– نَاجِحٌ муваффақиятли, омади келган

– نَجَاحٌ *кўп.* أَنْجِحَةٌ, اتٌ ~ ютуқ, муваффақият, омад; ~ عَدَمُ муваффақиятсизлик, барбод бўлиш; ... فِي أَحْرَزَ ~ ...да муваффақият қозонмоқ; حَالَفَهُ الـ ~ унга омад ёр бўлди; لَقِيَ ~ бахти қулмоқ, омади келишмоқ

– نُجْحٌ ютуқ, мувāффақият, омад

– نَجِيحٌ 1) муваффақиятли, қулай; 2) оқилона, яхши (*мас., маслаҳат ва ш.к.*)

I (نجد) **نَجَدَ** (*у*) نَجْدٌ 1) ёрдамлашмоқ, ёрдам бермоқ, қўллаб-қўлтиқламоқ; 2) نُجُدٌ терламоқ; نَجِدَ (*а*) نَجْدٌ терламоқ; II نَجَّدَ 1) (*мебель*) устини мато билан қопламоқ, устига қоқмоқ, сурмоқ; 2) кўрпа *ёки* кўрпача ичига (*пахта*) тиқмоқ, тиқиб тўлдирмоқ; 3) (*пахтани*) титмоқ; III نَاجَدَ ёрдам бермоқ, қўллаб-қувватламоқ; ҳимоя остига олмоқ; IV أَنْجَدَ 1) ёрдам бермоқ, қўллаб-қувватламоқ; 2) Нажд томон йўл олмоқ, Нажд томон йўлга тушмоқ; V تَنَجَّدَ 1) устига мато қопламоқ (*мебель ҳақида*); 2) титилмоқ (*пахта ҳақида*) X اسْتَنْجَدَ 1) ёрдам сўрамоқ; (*к. нидир*) ёрдамга чақирмоқ (*туш. к. ёки* ب); (*к. нингдир*) қўллашидан фойдаланмоқ (ب), (*к. нингдир*) ёрдамини ишга солмоқ (ب); 3) (*к. гадир нисбатан*) журъатлироқ муносабатда бўлмоқ, бемалолроқ иш кўрмоқ (عَلَى)

– إِنْجَادٌ ёрдам кўрсатиш

– مُنْجِدٌ 1) ёрдам қилувчи, ёрдамчи; 2) (*ўқув*) қўлланмаси; ~ الطَّالِبِ فِي الرِّيَاضِيَّاتِ математикадан ўқув қўлланмаси; ~ فِي اللُّغَةِ وَ الْأَدَبِ وَ الْعُلُومِ ал-Мунжид (*араб тилининг изоҳли луғати*)

– مُنَجِّدٌ мебель қопловчи уста, кўрпа (кўрпача) қопловчи

– مُنْجَدَةٌ *кўп.* مَنَاجِدُ *текст.* тасматароқ (*тола титадиган машиналарда ишлатилади*)

– مُنَجَّدٌ = نَجَّادٌ

– نَجَادٌ қиличбанд; الْبُنْدُقِيَّةِ ~ милтиқнинг тасмаси; طَوِيلُ الـ ~ *маж.* узун бўйли, баланд бўйли

– نِجَادَةٌ мебелларга мато қоплаш касби, қопламачилик

– نَجَدٌ тер (*мас, пешона тери*)

– نَجْدٌ *кўп.* أَنْجَادٌ, نِجَادٌ 1) ясситоғлик, тепалик, ясси тоғ; 2) кўтарилган йўл, тепа йўл; йўл

– نَجْدَةٌ *кўп.* نَجَدَاتٌ 1) ёрдам, қўллаш, қўллаб-қувватлаш; حَفَّ ~ إِلَى кимгадир ёрдамга шошилмоқ; بُولِيسُ الـ ~ ёрдам кўрсатиш полицияси; الـ ~! ёрдамга келинглар!, ёрдам беринглар!; 2) *ҳ арб.* мадад, ёрдам, кўмак; 3) жасорат, жасурлик, мардлик

– نَجْدِيٌّ 1) Наждга оид; 2) наждлик киши

– نَجُودٌ кийик *ёки* туя подаларининг энг олдида юрадиган йўлбошчиси

I **نَجَذَ** (*у*) نَجْذٌ 1) тишламоқ, чақмоқ; 2) зериктирмоқ, безор бўлмоқ, жонга тегмоқ

– مَنَاجِذُ (*сўзидан кўп.*) кўрсичқонлар

– نَاجِذٌ *кўп.* نَوَاجِذُ 1) озиқ тиш; 2) ақл тиши; ضَحِكَ حَتَّى بَدَتْ نَوَاجِذُهُ оғзи қулоғига етиб кулмоқ; عَضَّ عَلَى نَاجِذَيْهِ балоғат ёшига етмоқ, вояга етмоқ (*ўғил болаларга нисбатан*); ~ عَلَى نَوَاجِذِهِ *маж.* оғир кунларни чидам билан ўтказмоқ; أَبْدَتِ الْحَرْبُ نَاجِذَيْهَا *маж.* уруш жуда қаттиқ бўлган эди; أَبْدَى لَهُ عَنْ نَوَاجِذِهِ *маж.* кимгадир нисбатан душманлик қилмоқ

I **نَجَرَ** (*у*) نَجْرٌ (*дарахтни, ёғочни*) рандаламоқ, йўнмоқ, тарашламоқ, қирмоқ; II نَجَّرَ дурадгорлик қилмоқ. ёғочдан бирор нарса ясамоқ

– أَنْجَرٌ, أَنْجَرَةٌ *кўп.* أَنَاجِرُ лангар

– مِنْجَرٌ *кўп.* مَنَاجِرُ ранда

– مِنْجَرَةٌ *кўп.* مَنَاجِرُ дурадгорлик устахонаси

– مَنْجُورٌ 1) рандаланган, йўнилган, тарашланган; 2) иморатнинг ёғоч ишлатилган қисми: ёғоч билан усти қопланган; 3) *тех.* ғалтакмашина, чиғир

– نُجَارٌ насаб, насл-насаб, зот, табиат; характер

– نَجَّارٌ *шунингдек:* ~ الْعِمَارَاتِ ~ дурадгор; ~ الْأَثَاثَاتِ ~ дурадгор; ~ تِجَارَةُ الـ дурадгорлик ишларини бажариш учун ишланган махсус дастгоҳ ~ بَابُ الـ مُخَلَّعٌ *мтл.* бўзчи белбоққа ёлчимас (сўзма-сўз: дурадгорнинг эшиги бузуқдир)

– نُجَارَةٌ қиринди, қипиқ; пайраҳа

– نِجَارَةٌ дурадгорлик касби, нажжорлик

– نَجْرٌ 1) рандалаш, тарашлаш, йўниш; 2) иссиқлик, ҳарорат

– نَجِيرَةٌ *кўп.* نَجَائِرُ айвон, шийпон. бостирма, омбор

نَجْرُو нижру, сорго (*бир йиллик 2 донли ўсимлик*)

I (نجز) **نَجَزَ** (*у*) نَجْزٌ тугатмоқ, ниҳоясига етказмоқ, бажармоқ; نَجِزَ (*а*) نَجَزٌ тугамоқ, бажо бўлмоқ; II نَجَّزَ тугатмоқ, бажармоқ; III نَاجَزَ уришмоқ, курашмоқ, жанг қилмоқ; IV أَنْجَزَ 1) тугатмоқ, ниҳоясига етказмоқ, бажо келтирмоқ; тайёрламоқ, ишлаб чиқармоқ, ясамоқ; 2) (*ваъдага*) вафо қилмоқ; ~ مَا وَعَدَ الْحُرُّ ~ *мкл.* мард одам ваъдаси устидан чиқади; 3) (*к. нидир*) йўқ қилмоқ, олдирмоқ (عَلَى); V تَنَجَّزَ 1) бажартирмоқ, бажарилишига эришмоқ; 2) бажарилмоқ, бажо бўлмоқ, бажо келтирмоқ; X اسْتَنْجَزَ 1) бажартирмоқ, бажарилишига етмоқ; 2) (*н. нидир*) ниҳоясига етказишни (тугатишни) сўрамоқ (илтимос қилмоқ)

– إِنْجَازٌ[1] бажариш, бажо келтириш, ниҳоясига етказиш

– إِنْجَازٌ[2] *кўп.* اتٌ ـــ ютуқ, муваффақият, ғалаба

– تَنَاجُزٌ кураш, жанг, олишув

– مُنَاجَزَةٌ = تَنَاجُزٌ

– مُنْجَزَاتٌ *кўп.* ютуқлар, муваффақиятлар. ғалабалар

– نَاجِزٌ 1) бажариб бўлинган; ниҳоясига (охирига) етказилган; тўла тайёр; 2) тезлик билан бажарилиш керак бўлган

– نَجَازٌ охирига етказиш, тугатиш, бажариш, тамом қилиш

– نَجْزٌ, نُجْزٌ: نَجْزَ حَاجَتِكَ ~ أَنْتَ عَلَى ҳожатингиз чиқиш арафасида турибди

I (نجس) **نَجِسَ** (*а*) نَجَسٌ бадани нопок бўлмоқ, бадани булғанмоқ; نَجُسَ (*у*) نَجَاسَةٌ = نَجِسَ, II نَجَّسَ баданни нопок қилмоқ (булғамоқ); IV أَنْجَسَ = II; V تَنَجَّسَ нопок бўлмоқ, булғанмоқ; X اسْتَنْجَسَ нопок ҳисобламоқ, мурдор ҳисобламоқ

– تَنْجِيسٌ нопок қилиш, мурдор қилиш

– نَجَاسَةٌ нажосат, ҳаромлик, ифлослик, мурдорлик

– نَجَسٌ *кўп.* أَنْجَاسٌ = نَجَاسَةٌ

– نَجِسٌ 1) нопок, ҳаром, мурдор, нажосатли; 2) ёмон, ярамас ◊ ~ دَاءٌ тузалмайдиган дард

– نَجِيسٌ нопок, ҳаром, мурдор; ◊ ~ دَاءٌ тузатиб бўлмайдиган дард

I **نَجَشَ** (*у*) نَجْشٌ 1) бекорчи гапларни тарқатмоқ, сафсатабозлик қилмоқ; (*йиртқич ҳайвонни*) бир жойдан бошқа жойга ҳайдамоқ; 3) аврамоқ, авраб йўлга солмоқ, қизиқтирмоқ; ҳайдамоқ, ҳайдаб юрмоқ, ҳайдаб бормоқ; 3) (*нархни*) кўтармоқ; VI تَنَاجَشَ бир-бирига қараб нарх кўтармоқ, ўзаро нархларни ошириб юбормоқ

– نَجَشٌ (*ботинканинг*) баҳяси, ранти

– نَجَاشِيٌّ негус (*Ҳабашистон императорининг унвони*)

I (نجع) **نَجَعَ**[1] (*а*) نُجُوعٌ фойда бермоқ, фойдали бўлмоқ; яхши таъсир қилмоқ, фойдаси бўлмоқ (*дори ҳақида*); ◊ ~ـــهُ إِلَى الرَّشَادِ кимнингдир ақлини киргизмоқ, эс-ҳушли қилиб қўймоқ; نَجَعَ[2] (*а*) نَجْعٌ яйлов қидирмоқ; II نَجَّعَ = I[1]; V أَنْجَعَ = I; V تَنَجَّعَ (*н. нидир*) қидирмоқ, ахтармоқ; VIII انْتَجَعَ 1) (*кўчиб келиш учун*) янги жой (*ер. яйлов*) қидирмоқ; أَقَاصِيَ الْأَرْضِ ~ узоқ-узоқ юртларга кетиб қолмоқ; 2) ёрдам сўраб мурожаат қилмоқ; X اسْتَنْجَعَ (*н. нингдир*) яхшисини ахтармоқ

– أَنْجَعُ энг яхши шифо бўладиган, энг фойдали

– مُنْتَجَعٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) қидириб юрилган яйлов; 2) дам оладиган жой; ~ صَحِّيٌّ дам олиш уйи, санаторий

– مَنْجَعٌ *кўп.* مَنَاجِعُ ем-хашакка бой топилган яйлов

– نَاجِعٌ фойдали, шифо бўладиган; яхши таъсир қиладиган (*дори*)

– نَجَاعَةٌ 1) таъсирчанлик, таъсир қилишлик, даво, шифолик; ~ـــ фойдали, яхши томонга; 2) муваффақиятлилик, муваффақият; ~ـــ муваффақият билан (*Шимолий Африка*)

– نُجُوعٌ *кўп.* نُجُوعٌ аҳоли яшайдиган кичкина пункт, қишлоқча

– نُجْعَةٌ 1) ўт-ўланга бой яйлов қидириш; 2) *кўч. м.* ҳавас (орзу) қилинган нарса

– نَجِيعٌ[1] 1) фойдали, шифо бўладиган; 2) туя учун барглар, сув ва ундан тайёрланган ем

– نَجِيعٌ[2] қон; қорайиб кетган қон

I **نَجَفَ** (*у*) نَجْفٌ (*мас, ўқни*) йўниб учли қилмоқ, тарашламоқ

– نَجَفٌ[1] *кўп.* نِجَافٌ 1) дўнг, тепалик; қир, адир; 2) тўғон

– نَجَفٌ[2] *жам.* қандиллар ◊ ~ الـــ دُرُّ *мин.* тоғ биллури, шаффоф кварц

– نَجَفَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ қандил

I (نجل) **نَجَلَ** (*у*) نَجْلٌ (*ўғилни*) вужудга келтирмоқ, туғмоқ; نَجِلَ (*а*) نَجَلٌ катта чиройли кўзли бўлмоқ, катта чиройли кўзи бор бўлмоқ; ◊ نَجَلَ الْأَرْضَ ер ҳайдамоқ

– أَنْجَالٌ *мн.* نَجْلَاءُ *кўп.* نُجْلٌ катта чиройли кўзли; ◊ طَعْنَةٌ نَجْلَاءُ ўлим зарбаси, ўлимга олиб борадиган зарба; سَدَّدَ (وَجَّهَ) ضَرْبَةً نَجْلَاءَ فِي ... ...га ўлим зарбаси туширмоқ (бермоқ)

– إِنْجِيلٌ *алиф.б.қар.*

– مِنْجَلٌ *кўп.* مَنَاجِلُ ўроқ, чалғи, чалғили ўроқ; ~ مِطْرَقَةٌ وَ ўроқ ва болға; ◊ ~ الـــ سِنُّ читтак; ~ أَبُو иссиқ мамлакатларда яшайдиган лайлакка ўхшаш қуш, ибис

– مِنْجَلَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ *тех.* гира, исканжа

– نَجْلٌ *кўп.* أَنْجَالٌ ўғил, фарзанд, авлод, насл, уруғ; келажак авлод

– نَجَلٌ 1) кўзнинг гўзаллиги; 2) кўз косасининг ўрни, кўз бичимининг катталиги

– نَجْلَاوِيٌّ кўзлари катта ва чиройли одам

– نَجِيلٌ *бот.* буғдойиқ

– تَنَجْلَزَ инглизлаштирмоқ; تَنَجْلُزٌ инглизлашмоқ

I (نجم) **نَجَمَ**[1] (*у*) نُجُومٌ 1) (*юлдуз*) пайдо бўлмоқ, чиқмоқ; (*н. дандир*) келиб чиқмоқ (عَنْ), (*н. нингдир натижасида*) келиб чиқмоқ (عَنْ); 2) ўсмоқ, ўсиб чиқмоқ, 3) бўлак-бўлак қилиб тўламоқ; الدَّيْنَ ~ қарзни бўлак-бўлак қилиб тўламоқ; نَجَمَ[2] (*у*) نَجَامَةٌ юлдузларга қараб фол кўрмоқ; II نَجَّمَ 1) юлдузларга қараб фол кўрмоқ.мунажжимлик қилмоқ; келажакни олдиндан айтиб бермоқ; 2) (*қарзни*) бўлак-бўлак қилиб тўламоқ; бўлиб-бўлиб тўлаш муддатлари белгиланмоқ, тўловни қисмларга тақсим қилмоқ; V تَنَجَّمَ юлдузларга қараб фол кўрмоқ, мунажжимлик қилмоқ

– تَنْجِيمٌ юлдузларга қараб фол кўриш; ~ عِلْمُ الـــ астрология, илми нужум

– مَنْجَمٌ *кўп.* مَنَاجِمُ 1) келиб чиқиш, манба; 2) кон, конлар, шахта; ~ عَامِلُ шахтёр, руда кавловчи; مَنَاجِمُ الْحَدِيدِ темир конлари; مَنَاجِمُ الْفَحْمِ кўмир конлари

– مِنْجَمٌ *кўп* مَنَاجِمُ тарози шайини, дастаси

– مُنَجِّمٌ мунажжим; لَا أَدْرِي وَ لَا الْـــ يَدْرِي *маж.* мен ҳам, мендан бошқалар ҳам билмайди

– نَجَّامٌ мунажжим

– نَجْمٌ[1] 1) бўлиб-бўлиб тўлаш; 2) *кўп.* نُجُومٌ навбатдаги тўлов бадали; نُجُومًا бўлиб- бўлиб, қисмларга бўлиб-бўлиб

– نَجْمٌ[2] *кўп.* أَنْجُمٌ 1) ўт, ўт ўлан, 2) кўчат, ниҳол; 3) пояси йўқ ўт-ўлан, ер бағирлаб ўсадиган ўт

– نَجْمٌ[3] *кўп.* نُجُومٌ юлдуз; ~ بِذَنَبٍ *ёки* ~ مُذَنَّبٌ думли юлдуз, комета; النُّجُومُ الْخُنَّسُ юлдузлар: النُّجُومُ الثَّوَابِتُ ҳаракатсиз юлдузлар; планеталар, сайёралар; النُّجُومُ *астр.* Сурайё (*Савр юлдузлар туркумидаги етти юлдуз*); عِلْمُ النُّجُومِ астрономия, илми нужум; عِبَادَةُ النُّجُومِ نَحْوَ النُّجُومِ кўкларга, кўкларгачча; ~ هَادٍ йўлчи юлдуз; ~ أَفَلَ الـــهُ *кўч. м.* унинг юлдузи сўнди (заволга кетди) أَصْبَحَ الـــ اللَّامِعَ *маж* порлоқ юлдузга айланмоқ; نُجُومُ الفَنِّ الْعَرَبِيِّ араб санъати юлдузлари. أَرَادُ النُّجُومَ فِي عِزِّ الظُّهْرِ онасини Учқўрғондан кўрсатмоқ, суробини тўғрилаб қўймоқ, адабини бериб қўймоқ (*сўзма-сўз*: куппа-кундузи унга юлдузларни кўрсатиб қўймоқ); 2) одам туғилиши билан мунжжимлар томонидан олинган юлдузлар жадвали. гороскоп; ~ حَسَبَ الـــ гороскоп тузмоқ; 3) пояси йўқ ўсимлик

– نَجْمَةٌ 1) юлдуз, юлдузча; ~ الْقُطْبِيَّةُ الـــ Қутб юлдузи; ~ الصُّبْحِ тонг юлдузи. Зуҳро (Венера); ~ الْمَسَاءِ оқшом юлдузи. Зуҳро (Венера); ~ السِّينَمَا кино юлдузи; ~ الشَّرَفِ وِسَامُ Ҳурмат Юлдузи ордени (*Миср Араб Республикасида*); 2) пояси йўқ ўсимлик; ◊ مِنَ الـــ эрта тонгдан, тонг азонда

– نَجْمِيٌّ юлдузга оид, юлдузга хос; سَنَةٌ ~ـــةٌ *астр.* юлдуз йили; ~ سِبَاقٌ *спорт* турли томондан юриш бошлаб марказга бир вақтда етиб келиш пойгаси

– نَجِيمٌ ниш, ниҳол

– نُجَيْمَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) юлдузча, 2) *астр.* Марс билан Юпитер оралиғидаги кичик сайёралар

I (نحو) **نَجَا**[1] (*у*) نَحْوٌ, نَجَاءٌ, نَجَادٌ (*н. дандир*) нажот топмоқ (مِنْ); (*н. дандир*) қутулмоқ, холос бўлмоқ (مِنْ); ~ مِنَ الْمَوْتِ بِأُعْجُوبَةٍ мўъжиза билан ўлимдан қутилиб қолмоқ; نَجَا[2] (*у*) نَحْوَى (*бирор сирни*) ишониб айтмоқ; II نَجَّى (*н. дандир*) қутказмоқ. халос қилмоқ (مِنْ); III نَاجَى 1) (*н. нидир*) секингина ошкор қилмоқ (*юрак ҳақида* – ب); 2) (*к. дандир*) ҳеч кимга билдирмай сўрамоқ; маслаҳатлашмоқ; (*к. биландир*) юракдан суҳбат қурмоқ, суҳбатлашмоқ. дилдаги дардни гапириб юракни бўшатмоқ; 3) ҳеч кимга билдирмай алоқада бўлиб турмоқ; 4) шивирлаб намоз ўқимоқ, муножот қилмоқ; ◊ نَفْسَهُ ~ ўйга толмоқ, ўйга ботмоқ,

ўзича хаёл қилмоқ; IV أَنْحَى қутқармоқ, халос қилмоқ, қутултирмоқ; VI تَنَاحَى юрақдан суҳбатлашмоқ, дардини тўкиб солмоқ; ҳеч кимга сездирмай гаплашмоқ, яширин (пинҳоний) иш тутмоқ; шивир-шивир қилишмоқ; шивирлашмоқ; VIII اِنْتَحَى = VI; X اِسْتَنْحَى 1) у ёқ бу ёқни ювмоқ, ювиниб олмоқ; 2) чора қидирмоқ, илож изламоқ, озодликка эришмоқ; 3) шошилмоқ; 4) ҳожатдан кейин ўрнини артмоқ *ёки* сув билан ювмоқ, истинжо қилмоқ

– تَنْحِيَة қутултириш, халос этиш

– مُنَاجَاة 1) муножот, махфий (хуфия) суҳбат, махфий (хуфия) маслаҳат, махфий кенгаш; ~ الْأَرْوَاحِ ўлганларнинг руҳи билан гаплашиш, спиритизм; ~ الْإِنْسَانِ لِنَفْسِه ўзи билан ўзи гаплашиш, ўзича гаплашиш; 2) (*радиодан бериладиган*) суҳбат

– مُنَحٌ *мн.* مُنَحِيَّة қутқарувчи, халоскор, нажоткор

– مَنْجَاة 1) қутқариш, халос қилиш, озод этиш; 2) *кўп.* مَنَاجٍ хатарсиз жой, бехатар макон, бошпана; هُوَ بِـــ~ مِنْ ... у ...дан озоддир; у ... ҳимоя этилган

– مَنْحًى *кўп.* مَنَاحٍ 1) бошпана, яшириниб жон сақланадиган жой; хатарсиз жой; أَصْبَحَ فِي ~ مِنْ ...дан хавфсиз жойда бўлмоқ; كَانَ بِـــ~ عَنْ ... ...дан омон бўлмоқ; 2) тепа жой, тепалик

– نَاجٍ *мн.* نَاجِيَة *кўп.* نُجَاة, نَاجُون қутилиб қолган, қутқариб қолинган

– نَجَاء қутқарилиш, нажот топиш, халос бўлиш

– نَجَاة нажот, халос бўлиш, қутулиш; ~ حَبْلُ الـــ тортиб чиқариб қутқариб қоладиган арқон; ~ طَوْقُ الـــ чўкаётган одамни қутқариш учун ташланадиган чамбарак; 2) бутунлик, жой-жойидалик

– نَجْوٌ[1] *кўп.* نَجَاء нажас, нажосат, ахлат

– نَجْوٌ[2] тепалик жой, баланд жой

– نَجْوٌ[3] икки киши ўртасидаги махфий сир

نَجْوَة *кўп.* نَجَاء тепа жой, тепалик, адир, пасттекислик; إِنَّنَا فِي ~ *маж.* бизларда бу нарса содир бўлолмайди; هُوَ بِـــ~ مِنْ كُلِّ هَذَا ... مِنْ ... *маж.* у ...дан омондадир; у ...дан четдадир

– نَجْوَى *кўп.* نَجَاوَى 1) махфий ибодат, муножот; 2) яширин суҳбат, махфий маслаҳат, махфий кенгаш; ўз-ўзича овоз чиқариб гаплашиш; 3) сир, махфий иш, махфий нарса

– نَجِيٌّ[1] *кўп.* أَنْجِيَاء энг яқин (сирдош) дўст; ишончли сирдош дўст (шахс)

– نَجِيٌّ[2] *кўп.* أَنْجِيَة сир, махфий иш, махфий нарса

I **نَحَبَ** (*а*) نَحِيبٌ, نَحْبٌ ҳўнграб йиғламоқ, ўпкаси тўлиб зор-зор йиғламоқ; VIII اِنْتَحَبَ йиғи-сиғи қилмоқ, йиғламоқ

– نَحْبٌ[1] ҳўнграб йиғлаш, тўлиб-тўлиб йиғлаш

– نَحْبٌ[2] 1) муддат, вақт; 2) назр-ниёз; 3) ўлим قَضَى ~ـــهُ а) ваъдасининг устидан чиқмоқ; б) ўлмоқ, вафот этмоқ

– نَحِيبٌ ҳўнграб йиғлаш, тўлиб-тўлиб йиғлаш

I **نَحَتَ** (*и, у*) نَحْتٌ 1) (*тош*) йўнмоқ, (*тошга*) ўйиб нақш солмоқ, ёзмоқ; ўйма нақшлар ясамоқ; تِمْثَالاً ~ ҳайкал ясамоқ; كَلِمَةً ~ *грам.* янги сўз ҳосил қилмоқ (яратмоқ); 2) (*маккажўхорини*) қайирмоқ; ◊ بِلِسَانِهِ ~ـــ бирор кишини ёмонлаб гапирмоқ, ёмонламоқ, ачитиб ғийбат қилмоқ

– مِنْحَتٌ *кўп.* مَنَاحِتُ ҳайкалтарош қалами

– مَنْحُوتٌ йўнилган; ўйиб нақш солинган; *грам.* янги ҳосил қилинган, янги яратилган (*сўз*)

– مَنْحُوتَةٌ *кўп.* ـــاتٌ ҳайкал

– نَحَّاتٌ 1) тош йўнувчи; 2) ҳайкалтарош

– نُحَاتَةٌ синиқ, парча, синиқ парчаси; кесик

– نَحَاتَةٌ ҳайкалтарошлик, ҳайкалтарошлик санъати

– نَحْتٌ ўйиш, йўниш, кесиш, ҳайкал ясаш; ~ الْكَلَامِ *грам.* сўзларнинг яратилиши, пайдо бўлиши, ясалиши

– نَحِيتٌ йўнилган; ўйиб нақш солинган; ўймакорлик қилиб ишланган

I **نَحَزَ** (*а*) نَحْزٌ (*ҳайвон*) сўймоқ; VI تَنَاحَزَ 1) бир-бирини сўйишмоқ; 2) курашмоқ, жанг қилмоқ; тўқнашмоқ; (*н. нидир деб*) ўзаро душманлик қилмоқ (عَلَى); VIII اِنْتَحَزَ 1) ўзини ўлдирмоқ, ўз жонига ўзи қасд қилмоқ; 2) хасталик (бахиллик) қилмоқ

– اِنْتِحَارٌ *кўп.* ـــاتٌ ўзини ўзи ўлдириш; ~ يَابَانِيٌّ харакири

– اِنْتِحَارِيٌّ ўзини ўзи ўлдиришга оид

– تَنَاحُرٌ кураш; тўқнашув; келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршилик; ~ الْأَحْزَابِ фирқалар (партиялар) кураши; ~ـــ عَلَى الْحَيَاةِ ҳаёт (яшаш) учун кураш

– مُنْتَحِرٌ ўзини ўзи ўлдирувчи, ўз жонига ўзи қасд қилувчи

– مَنْحَرٌ *кўп.* مَنَاحِرُ бўйин, томоқ (*ҳайвонларни бўғизлаганда пичоқ тортиладиган жой*)

– مَنْحُورٌ 1) сўйилган, пичоқ тортилган; 2) ғазабланган, аччиқланган, ғижинган, асабийлашган

– نَحْرٌ[1] сўйиш; ~ عِيدُ الـــ қурбон ҳайити (*зулҳижжа ойининг 10-куни*)

– نَحْرٌ[2] *кўп.* نُحُورٌ 1) бўйин, томоқ; кўкракнинг юқори қисми; 2) бошланиш; 3) *архит.* тахта буюмларда ранда воситаси билан ўйилган ариқчага ўхшаш чуқурлик; ◊ ارْتَدَّ هَذِهِ عَلَى ~هِ бу нарса унинг ўзгинасига қайтди; رَدَّ كَيْدَهُ عَلَى ~هِ кимнидир ўзининг қуроли билан урмоқ, у қилгандай иш билан жавоб қилмоқ

– نَحْرٌ билимдон, зўр иқтидор соҳиби (*олимларга қўйиладиган лақаб*)

– نَحْرِيرٌ = نَحَارِيرُ *кўп*

– نَحِيرٌ сўйилган

I **نَحَزَ** (*а*) نَحْزٌ кукунга айлантирмоқ, туймоқ, янчмоқ, туйиб майдаламоқ

– مِنْحَازٌ *кўп.* مَنَاحِيزُ кели (ўғир) дастаси

– نَحِيزَةٌ *кўп.* نَحَائِزُ табиат, характер; ~ الـــ طَيِّبُ хушхулқ; ~ الـــ كَرِيمُ оқсуяк, аслзода

I (نحس) **نَحُسَ** (*у*) نَحَاسَةٌ *ёки* نَحِسَ (*а*) نَحَسٌ бахтсиз бўлмоқ, бадбахт бўлмоқ; نَحَسَ (*у*) نَحْسٌ бахтсизлик келтирмоқ, бало олиб келмоқ, офат келтирмоқ; II نَحَّسَ 1) мис билан қопламоқ; 2) қаттиқлашмоқ, қотмоқ

– أَنْحَسُ энг бахтсиз, энг бахти қора; إِنَّهُ ~ مَخْلُوقٍ عَلَى وَجْهِ الْأَرْضِ у ер юзидаги энг бахтсиз махлуқдир

– تَنْحِيسٌ мис билан қоплаш

– مَنَاحِسُ *кўп.* бадбахтлик, бахтсизлик олиб келадиган нарсалар

– مُنَحَّسٌ мис билан қопланган, устига мис юритилган

– مَنْحُوسٌ *кўп.* مَنَاحِيسُ бахтсиз, бадбахт; ~ الطَّالِعِ бахти қора

– نَحَّاسٌ мискар, мискор

– نُحَاسٌ 1) мис; ~ الـــ الْأَصْفَرُ сариқ мис, жез (*мис ва рух қоришмаси*); ~ الـــ الْأَحْمَرُ қизил мис; 2) табиат, характер; 3) алангаси йўқ тутун

– نَحَاسَةٌ мискорлик, мискорлик касби

– نُحَاسَةٌ 1) мис танга, мис чақа; 2) мисдан ишланган идиш

– نُحَاسِيٌّ 1) мисга оид; الْآلَاتُ الـــ *муз.* мис чалғу асбоблари; 2) мис рангли

– نَحَّاسِيٌّ *кўп.* نَحَاحِسَةٌ *тар.* Наҳҳос пошо тарафдори, Наҳҳос пошонинг изидан борувчи

– نَحْسٌ[1] *кўп.* نُحُوسٌ бахтсизлик, бадбахтлик, омадсизлик; عَجُوزُ ~ ёвуз кампир, ялмоғиз кампир

– نَحْسٌ[2], نَحِسٌ бахтсиз, бадбахт; омади юришмаган, омадсиз; ~ يَوْمٌ машъум кун

– نُحُوسَةٌ бахтсизлик, бадбахтлик, машъумлик

نُحْصٌ тоғ этаги, тоғнинг ости

I **نَحُفَ** (*у*) نَحَافَةٌ озмоқ, озиб кетмоқ, ориқламоқ; IV أَنْحَفَ оздирмоқ, оздириб қўймоқ, ориқлатмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, тинкасини қуритмоқ

– مَنْحُوفٌ ориқ, озғин, озиб кетган

– نَحَافَةٌ ориқлик, озғинлик, нимжонлик; ҳолдан кетганлик; ~ الْقَوَامِ қомати келишганлик

– نُحْفٌ ориқлик, озғинлик

– نَحِيفٌ *кўп.* نِحَافٌ, نُحَفَاءُ ориқ, озғин, ҳолдан тойган; ~ الْقَوَامِ қомати келишган

I (نحل) **نَحُلَ**, نَحَلَ (*у*) *ёки* نَحِلَ (*а*) نُحُولٌ озмоқ, озиб кетмоқ, тинкаси қуримоқ; نَحَلَ (*а*) نَحْلٌ, نُحْلٌ 1) (*к. гадир*) бермоқ, тақдим этмоқ, ҳадя этмоқ; الْمَرْأَةُ مَهْرَهَا ~ хотинга маҳрини бермоқ; 2) (*к гадир*) нисбат бермоқ, тегишли деб билмоқ, тўнкамоқ, ағдармоқ, тақмоқ (إِلَى, عَلَى); 3) ёлғон тўқимоқ, уйдирма қилмоқ; 4) эскирмоқ, тўзимоқ (*киймоқ ҳақида*); 5) соч тўкилмоқ; II نَحَّلَ 1) оздирмоқ, ориқлатиб юбормоқ, ҳолдан кетказмоқ; 2) сочнинг тўкилишига сабаб бўлмоқ, сочни тўкиб юбормоқ; IV أَنْحَلَ = II; V تَنَحَّلَ ўзиники қилиб олмоқ, ўзлаштириб юбормоқ, кўчирмачилик (плагиат) қилмоқ; VIII اِنْتَحَلَ 1) ўзига бошқа ном қабул қилмоқ; ~ شَخْصِيَّتَهُ ўзини ... қилиб кўрсатмоқ; ... لِنَفْسِهِ صِفَةَ ~ ўзига ...лик белгисини қабул қилмоқ; 2) динга эътибор қилмоқ, қабул қилмоқ; ~ الْإِسْلَامَ исломга кирмоқ; ҳаққи йўқ нарсани ўзига ўзлаштирмоқ, ўзиники қилиб кўрсатмоқ, кўчирмачилик (*плагиат*) қилиб; ~ الْأَعْذَارَ لِـــ... (*к. нидир*) асоссиз равишда кечирмоқ; баҳоналар тузмоқ. важи корсон кўрсатмоқ, важи корсон қилмоқ

– اِنْتِحَالٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) ўзиники қилиб олиш, ўзлаштириш; кўчирмачилик, плагиаторлик; 2) асоссиз равишда тасдиқлаш; ~ الْأَعْذَارِ баҳоналар тўқиш, важи корсон кўрсатиш; 3) (*динга*) кириш, (*динни*) қабул қилиш

– مُنْتَحَلٌ ноқонуний ўзлаштирилган, асоссиз ўзиники қилиб олинган; ~ اسْمٌ тахаллус, лақаб, яхшироқ ном

– مُنْتَحِلٌ бошқаларнинг ишини ўзиники қилиб олувчи, плагиатор

– مَنْحَلٌ *кўп.* مَنَاحِلُ асалари яшиклари қўйилган жой

– مَنْحُولٌ 1) ўйлаб топилган, ичдан тўқилган; الرِّوَايَاتُ الـــ ичдан тўқилган (ясама) ҳикоялар; 2) эскиган, тўзиган

– نَاحِلٌ ориқ, озғин, тинкаси қуриган, мажолсиз

– نَحَّالٌ асаларичи, асалари парвариш қилувчи одам

– نَحَالَةٌ асалари кўпайтирувчи, асаларичилик

– نُحْلٌ 1) бериш, тақдим этиш, ҳадя қилиш; 2) совға, туҳфа

– نَحْلٌ *жам.* асаларилар; طَنَّانُ ~ сариқ арилар; ذَكَرُ الـــ эркак асалари; ~ الـــ فَقِيرُ арихона, асалари яшиги; ~ الـــ مَلِكَةُ *қар.* مَلِكَةٌ; ~ الـــ تَرْبِيَةُ асаларилари парвариш қилиш (боқиш), асаларичилик

– نَحَلَاتٌ *кўп.* نَحَلَةٌ асалари

– نُحَلَةٌ *кўп.* نَحَلٌ пилдироқ, бизбизак (*шунингдек:* ~ الصَّبِيِّ)

– نَحْلَةٌ[1] *кўп.* نَحَلٌ 1) дин аҳкомлари, диний таълимот; 2) эътиқод, динга эътиқод қилиш; 3) совға, ҳадя; ~ ўз ихтиёри билан (бериш); ўрнига ниманидир талаб қилмасдан (бериш)

– نَحْلَةٌ[2] даъво

– نُحْلَى ҳадя, ҳадя этиш, инъом қилиш, инъом

– نُحُولٌ ориқлик, озғинлик, тинкаси қуриганлик

– نَحِيلٌ *кўп.* نَحْلَى 1) ориқ, озғин, тинкаси қуриган; ~ الْقَوَامِ қомати келишган; 2) бечора

I **نَحَمَ** (*и*) نَحْمٌ, نَحِيمٌ йўталиб балғам ташламоқ, йўталиб балғам кўчирмоқ, томоқ қирмоқ, йўталиб қўймоқ

– نُحَامٌ *жам.* қизил ғозлар, фламинголар

– نُحَامَةٌ қизил ғоз, фламинго

نَحَمِيَا *библ.* Несмия

نَحْنُ биз; الْمُوَقِّعِينَ ~ биз, қуйида имзо чекувчилар

I نَطَلَ (*у*) نَطْلٌ 1) оғриқ *ёки* касал жойга иссиқ дори-дармон босмоқ, припарка босмоқ; 2) чўмичлаб (*қар.* نَطَّالٌ) сув олмоқ; ~ الْمَاءَ суғориш учун сув чиқармоқ, тортмоқ; 3) (*мас., узумни*) сиқмоқ, эзмоқ; II نَطَّلَ = I

– مِنْطَلٌ душ

– نَطَّالٌ наттол, чўмич (*суғориш учун сув тортадиган, чиқарадиган чўмич*)

– نَطَّالَةٌ = نَطَّالٌ

– نَطُولٌ оғриқ *ёки* касал жойга босиладиган *ёки* қўйиладиган дори-дармон

(نطو) IV أَنْطَى бермоқ, ато этмоқ; X اِسْتَنْطَى *фон.* طْعٌ товуш бирикмасидаги ع товушини ن деб талаффуз қилиш

– اِسْتِنْطَاءٌ *фон.* طْعٌ товуш бирикмасидаги ع товушини ن сифатида талаффуз қилиш

I نَظَرَ (*у*) نَظَرٌ 1) кўрмоқ; тамоша қилмоқ, кузатмоқ, кузатиб турмоқ; (*к. гадир*) қарамоқ; مِنْ عَلُ إِلَيْهِ ~ кимгадир назар-писанд қилмай қарамоқ; إِلَيْهِ شَزْرًا ~ кимгадир кўз қири билан қарамоқ, зимдан қарамоқ; إِلَيْهِ نَظْرَةَ الْمَهَابَةِ وَ الْإِكْبَارِ ~ кимгадир катта ҳурмат ва эътибор билан қарамоқ; إِلَيْهِ بِعَيْنِ الْاِعْتِبَارِ ~ кимгадир ҳурмат билан қарамоқ; بِعَيْنِ الْفَهْمِ إِلَيْهِ ~ кимгадир уни тушунган ҳолда муносабатда бўлмоқ; إِلَى الْحَقِيقَةِ عَيْنًا بِعَيْنٍ ~ ҳақиқатга тик (тўппа-тўғри) қарамоқ; 2) (*н. нидир*) кўрмоқ, кўриб чиқмоқ,

муҳокама қилмоқ (فِي); فِي ~ муаммони кўриб чиқмоқ; فِي ~ أَلْقَضِيَّة фол очмоқ; فِي ~ أَسْرَارِ الْكَفِّ ёки خُطُوطِ الْكَفِّ ~ кафтдаги чизиқларга қараб фол очмоқ; 3) (*кимнингдир орқасидан*) кузатиб юрмоқ, (*бирор к. ҳақида*) ғамхўрлик қилмоқ, қайғурмоқ (لِـ); 4) икки томоннинг гапини эшитиб ажрим қилмоқ, жанжал мазмунига қулоқ солиб ҳукм чикармоқ (بَيْنَ وَ بَيْنَ), II نَظَّرَ 1) тўлов муддатини узайтирмоқ; 2) насияга, кредитга мол сотмоқ; 3) (*к. нидир к. биландир*) қиёсламоқ, солиштирмоқ (بَيْنَ وَ بَيْنَ); III نَاظَرَ 1) (*бирор н. ҳақида*) мунозара олиб бормоқ, тортишмоқ (فِي); 2) (*н. нидир*) бошқармоқ, идора қилмоқ; 3) ўхшамоқ, ўхшаш бўлмоқ; 4) рақобатлашмоқ, ким ошди ўйнамоқ, ким ўзди ўйнамоқ; 5) (*бир н. ни бошқа н. билан*) қиёсламоқ (ب); IV أَنْظَرَ муддатни чўзмоқ, кутмоқ, V تَنَظَّرَ 1) яхшилаб кўздан кечирмоқ, кўрикдан ўтказмоқ; тикилиб қарамоқ, тикилмоқ; 2) бардош билан кутмоқ; VI تَنَاظَرَ 1) бир-бирига қарамоқ; 2) бир-бирига тўпарама-рўпара турмоқ, жойлашмоқ; симметрик бўлмоқ; 3) ўзаро баҳслашмоқ, мунозара олиб бормоқ, муҳокама қилмоқ, савол-жавоб қилишмоқ; 4) ўзаро рақобатлашмоқ, беллашмоқ; VIII اِنْتَظَرَ 1) кутмоқ, кутиб турмоқ, интизор бўлмоқ, мунтазир бўлмоқ; 2) муддатни чўзмоқ; X اِسْتَنْظَرَ 1) кутмоқ, кутиб турмоқ; 2) муддатни чўзишни илтимос қилмоқ (сўрамоқ)

– اِنْتِظَارٌ 1) кутиш, кутиб туриш; ~ عَلَى غَيْرِ кутилмаганда, қўққисдан, тўсатдан; ~ أَشَدُّ مِنَ النَّارِ *мкл.* кутиш дўзаҳдан ҳам ёмондир, 2) муддатни чўзиш

– اِنْتِظَارِيٌّ кутишга (интизорликка) оид

– تَنَاظُرٌ 1) ўзаро рўпарама-рўпара туриш; 2) симметрия; ~ اللاَّ симметриянинг йўқлиги, асимметрия; 3) мунозара, муҳокама, мубоҳаса, баҳс

– مُنَاظِرٌ 1) бир хил, баравар, тенг, ўхшаш, каби, сингари, монанд; 2) бошқарувчи, идора қилувчи; 3) рақиб, рақобатчи, қарши тараф

– مُنَاظَرَةٌ 1) мунозара, мубоҳаса, баҳс; муҳокама, дискуссия; 2) қаров, назорат, назорат қилиш; *мед.* кўрик

– مُنْتَظَرٌ кутилган, кутиб турган; ~ غَيْرُ кутилмаган

– مُنْتَظِرٌ кутувчи, кутиб турувчи

– مِنْظَارٌ *кўп.* مَنَاظِيرُ 1) телескоп, узоқни кўрсатадиган маҳсус дурбин; ~ الغَوَّاصَة сув ости кемасининг дурбини, перископ; ~ طَيْفِيٌّ спектроскоп, спектрларни кузатиш асбоби; 2) дурбин, бинокль; кўзойнак, лорнет; 3) *шунингдек:* ~ طِبِّيٌّ *мед.* тиббий кўзгу

– مِنْظَرٌ *кўп.* مَنَاظِرُ кузатиш трубаси (*узоқни кузатадиган махсус дурбин*)

– مَنْظَرٌ *кўп* مَنَاظِرُ 1) манзара, кўриниш, картина, панорама; ~ مِنَ الجَوِّ *ёки* عَلَى ~ жуда баланддан, осмондан кўринган манзара; 2) *театр.* саҳна безаги, декорация; 3) кузатиш нуқтаси (пункти)

– مَنْظَرَةٌ 1) меҳмонлар қабул қилинадиган хона, меҳмонхона; 2) томошабинлар

– مَنْظُورٌ 1) эътиборга олинган, кўринган, кўрилган, кўриб чиқиладиган; ~ أَدَوَاتٌ кўргазмали қуроллар; ~ دَعْوًى кўрилаётган, кўриб чиқилаётган иш, даъво; 2) кўзда тутилган, олдиндан эътиборга олинган; ~ مَصْرُوفَاتٌ олдиндан кўзда тутилган харажатлар; ~ غَيْرُ مَصْرُوفَاتٌ кўзда тутилмаган харажатлар; ~ غَيْرُ а) кўринмас, кўринмаган; б) олдиндан эътиборга олинмаган; 3) кутилган; ~ أَنْ ...-ши (-иши) кутилмоқда; 4) олдда кўринган манзара

– نَاظِرٌ *кўп.* نُظَّارٌ 1) назорат қилувчи, назоратчи, нозир; 2) идора қилувчи, бошқарувчи; 3) тамошабин; 4) қараб турувчи, нозир, инспектор; бошлиқ; ~ الْمَحَطَّة станция бошлиғи; ~ الْمِيرَاثِ меросни сақлаб берувчи, васий; ~ الْوَقْفِ *шар.* вақф қилинган нарсаларни сақловчи; 5) *тар.* вазир, министр; 6) кўз; ~ان *ик. с.* икки кўз, кўзлар; ... أَلْقَى بِنَاظِرَيْهِ إِلَى ...га назар ташламоқ, қарамоқ; اخْتَفَى عَنْ نَاظِرَيْهِ кўздан ғойиб бўлмоқ

– نَاظِرَةٌ *кўп.* نَوَاظِرُ 1) кузатиб турувчи аёл, назоратчи аёл; 2) бошқарувчи аёл, мудира; 3) тамошабин аёл; 4) директор аёл; 5) кўз

– نَاظُورٌ дала дурбини

– نَظَّارٌ кўзи ўткир, ўткир кўзли

– نَظَّارَاتِيٌّ *кўп.* نَظَّارَاتِيَّةٌ оптика мутахассиси, оптика маҳсулотлари билан савдо қилувчи

– نَظَّارَةٌ[1] тамошабинлар

– نَظَّارَةٌ[2] *кўп.* ـَـات 1) кўзойнак; ~ الْأَنْفِ бурун тепасига қистириб олинадиган кўзойнак; ~ شَمْسِيَّةٌ қуёшдан тўсадиган (қора) кўзойнак; ~ الْخَيْلِ (الْحِصَانِ) кўзпана (*ҳурковуч отнинг кўзига тутиладиган кўзлик*); ~ بُوزُ الـ пуштбурун (*юганнинг бурунлигидан манглайчасига қараб тик кўтарилган ўрта қайиш*); ~ زِنَاقُ الـ юганнинг бўйинга тақилган қисми; ~ ذُو الـ *ёки* ~ أَبُو الـ кўзойнакли киши; 2) дурбин, бинокль; ~ الْحَرْبِيَّةُ дала дурбини; ~ الْمَسَارِحِ театр дурбини; ~ لِعَيْنٍ وَاحِدَةٍ *ёки* ~ مُنْفَرِدَةٌ бир кўз учун ишланган кўзойнак; ~ مُعَظِّمَةٌ катта қилиб кўрсатадиган ойна, лупа; ~ مُكَبِّرَةٌ микроскоп; ~ مُقَرِّبَةٌ узоқни кўрсатадиган дурбин; ~ الرَّصْدِ الْفَلَكِيِّ телескоп

– نَظَّارَةٌ[3] ҳибсга олинганлар учун махсус хона (*полицияда*)

– نِظَارَةٌ *кўп.* ـَـات 1) бошқариш, идора қилиш; 2) *тар.* вазирлик, нозирлик

– نَظَرٌ *кўп.* أَنْظَارٌ 1) кўриш, назар; ~ طَوِيلُ الـ *ёки* ~ بَعِيدُ الـ а) узоқни кўрувчи; б) узоқ келажакни кўра оладиган; ~ قَصِيرُ الـ а) яқинни кўрувчи; б) узоқ келажакни кўра олмайдиган; 2) қараш, назар; ~ ثَاقِبٌ сезгир кўз, сезгир назар; ... عَنْ ~ صَرْفِ الـ га қарамасдан, ...га қарамай; ~ الْعَالَمِ فِي бутун дунё наздида, бутун данё назарида; ~ أَمَامَ هِمْ уларнинг кўз олдида; أَلْفَتَ (شَدَّ) هَذَا

وَقَعَ أَنْظَارَ الْعُلَمَاءِ бу нарса олимларнинг эътиборини ўзига тортди; ~ُهُ عَلَى ... унинг назари ...га тушди; 3) ёмон кўз, суқ; 4) хаёлда кўзга кўринган нарса; ~ إِلَى ... بِالـ...ـا لـ... ёки ~ إِلَى ... ёки ни назарда тутиб, ...нинг бўлиши сабабли; 5) (*бирор ишни*) муҳокама қилиш (فِي); ~ فِي هٰذَا الْأَمْرِ бу иш жанжалли, ҳал этилмаган; ~ الْقَضِيَّةُ تَحْتَ الـ... муаммони ҳал этиш давом этмоқда; ~ُ فِي الْقَضِيَّةِ муаммони муҳокама этиш; ~ إِعَادَةُ الـ... муаммони муҳокама этиш; ~ُ أَعَادَ الـ... فِي (*н. нидир*) қайта кўриб чиқмоқ; 6) фикр, тасаввур, тушунча; ~ فِي ـَنَا бизнинг фикримизча, бизнингча; ~ أَهْلُ الـ... оқиллар, ақлли кишилар

– نَظَرَةٌ кейинга суриш, муддатни узайтириш

– نَظْرَةٌ *кўп.* نَظَرَاتٌ назар, қараш; *ад.* қисқача обзор; ~ لِأَوَّلِ бир қарашдаёқ, бир қарашданоқ; ~ُ عَلَى ... أَلْقَى ёки أَرْسَلَ ~ُ عَلَى ... ...га назар ташламоқ; عَرَفَهُ مِنَ الـ... الْأُولَى кимнидир бир кўришдаёқ танимоқ

– نَظَرِيٌّ 1) кўришга оид; 2) оптикага оид; 3) *назарий*; ~ُ *назарий* жиҳатдан; 4) назариётчи

– نَظَرِيَّةٌ 1) назария; ~ُ الْمَعْرِفَةِ *фалс.* билиш назарияси; ~ُ الْكَمِّ (الْكُوَانْتَا) *физ.* квант назарияси; ~ُ الْقِيمَةِ *иқт.* қиймат назарияси; ~ُ النِّسْبِيَّةِ الْعَامَّةِ *физ.* умумий нисбийлик назарияси; ~ُ النِّسْبِيَّةِ الْخَاصَّةِ *физ.* жузъий нисбийлик назарияси; ~ُ الـ... وَ الْعَمَلِيَّةُ ёки ~ُ الـ... وَ التَّطْبِيقِيَّةُ ёки назария ва амалиёт; ~ُ دَمْجُ الـ... التَّطْبِيقِ بِالتَّطْبِيقِ назарияни амалиёт билан қўшиб олиб бориш.; 2) таълимот, доктрина; 3) *мат.* қоида; теорема

– نَظِيرٌ *кўп.* نُظَرَاءُ 1) тенг, бир хил; муносиб, ўхшаш, каби, сингари; ~ُ مُنْقَطِعُ الـ... ўхшаши йўқ, мисли йўқ, беназир, бемисл, бекиёс; ~ لَهُ لَيْسَ а) унга тенг келадигани йўқ; б) ўхшаши йўқ, мисли йўқ, нодир, ноёб; 2) (*курашда*) рақиб; ◊ ~ُ الـ... السَّمْتِ ёки *астр.* надир (*осмон сферасининг горизонтда ерга туташ нуқтаси, зенитнинг акси*) ~ُ فِي ـَهُ ёки а) ниманингдир ўрнига, ниманингдир эвазига; б) ниманингдир мукофоти учун

– نَظِيرَةٌ *кўп.* نَظَائِرُ 1) ўхшашлик; 2) нусха, копия; 3) намуна, мисол; 4) *ад.* назира (*шеърий шакл*); 5) *физ.* изотоп; النَّظَائِرُ الْمُشِعَّةُ радиоактив изотоплар

I نَظُفَ (*у*) نَظَافَةٌ тоза бўлмоқ, покиза бўлмоқ; II نَظَّفَ тозаламоқ, покиза қилмоқ, озода қилмоқ; الْجُرْحَ ~ ярани тозаламоқ; V تَنَظَّفَ тоза қилинмоқ, покиза қилинмоқ

– تَنْظِيفٌ тозалаш, покиза қилиш; ~ُ الْبَيْتِ уй тозалаш

– مُنَظِّفٌ тозаловчи, озода қилувчи

– مُنَظِّفَاتٌ *кўп.* тозалайдиган воситалар, тозалаш воситалари; ~ كِيمَائِيَّةٌ кимёвий тозалаш воситалари

– نَظَافَةٌ тозалик, озодалик, покизалик

– نَظِيفٌ *кўп.* نُظَفَاءُ тоза, озода, покиза; ~ُ الْأَخْلَاقِ аъло хулқли, хулқи хуш

نَظْلِيٌّ нозик, латиф, мулойим

I نَظَمَ (*и*) نَظْمٌ 1) (*марваридни*) ипга ўтказмоқ, тизмоқ; 2) тартибга солмоқ, тартибга келтирмоқ; ташкил қилмоқ, уюштирмоқ; الشِّعْرَ ~ ёки الْقَرِيضَ ~ шеър ёзмоқ (битмоқ); II نَظَّمَ тартибга солмоқ, тартибга келтирмоқ; ташкил қилмоқ, уюштирмоқ; регулировка қилмоқ; *муз.* созламоқ; اللُّؤْلُؤَ فِي خَيْطٍ ~ марваридни ипга ўтказмоқ (тизмоқ); الشِّعْرَ ~ шеър тўқимоқ; V تَنَظَّمَ ташкил бўлмоқ, ташкил қилинмоқ, регулировка қилинмоқ; VI تَنَاظَمَ йўлга солинмоқ, тўғриланмоқ, ташкил этилмоқ; тизилмоқ, терилмоқ (*мас, марварид ҳақида*); VIII اِنْتَظَمَ 1) тартибга тушмоқ, тўғрланмоқ, регулировка бўлмоқ; *муз.* созланмоқ; 2) тўғри бўлмоқ, мунтазам бўлмоқ; 3) тизилмоқ, терилмоқ; 4) (*н. нингдир*) сафига қўшилмоқ, (*н. нингдир*) таркибига киримоқ (فِي سِلْكِ); ~ فِي الصُّفُوفِ сафларда турмоқ, сафланмоқ (*ўқувчилар ҳақида*); ~ فِي سِلْكِ الْوِزَارَةِ вазирликка ишга киримоқ; ~ فِي سِلْكِ الدِّرَاسَةِ فِي مَعْهَدٍ ... институтига ўқишга киримоқ; ~ فِي الدِّرَاسَةِ (*танаффусдан сўнг*) дарсга киримоқ; ~ فِي هَيْأَةٍ ... ...таркибига киримоқ; 5) эгаллаб олмоқ; ўз ичига олмоқ; ~ تْ جِسْمَهُ الرَّعْدَةُ унинг бутун танасини қалтироқ босди

– اِنْتِظَامٌ 1) интизом, тартиб; 2) мунтазамлик, тўғрилик; ~ عَدَمُ тартибсизлик, интизомнинг йўқлиги, мунтазамсизлик; ~ فِي ёки ~ بِـ... мунтазам равишда, муттасил; ~ فِي غَيْرِ тартибсизлик билан, тартибсиз равишда

– تَنْظِيمٌ 1) тартибга келтириш, тартибга солиш; тўғрилаш, регулировка қилиш; ташкил этиш, ташкил қилиш, уюштириш; *муз.* созлаш; ~ إِعَادَةُ қайта ташкил қилиш; ~ مَصْلَحَةُ الـ... ободонлаштириш бўлими; ~ خَطُّ الـ... *харб.* саф; 2) уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик; 3) *кўп.* ـَات ـــ – ташкилот, муассаса; ~ُ السِّرِّيُّ الـ... махфий ташкилот

– مُنْتَظِمٌ мунтазам, тўғри; баббаравар, бир меъёрда; муттасил; ~ غَيْرُ тартибсиз, нотекис, бир меъёрда бўлмаган

– مُنَظَّمٌ тартибли, ободон, ободонлаштирилган; ташкил этилган, уюштирилган; 2) тўғри, бир меъёрдаги

– مُنَظِّمٌ 1) ташкилотчи, ташкил қилувчи, уюштирувчи; 2) хусусий театр *ёки* цирк эгаси

– مُنَظَّمَةٌ *кўп* ـَات ـــ ташкилот; سِرِّيَّةٌ ~ яширин ташкилот; ~ُ أُمَمِ الْمُتَّحِدَةِ *қар.* أُمَّةٌ

– مَنْظُومٌ 1) ташкил этилган, уюштирилган; 2) шеър, шеърият

– مَنْظُومَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) шеър, шеърият, манзума; 2) система, тизим; الشَّمْسِيَّةُ الـ... *астр.* Қуёш системаси

– نَاظِمٌ ташкил қилувчи, уюштирувчи; тўғриловчи, регулятор; 3) шеър битувчи, шеър ёзувчи, нозим

– نِظَامٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــَ, نُظُمٌ, أَنْظِمَةٌ 1) тартиб, тизим, система; الـــُ الْعَامُّ жамоат тартиби: الـــُ الْمَصْرِفِيُّ банк тизими, банк системаси; الـــُ الشَّمْسِيُّ *астр.* Қуёш системаси; 2) тизим, режим; ~ الْحُكْمِ идора усули; الـــُ الْإِجْتِمَاعِيُّ ижтимоий тузум, формация; الـــُ الرَّأْسْمَالِيُّ социалистик тузум; الـــُ الْاشْتِرَاكِيُّ капиталистик тузум; الـــُ النَّقْدِيُّ пул тизими, пул системаси; ~ الـــُ الْمَلَكِيُّ феодал тузум; الـــُ الْإِقْطَاعِيُّ монархия тузуми; الـــُ الْجُمْهُورِيُّ республика тузуми; الـــُ السَّارِي ҳозирги тузум; 3) идоранинг иш тартиби, регламент; 4) низом, ички тартиб қоидалар; асосий қонун; دَاخِلِيٌّ ~ *ёки* ~ أَسَاسِيٌّ ички тартиб-қоида, ички устав; 5) интизом; الـــُ الْعَسْكَرِيُّ ҳарбий интизом

– نِظَامٌ[2] марварид тизилган (ўтказилган) ип

– نِظَامَةٌ устав, асосий қонун

– نِظَامِيٌّ 1) тузумга, тартиб-қоидага оид; ~ قَانُونٌ асосий қонун; конституция; 2) мунтазам; ~ جَيْشٌ мунтазам армия; عَسْكَرِيٌّ ~ (جُنْدِيٌّ) мунтазам армия аскари *ёки* хизматдаги аскар

– نَظْمٌ 1) (*марваридни*) ипга ўтказиш (териш, тизиш); 2) шеър ёзиш, шеър битиш; 3) назм, шеърият, поэзия

نَعٌّ заиф, касалманд

– نَعَّةٌ серхархаша (*бола*)

I **نَعَبَ** (а) نَعْبٌ, نُعَابٌ, نَعِيبٌ қағилламоқ, сайрамоқ (*ғўнғқарға, бойқуш ҳақида*); қағилламоқ; валдирамоқ, ёмон нафас қилмоқ, фалокатдан дарак бермоқ

– نَعَّابٌ 1) қорақарға, ғўнғқарға; 2) вайсақи, жанғари

– نَعْبٌ қағиллаш, валдираш, ёмон нафас қилиш

– نَعْبٌ = نَعِيبٌ

I **نَعَتَ** (а) نَعْتٌ таъриф бермоқ, тасвирламоқ, тавсифламоқ, баҳо бермоқ; ~ـــهُ بِأَشْنَعِ الْأَلْفَاظِ кимнидир энг ярамас сўзлар билан ҳақоратламоқ

– نَعْتٌ *кўп.* نُعُوتٌ тавсифлаш, таърифлаш, баҳо бериш; сифат; 2) номга (исмга) қўшиб айтиладиган сўз; أَطْلَقَ عَلَيْهِ أَقْسَى النُّعُوتِ кимнидир ярамас сўзлар билан сўкмоқ; ки мнидир роса ҳақоратламоқ; 3) *грам.* сифат; аниқловчи; الـــُ الْحَقِيقِيُّ аслий сифат (*мас,* الرَّجُلُ كَرِيمٌ одам фазилатлидир); الـــُ السَّبَبِيُّ сабабий сифат (*сифатланмиш от билан мослашган от кесимли гапдан ифодаланган сифат; мас,* الرَّجُلُ الْكَرِيمُ أَبُوهُ *отаси фазилатли бўлган инсон;* رَأَيْتُ الرَّجُلَ الْكَرِيمَ أَبُوهُ *отаси фазилатли бўлган инсонни кўрдим;* تَعَجَّبْتُ مِنَ الرَّجُلِ الْكَرِيمِ أَبُوهُ *отаси фазилатли бўлган инсондан таажжубландим*)

– نَعْتِيٌّ ифодаловчи, тасвирловчи, сифатини характерловчи

– مَنْعُوتٌ *грам.* аникланмиш, сифатланмиш

(نعج) X اسْتَنْعَجَ бўш келмоқ, ожизлик қилмоқ; совлиқ қўйга айланмоқ, совлиқ қўй бўлмоқ

– نَعْجَةٌ *кўп.* نَعَجَاتٌ, نِعَاجٌ совлиқ қўй; ~ رَجُلٌ иродаси бўш одам, мутеъ одам; نِعَاجُ الرَّمْلِ ёввойи буқа

I **نَعَرَ** (а) نَعِيرٌ 1) (*бурундан*) овоз чиқармоқ; пинғилламоқ, димоғида гапирмоқ; 2) маърамоқ, бўкирмоқ, ўкирмоқ (*буқа ҳақида*); ◊ ~ الْعِرْقُ بِالدَّمِ қон шариллаб оқди; II نَعَّرَ ғичирламоқ, ғичир-ғичир овоз чиқармоқ

– نَاعِرَةٌ новли тегирмон парраги

– نَاعُورَةٌ *кўп.* نَوَاعِيرُ нория, сувни тепага чиқариш механизми

– نَعَّارٌ 1) сершовқин, бақироқ; 2) *зоол.* саъва

– نَعَّارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ, نَعَاعِيرُ пилдироқ, бизбизак (*болалар ўйинчиғи*)

– نَعْرَةٌ пинғиллаб гапирилган гап

– نَعَرَةٌ[1] такаббурлик, кибрланиш, гердайиш, димоғдорлик, иззатталаблик; الـــُ الدِّينِيَّةُ бир диндан бошқа динни эътиборга олмаслик, ўз динингигина маъқуллаш (тан олиш) الـــُ الْقَوْمِيَّةُ ўта миллатчилик, шовинизм

– نَعَرَةٌ[2] *кўп.* اتٌ ـــَ 1) оқим, йўналиш; 2) мойиллик, тамойил, боғланганлик, самимият, садоқат; 3) васвослик, савдойилик; шиддат, жўш, ҳаяжон; *кўп.* ҳамла, ҳужум қилиш; жанжал, низо, нифоқ, тортишув; النَّعَرَاتُ الْقَبَلِيَّةُ қабилалар ўртасидаги низо; أَثَارَ النَّعَرَاتِ (*кимнингдир ўртасига*) нифоқ солмоқ, жанжал қўзғамоқ نَعَرَاتُ الْمُؤَذِّنِ (بَيْنَ); азон (*намозга чорлов*)

– نُعَرَةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــَ, نُعَرٌ сўна, сўна пашша

– نُعْرَةٌ[2], نُعَرَةٌ бурун; бурун тешиги

– نُعَرَةٌ[3] = نَعَرَةٌ[1]

– نَعِيرٌ 1) шовқин, шовқин-сурон; 2) бўкириш, ўкириш, маъраш

I **نَعَسَ** (а) نَعْسَةٌ, نُعَاسٌ, نَعْسٌ мудрамоқ, мудраб ухламоқ; II نَعَّسَ ухлатмоқ, ухлатиб қўймоқ; мудратмоқ; IV أَنْعَسَ = I; VI تَنَاعَسَ ўзини мудраганга солмоқ, ухлаганга солмоқ

– مُنَعِّسٌ ухлатувчи, уйқу келтирувчи; *кўп.* اتٌ ـــَ уйқу келтирувчи дори-дармонлар

– نَاعِسٌ *кўп.* نُعَّسٌ уйқули, мудроқ

– نُعَاسٌ 1) мудраш; 2) уйқу; серуйқулик, уйқудан бош кўтармаслик

– نَعْسَانُ *мн.* نَعْسَى = نَاعِسٌ

– نَعْسَةٌ пинак, мудраш, уйқусираш

I **نَعَشَ** (а) نَعْشٌ кўтармоқ, жонлантирмоқ; II نَعَّشَ қайтадан вужудга келтирмоқ, тикламоқ; II أَنْعَشَ 1) қайта тикламоқ, қайтадан вужудга

келтирмоқ; 2) далда бермоқ, мадад бермоқ, руҳлантирмоқ, жонлантирмоқ; VIII اِنْتَعَشَ қайта тикланмоқ, қайта вужудга келмоқ; 2) жонланмоқ, тикланмоқ; 3) тузалмоқ, ўзига келиб қолмоқ (*касалликдан кейин*)

– اِنْتِعَاشٌ 1) қайта вужудга келиш, тикланиш; ~ الْاِقْتِصَادِيُّ иқтисодий тикланиш; 2) жонланиш; 3) тузалиш, соғайиш

– إِنْعَاشٌ қайта тиклаш, кўтариш; ~ الْاِقْتِصَادِيُّ хўжаликни қайта тиклаш; иқтисодни кўтариш

– مُنْعِشٌ жонлантирувчи, куч-қувват берадиган, жонбахш; ~ هَوَاءٌ тетиклантирадиган ҳаво

– مُنْعِشَاتٌ *кўп.* яхна ичимликлар

– مَنْعُوشٌ. ~ مَيِّتٌ тобутга солинган жасад

– نَعْشٌ мурда солинган тобут; дафн маросимидаги тобут қўйиладиган арава; ◊ ~ الصُّغْرَى بَنَاتُ *астр.* Кичик айиқ (*юлдузлар туркуми*); ~ الْكُبْرَى بَنَاتُ *астр.* Катта айиқ (*юлдузлар туркуми*)

نَعْصٌ ботқоқ жой

– نَعْصَةٌ ботқоқ

I **نَعَظَ** (*a*) نُعُوظٌ қўпмоқ (*жинсий аъзо тўғрисида*); IV أَنْعَظَ 1) қўптирмоқ; 2) қўпмоқ, жинсий эҳтирос қўзғолмоқ

– إِنْعَاظٌ қўпиш, жинсий эҳтирос

– نَاعُوظٌ қўптирадиган восита

I **نَعَفَ** (*a*) рад этмоқ, воз кечмоқ, бош тортмоқ, бўйин товламоқ; қаршилик қилмоқ, тўсқинлик қилмоқ; III نَاعَفَ = I

– نَعْفٌ *кўп.* نِعَافٌ тепалик жой, тепалик, қир

I **نَعَقَ** (*a*) نَعْقٌ, نَعِيقٌ қағилламоқ, қағқағламоқ (*ғўнғқарға, бойқуш ҳақида*); II نَعَّقَ қаттиқ овоз билан қағилламоқ, қақағламоқ

– نَعِيقٌ қағиллаш, қақағлаш, бақириб-чақириш

I (نعل) **نَعَلَ** (*a*) نَعْلٌ 1) (*к. гадир*) шиппак ёки туфли кийдирмоқ; 2) (*отни*) тақаламоқ; тагчарм қоқмоқ, тагчарм қоқтирмоқ; 3) *халқ. лаънатламоқ*; نَعِلَ (*a*) نَعَلٌ 1) оёғи бут бўлмоқ, оёғига кийгулик нарсаси бор бўлмоқ; 2) шиппак киймоқ; II نَعَّلَ 1) оёқ кийим билан ...чламоқ; 2) тақаламоқ, тақа қоқмоқ; IV أَنْعَلَ = II; V تَنَعَّلَ 1) оёқ кийимли бўлмоқ, оёқ кийим киймоқ; 2) тақаланмоқ; VIII اِنْتَعَلَ 1) оёғи бут бўлмоқ, оёғига кийгулик нарсаси бор бўлмоқ; 2) тақаланмоқ; 3) оёқ кийим киймоқ

– نَاعِلٌ оёқ кийими бор, оёқ кийим кийган; 2) тагчарм қоқилган (*оёқ кийим*); 3) тақаланган, тақа қоқилган

– نَعْلٌ *кўп.* أَنْعُلٌ, نُعُولٌ, نِعَالٌ 1) (*оёқ кийимнинг*) таг қисми; 2) шиппак; оёқ кийим; 3) тақа, нағал; ~ السَّيْفِ қиличнинг қини учидаги темир ёки кумуш қисм (*қоплама*); ◊ ~ كَ تَحْتَ (أَنَا) хизматингизга ҳозирман! (*сўзма-сўз*: мен оёқ киймингиз тагчарми остидаман!)

– نَعْلَبَنْدٌ тақачи

I (نعم) **نَعِمَ** (*a*) نِعْمَةٌ 1) ҳузур-ҳаловатда яшамоқ, шод-хуррам яшамоқ, тўкин-сочин ҳаёт кечирмоқ; 2) (*н. биландир*) роҳатланмоқ, маза қилмоқ (ب); 3) (*н. дандир*) хурсанд бўлмоқ (ب); (*н. нидир*) ҳавас билан тамошо қилмоқ (ب); أَنْعَمَ اللهُ بِكَ عَيْنًا ~ *ёки* أَنْعَمَ اللهُ بِكَ عَيْنًا ~ كَ عَيْنًا = أَنْعَمَ *кар.* بَالُهُ ~ хотиржам бўлмоқ; نَعُمَ (*y*) نُعُومَةٌ 1) **мулойим бўлмоқ, нозик бўлмоқ**; نِعْمَ هَذَا الرَّجُلُ! бу қандай ажойиб одам!; 2) **майин бўлмоқ, майда** бўлмоқ; II نَعَّمَ юмшатмоқ, майдаламоқ, **майин қилмоқ**; нозиклаштирмоқ, нозик қилмоқ; 2) эркаламоқ, эрка қилиб ўстирмоқ, ортиқча зеб-зийнатга ўргатмоқ; 3) турмуш фаровонлигини оширмоқ; 4) майдаламоқ, талқон қилмоқ; III نَاعَمَ роҳат-фароғатда яшамоқ; IV أَنْعَمَ 1) (*н. биландир*) мукофотламоқ, (*н. нидир*) **мукофот қилиб бермоқ**; саховат қилмоқ, бермоқ; (*н. нидир н. биландир*) **йўқлаб келмоқ, йўқламоқ** (ب, عَلَى); 2) (*н. нингдир*) ичига **кириб бормоқ** (فِي); (*н. нидир*) жон-жаҳди билан бажармоқ (فِي); ~ النَّظَرَ فِي ... (*н. нидир*) **диққат** билан кўриб чиқмоқ; 3) хуш келадиган қилмоқ, кўнгилга ёқадиган қилмоқ; яхшилик қилмоқ, эзгулик қилмоқ; 4) (*к. гадир*) نَعَمْ "ҳа!" **демоқ** (لِـ); ◊ ~ فَعَلَ زَيْدٌ كَذَا وَ Зайд фалон ишни зиёда қилиб бажарди; ~ اللهُ بِكَ عَيْنًا! Оллоҳ кўзингни севган кишингга доим тушадиган қилсин!; ~ اللهُ صَبَاحَكَ! *ёки* أَنْعِمْ صَبَاحًا хайрли тонг!; V تَنَعَّمَ 1) ҳузур-ҳаловатда яшамоқ, шод-хуррам яшамоқ, тўкин-сочин ҳаёт кечирмоқ; 2) (*н. биландир*) роҳатланмоқ, маза қилмоқ (ب)

– إِنْعَامٌ *кўп.* ـَاتٌ ـِـ 1) инъом, мукофот; хайр-эҳсон, эзгулик, хайр-саховат; 2) диққат-эътибор билан қараш, жаҳд қилиш; ~ النَّظَرِ диққат билан кўриб чиқиш; ~ بِـ диққат билан, жон-жаҳд билан

– تَنْعِيمٌ: ~ الـ ат-Танъийм (*Маккаи мукаррамадаги жой номи*)

– مُتَنَعِّمٌ роҳат-фароғатда яшовчи, ҳузур-ҳаловатдаги

– مَنْعَامٌ валинеъмат, олийҳиммат

– مُنْعِمٌ 1) шарофатли, нажотбахш; 2) валинеъмат, олийҳиммат

– مُنَعَّمٌ 1) юмшоқ, мулойим, назокатли, хушмуомалали; 2) эркатантиқ, табиати нозик

– نَاعِمٌ 1) ҳузур-ҳаловатда яшовчи, роҳат-фароғатдаги; мамнун; ~ غَيْرُ норози, мамнун эмас; 2) юмшоқ, текис, силлиқ, нозик; بَشَرَةٌ ~ ـَـةٌ юмшоқ, силлиқ тери; ~ عَيْشٌ бахтли ҳаёт, бахтли турмуш; 3) майин, майда; ~ سُكَّرٌ шакар, оқ қанд упаси; ◊ ~ الْبَالِ хотиржам, ўзини босиб олган; ~ اللِّسَانِ ширинтил; ~ الْأَظْفَارِ ёш, кичик ёшдаги

– نَعَامٌ *жам.* туяқушлар; ~ الـ تَرْبِيَةُ туяқушларни кўпайтириш

– نَعَامَةٌ *кўп.* نَعَائِمُ, ـَاتٌ ـَـ 1) туяқуш; ~ أُسْتُرَالِيَا *зоол.* Австралия туяқуши; ~ كَالـ أَحْفَى رَأْسَهُ туяқуш каби калласини (*қумга*) яширмоқ; ~ رَكِبَ جَنَاحَيِ الـ *маж.* тез ҳаракат қилмоқ; 2) жон, руҳ; ~ الْقَدَمِ نَعَامَتُهُ (شَالَتْ) нафақат у вафот этди; ◊ ~ الدِّمَاغِ мия қобиғи;

оёқнинг кафти

– نُعَامَى жанубдан эсадиган шамол

– نَعَمْ ҳа, хўп, яхши (*тасдиқ юкламаси*); 2) *халқ.* нима дединг?, а? (*суҳбатдошнинг гапи эшитилмаганда ёки тушунарсиз бўлганда ишлатилади*)

– نَعَمٌ *кўп.* أَنْعَامٌ ҳайвон, чорва ҳайвони

– نُعْمٌ бахтли ҳаёт, ҳузур-ҳаловат; ~ يَوْمٌ *ёки* ~ يَوْمُ хурсандлик куни, омадлик кун

– نَعْمَاءُ бахт, роҳат-фароғат, ҳузур-ҳаловат; ~ وَالـ الْبَأْسَاءُ шод-хуррамлик ҳам, кулфат ҳам

– نُعْمَانُ Наъмон (*Тоифдан Арафотга чиқадиган йўлдаги водий номи*)

– نُعْمَانٌ қон; ◊ ~ الـ شَقَائِقُ *бот.* айиқтовон гуллилар оиласига мансуб ўсимлик, пуфанак

– نَعْمَانُ *ат. от, мз.* Нуъмон

– نَعْمَةٌ 1) ҳузур-ҳаловат, фаровонлик, мўлчилик, фаровон турмуш, фаровонликдаги ҳаёт; 2) бахт, саодат

– نِعْمَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ ,نِعَمٌ 1) ҳузур-ҳаловат, фаровонлик, мўлчилик, фаровон турмуш; мол-мулк, бойлик, неъмат; وَاسِعُ ~ الـ бой-бадавлат; ~ الـ حَدِيثُ уруш вақтида ва урушдан кейин қилбирлик йўли билан бойиган киши; 2) ҳадя, садақа, хайр-саховат; ~ اللهِ *ёки* ~ اللهِ بِـ Оллоҳнинг марҳамати билан; وَلِيُّ ~ الـ валийнеъмат, олийҳиммат; 3) қўлда ишланган нарса. қўл ҳунари маҳсулоти

– نُعْمَى 1) фаровонлик, фаровон турмуш; 2) ҳузур-ҳаловат, бахт

– نُعُومَةٌ мулойимлик, юмшоқлик, нозиклик; مُنْذُ ~ الْأَظْفَارِ *маж.* илк болалик вақтидан

– نَعِيمٌ 1) бахтли ҳаёт, эсон-омонлик, соғ-саломатлик; 2) роҳат, ҳузур-ҳаловат, бахт, саодат; ~ الـ دَارُ жаннат; ~ الْحَيَاةِ умр лаззати, роҳати, ҳузур-ҳаловати; ~ الْبَالِ мамнун, тинч, сокин, хотиржам; ◊ ~ اَ қушдай енгил бўлинг! (*ҳаммомдан ёки сартарошхонадан чиққан кишига айтилади; бунинг жавоби:* أَنْعَمَ اللهُ عَلَيْكَ)

نَعْنَشَ қайта кучга кирмоқ, қайтадан куч йиғмоқ, қайта жонланмоқ

– نَعْنَشَةٌ қайта жонланиш, қайтадан куч йиғиш

أَقْرَاصُ ~ الـ *бот.* қалампир ялпиз, жингалак баргли ялпиз; نَعْنَاعٌ ялпизли нонлар

– نَعْنَعٌ *бот.* = نَعْنَاعٌ; بَرِّيٌّ ~ ботқоқ ялпизи

I **نَعَى** (а) نَعْيٌ; نَعِيٌّ 1) ўлим ҳақида хабар бермоқ, ўлим хабарини бермоқ; 2) ўлганга йиғламоқ, (*н. дандир*) нолимоқ, шикоят қилмоқ, ҳасрат қилмоқ (عَلَى); عَلَى الْأَقْدَارِ ~ тақдирдан (пешонадан) шикоят қилмоқ

– مَنْعِيٌّ ўлими, вафоти эълон қилинган киши

– مَنْعًى ,مَنْعَاةٌ *кўп.* مَنَاعٍ вафот ҳақидаги эълон

– نَاعٍ *мн.* نَاعِيَةٌ *кўп.* نُعَاةٌ вафот ҳақида хабар берувчи; نَعَاهُ النَّاعِي жарчи унинг вафоти ҳақида хабар берди

– نَعْيَةٌ ,نَعْوَةٌ вафот ҳақидаги эълон, эълон, хабар; وَرَقَةُ الـ ~ вафот қилганлик ҳақидаги ёзма хабар

– نَعِيٌّ 1) ўлим, вафот ҳақидаги хабар; 2) вафот қилганлик ҳақида хабар берувчи

I **نَغَبَ** (а) نَغْبٌ қултумлаб ичмоқ

– نُغْبَةٌ *кўп.* نُغَبٌ қултум, ютум

نَغْبَشَ (*қалам билан*) беихтиёр чизиқ тортмоқ (بِالْقَلَمِ), ҳар хил шаклларни чизиб ўтирмоқ (*мас, мажлис вақтида*)

– نَغْبَشَةٌ тортилган чизиқлар, чизиқлар, чизиб ташланган ҳар хил расмлар

I **نَغَرَ** (а) نَغَرَانٌ қайнамоқ, қайнаб тошмоқ, жўш урмоқ, вақир-вуқур қайнамоқ; IV أَنْغَرَ бузилмоқ, айнимоқ, айниб қолмоқ (*тухум ҳақида*)

– نَاغِرٌ қайнаб турган, қайнаб тошган, жўш урган; كَأَنَّ بَيْنَهُمَا نَأْرًا ~ اَ у иккиси ўртасида гўё қайнаб-тошиб турган қасос бордек

– نَغِرٌ ғазабдан қайнаб-тошган

– نُغَرَةٌ *кўп.* نُغَرٌ тумшуғи қизил қуш

I **نَغَزَ** (а) نَغْزٌ 1) қитиқламоқ, қитиғини келтирмоқ; 2) санчмоқ, санчиб олмоқ; укол (нағза) қилмоқ; ◊ ~ بَيْنَهُمْ (*к. парнинг орасига*) совуқлик солмоқ (بَيْنَ), (*к. ларнидир*) уриштириб қўймоқ (بَيْنَ); II نَغَّزَ санчиб-санчиб олмоқ, кўп марта санчиб олмоқ

– نَغْزَةٌ укол, нағза

I **نَغَشَ** (а) نَغْشٌ ҳаракат қилмоқ, қимирламоқ; бесаранжом бўлмоқ, жонсарак бўлмоқ; III نَاغَشَ (*к. биландир*) ҳазилкашлик қилмоқ, тегишмоқ, ўйнашмоқ; (*аёл кишига*) тегажоғлик қилмоқ, хушомад қилмоқ; رَاكِبٌ بَلَاشْ وَ يُنَاغِشُ مَرْأَةَ الرَّئِيسِ *халқ.* яхшиликка ёмонлик қилмоқ (*сўзма-сўз:* кира тўламай кемага тушади-ю, боз устига (кемачининг) хотинига тегажоғлик қилади); V تَنَغَّشَ 1) ҳаракат қилмоқ, қимирламоқ; 2) (*н. биландир*) лиқ тўла бўлмоқ (ب); VIII اِنْتَغَشَ = V

– مُنَاغَشَةٌ тегишиш, ҳазилкашлик қилиш, ўйнашиш

– نُغَاشٌ ,نُغَاشِيٌّ 1) паст бўйли, бўйи паст; 2) пакана, пастак, митти

– نَغْشَةٌ ,نَغَشَةٌ танноз, кичиқли, ишвагар, ноз-карашмали, ўзига тортадиган, дилбар

I **نَغَصَ** (а) نَغَصٌ орзу рўёбга чиқмай қолмоқ; II نَغَّصَ бузмоқ, барбод қилмоқ, издан чиқармоқ; чидаб бўлмайдиган қилмоқ, тоқат этиб бўлмайдиган қилмоқ; (*умрни*) заҳарламоқ; (الْعَيْشَ) الْحَيَاةَ ~ ҳаётни (*умрни*) заҳарламоқ; IV أَنْغَصَ бузмоқ, барбод қилмоқ; (*ҳаётни*) чидаб бўлмайдиган қилмоқ, тоқат этиб бўлмайдиган қилмоқ; V تَنَغَّصَ 1) нотинч бўлмоқ, хавотир бўлмоқ, ташвиш чекмоқ; 2) қийин бўлмоқ, чидаб бўлмайдиган бўлмоқ (*ҳаёт ҳақида*)

– نُغْصَةٌ кўнгилсизлик, нохушлик, дилсиёҳлик, хафалик

I **نَغَصَ** (*у*) نَغْصٌ, نُغُوصٌ, نَغَصَانٌ қимирламоқ, ҳаракатга келмоқ; IV أَنْغَصَ қимирлатмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; رَأْسَهُ ~ **бошини** сарак-сарак қилмоқ (*ҳайронликдан*)

نَغَفَةٌ *кўп.* نَغَفٌ туя ёки қўйнинг бурнида учрайдиган қурт

I **نَغَقَ** (*а,и*) نَغِيقٌ қағилламоқ, қағқағламоқ (*қарға ҳақида*)

I **نَغَلَ** (*а*) نَغَلٌ 1) оғриққа кирмоқ, оғриғи кучаймоқ, йирингламоқ, фасод бойламоқ (*яра ҳақида*); 2) (*бирор к. га нисбатан*) адоватда бўлмоқ, душманлик қилмоқ (عَلَى); الْحِقْدَ ~ нафратланмоқ; قَلْبُ ~ زَيْد عَلَى فَاطِمَةَ Зайд Фотимага кек сақлади

– نَغْلٌ, نَغِيلٌ никоҳсиз туғилган бола; *таҳқ.* ҳароми, пасткаш, разил

– نَغْلٌ = نَغَلٌ

– نُغُولَةٌ никоҳсиз туғилиш

I **نَغَمَ** (*у*) نَغْمٌ 1) куйламоқ, куйлаб бермоқ; оҳангга солиб (қироат билан) талаффуз қилмоқ; 2) *муз.* бир пардадан иккинчи пардага ўтмоқ, маълум оҳангда гапирмоқ; V تَنَغَّمَ = I; VI تَنَاغَمَ биргалашиб қўшиқ айтмоқ, хор бўлиб куйламоқ; (*икки н. ўртасида*) уйғунликка, мувофиқликка эришмоқ (بَيْنَ وَ بَيْنَ)

– تَنْغِيمٌ 1) қуйлаш, куй, оҳанг, тарона; 2) *муз.* бир пардадан иккинчи пардага ўтиш

– مُنَغِّمٌ оҳангдор

– مَنْغُومٌ оҳангдор, хушоҳанг, ёқимли; ~ بِصَوْتٍ ёқимли (хуш) овоз билан

– نَغَمٌ[1], نَغْمٌ *кўп.* أَنْغَامٌ куй, оҳанг тарона; ~ حُلْوُ الـــ оҳангдор, хушоҳанг, ёқимли

– نَغْمٌ[2] қулоққа айтилган гап

– نَغْمَةٌ *кўп.* نَغَمَاتٌ 1) куй, оҳанг тарона; 2) *муз.* тон

نَغْمَشَ қитиқламоқ, қитиғини келтирмоқ

– نَغْمَشَةٌ қитиқлаш, қитиғини келтириш

نَغْنَغَ ҳўлламоқ, намламоқ; تَنَغْنَغَ зеб-зийнатга кўмилиб кетмоқ

– نَغْنَغَةٌ ҳўллаш, намлаш

I (نغو) **نَغَا** (*у*) نَغْوٌ (*к. гадир*) гапирмоқ, (*к. биландир*) гаплашмоқ (إِلَى); III نَاغَى 1) (*ғўдакни*) юпатмоқ, овунтирмоқ, эркалатмоқ; 2) чуғурлашмоқ, пойма-пой гапирмоқ, ғўлдирамоқ (*ғўдак ҳақида*); 3) сайрамоқ, ғув-ғувламоқ, ғурилламоқ (*қуш ҳақида*); 4) (*аёл кишига*) хушомад қилмоқ, (*аёл кишининг*) кўнглини олмоқ

– نَغْوٌ нутқ, гап

– نَغْوَةٌ 1) сўз; 2) миш-миш, шов-шув

I **نَغِيَ** (*и*) نَغْيٌ = نَغَا *қар.* нғо

– نَغْيٌ = نَغْوٌ

– نَغْيَةٌ = نَغْوَةٌ

I **نَفَّ** (*а/у*) نَفٌّ бурун қоқмоқ, миширмоқ; ◊ الْأَرْضَ ~ ерга экин экмоқ

– نَفَافٌ мишиқ, миширик

– نَفَّةٌ = نَفَافٌ

نَفْتَالِينٌ **нафталин**; ~ وَضَعَهُ فِي *кўч.м.* ниманидир узоқ муддатга орқага сурмоқ

I **نَفَثَ** (*и, у*) نَفْثٌ 1) туфламоқ, тупурмоқ, балғам ташламоқ, балғам тупурмоқ; 2) (*заҳар*) солмоқ, ажратмоқ (*илон ҳақида*); 3) السُّمُومَ ~ бало, офат тарқатмоқ; آخِرَ زَفْرَةٍ حَيَاتِهِ ~ сўнги нафасини чиқармоқ; الْحُزْنَ ~ ғам-ғуссани баён (ифода) этмоқ; الْغَضَبَ ~ (الْغُلَّ) (*к. гадир*) ғазабни тўкиб солмоқ (عَلَى); الدُّخَانَ ~ (*оғиздан*) тутун чиқармоқ

– مُنَفِّثَاتٌ *кўп.* ўқчитувчи воситалар

– نَفَّاثٌ 1) туфловчи, тупурувчи; 2) реактив; ~ مُحَرِّكٌ реактив мотор

– نَفَّاثَةٌ туфловчи аёл, тупурувчи аёл; ◊ فِي الْعُقَدِ ~ *қур.* сеҳргар (*жодугар*) аёл; ~ *ёки* ~ طَائِرَةٌ реактив тайёра (самолёт)

– نَفَثٌ, نُفَاثَةٌ тупук

– نَفَّاثِيٌّ реактив

– نَفْثَةٌ *кўп.* نَفَثَاتٌ 1) (*заҳар*) ажратиш, солиш (*илон ҳақида*); حَلَّ بِنَفْثَاتٍ مَاكِرَةٍ عُقْدَةَ جَمَاعَتِنَا *маж.* у ўзининг бузуқ фикр-мулоҳазалари билан жамоимиз ўртасида нифоқ солди; 2) (*вулқондан*) лава отилиб чиқиши; 3) тупук; шалоқ; **4) фикр**; ~ الْقَلَمِ نَفَثَاتُ الْفُؤَادِ الْأُوْلَى дастлабки адабий маҳсул; ғоялар, фикрлар

I **نَفَحَ** (*и,у*) نَفْحٌ 1) сакрамоқ, ирғишламоқ; 2) (*кийимни*) кўтариб юбормоқ, кўтариб турмоқ (*кўкрак ҳақида*); 3) мақтанмоқ, керилмоқ; V تَنَفَّحَ мақтанмоқ, керилмоқ, чиранмоқ, гердаймоқ; VIII اِنْتَفَحَ 1) сакрамоқ, ирғишламоқ; 2) мақтанмоқ, керилмоқ

– نَافِحٌ кўтариб турувчи; ◊ نَافِحُو الْأَحْضَانِ мақтанчоқ одамлар, кибр-ҳавоси баланд, такаббур одамлар

– نَوَافِحُ *кўп.* 1) Сибирда яшайдиган шохсиз сутэмизувчи ҳайвоннинг киндиги ёнидаги мушк (хушбўй модда) чиқарадиган бези; 2) *маж.* хушбўй ҳид; ◊ نَوَافِحُ الْأَدَبِ адабиётнинг ажойиб намуналари

– نَفَّاحٌ мақтанчоқ, керилган, гердайган

– نَفْحٌ мақтаниш, гердайиш, такаббурлик

I **نَفَحَ** (*а*) نَفْحٌ 1) тарқалмоқ, ёйилмоқ (*ҳид ҳақида*) 2) эсмоқ, турмоқ, қўзғолмоқ (*шамол ҳақида*); 3) (*н. нидир*) ато этмоқ, бермоқ; ҳадя қилмоқ (ب); ◊ تِ النَّافَةُ ~ бўталоқ тепди; تِ الرِّيحُ ~ шамол кўтарилди (бошланди); III نَافَحَ (*бирор н. йўлида*) курашмоқ, жанг қилмоқ; (*н. нидир*) ҳимоя қилмоқ, мудофаа қилмоқ (عَنْ); (*к. биландир*) курашмоқ, урушмоқ

– إِنْفَحَةٌ, أَنَافِحُ *кўп.* 1) кавш қайтарувчи ҳайвонлар меъдасининг бир бўлими, ширдон; 2) сут зардобидан олинган томизғи, оқлиқ

– إِنْفَحَةٌ = مِنْفَحَةٌ *кўп.* مَنَافِحُ

– نَفْحَةٌ *кўп.* نَفَحَاتٌ 1) *ҳид, ис, бўй; 2) эсиш, пудаш; 3) ато, ҳадя, совға;* ◊ مِنَ الْعَذَابِ ~ азобнинг бир бўлаги

I **نَفَخَ** (*у*) نَفْخٌ 1) эсмоқ, келмоқ; пуфламоқ, дамламоқ (*мас, шарни*); فِي النَّارِ ~ оловни пуфлаб ёндирмоқ, аланга олдирмоқ; ~ النَّارَ بِالْمِنْفَاخِ босқон билан дам юбориб аланга олдирмоқ; ~ الشَّمْعَةَ шамни пуфлаб ўчирмоқ; 2) (*бирор одамда н. нидир*) йўқотмоқ (فِي); فِيهِ رُوحًا جَدِيدًا ~ бирор нарсага янги руҳ бахш этмоқ; فِي الْفَمِ ~ оғизда пуфлаш усули биалн (*сувга чўккан одамни*) ўзига келтирмоқ; 3) пуфлаб чалмоқ; فِي صَفَّارَةٍ ~ ҳуштак чалмоқ; 4) гердаймоқ, кеккаймоқ; пишилламоқ; пишқирмоқ; ~ شَدَقَيْهِ кўкрак кермоқ, гердаймоқ; يَنْفُخُونَ أَوْدَاجَهُمْ ادِّعَاءً улар ҳаддан зиёда гердаймоқдалар; ◊ فِي بُوقِ الثَّوْرَةِ ~ қўзғолонни бошлаш учун сигнал бермоқ; هُوَ الَّذِي~ فِي الصُّورِ وَ أَقَامَ هَذِهِ الْقِيَامَةَ бунақа тўполонни бошлаган мана шу (*сўзма-сўз:* сурни пуфлаб чалиб қиёматни бошлаган мана шу); إِنَّهُ لَا يَنْفُخُ فِي غَيْرِ ضَرَمٍ буни бекорга қилмайди (*сўзма-сўз:* оловдан бошқани пуфламайди); II نَفَّخَ роса пуфламоқ, роса дамламоқ; ~ مِنَ الْأَعْمَاقِ чуқур нафас чиқармоқ, хўрсинмоқ; V تَنَفَّخَ гердаймоқ, кеккаймоқ; дамланиб (пуфланиб) шишмоқ, ичи ҳавога тўлиб шишмоқ; VIII اِنْتَفَخَ дамланиб (пуфланиб) шишмоқ, ичи ҳавога тўлиб шишмоқ, шишиб кетмоқ, дўмбира бўлмоқ; سَحْرُدُ ~ *қар.* سَحْرٌ; 2) дамланмоқ, пуфланмоқ, ҳаво билан тўлмоқ; шишмоқ; 3) гердаймоқ, кеккаймоқ تْ~ أَوْدَاجُهُ غُرُورًا унинг димоғи шишиб кетган

– اِنْتِفَاخٌ дамланиш, пудалиш; шишиб кетиш; ичи ҳавога тўлиш; ~ الْبَطْنِ қориннинг дамланиши, дам бўлиши; ~ الرِّئَةِ ўпканинг кенгайиши ва унда ҳавонинг тўпланиши; 2) шиш, қаварик шиш; ◊ تِيهًا ~ кеккайганлик, гердайганлик

– تَنَفُّخٌ гердайганлик, димоғдорлик; ~ فِي гердайиб, димоғдорлик билан

– تَنْفِيخٌ пуфлаб дамлаш; 2) пуфлаш, пуфлаб ёндириш; шиш, ғурра; қаварик; 3) *архит.* қуббанинг ички томондан эгилиши

– مُنْتَفِخٌ дамланган, пуфланган

– مِنْفَاخٌ *кўп.* مَنَافِيخُ 1) (*темирчинина*) босқони, 2) насос; дамлағич

– مِنْفَخٌ *кўп.* مَنَافِخُ = مِنْفَاخٌ

– مَنْفُوخٌ 1) дамланган, пуфланган; 2) пуфлаб шириладиган; ~ قَارِبٌ ҳаво билан дамланадиган қайиқ; 3) шуҳратпараст, мағрур, гердайган, кеккайган; ~ الْأَدْوَاجِ димоғдор, бурни баланд; 4) тўла, семиз, қорни катта, катта қоринли

– نَافِخٌ 1) пуфловчи, дамловчи, пудовчи; فِي الصُّورِ ~ كَانَ أَوَّلَ *маж.* у бу ишнинг ташаббускори эди; مَا بِهِ دَيَّارٌ وَ لَا ~ نَارٍ *мкп.* у ерда на ҳай бор-у, на ҳайдар бор, у ерда ҳеч вақо йўқ; مَا فِي الدَّارِ ~ ضَرَمَةَ уйда ҳеч ким йўқ, уй бўм-бўш; 2) гердайган, таккаббур, мутакаббир

– نَافُوخٌ калланинг коқ ўртаси, бош суягининг тепа қисми (*сол.* يَافُوخٌ)

– نَفَّاخٌ гердайган, такаббур, мутакаббир

– نُفَّاخٌ 1) касаллик натижасида ҳосил бўлган қаварик; 2) шиш

– نُفَّاخَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ (*мас, сув устидаги*) пуфак, кўпик; балиқ пуфаги

– نَفْخٌ 1) пуфлаш, дамлаш, дамлаб шириш; الـــ فِي الْفَمِ оғиздан пуфлаб сувга чўккан кишини ҳаётга қайтариш (*қар.* قُبْلَةُ الْحَيَاةِ); ~ آلَاتُ الـــ *муз.* пуфлаб чалинадиган чолғу асбоблари; كَانَ هَذَا ~ًا فِي رَمَادٍ *маж.* бу ўзининг зарарига бўлган иш эди; 2) ўзини катта олиш, гердайиш, такаббурлик

– نَفْخَةٌ *кўп.* نَفَخَاتٌ 1) пуфлаб чиқариш; (*оғиздан*) тутун чиқариш; 2) (*шамолнинг*) зўрайиши; 3) гердайиш, кеккайиш, ўзини катта олиш

– نَفَدٌ *халқ* = نَفَدَ

I **نَفِدَ** (*а*) نَفَادٌ, نَفَدٌ 1) сарф бўлмоқ, тамом бўлмоқ, битмоқ; ~ صَبْرُهُ унинг бардоши тугади, унинг сабр косаси тўлди; 2) сотилиб тамом бўлмоқ, тарқалиб тугамоқ (*нашр ҳақида*); IV أَنْفَدَ 1) тугатмоқ, тамом қилмоқ,сарфлаб тугатмоқ; 2) (*товарнинг*) сотилишига ёрдам қилмоқ; X اسْتَنْفَدَ 1) сарф қилмоқ, кеткизмоқ, ишлатиб юбормоқ; 2) тугатмоқ, сарфламоқ, тамом қилмоқ, соб қилмоқ, қуритмоқ; ютиб юбормоқ, тортиб кетмоқ, сарф қилдирмоқ, сарф қилишни талаб қилмоқ

– اسْتِنْفَادٌ ишлатиш, сарф қилиш, кеткизиш

– مُنَافِدٌ: ~ خَصْمٌ силлани қуритадиган, ҳолдан тойдирадиган низо, жанжал

– نَافِدٌ тамом бўлган, сарф бўлган; ~ الصَّبْرِ бесабр, беқаноат, сабр косаси тўлган

– نَفَادٌ 1) тугаш, тамом бўлиш; 2) йўқлик, мавжуд эмаслик, ҳозир эмаслик

– نَفْدَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ – *мол.* модда, пункт

I **نَفَذَ** (*у*) نُفُوذٌ, نَفَاذٌ 1) (*н. нигадир орасидан*) ўтмоқ, ўтиб кетмоқ, кирмоқ (مِنْ); لَا يَنْفُذُ الْمَاءُ сув ўтмайдиган, сув кирмайдиган; لَا يَنْفُذُ الْمَطَرُ ёмғир ўтмайдиган, ивимайдиган,ҳўл бўлмайдиган; ўқ ўтмайдиган, ўқ тешиб ўтмайдиган; 2) (*н. нидир ичидан ёки орасидан*) чиқмоқ, чиқиб кетмоқ (مِنْ); (*н. билан дир*) туташ бўлмоқ, қўшилган бўлмоқ, қўшилмоқ, (*қаергадир*) қарамоқ, чиқиб турмоқ (إِلَى, *уй, бино ҳақида*); (*қаергадир*) олиб бормоқ, олиб чиқмоқ (إِلَى); 3) (*н. дандир*) чиқиб турмоқ, кўриниб турмоқ (مِنْ); 4) бажарилмоқ, бажо келтирилмоқ, амалга ошмоқ; амалда бўлмоқ, ўз кучида

турмоқ (*қонун ҳақида*); السَّهْمُ! ~ *маж.* иш бажарилиб бўлди!, иш тамом бўлди!, ғишт қолипдан кўчиб бўлди!; 5) (*қаергадир*) етиб келмоқ, келмоқ, (*н. гадир*) етиб бормоқ, (*н. гадир*) етишмоқ, эришмоқ (إِلَى); 6) (*бирор соҳада*) моҳир бўлмоқ, устаси фаранг бўлмоқ (ب, فِي); II نَفَّذَ 1) бажармоқ, бажо келтирмоқ, ижро этмоқ, амалга оширмоқ; الْأَمْرَ ~ буйруқни бажармоқ; 2) санчмоқ, санчиб тешмоқ, суқмоқ, суқиб тешмоқ; 3) (*қаергадир*) жўнатмоқ, юбормоқ (إِلَى); IV أَنْفَذَ 1) бажармоқ, бажо келтирмоқ, ижро этмоқ, амалга оширмоқ; 2) (*қаергадир*) юбормоқ, жўнатмоқ (إِلَى); 3) (*н. нигадир*) орасидан ўтказмоқ; тешмоқ, суқмоқ; (*н. нигадир*) орасидан ўтказмоқ; ... بَصَرَهُ إِلَى ~ ...-га кўз ташламоқ

– إِنْفَاذٌ 1) бажариш, бажо келтириш, ижро этиш, амалга ошириш; 2) жўнатиш, юбориш

– تَنْفِيذٌ ижро этиш, амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш; إِيْقَافُ الـ~ (*мас. буйруқни*) маълум муддатга бекор қилиш; وَضَعَ الْاِتِّفَاقَ مَوْضِعَ الـ~ шартномани кучга киритмоқ; دَخَلَ فِي دَوْرِ الـ~ кучга кирмоқ

– تَنْفِيذِيٌّ ижроий; السُّلْطَةُ الـ~ـةُ ижро этувчи ҳокимият; اللَّجْنَةُ الـ~ـةُ ижроий қўмитаси

– مُتَنَفِّذٌ 1) таъсирчан, таъсирли, нуфузли, эътиборли; 2) нуфузли киши, эътиборли одам

– مَنْفَذٌ, مَنْفِذٌ *кўп.* مَنَافِذُ 1) чиқиш (кириш, ўтиш) жойи; йўл; الـ~ الْبَحْرِيُّ денгизга чиқадиган жой; 2) ҳаво киритадиган *ёки* чиқарадиган туйнук; 3) тешик, ёриқ; *люк*

– مُنَفِّذٌ ижро этувчи, ижрочи, бажарувчи; الْوَصِيَّةِ ~ васиятни бажарувчи киши

– نَافِذٌ 1) (*н. нигадир орасидан*) кирувчи, ўтувчи; 2) амалдаги, амалда қўлланиб турган (*қонун*); кучга кирган (*шартнома*); أَصْبَحَ ~اً кучга кирмоқ (*қонун ҳақида*); 3) нуфузли,эътиборли; الْكَلِمَةِ ~ сўзи ўтадиган, эътиборли, обрўли, нуфузли; الْمَفْعُولِ ~ самаралий, натижа берадиган, амалдаги (*қонун ҳақида*); 4) нуфузли шахс, эътиборли одам

– نَافِذَةٌ *кўп.* نَوَافِذُ 1) дераза; 2) тешик, туйнук; дарча; люк; 3) эшик *ёки* дераза ўрни (*бинокорликда*)

– نَفَاذٌ 1) кириш, ўтиш; фаросат, заковат; амалга ошиш, бажариш; ◊ ...لِـ ~اً ...ни бажариш учун, ... юзасидан

– نَفَّاذٌ фаросатли, заковатли

– نَفْذٌ[1] 1) бажарилиш, амалга ошиш; 2) таъсир кучи, самара, фойда, натижа

– نَفَقٌ[2] *кўп.* أَنْفَاقٌ 1) туйнук, тешик, йўл; 2) (*бирор вазиятдан*) чиқиш; нажот йўли

– نُفُوذٌ 1) таъсир; ذُو ~ таъсирли, таъсирчан; مَنَاطِقُ الـ~ таъсир доираси; 2) амал, фаолият, таъсирчанлик; 3) обрў, эътибор; 4) кириш, суқулиб кириш

I **نَفَرَ** (*u, y*) نَفَارٌ, نُفُورٌ 1) (*н. дандир*) қўрқмоқ, хавфсирамоқ (مِنْ); لَا تَنْفِرُ مِنْهُ الْأُذُنُ қулоққа бу нарса ёқади (*сўзма-сўз:* бундан қулоқ қўрқмайди); 2) қочмоқ, қочиб кетмоқ; الدَّمُ ~ қон оқиб турибди, қон тирқираб оқмоқда; 3) (*қаергадир*) шошилмоқ (إِلَى); (*н. дандир*) четланмоқ, (*н. дандир*) узоқлашмоқ, йироқлашмоқ (عَنْ); 4) (*к. дандир*) нафратланмоқ, (*к. нидир, н. нидир*) ёмон кўрмоқ (مِنْ); 5) шошмоқ, шошиб кетмоқ; 6) бўртиб чиқмоқ, бўртма бўлмоқ; ◊ الْحَاجُّ مِنْ مِنًى ~ ҳожи Минодан Маккага қайтди; II نَفَّرَ 1) қўрқитмоқ, хавф солмоқ; (*н. дандир*) чўчитиб ҳайдамоқ, кеткизмоқ (مِنْ); 2) ўзидан нарига итармоқ, туртмоқ; (*бирор кишига нисбатан*) нафрат уйғотмоқ, нафлатлантирмоқ; (*к. лар биландир*) алоқани уздирмоқ, узоқлаштирмоқ (بَيْنَ); ◊ بَصَرَهُ إِلَيْهِ ~ нимагадир кўз ташламоқ; النَّافِرُونَ ~ (*сафарбарлик эълон қилиб*) карнайчилар карнайларини чалдилар; III نَافَرَ 1) бир-биридан нафратланмоқ; бир-бири билан бегоналашиб кетмоқ, ўзаро можаролашмоқ, жанжаллашмоқ; 2) судлашмоқ, судда гапирмоқ; 3) қадр-қийматда ўзаро беллашмоқ; نَسَبِ وَ الْحَسَبِ فِي هُ~ ким биландир насл-насабда беллашмоқ, тортишишмоқ; IV أَنْفَرَ қўрқитмоқ, чўчитмоқ, ҳуркитмоқ, қочириб юбормоқ; VI تَنَافَرَ ўзаро бир-биридан нафратланмоқ; муросаси келишмай қолмоқ; ўзаро мувофиқ (тўғри) келмай қолмоқ; *физ.* ўзаро бир-бирларидан қочмоқ, X اسْتَنْفَرَ 1) (*к. гадир қарши*) қўзғамоқ (عَلَى); (*н. гадир*) ҳавас уйғотмоқ (لِـ); сафарбар қилмоқ; 2) безовта бўлмоқ, изтиробга тушмоқ, сесканиб кетмоқ; 3) қўрқиб қочмоқ

– اسْتِنْفَارٌ сафарбарлик

– تَنَافُرٌ ўзаро нафратланиш; ихтилоф; жанжал; ўзаро қарама-қаршилик; *муз.* оҳангнинг бузилиши, оҳангдаги уйғунсизлик; *физ.* бир-биридан қочиш; الـ~ الْمَغْنَطِيسِيُّ магнит таъсирида бир-биридан қочиш; الْأَلْوَانِ ~ бўёқлардаги уйғунсизлик; الْأَصْوَاتِ ~ *муз.* оҳангдаги уйғунсизлик; الْقُلُوبِ ~ *маж.* можаролар, ихтилофлар

– تَنْفِيرٌ 1) чўчитиб ҳайдаш; 2) нафрат уйғотиш; 3) бегоналашганлик, узоқлашиб кетганлик

– مُتَنَافِرٌ оҳангдошликни бузадиган (*овоз ҳақида*); номувофиқ, бир-бирига тўғри келмайдиган; ножўя, номаъқул (*ибора ҳақида*)

– مُسْتَنْفِرٌ 1) қўрқиб қочувчи; 2) қочоқ, қочқин

– مُنَافَرَةٌ 1) адоват, муросасизлик; 2) обрў-эътиборда бир-биридан ўтиш, манмансираш; الشِّعْرِ ~ шоирлик маҳорати бўйича мусобақа, мушоара

– مُنَفِّرٌ ўзидан нари қилувчи, ўзидан узоқлаштирувчи, жиркантирадиган, нафратлантирадиган

– نَافِرٌ 1) жирканувчи, жирканиб узоқлашувчи; норози; 2) ёқимсиз, нохуш; ~ تَأْلِيفٌ *муз.* оҳангнинг бузилиши, оҳангнинг йўқлиги; 3) юраксиз, ҳадикчи, чўчийдиган; 4) шишиб кетган, қавариб кетган, қаварик; 5) дўппайиб чиқиб турган; бўртма, бўрттириб ишланган

– نَافُورَةٌ фаввора, фонтан

– نَافُورِيٌّ фонтанга (фавворага) оид; ◊ طَائِرَةٌ ~ـةٌ реактив

тайёра (самолёт)

– نَفَارٌ 1) ўзаро нафратланиш, адоват (хусумат) ҳисси; адоват, душманлик; нафрат, нафратланиш; 2) қайсарлик, ўзбилармонлик; 3) қочиш, жуфтакни ростлаш; 4) қўрқиш

– نَفْرٌ: ~ يَوْمُ الـــ ҳожилар Минодан қайтадиган кун

– نَفَرٌ *кўп.* أَنْفَارٌ 1) бир неча одамлар, одамлар гуруҳи, гуруҳ; بِضْعَةُ أَنْفَارٍ مِنَ الْعَرَبِ бир неча араблар; أَنْفَارٌ مُسَلَّحُونَ қуролланган одамлар; 2) битта одам; 3) солдат; ~ فُرْعَةَ аскарликка олинган янги солдат; ~ الدَّرِيسَة *т-й.* таъмир бригадаси ишчиси; ◊ يَوْمُ النَّفْرِ = ~ الـــ; *қар.* نَفْرٌ

– نَفْرَةٌ нафрат, жирканиш

– نُفْرَةٌ кўзмунчоқ, тилсим (*суқдан сақлайдиган*)

– نَفُورٌ қўрқоқ, ҳуркак, ҳадикчи, ёввойи

– نُفُورٌ 1) = نَفَارٌ; 2) ~ يَوْمُ الـــ = يَوْمُ النَّفْرِ; *қар.* نَفْرٌ

– نَفِيرٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ карнай, бурғу; ~ يَوْمُ الـــ *дин.* ҳожиларнинг Мино водийсидан Маккаи мукаррамага қайтадиган куни; ~ الـــ الْعَامُّ а) умумий сафарбарлик; б) тревога

– نَفِيرٌ[2] 1) гуруҳ, группа; 2) кўнгиллилардан иборат қўшин; ёрдам, мадад, кўмак; ~ عِيرٌ لاَ (لَيْسَ) فِي الْعِيرِ وَ لاَ فِي الـــ *қар.*

– نَوْفَرَةٌ *кўп.* نَوَافِرُ = نَافُورَةٌ

نَفْرَالْحَيَا *мед.* невралгия

I (نفس) **نَفُسَ** (*у*) نَفَاسَةٌ қимматбаҳо бўлмоқ, қиммат бўлмоқ; نَفِسَ (*а*) نَفَسٌ 1) (*н. нидир*) сақлаб турмоқ, ушлаб турмоқ (ب); 2) *шунингдек:* نُفِسَ 1) кўзи ёримоқ; 2) туғилмоқ; 3) (*к. гадир, н. гадир*) ҳавас қилмоқ (عَلَى); تَنْفَسُ عَلَى أُخْتِهَا جَمَالَ صَوْتِهَا у (аёл) синглисининг чиройли овозига ҳавас қилади; II نَفَّسَ 1) тарқатмоқ (*ғамни*); ҳурсанд қилмоқ, хушламоқ; тасалли бермоқ; ~ عَنْ كَرْبِهِ ўз ғам-ташвишини тарқатиб юбормоқ; ~ عَنْ غَضَبِهِ فِي ... ғазабини ...-га тўкиб солмоқ; ~ عَنْ نَفْسِهِ юрагидагини баён қилмоқ, ифода этмоқ; 2) дамини чиқармоқ (*мас., шарнинг*); 3) кўзи ёримоқ, ҳомиладан бўшалмоқ, туғмоқ; III نَافَسَ рақобат қилмоқ, беллашмоқ; (*н. нидир деб*) курашмоқ (عَلَى); IV أَنْفَسَ қимматбаҳо бўлмоқ, қиммат бўлмоқ; V تَنَفَّسَ нафас олмоқ, нафасни ростлаб олмоқ, дам олмоқ; ~ الصُّعَدَاءَ чуқур нафас олмоқ; ~ енгил нафас олмоқ; ~ النَّفَسَ الْأَخِيرَ сўнгги нафасини чиқармоқ; ◊ ~ الصُّبْحُ тонг отди; VI تَنَافَسَ ўзаро рақобат қилишмоқ, мусобақалашмоқ, беллашмоқ

– أَنْفَسُ энг қиммат, энг қимматбаҳо

– تَنَافُسٌ рақобат, беллашув, мусобақа

– تَنَفُّسٌ нафас олиш; ~ أَعْضَاءُ الـــ *анат.* нафас олиш аъзолари; تَشْغِيلُ الـــ الصِّنَاعِيِّ ҳавосиз нафас олиш; الـــ اللاَّهَوَائِيُّ (الْاِصْطِنَاعِيِّ) сунъий нафас олдириш; ~ مِيزَانُ الـــ спирометр

– تَنَفُّسِيٌّ нафас олишга оид

– تَنْفِيسٌ ҳаво чиқариш; ~ ثُقْبُ الـــ туйнук, ҳаво йўли, ҳаво тортадиган тешик

– مُتَنَفَّسٌ 1) *анат.* ҳаво чиқарадиган тешик; ҳаво йўли; 2) ҳаво йўли, чиқиш жойи; ~ فَتَحَ (*н. гадир*) туйнукни очмоқ (لِـــ)

– مُنَافِسٌ рақобатчи, рақиб

– مُنَافَسَةٌ рақобат, рақиблик, беллашув, кураш; ~ دُونَ рақобатсиз

– مَنْفَسٌ *кўп.* مَنَافِسُ 1) *анат.* ҳаво чиқадиган тешик; ҳаво йўллари; 2) оғиз; 3) туйнук, ҳавони тортадиган тешик; ҳаво йўллари; 2) оғиз; 3) туйнук, ҳавони тортадиган тешик; 4) вентилятор

– مَنْفُوسٌ туғилган, дунёга келган

– نَفَاسٌ[1] = مُنَافَسَةٌ

– نِفَاسٌ[2] туғиш, кўз ёриш; кўз ёргандан кейинги покланиш; حُمَّى الـــ *мед.* туғаётган хотинларда бўладиган оғир инфекцион касаллик

– نَفَاسَةٌ қимматлик, қимматбаҳолик

– نَفَاسِيٌّ 1) туғишга оид; الْحُمَّى الـــ *мед.* туғаётган аёлларда бўладиган инфекцион касаллик; 2) туққандан кейинги, туққандан кейин бўладиган; ~ السَّائِلُ الـــ кўзи ёриётган пайтдаги оқадиган суюқлик

– نَفَسٌ *кўп.* أَنْفَاسٌ 1) нафас олиш, нафас ~ طُولُ الـــ чуқур нафас олиш, чуқур олинган нафас; *кўч. м.* куч, қувват, иқтидор; قَصْرُ الـــ зўрға нафас олиш, зўрға олинган нафас; нафас сиқилиш, ҳарсиллаш; *кўч.м.* заифлик, ожизлик, иқтидорсизлик; ~ طَوِيلُ الـــ ўпкаси соғлом, соғлом ўпкали; *кўч.м.* кучли, қувватли; ~ قَصِيرُ الـــ ўпкаси носоғ, носоғ ўпкали; *кўч.м.* заиф, иқтидорсиз; ~ دُخَانٍ тамаки тутунини ичга тортиш; ~ أَخَذَ ـــهُ дам олмоқ, нафасни ростлаб олмоқ; ~ أَرْسَلَ нафас чиқармоқ; أَمْسَكَ أَنْفَاسَهُ нафасни ичига ютмоқ; تَعَلَّقَتِ (اخْتَنَقَتِ) الْأَنْفَاسُ ҳамманинг дами ичига тушиб кетди; 2) буғ (*сувники*); 3) *ад.* услуб, стил; ◊ ~ لَفَظَ ـــهُ حَتَّى ـــهِ الْأَخِيرَ жон бермоқ, жони узилмоқ; سَمَّ ~ ـــهُ فَاضَتْ أَنْفَاسُهُ у вафот этди; ~ وَاحِدًا бира тўла, бирданига

– نَفْسٌ *мн. кўп.* أَنْفُسٌ, نُفُوسٌ 1) дил, қалб, кўнгил, юрак; بَشِقِّ الْأَنْفُسِ (النَّفْسِ) *қар.* شَقٌّ[1]; كَبِيرُ الـــ бағри кенг,олийжаноб, олийҳиммат, мард; صَغِيرُ الـــ пасткаш, разил, тубан; مَشْغُولُ الـــ ташвишли, ташвишга тушган; مُنْقَبِضُ الـــ қайғули, ғамгин, жуда хафа бўлган; تَرْوِيحُ الـــ дам, истироҳат, ҳордиқ чиқариш;

~ـــ ضَبْطُ ـــ совуққонлик, вазминлик; ~ـــ طِبُّ ـــ психиатрия; ~ـــ عِلْمُ ـــ психология; ~ـــ عَالِمُ ـــ психолог; ~ـــ وَ النَّفِيسَ بَذَلَ ـــ қар. بَذَلَ; ~ـــ لَهُ تَهْدَأْ لَنْ унинг кўнгли ҳеч таскин тополмаётир; 2) қон; 3) одам, киши; 4) *грам.* шахс; 5) хоҳиш, ирода, ният, истак; иштаҳа; ~ـــ هُ فَتَحَ иштаҳани очмоқ, иштаҳани қўзғатмоқ; ~ لَيْسَ لَهُ унинг иштаҳаси йўқ; ~ـــ ـه جَاءَ مِنْ у ўз ихтиёри билан келди; فِي ~ـــ ى أَنْ ... ёки (فِي) ~ـــ ى بِـ أَخَذَتْ ... мен хоҳлайманки, ...; мен ...ни хоҳлайман; 6) тиришиш, жаҳд, интилиш, жаҳду жадал; 7) манманлик, кибр, ғурур, фахр, ифтихор; ~ـــ هُ كَسَرَ ерга урмоқ, таҳқирламоқ, камситмоқ, хўрламоқ; 8) (*н. нингдир*) моҳияти; ~ فِي الْأَمْرِ аслида, аслини олганда: ҳақиқатан; 9) суқ, кўз тегиш, кўзикиш; 10) ўз; ~ـــ هُ унинг ўзи; ~ـــ ـه بِـ у ўзи, ўз кучи билан; ~ـــ مَحَبَّةُ ـــ ўзинигина яхши кўриш, худбинлик; ~ـــ الْاِعْتِمَادُ عَلَى ـــ ўзига ишониш, ўз кучига ишониш; ~ـــ الثِّقَةُ بِالـــ ўзига ишониб катта кетиш, гердайиш; ~ الْبَلَد فِي шаҳарнинг ўзгинасида, шаҳар марказида; ~ـــ ـه حَصَلَ الْعِلْمَ عَلَى инсон ўзига ўзи хўжайиндир; ~ـــ ـه مустақил илм олмоқ (ўрганмоқ); 11) ўша-ўша нарса; ~ الشَّيْءِ а) ўша нарса, ўша нарсанинг ўзи; б) барибир; ~ الْكَلَامِ ўша гапнинг ўзи; ~ الرَّجُلِ а) одам ўзи; б) ўша одам, ўша одамнинг ўзи,

◊ ~ـــ ـه بَيْنَ وَ بَيْنَ ўзига ўзи, ичида

– نَفْسَاءُ ой-куни яқинлашган аёл

– نُفَسَاءُ *кўп.* نَفْسَاوَاتٌ, نَفَاسٌ = نَفْسَاءُ

– نَفْسَانِيٌّ 1) руҳий; 2) психик, психологик; ~ً психик жиҳатдан; ~ عَالِمٌ психолог, 3) сезиладиган, сезиб бўладиган; 4) эгоистик

– نَفْسَانِيَّةٌ 1) эгоизм, худбинлик; 2) адоват, хусумат, ғараз

– نَفْسَةٌ = نَفْسَاءُ

– نَفْسَةٌ муҳлат, нафасни ростлаб олиш

– نَفْسِيٌّ = نَفْسَانِيٌّ ~ عَالِمٌ психолог; ~ تَحْلِيلٌ психологик таҳлил, анализ; ~ـــ ـةٌ حَالَةٌ кайфият; ~ً психологик жиҳатдан

– نَفْسِيَّاتٌ *кўп.* 1) психологик ҳолатлар; 2) психологияга оид масалалар; 3) руҳий ҳолат

– نَفْسِيَّةٌ руҳият, психология; руҳий ҳолат

– نُفُوسٌ *кўп.* аҳоли, халқ, нуфус; ~ـــ دَفْتَرُ ـــ *қар.* دَفْتَرٌ

– نَفِيسٌ қимматбаҳо, қиммат

– نَفِيسَةٌ *кўп.* نَفَائِسُ қимматбаҳо нарса

I **نَفَشَ** (*у*) نَفْشٌ 1) тутмоқ, тарамоқ, юлмоқ, термоқ (*мас., жунни, пахтани*), 2) (*патларини*) ҳурпайтирмоқ, тиккайтирмоқ (*қушлар ҳақида*); (*жунларини*) ҳурпайтирмоқ (*мушук ҳақида*); 3) бўртмоқ, шишмоқ, кўпчимоқ, кўтарилмоқ; نَفَشَ (*у*) نُفُوشٌ тунда подачисиз ўтламоқ (*қўй еки туя ҳақида*); II نَفَّشَ (*пахтани*) титмоқ, тарамоқ; IV أَنْفَشَ тунда (*қўй ёки туяни*) ўтлатишга қўйиб юбормоқ; V تَنَفَّشَ 1) бўртмоқ, шишмоқ; 2) патларини ҳурпайтирмоқ (*қуш ҳақида*); VIII اِنْتَفَشَ 1) бўртмоқ, шишмоқ; 2) ҳурпаймоқ, тиккаймоқ

– مُنْتَفِشٌ 1) кўтарилган, ҳурпайган; 2) тик турган, ғўдайиб турган; ~ شَعْرٌ пахмайган, ҳурпайган соч; ~ أَنْفٌ кўтарилган бурун

– نَفَّاشٌ наффош (*лимоннинг йирик нави*)

– نَفْشٌ юнг, жун; ◊ ~ عَفْشٌ эски-туски

I **نَفَضَ** (*у*) نَفْضٌ 1) силкитмоқ, қоқмоқ, қоқиб туширмоқ (*чангни*); ~ الشَّجَرَةَ عَنْ ... ...нинг чангини қоқмоқ; ~ مَرَضَه مِنْ тузалмоқ, соғаймоқ; 2) қалтиратмоқ, титратмоқ (*безгак ҳақида*); 3) (*н. нидир*) рад қилмоқ, қайтармоқ (عَنْ); (*н. дандир*) четлатилмоқ; ~ يَدَهُ مِنَ الْأَمْرِ *маж.* қўлни ювиб қўлтиққа урмоқ; нимадандир воз кечмоқ, нимадандир қўл силтамоқ; ~ يَدَهُ مِنَ الْمَسْؤُولِيَّة масъулиятдан бош тортмоқ; 4) (*йўлни*) суриштириб билмоқ; 5) қашшоқлашмоқ, қашшоқ бўлмоқ; II نَفَّضَ қаттиқ силкитмоқ, роса қоқиб тозаламоқ; тозаламоқ; ~ عَنْ كَاهِلِه نِيرَ الْاِسْتِعْمَارِ империализм зулмини елкасидан итқитиб ташламоқ; ~ عَنْهُ الْكَسْلَ ўзидан дангасаликни олиб ташламоқ, дангасаликдан қутулмоқ; IV أَنْفَضَ 1) сарф қилмоқ, сарфламоқ, харж қилмоқ, харжламоқ; 2) озиқ-овқатдан қийналиб қолмоқ, қашшоқлашмоқ; V تَنَفَّضَ силкитилмоқ, тозаланмоқ; VIII اِنْتَفَضَ 1) силкинмоқ, қоқилмоқ; 2) титрамоқ, қалтирамоқ; сесканмоқ, сесканиб кетмоқ; 3) (*бирор кишига қарши*) қўзғолмоқ, кўтарилмоқ; 4) сакрамоқ, сапчимоқ

– اِنْتِفَاضٌ қўзғолиш, кўтарилиш; ~ مُسَلَّحٌ қуролли қўзғолон

– اِنْتِفَاضَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ 1) қўзғолон; инқилобий қўзғолон; 1) титраш, қалтираш

– إِنْفَاضٌ қашшоқланиш, муҳтожлик; خَالِي الْوِفَاضِ بَادِي ~ـــ الْـ وَفْضَةٌ қар.

– أُنْفُوضَةٌ *кўп.* أَنَافِيضُ қоқилган, тўкилган мевалар

– مِنْفَضٌ *кўп.* مَنَافِضُ дон совурадиган машина; катта сим ғалвир

– مِنْفَضَةٌ *кўп.* مَنَافِضُ кулдон

– مِنْفَضَةٌ *кўп.* مَنَافِضُ (*бирор н. ни*) силкиш, қоқиш учун мослама; ~ لِلتُّرَابِ чанг тозалайдиган супурги; ~ لِلسَّجَائِرِ кулдон

– نَافِضٌ: حُمَّى ـــ ـةٌ баданни қалтиратадиган безгак

– نَفَاضٌ безгак, титраш, қалтираш

– نَفَاضٌ болалар ошхўраги

– نُفَاضٌ, نُفَاضَةٌ қоқиладиган, силкитиладиган нарса (*мас, барглар, мевалар ва ҳ. к*)

– نَفْضٌ: زَيْتُ ـــ ~ скипидар

– نَفَضٌ қоқилган, силкитилган (*барглар, мевалар ва ҳ.к.*)

– نَفَضَةٌ болалар ва ёшларнинг ҳарбий-сиёсий ташкилоти аъзолари; разведкачилар; патрул, соқчи

– نُفْضَةٌ ,نُفَضَةٌ титраш, қалтираш

– نَفَضَةٌ *кўп* نَفَائِضُ = نَفِيضَةٌ

I (نفط) **نَفَطَ** (*а*) نَفْطٌ қавариқ (пўрсилдоқ) билан қопланмоқ; نَفَطَ (*и*) نَفْطٌ 1) қайнамоқ; 2) ғазабланмоқ, аччиқланмоқ, аччиғи келмоқ; II نَفَّطَ қавартирмоқ, пўрсилдоқ билан қоплатмоқ; V تَنَفَّطَ 1) қавариқ (пўрсилдоқ) билан қопланмоқ; 2) ғазабланмоқ, аччиқланмоқ, аччиғи келмоқ

– مُنَفِّطٌ *кўп.* اتٌ ـــ йиринг тортадиган малҳам, ярани ёрадиган дори

– نَفَّاطٌ *кўп.* نَفَّاطُونَ ,نَفَّاطَةٌ нефтчи

– نَفَّاطَةٌ 1) нефть бор жой, нефтга бой ер; 2) нефть кони

– نَفَاطَةٌ нефтчилик, нефтчилик касби

– نَفْطٌ[1], بْطٌ нефть; نَفْطُ الْخَامُ ~ الـــ хом нефть; آبَارُ الـــ ~ нефть қудуқлари; مَنَابِعُ الـــ ~ нефть манбалари; زَيْتُ الـــ ~ скипидар

– نَفْطٌ[2] *жам.* қавариқлар, пўрсилдоқлар

– نَفْطٌ *гоҳо* بْطٌ ёғ, мой, жир

– نَفْطَةٌ қавариқ, пўрсилдоқ

– نُفَطَةٌ сержаҳл, серзарда, жиртаки, жиззаки

– نَفْطِيٌّ нефтга оид

I **نَفَعَ** (*а*) نَفْعٌ фойдали бўлмоқ, фойдаси бўлмоқ, фойда келтирмоқ; (*бирор н га*) ярамоқ (ـــلِ); لاَ يَنْفَعُ бефойда; لاَ يَضُرُّ وَ لاَ يَنْفَعُ у ҳеч нарсага ярамайди, унинг қўлидан ҳеч нарса келмайди; II نَفَّعَ фойда чиқармоқ, ишлатмоқ; (*к. гадир*) фойда келтирмоқ, фойда бермоқ (ـــلِ); VIII اِنْتَفَعَ 1) (*н. дандир*) фойда олмоқ, фойда чиқармоқ (مِنْ); 2) фойдаланмоқ, (*н. нидир*) ишлатмоқ (بِ), X اِسْتَنْفَعَ ишлатмоқ, фойдаланмоқ, фойдали равишда ишлатмоқ

– اِنْتِفَاعٌ 1) фойдаланиш, ишлатиш; 2) фойда, ютуқ; манфаат, ~ حَقُّ الـــ *юр.* узуфрукт

– مُنْتَفِعٌ ишлатувчи, фойдаланувчи, *юр.* узуфруктдан фойдаланувчи

– مَنْفَعَةٌ *кўп* مَنَافِعُ 1) манфаат; фойда, ютуқ; даромад, кирим; ~ـــهِ كِمнингдир фойдасига; عَلَى أَسَاسِ تَبَادُلِ الْمَصْلَحَةِ وَ الـــ ~ ҳар икки томоннинг манфаати ва фойдаси асосида; 2) яхшилик, эзгулик; ◊ الْمَنَافِعُ الْعُمُومِيَّةُ *ёки* الْمَنَافِعُ الْعَامَّةُ а) ижтимоий ишлар; б) жамоат манфаати, эҳтиёжи, الْمَنَافِعُ الْأَدَبِيَّةُ وَ الاقْتِصَادِيَّةُ маънавий ва моддий қадриятлар; مَنَافِعُ الْبَيْتِ уйдаги хўжалик хоналари (*омбор, оғилхона ва ҳ.к.*); مَنَافِعُ الْغُرْفَةِ хонадаги зарурий жиҳозлар; مَنَافِعُ صَحِّيَّةٌ санитария муассасалари; مَنَافِعُ الدَّوْلَةِ давлат ташкилотлари

– مَنْفَعِيٌّ 1) манфаатпараст, фойданигина кўзда тутадиган; 2) манфаатпараст одам

– نَافِعٌ фойдали, фойдаси тегадиган; ◊ الـــةُ ~ ижтимоий ишлар

– نَفَّاعٌ фойдаси кўп тегадиган, кўп фойда келтирадиган

– نَفْعٌ 1) наф, фойда, ютуқ; 2) яхшилик, эзгулик; الـــ ~ُ الْعَامُّ умум манфаати

– نَفَعِيٌّ ҳамма нарсадан фойда кўзловчи, ғаразгўй, тамаъгир

– نَفَعِيَّةٌ 1) фойдалилик; манфаатпарастлик; 2) ғаразгўйлик, таъмагирлик

– نَفُوعٌ жуда фойдали

I (نفق) **نَفَقَ**[1] (*у*) نَفَاقٌ 1) бозори чаққон бўлмоқ, сотилиб кетмоқ (*товар ҳақида*), 2) қизимоқ (*бозор, савдо ҳақида*); 3) сарф бўлмоқ, тамом бўлмоқ, битмоқ; نَفَقَ[2] (*у*) نُفُوقٌ қирилиб кетмоқ, қирилиб битмоқ, ҳаром ўлмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); II نَفَّقَ сотмоқ, ўтказмоқ; III نَافَقَ мунофиқлик қилмоқ, муғомбирлик қилмоқ; IV أَنْفَقَ 1) сарфламоқ, сарф қилмоқ, кеткизмоқ, совурмоқ, исроф қилмоқ; 2) (*ёшликни*) ўтказмоқ; 3) қашшоқлашмоқ, камбағаллашмоқ; X اِسْتَنْفَقَ сарфламоқ, сарф қилмоқ, кеткизмоқ, совурмоқ, исроф қилмоқ, тамом қилмоқ, тугатмоқ, соп қилмоқ

– إِنْفَاقٌ 1) сарф қилиш, кетказиш, исроф қилиш; كُلُّ شَيْءٍ يَنْقُصُ بِالـــ ~ إِلاَّ الْعِلْمَ *мтл.* илмдан бошқа ҳамма нарса сарф қилиш билан озаяди; 2) қашшоқлашиш, камбағаллашиш

– مُنَافِقٌ мунофиқ, товламачи, иккиюзламачи; муғомбир

– مُنَافَقَةٌ мунофиқлик, иккиюзламачилик, товламачилик; муғомбирлик

– مِنْفَاقٌ исрофгар, нобудгар

– نَافِقٌ бозори чаққон, бозори илдам, харидоргир

– نَفَاقٌ бозори чаққонлик, харидоргирлик

– نِفَاقٌ = مُنَافَقَةٌ

– نَفَقٌ *кўп.* أَنْفَاقٌ ероости йўли, туннель; الْقُطُرَاتِ ~ темир йўл туннели; الْهَوَائِيُّ الـــ ~ الْهَوَاءِ *ёки* аэродинамик труба

– نَفَقَةٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) сарфлаш, сарф қилиш, кетказиш; чиқим, сарф, харажат; ~ـــهِ عَلَى кимнингдир ҳисобидан; الْمَعِيشَةِ ~ тирикчилик қилиш учун зарур бўлган нарса; 2) *шунингдек:* ~ شَرْعِيَّةٌ алимент, нафақа; لِإِبْنِهَا ~ طَالَبَتِ الزَّوْجَةُ аёл ўғли учун нафақа талаб қилди

(نفل) II نَفَّلَ ҳадя сифатида бермоқ, зиёда қилиб бермоқ; V تَنَفَّلَ 1) (*н. нидир*) керагидан ортиқ бажармоқ; 2) нафл намозини ўқимоқ; VIII اِنْتَفَلَ = V

– نَافِلَةٌ *кўп.* نَوَافِلُ (*вазифадагидан, мажбуриятдагидан ортиқ*) қўшимча бажарилган (*н.*); ... الْقَوْلِ إِنَّ ~ وَ مِنْ ~ *ёки* الْقَوْلِ إِنَّ ~ ... яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, ...; 2) *дин.* қўшимча ўқиладиган намоз, нафл намози; 3) ато, инъом; 4) ўлжа; 5) фарзанднинг фарзанди, набира, невара

– نَفَلٌ *кўп.* نُفُولٌ, أَنْفَالٌ 1) совға, ҳадя, инъом, туҳфа; 2) ўлжа, ғанимат; 3) *бот.* беда; ~ الْمَاء сувда ўсадиган учбарглик ўсимлик; 4) *бот.* қашқар беда

نَفْنَفَ шишмоқ, қаварм̃оқ, бўртмоқ

– مُنَفْنَفٌ шишган, қаварган, териси халта бўлиб осилиб турган

– نَفْنَفٌ 1) атмосфера, ҳаво; 2) *кўп.* نَفَانِفُ қоятош; 3) икки тоғ ораси, дара

– نَفْنَفَةٌ шишганлик, қаварганлик

– نَفْنُوفٌ *кўп.* نَفَانِيفُ аёллар кўйлаги; ~ الْعِيد байрам кўйлаги

I نَفَى (نفو) (*y*) نَفْوٌ = نَفَى

– نَفَاوَةٌ ахлат, супуринди, чиқинди

I **نَفَى** (*u*) نَفْيٌ 1) инкор қилмоқ, рад этмоқ; نَفْيًا بَاتًّا ~ қатъиян рад этмоқ; 2) сургун қилмоқ, бадарға қилмоқ; ҳайдамоқ, ҳайдаб чиқармоқ; III نَافَى 1) (*к. гадир*) гап қайтармоқ, эътироз қилмоқ, эътироз билдирмоқ; (*бирор н. билан*) тўғри келмай қолмоқ; мувофиқ келмай қолмоқ; 2) таъқиб қилмоқ, таъқибга учратмоқ; VI تَنَافَى мувофиқ келмай қолмоқ, (*к. биландир*) зиддиятда бўлмоқ (مَعَ); VIII اِنْتَفَى 1) инкор этилмоқ, рад этилмоқ; 2) сургун қилинмоқ, бадарға қилинмоқ; 3) четлатилмоқ; йўқ бўлмоқ, ғойиб бўлмоқ; 4) ҳайдаб юбормоқ, ҳайдаб чиқармоқ, узоқлаштирмоқ; 5) (*н. дандир*) тонмоқ, қайтмоқ, воз кечмоқ, баҳридан ўтмоқ (مِنْ); 6) тўкилмоқ (*соч ҳақида*); 7) тинчимоқ, тўхтамоқ (*кураш ҳақида*); X اِسْتَنْفَى ирғитмоқ, ирғитиб юбормоқ

– اِنْتِفَاء 1) инкор этилиш, рад этилиш; 2) сургун, бадарға; 3) йўқлик, ғойиблик, мавжуд эмаслик; 4) тониш, қайтиш

– تَنَافٍ тўғри келмаслик, мувофиқ келмаслик, номувофиқлик

– مُنَافٍ *мн.* مُنَافِيَةٌ (*бирор н. га*) қарама-қарши, (*бирор н. билан*) зиддиятли, (*бирор н. га*) мувофиқ келмайдиган (لِـ); ~ لِلْآدَاب адабсиз, беадаб, ахлоқсиз

– مُنَافَاةٌ номувофиқлик, мос келмаслик

– مُنْفَاةٌ (*н. нидир*) четлатувчи, узоқлаштирувчи; هِيَ مُنْفَاةٌ لِلْهُمُوم ~ و бу ташвиш туғдиради ва роҳатни бузади

– مَنْفًى *кўп.* مَنَافٍ сургун қилинадиган, бадарға қилинадиган жой

– مَنْفِيٌّ 1) сургун қилинган, жўнатиб юборилган; 2) рад этилган, инкор қилинган; 3) манфий; أَرْسَلَهُ ~ًا إِلَى ... кимнидир ...га сургунга юбормоқ

– نَفَادٌ, نَفَاءٌ чиқинди, супуринди, ахлат, нишхўрд

– نَفَايَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ = نَفَاءٌ

– نَفْيٌ 1) инкор қилиш, рад этиш; ~ الـ حَرْفُ (أَدَاةُ) *грам.* инкор юкламаси; ~ الـ شَاهِدُ *юр.* ҳимоячи томони гувоҳи; ~ الـ شَهَادَةُ *юр.* қарама-қарши гувоҳлик бериш; ~ بالـ أَجَابَ рад жавоб бермоқ, салбий жавоб бермоқ; 2) сургун, бадарғалик

– نَفِيٌّ 1) рад этилган, инкор қилинган; 2) сургун қилинган, бадарға қилинган

– نَفْسِيٌّ манфий, салбий

I **نَقَّ** (*a/u*) نَقِيقٌ 1) қурилламоқ, вақвақламоқ; 2) қурилламоқ, қағқағламоқ, қақақламоқ; 3) ҳасрат қилмоқ, нола қилмоқ, зорланмоқ, инграмоқ (*тақдирдан*) нолимоқ

– نَقِيقٌ = نَقٌّ

– نَقَّاقٌ 1) қурилдоқ, қурилловчи; 2) йиғлоқи одам, доим зорлариб юрадиган одам

– نَقَّاقَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ қурбақа, бақа

– نَقِيقٌ 1) қурилллаш, вақвақлаш; 2) қағқағлаш, қақағлаш, зорланиш, нолиш

I (نقب) نَقَبَ (*y*) نَقْبٌ 1) ер тагини ковлаб йўл қилмоқ, тагини ковлаб бормоқ; 2) тешик очмоқ, уриб тешмоқ; 3) кавламоқ, қазимоқ, қазиш ишларини олиб бормоқ, (*н. нидир*) қидирмоқ, разведка қилмоқ (عَنْ); فِي الْأَرْضِ ~ саёҳат қилмоқ, кезмоқ, жаҳонгаштталик қилмоқ; نَقَبَ (*a*) نَقْبٌ йиртилмоқ, тешилмоқ; نَقُبَ (*y*) نَقَابَةٌ одамларга бош бўлмоқ; II نَقَّبَ қазув-қидирув ишларини олиб бормоқ; (*мас, нефть қидириб*) бурғулаб, парма лаб кавламоқ; 2) ниманингдир остидан (остини) тагидан (тагини) кавламоқ; 3) текширмоқ, тафтиш қилмоқ; ◊ فِي ~ بُلْدَان бошқа қидириб юртма-юрт кезмоқ; III نَاقَبَ ўз обрўсини оширишга интилмоқ; V تَنَقَّبَ (*н. нидир*) текширмоқ, тафтиш қилмоқ (عَنْ); ҳижоб ёпинмоқ, чиммат тутмоқ; бурканмоқ, ёпиниб олмоқ, яширинмоқ; 3) ўвада бўлмоқ, эскимоқ, тўзимоқ VIII اِنْتَقَبَ ҳижобга кирмоқ

– تَنْقِيبٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) текшириш, тафтиш қилиш, қидириш, излаш; (*мас., нефть қидириб*) бурғулаш, парма лаб кавлаш; ~ الـ الْجِيُولُوجِيُّ عَلَى الْبُتْرُول нефть қидириш, разведка қилиш; геологик қидирув; أَعْمَالُ الـ ~ қидирув ишлари; 2) қазилган жойлар

– مَنْقَبٌ *кўп.* مَنَاقِبُ тоғ йўли

– مِنْقَبٌ, مِنْقَبَةٌ *кўп.* مَنَاقِبُ 1) курак, белкурак; 2) лом, мисранг; 3) парма

– مُنَقِّبٌ қазув-қидирув ишларини олиб борувчи; археолог; қидирувчи, изловчи

– مَنْقَبَةٌ *кўп.* مَنَاقِبُ 1) обрў, иззат,мақтовга муносиб сифат; тақдирланарли иш; 2) тоғ йўли

– نَاقِبٌ[1] қазув-қидирув ишларини олиб борувчи

– نَاقِبٌ[2], نَاقِبَةٌ узоқ ётиш натижасида жонсиз бўлиб қолган ёки шилиниб кетган жой

– نِقَابٌ *кўп.* نُقُبٌ ҳижоб, ниқоб; тўр, чиммат; كَشَفَ الـ ~ عَنْ ... *кўч.м.* (*н. дандир*) ниқобни кўтармоқ; фош қилмоқ

– نَقَّابٌ *ҳарб.* инженерлик қўшинлари аскари, сапёр

– نِقَابَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ бирлашма; касаба уюшмаси; اتِّحَادُ الْعَامِّ لِنِقَابَاتِ عُمَّالِ الْقُطْرِ الْمِصْرِيِّ *тар.* Миср ишчилар касаба уюшмасининг бош бирлашмаси

– نِقَابِيٌّ 1) касаба уюшмасига оид; ~ اَلْوَفْدُ الـــ касаба уюшмаси делегацияси; 2) касаба уюшмаси арбоби

– نِقَابِيَّةٌ синдикализм (ишчилар ҳаракатидаги оқим)

– نَقْبٌ *кўп.* أَنْقَابٌ 1) тешик ёриқ; 2) тагидан (тагини) кавлаш

– نُقْبَةٌ *кўп.* نُقَبٌ юбка

– نَقْبَةٌ[1] *кўп.* نِقَبٌ из

– نَقْبَةٌ[2] ҳижоб ёпинишнинг йўли

– نَقِيبٌ *кўп.* نُقَبَاءُ 1) бошлиқ, раҳбар, раис; ~ اَلْكُلِّيَّة декан; ~ اَلْأَشْرَاف Муҳаммад алайҳиссалом авлодлари бошлиғи; 2) шайинқисқич (*тарозудаги*); 3) *ҳарб.* капитан; (*флотда*) катта лейтенант

– نَقِيبَةٌ 1) қалб, жон, руҳ; 2) табиат, характер; مَيْمُونُ ~ الـــ босиқ, хотиржам

I **نَقَحَ** (*а*) نَقْحٌ 1) (*ортиқча шохларни*) кесиб ташламоқ; 2) чертмоқ, урмоқ; II نَقَّحَ 1) қайта кўриб чиқмоқ; тўғриламоқ (*хатони*); (*лойиҳага*) тузатиш киритмоқ; 2) кўп марта урмоқ; اَلشِّعْرَ ~ шеърга тузатиш киритмоқ; V تَنَقَّحَ қайта кўриб чиқилмоқ; тўғриланмоқ (*хато ҳақида*)

– تَنْقِيحٌ қайта кўриб чиқилмоқ; тўғрилаш; ревизия

– نَقْحَةٌ *кўп.* نَقَحَاتٌ уриш, зарба, чертиш, чертки

– نُقَاخٌ тиниқ яхна сув

I (نقد) **نَقَدَ** (*у*) نَقْدٌ 1) танламоқ, танлаб олмоқ; 2) танқид қилмоқ, танқидий мулоҳаза, юритмоқ; 3) нақд пул бермоқ, нақд пул билан тўламоқ; 4) чўкимоқ, чўкиламоқ; ◊ ~ ه بِنَظَرِهِ кимгадир яширинча қарамоқ; نَقَدَ (*а*) نَقْدٌ чиримоқ, уваланмоқ (*тиш ҳақида*); III نَاقَدَ 1) *к. дандир*) ҳисобот талаб қилмоқ, сўрамоқ; 2) баҳслашмоқ, тортишмоқ; IV أَنْقَدَ пулни санаб қўймоқ, нақд пул билан тўламоқ; VIII اِنْتَقَدَ 1) танқид қилмоқ, танқидий мулоҳаза юритмоқ; танбиҳ бермоқ, койимоқ; 2) нақд пул билан олмоқ; ◊ ~ نَفْسَهُ مِنْ ... ўзини ...дан ажратмоқ; ~ اَلدَّرَاهِمَ қалбаки тангаларни ажратмоқ, бўлакламоқ; X اِسْتَنْقَدَ нақд пул олишга эришмоқ

– اِنْتِقَادٌ *кўп.* ـــاتٌ танқид, рецензия; танбиҳ бериш, койиш; اَلذَّاتِيُّ ~ ўз-ўзини танқид

– اِنْتِقَادِيٌّ танқидий; ~ مَوْقِفٌ مِنْ ... ...га танқидий кўз билан қараш

– مُنْتَقَدٌ танқид остидаги, танқидга учраган; койишга лойиқ

– مُنْتَقِدٌ танқидчи, мунаққид

– مِنْقَادٌ *кўп.* مَنَاقِيدُ тумшуқ (*қушларда*)

– مِنْقَدٌ *кўп.* مَنَاقِدُ манқал, манқалдон

– نَاقِدٌ *кўп.* نُقَّادٌ, نُقَدَةٌ 1) танқидчи, мунаққид; 2) рецензиячи

– مُنْتَقِدٌ, نَقَّادٌ = نَقَّادَةٌ

– نُقْدٌ *бот.* рум мойчечаги

– نَقْدٌ[1] танқид, танқидий таҳлил; қоралаш, ёмонлаш, айблаш; ~ ذَاتِيٌّ ёки بِنَفْسِهِ ~ نَفْسِه ўз-ўзини танқид

– نَقْدٌ[2] *кўп.* نُقُودٌ 1) нақд пул, танга, чақа; ~ بِالـــ нақд пул билан, нақд пулга; ~ اِ нақд пул билан, нақд пулга; ~ أَوْرَاقُ الـــ қоғоз пул; ~ تَضَخُّمُ أَوْرَاق الـــ инфляция; 2) *шунингдек*: ~ اَلْعُمْلَة валюта; ~ اَلْأَجْنَبِيُّ الـــ اَلْمَحَلِّيُّ чет эл валютаси; ~ الـــ маҳаллий валюта; ~ الـــ اَلنَّادِرُ камёб валюта

– نَقْدِيٌّ[1] танқидий, танқидга бағишланган; ~ مَقَالٌ танқидий мақола

– نَقْدِيٌّ[2] 1) пулга оид; ~ جَزَاءٌ пул билан тўланадиган жарима; ~ نِظَامٌ пул тизими, пул системаси; 2) тангага оид

– نَقْدِيَّةٌ[1] танқидий кўз билан

– نَقْدِيَّةٌ[2] нақд (*пул*)

I (نقد) **نَقَدَ** (*у*) نَقْدٌ қутқармоқ, қутқариб қолмоқ; نَقَدَ (*а*) نَقَدٌ қутулмоқ, қутулиб қолмоқ, қутқарилмоқ; IV أَنْقَذَ қутқазмоқ, озод қилмоқ; ~ نَفْسَهُ қутулмоқ, қутулиб қолмоқ, жон сақламоқ; X اِسْتَنْقَذَ (*к. нидир*) қутказишга эришмоқ; ҳожат чиқармоқ

– إِنْقَاذٌ қутқариш, қутқазиш, халос қилиш; *кўч.м.* сўнгги чора, охирги умид

– مُنْقِذٌ қутқарувчи, нажоткор

– نَقْذٌ = إِنْقَاذٌ

– (نقر) نَقَرَ (*у*) نَقْرٌ 1) тақиллатмоқ, тарақлатмоқ; ~ عَلَى اَلْبَاب эшикни тақиллатмоқ; 2) тақиллатиб (тиқиллатиб) чалмоқ; 3) (*ноғора*) чалмоқ (عَلَى); (*торларни*) чертмоқ (عَلَى); ~ عَلَى أَوْتَارِ اَلرَّحْمَة *кўч.м.* одамнинг нозик торларини чертмоқ; ~ فِي اَلنَّاقُورِ *қар* نَاقُورٌ; 4) чўкимоқ, чўкиламоқ, чўкилаб ташламоқ (*қуш ҳақида*); (*мас, тумшуқ билан*) тешмоқ, уриб тешмоқ; 5) ўйиб гул туширмоқ, ўйиб гул солмоқ; (*тошга*) ўйиб нақш солмоқ (فِي); 6) суқмоқ, санчмоқ, суқиб тешмоқ; 7) (*чуқурни, қудуқни*) кавламоқ; кавлаб олмоқ, қазиб чиқармоқ, (*н. нидир*) қидириб кавлаб ташламоқ; (*н. нидир*) излаб топмоқ, қидириб топмоқ; 9) (*сабзавотни*) кўммоқ; 10) (*бармоқни*) шақиллатмоқ, қарсиллатмоқ, (*тилни*) тақиллатмоқ; 11) танбеҳ бермоқ, койимоқ; ҳақорат қилмоқ, сўкмоқ; نَقِرَ (*а*) نَقَرٌ (*к. дандир*) жаҳли чиқмоқ, аччиғи келмоқ (عَلَى); II نَقَّرَ 1) кўп марта тақиллатмоқ; 2) жуда кўп чўкимоқ, тез-тез чўкимоқ; 3) билиб олишга уринмоқ; қидирмоқ, текширмоқ, тадқиқ қилмоқ; III نَاقَرَ баҳслашмоқ, жанжаллашмоқ, айтишмоқ, тортишмоқ; IV أَنْقَرَ (*бирор н. ни бажаришни*) бас қилмоқ, тўхтатмоқ (عَنْ); VI تَنَاقَرَ ўзаро баҳслашмоқ, бир-бири билан айтишмоқ; VIII اِنْتَقَرَ тешилмоқ, уриб тешилмоқ

– تَنَاقُرٌ баҳслар, ихтилофлар, зиддиятлар

– تَنْقِيرٌ 1) кўп марта тақиллатиш; 2) чўкиш; 3) қидириш,

текшириш

– مُنَاقَرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ айтишув, тортишув, жанжал; **мунозара**

– مِنْقَارٌ *кўп.* مَنَاقِيرُ 1) тумшуқ; 2) (*ҳайкалтарош*) қалами, искана; исканасимон пўлат асбоб, зубило; ◊ ~ أَبُو денгиз балиғининг **бир** тури

– مِنْقَرٌ *кўп.* مَنَاقِرُ 1) чўкич, кирка, кетмон; 2) (*ҳайкалтарош*) қалами, искана; исканасимон пўлат асбоб, зубило

– مُنَاقَرَةٌ *кўп.* مُنَاقَرَاتٌ 1) тортишув, мунозара; даҳанаки жанг, уришиш, сўкишиш; 2) фалокат, офат

– نَاقُورٌ *кўп.* نَوَاقِيرُ *қур.* карнай; ~ـــ نَقَرَ فِي карнай чалмоқ, жар солмоқ, овоза қилмоқ

– نَقَارٌ тортишув, мунозара, баҳс, жанжал

– نَقَّارٌ 1) қидирувчи, тадқиқотчи; 2) ўйиб нақш солувчи; 3) бурғи, тоғпарма; ◊ ~ الْخَشَبِ қизилиштон (*қуш*)

– نَقَّارَةٌ унча катта бўлмаган қўшноғора

– نُقَارِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ қўшноғора

– نَقْرٌ[1] 1) ўйиб нақш қилиш; (*тошга*) ўйилган нақш; 2) чўқиш; 3) (*ноғора*) чалиш, (*ноғораниng*) тарақлаши; ~ـــ آلَاتُ *муз.* уриб чалинадиган чолғу асбоблари; ~ الْأَصَابِعِ бармоқларни қарсиллатиш

– نَقْرٌ[2], نُقْرٌ 1) тешикча; 2) чуқурлик, чуқурча; ёриқ, тирқиш; ёғочнинг учи кириб турадиган тешик (*икки ёғоч қисмни бириктириш учун*); ~ وَ (خَشَبِيٌّ) لِسَانٌ **тиқин ва тешик**

– نَقِرٌ ғазабланган, аччиқланган

– نَقْرَةٌ *кўп.* نَقَرَاتٌ 1) зарба; чўқиш, тумшуқ билан уриш; 2) тақиллаш; телеграф аппаратининг тақиллаши

– نُقْرَةٌ *кўп.* نُقَرٌ 1) ўйилган жой, чуқур, чуқурча; кемтик; ~ الْعَيْنِ *анат.* кўз косаси, кўз чаноғи; 2) қуйилган нарса, қуйма нарса

– نَاقِرَةٌ *қар.* نَقِرَةٌ

– نَقْوَارٌ ҳазилкаш, қизиқчи, масхарабоз; тўғри-нотўғрисини суриштирмай танқид қилаверувчи

– نَقْوَرَةٌ тўғри-нотўғрисини суриштирмай танқид қилиш, калака қилиш

– نَقِيرٌ 1) хурмо данагидаги ариқча; 2) *маж.* арзимас бирор нарса; ~ لَا يَمْلِكُ شَرْوَى ёнида ҳемири йўқ; ~ لَا يُسَاوِي ҳеч нарсага арзимайди; 3) зот, нав, насл-насаб; ~ـــ كَرِيمُ الـ оқсуяклардан, аслзодалардан; ~ وَ لَا يُظْلَمُونَ *қур.* улар заррача ҳам (зиғирча ҳам) зулм кўрмайдилар

– نَقِيرَةٌ *кўп.* نَقَائِرُ кемача, кичик кема

– نُقَيْرَةٌ = نُقَارِيَّةٌ

نَقْرَزَانٌ унча катта бўлмаган қўшноғора; ноғорача

نِقْرِسٌ *мед.* бўғин ва оёқ бармоқлари оғриғи; бўғин яллиғланиши

– نِقْرِيسٌ тажрибали, малакали, билимдон (*мас, врач*)

I **نَقَزَ** (*у*) نَقْزٌ, نَقَزَانٌ 1) сакрамоқ, ирғимоқ; 2) қалтирамоқ. **титрамоқ**; II نَقَّزَ (*ғўдакни*) тебратмоқ

نَقْزٌ *кўп.* نُقُوزٌ **барглари тўкилган шох**

– نَقْزَةٌ *кўп.* نَقَزَاتٌ 1) **сакраш**, ирғишлаш; 2) титраш, қалтираш

– **نَقِيزٌ оғриқ** (*мас, тишники*)

I (نقس) **نَقَسَ** (*у*) نَقْسٌ (**қўнғироқ**) **чалмоқ** (النَّاقُوسَ); نَقِسَ (*а*) نَقْسٌ (*к. нингдир устидан*) кулмоқ; II نَقَّسَ: الدَّوَاةَ ~ сиёҳдонга сиёҳ қуймоқ; VIII اِنْتَقَسَ = نَقَسَ

نَاقُوسٌ *кўп.* نَوَاقِيسُ қўнғироқ, сигнал учун **ишлатиладиган** занг; *муз.* зарб уриб чалинадиган лаппаксимон музика асбоби; ◊ قَرَعَ (دَقَّ) الْخَطَرِ ~ бонг урмоқ, сурон солмоқ, тревога кўтармоқ

– نَاقُوسِيٌّ қўнғироққа оид; ~ الشَّكْلِ қўнғироқсимон

– نِقْسٌ *кўп.* أَنْقَاسٌ, أَنْقُسٌ сиёҳ

I **نَقَشَ** (*у*) نَقْشٌ 1) нақш солмоқ; الْفَصَّ ~ (*узукка ўйиб*) нақш чизмоқ; التِّمْثَالَ ~ ҳайкал тарошламоқ; 2) тасвирламоқ, 3) ранг бермоқ, нақшламоқ; 4) зирапчани олиб ташламоқ; (*сочни ёки жунни*) юлиб олмоқ; الشَّوْكَةَ مِنْ رِجْلِهِ ~ оёғидаги тиконни олиб ташламоқ; II نَقَّشَ нақшламоқ; III نَاقَشَ муҳокама **қилмоқ**; фикр олишмоқ; музокара олиб бормоқ; баҳслашмоқ; نُوقِشَتِ الرَّسَائِلُ الْجَامِعِيَّةُ ~ـــهُ الْحِسَابَ диссертациялар муҳокама қилинди; кимдандир ҳисобот талаб қилмоқ; VI تَنَاقَشَ бир-бири билан баҳслашмоқ, биргалашиб муҳокама қилмоқ; VIII اِنْتَقَشَ 1) нақш солинмоқ; 2) тасвирланмоқ; 3) (*зирапча ва ҳ.к. ларни*) чиқармоқ;

– مُنَاقِشٌ музокарада иштирок этувчи

– مُنَاقَشَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ муҳокама, дискуссия; музокара; ~ بَرْلَمَانِيَّةٌ парламентдаги муҳокама; ~ـــ فَتَحَ بَابَ музокарани очмоқ (бошламоқ)

– مِنْقَاشٌ *кўп.* مَنَاقِيشُ 1) ўймакорнинг қалами, наққошнинг қалами; (*бўёқчининг*) мўйқалами; 2) мўйчинак

– مِنْقَشٌ *кўп.* مَنَاقِشُ = مِنْقَاشٌ

– مَنْقُوشٌ 1) нақшланган, нақш туширилган; 2) бўяб гул солинган; ранг-баранг, турли рангдаги

– مَنْقُوشَةٌ 1) مَنْقُوشٌ сўзининг муаннаси; 2) пирожний навларидан бири.

– نَقَّاشٌ баҳс, тортишув, музокара; وَضَعَ الْقَضِيَّةَ عَلَى بِسَاطِ الـــ~ масалани муҳокамага қўймоқ

– نَقَّاشٌ 1) наққош, ўйиб нақш солувчи; ~ التَّمَاثِيلِ ҳайкалтарош, скульптор; 2) бўёқчи

– نَقَاشَةٌ 1) наққошлик касби; 2) бўёқчилик касби

– نَقْشٌ *кўп.* نُقُوشٌ 1) нақш, безак; نُقُوشٌ تَزْيِينِيَّةٌ газламадаги гуллар; 2) ўйиб солинган нақш

– نُقُوشَاتٌ *кўп.* ўйма нақшлар

I نَقَصَ (*у*) نَقْصٌ, نُقْصَانٌ 1) эга бўлмай қолмоқ; кам бўлмоқ, етмай қолмоқ; لاَ يَنْقُصُهُ شَيْءٌ ... إِلاَّ унга ...гина етишмайди; унинг ҳамма нарсаси бор; 2) озаймоқ, қисқармоқ; пасаймоқ, тушмоқ (*сув ҳақида*); 3) озайтирмоқ, пасайтирмоқ; (*обрўни*) тўкмоқ, туширмоқ; II نَقَّصَ озайтирмоқ, қисқартмоқ; пас айтирмоқ, туширмоқ; ~ الثَّمَنَ нархни туширмоқ; III نَاقَصَ савдо белгиламоқ, савдо эълон қилмоқ; IV أَنْقَصَ озайтирмоқ, қисқартирмоқ; VI تَنَاقَصَ аста-секин озаймоқ, секинлик билан қисқармоқ, камаймоқ; ~ الْقَمَرُ охирги фазага етмоқ (*ой ҳақида*); VIII انْتَقَصَ 1) озаймоқ, камаймоқ, қисқармоқ; 2) озайтирмоқ, қисқартирмоқ, камайтирмоқ; 3) (*обрўни*) тўкмоқ, туширмоқ; (*к. нидир*) бадном қилмоқ, ёмонотлиқ қилмоқ; ~ مِنْ قَدْرِهِ кимнингдир обрўсини тўкмоқ; X اسْتَنْقَصَ 1) (*н. нидир*) озайтиришни сўрамоқ; 2) оз, кам, етарли эмас деб ҳисобламоқ

– انْتِقَاصٌ озайтириш, камайтириш; ~ مِنَ الْقَدْرِ обрўни тўкиш

– إِنْقَاصٌ озайтириш, камайтириш, пасайтириш

– أَنْقَصُ энг оз, энг тақчил, энг кам; ~ مِنْ ... дан оз

– تَنْقِيصٌ = إِنْقَاصٌ

– مُتَنَاقِصٌ аста-секин озаювчи, пастловчи, тушувчи

– مُنَاقَصَةٌ *кўп.* ـَاتٌ савдо-сотиқ

– مَنْقَصَةٌ *кўп.* مَنَاقِصُ нуқсон, айб, иллат, камчилик

– مَنْقُوصٌ 1) озайтирилган, камайтирилган; кам, етарли эмас; 2) мукаммал эмас, нуқсонли, номукаммал

– نَاقِصٌ 1) озайтирилган; етарли эмас; номукаммал, ноқис, камчил, тақчил; ~ غَيْرُ ـَةٌ صُورَةٌ охирига етказилмаган картина; ~ فِعْلٌ *грам.* ноқис феъл; 2) нуқсонли, иллатли; ~ الْعَقْلِ беақл, ақлсиз, ноқисулақл; 3) номукаммал, тўла эмас; ~ مَخْرُوطٌ *мат.* кесик конус; ~ هَرَمٌ *мат.* кесик пирамида; 4) чегириб ташланган; 5) *мат.* минус (-)

– نَاقِصَةٌ *кўп.* نَوَاقِصُ камчилик, иллат; صَحَّحَ نَوَاقِصَهُ кимнингдир камчилигини тузатмоқ

– نَقْصٌ 1) камчилик, етишмовчилик, кам чиқиш, кам келиш, етмай қолиш; 2) камайиш, озайиш, пасайиш; 3) нуқсон, айб; أَمْرَاضُ ~ الـ *мед.* авитаминоз (*витамин етишмаслиги*) касалликлари (*сингa. зангла, пеллагра, рахит ва ҳ.к.*)

– نُقْصَانٌ 1) камайиш, озайиш; 2) нуқсон, айб, камчилик

– مَنْقَصَةٌ = نَقَائِصُ *кўп.*

I نَقَضَ (*у*) نَقْضٌ 1) (*мас, шартномани*) бекор қилмоқ, бузмоқ, тўхтатиб қўймоқ; (*ваъдага*) хилоф иш тутмоқ, (*қонундан*) четга чиқмоқ; 2) (*иморатни*) бузмоқ, бузиб ташламоқ; 3) (*дарду ғамдан*) сочларини ёймоқ (*аёллар ҳақида*); 4) (*мас, калавани*) чувамоқ, ёзмоқ; 5) (*айбни*) рад қилмоқ, йўққа чиқармоқ; لاَ يُنْقَضُ рад этиб бўлмайдиган; 6) (*суд қарорини*) бекор қилмоқ, нотўғри деб топмоқ; 7) йўққа чиқармоқ; ҳақиқий эмас деб эълон қилмоқ, бекор қилмоқ; وُضُوءَهُ ~ *шар.* таҳоратни яроқсизга чиқармоқ; ◊ الْوَلاَءَ ~ бўйсунишни бас қилмоқ, итоат этмай қўймоқ; III نَاقَضَ зид бўлмоқ, ихтилофда бўлмоқ; الْعَقْلَ السَّلِيمَ ~ соғлом ақлга тўғри келмай қолмоқ, зид келмоқ; IV أَنْقَضَ оғир иш юклаб қийнамоқ; الظَّهْرَ ~ елкага вазминлик қилмоқ (*юк ҳақида*); ◊ الأَصَابِعَ ~ бармоқларни қисирлатмоқ; الْعَلَكَ ~ сақични қарсиллатмоқ V تَنَقَّضَ 1) бузиб ташламоқ, текислаб ташламоқ (*иморат ҳақида*); 2) рад этилмоқ, бекор қилинмоқ; 3) чувалмоқ, чўзилмоқ; VI تَنَاقَضَ 1) бир-бирига зид келмоқ; бир-бири билан келишмай қолмоқ; 2) фарқ қилмоқ, кўзга ташланадиган даражада фарқ қилмоқ; VIII انْتَقَضَ 1) бекор қилинмоқ, бузилмоқ (*мас, шартнома ҳақида*); 2) риоя қилинмай қолмоқ; 3) бузиб ташланмоқ, вайрон бўлмоқ; 4) (*к. ёки н. гадир қарши*) қўзғалмоқ, кўтарилмоқ (عَلَى); 5) рад этилмоқ, бекор қилинмоқ; 6) чувалмоқ, ёзилмоқ, чўзилмоқ

– انْتِقَاضٌ 1) (*мас. шартноманинг*) бекор қилиниши, бузилиши; 2) қулаш, ағдарилиш, ўпирилиш; 3) қўзғолон, исён; 4) катаболизм

– أَنْقَاضٌ *кўп.* харобазорлар, вайроналар

– تَنَاقُضٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) ўзаро зиддият; ихтилоф, мослашмаганлик, номувофиқлик; ~ الـ وَقَعَ فِي зиддиятга учрамоқ; 2) фарқ, кўзга яққол кўриниб турадиган фарқ; тўғри келмаслик; ~ ظَاهِرِيٌّ умум қоидаларга мувофиқ келмайдиган ғалати фикр, парадокс

– مُتَنَاقِضٌ 1) ўзаро қарама-қарши, зиддиятли; (*к. ёки н. гадир*) мос келмайдиган, номувофиқ; ~ الظَّاهِرِ умум қоидага мувофиқ келмайдиган, парадоксал; 2) тескари, зид, бошқача

– مُتَنَاقِضَاتٌ *кўп.* 1) қарама-қаршиликлар; 2) зиддиятлар

– مُنَاقِضٌ қарама-қарши; номувофиқ, мос келмаган; ~ ذَاتِهِ ўзига ўзи қарши чиқувчи

– مُنَاقَضَةٌ *кўп.* ـَاتٌ зиддият; номувофиқлик, мослашмаганлик

– مَنْقُوضٌ 1) бузилган, синдирилган, вайрон қилинган; 2) чувалган, ёзилган (*калава ҳақида*); 3) риоя қилинмаган

– نَاقِضٌ *кўп.* نَوَاقِضُ *юр.* ниманингдир кучини йўқотувчи, бекор қилувчи нарса

– نُقَاضَةٌ 1) шағал; 2) ўралган сочнинг ёзилиб кетган қисми

– نَقْضٌ 1) йўқ қилиш, бузиш, вайрон қилиш; 2) (*қонунни*) поймол қилиш, оёқости қилиш; 4) рад этиш; ~ الـ مَحْكَمَةُ وَ الإِبْرَامِ суднинг ҳукмини бекор қилишга ҳақли бўлган юқори суд; ~ الـ حَقُّ вето

– نَقْضٌ, نُقْضٌ, أَنْقَاضٌ *кўп.* 1) синган, синиб тушган нарса; парча, бўлак, синиқ; 2) чақилган тош, майдаланган тош

– نَقِيضٌ 1) (*бирор. н га*) тескари, зид; қарама-қарши; 2) қарама-қаршилик, фарқ; ~ طَرَفَا икки бир-бирига тескари томон; عَلَى طَرَفَيْ ~ бутунлай қарма-қарши; ~ هُمَا عَلَى طَرَفَيْ у иккиси бутунлай бир-бирининг тескариси; ~ نَفْسِهِ تَحَوَّلَ لِـ ўзининг тескариси бўлиб қолмоқ; ~ مِنْ ذَلِكَ الـ وَ عَلَى бунга қарама-қарши равишда

..., 3) туя устидаги тахтиравоннинг *ёки* эгарнинг ғирчиллаган овози

– نَقِيضَةٌ *кўп.* نَقَائِضُ 1) қарама-қаршилик, зиддият, фарқ, контраст; ~ الْأَخْلَاقِ турли-туман характерлар; 2) *тар.* бошқа шоирнинг шеърини рад қилувчи шеър; 3) *фалс.* зиддият, антиномия

I **نَقَطَ** (*у*) نَقْطٌ 1) нуқта қўймоқ (*шунингдек; диакритик нуқталарни ҳам*); 2) томмоқ, томчиламоқ; II نَقَّطَ 1) нуқталар қўймоқ (*шунингдек; диакритик нуқталарни ҳам*); пунктир чизиқ чизмоқ; 2) томчиламоқ, томчилаб турмоқ; доғ қилмоқ, доғ туширмоқ; 3) (*мас, дорини*) томизмоқ; 4) (*янги келин-куёвга*) совға тутмоқ; (*янги келин-куёв олдига*) тангалар сочмоқ; 5) томмоқ, томчилаб оқмоқ

– مُنَقَّطٌ нуқталар билан қопланган; доғи бор, доғли; بِسَوَادٍ ~ қора нуқталар билан қопланган

– مَنْقُوطٌ 1) ҳол-ҳол, ҳолдор; доғи бор, доғли; 2) нуқтали (*мас, ҳарф*) الْفَصْلَةُ (الشَّوْلَةُ) الـــ~ـــةُ *грам.* нуқтали вергул (;)

– نَقَّاطَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ томизадиган найча

– نُقْطٌ *зоол.* хонбалиқ

– نُقْطَةٌ[1] *кўп.* نُقُوطٌ 1) янги келин-куёвга қилинган совға; 2) чойчақа; итга, ҳайвонга бериладиган луқма, бурда

– نُقْطَةٌ[2] *кўп.* نُقَطٌ, نِقَاطٌ 1) нуқта, пункт; الْاِتِّصَالِ ~ алоқа пункти, туташ жой, туташган жой; الْاِرْتِكَازِ ~ таяниш нуқтаси; таянч пункти; التَّجَمُّدِ ~ *физ.* музлаш нуқтаси; الْغَلَيَانِ ~ *физ.* қайнаш нуқтаси; الْاِنْطِلَاقِ ~ *ёки* الْبِدَايَةِ الـــ~ *ёки* الْبَدْءِ ~ *ёки* الْاِبْتِدَاءِ ~ бошланиш нуқтаси, старт; жўнаш нуқтаси; النِّهَايَةِ ~ финиш; الْإِرْشَادِ ~ йўлни, томонни кўрсатувчи белги, ориентир; الْحُدُودِ ~ чегара нуқтаси (пункти); لِـــ... جَذْبِ ~ ...га тортувчи нуқта; جَوْهَرِيَّةٌ ~ муҳим нуқта, аҳамиятли нуқта; الْخِلَافِ ~ ихтилофлар, зиддиятлар нуқтаси; الضَّعْفِ ~ заиф нуқта; الْوُصُولِ ~ бориш жойи, бориладиган жой; الدَّائِرَةِ ~ *мат.* айлана маркази; الذَّنَبِ (الرَّأْسِ) ~ *астр.* бирор планета *ёки* комета йўлининг Қуёшдан энг узоқ (яқин) нуқтаси; النَّظَرِ ~ нуқтаи назар; 2) соқчилик вазифасини бажарадиган жой, пост; أَمَامِيَّةٌ~ олдинги пост; الْبُولِيسِ ~ полиция пости; الْحِرَاسَةِ ~ соқчилик пости; 3) *грам.* диакритик нуқта; نُقَطٌ لِلْأَنْفِ الـــ~ـــانِ *ик.с.* икки нуқта (:) *4)* томчи; نُقَطٌ بُرنунга томизиладиган томчи; 5) *спорт.* очко; تَغَلَّبَ عَلَيْهِ بِالنُّقَطِ кимнингдир устидан очколар йиғиндиси бўйича ғолиб келмоқ; 6) *шунингдек:* دَاءُ الـــ~ *мед.* мияга қон қуйилиши, 7) бир оз, озгина, жиндай; 8) *кўч.м.* туз; ◊ عَنْبَرِ ~ хол; السَّوْدَاءِ الـــ~ шармандалик доғи; الْعَيْنِ ~ кўзга тушган оқ, оқ тушган кўз; النُّقَطُ الْأَرْبَعُ дунёнинг тўрт томони (*Шимол, Жануб, Шарқ, Ғарб*); وَضَعَ النُّقَطَ عَلَى الْحُرُوفِ 1) ҳеч бир ноаниқ ерни қолдирмай изоҳлаб бермоқ; 2) охирига етказмоқ, яна у масалага қайтмайдиган қилмоқ; ~ وَ هَذِهِ مِنْ بَحْرٍ бу денгиздан томчи холос

– نُقْطِيٌّ нуқтага оид; لَا نُقْطِيَّةٌ *мед.* кўзнинг равшан кўрмаслик ҳолатларидан бири, астигматизм

– نُقَيْطَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ кичик бир томчи

I **نَقَعَ** (*а*) نَقْعٌ 1) **ҳўлламоқ**, намламоқ, ивитмоқ, бўктирмоқ; ~ بِالْمَاءِ **чанқоғи босилмоқ**; **тўйиб сув ичмоқ**; 2) (*ўт-ўланлардан*) **ичимлик (настойка) тайёрламоқ**; 3) бузилмоқ, айнимоқ (*сув ҳақида*); ◊ الْغُلَّةَ ~ *ёки* الْعَطَشَ ~ *ёки* الْغَلِيلَ ~ чанқоқни босмоқ, ташналикни **қондирмоқ**; *кўч.м.* (*мас, истакни*) бажо келтирмоқ, қониқтирмоқ; غُلَّةَ قَلْبِهِ ~ **ғазабини тўкиб солмоқ**; IV أَنْقَعَ = I; VIII اِنْتَقَعَ *ёки* اِمْتَقَعَ لَوْنُهُ: اِنْتَقَعَ **ранги ўзгармоқ**; X اِسْتَنْقَعَ туриб қолмоқ, кўлмак бўлиб қолмоқ (*сув ҳақида*); **ботқоққа айланмоқ**

– أَنْقَعُ: ~ الرَّشْفِ *мтл.* **қимирлаган қир ошар** (*сўзма-сўз;* секин-секин ичиш чанқоқни тез **қондиради**)

– مُسْتَنْقَعٌ *кўп.* ـــ اتٌ ботқоқ, **ботқоқлик**, сизот; حُمَّى الْمُسْتَنْقَعَاتِ тўқай иситмаси, безгак; غَازُ الْمُسْتَنْقَعَاتِ **ботқоқ гази**

– مَنْقَعٌ *кўп.* مَنَاقِعُ ботқоқлик, ботқоқлик жой

– مُنْقَعٌ қуриган, қуритилган мевалар

– مَنْقُوعٌ ивитма, настой

– نَاقِعٌ 1) ивитувчи, ҳўлловчи, намловчи; **2) кучли**, ўлдирадиган (*заҳар ҳақида*); 3) куч-қувват бахш этадиган (*ичимлик ҳақида*); مَاءٌ ~ чанқоқ босадиган сув

– مَنْقُوعٌ *кўп.* ـــ اتٌ = مَنْقُوعٌ

– نُقَاعِيٌّ микроскопик; الْحَيَوَانُ الـــ~ **микроорганизм**

– نُقَاعِيَّاتٌ *кўп.* фақат микроскопда **кўринадиган** бир ҳужайрали кичик жонивор

– نَقْعٌ[1] 1) ивитиш, бўктириш; 2) **ивитма (настой)** тайёрлаш

– نَقْعٌ[2] *кўп.* نُقُوعٌ, نِقَاعٌ 1) чанг, **гард**; **2)** *кўп.* أَنْقُعٌ, نِقَاعٌ туриб қолган сув, кўлмак; 3) қудуққа тўпланган сув

– نُقُوعٌ қуриган, қуритилган **мевалар**

– نَقِيعٌ қуриган мевалардан тайёрланган **ивитма** (настой)

I **نَقَفَ** (*у*) نَقْفٌ 1) урмоқ, **шикастламоқ**, майиб қилмоқ; зарба бермоқ; ~ـــهُ بِالْإِصْبَعِ **кимнидир чертмоқ**; 2) тухумдан чиқмоқ

– نَقْفٌ *кўп.* أَنْقَافٌ **энди тухумдан чиққан жўжа**

I **نَقَلَ** (*у*) نَقْلٌ 1) кўчирмоқ, ўтказмоқ; ташимоқ, бир жойдан бошқа жойга элтиб қўймоқ; олиб ўтмоқ; الْحِسَابَ ~ *бухг.* ҳисобга ёзиб қўймоқ, тиркаб қўймоқ; الزَّرْعَ ~ экилган нарсани кўчириб ўтказмоқ; الْمَرَضَ ~ (*к. гадир*) касалликни юқтирмоқ (إِلَى), 2) иш жойини ўзгартирмоқ; 3) (*бир тилдан бошқа тилга*) ўгирмоқ, таржима қилмоқ; 4) кўчириб ёзмоқ; 5) нақл қилмоқ; ҳикоя қилмоқ; الْحَدِيثَ ~ (*кимнингдир тилидан*) ҳадисни нақл қилмоқ (عَنْ); مُلْكِيَّةَ الْأَشْيَاءِ ~

(*к. гадир*) нарсаларни мулк қилиб бермоқ (إِلَى); 6) иқтибос (цитата) келтирмоқ,айнан ўзини айтмоқ; (*қаердандир*) ўзлаштирмоқ, қабул қилмоқ (عَنْ); 7) (*қаердандир*) кўчиб кетмоқ (إِلَى); II نَقَّلَ 1) кўчирмоқ, ўтказмоқ, ўрнини ўзгартирмоқ; кўп марталаб ташимоқ; ~ طَرْفَهُ بَيْنَ ... وَ ... гоҳ унга, гоҳ бунга қарамоқ; ~ الْأَشْيَاءَ нарсаларни бир жойдан бошқа жойга кўчирмоқ; ~ حَبَّاتِ السُّبْحَةِ тасбеҳ ўгирмоқ; 2) узатмоқ, узатиб бермоқ; 3) диктовка қилмоқ; 4) *шахм.* юрмоқ; III نَاقَلَ бир-бирига узатмоқ; (*н. нидир*) ўзаро алмаштирмоқ; 2) ўзаро бир-бирига ташишмоқ; V تَنَقَّلَ 1) кўчмоқ, ўрин алмашмоқ; кўчиб юрмоқ; бир жойдан бошқа жойга кўчмоқ; 2) нақл қилинмоқ, эълон қилинмоқ (*янгиликлар, миш-мишлар ҳақида*); VI تَنَاقَلَ бир-бирига ҳикоя қилишмоқ, нақл қилишмоқ, алиштиришмоқ; ~ الْأَلْسُنُ у оғиздан-оғизга кўчиб юрибди; ~ الْأَيْدِي у қўлдан-қўлга ўтиб юрибди; ~ إِلَيْنَا الْأَنْبَاءُ бу хабарлар бизга етиб келди; VIII اِنْتَقَلَ 1) кўчиб ўтмоқ, кўчиб юрмоқ; (*қаёққадир*) кўчиб ўтмоқ (إِلَى); 2) (*қаёққадир*) жўнамоқ, жўнаб кетмоқ; 3) (*к. гадир*) ўтмоқ (*мас, мерос* إِلَى); бир қўлдан бошқа қўлга ўтмоқ (*мулк ҳақида*); 4) (*н. гадир*) ўтмоқ (إِلَى); ~ إِلَى الْهُجُومِ ҳужумга ўтмоқ; ~ إِلَى الدِّفَاعِ ҳимояга (мудофаага) ўтмоқ; ◊ ~ إِلَى جِوَارِ رَبِّهِ *ёки* ~ إِلَى الرَّفِيقِ الْأَعْلَى *ёки* ~ إِلَى رَحْمَةِ اللهِ *ёки* ~ إِلَى دَارِ الْآخِرَةِ вафот этмоқ, куни битмоқ

– اِنْتِقَالٌ 1) (*қаердандир қаергадир*) ўтиш, кўчиб ўтиш (مِنْ ,إِلَى); 2) бериш, узатиш; 3) жўнаб кетиш, жўнаш; 5) вафот этиш

– إِنْتِقَالِيٌّ ўтишга оид; ~ عَهْدٌ ўтиш даври; ~ حُكُومَةٌ муваққат ҳукумат

– تَنَقُّلٌ *кўп.* اتٌ ـ ўтиш, кўчиб ўтиш; ўрин алмаштириш; ~ حُرِّيَّةُ الـ *дип.* кўчиб ўтиш эркинлиги

– مُتَنَقِّلٌ 1) кўчиб юрувчи, кўчиб ўтувчи; 2) кўчма; сайёр, юртма-юрт юрадиган, кўчманчи, саёқ; ~ الْمَسْرَحُ الـ сайёр театр

– مُتَنَقِّلٌ 1) кўчма, кўчиб юрадиган, сайёр; *2)* юкумли; 3) ҳаракатланадиган, силжима

– مَنْقَلٌ *кўп.* مَنَاقِلُ 1) кўчма ўчоқ, манқал; 2) эскирган оёқ кийими

– مَنْقَلَةٌ 1) ўтиладиган жой; (*йўлнинг*) бир этапи; 2) манқала (*ўйин номи*)

– مِنْقَلَةٌ *кўп.* مَنَاقِلُ транспортир

– مَنْقُولٌ 1) нақл қилинадиган, ўтказиладиган; 2) кўчириладиган; ташиб юриладиган; 3) кўчма, ҳаракатдаги (*мулк ҳақида*); ~ غَيْرُ кўчмас; ~ أَمْوَالٌ *ёки* ~ مُلْكٌ уй анжомлари (*ташиб юриш мумкин бўлган мулк*); ~ مُلْكٌ غَيْرُ кўчмас мулк; 4) (*қаердандир*) ўзлаштирилган, қабул қилинган (عَنْ); 5) кўчирилган, кўчириб ёзилган

– مَنْقُولَاتٌ *кўп.* уй анжомлари (*ташиб юриш мумкин бўлган мулк*); ~ مَنْزِلِيَّةٌ *ёки* ~ الْمَنْزِلِ уй анжомлари

– مَنْقُولِيَّةٌ ташиш, узатиш, ўтказиш имконияти

– نَاقِلٌ *кўп.* نُقَّالٌ, نَقَلَةٌ 1) нақл қилувчи, узатувчи; ~ الْحَرَكَةِ узатмалар қутиси; 2) элтувчи, ташувчи; 3) тилмоч, таржимон; 4) *эл.* ўзидан электр токи ўтказувчи; *радио.* сигналларни узатувчи, тарқатувчи; ~ الصَّوْتِ микрофон; 5) кўчириб ёзувчи, нусха кўчирувчи

– نَاقِلَةٌ *кўп.* اتٌ ـ 1) узатувчи, нақл қилувчи; 2) элтувчи, ташувчи; ~ مُتَحَرِّكَةٌ конвейер; 3) транспорт, транспорт кемаси; ~ الْبُتْرُولِ (النِّفْطِ) нефть ташувчи танкер; ~ الْجُنُودِ қўшинлар ташиладиган транспорт

– نَاقِلِيَّةٌ 1) юк ташиш ҳақи, кира ҳақи; 2) *эл.* ток ўтказувчанлик

– نَقَّالٌ беморларни ташувчи (санитар)

– نَقَّالَةٌ *кўп.* اتٌ ـ 1) беморларни ташишга мўлжалланган замбил, носилка; 2) беморларни ташийдиган арава; 3) транспорт кемаси

– نَقَّالِيٌّ ҳаракатчан, кўчма, кўчиб юрувчи

نَقْلٌ *кўп.* نُقُولٌ бир жойдан бошқа жойга кўчиш; бир жойдан бошқа жойга ўтиш; олиб ўтиш; ташиш; 2) транспорт; ~ النَّهْرِيُّ дарё транспорти; ~ الْجَوِّيُّ ҳаво транспорти; ~ مَصَارِيفُ الـ транспорт харажати; ~ وَسَائِلُ الـ транспорт воситалари; سَيَّارَةُ ~ الـ юк автомобили; ~ مَرْكَبُ транспорт, транспорт кемаси; 3) кўчириш, узатиш; ~ الْحَرَكَةِ جِهَازُ *тех.* трансмиссия; 4) ўзлаштириш; ~ ... عَنْ (*к. нингдир*) гапига кўра ...; 6) кўчириб ёзиш, нусха олиш; 7) копия, нусха, кўчириб олинган нақш; 8) анъана, традиция; ◊ ~ الدَّمِ қон қуйиш; ~ عَمَلِيَّةُ الْكُلَى *мед.* буйракни кўчириб ўтқазиш операцияси (амалиёти)

– نَقَلٌ майдаланган тош, шағал

– نُقْلٌ *жам. кўп.* نُقُولٌ 1) ёнғоқлар; ~ كَسَّارَةُ الـ ёнғоқ чақадиган омбир; 2) қуруқ, қуритилган мевалар; 3) ширинликлар; десерт

– نَقْلَةٌ *кўп.* اتٌ ـ *шахм.* юриш

– نَقْلَةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـ 1) бир жойдан бошқа жойга кўчиш, кўчиб ўтиш; 2) *шахм.* юриш

– نَقْلَةٌ[2] *кўп.* қўл билан кўчирилган (ёзилган) қисм

– نَقْلَةٌ[3] *кўп.* نُقَلٌ бўҳтон, чақимчилик, ғийбат, фисқ-фасод

– نُقَلِيٌّ *кўп.* نُقَلِيَّةٌ ёнғоқфуруш, қуруқ меваларни сотувчи

– نَقْلِيٌّ 1) анъанавий, традицион; 2) транспортга оид

– نَقْلِيَّةٌ 1) транспорт; 2) қовурилган саримсоқ пиёз (*таом*)

– نَقْلِيَّاتٌ *кўп.* 1) анъанавий фанлар, традицияга асосланган фан соҳалари; 2) транспорт

– نَقِيلَةٌ *кўп.* نَقَائِلُ оёқ кийимига солинадиган ямоқ

I نَقَمَ (*u*) نَقْمٌ (*к. нидир*) айбламоқ, (*к. дандир*) гина қилмоқ (عَلَى); 2) (*к. дандир*) қасос олмоқ (مِنْ ,عَلَى); 3) (*к. гадир*) кек сақламоқ, (*к. гадир қарши*) тиш қайрамоқ (مِنْ); II نَقَّمَ (*к. дандир*) қасос олмоқ

(عَلَى); VIII اِنْتَقَمَ (*к. дандир*) қасос олмоқ (مِنْ); (*бирор н. учун*) қасос олмоқ (لِـ)

– اِنْتِقَامٌ интиқом, қасос, ўч; қасос олиш, ўч олиш; қаримта қайтариш, реванш

– اِنْتِقَامِيٌّ 1) қаримта қайтариш (*реванш*) га оид; 2) қаримта қайтарувчи, реваншист

– اِنْتِقَامِيَّةٌ реваншизм

– مُنْتَقِمٌ интиқом (қасос., ўч) олувчи, қасоскор

– نَاقِمٌ 1) қасос олувчи, қасоскор; 2) (*к. дандир*) норози; (*к. дандир*) аччиқланган (عَلَى) كَانَ ~اً عَلَى زَيْدٍ у Зайддан аччиқланиб юрибди; 3) қасоскор

– نَقْمٌ қасос, ўч; кек, адоват; صَبَّ الـ~ عَلَى ... ғазабини ...га тўкиб солмоқ (...га сочмоқ)

– نِقْمَةٌ *кўп.* نِقَمٌ *ёки* نَقْمَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) қасос, ўч; 2) кек, адоват, қаҳр, ғазаб, хусумат, ғараз; норозилик; нафрат; 3) жазо, азоб; 4) офат, бало

– نَقِيمَةٌ: ~ الـ مَيْمُونُ النَّقِيبَةِ = مَيْمُونُ *қар.*

نَقْنَقَ 1) вақвақламоқ, вақилламоқ; 2) иштаҳа йўқлигидан хоҳламай оз-оздан чимчилаб овқат емоқ

– نَقَانِقُ колбаса,сосиска

– نَقْنَقَةٌ 1) вақвақлаш, вақиллаш; 2) иштаҳасизлик билан овқатланиш

I نَقَهَ (а) نَقَهٌ соғаймоқ, тузалмоқ; زَيْدٌ لاَ يَفْقَهُ وَ لاَ يَنْقَهُ Зайд ҳеч нарсани тушунмайди; IV أَنْقَهَ даволамоқ, шифо бермоқ, тузатмоқ; VIII اِنْتَقَهَ = I

– نَاقِهٌ соғаювчи, тузалувчи

– نَقَاهَةٌ соғайиш, тузалиш

– نَقَهٌ = نَقَاهَةٌ

– نُقُوهٌ = نَقَاهَةٌ

نَقْوَارٌ масхарабоз, қизиқчи

– نَقْوَرَةٌ 1) масхара қилиш, мазах қилиш, калака қилиш; 2) ғийбат, гап-сўз, ғиди-биди, миш-миш

I نَقِيَ (а) نَقَاءٌ, نَقَاوَةٌ, نُقَاوَةٌ тоза бўлмоқ, покиза бўлмоқ; II نَقَّى 1) тозаламоқ, пўстини олмоқ, оқламоқ, арчмоқ; 2) ажратмоқ, навларга ажратмоқ; IV أَنْقَى тозаламоқ, артмоқ; ◊ أَنْقَتِ الْإِبِلُ туя симирди; V تَنَقَّى тозаланмоқ, артилмоқ; VIII اِنْتَقَى 1) танлаб олмоқ, танламоқ, сараламоқ; 2) *биол.* танламоқ, ҳайвон *ёки* ўсимликнинг навини яхшилаш чорасини кўрмоқ

– اِنْتِقَاءٌ 1) саралаш, танлаш; 2) *биол.* селекция

– تَنْقِيَةٌ 1) оқлаш, тозалаш, пўстини олиш; 2) танлаш

– مُنْتَقًى *мн.* مُنْتَقَاةٌ танланган, сараланган

– نَقَاءٌ = نَقَاوَةٌ

– نَقَاوَةٌ, نُقَاوَةٌ 1) тозалик, поклик; 2) энг яхши, сараланган, танлаб олинган

– نَقَائِيَّةٌ ахлоқни пок ва қаттиқ сақлашга уриниш, пуризм

– نُقَايَةٌ *кўп.* نُقَاءٌ, نَقَايَا 1) танлаш, саралаш; 2) (*меванинг*) данаги, уруғи

– نَقْيٌ *кўп.* أَنْقَاءٌ илик, суяк илиги

– نَقِيٌّ тоза, покиза, доғ тушмаган, ҳеч нарса аралашмаган

– نَقْيٌ = نَقِيٌّ

I نَكَأَ (а) نَكْءٌ 1) йиринг бойлаган ярани тешмоқ; 2) ярага тегиб оғритмоқ, ярани оғритмоқ; 3) зарба бермоқ

I (نكب) نَكَبَ (у) نَكْبٌ 1) бошга тушмоқ, йўлиқмоқ (*офат, бахтсизлик ҳақида* -ب); оғритмоқ, азоб бермоқ; ~ الدَّهْرُ ـهُ у тақдир кулфатини татиб кўрган; 2) (*йўлдан*) тойдирмоқ (عَنْ); نَكَبَ (у) نُكُوبٌ, نَكْبٌ 1) ўз йўналишини ўзгартирмоқ (*шамол ҳақида*); 2) (*бирор н. дан*) юз ўгирмоқ, бурилмоқ (عَنْ); 3) نُكِبَ кулфатни бошдан ўтказмоқ; (*н. дандир*) жафо чекмоқ (ب); (*н. биландир*) заҳарланмоқ, шикастланмоқ; نُكِبَ الْبَلَدُ بِالْاِحْتِلاَلِ ўлка оккупациядан азоб чекарди; II نَكَّبَ 1) четга чиқмоқ, четга бурилмоқ; (*н. дандир*) чиқиб кетмоқ (عَنْ); 2) четлатмоқ, узоқлаштирмоқ; V تَنَكَّبَ 1) (*н. дандир*) ўзини четга олмоқ, ўзини тортмоқ, ўзини олиб қочмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) четга чиқмоқ, четга бурилмоқ (عَنْ); ~ عَنْ جَادَّةِ الصَّوَابِ тўғри йўлдан адашмоқ; ~ عَنْ طَرِيقِ الْمَعَاصِي осийлик йўлидан чиқмоқ; ~ بِهِ عَنْ ... кимнидир ...дан қайтармоқ; ~ السَّارِعَ إِلَى ... қўчадан ...га томон бурилди; مَا تَنَكَّبَ أَنْ ... у ... (и) шни унутмади; 2) елкага олмоқ, елкада кўтариб бормоқ; ~ السِّلاَحَ қуролни елкага олмоқ

– مَنْكِبٌ *кўп.* مَنَاكِبُ 1) елка; عَرِيضُ الْمَنْكَبَيْنِ кенг елкали, елкаси кенг; 2) қўл ва елкани ташкил этувчи суяклар мажмуи; 3) тараф, томон; هُوَ فِي السَّعْيِ الْمُسْتَمِرِّ فِي مَنَاكِبِ الْأَرْضِ у бутун жаҳонни кезиб юрибди; 3) тепалик

– مَنْكُوبٌ 1) жабрланган, жафо кўрган, азоб тортган; 2) (*ҳалокат*) қурбони; *кўп.* مَنْكُوبُونَ жабрланганлар, жафо тортганлар

– نَكْبٌ *кўп.* نُكُوبٌ фалокат, ҳалокат, бахтсизлик

– نَكْبَةٌ *кўп.* نَكَبَاتٌ бахтсизлик, офат, фалокат; ҳалокат, катастрофа

I نَكَتَ (у) نَكْتٌ 1) ағдармоқ, йиқитмоқ, қулатмоқ; тўкмоқ, бўшатмоқ; холи қилмоқ; 2) ерни титиб ташламоқ, тупроқни сочиб ташламоқ (*хўроз ҳақида*); II نَكَّتَ пичинг қилмоқ, аския қилмоқ, киноя қилмоқ, ҳазил қилмоқ; (*к. нингдир устидан*) кулмоқ (عَلَى); ~ فِي كَلاَمِهِ ҳадеб пичинг қилавермоқ; VIII اِنْتَكَتَ ағдарилмоқ, тўнтарилмоқ, қуламоқ

– تَنْكِيتٌ 1) масхара қилиш, мазах қилиб кулиш; 2) ҳазил, пичинг; аскияомиз ибора; 3) нуқталар *ёки* пунктир чизиқлар билан расм чизиш

– مُنَكِّثٌ ҳазилкаш, **масхарабоз, мазаҳчи**

– نَكَّاثٌ 1) **аскиячи, аскиябоз, қизиқчи**; 2) ҳазилкаш, масхарабоз, аямай танқид қилувчи

– نُكْتَةٌ *кўп.* نُكَتٌ, نِكَاتٌ 1) аскияомиз ибора, пичинг, киноя; ҳазил, **латифа**; تَبَادَلَ النُّكَتَ бир-бирига ўзаро ҳазил қилишмоқ; 2) кулгилилик, ўткирлик, қизиқлик, ғалатилик; 3) кичкина доғ, хол, **зирахол**

– نُكْتِيٌّ **ғалати, ҳазиломиз**, ўткир

I **نَكَثَ** (*у*) نَكْثٌ (*мас, ваъдага*) хилоф иш қилмоқ; (*берилган сўзга*) амал қилмай юрмоқ; (*шартномани*) бекор қилмоқ; ~ الْحَبْلَ чилвирни узмоқ, VIII اِنْتَكَثَ риоя қилмай қўймоқ, бузилмоқ

– نَاكِثٌ 1) риоя қилмай қўйган; 2) аҳдини бузувчи, ўз сўзида турмайдиган

– نَكْثٌ риоя қилмаслик; ~ الْعَهْدِ ваъдани (келишувни) бузиш

– نَكِيثَةٌ *кўп.* نَكَائِثُ 1) риоя қилмаслик; 2) кучи етганича тиришиш; 3) табиат, феъл-атвор; 4) қийинчилик, қийин иш

I **نَكَحَ** (*a,u*) نِكَاحٌ 1) никоҳланмоқ, уйланмоқ, турмушга чиқмоқ; 2) қовушмоқ, жинсий алоқа қилмоқ; IV أَنْكَحَ уйлантирмоқ; турмушга бермоқ

– مَنَاكِحُ *кўп.* аёллар

– نِكَاحٌ *кўп.* أَنْكِحَةٌ 1) никоҳ; 2) қўшилиш, жинсий алоқа қилиш

I **نَكِدَ** (*a*) نَكَدٌ 1) қийин бўлмоқ, вазмин бўлмоқ (*ҳаёт ҳақида*); 2) бахтсиз бўлмоқ, бадбахт бўлмоқ; II نَكَّدَ 1) қийнамоқ, вазмин қилмоқ, қийинлаштирмоқ; 2) (*к. нидир*) бадбахт қилмоқ (عَلَى); III نَاكَدَ машаққатга қўймоқ, машаққатга солмоқ; жонга тегмоқ, безор қилмоқ, дилни сиёҳ қилмоқ, қасдма-қасдга бирор иш қилмоқ; V تَنَكَّدَ 1) қийин бўлмоқ, вазмин бўлмоқ; 2) бахтсиз бўлмоқ, бадбахт бўлмоқ; VI تَنَاكَدَ бир-бирига ёмонлик қилмоқ

– أَنْكَدُ *мн.* نَكْدَاءُ *кўп.* نُكْدٌ 1) бахти қора, пешонаси шўр; الْعَيْشُ ~ бахтсиз ҳаёт; 2) яхшилик қилмайдиган, яхшилик қилишни ўйламайдиган

– مُنَاكَدَةٌ *кўп.* اتٌ машаққатга қўйиш; жонга тегиш, безор бўлиш; кўнгилсиз воқеа, нохуш воқеа

– مُنَكَّدٌ бахтсиз, бадбахт

– مَنْكُودٌ жуда хафа бўлган, ранжиган; бахтсиз, бадбахт; ~ الْحَظِّ бахти қора

– نَكَدٌ 1) оғирлик, вазминлик; омадсизлик, муваффақиятсизлик; бахтсизлик; ... ~ الطَّالِعِ أَنْ وَ مِنْ бахтга қарши, ...

– نَكِدٌ *кўп.* أَنْكَادٌ, مَنَاكِيدُ 1) оғир, вазмин; 2) серзарда, жиртаки, жиззаки; ўжар, қайсар, терс; 3) яхшилик қилмайдиган; ~ رَجُلٌ яхшилик қилишни ўйламайдиган одам

I **نَكِرَ** (*a*) نَكَرٌ, نُكْرٌ, نَكِيرٌ 1) билмай қолмоқ; 2) танимай қолмоқ; 3) тан олмай турмоқ, инкор қилмоқ; لِلْجَمِيلِ ~ яхшиликни билмайдиган бўлмоқ, қадр-қимматга етмайдиган бўлмоқ; 4) маъқулламай турмоқ; II نَكَّرَ 1) таниб бўлмайдиган даражага келтирмоқ; яширмоқ, ниқобламоқ; 2) *грам.* отни ноаниқ ҳолатга ўзгартирмоқ; III نَاكَرَ 1) курашмоқ; 2) маъқулламай турмоқ, салбий муносабатда бўлмоқ; IV أَنْكَرَ тан олмай қўймоқ, танимай қолмоқ; инкор этмоқ; рад этмоқ, қайтармоқ, тонмоқ, қайтмоқ; ~ ابْنَهُ ўз ўғлидан воз кечмоқ; 2) (*к. гадир*) танбеҳ бермоқ (عَلَى); 3) маъқулламай қуймоқ, (*н. нидир*) ўзига номуносиб ҳисобламоқ; ~ لَمْ يُنْكِرْ شَيْئًا جَهَامَةً مِنْ أُمِّهِ онасининг юзидаги тундлик унга ёқмади; وَ أَوَّلَ الْأَمْرِ аввалига у ўзи учун ҳеч қандай ёмон нарса кўрмади; يُنْكِرُهُ النَّاسُ ...ганда кўзларингга ишонмайсан; تُنْكِرُ عَيْنَيْكَ حِينَ ... у одамларнинг аксидир; V تَنَكَّرَ (*к. дир*) таний олмайдиган бўлиб кетмоқ (لِـ); 2) ўзини таниб бўлмайдиган қилиб олмоқ; кийимни ўзартирмоқ, ниқобланмоқ; ~ تْ فِي مَلَابِسِ الرِّجَالِ у (аёл) эркаклар кийимини кийиб олди; 3) яширинмоқ; 4) тахаллус билан нашр эттирмоқ; 5) *грам.* ноаниқ ҳолатда бўлмоқ; 6) (*бирор к. ёки н. га нисбатан*) салбий муносабатда бўлмоқ (لِـ); (*н. дандир*) тонмоқ, қайтмоқ (لِـ); 7) (*бирор к. билан*) ихтилофда бўлмоқ, (*к. гадир*) зид бўлмоқ (لِـ); يَتَنَكَّرُ هَذَا لِكُلِّ حَقِيقَةٍ مَوْضُوعِيَّةٍ бу ҳар қандай объектив ҳақиқатга зиддир; 8) (*к. дандир*) четлашмоқ, ўзини четга тортмоқ (لِـ); 9) (*к. дандир*) жаҳли чиқмоқ, ғазабланмоқ, дарғазаб бўлмоқ, аччиқланмоқ (لِـ); لَهُمُ الدَّهْرُ ~ қисматнинг зулмини улар кўп кўришган; VI تَنَاكَرَ 1) бир-бири билан зиддиятда бўлмоқ; 2) ўзини билмасликка, танимасликка солмоқ; 3) инкор қилмоқ, бекор қилмоқ; X اسْتَنْكَرَ 1) салбий, бемаъни деб билмоқ; инкор қилмоқ; 2) тан олмай қўймоқ, эътиборсиз қолдирмоқ, аҳамият бермай қўймоқ; 3) билмай қолмоқ

– اسْتِنْكَارٌ инкор қилиш, маъқулламаслик

– إِنْكَارٌ инкор қилиш, тан олмаслик; ~ الْجَمِيلِ яхшиликни билмаслик; ~ الذَّاتِ ўз манфаатидан кечиш, ўзидан (ўз жонидан) кечиш, фидокорлик, жонбозлик

– أَنْكَرُ *мн.* نَكْرَاءُ 1) ярамас, хунук,жирканч, чиркин; 2) катта, улкан (*офат ҳақида*); نَكْبَةٌ نَكْرَاءُ катта бахтсизлик

– تَنْكَارٌ маъқулламаслик, танбеҳ бериш

– تَنَكُّرٌ 1) яшириниш; кийимни ўзгартириш, ниқобланиш; حَفْلَةُ ~ الـ маскарад, маскараддагидек кийим кийиб ўтказиладиган тантана; قِنَاعُ الـ маскарадда кийиладиган ниқоб; لِبَاسُ الـ маскарад кийими; 2) *грам.* ноаниқлик, ноаниқ ҳолат (*отларда*)

– تَنَكُّرِيٌّ кийим алмаштиришга оид; ниқобли, ниқобланган; حَفْلَةٌ رَقْصٍ ~ ниқоб кийиб ўтказиладиган кеча, маскарад

– تَنْكِيرٌ 1) бекитиш, яшириш; 2) ниқоблаш, ниқоб тортиш, ниқоб кийиш; 3) *грам.* отни ноаниқ ҳолатга келтириш

– مُتَنَكِّرٌ 1) кийимни ўзгартирган; 2) ниқоб тортилган, ниқобли; 3) грим қилинган, гримли; ◊ ~ اِ ўзини билдирмаслик учун бошқа фамилия билан юрувчи шахс

– مُسْتَنْكَرٌ 1) маъқулланмаган, танбеҳ берилган; номувофиқ; 2) ярамас, хунук, жирканч; бемаъни

– مُسْتَنْكِرٌ маъқулламовчи, қораловчи

– مُنَكَّرٌ *грам.* ноаниқ ҳолатдаги

– مُنْكَرٌ 1) танбеҳ олишга лойиқ; номуносиб, тўғри келмайдиган; 2) ярамас, бемаъни, жирканч, гуноҳкор, айбли, нахс, иллатли, уятли; 3) инкор этиладиган; 4) *дин.* Мункар (*ўлим фариштасининг номи*); ~ وَ نَكِيرٌ Мункар ва Накир (*қабрга қўйилган кишини сўроққа тутадиган икки фариштанинг исмлари*)

– مُنْكَرَاتٌ *кўп.* бемаъни қилиқлар, адабсизлик, ахлоқсизлик, қабиҳлик, разолат

– مَنْكُورٌ 1) номаълум, ноаниқ; ~ غَيْرُ яшириб бўлмайдиган, очиқ-ойдин; 2) инкор этиладиган; ~ فَضْلٌ غَيْرُ инкор этиб бўлмайдиган фазилат

– نَاكِرٌ тан олмовчи, инкор қилувчи; ~ الْجَمِيلِ яхшиликни **билмайдиган**

– نُكْرٌ 1) инкор этиш, тан олмаслик; 2) нохушлик; 3) қулоқ эшитмаган бемаънилик; ~ الْعُرْفُ وَ ال~ яхшилик ва ёмонлик

– نُكْرَانٌ инкор этиш; ... أَنْ ~ لاَ... шуни инкор этиб бўлмайдики, ..., ... ни инкор қилиб бўлмайди; ~ الْمَعْرُوفِ ~ *ёки* ~ الْجَمِيلِ яхшиликни билмаслик; ~ الذَّاتِ ўз манфаатидан кечиш, ўз жонидан кечиш, фидокорлик, жонбозлик; ~ بِـ жонбозлик билан

– نَكِرَةٌ 1) номаълум, ноаниқ; 2) *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) номаълум шахс; кўп сўзламай бажариладиган иккинчи даражали ролни ижро этувчи артистлар; 3) *грам.* ноаниқ ҳолатдаги от

– نَكِيرٌ 1) инкор қилинган; 2) номаълум; 3) танбеҳ остида қолган, ёмон; 4) инкор, инкор қилиш; тан олмаслик; ~ عَلَيْهِ الـ шундай кимнидир қаттиқ таъқиб қилмоқ; ~ أَقَامَ عَلَيْهِ الـ кимнидир таъқиб қила бошламоқ; 5) Накир (*фариштадардан бирининг номи; қар.* مُنْكَرٌ)

نَكْزٌ ҳазил қилмоқ, ҳазиллашмоқ

– تَنَكُّزٌ = انْسِدَادِيٌّ ~ *мед.* инфаркт

– نَكْزَةٌ[1] 1) ҳазиллашиш, ҳазил қилиш, 2) ҳазил

– نَكْزَةٌ[2] *мед.* айрим тўқима *ёки* суякларнинг ўлик ҳолга келиши, некроз

I **نَكَزَ** (*у*) نَكْزٌ найзали нағал билан ҳайдамоқ, тезлатмоқ (*мас, отни ниқтаганда*), санчимоқ, найза суқмоқ; чақмоқ (*илон ҳақида*)

– نَكَّازٌ *кўп* نَكَاكِيزُ қумда *ёки* чўлда яшайдиган бўғма илон

I **نَكَسَ** (*у*) نَكْسٌ 1) ағдармоқ, тўнтармоқ; 2) энгаштирмоқ, эгмоқ; (رَأْسَهُ) الرَّأْسَ ~ (*мас. уятдан*) бошини қуйи солмоқ; 3) касалликни **қўзғатмоқ,қўзитмоқ**; 4) نُكْسٌ а) касали **қайталанмоқ**; б) оёғи билан (***боши билан эмас***) туғилмоқ (*бола ҳақда*); 5) (*н. нидир*) тескари **тартиб билан бажармоқ**; II نَكَّسَ 1) ағдармоқ, тўнтармоқ; 2) **энгаштирмоқ, қуйи солмоқ**; رَأْسَهُ ~ бошни қуйи солмоқ; الْعَلَمَ ~ байроқни **энгаштириб қўймоқ**; 3) (*н. нингдир*) тартибини ўзгартирмоқ; V تَنَكَّسَ **1) қуйи туширилмоқ**, 2) насли бузилмоқ, нави (сорти) **айнимоқ**; VIII انْتَكَسَ **1) тўнтарилмоқ**, ағдарилмоқ; бош билан тушмоқ; 2) **касал қайтарилмоқ, янгидан** касал бўлмоқ; 3) орқага юрмоқ; **4) насли бузилмоқ, нави (сорти) айнимоқ**

– انْتِكَاسٌ 1) бирор **нарсанинг такрорланиши**; 2) наслнинг бузилиши, навнинг **айниши**; *биол.* **бирор** катталашган одам аъзосининг асл ҳолига **қайтиши, инволюция**

– انْتِكَاسَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ бирор **нарсанинг такрорланиш ҳодисаси**

– انْتِكَاسِيٌّ наслнинг, навнинг **бузилишига оид**

– تَنَكُّسٌ наслнинг бузилиши, **дегенерация**

– مُنْتَكِسٌ 1) ағдарилган, тўнтарилган; 2) **насли бузилган**, айниган

– مُنَكَّسٌ **насли айниган**, бузилган киши

– مَنْكُوسٌ 1) ағдарилган, тўнтарилган; ~ اِ **орқа томон билан**, нариги томондан; орқа билан; тескари **томондан; 2) такрорий**, қайталанган

– نَاكِسٌ 1) орқага қайтаётган; 2) **қайталанган** (***касаллик ҳақида***); ~ الْحُمَّى الـ ـَةُ *мед.* кун оралатиб, **кун ошиб тутадиган** безгак; 3) қуйи солинган, осилтириб қўйилган; ~ الرَّأْسِ **боши қуйи** солинган (*киши*)

– نَكْسٌ ағдариш, тўнтариш; ◊ !~ اِ وَ لَهُ تَعْسًا *ҳаё* **йўқ** бўлсин!

– نُكْسٌ касалликнинг қайталаниши

– نَكْسَةٌ *кўп.* نَكَسَاتٌ 1) ағдариш, тўнтариш, 2) қайталаниш, қўзиш, касалликнинг қайталаниши; 3) **омадсизлик, мағлубият**; مُنِيَ ~ هَذَا الشَّعْبُ بِـ бу халқ мағлуб бўлди; ~ قَاسِيَةٌ كَانَ هَذَا бу ...га тушган қаттиқ зарба бўлди; 4) турғунлик, касодлик, орқага қайтиш, кейинга кетиш, инқироз, таназзул; ~ اقْتِصَادِيَّةٌ الْبِلاَدُ تُعَانِي мамлакат иқтисодий турғунликни бошдан кечирмоқда

I **نَكَشَ** (*и/у*) نَكْشٌ 1) (*сочни*) тўзитмоқ, пахмайтирмоқ, ҳурпайтирмоқ; 2) (*н. ларни*) сочиб ташламоқ, титиб ташламоқ, титкилаб ташламоқ, қоқмоқ, силкитмоқ; 3) (*бирор н. билан*) тозаламоқ, тозалаб чиқмоқ (ـِ). أُذُنَهُ بِعُودٍ ~ қулоқни гугурт донаси билан тозаламоқ; VIII انْتَكَشَ (*мас., қудуқни*) тозаламоқ

– مِنْكَاشٌ *кўп.* مَنَاكِيشُ тозалаш қуроли; ~ الْأَسْنَانِ тиш тозалағич; ~ النَّارِ косов

– مَنْكُوشٌ пахмайган, ҳурпайган, бетартиб; ~ الشَّعْرِ сочи пахмоқ, пахмоқ сочли

I **نَكَصَ** (*и*) نُكُوصٌ ,نَكْصٌ 1) (*қаердандир*) чекинмоқ (عَنْ); 2) тисланмоқ, тисарилмоқ, орқага юрмоқ, кетга кетмоқ (юрмоқ); ~ عَلَى عَقِبَيْهِ *ёки* عَلَى الْأَعْقَابِ орқага тисартирмоқ, сўзидан

I **هَرَبَ** (*u*) هَرْبٌ, هَرَبٌ, هُرُوبٌ югурмоқ, қочиб кетмоқ; *шунингдек:* ~ مِنَ الْجُنْدِيَّة дезертирлик қилмоқ, ҳарбий хизматдан қочмоқ; ~ مِنَ الْمَدْرَسَة мактабдан қочиб кетмоқ, дарсга бормаслик; ~ بِجِلْدِه *маж.* ўз жонини қутқармоқ II هَرَّبَ 1) қочишга ёрдам бермоқ; 2) тумтарақай қилиб юбормоқ; 3) *юр* (*маҳбусни, қамоққа олинган кишини*) ғайриқонуний равишда озод қилмоқ; 4) (*хатга олинган*) нарсаларни ғайриқонуний равишда олиб қўймоқ; 5) яширинча (*контрабанда йўли билан*) ташимоқ, олиб келмоқ, олиб кетмоқ; ◊ الْمُتَوَفَّى مِنَ الدُّنْيَا بِلَا تَصْرِيحٍ ~ марҳумни рухсатсиз дафн этмоқ; مَوْلُودًا إِلَى الدُّنْيَا بِلَا تَصْرِيحٍ ~ янги туғилган болани рўйхатдан ўтказмаслик; IV أَهْرَبَ 1) қочирмоқ, қочишга ёрдам бермоқ; 2) қўрқиб қочиб қолмоқ, қўрқиб жуфтакни ростламоқ; V تَهَرَّبَ 1) (*н. дандир*) бўйин товламоқ, ўзини четга тортмоқ (олмоқ) (مِنْ); ~ مِنْ مَسْؤُولِيَّةٍ масъулиятдан ўзини четга олмоқ; 2) қутулиш чорасини изламоқ; чора қидирмоқ; VI تَهَارَبَ бирга қочмоқ; бирга қочиб қутулмоқ

– تَهْرِيبٌ 1) қочишга қилинган ёрдам; 2) тумтарақай бўлиш; 3) *юр.* (*маҳбусни*) ғайриқонуний озод қилиш; 4) ғайриқонуний мол олиб кириш (чиқиш) (контрабанда); ~ الْبَضَائِعِ اشْتَغَلَ بِـ контрабанда билан шуғулланмоқ

– مَهْرَبٌ *кўп.* مَهَارِبُ 1) яширинадиган жой, бошпана; 2) четга тортиш, қутулиш; ~ لَا مِنْهُ чорасиз, албатта юз берадиган; لَمْ يَجِدْ ~اً مِنْ ... у ...дан қутула олмади; 3) чора, илож, йўл

– مُهَرَّبٌ контрабанда йўли билан олиб келинган (олиб кетилган)

– مُهَرِّبٌ контрабандачи, контрабандист

– مُهَرَّبَاتٌ *кўп.* контрабанда моллари (*товарлари*)

– هَارِبٌ[1] қочиб кетаётган; қочган; 2. қочқин; ~ مِنَ الْجُنْدِيَّة дизертир (*ҳарбий хизматдан қочган киши*)

– هَارِبٌ[2] арфа (*торли музика асбоби*)

– هِرَابٌ кил (*кеманинг тубини маҳкам тутиб турувчи узунасига жойлашган тўсин*)

– هَرَبٌ 1) қочиш, тумтарақай бўлиш; ~ إِلَى الْـ أَرْكَنَ тумтарақай бўлмоқ; 2) дизертирлик

– هُرُوبٌ = هَرَبٌ

هَرْبَدَ йиртмоқ, майдалаб йиртиб ташламоқ تَهَرْبَدَ йиртилмоқ, майдаланиб йиртилиб ташланмоқ

– هَرْبَدَةٌ майдалаб йиртиб ташлаш

هَرْبِذٌ кўп. هَرَابِذُ, هَرَابِذَةٌ *дин;* ўтпарастлар ибодатхонаси руҳонийси

I **هَرَتَ** (*u*) هَرْتٌ йиртмоқ, бўлак-бўлак қилиб йиртиб ташламоқ

I **هَرَجَ** (*u*) هَرْجٌ кучли ҳаяжонга тушмоқ, тўлқинланмоқ; ~ فِي الْحَدِيثِ кўп ва тушунарсиз гапирмоқ II هَرَّجَ (*к. гадир*) бақириб ҳаяжонлантирмоқ, аччиқлантирмоқ, ғашини келтирмоқ (ب); 2) ҳазиллашмоқ, кулдирмоқ; 3) маст қилмоқ (*май. вино ҳақида*); VI تَهَارَجَ ҳаяжонга келмоқ, тўлқинланмоқ (*оломон ҳақида*)

– تَهْرِيجٌ 1) ҳаяжон; 2) мастлик; 3) (*к. нигадир*) ғашини келтириш (ب); 4) кўп сўзли ва бемаъни гап

– مُهَرِّجٌ 1) ҳазилкаш; 2) қизиқчи, мазхарабоз

– هَرْجٌ ҳаяжон, тўлқинланиш, шовқин-сурон; ~ وَ مَرْجٌ кучли ҳаяжон, бошбошдоқлик

هَرْجَلَ 1) катта-катта қадам ташлаб юрмоқ; 2) оёқни зўрға судрамоқ, судралиб юрмоқ; 3) тавакалига ҳаракат қилмоқ

– مُهَرْجَلٌ тартибсиз, бош-учи йўқ; алғов-далғов

– هَرْجَلَةٌ 1) катта-катта қадам ташлаб юриш; 2) тавакалчилик

~ ـــ تَسْلُكْ طَرِيقَ الْـــ таваккалига йўл тутма!; 3) *кўп.* اتٌ ـــ тартибсизлик, бош-ўчи **йўқлик, алғов-далғовлик**, чалкашлик

I **هَرَدَ** (*и*) هَرْدٌ **йиртмоқ, йиртиб ташламоқ** (*мас., кийимни*)

هَرْدَ بَشْتٌ 1) бемаъни, бўлмағур гап, тутуруқсиз гап; 2) эски-туски, ташландиқ нарсалар

هَرْدَمَ бузмоқ, бузиб ташламоқ (*бинони, қурилишни*)

– هَرْدَمَةٌ бузиш, бузиб ташлаш (*бинони*)

– هَرْدُومَةٌ парча, синиқ

I **هَرَسَ** (*у*) هَرْسٌ 1) майдаламоқ, янчмоқ, талқон қилиб туймоқ; 2) эзмоқ, ийламоқ (*мас., пишган картошкани*); 3) лат едирмоқ, шикастламоқ; к онтузияламоқ (*ташқи жароҳатсиз шикаст етказмоқ*); الطَّعَامَ ~ икки лўнжни тўлдириб овқат емоқ; VII اِنْهَرَسَ 1) майдаланган бўлмоқ; 2) эзилган, ийланган бўлмоқ

– مِهْرَاسٌ кўп. مَهَارِيسُ ҳовонча

– مَهْرُوسٌ 1) майдаланган, туйилган; 2) эзилган, ийланган; ~ بَطَاطِسٌ пюре (*картошкадан эзиб тайёрланган бўтқа*)

– هَرَّاسٌ 1) каток, ғалтак машина (*ер текислаш, асфальт ётқизиш учун*); ҳариса таомини тайёрловчи ошпаз (*қар.* هَرِيسَةٌ)

– هَرَّاسَةٌ кўп. اتٌ ـــ тери ийлайдиган, юмшатадиган қурилма; майдалаш машинаси; ~ بُخَارِيَّةٌ механик ғалтак машина (*қўлда ҳаракатлантириладиган ер текисловчи, асфальт ётқизувчи асбоб*)

– هَرِيسَةٌ ҳариса (а) *қайнатиб пиширилиб, гўшт ва қайнатилган буғдойдан тайёрланадиган овқат; б) ун, ёғ ва шакардан тайёрланадиган ширинлик*)

I (هرش) **هَرَشَ** (*у*) هَرْشٌ тимдаламоқ, қашимоқ; رَأْسَهُ ~ бош қашимоқ (*қийинчилик пайтида*); هَرِشَ (а) هَرَشٌ баджаҳл. жаҳлдор бўлмоқ; II هَرَّشَ гиж-гижламоқ; (*к. нингдир ўртасига*) душманлик уруғини сепмоқ, ёвлик келтириб чиқармоқ (بَيْنَ); II III هَارَشَ 1) бир-бирига гиж-гижламоқ (*мас. хўрозларни*); 2) ўзаро тўполон, югур-югур қилмоқ, бақир-чақир қилиб ўйнамоқ; 3) тўқнашмоқ, тўқнаш, зид келиб қолмоқ; VI تَهَارَشَ 1) урушмоқ, тишлашмоқ, ғажишмоқ (*итлар ҳақида*); 2) ҳазиллашмоқ, ўйнамоқ

– مُهَارَشَةٌ 1) кураш, жанг, муштлашиш; 2) югур-югур, ўйин

– مَهْرُوشٌ эскирган; сийқаси чиққан (*босмахонадаги қуйма ҳарфлар - литерлар ҳақида*)

– مُهَارَشَةٌ = هِرَاشٌ

– هَرْشٌ 1) тимдалаш; 2) *мед.* қичима; 3) эскирганлик, ишдан чиққанлик; 4) *тех.* ейилиш, сийқаланиш, эскириш

هَرْشَفَةٌ *кўп* اتٌ ـــ (*намликни ҳўлликни артиш учун ишлатиладиган*) латта

هَرْطَقَ кофир бўлмоқ

– هَرْطَقَةٌ кофирлик

– هَرْطُوقِيٌّ *кўп.* هَرَاطِقَةٌ кофир

هَرْطُمَانٌ, هُرْطُمَانٌ арпа

I **هَرَعَ** (*а*) هَرَعٌ *ёки* هَرِعَ (*а*) هَرَعٌ *шунингдек, мажх.* (يُهْرَعُ) هُرِعَ (*қаергадир*) (إِلَى) югурмоқ, чопмоқ, шошмоқ IV أَهْرَعَ *шунингдек, мажх.* أُهْرِعَ шошилмоқ

– هَرَعٌ, هُرَاعٌ тез юриш, тез югириш

I **هَرَفَ** (*и*) هَرْفٌ 1) мақтамоқ; 2) (*н. нидир, н. ҳақдадир*) гапириб, жавраб ўтирмоқ, гап сотмоқ (ب); لَا تَهْرِفْ بِمَا لَا تَعْرِفُ ўзинг билмаган нарса ҳақида жаврама!

I **هَرَقَ** (*а*) هَرْقٌ оқизмоқ, тўкмоқ; IV أَهْرَقَ *ёки* هَرَاقَ (يُهَرِيقُ) *ёки* أَهْرَاقَ (يُهْرِيقُ) = I; أُهْرِقَ دَمُهُ унинг қони тўкилди; *сол. шунингдек:* أَرَاقَ; XII اهْرَوْرَقَ оқмоқ, тўкилмоқ (*мас., кўз ёшлари ҳақида*)

– إِهْرَاقٌ тўкиш; оқизиш; ~ الدِّمَاءِ қон тўкиш

– إِهْرَاقَةٌ = إِهْرَاقٌ

– مُهْرَقٌ[1], مُهْرَاقٌ тўкилган, оқизилган

– مُهْرَقٌ[2] *кўп.* مَهَارِقُ 1) ялтироқ қоғоз; 2) папурус (*қадимий қоғоз тури*); пергамент (*сув ва ёғ шимадиган қоғоз*), 3) ҳужжат, документ

– مُهْرُقَانٌ, مَهْرَقَانٌ, مُهْرَفَانٌ денгиз қирғоғи, соҳил

– مُهْرِيقٌ оқизувчи, тўкувчи

– هِرَاقَةٌ = إِهْرَاقٌ; ~ الدِّمَاءِ қон тўкувчи

– هِرَقْلُ ёки هِرْقِلُ 1) *ат. от, мз*, Ираклий; 2) *миф., ат. от, мз.* Геркулес, Геракль; 3) *кўп.* هَرَاقِلَةٌ *маж.* баҳодир, паҳлавон

– هِرَقْلِيٌّ баҳодирга, паҳлавонга оид

– هَرَاكِلَةٌ *кўп.* هَرَاكِيلُ ҳарокила (*қорин териси қат-қат бўлиб букланган-тиришган катта кит*)

هَرْكَنَ 1) кийиб эскитмоқ; 2) бузмоқ, вайрон қилмоқ

I (هرم) **هَرَمَ** (*а*) هَرَمٌ қартаймоқ, мўнкиллаб қолмоқ, кексаймоқ; هَرَمَ (*и*) هَرْمٌ майдаламоқ, увоқламоқ; II هَرَّمَ 1) майдаламоқ, увоқламоқ, майда бўлак қилиб кесмоқ; 2) қаритмоқ, мўнкиллаган қилмоқ, мўнкиллатмоқ; IV أَهْرَمَ қаритмоқ, мўнкиллаган қилмоқ

– أَهْرَامَاتٌ *кўп.* эҳромлар гуруҳи, пирамидалар гуруҳи

– تَهْرِيمٌ майдалаш, увоқлаш

– تَهْرِيمَةٌ деворнинг юқори (тепа) қисми

– مَهْرَمَةٌ кечқурун овқат емаслик, кечқурунлик қилмаслик

– هَرَّامَةٌ кўп. اتٌ ـــ 1) ошпичоқ, дасткалла

– هَرَمٌ[1] мўнкиллаганлик, қаригандаги бемадорлик, бекувватлик

– هَرَمٌ[2] *кўп.* أَهْرَامٌ 1) эҳром, пирамида; أَهْرَامُ مِصْرَ Миср эҳромлари, пирамидалари; ~ خُوفُو Хуфу (Хеопс) эҳроми (пирамидаси); ~ الْـــ الْمُدَرَّجُ *қар.* هَرَمُ أَسْوَانَ الأَكْبَرُ; هَرَمُ *маж.* Катта Асвон тўғони; الأَهْرَامُ «Ал- Аҳром" (*Мисрдаги газета номи*);

2) *мат.* пирамида; مَقْطُوعٌ ~ кесик пирамида

– هَرِمٌ жуда қари, жуда мўнкиллаган; ~ ـَةٌ مَرْأَةٌ ـــ шум кампир, жодугар, қари алвасти; ~ ـَةٌ إِنَّهَا بِنْتٌ ـــ а) у ахир кампир-ку; б) у (аёл) синчков, ҳар нарсага қизиқувчидир

– هُرْمَانٌ ақл, заковат

– هَرَمِيٌّ пирамида шаклида, пирамидага ўхшаш; الْعَضَلَةُ الْـــَـــةُ ~ *анат.* пирамида мушак; الشَّكْلُ الْـــَـــةُ ~ *мат.* пирамида

هَرْمَسَ қош чимирмоқ; ҳўмраймоқ, қовоқ солмоқ

هُرْمُونٌ кўп. اتٌ ـــ гормон; عِلْمُ الْهُرْمُونَاتِ эндокринология

هَرْهَرَ 1) қимирлатмоқ, жилдирмоқ; 2) (*н. нингдир*) устига бостириб бормоқ (عَلَى); (*к. гадир*) ташланмоқ (عَلَى); 3) оқмоқ, оқиб турмоқ

– هَرْهَرَةٌ 1) қимирлатиш, жилдириш; 2) бостириб бориш, ҳужум қилиш

I (هرو) **هَرَا** (*у*) هَرْوٌ 1) калтак, сўйил, тўқмоқ билан урмоқ; 2) йиртмоқ, йиртиб ташламоқ; эскитмоқ

– هِرَاوَةٌ *кўп.* هِرَاوَى катта калтак (сўйил, таёқ), тўқмоқ; катта таёқ, асо

هَرْوَلَ (*қаергадир*) шошмоқ, югурмоқ (إِلَى)

– هَرْوَلَةٌ тез югуриш

– هَارُونُ = هَرُونُ

هِرُوِينٌ героин (*наркотик модда*)

I **هَرَى** (*и*) هَرْيٌ 1) сўйил, тўқмоқ билан урмоқ; 2) йиртмоқ, йиртиб ташламоқ, бўлак- бўлак қилиб йиртмоқ; эскитмоқ; V تَهَرَّى йиртилмоқ, йиртиб ташланмоқ, эскитилмоқ; VII انْهَرَى йиртилган, парча-бурон қилинган, эскитилган бўлмоқ; VIII اهْتَرَى = V

– مَهْرِيٌّ юритилган, эскирган

– هَرَايَةٌ сув тўплаш мақсадида қоя ичига ўйилган ҳовузча

– هُرْيٌ *кўп.* أَهْرَاءٌ омбор. ғалла сақланадиган жой, الْحُبُوبِ ~ элеватор (*механизациялаштирилган катта ғалла омбори*)

– هُرِيَّةٌ йиртилган, йиртиқ, эски эскирган

I **هَزَّ** (*а/у*) هَزٌّ 1) силкимоқ, силкитмоқ; тебрамоқ, тебратмоқ; ~ رَأْسَهُ бош чайқамоқ; ~ ذَيْلَهُ думни ликиллатмоқ; ~ كَتِفَيْهِ ёки ~ كَتِفَهُ елка қисмоқ; ~ يَدَهُ кимнингдир қўлини силкимоқ; ~ الْأُرْجُوحَةَ бешик тебратмоқ; ~ الضَّمِيرَ الْإِنْسَانِيَّ халқ фикрини (онгини) уйғотмоқ, мавжга келтирмоқ; 2) таъсир қилмоқ, раҳм-шафқат қўзғатмоқ; (*асабга*) тегмоқ; ~ الْأَعْصَابَ асабга тегмоқ, асабни қақшатмоқ; II هَزَّزَ силкимоқ, силкитмоқ, тебрамоқ, тебратмоқ; ~ رَأْسَهُ бош чайқамоқ; ~ ذَنَبَهُ думни ликиллатмоқ; ~ السَّيْفَ қилич ўйнамоқ; V تَهَزَّزَ силкитилмоқ; тебранмоқ, тебратилмоқ; VII انْهَزَّ ҳаракатга келтирилган бўлмоқ; VIII اهْتَزَّ 1) силкинмоқ; тебранмоқ, тебратилмоқ; вибрация қилдирмоқ (титрамоқ); 2) (*н. дандир*) титраб кетмоқ, безовталикка тушмоқ, дирилламоқ (لِـــ); فَرَحًا ~ севинчдан, шодликдан ўзини унутмоқ; ... اهْتَزَّ قَلْبُهُ إِلَى *мажх.* (*н. дандир*) қаттиқ (чуқур) таъсирланмоқ

– اهْتِزَازٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) тебраниш, вибрация; 2) титраш, титроқ, дириллаш

– مُهْتَزٌّ 1) титраётган; қалтираётган; вибрация бўлаётган; طَرَبًا ~ қаттиқ таъсирланган, қойил қолган; 2. *дин.* титровчи (*Россиядаги диний мазҳаб*)

– مِهَزَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ катта сим ғалвир, ғалвирмашина, ғалвир

– مَهْزُوزٌ титраётган, титратилган

– هَزَّازٌ 1. 1) тебранаётган; ~ كُرْسِيٌّ тебранғич курси; 2) титрайдиган; 2. *тех.* вибратор

– هَزَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) тебратиш, тебраниш; 2) титраб кетиш; қалқиш; ларзага келиш; ~ سِيَاسِيَّةٌ أَحْدَثَ сиёсий шов-шув чиқармоқ; 3) *шунингдек:* ~ أَرْضِيَّةٌ ерости тебраниши

– هِزَّةٌ 1) қизиқиш, ҳаяжонланиш; 2) катта завқ, шавқ

– هَزِيزٌ (*момақалдироқ*) гумбурлаши

I (هَزَأَ) **هَزَأَ** (*а*) هُزْءٌ, هُزُوءٌ *ёки* هَزِئَ (*а*) هَزْأٌ 1) (*к. нингдир устидан*) кулмоқ, масхараламоқ, таҳқирламоқ (بِـ, مِنْ); 2) (*бирор н.-га*) беписанд, эътиборсиз бўлмоқ (بِـ, مِنْ); V تَهَزَّأَ 1) (*бирор к. ёки н. дан*) кулмоқ; масхараламоқ, таҳқирламоқ (بِـ, مِنْ); 2) (*н. гадир*) эътиборсиз муносабатда бўлмоқ (بِـ, مِنْ); X اسْتَهْزَأَ 1) истеҳзо қилмоқ, кулмоқ, устидан кулмоқ, масхараламоқ; 2) (*бирор н. га*) нафрат билан, беписанд муносабатда бўлмоқ (بِـ, مِنْ); 3) менсимай, қўпол муносабатда бўлмоқ

– اسْتِهْزَاءٌ 1) истеҳзо, масхаралаш, таҳқирлаш; 2) кулиш; кулиб, масхаралаш

– مُسْتَهْزِئٌ 1. 1) масхараловчи, таҳқирловчи; хўрловчи; 2) куладиган; ـــَـــ ~ кулгили; кулиб, кулган ҳолда. 2) кулувчи

– مَهْزَأَةٌ 1) кулги; 2) кулинадиган, кулгили

– هَازِئٌ кулувчи

– هُزْءٌ, هُزْءٌ, هَزْءٌ кулиш; таҳқирлаш

– هُزْأَةٌ кулгили, кулинадиган нарса

– هُزَأَةٌ = هَازِئٌ

– هُزْئِيٌّ кулгили

هِزَبْرٌ *ёки* هِزْبَرٌ *кўп.* هَزَابِرُ шер; ~ رَجُلٌ баланд бўйли, бақувват одам, полвон

I **هَزَجَ** (*а*) هَزْجٌ куйламоқ, жаранглаган овоз чиқармоқ; II هَزَّجَ куйламоқ, қўшиқ айтмоқ

– أُهْزُوجَةٌ *кўп.* أَهَازِيجُ қўшиқ; تَرْتَفِعُ الْأَهَازِيجُ ҳамма ёқдан қўшиқлар эшитиларди, ҳамма ёқ қўшиққа тўлиб кетган эди

– هَازِجَةٌ *зоол.* қорамтир (кулранг) патли кичкина қушча

– هَزَجٌ кўп. أَهْزَاجٌ 1) шовқин, гулдираш; 2) ҳазаж (*аруздаги шеърий баҳр номи*)

I هَزَرَ (*u*) هَزْرٌ кулмоқ, ҳазиллашмоқ; II هَزَّرَ ҳазил қилмоқ, ҳазиллашмоқ

– هَزَارٌ *кўп.* ـَاتٌ — булбул

– هَزَارٌ 1) ҳазил, ҳазиллашиб қилинган қилиқ; 2) бемаъни гап, қилиқ

I هَزَعَ (*a*) هَزْعٌ шошмоқ, шошилмоқ; V تَهَزَّعَ = I

– هَزِيعٌ туннинг тонгга яқин қисми; اَلْأَوَّلُ مِنَ اللَّيْلِ ~ اَلـ туннинг биринчи хўроз қичқирган пайти; اَلْأَخِيرُ مِنَ اللَّيْلِ ~ اَلـ туннинг охирги хўроз қичқирган пайти

I (هزل) هَزَلَ (*u*) هَزْلٌ 1) ҳазил қилмоқ, ҳазиллашмоқ; 2) орик бўлмоқ; هَزِلَ (*a*) هَزَلٌ *ёки* هُزِلَ (يُهْزَلُ) هُزَالٌ орик, мадордан қолган бўлмоқ; ~ فِي كَلَامِهِ ҳазиллашмоқ, ҳазил гап қилмоқ; II هَزَّلَ мадорсизлантирмоқ, кучдан қолдирмоқ, чарчатмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; III هَازَلَ ўзаро ҳазиллашмоқ; IV أَهْزَلَ чарчатмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; VII اِنْهَزَلَ орик, озиб кетган бўлмоқ

– مَهْزَلَةٌ *кўп.* مَهَازِلُ комедия, юмористик ҳикоя

– مَهْزُولٌ *кўп.* مَهَازِيلُ орик, озиб кетган, қоқ суяк

– هَازِلٌ 1. ҳазил қилаётган, ҳазиллашаётган; 2) ҳазилкаш

– هَزَّالٌ ҳазилкаш

– هُزَالٌ ориқлик, озғинлик; ~ اَلْـ شَدِيدُ жуда орик

– هَزْلٌ, هُزْلٌ 1) ҳазил-ҳузул қилиш; 2) ҳазил; ~ اً ҳазиллашиб

– هَزِيلٌ = هَازِلٌ

– هَزْلَانُ озиб кетган; озғин, орик

– هَزْلِيٌّ комик, кулгили; юмористик; ~ ةٌ رِوَايَةٌ комедия; رِوَايَةٌ ~ ةٌ оперетта; صُورَةٌ ~ ةٌ карикатура

– هَزْلِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — комедия; غِنَائِيَّةٌ ~ оперетта

– هَزْلِيَّاتٌ *кўп.* ҳазил гаплар; кулгили ҳикоялар; ҳазиллар

– هَزِيلٌ *кўп.* هَزْلَى, هِزَالٌ 1) орик, мадорсиз; 2) ёмон; صُورَةٌ ~ ةٌ ... عَنْ (*бирор к. нинг*) кўримсиз, ночор нусхаси

– هَزَّيْلَى қўл чаққонлиги, фокус

I (هزم) هَزَمَ[1] (*u*) هَزْمٌ 1) тор-мор қилмоқ, зарба бермоқ, ғалаба қилмоқ; 2) мажх енгилмоқ, мағлуб бўлмоқ; هَزَمَ[2] (*u*) هَزِيمٌ 1) тебранмоқ, титрамоқ вибрация қилмоқ; 2) жарангламоқ, шовқинламоқ, гулдирамоқ; يَهْزِمُ الرَّعْدُ момақалдироқ гулдирамоқда; تَهْزِمُ الرِّيحُ шамол гувиллаётир; V تَهَزَّمَ дарангламоқ, диринглamoқ (*мас, ёй ипи ҳақида*); чириллаган овоз чиқармоқ, чирилламоқ; VII اِنْهَزَمَ 1) мағлуб бўлмоқ, тор-мор бўлмоқ; тум-тарақай бўлмоқ; 2) қўрқоқлик қилмоқ

– اِنْهِزَامٌ мағлубият, тор-морлик; тум-тарақай бўлиб қочиш

– اِنْهِزَامِيٌّ 1. мағлубиятга оид; 2. мағлуб

– اِنْهِزَامِيَّةٌ таслимчилик

– تَهْزِيمٌ товуш, овоз

– مَهْزُومٌ тор-мор бўлган, мағлубиятга учраган

– هَزْمٌ мағлубият, енгилиш

– هَزِيمٌ овоз, жаранг (*мас., торда, камон ипида*)

– هَزْمَةٌ кўп. هَزْمٌ, هُزُومٌ чуқурлик, пастлик

– هَزِيمٌ[1] 1) овоз, жаранг; гулдирак; шовқин; ~ اَلرَّعْدِ момақалдироқ гулдираши; ~ اَلرِّيحِ шамол гувиллаши; 2) тебраниш; ~ اَلْمَوْجَةِ *физ.* тўлқин тебраниши

– هَزِيمٌ[2] тор-мор қилинган, енгилган, мағлуб бўлган; тум-тарақай қилинган

– هَزِيمَةٌ *кўп.* هَزَائِمُ мағлубият, енгилиш, тор-мор бўлиш; نَصِيرُ ~ اَلْـ таслимчи

هَزْهَزَ 1) сурмоқ, жилдирамоқ; 2) титратмоқ, қалтиратмоқ; тебратмоқ; تَهَزْهَزَ титрамоқ, қалтирамоқ; тебранмоқ, силкинмоқ

– هُزْهُزٌ *кўп.* هَزَاهِزُ жонсарак; тез, ҳаракатчан

– هَزْهَزَةٌ 1) тебраниш, силкиниш; 2) ҳаяжон, изтироб

I (هسّ) هَسَّ (*a/y*) هَسٌّ синдирмоқ, бўлак-бўлак, парча-парча қилиб ташламоқ; هَسَّ (a/и) هَسِيسٌ шивирлаб гапирмоқ

– هُسُّ 1) секинроқ!, тсс!; 2) *отни тўхтатиш учун айтиладиган сўз*

– هَسِيسٌ шивирлаш

– هِسْتِيرِيَا жазава, истерия

– هِسْتِيرِيٌّ жазавага, истерияга оид

هَسْهَسَ вишилламоқ, жазилламоқ (*товада пишаётган гўшт ҳақида*)

– هُسْهُسٌ *жам.* чивинлар, искабтопарлар

– هَسْهَسَةٌ вишиллаш, жазиллаш

I (هشّ) هَشَّ[1] (*u/a*) هَشَاشَةٌ 1) хурсанд, шод бўлмоқ; 2) (*к. биландир*) илтифотли бўлмоқ (ـِلـ); (*к. гадир*) жилмаймоқ (ـِلـ); (*кимнидир*) хушмуомалалик билан кутиб олмоқ (ـِلـ); (*к. нинғдир олдига*) хурсандчилик билан бормоқ (إِلَى) هَشَّ[2] (a/и) هَشُوشَةٌ 1) нозик, мўрт бўлмоқ; 2) карсиллайдиган бўлмоқ (*нон ҳақида*); 3) юмшоқ, мулойим бўлмоқ; هَشَّ (a/y) هَشٌّ 1) (*бирор н. билан*) ҳайдамоқ, қувмоқ (ب); اَلْبَقَرَةَ ~ молни ҳайдамоқ; 2) (*бирор н. билан дарахтдаги*) баргларни қоқиб туширмоқ (ب); اَلشَّجَرَةَ ~ بِالْعَصَا дарахт баргларини калтак билан уриб туширмоқ; II هَشَّشَ хурсанд қилмоқ, шод қилмоқ; жонли қилмоқ, қизитиб юбормоқ

– هَاشٌ хушчақчақ, шодмон; باشٌ ~ хушчақчақ ва очиқ чеҳрали

– هَشٌّ 1) мўрт; қирсиллайдиган; уваланиб, уқаланиб кетадиган, тўкилиб кетадиган; ~ خُبْزٌ қирсиллайдиган нон; 2) юмшоқ, мулойим, хушфеъл; ~ الْمَكْسِرِ хушмуомала, кунгилочар; хизматга тайёр; мулойим, хушфеъл; 3) хушчақчақ, шодмон; 4) *шунингдек*: الْوَجْهِ ~ очиқ чеҳрали

– هِشّ! киш!

– هَشَاشٌ 1) мўрт,; қирсиллайдиган; 2) юмшоқ, мулойим

– هَشَاشَةٌ 1) хушчақчақлик, шодлик, хурсандлик; 2) очиқ чеҳралилик, шодмонлик

– هُشُوشَةٌ мўртлик

– هَشَاشٌ = هَشِيشٌ

(هشك) II هَشَّكَ бола боқмоқ, (бола) тебратмоқ; V تَهَشَّكَ тебратилмоқ, аллаланмоқ

I هَشَمَ (*u*) هَشْمٌ синдирмоқ, синдириб ташламоқ; II هَشَّمَ майда-майда қилиб синдириб ташламоқ; الذُّرَّةَ ~ атомни парчаламоқ; ~ الرَّأْسَ бошни мажақламоқ, ёрмоқ; V تَهَشَّمَ 1) бўлиниб, парчаланиб кетмоқ; 2) бузилмоқ; VII اِنْهَشَمَ бўлинган, парчаланиб кетган бўлмоқ

– تَهْشِيمٌ майда бўлакларга бўлиниш, парчаланиш; الذَّرَّةِ ~ атомнинг парчаланиши

– مُهَشَّمٌ парчаланган, мажақланган; ёрилган

– هَاشِمِيٌّ 1) Ҳошимийлар авлоди; ҳошимийларга оид; ~ مِيلٌ *қар.* مِيلٌ; 2. Ҳошимий

– هِشَامٌ олийжаноблик, саховат

– هَشِيمٌ 1. 1) кучсиз, бемадор; 2) мўрт; 2. куриб қолган ўсимликлар; қуруқ ўт, хашак; ~ يَابِسٌ عُودٌ қуруқ поя (*ўсимликда*); ~ أَبْقَى النَّارَ فِي الرَّمَادِ хашакларга ўт қўймоқ

I هَصَرَ (*u*) هَصْرٌ синдирмоқ, ушатмоқ; الْغُصْنَ ~ шохни (новдани) эгмоқ ва синдирмоқ; VII اِنْهَصَرَ синдирилган, ушатилган бўлмоқ

– هَصُورٌ даҳшатли, қўрқинчли

– هَضْبَةٌ *кўп.* هِضَابٌ тепалик; ясситоғлик

I هَضَمَ (*u*) هَضْمٌ1) ҳазм қилмоқ (*ошқозон ҳақида*); 2) ўзлаштирмоқ (*мас.. дарсни*); 3) (*ҳуқуқни*) бузмоқ, оёқости қилмоқ; VII اِنْهَضَمَ 1) (*ҳуқуқларни*) бузмоқ, оёқости қилмоқ; 2) хафа қилмоқ, ранжитмоқ, дилни оғритмоқ

– اِنْهِضَامٌ яхши ҳазм бўлиш хусусияти; طَعَامٌ سَرِيعُ الْـ~ тез ҳазм бўладиган овқат; طَعَامٌ بَطِيءُ الْـ~ секин ҳазм бўладиган овқат

– مُهَضِّمٌ яхши ҳазм бўлишга ёрдам берувчи воситалар, нарсалар

– مَهْضُومٌ 1) ҳазм бўлувчи; 2) яхши ҳазм бўлувчи

– هَاضِمٌ ҳазм қилаётган; овқат ҳазм қиладиган

– هَاضُومٌ овқатни ҳазм қилдирадиган дори-дармон

– هَضْمٌ овқат ҳазм қилиш; سُوءُ الْـ~ ошқозоннинг овқат ҳазм қилмаслиги; عُسْرُ الْـ~ ошқозоннинг бузилиши; عَسِيرُ (ثَقِيلُ) الْـ~ яхши ҳазм бўлмайдиган, қийин ҳазм бўладиган

– هَضْمِيٌّ овқат ҳазм қилишга оид; الْجِهَازُ الْـ~ овқат ҳазм қилувчи аъзолар; الْقَنَاةُ الْـ~ ҳазм қилиш найи

– هَضُومٌ 1) овқат ҳазм қилишга оид; 2) овқат ҳазмига ёрдам берувчи

– هَضِيمٌ ҳазм бўлган (қилинган); ◊ ~ مَرْأَةٌ биқини нозик аёл, нозик биқин аёл

I هَطَعَ (*a*) هُطُوعٌ (*қаергадир*) шошилиб, тез юриб бормоқ (إِلَى); IV أَهْطَعَ 1) (*юрган вақтда*) бўйинни чўзмоқ (*туя ҳақида*); 2) бўйинни чўзиб бошини олдинга тортиб юрмоқ; فِي الْعَدْوِ ~ шошилмоқ, чопмоқ

I هَطَلَ (*u*) هُطُولٌ ,هَطْلٌ 1) оқмоқ (*кўз ёши ҳақида*); 2) ёғмоқ, қуймоқ (*ёмғир ҳақида*); VI تَهَاطَلَ кўп ёғмоқ, кўп оқмоқ

– تَهْطَالٌ ёмғир ёғиши

– هَطَّالٌ 1) оқаётган, қуяётган; 2) (*жала бўлиб*) қуяётган. ёғаётган

– هَطْلٌ тўхтовсиз ёмғир

– هَطِلٌ серёғин, серёмғир, ёмғир кўп ёғадиган. ~ مَطَرٌ узоқ ёғадиган ёмғир

– هَطْلَانٌ тўхтовсиз ёмғир ёғиши, ёғингарчилик

– هَيْطَلٌ *кўп.* هَيَاطِلُ тулки

I هَعَّ (*a/y*) هَعَّةٌ қусмоқ, қайт қилмоқ. кўнгил айнамоқ. қусуқ бўлмоқ

I (هفّ) هَفَّ[1] (*a/u*) هَفٌّ тез ўтиб кетмоқ. ўтиб кетмоқ; лип этмоқ; عَلَى الْبَالِ ~ лип этиб миядан ўтмоқ; ~ فِي وَجْهِهِ ابْتِسَامَةٌ унинг юзида йилт этиб кулги кўринди, هَفَّ[2] (*a/u*) هَفِيفٌ 1) чийилламоқ (*шамол ҳақида*); 2) тарқалмоқ. билинмоқ (*ҳид, бўй ва ҳ. к. лар ҳақида*); ◊ ~ نَفْسُهُ إِلَى ... у ... ни жуда ҳам хоҳларди; VIII اِهْتَفَّ 1) лип этмоқ, йилт этмоқ; 2) ялт-юлт этмоқ, йилтилламоқ, ялтилламоқ

– مِهَفَّةٌ кўп. ات ـــ чанг тозалайдиган кичкина супурги

– مَهْفُوفٌ 1) енгилтак, бетайин, бебурд; 2) ўзини йўқотиб қўйган, саросимага тушган, паришон

– هَفٌّ 1. 1) енгил; 2) енгилтак, бетайин, бебурд; 2. *жам.* майда балиқлар

– هَفَّافٌ 1) ялтировчи; йилтилловчи, йилт-йилт қилувчи; 2) юпқа, шаффоф, тиниқ, ҳарир; 3) тез бўлиб ўтган, кўз очиб юмгунча, жуда қисқа (*учрашув ҳақида*); ~ رِيحٌ тез эсаётган шамол

– مَهْفُوفٌ = يَهْفُوفٌ

I هَفَتَ (*u*) هَفْتٌ 1) оғизга келганини гапирмоқ, ноўрин гапирмоқ; 2) қаттиқ оч қолмоқ, очликдан мадорсизланмоқ; 3) *мажз.*

саросимага, хижолатга **тушмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ**; VI تَهَافَتَ 1 (*бирор н. га*) ташлаб тўлдирилмоқ; (*бирор н. нинг*) устига ёпилмоқ; (*н. нидир*) қилиш учун ташланмоқ (عَلَى); (*н. биландир*) қизиқмоқ

– تَهَافُتٌ 1) интилиш; 2) катта талаб, эҳтиёж (*мас., товарга*); ёғилиб келиш (*мас., тамошабинлар ҳақида*); 3) қизиқиш; 4) тушиб кетиш, вайрон бўлиш; 5) ўта кучсизлик, кучдан кетиш, ҳолдан тойиш; ~ عَصَبِيٌّ асаб системасининг ҳолдан тойиши; 6) омонатлик, ишончсизлик (*мас., исбот ҳақида*)

– مَهْفُوتٌ ўзини йўқотган, довдираб қолган, хижолат чекаётган

– هَافِتٌ[1] оч

– هَافِتٌ[2] 1) кучсиз, паст (*овоз, товуш ҳақида*); 2) хатога оид

– هَفْتَانُ оч қолган; очликдан мадори қуриган, кучсиз, мадорсиз

هَمْهَفَ 1) келишган (*эпчил*) бўлмоқ; 2) ҳавода сузиб юрмоқ, учиб юрмоқ, сочилиб юрмоқ (*мас., сочлар ҳақида*); تَهَمْهَفَ келишган (*эпчил*) бўлмоқ

– مُهَمْهَفٌ 1) юпқа, шаффоф; 2) бели ингичка, келишган; 3) ориқ; 4) ҳавода сузиб (учиб) юрган

– مُهَمْهَمٌ = هَمْهَامٌ

– هَمْهَمٌ янги, бузилмаган, муздаккина

I (هفو) **هَفَا** (*и*) هَفْوٌ, هُفُوٌّ 1) янглишмоқ, хато қилмоқ, мўлжалга уролмаслик; 2) ҳавода учмоқ, учиб юрмоқ; 3) очликдан тинкаси қуримоқ, оч қолмоқ; 4) (*бирор н. билан*) илинтирмоқ, қўлга олмоқ (туширмоқ), (*н. гадир*) бошламоқ, етакламоқ; (*н. гадир*) жалб қилмоқ (إِلَى); 5) шошмоқ, шошилмоқ; ~ نَفْسُهُ إِلَى ... ёки ~ قَلْبُهُ إِلَى ... (*бирор н. ни*) қаттиқ хоҳламоқ; ~ فِي الْمَشْيِ إِلَى ... (*қаергадир*) шошмоқ, шошилмоқ; ~ الْهَوَاءُ енгил шамол эсди; هَفَتِ الرِّيحُ بِالْمَطَرِ шамол ёмғирни тарқатиб юборди

– هَافٍ *мн.* هَافِيَةٌ оч қолган, оч

– هَفْوَةٌ *кўп.* ـَاتٌ хатолик, янглишиш; хатога йўл қўйиш; وَقَعَتْ ~ مِنْهُ у хатога йўл қўйди, у хато қилди

هِكْتَارٌ *кўп.* ـَاتٌ гектар

هٰكَذَا хуллас, шундай қилиб; وَهٰذَا الْبَيْتُ ~ ва ҳоказо

I **هَكَعَ** (*а*) هُكُوعٌ, هَكْعٌ 1) турмоқ, серрайиб турмоқ; 2) бўлмоқ, яшамоқ

(هكل) II هَكَّلَ 1) гердайиб, савлат тўкиб юрмоқ; 2) ўйнаб, гижинглаб юрмоқ (*от ҳақида*)

هِيكَل *алиф. б. қар.*

(هكم) II هَكَّمَ (*к. гадир ҳазил қўшиқ*) айтмоқ (لِـ); V تَهَكَّمَ 1) (*к. ёки н. нингдир устидан*) кулмоқ, таҳқирламоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); 2) тушиб, бузилиб кетмоқ (*бино ҳақида*); 3) (*к. гадир*) ғазаб қилмоқ (عَلَى); 4) (*н. дандир*) тавба қилмоқ (عَلَى)

– أُهْكُومَةٌ аччиқ кулги, заҳарханда, таҳқир

– تَهَكُّمٌ таҳқир; масхара қилиш, қаттиқ кулиш; ~ بِـ қаттиқ кулиб, масхара қилиб

– تَهَكُّمِيٌّ таҳқирли, ҳақоратли, масхарали

– مُتَهَكِّمٌ 1. аччиқ қочиримли, кулгили; 2. тили аччиқ одам, заҳар одам

هَلْ ...ми?, эмасми? (*сўроқ юкламаси*); قَرَأْتَ هٰذَا الْكِتَابَ؟ ~ сен бу китобни ўқиганмисан?; أَمْ ... ~ ...ми?, ...микан?; تَتَحَدَّثُ جِدًّا أَمْ أَنْتَ مَازِحٌ؟ = أَ تَتَحَدَّثُ جِدًّا أَمْ أَنْتَ مَازِحٌ؟ *қар.* أَ; مِنْ إِنْسَانٍ ~ ...диган одам топиладими (топилармикан)?, ...диган одам ахир борми?; لَكَ فِي؟... ~ ... сенга ёқадими?, сен ...ни хоҳлайсанми?; (هَلْ+لاَ) هَلاَّ ... эмасми ахир?; ◊ وَلٰكِنْ ~ مِنْ سَمِيعٍ وَ ~ مِنْ مُجِيبٍ? лекин ким эшитади- ю, ким жавоб қилади?

I **هَلَّ** (*а/и*) هَلٌّ 1) кўринадиган бўлмоқ, кўринмоқ, пайдо бўлмоқ; 2) чиқмоқ (*ой ҳақида*); 3) бошланмоқ (*мас., ой ҳақида*); الْمَطَرُ ~ кучли ёмғир ёғди; هِلاَلُكَ! ~ янги ой сенга бахт келтирсин!; II هَلَّلَ шодланиб бақирмоқ; (*к. нидир*) шовқин-сурон билан қутламоқ (لِـ); 2) (*к. нидир*) шарафламоқ, мақтамоқ, табрикламоқ (لَهُ); (*к. гадир*) мақтовли қўшиқ айтмоқ (لِـ); وَكَبَّرَ وَ مَجَّدَ ~ ортиқ даражада мақтаб юбормоқ; 3) لاَ إِلٰهَ إِلاَّ اللهُ сўзларини айтмоқ; IV أَهَلَّ 1) пайдо бўлмоқ (*ой ва, шунингдек, одам ҳақида*); 2) бошланмоқ (*ой ҳақида*); овозни баланд қилмоқ; بِالتَّلْبِيَةِ ~ "лаббайка" иборасини такрорламоқ (*ҳаж ёки умрада*); بِالْبَسْمَلَةِ عَلَى الذَّبِيحَةِ ~ қурбонликни "бисмиллоҳ" деб сўя бошламоқ; V تَهَلَّلَ 1) шодланмоқ, хурсанд бўлмоқ; 2) хурсандликдан ёнмоқ (*юз ҳақида*); ~ تْ دُمُوعُهُ унинг кўз ёшлари қуйилиб кетди; VII انْهَلَّ қуймоқ (*ёмғир ҳақида*); қуйилмоқ, оқмоқ (*кўз ёшлари ҳақида*); X اسْتَهَلَّ 1) бошланмоқ; 2) (*н. нидир*) бошламоқ (ب); 3) туғилган маҳалда йиғламоқ (*чақалоқ ҳақида*)

– اسْتِهْلاَلٌ 1) бошланиш, кириш, муқаддима; 2) *муз.* муқаддима, увертюра; интродукция (*даромад*)

– اسْتِهْلاَلِيٌّ бошланишга оид; киришга, муқаддимага оид

– تَهَلُّلٌ шодлик, хурсандлик

– تَهَالِيلُ *кўп.* تَهْلِيلٌ 1) нидолар, хитоблар, табрикловчи шодиёна бақириқлар; 2) шовқин билан маъқуллаш; 3) шарафлаш, мақташ, кўкка кўтариш

– مُتَهَلِّلٌ шодликка, хурсандликка оид; шодмон; الْوَجْهِ ~ ёниқ юзли

– مُسْتَهَلٌّ бошланиш, ибтидо

– مُهَلَّلٌ шакли янги ойга ўхшаш, ўроқсимон

– هِلٌّ бошланиш (*ой ҳақида*)

– هِلاَلٌ *кўп.* أَهِلَّةٌ ҳилол, янги ой, яримой; الْـ~ الْأَحْمَرُ Қизил Яримой; ~ قавс; ~ـَانِ *ик. с.* қавслар; مَحْصُورٌ بَيْنَ الْـ~ـَيْنِ қавслар ичига олинган; الْـ~ الْخَصِيبُ *қар.* هِلاَلَةٌ خَصِيبٌ *кўп.*

ـــَـــاتٌ ~ ҳилола (*ярим буқша* (بُقْشَةٌ) *га тенг Ямандаги пул бирлиги*)

– هِلَالِيٌّ 1) ойга оид; ~ شَهْرٌ қамарий ой; 2) шакли янги ойга ўхшаш, ўроқсимон; ~ـــةٌ خُبْزَةٌ حَاصِرَةٌ қар. حَاصِرَةٌ; шохсимон булочка нон

– هَلَلٌ қўрқув, қўрқиш

– هَلَلَةٌ = هِلَالَةٌ

– هَلْلُويَا аллилуйя (*христианларда: Яҳвени мақтанг*)

– هَلْوَلَةٌ бақириқ - чақириқлар

هَلْ қар. هَلَّا

I (هلب) **هَلَبَ** (*а*) هَلَبٌ тукли, жунли бўлмоқ; هَلَبَ (и) هَلْبٌ (*отнинг думини*) кесиб ташламоқ; (*от думидан*) қилларни юлмоқ, юлиб олмоқ

– أَهْلَبُ мн. هَلْبَاءُ кўп. هُلْبٌ тукли, жунли, пахмоқ; сочлари тик ўсган

– مُهَلَّبِيَّةٌ муҳаллабия (*киселга ўхшаш ширин овқат*)

– مَهْلُوبٌ думи қирқиб ташланган

– هَلَبٌ = أَهْلَبُ

– هِلْبٌ *кўп.* أَهْلَابٌ 1) лангар, якорь; 2) чангак, чангал

– هُلْبٌ *жам.* 1) қаттиқ соқол, дағал туклар; 2) бир дона от қили

– هُلْبَةٌ *кўп.* هُلَبَاتٌ 1) бир дона қаттиқ соқол, дағал тук, 2) бир дона от қили

هَلْجٌ нотўғри хабар, ахборот

إِهْلِيلَجٌ, هَلِيلَجٌ 1) *мат.* эллипс; 2) *бот.* ҳалила

– إِهْلِيلَجِيٌّ эллиптик

I **هَلَسَ** (*и*) هَلْسٌ 1) қуритмоқ, тинка-мадорини қуритмоқ (*касаллик ҳақида*); 2) алжирамоқ, бемаъни гапларни гапирмоқ; 3) *мажз.* а) сил билан касалланмоқ; б) ақлдан озмоқ; II هَلَّسَ 1) озмоқ; 2) ҳазиллашмоқ; 3) алжирамоқ, бемаъни гаплар гапирмоқ; IV أَهْلَسَ 1) қуритмоқ, тинка-мадорини қуритмоқ (*касаллик ҳақида*); 2) ҳиринглamoқ, кулмоқ

– هُلَاسٌ сил, сил касаллиги

– هَلَّاسٌ ёлғончи, мақтанчоқ

– هَلَسٌ 1) сил, сил касаллиги; 2) ёлғон, бемаъни, бефойда гаплар, вақир-вуқурлар; 3) саёқлик, фосиқлик, бузуқ ҳаёт кечириш

I **هَلَعَ** (*а*) هَلَعٌ 1) безовталанмоқ, хавотир бўлмоқ; касалланмоқ (*юрак ҳақида*); 2) қўрққан бўлмоқ, қўрқув ҳис қилмоқ; قَلْبُهُ ~ у қаттиқ қўрқиб кетди, унинг юраги ўйнаб кетди

– هَلَعٌ 1) безовталик, хавотирлик; 2) қўрқув, қўрқиш; فَرَّ ~ـــاً қўрқиб қочмоқ

– هَلِعٌ хавотирланган, қўрқиб кетган

– هُلُوعٌ қўрқоқ

هَلْفُوتٌ, هَلْفُوتَةٌ паст

هِلْوُفٌ 1. 1) тукли, жунли, сочли; 2) катта **(узун) соқолли**; 2. **ёввойи чўчқа**, қобон

هَلْقَمَ **очкўзлик билан емоқ**

– هَلْقَمَةٌ **катта иштаҳа** билан, очкўзлик билан ейиш

I **هَلَكَ** (*и*) هَلَاكٌ, تَهْلُكَةٌ, تَهْلَكَةٌ, تَهْلِكَةٌ ҳалок бўлмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ; ўлмоқ; جُوعًا ~ **очликдан** ҳалок бўлмоқ; II هَلَّكَ ҳалок қилмоқ, ўлдирмоқ; مِنَ الضَّحِكِ ~ **кўздан ёш оққунча** кулдирмоқ; IV أَهْلَكَ 1) ҳалок қилмоқ, йўқ қилмоқ; 2) **истеъмол** қилмоқ; VI تَهَالَكَ 1) (*к. ёки н. нисбатан*) ортидан қувмоқ, югурмоқ (عَلَى); (*бирор к. нинг ёки н. нинг*) ортидан жон борича ташланмоқ, **югурмоқ** (عَلَى); 2) (*бирор н. ни*) қаттиқ ҳоҳламоқ, истамоқ (عَلَى); 3) (*бирор н. қила туриб*) кучни аямаслик, куч бсрича ҳаракат қилмоқ (عَلَى); 4) жуда қариган, мадорсизланган бўлмоқ; ◊ عَلَى الْأَرْضِ ~ **ерга** йиқилиб қолмоқ; فِي مَشْيِهَا ~ кеккайиб, гердайиб, тебраниб юрмоқ; VII انْهَلَكَ ўзини хавф остида қолдирмоқ; VIII اهْتَلَكَ **ўзини** ҳалокат хавфи остида қолдирмоқ; X اسْتَهْلَكَ 1) **эскитмоқ**; **фойдаланмоқ**, истеъмол қилмоқ, сарф қилмоқ; الْمَالَ ~ **пулни совурмоқ**, бекорга сарф қилмоқ; 2) узмоқ (*қарзни*); амортизацияни (*эскирган учун ҳақни*) ҳисобламоқ; 3) тўлаб олмоқ; 4. (*н. дадир*) **ўзини** аямаслик, катта ғайрат (фидойилик) кўрсатмоқ (فِي)

– اسْتِهْلَاكٌ 1) истеъмол қилиш; ~ـــُ شَرِكَةُ الْـ **матлубот** жамияти; 2) (*қарзни*) узиш; амортизация; ~ـــُ مَالُ الْـ **амортизация** фонди, ~ السَّنَدَاتِ облигациялар тўлови; 3) тўлаб олиш 4) эскириш; эскиш

– اسْتِهْلَاكِيٌّ истеъмолга оид; الْبَضَائِعُ الْـــ истеъмол моллари; الْمَوَادُّ الْـــَـةُ истеъмол **материаллари**; الْجَمْعِيَّةُ الْـــَـةُ матлубот жамияти; ~ـــَـةُ الْقِيمَةُ الْـ **истеъмол** қиймати

– أَوْقَعَهُ فِي ~ **кимнидир** хавф-хатар остига қўймоқ

– مُسْتَهْلَكٌ 1) истеъмол қилинадиган; 2) **мажоқланган**

– مُسْتَهْلِكٌ истеъмолчи, харидор, сотиб олувчи

– مُهْلِكٌ ҳалокатли, ҳалокат келтирувчи, ўлим келтирувчи; хавфли, хатарли

– مَهْلَكَةٌ *кўп.* مَهَالِكُ 1) хавфли, ҳалокатли жой; 2) хавф-хатар

– هَالِكٌ кўп. هَلْكَى, هُلْكٌ, هَوَالِكُ 1) ҳалок бўлаётган; 2) ҳалок бўлган; ўлган; ~ دَيْنٌ унмайдиган қарз (*сўзма-сўз*: ўлган қарз)

– هَالُوكٌ шумғия, шумгиёҳ

– هَلَاكٌ ҳалокат, ўлим

– هُلْكٌ = هَلَاكٌ; أَدْرَكَهُ الْـ ~ у ҳалок бўлди

– هَلْكَانُ эскиган, эскирган

– هَلْكَةٌ ,هَلَكَةٌ 1) бузилиш; **ҳалок бўлиш**; 2) хавф-хатар

– هَالُوكٌ = هَلُوكٌ

هُلَامٌ **желатин, елимшак**; илвираган, ивиган масса ~ الْبَحْرِ медуза

– هُلَامِيٌّ **желатинга оид**; илвираган, ивиган, юмшоқ танли; ◊ ~ حَيَوَانٌ моллюска

– هُلَامِيَّاتٌ *кўп.* юмшоқтанлилар, моллюскалар

– هَلْمٌ чарчаган, дармондан кетган, бефарқ бўлиб қолган

– هَلُمَّ (*мн.* هَلُمِّي, *ик.с.* هَلُمَّا, *кўп. мз.* هَلُمُّوا, *кўп. мн.* هَلُمْنَ) шошил!, бу ёққа кел (бер)!; هَلُمَّا! ~ биз билан юр!; ... إِلَى ~ ...нинг олдига кетайлик!; سَاعِدْنِي عَلَى إِقَامَتِهِ! ~ кел, уни кўтаришда менга ёрдамлашиб юбор!; ◊ ~ جَرًّا وَ *ёки* هَلُمَّجَرًّا ва шу кабилар

– هَلِيمٌ ёпишқоқ

هَلْهَلَ 1) юпқа қилиб тўқимоқ; 2) майдалаб ташламоқ; تَهَلْهَلَ **йиртиб ташланмоқ, майдаланмоқ; эскирган**, ишдан чиққан бўлмоқ (***кийим ҳақида***)

– مُهَلْهَلٌ 1) **юпқа** (***тўқима ҳақида***); 2) **йиртиб, увадаси чиқиб** кетган; الثِّيَابِ ~ увада, йиртиқ кийимда; الْاِقْتِصَادُ الْـ~ ишдан чиққан иқтисод (экономика)

– هُلَاهِلٌ 1) омонат, мустаҳкам бўлмаган; 2) юпқа, шаффоф

– هَلَاهِيلُ *кўп.* аёлларнинг шовқин-суронли қутлови (*Ироқда*)

– هُلَاهِلٌ = هَلْهَلٌ

– هَلْهَلَةٌ парча-бурон қилиб ташлаш, йиртиш

– هَلْهُولَةٌ *кўп.* هَلَاهِيلُ латта, латта-путта; *кўп.* увадалар

– هُلَيْهِلِيٌّ хушчақчақ, шод, беғам, беташвиш

هَلْوَسَ алжимоқ; бемаъни нарсаларни гапирмоқ (*жинни ҳақида*)

– هَلْوَسَةٌ 1) алжиш, бемаънилик; 2) галлюцинация (*йўқ н. нарсанинг кўриниши, эшитилиши, сезилиши*)

هَلِيكُوبْتَرٌ вертолёт, геликоптёр

هِلِّينِيٌّ эллинизмга оид

– هِلِّينِيَّةٌ эллинизм (1) *эрамиздан олдинги* III-I *асрларда юнон ва Миср маданиятларининг қўшилиб ривожланган даври; 2) ўша даврдаги юнон тилидан ўтган сўз ёки ибора*)

هَلْيُومٌ *кимё.* гелий

هِنْيُونٌ ,هِلْيُونٌ *бот.* сарсабил (*кўп йиллик сабзавот ўсимлиги*)

هُمْ улар; уларнинг, уларни; كِتَابُهُمْ уларнинг китоби; نَظَرْنَاهُمْ биз уларни кўрдик

I (هـمـم) **هَمَّ** (*и/у*) هَمٌّ ,مَهَمَّةٌ 1) қизиқтирмоқ; ташвишга солмоқ, ташвишлантирмоқ; хафа қилмоқ; 2) (*н. нидир*) қилмоқчи бўлмоқ, қилишни хоҳламоқ (ب); بِالْاِنْصِرَافِ ~ у кетмоқчи бўлди (кетишни хоҳлади); 3) турмоқ, ўрнидан турмоқ; مِنْ مَقْعَدِهِ ~ у ўрнидан турди; هَمَّ (а/и) هَمِيمٌ ,هَمٌّ ўрмаламоқ (*ҳашорат ҳақида*); ◊ الْحَبَّ ~ донни касаллантирмоқ (*узунтумшуқ- зараркунанда қўнғиз ҳақида*); هَمَّ (а/и) هَمَامَةٌ ,هُمُومَةٌ жуда қари ёшга етмоқ; II هَمَّمَ (*болани*) аллаламоқ; IV أَهَمَّ 1) ташвишлантирмоқ; қизиқтирмоқ; لَا يُهِمُّنِي هَذَا мени бу қизиқтирмайди; 2) қартайган бўлмоқ, қариганликдан мадорсиз бўлмоқ, кучдан қолмоқ; VIII اهْتَمَّ 1) (*бирор н. дан*) ташвишга тушган, безовталанган бўлмоқ (ب); (*н. биландир*) қизиқмоқ; (*н. гадир*) диққатни қаратмоқ, эътибор бермоқ (ب); 2) (*н. ҳақдадир*) ғамхўрлик қилмоқ (ب); 3) (*н. нидир*) қилмоқчи, бажармоқчи бўлмоқ (ب)

– اهْتِمَامٌ *кўп.* اتٌ — 1) ғамхўрлик, ҳаракат, диққат, эътибор; ташвиш; 2) қизиқиш, манфаат, манфаатдорлик; عَدَمُ الْـ~ манфаати йўқлик, бефарқлик; عَدِيمُ الْـ~ манфаатдор бўлмаган; قَلِيلُ الْـ~ оз манфаатдор бўлган; بِمَزِيدِ الْـ~ катта қизиқиш билан; لَا يَسْتَحِقُّ هَذَا كَبِيرَ الْـ~ бу катта қизиқиш уйғотмайди; диққат, эътибор; أَبْدَى~ـًا خَاصًّا (***бирор н. га***) махсус қизиқиш (эътибор бериш) (ب); أَلْقَى ~ـًا (*н. гадир*) диққат эътиборини қаратмоқ (ب)

– أَهَمُّ энг муҳим, жуда муҳим; ~ مَا فِي الْمَسْأَلَةِ هَذَا бу масалада энг муҳими мана шу

– أَهَمِّيَّةٌ муҳимлик, аҳамият; аҳамиятлилик; عَظِيمُ الْـ~ жуда муҳим, катта аҳамиятли; عَدِيمُ الْـ~ аҳамияти йўқ, аҳамиятсиз, муҳим бўлмаган; بَخَسَ الْـ~ (*бирор н. нинг*) аҳамиятини пасайтирмоқ; أَعْطَاهُ~ـًا عَلَيْهِ ёки عَلَّقَ~ـًا бирор нарсани аҳамиятли деб билмоқ (хисобламоқ)

– تَهْمِيمٌ қўшиқ айтиб аллалаш

– تَهْمِيمَةٌ алла

– مُهْتَمٌّ ташвишли, манфаатдор

– مُهِمٌّ 1. муҳим, аҳамиятли, жиддий, فِي الْأَمْرِ الْـ~ ишнинг моҳияти; ... أَنَّ~ الْـ~ مِنَ муҳими шуки, ...; 2. *кўп.* مَهَامُّ муҳим иш; مَهَامُّ الْأَعْمَالِ энг муҳим ишлар

– مُهِمَّاتٌ *кўп.* 1) жиҳозлар; керакли нарсалар; 2) ускуналар, жиҳозлар, аслаҳа-анжом; سِكَّةِ الْحَدِيدِ ~ *ёки* السِّكَكِ الْحَدِيدِيَّةِ ~ *ёки* النَّقْلِ وَالْحَرَكَةِ ~ *т. -й.* ҳаракатдаги состав (*яъни паровоз ва вагонлар*); 3) нарсалар, моддий ашёлар; ғамлаб қўйилган (*озиқ-овқат ва б. лар*); الْبِنَاءِ ~ қурилиш (бинокорлик) материаллари; الْوِقَايَةِ ~ الْحَرْبِ профилактик моддалар (ашёлар); жанг учун ғамланган нарсалар; 4) муҳим ишлар

– مُهِمَّةٌ *кўп.* مَهَامُّ ,اتٌ — вазифа, топшириқ, миссия (*бажарилиши лозим бўлган вазифалар мажмуи*); муҳим иш; أَدَّى

ـهُ ـــ ўз вазифасини, миссиясини бажармоқ

– مَهْمُومٌ ташвишли, ташвишланган, жонсарак бўлган; хафа бўлган

– هَامٌّ 1) муҳим. жиддий; 2) қизиқ, қизиқтирувчи

– هَامَةٌ *қар.* هوم

– هَامَّةٌ *кўп.* هَوَامُّ *қ.-х.* ҳашорат, зараркунанда

– هَمٌّ *кўп.* هُمُومٌ 1) ғамхўрлик; жонсараклик; هُمُومٌ уриниш, югур-югур, оворагарчилик; يَعْصِرُ الْـ ـهُ قَلْبَهَا ташвиш у (аёл) нинг юрагини қисади; مُثْقَلٌ بِالْهُمُومِ ташвишларга тўлиб кетган; مُضْنًى بِالْهُمُومِ ташвишлар остида эзилиб кетган; ... صَرَفَ ـهُ إِلَى (*к. ҳақдадир*) ғамхўрлик қилмоқ, (*к. ғадир*) диққат-эътибор қилмоқ; لاَ ... لَهُ إِلاَّ أَنَّ ـ унинг ташвиши битта - фақатгина ...; 2) мақсад, ният, ўй, қасд; 3) ғам, ғам-ғусса

– هِمٌّ кўп. أَهْمَامٌ мўнкиллаган чол; қари, қартайган одам

– هَمَّامٌ ғайратли, чарчамас, тиниб-тинчимайдиган

– هُمَامٌ *кўп* هَمَامٌ. 1. шавкатли, жасур; олийжаноб; 2. қаҳрамон, ботир; 3) ҳиммати буюк подшоҳ

– هِمَّةٌ[1] *кўп.* هِمَمٌ 1) ғайрат, интилиш, тиришқоқлик, ҳафсала, қунт; 2) фаолият; صَاحِبُ الْـ ـعَالِي الْـ ـــ *ёки* ـ тиришқоқ, ғайратли; بَرَّدَ ـهُ ـــ кимнингдир ҳафсаласини пир қилмоқ, ғайратини сўндирмоқ; هَمَدَتْ ـهُ ـــ унинг ҳафсаласи пир бўлди; 2) ташвишлар, югур-югурлар

– هِمَّةٌ[2] *кўп.* ـاتٌ ـــ мўнкиллаган кампир; қари, қартайган кампир

هُمَا улар иккови; улар икковини, улар икковининг (*мз. мн.*); نَظَرْنَاهُمَا биз улар икковини кўрдик

هُمَايُونِيٌّ шоҳликка, императорликка, подшоҳликка оид; султонга оид; الْأَمْلاَكُ الْـ ـــ ـهُ султон мулклари (*қадимги Туркияда*)

هَنْبٌ *бот.* манго (*дарахти ва меваси*)

I هَمَجَ (*а*) هَمَجٌ оч бўлмоқ, оч юрмоқ

– هَمَجٌ[1] очлик

– هَمَجٌ[2] 1) *жам.* ёввойилар, варварлар; 2) ҳар қандай қаланғи-қасанғилар, одамгарчиликдан чиққан кишилар, ювиндихўрлар; 3) чивинлар

– هَمَجِيٌّ 1. ёввойиликка, варварликка оид; 2. ёввойи, варвар

– هَمَجِيَّةٌ ёввойилик, варварлик

I هَمَدَ (*и*) هُمُودٌ ўчмоқ (*аланга ҳақида*); пасаймоқ (*шамол ҳақида*); тинчимоқ (*овоз ҳақида*); совимоқ, сўнмоқ (*ғайрат, ҳафсала ҳақида*); ◊ الرَّجُلُ ـ ўлмоқ; II هَمَّدَ 1) ўчирмоқ, сўндирмоқ; 2) тинчитмоқ, тинчлантирмоқ; совутмоқ (*ҳафсалани*); IV أَهْمَدَ ўчирмоқ, сўндирмоқ

– تَهْمِيدٌ 1) ўчириш, сўндириш; 2) ўзини лоҳас (ёмон) сезиш, лоҳаслик

– مُهَمَّدٌ чарчаган, ўзини лоҳас (ёмон) сезаётган, лоҳас

– هَامِدٌ 1) ўчган, сўнган; 2) тинч, босиқ; 3) инерт, ғайратсиз, ҳафсаласиз, жонсиз; جُثَّةٌ ـَةٌ ـ жонсиз тана; الْغَازَاتُ الْـ ـــ ـَةُ инерт газлар; أَرْضٌ ـَةٌ ـ ўсимлик ўсмайдиган ер

– هَمْدَانٌ тинч, босиқ

– هُمُودٌ 1) ўчиш сўниш; 2) тинчланиш; сукунат, тинчлик, ҳаракатсизлик, сокинлик

I هَمَزَ (*и/у*) هَمْزٌ 1) тўкмоқ, тўкиб юбормоқ; 2) тўкилмоқ, оқиб кетмоқ; 3) жаврамоқ, ирилламоқ, бўкирмоқ, ҳайқирмоқ; 4) тишламоқ; VII اِنْهَمَزَ оқмоқ, оқиб турмоқ

– هَمْزَةٌ 1) жавраш, ириллаш, бўкириш, ҳайқириш; 2) кучли ёмғир, жала

I هَمَزَ (*и/у*) هَمْزٌ 1) санчмоқ; 2) ниқталмоқ (*мас., отни*); 3) гижгижламоқ, ундамоқ, қўзғамоқ, уйғотмоқ; 4) сўкинмоқ, қабиҳ сўзларни айтмоқ; 5) *грам.* ҳамза белгисини қўймоқ; ҳамзали талаффуз қилмоқ

– مِهْمَازٌ *кўп.* مَهَامِيزُ 1) миҳмоз (*отлиқлар этигига ўрнатилган темир ниқтағич*); شَوْكَةُ الْـ ـــ миҳмоз санчқиси; 2) ўткир, санчадиган нарса; 3) найзанинг учи, ниш; 4) *бот.* кўз тикон

– مِهْمَزٌ *кўп.* مَهَامِزُ 1) миҳмоз; 2) найза учи, ниш

– مَهْمُوزٌ 1) миҳмозли; 2) *грам.* ҳамзали, ҳамзаси бор

– هَمَّازٌ = هَامِزٌ

– هَمَّازٌ туҳматчи, ғийбатчи

– هَمْزٌ ғийбат қилиш, ёмонлаш, фисқ-фасод қилиш

– هَمْزَةٌ *кўп.* هَمَزَاتٌ 1) чақиш (*ари ҳақида*); 2) *грам.* ҳамза; ـ الْوَصْلِ а) бириктирувчи ҳамза; б) *кўч.м.* бирлаштирувчи бўғин; ◊ هَمَزَاتُ الشَّيْطَانِ *қур.* шайтон васвасаси

– هُمَزَةٌ = هَمَّازٌ; لُمَزَةٌ قَطَعَ الطَّرِيقَ عَلَى كُلِّ ـ *маж.* барча туҳматчи ва иғвогарлар йўлини тўсмоқ; وَيْلٌ لِكُلِّ ـ لُمَزَةٍ! *қур.* ҳамма туҳматчи ва иғвогарга балолар келсин!

I هَمَسَ (*и*) هَمْسٌ (*к. ғадир*) шивирламоқ (إِلَى); ـ فِي أُذُنِهِ кимнингдир қулоғига шивирламоқ; II هَمَّسَ *фон.* жарангсизлантирмоқ; VI تَهَامَسَ 1) шивирлашмоқ; 2) (*н. нидир*) бир-бирига шивирлаб айтмоқ (ب)

– مَهْمُوسٌ1) шивирлаб айтилган; 2) *шунингдек:* الصَّوْتُ الْـ ـــ *фон.* жарангсиз

– هَمْسٌ шивир-шивир; ـاً ـــ *ёки* ـ بِـ шивирлаб

– هَمْسَةٌ *кўп.* هَمَسَاتٌ шивирлаш; *кўп.* миш-мишлар

I هَمَشَ (*у*) هَمْشٌ тишламоқ

– هَامِشٌ *кўп.* هَوَامِشُ 1) ҳошия, ҳошиялар (*китобда*); الْحَوَادِثِ ـ воқеа-ҳодисалар шарҳи; 2) чекка, чет; ◊ وَضَعَهُ عَلَى الْـ ـــ бирор нарсани узоқ муддатга ташлаб қўймоқ

– هَامِشِيٌّ 1) ҳошияларга **ёзилган; 2)** чеккадаги, четдаги; 3) қўшимча, тўлдирилган

– هَامُوشٌ *алиф. б. қар.*

I **هَمَعَ** (*а*) **هَمْعٌ** кўз ёши оқизмоқ, тўкмоқ; الطَّلُّ عَلَى الشَّجَرِ ~ дарахтдаги шудринг оқиб тушди

– هَامِعَةٌ *кўп.* هَوَامِعُ кўздан оққан дарё ёшлар

– هَمِعٌ; ~ سَحَابٌ ёмғирли булут

I **هَمَكَ** (*у*) هَمْكٌ 1) (*н. гадир*) ундамоқ, мажбур қилмоқ (فِي); 2) *мажх.* (*н. гадир*) чўккан, ич-ичига кириб кетган бўлмоқ (فِي); 3) эзмоқ, ийламоқ (*мас., картошкани*); VII اِنْهَمَكَ (*н. гадир*) чўмилиб кетмоқ, бутунлай берилиб кетмоқ (فِي)

– اِنْهِمَاكٌ (*н. гадир*) чўкиб кетишлик, берилиб кетишлик (فِي); (*н. билан дир*) доимо банд бўлиш, (*н. гадир*) қаттиқ қизиқиш (فِي)

– مُنْهَمِكٌ (*н. гадир*) чўкиб кетган, ич-ичига кириб кетган (فِي); (*бирор н. га*) бутунлай берилиб кетган (فِي)

– مَهْمُوكٌ эзилган, ийланган; ~ بَطَاطِسٌ эзилган, ийланган картошка, пюре

– هَمَكٌ дарахтга ёки устунга боғланган беланчак, гамак

– هَمَكَةٌ оғир аҳвол, қийинчилик

I **هَمَلَ** (*и/у*) هَمْلٌ, هَمَلَانٌ тўкмоқ, оқизмоқ; ◊ عَيْنُهُ ~ت кўз ёши тўкмоқ; السَّمَاءُ ~ت ёмғир ёға бошлади; IV أَهْمَلَ 1) ҳисобга олмаслик; диққат-эътиборсиз муносабатда бўлмоқ; ғамхўрлик қилмаслик; ташлаб қўймоқ, бир ёққа суриб қўймоқ; унутиб юбормоқ; фойдаланмаслик, (*бирор н. ни*) фойдаланмай ушлаб (тутиб) турмоқ; 2) диакритик нуқталарни қўймай (арабча) ёзмоқ; VI تَهَامَلَ (*н. дадир*) эътиборсизлик қилмоқ (فِي); (*н. гадир*) эътиборсиз муносабатда бўлмоқ (فِي); VII اِنْهَمَلَ қуймоқ, қаттиқ ёғмоқ (*ёмғир ҳақида*); أَوَّلُ الْغَيْثِ قَطْرَ ثُمَّ يَنْهَمِلُ *мкл.* тома-тома кўл бўлур (*сўзма-сўз:* ёмғир бошланиши- томчи, кейин эса пақирдан қуйгандай бўлади)

– إِهْمَالٌ 1) эътиборсизлик, назар-писанд қилмаслик; эътиборсиз муносабатда бўлиш; унутиш; ~ الْـ زَوَايَا унут бўлиш; 2) бепарволик, камчилик; ~ بِـ *ёки* ~ فِي бепарволик билан, эътиборсизлик билан; 3) ташлаб қўйилганлик, харобалик

– مُهْمَلٌ 1. 1) назарга илинмаган; ташлаб қўйилган; 2) фойдаланишга яроқсиз, эскирган; 3) диакритик нуқталари йўқ (*араб хати ҳақида*) 2. *кўп.* اتٌ — назарга илинмайдиган, эътибор қилинмайдиган нарса; سَلَّةُ الْمُهْمَلَاتِ қоғоз ташланадиган сават; *кўп.* ечилиши (ҳал қилиниши) узоқ вақтга кечиктирилган масала (иш); ◊ التَّأْرِيخِ ~ числоси куни) қўйилмаган; التَّوْقِيعِ ~ имзосиз, аноним; (الْهَيْأَةِ) ~ кўринишда эътиборга лойиқ бўлмаган, диққатни тортмайдиган

– مُهْمِلٌ назар-писанд қилмайдиган; беэътибор, бепарво

– مَهْمُولٌ хароб, ташландиқ, ташлаб қўйилган

– هَمَلٌ 1. ўз-ўзига ташлаб қўйилган, қаровсиз; 2) кечаю-кундуз қаровсиз ўтлаб юрган туялар; ◊ ـاً ~ тартибсиз равишда

هَمْلَجَ йўрғалаб юрмоқ

– هِمْلَاجٌ = مُهَمْلِجٌ

– هِمْلَاجٌ *кўп.* هَمَالِيجُ йўрға (*от*)

– هَمْلَجَةٌ йўрғалаш, йўрғалаб юриш

هَمْهَمَ 1) бўкирмоқ; жаврамоқ; пичирламоқ; 2) визилламоқ; шовқин солмоқ; гумбурламоқ (*момақалдироқ ҳақида*);

– هَمْهَمَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) бўкириш; жавраш; пичирлаш; 2) визиллаш; шовқин; гумбур-гумбур

I (همو) **هَمَا** (*у*) هَمْوٌ оқмоқ, тўкилмоқ

I **هَمَى** (*и*) هَمْيٌ 1) 1) оқмоқ, тўкилмоқ; 2) оқизмоқ, тўкмоқ, тўкиб юбормоқ; هَمَتِ السَّمَاءُ *қар.* سَمَاءٌ

– هِمْيَانٌ *кўп.* هَمَايِينُ ҳамён

هَنٌّ *ик.с.* هَنَانِ, هَنَوَانِ *кўп.* هَنُونَ нарса (*сол.* هَنَةٌ)

هُنَّ *мн.* улар; уларнинг, уларни; كِتَابُهُنَّ уларнинг китоби; نَظَرْنَاهُنَّ биз у (аёл) ларни кўрдик

هُنَا бу ер; ~ إِلَى а) бу ёққа; б) шу вақтгача, шу ергача; هَهُنَا мана бу ерда; ~ مِنْ бу ердан; ~ وَ مِنْ هُنَاكَ مِنْ ~ وَ هُنَاكَ у ер-бу ерда; ~ الْقَاهِرَةِ *радио.* Қоҳирадан гапирамиз! (*сўзма-сўз:* бу ер Қоҳира!)

– هُنَاكَ 1) у ерда; 2) (у ерда) бор; ~ إِلَى а) у ёққа; б) ўша ергача; ~ مِنْ у ердан

– هُنَالِكَ у ерда; ~ إِلَى آخِرِ مَا ва ҳоказо (ва ҳ.к.)

I (هنأ) هَنَأَ (*а*) هَنْءٌ 1) фойдали бўлмоқ (*овқат ҳақида*); 2) ёқимли бўлмоқ; لَمْ يَهْنَأْهُ النَّوْمُ унинг уйқуси келмас эди; هَنِئَ (*а*) هَنَاءٌ, هَنَاءَةٌ, هَنَأٌ, 1) (*бирор н. дан*) роҳатланмоқ, қониқиш олмоқ (بِ); 2) бахтли бўлмоқ; II هَنَّأَ 1) (*н. билан дир*) табрикламоқ, қутламоқ (بِ); 2) бахтли қилмоқ; V تَهَنَّأَ (*н. дандир*) роҳатланмоқ, қониқиш олмоқ, бахтли бўлмоқ (بِ)

– تَهْنِئَةٌ *кўп.* تَهَانِئُ табрик, қутлов; قَدَّمَ التَّهَانِئَ (*к. гадир*) табрик топширмоқ (إِلَى)

– مُهَنِّئٌ 1. табрикловчи, қутловчи; 2. табриклайдиган одам

– هَانِئٌ хизматкор, малай

– هَنَاءٌ бахт; қониқиш; беҳбудлик, саодатлилик; гуллаб-яшнаш; ◊ بِالْـ ~ соғлик учун!, соғ бўлайлик!

– هِنَاءٌ қора ёғ, смола, гудрон

– هَنَاءَةٌ = هَنَاءٌ

– هَنِيٌّ ёқимли, яхши (*овқат ҳақида*); самарали, фойдали, яхши

натижа берадиган; ~ـــاً مَرِيئاً! соғлик учун!, саломатлик учун!; ош бўлсин!

هَنْبَثَة *кўп.* هَنَابِثُ ـَـ ـــ اتٌ 1) оғир, қийин иш; 2) **бемаъни, асоссиз** гап, ёлғон-яшиқ

هُنْجَارِيٌّ 1. можар (венгер) ларга оид; 2. можар (венгер)

(هند) II هَنَّدَ 1) бойқуш каби қичқирмоқ; 2) (*қилич*) чархламоқ; ◊ ~ فِي الْعَمَلِ ишда хатога йўл қўймоқ

مُهَنَّدٌ ҳиндий пўлатдан (*қилич сифати*)

– هِنْدُ *шунингдек:* ~ـــ الْـ ҳиндларга (*Америка қитъасининг ерли аҳолисига*) оид; ~ـــ الْـ الْحُمْرُ ҳиндлар, қизил танлилар

– هِنْدِيٌّ 1. 1) америкалик ҳиндларга оид; 2) ҳиндий, ҳиндларга оид; اللُّغَاتُ الْـ ـــهِ الْأُورُبِّيَّةُ اللُّغَةُ الْـ ـــهِ ҳинди, ҳинд тили; ҳинд-оврупо тиллари; 2. ҳинд (*америкалик*); ~ أَمِيرْكِيٌّ ҳинд, қизил танли; ◊ الْأَرْقَامُ الْـ ـــهِ ҳинд (араб) рақамлари (*яъни. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 0*); ~ دِيكٌ ғулғул товуқ (*сўзма-сўз:* ҳинд хўрози)

– هُنُودٌ *жам.* (*америкалик*) ҳиндлар; ~ أَمِيرْكَا Америка ҳиндлари

هِنْدَبٌ *бот.* сачратқи, цикорий

– هِنْدَبَاءُ, هِنْدِبَى = هِنْدَبٌ

هَنْدَزَ 1) (*қандайдир*) тартибда жойлаштирмоқ; ўрнаштирмоқ; 2) ўлчамоқ, ҳисобламоқ; 3) инженер бўлиб ишламоқ

– مُهَنْدِزٌ инженер

– هِنْدَازَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ ـــ ҳиндоза (0,656 *м.га тенг мато узунлиги ўлчови*)

هَنْدَسَ 1) инженер бўлиб ишламоқ; 2) ўлчамоқ, ҳисобламоқ; 3) жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ

– مُهَنْدِسٌ инженер, механик; ~ الْـ التَّعْدِينِيُّ инженер-металлург; ~ الرَّيِّ инженер-ирригатор; ~ الْـ الرِّيَاضِيُّ геометрия мутахассиси, геометр; ~ الْـ الزِّرَاعِيُّ агроном; ~ الْـ الطَّيَرَانِ авиоинженер; ~ الْـ الْعَسْكَرِيُّ ҳарбий инженер; ~ الْـ الْكَهْرَبَائِيُّ инженер- электрик; ~ الْـ الْكِيمَاوِيُّ кимёгар-инженер; ~ الْـ الْمِعْمَارِيُّ қурувчи инженер, архитектор; ~ الْـ الْمِيكَانِيكِيُّ инженер- механик; ~ الْـ النِّفْطِيُّ нефтчи инженер

– مُهَنْدِسْخَانَةٌ инженерлик ўқув юрти

– هِنْدَاسَةٌ = هِنْدَازَةٌ

– هِنْدُسْتَانِيٌّ 1. ҳиндустон (тили) га оид; 2. ҳиндустон (тили)

– هَنْدَسَةٌ 1) *шун ингдек:* ~ عِلْمُ الْـ ҳандаса, геометрия; ~ الْـ التَّحْلِيلِيَّةُ аналитик (таҳлилий) геометрия; ~ الْـ النَّظَرِيَّةُ назарий геометрия; ~ الْـ السُّطُوحِ *ёки* ~ الْـ السَّطْحِيَّةُ *ёки* ~ الْـ الْمُسْتَوِيَةُ планиметрия; ~ الْـ الْفَرَاغِيَّةُ стереометрия; тавсифий геометрия; 2) инженерлик соҳаси; инженер вазифасида ишлаш; ~ الْـ مَدْرَسَةُ الْـ инженер политехника мактаби; ~ الْـ جُنْدُ الْـ *ҳарб.* инженер қўшинлари; сапёрлар, ~ الْـ جُنْدِيُّ الْـ инженер қўшинлари солдати; сапёр; 3) **план (режа) тузиш**; 4) қурилиш; ◊ ~ الْـ الْبِنَاءِ *ёки* ~ الْـ الْمِعْمَارِيَّةُ **меъморлик, архитектура**; ~ الزِّرَاعَةِ агрономия

– هَنْدَسِيٌّ геометрик, **ҳандасага оид**; ~ شَكْلٌ геометрик фигура (шакл); ~ قَلَمٌ чизмачилик қалами; ◊ ~ مَشْرُوعٌ архитектура плани (проекти)

– هِنْدُوسُ *жам.* америкалик ҳиндлар

– هِنْدُوسِيٌّ америкалик ҳинд

هَنْدَمَ 1) мувозанатли (**симметрик**) **жойлаштирмоқ**; 2) нафис, симметрик қилмоқ; 3) безамоқ, **ясантирмоқ**, гўзал қилмоқ; тартибга келтирмоқ; 4) (*тошни*) тарашламоқ; (*тахтани*) рандалламоқ; تَهَنْدَمَ 1) мувозанатли (**симметрик**) равишда жойлаштирилмоқ; 2) чиройли, нафосатли қилиб ишланган бўлмоқ; 3) ўзига оро бермоқ; кийимни тартибга келтирмоқ; ўзини тартибга келтирмоқ

– مُهَنْدَمٌ 1) гўзал, симметрик қилинган; 2) нафис; 3) тарошланган; рандаланган; 4) чиройли, **келишган**; 5) маълум даражада таъмирланган, ремонт қилинган

– هِنْدَامٌ 1) симметрия; 2) гўзал ташқи кўриниш; 3) гўзал кийим, чиройли костюм; 4) гўзал, чиройли, келишган **қадду қомат**

– هَنْدَمَةٌ симметрик жойлашиш, **симметрия**. мувозанатли. мавзун

هُنْغَارِيٌّ 1. мажор (венгер) ларга оид; ~ الْـ ـــةُ **можар** (венгер) тили; 2. можар, венгер

(هنف) II هَنَّفَ шошмоқ, шошилмоқ; III هَانَفَ тажкирламоқ, кулмоқ, кулги қилмоқ, масхара қилмоқ IV أَهْنَفَ 1) тахкирламоқ, масхара қилмоқ, 2) ғингшимоқ, ҳиқиллаб **йиғламоқ**, **йиғламоқ**; VI تَهَانَفَ = IV

هَنْكٌ 1) акссадо; 2) қўшилиб ашула айтиш

هَنْكَرَ югуриб-елмоқ, бетартиб ҳаракат қилмоқ

– هَنْكَرَةٌ елиб-югуришлик, **оворагарчилик**, бетартиб ҳаракат қилишлик

هَانِمٌ *алиф. б. қар.*

هَنَمٌ *жам.* қуритилган хурмолар

– هَنَمَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ ـــ хурмо

هَنْهَنَ (*болани*) ашула айтиб аллаламоқ

– هَنْهَنَةٌ ашула айтиб аллалаш

– هَنْهُونَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ ـــ алла, бешик қўшиғи

هَنَةٌ *ик. с* هَنَاتٌ *кўп.* اتٌ ـَـ ـــ, هَنَوَاتٌ, 1. (*майда-чуйда*) нарса, майда-чуйда; 2. аллақандай нарса

– هُنَيْهَةٌ 1) кичик нарса; 2) = هُنَيَّةٌ

هُنٌ вақт, пайт; ~ مِنَ اللَّيْلِ مَضَى туннинг бир қисми ўтди

– هُنَيَّةٌ, هُنَيْهَةٌ вақтнинг кичик бир қисми; он; حَتَّى ~ إِنْ هِيَ إِلَّا

. . . ҳеч қанча вақт ўтмай **туриб** ...; **هُنَيْهَةً** қисқа бир вақтга, бир онга

هُوَ у (*мз*); ◊ ~ أَنَا у (бу) мен; ذَا ~ ана у; ~ كَمَا у худди шундай; إِنَّ الْمَوْقِفَ لَمْ يَتَغَيَّرْ بَلْ هُوَ هُوَ كَمَا كَانَ аҳвол ўзгаргани йўқ, аввал қандай бўлса, мутлақо ўшандай турибди

– **هُوِيَّة** *кўп.* ـَات 1) моҳият, 2) шахсият; (تَذْكِرَةُ, شَهَادَةُ) بِطَاقَةُ ~ *ёки* ~ الْـ шахсий гувоҳнома; ~ الْـ رَجُلٌ مَجْهُولُ шахси аниқланмаган одам; ~ـــه لَمْ يَتَكَلَّمْ بِشَيءٍ عَنْ у ўзининг кимлиги ҳақида ҳеч нарса демади

(هوء) هَاءَ (*у*) هَوْءٌ 1) (*бирор н. га*) қувонмоқ, шод, хурсанд бўлмоқ (ب); 2) (*н. гадир*) интилмоқ, (*н. нигедир*) пайида бўлмоқ (إِلَى); ~ بِنَفْسِهِ إِلَى الْمَعَالِي у юксак кўрсаткичларга (муваффақиятларга) интилди

– هَوْءٌ мўлжал, мақсад, интилиш

I (هوب) **هَابَ** (*у*) هَوْبٌ яқинлашмоқ, яқин келмоқ

**هُوبَة** *кўп.* هُوَبٌ 1) жарлик; 2) чуқур хандақ, зовур

